

Комил Яшин

ҲАМЗА

РОМАН

ТОШКЕНТ

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
1982

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўз
Я 96

Тақризчи
ЛАЗИЗ ҚАЮМОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Рассом
ЖАВЛОН УМАРБЕКОВ

Яшин, Комил.

Ҳамза: Роман. —Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.—616
расм.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Комил Яшиннинг
мазкур романи Ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири Ҳамза Ҳакимзода
Нисийнинг жўшқин ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Яшен, Камилъ. Ҳамза. Роман.

Ўз 2

Я 70303—117
М352 (04) — 82 36—82 4702572000

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й.

БИРИНЧИ КИТОБ

ШОИР ҚАЛБИ

Биринчи қисм

БУРОН ЭПКИНЛАРИ

Биринчи боб

ШОҲИМАРДОН

Ичимда тўлқинланар алам ва фироқ,
Бу ерларда кезганди бир шоир оғам,
Қани, изларин ўпсам! —

сўйла,

ел,

кўл,

тоғ!

Ойбек

Янги Марғилон — Сим¹дан чиққач, шаҳарнинг ғарби-шимолидаги Чекшўра қишлоғи ёнидан бурилиб бир оз илгариланса, яйдоқ дашт бошланади. Ғарб ва шарққа қирқ-эллик чақиримлар чамаси узала тушиб ётган бу даштда ажриқ ҳам, янтоқ ҳам йўқ, какрадан ўзга гиёҳ унмайди, атроф худди сув қуйгандай жимжит. Уфк ғамгин, ҳадикли.

Баҳорда бу чўлларга жон киргизадиган унча-мунча гиёҳ ҳам саратон қуёшининг тафтида жизғинаги чиқиб кетади. Қиш фаслида бу ерлар айниқса хунук. Қум аралаш қор бўронлари даштни макон қилиб, қора совуқ изғиринлари чор атрофда ер ялаб изғигани изғиган. Бўрон ҳар қандай бақувват йўловчини ҳам гандираклатиб қўяди. Совуқ баданидан ўтиб, тану жонини чақади, бўштоброғи учраса шамдек қотиради. Даштни жануб томондан тўсиб ётган Калтақўл қири қадимги Риштон устидан Андижонгача чўзилиб, Фарғона водийсини иккига ажратувчи сарҳадга ўхшайди.

Йўл Ғарб томонга давом этади, унда дам оладиган, ё тунаб қоладиган манзил йўқ. Калтақўл қиридан кесиб ўтилгач, дашт уфқида қорайган бир доира кўзга таш-

¹ С и м — Фарғона.

ланади. Дастлаб у йўловчига чексиз лойқа денгиз четидаги оролдек кўринади. Аслида бу кўм-кўк дов-дарахт. «Орол»нинг Оқтош, Дамкўл, Аввал, Лоғон, Ёйилма, Каптархона қишлоқлари... Кунботарда эса Хўроз отанинг яйдоқ чўли, олис-олисларда Ямбароқ қишлоғининг қора даралари, қадимги Марғилонсой соҳилларида бир-биридан узоқ жойлашган ёлғиз қўрғонлар кўзга ташланади. Эски замонларда йўлтўсарлар, қароқчиларга макон бўлган Олойчи бойнинг тош қўрғони ҳам шу ерда. Бу кимсасиз, қутсиз хилват хароба қанчадан-қанча йўловчиларнинг мол-жонига завол бўлмаган. Мудҳиш вайрона теварак-атрсафга ҳамон қаҳр-ғазаб билан хўмрайиб турибди.

Йўлнинг бир ёнида катта қишлоқ — Навкент, жануби Водилга туташиб кетади. Навкентнинг неча минг таноблаб обод, ҳосилдор ерлари Шоҳимардон мазорига вақф қилинган, ундаги уч юз деҳқон хонадони Шоҳимардон мазори шайхларининг қоранда ва чоракорлари. Шайхлардан ақалли биронтаси на кузда қўш ҳайдаб шудгор кўтарган, на кўкламда экин экиб кетмон чопган. Улар ҳосилнинг гулини олишнигина билганлар, холос.

Шоҳимардон шайхларининг зубдаси мазор мутаваллиси Оқ эшон эди. У ўлгандан кейин ўғли Миён Қудрат, сўнгра унинг узоқ қариндоши Шайх Исмоил, Хуррамбой, Бузрукхўжага ўхшаганлар ҳар йили кузада минг ботмонлаб буғдой, жўхори, макка ва бошқа дон-дунни омборларига боса беришган, тоқларда тирсиллаб пишган қаҳрабо узумлардан кажава-кажава уздириб («пашрий») мусаллас солдирганлар.

Навкентдан чиқшингиз билан Водилнинг дарахтлари қорайиб кўринади. Назарингизда манзилга етгандек бўласиз. Лекин, йўқ, ҳали Зикир ота ҳовузи, унинг ёлғиз қўрғонидан ўтишингиз, сўнгра Марғилон кўчаси билан яна етти-саккиз чақирим йўл босишингиз керак. Шундан кейингина, ўзингизни Водилнинг қоқ ўртасидаман, десангиз бўлади.

Водил — қадимдан бозори қишлоқ. Бу ерда, ҳар душанба куни ниҳоятда гавжум тирбанд бозор бўлади. Майдон атрофидаги икки қаватли дўконлар, савдо расталари шу ерлик бойларники. Савдо-сотих ҳам Водил бойлари ва Шоҳимардон шайхларининг жарақ-жарақ ақчалари билан авж олади. Бу ернинг доҳи кетган Исфара ўриклари-ю, аштак-паштакларидаги улар Россияга вагон-вагон жўнатишади. Сим, Марғи-

лон, Андижон, Наманган шаҳарларидаги карвонсаройлар, катта-катта савдо дўконлари буларнинг нафсларини қондиролмайдиганлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Деҳқон ёки боғбон бозорга олиб келган важини кўтарасига наридан-бери сотади-ю, кам-кўстини харид қилиб, тирикчилигига шошилади. Ўз молининг бошқа бозорларда икки-уч баробар ортиқ баҳода сотилиши етти ухлаб тушига ҳам кирмайди.

Водил ерлари Шоҳимардонсойдан сув ичади. Сув бошқа жойларга ҳам худди шу ердан тақсимланади. Саккиз кун Марғилон билан Симга, саккиз кун Чимён, Миндон, Хонғиз, Олтиариққа оқади. Шунинг учун ҳам сув одам қонидай азиз. Теварақдаги қишлоқларнинг тақдири Водилдан тақсимланадиган сувга боғлиқ бўлганлигидан, бу ерга бойлик ҳам сувдек оқиб келади. Мана шу беҳисоб бойликларнинг ҳузур-ҳаловатини яна ўша бойлар, корчалонлар, мироббошилар, шайх-эшонлар кўради.

Водилнинг яна бир «устулиги» — Олойдан Фарғона водийсига келадиган қўйфуруш савдогарларнинг Ёзорақозиқ, Исфайрам доволаридан ўтадиган савдо йўлида жойлашганлиги. Водил бойлари ўзлари ҳам катта қўйжаллоб ҳисобланганлар. Улар ҳар йили Сим, Марғилон, Андижон, Қўқон бозорларига минг-минглаб қўй келтириб, хуржунларининг кўзини олтин, кумуш тангалар, қоғоз пуллар билан тўлатиб кетишади.

Водилдан Шоҳимардонга Пўлган, Бўстон кўчалари билан чиқиб борилади. Бу кўчалар Шоҳимардон сойининг икки ёни билан бориб, Онхўр қишлоғига туташади. Онхўр сойдан ўтгандан кейин янтоқ, шўра, ажриқ, какра босиб кетган Қадамжойнинг дашти бошланади. Дашт ўртасида кимнингдир меҳнати билан экилиб, ёмғир суви билан кўклаган якка туп қайрағоч узоқдан кўринади.

Қадамжойдан кейин тоғ ораси бир оз кенгайиб, Жийдалик, Қўтир булоқ, Ёмон жар, Лангар деган жойлардан ўтилади. Кейин йўл ғарбга бурилиб, Ўҳна қишлоғи, ундан Сартола дашти — Сўх томонга кетади. Сўх билан айланиб Қўқонга ҳам бориш мумкин.

Ўҳна оғзидан Шоҳимардон сойи бўйлаб жанубга — тоғлар ораси билан юрилса, Лангар қишлоғига борилади. Кета-кетгунча яккам-дуккам лойсувоқ томлар, деворлари тўкилай деб турган пастак уйларни кўравериб, дилингиз хира тортади. Бу жойда шайх Миён Қудратнинг отаси Оқ эшоннинг ўрдаси бор. Оқ эшон

Худёرخон вақтида хўп давр сурган. У Фарғона водийси, Ўш, Обширдан тортиб шу ерларгача ҳукмрон бўлган уламнинг пешвоси эди. Мол-мулки беадад, қўй-эчки, қорамол, йилқи-туяси ҳисобсиз бўлганидан, бир вақтнинг ўзида неча минг кишини отлантиришга, уларни озука билан таъмин этишга қурби етарди.

Теварагингизни қуршаб олган бу ажиб манзара — тоғ-тош, паст-баланд қирлар орасидаги кўм-кўк арча, ёнғоқ, олча, жийда дарахтларига кўмилиб ётган, бирибирига тутшиб кетган қишлоқлардан ҳар бирининг ўз тарихи, бошидан кечирган дард-алами, ўзига хос кўрки, дилнавоглиги, чашмалари, теварак-атрофга салқин ҳаво уфуриб турган роҳатбахш шабадаси бор. Томларга босилган пичану қинғир-қийшиқ деворларга ёпилган таппилар, тошдан-тошга сакраган улоқ-қўзиларни-ку, қўяверасиз. Оҳу кўз, ой чеҳра, дурқун, дилкаш қизлари-ю, ўктам, алпқомат, қарчиғайдек ўткир йигитларнинг таърифи эса бутун водийга кетган.

Шоҳимардондан кейин Ёрдон, Қорашўра, Қора қозик доволари орқали Помирга йўл бор. Қора доvon, Томоша, Қоракўл орқали Исфайрам дарасига, ундан довон ошиб, Олой орқали Тошкентга ҳам ўтса бўлади...

Олой... Кўм-кўк сизот ўтлоқлар, йилқи, қулунлар... Жаннатдек макон. Довон орқали эл турадиган жойларга етиш учун бир юз эллик чақирим йўл босиш керак. Лекин битта от йўли бор, холос. Шу тор йўлдан Афғонистонга ҳам ўтса бўлади, дейишади.

Шўх Оқсой Қора қозик доvonидан Дува дараси ора-лаб келиб Чаккатомардан ҳарсанглар аро шиддат билан отилиб чиқади. Чиқади-ю, сутдек кўпириб пастга югуради. Кўк сой эса — Кўли Қуббондан. Бу икки сой Шоҳимардонда кўшилади. Сой ёқасида турсангиз баҳри дилингиз очилиб кетади. Баъзан сув тагида бири-бирига урилаётган тошларнинг гулдур-гулдуридан юрак увишади. Бағридан муздек булок сувлари аримайдиган Куйинди, Шаланг тоғлари ҳам кўриниб туради. Чўққилари оппоқ қор билан қопланган Қорли, Қизилқўрғон, Дарак, пастроқда эса Қорачўққи тоғлари. Бу тоғлашунчалар юксакки, устидан бургут ҳам юраги ўйнаброқ учса керак.

Мозор — Бўкон тоғининг ёқасида. Унга пастдан икки юз эллик уч муқаддас тош зинани босиб чиқилади. Хонақоҳ, дахма олдидаги майдонда тумонат одам: эр-как-аёл, бола-бақра, қари-қартаг. Биров букри, биров шол, биров қийшиқ, биров шилпиқ... Ким боласини

етаклаб, ким отаси ёки онасини опичлаб келган. Бировнинг хотини туғмайди, бошқасининг боласи турмайди, биров ўғилга муҳтож, биров қизга. Хуллас, ҳар кимнинг ўз ҳожати, илинжи, дарди бор. Уларни бу ерда ана шу бировга айтмай, сир тутиб юрилган дарду илинжи олиб келган. Шунинг учун ҳам кўзларига ҳеч нарса кўринмайди, «Имонимни бақувват қил, худо!» дея зўр ихлос билан юқорига кўтарилади, бола-чақаси голиқса ҳам, емай-ичмай орттирганини олиб келиб шайхлар оёғига тўкади.

Бир пайт дахманинг нақшинкор, қўшқанот, залварли эшиги очилиб, эллик ёшлар чамасидаги Миён Қудрат аста чиқиб келди. Бир қўлида оқ, кўк, қизил ва сариқ латтадан ясалган туғ, иккинчи қўлида гулдор ҳасса, қаҳрабо тасбеҳ, бошида оппоқ салла, эғнида қора мовутдан авра камзул, унинг устидан банорас тўн кийган. Оёғидаги амиркон кавуш-маҳси ярақлайди. Бармоқларида гавҳар кўзли узуклар, келишган баланд қомадини ғоз тутиб, виқор билан юриб келаркан, йирик-йирик қуралай кўзлари издиҳомни бир сузиб чиқди. У одамларга яқинроқ ерда тўхтади, кўзларини юмиб, нималарнидир пичирлади-да, куф-суф қилиб, атрофга дам солди. Унинг ҳар бир ҳаракатида аллақандай сир бордек, қараган одамни гўё сеҳрлаб, ўзига ром қиларди.

Ундан бир оз нарироқда нолазан замзамапардоз Ҳофиз китобини чаккасига қўйиб, Алининг таъриф-тавсифини қила бошлади. Жазавали мадҳу сано кишиларнинг руҳини ларзага келтириб, кўнгилларини вайрон қилиб юборадиган даражада мунгли эди.

Зиёратчилар орасида турган Ибн Яминнинг кўзларидан ёш оқа бошлади. У саккиз ёшлар чамасидаги ўғил болани билагидан маҳкам ушлаб олган. Атрофдаги воқеаларни ҳайрат билан кузатиб турган бола отасининг йиғлаётганини кўриб, кўзига ёш олди, нега бундай қилаётганини ўзи ҳам билмади. Лекин у қўлида рангин ҳасса тутган ҳалиги чиройли кишига кўнглида меҳрга ўхшаган туйғу уйғонаётганини сизди. Унга узоқ тикилиб қолди. Юзларидан нур ёғилиб турган, озода, ҳар бир ҳаракатида аллақандай афсонавий тилсимот аксланган бу одам ёқиб қолди чамаси, унга камоли ҳурмат билан яна бир ҳавасланди. Ҳофиз мадҳидаги Али гўё шу одамнинг ўзгинаси эди. Боланинг бошидаги кокил шу одамга назр қилинади...

Қўқонда Ҳакимча табиб номи билан танилган Ибн Ямин ўғлининг кокилини қирқтириш учун поездга миниб Марғилонга, сўнг арава кира қилиб Шоҳимардонга олиб келди ахир. Ўғлининг Миён Қудратга маҳлиё бўлиб турганини кўриб, ота ҳам мамнун жилмайиб қўйди, елкасига қоқди.

— Бор, ўғлим, бор, — деди, — эшон бувангни зиёрат қил, у кишига олиб келган назр-ниёзларимизни ўз қўлининг билан топшириб, дуоларини ол!

Боланинг хаёли шу топда қуёшнинг олтин тиглари санчилиб турган баланд гумбазда, азим чинорнинг кўркини бузиб, тўғри келган ерига танғиб ташланган юз хил латта-путта, зиёратчиларнинг ўз тиллари билан айтганда, аламлар, туғлар, қўчқор шоҳларида эди. Бола отасининг гапидан ўзига келиб, Миён ҳазратнинг олдига дадил юриб борди-да, беихтиёр равишда унинг оёқларига йиқилди. Кейин ўрнидан дарҳол турди.

Назр-ниёзни жажжи қўлларида узатганча ерга тикилиб тураверди. Кўзларидан ёш оқди.

— Мана бу туғни ҳазрат Али Карбало даштида кофирларга қирон келтирганларида кўтариб чиққанлар. Яқинроқ кел, муқаддас туғни ўпиб, кўзингга сурт, болам, — деди шайх. Ҳамза унинг амрини итоаткорлик билан бажарди.

Исмоил махсум деган киши унинг қўлидан бир халта кумуш тангани олди. Ҳазрат эса боланинг бошини силаб, ёқимли сўзлар билан дуо қилди:

— Баракалло, ўғлим, туя ҳам назр, тугма ҳам... Сени шери даргоҳ қўллаб, камарингдан маҳкам тутгайлар. Оллоҳу акбар!

Ибн Ямин ҳам кафтларини очиб пичирлади:

— Иншооллоҳ, иншооллоҳ! Эй парвардигори олам, ўғлим Ҳамзахоннинг умрини узун, иқболини баланд, ризқини мўл қилгайсан.

Ҳамза қийин бир иш бажаргандек енгил тортди. Отасининг олдига чопқиллаб кетаётганида яна шайхнинг бўғиқ овозини эшитди. У халойиққа мурожаат қиларди:

— Замоннинг турқи ёмон, қиёмат-қойим яқин, йиғланглар, мўминлар! — у овозига ҳазинлик бериб, сўфий шоирлардан бирининг панд-насиҳатдан иборат газалини ўқишга тушиб кетди. Ҳазални шундай қироат билан ўқирдики, сомелар кўзларида ёш, бўйинларини ҳам қилиб тинглар эдилар. Бу ҳазални саккиз яшар

Ҳамза ҳам жон қулоғи билан тинглади, қалбига жо қилиб олди. Кейин, эшонга тақлид қилиб, фикран так-рорлади:

Ким сенга қилса зарар, урса пичоқ,
Яхшилик қил, сен они қилгил қучоқ,
Ким ёмонлик қилса, сен қил яхшилик,
Яхшилик қил, яхшилик қил, яхшилик!

Ғазал тўлалигича ўз қалбига кўчиб, хотирасида маҳкам ўрнашиб қолганидан ўзида йўқ себиниб оғзининг таноби қочди. Ўғлини зимдан кузатиб турган Ибн Ямин унинг кўнглида содир бўлган ҳозирги ўзгаришни билмаса ҳам, юзига тепган қувонч аломатларини кўриб, ўзидан ғоятда мамнун бўлди.

Миён Қудрат ҳазрат бир лаҳза жим бўлиб, оломонга кўз югуртириб чиқди. Кейин бирдан жонланди, чинорга ишора қилиб, давом этди:

— Олло таолонинг Шери даргоҳи ҳазрат Алининг Шоҳимардонга инояти беқиёсдир. У ҳазратнинг равзаи поклари шуҳратини оширмоқ учун мана бу дарахтга мўъжиза ато қилди. — Ҳамма сергак тортди, унга қулоғини тутиб жим қолди. Бу ҳолатдан фойдаланган шайх сўзига пардоз бериб, давом этди: — Яъни фарвандталаб ожизалар ҳазрат Алининг руҳларини шод қилсалар, савоб йўлида мол-жонларини аямай, ушбу дарахтни ихлос билан қучсалар, уни тавоф қилсалар, иншооллоҳ муродлари ҳосил бўлғай. Ихлос — халос, дебдурлар...

Оломоннинг ичидан бир неча паранжили аёл унинг олдига чиқиб тиз чўкди. Назру ниёзларини оёғи остига тўкиб, дуо қилишини илтижо билан сўради. Миён Қудрат лаблари пичирлаб, нималардир деб, юзига фотиҳа тортгач, ҳалиги аёллар ўринларидан туриб бориб, ўша йўгон дарахтни бирма-бир қучоқлашди.

Ҳар ким ўзи билан ўзи овора, биров билан бировнинг иши йўқ. «Иши битиб», майдоннинг бир чеккасидан пастга оқиб тушиб кетаётганларнинг ҳам, бир томондан оқиб кириб келаётганларнинг ҳам ҳисоби йўқ. Майдондаги оломон камаяётибдими — кўпаяётибдими, билиб бўлмасди.

Мақбара томондан киши кўнглини эритадиган ёқимли бир овоз эшитилди. Қандайдир бир қори ўзининг хуш овози билан шундай тиловати қуръон қилдики, Ҳамзанинг назарида ажиб бир куй қалбига кириб, ву-

жудини ларзага келтириб юборди. Қўнгли ташна эди, лекин нимага ташналигини илгари билмасди. Кутилмаганда ушбу тиловатни эшитди-ю, ўша ташналиги қонгандай бўлиб, унда, нималигини ўзи ҳам билмайдиган туйғулар уйғониб, уни оний муддатга афсонавий олам сари учириб олиб кетди, у ўша хушовозга маҳлиё эди. Бошқалар ҳам қори қироат қилаётган томонга қараб михланиб қолгандай жим туришарди. Шу пайт икки одам замбилда ётган бир болани кўтарганча оломон сафини ёриб ўтиб, замбилни эшоннинг олдига аста қўйди. Замбилдаги бемор Мебуванинг ўғли эди. Олтмишдан ошган, қотма гавдали, қорача бурушик юзининг ёноқлари туртиб чиққан, қомати баланд Мебува дадил бориб эшоннинг оёғига йиқилди-да, йиғлаб: «Худо хайрингизни берсин, пирим! Пешонамда ёлғиз шу биттаю битта фарзанд. Дардига даво истаб бормаган ерим колмади. Энди ўзингиздан бўлак илинжим йўқ», дея арз қилди-да, Миён Қудратга илтижо билан умидвор кўзларини тикканича жим қолди. Шайхнинг юзларида ҳеч қандай ўзгариш сезилмасди. У лоқайдлик билан замбил олдига бир-бир босиб келди, беморнинг манглайига кафтини қўйди. Унинг тобора нурсизланиб бораётган кўзларига узоқ тикилиб турди, кейин ҳамон тиз чўкиб, йиғлаб турган Мебуванинг маъюс юзига синчиклаб назар ташлади. Юзига аллақандай тушуниб бўлмайдиган тус бериб, бир хўрсиниб қўйди-да, унга деди:

— Иситма ангиз қилган. Вақт ўтибди! — деди у.

Бу даҳшатли гапни эшитибоқ Мебуванинг оёқ-қўли бўшашиб, ерга ўтириб қолди. Бир лаҳза эс-ҳушини йўқотиб, эсанкираб турди-да, кейин: «Нажот беринг! Бу сизнинг қўлингиздан келади», дегандай эшонга қараб, хира кўзларини ғилтиллади. Шайхдан ҳадеганда яхши гап чиқавермади. У мана шу оғир вазиятни атайлаб чўзиб, орадан бир муддатни ўтказди, ота ўзини ташлаб юборишига келганда, Миён Қудратнинг юзида умид учқунларини ифодаловчи ўзгариш аксланди.

— Лекин ҳали ҳам бир чора бор, — деди у салмоқланиб. — Фикри ожизимча, қаландар, дарвишлар зикр тушиб дам урсалар, беморингизнинг дарди бери қараб қолса ажаб эмас. — Кейин «бунга розимисиз», дегандай чолга маъноли тикилди.

Шайхнинг: «Лекин ҳали ҳам бир чора бор», деган калимасидан кейин чолнинг назарида бемор акса уриб ўрнидан туриб кетаётгандай туюлиб, «хўп» дея бош ир-

гади. Шайх Миён Қудрат дарвишларга мурожаат қилди:

— Ҳой худонинг эрка бандалари! Бу ерда ёзуқла бир бандаи мўминнинг бемор фарзанди жон баҳаққи таслим қилиш олдида турадур. Зикр тушиб, лашкар йиғсак, унга қўниб, кўнглини беҳуд қилаётган инсу жинс, деу парилар асоратидан шояд фориг бўлса.

Қария ҳамёнини белидан олиб, Миён Қудратга узатди. Унинг кўзига шу топда ҳеч нарса кўринмас, ўглининг саломатлиги учун ҳатто жонини тикишга ҳам рози эди!

— Майли, мен рози. Айтганингиз бўлсин,— деб шайх Миён Қудратга қайта-қайта таъзим қилди.

Шайх Миён Қудрат виқор билан қўлини кўтариб, ҳавони кесди. Олағовур бир лаҳзада тинди. Шайх Миён Қудрат пайтдан фойдаланиб, хирқапуш дарвишларни имлади. Эгниларида қуроқ жанда, бошларида яғири чиққан учли қулоқ, белларида кашкул, қўлларига хилма-хил латта-путталар боғланган эгри ҳассали дарвишлар шайхнинг салгина ишораси биланоқ беморнинг агрофига ёпирилиб келишди. Уларнинг важоҳатини кўриб, гўдак Ҳамзанинг юраги орқасига тортиб кетди, отаси Ибн Яминнинг пинжига тиқилди. Лекин икки кўзини «олабўжи» дарвишлардан узмади.

Бўйни ингичка, калласи катта, шалпангқулоқ бир дарвиш ҳаракатга келиб, беморнинг атрофида «Ё-ҳув! Ё ҳақ! Ло илоҳа иллоллоҳу!» деб жазавага тушиб айлана бошлади. Унга бошқалари қўшилишди. Зикри жаҳр бошланди. Манзара тобора даҳшатли тус ола борди. Улар устиларидаги кийимлари, наमतга ўхшаб қолган сочлари, патак соқоллари, бу хатти-ҳаракатлари билан одамдан кўра, кўпроқ афсоналардаги алвастиларга ўхшаб кетишарди. Ҳамза бу даҳшатли манзарани ҳамон кузатиб, кўзларини катта-катта очганича тошдек қотиб қолган, тили калимага келмас, қочишга ҳам мажоли етмас эди. Уларнинг ғайриинсоний ҳаракатлари, ваҳшиёна овозларидан ташқари афт-башараларига қарашнинг ўзиёқ ҳар қандай одамнинг кайфини учириб юборар, бунинг устига ер тепиб беморнинг атрофида тобора жазавага тушиб гир айланишларидан қўрқинчли бир манзара ҳосил бўлган эди. Беморнинг эса кўзлари нурсизланиб борарди. У бир маҳал алаҳсираб, нимадир деди; кейин гўлдираб турди-да, инграб юборди. Чамаси, бу алвастилардан ўзини олиб, қочишга уриниб, сўнгги мадорини ишга солишга интилиб, бир-икки

чиранди, оғир хўрсингандай «куҳ» деб овоз чиқарди-ю, бирдан «шилқ» этиб боши чап томонга қўйша-йиб, жимиб қолди.

Буни кузатиб турган қария бир лаҳза олазарак бўлиб тургач, ўзини ўғлининг устига ташлаб, фарёд кўтарди.

— Отанг ўлсин, болам! Отасининг гўрига тушган болам! Бу шумхабарни онанг эшитса қай аҳволга тушади?! Не-не умидлар, яхши тилаклар билан сени бўерга жўнатган эди онаизор... Водариг! Водариг!..

Бечора Мебуванинг боши чўяндек оғирлашиб, юраги гуп-гуп уриб, қулоқлари чип битди-қолди. Дарвишларнинг аста-аста тарқалиб ғойиб бўлаётганларини ҳам, зиёратчилар бир-бирларига ҳайрон бўлиб қараб қолишганини ҳам сезмади. У ҳамон дод соларди:

— Оҳ, болам, энди нима қиламан? Онангнинг юзига энди қандай қарайман, нима дейман унга, қариликда тиргак бўларсан, деган эдим, болам. Сенинг ўрнингга мени олса бўлмасмиди худо? Эй худо! Сенда адолат бўлса, менинг тобутимга мана шу новда тушармиди, худо? Тавба қилдим. Мен осий бандангнинг гуноҳларини кечир, худо! Болам, болам, болам!

Мебуванинг жон аччиғида худога «қаттиқ тегаётгани» шайх Миён Қудратни ранжитди чамаси, унинг чакка томирлари бўртиб, юзи бўриқиб, қовоғи уюлди.

— Куфру залолатга кетма, гумроҳ банда! Алининг қиличига топшираман,— деди у жаҳл билан. Кейин иложи борича юмшоқ гапиришга уриниб, насиҳат қилиб қўйди.— Ғойибнинг ишини бандаси билмайди. Гўдакнинг ризқи тугаб, куни битган. Тақдири азалда битилгани шундай бўлгач, на чора! Бандалик экан...

Улимнинг элчиси келди, қочайлик боғу бўстонга, 20
Қочган билан қутулмайсан, кўзинг ташла гўристонга.

Бу ўлим барчанинг бошида бор савдо. Худонинг балосига сабр қилиб, қазосига рози бўлмоқдан ўзга чора йўқ. Йиғи-сиғи энди фойда бермайди. Каломи Шарифда ёзилишича, йиғи-сиғи олло таоллонинг иродасига қарши бориш билан баробар гуноҳдир...

Кимники, толе гиламини тўқиб эркан қора, 20.1
Кавсару зам-зам суви бирлан оқартирмоқ маҳол!

Муқаддар, яъни тақдирга тан беришдан бўлак чораси йўқдир бандасининг.

Лекин Мебуванинг қулоғига Миён Қудратнинг бу манд-насиҳатлари кирмасди. Бирдан у телбаланиб шайх томон бостириб бора бошлади. Миён Қудрат эса, унинг авзойини кўриб, орқасига чекинди. Мебува рўпарасида турган Миён Қудратга тешиб юборгудай қилиб тикилди. Бу манзарани кўриб турган халойиқ бир лаҳза ҳаяжонга тушиб, саросималаниб қолди. Шу пайт тўдадан уч-тўрт киши олдинга ёриб чиқди-да, Мебуванинг йўлини тўсди. Мебува бутун ғазабини йиғиб шайх Миён Қудратга қичқирди:

— Уғлимни ўлдирдингиз, шайх. Мен гўл бўлмасам сизга ишонармидим, қотил!

Миён Қудрат бир сапчиб тушди. У кутилмаган «қотил» деган сўздан бир дақиқа ўзини йўқотиб қўйди. Кейин ҳушини йиғиштириб олиб, жунбишга келди, чақчайган кўзлари билан қарияга даҳшатли ўқрайди:

— Сен аслида шаккок, ботиний кўзларинг очилмаган, яхшилиқни билмайдиган бадбахт одам экансан. Товушингни ўчир! Бу азиз даргоҳ машмашаю ғавғони кўтармайди! Сен бўлсанг, муртадлик қиласан? Олло таоло ҳар кишининг феъл-атвориغا яраша кўрсатаверади. Мана, сенга ҳам кўрсатди. Мозорга тил теккизишга қандай ҳаддинг сиғди, муртад?!— У тобора авжига минарди, гоҳ-гоҳ оломоннинг авзойига ҳам ер остидан қараб қўярди. Кўнглига келган оғир гапни айтишга бир муддат иккиланиб турди, кейин зиёратчилар ўзининг гапларига хайрихоҳлик билан қараётганликларидан таскинланиб, уни шартта айтиб юборди;

— Сен ҳозир гуноҳи азимга ботдинг! Бу гуноҳинг учун эса сенга сангсор лозим!— деди ва ўша онда оломонга юзланиб ҳайқирди.— Мусулмонлар, бу шаккокни сангсор қилинглар! Ҳар бир отган тошингиз туфайли охирагингиз обод бўлур.

Оломон бу гапдан бир қалқиб тушди, тоғдан тош қулагандай гулдираб, сергак тортди. Бўйнида бир суямча яраси бор қийшиқ дарвиш ерга энгашиб, қўлига тош олди. Қолганлари ҳам унга эргашишди-да, тошни кафтларарида маҳкам қисиб, отишга шай бўлиб туришди. Шу пайт ёш боланинг жон аччиғида кўтарган фарёди оломоннинг диққатини ўзига тортди.

— Йўқ, йўқ! Бу бобога тош отманглар!

Бу ҳодисани бошдан-оёқ диққат билан кузатиб турган Ҳамза чолнинг гуноҳи нималигини ҳеч билолмай ҳайрон эди. Бечора чолнинг аянчли аҳволига юраги ачиб, раҳми келганидан ҳамдард бўлгиси, ёнида туриб

Йиғлашгиси келди. Уни «сангсор» қилиш ҳақидаги буйруқни эшитди ю, бадани жимирлаб кетди. Ўзини тутиб туролмай, қичқириб юборди.

У қаттиқ изтироб ичида югурганча бориб, нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, ҳалиги чолни маҳкам қучоқлаб олди.

Ибн Ямин эса, кутилмаганда рўй берган бу ҳолдан ўзини йўқотиб, салласи чувалиб ўғлининг кетидан ҳаллослаб чопар экан, ҳадеб бир сўзни такрорлаб, уни чақирар эди:

— Уғлим, қайт орқангга! Қайт, Ҳамза! Орқангга қайт дейман, Ҳамза! Белагинам!

Ибн Ямин чолнинг тиззасидан маҳкам қучоқлаб турган ўғлининг тепасига бориб, билагидан ушлаб ажратаётганида Миён Қудрат ҳазратнинг ҳайкиригини эшитиб, уни қўйиб юборди. Унинг ранги бўздай оқариб кетган, аъзойи бадани қалт-қалт титрар эди. Ибн Яминнинг кўз олдини қоронғилик босди, оёқ-қўли бўшашиб, ерга ўтириб қолди. У жонидан умидини узган, лекин ўғлини қизганар, уни ҳозир ёғиши мумкин бўлган тош бўронидан қандай эҳтиёт қилишни ўйлар, лекин қимирлашга мажоли етмаётганлигидан лол бўлиб турарди.

Миён Қудрат қулай фурсатдан фойдаланиб қолиш пайти келганини фаҳмлади.

— Айюҳаннос, халойиқ!— деб қичқирди у.— Мақом ҳайратда қолдим. Ҳазрат Алининг марҳамати улуг, шу норасида, шу бегуноҳ гўдакнинг илтижосини Шери даргоҳ даражаи қабулга олдилар. Менга пирим башорат кўрсатдилар. Бор, осий банда, йўлингга бор! Халос бўлдинг!— деди-да, оломонни зимдан кузатиб чиқди.

Бу гапдан оломон гув этиб, бир тўлғониб олди. Ҳамма бирданига беихтиёр суратда шайхга тақлид қилиб қўлини фотиҳага счди. «Омин!» деди эшон, оломон ҳам «Омин!» деди гулдираб. «Шу боланинг умри узок, ризқи баланд бўлғай! Оллоҳу акбар!» Ҳамма юзига фотиҳа тортди.

— Ибн Ямин!— дея хитоб килди шайх Ҳамзанинг отасини олдига чақириб. У ҳам шитобан югуриб борди. Миён Қудрат ҳазрат унга қараб маъноли жилмайиб қўйди-да, қулоғига яқин бориб атрофдагилар эшитмайдиган қилиб шивирлади:

— Художўй, солимзавқ, хужастарой табибсиз... Ҳурматингизни қилиб, ўғлингизнинг гуноҳидан ўтаман. Бўлмаса, мана бу шаккок чол билан қўшиб санг-

бўрон қилдирардим. Ҳа, Қўқонга боргач, уни чилёсин қилдириб ўқитиб ташланг. Жин тегибди унга... Тез-тез қулоғидан чўзгилаб туринг. Тагин катта бўлганида бола эмас, бошингизга бало бўлиб юрмасин.

Ибн Ямин нима дейишга сўз тополмай, бир муддат довдиради, кўзини ерга тикиб нималарнидир гўнғиллади:

— Садағангиз кетай, пирим. Унинг гуноҳидан ўтинг, ҳали бу бола-ку... Эси йўқ бир гўдак... Айтганингизни, албатта, бажо келтираман. Муборак нафасингиз тегди унга. Худо хоҳласа ўғлим аҳкоми шаърия, шариасти набавиянинг ҳомийларидан бўлгай, ундан умидим зўр, пирим.

Ибн Ямин унга таъзим қилиб, яна бир халтачада ақча узатди. Шу пайт қаердандир пайдо бўлиб қолган Исмоил махсум халтани чаққонлик билан олиб, хинжирига тикди...

Қўшхонага келиб тунашди. Қуёш чўққиларга илинган заррин этагини йиғиштириб олди. Тун. Ҳамма уйқуда, фақат Ҳамза ўзини шунча зўрласа ҳам, ухлолмас, энди кўзи илинди дегунча, замбилда бемажол ётган ҳалиги боланинг нурсиз башараси, унинг атрофини ўраб олган рўдаполар кўз олдига келар эди-да, уйқусини қочиб юборарди. Ҳамза тун бўйи мижжа қоқмай чиқди. Ётган жойидан гоҳ-гоҳ ташқарига қараб қўяди. Ҳамма ёқни тун ўзининг қора чодирини ичига олган, ҳеч нарсани илғаб бўлмас, негадир шундай баҳайбат тоғлар ҳам кўринмас, улар ҳам худди тун қаърига сингиб кетгандай эди. Алламаҳалга бориб, табиат ниҳоят чироғини ёқиб, само саҳнига илиб қўйди. Бу кеча жуда катта чиққан ойнинг оқ олтин гардиши кенгайиб, тоғлар тархини ажратиш мумкин бўлди, юлдузлар ҳам энди яқинроқ келиб, жилва қила бошлади. Ҳамзанинг қулоғи остидан бечора чолнинг «Болам-ей» деб бўзлаши ҳеч нари кетмасди. Кўзини юмса бас, Миён Қудрат ҳазратнинг кийимларини кийиб, салласини ўраб олган, айиқ бўлиб айиқ эмас, бўри бўлиб бўри эмас, аллақандай сўйлоқ тишли бир махлуқ рўпарасига келиб туриб олаверади. Ҳамза қўрқиб кўзини очиб юборади-да, отаси ётган жойга қараб қўяди. Унинг пишиллаб ухлаб ётганини кўриб, кўнгли тинчланади. У шу алфозда узқ ётди, ой қоя орқасига ўтиб кетгач, кўзи илинди.

...У ўзини аллақандай бир сайхонликда кўрди. Ҳамма ёқни одамлар босиб кетган. Уларнинг кўпи майибмажруҳ. Ҳаммаси бўйи қоятош билан тенг баҳайбат

одамга топинар, унинг оёқларига ўзини ташлаб, барларини юзу кўзларига суртишар эди. Ҳалиги одамга тикилиб қараган эди, у тош экан. Кийимлари ҳам тош! Ҳамза одам тусидаги бу тошга топинишни ўзига раво кўрмади. Шу пайт тош орқасидан бир гала алвасти чиқиб, девлар бошчилигида унинг устига бостириб келишди-да, чангалларини кифтига ботириб, осмонга олиб чиқиб кетишди. Бир маҳал тубсиз жар ёқасига бориб пастга ташлаб юборишди. Девлардан биттаси учиб келиб, уни елкасига миндириб олиб, кейин шериклари олдига олиб борди. Улар уни тоғ чўққисига олиб чиқиб, каттакон тош тагига бостириб қўйишди. У тош тагидан чиқишга бор кучи билан кўп уринди, лекин чиқолмади. Алвасти, девлар унинг бу ҳолатини лоқайдлик билан томоша қилиб сўйлоқ тишларини кўрсатиб, ваҳшиёна қаҳ-қаҳ уриб, ажива қилиб, атрофида доира бўлиб айланишарди. Баъзан «Ху! Ҳа! Ийи! Уҳҳа!» — деб оғизларидан унга олов пуркашарди. Оғзидан ўт сочиб ғазаб қилаётган шохдор дев бирдан ҳўкизга айланиб қолди. Найзадек ўткир шохларини унга тўғрилаб, кўзлари косасидан чиқар даражада олайиб хуруж қилиб кела бошлади. Ҳўкиз пишқириб келиб, энди сузаман деб турганида шохлари гажак қўчқорга айланиб қолди-да, Ҳамзанинг устидаги тошни бир калла қўйиб пастга учуриб юборди. Шу пайт ўнгириллардан қоплонлар, бўрилар галаси хезланиб чиқиб ҳалиги қўчқорга ҳамма қила кетди. Ҳамзага эса тегишмади. У бир чеккада турарди. Қўчқор йиртқичларни писанд қилмади, лекин баҳайбат бир бўриларга қараб ўкириб, «тошбўрон қилинлар», деб буюрди. Йиртқичлар қўчқорни тошбўрон қилишаётган эди, у тилга кириб, Ҳамзадан паноҳ тилади. У ҳам иккиланиб ўтирмай, югуриб борди-да, қўчқорни пана қилди, ғизиллаб келаётган тошларни ҳавода ушлаб қолиб, ўзларига қарата ирғита бошлади. Йиртқичлар чекинишди. Ҳамза тепасига қараса соқоли кўксига тушган нуроний бир чол қон йиғлаб туриб унга хитоб қиляпти: «Мард бўл, ўғлим, бўй эгма, тик қара, қоқиндинг, ётма, тур, ўғлим, қаддингни тикла!» Ҳалиги йиртқичлар қоятош орқасидан мўралашиб, унга қараб тилларини чиқариб, тишларини қайраб, тиржайиб кула бошлашди. Шу пайт уларнинг олдини ҳалиги арслон тўсди-да, Ҳамзага қараб ўкирди: «Қоч, қон бўласан! Сен болага ким қўйибди қўйни ҳимоя қилишни! Хо-хо! Ха-ха-ха!» — Арслон уни емоқчи бўлиб сапчиди, унинг

огир панжаси елкасига қаттиқ урилди. Шу пайт босин-қираётган Ҳамзанинг кўзлари ярқ этиб очилиб кетди. Тепасида унга дам солиб ўтирган отаси Ибн Яминга кўзи тушиб, енгил тортганидан чуқур хўрсиниб қўйди...

«Худо сени менга кўп кўрмасин, болам, мазорга аталган кокилинг назру ниёзларини, мана, шайхларга бердим. Ҳазрат Али Шоҳимардон пирим қўлласин-у, йигит бўлиб қийқириб юрган чоғларингни кўрай, ширин-шакар невараларимни елкамга миндириб ўзим катта қилай, худо хоҳласа, сени мадрасага бериб ўқитаман. Зора катта мударрис ёки бу улуғ мазорга бир куни ўзинг эшон-шайх бўлиб, шариати набавия йўлида хизмат қилсанг... «Ё сарвари коинот, мендай гуноҳкор, ожиз, абканда бандангни ўшандоқ яхши кунларга етказгайсан, омин!» — деб дуси фотиҳа қилди. Яна ичиде оят ўқиб «куф-суф» қилиб, тонг отгунча Ҳамзанинг бошида руҳан симобдай эриб ўтириб чиқди...

Иккинчи боб

ОЛТИН ВЕШИК

Қўқон — Фарғона водийсидаги азим шаҳарлардан бири. У Сўх дарёси ва ундан таралиб чиқадиغان кўплаб ариқлардан суғориладиган воҳанинг ўрта белида жойлашган. Дастлаб Яқин Шарқ, Ўрта денгиз ва Ғарбий Европани Шарқ мамлакатлари билан боғлайдиган қадимги савдо йўли бўйида вужудга келган.

То бир минг саккиз юз олтинчи олтинчи йилгача Қўқон — хонликнинг пойтахти эди. У қадимдан савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлган. Шаҳарда шойи ва ип газлама тўқилар эди. Расталари турли касбдаги ҳунармандлар — эртадан-кечгача босқон урган темирчилар, мис чўкичлаб нақшли баркаш, чойдиш чиловчин, хилма-хил буюмлар ясовчи мисгарлар, заргар, дегрез, пичоқчи, тароқчи, тақачилар, кулол, боққол ва косиблар билан обод эди. Дов-дастгоҳи бўлмаган бечораҳол кишилар эса маҳаллий судхўрларга тобе эдилар. Ҳунармандчиликнинг ривожланиши, катта савдо йўлидаги қадим шаҳарнинг бошқа узоқ музофоту ўлкалар билан алоқасини авж олди. Қўқон савдогарлари фақат Туркистондагина эмас, балки Москва ва Россия-

нинг бошқа шаҳарларида ҳам савдо-сотиқ билан шуғулланар эдилар.

Бир минг саккиз юз етмиш олтинчи йилдан кейин Фарғона водийсида янги маъмурий марказ — Янги Марғилон — Скобелево шаҳри пайдо бўлиши билан Қўқон пахтани қайта ишловчи саноат шаҳарига, пахта билан улгуржи савдо қилувчи марказга айланди. Фарғона водийсидаги бошқа шаҳар, қишлоқлар ҳам Россия билан темир йўл орқали боғланганлиги туфайли бу ерда бир қанча заводлар, асосан, пахтачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар, пахта тозалаш, ёғ, совунгарлик заводлари қурилди. Ана шу пахта заводлари билан бирга темир йўл, нефть ҳамда Қизилқия, Шўроб, Драгомирово тошқўмир конлари сабаб бўлиб ўнлаб рус, ўзбек, татар, яҳудий бойларининг довуғи бутун Туркистонга тарқалди.

Андижонда Миркомилбой, Аҳмадбек ҳожи, Рўзи охун, Қўқон ва Данғара атрофида катта ер эгаси, заводчи Содиқжон бойвачча, Миргулишанбой, Эрон ширкати, Тошкент ва Қўқондаги банклар, пахтачилик фирмаларининг эгалари Потеляхов, Вадьяевлар давру даврон сурардилар. Буларнинг миллион-миллион ақчалари Москва, Тошкент ва Қўқоннинг ўн битта банкида сақланарди. Қўқонда тўрт юз қирқ бир элликбоши, тўрт пристав бўлиб, Мединский деган чор амалдори шаҳар ҳокими эди. «Лондон», «Апполон», «Декаденс» каби муҳташам меҳмонхоналарга ҳамиша узоқ-яқиндач келган пулдор савдогарлар тушар эдилар. Айни чоғда, Қўқон Фарғона водийсининг маърифат ва маданият маркази ҳам ҳисобланарди.

Станциядаги катта меҳмонхонага мусулмон бойлари қўнар, станция ва Розенбах кўчалари ҳамиша чароғон, савдо-сотиқ юришган, гавжум, тун бўйи ресторан ва қаҳвахоналарда одам қайнаб, кайф-сафо, ўйин-кулги авжига чиқар эди. Бу шаҳар яна масжид жомеси, мадрасалари, Сўх мазор, Қаландархона, Яланғоч ота деган хурофот ўчоқлари билан машҳур эди. Мадрасаи олиянинг уч юз олтишга вақф дўконидан ижара ҳақига олтинлар оқиб турарди. Жоме, Норбўтабий мадрасаси, Мадрасаи Бек, Мадрасаи ҳокимойимдаги ҳужраларни бой ва катта ер эгаларининг болалари ижарага олиб таҳсил кўрар эдилар.

Ҳамза отасидан таълим олиб ўн бир ёшида форс, араб тилларидаги китобларни ўқийдиган бўлди. Онаси Жаҳон бибига эргашиб, Содиқжон бойваччанинг катта

хотини ўтказадиган маъракаларга қатнади. Шеър ўқиганида уни бир қанча вақт ўқитган отин ойиси йиғлаб, бошини силаб, дуо қиларди. Шундан кейин Жаҳон биби ўғлига кун ора исириқ солиб, қўлтиқ тумор осиб қўядиган бўлди. Бибисешанба, мушкулкушод каби маросим, урф-одатларни билишга Ҳамзанинг ўзи ҳам жуда қизиқар, айниқса, етим қиз — Бибисешанбанинг оғир қисмати, ёндирилган шамлар, кул, новвот ва бурчак-бурчакларга бориб аёлнинг гадолик қилиб тиланишлари, ниҳоят, эзилиб йиғлаб-йиғлаб фотиҳа ўқишлари унинг хаёлини чулғаб олар эди.

Ибн Яминнинг ишлари бир оз юришиб, қўлига пича пул тушди. Тароқчилик маҳалласидаги ҳаммомнинг рўпарасидан ичкари-ташқариллик, саҳни гулзор, шинамгина бир ҳовлини сотиб олди.

Ҳамза кичиклигидан маҳалласидаги болаларни — ўртоқлари Олчинбек, иккинчи сонли пахта тозалаш заводида ишлайдиган тунукасоз Бўронбой, ганжиравонлик деҳқон Пўлат отанинг ўғли Умар Калла, Маҳмуд Тарашаларни ҳовлига тўплаб, ўзи билган ғазалларни қўшиқ қилиб айтиб, дутор чертиб уларни ўйинга соларди, ўқитарди.

Ҳамза йигирма ёшдаги Умар Калланинг қамчиндай қуйма гавдасига, Содиқжон бойваччанинг заводида тойпахта кўтаравериб тошдек қотиб кетган кенг елкаларига, болдир, билакларида қайнаб чиққан мушакларига, йўғонтепадай кўтарилиб турган чўян кўксига ҳавас билан қарар, бу баркамол йигитни маҳалла Калла ёки Умарполвон, деб қақирар эди. Бу Умарга ҳам хуш ёқарди. Умар полвон ўйин-кулгидан кейин ўзини катта тутиб, сўзига жиддий оҳанг берган ҳолда заводдаги, хўжайин билан ишчилар орасидаги машмашалардан, мастеровойларнинг айтган гапларидан уларни огоҳ қилар, гап орасида «может быть», «мы рабочий», «брат», «буржуй» деган сўзларни ғурур билан ишлатиб қўяр эди.

Ибн Яминнинг орзуси ушалиб, кенжа ўғли Ҳамзанинг ўспиринлик чоғларини кўрди. Ҳамза энди мўйлови сабз урган, манглайи кенг, бўйчан, чайир, кўзлари йирик, тимқора, хаёлчан, такаллуми ифодали, мантиқли, зеҳни ўткир, дилидаги шеърият завқи юзига тепган, ўз сўзли йигит бўлиб етилган эди. Эғнидаги йўл-йўл беқасам тўн билан оппоқ мисқоли салла унинг йигитлик кўркини яна ҳам очар, ажойиб шинаванда, шеър, аския, лутф сўзлар, латифа йўсинидаги ҳикоятлар,

афсоналар, эртаклар эшитишни ва сўзлашни севар, ноёб китобларни мутолаа қилганида овқатланишни ҳам унутиб, то ўқиб туширмагунча қўлидан қўймас эди. Айниқса, гулга ошиқ, қўлида гулқайчи, чаман кезиб, гулларни суғориб, тараб, эркалаб, рангин япроқларига узоқ тикилиб, аста ҳидлаб, сўнг гул ҳақида ғазал битар эди.

Ҳамза киндик қони тўкилган она шаҳри Қўқонни жон-дилидан севарди. Унинг меҳрибон бағрида кезишдан, жамолини томоша қилишдан асти толмасди. Қўқонликларнинг ҳол-аҳволи, касб-кори қизиқтирар эди уни. У деҳқон ва қосибларнинг рўзгор тебратишлари, бойваччаларнинг базм-ишратлари, ҳафталаб ўтказиладиган тўй-томошалар, бойлар, мингбошилар, қозилар, Мединскийга ўхшаган подшо амалдорларининг меҳнаткашларга кўрсатаётган жабру ситамларини синчиклаб кузата бошлади. Аҳён-аҳёнда болаликдаги дўсти Бўронбой Миртожи ўғлининг заводни ташлаб яқинда очган темирчиликдаги дўконига келиб, ундан чарм пешгирини сўраб олар, белига тутиб, чархини тортишар, дамани гуп-гуп босиб берар эди. Омочининг тишини созлашни, сандонда темир парчинлашни, турли асбоб ясашни ўрганар, қур-қур темирни кемираётган, сеҳрғар баджаҳл оловга узоқ тикилиб ўй сурарди. Пахтасини сотиш, ўроқ, кетмонини пешлаш, отини тақала тиш учун Ганжиравон, Янги Қўрғон, Розёглик, Данғара, Бачқар, Қудаш, Юқори Шилдир, Пастки Шилдир бўлисларидан келган деҳқонлар билан суҳбат қилиб, пахтафуруш бойларнинг ҳам тош-тарозидан, ҳам нархдан уриб, уларни куйдиришларини билиб олар, уларнинг оғир аҳволига ачинар, миллатнинг бундай аянчли ҳолига илмсизлик жаҳолат сабабчи, деб ўзича ҳукм чиқарар эди. Мурувватли, сахий, маърифатпарвар бойларнинг кўмаги ва ҳимояси соясида миллат болаларини ўқитмоқ, уларнинг қоронғиликда сақлаб келинган кўнгилларини илм нури билан ёритмоқ ҳар бир ўқимишли мусулмоннинг олий бурчи, деб билган Ҳамза заводчи Содиқжон бойваччага гумашта бўлиб хизматга кирди. Бой уни ҳам қариндоши, ҳам мирзаси Олчинбек Назирийнинг тавсияси билан хизматга олиб, бир оз маош тайин қилди.

Олчинбек Ҳамза билан ёшлиқдан қалин дўст, маслакдош эди. Қўқоннинг бу икки зиёлиси шаҳардаги катта мадрасада эзгу умидлар билан улкан бир мақсадга интилиб таълим олди. Улар бир-бирларига сир-

дош, ҳамфикр, меҳрибон бўлиб улғайдилар. Лекин мадраса таҳсили уларни қониқтирмасди. Шунинг учун улар «Тараққиёт», «Хуршид», «Шухрат», «Оина», «Садойи Фарғона», «Садойи Туркистон», «Таржимон» ҳамда «Вақт» сингари газета ва журналларни ярим тунда ҳужраларини ичидан маҳкамлаб, кейин мутолаа қилишга киришар эдилар. Шу билан дунёвий билимларга бўлган ташналикларини қондирар, оламдаги гаплардан хабар топар эдилар. Кейин газета-журналларни ўтинлар орасига пухталаб яшириб, тонг отиши билан қуръон тиловат қилар эдилар.

Бу икки дўст кийим-кечакни ҳам бир хил киярди. Эгниларидаги узун жужунча камзул, бошларидаги шойи саллаларига қараб, кўпчилик уларни «Ҳасан-Ҳусан» деб ўйларди, лекин Олчинбек ўзининг пайваста қуюқ қошлари, тўла жуссаси, чақноқ кўзлари, айниқса, сичқоннинг думидай ингичка мўйлови билан ажралиб турарди. Буларнинг ҳуснини чиммат орасидан кўрган қиз борки, юраги тутдай тўкиларди.

Дўстлар ҳар ҳафтанинг жума кунлари шаҳарни сайр қилиб, Калвак гузари, Шайхон маҳалла, Ирис қулибек гузари, Парпашабоб, Арғамчи қишлоқни ора-лаб, Мозори азизни зиёрат қилар эдилар.

Бугун улар жума намозини Мадрасаи хонда ўқидилар. Намоздан кейин Яланғоч девона мавзеидаги ҳаммом гўлаҳида бўлган қиморни, муштлашувни кўрдилар. «Ғумбарак» қилиб тўкилган култепа устида уймаллашиб, бир-бирининг устидан босиб, қиморни томоша қилаётган бекорчиларнинг аҳволларига иччиларидан эзилиб, миллатнинг бу аянчли аҳволидан жиғибийронлари чиқиб, қайтдилар. Сўнгра Қўқоннинг қоқ ўртасидаги Исфара гузарида ўтириб чой-хўрлик қилдилар.

— Олчинбек,— деди Ҳамза пиёлани қўйиб,— ҳалиги бекорчи томошабинларни қаранг. Оламдаги гаплардан беҳабар, жаҳолат ботқоғига ботиб, ҳалок бўлаётган, лекин ўзининг бу фожиасини кўрмайдиган ғирт басир оломон!

— Ҳа, дўстим, тўғри айтдингиз. Жаҳолат уларни шу кўйга солиб қўйган.

— Туриб-туриб шуларга юрагим ачийди, ана шу аҳволдан қутқаргим келади, лекин бунинг йўлини қидириб, хаёлан кўп кўчаларга кириб чиқаман, охири-ни тополмайман.

— Ҳа, Ҳамзахон, бу — сиз билан биз сингари оқ-қорани таниган ёшлар учун муштарак дард. Миллатни жаҳолат гумроҳлигидан қутқаришни бир сизу мен эмас, кўпчилик изламоқда.

— Шундоқ. Лекин мен, миллатни фақат илм-маърифатгина жаҳолат боткоғидан олиб чиқади, деган фикрни ҳурматлайман. Бунда катта ҳикмат бор, негаки, ўзингиз ҳам биласиз, кўп табаррук зотлар бу хусусда ҳикматли гаплар айтиб қолдирганлар. Ҳозир биз хуфния ўқиб юрган газету мужаллаларда ҳам шундоқ фикрлар олдинга сурилади.

— Тўғри-ку, лекин бу басир оломонни маърифатли қилиш учун жуда узоқ муддат керак. Яна маблағ, дину шариат деган масалалар бор, демоқчи-ман-да. Сиз билан менинг қўлимиздан ҳеч нарса келмайди.

— Гапингиз тўғри, Олчинбек. Бироқ ана шу «басир оломон»нинг болаларини тўплаб, уларга билим бермоқ даркор. Мен меҳнаткаш табақанинг болаларини назарда тутаман. Руҳонийларимиз ҳамда боёнларимизнинг фарзандлари ҳақида биз қайғурмасак ҳам, ўз йўлларини ўзлари топиб кетадилар.

— Маблағ-чи? — деди Олчинбек, кейин қўшиб қўйди. — Узимизда бўлмаса...

— Бошлаб олишимиз учун бойларнинг саховати-га умид қилиб бўлмасмикан?

— Улар бир сафар берар, борингки, иккинчи сафар ҳам беради, дейлик. Кейин-чи?

— Кейинми? Менингча, муҳими, ишни бошлаб олиш, у ёғига халқнинг ўзи бош қўшади.

Ўртага жимлик чўкиб, Ҳамза узоқ ўй суриб қолди.

— Дарҳақиқат, ҳолва деган билан оғиз чучимайдиди-да, — деди Олчинбек хаёлчанлик билан. — Халқ — оми. Миллат деймиз-у, лекин унинг ҳозир оламдаги ишлардан беҳабар гумроҳлигини ҳисобга олмаймиз. Боёнлар кўпроқ ўзларини ўйлайдилар, руҳонийлар эса, уларга дастёр, худонинг ўзи кечирсину, қайси бир газетада ёзишганидек, улар меҳнат аҳлини истаганларича ишлатиб, ҳамёнларини яна ҳам қалпайтиришлари учун авомнинг фикрини очишга йўл бермайдилар. Ҳозир, мастеровойлар қутқуси билан ишчилар ўртасида тез-тез юз бериб турган фитналар пайтида эса, бизнинг маърифат ҳақидаги гапларимиз уларнинг қулоғига киришига унча ишонмайман.

— Ҳа, Олчинбек, мулоҳазаларингизда мантиқ бор. Шундай бўлса ҳам қараб турмаслик керак. Чунончи, жума намозларида, халқ сайилларида ваъз айтиб, халойиқни илм олишга даъват қилиш мумкин.

Шаҳарликлар ёзнинг иссиқ кунларида Қўқоннинг кунчиқиш томонидаги Мўйи муборак, Ойдин булоқ деган соя-салқин жойларга бориб жон сақлар, кўкча чиқиши билан Эрҳуббига йўл олиб, катта шалдирама тагида, тераклар соясида суҳбат қурар, анжир қийғос пишганда, Ҳазрати шох пошшога жўнар, қумда битадиган умрбоқий бозорда пайдо бўлиши билан Сирдарё ёқасидаги Хўжаи Туробда чақириладиган сайилга шошилар эдилар. Ҳамза, халқ сайиллари, деганида шуларни назарда тутарди. Олчинбек унинг бу таклифини на рад этди, на қувватлади. Шу билан суҳбат совиб қолди. Улар дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўринларидан турдилар.

Аслида шаҳар халқининг кўзи улар ўйлаганчалик басир эмасди. У атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бепарқ қаролмас, замон бошига солган оғир мушкулотдан қутулишни орзу қилар, бунинг учун унинг илғор қисми йўл-йўриқ излашга мойил эди. Айни чоғда, ҳалигидай саёҳатларга ҳамма ҳам қодир эмасди.

Бировлар айш-ишрат билан овора, бировлар бир бурда нон топиш учун меҳнатдан бўшамайди. Бир томонда: подшо амалдорлари, бой, савдогарларнинг муҳташам бинолари, шаҳарнинг ўртасида қад кўтарган маҳобатли қаср-равоқлар, яшил, пушти, ложувард рангга бўялган баланд пештоқлар, саломхона, хосхоналар, узундан-узун нақшинкор айвонлар, моҳир муқарнаслар ясаган баланд чинор устунлар, хоннинг қуёш нурида жилваланиб, ажиб манзара ҳосил қиладиган ишратхоналари, иккинчи томонда: бозор-ўчар, кўча-кўй, маҳалла-гузарларда тонгдан қора шомгача: «Отаси шинни, онаси нинни, боласи жинни», деб қичқириб, жинниларга топш отиб, улардан калтак еб, санқиб юрадиган ўпоқ-сўпоқ дайди болалар, кўчаларда ўтириб, тиланчилик қиладиган етим-есир, майриқ-мажруҳлар... Халқ турмушдаги бу зиддиятларни кўрмай иложи йўқ эди.

Аммо мана шу зиддиятларни чуқурроқ таҳлил қилишга ҳали халқнинг онги етмасди. Унинг онгини очиш керак эди. Ҳамза, маърифат деганида мана шуларни ўйларди.

ИЛК МУҲАВВАТ

Катта ҳайит етиб келди. Ҳамза субҳи содиқда, шарқ уфқи бўзарар-бўзармас уйғониб, ўрнини йиғиштирди. Бунини ёшлигидан одат қилган эди. Кеча — чин арафа куни Олчинбек билан ҳаммомга бориб, соч-соқолларини тарашлатиб, ювиниб келган эди. Ҳайитга деб тиктирган янги — оҳорли сарполарини кийиб, ипак жойнамозни қўлтиғига қистирди-да, масжидга йўл олди. Олчинбек уни кеча келишилган жойда кутиб турган эди. Жомега бирга бордилар, жамоат билан ҳайит намозини ўқидилар.

Бугун жоме гавжум, ҳамманинг юзида севинч-қувонч барқ уради. Карнай-сурнай, дўл, ногораларнинг така-туми осмон ёқасини йиртиб солгудек. Бою камбағал, каттаю кичик, бола-бақра, қизу жувон — ҳамма ҳайитга чиққан. Ёру дўстлар бир-бирларини сидқидилдан муборакбод қиладилар. Одамларнинг янги кийимлари гўё чаманзордаги алвон гуллардек товланади. Хусусан, бахмал, шойи, парпаша паранжи ёпинган навраста қизлар, ёш келинчақларни қўяверасиз. Бармоқларида қўша-қўша узук, кафтлари хинадан рангин товланади. Лабларидан учган қаҳ-қаҳалари, қочириқ-учириқлари, сайраган чанговузлари «биёв-биёвлаб» узоқдан янграб эшитилади.

Қани энди, анави қизил паранжи ёпинган қизнинг қора чиммати юзидан сирғалиб тушиб кетса-да, жумла-жаҳон унинг жамолини кўрса... Йўқ, бу хом хаёл.

Ҳамза билан Олчинбек самоварлардан бирига кириб, нонушта қилдилар. Кейин расталарни айланиб, уйга ҳайитлик олдилар. Қўқоннинг пойғир, пайванди нонлари, совунак ҳолваси, Қарши пистаси, Андижон нащватиси, Асака узумидан бир чорси қилиб туғиб, бир-бири билан хайрлашиб, уй-уйларига жўнадилар.

Ҳамза ҳовли эшигидан кириб келаркан:

— Аяжон, айёмингиз муборак! — деб совға-саломни айвоннинг пешига қўйди-да, онасига кифтинини тутди. Жаҳон биби ўғлини елкасидан қучиб, юз-кўзларидан ўпди. «Ўзингизга қуллуқ бўлсин, болам!» — дея ялаб-юлқади. Шу пайт дарвоза томондан қўнғироқдай овоз эшитилди. Зубайдахон! Бошида ял-ял ёнган янги

қизил духоба паранжи, ясан-тусани кўзни қамаштиради. У Жаҳон биби сари югуриб келаркан, Ҳамзага йўлакай чақмоқдек куйдирмажон кўзлари билан бир ўткир қараш қилди-да, чопиб бориб, Жаҳон бибига қизлар одатича, бошини сал эгиб елкасини тутди.

— Ҳайитингиз муборак, табиб ойи!

— Вой, табиб ойнингиз қовиндиқ сиздан, Зубайдахон! Ўзингизга муборак бўлсин! Қани, бу ёққа, кўрпачага ўтинг.

Жаҳон биби Зубайдани қўярда-қўймай кўрпачага ўтқазиб дастурхонга чўзма, бўғирсоқ ва яна Ҳамза олиб келган ҳайитликлардан қўйиб, уни тўлдириб ташлади-да, чой қуйиб узатди. Зубайда ажиб навозиш билан пиёлани олди.

Жаҳон биби Зубайда ҳар гал келганида уни ўтиргизгани жой тополмай, атрофида айланиб-ўргилади. Зубайда ҳам бу меҳрибон, ширинсухан, очиқкўнгил, оқила аёлга ўз онасидек меҳр қўйган, уч-тўрт кун кўрмаса соғиниб қолади. Ҳозир ҳам Зубайда кириб келиб, чиммати билан паранжисини бошидан олди-ю, Жаҳон бибининг назарида тор ҳовлиси бирданига кенгайиб, тўлиб, гулзор ярқираб, яшнаб кетгандай бўлди. Қизнинг эғнидаги лов-лов ёнган етти камалак рангидаги хонатлас, кўкракларини сириб турган яшил бахмал нимчаси ўзига ғоят ярашган, дол келтириб ўралган фаранг дурра, тиллақош, бўйнида тўла марварид, оёғида дуранг тикилган қошиқдек амиркон этик, қулоқларидаги қашқар балдоқлар, қўлидаги кўш-қўш узуклар Жаҳон бибининг юрагидаги ўтни баттар авж олдирди. У бир лаҳза Зубайдага маҳлиё бўлиб қараб тургач, ўғлини чақирди.

— Ҳамзахон, Зубайдахон мактабдошингиз-ку, уялманг. Келинг, болам, бизлар билан чой ичинг,— деди. У бу икки ёшнинг бир-бирига майли борлигини биларди.

Ҳамза ҳам оҳиста юриб келиб, одоб билан дастурхонга яқин ўтирди. Юраги гурс-гурс урарди. Онаси фотиҳа ўқиб, уларни дуо қилди. Пайтдан фойдаланиб, ёшлар ер остидан очиқ чехра, хиёл табассум билал бир-бирларига қараб олдилар. «Ҳайитга роса ясанибди», деб қўйди Ҳамза ичида. Қизнинг чиройли кулдиргичига, лаби устидаги қора холига кўзи тушиб, Навоийнинг бир байтини ногоҳ эслади:

Лабингда нилгун холингдур, э жон,
Нечукким шарбат ичра тухми райхон...

Унинг назарида Навоий тесвирлаган, ибо ва тўл-
қиндан юзлари ёнган, вужуди мўъжиза қиз шу Зу-
байданинг ўзгинаси эди.

Қиз ҳам Ҳамзага ер остидан кўз ташлади, Ҳамза
бу нигоҳни дарҳол илиб олди, кўнглида роҳатбахш
туйғулар жўш урди, юраги унга талпинди. Зубайда
Ҳамзанинг чақнаб турган шўх кўзларига бардош бе-
ролма, лабини тишлаб ерга қаради. Хина ёндирган
қўлларини кўксига босиб, зўрга сўз қотди:

— Айёмингиз муборак, мактабдош.

Зубайданинг овози ёқимли, ҳаётбахш эди. Ҳамза
бундан нашғаланиб, бир лаҳза шошиб қолди-да, ке-
йин ҳушини йиғиб, жавоб берди,

— Ўзингизники ҳам муборак бўлсин! Хуш келиб-
сиз...

— Қуллуқ...

Шу орада Жаҳон биби: «Тортинманг, қизим, еб-
ичибу ўтиринглар», дея ўрнидан туриб ошхонага қараб
кетди. Бу фурсатдан фойдаланган Зубайда Ҳамзага
қараб жилмайиб қўйди. Кейин дастурхоннинг попу-
гини ҳимариб ўтириб, унга яна бир қараш ҳадя қил-
дию тортинибгина сўз қотди:

— Дорини баҳона қилдим-у, аслида ваъда қилин-
ган ғазалингиз учун чиққан эдим, қўшнижон,— деди.
У охириги сўзни ноз билан алоҳида таъкидлаб айтди.
Қизнинг бу дадил гапи ўртадаги ноқулайликка
барҳам берди, улар энди ўзларини отинийнинг макта-
бига бориб юрган пайтларидагидек эркин ҳис қил-
дилар.

— Дарвоқе, мендан Шайх Саъдий куллиётини сў-
раган эдингиз-а? Ҳозир олиб чиқаман,— деб Ҳамза
ўзини ҳужрасига урди. Зубайда ҳам ўрнидан туриб,
остонада Ҳамзани кутаётган эди, унга Жаҳон биби-
нинг кўзи тушиб жаврай кетди:

— Вой ўлмасам, Зубайдахон, тасаддуғингиз ке-
тай, нега тик турибсиз? Остонада-я! Остонада туриш
ёмон бўлади, қизим, жойингизни билиб ўтиринг.
Аччиққина мастава қилганман. Шундан бир қошиқ
ичасиз, иннайкейин сизга жавоб.

— Йўқ, табиб ойи, сира овора бўлманг, уйда иш
кўп. Ўзингиз биласиз, ҳайитчилик, келди-кетди де-
гандек...

— Овораси борми, қизим, тайёр овқатни ташлаб кетсангиз, хафа бўламан-а. Ўтиринг.

— Мен Ҳамзахон акамдан китоб сўраган эдим, шуни олиб чиқиб берсалар, кетсам. Кейинги сафар сиз билан зериккунингизча гаплашиб ўтираман, табиб ойи.

— Вой, унақа деманг, қоқиндиқ, нега зерикарканман? Сиз келсангиз ҳовлимизга офтоб чиққандай файз киради, қизим...

Жаҳон биби ярим-ярим қилиб уч коса мастава келтирди. Уни қатиқлаб, кашничу райҳон чеккан эди. Бу орада Ҳамза ҳам хужрасидан чиқиб, дастурхонга ўтирди. Учовлашиб мастава ичдилар. Жаҳон биби Зубайданинг кўнглини олиб онасининг аҳволини сўради:

— Зубайдахон, Рисолатхоннинг дардлари бери қарай деб қолдимиз? Онангиз хўп ғайратли, ориятли жувон-да, барака топгур.

— Шукур, табиб ойи, энди-энди иштаҳалари очилиб, ранг-рўйлари кириб қолди. Табиб амаким бориб қараганларидан бери анча яхшилар. У кишининг Ҳиндистондан келтирган хап дорилари эм бўлди, дейишяпти, ҳайтовур... Ҳа, дадамнинг ўзлари ҳам айтдилар буни.

— Отангиз, худога қараб айтганда, кўп яхши, камбағалпарвар одамлар. Бир хил қурумсоқ, бети байтуллодан қайтган бадхоҳ бойлардан эмаслар. Ҳамза акангиз: «Бойларнинг ичида Аҳмадохун амаким кўп сахий, мурувватли, кўнгилчан одамлар. Яқинда Ҳожибек гузарида мактаб очмоқчиман. Ана шу мактабга кўмаклашишларини илтимос қилиб ҳузурларига кирмоқчиман», деяётган эди,— деди Жаҳон биби соддалик билан. Ҳамза хижолат тортиб, қизариб кетди. У бу гапнинг ҳозир айтилишини истамасди, чунки ниятини ҳали ҳеч кимга билдирмай, кўнглига тугиб юрарди.

Зубайда ҳам бу гапдан ноқулай аҳволга тушиб, бир тўлганиб олди. У отасининг феълени, Ҳамзанинг ёзган шеър, мақолаларини унча хуш кўрмаслигини яхши биларди.

— Невлай... балким ҳиммат қиларлар. Ҳамза акам у кишига учрашсалар ёмон бўлмаса керак,— деб қўя қолди.

Жаҳон биби икки ёшни холи қолдириш учун яна чой дамлаб келишни баҳона қилди-да, бўшаган чой-

накни кўтариб ўчоқбошига кетди. Ҳамза ёнидаги китобни Зубайдага узатди:

— Мана, сўраган китобингиз: Саъдий Шерозий. Буни ўзбек тилига Сайфи Саройи ағдарганлар. У кишининг ўзлари ҳам ўн тўрттинчи асрнинг иккинчи ярмида етишган забардаст ўзбек шоири эдилар. У кишининг айниқса мана бу ғазаллари жуда ҳам мароқли. Эшитинг-а:

Топилмас ҳусн мулкинда санга тенг бир қамар манзар,
На манзар манзари шоҳид, на шоҳид шоҳиди дилбар... 29

— Раҳмат, Ҳамза ака,— деди Зубайда ғазалдан тўлқинланиб.— Мен узоқ тутиб турмайман, тезда қайтараман.— Зубайда худди Ҳамза китобни ҳозир қис-таётгандек, жилмайиб қўйди. Ҳамза унинг кўзларига узоқ тикилиб қолди. Зубайда нигоҳини ундан олиб қочиб, ерга қаради. Ёноқлари лоладек қизариб кетган эди.

— Бемалол ўқийверинг,— деди Ҳамза ва кейин қўшиб қўйди.— Орасида ваъда қилинган ўша ғазал ҳам бор. Ҳозир ўқиб чиқсангиз уни... илтимос.

Зубайдага Ҳамзанинг бу илтимоси ҳуш келмади чамаси, қошларини чимириб, жиддий тус олди:

— Йўқ уйда кимса билмайдиган холи жойда ўқийман. Хафа бўлмайсиз-а?

Ҳамза бир оз маъюсланди.

— Рисолангизга киритилган «Мактублар»ингизни отинча қизлар билан ўқиб сиздан жуда-жуда хурсанд бўлдик, Ҳамзахон ака. Илоҳим, қаламингизга кўз тегмасин.

Икки қизил гул шоҳига
Ёлғиз булбул қўнолмас.
Ўз суйгани турган жойда,
Ўзга ёрни севолмас.

Қизлар тилидан жуда келиштириб ҳақ гапни айтгансиз, илоҳим тўрт мучангиз доим соғ бўлсин,— деди Зубайда тағдор илиб.

— Раҳмат, Зубайдахон, хўш, буниси-чи:

Кўкда юлдуз кўринмайди
Қуёш бориб ботгунча.
Тез-тез келиб ҳол сўрсанг-чи,
Уйда ёлғиз ётгунча.

— Ўзингиз парвойи фалаксиз, вақти соатини топиб мундоқ кўриниш берай ҳам демайсиз,— деди Зубайда қизариб.

Яна жимиб қолдилар.

Ошхонадан чиқиб келган Жаҳон бибининг йўл-йўлакай жавраши ўртадаги жимликни бузди. Зубайда ҳамон қимматбаҳо нарсани авайлагандек қўлида ушлаб турган қоғозни дарҳол китоб қатига яширди-да, дик этиб ўрнидан туриб кампирнинг қўлидан чойнакни олди. Унинг кўнглини кўтаргиси келиб, мулозамат кўрсатди:

— Вей, табиб ойижон, ёшлар турганда сиз хизмат қиласизми? Менга айтсангиз-ку, ўзим дамлаб кела қолардим.

Зубайда чойнакни олиб бориб дастурхонга қўйди-да, аввал Жаҳон бибига, сўнгра Ҳамзага чой қуйиб узатди. Бир муддат ўтиришгач, қиз Жаҳон бибидан рухсат сўради. Она ёшларга умр, бахт-саодат, қари-ларга имон, ҳузур-ҳаловат тилаб, дастурхонга фотиҳа ўқиди. Зубайдани юз-кўзларидан ўпиб, дуо қила-қила кузатиб қўйди... «Қанийди, сеп тўла сандиқларим бўлса кенжатой келин қилиб олсам шу дўндиқ қизни!» — деб ўйлади Жаҳон биби. Лекин бу ширин бир орзу эди, холос.

* * *

Ҳамза илк муҳаббатини узоқ вақт сир тутиб, унинг ўтида қоврилиб юрди. Аламини китоб мутолаа қилиш, ғазаллар битишдан олди. Юзини яширган, ундан хабар олмай, ҳижрон азобида куйдирган севиқлисидан нолиб, ғазаллар битди, баъзан тунларни бедор ўтказиб, кўз ёш тўкиб чиқди, ҳеч нарса билан иши бўлмаб, ўзини четга тортадиган, камгап бўлиб қолди. Ундаги бу ўзгариш отани безовта қилиб қўйди, дардини билиш учун зимдан кузатди. Ниҳоят, Жаҳон бибининг ёрдамида унинг сиридан Ибн Ямин хабар топди. Кундан-кунга ранги сарғайиб, сўлиб бораётган, озиб-тўзиб кетган ўғлининг аҳволи бечора отани қаттиқ ташвишга солиб қўйган эди. Бу орада Аҳмадохун анчадан бери бетоб ётган хотинини кўриб қўйишни сўраб, уни уйига чақиртирди.

Ибн Ямин Аҳмадохунбойнинг ҳузурига ҳам табиб, ҳам совчи бўлиб боришга жазм қилди. Бой қўли юпқа табибнинг ўғлига қиз берармикан?

Ичқари-ташқарилик сердарахт, саҳни гулзор кенг ҳовли, шерозий гиламлар тўшалган, шифтга кумуш қандил осилган, девор пештоқлари киши ақлини оладиган даражада сиркорлик билан безатилган кенг меҳмонхонада қат-қат атлас, адрас кўрпачалар устида пар болишларга кўмилиб ёнбош қилиб, тухумпўчоқ пиёлада кўк чой ичиб ётган, ранги заҳил, икки лунжи осилган, бадқовоқ Аҳмадохунбой олдиға Ибн Ямин кириб борди. Таъзим-тавозе ва салом-алиқдан кейин бой табибни дастурхонга таклиф қилди. Улар беморнинг ҳол-аҳволидан бир муддат гаплашиб олган бўлишди. Бой эса катта хотинининг дарди оғирлиги, муолажалар фойда бермаётганлигидан нолиган бўлди. Лекин унинг кайфияти баланд эди. Чунки Қўқонда номи чиққан ажойиб қўшиқчи, ўйинчи Зулфизар деган ёш жувонга неча минг сўм жарғ қилиб уйланиб олган эди. Войнинг ана шу кайфиятидан фойдаланиб қолишни ғанимат билиб, Ибн Ямин одоб сақлаб туриб, унинг кизи ҳақидаги шлтимосини изҳор этди:

— Ўғлим Ҳамзанинг юрагида катта бир орзуси бор,— деди Ибн Ямин кўнглини ёриб.

— Қанақа орзу экан у? — Бой сергак тортиб сўради.

— Сизга ўғил бўлсам дейди...— деди Ибн Ямин ғоят қийналиб.

— Нима дедингиз, қанақа ўғил? — дея сўради дағаллик билан Аҳмадохун.— Дўкон очиб беришимни сўраяптими ўғлингиз?

— Йўқ, ожизангизга... ўғлим Ҳамзанинг кўнгли...

— Менинг ожизамни ўғлингизгами! Ха-ха-ха! Ониси туққанда сурнайчи келмаган ўғлингизга қизимни сўраяпсизми? — Аҳмадохуннинг юзида асабий табассум аке этиб турарди.— Хўп,— деди у жонининг борича газабини босишга уриниб, тиржайиб туриб.— Ўғлингиз Ҳамза-ку, тўрт чақалик қиммати бўлмаган шеърлари билан шоирлик даъво қилиб юрган бир нодон, кўрс. Наҳот сиз, табиблик билан зўрға рўзғор тебратаётган бир одам, бу ишга бош қўшиб менинг остонамга юрак ютиб келсангиз?! Менинг остонамга келишга элу юрт катталари ботинолмайди-ю...

Аҳмадохун ўрнидан турди, жаҳлини босиш мақсадида икки қўлини қуймучига қўйиб, меҳмонхонада у ёқдан-бу ёққа танда қўйди.

Бойнинг аччиқ кинояси Ибн Яминнинг жонидан ўтиб кетди. Ундан қарздор бўлиб ўтирмай:

— Мени ҳам Ҳожи кулол ясаган эмас, мени ҳам эл танийди, оёқ остида қолганимча йўқ, тақсир,— деди Ибн Ямин шартта. Бу жасоратдан Аҳмадохун бир лаҳза иккиланиб турди-да, сал пастроқ тушиб жавоб қилди:

— Бас! Дилингиз сиёҳ бўлмай туриб жўнанг бу ердан, қайтиб бу тўғрида оғиз оча кўрманг, орқаваротдан эшитгудек бўлсам, менинг обрўйимни тўксангиз... қаттиқ хафа қиламан. Тенг тенги билан, тезак қопи билан деганлар. Хабарингиз йўқ, қизим андижонлик Рўзиохун бойнинг кенжа ўғлига энг ичида фотиҳа қилинган. Фотиҳани бузишга менинг ҳаддим йўқ,— деб жойига бориб ўтирди.

— Хўп, важ-тақал қилиш на ҳожат, жаноб бой. Яширин фотиҳа қилинганлигини билмаган эканман, жанобларидан узр сўрайман,— деди-ю, Ибн Ямин шошилиб кавушини кийди.— Наҳотки одам боласи олтинга шунчалар муккасидан кетса-я, э, пул ўлсин, пул!

Бу гапни эшитган бой худди чаён чақиб олгандай яна сапчиб ўрнидан туриб кетди. Дағ-дағ титраб қўлларини пахса қилиб Ибн Яминга ўдағайлади, оғзига боди кириб, шоди чиқди:

— Мен ким-у, айт-чи, сен ким бўлибсан? Сенинг сарпоёқ ўғлингга гулдай қизимни бериб, охиратимни куйдирайми? Кўнгил эмиш, у билан кишини қорни тўярканми. Ёки мартабаси ошарканми? Шунга айтиб қўяй, кимсан Содиқжон бойваччадан совчи келди. Уч хотин устига гулдай қизимни бермайман, деб ҳатто унинг ҳам совчиларини қайтардим-ку! Кўрпаларингга қараб оёқ узатинглар-да, ахир!

Қани энди ер ёрилса-ю, Ибн Ямин ерга кирса. Таъби хира, кўнгли ғаш, мустар бўлиб уйига қандай етиб борганини ҳам билмай қолди...

Тўртинчи боб

СОДИҚЖОН БОЙВАЧЧА ДЕЙДИЛАР УНИ

Унинг орзусига кўндаланг келадиган кимса борми оламда? Бўлса жони нечта? Новчадан келган, бўй-бас-ти келишган, ҳайбати зўр, шокоса кўз, қора соқол, бадқовоқ, йўтали ҳам дўққа ўхшаган бу одам ўзига зеб беришни севарди. Эгнига кийиб юрадиган форма-

ди кийими, хусусан оқ сюртук, бўйнига тақадиган чучвара галстуги (у буни ўша пайтда юқори табақага мансуб зиёлилар ўртасида урф бўлган одатта тақлид юзасидан тақарди) форма устидан кийган уқали жияк тутилган бухороча зарбоф тўни, бошидаги сурмаранг шойи салла, оёғидаги формадўз тиккан амиркон этик, чап бармоғидаги гавҳар кўзли тилла узук унга аллақандай салобат бағишларди.

У катта нақшиндор кўк дарвоза олдига келиб тўхтаган извошдан тушди-да, ўзини ҳайҳотдай гулзор ҳовлига урди. Бойваччанинг вазоҳатини кўрган хизматкорлар турган жойларида таққа қотиб қолишди. У буларнинг ҳар бирига ер остидан бўри қараш қилиб, хос хонасига кириб кетди. Шундан кейингина ҳалиги хизматкорлар қадларини ростлашиб, ҳар ким ўз юмушини давом эттиришга киришди. Биргина Қора Қоплон нима қилишини билмай дарвоза биқинидаги шоҳсупага бориб, эс-ҳуши хосхонада, каловланиб туриб қолди. Сал фурсатдан кейин у ҳам хизматкорлар ёнига борди-да, уларнинг ишларига кўмаклаша кетди.

Аҳмадохунбойнинг даргоҳидан совчиларнинг қуруқ кайтганидан хабар топган бойваччанинг уч хонаидан иккитаси ичларида севина-севина ўз уйлари айтиришар, ёлғиз Шаҳзодахонгина ўзини бу гаплардан беҳабарликка солиб, бир қўлида кўзгу, бир қўлида бўйра чўп, ўсма қўйиб ўз ҳусни латофатига маҳлиё бўлиб ўтирарди.

Содиқжон бойваччанинг эса кўнгли хуфтон, у мушкул бир иш билан, унинг шаҳвоний орзусига тўғаноқлик кўрсатган «бир аблаҳни» жазолаш режаларини тузиш билан банд эди. Унинг авзойи шунчалик бузуқ эдики, башарти кимда-ким шу топда бойваччанинг ҳузурига ногоҳ келиб, даҳшатли ўй-хаёлларига ўзининг «фаросатсизлиги», салом-алиги, баланд овози ёки арзи ҳоли билан халақит берса борми, ўша кимсанинг балога гирифтор бўлиши аниқ эди. Шунинг учун ҳам ҳеч ким, ҳатто Қора Қоплон ҳам унинг яқинига йўламади. Ҳамма ўзини чакка-чаккага уриб, бойваччанинг кўзидан иложи борича четроқда бўлишга тиришарди.

Содиқжон бойвачча новвосдек бир пишқириб тилларанг пиёлага тўлдириб коньяк қуйди-да, шарт сипқарди, яхна гўштдан газак қилиб, айвонга чиқди. Чикди-ю, рўпарасига келиб, қўл боғлаб турган ганжи-

равонлик корандаси Пўлат отани кўриб, кўзини пахта-таси чиқиб кетди.

— Ассалому алайкум, ота ўгли бойваччам,— деди Пўлат ота. Анчадан кейин бойваччанинг оғзидан чиққан «ваалайк...» деган чўлтоқ сўз Пўлат отанинг қулоғига чалингандай бўлди-да, у арз-ҳол қилишга эндигина оғиз очган эди, бойвачча юзини Пўлат отадан ўгириб Қора Қоплонни чақирди:

— Қора!

— Ләббай, хўжайин,— дея ярим таъзим билан югуриб келди Қора Қоплон.

— Извошга ўтир, пирингни топ, шамолдек учириб бу ерга олиб кел!

Қора Қоплон «хўп, хўжайин!» деб гурс-гурс қадам ташлаб дарвозадан чиқиб кетди. Унинг орқасидан тикилганча бойвачча айвонда ўй суриб қолди. Унинг ичини қандайдир бир мушук таталар, нафаси сиқилар, қони қайнаб, кўзига чалинган кимсани ғажилаб ташлагиси келарди. Назарида аллақандай бир махлуқ уни гижгижлатарди: «Наҳотки, халқини сен ётқизиб, сен турғизаётган Қўқон деган шаҳри азимда хоҳишингга тўғаноқ бўладиган, раўйингни қайтардиган одам пайдо бўлган бўлса?! У: «Қизимни бермайман», деб совчиларингни қуруқ қайтаришга қандай ботина олди экан-а! Бутун Фарғона вилоятининг иккинчи устуни бўлган, биров «сояга ўт деса сояни ўзи келсин», дейдиган, кариллаган, анов-манов деган бойлар ҳам сени кўрганда думини қисадиган, кимсан сен, Содиқжон бойваччанинг гапини иккита қилиб, шоҳингни сидирадиган кимса ҳали Қўқонда туғилган эмасди-ку?!»

Бутун Туркистон заминида сен билан беллаша оладиган битта одам бор. У ашаддий душманинг, сени ана ўша қора аждаҳогина етти ямлаб бир ютиши мумкин. Унинг сени кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ. Сен ана ўша аждаҳонинг бошини янчиш, ўша биринчи устунни тагидан арралаб ташлаш пайида бўлишинг керак. Уни енгсанг, бойиб-битасан, енгилсанг, ишларинг кишт-мотга келиб, ўзинг асфаласофилинга кетасан. Ҳа, бу аждар Андижон шаҳрида тўрт пахта завод, беҳисоб байтумол — дунё, ер-сув эгаси, андижонликларни зир титратган кўпас Миркомил кўр бўлади. Унинг ишлари гумбур. Бу Аҳмадехун ким бўлибди? Бунақанги майда, хашаки бойларнинг пули ҳам майда, мол-дунёси ҳам хашаки бўлади. Қараинг-а, бир

пуфласанг Қўқон минораси пўрт учиб тўкилади-ю, наҳотки юрак ютиб совчиларингни қайтариб, сени эл-юрт олдида оҳорингни тўкиб, бадном қилиб кўзингга чўп солмоқчи бўлса-я, хонасаллот.

Содиқжон бойваччанинг кўзи олдига Миркомилбой келиб, Аҳмадохун чумолидан ҳам заиф ҳашоратдай кўриниб кетди. «Миркомилбой бугун Қўқонга келибди, — деб ўйлади у, — Меҳмонхонада қандайдир бир одам билан узоқ суҳбат қурибди. Мен унинг кимлигини биламан. У расмий суратла «икки ҳисобот-вексель конторасининг хўжасиман», деб лақиллатмоқчи бўлади. Унинг Рябушинскийнинг Петербург банки орқали Туркистонда гоятда катта молиявий олди-берди билан шуғулланишини фаҳмламасам, мен Содиқжон бойвачча бўлиб қайга бордим? Олчинбекнинг гапига қараганда ўрислар Миркомил бойни «чўнг депозитор», яъни банкка катта пул қўювчи мард бой, деб таърифлашибди. Кўр нима иш қилишни билади. Яқинда бир миллион саккиз юз минг сўм пулини банкка қўйибди. Яна йилига олти фоиз фойдаси билан... Ана барака! Энди Миркомилбойнинг Қўқонга келиш шарафига бир зиёфат бераман. Кўрнинг ҳар қандай шартига рози бўламан-у, ҳамкорликни таклиф этаман. Унга банклардан оқиб келувчи фойдани топиш учун мен қанча-қанча молларни дўконга чиқаришим керак. Йўқ! Фойда менинг хазинамга оқиши шарт! Пул билан савдо қилишни унинг қўлидан юлиб оламан! Рябушинский банки — менинг харидорим бўлади! Император хонадонидаги олди-сотдига аралашувчи баъзи бир олий зотлар мен билан муроса қилади.

Содиқжон бойвачча, кўзингни оч! Кўр чипқон тагингга етмай, ҳаракатингни қилиб қол. Ҳа, бойвачча йигит, ҳозирча эгилиб-букилишга ҳам чидайсан. Шу зайлда Миркомилбойнинг меҳрини қозониб, Петербургга, улуг князлар ҳузурига борасан. Алҳосил, аста-секин кўрнинг ўзини тузлайсан. Кейин бу дунёнинг жаннатига эга бўлиб яшайверасан... Олчинбекнинг таърифига қараганда Зубайдахон тенги йўқ момақаймоқ, офатижон эмиш. У кишининг аячалари Зулфизар-чи?! Ўта ширин, сочининг тарамлари ипакдан силлиқ эмиш. Ноз адо билан дутор чертиб қўшиқ айтганда эшитганни жинни қилармиш. Бундай жононлар фақат сенинг насибанг-ку, бойвачча! Агар Аҳмадохунга бўш келсанг борми, бошқа бадзотлар ҳам ундан гула кўтаришди шон-шавкатингга путур етиб,

сўзинг ўтмас чақадек бўлади-қолади. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Зубайдага огиз солдингми, унга етишмасдан тинчимаслигинг керак. Ҳа, шундоқ, гап ҳам, худо ҳам битта! Зубайда сенга шаръий бўлиб хонадонингни обод қилади. Бутун Туркистон элидан тўйга меҳмонлар келади, бу тўй давлатингга давлат қўшади. Ҳа, Аҳмадохуннинг дунёсига ҳам меросхўр ўзинг бўласан, ҳи-ҳи-ҳи... Зулфизарни эса одамларнинг ёмон кўзларидан олтинларингни яширгандай яширасан. Куйлатасан, ўйнатасан... Ахир тўрт хотинингдан биронтаси бир кун эмас, бир кун омонатини эгасига топширар-ку... Ана ўшанда унинг ўрнини ўргилсин қулинг Зулфизар эгаллайди. Шаҳзода, Зубайда, Зулфизар... Уч тенги йўқ жонон. Бири офтоб, бири жаҳон, бири ҳаёт!.. Қандингни ур, Содикжон бойвачча!...»

Бирдан унинг қулоғига куйилаётган сирли овоз ўчди. Кўзи ҳамон икки қўлини кўксига қўйганча таъзим ҳолатида турган Пўлат отага тушди:

— Э, ҳа, ҳалигача шу ердამисиз?— деди у тақдирона ишшайиб.

Пўлат ота дадилланиб, арз-қол қилди:

— Дардингизни олай, бойваччам. Бу йил ўзингизга маълум, об-ҳаво паст келиб деҳқончиликдан барака қочди. Шундай бўлса ҳам, меҳнатнинг зўридан ҳосил чакки бўлмади. Айниқса, ўғиларим Умаржон билан Рустамжонлар қаттиқ тер тўкдилар. Эплаб-сеплаб икки юз сўм жамғариб, жанобингизга олиб келган эдим...

— Маъқул иш қилгансиз,— дея сохта мулоҳим илжайди бойвачча.— Қани пулни узатинг-чи, йўқ, ҳў анави хонтахта устига қўя қолинг. Кейин олишар.

Пўлат ота чойқоғозга ўроғлиқ окчани ним таъзим билан гиламнинг четини қайириб ўтиб, ўймақорлик билан ишланган хонтахта устига аста қўйди да, бошини ҳам қилганича қўл қовуштириб тураверди. Бойвачча билан деҳқон ўртасига яна зил сўкунат чўкди. Ниҳоят, бойваччанинг сабри чидамай мингиллади:

— Пўлат ака, балли сизга, энди бораверинг, юмушдан қолманг,— деди.

Пўлат ота бошини аранг кўтариб, синиқ, титраган овоз билан мақсадини тўкиб солди:

— Дарду балойингизни олай, бойваччам, шу билан сиздан олган беш юз сўм қарз-ҳасананинг

ҳаммасини тўладим ҳисоб. Энди сизга берган вексель — қорозимни қайтариб берасиз. Шунда кейин орамиз очиқ бўлади.

Бу гапдан Содиқжон бойваччанинг ранги қув ўчди, шокоса кўзлар қинидан чиқиб кетаёзди, лекин ўзини базўр босиб эшитилар-эшитилмас қилиб мулоҳим гапирди:

— Хаҳ, ҳали гап шуми? Ваҳимангиз бор бўлсин, одамни қўрқитиб юбордингиз-а. Кампирингизни бетоб деб эшитувдим. Хайрият, ҳа, майли... Ўзингиз ҳам фаҳмлаб тургандирсиз, шу бугун юрагимга қил ҳам сиғмай, лоҳас тортиб турибман. Пўлат сандиқда турган векселларни ковлаштириб, сизникини топиб беришимни осон деб ўйлайсизми? Бутун Қўқон менга вексель берган. Шуниси ҳам борки, вексель дафтарим қаердалиги эсимда йўқ, мирзаларим ҳам йўқ. Бошқа бир кун келиб олиб кетарсиз.

Пўлат отанинг талаби қатъий эди. Бойваччанинг ваз-корсонига қулоқ солгиси келмади. «Векселни қайтариб беринг», деб туриб олди:

— Худо хайрингизни берсин, дуойи жонингизни қиламан, мени ташвишдан қутқаринг, векселни шу бугун қайтариб қўлимга беринг. Хуноб бўлиб ётган дилу жоним бир яйраб, мен ҳам силкиниб, енгил нафас олай мундоқ...

Содиқжон бойвачча ўзини гўлликка солиб, уни эрмак қилишга ўтди:

— Бу гапингиз хомсўз ноннинг ўзгинаси. Жигарбағрингиз нега хуноб бўлар экан. Мен сизга беш юз сўм қарз ҳасана берганман, яъни ижара фойдаси билан қайтаришни шарт қилмай, шундоқ одамгарчилик қилиб савоб учун берганман. Камбағал-парвар бўлганим учун сизга мурувват қилганман. Икки уй қуриб ўғилларингизнинг тўйларини ўтказиб олдингиз...

Содиқжон бойвачча гинахонликка ўтиб: «Шунча кўрсатган мурувватим эвазига билдирган миннатдорчилигингизми бу», дегандай ўпкалаган бўлди. Кейин овозини кўтариброқ давом этди:

— Ёки мени ноинсоф ўрис, ҳинди, яҳудий судхўрлари қаторида кўряписизми? Унақанги мендан хавотир тортманг.

— Ундоқ эмас, бойваччам... Лекин...

— Ахир маслаҳатга юринг-да, ишонмасангиз боринг, анави оқчангизни ҳам қайтариб олиб кетаве-

ринг. Қурбингиз етган қуни тўларсиз. Жуда бўлмаса ерларимга суқилиб кириб қолган уч таноб ерингиз билан катакдек чорбоғингизнинг бахридан ўтиб менга ёрарсиз...

Содиқжон бойвачча «уч таноб ер, катакдек чорбоғи» анчадан бери кўз остига олиб юрар, лекин бунни Пўлат отага айтишга юзи чидамай келарди. Ҳозир ўзича «фурсати келди», деб ўйлаб, юрагидагини ёр қолди. Векселни қайтариб беришни пайсалга солаётганининг сабаби ҳам аслида шундан эди. Пўлат ота эса «ер билан чорбоғ» деган иборани эшитиб, бойваччанинг мақсадини билиб, унга тубсиз нафрат билан қараб қўйди-да, азбаройи ғазоби қайнаб ижирғанди. У тилига келган гапни дилида айтди: «Бориб турган содда, баёв одам деб ўйлайди сени бойвачча, Пўлатвой. Бу фирибгар доғули бойваччанг, векселни сенга қайтариб бериб жинни бўлгани йўқ, агар у ўша отасидан туғилган бўлса. Ахир пул топиш, бадавлат бўлишнинг калити-ку бу «вексель» деган сабил! Нене одамларни бойлар, пулдорларнинг қўлига ипсиз боғлаб берган зўравон шу вексель эмасми?! Уларни оқибат-натижада хонавайрон этган, эл-юртидан мосуво қилган ҳам худди мана шу вексель деган «безиён» эчкиэмар. Бу эчкиэмарларнинг дастидан Қўқоннинг мингбоши, додҳолари ҳам, барча даҳа қозилари, муфтилари, ҳатто Камолхон қози ҳам холи эмаслар. Шунинг учун ҳам буларнинг барчаси бойваччанинг етовига ҳеч бўйин бурмай юришади, истаган оҳангига жон-диллари билан ўйнашади, унинг зулм болтасини қайраб беришдан чарчашмайди. Бу восита Содиқжон бойваччага отамерос. У эса, бундан усталик билан фойдаланади. Ҳа, устоздан шогирднинг ўзгани, деб шунни айтса бўлади!»

Пўлат ота шундай ички хаёллар денгизида сузиб, бойваччанинг кўнглини эритадиган гап тополмай, каловланиб турар эди. Отасини чиқишини кутиб, шу чоққача дарвоза ёнида уни пойлаб турган Умар полвоннинг тоқати тоқ бўлиб, ҳовлига дадил кириб борди, ўнг-сўлга кўз югуртирди-да, Содиқжон бойваччага аввал салом бериб, кейин унга илтимос юзасидан сўз қотди:

— Бойвачча ака, отамга шафқат қилинг, у шўрлик жўжабирдек жон, хонадонимизнинг ризқ-рўзи ўтиб турган бир парча еримизга кўз тикманг. Сиздан олган омонатини батамом уздими, векселини ўзига энди

қайтариб беринг. Инсоф юзасидан иш тутинг, бойвачча ака.

Содиқжон бойваччанинг кўзлари олдинга ола-кула бўлиб кетди, лекин кейин асабини босиб таҳқирумиз хохолаб кулиб юборди.

— Э-ҳа, полвон, Пўлат акага ҳимоячи бўлиб келган эканлар-да? Хўш-хўш...

— Ахир бузруквор отам,— дея ғудранди Умар.

— Биламан отанглигини. Яқинроқ кел,— деди юмшоқсупурги бўлиб Содиқжон бойвачча. Умар қўл боғлаб, бойваччага яқин турди. Бойвачча кўрслик билан тўнғиллади:

— Пишқириғинг кимга? Гапимга қулоқ сол!

Умар полвон қўл қовуштириб, сал таъзим ҳолатида жим тураверди. Пўлат ота эса, «Бир ишкал чиқмасайди» деб, «болам, битта гапдан қол» дегандек, ўғлига кўзлари жавдираб қараб турарди.

Сенга айтадиган гапим шуки,— деди бойвачча чертиб-чертиб,— Сен бадқадам, бадзабон одамсан. Пахта зовутимда ишлайсан, менинг туз-намагимни ейсан, мен сени боқаман, лекин тузлиғимни булғатасан. Ишчиларга мени ёмонлаб, кўрнамаклик қиласан. Мен ҳам отанг ўрнидаман, ўзингникини ёмонласанг бегоналар меҳри совийди, дейдилар. Ҳа, бола, мўртлигингни билмайсан. Отангнинг ҳурматини қилиб, сени зовутимдан ҳайдамадим, полискамискарга топширмадим, мусулмон фарзанди бўлганинг учун сени роҳи ростга солиб савоб топмоқчиман. Мана бу гапнинг фаҳмига ет. Кўзинг бўлса ҳам бу замонда кўр бўлиб ол, қулоғинг эшитса ҳамки қар бўлиб ол, яхши йигит. Ҳа, гарданкашлик қилиб кўзга кўкапак, бетга тиканак бўлишдан ҳазар қил. Жаҳл билан тошни тепа кўрма, оёғинг оғрийди, ука.

Умар полвон бойваччанинг узундан-узоқ кинояли насиҳатини тоқат билан эшитиб турди-да, мақсадга кўчишни маъқул кўрди:

— Насиҳат учун минг қуллуқ, бойвачча ака. Вандадан уялмасангиз ҳам худодан кўрқинг, отамни аҳволини ўзингиз биласиз. Боғанатдан бери бу бечорани қийнайсан. Векселни қайтариб бериб дуосини олинг... Йўғасам..

Умар полвон «Йўғасам» деди-ю, бу ёғини ичига ютди. Тобора жини қўзиб бораётганига қарамай, бойвачча

¹ Полицмейстер демоқчи.

ўзини босди. Лекин шу биргина сўзнинг ўзиёқ бойваччанинг миясидан кириб, товонидан тешиб чиққан, уни ларзага келтириб юборган эди.

— Сендан фавқулодда бир ҳикмат эшитгандайман. «Йўғасам» дедингми, Умар полвон? Хўш, йўғасам нима қилардинг? Устимдан арз қилармидинг? Бай-бай, қўрққанимдан эсхонам тескари бўлиб кетаёзди-я! Кимга? Камолхон қозигами? Балки ҳазратга бориб дод солиб «азбаройи шариат, адолат қилинг» дерсан? Ё Кўқон ҳокими Мединска жаноби олийларига арз қиларсан... Бор, бора қол, шикоят қила қол, бошингни деворга уриб фарёд кўтар. Ана, анави икки юз сўмни ҳам ола кет, порага асқотиб қолар... Лекин ҳокимнинг нафси олдида бу урвоқ ҳам бўлмайти-да.

Бойвачча ота-болани очикдан-очик таҳқирлади. Умар полвон хаёлида уни бир уриб, ерга қапиштириб қўйгиси келиб муштани беихтиёр тугди, кўзларида совуқ ўт чақнаб кетди.

Ўғлининг важоҳатини кўриб, Пўлат отанинг кайфи учди, Умарнинг ёнига бориб «бойвачча билан тенг бўлма, болам, шайтонга ҳай бер», деб шаштидан қайтарди-да, дарвоза томон етаклади. Бундан пишанг олган бойвачча: «Кўзимдан йўқолинг!»— деб ўдағайлаганича қолди. Лекин бу хўрлик, бойдан эшитган бу даккилар Пўлат отанинг ҳам жон-жонидан ўтиб, кетаётган йўлида орқасига қараб, бойваччага совуқ тикилиб қолди, унинг авзойини кўриб, Содиқжон бойваччанинг дами қирқилди, тилини тийди. Чунки у шу топда ота-бола бир бўлиб, ўзини бир нима қилиб қўйишидан қўрқиб кетган эди. Фурсатдан фойдаланиб, Пўлат ота уни узиб-узиб олди.

— Йўқ! Мен кўзини ёғ босган бандаларга эланмайман, арзимни худога айтаман. Сизни, бойвачча, худога соламан. Камбағалнинг топгани сизларга ҳалол, майли, ош бўлсин. Менинг бундан бўлак гапим йўқ. Олов ёниб-ёниб, охири сўниб ўрнини кул олиши бор, бойвачча! Кўрамиз омон бўлсак қачонгача ёниб, гуриллар экансиз...

Улар бойваччанинг ўшқириб-пишқиринишига қулоқ солмай чиқиб кетишди, Содиқжон бойвачча худди чаён чаққан одамдек алам-аччиқдан инграб, кул оловнинг ўрнини олармиш! Ҳа, оласан-а!.. Елга совуриб ташлаймиз, деганча қолди. У ота-боланинг орқасидан «Тўхта!» деб ҳайқирди. Улар бир лаҳза тўхтаб орқасига қарашди.

— Векселингни топиб қўяман! Мана бу зогчанинг ўлигини олиб кет.— У бир даста пулни хонтахта устидан олиб ғижимлаб турди-да, Пўлат отага қаратиб отиб юборди. Пул ҳар томонга сочилиб кетди.

Пўлат ота бойваччанинг бу қилиғидан ҳайрон бўлмади, лекин «худо» исмини эшитиб, бу аянчли ҳолга тушиб қолган бойваччани яна бир узиб олгиси келди.

— Бу пулларни мен пешона тери билан топиб, сизга келтирган эдим, бойвачча. Улар сизники энди. Ташвиш тортманг, ҳали-замон Қора Қоплонингиз келиб, териб олади-да, бозордан калла-почча харид қилиб сизга пишириб беради. Ҳа, «Латтани чўққа ташлаб бўлмади, сассиғи чиқади», деган гап бор. Яхши қолинг, бойвачча!— шитоб билан юриб чиқиб кетишди.

Пўлат отанинг бу учуриғини эшитган Содиқжон бойвачча чўғ босиб олган одамдай типирчилаб қолди. «Ёпирай, бу сарпоёкнинг сирдан хабари борга ўхшайди. Шаҳзоданинг эри — анави бойваччага шама қилди-ми? Ёки ўзи тўсатдан ғойиб бўлиб, беш халта олтини йўқолган судхўр ҳиндини эсимга соляптими? Бу сирларни қаёқдан била қолди у? Шаҳзодами?.. Йўқ... Ишонмайман. Парвардигор, осий қулингни ўз панохингда сақла». У шу тариқа узук-юлуқ хаёлларни кўнглидан кечираркан, бир муддат доврираб қолди. Кейин ўзига тасалли берди: «Ҳар ким манглайига ёзилганини кўради. Бу сирлар бу чақиртош Пўлатвойнинг бошига оғирлик қилади-ку. Бечоранинг бошини бу оғир юкдан халос қилиш керакка ўхшайди. Бош билан биргаликда, албатта. Ҳа, майли, бунинг ҳам вақт-соати келиб қолар. Бугун Зубайданинг васлига етиш чорасини ўйлашим керак...»

Бойвачча шу хилдаги хаёллар билан бўлиб, ичкари ҳовли йўлагига кириб қолганини сезмай қолди. У йўлакда таққа тўхтаб, шарпа қилмасдан кимгадир узоқ тикилди. Ташқарида бўлиб ўтган машмашани дарҳол унутди. Қандайдир бир паривашнинг оловли жозибаси, ҳусн-малоҳати унинг эркаклик қонига чўғ ташлаб юборган эди. У кўзини сузиб, аллақандай ҳузур хаёли билан мўйловини силаб, ютиниб қўйди.

Бу париваш — ҳарир кўйлагининг этагини липтасига қистириб олган, жиякли қизил атлас лозими ял-ял ёниб, бўлиқ болдирини қучоқлаб турган, ўзи алвон турли гулларни суғориб юрган Шаҳзодахон эди. Бойвачча Шаҳзодахоннинг зорифатини биринчи кўриб

тургандек унга суқланиб тикилиб қолганди. Унинг зарбоф нимча қучган хипча бели, нимчани ситиб юборгудек тирсиллаб турган кўкраклари ҳушини ўғирлаб, кўнглини аллақандай ширин туйғулар ёритди-да, димоғи чоғ бўлиб, ичкари ҳовлига беихтиёр кириб борди. Эрининг шарпасини сезган Шаҳзодаҳон кўйлак, дуррасини апил-тапил тузатган бўлиб, унга пешвоз чиқди.

— Ассалому алайкум, тўрам, хуш келибсиз,— дея салом берди у, икки қўлини кўксига қўйиб таъзим қилиб.

Содиқжон бойвачча унга салласи билан эғнидаги енгил камзулини узатиб туриб сўради:

— Кундошларинг қаерда?

Шаҳзода салла-чопонни икки қўллаб олиб, жуда оҳтиёткорлик билан қозиққа илаётиб одоб билан жавоб қилди:

— Уй-уйларида ўтиришибди. Изн берсангиз чақирай.

— Қўявер,— деди бойвачча.— Безовта қилма, уйида кўмилиб ўтира беришсин.— Катта хотинлари бугун менинг ёнимга кирармикан, деб йўлига кўз тикиб, илинж билан пардоз-андоз қилиб, кўрпачаларни қават-қават солиб, қўша-қўша парёстиқларни ташлаб ўтиришганини, ҳозир эса эшиклари тирқишидан унинг ҳаракатларини кузатиб ўтирганликларини бойвачча хаёлига ҳам келтирмас эди. Унинг миясида бугун фақат биргина ўй ҳукмрон. У «севикли» Шаҳводани овлаб-товлаб унга бутун жаннатни ваъда қилиб устига келадиган янги кундошга розилигини олмоқчи. Шўрлик Шаҳзода эрининг бу макру ҳийласини билмайди. Лекин катта хотинлари ҳаммасидан аллақачонлар хабар топишган. Эрларининг ҳар бир хатти-ҳаракатлари маъносини улар билишади, бунга уларнинг кўзлари пишиб кетган.

Шаҳзода бир ноз-адо билан бойваччага қараб табасум ҳада этди-да, уни ойнавон айвон қашқарчага таклиф қилди. Олдиндан тайёрлаб қўйилган жойга бойвачча чўкди, қўш болишни аввалига бағрига тортиб, кейин ёнбошлади. Ёнидан олтин папирос қутисини чиқариб, хонтахта устига қўйди, уни «шиқ» эткизиб очиб, бир дона «адана» деган папирос олиб, лабининг чеккасига қистиргач, қутини қарсенлатиб ёнди. Кўкрак чўнтагидан мўъжазгина ялтироқ қутичани олиб бир жойини бармоғи билан босган эди, «чирс» эткизиб учқун

сачраб, ҳалиги қутичага ўрнатилган пилик аланга олди, бойвачча папиросини унга тутиб тутатди-да, қутичани олган ерига солиб қўйди.

Шаҳзода бу пайт енгил ҳаракатлар билан дастурхон тузар эди. У бир лаҳзада алвон турли ноз-неъматлар билан тўла гардим патнисни дастурхонга қўйди-да, кейин қимтиниб бир навозиш билан бойваччага узатди. Содиқжон бойвачча чойни олиб майдалаб ҳўплаб-ҳўплаб ичаркан, Шаҳзодани гапга солди.

— Бугун менга жуда ҳам ёқиб кетяпсан, маликам. Ранг-рўйинг кириб, гул-гул очилиб кетибсан. Бир нимадан хурсандмисан дейман-а?

Бойваччанинг ўсмоқчилаётганини Шаҳзода жуда яхши тушуниб турса ҳам, лекин сир бой бермай, ўзини гўлликка солиб шунчаки қилиб жавоб қайтариб қўя қолди.

— Нега чеҳрам очиқ бўлмасин,— деди у мулойим жилмайиб.— Сиздек номи баланд, хушсурат бойваччанинг жуфти ҳалолиман.— У бир сўлиш олиб кулиб туриб қўшимча қилди.— Кундошларим олдида бахтиёрман, ўзим хон, кўланкам султон, «Ҳа!» дейдиган ҳожи йўқ, қўрқитадиган бўжи йўқ, давлатингиз соясида бутун ҳовлини тўлдириб хандон-хушон яйраб-яшнаб, гул тўкиб юрибман-ку, ахир...

Бойваччага бу жавоб ёқиб тушиб хохолаб кулиб юборди.

— Гапни ҳам тўкиб ташлайсан-да, менинг режамадаги хотинсан, жонгинам, сендаги латофат, жозиба кундошларингнинг ҳеч бирида йўқ. Улар сенинг олдинда бамисоли бир тўнка. Шунинг учун ҳам сенга етишмоқ йўлида жонни хатарга қўйиб, кеча-кундуз югурганман-да, кўзидан!— Бойвачча энди тилёгламаликка ўтган эди. Лекин унинг «жонни хатарга қўйиб...» ибораси Шаҳзоданинг бағрини тилиб, қалбидаги ярасини янгилаганини бойвачча сезмади. Бунини у ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. У давом этди:— Сен менинг суюк хотинимсан. Бугун ҳам меҳмонингман, отамлашамиз, яна бир нарсани айтиб қўяй — мен бор давлатимни сенга хат-ҳужжатлаб бераман. Аҳдим рост. Меросхўр сен бўласан... Ҳа!

Шаҳзода бу гапни эшитиб бир сесканиб олди. Лекин у ҳар бир сўзига таманно билан пардоз бериб қош-кўзини ўйнатиб деди:

— Вой, худо сақласин, нега мерос вараса жўнидан гап очасиз, қирчиллаган йигит бўла туриб... Ҳали

биздакангилардан қанчасини қаритаркинсиз, худо билади.— Шаҳзода ўзининг учуригидан мамнун бўлиб, хандон ташлаб кудди. Бойвачча Шаҳзоданинг гапи тагидаги шамани фаҳмлаб қолди.

— Сен ҳам қилдан қиё кетса пайқайдиган содда муғамбир хотинсан-да, гапимга ишонавер. Гап битта. Лекин анавиларга ҳозирча оғзингдан гуллаб юрма, қолган гапни кечаси бафуржа гаплашиб оламиз.

Бойвачча ёнчигидан қоғозга ўроғлиқ бир нимани чиқариб, Шаҳзодага «бу кечанинг совғаси, гавҳар кўзли олтин узук» деб узатди. Шаҳзода бир жилмайиб қарадию кичкина, оппоқ қўлларини шўх бир адо билан зебигардон устига қўйди. Содиқжон бойваччанинг кўзларида иблисона ҳирс ғалаён қиларди.

Шу пайт эшик томондан ғарч-ғурч қилиб кириб келаётган Қора Қоплоннинг таниш шанғи овози келди:

— Бойвачча ака, пирим шу ердалар.

Содиқжон бойвачча ўрнидан турди-да, Шаҳзодага салла-чопонини ишора қилди, улар қозикдан олиб берилгач, наридан-бери эгнига илди-да, ташқари ҳовлига йўл олди. Шаҳзоданинг юзидаги ясама табассум шу ондаёқ ўчди-қолди. У ҳам ер тагида илон қимирласа биларди. Бойвачча буларнинг устига тўртинчи хотинни олмоқчи. Рашк ғалаба қилиб, ўртада жанжал кўтарилмасин дейди, Шаҳзоданинг отасидан ҳайиқади. Шунинг учун ҳам бу қирчинингдан қийилгур бу кеча унинг ёнига кириб, жаҳон молини ваъда қилиб, қора мақсадини хамирдан қил суғургандек амалга оширмоқчи.

Шаҳзода ундан чўчқадан ҳазар қилгандек, ҳазар килади. Бу ғамхона кошона унинг учун дўзах-ку! Қур-қур ўзига кунда-кунда ўлгандан бир кунда ўлган яхшироқ-ку, деб ҳам қўяди. Бу молу давлатнинг барчасини ўша кўз очиб кўрганининг битта ҳаром тукига олмайди. Замона золимларники экан, на чора. Аёл кишининг кучи икки кўзига етади холос. Лекин Шаҳзода устига хотин келтирмайди, дарёдек тошади, момагулдурак бўлиб оламни титратади, бу хонадонга ўт кўяди, лекин устига хотин келтирмайди. Хўш, у бойваччани севадими, уни бошқалардан рашк қиладими? Унинг эркалашларини, силаб-сийпашларини, аёл кишини беҳуш қиладиган қайноқ ўпишларини бегона килишни истамас экан-да, бўлмаса? Йўқ! Бу унинг шаънига тухмат! Чиндан ҳам тухматмикан? Йўқ,

туҳмат эмас, бу ҳолат аёллар оламида тез-тез учраб турадиган, асрлар давомида қарам бўлиб кун кечиришга маҳкум этиб келинган хотин-қизлар онгига сингиб кетган мутелик ҳақиқатининг бир кўриниши. Аммо бу Шаҳзоданинг ҳақиқати эмас. Унинг ҳақиқати — эркин муҳаббат, биргина ҳалол, пок бўсага умрини бағишлашга тайёр жувоннинг ҳақиқати. Лекин қани ўша пок, ҳалол инсоний бўса? Йўқ. У китобда бор, оламда йўқ. Ҳа, Содикжон бойваччанинг бутун эркалатишлари, унинг ҳис-туйғуларини жўштириш ўрнига, аксинча, сўндирадиган, унинг ўзини эса хўрлайдиган дағал ҳайвоний муомаладан бошқа нарса эмас. Нега бўлмаса у тинчини, ҳаловатини йўқотиб қўйди, юрганда йўли, ўтирганда ўрни куядиган бўлиб қолди? Шаҳзода яна бир мусичадай беозор бокиранинг не-не жувонларнинг қон қора қакшатган бу аждаҳонинг уясига келиб азоб чекишини истамайди, уни жони борича ҳимоя қилади. Эркин-эркин ўйнаб юрган бошқа оҳулар бу золим сайёднинг домига тушмасин, дейди. Ҳамма гап мана шунда! Ўтган умр — куйган кўмир. Унинг гулдек ёш умри хазон бўлди. Энди бошқа ноҳақликка асло йўл бермайди. Унинг иродаси метиндек мустаҳкам. Шаҳзодахон ана шундай изтироб тўла ўйларига чек қўйиб, беихтиёр сураатда «Сайдинг қўябер»ни замзама қилиб кундошлари ёнига кириб кетди.



Содикжон бойвачча ташқарига чиққанида важоҳатидан от ҳуркадиган баҳайбат, бадбашара Эргашни кўриб, уни қучоқ очиб қарши олди.

— Йўқлатган экансиз, бойвачча ака, узр, бир оз ҳаяллаб қолдик, — деди Эргаш тиржайиб. — Қиморда муштлаш чиқиб кетиб, десангиз, иккита эррайимнинг лунжига тугун солиш билан овора бўлиб қолдик.

Гапга Қора Қоплон аралашди.

— Икковини ҳам ерга қапиштириб ташладилар, пирим. Иккаласи ҳам, хўжайин, бутун Пархонада ном чиқарган зўравонлар эди...

Содикжон бойвачча уларга қандай баҳона билан пишанг бериб кўнгилларини овлаш пайтини пойларди.

¹ Фаргона демоқчи,

Ҳозир айна ўша пайт келганлигини пайқаб, ундан фойдаланиб қолишга шошилди.

— Баракалла, азаматларим, боплабсиз. Қани, меҳмонхонага кирайлик, сизбоп бир зарур юмуш чиқиб қолди. Сиздан бошқа, агар фили Маҳмуди бўлса ҳам, уни удалолмайди.

Эргаш бойваччанинг олқаб-мақташидан эриб кетиб, уни кўкка олиб чиқиб қўйиб, жавоб қилди:

— Қўқон хонининг амр-фармонлари ҳамиша биз, фуқароларига вожибдир.

Бу ҳазиломиз гап ҳар учовларининг кўнгилларида имондай сир бўлиб келаётган илинжлари ториға бориб тегиб, уларни руҳлантириб юборди-да, бараварига қаҳ-қаҳ отиб кулишди.

Улар меҳмонхонадаги дастурхон теварагига ўтиришиб юзларига фотиҳа тортишгач, бойвачча Қора Қоплонга буюрди:

— Ошпазга айт, кабобга унасин, ўзинг коньякни хўчачага солиб, бу ерга келтир. Бир дафи савдо қилиб яйрашмасак, юрак жуда ҳам сиқилиб кетди шу кунларда.

Қора Қоплон «хўп хўжайин» дея ўзини ошхонага урди.

* * *

Содиқжон бойваччанинг қўли шунчалар узунки, Қўқонда туриб Андижондаги рақибининг бўғзидан ололади. Шундай ҳам бўлди. Бачқирлик Хўжамбердининг ўғли Эргаш ўғрининг амри билан Қора Қоплон Андижонга бориб, у ердаги безориларнинг бошидан олтин тўкиб, Аҳмадохун мақтаган ўша рўзгор кўрмаган йигитни гумдон қилиб қайтишди. Орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас ярим тунда Эргашнинг ўзи Аҳмадохуннинг уйига боқин ясаб, унинг ўн олти ёшдаги хотини Зулфизарни қўйнидан уят гаплар билан сўкиб тортиб олди-ю, бошига қаттиқ бир нарса билан урди. Аҳмадохуннинг қулоғи чиппа битди, назарида еру кўк чирпирак бўлиб айланди, у гандираклай-гандираклай ерга гупиллаб йиқилди. Ҳушига келгач, дудама пичоққа кўзи тушиб дод солиб, ўзини Эргашнинг оёғига ташлади. Саноқсиз олтин, жавоҳир ваъда қилди. Эргашдан садо чиқмади. Унинг кўзлари қонга тўлган, кўнгли бўридек увилларди. Юзларида фақат ўлим шарпаси кезарди. Қулоғига шивирлади:

— Мени танийсизми, бой? ^а

— Йўқ, танимайман.

— Бу мен бўламан!— У юзидан ниқобини олди-ю, унга мушук кўзларини тикди. Эргашнинг беўхшов гавдасини, тошдек дағал қўлларини, кўзларида ёниб турган ваҳший қонни кўрибоқ Аҳмадохун:

— Эргаш?!— деди-ю, ҳушидан кетаёзди.

— Ҳа, бир отим Эргаш, яна бир отим ажал,— деди тишларини ғижирлатиб Эргаш.

Унинг имоси билан Қора Қоплон, яна кимдир Аҳмадохуннинг гирибонидан тутиб ҳаникка ётқизишди. Ёш хотин оппоқ шойи рўйжа устида ярим яланғоч, беҳуш ётарди. Унинг узун киприклари, қийғоч қошлари, кўкрагини ярим тўсган йўғон-йўғон икки кокилига беҳос кўзи тушган Эргаш бир лаҳза тикилиб, юзини шартта тескари қилиб олди. Қора Қоплон ёш аёл устига ипак чойшабни тортиб қўйди-ю, Эргашнинг қулоғига яқин келиб:

— Дириллама, момақаймоқ, чайнамай шимадиган дўндиқча экан, хўжайин,— деди. Эргаш қошини кўтариб, имо қилиши билан Қора Қоплон Аҳмадохуннинг бошини қайириб бўғзига пичоқ қўйиб, Эргашга «тортайми?» деган савол назари билан қараб турди. Аҳмадохун аллақачон жонидан умидини узиб, қўйден ювош бўлиб қолган эди.

Эргаш яна сўз қотди:

— Бой! Жон керакми! Ё мол-давлат?

— Бунга жон керак,— деди Қора Қоплон пичирлаб.

— Шундоқми?— деди Эргаш.

Аҳмадохун бош ирғади. Унинг кўз соққалари чаноғидан чиқаёзганди.

— Агар сизга жон керак бўлса бой, менинг уч шартим бор. Шунинг ҳаммасини қулоқ қоқмай бажарсангиз жонингиз омон-да. Биронтасини жойига қўймасангиз, жонингизга азроил бўлиб чанг солсам, розимисиз?

— Розиман,— дея ишора қилди Аҳмадохун.

— Ёшитинг,— деди Эргаш.— Бирламчи шартим, Бу ишимизни ўла-ўлгунча сир тутасиз. Оғзингиздан гулламайсиз. Сизга жон керак бўлса шундоқ иш тутасиз, розимисиз? Аҳмадохундан «хўп» деган бўғиқ садо чиқди.— Иккинчи шартим. Қизингизнинг оти нима? Ҳа, Зубайдахонга эртага Содиқжон бойвачча яна совчи юборади. Миён Қудрат ҳазратнинг ўзлари

келадилар. Розилик бериб патир ушатасиз, бир ойга қолмай қизингизни ўйнаб-кулиб бойваччага узатасиз. Ҳа, сизга жон керак бўлса...

Аҳмадохун розилик билдирди.

Эргаш яна заҳрини сочди:

— Бўй етган қизингиз Ҳакимча табибнинг ўғли Ҳамза деган бир калтадумга қаттиқ суйкалармиш, овлоқроқ жойларда тез-тез бағрига тортиб турармиш. Эртадан бошлаб у остона ҳатлаб кўча-кўйга чиқмайди. Сизга жон керак бўлса, шундай иш тутасиз. Учинчи шартим: мана бу ёш хотиннинг оти? Оғзини бўшат, Қора,— деди Эргаш. Қора Қоплон Аҳмадохуннинг оғзини бўшатди.— Оти?— деди Эргаш таҳқирона тиржайиб.

— Зулфизар,— деди зўрға Аҳмадохун.

«Зулфизар... номи ҳам саз экан»,— деди ичида у.

— Пулингиз бор, қанча хотин керак бўлса, сизники, бой. Буни эртагаёқ Камол қозига олиб борасиз, талоқ хатини кўлига топширасиз. Хўпми?

— «Хўп» дея иложсиз бош ирғади.

— Гап битта! Худо ҳам битта. Олинг, ўпинг!— Унинг кўлига қуръонни тутқазди Қора Қоплон.— Ҳушёр бўлинг, бошингизга палағда фикрлар келса, ҳайданг. Яна сизни каломулло урмасин.

Эргаш лом-мим демай кўчага қараб жадал йўл олди. Бошқалар унга эргашдилар. Анчадан кейин Аҳмадохунга жон кирди. Лекин у аллақандай нота-вон, заҳар-заққумга тўлган илон оғзида бир-икки ямлиниб, суяклари мажақланган чумчуқдай мужмал бир нарсага ўхшарди. У бели жизиллаб, кўл-оёқлари зириллаб, чалишиб, қаддини ростлаб, Зулфизарнинг ёнига борди, бирдан ҳўнграб, ўзини унинг бағрига отди. Зулфизарнинг зулфидан атир ҳиди анқирди. Лекин бу хуш ҳид бойнинг димоғига заҳар бўлиб кирарди. Ахир у, бу нозанин Зулфизардан жудо бўлиб қолишини ҳатто хаёлига келтиргани кўрқар эди-да! Ёш оқиб пирпираган кўзларидан, хиёл титраб турган лабларидан, келишган оёқларидан жазава билан ўпди, ўпди ва яна ўпди. Нозик, латиф бармоқларини кўзларига босди. Зулфизарнинг ёш, оппоқ, тикмачоқдек, иссиқ тани унга яна куч, ҳарорат, ҳаёт бахш этди. Ёши олтмишга бориб қолган бўлса ҳам, Аҳмадохуннинг завқи, муҳаббати қаттиқ эди. Йўқ, Аҳмадохун Эргашнинг пичоғига бошини қўяди, аммо Зулфизарни унга бермайди!

САЙИЛГОҲДА

Ойдин булоқ — қўшиқчи булоқ, сўлим, соя-салқин жой! Катта булоқ теваарак-атрофи дов-дарахт, айниқ-са садақайрағочлар, майда кокилларини ёзиб ташлаб, теран хаёлга чўмган мажнунтоллар, шундоққина биқинидаги ўрикзор, бодомзор, гулзорлар киши дилини ҳар қандай ғам-ғашдан тозалайди. Булоқ ёнгинасида унча катта бўлмаган бозор бошига бу ҳафта сайил чақирилган. Қўқоннинг жазирама ёзи, еру кўк қуёш ғазабиди... Пишиқчилик кунлари, деҳқоннинг қўли бўш пайт... Ипак гиламлар билан безатилган, су-пуриб-сидирилган қатор чойхоналар, боққоллик, қас-соблик дўконлари барвақт очилган. Ошпаз, сомсапаз, кабобпазларнинг қўли қўлига тегмайди. Офтоб тиғ тортганда сайил қизиб кетди. Одам тиқин: бировлар қўлларида коп-қопчиқ, бозор-ўчар қилади. Бировлар ҳамёнида ҳемири йўқ, туянинг тишини санайди. Қаш-қарлик ошпаз Ниёзохуннинг донғи бутун Фарғонага таралган. Узоқ-яқиндан келган ёш-яланглар, қари-қар-таглар, танги бойваччалар, мингбоши, додхоқ, қози-аъламларнинг сатта хонатлас, кўк қарға шоҳи кўйлак-лар кийган, бошларига паранг дуррани дол келтириб ўраган ёш келин-қизлари Ниёзохуннинг хуштаъм ман-ти, хушхўр гўшткуйди, сермурч пармуда, йўтонгзи (зарчўва, зира сингари дориворлар солинган) лағмон, хўшанг, манпар, манжўзаларига, сели жизиллаб оқиб турган тандир кабобларига роса ўрганншган. Ошпаз йигитлар бакириб-чақириб қулоқларни батангга кел-тиришади:

- Кеп қолинг, ғарчча мой ейсиз!
- Бор, қайноқ ёғлиқ сомсалар!
- Ёғумурч, ёғумурч!
- Кашнич чекиб, қатиқланган қиймали мастава-лар. Ичмаганлар армонда!
- Асаканинг ҳусайиниси. Қадоғига бир миридан баҳо кесдим, кеп қолинг.
- Пули бор-ку ейди, пули йўқ-чи, — баланд овоз билан сўради, эркак сабзига ўхшаган бир эски чопон.
- Жомега бор, шулон тайёр, бепул! — деди қочир-иқ қилиб елкаси чиқиқ, ранги сарғимтир қилтириқ бўйин бир исириқчи.
- Камбағалнинг куни шу экан-да! Наҳотки бир

сих кабобга зор бўлса. Э, ноқис замонанга ўт тушсин,— дея сўкинди бозорда аранг сурғалиб юра-вериб куйиб қораталоққа айланиб кетган бир гадей.

— Пули борга кабоб, пули йўққа дуди кабоб, кеп қолинг! — қичқирди кабобпаз.

Бир маҳал аллақандай отлич сайил қизиган майдонга кириб келди-да, туриш-турмуши, ажиб қилиқлари, хусусан, ғалати гаплари билан сайилчиларнинг эътиборини ўзига тортиб олди. Унинг бошида каттакон салла, эғнида зарбоф чопон, отгўрва соқоли кўксига тушган, йирик-йирик кўзларига сурма тортган, қўлида эгри ҳасса, атрофида турли кепатадаги тўрт-беш киши унга парвона. Бири отининг жиловидан тутган, яна бири: «Қоч, йўлни бўшат, пирим келяптилар!» — деб кимгадир ўшқирган... Бозорчилар, аҳли растаю сайилчилар ҳайрон:

— Бу зот ким бўлсалар экан? Эшонми? Раисми ё қозими?

От устидаги одам шу пайт бир-икки бозорчига: «Намозликни билмайсан, масжидга кирмайсан», деб дарра туширди-да, овози борича бақириб-чақирди:

— Халойиқ! Бир-икки оғиз сўз айтаман, қулоқ сол. Мен ўша ўзинг билган бадқадам, баднусха, баднафс, эт емас эшон бўламан. Атаган-атамаганингни дарҳол мана бу ола хуржунга сол! Бермасанг, дуойи-бад қилиб ишингни хуржунлаштираман. Халойиқ! Мени билмасанг бил, Қўқоннинг юқори Шилдир, пастки Шилдир даҳасининг Шафақ махсум деган қўрбошиси ҳам, қозиси ҳам ўзим бўламан!

Бозорчилар нима қилишларини билмай тек туриб қулоқ солишди, у эса баттар гердайиб давом этди:

— Эшитиб, билиб қўйингларким, уволгина одамман, обрўйимнинг катталиги, мартабамнинг улўглиги шунчаларки, маҳаллада тўй, хатми қуръон ёки рамазони шарифда ифтор бўлса, у қўшнимни айтишади, бу қўшнимни айтишади, ўртада битта ўзим сўппайиб, бугдўйнинг чоридай четга чиқиб қолавераман.

Атрофда «гурр» кулги кўтарилди. Ҳамон ҳангу манг бўлиб, зир титраб турган одамлар сал ўзларини босиб олиб, кулгига қўшилишди. У давом этди:

— Жума кунлари масжидларидан жойнамоз ёинки намозхонларнинг ковушлари йўқолиб қолса, менинг уйимдан толиб олишади. Шу ҳунарим учун мени «чўп қўймас эшон» деб ҳам аташади.

Яна қаққақа кўтарилди. Одамлар ўртасида жонла-
ниш бошланиб, уларнинг кайфиятлари яхшиланди.

— Э, масхарабозлар экан. Бир томоша кўрадиган
бўлдиқ,— деди кимдир қувониб.

— Ҳа, Юпатовнинг отўйини кеган. Марямхоннинг
жилвасини кўрмаганмисан?

— Танидим, анави от устида тургани ўта гапдон,
мияси путун қизиқчи.

— Қизиқчи келмаган сайил сайил бўптими?— де-
ди бир деҳқон йигит. Одамлар, шу тариқа, бири олиб,
бири қўяётган эди, ўрта бўйли, чўққи соқол, шалпанг-
қулоқ, чўмич бурун бир қизиқ, ёғи чиқиб кетган тай-
поқ дўппини бошига тескари кийиб олиб йиғламсираб
бозорчиларга мурожаат қилди:

— Эй ёронлар, бошгинамда мугизим йўқ,
Такка солай десам кафтдай кигизим йўқ,
Чорик йиртиқ, тикай десам бигизим йўқ.

Ҳа, Қўқон қишлоқларидаги кўптирма нондай ер-
ларки бор — ҳаммасига Содиқжон бойвачча эга. Ўттиз
йилдан бери чоракорчилик қиламан, бойвачча беш йил-
дан бу ёққа ҳақ тўламайди. Ўзимда бир суям ҳам ер
йўқ. Мана кўрасиз алваттаинки, бу отган ошиғи чув
тушган қиморбоздай бўриқмай ўлгур эт емас эшон ҳам,
бойга қайишади. Шу боисдан ялангоёқ қолдим мано!

От устида виқор билан турган «ҳазрат» ҳалиги ер-
сиз деҳқон қиёфасидаги масхарабозни дарра билан бир
туширди. Қўлларини паҳса қилиб жекирди:

— Хўшшаймай ўл, бадзабон калвак! Қачонгача еб
туриб маърайсан. Аввало бўйнингдаги қарзингни уз,
ундан кейин кигиз билан бигиз сўра-да! Қолу бало,
манглайингдан кўр, ундоқ ношукурчилик қилма, бад-
бахт! Худо сени шундоқ чоракор, қарол килиб яратган
бўлса, менда нима ҳад? Сабр қилсанг, чеккан барча
заҳматларингнинг ажзини нариги дунёда кўрасан, ҳа!

Қизиқчи «ҳазрат»га тикилиб, маккорона илжайиб
қўйди.

— Тақсир, гапингиз тўғри-ку, аммо-лекигин худо-
нинг ўзи кечирсин кўнгил ўлгур нақдини тусаса, мен
нима қилай, ахир!

Яна қаттиқ қаққақа шағал тўкилгандай бутун бо-
зорни кўтариб ташлади. Жағи кенг, дўнг пешона, кўз-
лари шилпиқ бир мулла «Астағфируллоҳ! Астағфирул-
лоҳ!» деб истиғфор айтарди. Ўртага бир оз ноқулай

жимлик чўкди. Чунки қизиқчи сал «қаттиқ» кетган эди. Бу вазиятни енгиллатиш учун иккинчи қизиқчи «Кичкинажон, кичкина»га ўйнаб, ҳар хил қилиқ қилиб, халойикнинг ичагини узди. Ўйин тугаши билан бошқа бир қизиқчи халққа мурожаат қилди:

— Халойиқ! Манави муфтхўрни қаранглар! Бу пуфлаб шиширилган ёлғончи «қозиман, қўрбошиман», деб бечора деҳқон, косибга жабр қилиб, хотин-қизларга кўз олайтиради. Кеча-кундуз ҳаром-хариш ишларга юради. Камбағал деҳқонларнинг арз-додига бурнини қоқади, порани иссиқ иликдай ютади. Бундоқ тамагир, эл танасига чиққан хўппоз, худобеҳабар Шафақ маҳсумни калтаклаш савоб. Савобдан қуруқ қолмай десанглар, эртадан бошлаб, Юпатовнинг Қўқондаги от ўйинига бораверасизлар,— деди-ю, от устида кеккайиб ўтирган ҳалиги эшоннусха одамни ўпка билан ура-ура бозордан чиқиб кетишди. Сайилчилар роҳат қилиб кулиб қолишди.

Айниқса бу Ҳамзага қаттиқ таъсир қилди. У кулакула Олчинбекка юзланди-да:

— Танидингизми?— деб сўради ундан.

— Бўлмаса-чи, оғзи шалоқ Юсуф қизиқни ким танимайди,— деди Олчинбек нописандлик билан.

— Кўп доно одам,— деди Ҳамза,— халқ дардини ундан яхши биладиган киши бўлмаса керак.

— Қўйинг-ей, оғзидан боди кириб, шоди чиқадиган бесавод масқарабозни донишманд дейсиз-а, Ҳамзахон. Доим бачкана қилиқлар қилиб, ажива бўлиб юради. Нимаси донишманд унинг, ҳайронман.

— Халқнинг дилидаги дардини билиб, унга малҳам бўлиши билан донишманд у. Мен у кишини, албатта, зиёрат қилишим керак,— деди Ҳамза Олчинбекка жавобан.

— Ҳа, энди бўлса бордир. Макаров, Юпатов деган аллақандай кимсалар билан от ўйнатиб кун кўраётган ўша сўлоғи ўйнаган авлиёйингизнинг зиёратига улгурасиз хали,— деди, сўраётган папиросининг кулини чертиб Олчинбек. Кейин гапни бошқа ёққа буриб, ялпизлади.— Уни-буни қўйинг, дўстим, бу ёқда қоринлар сурнай чалапти-ю, арзимаган нарсага баҳслашиб ўтирибмиз-а. Ундан кўра бирон дурустроқ овқат топиб тамадди қилайлик.

Бу таклиф Ҳамзага ҳам маъқул тушди. Унинг ҳам қорни очган эди.

— Ҳа-я, дарвоқе,— деди у Олчинбекнинг таълифи-

ни сидкидилдан маъқуллаб.— Ниёзохуннинг лағмони-ни сиз ҳам соғинган бўлсангиз керак, ўша ёққа борай-лик.

Олчинбек бажонидил рози бўлди. Улар лағмон ейиш учун кета туриб, Бўронбойни учратиб қолишди. Қўяр-да-қўймай уни ҳам ўша ёққа судрашди. У ҳам томоша-га алағда бўлиб, овқат еб олишни унутганди, кўп таранг қилмай, осонгина рози бўла қолди... Йўлда бу-ларга Умарполвон ҳам қўшилди. Булар, улфати чор... кела солиб ўзларини ошхонага уришди.

Лағмондан кейин Олчинбек бугунги сайру томоша-дан олган таассуротлари билан ўртоқлашгиси келиб, гап очди:

— Кўп замонлардан бери бизга маърифат қуёшини кўрсатмай келаётган бидъат, хурофот ўчоқларини ро-са кўрдик, бу хурофот, жаҳолат бидъатдан қутулиш, миллатни бахт-саодат соҳилига олиб чиқиш учун бир-дан-бир йўл — маърифат йўлидир,— деди у даврага гап ташлаб. Ҳамза истеҳзоли табассум билан Олчинбекка бир тикилиб олди-да, кейин овозини кўтармай жавоб қилди:

— Яккаш шундай дейсиз, дўстим, тўғри. миллатни ўқитиш керак, миллат маърифатга муҳтож, илмга чан-қоқ. Лекин қани мактаб, қани китоб? Мадрасада ҳам фақат борларнинг фарзандлари ўқишади. Миллатнинг, айниқса бисоти, бағали йўқларнинг аҳволига ким ачинапти, ким? Уларнинг болаларини ким ўқитади? Қани муаллим?

Гапни Олчинбек илиб кетди. У жаҳон бозорида Ов-рупо дунёдорлари билан беллашмоқ учун савод керак-лиги, ҳисоб-китоб, иқтисод илмларини пулдорлар сув қилиб ичишлари шартлиги, пулни пул топиши, бойлар ана шу кимёнинг мағзини чақишлари кераклиги, лекин у нодонларнинг виждонлари кўрлиги, завод қуриш ўр-нига қайси йўл билан бўлса ҳамки, катта тўйлар қи-лиш, масжид, мадраса солиш, қўша-қўша хотин олиш билан овора эканликлари, хўжайинлари Содиқжон бойваччадан бошқа Қўқон бойларининг аксарияти мактаб, маърифат деган сўзларни эшитсалар, имонла-ри саксон газ нарига сапчиши ҳақида узоқ гапирди Олчинбек. Шундан сўнг чой ичиш баҳонасида Жавлон аканинг самоварига ўтайлик, деб ўринларидан ту-ришди.

— Чилим!

Меҳмонларни кузатишга чоғланган Ниёзохун бу

пиддатли овозни эшитди-ю, нима қиларини билмай тараддудланиб қолди. Кейин «Ҳозир, бойваччам» деди-да, кетаётганларга қуллуқ қилиб изига қайтди. Дарҳол чилимнинг сувини янгилаб, сархонасига тамаки босди, устига чўғ ташлаб чилимни пишитган бўлди-да, «бойвачча» ўтирган чорпоя томон югурди.

Оёғига этик, энгига қора камзул устидан майда қа-вилган чивиқ беқасам тўн кийган бу бадқовоқ, баджаҳл одам бармоғидаги гавҳар кўзли узукни кўрсатиб туриб, чилим найини лабига босди-да, қулдиратиб тортди. Оғзидан паға-паға тутун чиқарди, сўнг тову-шини пастлатиб Ниёзохундан сўради:

— Анави ўтирган ҳезимкашларни танийсанми, охун?

— Ҳа, танийман, бойвачча, анави газнит ушлаган йигит қўқонлик ёш шоир Ҳамза бўладилар, униси Со-диқжон бойваччанинг мирзаси...

— Уни-ку таниб турибман. Лекин Ҳамзанг дилим-га ўтирмади, менга «бозор баҳоси» муомала қилди-я, эгилиб салом ҳам бермади. Шоирман, деб керилиб кет-ган, беадаб кўринади лаънати жадид, шунингни ҳар кўрганымда нафасим қайтади-да, — деди тўнғиллаб.

— Сизни танимади чоғи, бойваччам, акс қолда са-ломлашарди, у жуда дилкаш йигит, — деди Ниёзохун.

— Танитиб қўяман ҳали ўзимни унга. Феълимни биласан-ку, — дея шивирлади Ҳамзадан кўзини узмай бойвачча.

Ниёзохуннинг дилига ғулғула тушди. «Бойвачча эмиш... Бу ўттиз икки гўлаҳга ўт қўйган каллакесар Эргаш ўғри-ку! Бало-қаводек қайдан пайдо бўлди бу-гун? Искартдан ортиқроқ ичибди, роса айниб, алжил-лади қонхўр», дея кўнглидан ўтказиб қўйди у.

Ҳамза ҳамроҳлари билан сайилгоҳни оралаб Жав-лон аканинг самоварига йўл тутди. Одам кўплигидан Жавлон ака уларнинг келганини дастлаб сезмай қол-ди. Ҳамза дўстларини катта тол соясидаги чоғроқ сўри-га бошлади. Олчинбек бўш чойнакнинг қопқоғини ши-қиллатиб қўйди. Шундагина самоварчи меҳмонларни кўрди.

— Ҳозир, ҳозир, садаға! — деб илдам юриб келди-да, улар билан илиқ сўрашиб изига қайтди. Оташдонда қизиб ётган гулдор чойнаклардан бирини олиб унга жўмрақдан шариллатиб қайнаган сув қўйди, пиёлани чайди, елкасидаги сочиқ билан артиб, буларнинг олди-га қўя туриб Ҳамзага сўз қотди:

— Шоирим, кейинги пайтларда кўринмай қолдилар. Мадрасада кеча-кундуз китобдан бош кўтармай таҳсил илм қиялтиларми дейман?

Самоварчининг гапи жавобсиз қолган бўлса ҳам, ўтиришга руҳ киритди. енгил кулги кўтарилди, ҳозир вазият ҳам жиндай дафи савдо қилиб ўтиришни талаб қиларди. Ҳамза бу кулағон дўлвор Жавлон акага маъноли жилмайиб қўйди-да, илтимос қилди:

— Ака, суви қочмаган гаплардан бўлса айтинг, эшитайлик.

Лекин Олчинбекнинг «бачкана» гапларга ҳуши йўқ эди, шунинг учун «жиддий» гаплардан гаплашишга интилиб, суҳбат нишобини бошқа ёққа бурди:

— Катталарга кечки мактаб очамиз. Сиз ҳам кириб ўқинг, мактаб ёнингизда бўлади, — деди Олчинбек Жавлон акага синовчан тикилиб.

— Бе! Садага, энди ўқиб маҳаллага имом бўлармидим, ёшлигимиз чой ташиш, чилим солиш билан ўтдикетди, садаға!

Унинг гапида чуқур изтироб, маъюслик, айни чоқда беназир бир хушчақчақлик бор эди.

Ҳамза газетага тикилиб қолди. Олчинбекнинг миллий боёнлар ҳақидаги сўзлари унга қаттиқ таъсир қилди. «Дўстим Олчинбек... ўзи давлатманд хонадондан... Лекин ҳамма учун бирдай ачинади, аломат, ғоятда олижаноб йигит. Қани энди барча ёшларимиз Олчинбекка ўхшаб жаҳолат, асоратда қолган, забун ва тутқун мусулмон миллати учун ёниб унинг қайғусини чекса...» У бир оздан кейин Олчинбекка газетани кўрсатиб, маъноли жилмайиб кўз-кўз қилди-да, самоварчига:

— Қўяверинг Жавлон ака, сизни ўзим ўқитаман, — деди унга кулиб қараб.

Кейин Олчинбекка қаради-да, газетани унга кўрсатиб:

— Ҳурматли шоиримиз Абдулла Авлоний яна бир хўп гапни айтибдилар-да, мана эшитинг, Олчинбек, — деди.

«Визим Тошкентимизда қишда лой кўп,
Пули кўп, ақли кам, бемаъни бой кўп!»

Бўшаган чойнакларни олиб кетаётган Жавлон ака шеърни илғаб олиб, қаҳ-қаҳ отиб кулди. Кўзларини кийилавериб униқиб кетган чопонининг энги билан артиб:

— Э, шоирлар бор бўлсин. Халқнинг дилидаги гапни топиб айтишади барака топкурлар,— деди, кейин овозини пастлаб, Ҳамзага шивирлади.— Бунақанги тўқими тескари, қилдан қийиқ топиб бақирадиган, устидаги отаси гиж-гиждан, онаси жим-жимдан келган ярқираган энгилларига қувонадиган, лекин тариқча ақли йўқ, бўйни йўгон аҳмоқ бойлар ўзимизнинг Қўқонжонда ҳам бир талай, ҳа, энди, шунақаси ҳам бўлар экан-да,— деди-да кула-кула нариги чорпояга чой кўтариб ўтиб кетди.

— Йўқ, Ҳамзахон, Абдулла Авлонийни мен қаттиқ ҳурмат қиламан, у зот — зўр устод. Лекин бу шеърни менга манзур бўлмади,— деди Олчинбек эътироз билдириб, Авлоний бойларни ёппасига қоралаганлигини, лекин бойларнинг аксарияти нодонлиги, бунга ўзи ҳам аминлиги, шунга қарамай эс-ҳушли маърифатпарвар бойлар ҳам кўплиги, ҳаммасини ҳам ақли камлардан дейиш калтабинлик, миллатни менсимаслик эканлигини тушунтиришга уринди. Сарватдорлари бўлмаган миллат ер юзидан ном-нишонсиз кетишини, Туркистонда ҳиммати баланд бойлар, чунончи, Содиқжон бойвачча ҳам борлиги, бу зотдан янги усулда мактаб очмоқ маърифий ишларни ривожлантирмоқ учун иона пули сўралса, йўқ демай албатта бериши, бунга имони комиллигини, чунки у кўп танги, сахий, маърифатпарвар, камбағалга қайишадиган одам эканлигини, унинг савдо ишларига файзу барака тилашлари, у зотга бағишлаб шеърлар, газеталарга қутловлар ёзишлари лозимлигини, у киши дума аъзоси эканлиги, бойвачча уларга мактаб, босмахона, кутубхона очиб беришини жон куйдириб гапирди.

Бўронбой луқма ташлаб қолди:

— Миён Қудрат, Камол қозилар бор. Улар янги усулдаги жадид мактабларига йўл қўйишармиди?! Мактабингизга ўт кўйиб кулини кўкка соворишади.

— Фикрингиз ғалат. Содиқжон бойваччани Миён Қудрат ҳазрат, Камол қозилар ҳурмат қилишади. У киши бир оғиз айтсалар, ҳазратим ўзлари фатво берадилар. Ҳа, хўжайинимиз Содиқжон бойвачча яхши одам, фидойи, жадидларга мадад берадиган ҳам факат ўша зот,— деди оғзини тўлдириб Олчинбек.

Ҳамза яна узоқ ўй суриб кетди: «Дўстим Олчинбек ҳақ. Жамиятимизда боёнлардан бошқа ақллавлал раҳнамо бўладиган табақа йўқ. Такдиримиз муллолар забардаст, улсмойи киромларимизга қолса, иккун хароб

бўламиз. Юз йиллардан бери эл-юрт ҳолига йиғлаймиз. Бу кулфатларнинг ҳаммасига сабабкорлар — жоҳил зоҳидлар, сохта уламолар! Миллат жаҳолат лойига ботган, илмсиз, уларга биздақанги маърифатпарвар янги-лар, домлалар тили билан айтганда, жадидлар раҳбарлик қилиши учун ақл-идрокдан ҳам илгари яна бир нарса керак. Маблаг, давлат, сармоя! Бизда ўша йўқ. Сармоя бойларимизнинг пўлат сандиқларида! Борларнинг уфқлари доим кенг бўларкан. Агар бойларимиз, Олчинбек дегандек, инсофга келиб, миллат учун кайишиб, миллатнинг бахт-саодати учун бир қисм давлатларини иона қилсалар, бас, олам гулистон. Факат бой-пулдорларимизни адлу инсофга чақирмоқ, уларни шафқат, миллатга хайрият йўлларига етакламоқ зиёдиларимиз зиммаларида турган муқаддас вазифадир.

Барча чораларни кўриб, бойларимизни роҳ-ростга солмоқ зарур. Мадрасани ташлайману янги усулдаги мактаб очиб, бойларимизни бир азмойишга оламан, албатта. Ҳа, рус-гузем мактабига кириб ўқийман».

Шу хилдаги катта ниятларни дилидан ўтказган Ҳамза ялт этиб Олчинбекка қараб сўз қотди:

— Лекин мен яқинда бир бойнинг камбағалга берган питир рўзасини ногоҳ кўриб қолдим Ёқамни ушладим, арзимаган нарса билан у гўё содир қилган гуноҳларини сотиб олди. Унинг учун мен уялиб кетдим. О, дўстим, шуларга куни қолган миллатнинг ҳолига йиғламай бўладими? Ҳа, йиғлаб-йиғлаб газетага мако-ла ёздим.

— Питир рўза берган бойни кўкларга кўтариб мақтагандирсиз? — деди истеҳзоли илжайиб Бўронбой.

— Қасда, саваладим.

— У қайси қурумсоқ бой экан? — сўради Олчинбек.

— Ўша, сиз кўкларга кўтарган ўзимизнинг хўжайинимиз, қўқонлик Содиқжон бойвачча-да, қайси бўларди, — деди Ҳамза Олчинбекка кинояли қараб. — Лекин номини ёзмадим, бу гал аядим.

Олчинбекнинг ранги ўзгариб, дами ичига тушиб кетди. Кейин ўзини тутиб олиб, гинахонлик қилди:

— Оббо, ишнинг пачавасини чиқарай дебсиз-ку, дўстим. Нега маслаҳат солмадингиз? Агар сезиб қолса, у энди бизга қора чақа ҳам бермайди. Миллат, ватанга ҳам тесқари қарайди, иккимизни хизматимиз ҳам май-ли-я. Қўқондан ҳайдаб чиқаришдан ҳам тоймайди. Мен

унинг феълени яхши биламан. Жудаям тезсиз-да, тезсиз!

— Бу янги гап. Ҳайдаб юборади денг?! Ҳозиргина уни Ҳотами Тойи даражасига чиқариб мақтаётувдингиз. На чора, худодан кўриб, этакни қоқиб, Қўқондан чиқиб кета берамизми, ҳайдаса. Нега шу кунгача буни менга билдирмадингиз? — деди Ҳамза сал-пал қизишиб.

— Уқиб таҳсил илм айла, маориф шарбатин ютгил
Танингни жаҳлдан қутқар, ғами миллат билан ўтгил,—

деб бонг урган миллат шоирининг нафсониятини койитишдан ўзимни тийгандим,— деди Олчинбек бўшаган пиёлани Бўронбойга узатиб.

— Дўст ачитиб сўзлар, деган матал бор. Агар хатойим бўлса кўрсатинг, тузатай. Ахир қадрдон дўстмиз-ку!— деди Ҳамза Олчинбек нимага шама қилаётганини дафъатан англамай.

— Майли, айт десангиз, айтаман. Билмадим, сизнинг қулоғингизга етиб келдими-йўқми. Қўқонда дув-дув гап: «Ўзининг «Янги саодат» деган китобида Ҳамза Ҳакимзода эркак зотини тупроқ билан тенг қилиб, сочи узун, ақли калта аёлларни кўкларга кўтарибди».

— Кимлар шунақа деяпти?— сўради Ҳамза.

— Домла-имомлар, мўътабар бойларни қўяверингку, бутун ақли раста шундай деяпти.

— Улар шундай деса, деяверсин. Ўзингиз нима дейсиз? Менга сизнинг фикрингиз керак. Хўш, «Янги саодат» миллатга зарарли асарми?— дея сўради Ҳамза Олчинбекка синовчан тикилиб.

— Ниятингиз эзгу. Бу асар миллатни маърифатга даъват этади. Лекин...— Олчинбек бир лаҳза иккиланиб қолди.

— Хўш, хўш? Ана шу «лекин»ни айтинг-да!

— Лекин ижобий тимсолингиз эркак эмас, аёл. Нодон, чапани қиморбоз, жоҳил Абдуқаҳҳор оилани вайрон қилиб, ўзи зим ғойиб бўлиб кетади, аммо унинг хотини — тан маҳрами, чўриси бўлган Марям ақлу идроки, сабру тоқати, тадбиркорлиги билан бузилган оилани қайтадан обод қилади. Менимча, бу гап, умуман, эркакларнинг шаънига яхши эмас, деб ўйлайман.— Олчинбек ичидагини айтмади-ю, лекин охирини андавалаб,— дўстингиз бўлганим учун ичимдагини айтдим-қўйдим-да. Бордию гапим нотўғри бўлса, узр, азизим,— деди.

Шу пайт самоварга савлат тўкиб, гурс-гурс босиб, бир нотаниш киши кириб келди. Олчинбек сакраб ўрнидан туриб, у билан эски қадрдонлардай қучоқлашиб кўриша кетди. У одам, кўришар эканлар, Олчинбекдан ўпкаланарди:

— Қўмга тушган тангадай кўринмай кетдингиз, бойвачча. Бизнинг ёқларга тез-тез бориб турардингиз. Ўзи нима гап, саломат юрибсизми?— деди тиржайиб. Олчинбек олдинига каловланиб доводирав, ниҳоят ўзини ўнглаб олди-да:

— Содиқжон бойваччанинг хизматлари билан ўралашиб қолдик, шукур, тану жонимиз соғ-а,— деди бир оз қизариб. Кейин унга мурожаат қилди:— Нега танимай, сўрашмай турибсизлар. Танишинг.— У Ҳамзани кўрсатди.— Бу киши шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бўладилар. Менинг маслакдош дўстим.

Нотаниш кишининг чаккаси тиришдию, лекин ўзини қўлга олиб, мингиллади:

— Маслакдошим, дўстим денг. Яхши-яхши!— деди-ю, лекин ичида: «Қўш жадид, қўш шоир, қўшмозор» деган ибораларни такрорлади. Шундай бўлса ҳам, буни сиртига чиқармади, гапни чалғитди:

— Ҳай-ҳай, шундоқ дўстингиз бор экану, шу чоқ-қача таништириб қўймайсиз ҳам,— деди-да, дастёр бола келтириб, олдига қўйган чойнакдаги чойни қайтарар экан. Кейин бир ҳўплам кўк чойни бостириқ қилиб ичди-ю, «Болта!» деб кимнидир чақирди.

— Лаббай, хўжайин,— деди чойхонага кириб, ўрта бўйли, боши ялтироқ, гирдигум, хитойафт бир йигит.

— Ниёзохуннинг ошхонасига ўтиб аяларингга бир лаганда манти-сомса, икки чойнак аччиқ чой элтиб бер! Наридега еб олишсин. Алланевақт бўлиб қолди, қоронғига қолмай етиб олайлик,— деди йигитга кескин амр қилиб ҳалиги одам.

— Хўп бўлади, хўжайин,— деди-да, у чойхонага яқин салқин бир жойга чиқарилган соябон арава томон йўл олди.

— Йўл бўлсин, Қоплон ака?— сўради Олчинбек, ҳалиги одамга ялт этиб қараб.

— Ганжиравонга...— Қора Қоплон чой қуйиб Ҳамзага узатди:— Қани шоирим, чой ичинг. Мен сизни сиртдан яхши биламан. Ғавалларингизни ўқиганман. Толиби илмсиз. Ёзган ғазалларингиз жуда аломат, нуқул ибрат! Ҳа, ёмонларга калтак деса ҳам бўлади. Ял-

лачиларга бағишлаб ғазал ёзинг. Савоб бўлади,— деб илжайди.

— Албатта, албатта,— деди-ю, газета ўқиётган киши бўлиб синчковлик билан унинг ич-ташига зеҳн солди Ҳамза.

Қора Қоплоннинг эғнида янги расмана кенг яктак, этаги тиззасига тушган, устидан қалин бир энлик жияк тикилган банорас чопон кийган. Белида ҳошниясига ғазал тикилган зангори қийиқ, оёғида қўнжи тор ағдарма этик, бошида ироқи жиякли дўппи, оқ шоҳи рўмоли белбоғига қистириғлик, белига карк сопли пичоқ осиб олган эди.

— Сўраганнинг айби йўқ. Ганжиравонда бирор гап бсрми?— деди зимдан унга қараб Олчинбек.— Бирор базми жамшид бўлса, биз четда қолмайлик дейман-да.

— Бе, Ганжиравондаги айш-базмлар ҳуфиялар билан бўлади. Катта тўйга ҳаракат, «оғизбойлар». Бой отам тўшагини янгиламоқчилар,— деди Қора Қоплон, ўз сўзидан кайфланиб қаҳ-қаҳ уриб.

— Қайси бой отангиз? Қўқонда нима кўп, бой оталар кўп,— деди Ҳамза.

— Бу бой Қўқондагина эмас, Туркистон музофотида биттаю битта. Саховати ҳам бир дунё. Хўжайиннинг тўйларида, худо хоҳласа, ҳали сизлар ҳам қамишдан бел боғлаб хизматда бўласизлар, йигитлар,— деб Ҳамзага зимдан тикилиб қўйди у.— Бултур Саидтўра мингбошининг куёви Ўктам бойваччани номаълум кишилар сўйиб кетишганди, эсингиздами? Содиқжон бойвачча ўша мингбошининг тул қолган қизи Шаҳзодахонга уйланган эдилар... Энди яна бошқа биттасининг пайида юрибдилар.

— Ҳамма нарсадан хабардорсиз-да, Қоплон ака. Мен буни сиздан эшитиб билиб турибман,— деди Олчинбек.

— Шунақа,— Қора Қоплон худди ўзи уйланаётгандек гердайиб қўйди. Кейин кўшимча қилди.— Давринг келса, сур, бегим, деб шуни айтадилар-да, а, лаббай!..

— Бой ҳам бойга беради, худо ҳам бойга, демоқчизиз-да!— деди Бўронбой.

— Ҳа-да, ана шу соябон араванинг соясида, гўртта жононнинг ўртасида опангиз Мастурахон ўтириб, мантини уряптилар. Бу ишларнинг тепасида ўша киши турганлар. Бўлдирган ҳам хотин, ўлдирган ҳам. Омади гап-да бу. Биронта нозаниннинг хабарини топса, ло-

чиндек учиб бориб илма қилиб келадиган аянгиз бор, илоҳи кўп йилларга саломат бўлсинлар.

Қора Қоплон Мастура ялла ишқибоз, завқи баланд, хотамтой одамларнинг гадоси эканлиги, ўтидан кириб тулидан чиқиши, уларнинг хизматларидан қочмаслиги, Қўқонжоннинг ўзидан Содиқжон бойвачча учун ажойиб бир қиз топтиргани, қизнинг ҳусн-малоҳатини бири кўрган киши Фарҳоддек «гумбаданг қарс» йиқилиши, уни бойвачча бири кўриши билан ҳаловатини йўқотиб, жинни бўлиб қолганлиги, ҳозир у шу тўйнинг ҳаракатидалиги, қаерда яхши ўйинчи, яллачи қиз-жувонлар бўлса, йигиб Ганжиравонга олиб кетаётгани, «оғизбойлар» Ганжиравонда, бойнинг чорбоғида, тўй эса, Қўқонда бўлиши, бутун мамлакат шаҳарларидан меҳмонлар чақирилиши, тўй Қўқон расмича, келиннигида эмас, бойнинг катта ҳовлисида бўлиши, бунга Камол қозидан фатво олингани тўғрисида кўпириб гапириб берди.

Ҳамза билан Олчинбек бу гаплардан беҳабар эдилар. Шунинг учун ҳам ҳайрат билан оғизлари очилиб, жим қолдилар. Лекин жимликни Бўронбой бузди:

— Ҳа, Содиқжон бойваччага худо берган,— деди Бўронбой учуриқ қилиб,— ҳамиша отган ошиғи олчи, пичоғи мой устида одам у!

— Хайр мен борай, кечга қолмайлик,— деди Қора Қоплон чойни ичиб бўлгач. Кейин «йигит ўлмайдик, ширин суҳбатимизга асти ғурбат чўкмасин», деб фотиҳа ўқиб, Олчинбекка: — Бек, сизнинг ҳам ота-бизнинг давлати, биламан, катта. Бу — беш кунлик чаппа дунё, чақасидан қочманг, ялло — маза қилиб қолинг, бойвачча, аянгизга айтаман, сизга бундан ҳам зўрини топиб берадилар. Аввал чўқилаб кўраман десангиз ҳам майли. Нима қилайлик, ука. Ота касби, айбга буюрмайсизлар,— деди-да, хайр-хўш қилиб соябон арава тсмон юриб кетди.

Булар ҳам ташқарига изма-из чиқинди. Ҳамзанинг нимагадир юрагига қил сиғмай, таъби хира бўлиб қолди. Содиқжон бойвачча чангалга тушган қизнинг кимлигини билгиси келди. Аммо сўраб билишнинг ҳозир асти йўли йўқ эди. Уша қиз ким экан? Кўзи ошхона ёнига чиқарилиб қўйилган букртма соябон аравага тушди. Қўқонда ишланган атлас қапа араванинг олд-орқасига шойи пардалар тортилган. Аравага сиғмайдиган тербар яғринли кўк бодом от. Кумуш ўмилдирик, ойнак ўрнатилган хомут, мунчоқлар тақилган

юган, қуюқшонларнинг узун тасмалари отнинг сағри-сидан осилиб турибди.

Ҳамза бу гумбур арава соясида ўтириб овқатланиб бўлиб, гажимли шойи елпиғич билан елпиниб ўтирган бир жувоннинг чеҳрасига синчиклаб қаради. Шу пайт Мастура ялла эркакча йўғон овоз билан ёш сатангларни койиб кетди:

— Бўлинглар, ҳов! Мунча имилладинг: кун оғиб боряпти. Чойни ўшағда ичамиз! Ҳой, эржон, мунча шалвираган ношуд одамсиз, наҳотки чойхона ўлгурда шунча гап сотсангиз, лақма!

— Ўзим қоқилиб, ўзим сотилиб кетай, хотинжон. Гуноҳимни ўтин қилинг, пошшахон. Ўзимиз ҳам ҳоридик, юкимиз оғир. Айниқса... Сиз...— бу сўзни эшитган жувонлар истеҳзо билан жилмайишди. Қсра Қоплон сўзида давом этди,— жилла бўлмаса бирпас отга дам берайлик, дедим-да, иннайкейин, яна бири шуки, шоирларнинг суҳбати ширин. Ушалар билан...

— Бо, худо олсин ўша жувонсўхталарни.— деди Мастура ялла, эрининг сўзини кесиб, афт-башарасини бужмайтириб, қўлини тўлғаб,— ҳамёнида бир чақаси йўқ, кибру ҳавоси от ҳуркитади. Қани, кетдик, омин!

Иссиқдан бўриқиб кетган Мастура, бархит паранжиларини хўжакўрсинга ёпинган тўрт ёш сатанг ўринларидан туриб аввал сандалга, сўнг аравага чиқа бошладилар. Буларнинг оёқларидаги амиркон этик, эгниларидаги қора бархитга соатгарлик усулида тилладан гул солинган нимча, шу бархитнинг ўзидан тикилган дўппи, дўндиқча рўмоллар ёш жувонларнинг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшиб юборган эди.

Шулардан бири — кўксида тилла баргак, пешонасида тиллақош, эгнида оловдай ёниб турган саккиз тепкили қизил атлас кўйлак, оқпушти, яшилранг жияк тутилган атлас лозим, паранг дурранинг бир учини тишлаб тевааракка қараганида унга Ҳамзанинг кўзи тушди. Бу ўша—Аҳмадохуннинг «қўйворган» севикли ёш хотини Зулфизар эди! У Ҳамзанинг назарида алланечук хомушланиб уҳ тортиб бошини қуйи солгандай бўлди. Ҳамзанинг ичи титраб кетди.

Зулфизар... Унинг ўн гулидан бир гули ҳам очилмади. Ёшлиги, номус-иффати, умид-армонлари барбод бўлди. Дағал кучлар барбод қилди. Унинг бир вақтлар ғам-ҳасратга ёт бўлган дилида хушчақчақлик, вақтичоғлик, хушқолликдан: эркак зотига ишонч, муҳаббат туйғуларидан асар ҳам қолмаган. У Содиқжонга

Ўшшаган пулдор бойлар олдида ёлгондакам табассум қилишга, қош учириб, ноз-адо билан дутор чертиб, шўж қўшиқлар айтишга мажбур бўлди. Ҳа, дили қон йиғла-са ҳамки, ҳайвоний ҳирси жўш урган, ғирт оми, ёв-войи, лекин дунёси катта бойвачча қўлидан май коса-сини олиб сармаст қаҳ-қаҳ уриб кулиши, рақсга туши-ши керак. Унинг ҳар бир нозик табассуми, товус хиро-ми, хуш суҳбати Мастура ялла билан Қора Қоплоннинг чўнтақларини қаппайтириши лозим. Зулфизарнинг хуш овозидан таралган жаранг буларнинг қулоқларига олтин жарангидай куйиларди.

Энди бу бенаво, бедаво бир тутқун: ота-онасининг иссиқ, меҳрибон бағрида ўтказган эркин қувноқ кун-лари, қани энди дунё бир айланса-ю, яна қайтиб келса.

Ҳайҳот! Ёшлик, болалик бир дарё — оқди-кетди. Минг афсус. Яна қайтмайди. Тақдир... Тақдир эмиш. На чора, умр кўриш керак. Бе... Шу умрми? Умр эмас... Уқубат, азоб, кўз ёши, хўрлик, бадбахтлик... У сиртдан қараганда шунга ҳам розидек кўринади. Аммо кўнгли қоронғи. Ўз ажалини кутади. Булардан тезроқ қуту-лишни ўйлайди.

Гилдиракка гупиллатиб сув ураётган чорпахилдан келган кенг ўмровли Болта аравакаш Қора Қоплоннинг қули эди. У дўпписининг жиягини қайтариб, шоҳи бел-боғ билан боғлаб олган. Эғнида ёқасига пилта ўтказган қашқарча яктак, оёғида қўнжиги қизил шол тикилган ағдарма этик, тиқинининг попуги узун, ойнакли, қип-қизил, силлиқ носқовоқ ўрама белбоғига қистирилган, ёнда катта пичоқ, танга, қоғоз соладиган байтирдан тикилган чандоза. У носқовоғини олиб бир силкитди-да, аввал ўзи чекиб, кейин Қора Қоплонга узатди. Ти-лини танглайига босганича ярим гўлдир гапирди:

— Аравани қўшайми, хўжайин?

У аравани қўшди, чопонини буклаб эгарга узун таш-лади, яктагининг орқа ёқасига қистирилган қамчинни қўлига олиб эгарга қийшиқ ўтириб, «чўҳ жонивор!» де-ди-ю, хиргойини бошлади. Арава юриб кетди. Қора Қоплон ҳам бойнинг қамиш қулоқ, зогча кўз гўнон тойи-га миниб, хайр-хўш қилиб жўнади. Ҳамза, Олчинбеж араванинг изидан жим қараб қолишди. Кўз олдилари-да Қора Қоплон, Болта, Мастура яллаларнинг қилмиш-лари намоеён бўлди. Ҳамзанинг кўнглидан: «Буларни инсон деб аташ ҳам гуноҳ. Ҳа, бу Мастура яллалар ту-зорига илинган пок, беғуноҳ қизларнинг тақдири ҳақи-да йиғлаб-йиғлаб китоб ёвса бўлади. Жарақ-жарақ тил-

ла тангалар учун шармсизлик кўчасига кирган бу сатанг ишқ-муҳаббат ўтида куйиб-ёнган не-не йигит-қизларни бир-биридан ажратиб, бахтини қаро қилмади! Қора Қоплон, Қонхўр Қоплон. У яллачиларга хўжа-кўрсинга бош бўлиб олган. Аслида, Эргаш ўғрининг жаллоди. Эргаш буни бойнинг хизматига берган. Бой-бачча шунинг пичоғи билан қанча бўғизларни қирқмади», деган гап ўтди. Қандайдир узук-юлуқ ўйлар, хира, аччиқ туйғулар уни чулғаб олди.

«Мастура ялланинг кирдикорини қаламга олиб, элга фош қилмоқ катта бир савоб иш», деди Ҳамза яна ичида. Айниқса чимматини ярим кўтариб Ҳамзага юзини кўрсатган, ғамгин кўзлари билан узоқ ва маъноли тикилиб, ундан ниманидир илтижо қилиб сўраган Зулфизарнинг тиниқ овози унинг кулоғида қолди. «Санъаткор жувонни разолат ботқоғидан қутқариб олиш керак», деган фикр туғилди унинг кўнгилида.

Дўстлар растама-раста юриб, товук бозорига ўтишди. У ерда тухум, хўроз уриштираётганларни, «Бос, босганинга, таваккал», деб бақираётган пилдироқчиларни, бекорчи, камбағал, нонга зор одамларни кўришди.

Жазава қилаётган кўса маддоҳнинг сўзларига бир оз қулоқ солишди. Одамларнинг руҳий дунёсига таъсир қилишни яхши биладиган кўса аввал чор атрофга кўз югуртириб, уларнинг «сара-пучагига» зеҳн солиб, сўнг сўз бошлади. Увадаси оққан, тирсақлари ситилиб кетган қора лас қоржомасини намхушроқ ерга ташлаганча унинг устига ўтириб олиб, маддоҳнинг сўзини мириқиб эшитаётган бир мардикор кўзларида дард, аламли ёш, ҳаяжон, ҳамёнидаги бор тангани санамасданоқ кўса маддоҳнинг қўлига тутқазди.

Булар бу ерда ҳам узоқ турмай, «умбал» овозини эшитиб, осмонда муаллақ бўлиб каптар учираётган дорбозни томоша қилиш учун бедабозор томонга ўтишди.

Ҳамза дорнинг ёнгинасида ўтириб, катта бир китобни баланд овоз билан ўқиётган дуохоннинг сўзига қошини чимириб узоқ қулоқ солиб турди:

Дуохон:

— Агар кимарсанинг бировдан адоват муддаоси бўлса ё жаббор, ё қобиз, ё қави — бу уч исм худонинг минг бир номидан учтасидир, шу уч исмни ёзиб, эски гўрга кўмгай, иншоолло, икки иноқ кишининг ўртасига

нифоқ ва жудолик тушгай. Агар кимарсанинг душмани бўлса, унга зарар еткармоқ ёки уни хароб қилмоқ муддаоси бўлса, шу уч исм покни ё қаҳқор, ё музил, ё жобир — буларни ёзиб, етти хароб жойдан тупроқ келтиргай, биринчи тупроқ чорраҳа йўлдан, иккинчи тупроқ мачитдан, учинчи тупроқ эски тегирмондан, тўртинчи тупроқ хароба уйдан, бешинчи тупроқ вайрона минордан, олтинчи тупроқ эшак ағанаган жойдан, еттинчи тупроқ йўғон тепадан. Мана бу тупроқларни бир идишга солиб, қориштириб, ўша исм оллони минг бир марта ўқиб, идишдаги тупроққа дам ургай ва дилидан ўшал душманининг хароб бўлмоғини ўтказиб тургай, ўқиб, дам уриб бўлгандан кейин филҳол бир вайрона жойга кўмгай. Иншоолло, душман хор ва забун бўлгай. Қодир ул лам язал вало язлуд...

Дуохондан сал нарида ўтирган ромчи оёғида амиркон кавуш-маҳси, эғнида қизил хонатласдан кўйлагу барига энли жияк тутилган қора бахмал паранжили аёлдан сўради:

— Гойибми, ҳозирми?

— Ҳозир...

— Душманингиз ким?

— Кундошим... Бола туғиб бериб, эримни ўзига ром қилиб олди, худо жазангни бергур...

— Иложингиз қанча... Эркак зоти шунақа, ёшини яхши кўради. Ёш-да, тез-тез силаб-сийпаб, майиздек қилиб укалаб турса керак. Хўш, муаддаоингиз?..

— Эримни ундан совутиб, менга иситиб берсангиз, таксирим, — деди жувон.

Ромчи қуръа тошларини йиғиб олиб, рўмол устига сочди. Тошларни бақалок, кир бармоқлари билан еттига бўлиб, етти жойга қўйди ва соқолини тутамлаб энди сўзлайман деганда, чимматнинг орасидан тонг ёруғлиги сизгиргандай бўлди. Бу — ёш жувоннинг гўзал чеҳрасидан тўкилган жозибали нур эди: бу ҳусн-жамолни кўрган ромчининг эс-ҳуши учди кетди. Бир-икки томоғини қириб, овзини пасайтириб, ёш аёл томон энгашиб сирли оҳангда шивирлади:

— Тошларга қаранг, тасаддуқ, тошларга. Бу сўзларни мен эмас, тошлар айтяпти. Вахтингиз бор эканки, мендай қўли енгил, дами ўтқир ромчига йўлиқдингиз, мана, фол айтиб турибди, сизни юк босибди, душманингиз қаттол, унинг азайимхони ҳам зўр. Эрингизнинг бошини айлантириб, кўзини тиндириб юрибди. Мен ҳам ромчи, ҳам азайимхонман.

Қошлари чимирилган Ҳамзанинг кўзлари дорбозда бўлса ҳам, қулоқлари ромчида эди. Ромчи яна теворак-атрофга синовчан разм солиб, титроқ овозини пайсайтирди.

— Сиз туғмас экансиз, бахтингиз боғланган, фарзандталаблар менинг дуом билан тўққиз ой деганда фарзанд кўрадилар. Лекин муаккалларим кофир. Ёнимда паранжингизни ташлаб, юзингизни очиб ўтирасиз, ҳар хил шарбатларга дам солиб тайёрлаб қўяман. Ҳа, кофир муаккалларим шундагина ёрдам берадилар. Бу менинг хос ҳужрамда бўлади. Эзибички бериб, тутатқи тутатиб, бошингиздаги бало-қазоларни қайтариқ қилиб ҳайдайман. Лекин сиз қўрқмайсиз, жим туриб берасиз, агар муаккалларимни «йўқ» деган сўз билан хафа қилсангиз, улар учиб кетади-ю, ё сиз, ё мен шол бўлиб қоламиз. Шунга рози бўлсангиз, мен хизматингизга тайёрман. Хўш, нима дейсиз?

— Майли, ишқилиб эримни менга иситиб берсангиз бас. Айтган пулингизни бераман,— деди жувон.

Хос ҳужрада бугун-эрта бўладиган ширин онлар ромчининг кўз олдида сурат тортиб, юраги ҳаприқиб кетди.

— Ҳа, Исфара гузарига бориб, Шокир дуохоннинг уйи қайси десангиз, ёш бола ҳам сизга кўрсатади. Боринг,— деди ромчи.

— Бораман, домлажон. Ишқилиб эримни менга иситиб, кундошимдан совутиб берсангиз бўлди.— Жувон кўнгли таскин топиб, вужудида қандайдир енгиллик ҳис этиб, битта сўлкавойни ташлаб ўрнидан турди, атторлик томонга юриб кетди.

Ҳамза бу фолбин тимсолида халқнинг онгсизлигидан ўз манфаатлари йўлида усталик билан фойдаланаётган жаҳолат оламини аён кўрди-да, ундан жирканиб, унга фикран мурожаат қилди. «Ҳам сарагига урасан, ҳам пойнагига. Қушчага бойтузоқ кўйдинг, энди болунарини юласан, муттаҳам!» деди-да, унинг кўзларига киприк қоқмай ғазаб билан узоқ тикилди, сўнг шарт бурилиб, йўлига кетди. Чорсудаги чойхонадан ўтиб, ажиб бир томошанинг устидан чиқишди. Самовар тўла одам. Ашула, аския, ҳангома, қаҳқаҳа авжида. Марғилондан келган Юсуф кизиқ ўзининг шогирдлари билан шу ерда эди. Ҳамза билан Бўронбой салом бериб самоварга кириб боришди. Юсуфжон ака билан кучоқлашиб кўришишди. Ҳамза одоб билан шолча ёзилган супа четига тушиб қисиниб-қимтиниб ўтирди.

Тимқсра қуюқ қошли, бүйчан, хушсурат бу одам Ҳакимча табибнинг аҳволини сўради. Ҳамзанинг шеърлари, айниқса «закот» ҳақида ёзилган мақоласини мақтади.

— Ҳамзахон, нуқул ҳақиқатни дангал ёзибсиз. Юрагингизга балли-е. Бойлардан, уламолардан қўрқмай, хўроз гап қипсиз. Ўзим қизиқчиман, кулиб-кулдириш ҳунарим. Ўзимиз қон йиғласак ҳамки, одамларни «Шафтолиқоқи дўст, беданам» деб, қўшиқ айтиб кулдиришимиз керак. Аммо закот ҳақида ёзганларингизни йиглаб-йиглаб ўқидим. Илоҳо, қўлингиз дард кўрмасин, иним!— деди мамнунлик билан.

— Жуда ҳам мақтаб юбордингиз, Юсуфжон ака. Бу шунчаки бир машқ. Дард бор, лекин дармон йўқ. Илм етишмайди. Илм, тузук-қуруқ таълим кўрмай ўтиб кетяпмиз,— деди Ҳамза, жийда гулли пиёлада Юсуф қизиққа кўк чой узатиб.

— Худо хоҳласа маликул шуаро бўласиз, Ҳамзахон. Имоним комил,— деди Юсуфжон ака, бўшаган пиёлани Ҳамзага узатиб туриб.— Қизиқ бир гап, Ҳамзахон.

— Қани, эшитайлик...

— Бу гапни сиз билиб қўйинг, бир куни асқотади сизга. Яқинда шаҳри Қўқоннинг устун, пири муршид Миён Қудрат ҳазрат мени йўқлатган эканлар, мен ҳам салламнинг печини кўза боғи қилиб етиб бордим. Бори-боқ бир тўда гумроҳлар қатори ўзимни у кишининг оёқларига ташлаб, назр-ниёз тополмаганим учун узримни изҳор қилдим. Бирор тўй-маъракалари бўлса хизмат қилай, савоб топай дедим-да. Қарасам, йўқ, ҳазрат шариятдан, тариқатдан гапириб, менга панд-насихат қилиб, ўзлари савоб топтоқчи эканлар. У табаррук зот — Саъид Ал-Аъзамхон тўра Миён Қудрат хўжа оқ эшон (қаранг-а, насли-насабингга липпамни қоқай!) оғизларини эски қопдай очиб айтдиларки: «Юсуфжон, мусулмонсан, намоз рўза ўрнига масхарабозлик қилиб, аҳли имон, аҳли растани тоат-ибодатдан қўяр эмишсан. Ташла бу касбни, гумроҳ бўлма. Азиз китобларда битибдилар: кимки бу дунёда юзига ранг суртиб, бошига қовоқ илиб бад андомлик, масхарабозлик қилса, тонгла рўзи қиёматда гўридан девсифат тўнғиз, айиқ, гўрхар қиёфасида бош кўтарар эмиш.

Мен ҳам дарҳол ҳазратимга жавоб қайтариб: «Епирай, тақсир, ўзингиздан олган дуолар ижобат бўлиб,

нариги дунёда бундан ҳам қизиқроқ бўлар эканмизда!» — дедим.

Бирдан кулги «ўтарилди. Ҳамза ҳам қотиб-қотиб кулди, ён дафтарини чиқариб нималарнидир қайд қилиб қўйди. Лекин Олчинбекнинг пешонаси тиришди.

— Намангандан янги бир «тутал» топиб келдим, Ҳамзахон, — деди Юсуфжон қизиқ.

— Жон қулоғи билан эшитар эдик, — деди Ҳамза кулиб.

Олчинбек бетоқатланиб, кетишга баҳона изларди. Ахир бўлмади шекилли, Ҳамзага қараб: «Менга жавоб», деди шивирлаб. Ҳамза Олчинбекнинг очилмай, тумшайиб олганини пайқаган эди.

— Майли, ишингиз зарур бўлса, сизга жавоб дўстим, эртагача хайр. Мен бир оз... Юсуфжон ака келиб қолибдилар. Бу азиз одам билан суҳбат ганимат. Бўронбой ака, сиз-чи?

— Хаҳ, бундан ҳам зарур иш борми? Бек, бирга кетамиз, — деди Бўронбой.

Олчинбек кўнмади, хайр-хўш қилиб кетди. Чойхўрлар Юсуфжон аканинг оғзини пойлаб ўтиришарди. Самоварчининг иши юришиб, кетма-кет чой ташиб ётибди.

— Аввал бир шингил тутал, яқинда Намангандан топилди. Сўнг, мана жамики машойихлар ҳозир нозир, қитдек аския, нафасидан ит ҳатлаган азайимхоннинг макри ҳақида латифа. Кейин, мана, Мамат ҳофиздан бир жуфт ашула. Қимки тан-жоним соғ, умрим узоқ, кайфим чоғ бўлсин деса, намоз-рўзани қазо қилса қилсин, аммо чах-чахни қазо қилмасин. Тутални эшитинглар, яхшилар, — деди Юсуфжон ака. — «Баройидек мазор, фараҳ осор, мулло гудинг маҳалласининг имомидирки, ҳамоқат дарсини шарорат дарсхонасида хатм қилган мендан савол айладиким: фалахмон шуъласидан чиққан дудга қўнғиз оёғининг шамоли тегса, жуптак китобининг чирмак бобида дунаварзон фаслида не ҳукм айламиш?.. Мен дарҳол домлага жавоб савол бердимки, нонуштага пишлоқ ўрнига совун билан оҳак еб, ишқор ичиб, сумалак ўрнига сирач коса ювиндисига муҳтож бўлганингиз муборак бўлғай! Бу маънога мазкур имом домла филжумла хурсанд бўлиб, шодлик даражасидин ҳасрат оғоз қилиб дедимким...»

Шу хилдаги тутал, аския, лутф сўзлар, ашула анчагача давом этди. Ҳамма кетса ҳам, Ҳамза самовардан жетмади. Ҳамзанинг имоси билан қаёққадир силжиган

Бўронбой ака билан Умар полвон катта бир дастурхонга ўралган тоғорада устида жазиллаган кабоблар, сергўшт паловни кўтариб келишди, салом қилиб ўртага қўйишди.

— Нега овора бўлдингиз, уста Бўрон,— деди Юсуф қизиқ.

— Оёғингизга қўй сўйсак арзийди, Юсуфжон ака. Бу ҳисоб эмас, ҳовлига борамиз. Самоварда эмас, бизникида ётасиз. Йўқса дадам мендан қаттиқ хафа бўладилар,— деди Ҳамза Бўронбойнинг ўрнига жавоб қилиб.

— Раҳмат, Ҳамзахон. Биз эл билан ётиб, эл билан туришга одат қилганмиз.

— Қани, таом мунтазир бўлмасин,— деди Бўронбой.

Иштаҳа билан ошу кабобни туширишди, кетидан сўйилган қовунларнинг ажиб ҳиди ҳамма ёқни тутиб кетди.

Олтинчи боб

ТУҚНАШУВ

Содиқжон бойваччанинг тош пойдевор устига солинган, олди сиркорли айвон, тўртгул, душоха, арратиш нақшлар билан безатилган олти хонали баланд ганжин меҳмонхонасидаги икки кумуш қандил пориллаб ёниб турибди. Патгиламлар устига қават-қават шойи, адрас кўрпачалар солинган. Хушчақчақлик авжида, ўқтин-ўқтин қаҳқаҳа ҳам кўтарилиб қолади. Катта дастурхонга ноз-неъмат тўкиб ташланган. Қўқоннинг қаймоққа йўғрилган пойгир патирлари, оқ пўст шафтолисию, ҳафсала билан коса қилинган умрбоқий қовунлари, қумурсқа бел вассарға узумлар, хилма-хил олма-анорлар, қандолат, парварда, пашмак, писта, бодом, асал, сари-мойдан тортиб тандирдан янгигина узилган пармуда сомсаларгача бор. Дўндирма қилиб дамланган чойлар кетма-кет қўйилиб турибди.

Меҳмонларнинг кўпчилиги Фарғонада донғи кетган заводчи, пахтафуруш бойлар, йирик савдогарлар, базоз, вофурушлар.

— Қани энди, олсинлар, бой афанди,— деди Содиқжон бойвачча Миркомилбойга мурожаат қилиб,— каклик гўштидан тотинсинлар.

— Ташаккур, тановул қиламиз. Ҳай-ҳай, жуда ҳам

лазиз, хуштаъм таомлар. Қўқонда пазанда кўп.— Содиқжон бойваччага илжайиб қўйди Миркомилбой.

Содиқжон бойвачча ўз қўли билан кумуш баркашдаги мунаққаш олтин кўзадан юпқа тилла ранг пиёлачага коньяк қуйиб Миркомилбойга узатди:

— Жуда таърифи, сипқорсинлар, фарангники...

Юсуфжон қизиқ ўз шериклари билан шундоққина эшикка яқин жойда ўтирарди. Ундан пойгакроқда Ҳамза, Олтинбеклар жой олишди.

Миркомилбой Юсуф қизиққа қараб мурожаат қилди:

— Юсуфжон.

— Лаббай, тақсир!

— Қалайсиз, бола-чақа, қозон-товоқ, сог-омон юриб-сизларми?

Юсуфжон қизиқ юзига жиддийлик бериб, дарҳол жавоб қилди:

— Оллога шукур, рухсатингиз билан мен сизга арз қилсам, эркагу ургочи, бўғозу қиср дегандай, боёнларимиз давлатлари соясида бефарзанд арвоҳдек чирқираб, ўйнаб-кулиб юрибмиз, тақсир.

Ҳамма «гурр» этиб кулди.

Камол қози орага гап қўшиб, тиржайиб туриб сўради:

— Ишқилиб, таклифнома ўз қўлингизга тегдими, Юсуфжон?

— Йўқ, тақсир,— жавоб берди Юсуфжон қизиқ,— қараб турмадик. Бойваччанинг дастурхонлари Хўжабой халфанинг халтасидан чиққан сузма қурутдек мазали бўлишини билардик. Ҳа, бойваччага худо берган. Кишига худо бераман деса, отанг ким, деб сўрамас экан-да, тақсир!

Яна кулги кўтарилди.

— Ушанинг учун ҳам мана бу ёнимда кўзларини лўқ қилиб ўтиришган қилтириқ хўжа, тузоқ узар маҳсум, шимилдириқ сўфи, анвойи чўпхаслар билан бир арава бўлиб, у-булик бўлармиз, деган умидда азза-базза шаҳри Марғилондан келдик, тақсирлар..

— Ҳазрат, зиёфатга кечикиб қолдилар. Ўзингиз, Юсуфжон, агар таҳоратингиз бўлса, бир фотиҳа беринг, дастурхонлар мунтазир бўлиб қолди,— деди Миркомилбой таҳқиромуз тиржайиб. Уни бошқалар ҳам қувватлашди.

Миркомилбойнинг «таҳоратингиз бўлса...» дегани

Юсуф қизиққа ниҳоят даража қаттиқ ботганидан, сира тап тортмай, бойни савалаб кетди.

— Ҳаммамиз ҳам ўзларидай бетаҳорат юрмаймиз, тақсир,— деди Юсуф қизиқ. Яна қаҳқаҳа авжига чиқди.— Субҳ шом аладдавом,— деди овозининг борича сўзини давом эттириб Юсуфжон қизиқ,— ғусул, таҳорат, истинжо, нифос қоидаларини ёдлаб хатми қуръон, чилёсинларни ҳам сув қилиб ичиб юборганмиз. Лекин Миён ҳазрат билан бизнинг муомаламиз лаби учган мўндидай жуда ҳам жойида. Икки қўчқор шохи деяверинг. Биз у зот боборакотнинг тўймас кўзларига кўкнак, оёқларига тиканак бўлиб қолганмиз. Дард устига чипқон дегандек бўлиб, яна ҳазратнинг дуойи бадларига учраб, тонг-ла маҳшарда жавоб тополмай, у кишининг лутф иноятларидан маҳрум бўлиб қолмайлик, тақсирлар.

Бир меҳмонхона одам яна шарақлаб кулди.

— Ҳазратдан, манави бойвачча иккаламиз гуноҳингизни тилаб оламиз,— деди Миркомилбой хумдай қоринни силаб туриб.

— Йўғасам сазаларингиз ўлмасин, қани, қўлни катта очинглар, оғайнилар!— деб ёнидаги шерикларига мурожаат қилди Юсуфжон қизиқ,

Улар «омин» деб қўлларини кўтаришди.

— Илоҳо, бойвачча дунё тургунча туриб, қатор-қатор сўлоқмон ўғиллар, ишёқмас, эпашанг қизларни кўриб, увалик-жувалик бўлгайлар. Оқни қорадан, фойдани зарардан ажратиб рўзғор тебратгайлар ва босган излари орқада қолиб, тезроқ жаннатмакон деган унвонга сазовор бўлгайлар, омин! Оллоҳу акбар!

— Айтганингиз келсин, Юсуфжон, ҳа, ўзингиз ҳам Ҳазратга етай деб қопсиз. «Юсуф эшон» хи-хи-хи!

— Тўғри, айтдингиз, бой,— деб тасдиқлади Содиқжон бойвачча.— Бу кишининг устодлари — Худоёрхоннинг машҳур қизиқчиси Зокир эшон-да... Хон уни Зокир гов деб чақирар экан. Биз энди Юсуфжонни нима деб чақирсак экан... Хи-хи-хи...

Қора Қоплон гоҳ чойга, гоҳ чилимга югуради. Бойга маъқул бўлиш учун Олчинбек ҳам меҳмонларга роса хизмат қиляпти. Гоҳ уларга «олинг-олинг» қилади, гоҳ ёстиқда суяниб узун кекирган Миркомилбойга хушомад қилиб, балғами пиёлада кўк чой тутади, Содиқжон бойваччадан кўзини узмай, унинг ҳар имо-ишора билан берган амрини бажаради. Ҳамза ҳам бойнинг меҳмонларига чой қуйиб туришга мажбур бўлган эди.

Бироқ унинг кўнглидан ҳазрат Навоийнинг зулм-зўрлик билан мол-дунё орттирган, айш-ишрат, кайфу сафо билан умр кечирган подшолар, сарватдорлар, амир, амалдорлар, қози ва муфтилар ҳақидаги аччиқ таъналари ўтар эди; «қаср пардаларининг ипи элнинг жонидан, лаъли ва қизил бўёғи улуснинг қонидан, қуёш тусли нақшлар эл моли билан зарланган, элнинг дуру лаъли билан гавҳарланган, гиштини масжидни бузиб олиб келган, тошини элнинг қабристонидан келтирган... Шоҳ шундай жойда шоҳона айш-ишрат сурасан. Бу аҳволингга қазо қон йиғлайди, шам куйиб кўз ёши тўкади, хўроз кўкка фиғон қилади...»

Миркомилбой билан Содиқжон бойвачча пўнг қоғоз — қимор бошлашди. Тепасида бешта, тагида иккита холи бор, ипакдан ишланган қоғоз. Ёғлиқ сахтиёнга солиб олиб юрилади. Қимор анчагача чўзилди. Содиқжон бойвачча катта пул ютди.

Миркомилбой бир маҳал қўлини чайиб туриб Содиқжон бойваччага заҳарли бир мулойимлик билан гап қотди:

— Ажаб чаққон мирзо йигитларингиз бор, бири шоир бўлса, бири тилмоч, ўрис тилига суяги йўқ. Фаранг тилига ҳам уста деб эшитаман.

Бу Олчинбекка айтилган мақтов эди.

— Аммо, мана бу шартаки Ҳамзангиздан уламоларимиз хафа. Яқинда бу йигитнинг «Садойи Туркистон» газнетида босилган закот тўғрисидаги бир газали билан мақоласи Андижон уламолари ўртасида кўп шов-шувга сабаб бўлди. Мана, ёзиб ҳам олганман.— У соат чўнтагидан бир парча қоғозни олиб ўқиди:

Бойлар бой бўлур илмсиз яшаб,
Ориқларини семизи ошаб.
Олти кун ўтмай ҳовли-жой печат,
Ҳаж кетар хотин-болани ташлаб...

— Шуни сиз ёзганмисиз?— деб сўради Миркомилбой тилларанг носқовоғини чертиб туриб.

Ҳамза бирдан ҳушёр тортди.

— Ҳа, менинг шеърим, лекин бу золим, илмсиз бойлар ҳақида,— деди-ю, катта жанжал кўтарилишига кўзи етиб, шай бўлиб турди.

— Ахир, мен Миркомилбой, қачон ориқ бойларнинг гўштини еган эканман,— бирдан бой қорнини селкилатди.— Яна билмадим, балки сизга нон-намак

берган Содиқжон бойвачча емаган бўлса...— Ўзининг бу учуригидан лаззатланган Миркомил яна қаҳ-қаҳ урди. Кула-кула қора кўзойнагини олиб, рўмолчаси билан артиб, яна тақиб олди.— Бу ҳам майли-я, закот берган бу художўй бойни газнитга урибди. Бу ёғи қандоқ бўлди экан...

— Мошоолло, нега биз бу гапдан беҳабармиз, закотни масхара қилиш?! Ахир бу авлоди имом раббоний Миён Қудрат ҳазратларининг муборак қулоқларига етса нима бўлади?— деди бирдан кўз жияклари қизариб, заҳил юзи кулранг бўлиб кетган бир пахтафуруш бой.

— Ҳа, бу гап бизга ҳам оғир ботади,— деди чийилдоқ овоз билан қорнини мешдай қилиб ўтирган қўқонлик бир вофуруш.

— Шоирнинг ўзидан эшитсак, балки сабабини айтар,— деди Юсуфжон ака.

— Юсуф қизиқнинг гапи маъқул. Қани, ўзидан эшитайлик-чи,— деди Содиқжон бойвачча, қошини кериб заҳарханда қилиб.

Ҳамза одоб билан икки қўлини кўксига қўйиб, хиёл қақдини букиб таъзим бажо келтирди: «Оҳ, инсонга таъзим қилиш, қақ букиш қандай оғир, қандай ҳақорат! Устод Мунис хўп айтганлар-да:

«Не учун хор ўлмасин Муниски, этмишлар азиз
Они билмасларниким недур оғиз, недур бурун».

Наҳотки бир нодон, ичи зулмат, ваҳший бой олдида қўл қовуштириб турсанг! Марг сендай қўрқоқ шоирга! Ана шу букилган қақдинг бундан кўра бир йўла синса яхши эмасми?!» Ичида ўзини қарғади кўзлари намланиб кетган Ҳамза.

Бойвачча аввал кўзларини чақчайтириб Ҳамзага қаради, садафдек оппоқ, мустаҳкам тишларини кўрсатиб илжайди.

— Қани, шоирим, ўша кўр чипқонингизни, мана, бизнинг олдимизда ёраверинг, ўқинг, эшитайлик,— деб қўлидаги газетани Ҳамзага узатган Содиқжон бойвачча бирдан фикрини ўзгартди: — Йўқ, сиз ўтиринг, Ҳамза, Олчинбек, оғзаки гишгишани қўяйлигу, феълим айнинамай туриб, мана бунга ўқинг, эшитайлик!

Олчинбек ирғиб ўрнидан туриб, таъзим қилди, Содиқжон бойваччанинг қўлидан газетани олиб, ўқий бошлади. Ҳамма жим қулоқ солди. Ҳамза ўтирган ерида чуқур хаёлга ботган эди. Олчинбек газетани ўқишга киришди:

• Ёшлинг эшигида қоринлари оч, ранглари сарғайган, устларидаги тўнлари йиртилган мард йигитлар чорак газ чит учун ўзларига ўхшаган бир банди худога таъзимлар қилиб, ташаккурлар айтишади. Кошки ул хайру эҳсон бергувчи зотлар берадиган бир парча читларини миннатсиз ва озорсиз берсалар. Оҳ, уларни эртадан кечгача интизор қилиб ва хизматчиларига буюриб, шовқин солганлари, боши демай, кўзи демай, йўғон калтаклар билан уриб, оғизлари, кўзлари, хотин ва қизлари демай ҳақорат қилишларини, неча хил дашном ва таъналар билан туртиб-нуқиб юборишларини кўрган ва эшитган киши тоқат қилиб туролмайди! Ишонмасангиз, мана, бойлар эҳсон бераётганда боринг, кўринг! Мен буни ўз кўзим билан кўрдим.

Эй, юрт улуғлари! Худо йўлига кўзингизни очинг! Эшикларингиз остида интизор бўлиб ўтирган фақир ва етимлар ҳолига боқинг! Ҳақиқатга қараб иш юритинглар!»

Олчинбек «Садоин Туркистон» газетасини Содиқжон бойваччанинг олдига қўйиб, жойига секин бориб ўтирди.

Уртага зил жимлик чўкди. Содиқжон бойваччанинг йўғон бўйнига қон тўлди. Чақчайган кўзлари Ҳамзанинг кўзларига қадалганча қотиб қолди. Ниҳоят, бу жимликни Миркомилбойнинг: «Одамнинг миясидан кириб товонидан чиқади-я! Қаердан топасиз бунақанги оҳори тўкилмаган аччиқ гапларни, шоир?» — деган кинояли сўроғи бузди.

— Ўтирма, тур жойингдан! — бўғилди Содиқжон бойвачча.

— Хўп бўлади, тақсир, — ўрнидан турди Ҳамза.

— Бу золим бойлар ким бўлди — сўради Содиқжон бойвачча кўзлари омонсиз бир ғазаб билан ёниб.

— Туркистон мусулмонлари ичида шариати набавияни унутган инсофсиз бойлар йўқ эмас. Бу ибратомуз гаплар аҳқоми шариатни оёқ ости қилган, сариқ мисра ақлини ялатиб, виждонини сўрдириб ётган ноинсоф бойлар ҳақида, тақсир, — деди Ҳамза жасорат билан. Миркомилбой қошини баланд қилиб Ҳамзага бир ўқрайиб қаради-да, юзини шартта ўгириб, оғир пишиллаб жим бўлиб қолди.

— Кечаги тирмизаклар бугун бизларга ақл ўргатишади, тикка гапиришади, насихат қилишади-я. Қандай юрак ютиб ёзди экан буни! Бу ҳам қиёматнинг яқинли-

гидан бир нишона, — дея ўз қотди Камол қози, Ҳамзага кўзойнак орқали хунук қараб.

— Жа Афлотун бўлиб кетибсан, — деди илон қаҳриши зўрға ютиниб Содиқжон бойвачча. — Ҳамёнингда бир миринг йўқ, намунча миллат-миллат деб бижиб алаҳлайсан. Камбағалларнинг дардини чекиб, муңча куюнчак бўлмасанг. Ҳа, бурчак-бурчакларда ўмпайиб-тўмпайиб хоб гафлатда ётган миллатингни мана бунақанги тухмат гаплар билан уйғотмоқчимисан, миллат ҳомийси?! — Содиқжонбойвачча яна шу хилдаги ачкиқ сўзларни тилига чиқармай, дилидан ўтказди: «Тавба, миллат ҳомийси эмиш. Бу киши яна аҳқом шарийядан ҳам гап очадилар. Вой ўша миллатинг билан қўшиб эгам чақирсин сен чиллаки шоирни! Хўш, ўзидан қиёс олмаганини қаранг, ўзи закот беришга, бешта сарниқ чақа, ўша ўзи айтган ўн вершук читни етим-есирларга беришга қодир эмас. Қодир бўлса, ҳожатмандларни интизор қилмай берсин эди! Бер! Ҳи-ҳи-и-ҳи... беролмайди. Чунки қодир эмас. Унга худо бермаган. Ўзи беролмайди, берганини кўролмай, мана шунақанги фитна-фасод тарқатади. Ҳа, саводли гадо, пасоднинг ўзи бу! Янтоқ ўзини боғ ўйлар, тентак ўзини тоғ ўйлар! Ўзини тоғман, деб билади шекилли! Ҳа, ҳа! Миллат, мамлакат, бою уламо гадоларга таянсинми? Уларга шу раҳнамо, ақлаввал, насиҳатгўй бўладими?! Шу-а? Шу бадгўй, борларни кўролмайдиган, йўқларга беролмайдиган чирқираган оч арвоҳ-а! Зиёли эмас, миллатга зиёнли чаён. Буни ҳозир сангбўрон қилдирсам катта савоб топардим. Аммо бу отамдан қолган табаррук хонадонда инсон қони тўкилмаган. Бу хонадонда очларга ош, етим-есирларга қатор-қатор кийим-бош закот берилган». У туюқиб кетиб бақирди. — Сен, кўрнамак, мендек раҳм-шафқатли бир мўмин-мусулмон бойнинг саховатини таъриф этиш ўрнига ҳақорат қилгансан. Ҳа-ҳа...

— У, сиз эмас, бойвачча ака, — деди шивирлаб Олчинбек. — Ҳамза бир Марғилон бойнинг берган закоти ҳақида ёзган!

— Йўқ, ўша мен, мен! Биламан бу иблис, устумон! — деди ўтирган жойида газабдан қон қуйилган кўзларини Ҳамзага тикиб бойвачча.

«Ё олло, наҳотки бадзот бир табибнинг ўғли газетга ёзиб, эл-юртга мени ёмонотлиқ қилса-я. Йўқ, ўша мен! Мен номус-оримни ерга урган душман қонини ўз қўлим билан тўкишим керак», деган фикрдан ту-

тақиб кетган Содиқжон бойвачча телбаланиб, сархуш, гандираклаб ўридан турди. Меҳмонлар турган жойларида таққа қотиб, бирон кор-ҳол юз беришни кутиб туришар, Миркомилбой битта айёр кўзини катта очиб, бойнинг ҳаракатини кузатарди. Юсуф қизиқнинг ранги қув ўчди. Содиқжон бойваччанинг жаҳолати қанақалигини у яхши биларди. Бу орада Содиқжон бойвачча коньяк шишасини бир қўлида маҳкам ушлаб Ҳамзанинг ёнига келди. Унинг амиркон этиги шифтга осилган қандил нурида ялт-ялт қилар, бармоғидаги олтин узукнинг гавҳар кўзи қандилдан нур ичиб, товланарди. Ҳамза пинагини бузмай, ҳатто кипригини ҳам қокмай, унга дадил тикилиб тураверди.

— Хўш, яхши йигит. Ўз ромингиздан чиқиб дарвозани катта очворибсиз-ку,— деди Содиқжон бойвачча ўшқириб.

— Тушунмадим, бойвачча ака?

— Оғиз бир дарвоза, яхши гап ҳам чиқади, ёмон гап ҳам. Оғзингдан чиқмаган гап сенинг қулинг, оғзингдан чиқдими, бас, сен унинг қулисан.

Бойнинг қонга тўлган кўзлари Ҳамзанинг ханжар кўзлари билан тўқнашди. Уларда чексиз нафрат аксланиб, қани, уриб кўр-чи, уролмайдиган киши таёқнинг узунини кўтаради, бойвачча, деган ғазаб бор эди.

— Менинг шунчалар қаттиқ гапларимга қандай чидадинг? Нега сен ҳам жавоб бермайсан, бадзод? Ҳалигина гапни қайраб келаётган эдинг, кўркдингми?— деди бойвачча сал шаптитан тушгандек.

Ҳамзанинг ҳам таранг асаблари сал бўшашиб, ҳушнинг йиғиштириб олди-да, кеккайиб енгилтаклик қалаётган рақибини бўштоб еридан олиб, тимсол билан унинг оғзига урди:

— Бир донишманд, бойвачча ака, «гапиргандан кўра, эшитган маъқул», деган экан. Ундан: «Нима учун?»— деб сўрашибди. Шунда донишманд: «Бўлмаса худо битта тилу иккита қулоқ бермас эди-да», дебди. Лекин мен аллақачон гапирганман, жавоб ҳам берганман. Яна нимани гапиришим керак, бойвачча?!— деди Ҳамза ўзининг шу топдаги маънан устунлигини намойиш қилиб.

— Качон гапиргансан, ахир?

— Жавобимни ҳозиргина ўқитиб эшитдингиз-ку!!

— Бас!— деди Содиқжон бойвачча, ўзининг маъна-

вий енгилганлигидан аламига чидолмай. У, қўлидаги коњьяк шишасини ҳаволатиб Ҳамзага ўдағайлади. Лекин кўзига заводи, ундаги ишчилар — Умар полвон, айниқса темирчи Бўронбой, Степан Соколовлар кўриниб кетиб, шиша ўқталган қўли ҳавода муаллақ қолди. Бир лаҳза шундай турди-да, кейин бирдан бўшашиб, пастга туширди. Шишани уриб синдирди. Кутилмаганда юз берган бу ҳодисадан нима қилишларини билмай ҳангманг бўлиб турган меҳмонлардан кимдир «хайрият» деб юборди.

Содиқжон бойвачча қўлидаги газетани Ҳамзанинг юзига қараб отиб бақирди:

— Йўқол, ғаламис! Даргоҳимда нопок қадамингни иккинчи кўрмай! Жўна!

Бу оғир алам Ҳамзанинг кўкрагидан наштадай тилиб ўтиб кетди. Кўзларидан ёш тирқиради. «Сенинг устингга ёввойи даррандадай бостириб келиб, кун кўришингга, ғазал ёзишингга, кўнглингдаги фикрингни элга билдиришингга қўймаган, қуёш кўзида, ернинг юзида юриб-туришингни кўролмайдиган одам сиёқидаги баднусха, баднафс махлуқнинг бетингга тушган тарсақисини, агар одам бўлсанг, то абад унутма! Найзанинг заҳми битиб кетади, аммо бадзабон заҳми сира битмайди. Бунга қолса, мен кўзим бўла туриб, кўр, тилим бўла туриб гунг, қулоқларим бўла туриб кар бўлсам... Шунда яхши бўламанми буларга!» Бу гаплар унинг дилидан ўтди. Содиқжон бойваччага тик қараб босиқлик билан, ҳаммага эшитиларли қилиб шундай деди:

— Мен сизга олти ой хизмат қилдим. Ўзингиз кўриб турибсиз, бундан буёқ орамиз очиқ бўлиб қолиши учун ўша хизмат ҳақимни берсангиз.

— Ҳақинг бўлса, ҳисоб-китоб қилгач, оласан! Балки ўзинг ҳали қарздор бўлиб қоларсан мендан.

— Бойвачча! — деди юраги гупуриб кетган, қаҳрининг тапти юзига тепган Ҳамза, — сиз менинг юзимга уриб ҳақорат қилдингиз, устингиздан фақат ўз қаламимга арз қиламан холос! Кирдикорингизни келажак авлодларга ёзиб кетаман.

Содиқжон бойваччанинг кўзи ола-кула бўлиб, ҳайвондек бўқирди:

— Йўқол кўзимдан! Кет! Ҳозир отиб ташлайман.

— Кўряпман... Кетаман, — деди Ҳамза бўсағада туриб. — Лекин бир калима арзимни эшитарсиз, деган умиддаман. Чунки меҳмонлик ҳуқуқим ҳам бор. Кейин

ўзим чиқиб кетаман. Мана, эшитинглар, балки бундаги гапларда сизларнинг насибаларингиз ҳам бордир.— У ўтирганлардан сира тап тортмасдан шеърини баланд овоз билан ёддан ўқиди:

Камбағаллар қичкирурса дема овози закот,
Бари бой одамларининг зарбидан минг доддир.
Дарбадарлик, беватанлик зарби етмасми анга!
Боз анга дашному таъна ханжари муздоддир!
Оҳ қилдинг, эй жаҳолат, илмсизни окибат,
Парча нонга бошини ҳам, номуси барбоддир.
Дил шикаста, бағри хун, кўзда ёши шашқатор,
Отасиз, бахтсиз етимлар ҳолига фарёддир.
Ўйлама ўлгунча ҳар ким бу разолатда кетар,
Шоҳлар бир кун гадо, бир кун гадо шаҳзоддир.

«Шоҳлар бир кун гадо, бир кун гадо шаҳзоддир!»
сатрини алоҳида такрорлаб, шахт билан эшикни очиб
кўчага отилди.

Еттинчи боб

ШИРИН ТУЙҒУЛАР ВА ИЛОН ЗАҲРИ

Зубайданинг ясатиғлиқ хос хонаси. Токчаларга мис кўза, самовар, қумғон, жом, чинни пиёлалар тартиб билан териб қўйилибди. Тахмонда қўша-қўша кўрпа, кўрпача, ёстиқлар тахлоглиқ. Дордаги кийим-кечаклар, хилма-хил чойшаб, сўзана, зардеворлар кўзни қаматиради. Ерга ипак гиламлар тўшалган. У онаси пишириб келтирган қатиқли маставани роҳат қилиб ичди-да, Нодирабегимнинг ғазалларини ўқиб ёдлашга машғул бўлди. У бу машғулотни анча давом эттирди. Бир вақт китобни жойига элтиб қўйди. Токчада турган тўптўрвачасини ёнига олиб қўйиб, бошлаб қўйган тагдўзи дўппига оч-пушти, баргикарам ипакдан гул бичиб, ғунчаларини чатиб, баргларини тикаркан, бу дўппи Ҳамзахоннинг бошида яшнашини, унга бўлган қайноқ севгинининг рамзи бўлишини кўнглидан ўтказиб, ширин хаёл суриб, жилмайиб қўйди.

Дўппининг олдин ипак югуртирилган хира гуллари ўрнида турли ипаклар билан тикилган мукаммал гуллар пайдо бўлган сайин у ўз ишидан завқланарди. Ниҳоят, охирги гулни тикиб бўлди-да, ипакни маржондек бир текис оппоқ тишлари билан «чирт» этиб узди,

«иши»ни жойинга селиб кўйиб, дераза олдига оҳиста борди, ҳовли гулзорига тикилганича ўй суриб кетди. Кўз олдида яқин кунларда бўладиган тўйлари сурат тортди: бугун-эрта унинг Ҳамзахонидан совчи келади. Отаси ўзининг ёлғиз қизи Зубайдани жонидан афзал кўради. Унинг Ҳамзахонда кўнгли борлигини пайқаган. Қизининг раъйига қараб, Ҳамзахондан келган элчиларни, албатта, ноумид қайтармайди. Кундал ёпади. Ҳадемай маълум оши бўлади. Ундан кейин карнай-сурнай билан тўй келади.

Зубайданинг назарида ҳовли-уйларни тўлдириб дастурхон ёзиб ташлангандай, чамандаги рангин, нафис гуллар бу шодлик, бу бахтдан алоҳида жилва қилаётгандай, мевали дарахтларнинг шохларидан шохларига қўниб қушлар тинмай сайрашиб, уни қутлаётгандай туюлиб кетди-да, кўзларини ўйчан сузиб, лабларида гунча очилди.

Қўқонликлар таомилида никоҳ тўйи келинникида ўтади. У ўзига атаб солинган мана шу шинам, нақшинкор уйда уч кунгача Ҳамзахони билан бирга бўлади, бир-бирларига хумор кўзларини тикишиб, дил розларини айтишади. Қандай бахт, қандай роҳат!

Тўйни қизитиш учун атайин хизматга келган Мастура ялла, Тожихон, Зебохон, Ўғилхон деган донғи кетган аёл ҳофизлар, ўйинчи қизларни айтмайсизми!..

Зубайдахоннинг бирдан хаёли бўлинди: «Дадам қалинни ўнтадан сўраб қолса-я! Ахир Ҳамзахоннинг қўли калта-ку... Йўқ, дадам менга зулм қилмайдилар. У кишининг кўнгиллари бўш, ўзлари раҳмдил одамлар. Ёлғизгина қизлариман, раъйимни қайтармасалар керак...

Ҳа-я! Тўйдан бир кун бурун қизни ҳаммомга олиб боришларига бало борми, уялиб-нетишмайди ҳам... Яқинда куёвга чиққан дугонам Қумрихоннинг гапига қараганда, қалампирмунчоқни гулобга ивितिшиб келиннинг тамом баданига суртишар эмиш. Ана ундан кейин уйга олиб келиб, шоҳи-атлас кўрпаларга кўмиб ташлашармиш, сурма чўп билан кўзларига сурма тортиб, қошларига тош ўсма, қўлларига хина қўйиб, жаннатдаги ҳурлардай қулинг ўргилсин бир жонон қилиб қўйишармиш...

Куёвнинг иззат-ҳурмати-чи? У тўйхонага киради, бошидан танга, мева-чева сочишади, кейин у ипак пой-андозни босиб уйга кирганда, келин юзида оқ ипак парда, ергача энгашиб салом қилиб, уни кутиб олади...

Зубайда ширин бир сўлиш олиб пичирлади: «Ҳамза»

хон учун жонимни пойандоз қилишга ҳам тайёрман...» Унинг қулогига «Ёр-ёр»нинг ҳазин куйи эшитилгандай бўлиб, ширин хаёл уни яна олиб қочди...

Куёв йигитчаларга пичоқ улашди. Отни аравадан чиқаргач куёв Ҳамза, келин — Зубайдахонни даст кўтариб олди. Ҳа, Ҳамзахон ўктам, бақувват йигит. Уни бошига қуёшдай кўтариб олади, унга атаб ширин-ширин ғазаллар битади:

Э, дилрабо, ишқинг билан девона бўлдим соғиниб,
Вулбул каби тун кечалар гирёна бўлдим соғиниб!

Қандай яхши байт!..

Шу пайт эшикни секин очиб, кириб келган Содиқжон бойваччанинг кенжа хотини Шаҳзодахон уни ширин хаёллар қучоғидан юлиб тортиб олди. Зубайдахон хаёлий оламдан, тўп-тўсиндан бошқа бир оламга, кундалик чин оламга улоқтирилиб, норози кўзларини қақирилмаган меҳмонга тикди.

— Ассаломуалайкум, дилбар қиз, яхшимисиз, омон-эсон ўтирибсизми? — дея сўрашди у.

— Вой, Шаҳзодахон ая, келинг! Қандай шамол учирди? — деб Зубайда дик этиб ўрнидан турди-да, унга пешвоз юрди.

— Қайси шамол бўларди, сизнинг шамолингиз-да, ўргилай, соғиндим. Сиқиндидан дилим хуноб бўлиб кетди. Сиз билан бир лаҳза гаплашсам, Нодирабегим ғазалларидан ўқиб берсангиз, кўнглим ёзилармикан, — деб қоғозга ўроғлиқ бир бўлак нарсани Зубайдага узатди: — Бу Ҳиндистондан келтирилган сурма, асл. Поччангиз менга тухфа қилиб келтириб эдилар, ўшандан пичасини сизга ола чиқдим.

Зубайда сурмани олиб миннатдорчилик билдирди-да, қутичасига солиб қўйди. Кейин у меҳмонни хонтахтага ясоғлиқ дастурхонга таклиф қилди.

Улар чой ичишиб суҳбатлашиб ўтиришар экан, даб-дурустдан Шаҳзодахон сўраб қолди:

— Мен Нодирабегимнинг сиз ўқиб берган ғазалини қўшиқча солдим, айтсам эшитасизми?

— Жону дилим билан эшитаман, ая! — деди жонланиб Зубайда. Лекин Шаҳзодахон ҳозир ваъда қилган қўшиқни айтиб беришга шошилмасди. Унинг юзу кўзларига аллақандай ғам чўккан, кўнгли ғаш, қандайдир дард ичини кемираётгани сезилиб турарди. Зубайда бунинг боисини суриштиришдан ўзини сақлаб, унга ҳай-

рон бўлиб қараб қолди. Шаҳзодаҳон эса, ўзи билан ўзи курашарди. У аста бошини кўтариб, Зубайдага мунағайиб қараб қўйди-да, жавоб берди:— Айтиб берардим, лекин йиғлаб юбораман, деб қўрқаман, сингилгинам.

— Нега энди йиғлаб юбораркансиз, аяжон?

— Эҳ-а, сиз ҳеч нарсани билмайсиз, Зубайдаҳон. Билмаган одамлар мени дунёда иккита бахтиёр одам бор бўлса, биттаси шу Шаҳзода, деб ўйлашади. Аслида-чи? Аслида мендан бахтиқаро одам бўлмаса керак!

— Нега бахтиқаро бўларкансиз, аяжон? Ахир сиз кимсан Содиқжон бойваччанинг суюкли хотинисиз-ку!

— Суюкли бўлмай мен ўлай. Менинг кўзимга тўнғиздан ҳам хунук кўринади у, тиғи парронга учрагуд бойвачча.

— Вой ўлмасам, нима деяпсиз, аяжон!

— Нима деяётган бўлсам, шунни эшитяпсиз. Дардим кўп, дардкашим йўқ, менинг. Энди ортиқ бардошим қолмади. Кўнглимдагини сизга ёрилай, диққат билан эшитинг: бу ёғига нима келса энди пешонамдан кўрдим. Аслини сўрасангиз, мен бахтидан бевақт айрилган, адойи тамом бўлган бир муштипарман. Энди ўлимга тикка боравераман, қўрқмайман...

— Нега ундай деяпсиз, аяжон! Бой почча сизни хафа қилдиларми?— сўради Зубайда хавотирланиб.

— Йўқ, Зубайдаҳон, ичим қонга тўлиб кетган, бу бевафо дунёдан жуда-жуда тўйиб кетганман, жоним ҳиқилдоғимга келган, агар билмоқчи бўлсангиз.— Шаҳзода пиқ-пиқ йиғлаб юборди. Зубайда ҳозиргина ўйнаб-кулиб кириб келган бу жувоннинг ичида шунча дард-ҳасратлари борлигини сираям хаёлига келтирмаганди, оғзи очилиб қолди. Шаҳзодаҳон тўлиб-тошиб давом этди:— Мен ўзим учун йиғлаб-надомат қилмайман, опаси, мен нима бўлсам, бўлдим. Гулдай бахтим бор эди, чанг солиб, унга зомин бўлишди, қанотимни қайириб, болу паримдан жудо қилишди. Аммо битта жонажон дугонам бор эди, туғишган синглимдан ҳам зиёда кўрдим уни.

— Ким у, мен кўрганманми уни?— сўради Зубайда гап қўшиб.

— Йўқ, кўрмаган бўлсангиз керак, балки кўргандирсиз, билмадим, лекин қуйиб қўйгандек қадди-басти, ҳусн-жамоли худди сизга ўхшарди. Унинг кўнгил қўй-

гани бор эди. Ана ўша синглимнинг дарду ғами еб таш-
лаяпти мени. Шунини ўйласам, кўзимга дунё қоронғи бў-
либ кетади, пулдор, ичи қора, илондай афти совуқ, бе-
вафо эркаклардан ўч олсам, уларга, иложи бўлсаю,
қирон келтиргим келади, бари бир бу бағритош бойдан,
ҳали кўрасиз, қасос олмай қўймайман...

Шаҳзодаҳоннинг кўзларига ғайриодатий қон тўлиб,
юзлари даҳшатли тус олганини кўриб, Зубайданинг
юраги орқасига тортиб кетди. Кейин ўз-ўзини тутиб
олиб, унинг бўйнига осилди.

— Вой, ўзимнинг дилбар аяжоним. Сиз шундай ях-
ши жувонмисиз! Битта дугонангиз учун шунча куясиз-
ми? Ҳамма ҳам бундай қилавермайди. Ким у ўзи, айта
қолинг, аяжон.

Зубайданинг Шаҳзодага яна меҳри товланиб, кўк-
сига бошини қўйди. Шаҳзода унинг муаттар сочлари-
ни силаб, икки юзини кафти билан беозор ушлаб, ўзи-
га қаратди.

— Эргашни эшитганмисиз? — деди унинг кўзига ти-
килиб Шаҳзода. — Бачқирлик Хўжамбердининг калма-
кесар ўғли... — Афтидан бу даҳшатли иборани айтиб,
ўзи ҳам қўрқиб кетди шекилли (Зубайданинг ҳам юзи
докадек оқариб кетган эди), гапни чалғитишга ошиқ-
ди. — Қўйинг шу нохуш гапларни, келинг, дил хижил-
лигини ёзиб, пича дафъи савдо қилиб ўтирайлик, бу бе-
вафо дунёда, — деди-да, қўлни чўзиб, қозикда илиғ-
лик турган дуторни олиб, аста созлади. Кейин нозик
бармоқлар тор бағрини эза бошлади. Сарпардалардан
жон олғич дард-алам тўла бир куй оқа бошлади. Бу
ҳазин, мунгли оҳанг аслида Шаҳзоданинг дил-дилидан
сизиб чиқиб, дутор пардаларида гоҳ инграб, нолиб, гоҳ
қайнаб авжига миниб, фиғон таратиб, уйнинг шифт ва
деворларига бош урар, яна шу заҳоти сўнар эди.

Шаҳзода дуторнинг мунгли куйига жўр бўлиб, бир
газални хиргойи қиларкан, биринчи байтидаёқ ўзини
тутолмай ўкраб йиғлаб юборди:

«Не ғурбатларни чекдим, чарх бебунёд, дастингдан,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдан»...

Бу куй Зубайданинг ҳам дилига чўғ ташлади. У бо-
шини ерга солиб, кўзларини юмганича куй тингларди.
Унинг кўз олдида яна ўша қонхўр Эргаш келди-ю,
унинг отасига бўлган адоватини эслаб, эти жунжикиб
кетди. Шаҳзоданинг бутун хаёли дуторнинг бағридан

учган ўтли оҳанглар қанотида узоқ-узоқларда парвоз қилиб юрарди.

Чиндан ҳам Шаҳзодаҳон жафокаш фалакнинг дастидан обод бўлмади, унинг севиқли ёрини ўша Эргаш қўйдек сўйди. Ҳа, Эргаш Содиқжон бойвачча билан ади-бади айтишган қанча зўрларнинг ёстигини қурирмади. Ҳаммаси ўша одамхўр бойваччанинг амри, пули билан бўлган. У қон тўкиб бой бўлишни отасидан ўрганган. Қўқоннинг манамаман деган бойларидан Миразимжон бойни ўлдиртириб, сири очилаёзганда, қилғиликни ўзи қилиб, хўжакўрсинга Эргашга жазо бердирди. Миразимжон бойнинг бола-чақалари унинг ҳақиға ҳамон дуо қилишади...

Шаҳзодаҳоннинг ўзи-чи? Ахир унинг кўз очиб кўрган эрини кўз олдида ҳаникка ётқизиб сўйган Эргаш қулоғига, «жим бўлинг, Шаҳзодаҳон, сиз бу бетавфиқ расводан қутулдингиз. Энди яна бир катта давлатманл одамнинг паноҳида бўласиз. Эрингизнинг таъзиясини ўтказасиз, ўша бойнинг никоҳига киришга рози бўласиз. У бечора ҳажрингизда жизганак бўлиб ётибди-я, билдингизми? Борди-ю, бу сирни бировга исини чиқариб қўйгудек бўлсангиз, ёки мен айтган бойга хотин бўлишга рози бўлмасангиз, хотинталоқдан қасам ичиб қўйганман, мана бу пичоқ, кўриб қўйинг, тарра-бурра қиламан, деб яна тишларини кўрсатиб тиржаймаганмиди?! «Бойваччанинг кимлигини кейин айтаман. Ҳа, мен керак вақтда инс-жинсдек ҳозир бўламан, тасаддуққинангиз кетай», деб эшикни секин ёпиб чиқиб кетмаганмиди?!

Содиқжон бойвачча-чи? У, Эргаш айтгандай, уни никоҳига олди. Бир куни маст-аласт бўлиб келиб, Шаҳзодаҳонни эркалаб туриб: «Мана шу шаҳло кўзларинг учун нақд беш минг тилла тўлаганман», деб юборганда, у эрини ким ўлдирганини аниқ билиб қолди. Войваччага нисбатан нафрати кундан-кунга ўт ола берди.

Мана, икки йилдирки, у Содиқжон бойваччанинг олтин қафасида қон йиғлаб, кундошлик жафосини тортади. Ҳар кеча тушида ўша кўз очиб кўрган Холдорбекни кўради, у билан дардлашади, уйғониб кетиб аламандуҳга чидолмай ичида зор қақшайди, аламини мана шу бир парча ёғоч — дутордан олиб, у билан дардлашади. Юраги тўлиб кетган пайтларида эса ҳаммаҳалласи Зубайдаҳонларникига чиқади.

Бунинг устига, мана бир неча ойдирки, бой бунинг ҳам кўрпасини босмай қўйди...

Шаҳзодахон шуларни ўйлайди, юрагига йиғилиб, унга тобора озор бераётган зардобни қандай бўша тиш йўлини излайди.

Ҳали Зубайдахонга бир нима дегандай бўлди. Ҳа, иззат-нафси ерга урилган Шаҳзода ўйлаб-ўйлаб, ёмонга ёмон бўлиш керак, деган қарорга келган эди, буни имондай сир тутиб юрарди, бугун эса, Зубайдахонга уни очиб қўйди. Нега айтди унга? Чунки...

Бойвачча яна ошиқ! Шаҳзода унинг кимга тўр ташлаётганини сезиб қолган. Отинча қиз Зубайдага ёрдам қўлини чўзиб, унинг бошига ёпирилиб келаётган балоларни даф этмоқчи. Шунинг учун бойвачча устидан ўзи чиқарган ҳукми бу соддадил, ҳеч нарсадан бе-хабар қизга билдириб қўйди, рост, билдириб қўйди-ю, уни қўрқитиб юбормаслик учун гапни чалғитди. «Сизга ўхшаган дугонам», деб уни ваҳима гирдобидан олиб чиқиб кетди.

— Биламан, Зубайдахон, — деди орага чўккан узоқ сукутдан сўнг аста бошини кўтариб, — сиз шоир Ҳамзахонга кўнгил қўйгансиз...

— Қўйинг аяжон, одамни уялтирманг, — дея эркаланди Зубайда юзлари лов-лов ёниб.

Шаҳзода аслида Зубайдахонни огоҳлантириб қўйиш учун бу ерга чиққан эди. Кўнглидаги гапни айтиш учун фурсат пойларди, қизнинг эркаланиб айтган сўзларини эшитиб, уни кизғонди, айтмай деса, назарида уни бойвачча илиб кетиб, хазон қиладигандек туюлиб кетди-да, таваккал қилиб айтиб юборди:

— Мен яхши ният билан ёнингизга келдим, аяси жонидан. Сизнинг қисматингиз олдида меники урвоққа ўхшаб қолади шекилли. Бир сирни айтаман, ҳовлиқмай қулоқ солинг. Агар айтмасам, олдингизда ўзимни бир умр юзи қора ҳисоблайман. Сизлар, ҳар иккингиз жар ёқасидасиз. Сизни ҳалокатдан қутқариб, савоб топмоқчиман, аяси айлансин!

— Қанақа жар, аяжон, нима деяпсиз ўзи, ҳеч тushунмаяпман, — деди Зубайда ранги қув ўчиб.

— Шу ой ичида сиз менга кундош бўласиз, Содиқжон бойваччанинг никоҳига кирасиз, билдингизми, тасаддуқ! Ҳа, қулоғингизгача, худо берса, бахтга ботасиз.

— Йўқ, йўқ! Менга худодан унақа бахт тилагандан кўра ўлим тиланг, аяжон!

Зубайда додлаб ўзини Шаҳзоданинг оёғига ташлади.

ШАҲЗОДАХОН

Даҳлизсиз, ўн бир ёғочли, нақшлари сержило уй. Чўғдай ёниб турган ипак гиламлар тўшалган, тахмонида асл матолардан қилинган кўрпа ва якандозлар кўзни қамаштиради, токчаларида анвойи хитой ва кашқар жонон чиннилар, Бухоронинг мис ва кумуш идишлари. Шифтга осилган қандилдан нур порлаб турибди. Ўймақорлик эшик «ғийт» этиб оҳиста очилди. «Олчинбекни йўқлатган экансиз», деган овоз бойнинг учинчи хотини — Саид тўра мингбошининг қизи — Шаҳзодаҳоннинг хўжакўрсинга ўқиётган намозини бузиб юборди. У ялт этиб гулдор эшикка қаради. Ирғиб ўрнидан турди. Нимадандир ваҳимаси юзига қалқди. Қоқилиб-сурилиб эшикка борди.

Оёғида амиркон кавуш, эғнида ёқаси жимжима оқ шойи кўйлак, устида бешбел камзул, икки чаккасида бурама гажак, бўлиқ кўкрагида тилла зебигардон, оппоқ сухсур бўйни тўла марварид, тимқора оҳу кўзларида ёшлик ва муҳаббат шарораси жўш уриб, ўз қурбонини излайди, қайрилма қош устига дол қўйган паранг дўррасининг ҳошияси билан оғзини тўсиб, бошини сал эгиб, Олчинбекка таъзим қилди.

— Марҳабо, хуш келибсиз, азизим, — деди-ю, эшикни зич ёпди.

— Келдик, мана... Хушвақт бўлинг, тасаддуғингиз кетай, — деди Олчинбек. Чидами етмади шекилли, Шаҳзодаҳон шарт бағрига тортиб, чанқаган лабларини «мана, мени ўп» деб турган гунча лабларига қаттиқ босди. Ҳам ҳадик, ҳам эҳдирос билан тан-жони ёниб кетган Шаҳзодаҳон Олчинбекнинг кучоғидан зўрға суғурилиб чиқиб олди.

— Уҳҳ... Шунақа зolim йигитмисиз, нафасим қайтиб, ҳушимдан кетаёсдим... Бир нарса бўлиб қолсам, нақ хўжайинингиздан балога қолардингиз... — У бурилиб, карашма қилди-да, — қани, тўрға чиқинг, марҳамат, мана, ёстиққа ёнбош қилинг, пича ўзингизни босиб олинг. Ҳа, мунча илҳақ қилмасангиз, кўзларим тўрт бўлди кутавериб, — деди ҳаяжондан овози тўлқинланиб Шаҳзодаҳон.

Олчинбек тўрға чиқиб, атлас кўрпачага ўтирди, қўша-қўша пар ёстиққа ярим ботиб сўз қотди:

— Хўжайинимни Миркомилбой, Миргулишанбой,

Потенциаллар билан Москвага узатдим-у, секин, киши-билмас қилиб, парвонадай ўзимни мана шу уйда ёниб турган чироққа урдим, тасаддуқ...

Шаҳзодахоннинг юраги гушиллаб урар, ундаги аҳтирос дилидаги гапларини айтишга йўл бермас, тилини боғлаб қўйгандек эди. У ташналик билан Олчинбекка талпинар, оловли кўзлари унга қараб жовдирар, дил розини ифодаламоқчи бўларди. Бир муддат тикилишдан кейин у тилга кирди:

— Қани, дастурхонга қаранг. Мана, ичинг, ҳоврингизни босади.— Унга чиройли қашқар пиёласида май тутди. Олчинбек аввал Шаҳзодахоннинг қўш-қўш гавҳаркўз узуклар ярашган латиф бармоқларидан ўпиб, кўзларига суртиб, кейин майни олиб, майдалаб ютиб гуриб сўради: «Нега фотиҳа тўйнинг бошида турмадингиз?»

— Тобим қочиб қолди, деб хўжайинингиздан рухсат олдим. «Майли, сен хизматдан озодсан, шаҳардаги кичик ҳовлига бориб бир-икки кун дамингни ол», дедилар. Ганжиравондаги фотиҳа тўйини ташлаб, сизни тезроқ қўриш иштиёқида бу ёққа югурдим-да. Ҳа, кеча фотиҳа тўйини ўтказдилар-у, бугун вагон-вагон пахта билан Москвага жўнадилар. Икки ҳафтадан кейин, қайтиб келишлари биланоқ, тўй-бўлади. Аёллик курсин. Начора, куйдирмаган эр эрми! Дунёнинг ишлари шунақа тескари экан, боши-охири йўқ. Ҳа, майли. У киши у билан, мен сиз билан, йигит. Савоби ошкорадан гуноҳи пинҳона маъқул бизга. Аёл ҳам одам, унда ҳам жон бор. Иззат-нафс бор, ишқ ўти тўла юрак бор. Ҳадисираманг, шайтон ҳам пайқамайди... Ичкарида бир оқсоч кампир, ташқарида бир кар қулоқ отбоқар қолган, бошқа ҳеч ким йўқ, ҳамма фотиҳа тўйига кетган, индинга келишади. Оқсоч ҳам, отбоқар ҳам аллақачонданг қотиб ухлаб ётишибди. Бири кар, бири банги. Иннакейин, мен уларни... ҳа-да, «туя кўрдингми, йўқ»ни роса ўргатиб қўйганман.

Ўз сўздан завқланиб қошларини учуриб хандон ташлаб кулди Шаҳзодахон. Олчинбек унинг тадбиркорлигига қойил қолиб, узоқ тикилиб турди: ўша жилва, ўша сузук, хаёлкаш, жон олғувчи кўзлар...

— Дардимни ҳеч ким билмайди. Ишим қийин,— деди Шаҳзодахон.

— Мен биламан, жоним тасаддуқ... Мен биламан!

— Кимсан, Саидтўра мингбошининг қизи бўлсам-у, бу яшамагур очкўз, бераҳм бой бир келгинди қашқар-

ликнинг қизини устимга хотин қилиб олса-я! Бунга ким чидайди?! Бой эл-юрт ичида оламга доврўғи кетган отамнинг юзини ерга қаратди. Мени шарманда қилди, йигит-яланглар ичида кариллаб юрган акамнинг боши ҳам бўлди. Бир пасткаш бойнинг қизи мекдан ортиқ бўлдимми?

— Бойни ҳам шайтон йўлдан урган.

— Уша шум ният шайтон яна ўзингиз бўлиб чиқманг, барно йигит,— деди нозланиб Шаҳзодаҳон.

— Агар мен шум ният бўлсам, бунга ҳам ўзингиз сабаб. Сизнинг Шаҳзодалигингиз, мана шу ширин, ҳеч кимда йўқ дудоқларингиз,— Олчинбек уни шартта бағрига тортди,— мундоқ юзингизни очинг, кўрай, ўлиб бўлдим-ку.

— Тўхтанг, ҳаммасига ҳали улгурасиз, бари бир тош-тарози ўзингизнинг қўлингизда... Пича дардлашайлик. Мен жудаям куйиб кетяпман. Менга ачининг, мени чин яхши кўрсангиз, ёрдам беринг. Мен, олма пиш, оғзимга туш, деб ўтирадиган аёллардан эмасман.

— Бойваччани шунча:ар яхши кўрасизми?— деб сўради рашк билан Олчинбек.

— Бойга Зубайда эмас, Аҳмадохуннинг қашқар саройи, чой дўконлари, яхдондаги олтинлари керак!— Товушини пастлатиб шивирлади Шаҳзода.— Бу қонхўр бойваччанинг бутун кирдикорларини мен биламан. Менинг отам унинг кўзга кўринмайдиган пичоғидан зўрға омон қолди. Ҳали кўрасиз, икки ой ўтар-ўтмас Аҳмадохуннинг азасига борасиз...

— Нима деяпсиз?!— кайфи учиб сўради Олчинбек. Шаҳзодаҳон оғзини Олчинбекнинг кулоғига яқинроқ тутиб шивирлаб, замзама қилди. Зулукдай сочларидан аңқиган аллақандай ёқимли ҳид Олчинбекнинг димоғига урилиб, унга роҳат бахш этди...

Тўрт девор ичида хуноби ошиб, адо бўлаётган Шаҳзодаҳон бир куни Сўхмозорга бориб келиш учун извошчи Қулмат отани қидириб ичкари билан ташқарини қўшадиган кенгина йўлакка чиқди-да, қоронғироқ бурчакдан юзини паранг дурра билан ярим тўсиб, эшик тирқишидан ташқарига мўралади. Ана шунда катта дарвозанинг шундоққина ёнгинасида гулзорга туташ шосупа четида ўтириб, Содиқжон бойвачча билан чўт қоқиб нималарнидир узун дафтарга ёзиб-чизиб олаётган ёш — дўндиқ бир йигитга кўзи тушди-ю, юраги шиф этиб кетди.

Бу келишган, хушбичим, башанг кийинган йигит

назарида худди зевикли Холдорбекка ўхшаб кетди. Қузоқ қора қошлари, шахло кўзлари ҳам ўшаники. Эғнидаги рум ёқали мовут камзули ҳам Холдорбекниг сўйилмасдан бир ҳафта илгари тикдирган камзулига ўхшаб кетарди. Шу-шу бўлиб, бу йигитнинг сурати, унинг майин жилмайиши, ўнг юзидаги йирик қора холиқ Шаҳзодага уйқу бермай қўйди. Унинг ороми бузилди, бу йигитнинг хаёлида тонг отгунча ўй суриб, тўлғаниб, «уҳ» тортиб чиқадиган бўлиб қолди. Ҳамма ҳамма нарса унутилди.

Айниқса йигитнинг ҳали уйланмаган, бўйдоқ эканлигини билгандан кейин, унинг дунёга келиб қонмаган эҳтироси яна оловланиб кетди.

«Лочиндек йигит, у билан ҳар қанча ўйнаб-кулсанг арзийди. Шу кунларда росаям тўлишиб, чиройли бўлиб кетибди, гўрсўхта. Нима қилай, мен энди йигирмада, у йигирма бешга кирган.

Ажаб қиламан, ҳали бир қучоқ гулман. Ўйнаб-куладиган чоғим. Ҳа, бой устимга хотин оляпти. Унинг ишлари гумбур. Мен унинг измидан чиқсам гуноҳи азимга ботаман, деб уйда кўмилиб, эзилиб ётайми? Менга мол-дунё бир чақа, менга эр йигитнинг яллиғи керак. Мол-дунё ўсмадай нарса, ювилади-кетеди».

Шу хил фикрлар унинг кўнглидан ўтиб, кўзларида гоҳ нажот, тансиқ бахт, кайноқ муҳаббат ифодаси кўринар, гоҳ ваҳима, даҳшатли ўлим, қон, пичоқ шарпаси сезиларди. Йўқ! Йўқ! У мурод-максадига етади. «Худо, ол қулим, деса ажаб эмас», шивирлайди бўсага ташна шарбат тўла лаблари. Яна ўйланиб қолади. Ўйлайвериб тоқати тоқ бўлади. Ниҳоят, кучи дуторга етади. Уни қийнайди, нозик торларини тирнаб йиғлатади, ўзи ҳам дуторга жўр бўлиб юм-юм йиглаб куйлайди:

Тошга ёмғир кор қилурму муттасил ёққан билан, 19

Давлатингиз кам бўлурму бир қиё боққан билан.

Бир қиё боқди, илиндим шу йигит занжирига,

Ҳеч илож тошолмадим парвардигор тақдирига.

Тақдирига ўт тушиб куйса нима, ёнса нима,

Икки ошиқ бир бўлиб, муродига етса нима?

Йигит аҳён-аҳёнда ичкаридан чиқаётган бу дардли қўшиқни ташқарида ўзи ёлғиз қолган пайтларда эшитар эди-ю, парво қилмасди. Бора-бора бу сеҳрли куй йигитнинг ҳам эс-ҳушини ўғирлаб, унинг қалбига занжир солди, банди қилиб ичкарига — гўзал Шаҳзода қошига судради. Ахири, рўзғор кўрмаган бўз йигит,

мана, роса бир йилдирки, ҳафта ўтмай фурсат топиб, у билан ҳуфиёна учрашиб бағрига киради. Яйраб тўлғонади, ер-кўк, замин у замон, ўлим, қўрқув, андиша, урф-одат, шарм-ҳаё, дину имон — ҳамма-ҳаммасини бир ёққа отиб, ҳаётга, эркинликка, муҳаббат ва ёшлик баҳорига қайта-қайта таъзим қилади. Ана ўша йигит Шаҳзоданинг рўпарасида хаёл суриб ўтирган — Олчинбек эди.

Аммо бу кунларда Шаҳзоданинг ороми яна бузилди. Бунга бойнинг яна янги хотин олиши сабаб бўлди.

Хўш, бой янги хотин олса Шаҳзодаҳонга нима? Олса олиб ўлмайдими!

Йўқ, бу ерда бошқа гап бор. Янги ёш келин — Зубайданинг ҳусн-малоҳати, ғазал ёзиб дутор чертиб, хониш қилганида, ҳатто осмонда учиб кетаётган қушлар ҳам бир лаҳза тўхтаб қолишлари ҳақидаги миш-мишлар бутун Қўқонни тутиб кетганди. Агар чиройли, ширинсуханликда тенги йўқ ўша киз бу даргоҳга келин бўлиб тушса, бойнинг феъли маълум, уч-тўрт кун кичигини ширин кўриб, эркалаб силаб-сийпайди, кейин тўяди, янгисига совчи юборади. Окибатда бу қафасдаги «келин аясига» мазахўрак бўлиб қолган Олчинбек ҳам қўлидан чиқмайдими! Йўк! Бу келаётган балонинг олдини олмоқ керак. Оғзидаги ошини Шаҳзода бировларга бериб кўядиган анойилардан эмас. У турган жойда бошқага кун йўқ! Ҳамма чиройлар бир чақа. Ҳамма ерда фақат Шаҳзоданинг чиройи, дилбарлиги, там-там жувонлиги ҳақида гап бериши керак!

Ҳа, шундоқ! Пайт келса бойнинг ўзини гум килиб, ўзи бой ойчм бўлиб, ярақлаган кўш отли файтунларда ёнгинасида Олчинбек, тўйгунча яйраб, айшини суриб ўтади бу бевафо дунёдан! Унинг режаси пишиқ, аниқ ва даҳшатли. Борди-ю, режа амалга ошмаса — у ёғи ўлим.

Шаҳзодаҳон юрагига тўлқин солган васвасаларни қувиб солди. Қўшиқни чала қолдириб, дуторни яна жойига илди. Орага оғир жимлик чўкиб, туйғуларни сўндирди. Олчинбек бир лаҳзада совиб, тоб ташлаб қолди.

«Ниҳоятда эҳтиёт бўлайлик, сиримиз очилса, икковимиз ҳам қўйдек сўйиламиз», деган совуқ фикр ўтди дилидан. У ёғини айтишга тили бормади.

— Гуноҳқор бандангман, бало-қазодан ўзинг сақла, худо, — деб юборди, ранг-қути ўчиб.

Олчинбекнинг бу аянчли аҳволи Шаҳзода­нинг дилини сиёҳ қилди. Кўзига у жуда ожиз, майда бўлиб кўриниб кетган эди. «Кўрқоқ, тайёрхўр, чўқиб қочар», деган гаплар ўтди дилидан. Нафратини яширолмай, киноя билан узиб олди.

— Вой, ҳа, мунча тўкилиб кетмасангиз, сиз учун юз жоним бўлса, ҳаммасини тикдим деган эдингиз, ҳалитдан бир жоннинг ваҳимасини қиляпсиз-ку. Аёй бошим билан яна ўзим тузук эканман, ўргилай,— деди Шаҳзодахон ҳиринглаб кулиб.

— Йўқ, йўқ, ўша ёш эрчангизга раҳмим келиб... Ҳалигидай... бўғилиб кетдим.

— Ҳа, эрим мени «умри азизим», «ширин жон» деб атарди, жон-дилидан ортиқ кўрарди... Сизнинг кўз-қошларингиз, баъзи бир қилиқларингиз ўшанга ўхшаб кетади, ўргилай...

— Ишқилиб, умрим ўхшамаса бўлгани. Қани бу гапларни энди бас килиб, пича чақчақлашиб ўтирайлик,— деди Олчинбек.

Шаҳзодахон унга яна титраган қўлларини узатиб, хумор кўзларини тикиб, эҳтирос билан сўради:

— Бундан ташқари, яна бир ишим тушди сизга, хўп дейсизми?— Унинг бу саволида ноздан кўра одобга ўхшаш аллақандай бир нидо бор эди.

— Яна қанақа иш? Жо... жоним билан хў... хўп,— деди ваҳима босиб Олчинбек. Шаҳзодахон бир нозик шох ташлаб, сочларини тартибга солдию ўрнидан туриб, шоҳи атлас кўрпа-кўрпачалар тўла тахмонга борди, кўрпаларнинг қатидан катта бир катмонни олиб келиб Олчинбекка икки қўллаб узатди.

— Бу нима, йўқ, йўғ-е.

— Бу сизга эмас, бошқа бир ишга керак бўлади. Олинг, агар мени севсангиз, ҳазар қилманг, олинг!— деди кўзларини сузиб туриб Шаҳзодахон.

Олчинбек подшо сурати солинган юз сўмлик тўла катмонни ноилож олиб чўнтакка солдию, «Хўш, у ёғи?», дегандай Шаҳзодахоннинг кўзларига тикилди.

— Агар сизга менинг васлим керак бўлса, тўғриси, менинг умр бўйи қулингиз ҳам гулингиз бўлишимни истасангиз, олдингизга икки шарт қўяман. Ҳа, десангиз мана — мен! Йўқ десангиз — бир умрга хайр!— деди чертиб-чертиб Шаҳзодахон.

— Шартингизни айтинг,— деди эҳтирос ўтида ёниб Олчинбек.

Ахир у кўнглини Олчинбекка ёрди:

— Бу иш осон. Қўрқманг, майли, тўй бўлаверсин. «Ёр-ёр» осмонга чиқсин, аммо хўжайинингиз Содиқ-жон бойвачча ўша сиз айтган янги жонон Зубайдахоннинг қўйнига киролмайди, доғ-ҳасратда қолиши керак. Бечора Зубайдахонни бу бало, офатдан қутқазамиз, унга ёрдам берамиз.. Уни севгани билан қовуштирамиз. Бирламчи шартим шу!..

Уртага жимлик чўкди. Олчинбек чуқур ўй суриб, бу гапнинг маъзини чақишга ҳаракат қилди, ниҳоят, Шаҳзодахоннинг феъл-атворининг яна бир қиррасини кашф этганидан мамнун бўлиб, ичида «пари қиёфасида кўринган эчкиэмар, бу хотиндан қўрққувлик», деб қўйди.

— Хўш, яна?

— Иккиламчи шарт... айтоврайми?

— Айтинг!..

— Бу уйдан ҳозир ўқдай отилиб чиқиб қочиб қолмайсизми?— деди-ю, ширин қиқирлаб кулди. Кейин у кулишдан таққа тўхтаб, чақнаган кўзлари билан Олчинбекка шундоқ тикилдики, унинг юраги ўйнаб кетди.

— Йўқ дедим, йўқ!

— Бари бир қочсангиз ҳам, бориб айтиб мени остирсангиз ҳам, мен бу бахил, жоҳил, худбин, ишратпараст одамлардан қўрқмайман. Чунки, мен бу тақдир қиморига аллақачон жонимни тикиб қўйганман.

— Мен ҳам жонимни тикканман. Фақат сизга, сизнинг мана шу ёнган, ишқ тўла хумор кўзларингизга, роҳатижон кулишингизга, зебо қадди-қоматингизга, ўтли карашмаларингизга жонимни тикканман. Агар шулар меники бўлмаса, менга икки жаҳон керакмас, мени куйдириб-ёндирманг, қандай оғир шартингиз бўлса айтинг, ҳаммасини бажараман!— деди ҳирсдан қалт-қалт титраб Олчинбек. Шаҳзодага мана шунақа дадил гаплар керак эди.

— Хўп, иккиламчи шартим шу: бир кунмас-бир кун бойнинг ўзини ҳам... Буни мен ўзим жойига қўяман, сиз ёрдам берсангиз бўлгани..

— Епирай, нималар деяпсиз! Бошим айланяптими ёки уй айланяптими?

— Жим, жим, айланай. Мана бу — ўзингиз олиб келган шароб, яна қиттак ютиб олинг, ваҳимани бо-сади.

Олчинбек Шаҳзодахоннинг қўлини ўпиб, кумуш патнисда узатилган қадаҳ ичидаги коньякни ютиб, бедана гўштини оғзига солди.

— Хўш, у ёғи?..

— Ҳе, у ёғи жаҳаннам, бизга, бизга... ўзим биламан. Йўқ, у ёғи бизга боғу бўстон, бу дунёда жаннат, ҳа, Содиқжон бойваччанинг еру сувлари, йилқи кўйларига ҳам, завод-фабрикалари, банклардаги олтинларига ҳам, мендай ўхшаши йўқ дилбаржонга ҳам факат ўзингиз хўжа бўласиз, чунки у бепарзанд, меросхўр фақат мен, айланай! Ҳа, бу гапларнинг ҳаммасини менга эрим ўргатди.

— А? Нима?!

— Ноҳақ сўйилган эрим ўргатди. Ҳар кунни тушимга киради: «Қасосимни ол! Жаллод эрингни гумдон қил! Бордию уни ўлдирмасанг, ўзингни ос, тезроқ ёнимга кел, кутаман!»— дейди холос. Ҳа, шундоқ. Мен бу аждаҳо бойдан бир кунмас-бир кун хўрланган, жафо чеккан аёлларнинг номуси, муҳаббати, оёқ ости қилинган эрларнинг қони учун қасос оламан! Уни ўлдираман. Хўш, нима дейсиз, жонимни қоқай! Икки йўл, икки эшик — бирини танланг. Мана бу эшик сизни муҳаббатхонага, атлас тўшакка етакласа, анави эшик кўчага олиб чиқиб қўяди. Май ҳарорати, ёш аёлнинг ширин, жаранглаган овози, йирик-йирик хумор кўзларининг қора олови, эгма қошларнинг сеҳри, дириллаб турган баданининг жозибасига тоқат қилолмаган Олчинбек Шаҳзодани бир қучоқ бинафшадек азод кўтариб, сим каравот турган ётоқхонага йўл олди. У деярли каршилиқ кўрсатмасди.

— Тўхтанг! Тўхтанг, жонгинам, жиндек тоқат қилинг, тоқатликка тоғ бош эгармиш.

Олчинбек Шаҳзоданинг юзидан бир ўпди-да, ерга қўйди. Шаҳзода тўзиган сочларини тузатиб, кичкина нақшинкор тоқчада ипак болиш устидаги зар муқовали қуръснини олди. Ўпиб, пешонасига қўйди-да, уни Олчинбекка узатди. Ўртага сирли жимлик чўкди. Олчинбек аста-аста қадам ташлаб Шаҳзоданинг ёнига бориб тиз чўкди, унинг қўлидан қуръонни олиб ўпди, ўпди-ю, секин шивирлади:

— Сўзимдан қайтсам, каломулло урсин!

Тўққизинчи боб

МИЁН ҚУДРАТ ҲАЗРАТ

Серҳашам хонадаги қат-қат кўрпачалар устида, катта салла бошида, эғнида банорас кенг чопон, унинг устидан оппоқ ридо, қўлида каҳрабо тасбеҳ, кенг пешо-

на, нуроний юз Миён Қудрат ҳазрат тасбеҳ ўгирган ҳолда ўйга ботиб ўтирарди. Шайх Исмоил остонада тўхтаб салом бериши билан у бақувват қоматини ростлаб бош кўтарди.

— Келинг, шердаргоҳнинг ити, тортинманг, юқорига ўтинг.

Миён Қудрат ҳазратнинг овози чеҳрасидек мулоим эди.

Шайх Исмоил қўллари кўксида, икки букилганча оёқ учида бир-икки қадам босиб ҳазратнинг қўлини олди, рўпарасида тиз чўкди. Икки мулозим — бири дастурхон, бири катта мис баркашда иссиқ нон, асал, мева-чева кўтариб кирди. Ҳазрат яна кўзини юмиб сукутга кетди.

— Ҳазратим,— деди енгилгина тўн ичидан малла кўйлак ва оқ бўз иштон кийган бош мурид Матқовул халфа.— Шоҳимардон мутаваллиси — шайх Исмоил мозорга қилинган назр-ниёзлардан ҳазратимнинг улушларини келтириб эдилар. Ҳаммасини омборларга тўқдим.

Ҳазрат фотиҳага қўл кўтарди.

— Омин, шайх Исмоилни Шоҳимардон пирим қўллаб, корига худо файзу барака ато қилғай. Эшон халфа, энди бизни холи қолдиринг,— деди ҳазрат фотиҳа ўқилгач.

— Хўп, тақсир,— дедию, Матқовул халфа тисарилиб, икки букилганича таъзим қилиб чиқиб кетди. Ҳазрат оппоқ пахмоқ қошларининг остидан шайх Исмоилга қараб сўради:

— Хўш, бизга кўрсатган кароматингиз инъом — бойғоза бари шуми? Тангрининг молини шайтон қизғанармиш...

Ҳазратнинг бу зира-пиёзлаб берган саволидан шайх Исмоилнинг қути ўчди. У андак каловланиб, зўрға ўзини тутиб олди-ю, қўйнидан олтин тўла бир чарм халтани олиб узатди.

— Қанча?— сўради ҳазрат.

— Юз тилло...

Ғазаби қайнаб тошган ҳазрат шайх Исмоилга ёмон тикилди. Тикилди-ю, дилидан шу гапларни ўтказди: «Ақлингни пешлаб келмабсан-да, бадбахт, беандиша, гумроҳ!.. Сенга кўрсатган муруватим ҳамда шафқатим туфайли бутун бир катта мозорни бийлаб, вақфини еб ётибсан. Менга келтирганинг шуми? Бойникини бойтеват қизганибди-да, говсурат шайх! Қани, айт, бу

Ўтар дунёи фоний зебу зийнатлари, бу мазордаги омборларда ётган ҳисобсиз байтулмоллар фақат сенга керакми? Олтинларни дорилбақога кўтариб кетаман, дедингми? Ваколат ёрлиғини қўлингдан тортиб олиб, ўзингни Шоҳимардондан қувлаганим бўлсин!»

— Ҳазрат тасбеҳ ўгириб анчагача жим қолди. Ғазабдан ёнган кўзларини шайхнинг кўзларига бир лаҳза қадаб турди-да, бирдан халтани унинг бошига қарата отди. Халтанинг ипак боғичи ечилиб кетиб, олтин тангалар жиринглаб ҳар томонга сочилиб кетди.

— Ҳазратим!— деди ўзини унинг оёғига ташлаган шайх Исмоил дағ-дағ титраб.— Оллоҳи азимулшон, аҳли тавҳидлар сарвари падар бузрукворингиз ҳақиқурмати, мен осийнинг гуноҳидан ўтинг, тавба қилдим, бад қилдим, мен бадбахтни рондаи даргоҳ қилманг. Сиз пир Муршидимнинг хизмати шарифларига ҳамиша тайёрман. Кечга қадар минг тилло келтирурмен. Куни кеча мазорга бир маликаи зеб чеҳра назр этилди. Ҳусн-малоҳатда рубъи маскунда ўхшаши йўқ. Шу ожизани эртагаёқ ҳарамингизга ўзим келтириб топшираман.

— Онт ич!— деди ҳазрат.

— Гувоҳим каломулло!— пичирлади шайх Исмоил.

— Имонингиз ҳамиша бақувват бўлсин. Қани бу тилло-тангаларни ҳам тўплаб халтасига солинг-да, менга узатинг, бари бир дунёнинг моли дунёда қолади.

— Хўп бўлади, ҳазратим,— шайх Исмоил гиламда сочилиб ётган олтин тангаларни апил-тапил йиғиштириб халтага солди-да, ҳазратнинг олдида турган хонтахта устига қўйди. Ҳазрат халтани олиб қўйиб: «Назр этилган ожизани эсдан чиқарманг», деди юмшаб. Кейин шайхга мулозамат юзасидан ўртада ўроғлиқ дастурхонини очиб ишора қилди.

— Қани, олинг, шайх, оллонинг ноз-неъматларидан баҳраманд бўлинг. Хўп, энди менга қулоқ солинг. Кўпдан бери ер тез-тез қимирлаб турибди. Субҳонолло, субҳонолло! Ҳа, бирники мингга, мингники туманга, дейдилар. Ўзингиз, тан-жонингиз соғ юрибсизми? Уй ичингиз тинчми, шайх?— деб сўради Миён Қудрат ҳазрат, чеҳраси пича ёришиб.

— Оллога шукур, ҳазратим. Дуоингиз шарофати билан,— дея жавоб қилди шайх.

Ҳазрат шайхнинг бу кўпик сўзларига бир илжайиб қўйди-ю, яна унга сўз қотди:

— Ҳа, шайхим, бир занталоқ бедин Ҳамза дегани борми, яқинда ўша соч қўйган калтадумнинг дийдори номуборагига кўзим тушиб, дарҳол калима келтириб тўхтадим. Ул бадхоҳ калтадум такаббуруна ҳаракатлар билан у ён-бу ёнга аланглаб мени кўриб, таъзим бажо келтирди. Кейин билсам, ҳалиги мўмин банда Ҳакимча табибнинг Ҳамза деган касофат ўғли экан. Ул, боз устига, Аминжон мадрасасида таҳсил қилар эрмиш. Ушал бадбахт бир қанча мулабаччаларни йўлдан оздириб, Тошкент, Боку, Қозон, Уфадан келадиган жадид-кофирларнинг газнит ва жаридларини ўқишга ташвиқ қилар эмиш... Ҳа, мени яқинда Ҳоким тўра Мединска¹ жаноблари чақириб қаттиқ танбеҳ бердилар. Отаси Ибн Ямин ўрис дўхтирлари билан дўст тутинган эмиш. Динимизга кони зарар: ўрис мактабига кирамиз, янги усулдаги жадид мактабларини очамиз, мадрасаларда ўқитиладиган илмлар эндиги ёшларимизга керак эмас. Нашриёт тузамиз, «туротур» деган нарсаларга ривож берамиз, деган зарар гаплар мусулмонлар орасида юриб қолди. Улар мусулмон эмас, миллат эрмиш. Замона айниди, айтганингиздай...

— Ҳа, тақсир, мен ҳам огоҳман бу кўнгилсизликлардан. Яқинда Марғилонда бир саҳобнинг дўконида бўлдим, китобларни суриштирдим: «Шарх вуқоянгиз борми?»— дейман. Ул: «Йўқ», дейдур. «Шархмулда?»— «Йўқ». — «Маслакум муттақим?»— «Йўқ!» «Далойил ҳайрат?»— «Йўқ!» «Нурнамои шариф?» «Кимёи саодат?»— «Йўқ, йўқ, йўқ!» «Ҳа, нимангиз бор? Нима билан савдо қиласиз?»— деб жаҳл билан сўрадим. Бир қанча китобни қўлимга тутқазди. Ўқиб қарасам, жадидларнинг бефаришта китоблари, шулар ичида Ҳамзанинг ҳам даҳриёна ашъорлари бор экан. Айниқса газнитда, закот ҳақида ёзганини ўқидим. Беҳад қаҳру қазабим келиб, ҳар бир мўйим бир тиг обдор бўлди, бир наърайи раддивор тортиб, мусулмонларни ҳақ йўлдан тойдирмоқчи бўлган шул жадид китобларни ағдар-тўнтар қилиб кўчага чиқариб ташлагим келди. Лекин шайтонга ҳай бердим: ким ботир — аччиғини ютган ботир. Қаранг-а, тошбўрон қилса оз кофир Ҳамзани!

— Ҳа. Сиз, шайх, мазорни далил келтириб мусулмонларга амру маъруф қилинг. Шуни яхши билингки, Шоҳимардон биз учун энг муқаддас жой. Шоҳимардон

¹ Мединский демоқчи.

обод бўлса, сизу биз ободмиз. Шоҳимардон Ислон қалъаси. Иншоолло, юртимиздан кофирларни ҳайдаб, Қўқон тахтига Худоёрхон авлодларидан бирортасини ўтқазиб, Ислон туғи остига Туркистондаги жамики мусулмонларни тўплағаймиз, мусулмонобод бўлғай.

Шайх Ҳазратнинг бу гапларидан тўлқинланиб кетди, назарида у ваъда қилаётган «мусулмонобод» яқиндай туюлди.

— Тангри таоло сизу бизни ўшандай ёруғ кунларга етказсин, ҳазратим,— деб Исмоил белига қистирилган катта рўмолчага бурнини қоқиб, кейин кўз ёшларини артган бўлди. Шу пайт эшикни очиб, Матқовул халфа кириб келди-да, қўл боғлаб: «Зиёратингизга Содиқжон бойвачча билан табиб Ибн Ямин келдилар, пирим», деб хабар қилди.

Учинчи боб

ОНАИЗОР

Зубайданинг онаси қизига ялиниб-ёлвориб, кўзларидан ёш сел бўлиб оқиб, ўкраб-ўкраб йиғларди.

— Жон қизим, дардманд онангга раҳминг келсин. Шундоқ ҳам тўлиб-тошиб юрган юрагимни ғам-ғуссага тўлдирма. Менинг иложим қанча. Ихтиёр менда бўлганида, сени теринг сантобда чиригур бойваччага тенг кўрармидим?! Яна кундош усти-я!..

У Шаҳзоданинг кўнглини билмасди, хусусан эри Холдорбекнинг йили ўтар-ўтмас бойваччага кенжа хотин бўлиб тушгани фақат Зубайданинг онасинигина эмас, балки маҳалла-кўй ўртасида анча нохуш гап-сўзлар уйғотган эди. Одамлар назарида Холдорбекни Шаҳзодахон ўлдириб, Содиқжон бойваччага тегиб олганди. Лекин унинг юрагидаги дарду ҳасрат, ғаму аламларини ҳеч ким сўрамас, сўрашни хаёлига ҳам келтирмасди.

Рисолат ая инқиллаб-синқиллаб, Зубайдага яна гап уқтиришда давом этди:

— Отангинг хоҳиши шундоқ бўлса, мен қандоқ қиламан, қизим. Ақлли-ҳушли қизсан, менинг ҳам дардим кўп, аммо дардкашим йўқ.

У кўксига муштлаб йиғлаб юборди.

— Мана шу ерим зардобга тўлиб кетган, қани энди менинг гапимга қулоқ соладиган одам топилса, онанг

ўргилсин! Яна ўша гап... Билмадим, ўша Шаҳзода яшамагур нима дебди, икки кундан буён туз тотмайсан, гапирмайсан, эс-ҳушинг ўзингдамас, кўзларинг ич-ичига тортиб кетган, рангинг сомондек сарғайиб, гулдек сўлдинг-қолдинг. Нима бўлди ўзи сенга, бундоқ ёрилсанг-чи менга!..

Зубайда онасининг заҳил рангига, беш-ўнта оқ оралаган патила сочларига, лекин ҳали ҳам пистадек оғзига, бир вақтлар эркак зотини телба қилишга қодир бўлган оҳу кўзларига, ҳамон бичими бузилмаган қадди-қоматига тикилганча миқ этмай ўтираверди.

Донлаб юриб тентираб кетиб қолган товуклар бир маҳал жой қидириб, уйгача кириб келди. Зубайданинг аммаси Ойимча биби товук зотини жинидан ёмон кўрарди. У эшикдан кирганида, улар ҳовлини ивирски-тиб ташлаганди. Ойимча биби уларни кўрди-ю, фиғони фалакка чиқиб, кўлига тушиб қолган бир калтакни ҳавола қилиб, тиркиратиб ҳайдаб, қарғай қарғай уйга кириб келди. Уйда она-бола ер чизиб ўтирганини кўриб, нафси койиб, энсаси қотди-да, янғаси Рисолатхонга учуриқ қилди:

— Ҳа, кеннойн, қовоқларингдан қор ёғиб ўтириб-сизлар? Зубайда пошшани кўндирдингизми?

Рисолатхон ўрнидан туриб унга мулозамат кўрсатди-да, кўрпача ташларкан, унинг заҳарли саволига жавоб қилди:

— Келинг, тўрга чиқинг, ҳа, энди кўнмай иложи борми, аммажониси. Мана яна ўзингиз ҳам бир-икки насихат қилиб кўрарсиз... Зора бўйин эга қолса..

У орқасига ўгирилиб, кўз ёшларини товар кўйлагини енгига артди-да, ташқарига чиқиб кетди.

— Албатта-да, кеннойижон, жоним билан насихат қиламан, — деди Ойимча биби, дуру ёқутлар яшнаб турган кенг кўкрагига Зубайданинг бошини босиб сочларидан силаркан.— Ўргилиб кетай она қизимдан. Аммаси садага бўйларидан. Ҳаммамизнинг ҳам бошимиздан ўтган бу савдо. Ота-онамизнинг сўзиңи олиб, эр қилганимиздан ёғ ичилаги буйракдек яйраб, кунимиз роҳат-фароғатда ўтпапти-да, аммаси ўргилсин, Зубайдахон!— дея авради Ойимча биби, Зубайдага узундан-узоқ насихатлар қилиб. Енгидан кириб, этагидан чиқди, анча-мунча ёлғон-яшиқ гапларни ҳам бичиб-тўқиди, айниқса ота-онасининг гапига кириб, ўзининг кам бўлмаганлиги ҳақида анча кўпириб, кўп гапирди. Лекин Зубайдадан садо чиқмади. У хийла вақтгача

Зубайданинг оғзини пойлаб жим турди. Лекин Зубайда жим, унинг кифти тобора қаттиқ силкинар эди. Ниҳоят, Ойимча бибининг сабри тугаб «жиннилиги» тутди, кўзларидан нафратли учқунлар сачратди, овозидаги ҳалиги мулойимликдан асар ҳам қолмади, лаблари пир-пир уча бошлади.

— Ҳа, чиройингга бино қўйдингми, ўзбошимча? Мен — биттаю битта амманг бўламан-а, наҳотки мени назар-писанд қилмай, лом-мим деб жавоб бермасанг? Ё бўлмаса битта-яримта қаланғи-қасанғи бошингни айлантирганми? Гапир, уятсиз! Биласанми сен бу ўзбошимчалигинг билан отангни ит азобига солишингни? Қани, гапирасанми, йўқми, этаксиз, ё мум тишлаганми-сан? — деди Ойимча биби Зубайданинг бошига ниқтаб.

— Нимани гапирай, ахир, амма? — деди Зубайда ўпкаси тўлиб.

— Муддаонгни айт!

— Муддаоим йўқ. Мени одам ўрнида кўрсаларинг муддаом бўларди...

— Кимсан бўлмаса?

Зубайданинг кўнглида қарама-қарши туйғулар га-лаён қилиб, ташқарига тошиб чиқишга уринар, лекин уларни Зубайда зўр-базўр босиб турарди. Аммо ҳозир унга аммасининг: «Кимсан бўлмаса?» — деган сўроғи гўё чаккасига ногоҳ шапалоқ тортиб юборгандай қаттиқ тегди-ю, кўзи очилиб кетди-да, бир муддат унга тикилиб қараб қолди. Кўзлар тўқнашди. Ойимча бибининг кўзлари Зубайданинг кўзларидаги беомон ўтга бардош беролмай, ерга қаради. Зубайданинг кўнгли бундан сал юмшади: «Ахир у ҳам ўзича дағ-даға қилаётгани йўқ, отамнинг амри билан қилипти буни», деган фикр ўтган эди кўнглидан. Зубайданинг аммасига раҳми келиб кетди-да:

— Бир муштипарман... Худди сизга ўхшаган мунис-мушфиқ, беқадр, сочи узун, ақли калта аёлман, — деди.

Зубайданинг бу жавоби Ойимча бибини эсанкиратиб қўйди, у бир лаҳза лабини тишлаб қолди. Кейин ўзини ўнглаб олиб, маккорона гўллик билан юпатишга тушди:

— Вой ўлай, нега бундай деб ўзингни ерга урасан, юртдаги қизлар ичида ой деса ойдек, кун деса кундек ҳуснинг бор. Бутун Қўқон сени Зубайда пари, дейди-ю, она қизим, ўзингни бунчалик ерга урма. Сенга етолмай оқ урганлар қанча, амманг ўргилсин!..

Ойимча биби Зубайданинг кифтига қокиб, сочлари-ни силади, унинг бошини кўксига босди. Зубайда эса кўзларидан мунчоқ-мунчоқ ёш тўкар, унинг ичидаги эзгу дардни булар билишни истамаётганлигидан хуноб бўлар, ўз ёғига ўзи қоврилар эди.

У аммасига яна тик қаради. Унинг кўзларидан Ойимча биби: «Агар мен, сиз айтганингиздай одам бўлсам, ўзимни пастга уришим керак бўлмаса, кўплар менга етолмай, оҳ уриб ётсалар, нега менда ихтиёр йўқ? Ахир менинг ҳам юрагим, завқим, муҳаббатим бор-ку!» — деган маънони уқди-да, яна сипориш қилишга тушиб, гапни узоқдан айлантирди:

— Ота-боболардан қолган удум бу, қизим. Фарзанднинг инон-ихтиёри ота-онанинг қўлида, билдингми? — Ойимча биби овозини бир поғона кўтариб давом этди: — Ҳа, сени ўша хап дори билан кун кўрадиган табибнинг ўғли Ҳамзага берайликми бўлмаса, хоҳлаганинг ўшами? У отаси тайёрлаб берган сурги дорисини сотиб уйланадими сенга? Бети курсин ислиқиларнинг. Тенги йўқ чиройли бойваччанинг ёнингга киришини юрагинг оқиб кутарсан ҳали. Шунақа, шоп-шоп деб ўтирмасдан гапни шафтолидан бошлайдиган амманг бор.

Ойимча биби гап орасида Содиқжон бойваччанинг кимсан заводчи бойлиги-ю, берган беадад қалин моли, қилган қўша-қўша сепи-ю, Зубайданинг остонаси олтиндан бўлишигача: бир томони, киз боққан ота-она «орзу-ҳаваси» қаторида ўзининг ҳам кўнглида яширган «гавҳари»ни очиб кўрсатди.

Бу тилёғлама гаплар Зубайдага заррача таъсир қилмас, Ҳамза билан ғазал ўқиб, ёдлаб, ўтган ўша маъсум ёшлик йилларидаги ширин дамларни хаёлан кезиб юрарди.

— Давлати бошини есин жаллобни! — деб юборди Зубайда дафъатан журъат пайдо қилиб. — Агар мени тезроқ гўрга тикмоқчи бўлсангизлар, ўша бойваччага берасизлар. Менинг жавобим шу! — деди Зубайда аммасига тик қараб.

Ойимча биби бунни кутмаганди, кўзлари алланечук олаганиб, ўзини қўйишга жой тополмай қолди.

— Вой шўрим, ҳали гап шунақами? Сен ўзбошимчани акамга айтиб адабингни бердириб қўймасамми, сен этаксиз шошмай тур, — деди Ойимча биби ўтириб, тиззасига шапатиларкан. — Войдод! Ким бор, бу шарманда бўлганича бўп қолганакан! Отанг сени оқ

қилади. Сендай етти номусимизни ерга урадиган қиздан биз кечамиз. Худоё Ҳамза жувонмарг бўлсин! Қирққа бормай қирчинидан қийилсин.

Ойимча бибининг бу шаллақилиги Зубайдани эсан-киратиб қўйди. Нима қилишини билмай, довдираб турган эди, эшикдан отаси — Аҳмадохунбой кириб келди. У эшик орқасида туриб, ичкарида бўлаётган гапга анчадан бери қулоқ солиб турар эди.

— Қизим,— деди у Зубайдага мулойимлик билан,— қўй буларни. Онанинг ургани ўпиш, сўккани севиш. Булардан хафа бўлма. Берироқ кел, она қизим, қўрқма. Мен сени уришмайман, ҳатто чертмайман ҳам. Майли, сен рози бўлмасанг мен сени қакшатиб ҳеч кимга бермайман.— У синглиси билан хотинига «сизлар чиқинглар, мен ўзим гаплашаман», дегандек ишора қилди. Зубайда ўзини отаси оёғига ташлаб, унинг этаги, қўлларидадан ўпиб, кўзларига суртди.

— Отажон! Мени қошингиздан ҳайдаманг, жон ота! Ахир ёлғизгинангишман-а, наҳотки менинг тириклайин кўмилишимга розилик бергансиз. Ула-ўлгунча хоки пойингизда бўлай, мени ўша аждаҳо бойнинг заҳарзаққум тўла қафасига раво кўрманг... Мен у ерда нафасим бўғилиб ўламан, уволимга қоласизлар, отажон!— У ҳўнг-ҳўнг йиғлар, отасининг оёқларини қучоқлаб, ялиарди.— Айтнинг, мени уйингиздан қувламайсизми, қувламайсиз-а? Қувламайман денг, отажон!..

Зубайданинг ялиниб-ёлворишлари, илтижо қилиб юкинишлари таъсир қилдими, ёлғизгина қизнинг нолишу кўз ёшларига юраги бардос беролмадими ёки йўли учун шундай қилдими — Аҳмадохунбой ўзини гуноҳкордай тутиб, қизини юпатишга тушди.

— Асло, асло, қизим,— деди-да, Зубайданинг пешонасидан ўпиб, ёнига қистириғлик рўмолини олиб унинг кўз ёшларини артди.— Йиғлама, қизим, ким айтди сенга уйдан ҳайдайман деб? Ҳой, ношудлар, нега менинг суюкли қизимни йиғлатдиларинг. Сенга айтяпман, аммаси, нега буни қарғайсан. Ҳамма гапингни эшитдим. Бор, буни тинч қўй. Боғонатдан бери хунибийрон йиғлатасан бу шўринг қурғурни. Биз топган куёвга тегмайман, дедими — майли, тегмасин, ихтиёри ўзида. Бу ҳам одам. Бунда ҳам, ҳали ўзи айтгандай, кўнгил бор, жон бор...— У синглиси билан хотинига қараб ўшқирди.— Бунинг бошида калхатдай айланаверманглар, йўқолинглар!

Рисолатхон билан Ойимча биби ҳеч нарсага тушун-

май, оёқ учида юриб, аста чиқиб кетишди. Аҳмадохун ҳам уларнинг орқасидан ҳовлига чиқиб, айвон даҳанасига ўтирди-да, қизини ёнига чақириб, унга насиҳат қилган бўлди, бугун муродбахш кун деб, уни дуо қилди, ўзининг ишидан энди пушаймонлигини, кўнгил қўйганидан ажратиб жабр қилмоқчи бўлганига афсуснадомат чекканини айтди. Лекин бу гапларни айтиш учун у жуда ҳам қийналаётганлиги шундоққина сезилиб турарди. У сўнгги иборани айтаётганида ўпкаси тўлиб кетиб, йиғлаб юборди.

Отасининг оғзидан чиқаётган ҳар бир калима сўзни бутун вужуди қулоқ бўлиб эшитаётган Зубайда унинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетганлигини кўриб, аввалига ҳеч нарсага тушунмай ҳайрон қолди, кейин аллақандай қори ҳол юз берганлигидан хавотирга тушиб, отасига савол назари билан қаради.

— Қизим, — деди Аҳмадохун Зубайдага мунғайиб қараб. — Бугун кичик аянг — Зулфизарни ҳам Камол қозига олиб бориб, талоқ хатини топширдим. Мен энди эл-юрт олдида нес бўлган одамман. Мен учун қаттиқ йиғла, айтиб-айтиб йиғлагин, қизим. Мозоримга тез-тез бориб, зиёрат қилиб шам ёкиб, қуръон ўқитиб турарсан. Биргина умидим сендан. Чунки сен кўзимнинг оқу-қораси — ёлғиз фарзандим, ишонган чироқчимсан...

Отасининг бу узун ваҳимали гапларидан Зубайда батамомила эсанкираб, инграб юборди.

— Отажон, мени қўрқитманг. Нега бунақа қўрқинчли гапларни гапиряпсиз. Нега ўларкансиз? Худо асрасин, унақа ёмон ният қилманг, отажон.

Аҳмадохунбой ерга тикилганича оғир ўйга толиб қолган, Зубайда унга жовдираб қараб турар эди. Бир маҳал Аҳмадохунбой бошини кўтариб, қизига мунғайиб қаради. Унинг юзлари, Зубайданинг назарида, сарғайиб, гавдаси чўкиб, бўйин билан елка гўштлари қочиб, кўзлари ич-ичига ботиб кетгандай эди. «Вой ўлмасам, уч кун ичида отамга нималар бўлди!» — дили пичирлади унинг.

— Жоним қизим, яхшилаб қулоқ бер! Ҳозиргача билмасанг, энди билиб ол — деди Аҳмадохун ўртага яна жумбоқ ташлаб. — Мен сен учун сабил жонимни тикдим. Молу давлатим талон бўлсин. Розиман. Ҳамма топган-тутганимни бош-кўзингдан садақа қилдим...

Зубайда бари бир ҳеч нарсага тушунмай анграйиб

Ўтирар, ҳозир даҳшатли зилзила ёки ҳамма ёқни остин-устин қиладиган довул юз берадигандек, отасининг оғзига қараганича қимир этмай ўтирарди. «Қиморга бой берганми?», «Нима учун мол-дунёсини садақа қилади мендан?», «Ё ақлдан оздимикан?»

Аҳмадохун яна бир муддат бўйинини эгиб, оғир сукутга кетиб ўтирди-да, бошини кўтариб, қизига дадил қаради. Унинг кўзларида энди маккорлик, мунофиқона жилва йўқ эди. Улар аниқ бир қарорга келган ҳалол, инсофли, мард одамнинг кўзлари каби самимий чақнарди.

— Мен сенга бир сирни очаман, қизим. Гапимни бўлмаб, яхшилаб билиб ол. Лекин шарт шуки, бу сир иккаламизнинг ўртамизда қолади.— У Зубайдага ер остидан кўз югуртирди. Унинг ранги оқариб кетган, кўзлари мудҳиш бир хабар эшитадигандек бежо, айна чоқда сўниб қолгандек маънос кўриниб кетди. Аҳмадохун қизининг аҳволига қараб, энди чўзиб ўтиришнинг фойдаси йўқлигини тушунди-да, очигини айтиб қўя қолишга жазм қилди.—Мен қасам ичганман!

— Қанақа қасам? Нега, ахир?— деб сўради Зубайда, кўзлари кинидан чиқиб кетаёзиб.

Зубайданинг лаблари хиёл пириллади, дили пичирлади: «Сирни айтинг, айта қолинг, отажон».

— Умрим паккасига етай деганда худонинг қаҳрига учрадим, қизим. Гуноҳим нималигини билмайман. Масжид солдирдим, хайр-худойилар қилдим, етим-есирлар бошини силадим... Э, аттанг, аттанг... Қуръон билан пичоқни ўртага қўйиб менга қасам ичиришган.. Агар шу ой ичи тўй қилиб, сени Содиқжон бойваччага никоҳлаб бермасам, Эргаш ўғри мени ўз меҳмонхонамда сўйиб кетади!.. Кеча Андижондан хунук хабар келди. Рўзиохуннинг кенжасини чавақлаб кетишибди. Сени сўраттирганда ризолик бериб эдим. Бу ҳам Эргаш ўғрининг иши бўлиши керак... Сенга айтолмай юрган сирим шу эди, қизим. Мен кўп ўйладим. Ўйлаб-ўйлаб, ўз жоним учун сенинг ҳаётингни қурбон қилмасликка қарор бердим. Майли, бу бевафо дунёнинг бемаъни савдоларидан бир йўла халос бўламан-ку ҳеч бўлмаганда... Бошқа гапим йўқ, қизим сенга! Бор энди, юз-кўзларингни ювиб, уйингга кир, ухла, қаттиқ алам тортдинг. Мушкулингни худонинг ўзи осон қилсин, болам,— деди-да, Аҳмадохун чуқур бир уҳ тортиб бошини қуйи эгиб, ташқарига чиқиб кетди.

Зубайда суратга тортгандай ҳанг-манг бўлиб қол-

ди. Асаби қақшаб, жунжикиб, эти жимирлади. Қалт-қалт титради. Ногоҳ унинг кўз олдига Эргаш ва унинг каллакесар жаллодлари келиб, саф тортди. Отасининг кесилган боши, қонга беланган соқоллари кўриниб кетди. Бирдан сочларини юлиб: «Отажон!» деб аччиқ фарёд қилди-да, ҳушидан кетиб, йиқилди...

Ун биринчи боб

ОТА ВА ЎҒИЛ

Ҳамза меҳмонлари¹ билан хайр-хушлашиб тиниқ, мовий осмонга бир қаради-ю, тўғри ишхонасига кирди, ҳали ўқиб туширмаган Абдулла Тўқайнинг муголаасига киришди. Гоҳ жилмайиб, гоҳ изтиробга тушиб, гоҳ кўзлари намланиб, охири Тўқай китобини четга қўйди-да, узун бир сўлиш олиб керишди. Бир оздан сўнг, қўли беихтиёр скрипкага чўзилди. Майин рус куйини машқ қилди. Шу пайт кўчадан ғазаб билан кириб келган отасининг товушини эшитиб чўчиб тушди.

— Хўш, сени шу умидлар билан катта қилдимми? — деди ғазабидан кўкариб кетган Ҳақимча табиб. Ҳамза отасини бу ҳолатда биринчи бор кўриб турарди.

— Дадажон!

— Тек тур, аввал эшит! Бу хонадонга иснод келтирдинг, бола! Бу табаррук даргоҳ!.. Бир замонлар бу даргоҳнинг остонасини мўътабар зотлар— эшонлар, шоирлар, хаттотлар, қилқаламлар босган. Мавлоно Муқимий хасталикка чалинганларида, у зотни ўзим муолажа қилганман. Зокиржон Фурқат, Убайдулло Завқий, Рожий, Ёрийга ўхшаган ҳассос шоирлар, оташнафас ҳофиз — Тўра Соҳибхон, Юсуф қизиқ... қанақа суҳбатлар бўлмаган бу даргоҳда. Буларнинг қаммаси гўдак хотирангда нақшланиб қолган бўлса ажаб эмас. Хонадонимизнинг ҳавоси нафас каби пок ва азиз, наҳот сен, менинг пушти камаримдан бўлган, жондан азиз фарзандим, шу ҳақиқатни тушунмасанг? Бу эътиқод, бу ихлос ва ақидаларга терс бориб, менинг юзимни эл-юрт олдида шувут қилсанг? Хўш, мен энди додимни кимга айтаман, энди мен нима деган одам бўлдим? Аканг Исроил хафа, «маҳаллада укам туфайли бош кўтаролмай қолдим», дейди. Халча, Ачахон опаларинг хурсандми? Поччаларинг намозхон одам-

лар, уларнинг уйини бузасан-ку! Сен баҳона бўласан-у, опаларингни уйларидан ҳайдайдилар. Хўш, масҳарабоз, нима дейсан? Эшитдим, ҳамма ишингни биламан, ҳалитдан найранг ишлатиб, ухлаган киши бўлиб ўз ўрнингга чопонингни ўраб қўйиб, янги шаҳарга чиқиб, театр деган касофат бидъатларни кўриб келар эмишсан?— Ҳақимча табиб яна нималар деди, Ҳамза эслолмади. Отаси уни узоқ койиди, бир умр айтмаган таъна-дашномларни бугун тўкиб солди. Ҳамза ўзини оғирликка солиб турарди.

— Ғолибо адашмасам, Исроил акам етказгандир бу гапларни,— дея ўсмоқчилаб сўради Ҳамза мулоҳимлик билан.

— Албатта-да, аканг мўмин-қобил йигит, измимда юради. Исроил — сен эмас! — қичқирди Ибн Ямин.

Ҳамза шунда ҳам ўзини йўқотмади, босиқлик билан аста-секин товлаб, салмоқлаб жавоб қилишга тиришди:

— Ҳе йўқ, бе йўқ, мендан хафа бўлаверасизми, отажон. Ахир мундоғ танангизга ўйлаб кўринг. Мен сизга маслаҳат беришга уяламан, аллома, фозил, зўриқтидорга эга зотсиз. Мен ҳам ўша сиз тасвирини қилган табаррук зотлар изидан боряпман. Агар ишонмасангиз Аҳмад Дониш, Муқимий ҳазратларини ўқинг. Мавлоно Фурқатнинг, Мирзо Бухорий, Сатторхон Абдуғафурийларнинг айтганларига қулоқ беринг. Тиши чиққан болага чайнаб берган ош бўлмас эмиш!

— Биламан, ўттиз икки тишининг ҳаммаси чиққан. Лекин тишларингни уриб синдирмоқчилар, ҳа, жониқаверма, болам.

Ота бирдан бўшашиб, мулоҳим бўлиб қолди. Дағдағадан насиҳатга, ялинишга ўтди:

— Ҳушёр бўл, болам! Қариган даққи одамларга раҳминг келсин. Бизни куйдириб адоий тамом қилма. Биз сенларни ит азобида катта қилдик-ку,— деди шанидан тушиб Ибн Ямин.

Ибн Яминнинг томоғига қаттиқ бир нарса тиқилиб, гандираклаб супа томон юриб кетди. Ҳамза бошини қуйи солиб ерга тикилганича узоқ ўй сурди.

Агар Ҳамзага кимки бесабаб тош отса, у ҳам қараб турмайди. Ўттиз икки тишини, ким бўлмасин бўғзига ботиради! Ахир, одамларга меҳру шафқатли бўлишни Ҳамзага шу ота таълим берган, қолаверса, нега бунчалик кўп китоб йиғмаса... Отаси билмасди, унинг кутубхонасидаги китобларнинг ҳаммасини эзибички

қилиб юборган Ҳамза, Ҳазрат, Навоий, Жомий, Наршаҳий, яна Арасту, Батлимус сингари юнон, эрон, араб, хитой тарихчилари ва файласуфларининг китоблари, ҳамюртлари Бобир Мирзо, Нодира бегим, Зебинисо бегим, мавлоно Муқимий, Гулханий, Фурқатнинг юрак бериб, жон олғувчи газаллари, айниқса Фурқат... Мавлоно Зокиржон Фурқат. Ана ўша аллома ўғлини отанинг ихтиёридан юлиб олди. Унинг кўзини очди. Театр, концерт, мусиқий, деб кеча-кундуз Ҳамзанинг қулоғига қуйган ҳам ўша улуг зот...

«Театр масхарабозлик эмас, ибратхона. Театрга бор, ўриснинг яхшиси кўп, беҳисоб. Ушалардан ўрган, ўшаларни дўст тут, ўшаларга эргаш, ўшаларнинг театрларини, илм-маърифатини эъзозла», деган ҳам ўша! Ана ўша зоти олий театр ҳақида нима деганини эслади. «Неча маротаба театр ном Россия халқининг томошахонасига бориб андаги ўйин, тақлид тартибларини кўрдим. Аларнинг кўрсатган томошаси, ҳунарлар, бизнинг масхарабозликдай мазах, кулку учун эмас, балки ибрат учун экандур!»

Мана бу оташин шеъри-чи?

«Экандур нағмаи Русия дигар,
Анинг асбоби ҳам гайри мукаррар
Эшитмоққа ҳамма хомуш ўлурлар,
Басе лазат топиб, беҳуш ўлурлар.
Ўзимга тушди бир кун ушбу аҳвол
Бор эркан нағма, онинг оти рояль.
Аё Фурқат, қулоқ сол забт этиб хуш,
Ки шояд наслимиз солғай дебон гўш.

Ҳа... «Ки шояд наслимиз солғай дебон гўш». Рухингизга умрбод таъзим қиламан, устод. Хўш, Фурқат ҳақми? Агар бу ҳовлида ўрис мусиқаси ва ўрис оҳанги эшитилган бўлса, наҳотки Муқимий за Фурқатларнинг руҳи озор топса-я... Ахир бу санъатни золим Николай ёки Қўқон ҳокими порахўр Мединский яратмаган-ку! Йўқ, отам адашяпти. Бу сеҳрли оҳанглари эшитган, бу дўстлик нашидасини тинглан табаррук арвоҳларга жон киради. Ана, мана шу митин капалаклар арвоҳ бўлса, буларнинг ҳаммаси, ҳаммаси, масрур ҳам шод! Демак, Ҳамза танлаган йўл тўғри. У Миён Қудрат ҳазрат, мечкай Камол қози, шайх Исмоил сингари шариат пепволарининг йўлидан бориб, ўрис амалдорлари, бойлари билан

оғиз-бурун ўпишиб, ўрис халқига, ўриснинг ашула-қўшиғига қарши кўндаланг турмайди. Сиз Миён Ҳазрат, Миркомил кўр, Содиқжон бойваччаларнинг Русияга, рус маърифатига душманлигидан ими-жимида унга қарши олиб бораётган ишларидан беҳабарсиз. Бу бадният иблисларнинг мақсадлари ёмон. Улар турк султони, Бухоро амири, Хива хонлари билан тил топиб, ўшаларнинг ёрдамида Қўқон хонлигини қайтадан тикламоқчилар. Хўш, яна худоёрхонлар, мусулмон-қуллар ўзбек, қирғиз, қипчоқ, қозоқ меҳнаткашларининг қонларидан дарё оқизиб, каллаларидан минора кўтарсинларми! Яқинда ўрис тилидан таълим берган устози Орлов унга Герцен, Стасов деган улуғ рус олимларининг китобларини кўрсатди. Уларнинг Шарқ ва Туркистон халқлари ҳақида айтган аломат фикрларининг мағзини чақиб берди. Ҳатто улкан ёзувчи Максим Горькийнинг «Она» деган китобини Ҳамзага совға қилди. Ҳа, қалби пок ўрислар беҳисоб. Ҳамза ҳақиқат йўлидан, маърифат йўлидан, Фурқат васият қилган йўлдан боради. У худодан қўрқади, аммо ўзига ўхшаган бандасидан кўрқиб, танлаган йўлдан асло қайтмайди! Чунки бу умр ҳа-ҳу дегунча ўтади-кетди, шундоғми? Шундоғ.

Ҳамза отасига тик қараб дадил гапирди:

— Мени қарғаманг, отажон. Мени худонинг ўзи шундай бадхоҳ, бадфеъл, тескари қилиб қўйган, айб менда эмас!

Гар эгрилигим сенга эса хос,

Мен не янглиғ ўзимни айлай рост...

— Куфурга кетма, болам.

Ҳамзанинг бу дангал сўзлари Ибн Яминга қаттиқ таъсир қилиб, у анча вақтгача жим бўлиб қолди. Хаёлида қўрқинчли фикрлар айланарди. Рўмолчасини олиб, пешонасидаги терларини артди, совиган чойни ҳўплади, ҳазратнинг даҳшатли қиёфаси кўз олдига келди. Секин гапирди:

— Уғлим! Сендан Мансур халложнинг иси келяпти, жон болам, айланай болам, сени мен ёшлигингда Шоҳимардонга олиб бордим. Муқаддас мазордан сенга узоқ умр, кетмас давлат, инсоф ва тавфиқ тилаганман, болам!

Ота ўғлига Ҳазрат Али кўрсатган каромат, унинг истиқболі ҳақида башорат қилгани, бечора ота, муш-

типар онани қийнамаслигини узоқ насихат қилди, ўзининг қўл учида тирикчилик қилиб келаётганини, унда ортиқча молу давлат йўқлиги, маҳалладаги тили узун бойлар, хусусан Содиқжон бойвачча уларки одам ўрнида кўрмаслигини синиклик билан тушунтирди.

Отасининг: «Сендан Мансур халложнинг иси келади», деган сўзи Ҳамзани анча ўйлантириб қўйди. У яна узоқ жим бўлиб қолди. Ибн Ямин ҳам ўғлига ортиқча гапни раво кўрмай, чорпоянинг бир четига михланиб ўтирарди.

Ҳамза бир нуқтага тикилганича Мансур халлож ҳақида ўй сурарди.

«Ҳусайн Мансур халлож — инсоният фикри озодлиги йўлида курашган тарихий зотлардан бири. Бундан минг йил муқаддам, ўнинчи асрда Бағдод шаҳрида дорга тортилган тасаввуфнинг илк раҳнаомларидан Мансур халложнинг «Аналҳақ» деган суғи машҳури жаҳон бўлган.

У зот илғор фикрли шоир ва мутафаккирларнинг ёдида сақланган, муҳаббатни илоҳийлаштирган бир санъаткор. Дор остида ҳам ўзининг ҳақиқий имони, ишончи, ақидасидан қайтмаган. Шоирди Фахруллоҳ-чи?

У, асоратдан, қулликдан, зolimнинг зулмидан одамзодни халос қиладиган куч фақат маърифатдир — бу беқиёс қудрат фақат ўттиз икки ҳарфга яширинган. Одам учун озодлик сири шу ҳарфлардир, деди. Алифбо инсон ҳаётининг, инсон камолининг энг буюк, энг мўъжизакор ижодиёти, жаҳон маданияти, бутун илм, ўлмас бадий, фалсафий, ахлоқий, сиёсий ижтимоий, иқтисодий бойликлар шу ҳарфларга асосланган, буларсиз тараққиёт йўқ, буларсиз инсон камолга етмас, деб маълум даражада ибтидоий маърифатпарварлик гоёсини кўтариб чиққан бу даҳони улоқ қилиб чопмадиларми? Қолаверса, унинг давомчиси, Имомиддин Насимийчи? Золимларнинг омонсиз кирдикорларидан кўрқмасдан оловли шеърлари билан ҳақиқат излаган, ҳақиқатга чақирган, ақл ва идроки билан оламга довруғи кетган Насимий... Хўш, Насимий мавҳумот, жаҳолат, хурофот, бидъат бойқушларига, зоҳидлар ва сўфиларнинг ёлғон риё аҳкомларига қарши ўт очмадими! Энг оқил мавжудот, Шарифул Кавнайн деб аталган инсоннинг зеҳини, виждонини, ҳақиқат туйғусини, порлоқ идроки, заковатини юксак

орзу ва мақсадларга етказадиган бир даҳо, бир куч,
бир қудратдир, деб жар солмадимиз?!

Ваҳдатни шаҳрида сайрон айладим,
Мен сени жисмимда ҳайрон айладим,
Гандими одамда пинҳон айладим,
Одами ҳам ҳақ, ҳам инсон айладим.

ёки: «Дарроҳ ҳақиқат чи мусулмон ва чи тарсо» деб
ҳақиқат йўлига кирган, одамлар орасида диний эъти-
қодларга қарамай, фарқ кўрмаган, тили ҳам, дили
ҳам пок шоирни золимлар дорга тортиб терисини
шилдирганларида Имоиддин Насимий ўз ишончи-
дан қайтдимиз?

Қолаверса, ўзимизнинг шоир бобомиз, Бобораҳим
Машрабнинг ҳақ, ҳақиқат, адолат, муҳаббат ҳақидаги
инсофсиз ҳукмдорлар, золимлар, риёкор шайх, зоҳид-
лар, жафокор ҳокимлар сирру асрорини элга фош
килувчи оташин ғазалларини ва ўзининг фожиали
тақдирини — Балх шаҳрида неча кунлаб осилиб
ётганини ким билмайди?!

Оврупанинг ўз ғоялари йўлида роҳатидан, тинчли-
гидан кечган, ҳатто: «Мен ёнаман, аммо ғояларим
ёнмайди!» — деб Рим шаҳрининг майдонидан туриб
келажакка жар солган Жордано Бруно, Ян Гус каби
буюк зотлари бўлса, Шарқнинг ҳам Улуғбеклари,
Навоийлари, Рудакийлари, Машраблари, Насимийла-
ри, Фурқатлари бўлган-ку. Булар зулм-зулмат, адо-
латсизлик, жаҳолат, хурофотнинг ашаддий душман-
лари эдилар!

Мен, токи танда жоним бор экан, ана шу улуғ зот-
лар юрган йўлдан бораман; жаҳолатга, риёкор дин-
дорларга, шафқат билмас золимларга ҳеч қачон бош
эгмайман!»

Бу гапларнинг ҳаммаси Хамзанинг дилидан ўтди.
Ниҳоят, у тилга кириб, отасига қаради:

— Бас, отажон! Мени хафа қилманг, нега ўзингиз-
ни бунчалик пастга урасиз? Сиз олим, фозил, ҳик-
матшунос, забардаст ҳақимсиз. Сиз халқ учун, бечо-
ралар учун қон, дармон, шифо, ҳаёт бахш этасиз!
Содиқжон бойваччага ўхшаганлар эса, халқдан сиз
берган жонни темир панжалари, заҳарли тирноқлари
билан юлиб-юлқиб оладилар, сиз берган қоннинг бир
томчисини ҳам қўймай ичаверадилар. Одамларнинг
кўнглини парчалайдилар. Мен буларнинг ҳаммасини
ўз кўзим билан кўрганман. Одам боласи қайғу-ҳасрат

ичида қолиб кетди. Дард-алам билан нафас олади. Дадажон, бебош ўғлингизни кечиринг, начора, дунёга сизларни ғам-ғуссага ботиргани келган эканман.

Ибн Ямин бу оғир ҳақиқат, бу қалбдан қўпорилган жон ёққувчи сўзларни енгилга, уларни рад этишга қурби келмаслигини ҳис қилди, бўйинини эгиб жим қолди. Хаёлини ўтмишнинг хира, оғир, ғам-ғусса тўла хотиралари жиловлаб, олис-олисларга етаклаб кетди.

Ун иккинчи боб

ҲАМЗАНИНГ ШАЖАРАСИ

Ниёзмуҳаммад деҳқоннинг ўғли Холбой умри қайғу-ҳасрат ичида рўшнолик кўрмай ўтган, энгилга энгил битмаган, шўрпешона, тўпори, қашшоқ деҳқон отасининг ёнида унга қўлтиқтаёқ бўлай деб, кўп эшикка кирди. Бир қошиқ иссиғини шу йўсинда топиб, кун ўтказиб юрди. «Йигит кишига етмиш турли ҳунар оз», дегандек, дунёнинг аччиқ шарбатини унча-бунча тотиб кўрди, кўп нарсани ўрганди.

Энди қўлидан иш келадиган навқирон йигит бўлганида отасидан ажралиб, етим қолди. Андижон, Марғилон, Фарғона шаҳарлари атрофидаги қишлоқларда бир неча йил муттасил дарбадар умр кечириб, не-не умидлар билан ошпазлик қилди, охири она қишлоғи Аввалда тургун бўлиб қолди.

Камбағал зотига ҳеч қайишмайдиган Хуррам бойвачча «шафқат» юзасидан Холбойга бир кичик кулбани ҳовлисидан ажратиб берди. У ўзининг кучгайрати, қолаверса, отаси ёнида юриб ўрганган ҳунарлари орқасида хор-зорликдан қутулди.

Авжи саратон, товонни тупроқ, мияни қуёш куйдирадиган кунларда мардикорлик қилди. Шолипояда бутун баданларини пашша талаб, шоли ўтади. Шоли ўтоғидан кейин кирга чиқиб буғдой ўроғи пайтида ўроқчиликка ёлланди, кузда пахта терди, қишда эса Аввалнинг гузариди бой очган ошхонада ошпазлик қилди. Хут кириши билан чиритилган гўнгни ёки эски тупроқни арава-арава ташиб, пайкалларни худди бойни семиртиргандек семиртирди.

Бу ишлар орасида, балки деярли ҳар куни, бойнинг рўзғорига бўлишиб, оғирини енгил қилиб турганлиги учун уйлик-жойлик бўлиб олди. Бойбува ҳам тўғри келган ишни урдасидан чиқиб кетаверадиган бу йигитни қўлдан чиқаргиси келмай, унга муносиб бир қиз топди-да, чакса гуруч дамлаб, тўйини қилиб

берди-ю, уни ўзига боғлаб олди-қўйди. Олдин бир ўзи бўлса, тўйдан кейин бойбуванинг хизматини икки кишилашиб қилди: ташқаридаги юмушлар Холбойнинг, ичкаридагилари эса, янги келинчак зиммасига тушди. Ёш келинчак келинлик даврини суриш ўрнига сув гашиди, ҳовли супурди, кели тўйди, бола кўтарди, тоғора-тоғора кир ювди, қоп-қоп ўриқларни данакларига-ча чақиб хаштак-паштак қилиб бозорга тайёрлади. Кунлар шу алфозда ўтаверди. Булар яхши еб, яхши киймасалар ҳам, кунлари ўтаётганидан, ўзларининг «бошпаналари» борлигидан мамнун қолда турмуш кечиришарди. Ҳаш-паш дегунча орадан бир-икки йил ўтиб кетди. Бибижон бўйида бўлиб, кўзи ёриди. Чақалоққа Ямин деб исм қўйишди. Бу чақалоқ Холбой Ниёзмуҳаммад ўғлининг йигитликда кўрган биринчи фарзанди эди!

Фарзанд! Умрнинг ширин меваси, хонадоннинг ободлиги, ота-онанинг шодлиги, бутун бахти у. Оиладаги энг ширин, энг беғубор дамлар у туфайли. Шунинг учун ҳам «болалик уй — бозор, боласиз уй — мозор», дейди халқ. Фарзанд — бу келажак, фарзанд — ўтган аждодларни келажак авлодлар билан абадий боғлайдиган олтин ҳалқа. Худди ана шу фарзандлар шарофати билан умр боқий, беинтиҳо.

Холбой Ниёзмуҳаммад ўғлининг чироқчиси дунёга келди-ю, бўғилди. Уни белашга ота-онанинг ҳатто битта янги бешикка ҳам қурби келмади. Бойбуванинг катта хотини юз марта кесатиб, тўнғиллаб, лабини буриб, минг писанда билан тўнғич ўғлининг тўкилиб кетишга сал қолган бешигини ўша арзандаси бошидан садақа қилиб берди. «Ўзларинг бировнинг эшигида гадойдек кунларингни зўрға ўтказиб юрибсизлару, шу ҳолларингга сенларга боланинг нима кераги бор эди?!» — дея таъна, дашномлар билан оғриниб берди ўша шалоғи чиқиб кетган бешикни. Лекин унинг гишаваси бу билан тугамади. Бой хотин ҳар кунни бир арзимаган баҳона топиб, буларни куткилайдиган бўлиб қолди. Чунки, Бибижоннинг бешик қўлтиқлаб, бола боқиб ўтириши бойга ҳам, унинг хотинларига ҳам хуш келмасди. Шунинг учун ҳам, улар бу ўзича бахтиёр онага ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ, деб кун кўрсатишмади.

Бу узоққа чўзилмади. Бир кунни бойбува арзимаган сабаб билан уриш чикарди-да, Холбойга караб: «Кўрпангни кўтар, гадолар. Тўрт томонинг қибла!» — деб

дарвозани кўрсатди. Бойнинг бу сўзи Холбойнинг жонжонидан ўтиб кетди. Ўзи ҳам ҳар куни бўладиган ғиди-бидилардан тўйиб кетган эди. Бибижон бошида, «Энди қаёққа борамиз, кеч куз, қора совуқ тушиб қолди, қўлимизда ёш бола, кимга бориб юкинамиз?» — деб ташвиш тортиб йиғлади ҳам, лекин кейин бу дўзахдан бутунлай озод бўлиш тушунчаси унга далда бўлиб, ҳатто севинди.

Уша куниеқ омонат бешикни эгасига топшириб, кўч-кўронларини ортиб, икки кули бир тепа ҳовлини бўшатиб чиқиб кетишди.

Уларнинг борадиган тайинли ерлари, қиладиган ишлари бўлмаса-да, эр-хотин севина-севина чиқиб кетишди.

Кеч пешинда йўлга тушишди. Бибижон бағрига ўғилчасини босиб, бир қўлида икки-учта қотган зоғорани рўмолга тугиб олган, Холбой бўлса, отасидан қолган бирдан-бир мероси — уч газ чамаси узунлигидаги йиртиқ шолчага уладаси чиқиб кетган битта кўрпа, авраси қуроқдан қилинган тўшак кўрпача ва похол ёстиқ, битта қумғон, иккита сопол косани ўраб танғиб, орқалаб олган — бор кўч-кўронлари шу эди уларнинг.

Эртаси намозшом билан хуфтон ўртасида ўз оёғи билан кириб келган мусофир қариндошларга қўқонлик бой тоға сомонхонасидан жой кўрсатди. Шу-шу бўлди-ю, Холбой бой тоғанинг отлари, молларини ўз қўлига олди. Дала ишларига қаттиқ ёпишди. Унинг ишончини қозонди. Бибижон ҳам қараб тургани йўқ. Уй ишларини ўз зиммасига олди.

Бибижон соғлом, бақувват, суяги меҳнатда қотган, ғайратли, ориятли, пишиқ қишлоқ қизи бўлганлигидан унча-мунча меҳнатни меҳнат демади. Тўғри келган ишни ҳеч оғринмай қилиб кетаверди.

Холбой ҳам тез кунда ҳамма нав чопиқларни ўрганди, турли экинларнинг сувга эҳтиёж даражалари, касалликлар, зараркунандалар, ерни кучайтирадиган воситалар тўғрисида саксон, тўқсон ёшдаги деҳқонлар билан суҳбат қилиб, деҳқончилик сирларидан анча огоҳ бўлиб қолди. Айниқса пахтадан яхши ҳосил олиш учун ернинг бегона ўтлардан тозаланиши, кузда чуқур чопилиши, минг йиллардан бери устида мол бокиб келинган хирмонтепадан нуқул тупроқни келтириб ютоқиб, қақшаб ётган лахтак-лахтак ориқ ерларга соликиши кераклигини билиб олди. Сизоти якин ерларга

жўхори экиб, унинг шўрини ювди. Хуллас, қаттиқ меҳнатлари зое кетмади — элнинг экини ердан униб чиққанда Холбойники чопиқ сўради, қўшниларники чопиққа етганда, Холбойнинг пахтаси иккинчи чопиқ сўраб гунчалади, гуллаб найчалади. Қовунлари сапчалади. Сабзилар сотишга келди. Бодринг билан ҳандалакни элдан ўн беш кун илгари чиқариб, бой қариндоши ҳамёнига икки юз сўлковойни келтириб солди.

Бой ҳам ийиб кетди, Ибн Ямин етти ёшга қадам қўйганда уни «тоғнинг кўрки тош билан, одам кўрки бош билан», «савоби тегади» деб мактабга элтиб берди.

Етти йил ичида Ямин ибтидий таҳсилни тугатиб, ўқиш-ёзишни ўргангандан сўнг Қўқондаги мадрасалардан бирига кириб ўқишни давом эттирди. Бироқ огир бир дардга чалиниб, таҳсилни чала қолдириб, мадрасадан чиқди. Отаси Холбой бор-йўғини сарф қилиб, табибларга кўрсатди, дуохонларга ўқитди, кўчиртирди, лекин ўғли ҳадеганда шифо топмади.

Холбой «чиқмаган жондан умид», дегандай, ўғлининг дардига даво излашдан чарчамади. Дунёга келиб, орттирган бирдан-бир давлати ҳам шу боласи эдида унинг!

Кунлардан бир куни Марғилонда меҳмон бўлиб турган самарқандлик донгдор бир табибнинг дарагини эшитиб, ўғлини шитоб билан Марғилонга олиб борди, ўша меҳмон табибга кўрсатди. Самарқандлик ҳаким Холбойга «Фарзандингизга қаттиқ дард илашибди. Рози бўлсангиз, Самарқандга олиб кетиб, ўша ерда қарайман. Иншоолло, узоқ муолажадан сўнг ўғлингиз салимулаъзо, соппа-соғ бўлиб кетади», деди.

Отанинг рози бўлмай иложи қанча.

Ибн Яминни олиб ҳаким Самарқандга жўнаб кетди. Ҳаким бутун меҳру муҳаббатини, фазлу камолини ишга солиб, қайта-қайта китоб қараб, хилма-хил дори-дармонлар тайёрлаб ичириб, доим парҳезда сақлаб, Ибн Яминнинг касалини даволади. Ибн Ямин борган сари рангига ранг кириб, бақувват тортиб, чеҳраси очилиб, хизматга ҳам яраб қолди.

Самарқандлик ҳакимнинг ўғил фарзанди бўлмай, кексайиб ташвишга тушиб қолган эди. Мўмин-қобил бир шогирд топиб, билганини ўшанга ўргатиб, ҳатто кундан-кунга бўйи чўзилиб бораётган биттаю битта қизининг тақдирини ҳам баҳоли қудрат тўй қилиб ўша шогирдпешага топшириш ниятида эди. Ана шундоқ зийрак, фаҳмли, ахлоқ ҳамидаси пок бу йигитча-

ни худонинг ўзи етказди, деб ҳақим Ибн Яминга ҳам ота, ҳам устоз бўлиб, унга ўз ҳунарини ўргата бошлади.

Ибн Ямин устозининг гапи билан унинг жуда бой кутубхонасидаги китобларни, шу жумладан Абу Али ибн Сино ҳазратларининг йигирма жилдли «Китоб-уш шифо», «Китоб-ун нажот» тиббий асарларини кеча-кундуз мижжа қоқмай мутолаа қилди. Олимлар сарвари Муҳаммад ибн Аҳмад Абу Райҳон Берунийнинг «Ал қонун Ал маъсуд»идан баҳраманд бўлди. Устоди соний Абу Носир Муҳаммад ал Форобий аттуркийнинг тарих, фалсафа, санъат, табобат сирлари ҳақидаги рисоаларини, «Китоб-ал музиқий алкабири»ни ўқиб, танг қолди. Устоз Қозизода, Аҳмад ибн Муҳаммад Фарғоний, Мавлоно абул Вафо аз Самарқандий, Фирдавсий, Навоий, Саъдий Шерозий асарларини кеча-кундуз қўлидан қўймади.

Шу билан бирга ўзига ҳаёт бахш этган Ҳақимнинг хизматига ҳамиша камарбаста бўлиб турди. Ҳақимнинг ўзи бир карра олиб бориб кўрсатиб, танииб қўйган керакли айиқсуғон, арпабадиён, аччиқмия, туяқорин, қичитқон, бангидевона, бўригул, кампирчопон сингари доривор гиёҳларни тоғма-тоғ юриб топиб келар, қуритар, катта-кичик ҳовончаларда янчиб, туяр, эритар, шарбат ачитар, дори тайёрлар эди.

Ибн Ямин Самарқандда шу зайлда умр ўтказиб, табобат илмидан хабардор, ажабтовур ҳақим бўлиб қолди. Ибн Ямин бу ориқ, котма, ўрта бўй, буғдойранг, қийғир бурун, бўтакўз йигит — устозининг вафотидан сўнг унинг оиласини ташлаб кетишга кўнгли бўлмади. Ўз онасидек бўлиб қолган Зевархоним эрининг васиятини жойига қўйиб, унга кизини бериб ичкуёв қилиб олди. Ибн Ямин шундай қилиб, устозининг қонуний мероскўри бўлди, унинг табиблик ишини беш йилгача давом эттириб, юртни хурсанд қилди. Лекин ота-онасининг қазосидан хабар топди-ю, туғилган жой, меҳру муҳаббати илинжи баланд келиб, «кетаман» — га тушиб қолиб, оиланинг тинчлиги бузилди.

Зевархоним қизининг Самарқанддан бегона шаҳарга кетишига асти рози бўлмади. Қизининг кўз ёшларига ҳам парво қилмади. Ниҳоят, бошқа иложини тополмагач, Ибн Ямин табиблик асбобларини, нодир китобларини олиб Фарғонанинг Аввал қишлоғига йўл олди.

Аввалга келиши биланоқ ҳақимлик ишига шўнгиб

кетди. Аввалда унинг атрофларида ҳар хил хавfli касалликлар — терлама, қора безгак, қилтомоқ, зотилжам, болалар касали — яра-чақа кўпайиб, аҳолининг тинкасини қуритган эди.

Дардига дармон истаб келган қашшоқ деҳқонни, йиртиқ чопон косибни ҳам ноумид қайтармай, томирини кўриб, дори-дармонларини пулсиз берар, Аввал бозорига бориб, савдо-сотик қилаётган эркак-аёлларга ҳам ҳифз-сиҳат, покизаликнинг фойдасини қайта-қайта тушунтирар эди.

Шундай қилиб, у тез фурсатда эл-юрт орасида, «Ҳакимча табиб» номи билан танилди. Ҳакимча табиб узок вақт дард тортиб келаётган Ойжаҳон Раббийбой қизини давслаб бошлади. Ойжаҳон аста-секин бошини кўтарди. Иштаҳага кирди-ю, кулча юзига ранг югурди, лабларида табассум жилваланиб, оҳу кўзларида қора учқунлар ўйнаб қолди. Ойжаҳон ҳусни малоҳати, яна алланималари билан Ибн Яминни безовта қилди-қўйди.

Ойжаҳон ҳам авваллари дард азобида уйқуси қочган бўлса, энди ҳижрон алаמידан миҳжа қоқмай чиқадиган бўлди. Пировардида бу икки ошиқ гўшангада бир-бири билан учрашди. Йиллар ўтди, бу орада улар бир қанча сабабларга кўра, Қўқонга кўчишди. Ибн Ямин билан Ойжаҳон қўша-қўша фарзандлар кўришиб, жўжабирдек жон бўлиб қолишди.

Ибн Ямин: «Оллога минг қатла шукур, шунча фарзанд кўрдим. Худо хоҳласа тезда катта бўлишиб, ёнимга кириб қолишар», деб қувонди. Лекин оилада жағ кўпайгач, шундоқ ҳам қўл учида, табибчилик билан тирикчилик қилиб келаётган Ибн Ямин қийналиб қолди. Жаҳонбуви ўнинчи боласига ҳомиладор бўлганида Ибн Ямин кайфи учиб кетди. Болаларни боқиш ташвиши уни безовта қилиб қўйган эди. Ана ўша ўнинчи бола Ҳамза эди.

Ибн Ямин бир куни кўчадан ҳориб-толиб, тажанг бўлиб келди-да, арзимаган нарсадан қийиқ топиб, хотини билан айтишиб қолди. Гапдан гап чиқиб, жаҳл устида ҳар йили туғишини хотинининг юзига солди. Жаҳонбуви ҳаммасига чидаб келган бўлса ҳам, эрининг бу таънаси суяк-суягидан ўтиб кетган эди.

— Нима қилай ахир, дадаси? Менга қолса ҳар йили туғай дебманми?! Худонинг ишларига ҳам ҳайронман. Бола тирноғига зор не-не одамлар бор. Биргина тирноқ кўрсам, деб оҳ урса ўпкаси кўринади. Давлати-

ни қаерга сарфлашини билмайди. Худо ўшаларга бермай, бизга ўхшаган йўқ-юпқаларга беради,— деб пиқ-пиқ йиғлади. Пешонасининг шўрлигидан нолиб, бу жанжалнинг сабабига тушунолмай шумшайиб ўтирган болаларини қарғади. Яна йиғлади. Ўз қисматида нолиб, ўзига ўлим тилади... Ҳақимча табибга хотинининг бу қарғишлари алам қилди, лекин ўзини босди. Бу гапни аввал-бошда ўзи ковлаб қўйганлиги учун жим туришга мажбур эди. Хотинига ҳозир сал тегса, шундоқ ҳам тутаб турган нарса «лов» этиб ёниб кетишини биларди. Шаштидан тушиб, одатдаги ҳолга қайтиди-да, хотинини юпатишга тушди.

— Қўй энди... Шўринг қурғурларни нега қарғайсан? Буларда айб йўқ... Мен ҳазиллашган эдим. Лекин қош қўяман деб кўз чиқаришимни ўйламаган эканман. Утган гапга савот. Бўлди энди, айбни бўйнига олдим-ку, ахир. Сен билан менинг тан-жонимиз соғ бўлса, бу жўжаларнинг ризқини худо беради...

Жаҳонбуви индамади. Кўз ёшларини артиб, болаларини ўрнига ётқизди-да, ўзи ҳам уларнинг ёнига чўзилди.

Чиндан ҳам эртадан-кечгача нон ковшайдиган бу болалар уйда нон борми-йўқми — ишлари йўқ, хархаша қилишар, алдаганга кўнмас эдилар. Ота-она буларнинг ғилтиллаган кўзларига қарашга юраклари зирилдайдиган бўлиб қолганди. Буларга нон керак эди...

Ибн Ямин табиблик, Жаҳонбуви доялик қилишди. Лекин бу билан ҳам мурод ҳосил бўлмади. Осмон узоқ, ер қаттиқ-эди! Сал кунда олти бола дардга чалиниб, оламдан ўтди...

Ана ўша тўрт фарзанднинг ичида ҳам кенжаси — мана шу — бир вақтлар бошига кокил қўйиб, Шоҳимардон мазорига назир қилинган, беҳол, мажмағил, ҳа деса «шайтонлаб» қоладиган, ҳозир эса, Мансур халложга шогирдман деб, отасининг бутун имон-эътиқодига арслондек наъра тортиб, чангал урган, Қўқондаги Хўжанд даҳа, Салқашон маҳалласида туғилган Ҳамза эди.

Ибн Ямин бирдан сесканиб кетди. Назарида устига осмон ағдарилди. Кўк ларзага келди. Аждаҳолар хуруж қилди. Оламини сув босди, сувлар олов бўлиб оқди. Булар ичида у ўзини нажотсиз ҳис этди. Ҳамза эса, отасининг бу аянчли ҳолатини кузатиб турар эди. Унинг отасига раҳми келиб кетди. Иккинчи томондан, унинг ҳозирги гапи Ҳамзанинг бошидан кириб, оёғи-

дан чиқиб кетгандай вужудини титратиб юборди. У бўйнини эгиб, бир нуқтага тикилганича маънос ўтирарди.

Ибн Ямин бошини ерга солганича рўмолчаси билан юз-кўзини сийпалаб, оғир қўзғалди-да, аста юриб ҳовлига чиқиб кетди. Ҳамзанинг ёлғиз ўзи узоқ хаёл сурди. Унинг кўзи столи устидаги китобга тушди-ю, қўли беихтиёр унга чўзилди. Лоқайд варақлади, лекин ногоҳ Абдулла Тўқайнинг шеъри босилган саҳифага тўхтаб, бирдан кўнгли ёришиб енгил нафас олди. Кейин шеърни мутолаа қилишга киришди.

Назирсиз шоир ўлдинг, офарин, Пушкин Александр! 2
Баним-да дарди шавқим ҳам сенинг дардинг-ла яксондир.
Сенинг боқчангда кездим завқим ортиб айладим тайрон,
Кўрубон андалибони томоша айладим сайрон.
Маромим, матлабим онжоқ сенинг манзум ва мансуриг,
Баним шаънимми тафтиш мазҳабингни дина мансубинг,
Ават дардим дурур яксон ва лекин банда йўқ дармон...

Охирги мисрага келганда Ҳамзанинг овози дарз кетди. У тагин жимиб қолди...

Ун учинчи боб

ҚУҚОН ҲОКИМИ

Шаҳар ва уезд бошлиғининг маҳкамасидаги боғда Қўқон ҳокими полковник Мединский билан махфий идора бошлиғи капитан Китаев сайр қилиб юришарди. Улар серсоя дарахтлар остидаги салқин йўлқадан кетиб боришаркан, суҳбатлари яна қуюқлашиб, сирли тус олди. Эгниларида янги тикилган, эполет — зарбоф погонлари ярқирайди.

— Мана кўрдингизми, азизим, — деди Мединский қошларини чимириб, — аҳвол сиз билан биз ўйлагандан ҳам гоятда мураккаб... Бу ерларга сургун қилинган ва полиция назорати остида бўлганларни ҳам, маҳаллий тартиббузарларни ҳам бўш кўйдик. Ҳамма иллат мана шунда.

— Ҳм... Либераллик қилдик денг, жаноби олийлари, — деб қўйди капитан Китаев ясама илжайиб.

— Нима демокчисиз?

— Мен демоқчиманки, чиндан ҳам либераллик

қилинган. Менимча, сиёсий жинойтчилару уларга хайрихоқларнинг барини шартта-шартта отиб ташлай-вериш лозим эди. Ёки қаттиқ экзекуция¹ жорий қилиш керак эди. Ана ўшанда улар бунчалик болалаб кетмас эди. Ҳолбуки уларни Россияда қамаб, бу ерларга сургун қилишган. Шуям жазо бўптими? Уларнинг уруғини қуритиш учун кескин чоралар кўриш лозим. Токи янги турмалар қуришга ҳожат қолмасин. Ушанда ходимларимизнинг ишлари бошларидан бунчалик ошиб-тошиб ётмасмиди...

— Ҳа, буни қўяверинг-у, ходимларнинг ўзи етарли эмас. Улар етишмаяпти

Мединскийнинг кўз олдига тўлиб-тошиб кетган камоқхоналардаги аҳвол сурат тортиб, маҳбуслар унга нафрат билан тикилаётгандай туюлиб кетди. Китаев уни қайрашда давом этди:

— Ички душманларимиз ҳам бирор шумлик қилишмоқчи бўлишса, олдини бундай сарторози қилиб кўришади: арзийдими, йўқми? Биз эса бунга тўғри баҳо бермай раҳмдиллик қиламиз.

— Шундоқ, раҳмдиллик ҳам бор,— деди Мединский ҳамсуҳбатига истехзо билан қараб кулиб. Кейин жиддий тортиб, давом этди:— Бироқ иккинчи томондан, Россиянинг тўртдан учини отиб, йўқ қилиб бўлмайди-да, азизим!

Китаевнинг ранги оқариб, қоши чимирилди. У қарама-қарши кучларнинг нисбати бунчалик эканлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Бу ерга келиб, фақат айрим «хавфли» шахсларни кузатиб, уларни «жинойт» устида ушлаб, камсоққа ташлаш билан кифояланиб, шу тариқа подшоҳ тахтининг дахлсизлигини ўзича «таъминладим» деб билар эди. Ҳозир Қўқон ҳокимининг ўз оғзидан «тўртдан уч» иборасини эшитиб қангу манг бўлиб колди.

— Наҳотки, улар шунчалик чуқур илдиз отиб кетган бўлса, жаноби олийлари?— деб сўради кўзлари чақчайиб Китаев.— Уларнинг уч-тўрттасини айтмаганда, ҳаммаси авахталарда чириб ётишибди-ку, ахир... Э, танграм!

— Менимча, қўрқиб ваҳимага тушишга ҳали эрта-роқ,— деди Мединский. У негадир имиллаб — тили туюлиб, гапни чалғитишга шошилди.— Виласизми, большевиклар партиясининг бошлиғи жуда қизиқ гапларни

¹ Жисмоний жазо.

ёзибди.— У мундирининг чўнтагидан қоғоз олди-да, уни очиб ўқиди.— Мана қаранг: «Пролетар ҳаракати эндиликда мамлакатнинг энг олис чеккаларига ҳам ёйилмоқда». Сиз нима дейсиз, бу биз турган жойлар эмасми? Энди бу ёғини эшитинг: «Жамиятнинг турли ва энг қоқоқ табақаси орасида норозилик зўраймоқда». Эшитдингиз-а? Ленин бу гаплари билан ҳамма большевикларига, пролетар ҳаракатини кенгайтиринглар, деб кўрсатма берапти, агар тушунган бўлсангиз. Биз худди мана шунга йўл қўймаслигимиз керак. Большевиклар одамларни ўзларига оғдириб олишга уста бўлишади. Уларга жаннат ваъда қилишади. «Жамиятнинг турлича ва энг қоқоқ табақаси» уларнинг гапларига ишонишади, шунинг учун ҳам улар большевикларнинг атрофида уймалашади. Мен бу ўринда рус халқини назарда тутяпман. Агар бу касал маҳаллий халққа ҳам юқса борми, худо кўрсатмасин, ана унда кўрасиз қиёматни... Ўзингиз эшитдингиз Лениннинг гапини. Энди улар маҳаллий миллатлар орасида ҳам сиёсий ишларга зўр беришлари турган гап. Мана, жиддий хавф-хатар қаёқда! Сиз бўлсангиз, маҳаллий миллатдан чиққан ишончли, бизга содиқ кишиларни писанд қилмайсиз.

Китаевнинг томоғи қуруқшаб, кўзи ғилайланиб кетди. Бир фурсат мулзам бўлиб туриб, ўзини ўнглаб олди-да, эътироз билдирди:

— Одамларим кам-да, жаноби олийлари!— деди.

Мединский зуғумини давом эттириб, асл мақсадга кўчди:

— Энди забастовкалару митинг-питингларни тарқатиш билан овора бўлиб юрманг, бу ишни бошқаларга топшираман. Уша сиз айтган Степанга ўхшаган сургундагиларга ҳамда уларга эргашаётган маҳаллий исёнчиларга Қўқонда яширин иш кўраётганларга сиз жавоб берасиз! Буни буйруқ деб билинг. Бордию эплаёлмасангиз, ўзингиздан кўраверасиз. Тушунарлими?

— Тушунарли, жаноби олийлари!

Халигина «отиш, қириб ташлаш керак», деб бу кучни менсимаётган Китаевнинг кўзи мошдай очилиб, аҳволнинг ниҳоятда мураккаблигини фаҳмлади. Дарҳақиқат, Россияда норозилик, ўзбошимчалик, фитна-фасод кучайган, турли-туман маҳмадана ваъзхонлар, нуқтаи назарлар маддалаб кетган бир пайтда тож-тахунинг Китаевдек қўриқчилари фоҳишахоналардаги ҳузур ҳаловатидан кечиб, ўз садоқатини подшога кўрса-

тиши керак-ку, ахир! Унинг ғозниқидек узун бўйни кифтига чўкиб кетгандай қўнишиб қолди. Лекин ичида содир бўлган ваҳимани сездирмасликка уриниб, ҳоким тўрага таъзим қилди.

— Қўлимдан келган барча чорани кўраман, ҳаракат қиламан, жаноби олийлари!— деди шошиб-пишиб.

Мединский бу мақтанчоқни қўлга тушириб, бир таъзирини бериб қўйиш учун пайт пойлаб юрарди, шунинг учун ҳам уни қисти-қафасга олишда давом этди:

— Ҳаракат қилишнинг ўзи билангина иш битмайди, сиз шаҳар ресторанининг олдидаги миршаб эмассиз-ку, ахир! Бундоқ каллани ишлатинг, тулкидек айёр, мушукдек муғамбир бўлинг, зимдан иш кўринг. Махфий агентлар билан хуфияларни кўпайтиринг. Зиқналик қилмай, уларга пулдан кўпроқ бераверинг. Империянинг хавфсизлиги устида кетяпти гап. Билдингизми! Яна шуниси ҳам муҳимки, маҳаллий кишиларнинг юқори табақасига кўпроқ суяниш билан бирга улар орасидан бизни қўллаб-қувватлайман, деганларини хизматга тортинг. Бунинг учун Миён Қудрат ҳазрат билан алоқа боғланг, чунки унинг мусулмонлардан ишончли одамлари бор. Яна, зиёлиларни кузатиш, улар нима қилаётганликларини билиш керак.

— Тушунарли, жаноби олийлари!

Мединский бир муддат ўйланиб қолди, ниманидир хотирлашга уринарди, охири бўлмади, чамаси, офицерни кўмакка чақиргандай, чайналди:

— Хаҳ... анави... хотирам қурсин... шу мусулмонларнинг номлари эсимда турмайди-да... Анави бор эди-ку, янги усулдаги мактаб очаман, деб юрган, Назаевмиди, Ҳазаевмиди?

Китаевнинг юзлари ёришиб, жонланиб кетди.

— Ҳамза, жаноби олийлари. Унинг лақаблари кўп, Ниҳон, Ниёзий!

У ҳокимнинг гапини ўнглаб олишига ёрдам бериб юборгани учун ўзидан мамнун бўлиб, оғзининг таноби қочди. Лекин Мединскийнинг бу гапдан энсаси қотди шекилли, унинг гапини бўлди:

— Лақабмас, тахаллус, десангиз-чи! Ҳақиқий фамилияси-чи? Шуни айтинг!

Китаев Ҳамзанинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни яхши ўрганган эди, ўзини кўрсатиб қўядиган фурсат келганини сезиб, дона-дона қилиб тушунтиришга киришди:

— Россия империясининг фуқароси эканлигини кўрсатувчи ҳужжати бўйича, Ҳамза Ямин ўғли Холбоев, Отаси Ямин Холбой ўғли, бобосининг исми Холбой. Катта бобосининг исми эса Ниёз, жаноби олийлари. У катта бобосининг ҳурматини қилиб, Ниёзий бўлиб олган. Анчадан бери уни кўз тагига олиб, кузатиб юрибман, бир ишончли одамимиз кетидан тушган.

Мединский жонланиб кетди.

— Хўш, хўш? У ўзини қандай тутяпти, ҳа, Содиқжон бойвачча унинг устидан арз-дод қилиб келди. Войни ҳақорат қилган эмиш.

— Ҳамзанинг фикри зикри ўз миллати, уни ўқиши, илмдан, дунёвий ишлардан хабардор қилиш, кўзини очиб, оқ-қорани унга танитиш, жаноби олийлари. Кейинги пайтда Ҳамза рус ишчилари атрофида кўп ўралашадиган бўлиб қолди. Сургун қилинганлар билан ҳам алоқаси бор. Ҳозирча қўлимизда аниқ далиллар бўлмаса ҳам, менингча сургун қилинганларни мусулмон ишчилар билан боғлаб турган ипнинг бир учи ўшанинг қўлида.

Мединскийга Китаевнинг гапи ёқди шекилли, кўзлари ўйнаб кетди.

— Мана бу жуда муҳим нарса!— деди у. Ҳоким бир лаҳза сукут қилиб қолди. Китаев у айтаётган муҳим нарса нима эканлигини ўйлаб, ҳамсўҳбатининг оғзига қараб турарди. Мединский бошини кўтариб, салмоқ билан давом этди: — Социалистларнинг маҳаллий ишчиларга таъсир ўтказишларига сира-сира йўл қўймаслик керак! Бундан ниманинг ҳиди келаётганлигини биласизми? Башарти сал гафлатда қолсак борми, нақ инқилобни шу ерда тайёрлаб берамиз-а!— У Китаевга синовчан қараб қолди, унинг ранги бўздай оқариб кетганлигини кўриб, гапни ҳазилга буриб,— ҳалитдан ваҳимага тушиб қолманг, ҳазил қилдим,— деди жилмайиб.— Лекин бу деган сўз,— дея давом этди у жиддий тус олиб.— Кузатувни бўшаштиришга ҳуқуқ бермайди... Сиз билан биз, ўзингиз айтгандай, сургун қилинганларни шартта-шартта отолмас эканмиз, ҳалиги рингани қирқиб ташлаш тадбирлари устида кўпроқ бош қотиришимиз лозим бўлади.

Ҳокимнинг гапи тугамай қолди, адъютант кириб, унга честь берди-да:

— Жаноби олийлари, кечаги мусулмонлар келишди,— деди.

— Дарвоқе, уларни қабул қилишга ваъда берган-

дим,— у бир муддат ўйга толиб турди-да, адъютантга буюрди: — Яхши, киритиб юборинг.

Адъютант қетгач, Китаев ҳам қайтиш тараддудига тушиб қолди.

— Менга ҳам ижозат берсалар, жаноби олийлари!

Мединский унга ўгирилиб, бошдан-оёқ қараб чикди-да, ўзини лоқайдликка солиб, рухсат берди.

— Майли, бора қолинг, Китаев,— деди. Офицер орқасига ўгирилиб кетаётганида тўсатдан уни чақириб тайинлади: — Йўлда, чиқиб кетатуриб, бу ёққа келаётган мусулмонларга кўз ташланг. Ҳар ҳолда бугун эрта билан улар ҳақида дуруст тавсиялар эшитган эдим.

— Балки мен уларни яхшироқ танирман? — деб қўйди Китаев. Тишининг оқини кўрсатиб.— Ахир биз ҳам подшоҳнинг нонини бекорга еяётганимиз йўқ-да...

Китаев йўлни чап солиб кетаётганида, европача кийган, лекин бошига салла ўраган икки хушбичим кишининг рўпарасидан чиқиб қолиб, уларга честь берди, булар унга жавобан таъзим қилишди. Китаев шаҳдам қадам ташлаб боғдан чиқиб кетди, ҳалигилар эса, унинг орқасидан қараб қолишди.

Буларнинг бири, Олчинбек Назирий, иккинчиси — жадидларнинг раҳнамоларидан Урфон афанди эди.

— Уни танийсизми? — деб сўради Урфон афанди Китаев чиқиб кетган томонга ишора қилиб Олчинбекдан.

— Менимча, у сизга салом берди шекилли,— деди Олчинбек талмовсираб.

— Менга салом берди? — Урфон ҳеч нарсага тушунмай ҳамроҳига таажжубланиб қараб қолди. — Ахир уни сираям танитайман-ку! Қаёқдан менга салом берсин... Ўзингизга бўлса керак. Ҳа, у сизга салом берди.

Капитан Китаев, Қўқон шаҳар ҳокими Мединскийнинг энг ишончли одамларидан бири эди. У ҳокимни шаҳарда бўлаётган барча воқеалардан ўз вақтида хабардор қилиб туриш, кимнинг қандай нафас олаётганини билиш учун махфий идорага зўр бериб, барча ахборотларнинг жиловини қўлида тутиб турарди.

Шаҳардаги корхоналарда, бозор, чойхоналарда унинг одамлари бор эди. Улар оддий кийимда, кишибилмас сир теришар, топганларини Китаевга тишлаб элтиб топширишарди. Ҳатто шаҳардаги фоҳишахоналарда ҳам айғокчилар бор эди, бунда у айрим фоҳишаларнинг хизматидан ҳам фойдаланарди.

Олчинбек Китаевни аввал бир-икки жойда, тўғриро-

ги, Мединский ўзига яқин тутган Содиқжон бойваччанинг зиёфатларида кўрган эди. Ҳозир Урфонга буни билдиргиси келмади. Шунинг учун ҳам талмовсираб, Урфонни чалғитаётган эди.

Уларнинг бу кичкина баҳслари, тўғрироғи, бир-бирлари билан ўсмоқчилаб бошлаган «ўйинлари» охирига етмай чала қолди. Чунки бу пайтда истиқболларига шаҳар ҳокими Мединский келар эди. Урфон билан Олчинбек ҳокимга таъзим бажо келтириб салом беришди.

— Яхшимисизлар, жаноблар,— деди ҳоким уларга жавобан.— Кеча қабул қилолмаганим учун узр, жуда ҳам банд эдим...

— Биз бу ерга...

Урфоннинг гапи оғзида қолди. Уни ҳоким илиб кетди:

— Биламан, жаноб, ҳаммасидан хабарим бор. Билишимча, либерал йўналишдаги газета чиқармоқчисизлар. Агар ўша газета илмни тарғиб қилса, янги усулдаги мактабларни қўллаб-қувватласа, Россия империясининг сиёсий манфаатларига зарар келтирмайдиган ишлар билан шуғулланса, яна битта газета чиқишига мен қарши эмасман.

У гап орасида ўзининг келиб чиқишини декабристларга олиб бориб тақади, аммо Туркистондаги вазият ҳозир оғирлашиб бораётгани, ишчиларнинг «бебошлиги», ғалаёнлар, мастеровойлар, большевикларнинг омма ўртасидаги «қутқуси», яна аллақандай воқеа-ҳодисаларни қистириб ўтди.

— Буни биламиз,— деди Олчинбек таъзим қилиб.

Урфон жонланиб кетди, ҳокимнинг ҳадигига фикран қўшилиб, унинг кўнглини кўтариб қўйишга сўз қидириб қолди.

— Биз,— деди у таъзим қилиб,— маҳаллий маъмурларнинг ўзбошимчалиги, савдо-тижорат аҳлининг қаллоблиги, боёнларимизнинг инсофсизлиги ҳақида ёзамиз. Бу ёғидан кўнглингиз тўк бўлсин. Яна, халқни илмга, дини Исломни мустаҳкамлашга ундаймиз. Асосий ниятимиз шу, ҳоким жаноблари.

— Маъқул,— деди Мединский кўнгли тўлиб. Айви пайтда, бир-икки оғиз насиҳат қилиб қўйишни ҳам унутмади. Ҳар бир нарсани ошириб юбормай, атрофлича ўйлаб, йўли билан ёзишни, газета атрофига маҳаллий зиёдилардан энг ишончликларини тўплаб, маърифат уруғини сочиш лозимлигини уқдирди. Кейин газетанинг исмини сўради.

— «Садойи Фаргона» атасак деган қарорга келдик,— деди Олчинбек, кейин изоҳ берди:— Бу ўрусия лафзида (русча тушунтирди) «Фаргона овози» демак.

Мединский «Голос Фергани» иборасини эшитиб, бир чўчиб тушди, лекин буни сездирмади.

— Ҳм... шундай қилиб, «Садойи Фаргона» атаймиз денг? Ёмон эмас... салмоқли ном... муваффақият тилайман, жаноблар. Ҳужжатларни концелярияга топширинглар, эртага қўл қўйиб бераман. Саломат бўлинглар!

Шу билан «гап тамом» дегандек, Мединский боғни сайр қилиш учун дарахтлар остидаги йўлдан ичкари томон йўналди, Урфон билан Олчинбек унинг орқасидан таъзим қилиб қолишди. Ҳоким боғнинг ичкариси томон узоқлашиб кетгач, Урфон қадини кўтариб, Олчинбекка қараб илжайиб сўз қотди:

— Менга бу ҳокимларнинг маъқул келди. Очиқ, бамаъни одам экан. Қўйган шартлари ҳам ўзимизнинг мақсадимиз доирасида бўлди.

Олчинбекнинг хаёли осмонда парвоз қилиб юрарди.

— Кўрамиз-кўрамиз,— деди у Урфонни қўлтиғидан олиб ташқарига, концелярия томон судраркан.

— Энг муҳими, газета чиқадиغان бўлди-ку, ишқилиб... Узатилган беш юз тилла ўз караматини кўрсатяпти... Хи-хи-хи. Бу менга сир эмасди, дўстим,— деди Урфон оғзининг таноби қочиб.

Ун тўртинчи боб

АЧАХОН

Ҳамза ҳовлига кириб, меҳмонхонага кўз қирини ташлади. Отаси Ибн Ямин бир беморни кўраётган экан. Эшикдан бош суқиб, унга салом берди-да, меҳмонхона токчалари тўла китобларга бир муддат тикилиб қолди. Отаси ўзининг бой кутубхонаси билан бежиз фахрланмасди. У ўглининг саломига меҳрибонлик билан алик олиб, бемори билан шуғулланишда давом этди. Ҳамза эшикни аста ёпиб, ичкари уйга кириб кетди. Онаси Жаҳон буви хонтахта олдида ўтирар, унинг ёнида онаси Ачахон ётарди. У ўнг биқинини ушлаб чир айланиб инграр, ориқ гавдаси дарднинг зўридан титрар, узунчоқ юзларидан қон қочган, оғиз лаблари қуруқшаб, пўст ташлаган, кўзларидаги олдинги шўх қарашлардан асар ҳам қолмаган, уларнинг ўрнини аллақандай маъюслик эгаллаган эид. Унинг қалин, қоп-қора соч-

лари ёстик устида паришон ётар, туртиб чиққан елкаси ёстиқ ичига ботиб кетган эди.

— Оҳ, мен ўламан, бунақа қийналгандан кўра, мен бенавога берган омонатингни олиб кўя қол, худойим! — деб инқилларди бетоқат бўлиб Ачахон.

Жаҳонбуви қизининг устига энгашиб, унга тасалли берар, сабр тиларди.

Ҳамза кириб, онаси билан опасига салом берди, «Опамга нима қилди?» — дегандек онасига қаради. Онаси уни тинчлантиришга ошиқди:

— Хавотир олма, болам, худо халлоқ. У бандасига дардни ботмонлаб бериб, мисқоллаб олар экан. Ажаб эмас шифосини берса, — деди она умидворлик билан.

Ачахон ўзини тетикликка солиб, жилмайиб қўйди.

— Ҳамзахон, ёлғиз укагинам, сен билан Зубайдахонларнинг тўйларингни кўриб кетсам армоним қолмасди, — деди инграб. Унинг узун киприкларида иккита йирик томчи ҳалқаланиб, икки чаккасига оқиб тушганини сезмади. Ҳамза бу ҳолатни кўриб турар, опасининг дарди анчагина оғирлигини энди фаҳмлаб, юраги орқасига тортиб кетди.

— Наҳотки отам бирон чофа тополмасалар! — деди Ҳамза бошқа гап тўполмай, ҳайрат билан.

Жаҳонбуви худди шу саволни кутиб тургандек, кайнаб кетди.

— Болам, сен билмайсан, бизга кўз тегди, — деди у. — Хонадонимизга шайтон оралаб қолди. Бирон ишимизга худонинг қаҳри келганки, бошимиздан кулфат аримай қолди кулфат, болам.

— Вой, жоним, эсизгина жоним-а, — дея буралиб тўлғанарди Ачахон. Ҳамза қўрқиб кетди.

— Нима қилди опамга, ойижон, бундоқ тушунтириб айтсангиз-чи, ахир! — деди ҳовлиқиб.

— Отангдан сўра, болам, — дея ўпкасини тутолмай йиглаб юборди Жаҳонбуви.

Ачахон яна тўлғаниб нолиди:

— Вой, ўламан... Э, худо, сенга нима гуноҳ қилган эдим?!

Ҳамза югуриб ташқарига чиқиб, меҳмонхонага кириб борди.

— Кутиб туринг! Мен сизни ўзим чақираман, — деди табиб Ҳамзанинг орқасидан кириб келган беморни тўхтатиб.

— Ачахоннинг дарди жуда оғир... — деди Ибн

Ямин секингина ва шундоқ ҳам тушиб кетган кифти яна эгилиб қолгандек бўлди.— Қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Биласанми, биз, табиблар фақат гиёҳлардан дори ясаб муолажа қилишни, синиқ-чиқиқни тузатишни биламиз. Аммо киши ҳаёти башарти наштарга қараб қолган экан, ўрис жарроҳни чақириб келишдан ўзга иложимиз йўқ, ўғлим.

Ҳамза энтикиб сўради:

— Нима, ёриш керакми?

— Ҳа-да,— деди отаси,— фақат жарроҳгина уни қутқариб қолади. Лекин ўрис дўхтирларни чақиргим йўқ. Нима қилганда ҳам улар ғайридин, номаҳрам... Бу ёқда эл-юрт таънасидан қўрқаман...

— Бўлмаса, у жаҳолат қурбони бўлиб кета берар экан-да, шундайми?— Ҳамза ҳайратланиб сўради.— Бу гап халқ орасида ҳаким номини қозонган машҳур бир одам оғзидан чиқяптими, а?

— Аммо сен тушунмайсан, ахир бунинг иложи йўқ. Эркак кишининг аёлнинг этига қўл теккизиши, яна у ғайридин, асло мумкин эмас. Башарти шарият набавияга қарши бориб, уни менсимай, бу ишни қиладиган бўлсак, тошбўрон қилдиришади бизни...

— Опам ўлиб кетаверса майлими? Ун жондан нима учун биз тўрттагина фарзанд қолганимизнинг сабабини мен энди билдим.

— Нима деяпсан, болам, нега таънали қарайсан менга? Худонинг ўзи берган эди уларни, ўзига керак экан, қайтариб олди. Сен ахир ҳеч нимани билмайдсан,— дея инграб юборди Ибн Ямин.

— Дада, мени қайтарманг!— деди Ҳамза кескин қилиб.— Мен ўша ўрис жарроҳни олиб келаман. Агар тайсалласак, Ачахондан ажралиб қоламиз. Ачахон опам ҳали яшаши керак! Уни агар рус табиби ўлимдан қутқариб қололса, бунинг қанчалик муҳимлигини сиз ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз. Қўрқманг, ҳаммамизни ўлдиришга ўша Миён Қудратингизнинг тоши етмайди!

Шу баҳс устига Жаҳонбуви кириб келди.

— Номаҳрам эркакнинг қўли теккунча унинг ўлгани минг бор афзал!— деди Жаҳонбуви жаҳл билан.— Мен бўладиган бўлсам, бунга ҳеч ҳам йўл бермайман. Бўлмаса маҳалла отангни «юзи байтуллодан қайтган ҳожи» деб ёмонотлиққа чиқаради! Қариндош-уруғлар келишади, қўшнилар чиқишади. Чиллаёсин ўқиб, алаҳ-алас қилишиб, олло таслодан унинг дардига шифо ти-

лашади. Кўпчиликнинг дуоси зораки мустажо бўлса.

У ўғлига ёввойи қараш қилиб, бир нима дегиси келди-ю, оғзидагини қайтариб, кўзлари билан қаргаб ўдагайлади. Унинг важоҳатидан қўрққулик эди. Ҳамза онасини бундай қўрқинчли ҳолатда сира ҳам кўрмаган эди, ҳайрон қолди.

— Ачахон опамнинг ёшгина жонига раҳмингиз келсин. У ҳали умр кўриши лозим,— деб қичқирди у. Кейин отасига юзланди.— Дада, уни ўлим чангалидан асраб қолиш чорасининг борлигини билиб турибсиз! Уша ўрис жароҳни олиб келайлик, хўп денг, ахир!— У онасининг жавобини ҳам кутмай, кўча томон отилди, булар карахт бир аҳволда нима қилишларини билмай меҳмонхонада қаққайиб туришар эди...

Ҳамза кўчага отилиб чиқиб кетганида, оқ сут берган онанинг кўнглидан нималар кечаётганини билмасди. «Номаҳрам эркакнинг қўли теккунча ўлгани минг бор афзал!»— деган гапи гўё унинг бошидан кириб, бутун вужудини зирқиратиб, товонидан чиқиб кетди. У йўлда ҳовлиқиб борар экан, фикри хаёли ана шу иборада эди. «Наҳотки шундай меҳрибон, ширинсухан, ҳалимдай юмшоқ муомала одам ўз фарзандига юраги ачимаса?! Ё болалари ўлавериб дийдаси қотиб қолганми? Олти болани тупроққа қўйиш... Бу мусибатларга қандай бардош беролди экан-а? Ачахоннинг ҳам жони унинг кўзига кўринмади-ку... «номаҳрам эркакнинг қўли теккунча...» ўлимига рози бўлди унинг. Дадам-чи? У табиб, Ачахоннинг аҳволини тушуниб турибди, чораси борлигини билади, ўрис табиб уни ўлим чангалидан қутқариб қолишига ақли етади. Лекин... лекин унинг кўкрагини кесиб, иродасини боғлаб турган бир нарса бор. У — ҳалиги «номаҳрам» тушунчаси! Номус, эл-юрт олдидаги уят, шарм-ҳаё деган нарсалар шунчалик юксак тушунчаларми? «Уят ўлимдан қаттиқ», деб шунга айтар эканлар-да! Бу ерда номусга дахл қиладиган, уятга қолдирадиган ҳеч нарса йўқ-ку, ахир, ундай деганда... Ачахонни қутқариб қолиш керак, одамлар нима деса дейишаверсин...»

Ҳамза қадамини жадаллатди, назарида опасини қутқариб қолишга ишончи анча ортди, хаёлида у ўлмайдигандай туюлиб, кўнглида мустаҳкам бир илинж пайдо бўлдики, ҳозир уни «ўрис табиб»нинг ҳузурига мана шу илинж олиб кетаётганди. Аммо у шу пайтда онасининг кўнглидан нималар кечаётганини билмасди, бунга ҳалиги жиддий қилиб айтилган сўз тўсқинлик

қиларди. Иккинчи томондан эса, Ҳамза буни ўйлайдиган ҳолатда ҳам эмасди...

Она бечора... Оқ сут берган онанинг фарзандига нисбатан меҳру шафқати ўрнини босадиган нарса оламда бўлмас керак. Ҳа, унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Чунки она ўз фарзандини вояга етказгунча не не хуноблар ютади. Ниманинг, қайси жониворнинг онаси йўқ. Ун бола кўрган Жаҳон бувининг етти боласи дардга чалиниб оламдан ўтиб кетди. Етти боланинг доғи она бечорани адои тамом килган эди-ку. Энди бу кулфат бормиди унга. Наҳотки, Ачахоннинг дарди бери қарамайдиган—бедаво дард бўлса?! Ўрис табиб Ачахоннинг қорини ёрар эмиш... Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бир касофат иш... Мусулмонлар нима деиди, етти номусимиз букилиб, радди халойиқ бўламиз-ку, ахир! Тонг-ла маҳшаргоҳда худо қози бўлиб сўроққа тутса, қандок жавоб қиламиз. Дўзахнинг оловдан яралган илонлари ноқобил ўғил билан гуноҳкор кизга сут берган Жаҳон бувининг кўкракларидан тишлаб, жаҳаннам оташи қаърига тортмайдими?!

Мана шу хилдаги қўрқинчли хаёлга ғарқ бўлиб қотиб турган Жаҳон бувининг кўзлари ногоҳ ранг-баранг идишлардаги дори-дармонларга тушди: «Заҳармарг», «Заҳри қотил», «Сурги», «Малҳам», «Ҳап дори» деган ёзувлар ёпиштирилган шишачаларга узоқ тикилиб қолди-да, хаёлига дафъатан бир нима келгандай, каттиқ бир сесканиб, ўзини йиғиштириб олди чамаси, нариги хонага ўтди, қозиқдан маккатуллонинг акси туширилган ипак жойнамозни олиб, киблага қаратиб, ерга солди. Ибн Ямин унинг бу ҳаракатига лоқайд, шуурсиз қараб турар, қулоғидан қизининг чиғириқдай буралиб, оҳ-воҳ чекиши нари кетмасди. Жаҳон буви жойнамозни ерга тўшаб, қазо бўлган пешин намозини узоқ ўкиди. Ниҳоят, ўнгу сўлга қараб салом бергач, дуога қўл очиб, паст овозда деди:

— Худоё худовандо, пока парвардигоро, Аҳадо Самадо вожибулмавжудо, якка ва ягоналигинг, раҳим ва раҳмонлигинг ҳаққи, мендек бир балокаш гуноҳкор ожиза бандангдан марҳаматингни дариг тутмагайсан — Ачахонга дард бердинг, энди унинг бу дардига ўзинг шифо комил бергайсан, токи унинг пок танига номаҳрам эркакнинг қўли тегмагай. Ўзинг кўриб турганингдек, мен бир дили пора, ғариб, бенаво ожиза онаман, ўғлим Ҳамзага ўзинг инсофи тавфиқ бер, унинг имон-эътиқодини шайтони лаъиннинг шарридан

омон сақла. Ё бўлмаса, аввало, мендан, сўнгра кўзимнинг оқу қораси, бахтисийёҳ қизим Ачахондан ўзинг берган омонатингни ол!— деб юзига фотиҳа тортди-ю, кўзларидан дувиллаб тўкилиб кетган ёшларини дока рўмолининг учи билан артди.

Жаҳон бувининг гўё ҳуши ўзида эмас эди, у шу топда оламдаги барча нарсани унутиб, йўқликдан нажот изларди, қизига шифо ахтарарди...

Ибн Ямин ўлим билан олишиб, ўзи билан ўзи овора бўлиб ётган кизи Ачахоннинг ёнига кириб кетди...

Ҳамза шу кетганича намозшомга яқин бир рус доктор билан рус аёлни (у медицина ҳамшираси Аксинья эди) бошлаб кириб келди. Уларни меҳмонхонага олиб кирди. Улар дарҳол беморни сўрашди. Буралиб ётган Ачахонни уларга кўрсатишди. Жаҳон буви бошлиқ аёллар ўзларини четга олишди. Доктор юзига парда тутиб қўйилган Ачахоннинг қаери оғриши, қачондан буюн шу аҳволда ётганини, хуллас, касаллик белгилари билан қизиқди. Ибн Ямин Ҳамзанинг кўмагида унинг саволларига батафсил жавоб берди, ўзининг тахминини ҳам айтди. Доктор диққат билан қулоқ солиб турди-да, «ҳм» деб қўйди. Кейин Ҳамзага тушунтирди, Ибн Яминнинг тахмини тўғри эканлигини тасдиқлади.

— Операция қилишдан бошқа илож йўқ, бошқа ҳеч қақдай дори-дармон ёрдам беролмайди!— деб, бунини ота-онасига тушунтиришини, беморнинг розилигини сўрашни уқдирди. Ҳамза унинг айтганини дарҳол амалга оширди. Отаси «ҳа» ҳам, «йўқ» ҳам демай, бўйинини эгиб тураверди, онаси дод солди. Унинг овозини эшитиб, кўни-қўшнилари йиғила бошлашди. Вақтни бой бериш мумкин эмасди. Врач яна фурсатни ўтказмаслигини таъкидлади. Ҳамза отасига қаради. У ноилож ижозат берди. Кўп ўйлади, ҳар хил хаёлларга борди, кўзи олдида қизининг жасади солинган тобут лопиллаб кўриниб кетди-ю, икки кафти билан кўзларини яшириб, «майли» деди.

Ачахонни олиб чиқиб, меҳмонхона ўртасига қўйилган узун хонтахта устига ётқизишди. Хона ичи, хонадонда бор барча чироқлар ёқилиб, кўнгилдагидек ёритилди. Ибн Ямин билан Ҳамза жарроҳга керакли нарсалар келтириб бериб туришди. Иссиқ сув, сочиқ, совун муҳайё қилиб қўйилди.

Ачахон ўжарлик қилиб, ҳадеб бир иборани такрорларди:

— Йўқ, йўқ! Улганим яхши бундан кўра!

Ибн Ямин қизига тасалли берди, унга насиҳат қилди, қаршилик кўрсатмаслигини тайинлади, худо хоҳласа кўрмагандек бўлиб кетасан, деб ялинди. Ачахон унга умид билан мўлтиллаб қараб турди-да, ниҳоят, розилигини сукут билан ифодалади...

Эрталабки нонуштадан кейин доктор билан Аксинья кетиш тараддудига тушиб қолишди. Доктор Ибн Яминга баъзи кўрсатмаларни берди.

— Раҳмат,— деди Ибн Ямин докторнинг қўлини кки қўллаб қисиб, азбаройи миннатдорлигидан.— Қивимнинг жонини, аввало худо, қолаверса, сиз асраб олдингиз. Нима ниятингиз бўлса, бекамикўст етинг. Ўмрингиздан барака топинг...

Ачахоннинг тинч, осуда кўзларидан миннатдорлик туйғуси баралла порлаб турарди.

Ибн Ямин доктор билан ҳамширани эшикка кузатиб чиққанида ташқарида бир тўда кишига кўзи тушди. Улар ғалати қараб туришарди. Уларни кўриб жарроқ бир муддат шошиб қолди, чунки бу одамларнинг қон-талашган кўзлари унга қадалганди. У Ибн Яминни туртиб қўйди.

— Буларнинг авзойи совуқ-ку, табиб!— деди у ўзини бардам тутишга тиришиб, Ибн Ямин у нимага ишора қилаётганини тушуниб, тасалли берди.

— Хавотир олманг, булар бизга зиён-заҳмат етказолмайдилар,— деди ифтихор билан.— Мен булардан кўпчилигини ўлимдан асраб қолганман-а!

— Ҳай, майли, айтганингиз келсин. Сизни худонинг паноҳига топшираман,— деди доктор кулиб. Унинг мовий кўзлари ҳам кулиб турарди.— Қани, Аксинья, кетдик.

Улар тўда ичидан сиқилиб чиқиб кета бошлашди. Шу пайт оломон ичидан чувринди гадо кийимидаги бир одам, гўё уни биров бўғизлаётгандек, жон ҳолатда бўкириб юборди:

— Мусулмонлар! Мана бу ғайридинларни кўриб қўйинглар! Булар Ибн Яминнинг қизига мурдор қўллари теккизиб, имонини ўғирладилар. Бунақа, худонинг иродасига бўйсунмайдиган шаккоклардан ҳазар қилинглар!

Оломон ўртасида ғовур кўтарилди, паранжили гавдалар ҳаракатга келиб, ўзларини четга урдилар, эркаклар бўлса, уларга еб юборгудай бўлиб хўмрайиб қаратарди. Ҳамза уларнинг орасини ёриб, докторларга йўлчиб борарди, бу воқеани эшитиб келган темирчи Бў-

ронбой дўстига ёрдамлашар эди. Қаердандир Умар полвон билан Маҳмуд тараша етиб келди. Улар учовлашиб, докторларни оломон ичидан омон-эсон олиб чиқиб, кўчанинг муюлишигача кузатиб қўйишди.

— Бораверинглар, бу ёғига сизларга ҳеч ким дахл қилмайди!— деди Ҳамза докторлар билан хайрлашиб.— Булар бир муддат чувирлашиб, тинчиб қолишади.

— Мен сизларни уйлариңизга кузатиб қўяман,— деди Бўронбой эътироз билдириб.— Бўлмаса, кўнглим тинчимайди.

Уларни уйда Аксиньянинг тоғаси Степан кутиб олди. Степан Соколов уларни кўриб, севиниб кетди.

— Келдиларингми, кутавериб тун бўйи мижду қақмай чиқдим. Нега шунча қолиб кетдиларингиз, ҳар хил хаёлларга бориб, ҳайрон бўлиб тургандим.— У Бўронбойга миннатдорчилик билдириб, Ҳамза опасининг соғлигини сўради. Бўронбой бор воқеани батафсил гапириб берди.

— У ерда қарасам, оломон буларга хуруж қилади-ган, тагин битта-яримтаси жиннилик қилиб, уларга зиён етказиб юрмасин, деб кузатиб келдим,— деди Бўронбой Степанга маънодор қилиб қараб. Аксинья гапга аралашди:

— Ҳаммаси бақиради, кўзлари косасидан чиқиб кетган.

Бўронбой Степанга Ҳамзанинг олдига бориб унинг ёнида туриши кераклигини айтиб, орқасига қайтиб кетди.

Ибн Яминнинг уйи ташқарисида тўпланган тўда ҳамон тарқалмаган, ҳалиги девона жазавага тушиб бақириб, сермўй кўкрагига муштлаб оғзидан кўпик сочарди.

— Халойиқ, ҳақим-табибни шайтон йўлдан оздирди. Энди мўминлар бу чўқинди кофирдан ҳазар қилдилар, беморлар унинг даргоҳига шифо тилаб келсалар, гуноҳга ботадилар. Дин пешволари буларни сазойи қилишга фатво берадилар ҳали.

Ҳамза унинг гапларига чидолмади, одамлар орасини ёриб бориб, ёқасига ёпишди.

— Сени бу ерга ким ёллаб юборди? Одамларнинг қулогини қоқиб қўлига бердинг-ку, ноинсоф! Осмон узилиб ерга тушгандек дод-вой қиласан?!— У ўзини тутолмай девонани силтаб юборди.— Кет бу ердан, акс ҳолда ўзингга ёмон бўлади. Э, ўша сени гижгижлаб бу

ерга юборганлар билан қўшмовзор бўлгур. Бировни биров ўлимдан сақлаб қолса-ю, бу қаёқдаги гапларни қўзгаб бақариб-чақиради!

У ҳансира эди. Девона Ҳамзанинг важоҳатидан қўрқиб жим бўлгач, Ҳамза одамларга юзланди.

— Кўздай қўшниллар, қиёмат кун қўшнидан, деган. Айтинглар, отам сизларга нима ёмонлик қилганлар? Ахир у киши касалингизни даволаганлар-ку. Бу девонанинг гапларига қулоқ солманглар. Ким ўз фарзандини кўра била туриб ўлим чағталига топшириб қараб тура олади. Қўлидан келган барча чорани кўради-ку, ахир. У киши ўз қизларининг ҳаётини сақлаб қолишлари лозим эди. Аввало худо, қолаверса дўхтир сақлаб қолдилар. У энди умр кўради.

Оломон Ҳамзанинг мантиқли гапларини эшитиб жим бўлиб қолди. Баъзилар ўз хулқларидан уялиб, кўзларини олиб қочинди. Оломон сийраклаша бошладди. Бироқ шу пайт қаердандир пайдо бўлиб қолган битта чўлоқ нотаниш одам йиғилганларнинг кўнглига қутқу солмоқчи бўлиб, қичқирди:

— Одамлар, бу нима деган гап, чумолидек хоксор девонани дўппослади-я, анави кофир!

Унга иккинчи бир овоз қўшилиб, қувватлашга тушди.

— Мўминлар, нега қараб турибсизлар, бу шайтон-бачча битта авлиё одамни бекордан-бекорга ўлдириб кета берадими?

Энди тарқалаётган оломон тўхтади. Ерда энкайиб ётган девонага қаради. У худди шу фурсатни кутиб ётарди — оғзидан кўпик чиқариб, кўзлари олайиб, чўзилиб ётиб олди. Сулайиб ётган девонани кўриб, оломон яна жунбишга келди. Ҳамзанинг устига бостириб кела бошлашди. У жонҳолатда отасига қараб қичқирди:

— Ота, эшикни занжирлаб олинг!

Ибн Ямин эшикни тарақлатиб ёпиб, занжирини солди. Бу аҳволни кўриб эси оғиб турган Жаҳон буви ҳушидан кетиб, ҳовлининг бир бурчагига йиқилиб тушди. Эшик томон ёпирилиб келаётган одамлар Ҳамзани ушлаб олиб, ерга йиқитишди, бир неча қўл унинг тепасида ўйнай бошлади.

Шу пайт «Тўхта!» деган овоз гулдиради.

— Тўхта!

Девор тагида Степан Соколов қўлида ялтироқ нарсани ҳавола қилиб турарди.

— Қимирлама!— у қўлидаги нарсани ўқталди.— Кимки бежо ҳаракат қилса — тил тортмай ўлади!— Хуруж қилаётган оломон турган жойида қотиб қолди.

У бошини силаб, пешонасига ёпирилиб тушган сочларини орқага ташлади-да, оломонга тикилди. Ерда сулайиб ётган ҳалиги девона дик этиб ўрнидан турди-да, титраб-қақшаб тупурди.

— Шайтон мана шунинг ўзи!— деди чийиллаб у Соколовни кўрсатиб.

— Мен сенга шайтон нималигини кўрсатиб қўяман, аблаҳ!— деди Соколов бир сакраб унинг олдида пайдо бўлиб.

Девона ўша заҳоти думини қисиб, жуфтакни ростлаб қолди. Оломон шундагина бу ўриснинг ёлғиз эмаслигини, Умар полвон, Маҳмуд тараша, Бўронбойлар ҳам шу ерда эканликларини билди. Улар тўрттовлашиб Ҳамзанинг тепасига бориб, уни турғизиб қўйишди.

Ун бешинчи боб

СЎНГИ УЧРАШУВ

Чорбоғ кетган тоқзор. Шох-шаббаларида яккам-дуккам тилларанг япроқлари «ана тўкиламан» деб турган дов-дарахтлар орасидан ўн икки-ўн уч кунлик ой мўралайди. Атроф жимжит, ҳамма уйқуда. Боғнинг шундоққина этагидаги бир дарахт панасида Ҳамза кимнидир кутарди. Боғ ичидан ўтадиган ариққа солинган тўғондан ошиб тушаётган сув бир меъёрда шилдирайди.

— Сиз ҳадиксираманг, мен ўзимни кўрсатмай тева-рак-атрофдан хабардор бўлиб тураман, бемалол гаплашаверинглар,— деди унинг ёнига оёқ учида битта-битта босиб келган Бўронбой.

— Айтинг-айтинг, чиқсин-да, чиқмаса, дийдор кўришиш қиёматга қолади, Бўронбой ака,— деди Ҳамза кўнгли чўкиб. Бўронбой унга далда бериб, ўзини қоронғилик ичига олди. Ҳамза тун қаърида ёлғиз қолди. Унинг юраги дуқиллаб урар, кўкрак қафасига сигмаётгандек «тўполон» қиларди. «Ҳа, мен ундан ажраб бу алдоқчи дунёда бир кун ҳам яшай олмасам керак»,— деб пичирлади ўзича, кейин тун қаърига кўз ташлаб чиқди. Ҳеч қандай шарпани сезмади. Орадан чорак соатлар чамаси ўтгач, Бўронбой ундан хабар олгани желди. Ҳамза ҳамон тун қаъридан кўзини узмасди. Бўронбой уни қўрқитиб юбормаслик ва ўзини билдириш

учун Ҳамзанинг елкасига аста қўлини ташлади. Ҳамза унга ўгирилиб бир қараб қўйди, лекин индамади. Вақт гоят имиллаб ўтарди. Ҳамза хавотирланиб, безовта бўла бошлади. Бўронбой уни юпатиш учун гап қотди:

— Ишқ дарди бедаво дард: рўй-рост гапирсам, ишқ йўлида савдойи бўлганман.

Ҳамза унга ялт этиб қаради.

— Бўронбой ака, ростини айтинг, сиз ўша яхши кўрганингизга етишганмисиз?— дея сўради у қизариб.

— Сўраб ярамни тирнаманг, Ҳамзахон. Мен тунукасос устамнинг қизига кўнгил берган эдим, исми ҳам жисмига монанд ажойиб қиз эди у. Лекин бизни бир-биримиздан жудо қилишди,— деди овози синиб Бўронбой.

— Нима сабаб бўлди?— сўради Ҳамза.

— Пул... дунё... Ҳа, ҳунарманд тунукасос-темирчининг қўли калта бўлади, Ҳамзахон. Мен учун жондан азиз бўлган ўша қизни ўзимизнинг Қўқондаги гушна бойлардан бирининг арзандасига бериб юборишди. Ҳа, иним, шунақа. Замон пулдорларники экан...

— Сиз ўз устангизнинг қизига етолмаган бўлсангиз, бу мен осилган дор жудаям баланд-ку, бу ёғи қандоқ бўларкин, ака?

— Қандоқ бўларди, яхши бўлади. Чунки қиз сизни жонидан ортиқ кўради. Ҳа-ҳа, ҳамма гап ана шунда. Албатта, мурод-мақсадга етасиз. Мен яккалик, ғариблик қилиб қолганман. Аммо сиз ёлғиз эмассиз. Ёнигизда менга ўхшаган дўстларингиз кўп. Майли, ҳали вақт бор, йўл топамиз. Умидни узишга вақт эрта. Икковингиз қаттиқ турсангиз, ҳеч ким сизларни ажратолмайди. Сиз қизнинг ўзи билан яна бир бор гаплашиб олинг.

— Нимани гаплашаман! Бўлар иш бўлган-ку! Мен унинг юзига қаролмайман энди. Қўқондан бошимни олиб чиқиб кетишдан ўзга чорам қолмаган менинг, ака!

— Ана холос. Чин ошиқнинг гапи эмас. бу. Бир кўришиб гаплашиб олинглар, деб бу ерга олиб келдим-ку, сизни ахир. Келин аянгиз аввалги кунни унинг олдига кириб, гапни бир жойга қўйиб чиққан. Чиқиши керак.

— Қўрқади... чиқмайди...

— Чиқади, ҳаммани ухлатиб чиқаман, деган экан...

Ҳамза Зубайданинг ярим тунда боққа чиқиб, у билан учрашишига кўзи етмасди. «Наҳотки дийдор кўриш охиратга қолган бўлса!» У хаёлига келган бу

Фикрдан чўчиб, эти сесканиб кетди. Шу пайт боғнинг эшиги «ғийқ» этиб очилгандек бўлди. Бўронбой Ҳамзанинг қулоғига: «Айтдим-ку, кимдир шу ёққа келяпти, дадил бўлинг, мен шу ердаман», деб пичирлади, ўзини чакалак орасига олиб, кўздан ғойиб бўлди.

Ҳамзанинг юраги қинидан чиқиб кетгудай зарб билан ура бошлади. У ҳалиги овоз келган томондан кўзини узмас, тобора қаттиқ ҳаяжонланарди. Аввалига бир қора пайдо бўлиб, этак томон яқинлашиб кела бошлади. Ана, у билан Ҳамзанинг орасида тахминан йигирма-ўттиз қадамча масофа қолди. Аёл киши. Елкасига катта шол рўмол ташлаб олган, теварак-атрофга олазарак қараб келмоқда. Ҳамза уни чўчитиб юбормаслик учун нафасини ичига ютиб, қотиб турар эди. Ана, уни таниди — Зубайда! Юраги баттар уриб кетди. Бу орада Зубайда эҳтиёткорлик билан юриб келиб, мажнунтол тагидаги супага ўтирди-да, тунга қулоқ солди. «Тиқ этган овоз йўқ. Атроф жимжит, фақат чигирткалар ҳар хил овоз чиқариб, бир-бирига жўр бўлиб, аллақандай ёқимли куй ҳосил қилар, тўғондан ошиб тушаётган сув ҳамон бир меъёрда шалдирар — булар тун сокинлигига заррача ҳам халал бермас, аксинча, уни яна қуюқлаштиргандай бўларди.

Зубайда танасида қўрқувдан пайдо бўлган титроқни босиб олди чамаси, чуқур «ух» тортиб қўйди-да, ўзи билан ўзи сўйлаша бошлади: «Уҳ... шу кунларда ичимга чироқ ёқса ҳам, дилим ёришмайди. Келмаганга ўхшайди. Аразладимикан? Отам табиб амакимни эшикдан ҳайдаб солганига хафа бўлган. У бундай хўрликка қандай чидади экан. Мана, ҳаммалари ширин уйқуда, ухламай нима ҳам қилсинлар, юракларида ғам йўқ, дард йўқ. — Зубайда отасининг тунов кунги гапларини эслаб, одамлар қаторида унга ҳам қилаётган таънаси-дан хижолат тортди. — Ҳа, у бечора бўйнида жаллоднинг пичоғи ўйнаб тургандан кейин нима ҳам қила оларди. Мени деса, жони кўзига кўринади, жонини ўйласа, яккаю ягона фарзанди — мен. Ҳа, унга ҳам осон эмас... Мен-чи, менга осонми? Отам нима бўларди? Ахир уни жаллодлар омон қўйишмайди-ку! Наҳот отамнинг ўлимига мен сабабчи бўлсам?.. Йўқ! Уни ўлдириб кетишса, икки дунёда ҳам бахтли бўлолмайман...»

Шу пайт нимадир шитирлаб кетди, Зубайданинг оғир хаёлларини тўзитиб юборди. Шарпани сезиб Зубайда сесканиб кетди:

«Ким бўлди бу? Уша. Шарманда қилма, худо!»

— Зубайдахон!— деди паст, титроқ товуш билан
Ҳамза.

Зубайда ялт этиб, овоз келган томонга қаради, юраги қаттиқ уриб кетди. Унинг назарида бутун борлиқ йўқлик сари чекинди, «ибо», «номаҳрам» деган тушунчалар бир дақиқага ўз маъносини йўқотди, Зубайда беихтиёр суратда ўзини Ҳамзанинг бағрига отди. Ҳамма нарса унутилди, еру кўк, замин у замон йўқлик қаърига бир лаҳзада сингди-кетди. Зор-интизор қалблар бир-бирини зиёрат қилиш, ташна лаблар шарбат талашиш билан банд бўлди-қолди...

Анчадан кейин қиз ўзига келиб, йигитнинг оғушидан аранг чиқиб, тўзғиган тимқора сочларини тузатди, ўзини бир четга олди-да, ҳазин, мулойим, титроқ товуш билан салом берди. Ерга тикилганича миннатдорчилик билдирди:

— Ҳамза ака! Сизга олам-олам қуллуқ...

Уёғини айтолмади, ўпкаси тўлиб, юраги тўлқинланиб кетди. Унинг шаҳло кўзларида ғам ёшларини кўрган Ҳамзанинг ҳам мижжаларига ёш қалқиб чиқди.

— Йиғламанг, Зубайдахон, ҳаммасидан хабарим бор...

— Бугун бўлмаса, эртага менинг тўйимни эмас, азамни бошлашади.— Зубайданинг томоғига бир нима келиб тиқилди-да, кўзларига қуйилиб келган ёшни дув тўкиб юборди.

— Юрак бардош беролмайди, қўйинг, йиғламанг, ўлсам-ўламанки, аммо сизни ҳеч кимга бермайман! Бир сир айтсам кўнасизми? Ота-онангизнинг андишасини қилмайсизми?— деди Ҳамза Зубайданинг бармоқларини кўзларига суртиб.

— Айтинг-чи аввал,— деди Зубайда унга тик қараб.

— Бу кулфат-азоблардан қутулиш йўли битта холос.

— Айтинг!

Гапни майдалаб ўтирадиган фурсат эмасди, Ҳамза дангалига кўчиб қўя қолди.

— Қочамиз!

— Қочамиз!— сўради Зубайда бир сапчиб тушиб. Орага оғир, эзиб юбуровчи жимлик чўкди. Зубайда яна Ҳамзанинг бағрига отилди. Ҳамза унинг ёшли кўзларидан, юзларидан, сочларидан ўпди. Бу ҳарорат, бу тиграб-қалтираш, бу айрилиқ олдидаги бўсалар қанчагача

жавом этди — иккаласи ҳам билмади. Бир маҳал Зубайда бошини шахт билан кўтариб, Ҳамзага кўзларини жовдирашиб қаради-да :

— Йўқ, мен қочолмайман!— деди шартта кесиб.

Ҳамза ундан бу жавобни кутмаганди, шунинг учун аввалига, довдирашиб қўйди уни бу гап. У Зубайдага гинали кўзларини тикди.

— Бундан чиқдики, бевафо экансиз-да, Зубайда?— деди у дағаллик билан овозини кўтариб.

Зубайдага бу савол қаттиқ ботиб, вужудини зирқиратиб юборди.

— Ҳа, бевафоман, бевафоман!— деди у яна кўз ёшлари дув тўкилиб.

— Мени севмайсизми?

— Севмайман... ёмон кўраман. Севмайман! Ёмон кўраман! Кетинг, энди, боринг!

— Кетайми? Ахир айрилиш — ўлим-ку...

— Ҳа, ўлим. Кетинг, деяпман-ку, яна нима керак сизга?! Кетинг, кетинг!..

Зубайда кўз ёшларидан бўғилиб, бошқа гапиролмади. Ҳамзанинг ҳам тилига сўз келмади.

— Хўп, кетаман!— дея олди холос у.

Зубайда яна ҳушёр тортди, назарида у кетиб қолаётгандек туюлиб, Ҳамзага: «Йўқ, кетманг», дерди-ю, додлаб ёпишди, юз-кўзларини кўксига ишқаб юм-юм йиғлади.

Шу пайт ҳовли томондан бировнинг «Аҳ, туф!» деган овози эшитилгандай бўлди, қаердадир ит ҳуриди. Зубайда ҳушини йиғиб олиб, сергакланди, «Хоҳ-нохоҳ рози бўлишдан бошқа иложим йўқ»,— деган фикр дилини эзгилаб ўтди-да, боққа чиқиладиган эшик томон оёқ учида шипиллаб юриб кетди. Уни аллақандай бир соя кутиб олиб, ичкарига бошлади. Буларнинг барчасини Ҳамза дарахт орқасидан кўриб турарди. Зубайда эшикка бориб, орқасига ялт этиб қарагандай бўлди. Кейин эшикнинг гийқиллаб очилгани эшитилди, «тақ» этиб ёпилди. Ҳамзанинг юраги узилгандай, кўз олди моронгилашиб кетди. Бир маҳал қандайдир меҳрибон қўл қўлтиғидан аста кўтарди, уни боғнинг этаги томон бошлади. У шу топда нима бўлаётганини билмас, қаёққа кетаётганини ўйламас, хавф-хатарни хаёлига ҳам келтирмас — беихтиёр юриб борар эди.

— Ҳамзахон, ҳушингизни йиғинг энди,— деди Бўронбой, у ўзини ташлаб юборишидан қўрқиб кетиб.—

Ўзингизни қўлга олинг, бу аҳволда қўлга тушиб, «Ўғри»га чиқиб юрмайлик тагин!

Ҳамзанинг назарида Зубайда узоқ-узоқларга кетиб қолгандай туюлди-да, орқасига ўгирилиб, боғ эшигини томон талпинди, лекин уни Бўронбой тутиб қолди...

* * *

Ҳамза бу нохуш воқеадан кейин кўчага чиқишни тарк этиб, шу кунларда уйда қолиб кетди. Кундузлари катта уйга кириб олиб, кўкрагини захга бериб ётар, кечгача туз тотмай ўй сурар, лекин ўйининг тагига столмас эди. Вақт ярим кечадан огиб, уйдагилар донг қотиб ухлаганларида, қўлига қадрдони тамбурини оларди-да, у билан дардлашар, дилини зардобга тўлдириб юборган дарду аламларини ана шу танбури торлари орқали тўкар эди.

Мана, бугун ҳам у ярим кечада ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Осмон сатҳини ғубор босган, тўлин ой ҳарир парда ортида аста сузади. Юлдузлар ҳам хира тортган, совуқ куз шабадаси эсади. Ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит, барча уйқуда, беғам, беташвиш, у билан ҳеч кимнинг иши йўқ, у ҳовлини бир айланиб, салқин, тоза ҳаводан тўйиб нафас олди. Гулзордаги садарайҳонларни силкитиб, улар таратган хуш бўйидан ҳидлаб юрагига малҳам қилмоқчи бўлди, лекин бу ҳам кўнглини кўтармагач, уйга қайтиб кириб, танбурга ёпишди. У беихтиёр равишда, «Наво»ни черта бошлади. Осмон, хира ой, аранг милтираб кўрнган юлдузлар йўқликка чекинди, бу зулмат қаърида фақат ёлғизгина танбурнинг дардли инграшлари қолди. У бу билан гўё унинг мажруҳ руҳини аллалар, юпатар, йиғлатар, айни чоқда уни зулмат қаъридан ёруғлик оламига черлар, қандайдир нурли уфқлар ваъда қиларди.

Олпоқ тонгдек ҳаётбахш, ҳижрон аламидай аччиқ, капалак қанотидек гўзал, ажиб, сержило, ошиқлар қалбидек ёниқ, исёнкор бу садо, бу фарёд девор, том, чаман, боғотлар оша таралиб, тун бағрини тилим-тилим қилар эди...

Ота-она ва оқсоч хотинни ухлатиб қўйиб, қоронғида тусмол билан айвон зиналаридан шарпа қилмасдан тушиб, девор тагига оёқ учида келган Зубайда қороғиликка сингиб кетди. У отасининг сал шарпадан ҳадикланиб: «Ҳой, ким бор, ўғри келди», деб уйғониб кетади-

ган сдати борлигини биларди. Шунинг учун у нафасини ичига олиб, «қўшниси» Ҳамза чалаётган «Наво»ни бутун вужудини қулоқ қилиб, ўрикка суянганча тинглай бошлади.

Бу ҳазин, май сингари оловбахш оҳанрабодек жозибакор куй гўё жонига ора кирар, юрагини мижиглаб, азоб бераётган ғам-алам, дарду ҳасратларини сув қилиб, шахло кўзларидан оқизар эди. «Оқ, оқавер, ёноқларимни куйдиравер!»— деди у ичида. Бирдан янаги ҳафтада бўладиган тўйини эслади-да, хира парда орқасидан аста сузиб бораётган ойга, губорли осмон сатҳига шуурсиз тикилиб қолди. Қандайдир бир юлдуз учди. «Танбурнинг фарёдига тоқат қилолмади чоғи», деб ўйлади у. Шу пайт осмон-фалакда ёлғиз учиб келаётган бир қушнинг ҳар замонда бир «ҳақ», «ҳақ» деган овозини эшитиб, негадир унга раҳми келди. «Эй бечора ҳаққуш, минг йил учиб қидирсанг ҳам, бари бир тополмайсан уни», деган фикр ўтди хаёлидан. Бу орада «Наво» бирдан тиниб қолди. У фиғон кўтариб, ёқасини йиртиб йиғлади, бошини девор-тошларга урди, қушларни уйғотиб, арз-ҳолини айтди, чаман боғлардан мадад истади, ниҳоят, толиқди, ҳолдан тойиб тинди. Бутун оламини оғир сукунат яна ўз ҳукмига олди. Кимнингдир: «Эй осмон, бирон туйнугинг бормикан, бошимни чиқариб, бир эркин нафас олсам!»— деган бўғиқ, аламли овози эшитилгандек бўлди. Зубайда агрофига олазарақ қаради, лекин ҳеч қандай шарпани сезмади...

У ёқда Ҳамза, бу ёқда Зубайда ҳижроннинг йўқлик оламида бир-бирларининг висоллари дардида қон йиғлар эдилар.

Улар ораларида кўндаланг бўлиб турган тоғдек тўсиқлар, даҳшатли қонун, ақида, бидъат одатларни бузиб, янчиб ўта олармидилар ўша шароитда?! Замона пулдорники, томоша ғаддорники экан, Зубайда бу ноҳақликдан ўлиб қутулишдан бўлақ йўл тополмади, тақдирига тан бериб, «Хайр, устоз, хайр меҳрибоним, мени унутманг, қошимга тез-тез келиб, танбурни қон-қон йиғлатиб, манзилимни обод қилиб тургайсиз», дейишдан бўлақ чораси қолмади. У шу хаёл билан гўё узоқ вақт дард тортган хаста одамдек бемажол бир аҳволда тиззалари букилиб-букилиб, ўрнига аранг қайтиб кириб ётди, ётди-ю, ёш тўкавери қуриб қолган йирик кўзлари хонанинг шифтига беҳис тикилганича уйқуга кетди.

АЗАГА АЙЛАНГАН ТЎЙ

Чўғдай ёниб турган кенггина уйнинг тахмонига каштали духоба рўжа тортилиб, куёв-келин учун чимилдиқ ясалган. Мастура яллачининг «ёр-ёри» шокилалари чирмандасининг гиж-банги бир маҳаллага эшитилади. Қўғирчоққа ўхшаган раққоса ўртада юз мақомга йўргалайди. Дастурхончи кайвони узун бир мато билан белини боғлаб олган, йигирма қават қилиб солинган бажмал, шойи кўрпачалар устига ётиб олиб, шўх бир жувоннинг қўлидан тортиб кўрпага босиб, «туғди-туғди» расмини қилиб, хотин-қизларни кулдирарди.

Куёвнавкарлар ташқарида «Ёр-ёр» айтиб, Содиқжон бойваччани ўртага олишиб, ясатуғлик уйга олиб киришди. Хотин-қизлар жим бўлиб, ўзларини панага олишди. Янгалар куёвнавкарларни «бир нима» бериб рози қилишгач, «куёв тўра»ни гўшанга томонга етаклаб кетишди. Бир фурсатдан сўнг эшиқдан келинни олиб киришди. Куёв томон билан келин томон тортишмачоқ бошлашди. Кимдир қийқирди, кимдир қичқирди, қий-чув қилишиб, уйни бир муддат бошларига кўтаришди. Охирида куёв томон «зўр» чиқиб, келин куёв томонидан гўшангага опқочиб кетилди. Уй ичи бирдан сув қуйгандек жимиб қолди.

Содиқжон бойвачча аввалига чимилдиқда ялпайиб жим ўтирди, сўнг бирдан келинга паст, қовжираган овоз билан гап қотди:

— Қани, жонгинам, сал юзингизни очинг, ҳа, майли, ўзим,— деди-ю, юзидаги оқ парданинг бир чеккасини кўтарди, назарида уй ёришиб кетгандай бўлди. «Бахтинг бор экан, Содиқжон, уч хотининг бўлгани билан гадо эдинг, мана бунини давлат деса бўлади, ана ҳусн, ана малоҳат! Шоир Ҳамза бунга бежиз ошиқ-шайдо бўлмаган экан. Отангга раҳмат, Олчинбек, тузимни оқладинг. Сен ҳақ экансан», деди бой фикран.

Зубайдани чиндан ҳам қўғирчоқдек қилиб ясатишган эди, қулоқларида олтин болдоқлар, бармоқларида гавҳар кўзли тилла узуклар, кўкрагида қатор ёқутлар ўрнатилган зебигардон, нафис ишланган тиллақош, бурнида тилла булоқи, эгнида атлас кўйлак, кимҳў нимча. Кўзига тортилган сурма, қўлларида ёнган хина бир ҳуснига ўн ҳусн қўшган эди.

Содиқжон бойвачча кифтига омонатгина ташлаб

олган енгил зарбоф чопонини Мастура яллачига уза-тиб, унга: «Чиқинг ўзим!»— деган маънода ишора қилди-да, қизнинг ёнига яна ҳам яқинроқ сурилиб ўтириб:— Бу ҳовлига келганингиздан хафа эмасми-сиз?— деди сурбетлик билан. Келиндан жавоб бўлма-гач, шилқимликка ўтди.— Нега гапирмайсиз? Мендан уялманг, қўрқманг, мен ҳам сизга ўхшаган худонинг бир бандаси, тасаддуқ, яқинроқ келинг... қўлингизни беринг-а...

Зубайда жим... Ҳеч нарсани эшитмасди.

— Ҳа, майли, ўзим ола қолай.— У Зубайданинг кичкина, ширингина қўлини аста ушлаб, ўзига тортди.— Ҳар куни юз марта кўзимга суртсам арзийдиган қўл экан,— у қайлиғининг қўлини силаб туриб, жу-жунча камзулининг чўнтагидан бир қутичани олиб очди.— Фарангдан олдириб келдим, гавҳар кўзли олтин билагузук. Шу табаррук кечанинг хотираси учун.— Бой билагузукни қизнинг чап билагига тақиб қўйди. Зубайда яна чурқ этмади.

— Қани, мана бу дастурхонга қаранг. Ҳа, менга хотин бўлдингиз, энди асти кам бўлмайсиз. Баҳоси минг сўлкавой турадиган билагузукка қуллуқ ҳам демадингиз. Ҳа, майли, мен ўпка қилмайман. Энди бахтга ботасиз. Беваж урмайман, сўкмайман. Агар сизни бир чертсам, сўксам, имоми аъзам, кўфи, сўфи раҳматуллоҳи алайҳа мазҳабларида сазовори жазо бўлай, тасаддуқ!

Зубайда яна жим, ўз ўйи билан бўлиб ўтирарди. Содиқжон бойвачча ўйлаб қолди:

«Нима бало, бу лаънати Олчинбек менга соқов қиз топганми. Аравадан кўтариб олдим индамади, чимилдиққа кўтариб олиб кирдим, тархашлик қилмади. Ёки дарди бормикин... Ипакдай эшилиб бўйнимга осилиш ўрнига, без бўлиб ўтирибди...»

У яна бир уриниб кўришга жазм қилди.

— Сизни ғазал ёзадиган отинча дейишган эди-ку. Яқинроқ келиб, бундоқ очилиб кулиб ўтиринг. Мендан уялманг.

Зубайда яна миқ этмай ўтираверди. Тоқати тоқ бўлган бойвачча қўлини юбориб, Зубайданинг юзидан пардани юлқиб олди-ю, белидан қучиб, бағрига тортди, юзини юзига қўйди. Ана шундагина ҳушёр тортиб, кўзи чарақлаб очилган Зубайда бор кучини йиғиб, икки қўлини бойваччанинг кўкрагига тираб олди. Уни ўзига яқинлаштиради.

— Мени қийнаманг, — деди қовжираган, эҳтиросли товуш билан бойвачча.

Ниҳоят, Зубайда тилга кирди:

— Йўқ!

— Қўлингизни тортинг!

— Йўқ, тегманг! Қўйинг!

— Бугунча ўлтирсангиз бас!

— Йўқ!

— Лабларингиздан бол томади, ёниб турган оловсиз. Мен қирқ беш йил яшаб, шунча жононларнинг васлига етиб, сиздақангисини энди кўряпман. Сиз менга хотингина эмас, маликасиз. Вир оғиз айтинг, эртагаёқ ҳамма хотинларимни «уч талоқ» қўяман, бу дунёда менга сиздан бошқа ҳеч ким керак эмас! Мол-давлатимнинг ҳаммаси, ҳаммасини сизга хат қилиб бераман! Қўлингиз бўлай, қўлингиз! Юрак-бағрим эзилиб кетди. Бир ўпай!

— Йўқ асло!..

— Менга кўнгилсизмисиз?

— Ҳа!

— Менга эримайсизми?

— Асло!

— Мен шаръий эрингизман!

— Йўқ, мени зўрлаб сизга беришди.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Бу одат... минг-минг йиллардан бери шундай бўлиб келган. Бу расм-одатга аёл зоти борки, рози бўлмай иложи йўқ!

— Мен рози бўлмайман!

— Ажабо, қизиқсиз. Сизни, отангизга ўн минг тилло нақд қалин пули бериб, сотиб олганман. Бутун Туркистондан меҳмонлар чақириб, тўй қилиб олганман.

— Тўй меники эмас, сизники.

— Бўлмаса сиз менга хотин бўлмай, ўйнашмисиз? Хўш, бўйнингиздаги мана бу шода марваридлар, қулоқларингиздаги мана бу олтин исирғалар, устингиздаги шойи-атласларни отангиз ўз пулига олиб берганми? Ҳаммасини кийиб, зебу зийнатларни тақиб олибсиз-ку, тасаддуқ.

— Зўр билан кийдиришди, ўзингиз билагузукни тақиб қўйдингиз.

— Ахир, билагузук сизники!

— Меники эмас!

— Ҳали ҳам ўша кофир Ҳамзани ўйлайсизми?

— ...

— Мен эрингизман. Никоҳлаб олганман. Сизни ўлдиришгача шариат менга ҳуқуқ берган.

— Тайёрман! — нафрат билан чақчайди Зубайда.

— Заифа деган нарса эрнинг хасми бўлади. Сиз бундан буёқ менинг измимда бўласиз. Мендан беизн ҳеч иш тутмайсиз.

Зубайда бошини элаб, «йўқ», ишорасини билдирди.

— Ошиқлик — шармандалик, дейдилар. Шарманда бўлишдан қўрқмайсизми? Хаёлингизда ҳали ҳам ўша Ҳамзами? Мен тирикман-ку.

— Йўқ, мен учун эмас.

— Сиз-чи?..

— Мен аллақачон ўлганман. Қуруқ жасадим қолган...

— Майли, қуруқ жасадга ҳам борман, — деди Содиқжон бойвачча яна ёпишиб.

— Бас! Ҳаром қилманг мени! — деб қичқирди Зубайда.

«Ҳаром қилманг!» сўзи бойнинг миясини гўё пармалаб ўтгандай бўлди.

— Мен ҳозир сен урғочи иблисни тилка-порангни чиқараман.

— Мана! — Зубайда шарт ёқасини йиртиб, кўксини кўрсатди. Барча марварид маржонлари узилиб, тўкилиб ерга тушди.

— Йўқ-йўқ! Менга улуғворлик сотма, қитиқ-парингни ўлдириб, ром қилиб олишга қурбим етади, бузуқ, манжалақи! Ана ўшанда сендаги кеккайиш, манманлик, димоғ — ҳамма-ҳаммаси ер билан яксон бўлади... Хўш, ўз ихтиёринг билан келиб бўйнимга қўл соласанми, йўқми?!

— Йўқ, қўлимнинг сингани яхши! — деб ғазабидан ёнган кўзларини бойга қадади Зубайда. Шу чоққача пичирлаб гапираётган бой даҳлиздан келаётган гўнғир-гўнғир овозлар томон айиқдек ўкирди:

— Ҳой, ялмоғиз шармандалар, ҳамманг йўқол! Нимани пойлаб ётибсанлар! Кўзимга кўринма! — дея даҳлизга ўтди, чарчаб, тўнқайиб ухлаб ётган хотинларни тешиб турғизди. — Ҳой, Олчинбек! Қайдасан, лаънати!.. Дарвозага тамба солинглар. Ҳеч кимни қўймаглар! Узинг ҳам йўқол! — деди ҳансираб. У ташқарига чиқиб ўзини меҳмонхонага урди. Ҳирс билан лов-лов ёнган бой қизни зўрлаб бўлса ҳам муродига етиш учун бир пиёла коньякни кўзини чирт юмиб сипқорди. Газагига

яхна гўшт еб, анча дадилланди. Иккинчи пиёлаи ҳам кўтарди.

— Зубайдахон!— деди пайтдан фойдаланиб ўзини гўшанганинг ичига олган Шаҳзода. Унинг кўзлари қонга тўлган эди.

— Сиз ким? Шаҳзодахон ая! Қани ваъдангиз? Ваъдангизда тулинг, аяча! Қутқаринг!

— Менинг ҳам бошимдан ўтган бу кулфатлар. Сизга ёрдамга келдим, ойимқиз. Хўп десангиз, бу аждаҳо бойнинг қўлидан сизни қутқариб савоб топмоқчиман.

— Оҳ, раҳмдил, шафқатли инсон ҳам бор экан-ку бу дунёда!— Зубайда ўзини Шаҳзоданинг оёқларига ташлади.

— Жим! Секин! Эшитади! Ёлғиз битта йўл бор!

— Қочишми?!

— Йўқ, дарвоза такатақ беркитилган, қочмоқнинг ҳеч иложи йўқ! Ҳали-замон ёнингизга айиқдек ўкириб бойвачча киради. Унинг одатини биламан. У ташқарида меҳмонхонада арақ-шарақ ичяпти. Маст бўлиб ёнингизга киради-ю, сизни зўрлаб, гижимлаб ташлайди.

— Жон аяча! Мен бенавога шафқат қилинг. Қутқаринг, ёрдам беринг.

— Ёлғиз бир йўл бор!..

— Қанақа йўл?!

— Ўлим!— деди унинг кўзига қадалиб Шаҳзода. Уртага оғир жимлик чўкди. Анчадан кейин қатъий қилиб:— Ё ўлмоқ, ё тақдирга тан бермоқдан бўлак чора йўқ!

— Шу йиринг босган, фитна-фасод уясида яшагандан кўра, ўлим афзал!— деди шивирлаб Зубайда.— Лекин қандоқ? Йўл кўрсатинг. Ахир ҳеч нима йўқ, ҳам-на нарса яширилган.

— Мана, олинг,— деб камзулининг чўнтакчасидан кичкина шиша чиқариб Зубайдага узатди Шаҳзода. Зубайда шишани шарт олиб, бағрига босди.

— Раҳмат, худо ёрлақасин сизни. Дунё тургунча тулинг, асти ғам кўрманг. Мендай бу дунёдан қон ютиб, армон билан чапак чалиб ўтманг. Биттагина илтимос. Ҳамзахон деган шоир бор, шунга ва онамга саломимни етказсангиз. Улар мен шўринг қурғурнинг гуноҳидан ўтсинлар. Дийдор охиратга қолди, хайр, аяча,— деди-ю, йиғлаб-йиғлаб Шаҳзоданинг икки юзидан чўлп-чўлп ўпди Зубайда. Ташқаридан шарпа эшитилди. Шаҳзодахон гўшангадан секин чиқиб кетди. Буни маст-аласт

бўлиб уйга кириб келаётган Содиқжон бойвачча ногоҳ кўриб қолди.

— Йўқол! Гўшангада сен нима қилиб юрибсан, оч арвоҳ!— деди у ташқарида дағдаға қилиб. Бир фурсатдан сўнг у чимилдиққа пишқириб келди, гўшанганинг бир чеккасини кўтарди, кўтарди-ю, ўзини орқага ташлади. Зубайда лабида табассум, ерда жонсиз чўзилиб ётарди.

— Ҳой, мингбошининг ҳаромидан бўлган қизи, қанисан, бу ёққа кел!— ўшқирди бойвачча.

— Мунча бақирмасангиз... Мана мен,— дея ҳеч нарса кўрмагандай кириб келди Шаҳзода.

— Тўхта шу ерда!— деб уй эшигини бойвачча зич ёпиб олди. Ташқаридагилар ҳайрон, оёқ учида юриб, шивир-шивир қилиб гаплашишар, ҳеч ким ҳеч нарса билмас, уйга киришга эса, юраклари бетламасди.

Бойвачча уйнинг бурчагида кеккайиб, кўзлари ёниб турган Шаҳзодахонга яқин бориб, илондек вишиллаб ундан сўради:

— Бу сенинг ишингми?

— Ҳа, менинг ишим!— деди Шаҳзода бепарволик билан.

— Сен ўлдирдингми?

— Ҳа, мен ўлдирдим!

— Нега? Сабаби? Бадбахт!— деди-ю, бош-кўзи аралаш мушт урди. Шаҳзода чирпирак бўлиб йиқилди, бурнидан қон кетди. Бойвачча уни ёқасидан тутиб деворга суяб қорнига тепди.— Нега ўлдирдинг, манжа-лаки?

— Сизни қизғониб...— Шаҳзода икки қўли билан қорнини ушлаб букилди-қолди.

— Мени севасанми?

— Се-ва-ман... Оҳ, шундай севаманки! Севиш умрдан азиз, ўлимдан кучли экан...

— Бу гапни сен кимдан ўргандинг?..

— Зубайдадан...

— Ҳм... Зубайдадан... Энди кундошинг билан қўш-мозор бўларкансан-да?..

— Пешонамдан кўрдим!

— Менинг ғазабимдан қўрқмадинг, ёш жонингга раҳм қилмадингми?

— Пешонамга ёзилганини кўраман.

— Пешонамга ёзилганини биласанми, ғар!

— Йўқ!

— Билмасанг билиб қўй. Даставвал, ўзим совға

қилган олтин исирғаларингни қулоқларинг билан қўшиб узиб оламан. Мана бундоқ,— деди-ю, бойвачча хотинининг икки қулоғига чанг солди. Шаҳзодаҳон жойидан тебранмади.— Мана бу шоҳи кўйлак, кимҳоб камзулларни парча-парча қиламан-у, кўксингга ханжар тикаман. Бу илон тилли ханжарнинг захрини кўриб қўй,— деб бой унинг кўз олдида ханжарни ўйнатди.

— Мана, санчинг, ўлдириг!— деди Шаҳзодаҳон кўйлагини шартта йиртиб, кўкрагини тутиб. Ханжарнинг тиғи унинг оппоқ сийнасини бир неча бор ялаб ўтди. Лекин Шаҳзодаҳон эрига кўзларини ўқдек қадаб, тантанавор қараб тураверди. Бир зарб бўлса тамом. Лекин Шаҳзоданинг гўзаллиги, унинг оппоқ бадани, мардлиги, муҳаббати ҳақида айтган сўзлари устун келди-ю, Содиқжон бойвачча ханжарни ирғитиб, гўшангада ётган жонсиз Зубайдани ҳам унутиб, Шаҳзоданинг кўйлагини йиртиб ташлади, товар пешматини бир томонга ирғитди-да, унинг паришон сочларидан ғижимлаб, бир қўли билан кўксига чанг солди, даст кўтариб келиб, келинчакка аталган қат-қат кўрпачалар устига ташлади, икки қўли билан унинг оппоқ бўғзига ёпишди, телбаланиб шарт бўғиб ташламоқчи ҳам бўлди, лекин унинг ҳамон тантанавор қадалиб турган кўзларига бардош беролмай яна бир коса коньякни сипқорди. Қўллари бўшашиб, уни ўпа бошлади, ташна лаблари ҳақиқдек лабларга ёпишди. Орадан бир муддат ўтгач, бойвачча данг қотиб учиб қолди. Уст-боши вайрон, юз-қўллари қон, кўкрак, томоқлари тишланган, тирналган, сочлари тўзғиб кетган Шаҳзодаҳон тонготарга яқин эшикни «ғит» этказиб очиб ҳовлига чиқиб, бўлиб ўтган даҳшатли ҳодисадан уйдагиларни хабардор қилди.

Содиқжон бойваччанинг ҳовлиси бирпасда талатўт бўлиб қолди. Зубайда ерда ётарди. Юзлари кўкариб кетган, сочлари паришон, бурнидан бир қатра қон чиқиб лабига тушар-тушмас қотиб қолган. Худди маст уйқуда ётгандек ётар, ҳеч кимса унинг тепасига боришга журъат қилолмасди.

Ҳамма ҳайрон, нима ҳодиса юз бергани уларнинг онгига етиб бормаган. Ҳар қалай, қандайдир хунук хабарни эшитишган-у, суриштириб ўтиришга ҳам сабрлари чидамай, бойнинг ҳовлисига югураверишганди.

Бирдан оломон орасини ёриб, Ҳамза олдинга ташланди. У Зубайданинг тепасига борди, унга қўлини теккизиб, бир нима деб чақирди. Кимдир ўпкасини тутол

май, пиқиллаб йиглаб юборди, кимдир «номаҳрам!» деб тишини гижирлатди, яна кимдир Ҳамзани жасад тепасидан четга олиб чиқишга интилди. Бироқ, у атрофида нималар бўлаётганига мутлақо бефарқ — қулоғига ҳеч қандай гап, ҳатто овоз кирмас, кўзига ҳеч ким, ҳеч нарса кўринмас эди. Унинг кўз олдида чўзилиб ётган Зубайданинг жасади эласланиб кўринарди. Назарида Зубайда туман ичидан чиқиб келаётгандек, тобора равшан кўрина бошлади, унга интилиб, пешвоз чиқмоқчи бўлди, оёғи иродасига бўйсунмади, гапиришга оғиз жуфтлади — тили калимага келмади, уни кимдир маҳкам ушлаб, турарди, лекин у буни сезмасди.

Ҳамза Зубайдага қараб тўймасди. Унинг ҳаёт асари қолмаган юзи яна хиралашди, лекин бўйни, носик, оппоқ бўйнидаги маржонини яққол кўриб турарди. Маржон шодасининг уч-тўрт қавати узилиб кетган, ўша узук шодалардан марварид доналари худди кўз ёшидай ерга томиб турарди. Ҳамза яна олдинга ташланди, лекин унинг қўлидан ушлаб турган Маҳмуд тараша билан Бўронбой ўз ихтиёрига қўйишмади:

— Узингизни қўлга олинг, дўстим,— деб тўхтатиб қолишди.

Оломон бир гувраниб қўйди, олдинга бир қадам ташлади, гўё аллақандай ногаҳоний шамол келиб, уни сал тўлқинлантириб ўтгандай бўлди. Кимдир кўзини олайтирди, кимдир муштини ҳавола қилди. Шу пайт оломоннинг орасини ёриб Аҳмадохун олдинга ўтди-да, қизининг тепасига борди. Олчинбек билан Бўронбой Ҳамзани тортқилаб, бир чеккага олиб чиқишга улгуришган эди бу вақтда.

Одамлар ҳалқаси ичидан Содиқжон бойвачча ҳам чиқиб келди-да, Ҳамза томонга бир ўқрайиб қаради, кейин Зубайдага нафратли кўзларини тикди. Яна Ҳамзага ўқрайди: «Ҳаммасига, табибнинг ўғли, сен, даҳрий сабачисан! Мана бу сочи узун, ақли калтанинг миясига бўлмағур васвасаларни сен тиқиштиргансан, лаънати! Мени Содиқжон бойвачча дейдилар. Номусимни қон билан ҳимоя қиламан. Қонингни шиннидай шимирмасам, менга она сути ҳаром бўлсин!»

Бу сўзларни у дилидан ўтказди.

Шу пайт ташқарида кимнингдир, аёл кишининг қаҳ-қаҳ отиб кулгани эшитилди. Одамлар ҳайрон бўлиб, атрофга аланглашди, бир-бирларини туртишиб, ўзаро шивир-шивир бошланди, лекин ўзича телба-тескари гапириб, кимнидир қарғаб Шаҳзодахон кириб келиши

билан ҳамма яна ҳайратдан анграйиб қолди. Бу орада Шаҳзода ваҳшиёна овоз билан ҳайқирди:

— Унга тегманглар! — деди у Зубайда томон қўлини бигиз қилиб. — Уни ўлдирган мен! Мен!.. Нима?.. Йўқ, мен эмас, ана у бой! Ҳа-ҳа, ҳа, ўша! — у югуриб Зубайданинг устига борди-да, ҳўнграб йиғлаб юборди. — Тур! Жонгинам, тура қол... Ҳо, ухлаяписизми? — Шаҳзода тошдек қотиб турган одамларга юзланди. — Сизлар айтинглар, турсин, шунча ётгани етар...

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Шаҳзода шахт билан орасига ўгирилди-да, яна Зубайданинг жасади устига энгашди.

— Тургин энди, айланиб кетай! Мен сенга дутор чашиб, ашула айтиб бераман. Кел, иккаламиз айта қоламиз. — У дутор чалаётгандек ҳаракат қилиб хиргойи қилишга тушиб кетди:

Сочларим толим-толим, майдалаб ўролмайман,
Арз қилиб бу аҳволим, ҳеч ерга боролмайман.

Бирдан афти ўзгариб, сочларини юлиб, уст-бошини йиртиб, дод солишга тушди. Бунини кўрган Содиқжон бойвачча ёнидаги аёлларга шивирлади: «Ақлдан озибди, олиб кетинглар, айтинг, кишанлаб қўйишсин. Ҳазратга ўқитиб дам солдирсак тузалиб кетар». Унинг бу гапини қаердандир етиб келиб, сал нарида турган Умар полвон эшитиб, унга бир ўқрайиб қараб қўйди. Аммо ҳозир бирор гап билан узиб олишнинг мавриди эмасди. Умар полвон шуни ўйлади-ю, шахтидан қайтди. Бу орада Шаҳзодани тўрт забардаст хотин ҳовлидан судрагандек ташқарига олиб чиқиб кетди.

Қора Қоплон эса, оломон ичидан чиқиб келиб, Ҳамзанинг ёнига ўтиб турди-да, ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ, унга ташланиб, ҳаш-паш дегунча мушти билан бош-кўзи демай уриб қора қонига беллади. Лекин Ҳамза унга на қаршилиқ кўрсатар, на «вой» деб садо чиқарарди. У шу топда ҳеч нарсани сезмас, бутун эс-ҳуши Зубайдада эди. У калтак зарбига ҳам, Қора Қоплоннинг оғзидан чиқаётган қаттиқ ҳақоратларига ҳам парво қилмай, жим тураверди. Унинг бу «беписанд»лиги Қора Қоплоннинг баттар жигига тегиб, қутуртириб юборди чамаси, бутун кучини ишга солиб, уни бир ёқлик қилиш учун қўлини ҳавола қилган эди, ногоҳ қўлини нимадир омбирдай қисиб, ҳавода муаллақ ушлаб қолди-да, то ўзига келгунича бўлмай, бир мушт уриб чалпак қилиб йиқитди. Бу — Умар полвон эди. У ерпарчин

бўлиб ётган Қора Қоплонга қараб тишини ғижирлатиб, «уриш мана бунақа бўлади», деб кўксига бир-икки тепди.

— Йўқол! Ҳозир чавақлаб ташлайман, бойнинг кўппаги! — деди у ўтлиқиб. Қора Қоплон ўзини дарҳол четга олди. Бўронбой, Маҳмуд тараша, Олчинбек Умар полвонни «шайтонга ҳай беринг», деб ушлаб қолишди. Унинг ёнига аста қадам босиб Содиқжон бойвачча борди.

— Уҳ-ҳў... Қўқондан яна бир зўравон чиқибдими? Қани, зўр бўлсанг, ўша кўппакнинг эгасини ҳам уриб кўр-чи... — деди вишиллаб.

— Бойвачча ака, азадор одамсиз. Лекин итларингизни тийиб қўйинг.

— Тиймасам нима қилардинг, полвон?

— Битта гапдан қол, Умар, аччиғингни ют, — деди Бўронбой ўртага тушиб.

— Шоирни урадимми? Шоирни-я! Мана мени урсин у номарднинг қўли қичиган бўлса.

— У шоирми? У ахлоқсиз бир кимса-ку! У беҳаё шарманда! Ахир, у шариатни оёқ ости қилиб, бировнинг хасмидаги аёлниги ўлигини ҳам ҳақорат қилди, мусулмонлар! — деди бойвачча ўртага қутқу солмоқчи бўлиб.

— Буларнинг ошиқ-маъшуқлигини бутун Қўқон аҳли билар эди, бойвачча! — дея гапга аралашди тўполон устига етиб келган шоир Убайдулла Завқий. — Фарҳод десангиз ҳам, Мажнун десангиз ҳам, Вомиқ десангиз ҳам мана шу Ҳамза эди, бойвачча. Унинг Лайлисидан, Ширинидан, Узросидан сиз жудо қилдингиз. Бу икки каптарнинг қанотларини сиз қайириб ҳалок қилдингиз. Хўш, зўравон сизми ё бу бечора, бекас, бенаво шоирми?

Содиқжон бойвачча ўзига ғазаб билан тикилган кўзлардан заҳраси учиб, этагини силтаб, бошини эгганча меҳмонхонасига кириб кетди.

Ҳамзанинг кўзлари устига қора тўн ёпиғлик жасадга беихтиёр югурди, ичидан отилиб чиққан бир тўлқин уни титратиб, руҳини емириб юборди. Урнидан туриб оломон орасини ёриб ташқари томон югурди, оломон унга беихтиёр йўл бўшатар эди. У кўчага чиқди, қаёққа бораётганини билмай, боши оққан томонга юриб кетди. Аллақандай деворлар... дарахтлар, бозор, ҳовуз... ёнидан ўтди. Бир маҳал рўпарасида минора пайдо бўлди, унга бир лаҳза маҳлиё бўлиб тикилиб қолди. Минора тепасидаги индан лайлак учиб кетди. Ҳамза унинг

ҳаракатидан ўзига келиб, уни кузатди. Лайлак хира осмон қаърига тобора кириб, узоқлашиб, кичрайиб борарди. Охири у уфқ четида бир нуқтага айланиб, оний муддат қорайиб турди-да, бирдан кўздан ғойиб бўлди... «Ҳаёт ё мамот. Бордию бахтим чопмаса, алвидо! Мен ҳеч кимга, ҳатто ўзимга ҳам керак эмасман. Аммо сиз яшайсиз, умр кўрасиз, азизим, бахтим, севганим! Ҳеч бўлмаса мен учун яшанг. Ахир сиз шоирсиз... Ҳазон бўлган муҳаббат ҳақида қўшиқлар тўқийсиз. Ана шунда мен ҳамиша ёдингизда, ёнингизда бўламан. Айтинг, яшайман денг...»

Бу сирли, титроқ овоздан юраги эзилиб, кўзлари ярақлаб очилиб кетган Ҳамза телбаланиб қаттиқ гапириб юборди:

— Йўқ! Йўқ! Мен ҳам изингдан етаман!..

Фақат шу лаҳзадагина Ҳамза қандай даҳшатли ҳодиса юз берганини тушунди. Алаmidан юзлари буришиб кетди, қалбидан отилиб чиққан юрак тўлқинини бошиш учун дўпписи билан оғзини беркитди, лекин кўз ёшлари тўсиқ билмас, маржон-маржон бўлиб, юзидан юмалар эди. Унинг оёқ-қўли мадорсизланиб, аллақандай деворга суянганича қолди.

* * *

Мачит олдига йиғилганлар орасида Степан Соколов, Аксинья ҳам бўлиб, улар сал нарироқда туришарди.

Аксинья қўрқиб кетган, кўм-кўк кўзлари жиққа ёш эди. У лаблари пичирлаб, беихтиёр чўқина бошлади.

— Агар ибодат қилгинг келаётган бўлса, уйга бор, — деди Степан. — Бу ерда мумкин эмас.

— Ҳамзани топиш керак... ундан хавотирланяпман, — деди Аксинья ҳаяжонланиб.

— Ҳозир унга ҳеч кимнинг фойдаси тегмайди, — деди Соколов. — Унинг бошига тушган мусибат ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Уни ҳозир холи қолдириш яхши. Ўз дарди ўзига етиб ортиб ётибди. Уни тинч қўй, Аксинья.

Намоз тугаб, одамлар аста тарқала бошлашди. Соколов билан Аксинья ҳам бу ерда ўзларини ноқулай сезиб, орқаларига қайтишди.

Қуёш тепага келган, оламни ўртаб юборгудек бўлиб қиздирарди. Намозга келганлар аллақачон тарқаб кетишди. Шаҳар устида кулранг чанг қимир этмай, муаллақ осилиб турибди. Шаҳар кўчалари, агар аҳён-аҳёнда у ёқ-бу ёққа ўтиб қоладиган йўловчим, бозорчим, бо-

зордан қайтган деҳқонми — ҳисобга олинмаса, бўм-бўш, ҳамма ўзини соя-салқинга урган.

Мачит деворига орқасини берганча бир одам чўн-қайиб ўтирибди. У қимир этмайди, атрофига қарамайди ҳам, кўзларини бир нуқтага тикиб олган.

Жинкўчадан бир киши чиқиб келди. Қадамини дадил босиб девор тагига бориб, ҳалиги одамнинг тепасида тўхтади-да:

— Ўрнингдан тур, йигит,— деди. У Завқий эди. Ҳамзани қўлтиғидан ушлаб насиҳат қилди:

— Мард бўл. Тур ўрнингдан, иним, кетамиз.

Ҳамза, худди яралангандай ўтирган жойидан гандираклар турди. Унинг назари ҳалиги лайлак учиб кетган минорага тушди-да, чуқур уҳ тортиб қўйди.

— Шоир ҳамма вақт шоир бўлиб қолиши керак,— деди Завқий ва давом этди: — Сен кўнгли бўш аёлларга ўжшаб бу ерда мунғайиб ўтирмай, дардингни ғазалга сол— уни ҳамма ўқисин. Бундай ўтирганинг билан ким ҳам биларди сендан ўтганини. Уни ҳаммага етиб борадиган қилиб китобларингда куйлашинг керак. Тўғри, сенга осон эмас. Лекин бўлар иш бўлган — уни асл ҳолига қайтаришнинг энди иложи йўқ.

Завқий билан Ҳамза бир кўчага бурилиб кетишди. Йўл-йўлакай Завқий давом этди:

— Елкангга оғир юк ортилган. Унда бамисоли икки кўзи тўла хуржун бор. Бир кўзида ўтмиш, бир кўзида келажак юки. Бу юкни кўтариб манзилга етиб бориш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин сен олиб боришинг керак. Чунки даъвои шоирлик шуни тақозо қилади. Шуниси ҳам борки, қадамингни дадил ташлаб, роҳи ростдан адашмай боришингда елкангдаги мана шу юк мадад берадеч...

Ун еттинчи боб

ЗАҲАРЛИ ҲАЕТ КЎЗГУСИ

Бу жудолик Ҳамзани эсанкиратиб қўйди. Ногоҳ унинг хаёлига Зубайда ўлимидан олдин айтган, афсунадоматларга тўла бир байт келди. Уни фикран такрорлади:

«Қўлимдаги ҳўш узукнинг банди бору кўзи йўқ,
Толе бор, деб айтадилар, оти бору ўзи йўқ!»

19

Бебахт Зубайда! Шу қўшиқни яхши кўрар эди. Дом шуни айтарди. Нега? Муҳаббати фожиа билан тугашини ё олдиндан билармиди? Таажжуб?

Ҳамза бу қўшиқни Зубайда шунчаки такрорламаганини фаҳмлагандек бўлди. Чунки эрк учун талпинган аксарият хотин-қизларнинг қисмати деярли шундай яқунланган... Ҳамза Зубайданинг илгари ўзига маълум бўлмаган фазилатларини бирин-кетин кашф қилаверди, дастлаб уни камёб ҳусни, ажиб қилиқлари, бийрон тили, янгроқ овозини биринчи ўринга қўйиб, яхши кўриб қолганлигидан хижолат тортди. Демак, у сиртдан ҳуснига қанчалик бой бўлса, маънавий жиҳатдан ҳам шунча бой экан-ку! «Толе бор, деб айтадилар, оти бору ўзи йўқ!» Эҳ аттанг! Тақдир эмиш! Бундай тақдирга минг марта ўт тушгани афзал эмасми?! Шундоқ оқила қиздан жудо бўлганим рост бўлиб чиқдимми?! Ишқилиб, узук кимнинг қўлида бўлса, Сулаймон ўша экан бу замонда.— У чуқур хўрсиниб қўйди. Ўзининг бундан бунёнги ҳаёти Зубайдасиз жуда бемаъни бўлиб туюлиб кетди. Унга ҳозир еру кўк, ою қуёш, ҳаёту ўлим, яхшилигу ёмонлик, дўсту душман, ғаму шодлик, баҳору ёз, йиғию кулги — ҳамма-ҳаммасининг аҳамияти қолмади. У ўйлаб-ўйлаб бир фикрга келди шекилли, анча енгил тортди: — Ҳаҳ, шунчалик осон гап экан-а... — деб илжайиб қўйди. — Битта пичоқ, бир сиртмоқ ёки бир ютумгина аччиқ шарбат... Бир зумда бу аламлардан биратўласига қутуласан киши!..»

Ҳамзанинг руҳий олами ларзага келиб, қаттиқ бетобланиб, ота-она, қавм-қариндошларни ташвишга солди. У кундан-кунга ранги синиқиб, ёноқларидан руҳ қочди, ичига ботган кўзлари киртайиб, кўз ости қорайди. Овқатдан ҳам қолиб, ҳеч ким билан гаплашмай ётиб олди. Бошини ёстиқдан сал кўтарди, олам чирпирак бўлиб айланади. Ўйнинг девор-шифтлари яккаш чарх уради, яна ётиб олади. Кўзларида гоҳ саросималик, гоҳ лоқайдлик, сўниқлик; узун киприклари хасдек ёнади. Ҳар бир кирган-чиққан кишига бепарво, отаси берган дориларни ҳам ичмайди, ҳеч ким билан гаплашмайди. Бу аҳвол икки ойгача давом этди. У, кўзи илинса, фақат босинқирар эди. Жаҳонбувига олам торт бўлди. Ўғлини бу аҳволда кўриб, саркалавасидан янглишиб қолди. Арзандасига бир қошиқ иссиғини ичиролмай хуноб бўлди. «Оҳ, болагинам, илоҳо, ёмонларнинг худо жазосини берсин, — деб зор йиғлади. Ҳар хил меваларни ювиб-артиб, товоқчага солиб, ёнига кел-

тириб қўйди. «Ол, битта-иккита оғзингга сол, зора иштаҳанг очилса, болам». Ҳамзадан садо чиқмасди. Бир куни она бечора зор йиғлаб худога нола қилди: «Камбағаллик қурсин, камбағаллик,— деди у хуноб бўлиб.— Э худо, қандай гуноҳ қилдикки, бизни бунчалар қақшатасан?» У кўз ёшларини рўмолининг учи билан артиб, секин эшикни қия очиб ҳужрага қаради, юзубан ётган Ҳамзанинг бошига борди...

Унинг тўхтаб қолган маъносиз кўзларига тикилди, юраги шув этиб кетди.

«Болам, наинки бир бебахт онаки шунча қийнасанг, ахир нега гапирмайсан? Бир оғиз бўлса ҳам гапир, ўргилай! Бир оғиз сўзингга зор, интизор қилма, болагинам! Онанг сенга қоқиндиқ. Ахир менда нима гуноҳки, муштипар онаизорнинг бағрини эзасан. Бир луқма бўлса ҳам пиширган овкатимни оғзингга солиб тотинмайсан. Менга гапирмасанг, онангдан ажралиб қоласан. Мана бу бағрим тамом бўлди, болам, тамом!»— деди Жаҳонбуви бағрига шапатилаб, кўз ёшлари бурушиқ юзларига оқиб.

— Аяжон!— деди Ҳамза инқиллаб.

— Ая деган тилингдан ўргилай.

— Бахтсиз, ноқобил болангизни кечиринг...

— Бу бўш хаёлларни қўй. Дилимни ранжитма, болам.

Она-боланинг ўзаро бу суҳбати устига қўлида бир чорсида ширмон, мева-чева — Бўронбой, Маҳмуд тарапна, Умар полвонлар кириб, Жаҳонбувига салом беришди:

— Ассалому алайкум, хола, Ҳамзахоннинг аҳволи қалай, дарди бери қарай деяптими? Умар полвон билан бирров кириб ҳол сўраб чиқайлик дедик.

— Келинглар, болаларим,— деди юзини рўмоли билан пана қилиб Жаҳонбуви.— Келинглар, кираверинглар! Шукур, болаларим, шукур, хўп келдингларида...

— Ҳамзахонни бугун-эрта сичқон сурди қилиб кўчага олиб чиқамиз, холажон, худо хоҳласа,— деди Умар полвон қўлидаги тугунни Жаҳонбувига узатиб.

— Худо берган дард. Менга гапирмайди, емайди, ичмайди... Киринглар, сизларни кўриб зора энгил тортса.

— Ассалом алайкум. Ҳамзахон.

Ҳамза юмуқ кўзларини сал-пал очиб, бошини тебратиб қўйди. Кўзи билан жой кўрсатди.

— Хайрият, бугун анча тетик кўринасиз. Депога борувдим, дўстингиз Степан Соколов мана бу дорини бериб юборди. Сизни кўриб кетган дўхтир берибди. Овқатдан аввал кунига уч маҳал бир қошиқдан ичар экансиз. Аямга ўзим тайинлайман. Иннайкейин, сизга яна ҳамма ёр-дўстларингиз салом айтишди. Ўзлари ҳам кўргани келиб қолишса керак,— деди Бўронбой. Ҳамза бошини ирғаб миннатдорчилик изҳор қилди.

— Жуда ҳам ғам-ҳасратга ботманг, Ҳамза ака, ҳаммамизга керак одамсиз. Сизга менинг маслаҳат беришим ярашмаган иш-ку, лекин нима қилайлик, сизни яхши кўрамиз,— деди Умар полвон.

— Полвон, бас, Ҳамзахонни чарчатиб қўймайлик,— деди Маҳмуд тараша, Ҳамзанинг тепасига келиб, кейин энгашиб сўради:— Умар полвон иккита машқ қилиб берсинми?

Ҳамза бошини қимирлатиб, розилик билдирди. Маҳмуд дарҳол қозикда осиглиқ турган дуторни олиб, Умар полвонга узатди. Умар полвон уни аста созлади. Тўябўзлов, жигарпора, сайқал, сарпардани бирин-кетин астойдил чалди. Ҳамзани сарин куй нозик қанотларига ўтқазиб аллақаяёқларга олиб кетди, руҳини енгиллаштирди. Дутор Ҳамзанинг дилидек ҳазин йиғлай-йиғлай, ниҳоят, тинди. Бўронбой Ҳамзани уйқуга кетди, деб гумон қилди. Ўзига билдирмай юзига қаради, унинг кўзларида ҳалқаланган ёшни кўрди. Улар секин бир-бирларига имо-ишора қилишиб, оёқ учида юриб чиқиб кетишди.

Жаҳонбуви кириб, Ҳамзанинг бошида уни узоқ вақт елпиб ўтирди. «Э парвардигор, ўғлимга ўзинг шифо ато қил. Буни ҳам менга кўп кўрма, худойим», деб илтижо қилди ичида Жаҳонбуви. У ўғлининг пешонасидаги маржон-маржон терни авайлаб артди.

— Жон болам, кўзингни оч, шўрпешона онангни қўрқитма!

Ҳамза куюнчак онасининг ўзига сездирмай, дув оқариб кетган сочларига, сарғайган чеҳрасига зимдан тикилиб қўяр, унинг дилидаги таассуф ва надомат туйғусини, кундан-кун нурсизланиб бораётган кўзларида дард, заифлик, бахтсизлик шарпаларини сезиб, ич-ичидан эзиларди. Жаҳонбуви овқатга уннаш учун туриб, ошхона томон кетди. Ҳамза анча вақт ҳазин куйлар таъсири остида жим ётди. Ниҳоят, уни уйқу элита бошлади. У Зубайдани ўйлаб ётиб, кўзи илинганини сезмай қолди.

Хужра эшиги гийқиллаб очилиб кимдир киргандай бўлди назарида.

«Ассалом, устоз...»

«И-я, келинг... марҳабо... қадамингизга аҳсанта. Хайрият, деразадан нур тўкилди... Келар экансиз-ку, ахир, сиз ҳам...»

«Соғиниб кетдим. Бетобсиз... ёлғизликдан сақланинг... Деразангизни ёпиб кўяй... Шамчироқ ёққани ҳар тун ёнимга келардингиз, тонг отгунча йиғлашардик, ғазал ўқишардик. Мана, орадан роса икки ой ўтди. Келмадингиз, бевафо... Аразладингизми, рост айтинг, ёқиб кетган шамчироқларингиз ҳам аллақачон сўниб қолди. Соғинмадингизми?»

«Узр, жиндак тобим келишмай қолди. Жуда соғиндим, мени йиқитган ҳам соғинч... Нега ташлаб кетдингиз? Қани у аҳду паймонлар?.. Қабрингизни қучоқлаб шунчалар фарёд қилдим, бир марта ҳам чиқмадингиз, охири, мана тупроққа тенг бўлдим, йиқилдим. Нима қилай, Зубайда, жоним эдингиз, ҳа, ҳа, жонимни темиртақда қийнаб ўлдиришди».

«Йўқ... йўқ, мана, мен келдим, устоз. Сизни касал деб эшитиб, бир қучоқ гул кўтариб келдим».

Йўқ, гуркираб келган баҳорсиз, баҳор. Ёпирай... — Ҳамзанинг дили шивирлади. — Хужра атиргул, пуштигул, сафсаргулларга тўлиб кетди-я... Ўтиринг, келинг, ёнимга ўтиринг, Зубайдахон. Ахир, бу гуллар, баҳор, куёш, бу уфқлардаги рангин манзара — ҳаммаси сиз учун туғилган. Ҳа, сиз қуёшимсиз, сизга таъзим қиламан, севгилим, маликам! Йўқ, йўқ, сизни баҳорги гулга, ою қуёшга ўхшатишнинг ўзи гуноҳ, улар гўзаллик андазасини сиздан олишган. Муҳаббат, садоқат, вафо, иффат, латофат, гўзаллик, одамийлик дунёда бор бўлса, улар ҳаммаси сиз ўзингиз. Лекин мен сизни заҳарли ҳаётнинг шафқатсиз тўлқинлари ичида йўқотиб қўйдим. Мен бахтсизман, зулматда ёлғиз қолган ғариб, бенаво, бечораман. Келинг, ёнимда бир оз ўтиринг».

«Йўқ, манзилга кеч қоламан. Кўрдим, саломат экансиз, кета қолай. Ахир мен Зубайда эмас, хаёлман, хаёл... Умр бўйи сизга ҳамроҳ, ҳамдам, ҳамдард бўлган хаёл...»

«Бирга кетамиз, шошилманг».

«Устоз... ўзим кетаман... Сиз қолинг, сиз ҳали менга бағишлаб, мени ардоқлаб жуда кўп ғазал ёзасиз. Лекин ёзган ғазалларингизни умр бўйи фақат ёнимга келиб менга ўқиб берасиз, хўпми?»

«Сиз ўзингиз шеъриятсиз-ку...»

«Тўғри, мен ҳамиша руҳингизда яшайман. Мени сира унутманг. Ҳамзам, севгилим, хайр, хайр. Мана бу гуллар ҳаммаси сизники...»

— Ҳамза, уйғонинг, дўстим, алаҳляяпсиз... Иситмаси баланд шекилли? — деди ёнида ўтирганларга Степан Соколов.

— Тавба, кўзим илиниб қора босди-я... Наҳот ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кўринса... Степан Петрович. И-и...я, азиз меҳмон Низомиддинхўжа!

— Урнингиздан қўзғалманг, Ҳамза. Степан Петровичдан хат олдим. Тобингиз қочганлигидан хабар тоғиб, кўргали келдим.

— Раҳмат, бошим осмонга етди. Тошкентдаги дўстлар саломатмилар?

— Ҳаммалари соғ-омон, — деди Низомиддинхўжа. — Сизга матбаа, газеталардаги муҳаррир — мураттиб, мусафҳиҳ дўстларингиз салом йўллашди. Абдулла Авлонийнинг ўзлари келмоқчи эдилар, иложини тополмадилар. Қаттиқ тайинлаб, саломларини етказишимни айтдилар, сизга бағишлаб, мана, шеърини саломларини йўлладилар.

— Юз йил саломат бўлсинлар. Кўп доно, тили ҳам, дили ҳам пок шоир, — деди Ҳамза мактубни кўздан кечириб, чеҳраси ёришиб. Мактубни ўпиб, ёстиқ тагига қўйди. Жаҳонбуви меҳмонларга чой, бир патнисда нон, мева-чева узатди. Чойни Соколов қўйди.

— Айтганча, сизга бир оз ақча келтирдим, — деди Низомиддинхўжа.

— Ҳожати йўқ. Ақча бор, яқинда Содиқжон бойбачча билан ҳисоб-китоб қилиб олдик.

— Ўша ҳисоб-китобдан хабарим бор. Қурумсоқ бойлар билан ҳақиқий ҳисоб-китобни мана бундан кейин қиламиз, Ҳамзахон. Бу «Садойи Туркистон»да чиққан мақола, шеърларингиз учун қалам ҳақи. Матбаада ишлаётган дўстларингиз ўз улушларини қўшиб чўғини кўпайтириб бериб юборишди.

— Саломат бўлинглар. Унақанги мени уялтирманглар. Тошкентлик ёр-дўстларга саломимни етказасиз, дўстим.

Степан Соколов суҳбатнинг бу чучмал оҳангига чиқолмади. Унга қатъий руҳ бериш учун Ҳамзага дангал таънаомуз гап қилди.

— Хўш, Зубайда сени деб ўзини қурбон қилибди. Ҳа, муҳаббат шундай бўлади. Сен ҳам унинг изидан

кагишга қарор қилиб, очлик деган балсга ўзингни топширибсан, эшитдик бу совуқ хабарни, биласанми бизга ким етказди? Билмасанг бил. Кеча депога мени ахтариб отанг борган эди. Отанг мени кўрди-ю, ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Ўғлим жонига қасд қилди, ёрдам беринг, мен бадбахт ота, мен ноинсоф ота, унинг йўлига кўндаланг туриб, уни қон йиғлатдим. Бас, бундан сўнг мен унинг йўлига, тутган ишларига қарши бўлмайман, деди. Майли, қандай юрса юрсин, қандай турса турсин. Мен энди ҳеч кимдан қўрқмайман. Унинг йўлига ким ғов бўлса, унинг додини ўзим бераман, дейди отанг.

«Отам бечора... унинг бошидан таъна тошлари аримади. Маҳалла балоҳўрлари, оғзи катталар унга кун кўрсатишмади. Ҳаммасига мана шу бебош, ноқобил, ўжар, чўрткесар, ноҳақлик олдида ҳеч кимни юз-хотир қилмайдиган ўғлингиз сабабчи», деб ичида шивирлади ўпкаси тўлиб Ҳамза.

— Бошлаган ишларингиз нима бўлади? Сизга энди-энди эргашаётган одамлар нима дейдилар. Ҳолинг шу экан, бизни овора қилиб нима қилардинг, демайдиларми, Ҳамза,— деди Низомиддинхўжа. — Сиз бу ишингиз билан душманларни хурсанд қиласиз, холос. Ота-онангиз ҳам дард-алам ичида қолиб кетди. Ўшаларга раҳм қилинг, Ҳамза. Ҳозир қаттиқ синфий кураш кетяпти, дўстим. Бу кураш аяшни, шафқат қилишни истисно қилади. Бундан ўзини четга олганлар, чидамсизлик қилганлар «қочоқ» сифатида дўстлар назаридан, эл назаридан қолади. Қаттиқ бўлса ҳам айтаман, чунки феълингизни биламан — ҳозир мунгли туйғуларга бериладиган пайт эмас. Инқилобчи учун бу ярашмайди. Агар маслакдошларингиз ўзлари учун яшаганларида, ўзларини ўтга, чўққа уриб, жонларини хатарга қўймасдилар. Дунёнинг бир чеккасида тинчгина тирикчилик қилиб юрсалар, биров уларни уришармиди. Йўқ, сиз ўзингиз учун эмас, меҳнаткашларнинг озодлиги, мингмиглаб Зубайдаларнинг эрки, бахтининг рўёбга чиқиши учун яшашингиз, курашингиз керак! — Низомиддинхўжа билан Соколовнинг гаплари шафқатсиз, айни пайтда, ҳақ гаплар эди. Ҳамзага оғир ботиши у ёқда турсин, аксинча унинг дилига қувват бахш этди, ўрнидан турғизди...

Орадан кунлар ўтиши билан Ҳамза тетикланиб дўстлари Соколов, Бўронбой, Маҳмуд тараша, Умар полвон, Низомиддинхўжа кўмагида ўзини ижодга урди.

Ҳамбагалларнинг болалари, етимлар учун мактаб очиш, дарсликлар тузишга киришиб кетди.

Аммо чор ҳукумати ва унинг маҳаллий ялоқхўрлари — бойлар, сотқин жадидлар, мингбошилар, эшонлар унинг бу ишларига тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатишди. У очган мактабларни тақа-тақ ёпиб, ўзини радди маърака қилиш ҳақида яширинча режалар қурдилар. Лекин Ҳамза ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан қўрқмасдан кеча-кундуз ғайрат қилди. Уни на душманнинг пичоғи, на заҳари, на маломатлари, ҳақоратлари чўчитди, жонини тикиб бўлса ҳам, маърифат, ҳақиқат душманларига қарши кураш тугини баланд кўтарди. У тузган театр труппаси, «Заҳарли ҳаёт» деб ёзган пьесаси шу жасоратининг самараси бўлди. Маҳмуд тарашанинг болохонасида пьесани кеча-кундуз репетиция қилишди. Маҳмуд ролини ўзи ижро этди. Репетицияда ўзи суфлёр бўлди. Кийимларни ҳаваскорлар уйларида келтиришди. Томоша кўрсатилишидан бир неча кун олдин у ўз қўли билан афиша ёзди, уларни ҳаваскорлар бозор расталари, чойхоналар, маҳаллаларга тарқатишди. Афишаларда «Қўқон ҳаваскор ёшларининг мусулмонча театри» деб ёзилган эди. Ниҳоят, спектакль «Военное собрание» биносида кўрсатилди. Томошага халқ кўп келди. Бу томоша шаҳарда катта шув-шувга сабаб бўлди. Оддий кишилар ундан беҳад мамнун бўлган бўлсалар, бойлар ва руҳонийлар уни «беадаб», «ўзбошимча» деб айбладилар. Труппани йўқотиш, театрни ҳаромга чиқариш йўлларини излашга тушдилар. Ушанда, айниқса Зубайданинг отаси Аҳмадохун Ҳамзага қарши энг қабих иғволар тарқатди. Бир куни масжиди жомега жума намозига йиғилганларга ҳазратнинг ўзи: «Қайси бир муслимки, бепарҳез шаккок Ҳамза кўрсатган томошани бориб кўрса, ўзи кофир, хотини талоқ!» — деб фатво берди. Эҳ-ҳе, қанақа шовқинлар, ғазабнок хитоблар, «Во шариато, во дино!» деган бақариқлар орасида унинг отаси Ибн Ямин шаънига қанча-қанча дўқу таҳдидлар, ҳақоратлар, лаънатлар ёғилмади.

Ҳамза бу гаплардан ҳайиқмади, келаси ҳафтада ижозат олиб, асарни яна қўйишга муваффақ бўлди. Лекин бу сафар қора гуруҳлар унга шиддатлироқ ҳужум қилдилар, труппани тарқатиб юбордилар.

Содиқжон бойвачча Қўқон ҳокими Мединскийга беш минг сўм нақд олтин билан пора бериб, Ҳамзани қамоққа олдириш, кейин Сибирга бадарга қилдириш

ниятида юрганида Фарғона водийсининг катта руҳоний раҳнамоларидан Миён Қудрат ҳазрат ва Камол қозилар Ҳамзага қарши бошқача бир тадбир-чорани кўриб қўйган эдилар. Бу тадбир Сибирь қилишдан кўра юз чандон оғир ва даҳшатлироқ бўлиб, бундан хурофот, бидъат, жаҳолат яна қувватланар, эл-юрт олдида руҳонийларнинг шукуҳи яна ортар эди. Устомон, иш кўрган ҳазрат ана шундан келадиган ғоятда зўр маънавий манфаатни ўйлаб, ичида ўз калласига тасанно айтиб тиржайиб қўйди...

Ун саккизинчи боб

ЖУДОЛИК УСТИГА ЖУДОЛИК

«Заҳарли ҳаёт» асарида Зубайда образини яратиб, эркин муҳаббат фожиасини кўрсатиб, кўнгли анча таскин топгандай бўлди. У Соколовларнинг уйига бот-бот бориб, юрак чигалини сал-пал ёзиб келадиган бўлиб қолди. Улар меҳнаткашларнинг турмуши, заводларда ишчиларнинг кучидан шафқатсизларча фойдаланаётган завод, фабрика эгаларининг ноинсофлиги, дунёда бўлаётган воқеалар ҳақида суҳбатлашар эдилар. Ҳамза ҳар борганида Соколовдан бир янгилик эшитиб қайтар, назарида у излаётган ҳамма нарсани Соколов аллақачон топиб олгандай туюларди. Ҳа, кўп нарсани билар, кўп нарсага ақли етарди унинг.

Бир куни Ҳамза хабар олгани келган Аксиньяни уйига кузатиб қўйди.

Улар йўлда индамай боришар, Ҳамза чуқур хаёлга толиб, сал орқада келарди. Аксиньянинг сабри чидамади. У «ичимдагини топ» қабалидаги одамларни ёқтирмайдиган, бир гапириб, ўн куладиган хушчақчақ қиз эди. Шундай бўлса ҳам, Ҳамзани гапга солишга аввалига андиша қилди, қолаверса, унинг ярасини янгилаб қўйишдан қўрқиб, ярим йўлгача индамай борди. Ниҳоят, бўлмади, то у етиб келгунича йўлдан четга чиқиб, кутиб турди-да, етиб келгач, ёнма-ён кета туриб гап бошлади:

— Нималарни ўйлаб келяпсиз?— дея сўради бирдан унинг хаёлларини чўчитиб.

Ҳамза унга жилмайиб қўйиб, мулойимлик билан жавоб қилди:

— Келажакни-да, синглим, нимани бўларди.

— Ўша келажакда бирон яхшилик кўряпсизми?

— Кўряпман.

— Қандай?

— Яхши, Аксинья. Зулм, ҳақсизлик таг-томири билан тугатилган келажак.

— Сиз унга ишонасизми?

— Ишонаман, Аксинья. Лекин унга етиқиш учун халқни жаҳолат ботқоғидан олиб чиқиш керак. Бу ишни одамларни маърифат неъматларидан баҳраманд қилмай амалга ошириш қийин.

— Тўғри, одамларни ўқитиш, кўзларини очиш керак.

Улар катта кўча билан бориб, бир тор кўча оғзида тўхташди. Аксинья Ҳамза билан хайрлаша туриб тайинлади:

— Ҳамза, бугун кечқурун бизникига албатта боринг, гаплашиб ўтирамиз. Степан амаким ҳам бугун вақтлироқ келади ишдан, хўпми? Бир яхши туш кўрганман, айтиб бераман.

— Олдин уйга кириб, уйдагилардан хабар олай, тинчлик бўлса кейин борсам борарман.

Аксинья ўзига хос шўхлик билан бир чимирилди.

— «Борсам борарман» эмас, ё «бораман», ё «бормайман».

— Ҳа, хўп. Бораман.

Аксинья хайрлашиб тор кўчага кириб кетди, Ҳамза унинг орқасидан бир муддат тикилиб турди-да, уйи томон йўл олди.

Аксинья Ҳамзанинг опаси Ачахонни рус доктор операция қилганида бирга жон олиб, бирга жон берди. Беморнинг яраси то битиб кетгунча ҳар куни ундан бир неча марталаб хабар олди, дори қўйди, қайта боғлади. Шу-шу улар бир-бирларига ўзларини яқин тутадиган бўлиб қолишган эди.

Ибн Ямин қизи Ачахоннинг кўричагини олиб ташлаш учун рус докторига розилик билдирди-ю, руҳонийлар орасида боши балога қолди. Уни Миён Қудрат ҳазрат бир неча бор ҳузурига чақириб, сен худонинг иродасига кўнмай, ожизаларнинг дардига ғайридинлардан шифо тиладинг, деган маънода юз дашномлар берди. Иш шунгача бориб етдики, Ибн Яминнинг эл орасида обрўсини тўкди, унга тирикчилик манбалари йўлини беркитиб ташлади. Шундан кейин унинг иши касодга учради, буниси ҳам майли-я, одамлар ундан, фақат ундагина эмас, оиласидан ҳам ҳазар қиладиган бўлиб қолишди.

Тирикчилик издан чиқди, бир томондан, эл-юрт кимсан демай қўйган бўлса, иккинчи томондан, ишонгани — Ҳамзаси мадрасадан қувилди, мачитдан оёғини узди, тоат-ибодат ўрнига, ўрис, татар, яна аллақандай мастеровойлар билан борди-келди қиладиган, бўш қолди дегунча бир тўп қоғоз ичига кириб олиб, ҳемири даромад йўқ, чизма-чизиққа мук тушиб оладиган, бошка пайтларда эса янги шаҳарда, ўрислар билан дўстлашиб қолиб кетадиган бўлди.

Бир куни у Соколовларникига Завқийни бошлаб борди. Аксинья самоварни ўт олдириш учун пуфлаш билан овора эди.

Ҳамза билан Завқийни кўча эшик олдида Степан кутиб олди.

— Танишинглар, устоз Убайдулла Завқий,— деди Ҳамза ифтихор билан,— булар эса,— у Степан билан Аксиньяга ишора қилди,— менинг дўстларим.

— Шоир Убайдулло Завқийни ким танимайди!— деди қўлини узатиб, у билан кўришиб Степан.— Сизни сиргдан танирдим, сиз тўғрингизда кўп эшитганман. Келганингиздан гоят хурсандман!

— Мен ҳам сизни кўрганамдан мамнунман,— деди Завқий.— Менинг ёш дўстим Ҳамза уйингизда каттакон қувончли воқеа юз берганини айтди. Нима билан қутлаймиз энди?

— Бизникида?— дея Аксинья ҳайрон бўлиб елкасини қисди.— Энди эшитиб турибман. Буни Ҳамза ўйлаб топган бўлса керак... Марҳамат, уйга киришлар, чой ҳам ҳозир қайнаб қолади.

Завқийни юқорига, самоварнинг рўпарасидаги стулга ўтқазишди. У қизиқиб сўради:

— Ҳар қалай, қанақа байрам?

Аксинья яна ҳайрон бўлиб қўлларини ёзди.

— Менинг байрамим!— деди Ҳамза бор овози билан.— Меники! Асарни тугатдим! Бу байрам эмасми?! Ҳа, бугун мен бахтиёрман, дўстларим!

Улар чақчақлашиб чой ичишиб ўтиришар экан, ноғо эшик тақиллади.

Степан ўтирган жойида қичқирди:

— Кираверинг, эшик очиқ.

Эшик яна тақиллади. Степан бориб очди. Ичкарига паранжили аёл кириб келди. Ҳамза дарҳол опасини таниди.

— Ачахон опа, келганингиз яхши бўлди!

— Ойим ўсал бўлиб қолдилар,— деди Ачахон

мунгайиб.— Сизни кўрмоқчилар. Тезроқ борайлик...

Опа-ука уйга кириб борганларида, Ибн Ямин хотини тепасида ўтирар, пахтадан унинг қуруқшаган лабларига сув томизарди. Уй сув қуйгандек жимжит. Тоқаларда шамчироқлар ёқиб қўйилган, ҳолсизгина липиллаб, хонадаги оғир вазиятни янада оғирлаштиради улар.

Ҳамза онаси бошига энгашди. Она нурсиз кўзларини очиб, ўғлига унсиз тикилиб қолди. Уни таниди шекилли, лабларида кулгини эслатадиган бир ҳаракат сирпаниб ўтди. Атиги бир лаҳза. Оний муддатда ўтиб кетди бу ҳаракат. Кейин она ўзини тарк этаётган охири кучини йиғиб, гапиришга интилди, лаблари қимирлади, овози хириллади.

— Ўғилгинам,— деди у пичирлаб,— менинг орзу-ҳавасим кўп эди...— У бир нафас жим бўлиб, кейин давом этди:— Набираларимни тиззамга ўтқазиб, пешонасини силломай, армонда кетяпман... Бахтинг очилмади... Тақдирни тадбир билан ўзгартириб бўлмас экан... Худо раҳмат қилгур Зубайда... сени деб кўзи очиқ кетди... Болам, энди бундай сўққабош бўлиб юрма. Уйлан... Илоҳим орзуларингга ет, ўғлим...

У яна жим бўлиб қолди. Ҳамзанинг кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди. У шу топда онасини ҳаётга қайтариш йўлларини излар, бу йўллар хаёлидан хилма-хил шаклларда ўтар, лекин ҳеч қайси бири тутқич бермасди.

Она яна мажолсиз кўзларини очди. Лаблари яна шивирлагандай бўлди. У атрофига ғилмайиб қаради, тепасида учта қора турарди. Бирма-бир тикилди. Уларни яқинроқ келтириб кўришга интилди-ю, лекин улар унинг кўзидан аста-секин узоқлашиб кетаётгандай туюлди. У жон ҳолатда кўзларини катта-катта очиб пичирлади:

— Ачaxon!— дегандай бўлди. Ачaxon юм-юм йиғлаб, онасининг пешонасини силарди.

— Ҳа, аяжон, мен шу ердан, ёнингизда ўтирибман,— деди.

Она назарини Ибн Яминга қаратиб, термилиб қолди. Рабибнинг юзидан бир жуфт марварид пастга юмалаб кетди. У ўзини қўлга олиб хотинига тикилди-да, кўзларидан илтижони уқди. У розилик тилар эди.

— Онаси, шунча умр кўрдик, бола-чақа қилдик.

Оллога минг қатла шукурки, аҳил, инок бўлиб яшадик. Ҳаммада бўладигандек, тирикчилик важдан баъзан ўртамизда паст-баланд гаплар ҳам ўтган... агар шундай пайтларда мабодо мендан ноҳақлик ўтган бўлса, рози бўл! Мен сендан мингдан-мингга розиман! — У фарзандларига қаради. Бу билан «сизлар ҳам розилик тинчлар», демокчи эди. Ҳамза билан Ачахон ҳам бўтадек бўзлашиб розилик тилашди.

Онанинг нафас олиши сусайиб қолган, худди хўрсиниққа ўхшаб нафас оларди. У охири марта кўзини очиб, бир нафас тикилгандай бўлиб турди-да, худди энгак қоққандай ҳаракат қилди. Бу — розилик ишорасимиди ёки сўнгги нафасини олишмиди, ҳеч қайсилари билолмай қолишди.

— Аяжон!.. — деди Ҳамза жон ҳолатда. — Сиз тузалиб кетасиз... Келин ҳам кўрасиз... Набираларингизнинг орзусини ҳам кўрасиз...

У яна нималар деди, ўзи ҳам билмасди. Бир вақт опаси елкасига сал туртди. Отасига қаради. У қуръондан аллақандай оятни — «Оятал курси» бўлса керак — ўқиб, онасига дам солаётганини кўриб жим бўлди.

Ҳали булар ҳозиргина бўлиб ўтган машъум ҳодисадан ўзларига ҳам келмаган эдилар. Ташқаридан ўпиртўлир қадам товушлари эшитилди.

Ҳамза ташқарига аланглади. Шу пайт хонага учтўрт киши ҳеч қандай мулозаматсиз кириб келди. Улар орасида полиция офицери Китаев, битта полициячи, яна иккита киши бўлиб — маҳаллий амалдор бўлса керак, миллий кийимда эди.

Ҳамзанинг муштлари ўз-ўзидан тугилди. Ибн Ямин ўглининг ҳаракатини сезиб, уни ушлаб қолди.

— Жим, бир кор-қолни бошлама. Қўявер, кирса кираверсин, — деди.

Ҳамза отасининг гапини тушуниб шаштидан қайтди.

— Кечирасизлар бизни, — деди Китаев тиржайиб. — Биз сал бемаврид келганга ўхшаймиз, начора — хизматчилик! Бизларга уйингизни тинтув қилиш топширилган! Аҳволингизга раҳмим келади, лекин, афсус...

У ходимларига «бошланг!» дегандек ишора қилди.

Улар «ишга» киришишди. Ота-болалар эса жасад тепасида жим ўтиришарди.

Капитан Китаев бошқа хонага бошлади, у ерни бир муддат титган бўлиб қайтиб чиқишди.

— Жасадни кўтаринглар! — дея буюрди у. Бу хўр-

ликдан Ҳамзанинг аъзойи бадани титраб кетди, кони қайнаб, юраги бежо ура бошлади.

— Ноқулай-ку бу... урф-одат...— деди маҳаллий амалдорлардан биттаси гўлдираб, кўнглидагини айтолмай.

— Балки улар биз излаган нарсани жасаднинг тагига яшириб қўйишгандир?— деди Китаев ишшайиб.— Ҳамманинг ўз урф-одати бор, менинг ҳам ўз одатим бор: тинтиш керак бўлгандан кейин ҳаммаёқни қараш керак! Ҳей, бу ёққа келинглар!

Маҳаллий амалдорлар жасаднинг тепасига келишди.

— Кўтаринглар кампирни! Қани, кўтаринглар!

Ота билан ўғил жасадни кўтариб ичкарига олиб кириб кетишди.

— Жаноби олийлари!— деди полициячи.— Энди мурожаат қилишга рухсат этинг: ҳеч нима йўқ!

— «Ҳеч нима йўқ» бўлса,— дея такрорлади Китаев полициячини мазах қилиб.— Унда ишни тугатсак ҳам бўлади!..

Тинтувчилар чиқиб кетишди. Хоналар кўчиб кетган ҳовлига ўхшаб увун-тўда бўлиб ётарди.

Ҳамза жонсиз онасининг ёнида тиз чўкди. Онани г юзига юзини қўйиб: «Меҳрибоним онам», деб фарёд кўтарди. Ачaxon бўлса сочларини юлиб, юзларини тирнаб: «Кулфат адо қилган онам! Ғамгузорим онам!» деб бўзлади. Ибн Яминнинг кўз ёшлари юзини юварди. Бу аччиқ дод-фарёдни эшитган битта-иккита қўшнилар дарвозадан кириб келишди...

Жаҳон бибининг қирқидан кейин Ҳамза қўлёмаси йўқолганини билди. Полициячилар тинтув пайтида олиб кетганини англаб дардини ютди. Аммо бир куни бозордан бамайлихотир ўтиб кетаётган полициячиларни кўриб қолиб, орқаларидан югурди. Уларга етиб олиб қичқирди:

— Сизлар янги ёзган асаримни олибсизлар, беринглар уни! Бу асарни оч-наҳор қолиб бир йил ёзганман! У сизларга нимага керак?

Китаев унинг қуйиб-пишишига парво қилмай, йўлида давом этаверди.

* * *

Дарахтлар панасида Олчинбек бекиниб турар эди. Тор кўча бошида Ҳамза кўринди. Олчинбек дарахт ортидан чиқиб, унга пешвоз югурди.

— Олчинбек! Дўстим!— дея у томон қучоғини очиб кела бошлади Ҳамза.— Бу дунёда бормисиз ўзи? Одамни шунчалик соғинтирадимки киши?

— Ҳа, дўстим, кўришмаганимизга ҳам анча бўлиб кетди,— деди Олчинбек, гўё бунга ўзи айбдордай хижолат тортиб.— Дунёнинг ишлари шунақа экан, дўстим. Бошингизга тушган ишларнинг ҳаммасидан хабарим бор. Кампирнинг ўлими, худо раҳмат қилсин, янги ёзган асарингизни йўқ қилиниши...

— Инсоннинг умри бамисоли карвон йўлидай гап экан, Олчинбек. Паст-баланд, қир-ўр, тошлоқ-қумлоқ, текис, ўйдим-чуқур, баъзан водийдан ўтади, баъзан воҳага дуч келади. Мен ҳозир воҳага кириб бораётгандай ҳис қилаяпман ўзимни. Кўришганимиздан жудаям мамнунман, дўстим. Нега бизникидан қадам узиб кетдингиз ё кўнгил қоларлик иш ўтдимиз биздан?

— Йўғ-э, ундай эмас. Иш кўп. Бош қашигани фурсат йўқ, бир томони.

— Дўстлар калай, соғ-омонми?

— Улар ҳам сизни соғинишган. Ранг-рўйингиз яхши, кўз тегмасин,— деди Олчинбек мамнуният билан.— Худо раҳматли кампир бўлганларида бўй-бастингизни кўриб, кўнгиллари бир газ кўтариларди. Тўйингизни ҳам кўролмади кетдилар...

— Ҳа, энди умрлари қисқа экан. Сал ўлмади турганларида орзуларига етардилар... Мана, ҳаш-паш дегунча йиллари ҳам ўтди...

— Қалай, биронтасини кўз остига олдингизми ўзи?— деб сўради Олчинбек гапни буриб.— Ҳалигидай...— Олчинбек бу ёғига сўз тополмади чамаси, тугилиб колди. Ҳамза унга ёрдамга шошилди.

— Ҳалигидай, сизни севишга ботинадиганлар борми, демоқчимисиз?— деб кулди.— Ҳа, дўстим, оламда мард қизлар ҳали бор!.. Ҳазиллашдим. Ҳозирча мусулмон қизлар мени кўрсалар... Э... қўйинг.

— Менга ишонмайсизми?

— Аксинча, бу ҳақда мен фақат сизгагина оғиз очишим мумкин.

— Сиздан бўлак менинг яқин дўстим йўқ, Ҳамза,— деди Олчинбек тўлқинланиб.— Сиз билан йўлимиз ҳам, гўримиз ҳам бир, деб биладан ўзимни мен. Сирингизни мenden яширманг, хафа бўламан... Балким фойдам тегиб қолар...

— Ҳа, ёлғизлик кўп балоларнинг сабабчиси,— деди Ҳамза хўрсиниб.— Бойваччаникида сизларга оғирлиги-

ни биламан. Тез-тез кўришиб турайлик. Агар эртага келсангиз, тўйга олиб бораман. Яхши одамлар бўлади — таништириб қўяман. Дўстларингиз кўпаяди.

— Қанақа тўй? Ҳалиги Соколовникидами?

— Йўқ, Ширинсой дарасида. Дўстлар йиғилишди... Бир ишчи набира кўрган. Зиёфат қилиб беради.

Ҳамза Олчинбекнинг елкасига қўлини ташлади.

— Келасиз-а?

— Бойвачча хизматидан бўшасам учиб келаман!

Жўп, энди мен борай, тагин излаб қолишмасин.

Улар хайрлашишди.

Ун тўққизинчи боб

АКСИНЫЯ — ЗУҲРА

Ширинсойдаги маёвкани миршаблар тор-мор қилишди. Уйнаб-кулишамиз, деб борган ишчилар, зиёлилар калтак еб, сувга ботиб, жонларини зўрга олиб қочишди.

Уша воқеадан беш-олти кун кейин Степан, Аксинья ва Ҳамза тоғдаги яйловга чиқишди. Бу сафар кўпроқ Аксинья ташаббус кўрсатди. Ушанинг аламига тоққа чиқиб бир сайр қилиб келмасак армонда қоламан, деб туриб олди у амакиси билан Ҳамзага. Улар рози бўлишди. Дарвоқе, уларнинг ҳам ўқи ичида қолган ~~эди~~ Дам олиш кунига келишишди-да, қирғиз элатига жўнаб кетишди. Тўғриси, Жамшид, Ҳайдар деган қирғиз чўпонлар уч от билан келишиб, яйловга олиб кетишган эди.

Степан билан Ҳамза ўтов ичидаги кигиз устида қимизхўрлик қилишиб суҳбатга тушишди. Аксинья чечак тергани кетди. Олдинги сафар сув оқизиб кетган гулчамбарига ҳамон унинг юраги ачишарди.

— Демак, сенингча, бошимизда қилич ўйнатган ўша миршабларни ҳам маърифатдан баҳраманд қилиш керак, илм ўргатиш керак? Шундайми? — сўраб қолди Степан Ҳамзага тикилиб.

— Ҳа, улар бошқалардан ҳам баттар жоҳил, — деб жавоб берди Ҳамза.

— Менингча, уларнинг ҳуролини тортиб олиш керак!

— Осонликча беришармиди?

— Куч билан тортиб олиб, ишчиларни қуроолантди-

риш керак. Қўлимизга қурол олсак, улар биздан кўрқадиган бўлишади. Шунақа. Ишчилар қуролланиши керак. Буни мен эмас, Ленин айтган! Сен ўз шеърларинг да мана шунга ўхшаш гапларни айтгин, дўстим. Ўқитиш ўз йўлига, лекин инқилобни фақат маърифат билан қилиб бўлмайди. Қуролланиш керак. Зўрликка қарши зўрлик ишлатилмас экан, зулм, ноҳақлик давом этаверади.

— Демак, яна қон тўкилади, яна қурбонлар бўлади. Яна шўринг қурғур ишчилар, деҳқонлар, ғариб бечоралар подшо ўқига учрайди. Менга гапириб берганинг -- бешинчи йил яна такрорланади?.. Ахир адолатни қон тўкмай ўрнатса бўлмайдами? Минг-минг йиллардан бери инсон қони тўкилади. Ер-кўкни тутиб кетади-ку. Золимлар инсофга чақирилса яхши бўлмасмиди?

Буларнинг суҳбати ўтов оғаси Сулаймон оқсоқолни қизиқтириб, у сўзларни жон кулоғи билан тинглар эди. Айниқса Степаннинг сўзамоллиги, воқеанинг ҳар тафсилотига яраша юз ҳаракати, кенг қовоқлари, тимқора кўзларининг чақнаши унга жуда-жуда маъқул тушарди.

— Тўғриси айтиш керак, жанг қилмай, қон тўкмай озодликка чиқолмаймиз. Лекин бешинчи йилдаги хатога йўл қўймаслик лозим. Йўл қўйилган хатолардан сабоқ олиш ҳам маърифатга киради. Газетага келганда, мен севиниб кетдим. Нега? Чунки бизнинг дарслигимиз — ўша газеталар!.. Ҳа, гапимга қулоқ солмайсан. Улмасак кўрамиз, бу гапни бошқаларга ўзинг айтасан ҳали... Ҳа, ҳў бир айтиб берган эдинг, шеир Яссавий нима деган эди. «Золим агар зулм айласа олло дегин», — деди Ҳамза.

— Ҳа, бироқ сен бунинг аксини айтишинг керак. «Золим агар зулм айласа, ур бадбахтни...» — деб Соколов ўтов оғаси Сулаймон оқсоқолни кулдириб ичагини узди. «Буни Ленин айтган», дегандан кейин Ҳамза жим бўлиб қолди.

У ўйлаб ўйининг тагига етолмасди. Наҳотки Ленин ҳам қон тўкилишига йўл қўйса?! Демак, кимки бизга қарши ўқ отса, биз ҳам отамиз, экан-да.

Бу орада Аксинья етиб келди.

— Яна ораларингдан мушук ўтдими, қовоқ-тумшуқларингни осилтириб ўтирибсизлар? — деди у овози қўнғирроқдай жаранглаб. У мешни Ҳамзанинг олдига қўйди. — Бизнинг Тамбовдаги чашмаларнинг сувида нам ширин-а, бунақасини умримда ичмагандим. Ушлаб

кўринглар, ях!— У мешга қўлини қўйиб кўрсатди. Ҳамза унинг қўлига кафтини қўйди. Гўё икковининг баданини бир нима ларзага солиб ўтгандек бўлиб, жим бўлиб қолишди.

— Қалай, совуқ эканми ёки иссиқми?— деб ҳазил қилди Степан Ҳамзага қараб киноя қилиб.

Лекин Ҳамза билан Аксинья бир-бирига термилиб қараб туришар, қулоқларига ҳеч нима кирмасди.

Степан бирдан жиддий тус олиб, бир Ҳамзага, бир Аксиньяга қараб, ҳайрон бўлиб турди-да, кейин ўзича жилмайиб, тескари қаради.

Кеч кириб, ботиб бораётган қуёш барра майса кўкатлар билан безанган бепоён далага, ўтовларга, боғлаб қўйилган қулунлар устига, ўчоқбошида куймаланиб юрган ёш келинчакнинг жаранглаган чўлпилари, тангачаларига, эгнидаги янги қизил бахмал нимчасига, қўнишдан пастроқдаги жилғага зар сочиб турарди. Ҳисоби йўқ йилқи ўтлаб юрибди. Бай-бай, кўз илғамас атлас даланинг манзараси нечоғлик дилором, кўркам! Ҳавоси майин, гаштли. Келбати чўнг Ҳайдар чўпон қўлида пишиқ прғай калтак, «ҳайт, чек, чек, чибич, чек!» деб сурувини ҳайдаб келиб қўрага қама-япти. Кампир она боғлоғлиқ қулунларни, дурагай қўзиларни бўшатиб юборди. Яна бир кекса аёл кундузи босилган кигизларини ўраб, ўтов томон кўтариб кетди. Отларнинг дупури, кишнагани, йилқичи йигитларнинг ҳайқириви яйлов жимлигини бузди. Хушбўй, дилбар оқшом қора бахмал чодирини секин-аста дала-туз, тоғ-тошга ёя бошлади. Тонготардан қора шомгача болалари дәрдида хомуш ўтлаб юрган биялар, сигирлар, қўйлар яйловни бошларига кўтаришар, топиб олганлари қулун, қўзи, таналарини эркалаб жимгина ялашарди.

Оналарини кўриб яйраб кетган қулунлар эса, шўхликлари тутиб, улар олдига чопиб келишар, гоҳ шата-лоқ отиб, орқа-олдиларига қарамай, дала томон югуриб қолишарди. Ҳеч қандай хавф-хатар билан иши йўқ бу «тентаклар»ни қизғониб, оналари жон ҳолатда кишнаб чақиришарди. Рост-да, бирон ўнгир ё тош орқасида ўлжасини пойлаб, писиб ётган бўрими, қашқирми уларга ташланиб, таппа босиб қолиши ҳеч гап эмас. Бунақа ҳодисалар тоғда янгилик эмас. Подасидан ажраб қолган меров бузоқми, «ўзбошимча» тойчоқми — тез-тез йўқолиб туради.

Яхшиям ишончли бўрибосарлар бор. Улар бўлмаса,

голчиларнинг аҳволига зой, деяверинг. Улар борки, ўпон-чўлиқ бирмунча беҳадик ухлайди.

Атрофни тўзитиб, шаталоқ отиб юрган тойчалар ҳам оналари чақирғига дарҳол етиб келишди, ҳаммаёқ мисбатан тинчиб қолди. Бўрибосар эса тумшугини икки кўзи устига қўлиб олиб атрофни кузатади. Унинг қорни тўқ. Ҳар замон-ҳар замонда Аксиньяга қараб ўкрайиб қўяди, лекин ирилламайди. Чунки унинг меҳмонлигини хўжайин унга тайинлаб қўйган...

Аксинья бўлса, олапарни унутиб юборган, у бутун яйловнинг бир лаҳзалик шовқин-суронига, кейин бирдан жимиб қолганлигига маҳлиё, қир оқшомининг гўзаллигига мафтун бўлиб қараб турарди.

Ҳамза хипча белини сиқиб турган кўйлаги этагини кечки майин шабада ҳилпиратиб, беозор ўйнаётган Аксиньяга хаёлчан тикилиб қолган, қадди-қомати табиатнинг нозик дид билан бағоят мутаносиб қилиб яратилган бу ноёб мўъжисасига ҳаваси келиб, ўз-ўзи билан фикран сўйлашарди. У Аксиньяни илгари ҳам кўп кўрган, суҳбатлашган эди-ю, аммо унинг бунчалик гўзаллигини, латофатини пайқамаган, пайқаса ҳам, бошига бирин-кетин тушган мусибатлар билан бўлиб, бунга ортиқча эътибор бермас, маънавий дўстининг қарииндоши сифатида ундан яхши гапини аямасди. Бу орада эса — ўзи сезмаган ҳолда, Аксинья унинг қалбига аста-секин кириб борар, кун сайин маҳкам ўрнашар эди. Мана, у бора-бора Ҳамзанинг хаёлини ўғирлайдиган, ҳатто юрганда йўлида, ўтирганда ўрнида, ётганида тупида унга тинчлик бермайдиган бўлиб қолди. Унинг алланечук беғубор овози қулоғи остида сеҳрли янграйди, уни нималаргадир ундайди, эзгуликка отлантиради, тушкун кайфиятларини тонгги тумандай тарқатиб юборади. Юрагида кири йўқ, гаплари бамаъни, ўзини кўрган кишининг кўзи қувнайди, шўхлиги, қўйингчи, барча қилиқлари ўзига ярашади. Унинг васлига етган йигитнинг армони бўлмаса керак бу дунёда!

Ҳамза ўрнидан турди-да, аста юриб унинг олдига борди.

Кенг яйловга дилбар оқшом ўзининг қора ўтовини аста-секин тикар, сарин шабада яйловнинг қимиз ҳидини олиб қочар, уфқдаги ол ранг шафақ ўз аксини ерга туширгандай, улардан сал пастда қирмизи лолалар мавж урарди. Ҳамза бир ўша лолазорга қараб, бир шафаққа қараб, мўъжиза топгандек севиниб кетди-да, ўз-ўзига фикран савол берди: «Уфқдаги шафақ мана шу

жолазорнинг осмон кўзгусидаги аксими ё ор кўзгусидаги бу қирмизи ранг ботаётган қуёш шафағининг аксими?» Назарида 'бу қиёс унга табиатнинг жуда кўп сирларини очиб кўрсатгандек, юраги жўшиб кетди.

— Юринг, Аксинья, лола терамиз,— деди у қизнинг билагидан ушлаб пастга ишора қилиб. Аксинья бир ҳаракат билан қўлини тортиб олиб:

— Бўпти, бўлмаса менга етиб олинг!— деди-да, уфқ томон, тоғ лолалари бағри сари товусдек қийқириб, қўлларини кенг ёйганча чопиб кетди. Вужуди завқшавққа тўлиб, тошиб кетган Ҳамза ҳам унинг изидан чопди.

Аксинья юзлари лов-лов ёниб, ипак рўмолини ҳил-пиратганча яна тезроқ югуриб, лолазор ичига кириб борди-да, ўзини майсалар қўйнига отди. Ҳамза ҳам кетма-кет етиб келиб, унинг шундоққина ёнига чўзилди. Иккаласи ҳам энтиқишар, ўр-қирдан жон-жаҳдлари билан югурганлари учунми, ҳар қалай юраклари шиддат билан уриб, нафасларини ростлаб олишга уринишарди.

Аксинья нафасини пича ростлаб олди чамаси, Ҳамзага қараб, бир жилмайиб қўйди, кейин иккаласи қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди. Аксинья дик этиб ўрнидан туриб, лола теришга тушиб кетди, Ҳамза эса: бир кўкағ поясини тишлаганча майсалар қўйнида осмонга қараб ҳузур қилиб чўзилиб ётди.

Баҳор булутлари қарвон-қарвон бўлиб қаёққадир шошилиб, шитоб билан сузарди. Атроф шу қадар осуда, оромбахш, сеҳрли сукунат борлиқни ўз оғушига олган, фақат осмоннинг ҳар ер-ҳар ерида қора нуқтадай муаллақ осилиб кўзга элас-элас чалиниб турган тинмагур жўрларгина чулдирашиб, қуёшни ётоғига кузатишади, баъзан-баъзан эса, ўтлар орасидан наврўзи беданаларнинг битбилдиғи эшитилиб қолади. Булар оқшом сукунатига, заррача бўлсин, халақит бермайди. Аксинча, унга ҳузурли бир тароват бахш этади.

Ҳамза ана шу яшил гумбазга тутатиб кетган чексиз яйловга, олис-олисларда олтин яловдек кўтарилган уфққа маҳлиё бўлиб ётаркан, ўзининг шу қудратли оламнинг кичик бир зарраси эканини ҳис қилди.

•Инсон — ўзи бир одам-ку. У шу ажойиб оламнинг ажиб бир мўъжизаси-ку! Унинг ақлу тафаккуридан ҳам вўр, улуг бир куч борми? Ҳай, билмадим. Лекин инсон қул, инсон ожиз, у бамисоли чумолидай хоксор маҳлуқ, деганлар мутлақо янглишади, унинг қудратига,

шу буюк оламни тутиб турган занжирнинг олтин ҳалқаларидан бири эканлигига шак келтирадилар. Балким бу тушунча кимларгадир қўл келар, ҳатто уларнинг манфаатларига хизмат қилар... Лекин инсон табиатнинг энг буюк мўъжизаси!»

Худди шу пайт Мирзо Бедилнинг «Он кас ке ҳазрати инсонро...» деб бошлангувчи, инсонни «Ҳазрати инсон» даражасига кўтарадиган машҳур байти эсига тушиб кетди.

Унинг бу хаёлларини Аксиньянинг овози бузиб юборди. Кўп ўтмай у бир қучоқ лола кўтариб, Ҳамзанинг тепасида пайдо бўлди.

— Туринг, шунча хаёл сурганингиз ҳам етар, қоронғи тушиб қолди, борайлик, улар хавотир олишадди,— деди у бийронлик билан.

Ҳамза унга тегажаклик қилгиси келиб, гап ташлади:

— Мен борман-ку, нимадан хавотир қилишади.

Аксиньянинг баттар шўжлиги тутиб, унинг юзига чечак соча бошлади:

— Ана бўлмаса — ана бўлмаса!..

Ҳамза у энгашган пайтда фурсатдан фойдаланиб, қўлидан маҳкам ушлаб олди-да, юз-кўзига, бўлиқ кўкракларига тикилиб қолди. Бу ҳолат қанча давом этди — номаълум. Қолгани оний бир лаҳза ичида содир бўлди: Ҳамза ўрнидан туриб ўтириб, унинг билагидан ўви томон аста тортди, Аксинья ҳам шуни кутгандай итоаткорлик билан у томон майишиб келиб чўкди-ю, елкасига бошини қўйиб, кифтидан қучди. Ҳамза уни бағрига босиб, юз-кўзлари, пешонаси, сочларидан ўпа бошлади. Аксинья кеча-кундуз хаёл қилгани бу ўтли бўса лаззатидан тамомила маст эди. У дағ-дағ титрар, юраги гурс-гурс урганидан танаси ларзага келаётганини сезмасди. У анчадан кейин Ҳамзанинг оғушидан чиқиб, тўлиб-тошиб йиғлади, лекин лабидан кулги аримасди. Бу — биринчи бўса йиғиси эди.

Улар алламаҳалгача бир-бирларига қараб индамай ўтиришди. Уларнинг кўнгилларидан нима кечаётганини билиш қийин эди.

— Ўзимни тиёлмадим, йиғлатиб қўйдим, мени кечир, Аксинья,— деди қизариб-бўзариб, унинг икки қўлидан ушлаб олганча чақнаб турган кўзларига тикилиб.

Аксинья унинг бу аянчли аҳволини кўриб, жилмайиб қўйди... У ҳамон биринчи бўса кайфиятидан ўвига

келмаган, уни койиш ёки юпатишга мажоли етмас, ожиз эди.

Баскин йигит нима қилсин, шафқатсиз, беомон тақдир ёшлигидан қийноққа солди Севгилис Зубайдадан жудо қилиб, яккалаб кўйди. Ўлғизлик унинг жонидан ўтди. Бир оғиз ширин сўз, илик меҳрибонлик гади бўлиб қолди. Наҳотки унинг қисмати бир умр шундай воҳасрато бўлиб қолиб кетса. Ҳатта ундан безган, одамлар унинг суҳбатидан қочишади. Шерок дунё яхши одамлардан ҳам холи эмас-ку, ахир! Ана шундай яхши одамлардан биттаси Аксинья эди, йўқ, у Аксинья қисфасида кўринган Зубайда эди!

Ҳамзанинг хаёлида тақдир йўлида тўсиқ бўлиб турган тик тоғлар, омон билмас даҳшатли бўронлар, довуллар, аллақандай девсифат бадбашара махлуқлар Аксиньяни масхаралаб урган қаҳқаҳалари қулоғига чалингандай бўлди. «Мен ўзимни нега тутолмадим, ҳисга берилиб, бўштоблик килдим. Бўсага йўл қўйдим, мен тентак?.. Наҳотки уни шунчалар қаттиқ севиб қолганман?.. Эй худо, сен дилимга бу қадар ўчмас ўт ташлаган экансан, ҳароратига бардош килолмадим, ўзинг кечир мени, Зубайданинг ўрнини босса, мана шу боқира қиз босади. Қалбимдаги ҳароратнинг қолганини энди унга аташга аҳд қилдим. Лекин бу осонликча бўлмайди. Ҳали тўсиқлар кўп... Отам, қариндош-уруғлар нима дейишади? Мачиту руҳонийлар-чи? Ўртада тил, дин, миллат деган тушунчалар бор...»

Аксинья ҳам хаёл суриб ўтирарди бу орада. У аста бошини кўтариб, Ҳамзанинг изтиробли юзларига кўради.

— Бу ишнинг охири яхшиликка олиб бормади, деб қўрқаман, — деди у, Ҳамзанинг кўнглида юз бераётган виддиятли фикрларни аён кўриб тургандек. Ҳамзанинг кўзлари катта очилиб кетди бу гапни эшитиб.

— Нега, нега ундай дейсан? — деди жон ҳолатда.

— Тилимиз, динимиз, мазҳабларимиз бошқа-бошқа!

— Менинг мазҳабим — сенинг ўзингсан, Аксинья!

— Менга қолса, худди шу гапни мен ҳам айтар эдим-ку, лекин...

— Хўш?

— Никоҳимизни ким ўқийди? Ахир, никоҳсиз турмуш ҳуриб бўлмайди-ку!

— Ҳечкиси йўқ... Фақат южсак инсоний муҳаббатимиз бўлса бас... Лекин менинг аҳдим қатъий. Сен учун

шу лаҳзадан эътиборан ҳамма нарсага ҳам тайёрман. «Юр» десанг, сени деб, шайх Санъондек бутхонага югуришга ҳам тайёрман. Чунки мен учун тугаган ҳаётни сени янгитдан яратдинг, ўлган эҳтиросларимни тирилтирдиг, жудо бўлган муҳаббатимни топиб бердинг. Сендан ҳам жудо бўлиш — менга нақд ўлим...

Аксинья Ҳамзанинг мантиқли, қайноқ сўзларини эшитиб, унга ичидан тан бериб ўтирар эди.

«Қандай ажойиб, сийнаси пок инсон. Бир сўзли, лафзи ҳалол йигит... Сен учун мен ҳам жонимни тикканим бўлсин. Мени деб сен бутхонага югуришга тайёр бўлсанг, мен ҳам сени деб мусулмонликни қабул қилишга тайёрман, динимдан, мазҳабимдан кечсам кечаману, аммо Ҳамзам, азизим, сендан кечмайман!»

У чаққон ҳаракат билан ўрнидан турди-да, Ҳамзанинг қўлидан тортиди.

— Туринг, энди борайлик. Амаким зерикиб қолади.

Ҳамза ўрнидан турди. Аксинья шўхлиги тутибми, уни оғир хаёлотлардан қутқаргиси келдими, ишқилиб, сакраб туриб:

— Эшитинг, ўтовгача чопамиз, агар менга етиб олсангиз яна бир марта ўпич бераман... Бўлмаса, ўзингиздан кўринг, — деди-да, терган лоларини кўз-кўз қилганича ўтов томон чопқиллаб кетди.

Ҳамза унинг қуйиб қўйгандек келишган қадди-баситига суқланиб қараганча, худди сеҳрлаб қўйилгандек қотиб турар эди.

Ҳамза билан Соколов яйловда тунаб қоладиган бўлишди. Кечқурун ўтовнинг ўртасига учоёқни қўйиб, қозон осиб, олов ёқишди. Чўпонлар бу меҳмонлар ҳурматига семиз бир тўқлини сўйиб, қозонга солишди. Қозонда эт қайнарди. Қирғиз шўрвасининг хуш бўйи ҳамма ёқни тутиб, иштаҳани очиб юборди. Қўшни ўтовлардан ҳам чўпонлар, подачилар келиб, ўтов ичи гавжум бўлиб қолди.

Степан билан Аксинья қозон тўла этга қараб «шунча гўштни ким ейди», дегандек ваҳима қилиб ўтиришар, Ҳамза эса, елкасига тўнини ташлаб олган, алланималарни санагандай пичирлар, кейин қоғозни олиб нималарнидир қитирлатиб ёзарди. Дастурхон ёзилди. Ҳайдар қирғиз Степандан бошлаб нават билан дастурхон теварагида ўтирганларнинг ҳаммасига обдаста тутди. Қўлларини тоза сочиқларга артишди. Сергўшт суяклар ва думба-жигар уйилган, тепасига қотирма, калла-почча қўйилган икки катта лаганни икки ке-

линчак кўтариб келиб, дастурхонга қўйди. Лаганлардан буг кўтарилиб турарди. Ҳамза таомилга кўра олдига қўйилган калланинг гўштидан кесиб «бисмиллоҳ», деб оғзига солди-да, каллани азиз меҳмон Соколовга узатди. Соколов гўшдан бир-икки чимдиб, ўз навбатида бош йилқичи Сулаймон оқсоқолга яқинроқ суриб қўйди.

Сулаймон оқсоқол олдида бўш турган оқ тунука товоқчага катта лагандаги гўшдан тўрт-беш қовурға, қуйруқ, бир оз думба-жигар, калла-поча, икки қотирма қўйиб, Жамшидга узатди.

— Аёлларнинг насибаси, узатиб юбор, ўғлим, — деди. Товоқча қўлдан қўлга ўтиб оқ ўтовга бориб етди. Сулаймон оқсоқол лагандаги гўштни тўғрай бошлади. Унинг имиллаганини кўриб, Ҳайдар пичоғини олди-ю, оқсоқолга ёрдамлаша кетди. Ҳамза, Соколов, Жамшид ва бошқа чўпонлар ҳафсала билан гўштни тушира бошлади. Мазали, серёғ лужмалардан иборат тепалик аста-секин текисланарди. Анчагача бирон кишидан садо чиқмади.

— Қани, қароғим, нега мазанг йўқ, гўшдан ол, — деди Сулаймон оқсоқол Аксиньяга очиқ чеҳра билан.

— Раҳмат, ота, анча едим, тўйдим.

— Қани олинг, Ҳамзахон, яйлов ҳавоси кўтаради, ҳа, Степан ака, бўш келманг, — деди Жамшид ёғли қовурғалардан уларнинг олдиларига суриб.

— Мен бўлдим ҳисоб, — деди Ҳамза тўйганлигини билдириб, сочиққа қўлларини артиб.

Бош йилқичи ва бошқа чўпонлар ҳам тўйган-тўймаганларига қарамай, қўлларини тортиб, маҳсиларига, сочиқ-дастурхонларга артдилар. Жамшид лагани олдида суриб олиб гўшт, кулчатоилардан кафтига сикқанича тўлдириб олиб азиз меҳмонларга ошатди. Ҳамза бир эвини қилиб, чайнаб ютиб олди-ю, аммо Соколов Жамшиднинг бармоқлари орасидан ёғи оқиб бораётган гўштларга қараб, ранги қути ўчди. Қаттиқ кулги кўтарилди... «Қўрқманг, Степан оға! Қирғизнинг таомили шунақа! Азиз меҳмонгагина ошатишади!»

Степан «нима қилай?» дегандек Аксиньяга қараб қўйди. Аксинья «ола кўрма» дегандай қовоғини уйиб туриб ишора қилди.

Степан: «Нима бўлса худодан кўрдим, кўрдингки ош — кўтарма бош, дейди қирғиз», дедию шартта кўзларини юмиб, оғзини катта очиб бўйнини чўзди. Степаннинг оғзи тўла эт, миқ этмай қолди. Кўзи ёшлан-

ди. Аммо эл удумини хурмат килиб, гўштни оғзидан қўймади. Икки кўли билан орзини ёпди-да, бир амал қилиб, чайнай бошлади. Ўтов ичи қаққаҳага тўлди.

— Баракалла, ўлманг, Степан ака! Қирғизнинг ўзи экансиз-ку!— деди Жамшид, у гўштни ютиб бўлгач, ҳазиллашиб.

— Бостириққа мана буни ичиб юбор, бўтам,— деди бош йилқичи Соколовга кимиз тутиб. Соколов заранг косадаги кимизни симирди, яна кимизхўрлик бошланди.

Чўпонлардан бири қўбизни бирпас тингиллатиб ўтириб, излаган куйини топиб олди чамаси, ҳазин куйга жўр бўлиб ўлан бошлади.

Унинг овози тиник, қўнғироқдай жарангдор эди. У ҳижрон алаmidан дард чекар, бевафо дунё ишларидан нолир, зулм-зўрликка қарши исёнкор фарёд қиларди. Ҳамма жим тингларди. Ҳамма машғулотни қўйиб, ўланга берилиб кетди. Ҳатто Степан билан Аксинья ҳам, гарчи ўланнинг сўзларини тушунмаса-да, айтувчининг ҳаракати, имо-ишораси, куй оҳангидан унинг қалбида йиғилиб қолган дардини ифодалаётганини билиб жон қулоқлари билан тинглашарди.

Чўпон то чарчагунча айтди ашуласини. Бир маҳал тугатди-да, чуқур хўрсиниб қўйди. Тингловчилар бирдан гувранишиб уни олқишлашди.

Ҳамза ҳам хуржундан мандалинасини олди-да, шу бугун туғилган ғазалини куйга солиб, аста хиргойи қила бошлади. Бу ғазал соф ишқий бўлиб, унда узоқдаги ёрга бўлган соғинч, фироқ ифодаланар, лирик қаҳрамоннинг аянчли аҳволи суратланар, ёрнинг фироқида ошиқнинг телба бўлиб қолгани, унинг ҳажрида кечалари бўлбулдай тинимсиз нола чекиши, ишқ ўтида ўрпаётгани тасвирланар эди.

Аксинья ғазални тинглаб ўтираркан, Ҳамза тугатгач:

— Қўшиғингиз менга жудаям маъқул бўлди,— деди.

— Кейинги пайтларда Ҳамза нима иш қилса, ўша иш сенга нима учундир жудаям ёқадиган бўлиб қолди-я,— деди Степан ҳазил қилиб.

— Менга ҳам,— деди Ҳамза қизариб.

— Нима?— деб сўради Степан ҳайрон бўлиб.

— Ксения нима иш қилса, ҳаммаси менга ёқади...

— Ҳа, шайтонлар, мендан уялмай-нетмай бир-бирингга муҳаббат изҳор қилаётган экансизлар-да,— деб халолаб кулиб юборди Степан.

— Степан амаки, сенга айтамиз деб уялиб юргандик,— деди Аксинья шаддодлик билан.

— Нима?— дея сўради Степан жиддий тус олиб.— Нима, бир бирларингни севиб қолдиларингни? Энди нима қиласилар, шўрликлар.

— Биз аҳд-паймон қилиб қўйдик,— деди Ҳамза мандалининг торларини созлаб ўтириб.

— Ҳа, бўлмадим, ислом билан православие келишармикаи. Ё Россияга жўнамоқчимисизлар, ахир, бу ёғини ҳам ўйлаб кўйган бўлсаларингиз керак?

— Нега Россияга кетар эканмиз? Бу ер торлик қилаётгани йўқ.

— Нима бўпти,— деди Аксинья шўхлик билан,— мен Ислом динига кира қоламан-да. Ундай бўлдим нимаю бундай бўлдим нима? Иккаласи ҳам аслида...

— Етар ҳазил!— деди Степаннинг жаҳли чиқиб.— Охири нима бўлишини ўйламай иш қилгансизлар. Айтайлик, икковинг ковушиб, ўртадаги диний ақидаларни бузиб ўтдиларинг. Бу — яхши. Бошқа томондан олиб қаралса, икковингни мутаассифлар сазойи қиладди, ким кўрса дакки беради, бир сўз билан айтганда, сизларга кун беришмайди.

— Биз бундан кўрқмаймиз!— деди Ҳамза шартта кесиб. Унинг гапини Аксинья тасдиқлади. Степан эътироз билдиrolмади.

— Ўзларинг биласизлар,— деб қўя қолди улар буни жиддий айтишаётганини билиб.

Орадан кўп ўтмай: «Ҳамза ўрис қизга ўйланибди» деган хабар тарқалди. Бу гап шаҳарда беш олти кун роса шов-шув бўлди...

Иигирманчи боб

УЛОҚДА

Қўқон ҳокими Мединский янги йил шарафига катта сайил чақиртирди.

Бир томонда улоқ — «ҳайт-ҳайт, жийрон қашқада кетди, ана саман олди!», бир томонда кураш — «баракка топкур, кўтар, айлантир, ҳа, бўш келма, азамат!», бир томонда пилдироқчилар — «бос, босганингга таваккали бахташ! Кеп қолинглар, бир мирига бир сўм!», бир томонда товгар қурилган — «ё жамшид!» деган наърайи баҳайбатлар қулоқларни батангга келтиради. Ютганнинг оғзи қулоғида, сайилгоҳга сизмайди, ютганларнинг дами ичида, таъби тирриқ, қулоқларига гап ёқмайди.

Айниқса улоқ бўлаётган майдонда тумонат одам. Чавандозлар бамисоли қуюндай учишар, «ҳайт-ҳайт!» қичқириқлар, от туёқларидан отилган чанг-тўзон ҳаммаёқни тутиб кетганди. Чавандозлардан бири маррага яқин қолганда отдан йиқилиб тушди. Бироқ унга ҳеч ким парво қилмади. Бу ўша Олойдан келган қирғиз чавандоз Сулаймон оқсоқол эди. Унинг оти бир чеккага чиқди-да, сувлиқни чайнаб, тек туриб қолди.

Сулаймон оқсоқол ҳеч нарса бўлмагандай ўрнидан тура солиб, оти томон югуриб борди, бир ирғиб эгарга минди-да, улоқни олиб кетган чавандозлар изидан тушди. Унинг ёнида Содиқжон бойвачча арабий отини зўр бериб қамчилаб борар, зўриққанидан юзлари қизариб кетганди. Икки кўзи улоқда, ўнг-сўлига қарамай, отининг сағрисиغا аччиқ қамчи босарди. Сулаймон оқсоқолнинг ўғиллари Жамшид билан Ҳайдар ҳам оталарига ёрдамга ташланишди.

Улоқ дарёнинг қуриб қолган ўзанида чопилар, табиат бу ерни ўзига яраша отчопар жойга айлантириб қўйганди. Томошабинлар сувсиз дарёнинг тикка тушган соҳилларида ўтиришар, жой тополмаганлар эса, оёқда тик туришарди. Чекка-чеккада баъзи отлиқ томоша талабар ҳам кўринишарди. Одамлар орасида шинелли кишилар, полициячилар — миршаблар ҳам кўзга ташланиб қоларди. Улар бу ерга бекорга келишмаган, соҳилнинг катта қисмини томошабинлардан муҳофаза қилишарди. У ерда эса, шаҳар ҳокими Мединский ва унинг рафиқаси бошлиқ амалдор — офицерлар, маҳаллий аҳолининг юқори табақасига мансуб казолар қўр тўкишган бўлиб, у ер улоқни олиб келиб ташлайдиган марра, ҳакамлар манзили эди.

Сайлгоҳга Завқий, Ҳамза ва Олчинбеклар ҳам чиққан, оддий халқ орасида туриб, улоқни томоша қилишарди. Улоқ чопаетганлар ичида атрофда томоша қилиб турган ҳар хил тоифанинг «ўз одами» бор эди. Чунончи, бир тўп бойваччалар Содиқжон бойваччани қўллаб-қувватлашади, бошқа тўп Сулаймон оқсоқолни қўллаб қийқиришади. Яна бир тўп одам чавқар от устидаги ёш чавандоз Жамшидга мадад бериш учун ҳайқиради.

Сайилгоҳни айланиб юриб, улоқ устидан чиқиб қолган рус доктор, бир тўда отлиқ ўртада бир-бирининг устига от солиб, уймаллашиб ётганини кўриб, ҳайрон бўлди: «Зерикарли манзарага шунча одам нега бунча қизиқиб тикилишади, ҳайронман», деб қўйди фикран.

Кейин Ҳамза, Олчинбеклар турган жойга бориб, Ҳамвадан сўради:

— Дўстим, деди — унга қараб, — биз ҳам болалигимизда қишлоқда от чопиб пойга қилардик. Ким ўса, ўша ютган бўларди. Булар нега бир-бирларини ҳеч аямай қамчи билан савалашяпти. Шунақаям вақший ўйин бўладими?

Ҳамза унга қараб жилмайиб қўйди-да, саволга жавоб қилишга энди оғиз жуфтлаган эди, Олчинбек чаққонлик қилди:

— Ҳа, дўхтир, бу қўпол, дағал кўринса ҳам, чинакам эр йигитлар ўйини, одам шунда тобланади-да! — деди.

— Билмадим, билмадим, — деб қўйди доктор ҳамон таажжуби босилмай.

Содиқжон бойваччанинг оти бошқаларникига қараганда илдамроқ ва зўрроқ эди. Шу вадан ҳам бойвачча бошқаларга ўхшаб ҳали унча толиқмаганди. У улоқни тақимиға босганича тўдадан узилиб чиқди-да, маррани мўлжаллаб, отининг човига аччиқ-аччиқ қамчи босди. Ундан кейин тўдадан иккинчи от ажралиб чиқиб, унинг изидан қуюндай уча бошлади. У борган сари бойваччанинг саманига яқинлашарди. Қувлаётгани от тумшугини олдинга чўзиб юборган, қулоқлари бўйнига ёпишиб кетган, уни олдиндан кўрган одам, самани ютиб юбормоқчи бўлган аждар, деб ўйларди.

Томошабинлар бу манзарага қараб бир муддат қотиб қолишди. Орадаги масофа тобора қисқариб борарди.

— Бойваччанинг орқасидан от қўйиб келаётган одамга эътибор беринг, ҳоким жаноблари, — деди бир амалдор Мединскийга, уни қўли билан кўрсатиб. — Ана у... етай деб қолди. Бу қирғиз элатида ном қозонган чавандоз. Уни ҳамма Сулаймон оқсоқол деб атайдп. Ўзи бойваччанинг йилқибоқари. Кейинги пайтда унинг ҳақида ҳар хил гаплар жуда кўпайиб кетди. Вой, амалдорларга қарши муштини тугиб юрганлардан эмиш.

— Бундан чиқдики... — Мединский бир муддат иккиланиб қолди-да, кейин хаёлига дафъатан келган фикрини айтиб юборди: — Тагин Пугачевга ўхшаб... — у ёғига тили бормай, кулимсираб ёнида турган хотини томон ўгирилиб деди: — Зўр бериб чапак чалаётган одамга эътибор беринглар-а, хоним. — У бир тўп одам турган томонга ишора қилди. — Бу ўша, мен сизга айтган қўқонлик шоир бўлади.

Аёл қўлидаги дурбинчасини Мединский ишора қилган томонга қаратди-да, сўради:

— Анави манглайи кенг, мўйловли, новча кишими?

— Ҳа, ўша.

— Хушбичим йиғит экан.

Бу орада Сулаймон оқсоқол бойваччага етиб олиб, унинг тақимидаги улоққа ёпишди, отлар бир-бирига айқашиб, чайқалиб кетишди. Бу ҳол узоққа чўзилмади, Сулаймон оқсоқол улоқни юлиб олиб, тақимига босди. Одамлар бенхтёр қийқириб юборишди. Энди ҳамманинг кўзи Сулаймон оқсоқолга қадалди. У эса, улоқни даврага қараб олиб келиш ўрнига, отининг жилвини бошқа томонга бурди. Содиқжон бойваччанинг оти тўғрига суриб борарди, у отни то буриб, Сулаймон оқсоқолнинг изига тушгунича хийла орқада қолиб кетди. Буни кузатиб турган оломон яна гулдираб тўқинланди.

Ҳамза, Степан, Олчинбек, Завқийлар турган тўдадаги ишчилар, хунармандлар қийқиришиб, ҳуштак чалишар: атрофни карнайларнинг наъравор овозлари босиб кетганди.

Кўпкарчиларнинг асосий тўдаси Сулаймон оқсоқолни ўраб олишди, саноқсиз қўллар улоққа чўзилиб, унинг бирон-бир жойидан ушлаб олишга интиларди. Содиқжон бойвачча етиб келиб, тўппа-тўғри тўдага от солди. Қамчисини ҳавода ўинатиб, Ҳайдарни уриб бошқани ёрди, кимдир эгардан сирғалиб ерга йиқилди, узоқдан қараган одамга эллик-олтмиш отлиқ ўзаро жиққа мушт бўлаётганга ўхшаб кўринарди. Бундан айниқса Мединскийнинг атрофидаги одамлар ҳайратда қолишган эди. Чунки булардан кўпчилиги илгари бунақа «томоша»ни кўрмаганди.

— Улар бизга ўхшаб бир-бирларини аяб ўтиришмайди, — деб қўйди бир кекса амалдор.

— Сиз, бу ерга сургун қилинган, назорат остида бўлганлар ҳамда маҳаллий «маҳмадона»ларнинг жилвини бўшроқ қўйиб юборганмиз, демоқчисиз бу билан, шундайми? — деди Мединский жилмайиб.

— Худди шундай! — деди ҳалиги амалдор.

— Нимани таклиф қиласиз бўлмаса? Маҳаллий полиция талаб этаётганидай, жойида отиб ташлаш ловим, дейсизми?

— Унда яхши бўларди-я, жаноби сизларни...

Мединскийнинг хотини эрини туртди.

— Қаранглар, жаноблар! Энди уни ҳеч ким қувиб етолмайди.

Улоқни олган Содиқжон бойвачча ҳаммадан олдинда, Сулаймон оксоқол бошлиқ қолган кўпқаричилар уни қуюндай таъқиб қилиб келишарди.

— Улоқ чопишнинг ўзи бўлмайди, жаноби олийлари,— дея Китаев Мединскийга тушунтира бошлади. Улоқни олган одам даврани уч айланиши керак бўлади. Шундан кейингина уни ҳакамлар олдига ташлаб, совринни олиш ҳуқуқига эга бўлади... Сизга айтсам, жаноби олийлари, хуллас мураккаб нарса бу...

Шу чок Сулаймон оксоқолнинг оти бирдан оқсоқланиб колди-да, четга чиқиб тўхтади. У отдан иргиб тушиб, отининг туёғини кўтариб, кўздан кечирди. Сўнг, дўстларининг норози оҳангда кўтарган қий-чувларини эшитиб, улар томон ўгирилди-да, «бу ёғи менга боғлиқ эмас», дегандай елкасини қисиб, қўлларини ёзди.

— Тамом, энди у улоққа қатнашолмайди!— деди Мединский дурбиндан кўзини олмай.— Чўпонга бунақа улоқдан кўри, мол боқиш осон-да...— У Шомурод додхоғга мурожаат қилди.— Ҳой додхоғ! Менга қаранг, қирғиз чавандозга чопон ёпаётган анави одамни,— у Ҳамзани кўрсатди,— бу ерга сиз таклиф қилсангиз дуруст бўлур эди.

Мингбопи буйруқни бажаришга кетди.

— Ҳайронман, жаноби олийлари! Беҳад ҳайронман!— деди Мединскийнинг ёнидаги амалдорлардан бири елкасини қисиб.

— Нимадан ҳайронсиз?— дея сўради бошқа улоқчилардан кўзини узмаган ҳолда Мединский.

— Ҳалиги... демократизм... ҳа, демократизмнинг худди ўзгинаси-я!

— Бунақа демократизмдан ватанга наф етадиган бўлса, нега энди ундан керакли фурсатда фойдаланиш мумкин эмас экан?

— Тушунолмадим, жаноби олийлари?

— Мен бу ерга Қўконнинг кўпгина мўътабар кишиларини чақириб, Ҳамзага ўхшаган либералларнинг гапини эшитмоқчи бўлганим учун ҳам унинг аҳамияти бор,— деди Мединский чертиб-чертиб.— Гоҳида азизим, рақибингни бир-бирига қайраб солмоқ учун унинг ичтини яхши билмоқ даркор. Ахир юнон алломаларидан Маккиавелининг Цезарь Бординага бағишлаб ёзган китобини ўқимаганмисиз? «Разделяй, властуй!..»

Содиқжон бойвачча улоқни тақимиға босганича

Бомқалардан анча ўзиб, отининг бошини шаҳар ҳокими ва унинг аъёнлари турган тепаликка бурди-да, даврани айланиб, улоқни Мединскийнинг оёғи остига ташлади.

— Улоқ сизники, жаноби олийлари!— деди у виқор билан.

— Миннатдорман!— Мединский уни қутлаб қарсақ чала бшлади, атрофидагилар ҳам уни қўллашди.

Бу орада Шомурод додхоҳ Ҳамза турган жойга тушиб келди-да, салом-аликдан сўнг, унга нимадир деди. Ҳамза теварагига бир аланглаб олди, мингбоши билан бирга тепаликка кўтарила бошлади.

Буни унинг дўстлари узоқдан кузатиб туришар эди. Улар безовталаниб қолишди.

— Уни қамоққа олишди!— деб юборди Аксинья ҳовлиқиб. Степан унга эътироз билдирди:

— Йўқ, бу ерда бошқа гап бор,— деди бошини чайдаб.— Биздагилар бунақа мулойимлик билан қамоққа олишмайди. Қолаверса, қамоққа оладиган ҳеч нарса бўлгани ҳам йўқ-ку.

Гапга Олчинбек аралашди:

— Ҳовлиқаверманглар қамоққа эмас, меҳмондорчиликка таклиф қилиб олиб кетди мингбоши уни.

— Меҳмондорчилик? Қанақа меҳмондорчилик?

— Уезд бошлиғи бугун жуда катта зиёфат беряпти, унга кўпчилик мусулмонлар ҳам таклиф қилинган...

Мингбоши билан Ҳамза тепага чиқиб боришганида Содиқжон бойвачча оғиз кўпиртириб, мақтанаётган экан. Ҳамза унинг гапларига зимдан қулоқ тутди.

— Улоқнинг оёғидан ушлаб, бор кучим билан силтаб тортарманми, териси сидирилиб чиқса бўладими! Саманни айтинг, жониворнинг чапдастлигига шу бугун тан бердим. У сағриси билан Аҳмадбойнинг тўриғини туртиб юборган эди, чўрт учиб кетди-я! Ақлига ҳам, жаҳлига ҳам тараф йўқ жониворнинг.— Шу пайт унинг кўзи Ҳамзага тушиб, унга учирик қилди:— Шу десаңгиз, уни газал ёзишга ўргатса, бунинг ҳам уддасидан чиқса керак, деб ўйлайман.— Бойвачча бу гапни Ҳамза эшитсин деб атайлаб шанғиллаб айтди. Ҳамза эса, бировдан гап эшитиб, қарздор бўлиб кетаверадиганлардан эмасди, у бундай пайтда ҳамма вақт нақд тўлаб кетар эди. Бу сафар ҳам шундай қилди:

— Бу гапга ишонса бўлади. Чунки сиздан кўра унга гап уқтириш осонроқ...

Теварак-атрофда пиқ-пиқ кулги бўлиб ўтди.

Содиқжон бойваччага Ҳамзанинг тик қараб айтган бу гапи қаттиқ ботиб кетди-да, унга қайтаришга муносиб гап тополмай жиртакилик қилиб, очикдан-очиқ ҳақоратга ўтди:

— Э, сен, елкангдан сафар ойи кўриниб қопти-ю, яна менга тик гапирасан-а, гадойвачча! Қовуниг тамом бўлсаям капангни бузмабсан-да, а! Ҳа, сени ўша!.

Ҳамза унинг ҳезланиб келаётганини кўриб турса ҳам, парво қилмай босиқлик билан гапирди:

— Гапни ўзингиз бошлаб қўйиб, яна нима учун энди жириллайсиз, бойвачча! Мен сизга палтақам ўқиётганим йўқ-ку, ахир.

— Палтақам ўқимагагинингми ҳали бу?

— Кўйинг, оғирроқ бўлинг, бойвачча, менинг сиз билан ади-бади айтишиб туришга фурсатим йўқроқ, ҳоким жаноблари йўқлатибдилар, билай-чи, нима хизматлари бор экан, сиз билан кейин, бафуржа шакаргуфторлик қила берармиз...

Шомурод додхоҳ эса, Ҳамзани эҳтиром ила Мединскийга рўпара қилди. У Ҳамзани илиқ қарши олди. Содиқжон бойвачча шаҳар ҳокимининг Ҳамзага нисбатан кўрсатаётган бу илиқ муносабатидан ганграб қолиб, ўзини четга олди. Ҳамзага шу керак эди. У, бойваччанинг олдидан атайлаб голибона кеккайиб ўтиб бориб, Мединскийга салом берди.

— Сиз билан учрашганимдан мамнунман, — деди Мединский Ҳамзага қўлини бериб кўришаркан. — Сиз яхши шоир, яна драматург ҳамсиз. Асарларингизни шахсан ўқимаган бўлсам ҳам, лекин таъриф-тавсифини эшитганман.

— Раҳмат, ҳоким жаноблари, илиқ гапингиз учун, — деди Ҳамза, бошини сал эгиб, миннатдорчилик билдириб.

— Сизни бу ерга чақиртириб келтиришдан мурад — зиёфатга таклиф қилиш эди. Русларнинг Рождество байрами бошланиши муносабати билан Қўқоннинг мўътабар кишиларига бир пиёла чой тутмоқчиман. Шоирларсиз ўтиришни ўтириш деб билмайман. Шу ўтиришга марҳамат қиларсиз, деган умиддаман... Албатта келинг.

Ҳамза Мединскийга таъзим қилиб, розилигини изҳор этди-да, Завқий билан Олчинбек, Бўронбой билан Маҳмуд тараша турган ўз тўдаси томон йўл олди.

Мединский ҳам Китаев билан Колосовскийлар ку-

ватувида хотинининг қўлтиғидан олган ҳослда, отлар
ер тепниб кутиб турган файтун томон йўналди...

* * *

... Арча ҳар хил шаклдаги зар қоғозлар ва бошқа
ўйинчоқлар билан безатилган. Тагида анъанавий қор-
бобо. Арчанинг теварагида япроқлари тўкилган ялан-
ғоч дарахтлар. Булардан бир неча метр наридаги ай-
вонда меҳмонлар стулларда ўтиришарди. Дастурхонда
ноз-неъматлар тўкин. Қайсидир ресторандан чақирил-
ган официантлар югуриб-елиб чой ва шароб ташин-
япти.

Столнинг тўридан Мединский билан унинг рафиқа-
си жой олган. Шаҳар ҳокими қўлида қадаҳ, ўрнидан
туриб, зиёфат аҳлига мурожаат қилди:

— Жаноблар! Яна бир қадаҳ кўтарамиз. Бироқ, ун-
дан олдин янги йилимизни бошлаб бераётган муҳим
воқеалар ҳақида тўхталмоқчиман. Бизнинг рухсати-
миз билан Скобелевда яна битта газета маҳаллий тил-
да чиқа бошлайди. Унинг ношири муҳтарам Каримбой.
У киши шу ердалар,— Мединский ўтирганларни кўзи
билан бир сидра сузиб чиқди-да, жим қолди. Ҳамса би-
лан ёнма-ён ўтирган Каримбой, ўрнидан туриб кўлини
кўксига қўйиб, таъзим қилди. Мединский гапида да-
вом этди:— Каримбойнинг режа ва ниятларига қара-
ганда, газета савдо — тижорат ишлари билан бирга
билимни тарғиб қилади. Бу яхши. Маърифатпарварлик
фойдали иш. Янги усулдаги мактабларнинг болаларга
жуда нафи катта, жаноблар. Қуруқ қироат ўрнига
дунсвий фанлар ўқитилса, буни ҳар томонлама рағба-
лантириш лозим. Янги газетанинг муваффақияти учун
қадаҳ кўтаришларингизни таклиф қиламан!

Мединский, рус амалдорлари ва Содиқжон бойвач-
ча теварагида ўтирган бойлар ўринларидан туриб,
қадаҳларни сипқоришди. Каримбой esa, пиёладаги
чойдан ҳўплаб қўя қолди.

— Муҳтарам Каримбой,— дея гапга аралашди
Завқий.— Газетангизда айрим ҳовлиқма амалпарасе
маҳаллий маъмурлар, баъзи жоҳил руҳонийлар ва
порахўрларни ҳажв қилса бўладими?

— Бизга қолса, бўлади, албатта,— деди Карим-
бой чой ҳўпларкан, дудмал қилиб. Кейин теварагида-
гиларга бир қур назар ташлаб олгач, бирдан ўзгариб
қолди.— Бироқ бир нарсани ўйлаш керак. Банарти,

қажв қилсак, даромад қирқилиб, газета ёпилиб қолиши мумкин. Мен, аввало савдо-сотик аҳлиданман. Ўзингизга маълум, савдо аҳли зарарни ёқтирмайдиган, фойдаталаб халқ бўлади. Бинобарин, ҳали иш бошламай синиб, хонавайрон бўлишга кимнинг ҳам тоби бор дейсиз, мавлоно!

— Ҳа, гапингизда мантиқ бор...— деди Ҳамза кесатиб. Ҳамма Ҳамзага қаради.

— Бирор нима демоқчимисиз, жаноб Холбоев?— деди Мединский Ҳамзага қараб. У бу билан Ҳамзани баҳсдан чалғитмоқчи эди, лекин Ҳамза олдинга босган қадамни орқага оладиганлардан эмасди. Мединскийга қараб, ғалати жилмайиб қўйди-да, кўнглидаги гапни шартта айтиб юборди:

— Ҳамма бало маориф ишлари савдо-сотик аҳлининг қўлидалигида-да! Мана, муҳтарам ноширимиз Каримбой жаноблари, газета коммерция маҳкамаси бўлиб, унинг асосий вазифаси даромад олиш, дегандек гап қилдилар. Бунақада, ҳазрат олийлари, сизнинг маърифат ва урфоннинг фойдаси борасидаги ҳалиги қизгин қадаҳингизнинг аҳамияти қаерда қолади?

Мединский мамнун жилмайиб, даврадагиларга кўз югуртирди-да:

— Жаноблар, муҳтарам шоиримизга ким жавоб қилади?— деб сўради.

— Газитми ё пахта зовутми— нима фарқи бор,— деди Содиқжон бойвачча нописандлик билан.— Бундан фойда чиқса, бўлди-да!

— Бунчалик қизишманглар, жаноблар!— деди Мединский мулойимлик билан.— Идеаллар, беғараз интилишлар, халқ маорифидай муқаддас ишлар борку, ахир!

— Ҳамзанинг мактаблари бир-икки ойдан нарига ўтмайди— чиллаки,— дея мазах қилди Содиқжон бойвачча,— шунинг учун бошқаларга доим ҳасад қилиб юради!

— Уғил болалар билан қиз болаларни бирга ўқитаётганим учун менинг мактабларимни ёпиб қўйишпти,— деди Ҳамза, Содиқжон бойваччанинг таънасига жавобан.

Унинг бу гапи бошқаларга ҳам тегиб кетди, чекка-чеккадан унга гап отишди:

— Сизнинг мактабларингизда ялангоёқларнинг болалари ўқиганидан кейин шу-да!

— Ўзини ҳурмат қиладиган мусулмонлардан би-

рортаси ўз боласини уларга қўшиб ўқитиб, жинни бўлибдими?

— Айтайлик, менинг хизматкорим мулла бўлди-ю, оми бўлди — менга бари бир эмасми? У ўқиб мулла бўлиб, бирор шаҳарни олиб берармиди менга!

Улар Ҳамзанинг устидан очиқдан-очиқ кулиб, уни мазах қилардилар. Лекин Ҳамза ҳам бўш келмади:

— Ҳа, мактабларимнинг эшиги ҳам, юраги ҳам камбағалларнинг фарзандларига катта очиқ,— деди Ҳамза ғурур билан.— Чунки сизларнинг фарзандларингиз ўқийдиган жойда уларга ўрин йўқ! Мақсадимни очиқ айтиб қўя қолай, тақсирлар, сизларга. Мен уларнинг кўнгилларига чироқ ёқмоқчиман, кўзларини очмоқчиман — токи оқу қорани ажратсинлар!

Содиқжон бойваччанинг пешонаси тиришиб, мўйлови титраб кетди. У Ҳамзага қараб хўмрайиб, нописандлик билан тўнғиллади:

— Мана, битта саводли сизмисиз. Ахир менинг заводимда ишлайсиз-ку! Агар ишламасангиз ўрис хотинингизни қандай боқасиз? Тирикчилик деган тошдан қаттиқ нарса олдида саводли-саводсиз баббаравар. Ишлаш керак!

Содиқжон бойвачча атайлаб Ҳамзани эрмак қилар, унинг жиғига тегишга уринарди. Ўртада жанжал чиқиб кетишидан хавфсираган Завқий бунинг олдини олиш учун мулойимлик билан деди:

— Йўқ, жаноби бой, саводли билан саводсиз ҳеч маҳалда баб-баравар эмас. Саводли ўз ҳақини таниган бўлади, бинобарин, уни алдаш осон бўлмайди.

Ўртага ноқулай жимлик чўкди. Бийрон-бийрон сайраб ўтирган бойлар жим бўлиб қолишди. Бир фурсатдан сўнг Каримбой баҳс мавзуини чалғитишга ошиқди:

— Бўлмаса, хотин-қизларга саводнинг нима кераги бор?— ҳиринглаб кулди у.— Бола баҳона, дийдор ғанимат деб улар олдинга йигитлар билан ёнмаён ўтиришга ўрганишади, кейин уйда ҳам баравар бўламан деб ҳунар чиқаришади...

Ҳамза Каримбойнинг нодонлигига чидаб туролмай, шаҳар ҳокими томон юзланди.

— Булар хўжакўрсинга 'роса оғиз кўпиртираётган маърифат ана шу, жаноби олийлари,— деди у ғазаб ва алам билан.— Олло хуш кўрадигану ўзларини «ҳурмат қиладиган» катта пулга ошиқларнинг маърифати! — Кейин у Каримбойга ўгирилди. — Газе-

тангизда булар тўғрисида ҳам лом-мим дейилмаса керак-а?

— Бунинг кимга қизиғи бор?— Каримбой гўштор елкасини қисиб қўйди.

— Маҳаллий аҳолининг кўпчилигига! Баъзилар учун зоти паст бўлган одамларга— Ҳамза аниқлиги киритди.

— Ахир улар саводсиз-ку, газетани нима қилишади?— кулди Каримбой.

— Улар ҳозир саводсиз, лекин бу қоронғуликдан қутуладиган кун яқин...

Каримбой индаёлмай қолди. Чунки Ҳамзага ўчакишининг оқибати ўзига яхши бўлмаслигини у тушунарди. Бу— биринчи сабаб бўлса, иккинчидан, янги йил муносабати билан шаҳар ҳокими уюштирган бу «зиёфат»ни баҳсга айлантириб, Мединский олдида ноқулай аҳволга тушиб қолмаслик учун тилини тийишни маъқул кўрди. Ҳамза бўлса, аксинча, Каримбой орқали бошқаларнинг ҳам риёкорлигини ҳеч қандай юз-хотирсиз очиб ташлашни мўлжалларди. Бироқ Каримбой мунозарадан ўзини-олиб қочиб, содир бўлиши муқаррар жанжалнинг олдини олиб қолди.

Кейин Ҳамза меҳнаткашларнинг болаларига хат-савод ўргатиш, уларга ҳатто рус тилини ўқитиш ҳақидаги орзуларини ўртага ташлади. Бунга Мединский ва унинг чиновниклари, бу шунчаки хаёлпарастлик деб қараб эътибор беришмади, аммо маҳаллий амалдорларнинг ғазаблари қайнаб, жонлари чиқиб кетаёзди. Айниқса Содиқжон бойваччанинг чакка томирлари бўртиб кўзлари совуқ йилтираб кетди-да, столни муштаб, ўрнидан туриб, нималардир деб гўлдираб, жойига ўтирди.

Зиёфат анча кўнгилсиз ўтди. Ҳаммадан олдин Завқий билан Ҳамза мезбонга миннатдорчилик изҳор этиб, ўринларидан қўзғалишди. Уларга Олчинбек ҳам эргашди.

Йигирма биринчи боб

САЙЕР ТРУППА

Китаев билан яна икки полициячи Олия билан яна битта татар артистини жинкўчадан олдиларига солиб ҳайдаб келишарди. Бошқа иккита полициячи эса, тақиқланган адабиётлар солинган хуржунларни кўтариб олишган, ҳаммадан орқада маймоқ айғоқчи тийтанглаб келарди. Кўчанинг нариги бетидан келаёт-

ган Степан, Ҳамза, Аксиньялар буларни қоронгида таниёлмай, бир-бирларига хавотирланиб қараб қўйишди.

— Кечаси ҳар бир ўткинчи кишига шубҳали кўри-наверади, хавотирланманглар,— деди Степан ҳамроҳларига босиқ овозда. Ҳамза билан Аксинья индашмади. Лекин Степаннинг кайфияти яхши, бугунги ишларидан мамнунлигидан терисига сиғмас, шу топда қўшиқ айтгиси келарди.

— Тўнингга қанчаси сиғди ўзи?— дея сўради у Ҳамзани туртиб илжайиб. Улар анча илгарилаб қолишган эди. Ҳамза тўнингнинг барини аста очди. Қўлтиқларидаги варақаларга ишора қилди. Степан койил қолган қиёфада яна гап қотди:

— Сезилмайди ҳам-а, қойил!— деди Ҳамзанинг кифтига қоқиб.— Ўзбекнинг чопонида гап кўп-да ўзи. Ярим қопини жойлаб юборибсан-ов, азамат.

Ҳамза бу мақтовдан эриб кетди, чамаси, Степаннинг елкасига бир ёк кифти билан туртди-да:

— Менда яна битта яп-янгиси бор, сенга атаб асраб қўйибман. Яхши ният қилиб кийгизмоқчи бўлиб юргандим, ҳеч мавриди келмаяпти,— деди.

Аксинья пиқ этиб кулиб юборди-да:

— Рус кишисини ўзбекча узун чопон ичида тасаввур қилиш менга қийин бўляпти,— деди у ҳамон кинояли кулиб,— ахир дарров ушлаб олишади-ку.

Степан гапни бошқа ёққа бурди. У китобчаларни қаерга яширганлигини Аксиньядан сўради. Лекин у жавоб берпшга улгурмай, улар кетаётган кўча муюлишидан полициячилар ҳалиги артистларни олдиларига солиб ҳайдаб чиқиб қолишди.

— Тўхтанглар,— деди Степан ҳамроҳларига ўғирилиб,— бизда ҳозир камида бир пуд қатогон қилинган адабиётлар бор... Эҳ, аттанг, ишимиз юришмади-юришмади-да...

— Бу ерда яшириниб ҳам бўлмайди,— дея ташвишланди Аксинья, кўзлари олазарак бўлиб.— Биронта ҳовлига уриб колсакмикин?

Ҳамза унга эътироз билдирди:

— Бизни кўришга кўришди улар. Энди ҳеч нарса кўрмагандек йўлимизда давом этаверишимиз керак. Полициячи бамисоли ит табиат бўлади, қочсанг кучайиб орқангдан кувлайди, бордию дадил бўлсанг, сенга эътибор ҳам бермайди.

Улар яқинлашиб келиб қолишган эди. Аксинья

бирдан қичкириб юбораёзди. У кўзларига ишонмасди. У татар артисткасини таниб қолган эди.

— Менга қаранглар, бу ўша ҳалиги Олия-ку. Энди нима бўлади? Юкни ўшандан олувдик,— деб шивирлади Ҳамзанинг кулоғига.

Ҳамза Степанга савол назари билан қаради. Степан «ҳовлиқманглар» дегандек кўзини кисди. Бу орада олдинда келаётган Китаевнинг ўзи эканлигини кўришди. У ҳам буларни кўриб, полициячиларга «тайёрланинглар» дегандек шахт билан қараб қўйди. Улар ҳушёр тортишиб, ҳар эҳтимолга қарши ёнларини пайпаслаб қўйишди. Улар маҳбуслари билан олти киши, булар эса уч киши. Маҳбусларни кутқаришнинг иложи йўқ эди. Тўғриси, шу топда Ҳамза ана шу мушкулот ҳақида ўйлар, хаёлига ҳар хил режалар кириб чиқар, лекин ҳаммаси ҳам Китаев тўдасининг ҳар тарафлама устунлиги олдида чил-чил бўлиб кетарди. Кўча тор, икки томон бир-бирига юзма-юз келарди.

— Э-э, Соколов жаноблари!— Китаев бош кийимини олиб, саломлашди.— Ҳалиям дарёдаги балиқдай ўйноқлаб юрган экансиз-да. Ажаб? Тўримизга тушасиз ҳали... Кўриб турибсиз-ку ўзингиз, бугун овимиз анча бароридан келди.

Соколов индамади, унинг ёнидан сиқилиб ўтиб кетди. Китаевнинг кўзи Ҳамзага тушиб қолди-да, унга пичинг қилди:

— Сизга ҳам иссиққина жой тайёрлаб қўйганмиз, шоир...

Ҳамзанинг қони қайнаб, тумшуғига туширмоқч бўлди-ю, лекин ўзини босди. Шундай бўлса ҳам индамай кетаверишни ўзига эп кўрмай, пичингга пичинг билан жавоб қайтарди:

— Мабодо сизга ўхшаган совуқ қиш келса бу таклифингизни ўйлаб кўраман. Ҳозирча Қўқонда иссиқ жойга ҳожатим йўқроқ...

Булар учови деворга сиқилишиб ўтиб кетишар экан, полициячилар маҳбусларни улардан пана қилишди. Булар ўтиб кетишгач, маймоқ айғоқчи орқаларидан гап ташлади:

— Улжамиз дидингизга ёқдимиз, қалай?— деди у Олияхонимга ишора қилиб. У Олияга шилқимлик қилди шекилли, маймоққа газаб билан қичқирди:

— Қўлингизни торт, ифлос! Биз сенга бозордаги мол эмасмиз. Биз-артистлармиз!

Ҳамза артистларни маймоқ таҳқирлаётганига

чидаёлмай йўлида тўхтади. Унинг вазоҳатини кўриб Степан: «Узингни қўлга ол, дўстим», деб қулоғига шивирлади. Ҳозир салгина ноҳўя ҳаракат қилинса, иш барбод бўлишини тишунган Ҳамза ноилоҳ қолди. У хаёлида маймоқни бир уриб ерпарчин қилиб ташлашга чоғланган эди. Улар тўхтаганларидан Китаев шубҳага тушиб, шерикларига: «Тезроқ ўтинглар, тез!» деб шоширди. Шу пайт татар артисти Ҳамзага нимадир деди, Ҳамза ҳам унга бир нима деб татарчалаб жавоб берди. Китаев буни сезиб қолиб, Ҳамзасга ёпишиб олди.

— У сенга нима деди, учрашадиган жойни айтди-ми? Ростини гапир! Сен унга нима дединг?

Ҳамза иложи борича ўзини босиб, кесатиб жавоб қилди:

— Афсуски, у сизнинг мижозингизга ёқадиган ҳеч нима демади,— деди.— Агар аниғини билмоқчи бўлсангиз: «Сизларнинг ҳам яқинда миллий театрингиз бўлади», деди. Мен эса, унга: «Бу яхши хабаринг учун раҳмат», дедим. Шу холос, жаноблари!

Китаев миқ этолмай қолди. Бир фурсат гангиб тургач, ўзича гўлдиради:

— Театрдан-ку хабарим йўқ, лекин яқинда янги турма қурилишини аниқ биламан. Ўзлари не аҳволга тушганларини кўра-била туриб, тагин аллақандай театр ҳақида валдирашади, тавба!..

Шу пайт кутилмаган ҳодиса рўй берди. Китаев булар билан алаҳсираб турганидан фойдаланиб, татар артисти полициячилар қўлтиқлаб келаётган даста қоғовларга ташланиб, уларни сочиб юборди. Қўқон кўчаларида изғиб юрган шамол уларни тўғри келган томонга чирпирак қилиб учириб кетди...

Визирма иккинчи боб

БИРИНЧИ ҒАЛАБА

Ресторанда одам гавжум. Столларнинг деярли ҳаммаси банд. Залнинг тўридаги бир бурчакда асосий саҳнадан ярим метрлар чамаси баландроқ айвончадаги алоҳида столда Содиқжон бойвачча, бир савдогар (инглиз бўлса керак) яна Олчинбек ўтиришибди. Учаласининг олдидаги фужерга шароб қуйилган. Ҳар замонда, ҳар ким ўзича ҳўплаб қўяди. Қиёфаларининг жиддийлигига қараганда, уларни, шунчаки маи-

шат қилиб ўтиришибди, деб бўлмасди. Содиқжон бойвачча олдидаги фужерни кўтариб, охиригача симирдида, мўйловини энги билан артиб, ҳалиги савдогар деганимиз — инглизга қаради. У, айниқса, шу пайтда ишчан, ғайратидан рўпарасидаги одам билан у бардош берган қадар тортишишга тайёр кўринарди. Афтидан, улар ўртасида «олди-сотди, бор-барака топ!» охирлаб қолган бўлса керак, Содиқжон бойвачча шартта кесди:

— Бўлди... Охирги нарх шу!.. Энди бир тийин ҳам ками йўқ! Қани, энди сеники бўлган менинг пахтач учун!— У фужерларни қайта тўлдирди. Одатда бойвачча ўзи қўймас, ўзига бошкалар тавозе билан хизмат қилишларини яхши кўрарди. Лекин бундай ҳолатларда эса, ташаббусни ўз кўлига олар, ўзгаларни ҳамма томондан ўзига карам қилиб тутиб туришни унутмасди. Ҳозир ҳам шундай қилди.

Олчинбек (бойвачча уни руслар билан қиладиган алоқаларида воситачи — тилмоч қилиб олганди) унинг гапини ажнабий савдогарга русчалаб таржима қилди.

Инглизнинг башарасида норозилик аломати аксланди, кўзлари чақчайиб, бир ёндию сўнди. Афтидан у кўпни кўрган, унча-мунчага бўш қиладиганлардан эмасди. Унг қўли кафтини очиб, «йўқ, бўлмайди» деган маънода силкитди-да:

— Ноу, ноу...— деди. Кейин Олчинбекка русчалаб бир нима деб шивирлади. Олчинбек Содиқжон бойваччага таржима қилди:

— Ҳар пуддан яна ярим сўмдан ташлайсиз, деяпти.

— Худо ҳаққи, иложим йўқ!— деди Содиқжон бойвачча қўлидаги қадаҳни «тақ» эткизиб столга қўйиб.— Шундоқ ҳам арзон кетяпти.

Эски мижоз бўлгани учун ҳалиям анча ташлаб юбордим. Бўлмаса, ўрнс кўпасларидан ҳам харидори кўп.

Бироқ инглиз ҳам «ноу-ноу» деб қаттиқ туриб олди. Содиқжон бойвачча қараса, иш битмайдиган. Олчинбекка қараб, муғамбирона бир тиржайиб қўйди-да, яна бир танга ташлаши мумкинлигини билдириб унга ағдаришни буюрди.

Инглизнинг юзи ёришгандек бўлди. Олчинбекка нимадир деб шивирлади. Уни кузатиб турган бойвачча «иш пишди» деган хаёлга бориб, шахт билан қадаҳни

қўлига олди. Лекин инглиз бир фурсат ҳаялланиб тараддудга тушиб қолганини кўриб, темирни қизигида босиб қолишга ошиқди.

— Бор, яна бир миридан ташладим, — деб юборди.

Инглизнинг лабларининг таноби қочиб, илжайди. Бойвачча эса, энди уни шунга «ўлдирганига» шубҳаланмасди.

— Бор, барака! Заводга бориб, борини олавер — деди. Кейин харидорини «эритиш» учун унинг елкасига қўлини ташлаб, хушомад билан қўшиб қўйди: — Пулдан гап кетса, ҳар қанақа тилда бўлсаям тушунаверасан-а?

Олчинбек буларни лўнда килиб ағдарди. Шундан кейингина инглиз қадаҳни қўлига олди. Уриштиришди. Учала қадаҳ охиригача сипқорилди.

Содиқжон бойвачча савдо кўнглидагидай битганиданми ва ё шаробнинг «лаззати» данми, ҳар қалай, «худого шукур» деб мўйловини силаб қўйди. «Бу пўла бошга энди тушунтирдим-а. Ўзи юмшоқ сунурги бўлиб кўринса ҳам, тошдан ҳам қаттиқ экан, занғар», — деб яна сипқорди.

— Буни тағин унга ағдариб юрма, — деди у Олчинбекка қараб кўзини қисиб.

Инглиз кейингисини ичмай, қўлига қоғоз-қалам олди. Бойваччанинг бунга ҳайрон бўлиб қараб қолганини кўриб:

— Олдин иш қилиш керак, — деб қўйди.

Олчинбек унинг гапини хўжайинига ағдарди.

Улар савдо-сотик хужжатини расмийлаштиришгач, ҳақиқий зиёфат бошланиб кетди.

* * *

Содиқжон бойваччанинг пахта тозалаш заводидан иш қизгин. Юқоридан гупиллатиб лайлак қордай пағпаға пахта лўппаклари ёғилмоқда. Унинг қалинлигидан пахта тойловчилар кўринишмайди, фақат бақириқ-чақириқларигина эшитилади, холос. Заводда эрта-лабдан то қош қорайгунча аҳвол шу.

Ҳамза ҳам топшириқ билан шу заводда ишлар эди. У тойланган пахталарни араваларга пешма-пеш ортаётган ишчилардан қозоқ йигити Собит билан бирга ишларди.

Бугун ишчиларга маош берилди. Ҳамма тўполонга

ана шу маош сабабчи эди. Нима бўлди-ю, гапдан гап чиқиб, Собит Ҳамзадан сўраб қолди:

— Ҳамза оға, сиздан бир нарсани сўрасам майлими?— деди иш орасида.— Айтингчи, нега сиз ўзбек билан мен— қозоққа ўрис ишчига қараганда уч баробар кам ҳақ тўлашади? Нима, биз улардан ёмон ишлаймизми?

Ҳамза шеригига бошдан-оёқ меҳр билан қараб жиймайиб қўйди.

— Эй дўстим,— деди у Собитнинг елкасига қоқиб.— Менимча, атайин шундай қилишади улар. Сабаби, уларнинг мақсади— бизларни бир-биримиз билан уриштириб қўйиш.

— Бундан хўжайинларга не фойда?

— Биз оз ҳақ олиб, рус оғайнилар кўп олеалар, пировардида уларни ёмон кўриб қоламиз-да, ахир. Чунки улар ўз ҳақларини таниган халқ, бизларга ўхшаб ювош эмас.

Барибир Собит тушунмади. Унга яхшилаб тушунтириш учун эса, фурсат йўқ эди. Улар индамай ишларини давом эттиришди. Битта тойни кўтариб бориб аравага ортиб келгунларича иккинчиси тайёр бўлиб тушиб турарди. Эрталабдан кечгача тиним йўқ. Бунинг устига иш оғир эди. Собит пешонасидаги терни артаркан, яна сўради:

— Сиз билан менга ярим тангадан, уларга бир ярим тангадан! Уларнинг биздан нимаси ортиқ?

— Ортиқ ери йўқ, лекин, айтдим-ку, улар ҳақини таниган, бизга ўхшаб гумроҳ эмас деб. Албатта, завод эгасига мен билан сенга ўхшаган арзон ишчи кучи керак. Иложини топсалар, русларнинг ўрнига биздақалардан фойдаланар эдилару, бироқ улар аҳил, бизга ўхшаб тарқоқ эмаслар, бир-бирларини ҳимоя қиладилар. Уларга яқин бўлсанг, кўп нарсани тушунасан, Собит.— Ҳамза завод дарвозасидан улар томон келаётган рус докторини кўриб, гапидан тўхтади. Унинг қўлида саквояж, ёнида бир ялангоёқ бола.

— Мана, бу ёққа, бу ёққа,— дея бола олдинга ўтиб, уни пахта тойловчилар томон бошлади. Ҳамза энди кўтаришга чоғланиб турган бир той пахтани жойига қўйиб, Собитни ҳам тўхтатди.

— Ҳа, нима гап, арқонидан яхши ушлолмадингизми?— сўради Собит.

— Йўқ, бир нафас дам оламиз. Эски ошнамни кў-

риб қолдим,— Ҳамза докторнинг йўлини кесиб чиқа бошлади. У ҳам Ҳамзани кўриб ҳайратланди.

— Ия, Ҳамза, сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? Юккашлик қиялпсизми?— Доктор Ҳамзани бу ерда учратишини ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Бунинг устига, юккашлик қилаётганини кўриб, таажжуби ортди. Ҳамза Қўқон большевикларининг топшириги эканини яширди:

— Оилам бор... Тирикчилик дегандай... Ўзингиз қалай, яхшимисиз, доктор?

— М-да,— деб қўйди доктор, бошини сарак-сарак қилиб.— Кўп бўлдими, бу ерга ишга келганингизга?

— Бир ой бўлди.

— Менга бир оғиз маслаҳат солмабсиз ҳам.

— Бўйин эгиб, зорланишга ўрганмаганман...

— Бу тентаклик-ку, ахир, Ҳамза. Нима, сизга бирон мос келадиган иш топиб беролмасдикми? Зиёли одамга юккашлик қилиш ярашмайди, биродар.

— Тўғри....— Ҳамза унинг гапини маъқуллади.— Ҳозирча эса, шу ердан олган чақа билан кунимиз ўтиб турибди. Ишчилар яхши одамлар...

— Унақа бўлса, таъбингиз, лекин хўжайинларнинг ишига аралашаверманг.

— Уларнинг ишларига аралашиб ўлибманми. Лекин оғайниларибга нисбатан ноҳақликларга келганда, бунга аралашмасликка кафолат беролмайман.

Бу орада докторни бошлаб келган бола бетоқатланиб, уни «бу ёққа», «юринг бу ёққа, тез бўлинг» деб қўлидан торта бошлади.

— Ҳа, доктор, нима гап ўзи, афтидан сиз ҳам хўжайинларни даволагани келмаган бўлсангиз керак ҳозир?— деди Ҳамза болага ишора қилиб.

— Йўқ, ишчилардан бирини мазаси қочиб қолибди. Мени бу ерга бот-бот чақириб туришади.

Доктор боланинг орқасидан эргашди. Ҳамза қандайдир кўнгилсиз ҳодиса бўлганини сезиб, Собитга ўгирилди.

— Юр-чи, Собит, борайлик, нима бўлганикин,— деди. Улар ҳам докторнинг кетидан эргашиди. Йўлда Собит яна ҳалиги сўроғидан гап очди.

— Ҳамза оға, ўрис табиб билан ошна экансиз. Улардан сўраб кўринг, нега ўрисларга бир ярим танга-ю сиз билан мендақаларга ярим танга ҳақ тўлашадими?— деди қалпоғига ўтирган чангни қоқиб. Ҳамза

унга жағоб беришга улгурмай, улар пахта тозалаш дастгоҳига кириб боришди.

Тепедаги люкдан пахта бамисоли лайлак қордай тушиб турса ҳам, одамлар ишни тўхтатиб, пахта устида нафаси қисиб, беҳол ётган бир ишчининг тепасида нима қилишларини билмай туришарди. Шу пайт Умар полвон юкорига қараб: «Пахтани туширманг», дея кичкирди. Люк бекилгач, «лайлак қор» тинди, лекин қуюк тумандай чанг дастгоҳда муаллақ осилиб келди. Қулоқ-бурунлари пахта гардига тўлиб қолган ишчилар худди қурукликка чиқиб қолган балиқдек орғиларини каппа-каппа очиб, нафас олишарди.

Ун уч-ўн тўртлар чамасидаги ҳалиги бола ерда ётган бемор (отаси эди чамаси)нинг атрофида парвона. Оппоқ момиқда қон доғлари.

— Дада, дада! Гапимни эшитяпсизми, мана дўхтирни топиб, бошлаб келдим...— Лекин отадан садо чиқмади, у аранг нафас оларди. Умуман, бу заводда ишлаш — била туриб ўлимга бориш эканлигини кўпчилик билса ҳам, тирикчилик тошдан қаттиқ дегандай, ишлашга мажбур эдилар. Улардан аксарияти нари борса, бир йил, бўлмаса олти ойга дош беролмас, ўпкаси гардга тўлиб, нафаси қисадиган бўлиб ишдан чиқар, баъзилари ўлиб кетарди. Утган ойда бир бола ўлган, шундан икки ҳафта ўтар-ўтмас ёшгина йигит нобуд бўлганди. Доктор беморнинг дарди нималигини билгани учун уни текшириб ўтирмади.

— Ҳа, ўша гап,— деди лоқайдлик билан.— Ёстиққа пар тиқилгандай ўпкаси пахта гардига тўлган.— У қулоғини ҳалиги ишчининг кўкрагига тутди.— Нафас ололмаяпти... Ҳавога олиб чиқинглар, мана қон туфлабди, кўрмаяпсизларми?— деди гўлдираб.

Шу пайт дарвоза томондан бир жуфт от қўшилган фойтун кириб кела бошлади. Унда Содиқжон бойвачча, унинг ёнида инглиз харидор билан тилмоч Олчинбек ўтирарди.

Бойвачча инглизнинг кифтига қўлини ташлаб, гап қотди:

— Мана шу пахталарнинг бари сеники, олавер энди! Агар яна пахта керак бўлиб қолса, ўзимга келавер пулни бегона қилмай, хўпми?

Инглиз елкасини қисди. Олчинбек русчага таржима қилгач, бошини силкиб, илжайиб кўйди. Бу орада улар тўпланиб турган ишчиларнинг тепасига етиб келишди.

— Нима гап?— деб сўради инглиз, ишчиларнинг тўпланиб туришганини кўриб.

— Нима гап бўларди, дейсиз, бизларни кутиб олишяпти-да!— дея Содиқжон бойвачча тиржайди.— Хўжайин келса шунақа бўлади.

Ишчилар уларга йўл беришди. Утиб кетатуриб, бойвачча ерда ётган ишчининг ёнида куйманаётган рус докторига кўзи тушиб қолди. У извошдан сакраб туриб, бошқарувчига ўдағайлади:

— Бу нима ётиш? Нега у чўзилиб ётибди ҳамма-ни ишдан қолдириб? Буларни талтайтириб юборибсан-ку, тўнғиз! Ишланглар, текинхўрга нон йўқ. У нега ётибди?— дея сўради доктордан.

— Нафаси бўғилган, ўпкасига гард тўлиб қолган, жаноби бой,— деди доктор, унинг бағритошлигидан газаби қайнаб. Кейин қўшиб қўйди.— Мен каторга турмасида врачлик қилганман...

— Уша ердан келиб, чакки қилган экансиз,— деди Содиқжон бойвачча энсаси қотиб. Лекин доктор ҳам кинояга аччиқ киноя билан жавоб қайтарди:

— У ердагиларнинг аҳволлари бундан енгилроқ эди...

Бойвачча яна бошқарувчига ёпишди: «Бу ерда ўрис табиб нима қилиб юрибди, уни нега бу ерга йўлатасан, бу ер касалхона эмас-ку!» деб уни койиди. Ҳамза бу хўрликка чидаёлмай, бойваччанинг олдинга келди.

— Уни мен чақиртириб келдим,— деди жўрттага ёлғон гапириб.

Бойвачча уни кўриб фигони фалакка чиқиб кетди. Оғзига келганини қайтармай, ҳақорат қилди. Оқпадар деди, диндан қайтган, шариятни оёқ ости қилган, хуллас, оғзидан боди кириб шоди чиқди. Кейин бошқарувчига газабини сочди:

— Нега бу ғаламисни зовутимга ишга оласан, ундан бўлаги қуриб кетганмиди, аҳмоқ!— деди.

— Узингиз шоширганингиздан кейин вақтинча бўлсаям олавердим, нима қилай, хўжайин,— дея зорланди бошқарувчи ер чизиб. Кейин қўшиб қўйди:— Жиянингиз Олчинбек билан маслаҳатлашганман.

— Ҳм... хўш-ш,— дея Содиқжон бойвачча инглиз томон ўгирилиб, тишининг оқини кўрсатишга уриниб деди:— Бизнинг зовутларимиздаям гоҳида ғаламислару ишбузарлар учраб туради.

Инглиз Олчинбекка бир нима деб шивирлади.

— Мистер Джон бу бахтсиз ҳодисами, деб сўраяптилар,— деди Олчинбек бойваччага қараб. Бойваччанинг жаҳли чиқиб, пешонаси тиришди.

— Нима, буни машина майиб қилибдими ё у ер-бу ерини гажиб кетибдимики, бахтсиз ҳодиса деса,— деди тўнғиллаб.— Айб ўзида, соғлиғи бунақа ночор экан, бозорда қурут сотсин эди. Уни зовутга мен зўрлаб келтирибманми...

Бошқарувчи кўрдик, бойвачча жини қўзиб келаяпти, бирор кор-қол бўлишидан қўрқиб докторнинг олдига борди. Унга хўжайиннинг авзойи бузуқлигини айтиб, бу ердан кетиши кераклигини тушунтирди. Содикжон бойвачча бўлса, ишчиларга караб ўдағайлай бошлади. Уларни ишга тушишларини буюрди, ҳаммани «текинхўрлар» деб ҳақорот қилди. Пахта-нинг ҳаммасини европалик савдогарга сотиб юборганини, уларни дарҳол жўнатмаса бўлмаслигини дағдага қилиб тайинлади, докторни бир-икки чақиб олди. Лекин доктор унга тик қаради.

— Менинг бурчим ўлаётган одамнинг олдида бўлиш,— деди кескин қилиб.— Эҳтимол, жонини сақлаб қоларман...

Бола: «Дада, дадам!»— деб зор йиғларди. Доктор унга сув иситиб келишни буюрди. Бу гапдан бойваччанинг жони ҳалкумига келди.

— Сувнинг нима кераги бор. Ҳамманг ҳозироқ ишга тушиш, бўлмаса оналарингни кўрсатиб қўяман,— деб бақирди.

Собит бунга чидолмай олдинга чиқди.

— Ҳадеб жаҳл қилаверманг, хўжайин, барвақт қариб қоласиз. Бизнинг чўлдагилар: «Сержаҳл киши эрта қарийди», дейишади. Ундан кўра менга бир нарсани тушунтириб беринг. Нимага биз, ўзбек, қозоқлар ярим танга оламузу ўрисларга уч ҳисса ортиқ тўла-сиз?

Бойваччанинг энсаси қотиб, қўрслик билан жавоб қилди:

— Бўлгани шу! Ишларни хоҳламасанг, ана катта кўча!

— Башарти менга ҳам ўн тийин тўлашса, сен хурсанд бўлармидинг. Ахир бу пул билан мен қандай кун кечираман, толган гапини караю,— дея эътироз билдирди рус ишчиларидан бири. Умар полвон гапга аралашди. Ҳалиги ишчига тушунтирди:

— Сени айтаётгани йўқ, сен механиксан, олганинча олавер, лекин гап юккашлар устида кетяпти. Ахир Собит қайси биримиздан кам ортяпти юкни? Ана гап қаерда?

Бу орада Ҳамза ҳам бойвачча билан бир шингил ади-бади айтишиб олди. Унинг жирттакилик қилиб айтган қўпол гапларига кўпчилик олдида оғирлик билан жавоб бериб, оҳорини тўкиб ташлади. Бойвачча чидаёлмай очиқдан-очиқ ҳақоратга ўтди.

Улардан бир неча қадам нарида хаста ишчининг ўғли қора мой шимдирилган чиқинди латта-путталарни бурукситиб, сув қайнатарди. Бошқарувчи унинг олдига бориб, полиция участкасидан полициячиларни айтиб келишни буюрди. Буни кўриб турган ишчи унга зарда қилди:

— Полициянг бизнинг ўрнимизга ишлаб берармиди. Болага тегма, у нима гамдаю сен унга зуғум қилсан? Қандай тошюраксан, ахир, кўриб турибсан-ку, отаси не аҳволдалигини?— деди.— Агар жудаям улар сенга керак бўлса, ўзинг бор, хўжайиннинг ялоқхўри!

Бошқарувчи ўзини бу дашномни эшитмаганликка солиб болани қистади. У эса оёғини тираб, «бормайман!» деди-да, қора қумғонда қайнатилган сувни докторга олиб келиб берди. Кейин нажот истаб докторга жовдиради. Доктор эса худди гуноҳкор одамдек бўйинни эгиб, минғирларди:

— Энди сувнинг кераги йўқ...— у бошидан оқ сурп қалпоғини олди. Уни диққат билан кузатиб турган ишчилар бу ҳолни кўриб, безовталаниб қолишди. Бола отасининг устига ўзини ташлаб: «Дада!»— деб додлаб юборди.

Ишчилар кўзларини ғазаб билан бойваччага қарашди. У бу кўзлардаги чакнаган ўтга бардош беролмай бир фурсат каловланиб қолди. Кейин ўзини қўлга олиб гўлддиради.

— Худо раҳмат қилсин. Ўзи ҳам хатини олиб, муҳрга қараб қолган экан-да... бечора. Ҳай, на чора, бандалик экан...— деб қўйди.

Бу билан у бир ўқда икки қуённи қулатишни, яъни, биринчидан, унинг ўлимида ўзининг бегуноҳлигини, иккинчидан эса, бу ўлим туфайли ишчиларга ҳамдард эканлигини таъкидламоқни назарда тутарди. Лекин унинг тулкилигини ишчилар жуда яхши билишар, шунинг учун ҳам тилёглама гапидан таъсирла-

ниш ўрнига баттар газабланиб кетишди. Уни юз-хоир қилман, золимлигини дангал юзига солишди. Бола эса, онасидан ажраб қолган етим бўтадек бўзларди. Бойвачча бу вазиятдан «кўнгилчан»лик билан чиқиб кетолмаслигини фаҳмлаб, ўзининг синалган эски усулига ўтди.

— Буларни ҳайдаб юбор!— деди бошқарувчига амр қилиб.— Очидан ўлиб кетсин ҳаммаси! Бошқа ҳеч кимни ишга ёллама! Бир тийин ҳам тўлама!

Унинг бу гапи ёнай деб турган ўтга керосин сепгандай бўлди. Ҳамза ерда ёниб турган мой латтани бир газча келадиган таёқчага ўраб машъала қилиб олдида, тойланиши керак бўлган момиқ пахталар томон дадил юриб кетди. Буни кўрган бошқарувчининг жони ҳалқумига келганидан иккала кафти билан башарасини беркитиб олди. Инглиз эса, кўз ўнгида юз бераётган бу ҳодисадан гаранг холда оғзини очганича, икки кўзи худди ўлган бузоқнинг кўзидай Ҳамзага қараб бақрайиб қолганди.

— Нима қиляпсан, тентак!— деди капалаги учиб кетган бойвачча Ҳамзага бақриб.— Ўт билан ўйнашма!

— Ҳозир ҳамманинг ҳақини бермасанг, пахтага ўт қўйиб юбораман!— деди Ҳамза кўзлари косасидан чиқиб.

— Ўзинг ҳам ёниб кетасан,— деди бойвачча.

— Ёниб кетсам ҳам ёндираман! .

Аввалига ҳеч ким Ҳамзанинг шунчаликка боришини хаёлига ҳам келтирмаганди, кўришдики, у шунчаки ҳазиллашмаяпти, аҳди жиддий. Саросимага тушиб, бойвачча инглиз билан бир лаҳза нимадир деб маслаҳатлашиб олди чамаси, ёнидан ҳамёнини чиқаришга мажбур бўлди. Ҳамза эса, телбаланиб, ҳаммага барабар ҳақ тўланишини талаб қилиб, машъалани боши узра айлантитарди. Ишчилар ҳам бу аҳволни кўриб, юракларини ҳовучлаб туришар эди. Рус ишчилар ҳам Ҳамзани қўллашга тушишди.

— Ҳаммага барабар берилсин!

Содиқжон бойвачча бошқарувчи кўрсатган рўйхатга қараб унга пул санаб беришга мажбур бўлди. У умри бино бўлиб, биринчи бор қўл остидаги ишчиларнинг иродасига бўйсунмоқда эди. Бу эса, ишчиларнинг катта ғалабаси эди!

ЗУЛМАТ БОЙҶУШЛАРИ

Миён Қудрат ҳазрат Содиқжон бойваччанинг меҳмонхонасида орқасини пар ёстиқларга тираб, тасбеҳ ўгириб, хаёл суриб ўтирибди. Унинг ўнг биқинида Содиқжон бойвачча, чап биқинида Камол қози, шайх Исмоил, яна бир-икки мударрис, булар орасида аълам, муфти, эшонлар ҳамда катта мачитларнинг имомлари ҳам бор эдилар.

Олчинбек хизматда. Ҳазратга гардим пиёлада кетма-кет чой тутиб, унинг дуосини оляпти. Давлатмандларнинг сури босиб, пойгакда жуда кичкина бўлиб, боши ҳам, юзи қонсиз, танаси дармонсиз Ибн Ямин чўккалаган.

— Мулла Ибн Ямин,— деди Ҳазрат бароқ қошлари остидан қараб, йўгон овоз билан.

— Лаббай, ҳазратим.

— Сизга сийнаий раҳмимиз қўзгаб, бир маслаҳат бериш тилагида бугун йўқлатган эдик...

— Гуноҳкор бандани роҳи ростга солинг, ҳазратим. Қулоғим сизда.

— Қани, шайх Исмоил,— деди ҳазрат, «ҳамма гапни айтинг», деган маънода ишора қилиб. Шайх Исмоил аввали бир йўталиб олди.

Ибн Ямин негадир сесканиб тушди-ю, ялт этиб шайхга қаради. Шайх Исмоил унинг тепасида бир ум синовчан тикилиб турди. Шайхнинг йўгон овозидан қўрқиб кетган Ибн Ямин пича ўзини босиб:

— Лаббай, шайхим,— деб қўлини кўксига қўйиб ерга қаради.

— Мусулмонсиз. Бу ёлгон дунёнинг аччиғини хўп тотгансиз, оғзингизда илмингиз бор. Сизга аҳкоми шаръиядан гапирмоққа ўрин йўқ, аммо фарзандингиз Ҳамза жонингизга жафо бўлди. Шундоқми, ҳазратим?— ҳазрат бошини лиқиллатиб тасдиқ қилди. — Кўп узоқ эмас, яқинда яна бир бепархезлар газнителида шоир ўғлингиз рамазонни масхара қилиб ҳажв қилибдир.

— Рамазони шарифни эмас, тақсир, ўғлим Ҳамза мачитга чиқмаса ҳам, намозни уйда ўқийди. Ишонмасангиз сўранг, қалин дўсти Олчинбек ҳам билди буни. Мана, ҳазрат олдида ёлгон гапирмайман, бу ҳақда шеър ёзган ҳам, ахир мана:

Агарчи зуҳд элидек қилмағум эл кўзида тоат,
Тиларманким парах, андин келиб хавфу-рижо, ё раб.

Бунга ҳеч ким эътибор бермади. Ҳазрат эса, ўзи ўйлаб қўйган гапларидан чалғимоқчи эмасди. У давом этди:

— Маълумингизким, рамазони шарифни аҳли ислом зўр масъурият билан кутиб оладилар. Боёнларимиз хайру саховат эшигини очиб кўядилар. Мана, Фарғонанинг энг азиз, энг бадавлат, энг халқпарвар одами Содиқжон бойвачча яқинда бутун Қўқон халқига закот бердилар. Бойнинг ана шу закотини мақтаб кўкларга кўтариш ўрнига ўғлингиз кандоқ шеър битди, эшитинг, — деди ҳазрат, кейин ўқиб берди:

Камбағаллар қичқиурса дема овози закот,
Бари бой одамларининг зарбидан минг доддир.
Ўйлама ўлгунча ҳар ким бу разолатда кетар,
Шоҳлар бир кун гадо, бир кун гадо шаҳзоддир!

Ғазаби тошиб кетган Содиқжон бойвачча Ибн Яминга қараб ўшқирди:

— Йўқ! Ўғлингизнинг гапи беҳуда... Бу олло таоллонинг иродасига қарши айтилган. Юртнинг иши билан шуғулланишни ким кўйибди унга. Подшо олий ҳазрат ҳақида эрта кеч дуо қилиш ўрнига, бу — оқ подшоҳимизга номуносиб гап. Бу — оқ подшо сартага тахтдан йиқилади, гадо бўлади. Унинг тож-тақтини гадолар эгаллайди, деган сўз эмасми, тақсирлар!

— Орий! Орий! Бу осийлик, бундай қабиҳ гапларни ёзган одам жойи жаҳаннам бўлғай. — Меҳмонхонада шовқин кўтарилиб, ҳамма муштининг Ибн Ямининг бошида ўйнатди.

— Азизлар, бас! Ақлу идрок билан иш тугайлик, — деди ҳазрат. Ҳамма жим бўлди. Содиқжон бойвачча яна гапни гапга улаб кетди:

— Банданинг ризқини олло беради. Ўша гадоларнинг ғамини еб койишининг ўғлингизга нима ҳожата бор! Уларни ўйлагунча ўғлингиз тавба килиб келсин, пул топсин, менинг даргоҳимда гумашталиқ вазифасида бинойидек ишлаб юрган эди. Уни шайтон, ҳа-ҳа, заводдаги мастеровойлар билан бисмиллоси йўқ китоблар айнитди! Биз худонинг суйган бандаларимиз, бизга осилганларнинг бели чўрт узилади!

— Бой афанди, мен ожиз бандани кечиргайлар,

Бир чигилни мана ҳазрат олдида ечиб олмоқчиман! — деди Ибн Ямин юрак ютиб. — Боя айтдингизки, ҳар бир нарса худодан деб, бас, шундай экан, ажаб эмас худонинг қудрати янтоқфурушни подшо қилса. Ахир қудрати парвардигорнинг чеки йўқ. Ўғлим ҳали ёш, ёш одамга ҳар нарса осон, ажиб кўринар экан. Ёш одам янги гап, янги нуххани истаб қолар экан. Катта эна, катта бувалардан қолган урф-одатларга унамай, бидъат деб қарашар экан, биз ота-оналарда нима гуноҳ? Қаридик, қаригандан кейин ғам-ғусса кўпаяр, куч-қувват кетар, эс-ҳуш қолмас экан. Ҳушёр бўлмасанг ишларинг ҳам чаппасига кетиб, бола-чақанг олдида оҳоринг тўкиларкан. Мана менинг оҳоримнинг тўкилгани шу-да. Ўғлим йўлимга юрмаса, менга қулоқ солмаса, нима қилай, азизлар!

Ўртага оғир жимлик чўкди. Бой Ибн Яминнинг бу мантиқли гапидан бир муддат каловланиб қолди — муносиб жавоб тополмади. Бой ҳазратга мурожаат қилиб, ноқулай аҳволдан чиқишга шошилди.

— Ҳазратим, муддаога кўчсак, заводда зарур юмуш бор эди, — деди у томдан тушгандек қилиб дабурустдан. Бу билан у бугунги йиғилишнинг сирини очиб қўйган эди.

— Орий, орий, — деб ҳазрат бошини кўтариб Ибн Яминга тик қаради: — Гапнинг қисқаси, Ибн Ямин, аҳли Қўқон ўғлингизнинг ярамас кирдикорига тоқат қилолмай, бизга ҳамда Мединский жанобларига арз қилибдирлар! Нокобил фарзандингиз боёнлар, эшон-уламо, сайд-тўраларни менсимай, газнитларда уларни ҳақорат қилган, туратур деган ғайри машру ишларни вужудга келтирган. Ҳамзанинг бу ишларига ота бўлиб сад чекмасангиз, балки бу шариятга сифмайдиган ишларда ўзингиз бош бўлгансиз, ниҳоят, ислом, никоҳ қоидасини бузиб, бир ғайридин қизга ўғлингизни уйлантиргансиз. Аҳли Қўқон сиз, бола-чақа, қавм-қариндошларингиз билан, улар қайси шаҳар ва қишлоқларда яшасалар ҳам, маҳаллаларидан қувласинлар, масжидларида жойнамоzlари юлиб олинсин-у, масжид ва мадрасаларга қўйилмасин, улар тўй, жаноza, мавлуди шариф ва ифторларга айтилмасин, ҳаттоки шаҳри Қўқондан чиқариб юборилсин, бирор-та маҳалладан жой берилмасин, нопок ҳовли-жойларига ўт қўйилсин, деб талаб қиладилар. Лекин яна шундай дебдиларки, бордию бу бадбахт ноком ота тавба-тазарру қилиб, эл-халқ олдида ўғлини радди

маърака оқ қилиб, ундан кечиб, ўз жойидан ҳаёдаб чиқарса-ю, асло юзини кўрмасликка эл олдида онт ичиб, Қўқон қозиси Камолхон тўрага тилидан хат берса, унда яна ўз уйи, ўз масжидида қолдирилса биз розимиз. Акс ҳолда, ҳокимият ва маъкамайи шаръияларимиз бунинг чорасини кўрмасалар, ўзимиз тошбўрон қилиб, бутун авлодини қириб ташлаймиз, деб ёзмишлар. Мана, қоғозга мадраса муллабаччалари, домлалар, мударрис, бойлар, юрт улуглари имзо чекканлар. Буни ҳаттоки ҳоким Мединский жаноблари тасдиқлаганлар, Хўжабек гузарида, билингки, Ҳамза очган янги усулдаги мактаби ёпилиб, бутун худога терс китоблари ёндирилсин дейилган. Хўш, жавоб кутамиз сиздан.

Ўртага яна зил жимлик чўкди. Анча вақтгача шўрлик ота бошини кўтармай яноғи пир-пир учиб, узоқ-узоқ ўйларга толди. Шу дақиқалар ичида ёшлиги, кечирган оғир кунлари кўз олдида яна сурат тортди. Бечора Холбой ота Аввалнинг бойлари қўлида не азобларни кўрмади. Ер-жойидан ажралди. Ахири, бойнинг қарзини узолмай кафангадоликда ўтди. Ҳатто ёшгина боласи касалга чалинганда уни боқизиб, қаратолмай, бошқа бир кишига элтиб берди-ю, у Самарқандга олиб кетди. Шу-шу ота-бола бир умрга бир-бирдан жудо бўлди. Отаси Холбой хорзорликда ўтди-кетди, ўғлининг дийдорига тўймади... «Оҳ, бечора отам, бу ўғил «Ҳакимча табиб» бўлиб бир оз дунё топганда роҳатини кўрмади. Дийдор қиёматга қолди: Хўш, энди бу ғаламис, инсофсиз, дили кўр, олтин деса ўзини томдан ташлайдиган, тилла тангага халта тикиш билан овора бўлган мумсик, авлиё қиёфасига кириб «ҳазрат» номини кўтарган бу иблиснинг ёки мешқорин, ясси қопга ўхшаган лўппи, қора чўтир, хитой афт, важоҳати билан отни ҳурқитадиган анави бойнинг мақсади нима? Ўғлимнинг севгилисини тортиб олиб, бир қизнинг жонига зомин бўлди. Ўғлим Ҳамзанинг ҳам тагига етиб, оз қолди мени умрбод доғда қўйиб кетишига. Энди бу итларнинг яна қандай хусумати бор? Мен ҳам отамга ўхшаб ўғлимдан бир умр жудо бўлиб юз кўришмас бўлиб кетаманми?! Йўқ, бу рўпарамда қаҳрабо тасбеҳни ўгириб, қозондай салла тагида боши эгилиб «олло» деб пичирлаб, мендан сабрсизлик билан жавоб кутатган ҳазрат чинакам ҳазрат, чинакам авлиёмикан?! Анави қора соқол, ола кўз, тиржайиб турган шайх

Исмоил чинакам пирми? Йўқ, йўқ, бундай одамларни Муҳаммад алайҳиссалом умматим деб маҳшаргоҳда шафоат қилмайдилар. Балки буларни маҳшар куни шармандаи шармисор қиладилар. Хўш, энди мен бечора ота қандай қилиб бир бегуноҳ ўғил билан бир бегуноҳ қизни оқ қиламан! Уйдан ҳайдайман? Бу худога ҳам хуш келмайди».

Мана шу сўнги калима кўккисдан Ибн Яминнинг оғзидан чиқиб кетди.

Бирдан ҳушёр тортган ҳазрат:

— Нима оллога хуш келмайди? Очик айтинг! Бизни интизор қилманг,— деди.

Ибн Ямин бу мушкул ҳолатдан қутулишнинг йўлини ўйларди. Ниҳоят, бир қарорга келиб, ўйлаб, маслаҳат килиб кўриш учун унинг оғзига тикилиб турган ҳазратдан руҳсат сўради. У атрофидагиларга қаради, улар «ихтиёр сизда» дегандек ишора қилишди. Миён Қудрат Ибн Яминнинг бу илтимосини кондириб, унга жавоб берди.

У ўз дардини ҳеч кимга айтмай анча вақтгача ичига солиб юрди. Бу кийинчиликларга чидади. Бошидан канча хўрликлар ўтказди, лекин ўғлига бир оғиз ёмон гапирмади. Аксинча, яхши муомала қилди. Унинг нияти эзулигини, бир ўзини ўйламаслигини биларди.

Бир куни уларникига Завқий келиб қолди. Ҳамзани сўроқлаб келган эди. Гапдан гап чиқиб, Ибн Ямин ичига солиб юрган дардининг бир чеккасини унга очди.

Ҳамза ҳам отасининг аҳволини тушуниб юрарди-ю, уйдан чиқиб кетиш ниятини ёрилмасди унга.

— Мен сени оқ қилишим керак эмнш,— деди Ибн Ямин, Ҳамзага ер остидан қараб қўйиб.— Ҳазрат шундай дейди. Билмадим, қайси бир ишимиз худога хуш келмаган экан. Бало кетидан бало юборяпти бизга... Шуям адолат бўлдим, тақсир,— дея Завқийга қаради у.

Завқийнинг ҳам кейинги пайтларда табибнинг оиласи четга суриб қўйилганидан хабари бор эди.

— Одил козига зор бўлгандан кўра, аввало, ўзингиз одил бўлинг,— деди Завқий. Гапга Ҳамза аралашди:

— Балонинг олдини олмасак, сизни беморларгина эмас, ҳатто қариндош-уруғлар ҳам йўқламай қўйиша-

ди. Қўни-қўшнилар бизга кун беришмайди. Ҳар ҳолда бир иложини топишимиз керак... Ҳаммаси мен туфайли. Уларнинг мени кўргани кўзлари йўқ.

— Билмадим, болам. Жуда бошим қотган.

Ҳамза бошлаган гаини давом эттирди. У далиллар келтириб гапирар экан, отаси ичида яшириб юрган сирларини ўгли аён кўриб турганини ҳис қилди, туйғунлигига фикран тан берди.

— Башарти мен уйдан чиқиб бошимни олиб кетсам, ҳовлимиз ҳувиллаб колмайди. Лекин ҳазрат ҳовуридан тушади, юртда илгариги мавқеингизга кайтасиз, сизни йўқлагувчи одамлар бўлади. Яна кўнглингизга, чиқиб кетиш ўзининг кўнглида бор экан, деган ўй келиб юрмасин. Буни менданам ўзингиз яхши тушунасиз. Қариган чоғингизда... Сизга ҳам осон тутиб бўлмайди.

— Мени маъзур тутасиз, табиб,— деди Завқий гапга араллашиб.— Шу топда ҳаёлимга бир фикр келиб қолди. Шунини муҳокамаларингизга ташламоқчиман.

— Жон-дилимиз билан эшитамиз, устоз,— деди Ҳамза, отаси ўрнига жавоб қилиб.

— Фикри ожизимча, Ҳамзахоннинг гапларида жон борга ўхшайди,— деди Завқий Ибн Яминга маъноли қараб.

Ибн Ямин бўйинини эгиб, маънос ўтирарди. Ҳамза куйиб-лишиб унга қараб сўради:

— Яширманг, бор гаини айтинг, нима деди ҳазрат сизга?

— Э, болам, аввало катта жомеда сени «оқ» қилиб, кейин уйимдан ҳайдар эмишман. Агар рад қилсам, мени мачитдан ҳам, маҳалладан ҳам қувиб юбориш учун бутун мусулмон оламига маълум килар эмишлар. Бу қандай замоқ, бу адолатсизликка, бу ҳукм сураётган ёмонликларга, бу зўрлик, зуғум, ҳақорат, инсоннинг бунчалик оёқ ости бўлишига қандай чидаш мумкин?! Наҳотки ота гуноҳсиз фарзандини «оқ» қилса... Нега?! Нега?! Нега ахир?! Мен сени қуволмайман, ўғлим,— дея инграб юборди Ибн Ямин.— Бирдан-бир суянчигим деб юрган фарзандим сенсан. Эй худо! Очкўз, мунофик, ғаламис, пасткаш бандаларинг кўрсатган жаҳаннам азобларидан бизни қачон кутказасан?— шивирлади Ибн Ямин.

Ҳамзанинг бошига тоғ ағдарилгандек бўлди. Кўз олди қоронғилашди. Катта жарга қулагандек ҳис эт-

ди ўзини, бирдан ғазаб унинг ич-ташини қамраб олди: «О,.. иблислар.. нақадар устомон, фирибгар, даҳшатли бу одамлар. Йўқ, булар одам эмас, булар оғзи кон бўри, сиртлон, аждаҳо... Топган йўлини қаранг-а!»

— Сиз нима дедингиз?

— Нима дер эдим. Муҳлат сўрадим. Кўнглимда рад қилдим. Бежаноза, бекафан ўлимга рози бўлдим, болам, бошка иложим йўқ эди!

— Чакки қилибсиз, ота!

— Нега?!— дея сўради кўзлари ўйнаб, таажжубланиб Ибн Ямин.

— Муҳлат сўраб ўтирмай рози бўлиш керак эди!

— Бас, бас! Уларнинг менга берган азоблари етар!— У ёниб кетди.— Кекса бир отанинг юрагига мунча наштар урмасанг, болам. Энди сен қолдингми мени кийнамаган. Йўқ, қайси мусулмон, қайси диёнатли ота ўз фарзандини, яна бегуноҳ, қўй оғзидан чўп олмаган ўғлини «оқ» килиб даргоҳидан ҳайдар экан?! Бас қил, дод еоламан бўлмасам, ёқамни пора-пора қиламан, ўғлим,— қария хўнграб юборди.

— Хўп отажон, хўп... Пича ўзингизни босинг, майли, ўтиринг, супага, мана бу тўшакка ўтиринг. Зухраҳон, яна битта ёстиқ ола чик. Жиндак ором олинг. Майли. Секин, бешовқин, титраб-қақшамасдан, эсни бир жойга йиғиб, мундай танага ўйлаб гаплашайлик, ота. Жаҳл келса, ақл кетади, дер эдингиз.

Ибн Ямин ўзини босди, Ҳамза уни елиб ёнига ўтирди... Анча сукутдан сўнг сўради:

— Отажон! Сиз неварангиз Гиёсни яхши кўрасизми?

— Гиёс, Гиёсжон... Худди ўзинг.

— Акам Исроилжон, опаларим, Халчаҳон, Ачаҳонларнинг болаларини-чи?..

— Ким ўзининг фарзандини ёмон кўрар экан. Мана сени деб қандай балоларга бардош беряпман, болам.

— Хўп, гап шундай экан, нега энди уларнинг бошларига тикилган балоларни, кулфатларни даф қилмайсиз. Ахир бу сизнинг қўлингизда-ку. Сиз-ку, ота, бир куни бориб жонингизни яратганга топшириб, бу азоблардан қутулиб кетарсиз. Аммо бутун дард, бало, таъна, бадбахтлик, хор-зорлик шу гуноҳсиз болаларингиз, невараларингиз бошига ёгилади-ку, куёвла-

рингиз «бедин», «муртад»нинг қизини хотин қилади-ми? «Шайтонваччалар»ни боқадиларми? Уларни тўй, маърака, жаноза, хатм хўжа, мачит, хонақога қўйишадими, улардан қиз олиб, қиз беришадими, йўқ, ҳаммаси дунёдан қон йиғлаб ўтадими, отажон?— деди титроқ овоз билан яна Ҳамза.— Бу шаҳарда ҳақиқат излаб тополмадим. Муҳаббатларимни топташди, энди бу хотинимни тан олишмаяпти. Мен ҳақиқат истаб, паноҳ истаб кетаман. Севган шаҳримдан, юртимдан беватан, бенаво, кулбасиз, бесару сомон бўлиб кетаман. Майли, кирмаган кўчам, бош урмаган эшигим қолмас. Мен ҳақиқатни мачит, мадрасадан изладим, тополмадим. Бу беибо, ноинсоф разиллар менсиз яйрасин. Қарорим шу!— У хотинининг: «Азизим, начора... бу расм-одат экан. Бизнинг муҳаббатимизни тан олмадилар. Майли, менга сизнинг жонингиз омон бўлсин. Қайда бўлсангиз, саломат бўлинг... Зухра — Аксиньянгизни унутманг. Бизга замон боқмади... Иккимизни бегона қилди...» деган жарангдор овозини эшитгандай бўлди.— «Қандай доно аёл...»

Ота-бола қизишиб кетиб, бир-бирига муддаосини тушунтиролмаётганини сезиб ўтирган Завқий, Ҳамзага, «қизишманг», дегандек ишора қилиб, мақсадни тушунтиришга жазм қилди.

— Ҳаммамиз ҳам бу ноқулай аҳволдан чиқиш учун бир ҳийла ишлатмоғимиз керакка ўхшайди, тақсир,— деди у Ибн Яминга мурожаат қилиб.— Зулмга қарши дасиса— найранг билан жавоб қайтарсак. Рақибни лақиллатиш керак. Яъни Ҳамзахонни сиз киши кўзида «оқ» қилинг, у уйдан чиқиб кетсин. Майли, меникидами, бошқа дўст-ёрлариникидами тураверади. Аслида ўртадаги меҳр-оқибат жой-жойида қолаверади. Ота-болаликка путур етмайди. Лекин ҳазрат ўзининг иродаси амалга ошганидан мамнун бўлади! Жуда бўлма-са ҳаж қилиб келар.

— Ота, устоз ҳақлар,— деди Ҳамза, Завқийнинг таклифини қувватлаб.— Ҳийлага баъзан шарият ҳам йўл қўяди.

— Бу яқинда катта китобни ёзиб тугатади,— дея давом этди Завқий.— Ушанда Ҳамза кимсан фялончи бўлиб ном қозонади, ўшанда ҳазрат ҳам тилини тишлаб қолади.

— Яхши маслаҳатингиз учун сиздан миннатдорман, мавлоно,— деди Ибн Ямин енгил тортиб.

«ОҚПАДАР»

Орадан икки кун ўтди. Жума куни Қўқоннинг узунлиги бир юз эллик қадам келадиган тўқсон саккиз устунли катта жомесида жума намозини ўқиш учун Лашкар, Тароқчилик, Бешқовоқ, Галабоққоллик, Тегирмон, хуллас бир-бирига туташган кўча, маҳаллалардан, яқин қишлоқлардан одамлар дарёдай оқиб келади. Мадрасан Мир, Бегойим ва Қўқоннинг катта масжидларида имомлар, муллалар тўпланишади.

Бу қадар катта иджихомни ҳали ҳеч ким Қўқонда кўрган эмас. Бунда бир сир бор, лекин қанақа сир — ҳеч ким билмайди.

Охир минбарга ҳазрат чиқди.

— Ҳазратим, гуноҳимни билмоқчиман, — сўради қўл қовуштириб Ҳамза.

— Гуноҳингиз ҳозир маълум бўлур, — деди шайх Исмоил ва чуқур таъзим билан ҳавратга юзланди.

— Ҳазратим, Умумтуркистон тўйларида ҳофизларимиз танбур ила хавониш қилиб, буни эшитган уламо, машойих, аъёнларимиз хусусан қироат қуръон-мажлисинда ўлтиргандек ҳаммалари сукутга кетурлар... Бу икки ҳолатдан қай бири шарият нуқтани наваридан жоиздир? — деди.

Миён Қудрат ҳазрат бир оз сукут қилиб, сўнг атрофга кўз ташлаб, вазмин гап бошлади:

— Аҳли Ислому машхур уламо ва аълам ва имомларга ва мадрасаларнинг тупроғини ялаб таҳсил қилаётган барча толиби илмларга маълум бўлгайким, нағма ва ҳофизлик мутлақо ҳаромдир. Хоҳ танбуру дуторда, ва рубоб, ва қонун, ва сурнай, ва чилдирма, ва карнай ва грамафун, шунга ўхшаш чолғулар бирла бўлсин, ва хоҳ овоз бирла байт, ва ошиқона гаваллар, ва хоҳ форсий ёинки туркий бўлсин ва шунга ўхшаш ўйин-кулку — ҳаммаси ҳаромдир. Шундай мажлисларда ўлтирмоқ гуноҳи азимдир, — деб қуръондан бир сурани ўқиб юборди-да, Ҳамзага юзланди. — Сенинг гуноҳинг, бўтам: масхарабозлик, аския, ўйин, ашула, туратур, деган бидъатларни тарқатиб, авомни тоат-ибодатдан қўйганинг, боз устига ғайридин бир қизни никоҳингга олганингдир.

— Модомики, ҳозир минг-минг аҳли ислом кўз олда мен худонинг қаҳрига учраган гуноҳкор банда-

нинг тақдири ҳал қилинар экан, сиздай улуғ аллома муршид муқтадо билан бир-икки дақиқа мунозара қилсам, маърифатсиз бир осийга рухсат берармикан-сиз?

Ҳамзанинг мақтовидан талтайиб кетган ҳазрат: «Балки Ҳамза тавба қилиб оёғимга йикилиб, кавшимни гардини юз кўзига суртар, шу билан эл кўзида обрўйим яна ҳам кўтарилар», деган хаёл билан розилик билдирди.

— Ҳазратим,— деди Ҳамза одоб билан,— муқаддас китобларда ўқиганман, қадим маданиятимизнинг ғоят юксаклиги унинг қадимий санъатидан маълум. Бу қадимий санъатнинг тарихи ўзи бир олам эмиш. Утган замонларда йил фаслларига боғлиқ жуда кўп маросимлар бўлар экан. Бундан минг йил муқаддам яшаган араб тарихчиларидан Кисравий қадимги «Наврўз» маросимларида ашула, рақсга катта эътибор берилар эди. «Наврўз»нинг охириги кунлари эса, эркак ва хотин қизларнинг лапар, қўшиқ ва дилрабо нозик рақслари билан тугалар эди», деб ёзади. Тарихчи Наршаҳий ҳам Бухоро атрофидаги Варахша шаҳрида ҳар ўн беш кунда бозор бўлишини, йил охирида эса йигирма кунга чўзиладиган бозор байрам бўлиб, байрамнинг йигирма биринчи куни мусиқий ва рақслар билан тугадини, бунинг эса деҳқонларнинг «янги йили» деб аталшини ёзади.

Бас, шундай экан, халқ даҳоси билан яратилган ашула, рақснинг нимаси ҳаром, ҳазратим?

Ҳамзанинг бу сўроғига Миён Қудрат ҳазрат дарҳол комил ишонч билан жавоб қайтарди:

— Тўғри айтасан. Лекин у фосид рақс, ашула, мусиқийларни мажусийлар, оташпарастрлар, яъни сенга ўхшаган олло таолодан юз ўгирган муртадлар ижод этганлар. Ҳа, мажусий... Ислом— мажусиятнинг душмани, буни ҳар бир мўмин банда яхши билади.

— Мирзо Улуғбек,— деди фахр билан Ҳамза,— бутун умрини илм ва санъат ривожи йўлида сарф қилган зот. У биргина илмнинг эмас, балки санъатнинг ҳам ҳомийси эди. Улуғбек ўтказган катта бир тўйда қизиқлар, чолғучилар, аскиячилардан ташқари, бир аёл ашула айтиб, худо берган мўъжизакор овози билан ҳаммани масту шайдо қилган экан. Хўш, Улуғбек мажусий эмас-ку? Қолаверса, ҳазрат амир Алишер Навоий ҳимоясида бўлиб, Ҳиротда яшаган Ҳомий, Хотифий, Ҳилолий, Беҳзод, Хондамир, шоҳ Музаффар

каби талай олимлар, шоир ва мусаввирлар ва «Бобир-нома»да номлари зикр этилган Қулмуҳаммад Шайх найи, Хусайн удий, Хўжа Абдулло Марваридий, Шодқули ғижжақлар-чи?

Ниҳоят, «Китоби суратил арз» каби буюк илмий асарларини яратган, риёзот, фалакиёт, жўғрофия ва тарих фанларининг ривожига катта ҳисса қўшиб Хоразм шухратини оламга таратган Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ҳам мажусий эдиларми, ҳазратим?

Ҳамзанинг бу ҳаққоний сўроқларидан шошиб қолган Миён Қудрат ҳазрат лом-мим деёлмай, ниҳоят, обрўйи тўкилишидан қўрқиб, пўписага ўтди:

— Кимки ислом динига, унинг шаънига даҳл қилса, жувонмарг бўлур, бўтам,— ҳазратнинг овозида босиқ насихат оҳанги билан аллақандай таҳдид, ғазаб, интиқом садолари ҳам бор эди. У юзма-юз ҳужумга ўтди.— Мусулмон фарзандисиз. Дилингиздаги васвасаларни ҳайданг. Истиғфор айтинг. Аҳкоми шариатни оёқ ости қилиб, даҳрий йўлини тутиб, беш кунлик фоний дунё машмашаларига берилманг, олло таолонинг биздек фақиру ҳақир бандаларига озор беришдан ўзингизни тийинг. Сарвари оламнинг қаҳридан қўркинг! Магар олло ғазаб қилса, буткул рубъи маскун яксон бўлур. Мусулмонларнинг савоб ишларига зомин бўлманг, мулла Ниёзий!

Ҳамза ҳазратнинг насихатидан иборат ваъзини ўзини оғирликка солиб эшитиб турди-да, истеҳзо билан сўради:

— Хўш, сиз бу фоний дунё лаззатидан кечган, тийнати пок, ҳақгўй, сарвари коинот ишқида тарки дунё қилган пири муршидлардан бири экансиз, қани айтинг-чи, бу кошоналар, нақшинкор уйлар, лов-лоп ёнган гиламлар, сандиқ-сандиқ бу қимматбаҳо моллар, олтин-кумушлар ўша сиз айтган фоний дунё лаззатига кирмайдими, ҳазратим?

Одамлар бу гапдан таъсирланиб гуврана бошлашди. Ҳазрат, энди қандай жавоб қилар экан, деган маънода унинг оғзига тикилишди. Ҳазратнинг йўғон бўйнидаги томирлари бўртиб, юзига қон тўлди. Беомон душманига дуч келганини энди аниқ ҳис қилди. Ўзини зўр-базўр босиб, овози тўлқинланиб жавоб қилди:

— Бу олло таолонинг иродаси, оллоҳнинг иродаси ҳукмрон бўлган жойда зўравонлик бўлмайди,— деди ғўлдираб, кейин, чуваланиб кетган фикрларининг учи-

ни топиб олди шекилли, Ҳамзага тик қараб давом этди: — Нонни катта есанг ҳам гапни катта гапирма, гумроҳ! Олло таоло бировнинг пешонасини кўҳлик, бировникини қуп-қуруқ қилиб яратади. У бандаларига ризқ-рўзни ҳар кимнинг ўзига яраша ўлчаб сочади. Ҳар ким ўзиникини териб ейди. Мусулмонлар ўзларидан ортириб худо йўлига хайру эҳсон қилишар экан, олло таол улар берган бирларини минг қилиб қайтаради. Исломи дини ва бу масжид, мадрасалар ана шу назр-ниёз, хайру эҳсон билан обод. Биз, уламо ва эшонларга келсак, биз бу хайру эҳсон, мол-дунёларни шариат набавия йўлида сарф этувчи шунчаки воситачилармиз, холос. Уйларни айтдингиз, бўтам, бу уйлар, бу кошоналар аجدоддан авлодга қолиб келаётган отамерос. Бас, бўтам, сен билан айтишиб гуноҳи азимга ботмай муддаога ўтганим маъқул.

У жамоатга юзланди. «Муддаога» ўтишдан бурун шариати набавия, оқ пошшо номи билан ҳозир одамлар кўзи олдида амалга оширадиган машъум ниятини пардалаш лозимлигини у яхши тушунар эди. Ахир бир бегуноҳ одамнинг юзига қора чапиб, элдан ҳайдаб чиқаришнинг ўзи бўладими?! Шунинг учун Миён Қудрат жомега йиғилган одамларга бир кўз югуртириб чиқдида, салобат билан қўлларини фотиҳага очди.

— Омин! Алҳамдулиллоҳу аҳаду воҳид! — деди у овози гулдираб. Вутун жоме дуога қўлини очди. Ҳазрат ваъзга ўтиб кетди. — Бовужуд оқ пошшонинг ўзлари ғайридан бўла туриб, шариати набиюлло йўлида қайрат-заҳмат чекмоқдалар. Олампахоқ подшо олий ҳазратларининг сояи ҳимояларида Туркистон мусулмонлари роҳат-фароғатда умр кечирмоқдалар, масжид-мадрасаларимиз тобора обод бўлиб, нури илоҳий бирла нурафшондир. Қани, омин!

— Омин!

Ҳазрат жоме гумбазини кўчириб юборгудек гулдираган садодан қаноат ҳосил қилиб, давом этди:

— Саловати вассалам бўлсин ул халлоқи оламга ким, раҳмонир-раҳмдир. — У подшо ва унинг хотини, болалари, авлод-аждодлари қолмай унга шаҳар ҳокими Мединскийни ҳам қўшиб, узундан-узоқ дуо қилди, одамларни ҳам дуога кўл очдириб, фотиҳа ўқиғач, «муддаога» ўтди. У ҳовликмай, ортиқ ҳаяжонланмай, вазминлик билан ёрди кўнглини:

— Шундоқ дориламон замонда яшаётганимиз учун кечаю кундуз шукур қилиш ўрнига, орамизда баъзи

ношукур бандалар пайдо бўлиб қолмоқдаким, бунга подшоҳлик ҳам, шариатимиз ҳам жим қараб туролмайди. Ҳакимча табибни ҳаммангиз биласиз — мўъмин, қобил одам. Минг таассуфки, кенжаси Ҳамза ноқобил чиқди. У дини исломдан юз ўгириб, даҳрийлик йўлини тутмиш...

Одамлар орасида бир лаҳзалик ғовур кўтарилиб, ким ёқасини ушлади, ким истиғфор айтиб, калима келтирди. Ҳазратга худди шу керак эди. У энди жазавага минса бўлишини англаб, давом этди:

— Айюҳаннос, мусулмонлар! У муртад атрофига аллақандай таги паст, ножинларни тушлаб, подшога, ҳоким тўрага, қолаверса, биз, шариат пешволарию валинеъматларимиз манфаатларига зид келадиган гапларни тарқатиш билан, одамлар ўртасида нифоқ уруғларини сочмоқда. Бу ҳам етмагандек гавнигларда ношаръий гапларни ёзиб, улуг зотларнинг обрў-эътиборини тўкмоқда. У нобакор яқинда бир ғайридин ожизага уйланмиш. Бу иши энди ҳеч қайси низомга сиғмайди! Алҳазар денг, жамоат, алҳазар денг!.. Муҳтарам жамоат, бугун Ибн Ямин ўғли Ҳамзани сизнинг гувоҳлигингизда ок қилмоқчи!— Бу гапни эшитиб одамлар бир қалқиб тушишди. Ҳазрат улар ўзларига келар-келмас ташаббусни қўлдан бермай, Ибн Яминга юзландида, ўзи айтган гапларни такрорлашини буюрди:— Сен, Ҳамза, мендай ҳалол, мўъмин-мусулмондан дунёга келган эдинг, лекин одам бўлиб эмас, иблис бўлиб туғилган экансан! Қайтар!

Ибн Ямин нимадир деб гўлдиради. Нима деганини ҳеч ким тушунмади.

— Мусулмонлар!— деди ҳазрат яна ҳайқириб.

Оломон «гурр» этиб сергакланди.

Ҳазрат кафтини очиб, Ибн Яминга қаради.

— Сўзимни такрорла!— Отаси бу ёқда қолиб, у «оқ» қиларди Ҳамзани: — Илоҳо қилмишларинг, нобакор ишларинг ўзинга кўринсин! Касофатинг ўзингга урсин! Мен сени «оқ» қилдим. Ооо-мин!.. Оллоҳу акбар!— Ҳазрат юзига фотиҳа тортди. Оломон ичидан кўпчилик унга эргашди, ғалаёнга келди. Қандайдир бир йўғон одам оғир пишиллади, овозлар гўлдиради.

Ҳазрат яна хитоб қилди:

— Мусулмонлар! Даҳрий Ҳамза муқаддас деб билган бисмиллоси йўқ китобларни тупроққа ташланглар!

Муллаваччалар, дарвишлар қаҳру ғазабдан кўзлари ёнган ҳолда шовқин-сурон кўтаришиб, даста-даста ки-

тобларни бурунларини жийриб туриб ерга улоктиришди. Бу ваҳшийликни кўриб турган Ҳамза ўзини тамом унутиб, югурганича бориб, бир қучоқ китобни ердан кўтариб бағрига босди:

— Ҳазратим, нега бисмиллоси йўқ дейсиз? Бор! Бор! Мана, мана!— деди у, бир-икки китобни титраб-қақшаган қўллари билан варақлаб туриб. Бирдан яна ўтлиқиб кетди:— Ё тавба, ахир булар отамнинг кутубхонасидаги китоблар-ку?!

— Гапинг ҳақ, сени роҳ-ростдан оздирган бу китобларни отанг бизга топширди.

Ҳамзанинг чидами қолмай пешонасига уриб, отасига юзланди:

— Отажон! Наники сиз... шундай аллома азиз зотларни... сиз, менинг отагинам.. Ахир бу китоблар бизни кўр қилмайдими, отажон!

Ибн Ямин беҳол, бемажол ер чизиб ўтирарди. Ҳамза китоблардан бирини ўпиб, пешонасига суртиб шивирлади:

— Абу Райҳон Беруний, пирим, мен нотавон, ожиз мухлисингизни кечиринг,— у китобни авайлаб аста ерга қўйди. Ҳазрат Ҳамзанинг бу ҳаракатини зимдан кузатиб турди. Яна бир неча юз китоб улоқтирилди. Бутун жоме жим. Китоблар устига бошини қўйиб ўтирган Ҳамзанинг анчагача елкаси учиб турди. Ўзининг ғалабасидан, аклидан кўнгли тўлган ҳазрат ундан кўзларини узмай ниманидир кутиб турган Шайх Исмоилга қараб: «Бошланг!» деган буйруқни берди.

Шайх Исмоил ҳам кимгадир имо қилди. Бир лаҳзада ҳар томондан китоб хирмонига ўт урилди. Бирдан қоп-қора тутун буруқсаб аланга авж олиб, тўрт томонга тил чўзди. Лекин Ҳамза ҳамон китоблардан бош кўтармас эди. Аланга ғазаб учкунларини сочиб Ҳамзани ўраб келар, у эса бепарво, боши китоблар бағрида...

Бу ҳолни кўрган Ибн Ямин дод солди:

— Ўғлим, Ҳамза, бу нима қилганинг?! Ёняпсан! Ёняпсан, болам!— Ота ўқдек отилиб бориб, Ҳамзани елкасидан тортиди.

— Ўғлинг даҳрийликдан таълим берган иблис устозлари билан биргаликда ёниб кул бўлмоқчи!

Ҳамза бошини яна китобларга урди.

— Ўғлим,— деди Ибн Ямин,— агар сенинг мақсадинг шу бўлса, сен учун мен ёнай, мен!—Гандираклаб борар экан, ҳушини йўқотди.

Эндигина ўзига келиб кўзи очилган Ҳамза беҳуш

отасини кўтариб ўтдан нарироқ бир жойга ўтди. У ўтга узоқ тикилиб қолди. Шу онда ёшлигида Шохимардонда кўрганлари кўз олдида сурат тортди: эгниларида ўша-ўша қуроқ жанда, бошларида ўша-ўша учли қулоқ, белларида кашкул, қўлларида хилма-хил латта боғланган эгри ҳассали дарвиш, қаландарлар ёнаётган китоблар теварагида: «Ё ҳу! Ё ҳақ!» деб жазавага тушиб айланишяпти. Миён Қудрат ҳазратнинг кийимларини кийиб, салласини ўраб олган, айниқ бўлиб айниқ эмас, бўри бўлиб бўри эмас, аллақандай сўйлоқ тишли йиртқич бир махлуқ юқоридан туриб: «Ана, даҳрий Ҳамза, томоша қил! Иблис устозларингнинг фариштаси йўқ китобларини ёндириб, кулларини кўкка совурдим. Ха-ха-ха! Сени ҳам шундай ёндириб, кулларингни елга бергайман, иншоолло! Ха-ха-ха!!!» деб хурсандлигидаң тантана қиларди.

Ҳамза тутун, ўт ичида дарвишларнинг шовқинидан қулоқлари битиб ҳушидан кетиб, йиқилишига оз қолди.

У олов тафтидан қизариб кетган юз-кўзларини рў-молчаси билан артиб олиб, ерда ярим жон бўлиб ётган отасини даст кўтариб жомедан чиқиб кетди.

Йигирма бешинчи боб

ҲАМЗА — «ҲОЖИ»

Ҳамза бошига кетма-кет тушаётган ҳаёт зарбаларидан юраги сиқилиб, кўнглида бирон узоқ юртларга чиқиб кетиш истаги туғилган эди. Бу истак бора-бора қатъий қарорга айланди. 1911 йилнинг охирига бориб, ўзи тенги бир неча улфатлари бу орада ҳажга сафарга отландилар. Улар ўзига тўқ бадавлат оилаларнинг фарзандлари бўлиб, форс, араб, рус тилини билган Ҳамзани ҳам ўзлари билан бирга сафарга боришга таклиф қиладилар. Чунки бу пайтда у шоир сифатида юртга танилганлигидан ташқари, яхши танбурчи ҳам эди. Улфатларининг бу таклифи унинг учун аини муддао бўлдию, розилигини билдириб ўқитувчиликдан олтмиш еўм пул жамғариб сафарга отланди. Йўлга дафтар-қаламу танбурини олди. Бор-йўқ юки шу эди унинг. Қолган бутун сарфу харажатни улфатлари ўз зиммаларига олдилар.

Шу тариқа йўлга чиқишди. Туркия тупроғидан ўтиб, Арабистон ярим ороли чегарасига қадам қўйганларида уларнинг ўртадаги иттифоқи бузилди.

Ҳамза бу ҳамроҳлари билан сафарни давом эттириб

бўлмаслигига кўзи етиб, улардан ажралиб кетди. У олдин Эрон қўлтиғига, кейин қуруқлик йўли орқали Афғонистонга, сўнг Ҳиндистонга ўтди. У бу сафарига йўл азоби ва қўлининг калталигига қарамай, бу мамлакатлардаги халқларнинг оғир ҳаёти, урф-одати, тарихи ҳамда санъатлари билан танишди. Хусусан, Ҳиндистон ва араб мамлакатларидаги халқлар мустамлакачилар томонидан ўтказилаётган оғир зулм натижасида оч, кашшоқ, хор-зор ҳаёт кечиришга маҳкум этилганликларининг гувоҳи бўлди.

Ажнабий мамлакатларда, худди Туркистондагидек, фақат пулдорларнинг ошиғи олчи, бахти чопганлигини, меҳнаткаш халқнинг бошида ўйнаётган конли қамчиларни кўрди. У кўп саргузаштларни бошидан кечириб, Қўқондан чикиб кетганига қарийб икки ярим йил бўлди, деганда, 1914 йилнинг бошларида ватанига «Ҳамза ҳожи» бўлиб қайтиб келди. Унинг Маккатуллога бориб, ҳаж қилиб, «Ҳамза ҳожи» бўлиб келганини эшитган Қўқондаги аҳли зуҳднинг дами ичига тушиб кетди. «Ҳожини зиёрат қилишга» ноилож мажбур бўлдилар. Ҳатто Миён Қудрат ҳазрат, Камолхон қозилар ҳам масжиди жомеда, инсофга келган, яна «роҳи ростга қайтган» Ҳамза ҳожини минг-минг намозхонлар ичида баланд овоз билан дуо қилишди. Катталари «Ҳамза ҳожи», кичик қориваччалари «Ҳожи ака» дейдиган бўлишди. Лекин Ҳамза қанча жойларни кўргани билан, ҳеч қайси бирини ўз шаҳри — ватанига тенг келтиролмайди. У шундай деб ифода этди бу туйғусини:

Кўриб Қошғар, Хўтан, Кашмиру Ҳиндистону Афғонни,
Адан, Байрут, Измир, Шом, Хайфо, арзи Эронни,
Мадина, Макка, Жадда, Рум, Истамбул, Хуросонни,
Бутун Русияда ҳар шаҳри, ҳар миллатда ҳар жонни,
Сенинг мислинга ўхшаш кўрмадим, гарчанд бор бўлсин...

Ҳамза узоқ сафардан қайтиб келганида, у йўқлигида юртида содир бўлган ноҳақликлар, ҳаддига минган зулм, бедодликни кўрди.

У сафарга жўнаб кетгандан кейин унинг пайини қирқиб юрган душманлари Аксиньяга кун бермай қўйдилар. Уни ўғли Ғиёс билан бирга йўқ қилиб юбориш учун бир неча бор қотил ёллашди. Аксинья бадхоҳ бадният одамларнинг шум мақсадларини пайқаб қолиб, яқинларининг маслаҳати билан ўғли Ғиёсни баърига босиб, юртига — Тамбов шаҳрига жўнаб кетган эди. Ҳамза сафардан қайтиб келгач, хотини билан ўр-

лини бир неча ой давомида излади. Аввалига Аксинья Соколовга қолдириб кетган адрес бўйича Тамбов губернияси, Темпиковский уезди, Ермиш почтаси, Иванково қишлоғига хатлар ёзди. Жавоб бўлавермагач, Соколов ҳам ташвишга тушиб Тамбовга йўл олди. Аммо тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтди — Аксинья Тамбовга бормади. Унинг дарағи Тошкентда ҳам чиқмади. Соколов: «Она-болани Ҳамзанинг душманлари йўлда бир ёқлик қилган», деган хаёлга борди, аммо оғир ботмасин, деб фикрини Ҳамзага айтмади. Ҳамзанинг ўзи ҳам шу хулосага келиб ич-этини еди. Бироқ у ҳам буни сиртига чиқармай улардан умидини узмади, хат-хабар орқали излашдан чарчамади. Лекин уларни «кўрдим», ёки «эшитдим», деган зот ҳам топилмади. Бу ҳол кетма-кет тушаётган зарбаларнинг энг оғири эди...

Бу орада биринчи жаҳон уруши бошланиб кетди, уруш меҳнаткаш халқ бошига мисли кўрилмаган кулфатларни солди. Урушда чор ҳукуматининг қўли паст келиб танг аҳволга тушиб қолгач, маҳаллий халқларни ҳарбий хизматга ва фронт орқасидаги ишларга олмаслик ҳақидаги аҳдини бузиб, уларни сафарбар қилиш тўғрисида чиқарган фармони меҳнаткаш халқнинг сабр косасини тўлдириб, тошириб юборди...

Жавзо кирди. Кунлар исиб, арпа пишди. Олма, ўрик ва шу каби тармевалар ҳам бирин-кетин пишиб, одамларнинг оғизларига тегди. Бозорга бодринг, таррак ва эртаки ҳандалақлар ҳам чиққан эди. Деҳқон эрта баҳордан тер тўкиб, меҳнат қилиб ундирган зиротнинг ҳосилини кўтараман деб турганда, кутилмаган ҳодиса юз берди...

Жавзо қуёши кундан-кунга забтига олиб, ер-кўкни мисдек қиздираётган бир пайт. Қўқоннинг янги шаҳридаги азим туп чинорлар, садақайрағочлар, мизратераклар унинг олов нафасини кесиб, истироҳатгоҳларда кишилар учун роҳатижон соя-салқин бир иқлим яратган.

Дов-дарахтлар орасига яширинган муҳташам, маҳобатли оқ бинонинг бир нимқоронғи, салкин хонасида Содиқжон бойвачча билан Қўқон ҳокими Мединский суҳбатлашиб ўтиришар эди. Мединский Содиқжон бойваччага бир маҳал бошини кўтариб, маъноли илжайиб қаради-да, гап қотди:

- Бойвачча, хушхабар бор!
- Хўп-хўп. Қандай хушхабар, жаноби олийлари?
- Лекин бу сир! — деди Мединский бойваччанинг юрагига баттар ўт ташлаб.

— Сир?

— Ҳа-да! Бундан фақат генерал-губернатор Гиппиус жаноби олийлари билан мен хабардорман, колос.. Уни сизга шахсан ўзим элдан бурун етказай деб чақиртирдим, бой жаноблари..

У гапни чўзар, бойнинг эса, «нима хабар экан» деган маънода кизиқиши ортиб борар, «нега бунчалик чўзади, шартта айта қолса ўладими? Ё бироқ-нима тама қиляптими бу ҳамромхўр», дея гижинар эди. Лекин сир бой бермай, у ҳам атайлаб чучмал гапларни калаштириб, «ўч» олишга аҳд қилди.

— Муборак дийдорингизга анчадан бери ўзим ҳам муштоқ эдим. Биз мусулмонлар кеча-кундуз дуойи жонингизни қиламиз, тўрам. Алалхусус пири муршидмиз Миён Қудрат ҳазратлари Сиз жаноби олийларига кўпдан-кўп дуойи салом билониҳоя йўлладилар. У зот кўп парҳезкор, такводор одам. Утган ҳафта у кишини зиёрат қилиб, муборак суҳбатларидан кўп файзёб бўлиб қайтган эдим...

— Пир саломат бўлғайлар. Гап бундай, бойвачча. Бугун подшоҳи аъзам император ҳазрати олийларидан мардикор олиш ҳақидаги фармони ҳумоюнларига иловаларини телеграф орқали олдик. Эртага Туркистонда чикадиган барча газеталар бу муборак иловани барча халойикқа, шу жумладан «Садойи Фарғона» ҳам Фарғона аҳолисига эъён қилади. Ушбу қутлуғ муждани сизга ўқиб бераман, мирзангиз Олчинбек яхшилаб таржима қилиб берсин.

Мединский дўриллаган овози билан телеграммани ҳар бир сўзига алоҳида урғу бериб ўқий бошлади:

«Туркистон ўлкасидаги ерли аҳолидан аскарлар ордасидаги ишларга кишиларни сафарбар қилишда тубандаги зикр этилган зотлар реквизициядан дархон этилсин.— Шаҳар ҳокими бойваччани севинтириш, бу билан «хушхабар» нарҳини ошириш учун ўқишдан атайлаб тўхтаб, тамагирлик юзасидан бир-икки томоқ кириб, йўталиб, унга қараб илжайиб, кейин қумуш стакандаги шарбатдан майда-майда килиб ҳўплаб ичган бўлди, рўмолчасини олиб, юз-кўзи, соқол-мўйловини артди. Содиқжон бойвачча эса юраги тарс ёрилгудай бўлиб, ўзини зўр-базўр тутиб ўтирарди.

«Ўта айёр, баднафс бу тулки... Иштаҳаси карнай бу занғарнинг. Катта сўрайди шекилли...»— У бу ерга чақиртирилганида қўнглига келган шубҳаси тўғри чиқарётганини эслади ва ҳокимнинг пора олиши керак бўлиб

қолганида, у ишлатадиган найрангларини хаёлидан бир-бир ўтказди. Мединский эса, унинг кайфиятини зимдан кузатарди, бойвачча тобора таажжубланаётганини кўрди-да, торни яна тарангроқ қилиб тортса, у узилиб кетишини ўйлаб, телеграммани ўқишда давом этди:

— «Яъни мардикорга одам беришдан озод қилинсин:

Биринчи. Барча маҳаллий мансабдорлар.

Иккинчи. Қози, уламо ва барча руҳонийлар.

Учинчи. Мироблар ва қишлоқ, маҳалла оқсоқоллари.

Тўртинчи. Маҳаллий майда қарз ширкатлари ходимлари.

Бешинчи. Давлат назоратидаги Диний илм-маърифат муассасалари ходимлари.

Олтинчи. Маҳаллий давлатмандларга ўз фарзандлари ўрнига моддий жиҳатдан муҳтож кишиларни ёллаб юборишга рухсат этилсин...»

Содиқжон бойвачча бирдан енгил тортиб, Олчинбекнинг кулоғига энгашиб:

— Олчинбек, сўраб кўринг. Ҳоким тўра жаноблари ижозат берсалар, мусулмонлар удумини қилиб, номаи хумоюнни шодмонликдан ёшга тўлган кўзларимга суртсам...— деди.

Олчинбек ҳафсала билан қондасини келтириб таржима қилди. Мединский телеграммани Содиқжон бойваччага гердаиб туриб узатди. Бойвачча уни букпилиб, икки қўллаб олди. Кўзларига босиб, ўпиб сўнг яна таъвим қилиб ҳокимга узатаркан, деди:

— Мингдан-минг қуллуқ! Туркистондаги барча зодагон, мансабдорлар, давлатмандлар, шариятпаноҳларнинг бошларига бахт қуши қўнмиш. Илоҳо олампаноҳ, император аъзам аъло ҳазратларининг умрлари боқий бўлиб, душманлари хор ва забун бўлғайлар. Омин!

Бойвачча билан Олчинбек юзларига фотиҳа тортишди. Уларнинг қувончлари чексиз эди. Лекин шаҳар ҳокими бошда созлаган торнинг созини бўшатмади, уни бирдай ушлаб турарди.

— Бироқ,— деди бойваччага зимдан кўз қирини ташлаб Мединский— кимга тўй, кимга аза, дегандек, бу хабар ҳаммани ҳам хушнуд қилмайди, бу гапнинг маъзини чақинг, бойвачча. Туркистонда икки юз эллик минг бўлис бор, бунинг кўпроқ қисми Фарғона водийсида. Ҳа, олий фармонни амалга ошироқ ҳаммамиз

учун ҳам фарз, ҳам қарз. Шунинг учун фарзлар керакки, уруш туфайли одамлар ўзбошимча бўлиб кетиши, элда ёмонлар кўпайиб қолди. Улар, худо кўрсатмасин, игво, фитнес, галаён кўзгаб қолгудай бўлсалар, ана унда ҳаммамиз император аёло ҳазратларига осий бўлиб қолурмиз. Сизни, бойвачча, юртнинг улуғларидан бири, ақлаввал, подшоҳга садоқатли бир фуқаро сифатида ҳурмат қиламиз. Шунинг учун ҳам сиздан бу олий фармонни тўла-тўқис бажариш, уюшқоқлик билан амалга ошириш ишларида шахсан ёрдамнингизни сўрамоқчиман. Ахир марҳум отангизнинг Романовлар хонадонига кўп хизматлари сингган, бу хизматлари эса подшоҳимиз томонидан муносиб тақдирланган эди,— деди Мединский узоқдан даромад қилиб, кўзларини ундан узмай.

— Тўнг бўйинини қилич кесади, тўрам. Оқ подшонинг хизматларига бизни ҳаммиша камарбаста деб билинг,— деди мақтовдан эриб кетиб бойвачча. Мединский эса уни сахийлик билан мақташда давсм этди.

Унинг биргина Қўқондагина эмас, балки бутун Туркистон ўлкасида обрўи баландлиги, хусусан, она шахри қўқонликлар битта гапини икки қилмасликлари, ҳамма чақириқларда Давлат думасига сурункасига депутатликка сайланиб келаётгани, Фарғона музофотининг губернатори генерал лейтенант Гиппиус ҳазратларининг ҳам унга ҳурмати катта эканлиги, унга кўрсатилган бу иззат-икромлари учун подшоҳукуматига яна кўпроқ хизмат кўрсатиши лозим бўлган пайт ҳам етиб келгани, у ўз идрок-заковати, куч-обрўи билан энди бу мушкул ишни муваффақиятли ҳал қилишда ҳокимнинг ёнида туриши лозимлигини кўпчилик, кўпиртириб айтди-да, яна битта янгилик — уни мардикорга олиш бўйича Қўқон уезди ва шаҳар комитетининг раиси қилиб тайинлаш учун генерал Гиппиуснинг шахсан розилигини олганлигини хабар қилди.— Хўш, Сизнинг жавобингиз қанақа бўларкин?— дея тагдор қилиб қўшиб қўйди охирида.

Мединский бу хабар бойваччага қандай таъсир қилганини билиш учун унга ер остидан тикилиб, жим қолди. У гоҳ-гоҳ шарбатдан ҳўплаб-ҳўплаб қўярди.

Содиқжон бойвачча эса, ичидан офтоб чиқиб, талтайиб кетди. Назарида шу оннинг ўзидан бошлаб давлатига давлат, обрўинга обрў қўшилиб, ҳамёнига «қис-тирма пуллар» дарёдай оқиб кела бошлагандай ҳис қилиб ўтирарди. Бугина эмас. У ўзининг ер-сувиға,

мол-мулкига кўшиладиган янги-янги ўлжаларни кўз олдига келтириб, буларни амалга ошириш йўлларини қидирар, келгусидаги давру даврони ҳақида ширин ҳаёл сурарди. Ҳа, худо хоҳласа, ракиби Миркомилнинг бу кўзини ҳам ўйиб олади... Андижон, Наманган, Қўқон, Марғилондаги казо-казо бойларни томоқларидан ғишпа бўғиб, ўзига карам қилиб олади-ю, бутун Фарғона водийсида амр-фармони ўтадиган бойлар бойи бўлиб, бу беш кунлик дунёда кайфу сафо суради...

У Олчинбек томон энгашиб, деди:

— Олчинбек, ҳоким тўрага дона-дона қилиб ағдаринг: бу хушxabардан бошим каловланиб қолди, гап тўполмаяпман... Ҳа, мен то танамда жоним бор экан, подшо аъзам император аъло ҳазратларининг вафодор итлариман. Ҳа-ҳа, худди шундай деб ағдаринг, вафодор итлариман! Губернатор ҳамда ҳоким тўра жанобларини ўз пушти паноҳим деб биламан, менга кўрсатган оқибатлари учун бўйлари баробар зар тўксам ҳам камлик қилади. Мусулмонларнинг бир удуми бор. Хушxabар келтирган кишига суюнчи берадилар. Ҳозирча мана, ўн минг сўмга банка чеки. Камига қарздорман. Арзимизни қабул қилсинлар, ўтиниб сўрайман.

Олчинбек ҳаммасини оқизмай-томизмай Мединскийга шивирлаб таржима қилиб берди. Ҳоким чекни олиб пўлат сандикка солиб, саранжомлаб қўйди-да, бойга миннатдорчилик изҳор қилиб, уни кўшни хонада безоғлик дастурхонга лутфан таклиф қилди.

Подшоҳнинг маҳаллий халқдан фронт орқасидаги ишларга сафарбар қилиш юзасидан 1916 йил 23 июнь фармони ҳақидаги хабар Содиқжон бойваччага 10 минг сўмга тушди. Бой уни неча ҳисса қилиб олади, бу ҳозирча номаълум...

Намоз аср билан шом орасида кўш отли ярақлаган гумбур извош мамнун ва шаробдан юзлари, кўзлари ёнган Содиқжон бойвачча билан аллакандай чучмал ҳаёлларга чўмган Олчинбекни шаҳар ҳокимининг маҳкамасидан қарсиллаганча ўрда томон учуриб олиб кетди.

Эртаси куни подшонинг мардикор олиш ҳақидаги фармони шаҳар-кишлоқларга зуд тарқалди. Бу хабар охири ҳадеганда кўринмаётган уруш оқибатида тобора хонавайрон бўлиб бораётган меҳнат аҳлининг каттиқ қаршилигига дуч келди. Подшо ҳокимияти ер-

ли халқдан ҳарбийга олмаслик ҳақида 1886 йили имзо чеккан шартномасини тўп-тўсиндан бузганлиги, айтиқса халқнинг ғазабини кўзгаб юборди.

Бутун Туркистон ўлкасида ғалаёнлар авж олиб кетди.

Фарғона водийсида кўзғолон дастлаб Қўқон уездининг Қайнар волостидан бошланди.

1916 йил 8 июль эрта билан Қайнар волостининг катта қишлоқларидан бирида — Катта Авғонда ғазабга келган оломон элликбошилар, рўйхатчи мирзаларни ур калтак-сур калтак қилиб, тарқатиб юборди.

Участка пристава Колосовский Катта Авғондаги бу аҳвол жўнидан уезд ҳокимининг ўринбосари — новча офицер, подполковник Китаевга сизм қоқиб, унинг жойидан тополмади-да: «Ҳоким, қайдасан?» деб қишлоқдан шаҳарга от қўйди. Ҳокимнинг маҳкамасига етиб келиб, отдан ўзини ташлади-ю, отни мулозимлардан бирига тутқазиб, ичкарига отилди.

— Исён! Жаноб подполковник! — деди у Китаевга кўзи тушиши билан ўпкаси оғзига тиқилиб.

— Кимсан! Нима-нима?! — деб қичқирди Китаев эсхонаси чиқиб. — Ҳа, Колосовский, сенмисан, нима гап?

У стаканга ўзи майдалаб ичиб ўтирган ароқдан тўлдириб куйиб берди. — Ма, ичиб ол, дадил бўласан. — Колосовский ароқни ютоқиб қолгандек бир кўтаришда ичиб юборди-да, шоп мўйловини силаб кўйди.

— Мана, энди гапир, нима дейсан? — деди Китаев Колосовскийга тикилиб.

— Қайнарда, Катта Авғонда оломон подшоҳнинг фармонига қарши ғалаён кўтарди. «Мардикорга бормаймиз, болаларимизни подшоҳга бермаймиз, унинг нонини еб, тузини ичганлар борсин мардикорга!» деб элликбоши, амин, оксокол рўйхатчи-мирзаларни ҳайдаб юборишди, — деди у энтикиб.

— Ҳим-ҳа... Лочинларинг қаерда?

— Ўзим билан бирга.

— Ҳозир изингга қайт, орқангдан мен ҳам кетмакет етиб бораман. Буйруқни бажар!

Колосовский ароқ ҳамда ваҳимадан тақир бошидан калқиб чиққан реза-реза терларини рўмолчаси билан артди-да, хонадан ўкдек отилиб чиқиб, отига қамчи босди. Унинг орқасидан «лочинлари» ҳам от қўйишди. Орадан кўп ўтмай отлик казаклар взводи билан Китаев ҳам Қайнар томон жўнаб кетди. У ерга бориб, ҳали

хам ҳовридан тушмаган оломон устига от солди. Ҳашлаш дегунча, қуролсиз оломонни тўзитаиб юборди, га-лаённи осонгина «бостириб» ўн бир кишини банди қилиб қўлларини чилвир билан боғлатди-да, олдига солиб ҳайдаб кетди. У «бандиларини» атайлаб Қўқоннинг бозор-гузарларидан от устида керилиб: «Мана кўриб кўйинглар!» дегандай ҳайдаб ўтди.

Уларни казаклар шаҳар қамоқхонасига тиқиш учун олиб кетишгандан сўнг бу ҳодисани кўрган Ҳамза: «Буларнинг гуноҳи нима?» деган маънода ёнида «Садойи Фарғона»нинг бугунги сонини кўздан кечириб ўтирган Олчинбекка караб сўради:

— Сиз, муҳаррир афандим, мендан кўра яхшироқ биласиз, бу бояқишларнинг гуноҳлари нима? Нега уларни банди қилиб олиб кетишяпти?

— Гуноҳлари, — деди Олчинбек бошини кўтариб, — нодонлик, илмсизлик. Ахир ўзингиз танангизга бунда! ўйлаб кўринг. Нодон бўлишмаса, тўпу тўпхона, қиличу милтиқларга қарши калтак, паншаха кўтариб чиқишадими?

— Пичоқ бориб суякка етгандан кейин нима қилсин бечора халқ. Додини эшитадиган одам топилмагач... Ўқидим, газетангизда давлатмандлар, мансабдорларнинг болалари мардикорликдан озод этилганлигини эълон қилибсиз, — деди Ҳамза ачитиб.

— Менда нима гуноҳ? Подшоҳнинг амри вожиб. Айб на дўлда, на тегирмонда. Қолубало. Миллатнинг пешонасидаги ёзуғи шу бўлса, на чора, азизим. Сабр-тоқат қилайлик. Подшо сиз билан менга ўхшаган маърифат аҳлига ҳам меҳрибонлик кўрсатиб, мардикорликдан дарҳон қилипти-ку, ахир! Қани, айтинг-чи, борди-ю, сизу бизни ҳам шу ишга сафарбар қилса, нима қилардингиз? — деди гапни бошқа ёққа чалғитиш мақсадида Олчинбек совуқ илжайиб.

— Борардим! — деди Ҳамза шартта кесиб, — эл қайда бўлса, мен ҳам ўша ерда бўлардим.

— Қўйсангиз-чи. «Мардикор шоир!» Ўзингизни жуда ҳам ерга уриб юбордингиз-е. Сиз зиёлисиз. Миллатга нафасдек азиз ва керак одамсиз.

Ҳамзани бу йилтироқ гаплар ранжитиб, одатдаги қизиққонлигини қўзғаб юборди. Бир кўнгли уни узиб-узиб олмоқчи бўлди-ю, шайтонга ҳай бериб, ўзини босди. Шундай бўлса ҳам, ярим ҳазил, ярим чин қилиб деди:

— Сиз билан бизнинг миллатдошимиз, сизнинг

хўжайинингиз Содиқжон бойваччанинг бу хусусда фикрлари қанақа, айтолмайсизми?

Олчинбек Ҳамза унинг нозик жойидан олаётганини сезди-ю, лекин сир бой бермай, қуруққина қилиб жавоб бериб қўя қолди:

— У киши шу кеча-кундуз миллат гамида югур-югурдан бўшамай қолдилар. Гоҳ губернатор, гоҳ ҳоким тўра ҳузурига чопадилар. Ҳа, миллатни деб ҳоким тўра оёғига бор давлатларини ҳеч аямай тўкмоқдалар. Найманча, Ганжиравон қишлоқларида ҳам кўзғолонлар кўтарилган... Мана, ҳозиргина Шомурод мингбоши билан Ганжиравонга кетдилар.

Ҳамза Олчинбекнинг кўзига узоқ тикилиб қолди. «Ҳали-ҳали ўша лаббайгўй, муте, хўжайиннинг давлатидан тама қилади чамаси. Демак, унинг менга дўстлиги ҳам қалбаки. Ахир, «қалбаки дўст очиқ душмандан ёмон», деган халқимиз. Ҳа, фақат думшанимнинг душмани менинг дўстим...» каби фикрлар ўтди хаёлидан. Лекин буни сиртига чиқармади. — Ишқилиб тўрт ишқал бут денг... соғ бўлинг, бошқа гапим йўқ. Хўш, Ганжиравон билан Найманчада халқ кўзғолон кўтарган бўлса, сиз билан мен — ана шу халқнинг фарзандлари четга чиқиб ўтиришимиз яхши эмас, менимча қуюн савлат, бўрон тахлит ўғиллар ўстирган халқнинг ғазабидан қўркиш керак, деб ёзинг газетангизга, мўҳаррир афанди. Мен ўша ёққа кетдим, — деди у ўрнидан кўзғалиб.

— Сизга маслаҳатим шуки, у ерга борманг. Ёниб турган ўтга ўзингизни уриб нима қиласиз. Шунини ҳам андиша қиламанки, борганингиз билан халқ, сиз билан гаплашишга фурсат тополмаса ҳам керак. Яна, жазо отрядининг кўзига қон тўлиб, кимга тегишини билмай турган нозик пайтда бир кор-қол бўлмасин дейман. Тагин ўзингиз биласиз...

Ҳамза билдики, у ўзига ҳамроҳ бўлолмайди, шахт билан юриб, ўзи жўнаб кетди.

Дарҳақиқат, Китаев Қайнардаги кўзғолонни бостириб келганидан кейин ҳам юрт тинчимади, у дастлаб, ибрат бўлар деб, беш-ўн кишини авахтага тиққанига қарамай, Мединскийдан Гиппиус яна янги-янги кўзғолонлар ҳақида хабар олиб турди.

Найманчада кўтарилган халқ кўзғолони эртаси куни ҳам босилмади, қайтага авжига чиқди. Қайнарда даҳшат солган ғазаб ва нафрат тўлқини Аравонни босди. У ёғи Аравон, Ғозёглиқ, Минглар, Туркман, Қил-

чоқ, Қорақалпоқ қишлоқларидан минг-минглаб одамлар Ганжиравонга оқиб келарди.

Шомурод мингбошининг маҳкамаси олдидаги майдон теварақ-атрофидаги жин-кўчаларгача ҳаммаёқни одам тутиб ётибди. Оломон маҳкама дарвозасига тўшини тираб, денгиз тўлқинидай чайқалиб ҳайқирарди:

— Адолат, ҳақиқат борми бу ваҳшатхона дунёда!

— Шомурод мингбоши агар мусулмон бўлса, бу ёққа чиқиб, ўзини кўрсатсин!

— Ўзини Ганжиравоннинг хони деб билган Содиқжон бойвачча қаерда қолди, нега кўринмайди? Агар у чинакам эл оғаси бўлса, бизга ён боссин!

Шомурод мингбоши — қамчисидан қон томган ноинсоф, подшонинг кўплаги, халқ ғамини ейишни хаёлига ҳам келтирмай, фақат ўзини ўйлайдиган бир худбин одам эди. Ун йилдирки, Ганжиравон ва унинг атрофида ҳокимлик қилиб, бечора дехқонларнинг тиккасини қуритди. У аслида Содиқжон бойваччанинг қопағон ити, унинг иродаси билан иш тутиб, туваги олтин бўлган, қўша-қўша хотин олиб, совға-салом хисобига жир битиб кетган, порахўрликка зўр берган, подшоликка йигиладиган солиқларнинг юздан тўқсонини уриб, ҳамёнини муттасил қаппайтиришни ўйлаган аждарнафс бир бадкир эди.

Ана у. Ниҳоят, эғнида энгил банорас тўн, белида қилич ва тўпдонча осилган зангори бахмал камар, икки қўлини биқинига тираб, ёнида башанг кийинган мирзалар, миршаблари билан маҳкама айвонига лаблунжини осилтириб тўрсайиб чиқиб келди. Оломон ичидан: «Жим! Ана чиқишди! Жим бўлинглар, вағир вуғурни бас қилинглар!» — деган овозлар чиқди. Қий-чув қилиб, бақириб-чақириб ётган оломон оёғи калта, бели узун, бадқовоқ додхоҳнинг оғзига тикилиб жим қолди.

— Хўш, бу нима машмаша, халойиқ! — деди мингбоши ноинсандлик билан.

Оломон ичидан бир кампир томоқ қирди-да:

— Нима учун меннинг ёлғизгина боламни хатга оласизу бойларнинг давангирдай ўғиллари четда қолаверади? — деди қақшаб туриб. Одамлар орасида говур бошланди. Биров: «Давлатмандга давлатни худо берган, куфрга кетма», деб кампирга дакки берди кимдир пулга мардикор ёллаётган пулдорларнинг гўрларига гишт қалади, бошқа биттаси, катта-катта пул тўлаб мардикор ёллаганларни ёқлади, яна биттаси, «қандай

ма
кула
дикорд-
йигит қили-
қилсангиз кам бўлма-
ичидан унинг шаънигг
эшитилди. Пўлат от-
райди.

— Хўш, айтинг-чи,
лади? Узингизга аён, би-
сиз тирикчилигим нима
мингбоши томон бир қада
эди. Мингбошининг кўзла
га бир қадам тисланди. Пў-
тиб, унга мойиллик билан
майли... Сиз оқ подшонинг да
умрингиз айш-ишрат, нашъу
доқ бўлгандан кейин, бир тант
аввал сиз ўғлингизни мардикорга
вон билан Рустамжонни кўш қўлла
ган номард!— деди мингбошининг кўз
ни қадаб туриб.

Мингбоши бир муддат жим колди-да, ка-
лаб кулиб юборди.

— Шундоқ денг, Пўлатвой! Ахир, инсоф қи-
да, инсоф борми ўзи сизда? Ҳам болам учун пул
ҳам мардикорга юборайми? Қани, ўғилларингиз учун
сиз ҳам пулга одам ёлланг, биз бир нима демаймиз,
Шунга чоғингиз келадими ўзи?

Пўлат ота ва унга ўхшаган камбағаллар кундалик
тирикчиликларини амал-тақал билан аранг ўтказиши-
ни у яхши биларди. Шунинг учун ҳам: «Одам ёллаб,
ўғилларингни қутқариб қол», дея киноя қиларди унга.

...нинг
...лавай.
...лар ичиг
...тортиб келаётган

гапларни эшитмаёт-
ан учуриқ қилди.
...нингми бу. Ўзинг
ўдағайлади-да, кейин
...мзани масхара қилаёт-
Хамза ҳожи!— Сизми-
лоқларга қайси шамол
хўп... Ҳай... Майли, олам
ҳулоғим сизда, гапираве-

...га ўхшаганлар-ку, олтин тў-
...ларини ўз бағирларида олиб
...и кўринмайдиган ялмоғиз уруш
...гархун бўлган шўр пешона кам-
...я учуда кун кўриб келаётган косиблар
...Ахир бу ноҳақдан ноҳақ-ку, додхоҳ!
...он берган, ош берган хонадонингизни
...халойиққа қайишмайсизми?— деди Ҳам-
...кетганидан вужуди ларзага келиб.
...нингбошининг кўзи оломон ичида шайланиб,
...нинг ишорасини кутиб турган Қора Қоплоннинг йи-
...гетларига тушди-да, бир оз дадилланди. Оломон эса,
Ҳамзанинг бу дангал, ҳаққоний гапларидан денгиздай
тўлқинланиб кетган эди.

— Отасига раҳмат Ҳамзахоннинг! Ҳамиша эл
учун куяди!— деди оломон ичидан кимдир.

— Халойиқ! Бир оз тинчланинг!— дея ҳайқирди

қаердандир пайдо бўлган Содикжон бойвачча.— Подшонинг амри вожиб деган гапни биласизлар.— У юзларидан заҳар томиб турган бўлса ҳам, ўзини бо-сишга тиришди.— Сиз алқаётганингиз бу шоир подшо билан халк ўртасида нифоқ қўзғаяпти-ку, ахир. Сиз эса, бундай ғаламисни бошингизга кўтармоқчи бўласиз. Подшонинг амрига ким кўндаланг бўла олади?! Ҳеч ким! Ҳаммамиз унинг амри олдида ожизмиз. Бу гап шаҳар ҳокими ёки юртнинг катталаридан чиқмаган! Бу подшоҳимизнинг олий фармони, ундан бўйин товлайдиганларга у шафкат килиб ўтирмайди. Сиз ҳам, шоир!— Содикжон бойвачча Ҳамзага қараб тиржайди.— Нега халк ўртасига кутқу соласиз, мингбошида нима ҳад? У билан биз подшонинг амрини юзага чиқарадиган анчайин воситачилар, холос. Йўқ! Фармонни амалга оширишга ким бўлмасин, кўндаланг турар экан, суриштириб ўтирилмайди. Сибирга бадарга қилинади. Бу шоир, ҳожи, деб ўтирилмайди. Бунга кулоғингизга яхшилаб қуйиб олинг, ҳа! Йўқса, жувонмарг бўлиб кетишингиз ҳеч гап эмас!

— Майли,— деди Ҳамза тап тортмай,— керак бўлса терак йиқилади. Кўрамиз ҳали, бугун кариллаганлар эртага дариллайди.

Ҳамзанинг казо-казолардан тап тортмаётганини кўрган бир дўлвор йигит дадилланиб кетиб сўраб қолди:

— Биз уч оға-инимиз. Ота-онамиз йўқ. Бир хонадондан учовимиз кетадиган бўлсак, уй-рўзгор, мол-ҳолга ким қарайди? Хотин, бола-чақамиз кимга қолади?

— Хотин, бола-чақанг бизга қолади!— деб юборди Шомурод мингбоши. Бу гап оломоннинг юзига тарсаки тортиб юборгандек таъсир қилиб, бир қалқиб олди.

— Бундай дейишга уялмадингизми, додхоҳ? Эр йигитга икки номус бир ўлим,— деди Пўлат ота қалтқалт титраб.— Биз буларни юртга эғалик қилади десак, хотин, бола-чақаларимизга эга чиқиб, номусимизни букмоқчи бу беномуслар!

Оломон чайқалиб, алам ва ғазабдан ёна бошлади. Қизу жувонлар уввос солиб йиғлашарди.

— Халойиқ! Жим бўлинг!— деди Пўлат ота мингбошига рўпара келиб.— Қани, рўйхатни бу ёққа бер, касофат!

— Сенсирама, итдан тарқаган! Агар жонинг ширин бўлса, жойингдан қимирлама, даҳл қиладиган бўлсанг,

ўзингдан кўр!— деди додхоҳ тўппончасини яланғочлаб, унга ўқталиб.

— Амалдорлик савлатинг, шоп-шалопинг билан қўрқитолмайсан бизни, рўйхатни берасанми, йўқми? Яхшиси, бер, халойиқ сени бола-чақаси билан дуо қилади,— деди Пўлат ота тап тортмай.— Бер деяпман!— У қўйнидан катта бир тошни олиб, мингбоши устига бостириб борди. Одамлар бу ҳодисани нафасларини ичларига олиб, кузатиб туришарди.

— Яқин келма, отаман!

— Отолмайсан, номард!

— Одамнинг конини қайнатма деяпман, бадбахт чол!

— Сен одаммисан? Тўнғиз қавмида кетадиган махлуқсан, мана сенга!

Пўлат ота кўлидаги тошни ҳавола қилиб, мингбошининг тўппонча ушлаган кўлини мўлжаллаб отди. Шомурод додхоҳ тошга чап бераркан, тепкини босди. Ўқ овозидан оломон бир сапчиб тушди. Пўлат ота, кўкраги кип-кизил конга бўялиб, гурс этиб йиқилди. Буни кўриб оломон жунбишга келди. Умар полвон этиб бориб додхоҳнинг гирибонидан тутиб қулочканлаб уриб ерга ағдарди. Содиқжон бойвачча буни кутмаганди, чамаси, оломоннинг авзойидан қўрқиб, ўзини извоши турган жойга урди-да, Қўкон томон жуфтагини ростлаб қолди. Умар полвон билан Рустамжон: «Отажон!» деб ўзларини Пўлат ота устига ташлашди. Кимдир: «Ур оғзи кон бўрини!» дея бақирди. Ҳаичнаш дегунча бўлмай, оломон Шомурод додхоҳни топибўрон қилиб, янчиб ташлади. Бу ҳодиса бир лаҳзада бўлиб ўтди. Кейин одамлар ўз-ўзидан мингбошининг маҳкамаси томон селдай оқиб бориб, маҳкамани ағдар-тўнтар қилиб ташлашди. Дафтарларни кўтариб чиқиб, парча-парча қилиб йиртишди, подшонинг суратини оёқлари остига олиб тепкилашди. Салдан кейин маҳкама ичи-ташига ташланган беда, похол ёниб кетди, ўт алангаси қизил тилларини чўзиб, қўрғон атрофини ялаб, бор нарсани аждаҳодек домига торта бошлади. Одамлар қий-чув қилишиб, ўзларини ўтдан четга олишар, алланималар деб сўқиниб, гўлдирашар эди.

Аланга Пўлат ота яраланиб ётган жойдан ҳам бе-мадол кўрина бошлади. Унинг тепасида Умар, Рустам ва Ҳамзадан бўлак ҳеч ким қолмаган, ҳамма маҳкама том. н оқиб кетганди.

Маҳкама биносига кетган ўт обдан авжига чиққан бир пайтда шаҳар ҳокими Мединский ва подполковник Китаевлар икки взвод жазо отряди билан майдонга кириб келди. Уларни кўриб оломон саросимага тушиб қолди-да, бир қисми орқага қараб қочиб, жазо отряди келганлигидан Ҳамзага хабар берди. Пўлат ота буни эшитиб, ҳушёр тортди.

— Ҳамзахон,— деди у инқиллаб,— ўзингизни бир ёққа олинг, улар айбнинг ҳаммасини сизга тўнкашларни турган гап, биласиз-ку, сурштириб ўтиришмайди. Уларга баҳона керак.

— Йўқ, ёнингизда бўламан, отахон.

— Мени кўя беринг, осадими, чопадими, ҳаммасига тайёрман. Мени деб сиз жабр тортишингизни кўтарамайман, ўғлим. Ҳаялламай тезроқ кетинг бу ердан.

— Азир, мен сизни шу аҳволда қандай ташлаб кетаман, отахон?— у чолнинг ҳолсизланиб бораётганини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Умар полвон билан Рустамжонга қаради. Улар ҳам оталарининг гапини айтишди. Ҳамза ноқулай аҳволда қолган эди: кетай деса, ярадор чол, жонажон дўстлари, кетмай деса, маҳкамадаги ишқал... «Кўз ёшлари оппоқ соқолини ювган деҳқонга отилган ўқ дунёдан тўйган, бола-чақаси, хонумонидан жудо бўлган мендек бир бенаво шоирни тинчитиб қўя қолса бўлмасмиди?..» дили шивирлади Ҳамзанинг.

Лекин Умар полвоннинг ишораси билан Рустамжон, яна ҳалиги хабар келтирган йигитлардан бирикитаси Ҳамзани ҳол-жонига қўймай, жазо отряди кўзидан яшириб, оломон ичига сургаб кетишди.

Шундай қилиб, жазо отряди Ганжиравон қўзғолонини ўт ва қон билан бостириб, қўзғолон иштирокчиларидан кўзларига тўғри келган кишини банди қилиб, Қўқонга ҳайдаб кетди.

Аммо Содиқжон бойвачча билан Мединскийнинг бундан кўнгли тўлмади. Бандилар орасида улар излаган Ҳамза йўқ эди. Атрофни излашди, лекин ҳамма уринишлари зое кетди. Улар бир тўда солдат билан беҳол ётган Пўлат отанинг тепасига келишди. Уни ғазабга олишди, аврашди — натижа чиқмади.

— Ҳамза сенинг тепангда ўралашиб юрувди-ку, уни қаерга қочирдинг?— деди Содиқжон бойвачча қамчисини ўйнатиб.— Агар айтиб берсанг, ҳоким тўрадан гуноҳингни енгиллатишларини сўраб оламан. Ўзинг кўрдинг-ку, бугунги ур-тўполонга ўша ярамас

сабабчи бўлди. Қилгуликни қилиб, ўзи думини қуруққа олиб қочибди. У ғаламис Шомурод додхоҳнинг жонига вомин бўлди.

— Мен уни бугун кўрганим йўқ, бойвачча, мени ўз ҳолимга қўйинг. Кўриб турибсиз-ку аҳволимни,— деди Пўлат ота инграб. Содиқжон бойваччага унинг бу гапи кор қилмади.

— Ҳоким тўра сени сўроқ қилишни менга топширганлар. Мана, ўзлари бетараф турибдилар. Агар Ҳамзани тутиб берсанг, ўғлинг Умар полвонни рўйхатдан ўчирамыз.

Пўлат ота индамади. Рустамжон уни суяб, ўк теккан ерига рўмолини босганича турарди. Содиқжон бойвачча яна гапни айлантира бошлади.

— Ҳамзанинг қайнағасими, ҳалиги Соколов деган ўрис ўртоғи бор-ку, ўшайм, қўлга тушса, мана бу Рустамжонингни ҳам ўчирардик. Қани гапир, чол, нима дейсан?

Пўлат ота анойи одамлардан эмас эди. Нега энди у камбағал деҳқон, косиб учун жон куйдирган шоирни, ғайридин бўлса ҳам, меҳнаткаш мусулмон учун бошини тиккан, қўзғалган халк томонини олган ўрис йигитни жаллод болтасига топширар экан?! Тўғри, Ҳамза билан Соколов ҳозир бир жойда, Умар полвон ҳам. Балки тоққа чиқиб кетишгандир. Буни у яхши билади. Аммо Пўлат ота ўз жони ва икки боласини деб икки лочинни тутиб берса, юзи қора бўлиб, эл ичида қандай бош кўтариб юради кейин. Йўқ! Улим ҳақ. Ўзи ўлса ўладики, уларни тутиб бермайди...

— Бунча пинакка кетдинг, кўкнори эмассан-ку, ахир! Унингни чиқар, яхшиликни билмаган! Ҳоким тўрани диққат қилма. Йўғасам, ҳали замон адовингни еб, пушаймон бўлиб коласан.

Пўлат ота кўзларини каттиқ юмганича миқ этмай гураверди.

Содиқжон бойвачча кутуриб, чолнинг бошига тепди.

Рустамжон арслондек сапчиб бойнинг ёқасидан олди. Солдатлар Рустамжонни уриб, судраб олиб кетишди.

— Агар ўзимни вақтида четга олиб қолмаганимда, Шомурод додхоҳнинг кунини менинг бошимга ҳам соллардинг, одамхўр қотил!— деди-да, унга бош-кўзи арғаш камчи солди. Китаев этигининг пошнаси билан кўкрагидан эзиб турди. Пўлат отанинг афт-башлараси қонга беланиб кетди. Бу билан Содиқ бойвачча ва

Китаев подшога садоқатларини намоёиш қилмоқда
эдилар. Пўлат отанинг кўз олди қорайиб, назарида
ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб, бир томонга шил
этиб тушди-ю, қайта ўзига келмади...

Иигирма олтинчи боб

ХИЕНАТ

Қўқон ҳокими Мединскийнинг: «Қўзғолон кўтар-
ган қишлоқларни ёндираман, оттираман», деб дўқ ури-
ши ҳам, губернатор жаллод Ивановнинг Жиззахчи
тўпга тутдириб, вайрон қилиб, халқ бошига минг тур-
ли азобу уқубатларни солиши ҳам, Тошкент эски
шаҳар полицмейстери Колесниковнинг Олмазор маҳал-
ласидан туриб, халқни — бола-бақра, ёшу қари, хотин-
қиз демай, — отдириши, Хамзанинг Марғилонлик дў-
ти Йўлдош Охунбобоевга ўхшаш фидойиларнинг
қамоқларга ташланиши ҳам жойларда бирин-кетин
кўтарилган норозилик қўзғолонлари алангасини ўчи-
ролмади.

Лекин юртнинг оғзи катта ақлавваллари ҳисоблан-
ган бой, уламолар, айниқса жадидлар, подшо зулмига
қарши кураш ўрнига, мана шу золим подшо томо-
нида бўлдилар. Масжидларда хайр-худоийлар қи-
линиб, «Оқ пошшо» ҳаққига дуойи фотиҳалар ўқитди-
лар, «ёмонларга» худодан инсоф тиладилар, «йўлда
озган бебошларни» подшоҳи аъзам Николай аъло ҳаз-
ратларига сидқидилдан садоқат кўрсатишга даъват
этдилар. Соддадил авом халқ олло таолонинг каломи-
ни ўртага қўйиб айтилган бу панду насиҳатларга қу-
лоқ солмай иложи йўқ эди. Кўтарилган аланга, юрак-
лардан отилиб чиққан беомон қаҳру ғазаб сўниб,
ҳаммаёқ сув қуйгандек жимиб қолди. Қўзғолон халқ
зиммасига қўйилган катта жиноят ҳисобланди. Гене-
рал-губернатор Куропаткиннинг буйруғи билан маҳал-
лий меҳнаткаш халққа поездларда юриш, бир шаҳар-
дан иккинчи шаҳарга бориш қатъиян қатоғон қилинди.
Қамбағал бечоралар урилди, сурилди, таҳқир этилди.
Шундай қилиб, рўйхатлар қайта тикланди, ака-ука
Умар полвон билан Рустамжонлар ҳам қийноқда жон
берган оталарини она тупроққа топшириб, кўплар қа-
торида мардикорга сафар жабдуғини ноилож ҳозир-
лашди...

Қўқондан биринчи гуруҳни жўнатишга киришил-

ди. Қўқон атрофидаги қишлоқлардан мингта мардикор тўпланди. Шаҳарнинг оқ-фарёди ер-кўкни тутди...

Мана, Қўқон станцияси. Ҳаммаёқ одам. Хотин-халлаж чуввос солиб йиғлайди. Мўйсафидлар соқоллари титраб, унсиз кўз ёш тўкадилар, узоқ сафарга кетаётган йигитларни бағриларига босиб, дуо қиладилар. Содиқжон бойвачча, шайх Исмоил, Олчинбек, Шавкат афандига ўхшаганлар подшоҳи аъзам шаънига мадҳ ўқиб, оломонни жудодлик қайғусидан чалғитишга уринадилар. Хуллас, ҳамманинг ўз дарди бор. Халқ эса тутаққан. Шунинг учун мутасаддилар усталик билан иш кўриб, унга қаттиқ тегишга ботинмайди. Хамирдан қил суғургандек қилиб, минг кишига мингбоши, уни юзтаданга тақсимлаб, юзбошилар, шу йўсинда ўнбошилар сайланди. Жумладан, Умарполвен юзбоши, Рустамжон эса, хати борлиги учун мирза қилиб сайландилар.

Мардикорга жўнатилаётган шу минг кишини вақвалга бир казармага яқин солдатлар қуршовида келтиришди. Кузатувга келган ота-она, қариндош, ёр-биродарлар ташқарида қолдилар. Минг киши орқасидан бир неча минг одам уйларига қайтиб кетишга кўнгиллари чопмай, казарма атрофида тунаб қолишди. Ҳар ким ўзига керакли одами — ўғлини, инисини ёки оғасини — бир кўриб, дийдорига тўйиб қолиш илинжида отини атаб чақирар, кимлар йиғлар, кимлар оқ-воҳ чекини, яратганга омонат топширганини изҳор этарди. Бунга ҳар ер-ҳар ердан: «Ўғлим Қобдиржон!» «Болам Усмонали!», «Ҳой, Акбарали, каердасан, бундоқ ўзингни кўрсатсанг-чи, онанг айлансин бўйгинангдан!» деган илтижоли овозлар ўқтин-ўқтин қулоққа чалиниб, юракларни эзиб юборарди ва буларнинг барчаси бирга қўшилиб, кўнгилисиз, нохуш бир манзара кашф этгандики, дафъатан кўрган одам ўзини гўё улкан бир азахонага кириб қолгандек ҳис этиб, юраги хун бўлиб кетарди.

Уша куни осмонда гард бўлмади. Кечаси беҳисоб юлдузлар осмоннинг тубсиз қаъридан туриб, сафарга жўнатилаётган йигитларга қараб, бир нималар демоқчидек жовдирашарди. Алламаҳалга бориб, само пештоқиға тўлин ой аста сузиб чиқиб келди-да, тепага келганда гўёки тўхтаб, ўзининг сокин нуруни ерга сочди.

Кечанинг сутдек ойдинлигидан фойдаланган кетувчилар бир томон, кузатувчилар бир томонда туриб

олишиб, суҳбатлашар, ўтган кунларини эслашар, ёш келинлар эса ёрларига вафо ваъда қилувчи шаҳло кўларини тикиб термилиб, дил розларини изҳор этишар, қариялар бўлса, ўғлонларини ой бориб, омон келинларини тилашар, ҳар ким ўзи билганича қандай юриш, қандай туриш, нималардан ўзини сақлаш, яхшилардан ажралмаслик, ёмонларга ёндошмаслик ҳақида насиҳат қилар, айримлар худди гаплашадиган гаплари қолмагандек анчайин чакчаклашиб кулишар (бундай ҳол кўп эмасди), лекин аксарият одамларнинг юракларини узилиб кетаётгандек дилгир, кўзлари нам, ўзлари ёш керакли нарсаларини йўқотиб қўйгандай маънос эдилар. Улар орасида ўғлига васиятнома гапларини айтиб, эсон-омон қайтиб келгач, укаларига бош бўлишгани тайинлаб қўяётганлари ҳам бор — булар ёшини яшаб қўйган, бир оёғи уйда, бир оёғи гўрда қариялар эди.

Пўлат отанинг ён қўшниси Қудрат ота хатга тутилган ўғли Хотамжон билан бола ўртоғи Пўлат отанинг ўғиллари — Умар полвон, унинг укаси Рустамжонларни кузатишга қизи Тозагулни етаклаб, станцияга келди. Полвоннинг касалманд бўлиб қолган онаси Шафоат ая билан келини Зебихон ҳам Қудрат ота билан бирга келишди. Одамларни оралаб юриб, ахирини излаганларини топиб олишди. Шафоат ая бир кунда юраги узилгундай бўлиб қолганди. Уғилларини бағрига босиб, юз-кўзларидан ўпар, пешоналарини силаб, юзини уларнинг юзларига қўйиб ҳидлар, ўғилларининг гўдакликларидан димоғига ўтиришиб қолган таниш ҳид онага алақандай ҳузур бахш этарди, чамаси, худди ундан ҳозир маҳрум бўлиб қоладигандай фарзандларини бағридан бўшатмас, атрофларида гирдикапалак бўларди. Зебихон бўлса, она-болалар бир-бирларининг дийдорларига тўйиб, меҳрларига қониб олишларини кутиб, бир чеккада тортинибгина мўлтираб турарди.

Қудрат ота қизи Тозагул билан Хотамжон олдида парвона эдилар. Тозагул аҳён-аҳёнда Рустамжон томонга ўғринча кўз ташлаб қўяр, хумор кўзлар ногоҳ тўқнаш келган пайтда аллақандай ишва ҳади этардида, акасининг кўксига аста бошини қўйиб, яна булут орасига кириб кетган тўлин ойдек, юзини яширар эди.

Тозагул Ганжиравон қишлоғидагина эмас, бутун Қўқонда ҳусни, ҳуш ақлоқи билан тенги йўқ бир қиз. Унинг чакнаб турган қуралай кўзлари, толмадан келган бели, хушқомат, хуштабассуми, айниқса худди сутга чайиб олгандай тиник кулча юзлари аллақачон

Рустамжоннинг қалбидан жой олиб, унинг эс-ҳушини ўғирлаб кўйганди. Бу икки ёшнинг бир-бирига майли борлигини Пўлат ота ва Қудрат ота икки дўст — аёлларидан эшитиб билишиб кўнгилларига хайрли ниятни тугиб кўйишганди. Пўлат ота бу ниятига етолмай, армонда кетди-ю, Қудрат ота дўстининг бу армонини рўёбга чиқаришни жиддий ўйлаб қолди. Шу тариқа, унинг кўнглидаги эзгу ният қатъий мақсадга айланиб, Рустамжоннинг бошини силаб, оталик қилишга жазм этди. Умарполвон бундан хабар топиб, отасидан қолган бир парча ерларини сотиб бўлса ҳам, укасини Тозагулга уйлантирмоқчи эди. Лекин орада мана бу ғал-ва чиқиб қолди.

Мана энди Умар полвон ҳам, Рустамжон ҳам мардикорга жўнаб кетишяпти. Онаси, ёшгина хотини Зебохон ва учта норасидаси билан қолади...

Қудрат ота Хотамжонни келини билан қизи ихтиёрига ташлаб, Умар полвоннинг олдига келди. Бу ака-ука билан оталаридай хайр-хўшлашди, унга онаси, хотини, бола-чақаларидан кўнгли тўқ бўлишини, экин-тикинларига қарашиб туришни, уларни ҳеч ёлғизлатиб қўймаслигини, худо хоҳласа, мардикордан эсон-омон қайтганларидан кейин, Рустамжон билан Тозагулларнинг тўйларини ўтказишини айтиб, полвоннинг кўнглини кўтарди. Рустамжон эса ўзининг Тозагулга бўлган булоқ сувидек тиниқ муҳаббати қанотида учиб, ширин хаёл сураб, мардикорга кетаётганидан ташвишланмас, назарида ўша ёқларда фавқулодда воқеалар юз берадигандек, юраги олисларга талпинар, тезроқ бориб, қутулиб келиш учун тезроқ жўнаб кетишини сабр-сизлик билан кутар эди. Чунки жўнаш тавшишлари бир кундаёқ жонига текканди, одамларнинг юзларидаги мунг, маъюслик, йиғи-сиғидан юраги сиқилиб, бу аҳволдан тезроқ қутулишни истарди. Фақат Тозагул билан бир лаҳза қамтима-қамти туриб, кўнглидаги бир оғиз гапини айтиб олса, Тозагулнинг бир оғиз ваъдасини унинг ўз оғзидан эшитса бас унга. Рустамжон ана шу қулай фурсатни кутиб бетоқатланар эди, холос. У пайтини топиб, Тозагул билан кўз уриштириб олди-да, уни бир чеккага имлади. Тозагул у ишора қилган томонга ийманибгина юрди. Рустамжон ҳам ўша томонга юрди. Ота-оналаридан сал чеккароққа бориб, бир холироқ жойда тўхташди. Бунини кўриб турган Хатамжон Қудрат отага ялт этиб қараб қўйган эди, Қудрат ота ўғлининг гаши келаётганини сезиб:

— Қўявер, уларнинг ҳам бир-бирига айтадиган гаплари бор, гаплашиб олишсин, болам, майли,— деб уни тинчитди.

Тозагул билан Рустамжон бир-бирларига ийманибгина талпиниб тикилиб туришар эди.

— Тозагул!

— Ҳа, Рустамжон ака.

— Сиз ҳамиша жонимда, ёнимда, хаёлимда бўласиз...

— Мен ҳам сизни шундай кутаман. Бахтимга, ишчилиб, омон-эсон қайтиб келинг.

— Албатта, қайтиб келаман! Бир илтимос. Онамдан хабар олиб туриг. Касалманд нарса, тагин йиқилиб-негиб қолмасин...

— Жоним билан, Рустамжон ака. Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин.

Буларнинг жуда кўп гаплари бор эди, ичларида қолди. Лекин уларни диллари, кўзлари айтди, кўзларига куйилиб келиб, киприкларида ҳалкаланиб, ёноқларидан дурдек юмалаб тушаётган кўз ёшлари айтиб берди...

Тонг отди. Мардикорларнинг жўнатилиши аниқ бўлди. Буни сезгандек одамлар яна нотинчланиб қолишди. Бир фўрсатлик «миш-миш»лардан кейин, оломон ўзини Қўқоннинг аскар жўнатадиган ҳарбий станциясига урди. Кенг майдонда эгниларига чарм тужурка, қора шим кийган бир мингта ўзбек ўғлони сафга турғизилди. Буларнинг сафида Содиқжон бойваччанинг йилқичиси қирғиз Сулаймон отанинг ҳам икки ўғли Жамшид билан Ҳайдарбек бор эди, подшоҳи аъзамга бағишланган аллақандай бир ашулани айттиришиб (уни ҳамма айтмас, фақат сафнинг у ер-бу еридан яккам-дуккам овозлар чиқарди), қизил вагонлар турган жойдаги майдончага олиб боришди. Юзбошилар «ундай тур», «бундай юр!» деб ўзларича тартиб киритмоқчи бўлишарди.

Бир маҳал ҳоким Мединский бошлиқ юртнинг катталари мардикорларга рўпара бўлишди. Мединский қизгин гапириб, пича қўрқитиб, дағдага қилиб бўлган, «минбар»га Содиқжон бойвачча кўтарилди. У мардикорлар зиммасига каттақон муқаддас вазифа юклатилганлиги, оқ пошшога садоқат билан хизмат килиб, қўзғолон доғини ювиш савоб бўлиши, ота-оналар, бола-чақалардан хотиржам бўлиш, уларнинг иссиқ-совуқларидан хабар олиб турилиши ҳақида ваъзхонлик

қилиб, пировардида зар муқовали қуръонни ўпиб, пешонасига кўйгач, сўнгра ола байрок остида турган Умар полвонга икки кўллаб узатди. Умар полвон ҳам «мукаддас китоб»ни икки кўллаб олиб, ўпди-да, пешонасига суртди.

Жўнатишинг расмий маросими шу билан тугади.

Юртнинг улуглари ишларини бу гал силлиққина битириб, гумбур файтунларига ўтиришиб, ҳар ким ўз йўлига тарқалди.

Бир маҳал бирдан занг урилди. Ҳарбийлар мардикорларга вагонларга чиқишни буюришди. Улар қизил вагонларга ўзларини уришди. Шунда пастдагилар орасида бирдан кий-чув бошланиб кетди, баъзилар ўзларини вагонга отиб, боласига маҳкам ёпишиб олди. Ҳарбийлар дарҳол уларни вагондан четлатишди. Бу орада иккинчи занг чалинди. Бирдан момогулдирак қарсиллагандек яна дод-фарёд кўтарилди. Хотинлар эри ёки ўғлидан худди бир умрга жудо бўлиб қолаётгандек сочларини юлиб, юзларини тирнаб дод солишар, ким «Аҳмаджон!», ким «Кодиржон!» ким «Тўйчивой!» деб ўғлини чақирар, охирги марта бир кўриб қолмоқчи бўлар, кимлар: «Ой бориб, омон қайт!», «Илоҳим, тўрт мучанг соғ бўлсин!», «Аввалига элни ёрлақасин, эл қаторида сени ҳам ўзи ёрлақасин!» деб яхшилик тилашар, Сулаймон оқсоқол бўлса: «Омонат топширдим сенга, омонатимга хиёнат қилмагайсан!» деб худога илтижо қилиб йиғларди.

Бир вақт платформада қатор тизилиб турган кузатувчилар олдида Ҳамза пайдо бўлди. Бу пайт учинчи занг урилган эди. Бирдан ларовознинг чўзиқ гудоги эшитилди-да, вагонлар тарақ-турук қилиб силтаниб, бир-бирига эргашганича аста жила бошлади.

Ҳамза шу аснода юз берган даҳшатли манзарани кўриб эзилиб кетди, у тутоқар, ғазаб ичига сигмай гижинар, «тақа-тақ» қилиб ўтиб бораётган вагонлардан кўз узмасди. Бирдан рўпарасида «Ҳамза ака!» деган таниш овоз эшитилиб, вагонга қаради, Умар полвон билан Жамшидбек қўлларини силкиб ўтиб борини шарди.

— Умар полвон! Хайр, ука! Хайр, Жамшидбек, — деди кўзида милт-милт ёши тизилган Ҳамза.

— Ҳамза ака, кўришгунча хайр энди, — деди Умар полвон билан Жамшидбек овозларининг борича бақиринишиб.

Бу овоздан ҳамма бирданига хушёр тортиб поезд

кетаётган томонга ўзини ташлади. Шафоат ая тўддан ажралиб чиқиб: «Болам Умаржон, болагинам Рустамжон, ногирон онанг билан ёш хотинингни ташлаб кетдингми-а? Қаёққа кетдиларинг, болаларим?» — деб поезд кетган томонга чопа бошлади, Зебихон қайнонаси орқасидан олдинма-кейин югурарди. Шафоат ая, ниҳоят югуришга ҳоли келмай, ўтириб қолди. Унга Қудрат ота билан Тозагул ёрдамга етиб боришди. Зебихон эса, ҳамон югурар, Умар полвонни кичик ўғиллари исми билан атаб: «Пирматжон, Пирматжон! Уч бола билан бизларни ташлаб кетдингизми? Пирматжон, «дада» деб йиглашса, уларга сизни энди қаердан топиб бераман? Жонкашимдан айирганларга илоҳим қирон келсин. Тахти-бахти ер билан яксон бўлсин!» деб қаргаб хуни-бийрон бўзлаб борарди. Поезд ўчакишгандек тобора тезлаб, еткич бермасди.

Зебихон бўғилиб кетди шекилли, ёқасини йиртди, паранжиси бошидан учиб, тушди, у икки кўзини узоқлашиб бораётган поезддан узмай югурарди. Ҳам-пан дегунча поезд олислаб, кўздан ғойиб бўлди. Зебихон буни дафъатан пайкаб, темир излар ўртасида какқайганича тўхтаб, жим бўлиб қолди. У атрофига аланглаб, поездни, Умар полвонларни олиб кетган вагонларни қидирди, лекин тополмади. Қалби ўғри урган уйдек ҳувиллаб қолди, боши айланиб, кўзи тиниб ерга муккасидан йиқилди. Одамлар боласини илонга олдирган қалдирғочдай, маъюсланиб, аста тарқала бошлашганини ҳам, олдига Тозагул етиб келиб, уни суяб турғизганини ҳам сезмади...

Йигирма еттинчи боб

ЖОСУС

Атрофни осмонўпар тоғлар ўраб олган. Асерий қорлардан бошига кир салла ўраган баҳайбат қоялар шаҳар теграсида виқор билан турганча қотиб қолган. Қинғир-қийшиқ, тор кўчалардан ичкарироқ кириб борган сарингиз ҳашамдор иморатлар, бир-бирига тутшиб кетган кулбалар орқада қолиб бораверади. Ваъзан шундоққина тор кўча четидаги очиқ эшикларга кўзингиз тушади, узун, пастак йўлак кўривади, қоронғи, худди гўрни эслатади. Қайси бир уйнинг кўча бетидаги девори тагидан нураган, қайси бирининг тагида синчлари чиқиб қолган, қузғунларга ем бўлган алла-

кандай жониворнинг қовурғасидай оппоқ бўлиб, сана-либ туради. Ичкарига юраверасиз. Бир-бирига орқа ўгириб қуриб ташлайверилган тартибсиз иморатлар занжиридан юрагингиз сиқилиб илгарилайсиз, маркага якинлашганингизда бу манзара ўзгаради, кўзингиз олдида пурвикор саройлар гавдаланади. Уларнинг агрофини ўраб, ҳуснига ҳусн қўшиб турган азим туп дарахт баҳри дилингизни очади, қафасдан чиққан қушдай эркин нафас оласиз. Ҳозиргина кўзингизга тор бўлиб кўринган дунё кенгайиб кетади. Қасрларнинг пештоқларидаги ўймакорлик бир лаҳза эътиборингизни жалб этиб, дунё тўғрисидаги нохуш тушунчаларингизга оний нур сочгандай бўлади. Йўлингизда давом этасиз. Кўчаларда одам қалинлаша боради, ғовур-ғувур кучаяди. Биров кимнидир чақириб, ниманидир мақтайди, биров бўғилиб сўкинади, яна биров мунгли овоз билан хайру эҳсон тилайди, биров кулади, биров йиғлайди. Биров башанг кийинган, биров жулдирга ўранган. Рўпарангизда каттакон оломон худди улкан бир кўл сувидай чайкалади — шунда сиз, совунгарнинг дошидай кайнаган бозорнинг устига чиқиб қолдим, деяверинг.

Ҳаммаёққа қараманг, камбағал, қашшоқларни кўрасиз. Кўчаларнинг бурчакларида якка-якка, баъзан эса, бутун бир оила, эти бориб устихонига ёпишган, ярим яланғоч аҳволда ўткинчилардан тиланиб ўтиради. Улар олдидан ўтиб кета туриб, сиз томон узатилган қарғанинг оёғидек қоп-қора чиллакдай қўллар, илтижо билан боқувчи ўткир кўзлар, сўник юзларни кўриб, дилингиз вайрон бўлиб кетади. Улар кўпчилик, қай бирига эҳсон қилишингизни билмайсиз. Дунёнинг но-текислигидан хафа бўлиб кетасиз...

Кашмирнинг чегара шаҳарчаларидан бири Гилгит кўчаларидан ёш, кадди-басти келишган, бўйчан бир йигит оҳиста юриб келмоқда. Унинг ҳар бир ҳаракатидан ҳарбийларга хос кескинлик, куч-қувват ҳамда эпчиллик сезилиб турибди. Эғнида юпқа асл мовутдан ғоятда келиштириб тикилган костюм, бошида оқ панама. Йигитнинг юзи офтобда шунчалик куйиб, бўғриқиб кетганки, панама уни янада қорайтириб кўрсатади. У ғовур-ғувур қилиб ётган оломонга, бахшиш сўраб узатилган юзлаб қўлларга бепарво қараб ўтиб келмоқда.

У шаҳарнинг энг хушманзара жойидаги дарахтлар ичига қурилган муҳташам бир бино олдига келиб тўх-

тади. У ёқ-бу ёққа диққат билан кўз ташлади-да, зинадан оҳиста юқори кўтарилди ва оғир эшик олдига чириб, кўлини қўнғироқ тугмасига чўзди. Лекин у қўнғироқ тугмасини ҳали босишга ҳам улгурмаган эди, эшик очилиб кетди. Ичкарида ҳеч ким кўринмасди. Йигит лип этиб ичкарига кириб олди-да, тўппа-тўғри хонанинг тўрига қўйилган стол томон борди. Стол устидаги календарнинг очиқ варағи 1916 йилни кўрсатиб турарди. Сана тагидаги очиқ жойга қалам билан ёзиб қўйилган қуйидаги жумлани ўқиди:

«УЛУҒ ТУРКИСТОН МАСАЛАСИ»

Ундан сал пастроқда «Николай тахти тебраниб қолди. Ажаб эмас», деб қайд қилиб қўйилган. Буларнинг барчаси тагига қизил қалам билан йўғон қилиб чизиқ тортилган.

Бу ер Англия давлатининг Гилгитдаги резиденти Маллисон кабинети эди.

Маллисон столда чуқур ўйга толиб ўтирар, унинг манглайи кенг, лекин юзи совуқ. У ҳозир ҳузурига кириб келган ҳалиги йигитга ўтириш учун рўпарасидаги стулга ишора қилди. Йигит стулга чўқди ва то резидентнинг ўзи гап очмагунча қабариқ ойна сингари юзига совуқ тус бериб, миқ этмай ўтираверди. Генерал Маллисон ниҳоят йигитга юзланди-да, қўлидаги газетга ишора қилиб, гап очди:

— Россияда об-ҳаво бузилган. Даҳшатли довул кўтарилган, қаттиқ zilзила подшо тахтини тўнтариб ташласа, Туркистон ҳам Ҳиндистон сингари Англия тожини бежаша керак. Мана, ўзингиз қараб кўринг-а! — у қўлидаги газетани айлантириб, йигитнинг диққатини қизил қалам билан белгилаб қўйилган саҳифасига жалб қилди.— Мен сизга берган барча маълумотлар хусусан мана бу,— у қўлидаги қалами учи билан календарь саҳифасидаги ҳалиги ёзувни туртиб кўрсатди.— Ғоятда муҳим, ҳатто айтишим мумкинки, бизга ҳаводек зарур.

— Тушунаман, генерал жаноблари,— деди йигит. У Туркистоннинг деворга осиглиқ харитасига диққат билан тикилди.

— Сиз Шарқда ишлаб жуда кўп тажриба орттир-

гансиз, бир неча тил биласиз,— давом этди Маллисон,— қуръони хатм қилган забардаст мударрис... Хи-хи... Ишонамизки, бизнинг умидларимизни оқлайсиз. Аввал Фарғонага, Шоҳимардонга борасиз.

— Ишончингиз учун миннатдорман, жаноблари, лекин ҳадеб Шоҳимардонга боришимни таъкидлаган-лигингизга тушунолмаяман. У ерда аллақандай бир азизнинг қabri бор, дейишади, лекин ўзи жуда ҳам пастқам бир қишлоқ.

— Йўқ, янглишяпсиз. Шоҳимардон зиёратгоҳи бундан эллик-йил мукаддам маҳаллий аҳамиятга эга эди. Россия Ҳиндистон чегарасига яқинлашиб келган пайдан бошлаб Шоҳимардон бизнинг ёрдамимиз орқасида йирик бир зиёратгоҳга айлантирилган.— Резидент ўрнидан туриб харита олдига келди.— Руслар мусулмонларга қадамжоларни зиёрат қилиш учун тўсқинлик кўрсатишмайди. Мана, каранг. Зиёратчилар рус Ўрта Осиёсига қандай йўллардан боришади. Мана, вѣтибор беринг. Улар Чотқолдан Дарвоз орқали Қоратегинга, ундан Шоҳимардонга ўтиб, Туркистоннинг дурдонаси — Фарғона водийсига тушишади. Гилгитдан Помир орқали Шоҳимардонга, у ердан Фарғона водийсига киришади. Қашқардан Олой водийсига ўтиб, ундан Уш ёки Шоҳимардонга чиқиш ҳам мумкин, лекин Шоҳимардонга чиқилгани маъқулроқ, чунки Скобелев гаҳри унинг шундоққина ёнида.

Маллисон жойига бориб ўтирди.

— Ўзларини ҳазрат Али авлодлари деб даъво қилиб келаётган Шоҳимардон шайхларининг бўлса, халқ ўртасида нуфузи катта. Сиз ўз ишингизни худди ана шу шайхларга суянган ҳолда олиб боралсиз.

Маллисон пўлат сандиқ олдига келди, ундан қалин бир нақешни олиб, суҳбатдешига узатди.

— Мана бу мактубни шайх Исмоилнинг ёрдами билан Қўқондаги катта жомеда истиқомат қилгувчи Миён Қудрат ҳазратга топширасиз. У зоти олий Туркистон мусулмонлари руҳонийларига бошчилик қиладилар. Мактубни бизнинг Ҳиндистондаги дўстимиз Миён Башир ҳазрат ёзганлар. Қироллик номидан беҳисоб олтин, яроғ-аслақа ваъда қилаверинг. Мен бор, ҳаммасини етказаман.

Агент ўрнидан турди.

— Ҳаммасига тушундим, генерал жаноблари. Эр-тага эрта билан соат тўққизларда мен йўлга тушаман.

Генерал Маллисон гапига тантанали тус берди:

— Ҳиндистонни руслардан Ҳимоя қилиш учун унинг мудофаа чегараси Туркистонда бўлмоғи шарғ. Биз Эрон Хуроеони, Афғон Ҳироти, Амир Бухороси, Рус Закаспийси, Хива, Урал, Сибирь, Озарбайжон вилоятларини ўз ичига олган бир империя барпо қиламиз. Муваффақият тилайман, капитан! Сизнинг хизматингизни ҳазрат олийлари унутмайдилар, сиз полковник бўлиб қайтасиз, капитан Рейли.

Агент қаддини роз тутиб, кўрсаткич ва ўрта бармоғини ёзиб чаккасига олиб борди-да, инглизча честь берди:

— Олл райт, сер!.. Туркистон учун!— Сўнг кадаҳларни бўшатишди...

Тонг отди. Гилгит кўчаларини қуёш нурафшон қилди. Шаҳар одатдаги ҳаётини бошлади. Тиним билмас одамлар тирикчилик пайига тушдилар, улар айнақса бозор томон шитоб билан оқар эдилар. Кечаги тиланчилар ҳам ўз жойларини эгаллашган. Хуллас, шаҳарда яна ҳаёт қайнай бошлаган эди.

Генерал Маллисон кабинетига кириб, столга ўтирди. Календарнинг 1916 йил май ойини кўрсатиб турган саҳифасига тикилганича чуқур ўйга толди, бир фурсатдан кейин у саҳифани ёпиб, навбатдагисини очиб қўйди. Шу пайт девордаги каттакон соат тўққиз бор занг урди. Маллисон қўл соатига беихтиёр бир назар ташлади-да, унинг тўғри юраётганлигига қаноат ҳосил қилиб, ўрнидан турди, у дераза олдига оҳиста бориб, пардани кўтарди. У ёқ-бу ёкка тинимсиз оқиб ўтаётган одамларга узоқ тикилиб тургач, кўчадан садобат билан ўтиб бораётган бир гуруҳ қаландарларга кўзи тушиб, олазарак бўлиб қолди. Улар орасидан кимнидир излар эди. У бу тўдани қайта-қайта кўздан кечираркан авзойи бузилиб борар эди. Улар дераза олдидан ўтиб кетаётганларида излаётган одамни кўрди-ю, мамнун жилмайиб қўйди. Кечаги ҳамсуҳбати оқсоқ қаландар қиёфасида тўдага аралашиб ўтиб борар эди. У бошида кулоҳ, эгнила жаьда, белида кашкўл: деразадан сал нари боргач, орқасига бир қаради-ю, йўлда давом этди. Буни Маллисондан бўлак ҳек ким сезмади. Маллисон Рейли қаландарлардан ҳеч фарқ қилиб бўлмаслигидан, улар билан чангга ботиб бораётганлигидан мамнун бўлиб, ичида унга оқ йўл тилаб, дераза пардасини туширди.

...Каландарлар чегарадаги назорат пунктида хат-хужжатларини кўрсатиб, Туркистон тупроғига ўтишди. Улар орасида чет эл разведкасининг агенти, кечаги капитан ҳам борлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмади. У чегарачига миннатдорчилик билдирган бўлди-да, хужжатларини бамайлихотир жойига солиб, маҳкамлаб қўйди, кейин ҳамроҳлари кетидан ажиб манзарали дара томон йўлга тушди.

Каландарлар бир неча ерда қўниб, ниҳоят Скобелев — Сим шаҳрига кириб боришди.

Сим. Ўрта Осиё шаҳарларига хос бўлган эгри-бугри жинкўчалар бу ерда йўқ ҳисоб. Шаҳар марказидан сой оқади. Ҳаммаёқ-дов-дарахт. Сой бўйидаги аксарият азим туп толларнинг таги чойхона. Одамлар сўриларда кўк чой ичиб, ҳордиқ чиқариб ўтирибди. Ҳар ким ўзи билан ўзи овора. Кенг ва равон кўчаларнинг икки чети бўйлаб янги усулда қурилган бинолар чўзилиб кетган.

Симдан кунботарга қараб кетган йўл дала-дашглари кесиб ўтиб тоғ тагига боргач, дарага кйриб, аста-секин юқорига кўтарила бошлади. Йўлнинг четидан катта сой оқиб ётарди. У бораверишда йўлга қарама-қарши оқарди. Қаландарлар ўзларини сувга уришди. Ташналиклари қонгач, даранинг ичкараси томон йўлда давом этишди. Йўл ҳали ўннга, ҳали чапга бурилиб, тобора ичкарилайверди. Йўловчилар ҳориб-чарчаганларига қарамай, чангга ботиб, олдинга интилишар эди. Қош қорайган пайтда Шоҳимардон қишлоғига кириб боришди. Қишлоқ атрофи тоғлар билан қуршаб олинган кенг сайхонликда жойлашган бўлиб, кун ботиш томондаги дара ичидан ўйноқлаб окиб келган олпоқ сув билан чап томондаги дарадан вағиллаб оқиб келаётган нилдай кўм-кўк сув ана шу сайхонликда бир-бирига қўшиларди. Сув бўйидаги дарахтларнинг тагида ўнлаб чойхоналар бўлиб, зиёратчилар ана шу чойхоналарга тушишарди.

Бу қаландарлар ҳам Оксув бўйидаги катта чойхонага тушишди. Наридан-бери тамадди қилган бўлишди-да, кечкурунги чойхўрлардан бўшаган сўриларга жойлашиб, уйқуга кетишди. Аммо оқсоқ қаландарнинг алламаҳалгача уйқуси келмади. Бир неча кундан бери йўл юриб келаётганига қарамай, ҳадеганда ухлай олмади. Узок вақт осмонга қараб ётди. Самода тўлин

ой лоқайд сузар, кишлок жойлашган дарани иккига бўлиб юборган баҳайбат тоғ тепасига қўниб олиб, пастга сутдай нурларини тўкар эди. Ундан сал пастда улкан бир гумбаз водийга қора кўланка ташлаб турарди. «Мукаддас мозор шу бўлса керак, — деб кўнглидан ўтказиб қўйди оксоқ каландар. Эртага зиёрат куни. Ёз кунлари Шоҳимардонда халқ зич, мозор ҳам роса тикилинч бўлади, дейишган эди. Шайх билан холи гаплаша олармиканман? Шеф айтган паролни унутмаганмикан? Қизиқ. Дунёнинг бир чеккасидаги бу хилват қишлоқдаги аллақандай бир шайхнинг Лондонга қандай алоқаси бор бўлиши мумкин? Ҳа, майли, тонг отсин, кўрармиз. Пағълга жавоб берса берди, бермаси ўзимни билмасликка олиб алоқанинг бошқа йўлини излайман. Мен унинг учун оддий бир зиёратчи, назрини бераман-у, йўлимга кетавераман. Қайси йўлингга?» — Унинг бирдан хаёллари узилиб қолди. Биргина йўли бор эди унинг, у ҳам бўлса, шайх билан учрашиш. Мозорни русларга қарши кучлар штабига айлаштириш, шу ердан туриб фармон бериш, қўзғолон кўтариш, раҳбарлик қилиш. У Миён Қудрат ҳазратни зиёрат қилиш учун озмунча йўлни пиёда босиб келдими. Неча манзиллардан ўтди, тоғ демай, тош демай чориқ судраб, шу шайх билан улуғ ҳазратни излаб келди. Ҳали у билан учрашгани йўқ, лекин тонг отса бас, уни кўради. У билан намоз ўқийди. Балки қутлуғ меҳмон сифатида жамоат олдида имоматга ҳам ўтар. Шунинг учун қуръондан ўрганган, билган оят-сура ва ҳадисларни ичида такрорлади. Кейин фарз, вожиб ва суннат намозлар, уларнинг қоидаларини, «ёсин» ва «имрон» сурасини, намозда ўқиладиган дуоларни такрор эслади. Таҳорат, масиҳ, витр, жума, ҳайит намози, ҳатто жанозанинг шарт-шароитларини фикран такрорлади.

Оқсоқ дарвиш оғзини очиб, чакак мушаклари тортишиб қолгандай ҳомуза тортди, кейин ковоқларини аллақандай оғир юк босаётгандай, киприклари бири-бирига ёпишиб қолди, ҳарчанд очишга уринди — бўлмади. Сувнинг бир маромда шағиллаб оқиши, гўё аллаладию каттиқ уйқуга кетди.

Оқсоқ дарвиш эртасига азон палласида уйғониб кетди. У аллақандай қўрқинчли туш кўрган эди. Урндан туриб, бир харсанг орқасига ўтди-да, булоқ сувига юз-қўлини ювиб, таҳорат олган бўлди. Сўрига қайтиб келганида ҳамроҳлари ҳам бирин-кетин ўринларидан туришар эди. То улар ювиниб келгунларича

қишлоқни кузатиб ўтирди. Атроф кечқурунги манзарадан тамомила ўзгариб кетган эди. Қишлоқ йўлининг икки ёқаси от-арава, туя, эшак ва қўй-эчкиларга тўлиб кетган. Ҳаммаёқ одам — ёш-қари, хотин-халаж, бола-бақра. Ҳаммаси муқаддас мазорни зиёрат қилгани келган.

Кун чиқиши билан одамлар муқаддас мазорга кела бошлашди. Қаландар-дарвишлар ҳам улар билан бирга юқорига қараб йўл олишди.

Мазорнинг орқаси кенг майдон экан. Майдонда эса одам тирбанд бўлиб кетган. Бировнинг кийим-боши асл матодан, биров қирқ ямоқ жулдурга ўранган. Хуллас, бу ерда ҳамма тоифадан бор эди.

Даҳма ичидан бир гуруҳ шайх кузатувида бошида оқ шойидан силлиқ ўралган салла, бир қўлида заҳар муҳра тасбеҳ, эгнида малла чопон, бармоқларида қимматбаҳо узуклар, қўлида рангин ҳасса, шайх Исмоил чиқиб келди. У марҳум бобоси оқ Эшонга ўхшаган соқол-мўйлови қоп-қора, икки юзидан қон томади, кўзи ўткир, қадди тик; баланд бўйли, бақувват одам экан. Унинг ҳар бир ҳаракатида ҳокимона виқор яқин сезилиб турар эди. Уни биринчи бўлиб Маккадан ҳаж қилиб келаётган ҳожилар тавоф қилишди. Зиёратчилар шайхнинг қўлини ўпиб, этагини кўзларига суртишди, оёғи остига назр-ниёзларини тўкишди. Бу ҳол тушга қадар давом этди. Оқсоқ дарвиш ҳамма ўтиб бўлишини кутиб бир чекнада турар эди. Ниҳоят, зиёратчилар тарқалиб, одамларнинг охиргиси қоядан пастга, қишлоққа тушиб кета бошлагач, у шайхнинг ҳузурига бориб, пойгакроқда қимтиниб ўтирди-да, шайх эшитадиган қилиб: — Муршиди муктадо шайх Исмоилга маликамиз салом йўллади, — деди.

Шайх: «маликамиз салом йўллади»ни эшитди-ю, бирдан ҳушёр тортди, оқсоқ дарвишга бошдан-оёқ қараб чиқди-да, индамай мақбара томон йўналди, оқсоқ дарвиш унинг орқасидан қорама-қора эргашиб бориб, ичкарига кириб кетди.

Йигирма саккизинчи боб

ХУРРИЯТ

Бу орада февраль инқилоби бўлиб, Николай подшо тахтдан ағдарилди. Ҳокимият муваққат ҳукумат қўлига ўтди. Бу ҳақдаги хушxabарни Петроград агентлиги бутун оламга маълум қилди.

Тошкент телеграф бошқарувчиси бундан воқиф бўлганда, жуда қутн учди. Хабар Тошкент телеграф бошлиғининг миясидан кириб, товонидан чиқди. У ақил-тапил эгнига янги формасини кийди-да, телеграммани олганича губернатор ҳузурига чопди. У ердан эса телеграфга хотиржам қайтди. Сирдарё вилоятининг губернатори Галкин телеграф мудирига, телеграмма ҳақида бировга мик этмайсан, деб тайинлаб қўйганди. Галкин ўзини қўй оғзидан чўп олмаган, бировнинг тиш қовлагичидан ҳазар қиладиган амалдор қилиб кўрсатишга интилар, у чоризмнинг эски «имони бақувват» губернаторларидан ҳисобланарди. Лекин ўнковини топса бас, бутун дунёни ҳам сотиб сув қиларди. Қўлига нимаки илинса — пулми, молми, гиламми — қайтармас, либерал газеталарнинг ноширларини жарима соламан ё қамайман, деб қўрқитиб, бор-будини қоқиб оларди.

У подшо тахтдан ағдарилганлигини эшитганидан кейин генерал губернатор Куропаткиннинг уйига йўл олди... Куропаткин Манжурия адирларида ўн мингларча рус солдатларининг бекорга ўлиб кетишларига сабабкор бўлган, шаҳарлар ва кишлоқларни ер билан яксон этган, 1916 йилда эса Ўрта Осиёни «тинчитган» армияга қўмондонлик қилиб, кўп кишлоқларни теп-текислаб, кейин ҳайдаттириб ташлаган бир жаллод эди. У 1916 йил қўзғолонининг катнашчилари ҳақидаги ҳукми имзолагач, бунга кўра, ўзбек, қирғиз, туркманлардан уч юз қирқ етти киши дорга тортилган, юзлаб кишилар бадарға қилинганди. Куропаткин ўша кезларда қўзғолон кўтарган халқлардан яна ўч олиш режаларини тузиб юрганди. Бу орада у биргина Жиззах деҳқонларининг икки минг гектар ерини тортиб олди. Еттисувдаги минг-мингларча қирғиз хонадонини жойидан ҳайдаб, ерларига эга бўлиб олишни ҳам мўлжаллаб юрарди. Лекин орада инқилоб юз берди-ю, у аждарнинг нафси қирқилиб қолди.

Генерал подшо тахтдан тупширилганлиги ҳақидаги телеграммани кўрганида, бир муддат ўзини йўқотиб қўйди. Эсини йиғиштириб олиб: «Телеграмма ҳақида бировга оғиз очмайсан», деб тайинлаб қўйгани учун Галкиндан хурсанд бўлди. Генерал бошчилигида шошилиш равишида ўтказилган мажлисда телеграммадаги гапларни яшириш ва Петрограддан янги хабарлар кутишга қарор қилинди.

Шаҳарда чиқадиган газета идораларининг олдида одамлар тўдалашиб туришарди. Подшо тахтдан тушганлиги ҳақидаги телеграф хабари, қанчалик сир тутилмасин, «касални яширсанг, иситмаси ошкор қилар», дегандек, тезда қўлда кўчирилиб, машинкада бостирилди. Орадан бир кун ҳам ўтмай, бу хабар босмаҳонага ҳам «яширин» ҳолда кириб борди.

Босмаҳона ишчилари генерал-губернатор идорасидан рухсат сўраб ўтирмай, хабарни газетада чиқариб юберишди, у зумда бутун шаҳарга тарқалди-кетди. Низомиддин Хўжаев ғайрати билан социал-демократлар группасининг Тошкент атрафидаги «Олтинтепа» қишлоғида ертўлага жойлашган махфий матбааси ҳам кема-кет ахборотлар, инқилобий варақаларни чиқариб турди.

Одамлар бурчак-бурчакда тўхтаб бир-бирларидан янгиликларни суриштиришар, ҳар қадамда кўчма митинглар бўлаётганди. Полиция, миршабларнинг эса қоралари кўринмасди.

Подшо тахтдан туширилганининг тўртинчи кунда Тошкентнинг эски шаҳарида ҳам, Янги шаҳарида ҳам бундан беҳабар биронта киши қолмади. Ишчи ва солдат депутатлари советлари тузила бошлади. Шундан кейингина газеталарга подшо тахтидан тушганлиги ҳақидаги хабарни босиб чиқаришга «рухсат тегди». Газеталар ўша кунлари ака-ука Романовларнинг тахтдан четлатилганликлари ва муваққат ҳукумат тузилганлиги ҳақидаги хабарларга тўлиб-тошганди. «Ильин» матбаасида ўн тўрт йил ишлаб, социал-демократлар тўғрақларида жон-дил билан қатнашиб кўзи очилган аравакаш Асомиддин аканинг ўғли Низомиддин Хўжаев ва унинг дўстлари Абдулла Авлоний, Очил Бобожонов, Собиржон Юсупов, бинокор Султонхўжа Қосимхўжаев, Юсуф Алиевга ўхшаган хунарманд усталар, зиёлилар подшоҳнинг тахтдан туширилганлиги ҳақидаги хабарни шод-хуррамлик билан кутиб олиб, бир-бирларини муборакбод қилдилар.

Айниқса, Низомиддин Хўжаев кечани кеча, кундузни кундуз демай ўзини ижтимоий ишга урди. Инқилобнинг биринчи кунларидаёқ темир йўлнинг ўн уч участкасидаги ишчиларни ҳамда шаҳарнинг бошқа ишчи ва хизматчиларини тўплаб, намойиш уюштирди. Уларни генерал Куропаткин саройига олиб келиб, инқилобдан огоҳ қилди. Шу намойишда Тошкент темир йўли ишчиларидан Карпов. Кўқон темир йўли ишчи-

ларидан Степан Соколов, мусулмон ҳарбий қўмитага аъзоси Собиржон Юсупов, Миркомил Миршароповлар билан шаҳар бўйича намойиш ўтказиб, Эски шаҳар «Яккабозор»ида яшовчи чор ҳукуматининг Норча Қозоқ Пирмуҳаммад сингари миршабларини қуролсиздан тиринди.

Ўрта Осиё устахоналарининг ишчилари узлуксиз чалинган гудокдан кейин вокзал ёнидаги темир йўл черкови атрофига тўпландилар. Шу ерда ишчи депутатларининг Тошкентдаги биринчи совети тузилди.

Янги сайланган совет аъзоларининг ҳаммаси Бородин устахоналари томон йўл олдилар.

Николай подшо тахтдан ағдарилди, ҳокимият вақт-ли ҳукумат қўлига ўтгач, жадиidlар ўз ғояларини дарҳол вақтли ҳукумат билан боғлаб, унинг тарафини олиб, унга мадҳиялар айтишга, шодликларини ифода-лашга шошилдилар. Ҳар хил жамиятлар туздилар ва «Шўройи исломия», «Шўройи уламо» жамиятларига яна ўша бойлар, амалдорлар, улар зотидан чиққан зиёлилар кириб, февраль инқилоби берган хурриятдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга, Туркистонни Россиядан ажратиб олишга, «мустақил» ислом ҳукумати тузишга жон-жаҳдлари билан елиб-югурдилар. Жадиidlар эса, маърифат-оқартув ғояларининг баҳридан ўтиб, ўзлари дума сайловлари, ҳар турли қурул-тойлар чақирини билан амалда халқ фикрини чалғит-дилар, бўлажак халқ инқилобига халақит бердилар. Қўқонда ҳам урди-сурдилар авжига чиқди.

Февраль инқилобини озодлик, хуррият келтирувчи улуғ айём тарзида шодлик билан кутиб олган Ҳамза ҳам Қўқонда ижодий фаолиятини кучайтириб юборди. Инқилоб, хуррият, мусовот, адолат ҳақида оташин шеърлар, саҳна асарлари ёзди, Қўқон ёшларини ўз атрофига тўплаб, инқилобий мавзуда ёзилган қўшиқ ва куйларини ўргатди. Қўқондаги ўз труппасини яна тиклаб, ташвиқот ишларини қизитди, «Хуррият» ва «Кенгаш» деган журналлар чиқара бошлади. «Кенгаш» журнали бош мақоласида «истибдод тазаллуми сиёсат зиндониди маҳбус бўлиб келган жумла ватан-дошларни умумий бир озодлик, абадий ва сармадий дил шодлигига етишганликлари билан муборакбод» килди.

Ёшларнинг элга таржимони бўл,
Суйгули реза ҳам калони бўл.

Сўзда бир қаҳрамони соне бўл,
Барча бидъатни қил фано «Кенгаш».

Қичқир элни фунуну урфона,
Бирлашув ёрдами-ла эҳсона,
Йўл босар шояд энди мардона,
Етғуси ҳурлигу хуфо «Кенгаш»,

Туну кун қичқирурда қойим тур,
Уйқудан уйготувда доим тур,
Туртсалар, қувсалар мулойим тур,
Қилма парвои ғам сира «Кенгаш»,—

деб журналнинг вазифаларини халққа тушунтиришга бел боғлади. Бироқ, сал ўтмай «мулойим бўлиб» туролмади. Сабр косаси тўлди, кўзи очилиб, февраль инқилобидан кутган умидлари сароб эканлигини хўп билиб олди. Вақтли ҳукумат илгариги оз-моз берилган эркинликни ҳам қатағон қилди. Мустамлакачилик сиёсати, зулм кучайса кучайдики, лекин пасаймади. Февраль кунларидаги «Хуррият», «Озодлик» сўзлари халқни алдаш учун айтилган шунчаки пуч ваъдалар эканлиги маълум бўлиб қолди. Ҳамза буни кўзи билан кўриб, идроки билан фаҳмлаб, қайғурди. Бу хусусда яна Степан Соколов билан фикр олишди. Степан Соколов ўз уйида у билан узоқ-узоқ суҳбатлар ўтказди, уни Ленин гоёлари, асарлари билан таништирди. Соколов Владимир Ильич асарларига суянган ҳолда февраль инқилобининг асл моҳиятини тушунтирди. Вақтли ҳукумат бойлар, золимлар ҳокимияти эканлигини, у эзилган, жафо чеккан маҳаллий халққа эрк, озодлик бериш у ёқда турсин, рус бойлари, подшо амалдорлари билан тил бириктириб, меҳнат аҳлини яна баттарроқ асоратга, қулликка мубтало қиладиган, рус ишчи-деҳқонлари билан ўзбек меҳнаткашлари ўртасига нифоқадоват, душманлик уруғини сочадиган буржуа ҳукумати эканлигини унга далиллар билан тушунтириб берди.

* * *

Чиндан ҳам вақтли ҳукумат кўп ваъда бериб давлат тепасига чиқди-ю, лекин амалда подшонинг халққа қарши сиёсатини давом эттирди. У халқни қуллик-

ка солган хўжалик, иқтисодий, ижтимоий масалалардан биронтасини ҳал қилмади.

Ер-сув аввалгидай катта ер эгалари — муштумзўрлар қўлларида қолди. Деҳқонларнинг ер-сув учун кураш олиб боришларида қаттиқ ташвишланган вақт-ли ҳукумат катта ер эгалари билан деҳқонлар ўртасидаги жанжални ихтиёрий суратда бартараф қилиш учун турли найранглارни ўйлаб чиқарди. Ер-сув комитетлари туздилар, бу комитетлар гўё ер ислоҳотини тайёрлаш, ер-сув масаласини таъсис мажлисида ҳал қилгунга қадар вақтинча сабр қилиш ҳақида гап со-тиш билан овора бўлдилар. Ана шу ер-сув комитетлари эса, бойлар, катта ер эгалари, амалдорлар, тўралар, корчалонлардан иборат эди, улар бу ҳаётий масалани қўлларидан келган қадар орқага суришга интилишди. Ипқилобий халқнинг қаттиқ талаби билан бу комитет ишлаб чиққан, вақтли ҳукумат тасдиқ этган ғалла монополияси ҳақидаги қонун ҳеч нима бермади. Ана шулар сабаб бўлиб, ғалла камайиб, пахта майдонлари қисқариб, чорва турли офатларга учраб, юртда очарчилик ва қаҳатчилик бошланди, ўлат, вабо сингари офатлар авж олиб, меҳнат аҳлининг аҳволи гоят танглашди. Айниқса, пахтакор Фарғона қаттиқ азоб тортиди. Фарғонада очарчилик, қаҳатчилик баҳордаёқ ўзининг даҳшатли кучини кўрсатган эди. Фарғонага наврўз байрами, лола-гул, қўшиқ-тарона, шод-хуррамлик ўрнига қонли кўз ёшлари, «нон!», «нон!» деган аччиқ нола-фарёдлар кириб келди.

Қаҳатчилик, очарчилик вақтли ҳукумат даврида айниқса забтига олди. Қашшоқлар мачитларда тут териб еб, ўсимлик илдизларини, кунжарани кемириб жон сақлашга ҳаракат қилдилар. Кўча-кўйларда очликдан ўлганларнинг ҳисоби бўлмади. Бойлар, амалдорлар эса халқнинг бу даҳшатли аҳволини тузатиш учун бирор амалий чора кўрмади. Туркистоннинг ерли халқи ишондики, вақтли ҳукумат камбағалга ваъзхонлик, ялтироқ сўзлар, қуруқ ваъдалардан бошқа ҳеч нарса беролмайди. Уларнинг эҳтиёжларини қондириш, орзу-тилақларига етказишни ўйлаб ҳам кўрмайди. Шундан сўнг халқ чинакам озодлик, тенглик ҳақидаги талабларини кундан-кунга қатъий равишда қўя бошлади. Жумладан, Тошкент меҳнаткашлари мана шундай шнорларни кўтариб, 1917 йилда биринчи май нэмойишига чиқдилар. Бундан сал олдин Қўқонда «Туркистанская речь» босмахонаси ишчилари иш ташлаган

вдилар. Ишчилар газета ноширларига қатор иқтисодий талабларни қўйдилар. Қўқонликлардан рағбатланиб, Самарқанддаги ёғ ва пахта тозалаш заводларининг ишчилари меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилишди.

Мана шундай талабларни Андижондаги «Ака-ука Шлосберг» компаниясининг ишчилари ва хизматчилари ҳам кўтариб чиқишди.

Қўқондаги энг йирик фирмалардан бирида ва Содиқжон бойваччанинг заводида ҳам ишчилар бош кўтаришди. Хўжайинлар эса, ишчиларнинг ҳақли талабларини кондиришдан бош тортишди. Отпусқа ҳақини тўлаш, бепул тиббий ёрдам кўрсатиш, ҳар хил фалокатлардан сақлаш учун ишчиларни суғурта қилиш тўғрисидаги талабларини лакаут билан кўрқитиб, рад этишди. Бунга жавобан ишчилар иш ташлаш эъдон қилдилар.

Ака-ука Водьяевларнинг заводида Степан Соколов билан Ҳамза ҳам борди. У ўз ҳақ-ҳуқуқларини Водьяевлар ҳамда Содиқжон бойваччалардан қаттиқ туриб ҳимоя қилган рус, ўзбек, қирғиз, тожик ишчиларининг жўшқин нутқларини, айниқса мардикордан қайтиб келган Умар полвон, Рустамжон Пўлатовга ўхшаган кўпни кўриб, кўзи очилган кишиларнинг гапларини эшитиб қаттиқ таъсирланди. Умар полвоннинг Содиқжон бойвачча, каллакесар Эргашни дангал фош қилиб ташлаган оташин нутқи уни қаттиқ ҳаяжонлантирди.

— Ҳурматли шоиримиз Ҳамза Ҳакимзода айтгандек,— деди у халойиқнинг эътиборини Ҳамзага тортиб,— биз қачонгача хор-зор яшаймиз, қачонгача оч-яланғоч кун кўрамыз, меҳнат қиламыз! Ахир биз ишчимиз, биз ҳам инсон ўғлимиз! Меҳнатда чақилдик, оғир юкда яғир бўлди оппоқ-нозик елкаларимиз!

Ҳамма Ҳамзага қаради, Ҳамза иккиланиб ўтирмади, ўзига хос жўшқинлик билан минбарга кўтарилиб шеър ўқиди:

Биз ишчимиз, меҳнатчимиз,
Биз ҳам инсон ўғлимиз.
Ўйлашайлик, бизлар на деб,
Волим бойлар қулимиз.

Оғир юкда яғир бўлди
Оппоқ нозик елкалар.

Раҳмат — демак сўз ўрнига
Жеркиб, сўкиб, силкалар.

Бизнинг замон хизматчилар,
Майдонга чиқ, ишчилар!
Бу кун эркинг олар кундир
Кўзинг оч меҳнатчилар!..

У шеърни худди куйлаётгандек ўқирди. Унинг ҳар бир сўзи бир хитоб бўлиб эшитилар, қалбларда аксадо бериб янграр, ҳаяжонга соларди. Ҳамза икки кўлини тўлғаб кўтариб гоҳ эзилиб, гоҳ ҳазин, гоҳ ҳайкириб ўқирди.

Йигирма тўққизинчи боб

САЙЛОВДАГИ ФИТНА

Таъсис мажлисига сайлов олди компаниясининг авжи қайнаган пайт эди. Қўқоннинг тўрт даҳасида, эски шаҳардаги жоме, мачит, шайхулислом ва гиштлиқ мачит томонларида, кичик чорсудаги Норбўтабек мадрасасида сўфи ҳали азон айтмасдан бошланган, карнай-сурнай, катта дўл ноғораларнинг овози Қўқонни уйғотиб юборди. Шаҳарнинг тўрт юз қирқ бир маҳалласидаги элликбошилар эшикма-эшик юришиб, умрида пешонаси жойнамозга тегмаган кишиларни ҳам ҳол-жониларига қўймай чақиртириб, бошларига салла ўраттириб, имом домла олдида, бўладиган Дума сайловига судраб чиқишди. «Мачит жомеъ» дарвозаси лов-лов ёнган тоза гиламлар билан безатилган, ипак чодирларга зангори бахмалдан ясалган Ислом байроқлари тикилган. Ҳамза ҳам бу пайтда Бабушкин ва Степан Соколовнинг топшириғи билан большевикларнинг ғояларини тарғиб қилиб юрар эди.

Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқининг Шўройи исломия ва уламолар жамиятлари билан ораларидаги келишувга мувофиқ ҳар бир сайлов участкасида сайлов қутиси бўлиб, улардан «саккиз» рақамлиги уламолар ва шўройи исломия жамиятларининг бирлашган қутиси эди. Иккинчиси — «тўртинчи» рақамлиси — большевиклар қутиси эди. Ҳар иккала ташкилот тарафдорлари сайлов участкаси бўлмиш мачит ёки мад-

раса саҳнига киргач, у қутилар тепасида турган сайлов комиссиясини кўриб, ўз тўпи билан ўша қути тарафига бориб, олдиндан берилган сайлов соққаларини ўзларига қарашли қутига ташлаб, бошқа йўл билан мачитдан чиқиб, ўз тирикчиликларига тарқаб кетишарди.

Ташқарида қаҳатчилик, кимматчилик, очарчилик сезилмасди. Давлатмандлар сайлов муносабати билан бор-йўқ, ноз-неъматларни тўкиб ташлаган. Фақат ақча бўлса бас. Пул эса, фақат бойваччалар, савдогарлар, ўғри-муттаҳамларда эди. «Тўртинчилар»да у йўқ ҳисобида эди. Шунинг учун ҳам «саккизинчи» рақамли қути олдида одам гавжум, сайловчиларнинг кети узилмасди, «тўртинчи» рақамли қути олдига эса, аҳёнда битта-иккита одам бориб, соққани ташлаб чиқиб кетарди. Икки тарафдаги сайлов комиссиясининг кайфияти шунга яраша икки хил. Комиссия раиси буни ички изтироб билан зимдан кузатиб турарди. Миён Қудрат ҳазрат, Камол қози, Хонхўжа эшон, шайх Исмоил, оқсоқ дарвиш, Содикжон бойвачча, Аҳмадохунбой, яҳудий давлатмандлари — Потеляхов, ака-ука Водьяевлар эғниларида Бухоронинг зар чопонлари, савлат тўкиб қути теварагида турардилар. «Тўртинчи»ларнинг етти кишидан иборат сайлов комиссияси аъзолари ниҳоятда ноқулай аҳволда қолиб, хижолат тортишар, азбаройи ўсал бўлганларидан йиғламоқдан бери бўлиб ўтиришарди. Бундан Камол қози яйраб кетиб, Миён Қудратга қараб маънодор қилиб илжайиб қўйди, Миён Қудрат ҳам лабининг таноби қочиб, «ҳамиша худо бизга ёр», дея пичирлади. Унинг гапини Хонхўжа эшон оят билан тасдиқлади: «Инналдину индоллоҳу ислом»¹. «Тўртинчи»лар комиссиясида Олчинбек Назирий ҳам бор эди.

Бу «тўртинчи»лар камансиёсида анави ҳаромзода Олчинбек нима қилиб юрибди? — деди.

— У ҳалолзода, пирим, ташвиш чекманг, — деди шивирлаб Содикжон бойвачча, дарҳол олдини олиб, сирли тиржайиб. Ҳазрат бунда сир борлигини пайқаб, лабини тишлади.

Булар «тўртинчи» рақамли қути ёнидаги одамларнинг сийраклиғидан бир қоп семиришиб, сайловда

¹ Динлар ичида энг улуғи — исломдир.

биз ғалаба қилдик, деган ҳукм чиқариб қўйишган эди.

Ана шу тонг пайтда Ҳамза Водьяев, Потеляхов ва Содиқжон бойваччаларнинг заводларидаги ишчилардан беш юзга яқинини бошлаб келиб қолди. Комиссия бу иттифоқ аъзоларини сабрсизлик билан кутарди. Ҳамза уларнинг олдига тушиб, сайлов қутиси томон бошлади. У сайлов соққасини Камол қозига «қўриб қўй» дегандек, атайин баланд кўтариб турди-да, кейин қутига ташлади. Ундан кейин ҳалиги ишчиларнинг кети узилмай сайлов соққаларини «тўртинчи» қутига ташлай кетдилар.

— Ҳамзахон, сайлов муборак,— деди Олчинбек, соққани қутичага ташлаб туриб.

— Раҳмат, сизга ҳам муборак бўлсин, дўстим,— деди илжайиб Ҳамза.

Камол қози бу ҳолни кўриб, саросимага тушиб қолди. Кейин Миён Қудрат ҳазратга қараб пичирлади:

— Бу имонсизлар, жоменинг муқаддас тупроғини оёқ ости қилдилар-ку, таксир!

— Сабр қилмоқ даркор, қози,— деди ҳазрат, ўзини оғирликка солиб, кейин кўшиб қўйди,— малъунлар кўп, қози. Булар, хусусан, лаънати Ҳамза биздан касос олди, бизни ғафлатда қолдирди. Эҳ, аттанг!

— Муллаваччалар, қаландарлар шу ерда-ку ҳали!— деди Камол қози ҳазратга бир нимани шама қилиб.

— Вақт ўтди, биз озчиликмиз,— деди ҳазрат тушкун овоз билан. Кейин у ёнида ўтирган оксоқ дарвишга маънодор қараб қўйди. У аста томоқ кирди-да, саймоқ билан гап қотди:

— Менингча, большевиклар устомонлик қилишди. Даставвал озгина одамни қўйиб, сизларни хотиржам қилиб, минг-минг тарафдорларни тўплаб устингизга бирдан қўйиб юборишди. Бу — уларнинг ақли гидрокининг зўрлигидан далолат берадир. Мен нима дердим. Фикримча, сопини ўзидан чиқариш керак. Улар сизга ишлатган ҳийлани сиз ҳам уларга ишлатсангиз ёмон бўлмасди-я...

У Камол қозига қараб айёр кўзларини қисди. Камол қози шайх Исмоилга қаради. У бир зумда йўқ бўлди-қолди. Орадан анча вақт ўтди. Мусулмон меҳнаткашлар иттифоқи аъзолари соққаларни қутига ташлаб чиқиб, тарқалиб кетишди. Улар қаторида Ҳамза

ҳам бу ғалабани Бабушкин билан Степан Соколовга етказиш учун жомедан чиқиб кетди. Фақат жоме саҳнида етти кишидан иборат «тўртинчилар» комиссияси қолди. Комиссия сайлов қутисини энди қулфлаб, майда-чуйда коғозларни йиғиштира бошлаган эди ҳамки, Камол қози харсанг билан кўтарилган супага чиқиб, қалтироқ заифона овоз билан қичкирди:

— Ҳой мусулмонлар! Кўраяписизларми, бу шаккок, худо беҳабар, бедин большевойларни думага сайлашниб, исломни оёқ ости қилишди. Мана бу камансиёсига қаранг, тиржайиб масхара қилишига қаранг. Булар сизларни саккиз беҳиштга эмас, етти дўзахнинг тўрттасига етаклаб бормоқда. Во шариято! Во дино! Уринлар, имонсизларни!

Муллаваччалар, шайх Исмоил бошлаб келган қаландару текинтомоқ саёқлар тўдаси худди шуни кутиб тургандай, ҳалиги «тўртинчи» рўйхатнинг комиссиясига, кимнинг қўлида пичоқ, кимникида тош, ғишт парчаси, ташланди. Беш-олти бақувват киши Олчинбекни уриб ёқасидан олди. Унинг бурнидан қон кетди. Кимлардир уни қутқариб қочирди. Бу ҳодиса ҳашпаш дегунча бўлиб ўтди. Жоме саҳнига бирдан нохуш жимлик чўкди. «Тўртинчи»ларни сайлов қутиси олдида ҳамма нарса ерда сочилиб ётар, қути пачақланиб, соққалар тирқираб кетган, комиссия аъзолари калтакланиб, чўзилиб ётар, уларнинг оғиз-бурунларидан лахта-лахта бўлиб оққан қон ивиб қолган, жоме ҳовлиси гўё қароқчилар шафқатсиз талаган, ур-йиқит қилган кемага ўхшарди.

Бу кишиларнинг бири, Қўқон мусулмон меҳнаткашлари Иттифоқи райси муовини мулла Аминжон Мадаминжонов, яна бири Юсуфжон ошпаз бўлиб, уларни шу жомедаги сайлов участкасига Иттифоқ ўз қарори билан мутасадди — комиссия қилиб қўйган эди...

Қон-қушига бўялиб ётган, кийим-бошлари тилкапора бўлиб кетган қолган учтасини аниқлаш анча қийин бўлди.

Бир маҳал қотиллар қўлларида замбил билан яна пайдо бўлишди. Худди қўллари тегса «ҳаром» бўлиб, ўзлари гуноҳга ботадигандек, жирканиб туриб, жасадларни замбилларга солишди, қонларини ҳам белкураклар билан қиртишлаб, ғишт, тош парчаларига қўшиб ўликлар устидан ташлаб, ўн-ўн беш замбил қилиб тепаликка томон олиб кетишди.

Бу даҳшатли воқеани эшитган Ҳамза йигирма саккиз ёшга кириб бунчалик алам чекмаган эди. Калтак зарбидан «рамақдажон» бўлиб ётган дўсти Олчинбекни бир неча бор отасидан дори-дармон олиб, уйига бориб кўриб келди. Унинг золим бойларга, риёкор руҳонийларга қарши қаҳру ғазаби юз чандон ошиб кетди, уларнинг асл башараларини яна бир бор ўз кўзи билан кўрдию уларга нисбатан умрбод хундор бўлиб қолди.

Уттизинчи боб

САФОХОН ТЎРА

Ҳамза мадрасада ўқиб юрган кезларида толиби илмларга тафсир, ҳадис, фиких, араб тили ва адабиётини, мантик, балоғат ва шунинг каби диний ҳамда дунёвий фанлардан сабоқ берадиган хатиб ва мударрис Сафохон тўрага ихлос қўйди. Сафохон тўра ўзининг одампарварлиги, хуш муомаласи ва айниқса инсофлиги, илғор фикрлари билан, талабаларга холислиги, уларнинг дунёқарашларига қизиқиши билан қолган мударрислардан ажралиб турар эди. У Ҳамзанинг интилишларини зимдан кузатиб юрар, талабалар ўртасида дин-шариат ва маориф-маданият юзасидан тез-тез бўлиб турадиган қизгин баҳсларга аралашиб, кўпинча Ҳамзанинг фикрларини қувватлар, керак бўлса буни қуръондан оятлар келтириб асослаб ҳам берар эди. Муллаваччалар ўртасида ўз билими, одам-охунлиги билан катта эътибор қозонган бу одамга ҳеч ким эътироз билдиролмасди, буни ўзича шаккоқлик деб ҳисобларди.

Бир вақтлар Ҳамза Олчинбек билан бирга мадрасада таълим олиб юрган кезларида шундай ҳодиса юз берди.

Ҳамза билан Олчинбек ўша пайтда чиқиб турадиган газета ва журналларни (буларни ўқиш мадраса маъмурияти томонидан қатъий таъқиқланганди) яширин ҳолда ҳужраларига олиб кириб, ўтинлар орасига бекитиб қўйиб, вақтни холи топган пайтларида ўқиб юришарди. Бир куни улар ўша адабиётларни ўқиётган чоқларида устларига Сафохон тўра бехосдан кириб борганини уларнинг ҳар иккаласи ҳам сезишмади. У тепаларида қанча турди билишмади. Бир маҳал Ҳамза орқасига ўгирилиб хатиб домлага кўзи тушди, газета-журналларни жонҳолатда ёттириб остига

тиқди, шу пайт Олчинбек ҳам орқасига ялт этиб каради, Сафохон тўра сал-пал илжайиб шипдай бўлиб турар эди.

Уларнинг ҳар иккаласи дик этиб ўринларидан туришди-да, домланинг юзига каролмай, қўлларини қовуштирганларича ерга тикилиб олишди. Булар хаёлан жуда мудҳиш жазони кутишар, мадраса талабалари олдида ўзларининг сазойи бўлаётганликларини кўз олдларига келтиришарди.

Сафохон тўра бир илжайиб қўйди-да, «омон бўлинглар» деб орқасига кайрилиб хужрадан чиқиб кетди.

Ҳамза Шайхулислом гузаридаги ҳимматли бир одамнинг кенг саҳли катта ҳовлисида янги усулда ўқитадиган мактаб очиб, унга камбағал, қўя учуда кун кўрадиган майда ҳунарманд-косибларнинг болалари қаторида ота-онасиз етимларни ҳам тортишни ихтиёр килди. Аммо бу болаларни йиғишнинг ўзи бўлмади. Ҳамза болалар кетидан юра-юра ҳолдан тояётганига қарамай, уларнинг сонини бугунгига нисбатан эртасига битта-иккитага ошира бораётган дамда Сафохон тўра яна ёрдам қўлини чўзди. Унинг маслаҳати ва бевосита иштирокида «Садоий Фарғона» газетасига мактаб ҳақида эълон берди. Уша куннинг эртасига газетада қуйидаги эълон босилиб чиқди:

«...ушбу мактабга Ҳўқонднинг ҳар тарафларидан келган фақир ва етим талабаларни ойликсиз қабул қилиниб, ҳатто баъзи ҳолсизларига қалам, дафтар ҳам мактаб тарафидан берилур. Умид қиламизки, ушбу число октябрдан мактабга кела бошласалар».

Қатор икки уй, бир даҳлиз, олди узун айвонга ўрнатилган қўлбола парталарга ўтиришиб, болалар сабоқ олар эдилар.

Сафохон тўранинг икки ўғли — Осимжон билан Мақсуджонлар ҳам Ҳамзанинг мактабида ўқишди.

Сафохон тўра-чи? Бу зот унинг эзгу ниятини қувватлабгина қолмай, қўлига нақд маблағ ҳам тутқазди!..

Дастлабки пайтларда дарс бошланиш олдидан Сафохон тўра болаларга шариатдан, тариқатдан амри-маъруф қилар, кейин куръон тилолот қилиб, савобини ўтганларнинг арвоҳларига бағишларди-да, бу ёгини Ҳамзага қўйиб бериб, чиқиб кетарди.

Ҳамза Қўқонда биринчи бўлиб, усули савтияни қўллади. Ҳарфларни махсус тахтага ёзиб, ўз ўқувчи-

ларига эринмай танита борди. Болалар икки-уч ой ичида уларни қалбларига жо қилиб олиб, хат танийдиган бўлишди, китобларни ҳижжалаб ўқий бошлашди. Бу ҳол эл оғзига тушиб, ўрта асрдан буён давом этиб келаётган «эски мактаб»нинг ота-оналар ўртасида оҳори тўкилишига сабаб бўлди. Ахир уларнинг ичларида ўн йиллаб «ўқиб», битта ҳарфни билмай этак қоқиб чиқиб кетганлари кўп эди-да!

Бундан ташқари, болалар ҳисоб (тўрт амал) ўрганар, машшоклик, қўшиқ айтиш бўйича ҳам сабоқ олар эдилар. Айниқса, улар халқ қўшиқларини жанрангдор овозлари билан хор бўлиб айтганларида Ҳамзанинг ўзи ҳам завқланиб кетиб, уларга қўшилиб айтаётганини кўпинча сезмай қоларди.

Хусусан:

Офтоб чиқди оламга,
Югуриб бордим холамга...
Хола-хола, кулча бер.
Холам деди: «Ўтин тер»,
Ўтин тердим бир қучоқ,
Кулча ёпди бир ўчоқ,—

сингари кувноқ қўшиқларни болалар алоҳида иштиёк, алоҳида мамнуният билан айтишганида, мактаб ҳовлиси гўё бир роҳат боғига айланиб, уларнинг устидан доимо босиб турадиган турмуш қийинчиликлари унутилар эди.

Мактабга Абдуқодир қўйфуруш каби хасис, баджаҳл оталарнинг Уктамжон сингари ота-оналарига билдирмай келиб ўқий бошлаган болалар бўлганидай, «боласи бору, чақаси йўқ одамга ҳисоб-китоб ўрганиш на ҳожат», деб болаларини уриб-сўқиб қайтариб олиб кетган ота-оналар ҳам бўлди. Аммо билимга чанқоқ болалар мактабдан кўнгилларини узмай ўқишда давом этдилар.

Абдуқодир қўйфуруш ўғли Уктамжонни бир кун олдига чақириб олди-да, ўқишларини суриштирди. Ўғлининг Ҳамза очган янги мактабга қатнаётганини билиб қолиб, ғижиниб юрарди. Уктамжон отасининг тўнғ саволларига бурро-бурро жавоб қайтарди, китобни очиб, қуйидаги байтни қироат билан ўқиб берди.

Бошида посбони йўқ деб етим аҳлини қақшатма,
Онинг ҳеч бўлмаса йўқдан бино қилган худоси бор...

Абдуқодир қўйфуруш буни эшитиб, ичидан севиниб кетди, сал жаҳлидан тушди, ўглини наридан-бери койган бўлди-да, очиқ бир гап айтмай ўз ишига кетди.

Абдуқодир қўйфуруш Ҳамзанинг бу янги мактаби ҳақида Миён Қудрат даврасидагилардан жуда нохуш гапларни эшитган эди. Углини «азмойиш» қилганида бу деярли тасдиқланмади. «Яратган худоси бор» деб ўргатишнинг нимаси куфр! — деб шаштидан тушиб, ижкиланиб қолди. Лекин бу узоққа чўзилмади. Миён Қудрат ўз муридининг бу ҳолатини сезиб қолиб, уни ҳузурига чақиртирди. Абдуқодир қўйфуруш бир семиз қўчқорни етаклаб пирининг зиёратига борди. Саломалиқдан сўнг гаплари айланиб келиб Ҳамзанинг мактабида тўхтади. Миён Қудрат бароқ қошларини кўтариб, Абдуқодирбойга қаради.

— Уғлингиз сиздан яшириб Ҳамза ҳожининг бедин мактабига қатнармиш деб эшитаман, шу ростми?

— Тафтиш қилдим, тақсир, қатнар экан...

— Нима сабоқ олар экан?

— Ғазал, ҳисоб ўрганаркан, эшитишимча, ашула ҳам айтишар эмиш...

Миён Қудрат бир лаҳза жим бўлиб қолди-да, таҳдид оҳангида сўради:

— Ўрис забонини ўргатишидан ҳам хабардордирсиз?

— Йўқ, пирим, асло хабарим йўқ.

— Ана шу-да! Сиз билан биз бу ёқда беҳабар юраверамиз, у ёқда болаларимиз ўрислашиб бораверади.

— Ё алҳазар!

— Ҳа, шундоқ, бой!

— Ундай мактабни ёптирамиз, ҳа, ёптириш керак.

— Бу қуруқ гап билан бўлмайди, бой. Бунинг учун болалари йўлдан озаётган ота-оналар бир ёқадан бош чиқариб, норозилик билдиришлари, фарзандларини куфр йўлдан асраб қолишлари шарт.

Абдуқодир бой бу ишни ўзи адо этишини айтиб Миён Қудратнинг фатвосини олиб, чиқиб кетди.

Шу воқеадан кўп ўтмай, бир кун Ҳамза талабаларига:

Менинг ўқиб, ёзганим —

Олтин-кумуш қазганим.

Тилак сари учувга

Гўё қанот ёзганим,—

деган тўртликни ўқитиб, уларни рус тилида сўзлашга ўргатаётган эди, бирдан эшикни тарақлатиб очиб, мактабга Абдуқодир бой бошлиқ бир гуруҳ одам бостириб кириб келди. Айниқса, бойнинг турқи совуқ эди. У нописанд, асабийлашганидан ҳадеб этиги қўнжигга қамчисини шап-шап урарди. Ҳамза бу чақирилмаган меҳмонларни кўриб, ранги оқариб кетди, вужудини ларзага келтираётган алам заҳрини ичига ютиб, болаларга ишора қилди. Ўттиз уч ўқувчи парталарни тарақлатиб, ўринларидан турди-да, эшик олдида серрайиб турган тўдага салом берди.

— Ассалому алайкум, меҳрибон ота-оналар!

Аммо саломга алиқ олинмади. Болалар нима қилишларини билмай, хомуш бўлиб қолишди. Ҳамза бу ноқулай аҳволни юмшатиш учун Абдуқодир қўйфурушга, мурожаат қилди.

— Келинлар, Абдуқодирбой ака, қандай юмуш билан бизни йўқлаб келдинглар.

— Сўроқни сизга мен бераман, Ҳамза ҳожим, — дея тўнғиллади Абдуқодир қўйфуруш, тўнғлик билан.

Ҳамза ички изтиробларини босишга тиришиб, Солаларга юзланди-да. «Озод!» деди. Бундан Абдуқодирбой баттар тажанглашди.

— Йўқ, тўхтанг, Ҳамза ҳожим, — деди у қўлини паҳса қилиб. — Буларни сиз эмас, мана биз озод қиламиз.

Дарсхона музлаб кетди. Бу ҳолат бир фурсат давом этди. Ҳамза яна ўзини оғирликка солиб, бойга ўгирилди-да, босиқлик билан сўради:

— Бирор гап бўлдими, муҳтарам Абдуқодир бой?

— Бизни Ҳазрат юбордилар, Ҳамзанинг ҳаждан келиб очган мактаби эскичами ё янгичами — билиб келинлар дедилар, — деди Абдуқодирбой, заҳри чакчак томиб.

— Мактаб янгича, усули савтия — тез савод чиқариш усули.

— Қуръон ўқитиладими?

— Ўқитилади, — деди Ҳамза.

Абдуқодирбой бу пайт болалар ичидан ўғлини қидирарди. Унга кўзи тушди-ю, сўроққа тутди.

— Уктамжон ўғлим, ўрнингдан туриб, қани, жавоб бер-чи? Ерни нима кўтариб туради?

Уктамжон нима дейишини билмай, бир нафас довдираб қолди, кейин ўзини босиб олиб, дангал жавоб берди:

— Ерни ҳеч нарса кўтариб турмайди. У тарвузга ўхшаб юмалоқ!

Кимдир «пиқ» этиб кулиб юборди. Уктамжон бир оқариб, бир бўзариб турар эди. Абдуқодирбойнинг чаккаси тиришиб хуноби ошиб кетди.

— Ахир азиз китобларда ер ҳўкизнинг шохида туради, дейилган-ку, нодон бола!

Уктамжон болаларча самимият билан эътироз билдирди.

— Йўқ, отажон, ер ҳўкиз шохида турмайди. У айланади. Унинг қонуни шунақа! Эски китоблардаги гап хато.

Абдуқодирбой ўғлининг «шаккоклигидан» бир сапчиб тушди.

— Бас, тилинг кесилгур! Бундай гапларни қаердан олдинг, зумраша!

Уктамжон ўртоқлари ичида мулзам бўлиб ўтириб қолди. У отаси билан анча баҳслашиши мумкин эди, бунинг учун анча-мунча «билим» ҳам орттириб қўйган эди, аммо отасининг ҳозирги дағдағаси тилини тишлаб қолишга мажбур этди. Абдуқодирбой Ҳамзага юзланди.

— Ҳамза ҳожи!— деди у киноя қилиб,— ҳали ҳам мактабу маърифатни васиқа қилиб, белингизга тугиб юрган экансиз-да!

Ҳамза бойнинг заҳарли гапига муносиб жавоб бўладиган ўткирроқ сўз топишни ўйлаб турган эди, тўданинг орасини ёриб, Сафохон тўра кириб келди. У баланд бўйли, кўзлари йирик-йирик одам бўлиб, эгнига кумушранг банорас чопон кийган, оппоқ соқоли хуш қоматига жуда ярашган, ярашгангина эмас, балки унга аллақандай салобат бахш этиб турарди. Ҳамза унга ихлос билан таъзим қилди, Абдуқодирбой бошлиқ, у бошлаб келган одамлар Ҳамзага беихтиёр тақлид қилиб, таъзим билан салом беришди. Сафохон тўра саломга алик олиб, Ҳамзага юзланди.

— Маъзур тутинг мени, Ҳамзахон. Бир зарурият йўлимга тўғаноқ бўлиб, дарсга кечикдим. Мен Миён Қудрат ҳазратнинг зиёратларига борган эдим. У зотнинг суҳбатларига алағда бўлиб вақтнинг ўтиб кетганини сезмай қолибман,— деди атрофидагиларга зимдан кўз қирини ташлаб. Кўзи Абдуқодирбойнинг кўзлари билан тўқнашди. «Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз?» дегандек унга қараб саволомуз тикилиб қолди. Абдуқодирбой ўзини оқлашга ошиқди.

— Бизни ҳам, тақсир, бу ерга Ҳазрат билан Камолхон қози юбордилар. Мактаб жўнидан. Келсак, мана бу бегуноҳ гўдакларга ўрис тилидан таълим бераётган экан Ҳамза ҳожи...— У яна бир нималар демоқчи бўлиб лабини жуфтлаётган эди, Сафохон тўра унинг гапини аҳамиятсиз бир хабар сифатида эшитаётганини кўриб, сал каловланиб қолди-да, кейин даъвои каттароқ қилиш мақсадида юқоридан келиб, давом этди.— Биз бир-икки боладан савол сўрадик... Бу қандай гапки, ахир, ҳали ҳам Ҳамзахоннинг бурнига сув кирмабди. Мактабни шариат номи билан неча бор боғладик, у ўзбошимчалик билан қайта очаверди. Яна ўша гап, тақсир. Болаларга ерни юмалоқ, деб ўргатар экан, ҳозир билиб олдик. Мана ўзингиз айтинг, оғзингизда илмингиз бор. Дин-шариат йўлида заҳмат чекиб келаётган пешволаримиздан бирисиз... Бу мусулмонларнинг фарзандларини дин йўлидан тойдириш эмасми?! Сафохон тўра «нима гап ўзи?» дегандек Ҳамзага қаради.

— Шунчаки арзимаган бир гап, тақсир,— деди Ҳамза, хотиржамлик билан.— Бу кишининг ўғли Уктамжон жуда ҳам зеҳни ўткир, китобга ўч бола. У оламнинг тузилиши ҳақида ёзилган бир китобни қаредандир топиб олиб ўқиган чамаси, ҳозир отаси билан ернинг шакли юзасидан тортишиб қолса бўладими! Шунга бой тажанг бўляптилар. Ахир Уктамжон гўдак-ку...

Сафохон тўра ишнинг жиддий тус олишини мутлақо истамас эди. Шунинг учун Ҳамзанинг изоҳидаги охирги сўзга маҳкам ёпишиб, уни қувватлаб тушди.

— Ҳа, балли. Ёш бўлмаса бузруквор отага ҳеч мақал терс гапирмасди,— деди Сафохон тўра кулиб. Кейин Абдуқодирбойнинг кўнглини тинчитиб қўйиш учун унга қараб маъноли жилмайиб қўйди-да, давом этди.— Филҳақиқат ер, ҳурматли Абдуқодирбой деганларидек, ҳўкизнинг шоҳида туради. «Қиссасул ағбиё»да шундай дейилган.

Абдуқодирбой ва унинг атрофидагилар қовоқ-тумшуқларини солинтириб жим туришар эди. Сафохон тўра давом этди:— Умар Хайём ҳам шу хилда фикр қилганлар. Мана, бунинг мағзини чақинглар.— У, Умар Хайёмнинг битта рубоисини ўқиди:

Осмонда бир ҳўкиз номимиш Парвин,
Бириси қуйида кўтарар замин.

Кўзингни катта оч, қўш ҳўкиз аро,
Кўриб қўй, қанчалаб эшак юрганин¹.

Буни эшитиб, Абдуқодирбой бир тўлғониб ўтлиқиб кетди. Ҳамзага еб юборгудай бўлиб, ўқрайиб қаради, лекин буларга гап билан бас келиб бўлмаслигига кўзи етиб индамади. Кейин Сафохон тўрага юзланиб, гапни бошқа ёққа буришга тиришди.

— Таксир, бу гапларни қўяйлик. Биз сизнинг холис табаррук фикрингизни билишга муштоқмиз. Сиз шариат ҳомийларидансиз. Жума номозларида имомага ўтсангиз, бизлар орқангизда туриб, иқтидо қиламиз. Қани айтинг-чи, Ҳамза очган янги усулдаги мана шу мактаб шаръан ҳалолми, ҳаромми?

Ҳамма қум босгандек жим бўлиб қолди. Ҳамзанинг асаблари таранглашиб, ички туғёнини базўр босиб турарди. Ҳамзанинг кўзи Сафохон тўрага қаратилган, жавоб кутарди. Сафохон тўра эса бу жимликни ортиқ чўзиб ўтирмай, қисқа қилиб жавоб берди:

— Ҳалол!

— Ҳалол деб фатво бера оласизми?— деб сўраб қолди бир пучуқ мулланамо одам шанғиллаб. Сафохон тўра шошмасдан, вазмин қадам ташлаб ўртага келди.

— Каломи шарифни неча бор хатм қилганман. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга умматман. У кишининг фарз ва суннатларини ихлос билан адо этаман. Шундай экан, менинг гапимга ишонинглар. Бунинг ҳалоллигига фатво бера оламан,— деди Сафохон тўра ишонч ва қатъият билан.

— Лоҳовла валоқуввата...— деб юборди тухумдай силлиққина бир қоривачча.

Сафохон тўра яна ёниб-қуйиб давом этди.

— Маълумки, олдинги кишилар буюк маънавий бойликлар ва дунёвий ҳамда диний билимлар каби олий инсонпарварлик ғояларига амал қилганликлари туфайлигина эзгу мақсадларини амалга оширдилар. Қуръони мажид ва суннат кўзлаган мақсад бўйича амал қилсак, дин ва жамият хизматини бирга қўшиб олиб боришимиз керак ва жамият неъматларини халқ— улус манфаати учун ишлатишимиз ва уни тобора кўпайтира боришимиз зарур. Бунинг учун эса дунёвий

¹ Шоислом Шомуҳамедов таржимаси.

илмларни ўрганиш, уларни эгаллаб олиш лозим ва лобуддир. Азизлар, шунинг учун ҳам мен Ҳамза ҳожи очган бу янги мактабни ҳалол деб фатво беришга ўзимни ҳақли деб ҳисоблайман.

Сафохон тўра бир муддат жим қолди-да, кейин Ҳамза Ҳакимзода очган мактабнинг дини исломга ҳеч қандай зарари йўқлиги, унда қуръон ўқитилишини, ўзи хафтиякдан сабоқ беришини, болаларга пайғамбарнинг ҳадис шарифидан амри-маъруф қилиб туришини, шундан кейингина Ҳамза бошқа сабоқларни ўргатишини айтди. Ҳисоб-китоб, ҳандаса, жуғрофия, иншо, ўрис тили ўқитиш фойдали эканлигини алоҳида тушунтирди.

У сўзини тугатмасидан эшикдан Камол қози:

— Мошоолло, мошоолло! Шу гапларни сиз айтяпсизми, тақсир? — деб жавраб кириб келди-да, бориб. Сафохон тўра билан қуюқ сўрашди.

— Ҳа, ҳа, тақсир, — деди Сафохон тўра, давом этиб. — Ҳаммасига ўзимиз айбдормиз. Чунки саллага эътибор бердигу, аммо каллани унутдик. Уни илмлардан бўш қолдириб келдик. Ҳатто шарият асосларини ўзимиз яхши билолмадик. Болаларимизни янгича илмлардан бебаҳра қолдирдик. Жаҳолатга билиб туриб йўл очиб бердик.

Сафохон тўранинг Камол қозидан тап тортмай қилаётган таънали ўткир гаплари бошқаларни ўйлатиб қўйди чамаси, улар жим бўлиб қолишди. Камол қози ҳам Сафохон тўранинг гапларига эътироз билдирмасликни маъқул кўрди шекилли, тек қулоқ солиб турарди. Сафохон тўра давом этиб, унга қаради:

— Хўш, ўрис забонини ўргансак, бизга ёмонми? Ахир халқимизнинг пешқадам зиёкор фарзандларидан мавлоно Фурқат, Муқимий, Сатторхон домла, Исҳоқхон тўра сингари пешқадам зотларнинг ўрис забони, ўрис маърифатининг фойдаси хусусида айтган бебаҳо фикрлари бор. Нега шундай зотларнинг олтин сўзларини инобатга олмаймиз? Сатторхон тўра ҳам диндор, ҳам забардаст уламо, қилни қирқ ёрадиган мулло эдилар. Аммо у зот ўрис забонини қаттиқ ҳурмат қилар. Ўрис забонисиз башарият тўплаган илмий бойликларни тўла эгаллаб бўлмайди, деб доимо таъкидлаб ўтдилар. Исҳоқхон тўра бўлсалар, ҳозир узоғимизни яқин қилиб қўйган оташ орава, унинг темир изини бизнинг элларга олиб келинишига одамларни рағбатлантирган эдилар. Бунинг фойдасини сиз билан биз энди ўз кўзи-

миз билан кўрмоқдамиз. Урисларда ҳали биз ўрганишимиз керак бўлган ҳунар кўп. Унинг тилини билмай туриб, ўша илм-ҳунарларини эгаллай олмаймиз-ку, тақсир!

Бу гаплар Камол қозига таъсир қилган-қилмаганлигини унинг доқайд туришига қараб билиш қийин эди. Лекин бу ҳақ гапни у ҳазм қилолмаганлиги кейин маълум бўлди. Камол қози охирида портлаб кетди.

— Мошолло! Астаффирулло! Бу қандай осийлик, Сафохон тўрам? Уйнаб гапирганда ҳам ўйлаб гапирган маъқул... Мен жанобларининг таъриф ва тавсифлари ва ахлоқ ҳамидаларини ҳазратдан бир неча бор эшитган эдим. Наҳотки янглишган бўлсам. Бухоройи шарифда хатм кутуб қилган мулласиз, ахир. Ҳеч бўлмаганда падари мархумингиз, Хўқанд шаҳрининг забардаст уламоларидан Жалилхон охунд хожи — алхарамайн алломайи замоннинг юз-хотираларини қилсалар бўларди. Елга тупурма, ўзингга қайтади деган машойихлар. Урис забонини ўрганиш керак, дедингиз-а? Ахир бу шаръи шариф жиҳатидан ман қилинган-ку!

Камол қози тобора қизишиб борарди. У овозини кўтариб, рус тилини ўрганишни мусулмонликдан тоъиб, бугга сажда қилиш деба изоҳлади. Бу билан Абдуқодир қуйфурушнинг қўлтиғига пар қистирмоқчи эди. Нишонни тўғри олган экан, Абдуқодирбой оғзидан кўпик сочиб, гапга суқилди.

— Қозининг гаплари гап!» — деди у Сафохон тўрага, «Ҳамзани сиз ҳимоя қилманг», дегандек тиржайиб. Кейин Ҳамза туфайли юрагида йиғиб юрган кинларини бирма-бир очди. Унинг бойларни ҳажв қилгани, қаландарларнинг жандасидан кулгани, эшон-қозиларни масхаралагани ҳам қолмади — барини тўкиб солди.

— Ҳамзани дарахтга боғлашгина эмас, оёғидан осийш керак! — деди у, гапининг охирида.

Сафохон тўра Абдуқодирбойнинг юрагини аён кўриб турарди. Унга қараб киноя қилди:

— Юракда бир мўмин бандасига кин сақлаш мусулмончиликка ёт нарса, бой. Адоват ноҳақликни юзага келтиради.

Абдуқодирбой Камол қозига қаради. Камол қози анча паст тушиб Сафохон тўра олдида ер чизиб қолди.

Сафохон тўра сал нарсага кўзини чақчайтиради.

ганлардан эмасди. Яна шуниси ҳам борки, ўзи баҳш-лашаётганларнинг маънавий қашшоқликларини, бутун кучаниш, чиранишлари шахсий манфаат доирасидан нари чиқмаслигини, яъни Камол қози бу дағдаға кўпиришлар билан «улуғ»ларнинг оёқларига йиқилайиқила эришган ҳозирги мансабини мустақкамлашни кўзласа, Абдуқодир бой эса камбағал, чоракор, етимларнинг кўзлари очилиб, ўз ҳақларини танишларига асло рози бўлмаслигини биларди. Шунинг учун ҳам Сафохон тўра ҳозир улар билан пачакилашиб ўтиргиси келмай, гапни қисқа қилди.

— Жаноблар, мактаб хусусида ечилмаган масалалар анча бор. Бу ҳақда бафуржа гаплашурмиз. Ҳа, ақл-ақлдан қувват олади. Илтимос, ҳозирча Ҳамза ҳожи билан бизни ҳоли қолдирсанглар.

Лекин Камол қози жиртак отиб, оёқ тираб туриб олди. Абдуқодирбой бошлаб келган одамларнинг ярмидан кўпи кетиб қолган бўлса ҳам, Ҳамзадан шатта еб, қасос пайтини кутиб юрган мутаассифлар унинг ёнида пайт пойлаб турар эдилар.

Сафохон тўра бир оз сукут сақлаб, фикрини бир жойга тўплади-да, салмоқ билан давом этди:

— Ислом маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган муҳтарам зотларнинг номлари бутун оламга машҳур. Буни яхши биласизлар, гарчанд мен айтмасам ҳам. Лекин қандай қилиб бундай мартабага эришганлар? Аминманки, бу ёғи билан кўплар қизиқишни исташмайди. Ахир, халқимизнинг ардоқли фарзанди машҳур риёзиётчи ва фалакиёт илмининг отаси ал-Фарғоний, алжабрнинг асосчиси Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, устод соний аталган Муҳаммад ал-Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу-Али ибн Сино, улардан анча кейин ўтган илми нужум алломаси Мирзо Улуғбек, газал мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий ва булар каби азиз уламою фузалолар ўз-ўзидан эмас, балким диний ҳамда дунёвий илмларни таҳсил қилиб ушбу мартабага етганлар. Айни пайтда мусулмон, имони бақувват зотлар бўлганлар...

Сафохон тўра гапни айлантириб олиб келиб, баҳш-ни қулоқларини динг қилиб кузатиб, жим ўтирган болаларга боғлади. Лекин бу ганлар ҳам Камол қозига таъсир қилмади. Дарвоқе, бу буюк зотлардан баъзиларининг номлари бирон-бир ерда унинг қулоғига чалинса чалингандиру, лекин улар ким, қандай асарлар

ёзиб қолдирган, мазкур асарларнинг қиммати нимада — буни мутлақо билмайдиган маънавий қашшоқ бу кимсага Сафохон тўра зўр ифтихор билан айтган гап қандай қилиб ҳам таъсир қилсин? Таъсир этмади.

— Даҳрий Ҳамза дарахтга боғлансин!

Мана, тимсол билан куйиб-пишиб айтилган ибратли гаплардан кейин Камол қози нима деди! Сафохон тўранинг қулоғи остида бу ибора анчагача такрорланиб турди.

— Даҳрий Ҳамзани дарахтга боғланглар!

— Даҳрий Ҳамзани дарахтга боғланглар!

Сафохон тўра Камол қозининг бунчалик жоҳиллигини билмасди, ундан буни кутмаганди.

— Даҳрий Ҳамзани дарахтга боғланглар!

— Астағфирулло!— деди у кўзларини катта очиб ёқасини ушлаб, Камол қозига қаттиқ тикилиб.— Мааттаассуф! Яна шарият посбони эмиш бу одам...

— Тақсир, барибир мактабни ёпмасак бўлмайди, бу ҳазратнинг хоҳишлари. Абдуқодирбой ҳам, башарти мактаб ёпилса йўлларига қайтурлар. Акс ҳолда адоват кучайиб бориб бир кор-қол юз бериши аниқ,— деди Камолхон қози томдан тараша тушгандек. Сафохон тўра билдики, булар Миён Қудрат билан тил бириктирганлар. Иккинчидан, бу очиқдан-очиқ таҳдид эди. Сафохон тўра ўйланиб қолди. Бу жоҳиллар тўдаси Ҳамзанинг жонига қасд қилишдан ҳам тоймасликларига яна бир бор ишонди. Кейин болаларни озод қилди. Мактаб вақтинча ёпилганини уларга тушунтирди, очилса хабар берилишини билдирди. Болалар кўзларида ёш билан тарқалишди. Абдуқодирбой ҳам тўдаси билан Камол қозига қарай-қарай чиқиб кетди. Сафохон тўра ҳазрат билан мактаб хусусида маслаҳатлашиб шунга кўра иш тутиш кераклигини Ҳамзага тушунтирди. Ҳамза қаттиқ норози қиёфада жим турарди. Булар ҳам хайрлашиб ўз йўлларига тарқалишди.

Бу воқеанинг эртасига кечаси билан ухлолмай чиққан Ҳамза барвақт туриб кетди. Негадир юраги ғаш, кўнгли хира эди. У беихтиёр суратда мактаб томон йўл олди. У ерда, ҳовли атрофида уймалашиб турган одамларни узоқдан кўриб, қадамни тезлатди. Етиб бориб фожиа устидан чиқди: мактаб остин-устун қилиб юборилган, парталар мажақлаб ташланган, қолганларни ёндирилган, ҳовли худди қабристондай жимжит, ҳувиллаб ётарди. Ҳамза оёқларидан жон чиқиб ерга ўғириб қолди. Кўзларидан тирқираб ёш оқиб кетди. Ан-

чадан кейин ўзини пича тутиб олди. Одамлар Ҳамзани кўриб, «гумроҳ қолдик» дегандек ундан кўзларини олиб қочишди. Улар орасида биттаси Ҳамзага тўриб буқланган кир қоғозни олиб бориб берди. Ҳамза эс-ҳушини йиғиштириб олиб, қоғозни буклоғидан ёзди-да, унга кўз югуртириб шу сатрларни ўқиди: «...бу мактаб ношаръий, чунки мактабдори Ҳамза динсиз. Динсизга мусулмонлар орасида ўрин йўқ... Кимки бу мактабни қайта тиклашга уринса, моли талон, хотини талоқ, жони жаллод қўлида!»

У ҳеч кимга ҳеч нима демай, қоғозни гижимлаганича Сафохон тўраникига бориб, хатни унга кўрсатди. У хатни ўқиб чиқиб, ёқасини ушлаб ўзича гудранди.

— Ўзини шариатпаноҳ деб кўкрагига уриб юрган кечаги одамларнинг иши бу. Сатқай мусулмон кеткур жоҳиллар...

У Ҳамзага оталик меҳри билан ғамгин қаради.

— Сиз халқ-улусни жаҳолат ботқоғидан тортиб олиб, унинг занг босган кўнглида маърифат чироғини ёқиш йўлида азиз жонингизни ҳам аямайдиган фидоийлигингизни мен яхши биламан, ўғлим,— деди салмоқ билан. Кейин насиҳат тариқасида давом этди: — Менинг сезиб юришимча, гап бу ерда мактабда эмас. Улар ўша дума сайловидан кейин сизни кўргани кўзлари йўқ, ҳатто жонингизга қасд қилишдан ҳам тойишмайди. Бу — аниқ. Мен кечаги ҳодисани, бевақт бўлса ҳам, ҳазратга бориб айтдим. Ҳеч қандай маънили гап айтмади. Билдимки, бу иғволарнинг бошида ўзи бош-қош. Энди бир йўл қолди, ўғлим. У ҳам бўлса — вақтинча бошқа шаҳарга, чунончи Тошкентга бориб туринг. Бу бўриларнинг авзойи бузуқ. Биламан, сиз йўлингиздан қайтмайдиган йигитсиз. Ишингизни ўша ерларда ҳам давом эттиришингиз мумкин. У ердаги дўстлар сизни ёлғиз қолдиришмайди. Иложи бўлса шу бугуноқ уларнинг кўзидан ғойиб бўлинг...

Ҳамза отасидай бўлиб қолган одамнинг гапларида жон борлигини идрок қилиб, кетишга розилик билдирди...

Ҳамза Сафохон тўранинг ҳузуридан чиқиб, қадрдон дўсти, яқин маслаҳатчиси Степан Соколовни излаб топди ва бўлган воқеани бутун тафсилоти билан хабар қилди. Соколов унинг гапини диққат билан қулоқ солиб эшитди. Кейин бир муддат ўйлаб турди-да,

Сафохон тўранинг маслаҳатини маъқуллади. Кейинги кунларда Ҳамзанинг бошидаги қора булутлар тобора қуоқлашиб бораётганлигини у ҳам сезиб юрар, ногоҳ чақин чақиб, дўстини нобуд қилиб қўйишидан хавотирда эди. Шунинг учун ҳам Сафохон тўранинг маслаҳати Соколовнинг кўнглини ҳижил қилиб, бошини қотириб юрган чигилни ечиб юборгандай бўлди.

Степан Ҳамзанинг бошқа шаҳарга эмас, Тошкентга бориб туришини маслаҳат кўрди. Бу билан у икки нарсани — биринчидан, Ҳамза Тошкентга борса, унга тишини қайраб юрган Миён Қудрат ҳамда Камол қозидан нари бўлишини, улар ёллаган қотиллар (бунга Степан амин эди)нинг таъқибидан қутулишини, иккинчидан эса, агар Ҳамза Тошкентга борса, бутун Туркистон ўлкасининг тақдирини, Туркистондаги барча меҳнаткаш, жафокаш халқларнинг ҳаёт-мамот масалаларини узил-кесил ҳал қиладиган буюк воқеаларда бевосита иштирок этиш имконига эга бўлишини, бинобарин, у ерда большевиклар қизитиб юборган инқилобий ҳаракатга фойдаси тегишини — назарда тутарди. Бунинг устига, унинг ўзи ҳам Тошкентга бормоқчи эди.

— Тошкентга бўлса, жуда соз, Ҳамза. Ўша Сафохон тўра яхши ўйлабди. Тошкентга бирга кетамиз! — деди у.

Ҳамза унга «сен нега?» дегандек ҳайрон бўлиб қаради. Степан бунинг сабабини тушунтириб, инқилоб тақдири шуни тақозо этаётганини, Тошкент большевиклари раҳбари Николай Шумилов чақираётганини айтди.

Икки чинор ёнма-ён турса уни бўрон ҳам йиқитга олмайди-да... Ҳамза Тошкентга келиб дўсти Низомиддин Хўжаевникида бир неча кун меҳмон бўлиб турди. Сўнг тошкентлик дўстларининг маслаҳати билан зудлик билан Туркистон шаҳрига жўнаб кетди. Чунки Низомиддин Хўжаев Ҳамзани ўлдириш мақсадида Қўқондан Тошкентга юборилган қотиллардан хабардор эди.

Иккинчи қисм

«ЯША ШҶРО!» НИНГ ТУҒИЛИШИ

Биринчи боб

ШҶРОИ ИСЛОМИЯ

Содиқжон бойваччанинг Тошкентда ҳам ички-ташқилик ҳовлиси бор эди. Бугун ана шу ҳовлидаги кенг, мунаққаш меҳмонхонада гир айлантириб тўшалган духоба, атлас кўрпачаларда ўн беш-йигирма одам таъблари хира, бир хил бўлиб ўтиришибди. Тўрда ўтирган бойвачча, одатдаги салом-алик, мулозамат, ҳол сўрашдан кейин меҳмонларни синиқ овоз билан дастурхонга таклиф қилди.

Бойваччанинг ўнг ёнидан Миён Қудрат ҳазрат, кундаков қилинмаган тўнкадек қўпол жуссали Миркомил Мўминбоев, Мустафо Чўқаев, мухандис Муҳаммаджон Тинчибоев, полковник Меҳди Ченишев, адвокат Убайдулла хўжа, Петербургда таълим олиб келган ўзбек қонуншуноси Саяом Султон Шоҳиаҳмедов, қозоқ қонуншуноси Шерали Лапин, озарбайжонлик юрист Потшобек Пўлатхон ўғли, этнограф Абубакир Леваев, агроном Серкабой Оқоевлар жой олишган. Бу аҳли мажлис орасида Шавкат афанди бошлиқ «Шўройи исломия» жамиятининг аъзолари, олифта кийинган зиёдинамо ёшлар, юртнинг бойлари, бозорнинг «гули» савдогарлар, базозлар, қозон саллали уламолар ҳам ҳар ким ўз нуфузига қараб, жойлашишган.

Миён Қудрат ҳазрат ўсиқ қошларини кўтариб, йирик кўзларини яна каттароқ очиб, қуръондан узун бир сурани гулдиратиб ўқиди, кейин меҳмонларни, тошкентлик кибриёназар уламоларни, худошунос аҳли тавҳидларни, фуқаропарвар сахий ғанилар, савдогарларни, шариати набавия йўлида ва Туркистоннинг истиқболи учун қалам билан хизмат қилаётган Мустафо Чўқаев, Шавкат афанди, Убайдулла хўжага ўхшаган тадбиркор, ҳуқуқшунос мусулмон зиёкорларининг «улуг мақсад йўлида» қўйган «муборак» қадамларига

ҳасанот айтиб, оллоҳу азимушшон бандам десин, деб дуо ўкигач, гапининг даромадига ўтди:

— Ва лекин,— деди у салмоқланиб,— бошимизга қўнган бу бахт ҳумоюнни учириб юбормаслик учун ҳали анча ғайрат кўрсатмоғимиз даркор. Энди, муҳтарам жамоат, оламда нима гаплар бўляпти, бизга бундай қондириб сўзлаб бермоқларини ҳурматли Мустафо Чўқаев жанобларидан лутфан илтимос қилсак.

Ҳазратнинг бу гаплари ҳаммага маъқул тушди. Мустафо Чўқаев ҳам худди шуни кутиб тургандек, ўрнидан туриб, ҳазратга таъзим қилиб, мажлис аҳлига юзланди.

— Ҳурматли жаноблар!— деди у хитоб қилиб. Мажлис аҳли кекирик, йўтал келса ҳам, куч билан ўзини босиб, қўрғошиндай зил сукутга кетиб, Чўқаевга қулоқ беришди. У одамларга бирма-бир кўз югуртириб чиққач, давом этди:— Аввало, ижозатингиз билан Керенский жаноби олийларининг, аҳли мажлисга юборган самимий дуоئي саломларини етказаман,— дейиши билан ҳамма бирдан ўтирган ерларида қимирлаб қўйди.

— Мусулмонларнинг бахт-саодати ўша алломаи замоннинг саховатли қўлларида!— деб юборди Содиқжон бойвачча. Миён Қудрат ҳазрат унга ер остидан бир хўмрайиб қараб олгач, истар-истамас уни қувватлаб тушди.

— Орий, оқ пошшо аъло ҳазратлари кўп одил, фуқаропарвар, мусулмонларга хомий эдилар... Бу Керенский ҳазратлари ҳам кўп табъи баланд, сиёсатдонликда беназир, ақли бажо, ходий гумроҳон, маҳдий роҳравон, матлаб тойиб, отилиб даражайи шаҳодатга етган оқ пошшо сингари мусулмонпарвар зот деб эшитаман. Аммо Маскоп, Петирбург ва ўзимизнинг Тошканда ҳам мастеровой, мардикор, бинокор, гиштчи, сувоқчи, мешкопчилар, бир тўда сарпаёқ, ғаламислар у зоти олийларига ёв эмиш... Илоҳо ҳаммасини ер ютсин...

Мустафо Чўқаевнинг гапи бўлиниб қолганидан Содиқжон бойвачча хижолат тортиб, ўртадаги ноқулай вазиятни текислашга ошиқди, ҳазратга гинахонлик билан қараб олди-да:

— Тошкент воқеасига келсак, айб дўлдами, тошдами — бунини келгусига ҳавола қиламиз, ҳазратим,— деди чакана гапларнинг чувалашиб кетишининг олди-

ни олган бўлиб. Кейин Мустафо Чўқаевга мурожаат қилди:

— Сўзингизни бўлиб қўйдик, узр, Мустафо афанди, давом этаверинг, қулоғимиз сизда.

Мустафо Чўқаев бойваччага истеҳзоли бир илжайиб, давом этди:

— Энди ўзингиздан қолар гап йўқ, аҳволи замон бир оз оғирлашди.— деди у вазмин оҳангда.— Тожтаҳт ағдарилгандан сўнг барча сармоя аҳли ва зиёлилар мамлакатнинг идора юмушини ўз қўлига олдилар. Рутбали бойларимиз, Аҳмад Яссавийдек тарки дунё қилиб, тоат-ибодат билан ўтаётган уламоларимиз биргалашиб, зулматда қолган, виждон ва ихлос билан ижтиҳода қилгувчи мусулмон оламини миллат ва ватан истикболи йўлида бир туғ остига тўплайдиган муқаддас «Шўройи исломия»ни тузиб олдик. Аммо барчанинг чаккасига теккан большевиклар исломни синф-синфга, яъни бою камбағалга бўлиб ташлаб, ўртамизга нифоқ солмоқдалар...

Шавкат афанди ўрнидан туриб кетди. Сабри чидамай гапга аралашди:

— Бироқ, ислом Маркс билан Ленин ўйлаб чиқарган синфий курашни тан олмайди. Ислом бўлинмайди. Миллат ўз тақдирини ўзи ҳал қилсин, деган шиор билан ҳокимиятни ўз қўлимизга олмоғимиз керак. Туркистоннинг шонли тарихида олтин саҳифаларни биз, турклар очганмиз. Шунинг учун ҳам Озарбайжон мусовотчиларининг маромномаси асосида «Турк адам марказияти» жамиятини ҳам ташкил этдик.

Агар большевик коммунистлар ҳокимият тепасига чиқсалар, бу дунёда бирдан-бир худосиз ҳокимият бўлиб, барча динларга, айниқса, ислом динига путур етказгай. Чунончи, масжид, мадрасалар вайрон қилинади, шариат қозиси йўқ бўлади, диний мактаблар ёпилади, хотин-қизларнинг паранжилари олиниб, иф-фат-номуслари булғанади, хотин-қизларнинг ҳукуқи эрлар билан тенг бўлади. Ахир бу разил ишлар ҳаммаси шариатга, тариқатга хилофдир, тақсирлар. Ҳар бир имони бақувват муслим ўлса ўладики, бунга рози бўлмайди, аммо Низомиддин Хўжаев, Очил Бобожон, Султон Хўжа, Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода сингари дину имонини сўтганлар ҳам бор, мана шулар энг хавфли одамлардир.

— Бу ерда,— деди унинг сўзини бўлиб Мустафо Чўқаев,— ташкилотга Шавкат афандини раис қилиб

сайладик. Иккиламчи, мўътабар бойларимиздан иккинчи давлат думасининг аъзолари — Абдувоҳид қори, мана, қўқонлик жаноб Содиқжон бойвачча, андижонлик Миркомилбой, Аҳмадбек ҳожи Темирбек ўғли сингари пешқадам соҳиби ақлларимиз бунда ҳамкорлик қилмоқдалар.

Шу пайтга қадар жим ўтирган Тинчибоев бир қўзғалиб қўйди-да, гап қўшди.

У, «Шўройи исломия», ерлик заминдорлар ва сармоядорларнинг манфаатларини ёқлаб, хусусий мулк, ер-сув, мол-дунёга шахсий эгаликни муқаддас деб билишни, «Шўройи исломия» Муваққат ҳукуматни жондиди билан ёқлашни таъкидлади.

Тинчибоевдан кейин Шавкат афанди ваъзхонлик қилди. У «Шўройи исломия»нинг минг тўққиз юз ўн еттинчи йил апрель ойида Тошкент ва Қўқонда бўлиб ўтган қурултойида ўз сиёсий талабларини ошкор қилганини, қурултой Туркистонни Керенский ҳукумати билан бигта қўшин сақлаши, солиқ, почта, телеграфни ўртада тузиш ҳақида махсус қарор қабул қилганини, Муваққат ҳукуматга тўла ишонч билдириб, унинг Туркистонга нисбатан сиёсатини маъқуллагани ва Туркистон аҳолисини Милуков-Керенскийлар ҳукумати теварагига бирлашмоққа чақирганини керилиб гапириб ўтди. Шунингдек, ҳозир уларга забардаст уламолар, мударрислар ҳам ўзларининг «Шўройи уламо» жамиятларини барпо этганларини ҳам қўшиб қўйди.

— Шундоқ,— дея тасдиқлади Шавкат афанди Миён Қудрат ҳазратга юзланиб, тавозе билан.— Бу ҳар икки жамият фақат Ислом давлатини барпо этиш йўлида иш кўради. Бироқ мажлис аҳлига маълум бўлмайким, Тошкентда сиёсий вазият жиддий оғирлашиб қолди. Жаноблар, ижозат берсалар, шу борада муфассал фикрлашиб олсак. Тошкент динсиз босқинчи бошшовойлар қўлига ўтиб қолди...

— Алҳазар! Бу қандай кўргулик,— деб юборди Ҳазрат кўзлари қинидан чиқаёзиб. Бир фурсатлик саросимадан сўнг у ўзини қўлга олиб, бу офатга қарши шарият юзасидан бирор чора кўришга важ-тақал тополмай ҳамма айбни бандаларга ағдарилганга тушди.

— Бандаларнинг гуноҳи ошиб кетди, ҳаммасига ўзимиз айбимиз. Олло таолонинг фарзу, пайгамбаримизнинг суннатларини вақтида адо этолмадик, нафс йўлига кириб кетдик. Большовой — бу ўша дажжол лаиндир, бас, қиёматдан нишона бу!

Ўртага оғир жимлик чўкди. Кўпларнинг ичини даҳшатли ваҳима пармалаб, ерга тикилганча жим ўтирар эдилар. Жимликни Чўқаев бузди.

— Биродарлар, оҳ-воҳдан фойда йўқ; биз ҳар эҳтимолга қарши бошқа тадбир-чоралар ҳақида ўйламоғимиз лозим,— деди зарда билан. Кейин: «Хўш, қандай маслаҳат берасизлар?» дегандай мажлис аҳлига бирма-бир тикилиб чиқди.— Яна бир муҳим гап,— дея давом этди,— шоирлардан Абдулла Авлоний билан қўқонлик Убайдулло Завқий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийлар миллатга хиёнат қилишди, булар большевойларга сотилишди. Хусусан Ҳамза бундан бир неча кун аввал «Битсин, бойлар, уламолар!» деган шеърини Шайхонтоҳурда ўн мингга яқин мусулмон тўпланган катта бир издиҳомда ўқиб, ҳаммани бойлар, мулкдорларга қарши курашга, уларнинг мол-мулкларини талон қилишга даъват этди. Қора халқ уни қарсақлар билан олқишлади. Унинг мардикордан қайтган қасоскорлар билан тили бир...

— Диндан қайтганлар қўлида наҳотки бизнинг хонумонимиз куйиб, хоки туроб бўлиб кетса, бунга асло чидаб бўлмайди,— деди Содиқжон бойвачча тутариб.

— Ё оллоҳ! Ҳалиям бу муртад, ҳажарул асвад урган ҳожини Ҳамзани ер қандай кўтариб юрибди! Ҳалигача ёғи тугамаганмиди!— деб кўзларини чақчайтириб сўради ҳазрат, Содиқжон бойваччага юзланиб.

— Унинг ёр-дўстлари беҳисоб, ўйлаб иш кўриш лозим, ҳазратим. Уни гум қилиш қочмайди. Фурсати келиб қолар,— деди бойвачча пойгакда жим ўтирган бадбашара Қора Қоплонга маъноли қараб қўйиб. Қора Қоплон ҳам томоғини кириб йўталди-да, ҳазратга таъзим бажо келтирди.

— Ҳа, тақсирлар, орқа-олдинга қараб иш тутганимиз маъқул. Охирини ўйламай қўйилган бир қалтис қадам ўйлаб қўйган ишимизнигина эмас, худо кўрсатмасин, ҳаммамизни ҳам хароб қилиши мумкин,— деди Шавкат афанди босиқлик билан.— Бойваччанинг «ўйлаб иш кўриш лозим» деган гаплари шоёни тахсиндир. Чунки жаҳл билан эмас, ақл билан иш кўрган кишигина узоққа боради. Яна шуниси ҳам борки, Ҳамза Ҳакимзода араб, форс тилларини яхши биладиган, етти йил мадраса тупроғини ялаган, қолаверса, Маккага бориб ҳаж қилиб келган шоир. Ундан ислом зафари учун фойдаланмоқ мақбул иш бўлур эди, жаноблар.

Бунинг учун шахсан мен уни, роҳи ростга сабр-тоқат билан даъват этмоқ керак, деб ўйлайман. Шоир Ҳамзанинг мурватини бурайдиган калитни топишимиз керак, яхшилар.

Содиқжон бойвачча Шавкат афандининг гапидан ботинан гижинса ҳам, буни сиртига чиқармади, айни чоқда ўз эътирозини ҳам яширмади.

— Гапингиз нуқул ҳақиқат, тақсир,— деди Олчинбекнинг таъзим билан тутган пиёласини унинг қўлидан олиб бойвачча.— Биз ҳам унинг сиз айтган фазилатларини кўп мулоҳаза қилиб, уни роҳи ростга солиш учун, мана, Ҳазратимнинг хабарлари бор, кўп уриндик. Лекин у бўйин бермади. Аксинча, у масхарабоз Қўқонда туятр деган томошаларни кўрсатишдан қайтмади. Унинг томошаларини бир кўрган одам унга маҳлиё бўлиб, бир кунда айнийди-қолади. Шеърларини қўшиқ қилиб, оғиздан қўймай айтади. Ахир шариатда мусиқий, сураткашлик, масхаравозлик, тарона қўшиқлар ҳаром-ку, тақсирлар! Мана, эшитмаган бўлсангиз, сиз ҳам эшитинг-а, у нима дейди:

Ҳой, ҳой отамиз
Тошни кесар болтамиз!
Кимки бизга қарши турса,
Шартта-шартта отамиз!

— Ҳа, бу — ҳуррият замонининг янги қўшиғи эмиш!

Меҳмонхонада енгил кулги кўтарилди. Бу билан меҳмонлар, ўз назарларида, шоирни камситган бўлишди, чамаси. Лекин Мустафо Чўқаевнинг қовоғи очилмади, меҳмонларга қараб захарханда қилди.

— Менимча, яхшилар,— деди у кўпчиликнинг дамини қирқиб.— Кулишдан кўра йиғламоқ керак. Мана буни эшитганингиз бордир, балки?

Ол, ишчи, қўлга қурулинг
Йўқ эт бу душманларингни!
Мангу яшар ҳур замондир
Бос олға, бос олға, бос олға!..

Бу ҳам қўшиқми? Йўқ, бу қўшиқ эмас, бу ўқ жаноблар! Мана бу еримизни,— у кўкрагига муштлади.— Элак қилиб юборадиган заҳарли ўқ! Қани энди бизнинг шоирларимиз ҳам бизга хизмат қиладиган шу-

нақа ўтқир сўзларни ёзиб, халқ ўртасида тарқатса... Энди Ҳамзанинг ҳалиги шеърига келсак, у санъат намунаси эмас, қуруқ тарғибот. Ҳақиқий санъат, мумтоз шеърият сиёсатни инкор этади. Бадиҳа айтиш, шеър, газал битиш сиёсатдан мумкин қадар ҳазар қиладиган, ундан нарида турган кишининггина қўлидан келади. Ана шу ҳақиқатни шоирларимизга тушунтирайлик.

Яна бир муҳим сиёсий масала шулким, Ҳазратнинг азиз меҳмонлари оғзидан ҳам бир-икки калима сўз эшитсак.

Мажлис аҳли жонланди. Шу дамгача тасбеҳ ўғриб, ичида оят «ўқиб ўтирган» Саид Аъзамхон эшонга жон киргандай бўлди, араб, форсий сўз ва ибораларни қироат билан қўллаб, исломни кўкларга кўтариб мақтай кетди. Оллони ҳамиша ёдда тутиш, Машҳадда истиқомат қилаётган авлоди имом раббоний Миён башир ҳазратнинг кечаю кундуз минг-минг қавмлар билан масжид жомеда Туркистондаги аҳли исломга зафар тилаб, дуода эканликларини, Авлоди ҳазрат соҳиб зодалар ва силсилаи нақш бандиядаги аҳли дилларнинг, большовоий деган саҳронишин, намадпўш айёр таррорлардан чеккан жабру жафоларини эшитиб, уввос тортиб йиғлаганини, Туркистонда Ислом давлатини қайта барпо этиш йўлида, кексаликларига ҳам карамай, тоғма-тоғ, юртма-юрт ошиб, яқинда у зот Ёркент, Қарғалик, Кўксарой, Янги Хисор, Қашқарча бориб, ўн олтинчи йилдаги мардикор олди воқеасида эл-юртини ташлаб кетиб, уйғур бойларининг йилқи, қорамол, қўтос, қўй ҳамда туяларини боқиб, гурбатда йиғлаб юрган бир юз эллик минг уйлик қозоқ, қирғизлар билан суҳбат ўтказиб, уларнинг ватанга қайтишларига маслаҳат берганлиги, Тош қўрғон водийси, Оқ байтал, Мурғоб, Тўхтамишда яшовчи тожикларнинг меҳмони бўлганлигини кўпиртириб гапирди.

— Ниҳоят, — деди у давом этиб, — сизнинг зафарингиз учун Бадахшон, Помир, Хорог томонларга ҳам бориб келдилар. Эҳ-ҳе, ислом қиличини чархлаш йўлида озмунча меҳнату ранж чекмадилар. Мен ҳам ўшал улуғ зотнинг кичик, гуноҳкор бир шогирдлариман. Не қилай, у кишининг муборак саломномаларини етказиш учун юз қиёфага кириб, Қўқон сари йўл олдим. Аммо, «Чўчқа доvon», «Оқ жилға», «Қизил ровот» деган жойларда чегарачиларнинг қўлларига тушиб, ошкор бўлишимга оз колди. Агар Миён Башир ҳазрат-

нинг садоқатли биродарлари Миён Қудрат ҳазратдан ўз вақтида имдод келмаганида, ишим чаппасидан кетиб, сизлар билан озиқ еб ўлтириш насиб бўлмасди. Иншооллоҳ, тез фурсатда ҳажга ҳам йўл очилар.

У гапини тугатиб, оғир хўрсиниб қўйди-да, ерга қараганича жим бўлиб қолди. Кейин бошини кўтариб, сўзи қанчалик таъсир этганлигини билиш учун сомеларига кўз югуртириб чиқди. Уларнинг кўзларида ҳалқаланган ёшни кўриб, ўзидан ичида мамнун бўлди. Мустафо Чўқаев меҳмонни зимдан ўрганиб чиққач, сўради:

— Миён Башир ҳазрат саломдан бўлак не калом юбордилар?

Меҳмон бундай савол кутмагани чамаси, бир лаҳза доврираб қолди-да, ўзида юз берган бу ўзгаришни сездириб қўймаслик учун шоша-пиша жавоб қилди.

— Фақат сазовори уқубат, балки вожибул қатл бўлган большевой лаънатиларнинг уруғини тезроқ қуритиб, уларни ислом тиғидан ўтказмоқ ҳар мўъмин учун фарз эканлигини, авомга масжид жомеларда амру маъруф қилиб, уларни рост роҳга қайтаришни сўраб қолдилар. Борди-ю, шаҳри Тошканда большевойларнинг омади юришиб, зафар топсалар, дарҳол уларга қарши газовот эълон қилиб, Фарғона музофотини улардан тозаласинлар, дедилар. Фарғона тоғларининг нариги томонида лак-лак қўшинлар, яроғ-аслаҳалар билан биз тайёр турамиз, мададкор-миз, деб тайинладилар.

— Ўргилай пирымдан. Бутун давлатимни дини ислом йўлига тикдим,— деб юборди хасисликда ном чиқарган бир баззоз.

— Оҳ! Офиятсиз заволли Туркистоним! Сенинг тепангда яна бахт қуёши порлармикан?— дея чўнтагидан рўмолчасини олиб, қизарган кўзларини артди Олчинбек.

— Лекин бўтам, Олчинбек, сиз Содиқжон бойваччанинг яқини бўлатуриб, нега большевой Ҳамзани ўзингизга дўст тутасиз?— деди Миён Қудрат ҳазрат.

Гапга дарҳол бойвачча аралашди:

— Тақсирим, бу хусусда хотирингиз жам бўлғай. Бу иш менинг маслаҳатим билан...

Ҳамма жим қолди. Меҳмоннинг сўзларидан таъсирланиб кетган бойлар, савдогарлар Миён Баширнинг вниси Миён Қудрат ҳазратнинг қўлларини юз-кўзларига суртиб, уни тавоф қилдилар. Мустафо Чўқаев эса,

бу меҳмон мударрисдан кўзини узмасди. У бир фурсатдан кейин бошини кўтарди, мажлис аҳлини яна бир бор кўздан кечириб чиқди-да, мажлисга яқун ясади:

— Музокара, мунокаша, мусоҳабалар ҳали ўрта-мизда кўп бўлади, жаноблар, Туркистондан дарҳол қочиш каби фасод хаёлларга бормайлик. Худонинг инояти, марҳамати катта.

У, Скобелевдан Чайкин шахсан Керенский номига телеграмма юборганини, унда «исён»чилар тўдаси Тошкентда ҳокимиятни қўлга олгани, Муваққат ҳукумат вакиллари ағдаргани, қирғин бошланиши хавфи борлиги, шунинг учун жазо отряди юборилишини сўралгани, Тошкентда эса Муваққат ҳукумат комитетининг аъзоси Наливкин большевикларга қарши кучларни уюштириш билан бандлиги айтилганини, 15 сентябрда Керенскийдан жавоб телеграммаси келгани, унда Тошкентга жазо экспедиция жўнатилаётгани маълум қилингани, Тошкент Муваққат ҳукумати комитети маҳкам туриши тайинланганини ўқиб эшиттирди. Бундан хабар топган «Шўройи исломия» аъзоларига жон кирди. Хурсандликдан ҳазрат кўз ёш қилди. Аҳли мажлис бир-бирларини қучиб муборакбод этишди. Мустафо Чўқаев устидан тилла тангалар сочгудек бўлишди.

— Боёнларимиздан илтимос шулки, Петрограддан келаётган генерал Коровиченко жанобларига қимматбаҳо пешкашларни тайёр қилсинлар,— деди Чўқаев, телеграммани чўнтагига солиб.

— Ўша мададкоримиз генералга Қўқон боёнларидан арзимас бир туҳфани биз тайёрлаб қўйганмиз, уни ўзларига топширишни, жаноб Мустафо афанди, сизда илтимос қиладилар,— деди Содиқжон бойвачча, Мустафо Чўқаевни ҳайратда қолдириб. Кейин Олчинбекка: «Ўша туҳфани олинг, меҳмонлар кўрсинлар» дегандай ишора қилди. Олчинбек бойга таъзим қилиб, Қора Қоплонни имлади. У дарҳол ташқарига чиқиб, қопқоғига садаф қадалган бир антиқа қутичани қўлида кўтариб кириб, унга узатди. Олчинбек қутичага калит солиб очди, ичидан олтиндан қуйилган, қимматбаҳо жавоҳирлар қадалган жажжигина човгунни олиб, Содиқжон бойваччага тавозе билан узатди. Бойвачча, ўз навбатида, гажак мўйловини бураб туриб, кеккайган ҳолда бошқаларга кўз-кўз қилиб кўрсатиб, сўнг Мустафо Чўқаевга узатди.

Мустафо Чўқаев кўзлари чақнаб, ярқиллаб турган човгунни олди, айлантириб томоша қилди-да:

— Мана буни, шоён таҳсин, санъат намунаси деса бўлади. Устанинг дидига офарин! Бундай нақшларни Туркистон давлатининг байроғига солса арзийди. Ҳай-ҳай... ана пешкашу ана туҳфа! — деди.

Олтин човгунни кўрган бойлар, хусусан савдо аҳлининг кўзлари ўйнаб кетди.

Содиқжон бойвачча туҳфани бир муддат кўз-кўз қилгач, Мустафо Чўқаевдан сўради:

— Хўш, афандим, кўнглингиз тўлдими?

— Ҳа, аъло. Генерал Коровинченкога арзигулик совға бўлар, деб ўйлайман. Аммо хабарингиз бўлмаса айтиб қўяй! Генералга фақат биз эмас, Ҳамза ҳам шериклари билан пешвоз чиқиш учун кеча Туркистонга жўнаб кетди. Улар аскарларни ташвиқот қилиб йўлдан уришмоқчи. Шафкат афанди балки Ҳамзани тарбиялаш фикридан қайтарлар энди?

Орага жимлик чўкди. Кейин ҳамма келишиб олгандай бараварига Қора Қоплонга қаради. Қора Қоплон мамнун қиёфада қўлини кўксига қўйди.

Содиқжон бойвачча румча камзулининг чўнтагидан олтин соатини олиб қаради-да, яна қайтиб жойига қўяркан, машварат тугаганига ишора қилиб, меҳмонларни аср намози вақти бўлганидан огоҳлантирди.

— Намоз қазо бўлмасин, меҳмони олийдан имоматликка ўтишларини сўрасак, сиз нима маслаҳат берасиз, Ҳазратим,— деди Миён Қудрат ҳазратга қараб мулойимлик билан. Ҳазрат розилик бергач, таҳорати синганлар таҳорат олишга туришди.

Дарҳақиқат, меҳмон имоматчиликни ўрнига қўйиб, иқтидо қилувчиларнинг кўнгилларини эритиб юборди. Намоз адо эғилгач, бойвачча меҳмонларни яна дастурхонга манзират қилди. Улар қўлларини чайиб, дастурхон атрофига уюшдилар. Хизматкорлар катта-катта хитойи лаганларда битта гурунч, битта жаз қилиб пиширилган қип-қизил ош тортдилар. Қора Қоплон баҳайбат пичоғини олиб, қази-қарталарни тўғраб туриб Миён Қудратга шивирлади:

— Ҳазратим, фотиҳа берасизми?

Миён Қудрат унинг қулоғига яқин бориб, сирли қилиб жавоб берди:

— Пичоғинг дами қайтмасин. Олу олдирма, ўғлим!.. Ҳа, гап битта. Икки туя билан яхши от, яна юз

бош қўй, уч юз тилла пул, бош-оёқ сарпо... У дунё-бу дунёнинг обод бўлгай. Оллоҳу акбар.

У юзига фотиҳа тортди. Қора Қоплон бу гаплардан кейин назарида гўё осмонда учиб юргандай ҳис қилди ўзини. Оғзининг таноби қочиб, совуқ тиржайиб қўйди.

— Албатта, Ҳазратим,— деди у ҳам сирли қилиб.— Худо хоҳласа, кўрасиз ҳали, худди шу гўштдек қилиб тўғрайман уни...

— Боракалло, гўшт тўғрашда сенга етадигани йўқ. Бу ишни ҳадисини олгансан, бўтам...

Уша кунни мажлис аҳли аниқ қарорга келмаган бўлса ҳам, ўз кучига ишонч билан еб-ичиб тарқалди.

Иккинчи боб

ҚУҶОН МУХТОРИЯТИ

Октябрь ойидаги тўрт кунлик қонли жанглардан кейин Тошкентда Керенский салтанати емирилиб, Совет ҳокимияти қарор топди. Октябрь ғалабасидан руҳланган Ҳамза; «Яша шўро!» деб ҳайқирди. У қаттиқ ҳаяжон билан иккинчи бор «Яша шўро!» деб бонг урганда, Тошкентдаги барча заводлар, ишчи корхоналари, темир йўл станцияларидаги паровозлар ҳам «Яша Шўро!» деб наъра тортгандай бўлди назарида.

«Сен яшайдиган замон!» деб қичқирди. Хаёлида замин у замондан, бепоён осмондан, тоғу тош, кўкни ўпар чўққи, Аму, Сир, Чирчиқ сингари мавж урган дарёлардан ҳам «Яша, Шўро!» «Сен яшайдиган замон!» деган ҳайқириқлар эшитилиб кетгандай бўлди ва шиддатли жанглар, ўт-оловлар тафтидан қорайиб кетган, илҳом завқи билан титраган қўллари билан қандайдир сатрларни қўйин дафтарчасига тез-тез қайд қилиб, кейин бир бошдан ўқиди:

Бузма кўнглинг, боқ бу Шўро

Берди мангу интибоҳ!

Томчи ҳар қонингга олдинг

Илму урфон, эрку жоҳ!

Яша Шўро, Яша Шўро,

Сен яшайдиган замон!

Ишчи ўгли шуҳратингдан

Балқисин рўйи жаҳон!

Чор ҳукумат вақтидаги
Қуллигингни ўйласанг,
Шодлигинг мангу туганмас
Қанча ўйнаб, куйласанг!

Яша Шўро, яша Шўро,
Сен яшайдиган замон!
Ишчи ўгли шуҳратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!

Бу олов шеър газета саҳифаларида босилиб, йиғинларда, митингларда ўқилди.

Бироқ Тошкентда абжағи чиққан душман курашни давом эттирмоқ учун Мустафо Чўқаев етакчилигида бир кечада Қўқонга қочди. Сиёсий курашлар, жанг-жадаллар Фарғона водийсининг йирик шаҳри Қўқонга кўчди. Большевиклар партиясининг қарори билан Степан Соколов, шоир Ҳамза ҳам яна Қўқонга қайтишди.

Кўп ўтмай Қўқонда ўлка мусулмонларининг тўртинчи фавқулодда съезди бўлиб ўтди. Ўлка мусулмонларининг шўроси бу ишнинг ташаббускори бўлди. Съездда Туркистоннинг «жануб-шарқий иттифоққа кириши ва Туркистонга мухторият бериш» масалалари кун тартибидан ўрин олган эди.

Рус буржуазияси вакиллари ҳам съездда катнашиб, нутқлар ирод этдилар. Хусусан, съезднинг 10 декабрдаги эрталабки мажлисида собиқ шаҳар ҳокими Мединский ҳам сўзлаб, ўлка мусулмонларининг бу йиғилишини оғзидан бол томиб табриклади-да, гапани: «Туркистонга, албатта, мухторият зарур», деган сўзлар билан якунлади. Унинг бу гапани халқ муассасалари хизматчилари номидан сўзга чиққан жаллод Ёитаев қизгин қўллаб-қувватлади.

Съезд раёсатига ўн икки киши сайланди, улар орасида Содиқжон бойваччанинг Тошкентдаги ошнаси Муҳаммаджон Тинчибоев, Мустафо Чўқаев, Миён Қудрат ҳазрат, Содиқжон бойваччанинг ўзи, Миркомил Мўминбоев, Огаев, Убайдулла Хўжаев, Аҳмадохунбойлар қўр тўкиб ўтиришарди.

— Съездда биринчи бўлиб «Жанубий-шарқий иттифоққа аъзо бўлиш масаласи» кўрилди. Бу масала Оренбургдаги контрреволюцион казаклар атамани Дутовнинг таклифига мувофиқ олдинга сурилаётганди. Унинг нияти Оренбургнинг жануби ҳамда шарқдаги Уралъск, Кубань ва Еттисув казакларини, қозоқ, қир-

ғиз, қалмоқ ҳамда бошқирдларни, Кавказ тоғликлари ва озарбайжонликларни бирлаштириб, ўша жойларда аксилинқилобий ҳаракатни кучайтиришдан иборат бўлиб, Дутов ана шу ясама иттифоққа Туркистонни ҳам тортмоқ ниятида ўз лойиҳасини юборган эди.

Масалан, Қўқон мухторияти ташкилий куч сифатида тамомила янги бўлиши билан бирга, баъзи бир хавфли томонлари ҳам бор эди. Чунки бир томондан, аксилинқилобнинг советларга қарши курашини енгиллаштирса, бошқа томондан, мухторият бошлиқлари миллатчилик қобиғига ўралиб олган, яна Россия мустамлакасига айланишдан чўчийдиган одамлар эди. Бу масала юзасидан узоқ тортишувлар кетди. Қўшиламиз деганлар ҳам, қўшилмаймиз деганлар ҳам бўлди. Бунда улар турли важларни, чунончи, казаклар золим бўлишади, биздан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишади, деган гапларни рўкач қилишди. Рухонийлар, йирик савдогарлар, инқилобгача эски давлат апаратига яқинроқ турган кишилар қўшилишга рози эдилар.¹

Туркистонга мухторият бериш масаласига ўтилгач, маъруза қилган Убайдулла Хўжаев, ҳозир Россияда чинакам ҳукумат йўқлиги, собиқ чор Россиясидаги барча халқлар большевикларга қарши курашаётганликлари, шунинг учун ўзлари ҳам қараб турмай, мустақил Туркистонни бошқарадиган ҳукуматларини тuzиб олмоқлари кераклигини жон куйдириб айтди. Ундан кейин сўзлаганлар большевикларнинг адабини бериб қўйишга кўпроқ тўхталдилар. Айниқса Миркомилбой анча куйиб-пишди. У Туркистон мухторият олишга тайёр бўлмаса ҳам, қараб турмай, буни эълон қилавериш лозим, деган таклифни зўр бериб олдинга сурди, Содиқжон бойвачча эса, ислом дини мамлакатни демократик тарзда бошқаришга монелик қилмаслигиасослашга уринди, Шерали Лапин Туркистон ярим асрдан буён Россиянинг қўли остидалигига урғу бериб, илгари, руслар диний, миллий ишларга, қози калонлар фаолиятига аралашмаганликлари, энди бўлса, большевиклар ҳамма ишга тумшуқларини тикиб, хўжайинлик қилаётганликларидан нолиди. Бу билан у мухторият эълон қилмаса бўлмаслигини ўзича исботламоқ-

¹ «Вақт» газетасининг хабар беришига қараганда, съездда бу масала юзасидан жанжал-тўполонлар кўтарилади, лекин масала қал бўлмай қолаверади.

чи бўлди. Меҳди Чанишев, большевикларнинг, уруш очишлари ҳақида миш-миш тарқалганини айтиб, уларга нисбатан туҳматга зўр берди. Мусулмонлар дин ва миллат йўлида жонларини фидо қилиб бўлса ҳам курашажакларини писанда билан таъкидлади.

Шундай қилиб, 11 декабрь кечаси соат 12 да аксилинқилобчи буржуазия раҳбарлари Туркистонга мухторият берилганини эълон қилдилар. Бу ҳодиса мачитларда хутбаларга қўшиб ўқилди.

Съездда «халқ кенгаши» сайланди. Унинг учдан бирини рус буржуазияси вакиллари ташкил қилди. Бу кенгаш Қўқон мухториятининг ўзига яраша парламенти эди.

Съездда Туркистон мухториятининг Муҳаммаджон Тинчибоев бошчилигидаги Муваққат ҳукумати тuzилди.

Салом Султон Шоҳиаҳмедов молия, Аҳмадохунбой адлия, Потеляхов озиқ-овқат, полковник Чанишев ҳарбий нозир қилиб тайинландилар. Бундан ташқари, ҳукумат составига Кноппе-Зигель фирмасининг ишончли вакили, йирик капиталист Водьяев ҳам кирди.

Қўқон мухторияти шу тариқа йирик пулдорлар қўлига ўтиб, инглиз капиталистларига таянди.

Бу ҳодиса маҳаллий характерга эга бўлмай, миллатидан қатъий назар, Туркистондаги барча буржуазияни ўзига тортган ҳаракатга айланиб қолди.

Қўқон мухторияти Фарғонадаги бошқа шаҳарларни ҳам ўз доирасига олди, ҳукумат составига Андижоннинг йирик сармоядорлари ҳам кирдилар. Андижонлик адвокатлар Ноненберг билан биргаликда Қўқон мухторияти конституциясини ишлаб чиқишда қатнашдилар, биржа даллоли Тик эса, Қўқон мухториятининг кўзга кўринган тарғиботчиси эди.

Наманган буржуазияси ҳам мухторият томонида эди. Тошкентдаги миллий ва рус буржуазияси ҳам четда қолмади, унинг нафига кўп ишлар қилди. Аслида мухториятчилик ғояси Тошкентда туғилганди. Кейинроқ Самарқанд ҳатто қозоқ-қирғиз элатларида, Закаспий областида ҳам мухторият учун тарғибот ишлари кучайиб кетди. Эсерлар вакили Миллер Ашхободга келиб, мухторият билан алоқани мустаҳкамлади.

Рус буржуазияси мухторият масаласида жуда устмонлик билан иш олиб борди. То Октябрь инқилобига қадар у, Туркистонни мустамлака сифатида тутмоқ

керак, унга мухторият берилса қирғин барот бўлиб кетади, деб юрган бўлса, инқилобдан кейин «Туркистонга мухторият берилсин»га ўтиб олди.

Мухторият ўрнатилиши биланоқ меньшевиклар ва социал революционерлар бошчилигидаги рус буржуазияси Советларга қарши курашда мухториятчиларга ҳар жиҳатдан ёрдам бера бошладилар.

Шундай қилиб, «Қўқон мухторияти» фақат Туркистондаги рус буржуазияси билангина эмас, балки Умумроссиядаги рус контрреволюцияси билан ҳам алоқа боғлашга муваффақ бўлди.

Туркистон мухторияти масаласида рус буржуазиясининг бунчалар ўлиб-тирилишига сабаб Октябрь инқилоби эди. Чунки Октябрь умуман буржуазиянинг илдизига болта урган, уни сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлардан маҳрум этган эди. Буржуазия аввалги мавқеини қайтармоқ учун энди иттифоқдош ахтарарди. Шу сабабдан рус буржуазияси Туркистондаги миллий буржуазиядан умид қилар, унга ҳар қандай йўл билан бўлмасин, ён беришга интиларди.

Муваққат ҳукумат ўлка мусулмонларининг тўрттинчи фавқулодда съездини ўтказиш арафасида мушкул аҳволда қолди. Чунки деҳқонлар билан ҳунармандларни ўз томонига оғдириб олишдек мушкул муаммо йўлига кўндаланг бўлди. Уша пайтда вазият ниҳоят оғир бўлиб, уруш туфайли юз берган иқтисодий кризис натижасида Туркистонга марказдан саноат моллари жуда оз келтирилар, Дутов бош кўтарганидан кейин эса, бу ҳам таққа тўхтаган, оқибат натижада қаҳатчилик бошланиб кетган эди. Автоном Муваққат ҳукумат бу вазиятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш чораларини излади.

Кейинги пайтларда деҳқонлар қашшоқлашган, ерсизлик балоси жонларига жуда тегиб кетганди. Уларни ўз йўлларига солиш учун аҳволларини яхшиламаसा бўлмасди. Бунинг учун ер ислоҳоти ўтказиш лозим эди. Лекин мухториятчилар деҳқонга ер-сув беришга ожизлик қилардилар.

Мухториятчилар тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида рус тилида чиқадиган «Свободный Туркестан», қозоқ-қирғиз тилидаги газета ва ўзбек тилида нашр қилинадиган «Улуғ Туркистон»ни ишга солиб, улардан маблағни аямади. Бироқ Туркистон деҳқонлари билан ҳунармандлари мухториятчилар томонига ҳадеганда ўтавермагач, улар мусулмон иш-

чи, деҳқон ва солдатларнинг Биринчи Туркистон съездини чақиришга қарор бердилар.

Мухториятчилар ташкил қилган съездда қатнашаётганларнинг кўпчилиги «Мусулмон меҳнаткашлари Иттифоқи»га мансуб эдилар, ишчи ва деҳқонларнинг ҳақиқий вакиллари кўринмасди. Қўқон мухторияти ҳукумати «Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи»нинг омма, айниқса шаҳар халқи ўртасидаги обрўсидан фойдаланишга уриниб, «Иттифоқнинг гапга кўнадиган» ўнг фракцияси вакиллари съездда кўпроқ бўлишларига эришганди.

Ўлка мусулмонлари съездида Полторацкий «Қўқон мухторияти»ни фош қиладиган катта нутқ сўзлади. У бундай деди: «...Биз камбағаллар мухториятига қарши эмасмиз, бойлар мухториятига қаршимиз. Биз ҳокимиятни рус буржуазияси қўлидан мусулмон буржуазияси қўлига топшириш учун тортиб олганимиз йўқ, балки ишчи ва солдат депутатлари Совети учун қўлимизга олдик. Биз мусулмон меҳнаткашларни ўз бағримизга тортиш учун ишлаб келдик ва ишлайверамиз». Ундан сўнг мухториятни ёқлаб, сўзга чиққан шайх Исмоил имом Ҳусайннинг Фрот дарёси бўйида ўлдирилганидан, ислом динининг яхшилигидан гапириб йиғлаб берди. «Депутат»ларнинг бир қисми унга қўшилишиб йиғлашди, фақат қирғизлардан бир кишигина, эси жойида экан шекилли: «Яна эски ҳаммом, эски тос, яна ўша эски ашулани айтяпсизларми?» деб ҳайқирди.

Жанжал анчагача давом этди, оқибат натижада депутатларнинг бир қисми, яъни «Мусулмон меҳнаткашлари Иттифоқи» ва «Иттифоқ»қа мансуб сўл аъзоларнинг кичик бир гуруҳи ажралиб чиқиб, Қўқон мухториятининг аксилинқилобий моҳиятини фош этишга киришди. Булар — Қўқондаги заводлар ва темир йўл ишчиларидан Орифжон Мирпўлатов, Умар полвон, Тошбой Ҳрозбоев, мардикорликдан қайтган Исҳоқ Содиқов, Рустам Пўлатов, темирчи Бўронбой, Назир Тўрақўлов, Мирзараҳмон Мусахонов, Шамсиддин Иброҳимов, Сафо Жўрабоев, Тошкентдан келган Султонхўжа Қосимхўжаев, Собиржон Юсупов, қўқонлик зиёлилардан Ҳамза Ҳакимзода, Мираҳзам, Олчинбек Назирий, Пўлатжон Қаюмовлар эдилар. Лекин улар съездда мағлубиятга учраб, Қўқон мухториятидан норозилиklarини баён қилиб Петербургда телеграмма жўнатишдан бўлак чора тополмадилар.

Қўқон мухторияти бу съездни чақиришдан кўзлаган мақсадга эришганди.

Уша пайтларда Полторацкий «Ишчи ва деҳқон депутатларининг 3 съезди»да қатнашиш учун Қўқонга келиб, Қўқон мухториятчиларига қарши очиқ ва кескин кураш олиб бориб Давлат банкининг Қўқон бўлимини миллийлаштирди. Бу тадбир катта-катта сармояларини банкда сақлаётган пулдорларга қаттиқ зарба берди, айни чоқда мухториятдан уларнинг ҳафсаласини пир қилди ва мухториятни танг аҳволга туширди. Шундан сўнг Муҳамаджон Тинчибоев ағдарилиб, ҳукумат тепасига Мустафо Чўқаев чиқиб олди. У ҳокимият тепасига келиши биланоқ, ҳукуматнинг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида халққа ўттиз миллион сўм миқдорида қарз — ички заём солди.

Қўқон мухторияти ҳукуматининг қуролли кучларини ташкил қилишга киришди. Лекин ҳарбий қўшинбоп миллий кадрлар йўқ бўлганидан, командирлик ва инструкторликка рус, татар офицерлари билан бир қаторда асирга тушган турк офицерларни жалб қилди. Солдатликка маҳаллий халқ орасидан талабгор жуда кам чиқди, шунинг учун кавказликлар ва эронликлар олинди, улар ҳам олтмиш кишидан ошмасди. Полковник Чанишев «Ҳарбий министр ва бош қўмондон қилиб тайинланди. Кўнгилдилардан қўшин тузиш иши барбод бўлгач, у мухторият номидан Эргаш қўрбошини йигитлари билан бирга хизматга таклиф қилди.

Эргаш тошюраклиги билан ном кўтарган бўлиб, йигитларини йўлтўсар ва каллакесарлардан тўплаган, уларнинг сони тўрт мингтага борарди. Лекин шунда ҳам мухториятнинг иши ўнганмади. Ер-сув масаласини ҳал қилолмагани, бунинг устига халққа заём солгани сабабли меҳнаткашлар оммаси, шунингдек майда буржуазия ҳукуматдан четланиб қолди. Қўшин тузиш иши барбод бўлгач, олтмиш кишилик «қўшин»нинг қўлидан ҳеч иш келмади, Эргашнинг босмачилари эса, гарчи тўрт минг кишига етса-да, мунтазам армия ўрнини босолмасди.

Петрограддан Лениннинг таклифи билан аввал Тошкентга сўнг Қўқонга юборилган Бабушкинни Қўқон большевиклари кутиб олишди. Уша куннинг эртасигаёқ у ўн етти кишидан иборат Қўқон большевиклар группасини тузди. Группанинг биринчи мажлисида Қўқондаги сиёсий аҳвол юзасидан Фотеев ва Сагин билан Рустамжон Пўлатовнинг ахборотларини эшитди.

Группанинг раҳбарлигини ўз қўлига олди, бошлаб шаҳарда фавқулодда ҳолат эълон қилиб, темир йўлда, заводларда той пахталардан мустақкам истеҳком — баррикадалар қурдирди. Станция ҳамда заводларнинг бинолари, цехлари, чордоқларидан ташқари, станция ва заводлар олдидаги майдончаларга ҳам той пахталардан тўсиқлар, пулемёт уялари қилдирди. Ерли меҳнаткашлар иттифоқи аъзоларидан икки юздан зиёдросини Ўрдадаги аслаҳахоналардан олинган милтиқлар билан қуроллантириб, уларга милтиқдан отиш, қилич чопиш машқларини ўргатишни Степан Соколовга топширди.

21 январда Тошкент Совети ижроия комитетининг мажлисида Бабушкин «мухториятчилар»нинг контр-революцион исёни муносабати билан Қўқондаги аҳвол тўғрисида ахборот берди. Тошкентдан Қўқонга қизил гвардия отряди жўнатилди.

Туркистон Халқ Комиссарлари Совети Фарғона областида ҳарбий ҳолат темир йўлда эса, қамал ҳолати эълон қилди.

Бабушкин Соколов билан темир йўл устахоналарида замбараклар, пулемётлар ва ўқ-дорилар тўплади. У мухториятчиларга қарши қуролли курашга бошчилик қилди. Унинг ташаббуси билан 9 кишидан иборат Ҳарбий-революцион комитет тузилди. Бу комитетга Қўқон Советининг вакиллари ва темирйўлчи ишчилар кирди. Хуллас, Ефим Бабушкин мухториятнинг тагига сув қуймоқда эди. Бунга улар жимгина қараб туролмас эдилар, албатта.

Учинчи боб

ИККИ ҲОКИМИЯТ

Қўқоннинг ўрдаси кун чиқар тарафдаги кенг майдон бўлиб, у майдонни «Ўрда таги» деб аташарди. Майдоннинг кунботар тарафида ўрдани ўраб олган сайргоҳ боғ бор. Шарқ томонидан катта Сўх сойи оқади. Сой ёнидаги икки қаватли тош иморат — «Треугольник» фирмасининг биноси. Шимол тарафида бозор, шифохона ва Ирисқулибек гузари. Майдоннинг кун юриш тарафидаги «Пиён бозор» деб аталган бозорча олдидан Гишткўприкка қараб катта йўл ўтган бўлиб, шу йўлдан ҳозир «Туркистон мухторияти» Муваққат ҳукумати эълон қилган руҳоний ҳамда давлатмандлар намоиши «Ўрда таги»га қараб оқиб келмоқ-

да. Ўлка мусулмонларининг тўртинчи фавқулодда қурултойида «ғалаба қозонган» Қўқон мухториятчиларининг намоёишидан ўз вақтида дарак топган Янги шаҳардаги ишчилар ташкилоти ҳам шошилиш суратда тайёргарлик кўриб, темир йўл, Андреев ёғ заводи, Содиқжон бойвачча, Потеляхов ҳамда Водьяев пахта заводларининг ишчилари, мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи аъзоларини Қўқон вокзалида тўплаб, қизил байроқлар кўтаришиб, вокзал, Розенбах кўчалари орқали рус ибодатхонаси ёнидан ўтиб келиб, мухториятчилардан илгарироқ, Ўрда деворлари остида саф тортишди. Ўрда посбонлари темирйўлчилар, заводларнинг ишчиларидан руҳланиб, аслаҳахоналардан пулемёт ва замбаракларини олиб чиқиб тайёр қолга келтиришди, уларни брезент ёпиқлар билан кўздан яшириб қўйишди, ўзлари гармонларни чалиб, ўйин-кулги билан мухториятчиларни қарши олишди.

Баландроқ жойдан бўй чўзиб қараган кишига теваарак-атрофдаги қор босган пастак уйлар, дўнглик ва қатор иморатлар, дўконлар, бостирмалар кўринади. Бойлар, уламолар эгниларида пўстин, чакмон, олабайроқ банорас тўн, бошларида оқ салла, савлат тўкиб туришибди. Қўқонга бир парча нон топиш илинжида узоқ-яқин қишлоқлардан келиб мардикорлик қилаётган, бойлардан зулм кўрган ерсиз деҳқонлар, батрақлар, ранглари сариқ, бармоқларининг учлари гулхайри, мўмдан қорайиб кетган, ҳаёт жабрини кўп тортган юпун кийинган мўйсафид қосиблар, дурадгорлар, мисгарлар, бола-бақра совуқдан титрашиб нотиқларнинг сўзларини яхшироқ эшитиш учун минбарга яқинроқ сурилиш пайида эдилар. Чор атрофни чарм ҳамда бўёқ ҳиди тутиб кетган. Йиғилганлар орасида қирқямоқ жулдур паранжили кекса хотинлар, бошларига камзулларини қийрихон ташлаб томларига чиқиб олган ёш келинлар ҳам узоқдан кўринарди.

Сурмаранг янги мовут чакмон кийган, бошларида савсар телпак, оёқларида ғарч қўйган сирма этик, мўйловлари олифта буралган димоғдор бойваччалар кўришиб қолар, лекин улар минбарга яқин келишга журъат этишолмай, бир-бирларига шивирлашарди.

Бадқовоқ, баджаҳл, бир киши ёнидаги қўшнисини тирсаги билан туртиб: «Диндан чиққанлар. Худосиз иблислар. Яна мўътабар зотларга тил тегизишяпти. «Большевик» деган дажжол ислом динини йўқ қилармиш. Мачит, хоноқоқ, мозори азизларни оёқ ости

қилиб, мусулмонларни бўйнига сиртмоқ солиб бутхонага судрармиш. Буларнинг ҳаром қонини тўкиш савоб», деди.

«Мусулмон десанг, харом кетади бу сўз,— деб шивирлади катта саллалани бир киши.— Ахир хотин-қизларга паранжини шариат буюрган. Большевик дегани паранжигача ҳам душман экан, наузанбиллоҳ...»

Бабушкин минбарга кўтарилди. Шошмасдан салмоқ билан Қўқон шаҳри большевиклари номидан гапирди. Аввало у йстибдод, зулм, ҳақсизлик жабру жафо остида зор қақшаган меҳнат аҳлининг раҳнамоси, озодлик байроғини баланд кўтарган Ленин ҳақида, унинг таълимоти, мақсади ҳақида гапирди. Кейин Тошкентда бўлган инқилобни большевиклар партиясининг ҳақиқат, адолат учун олиб бораётган курашларини айтиб берди. Шўройи ислом ҳамда Қўқон мухториятининг кирдикорларини очиб ташлади. Бу кураш барча мамлакат халқларининг зулм ва ҳақсизликларга қарши кураши билан боғлиқ эканлигини обдон тушунтирди.

«Қўқонда подшо малайлари — бойлар, савдогарлар, руҳонийлар, меньшевиклар, эсерлар, кадетлар — чор ҳукумати сиёсатини давом эттиряпти. Уларнинг қорни тўқ, қайғуси йўқ. Озиқ-овқатларни каламушдек ертўлаларга яширишяпти. Юрт оч, болаларимиз ойни кўрса нон деб қўлларини чўзишяпти. Бунга ким тоқат қилади. Халқни бахт ва тинчлик соҳилига фақат большевиклар партияси олиб чиқади. Меҳнаткашларни зулмдан, хўрликдан, очлик балосидан қутқариш йўлида большевиклар жонини ҳам аямайди. Рус ишчилари доимо сиз билан бирга, оғайнилари!»

Бабушкиннинг сўзларидан таъсирланиб, анграйганича қараб қолган нуроний қария қотма жуссасини бир қўзғатиб, Бабушкиннинг сўзларини таг-заминига етиб-етмай дуо қилди. Атрофда «Тўғри гапиряпти!» деган хитоблар янгради.

Минбарга большевик Тошбой Урозбоев кўтарилиб, мухториятчиларнинг ярамас ишларини далиллар билан айтиб берди. Камбағалларни ҳушёрликка, озодлик душманлари бой, эски амалдорларнинг ифволарига қаттиқ зарба беришга даъват этди. Унинг сўзларини йиғин қизгин чапақлар билан маъқуллади. Шундан кейин ҳам ўнларча нотиқлар сўзга чиқиб, большевиклар партияси йўлидан боражакларини қатъий суратда арз қилдилар.

Зангори бахмал байроқ остида тўпланган бир гуруҳ зарбоф тўнли саллағўшлар ўртасига битта нақшин курсича келтириб қўйишди. Шу куни мачит жомеда бўлган Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивадан келган мусулмонлар қурултойида «сайланган» Туркистон муваққат мухторияти ҳукумати бошлиғи Мустафо Чўқаев бошида ихчам қилиб ўралган шоҳи салла, устида оқ банорас тўн, курсича устига чиқиб, Худоёрхоннинг офтобда ярақлаб турган ўрдаси пештоқига қараб турди. Аслаҳонада гармонлар ҳамон авжида, уларнинг қўйига бир неча қизил аскар жўр бўлиб, Ўрда тагини бошларига кўтаришарди:

Ҳой-ҳой отамиз,
Тошни кесар болтамиз,
Кимки бизга қарши чиқса,
Шартта-шартта отамиз...

Уларнинг бу шўхчанг ашулаларидан кейин салмоқли хитобномадек бошқа бир қўшиқ янгради:

Яша Шўро, яша Шўро!
Сен яшайдиган замон.
Ишчи ўғли шуҳратингдан
Балқисин рўйи жаҳон

— Муҳтарам қадрдонлар!— дея қичқирди бир маҳал Мустафо Чўқаев, қўшиқ, ўйин-кулги садосини бостирмоқчи бўлиб овозининг борича. Унинг айтгани бўлмади, темирўлчилар, шу пайтгача қовоқларини солиб турган ишчилар қизил аскарларнинг ашуласига жўр бўлиб қўшиқ бошлашди. Бу гулдурос олдида Чўқаевнинг овози йўқ бўлиб кетди. Лекин у энди очиқ дўқ-пўписага ўтди:

— Ҳой халойиқ! Мана, қаранглар! Туркистон мусулмонларига ғайридинларнинг назар-эътиборини кўринглар! Мамлакат қонун-қоидасига мувофиқ сайланиб, барпо этилган Туркистон мусулмонлари ҳукуматига ҳурмат шуми?! Йўқолсин большевиклар! Ўрдани ҳақиқий хўжаларига бўшатиб топширинглар! Акс ҳолда қурол кучи билан бўшатиб оламиз!

Одамлар гулдираб, ғовур-ғувур бошланди. Шу пайт минбарга Ҳамза кўтарилди, у овози тўлқинланиб:

— Ватандошлар!— деб хитоб қилди. Ғовур босилгандай бўлди. У фурсатдан фойдаланиб, салмоқ билан давом этди.— Асрлардан буён золим мустабидлар,

шафқат билмас бойлар қамчиси остида елкалари яғир бўлган мазлумлар! Мустафо Чўқаев жанобларининг бошдан-оёқ дағдағадан иборат гапларини эшитдингиз. Бу жаноб бизни яна ўша золимларга қул қилиб, қўлоғимиздан боғлаб бермоқчи. Уларга қарам бўлиб кун кўриш нималигини ўзларингиз яхши биласизлар.— У бир лаҳза тин олиб сафларга кўз югуртириб чиқди. Одамлар унинг гапларини жон қулоқлари билан эшитиб таётганликларига қаноат ҳосил қилиб, давом этди. Ҳамза Мустафо Чўқаевнинг, мамлакат қонун-қондасига асосан сайланган қонуний ҳукуматимиз, деган даъвосини чиппакка чиқариш учун жомеда сайлов куни Камолхон қозининг ғайрати билан қилинган қонли ифвони эслатди. Ушанда булар «Тўртинчилар» рўйхатининг комиссияларини уриб ўлдиришгача, сайлов ҳужжатларини йўқ қилиб ташлашгача борганликларини, бас, шундай бўлгач, ҳалиги «қонуний» дейилган еўзда мантиқ йўқлиги; бу — бир томони бўлса, иккинчидан, шаҳарнинг бошига Эргаш деган бало келаётганлиги, у Мустафо Чўқаевнинг ўзининг ҳам бошини еб, бутун русларга қирғин солмоқчилиги, шариат пепволарининг ниятлари, большевикларга аллақачон аён бўлганлиги — улар каллакесарлик билан ном чиқарган бир бетайинни Худоёрхон тахтига ўтқазиб, хонлар замонини барқарор қилмоқчи эканликлари, у қотил қанча лочинларининг бошларига етгани, башарти у хон бўлиб кўтарилиб тахтга ўтирса, катта шаҳар Қўқон кўшхонага айлантирилиши турган гаплиги — ҳамма-ҳаммасини айтиб одамларни қаттиқ огоҳландирди.

— Хўш, биз кимнинг йўлидан борайлик оғайнилар? — деди, у овозини кўтариб хитоб қилиб. — Содиқжон бойвачча, Миркомилбой, Камол қози, Потеляхов, Водьяев, Эргашга ўхшаган золимларга эргашамизми ёки ўз фарзандларингиз, жаллодларнинг ойболтасидан сесканмай, меҳнаткаш халқ бахт-саодати йўлига ҳаётини бағишлаган большевиклар йўлидан борайликми?

Кейин у Бабушкин ҳамда Степан Соколов каби ҳақиқий большевиклар ҳақида гапирди. Улар ҳозир шу ердалиги, большевиклар кимлигини, Шўро ҳукумати нималигини улар яхши тушунтириб бера олишларини, большевиклар зўравонлик, зулм билан бировнинг кучидан фойдаланиб бойлик орттирадиган текинхўрлар ҳокимияти учун эмас, балки Шўролар

ҳокимияти, яъни чинакам халқ ҳокимияти учун курашишларини, ҳар бир миллатда яхши ҳам, ёмон ҳам, золим ҳам, мазлум ҳам, оч ҳам, тўқ ҳам борлиги, большевиклар ана шу яхшилар, мазлумлар, очлар, умрида елкасига офтоб тегмаган бечораларни ҳимоя қилишларини, уларнинг қайси халқ, миллат, динга мэнсублигини суриштирмай барчани баравар кўришларини жўшиб гапирди. Кейин Фурқатнинг руслар ҳақида ёзган ғазалини ўқиб берди:

«Қадим айёр хонлар асрини кўрган, эшитганмиз,
Ҳар ойда бир тарафдан ёв чиқиб элга виён этди,
Бир-икки газ яшил чит найзага боглаб, алам айлаб,
Қўшин тортиб, неча ерларни торожу талон этди.
Қачон Русия халқи юз тутди Фарғона мулкига
Мусулмонларни ул турли балолардан омон этди».

— Баъзи фитначилар мусулмонлар билан ўрислар ўртасига нифоқ солишга интилиб, ўриски бор, ҳаммаси ёмон деб фитна уруғини сочишга жон-жаҳдлари билан интиладилар, соддадил одамларни йўлдан уришга уринадилар. Ўзингиз эшитдингиз, мавлоно Фурқатнинг ҳалол гапларини. Тўғри, ўрисларнинг золимлари бор. Большевиклар аввалида ўша золимларга қарши курашларда чиниқиб, фақат ўрис меҳнаткашларинигина эмас, бошқа халқларнинг мазлум табақасини ҳам озодликка олиб чиқишга қаттиқ бел боғлаганлар.

Энди мухториятчиларга келсак, улар тўғрисида мавлоно Завқий яхши айтганлар:

«Ўзидир бир фалокат, номидир исломия шўро,
Яна «мухторият» деб фитна шўришлар қилар пайдо.
Ажабки, роҳзан, ғаззоб қўрбоши эрур гўё,
Анинг журмини шарҳига қилурман ор, Фарғона...»

Ҳа, жаноб Мустафо Чўқаев, мана бунӣ ҳам эшитиб қўйинг:

Шундоқ қолурму, қолурму?!
Ҳамон ваҳшатда қолурму?!
Нафс, шаҳват қурбонлари,
Сизга ишониб бўлурму?
Туркистоннинг истиқболи
Сиз хоинларга қолурму?!
Қафасдап бўшалган ҳар қуш

Қайтиб ўзини солурму?
Қонхўр, золимлар, ўйлайсиз,
Мазлумлар сизга қолурму?
Сиздек, хоин жоҳиллардан
Мазлум халқ қутулурму?!
Қизил қонга бўйлмаган,
Қизил туғ тута олурму?!
Филҳақиқат жондан кечмай,
Жононга ета олурму?!

Ҳамза ваъзини тугатиб, ишчилар сафи томон таъвим қилди. Халойиқ бирдан дарёдек тошиб уни олқишлади.

Мухториятчилар безовталаниб қолдилар. Чунки Ҳамзанинг ҳалиги ҳаққоний гапидан кейин улар томонида турган меҳнаткашлар аста-секин тарқалиб, сафда юқори табақа аҳлининг ёлғиз ўзи қолган эди. Бу шармандаликка чидолмай, улар дод солиб, халқни дин, шариат номи билан қайтаришга уриндилар. Халқ бунга қулоқ осмагач, қўлларига тош, пичоқ олиб, ғазабларидан кўзлари ёниб Ўрда аскарларига, Ҳамза турган гуруҳга ташланмоқчи бўлиб ҳаракат қилдилар. Жоме мачитидаги сайлов кунини содир бўлган фожиа такрорланадигандек эди. Худди шу пайтда Ўрдадаги аскарлар замбарак, пулемётларнинг устидаги ниқобларни олиб ташлашди, уларнинг даҳанасини Ўрда майдонига пасайтириб «мухториятчи»ларга тўғрилаб қўйишди.

Зарбоф тўн кийиб намоёнликка чиққан салла-калла-лар бунини кўриб саросимага тушиб тўхтаб қолишди, қўлларидан тош, таёқларини тўғри келган томонга улоқтириб, бошлари оққан ёққа тумтарақай қоча бошлашди. Бир неча дақиқа ичида Ўрда майдонида, Ўрда девори тагида турган ишчилардан бўлак ҳеч ким қолмади...

Тўртинчи боб

УМАР ПОЛВОҢ

Миён Қудрат ҳазрат бошчилигида Туркистон ўлкаси, Бухоро ҳамда Хивадан келган вакиллар иштироки билан ўтган «Туркистон Муваққат ҳукумати» қажлисида Эргашни амирлашқар қилиш, уни шаҳарга олиб кириш ҳақида қарор қабул қилинганлиги, Исмоилхўжа,

Камол қори, Миён Қудрат ҳазрат ва Тўхтажўжа эшонлардан иборат казо-казолар унинг ҳузурига боришга вакил қилинганликларини эшитиб, қўрбоши ҳам, бу учрашув тараддудига тушиб кетди. У ҳам «оллога ёқай десанг азонинг, муллога ёқай десанг қозонинг бўлсин» дегандай, зудлик билан Қўқон атрофидаги ўзига қарам барча каллақесар тўдаларни Ҳазратшоҳ подшо мозорига тўплади. Зиёрат мавсуми бўлгани учун Қўқонда барпо бўлган янги «Туркистон ҳукумати» шарафига сайил чақирди. Барча қўрбошилари билан бирга ўзи ҳам мозоргоҳга келиб, Қўқондан ўз ҳузурига келган вакилларни тантанаю дабдаба билан кутиб олиш тадбирларини кўрди. Унинг шу чокқача бировга тиш ёрмаган машъум мақсади бор эди. Яъни, у амирлашқар мансабига мниб Қўқонга кириб олиш, дастлаб большевикларни тор-мор қилиб, Қўқон Урдасини қўлга киритиш, кейин уларга қўшиб ҳамма мухториятчиларни жазолашни, ниҳоят, ҳокимиятга даъвогарлардан бир йўла қутулиб, ўзини бугун Туркистон хони деб эълон қилишни кўнглига тугиб юрар эди...

Ана Қўқоннинг атлас қапа гумбир аравасидан эгиларида оқ банорас тўн, бошларида салла, уламо кўринди. Йўлларга қўйилган навкарлар зиёратга келганларни ҳайдашиб, аравага йўл очиб боришди. Эргашнинг бир неча отлик йигити араванинг олди-орқасида уни кузатиб келарди. Эргашнинг қўрбошилари: Кичик Эргаш, Эшмат бойвачча, Ислон полвон, Мирзагофир, Мадумар чўли ва пирмуршиди шайх Исмоил билан уларга пешвоз чиқиб, елкаларини тутиб, аравадан туширишди-да, оёқлари остига солинган пояндоз устидан тўппа-тўғри лангардор ҳаётга кириб, меҳмонхонага бошлашди. У ерда зиёфат дастурхони — нознеъмат, муздай қимиз уларга мунтазир турар эди.

Вакиллар билан зиёфат устидаги суҳбат узоққа чўзилди. Ушбу суҳбат ичида Эргаш билан уламолар ўртасида ғоят маҳфий бир режа тузилди. Унга кўра: биринчидан, камбағаллар ҳукумати тан олинмади. Иккинчидан, калтадум мухториятчиларга ҳам барҳам бериш «савоб»лиги таъкидланди. Учинчидан, вакиллар унинг — «худонинг ердаги сояси»нинг дуойи жонини қилиб, ҳар бир амру фармонига шикасталик билан қойим туришга қўлларига қуръонни олиб, онг ичдилар. Ниҳоят, Эргаш уламоларининг «йиғлаб, қайта-қайта қилган илтижоларидан кейин» хон бўлишга

«розилик билдирди». Лекин бу ҳали қаттиқ сир эди. Уламо намозга турди.

Эргаш қулдирашиб чилим чекди, сўнг қўш пар-ёстикни бағрига тортиб ширин ўй сурди.

Уламо ҳадемай уни оқ кигизга ўтиргизиб хон қилиб кўтаради. Қимсан—Эргашхон! Белида олтин камар, эғнида зарбоф чопон, узангиси ўйма олтин, қуюшқони қўйма олтин жабдуқли арғумоқ ҳозирлаб кўйилган. Миён Қудрат ҳазратнинг айтишига қараганда, Худоёрхон ҳамда унинг яқин иноқлари, саркардалари — Қосимхон мингбоши, Ниёзбошилар ўта бағритош, шафқат билмас одамлар бўлишган экан. Худоёрхон шунинг учун ҳам узоқ замонлар қайта-қайта тахтга ўтириб, даври давронлар сурган экан. У мабодо уйқусида босинқираб уйғониб кетса, янги сўйилган одамнинг иссиқ қонидан олтин косада дарҳол бир неча қултум симириб оларкан. Қон юрак ўйноғини босармиш...

Худоёрхоннинг билгани билган. Душман битта бўлса ҳам кўплик қилади. Уни қуришиб ташлаш даркор. Бўрига ем бўлгандан кўра, ўзинг бўри бўлганинг маъқул-да! Ҳа, Эргашхон ҳам... агар Худоёр қипчоққа қирғин солган бўлса, Эргашхон худо хоҳласа, ўрисларни, диндан чиққан мусулмон большевикларнинг бешикдаги гўдагигача битта қўймай тирдан ўтказди.

Мана куни кеча, бундан бир ҳафта олдин, Ўуст шаҳрига ўт қўйиб, ибрат бўлсин учун, бозорнинг қоқ ўртасига дор қурдирди. Икки юздан зиёд ўрис, мусулмон большевикларни осди, отди. Икки юзта душманидан халос тошиб, хос хобгоҳида ўн тўрт-ўн беш ёшдаги икки паризод билан, уларнинг дод-войига қарамай, кўнгли истаганча айш-ишрат қилди. Ўша куни эртасига Наманганнинг парилар макони Олмос қишлоғида ўн беш ёшдаги қирқта қизни катта тўй қилиб, қирқта йигитига никоҳлаб берди. Кейин тинчгина ухлади.

Яна бир гап. Худоёрхоннинг катта ҳовузи бўларкан, бодомқовоқ, юпқа томоқ кийик кўз, асал сўз қирқта қиз шу ҳовузда эғниларига юпқа докадан кўйлак кийиб, чўмилишар, хон бўлса, дарчадан томоша қилар, қизларга олма ташлар экан. Улар қий-чув билан олмани талашар эканлар, кимда ким қизил олмани тутиб олса, шу кеча хон ўшаники бўларкан...

Ҳа, Эргашхон ундан ҳам катта ҳовуз кавлатади. Бугун-эрта у Худоёрхоннинг ўрдасига киради, аммо вақт-соати келганда Худоёрхон солган ўрдани лашкархона қилиб, ўзи шундай бир хон саройи қурдира-

дики, турк султони, эрон шоҳи, Бухоро амири овозасини эшитиб, ҳасаддан ёниб кетишсин, Қўқон, Тошкент, Андижон, Наманган, Марғилон шаҳарларида Худоёрхоннинг отнинг калласидай олтинлари, сандиқ-сандиқ ёмбилари, гавҳарлари, олтин уқали жияклар тутилган кимхоб чопонлар, тоза гиламлар, ҳорижий юртлардан келтирилган нодир инъомлар билан тўлиб-тошган хазиналари бўлган эмиш...

Эргашхон шундай хазина тўпласинки, бунақасини амир Темур ҳам кўрмаган бўлсин...

Эргаш май кайфини суриб, ана шундай палағда ўйлар оғушида ғарқ бўлиб ўтирар, фил суягидан қилинган тишқавлагичини хиландондан олиб, гоҳ-гоҳ тишини кавлаб қўяр, лекин бу иши ширин хаёлларига халақит бермасди.

Уламо пешинни ҳам адо этиб, келиб ўтиришди. Улар бугун беҳад шод ва мамнун эдилар.

Эргашнинг кўнглида бошқа бир туйғу бош кўтарди. У ўзининг душманга шафқатсизлигини уламога кўрсатиб қўйгиси келиб қолди. Унинг одамлари орасида айғоқчилик қилиб юрганлардан иккитаси қўлга тушгани ҳақидаги хабар қулоғига чалиниб қолган эди. Дарҳол Қора Қоплонни йўқлатди.

Эгнида калта қизил чопон: оёғида баланд пошнали ағдарма этик, белига дудама таққан, турқи совуқ Қора Қоплон кириб таъзим қилди.— Нима гап Қора? — деб сўради Эргаш ундан.

— Амрингизни бажо келтирдим, додхоҳ!

— Олиб кир!

Қора Қоплон таъзим қилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан қараб қолган Эргаш мақтанди:

— Содиқжон бойвачча жудаям танти одам-да. Ўнта бешотар, ўнта от билан шу йигитни хизматимга юборибди.

— Инъом қилинган ҳар бир нарса дини исломга қувват бўлади, додхоҳ. Ҳай, ҳай, илоҳо бойваччанинг давлатлари бундан ҳам зиёда бўлмай, — деди Миён Қудрат Эргашнинг кайфиятини қувватлаб. Шу пайт қўллари орқасига чилвир билан боғланган, бўйнига арқон солинган, юз-кўзлари қон, уст-бошлари титилиб кетган икки бандини Қора Қоплон икки навқари билан олиб кирди.

— Таъзим қилиш, аблаҳлар! — дея ўшқирди у, бандиларга қаҳр билан. Улар бошларини баланд кўтариб, чурқ этмай туравердилар.

Чап қўлининг билагига така қилиб, қорадорининг кайфини суриб пинакка кетган ҳазрат Қора Қоплоннинг овозидан бирдан ҳушёр тортиб сўради:

— Булар ким?

— «Тўртинчи» деган мана шулар бўлади,— деди Қора Қоплон гердайиб. Бандиларнинг аянчли аҳволларини кўриб, ҳазратнинг дами ичига тушиб кетди. Унинг бу ботиний аҳволини сезган Эргаш лоқайдлик билан киноя қилди:

— Аф-башараларини пардозлаб ташлабсан-ку, Қора.

— Бу ҳали оз буларга. Гуноҳлари катта, додхоҳ!

— Тўғри айтасан, Қора, большевойни етти пуштидан етмиш пуштигача қамишга ўлчаб қирқамиз ҳали худо хоҳласа.— У бу гапларни ҳоким мутлақларга хос ишонч ва қатъият билан айтди.

Миён Қудрат бандиларга тикилиб туриб, ажабланганидан қичқириб юборди:

— Манависини таниб тургандайман. Астағфирулло, астағфирулло! Ахир бу Содиқжон бойваччанинг мирзаси-ку! Ҳой, менга қара, сени қандай жин чалди, Олчинбекмисан? Во ажаб!

Эргаш Қора Қоплонга савол назари билан қаради.

— Гапир!

— Бу Олчинбек аблаҳ одам чиқди. Большевойларга пулга сотилиб, диндан юз ўгирди. Кеча Қўқон бозорида бу иккиси айғоқчилик қилиб юрганларида қўлга тушганлар,— деди Қора Қоплон хотиржамлик билан.

— Бу — Содиқжон бойваччанинг заводиди ишлаб ризқини териб юрган рабобик Умар полвон дегани. Аммо имонини «тўртинчи»ларга сотган. Ҳамза деган лаънатининг яқин ошнаси.

— Э, танидим, танидим,— деди шу пайтгача жим ўтирган шайх Исмоил.— Кофир Ҳамза «Мухторият ёки автономия» деган бир расво томошани битиб эди. Уша томошада Миён Қудрат ҳазратимни тақлид қилиб, бу кишининг қиёфасига кириб эл кўзида масхара қилган худобехабар мана шу Умар полвон бўлади.

— Мени масхара қилган бўлсанг, илоҳо рўзи маҳшарда гўрингдан тўнғиз суратида тургайсан, малъун,— деди Миён Қудрат ҳазрат жабрдийдалардек синиқ овоз билан. У ўзини атайин мунгли кўрсатаётган эди, дарҳол ўз таъсирини кўрсатди:

— Хўш, нега ҳазратни масхара қилдинг?— дея Удағайлади Эргаш пишқириб. Уртага оғир жимлик чўкди. Умар полвон бошини кўтариб, Эргашга тикилганича индамай турар эди. Эргаш эса, боши милтиқ қўндоғи билан ёрилиб, юз-кўздан оқиб тушиб, соқол-мўйловида қотиб қолган қонга, кўкариб шишиб кетган қовоқларига кўзларини қадаб туриб, Умар полвоннинг кўзларида бирдан яраланган арслоннинг омонсиз ғазабини кўрди.

Умар полвон Эргашни бошдан-оёқ кўздан кечирар, унинг кўз олдида илгариги ўғрибоши эмас, устида малла чопон, бошида оқ шоҳи салла, эшон қиёфасидаги салобатли бир авлиё гавдаланганидан ичида кулиб, ўйлаб кетди: «Танимаган киши уни ҳазрат эшон деб оёғига йиқилади. Қизиқ, энди бу каллакесар ҳам эшон либосига ўралиб, яна халқ бошига балолар ёғдириб, гуноҳсиэларнинг қонларига яна зомин бўлади шекилли. Миён Қудрат ҳазрат, Камолхон тўра, Исмоил мутавалдилар унинг пинжига кириб олибдилар. Ё тавба! Кечагина «ўғри» номи билан лаънатланиб юрган бир бетайин кимса бирданига шу мартабага чиқиб ўтирса, юрнинг шариат пешволари унга юкунсалар? Во ажаб!»

Бир вақт Миён Қудрат ҳазрат бошини кўтариб томоқ қирди-да, Умар полвонга қаради.

— Гуноҳинг катта экан,— деди у таассуфлангандай. Атрофидагилар унинг оғзига тикилиб қулоқ солиб туришар эди. У муғамбирона кўзларини Эргаш томон бир ташлаб олиб, салмоқланиб давом этди.

— Вақтики, ушбу гуноҳингни савоб иш билан ювсанг, бир қошиқ қонингни додхоҳдан тилаб оламиз. Хўш, нима дейсан?

Яна жимлик чўкди. Умар полвоннинг хаёллари чувалиб кетди. Ҳамма унга тикилиб турар эди. Умар полвон бир фурсат каловланиб турдида, ўзини йиғиштириб олиб, ҳазратга қаради.

— Нима билан юваман, ҳазратим?— дея сўради у бўғиқ асабий овозда.

— Ҳамзанинг қони билан!

Умар полвон бу иборани эшитиб, титраб кетди.

Гапга Эргаш аралашди, ҳазратнинг ҳалиги томдан тараша тушгандай гапини қувватлаб тушди.

— Ҳа, Ҳамзанинг калласини кесиб келтирасан. У ўлса битта ошхўр жомадароз кам. Сен эса, қўрбошим бўласан. Ганжиравонни сенга бераман, сўраб ётасан. Ейиш-ичишдан каминг бўлмайди. Хоҳлаганингни ўл-

дириб, хоҳлаганингни тўйдириб, истаган қўнғир сочли таннозлар билан айшингни суриб, беш кунлик бевафо дунёда ўйнаб-куласан. Бунинг устига Ҳамзанинг калласи учун нақд бир халта олтин бераман.

— Мен икки халта олтин бераман!— деб юборди ҳазрат ғайратланиб. Камолхон тўра ҳам бу савобдан четда қолишни ўзига эп кўрмади. У ҳам Умар полвоннинг тушига кирмаган нарсаларни ваъда қилди.

— Мана, қўлимга қуръон олдим. Бу улуғ зотлар олдига мана шу қуръон билан онт ичаман, дегин,— деди Эргаш унинг кўзларига қаттиқ тикилиб.

Умар полвон ўйланиб қолди, анчадан кейин тилга кирди:

— Қуръон табаррук китоб, уни хор қилиш гуноҳи азим. Шундай эмасми, ҳазратим,— деди у овози титраб. Бу овоздаги изтироб, алам ва ғазабни «олий зотлар» сезмади, албатта. Шунинг учун ҳам ҳазрат Умар полвоннинг қуръон тўғрисидаги сўроғини қуруққина қилиб тасдиқлаб қўя қолди:

— Шундоқ, бўтам, шундоқ.

Полвоннинг алами ичига сиғмай, ғазабидан титраб кетди. У ўзини қўлга олиб, совуқ бир илжайиб қўйди-да, Эргашга қараб дона-дона қилиб деди:

— Бўлмаса, майли, ҳамма гапни айтаман. Факат битта шартим бор.

— Айт шартингни!

— Шундай азизлар ўтирган табаррук хонани битта муртад, вужуди ириб, чириб кетган ит ҳаром қилиб турибди. Шунинг калтаклаб ҳайдаб чиқаринг. Сизга айтадиган яширин сўзларимни эшитмасин дейман.

Эргаш бу гапдан жонланиб кетиб, сўради:

— Ким у?

— Мени ҳақ йўлдан оздирган шайтони лаъин!

— Ким?

— Мана бу масхарабоз!— Умар полвон ўтдай чақнаган кўзларини Олчинбекка тикди.

— Умар полвон! Улуғворлик сотма, ярамас, нима деб пинғиллаяпсан,— дея қичқириб юборди шу дамгача серрайиб турган Олчинбек безовта бўлиб.

— Нима дердим, мунофиқ! Сенинг ҳақиқий башарангни кўряпман.— У бир лаҳза жим қолиб, кўнглидан шу гапларни ўтказди: «Афсус... Кўзим кеч очилди. У ёқда Бабушкин, Степан, Ҳамзахонлар сени Содиқжон бойваччадан зулм кўрган, Эргашнинг қийноғига дучор бўлган инқилобчи зиёли сифатида

эслашади... Сенинг оғзи қон бўривачча эканингни билишмайди. Устингдаги қўй териси билан ҳали большевиклар сафига ҳам ўтасан, катта мансабларда ҳам ишларсан, кўп зараркунандалик кўрсатарсан... Аттанг... Қани энди мўъжиза юз бериб, мана бу балслар қўлидан омон чиқсам..»

Унинг хаёлларини Эргашнинг шанғи овози тарқатиб юборди.

— Ахир буям тўртинчи-ку!— деди Эргаш тиржайиб. Умар полвон ўзини гўлликка солиб, ҳийла ишлатди.

— Мен содда, художўй бир намозхон, мусулмон эдим. Мени ҳақ йўлдан оздириб, «тўртинчи»ларга ўтказган, бошимга шундай кулфатларни солган шу иблис. Агар унинг олдида сизларга большевойларнинг сирру синоатини айтсам, у бу гапларни уларга етказмайдами? Ана унда уйим куяди-ку, менинг ахир!

— Нималар деб алжираяпсан, Умар!— деди жиғибийрони чиқиб Олчинбек.

— Қора!

— Лаббай, додхоҳ!

— Олиб чиқ. Соқига топшир!

— Айланай додхоҳ!.. Ахир мени...— хўнграб йиғлаб юборди Олчинбек жаллоднинг номини эшитиб. У ўзини Эргашнинг оёғи остига ташлади. Қора Қоплон навкарларидан биттасига ишора қилган эди, у Олчинбекнинг елкасидан шаппа ушлаб ташқарига судраб олиб чиқиб кетди. Буни кузатиб турган Қора Қоплон кайфи учиб «секин торт, аблаҳ!» деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Умар полвон бу ҳодисаларни кузатиб турарди. Қора Қоплоннинг навқарига қилган зардасини эшитиб, асабий истеҳзо билан «масхарабоз» деб қўйди ичида.

— Мана, шартинг ҳам бажарилди, полвон,— деди Эргаш унга қадалиб.— Гапир энди. Ҳа-я, тик турибсан? Дастурхонга ўт, нондан е. Қорин ҳам очдир.

— Қани нон?— деб қолди Умар полвон тўсатдан.

— Ия, кўрмаяпсанми. Ана, дастурхонда турибди-ку!

— У қон-ку!

Ҳеч қим бундай гапни кутмаган эди, буни эшитиб бир-бирига қараганча қотиб қолишди. Уламо: «Қалтак зарбидан мияси айниб қолибди», дегандек бир-бирларининг қулоқларига шивир-шивир қилишди. Эргаш эса, ўтирган жойида бир сапчиб тушди, лаби пириллаб, юзлари кўкариб кетди.

— Нима дединг, «тўртинчи!» Яна бир қайтар, ит?!— деб ўшқирди Умар полвонга қараб бақрайиб.

Умар полвонга энди барибир бўлганлиги учун совуққонлик билан қоядай савлат тўкиб турарди. Эргашнинг дағдағасига мийиғида кулди-да, лоқайдгина жавоб қилди:

— Деганимни дедим-да, «саккизинчи» жаноблар! Ростданам бундоқ зеҳн солиб қаранглар. Мана бу нарса кабобми? Йўқ, қон! Анави товоқдаги нарса паловми? Йўқ! Қон! Нон ҳам қон! Ҳазратим, дастурхондан қўл торгинг. Ҳаммангизнинг оғизларингиз қон. Саллачопонларингиз ҳам қон-ку! Биласизми, сайлов кун жомедаги ур-йиқитда сачраган бўлса керак бу қон. «Савоб»дан қолмай деб ўзингиз ҳам тош отган экансиз-да, ўшанда, тақсир?!

— Ё оллоҳ! Бу иблис нима деб алаҳляпти ўзи?— деб гижиниб қўйди ҳазрат атрофига олазарак бўлиб қараб. Умар полвон тобора қизишиб давом этди. У энди шайх Исмоилга сочарди заҳрини.

— Сиз нажосатга харис Исмоил хўжам, ғазабингиз авжига миниб оллонинг беғуноҳ бандаларини ҳожатхонага ташлатдингиз-а, ўшанда зарбоф тўнингиз булғаниб қолган бўлсаям, ҳамон кийиб юрибсиз. Шу аҳволда худои таоллонинг фарзларини қандай адо этияпсиз?!

Исмоил хўжанинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди-да, чидолмай бақариб юборди:

— Бизни мунча хор қилдирмасангиз, нега бунга жим қараб турибсиз? Филҳол тилини кесдиринг, қулогимиз тинсин!

— Жаллод!— дея қичқирди Эргаш.

Соқи жаллод кириб таъзим қилди.

— Бу иблис уламои киромни ҳақорат қилди. Ҳазратим кўз олдида ўша ҳақорат қилган заҳарли тилини кес!

Жаллод қўлида илон тилига ўхшаган катта пичоқ, Қора Қоплоннинг кўмагида Умар полвонга ташланиб, «додхоҳга таъзим қил, ярамас!» деб хириллади.

Умар полвон чўяндек кўкрагини кериб, қоядек қоғтиб тураверди. Мушукка ўхшаб кўзини сузиб, тасбеҳ ўгириб ўтирган ҳазратнинг пичоқни кўриб, эсхонаси чиқиб кетди.

— Йўқ, йўқ! Мен дод-войни эшитолмайман, ҳовлига олиб чиқилсин, деди у капалаги учиб.

— Ҳазратим!— деди Умар полвон, учириқ қи-

либ,— қўрқманг. Номим Умар полвон, дод солиб ўғридан шафқат сўрашга ор қиламан...

— Таъзим қил, бошингни эг, аблаҳ!— деб қамчи солди Қора Қоплон. Умар полвон бош эгмади, ғазаб тўла кўзларини Эргашга қадаб, ғоз тураверди. Эргашнинг ҳам юзидан қон қочди. Бурун катаклари керилди, кўнгли бўридек увиллади.

— Ислом, мен бу итнинг вангиллашини эшитмоқчиман, жонини кўзига бир кўсатиб қўй,— деди ғазабдан кўзининг пахтаси чиқиб кетган Эргаш. Ислом қўрбошининг ишораси билан тўртта давангидай жаллод Умар полвоннинг қўлларини қайириб, бошини таъзимга эгмоқчи бўлишар, лекин эвини қилишолмасди. Умар қаттиқ бир силтаниш билан тўрттовини ҳам ағдариб ташлади, тўрт жаллод ёнига яна иккита маймун афт, хумкалла, юзлари чандиқ босмачи мададга келди. Умар полвоннинг панжаларини қайириб, қарсиллатиб синдиришди, юзини ханжар билан тилиб, бир қўлини кесиб, терисига илинтириб қўйишди. Унинг аъзойи бадани қонга беланди, шунда ҳам «вой» демади. Эргаш ич-ичидан зил кетиб, «ҳатто йнграмаса-я, агар менинг қўрбошиларим шу ўрисга сотилганга ўхшаган мард бўлганларида қанийди», деб кўнглидан ўтказиб қўйди ва унга ҳавас билан қараб қолди-да, бирдан «тугатинг!» деб юборди.

Бош жаллод Умар полвоннинг чап оёғига қилич солди, яна биттаси келиб, чап кураги остига ханжар ботирди, бу етмагандек, бошқаси келиб, калласига мисранг билан урди. Умар полвон ҳазрат томонга қараб йиқилди. Ҳазрат, назарида, у ҳозир ўрнидан туриб, ёқасидан оладигандек, ўзини орқага ташлаб, додлаб юборди.

— Бу одам эмас — бўри. Бўри шунақа, қанча калтакласанг ҳам миқ этмай тураверади. Вас қилинг, одам қонига қаролмайман, кўнглим айниб кетяпти,— деди аранг ихраб-сихраб.

Бешинчи боб

ХОНЛИККА ДАЪВОГАР

Эргаш Қўқонга кириб, ўз қароргоҳини Қўқонсойнинг бериги бетигаги Бойбута кўприги олдига, яъни собиқ Шоиноят қўрбошининг маҳкамасига қурди. «Амиралмуслимин» ёки «амирлашкар»нинг қўшини

эски шаҳардаги мадрасаларнинг ҳужраларига, карвонсаройларга жойлашди. Эргаш қароргоҳининг орқа томони Хўжанд кўчасининг бош қисми, Ғиштлик маҷит, вокзал, Розенбах кўчаларини, ёғ заводи, Водьяев заводи ва темир йўлни қуролли ишчилар сақлаб турардилар. Урданинг бир тарафидан Эргашнинг хос йигитлари Ғишткўприк, армани ҳамда яҳудий маҳаллалари оралаб русларнинг шаҳар ибодатхонасигача таҳдид солиб турсалар, бир қисм навкарлари Катта чорсудан тортиб Чалчиқ гузаригача ўзлариники қилиб олишган, Эшмат бойваччанинг каллакесарлари эса, Янги чорсу, Чархидевона ва Шайхулислом гузаригача ўраб, камраб туришарди. Ислом қўрбошининг йигитлари вокзалнинг орқа томони, Қайнар, Найманча, Ғозёглик қишлоғигача эгаллаб, шаҳарнинг ташқарисидан туриб темир йўлга зарба беришга тайёр турардилар. Хуллас, эски шаҳар билан янги шаҳарни ажратиб турган Қўқонсой икки ҳокимият ўртасида чегарага айланиб қолган бўлиб, иккала шаҳарни бир-бирига туташтирадиган Ғишткўприкнинг бир томонида «Шўройи исломия», иккинчи томонида «Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи»нинг қуролли соқчилари турарди. Уламо тарғиботи ва қутқуси натижасида эски шаҳар Тўқмоқ, Пишпак, Хўжанд, Наманган, Марғилон, Ўш, Асака, Жалолобод ва Андижондан «Шўройи исломия» ҳимоясига оқиб келаётган қаландарлар, дарвишлар, савдогару қиморбоз, каллакесарлар билан тўлиб тошар, ҳар икки тараф ўртасидаги вазият тобора кескинлашиб борарди.

Ишчиларнинг қуролли кучлари ўз заводларида, темирйўлчилар ҳам ўз жойларида, мусулмон меҳнаткашлари иттифоқ аъзолари эса, темирйўлчилар ва завод ишчилари қаноти остида ўз паноҳларига эга эдилар. Лекин «мухториятчилар қўшини» жуда танг аҳволда қолган эди. Қиш қаттиқ бўлгани учун мадрасаларнинг ҳужралари ва саройларда совқотиб, улар орасида тартибсизликлар бошланиб кетган эди. Эски шаҳар аҳолиси бундан безор бўлиб, халқ орасида ўғриларга қарши норозилик тобора кучайиб борди, ҳатто давлатмандларнинг ўзлари ҳам Эргашнинг бу бебош оч бўриларига тоқат қиллолмай қолдилар. Шу тариқа «мухториятчилар» ўртасида парокандалик вужудга келганди. Мухториятнинг бундан хавотирга тушиб қолган раҳнамоларидан Мустафо Чўқаев ҳамда Муҳаммадҷон Тинчибоевлар Эргашни ўз ҳузурларига

чақирдилар. Эргаш билан Қўқон Ҳрдасига қилинади-
ган ҳужум ҳусусида маслаҳатлашган бўлишиб, ўзла-
ри тайёрлаган ҳужум планини Эргашга ўқиб эшиттир-
дилар. Унга кўра, ҳужумда қўмондонлик «ҳукумат»
қарбий нозири Меҳди Чанишевга топширилган, режа-
ни амалга оширишни у бошқарар эди. Бу Эргашнинг
иззат-нафсига тегди. Ахир у ўзини амирлашкар деб
ҳисобларди-да! Шунинг учун ҳам у ҳужум қилишни
ўзига топширмай, «миллий аскарлар»га топширилиши
сабабини ўзича фаҳмлаб, заҳарли тиржайиб қўйди,
лекин сир бой бермади, режани «мамнунлик» билан
қабул қилди. Аммо ичида уларни «хап, саними!» деб
яниб қўйди...

Эргаш Мустафо Чўқаев билан Меҳди Чанишевнинг
режасини қароргоҳида ўз яқинлари билан мулоҳаза
қилиб кўришини айтиб, уларнинг иззат-ҳурматларини
жойига қўйиб жўнаб кетди...

* * *

Еттисувда казаклар билан рус қулоқлари ҳам бу
пайтда жим ётмасди. Ашхобод—Самарқанд районида
эса, казак полклари билан жанглар борарди. Бунинг
устига Самарқандда саккиз минг чехословак асирлари
бўлиб, уларни саккиз киши қўриқлаб тўрарди. Қўқон
мухторияти бу асирлардан ўз манфаати йўлида фой-
даланиб, советларга тазйиқ кўрсатиш йўлига ўтди.

Қўқон совети эса, қўшин тузиб, гарнизонни ўттиз
уч кишига етказди, ишчиларни ҳам қуроллантирди.
Сўнгра Тошкентдан аскар ва қурол сўрашни мўлжал-
лади.

Мухторият Қўқондаги аҳволни яхши биларди. Шу-
нинг учун ҳаракатга ўтиб, қалъа бошлиғи, собиқ офи-
цер Зинченкони қалъани жангсиз топширишга кўн-
дирди. Қалъада озгина одам турар, унга кириб чиқиш
бемалол эди.

11 январдан 12 январга ўтар кечаси соат учларда
бир тўда номаълум одамлар қалъага келиб, дарвозани
тақиллатишди. Соқчи ҳужум бўлишини хаёлига ҳам
келтирмай, дарвозани очди-ю, ўша заҳотиёқ ўлдирил-
ди.

Ўқ овозидан қалъадагилар уйғониб кетиб, ҳимоя-
га ўтишди. Аксилинкилобчилар дош беролмай, тум-
тарақай қочишди. Қалъа тозаланди.

Ўша куни эрта билан қалъада Қўқон мухторияти
ҳукуматининг аъзоси Шоаҳмедов қўлга тушиб қолди.

Маълум бўлишича, қалъага ҳужум пайтида у Зинченко билан бирга экан.

Оқ гвардиячилар айна пайтда Бабушкин квартирасига ҳам ҳужум қилган эканлар.

Бабушкиннинг квартирасини биттагина қизил аскар қўриқларди. Душманлар қоровулни ўлдиришади, кейин эса, эшикни бузишга тушишади. Бабушкин бундан гангиб қолмай, хотини иккови улар билан уч соат отишади. Оқ гвардиячилар тонг отганда чекинишга мажбур бўлишади. Эр-хотин каравот тагига яширинган қизчаларини олиб, кўчага чиқишади. Шу чоқ Потеляхов пахтачилик фирмасининг ишончли вакили Смирнов билан извошда ўтиб қолади. Бабушкин тўппонча ўқталиб, уларни туширади-да, извошда станцияга бориб, Степан Соколовнинг уйига жойлашади.

Мухториятчилар телефон станциясини эгаллаб, Қўқоннинг бошқа шаҳарлар билан алоқасини узиб қўядилар.

Мухториятчилар қалъа, телефон станцияси, Бабушкинни қўлга олиб, Қўқон советини тор-мор этишни режалаштирганди. Шундан кейин эса, буржуазия, чиновниклар ва қора гуруҳлар мададида Скобелев билан Андижонга, шу тариқа бутун Фарғонага чанг солиш ва ниҳоят, Тошкентни олиб, Дутов билан кўшилишни ўйларди. Лекин телеграф симлари узиб ташланган бўлса-да, шаҳарда отишма бошланиши биланок аксилинқилобчилар бош кўтаргани ҳақида дарҳол Тошкент, Скобелев ва Андижонга хабар етиб борди.

Эрта билан станцияга Совет ҳокимиятининг актив тарафдорлари тўпланишиб, вазиятни муҳокама қилишади, ревком тузиб, ҳокимиятни унга топширишади. Ревком составига Бабушкин, Соколов, Месхи, Ҳрозбоев, Коновалов, Рилов, Нишон Ризаев, Смирнов, Назир Тўрақулов, Сазанов ва Ҳамза Ҳакимзодалар киритилади.

Ревком аҳволни билмоқ учун Степан Соколов, Нишон Ризаев, Топбой Ҳрозбоев ва Мусахоновларни эски шаҳарга юборади. Олдин улар телефон станциясига киришиб, эски шаҳарни узиб, янги шаҳарни улашни буюришади. Буйруқ бажарилади. Кейин бу ерга ўн икки кишилик соқчи қўйилади.

Темирўлчилар тўпланганларидан кейин шаҳар ишчилари ҳам йиғилишди. Бу ерда уларга қурол тар-

қатилди. Шу тариқа яхшилаб қуролланган ишчилар сони тўрт юз кишига етди.

13 февралда Қўқонга Скобелев билан Андижондан 120 киши мададга келиб қолди. Кўп ўтмай Перовскдан саксон киши етиб келди. Бундан Қўқон гарнизони ўзини анча ўнглаб олди.

17 февралда Қўқондаги Совет ҳокимияти билан мухторият раҳбарларининг расмий музокараси бошланди. Ревком то Тошкент ва Самарқанддан мадад етиб келгунича очиқ тўқнашувга йўл қўймай турди. Музокарада советлар томонидан 27 киши (буларнинг ичида Соколов билан Ҳамза ҳам бор эдилар), мухториятчилардан 24 киши қатнашди.

Бу орада Ўрдага бир неча бор ҳужум қилинди, лекин натижа чиқмади. Бундан норози бўлган Миён Қудрат, Камол қози ва шайх Исмоил сингари шариат пешволари Эргашнинг мустақил ҳаракат қилишини талаб қилдилар. Бунда, айниқса кашмирлик дарвиш жонбозлик кўрсатди. Улар мухториятнинг бўштовлиги ва ҳарбий нозир Чанишевнинг «латта»лигидан хуноб эдилар. Шунинг учун ҳам вазиятдан фойдаланиб қолишга уриндилар...

Тўнтариш кўз очиб юмгунча юз берди. Эргаш Чанишевга қўшиб бошқа министрларни ҳам қамоққа олди. Чанишев отрядидаги рус офицерлари ҳам четда қолмади. Мустафо Чўқаев билан ҳукуматнинг баъзи бир аъзолари қочиб қолишди.

Ҳокимият Эргашга ўтган бўлса-да, амалда «уламо» жамиятининг Миён Қудрат ҳазрат, Камол қози, Исмоил мутавалли каби пешқадамлари қўлларида эди.

Уламо исёнидан кейин шаҳардаги меҳнат аҳли Советлар томонига бутунлай ўтиб олди.

Пайшанба куни киргин-барот бошланди. Эргаш қўрбошининг укаси — кичик Эргаш юзга яқин йигити билан шаҳар касалхонаси ва сой орқали ўтиб, собиқ «треугольник» ширкати биносининг томига жойлашиб олди-да, майдонни ўққа тутди. Қалъадан чиққан киши борки жони ўққа илинаверди.

Қўрбоши «қалъани душанба куни забт этаман», деб уламога ваъда қилди.

Камол қози қалъадаги большевикларнинг нафаси ўчди, ўқ-дориси тугади, деб башорат қилди. Уламога жон кирди; такбир айтишди, шодликдан йиғлашди ҳам. Бироқ шанба куни ярим тунда станция томондан тўп овози эшитилди. Бу Самарқанддан тўрт юз киши-

лик полкнинг тўп-тўпхоналар билан етиб келганлигидан дарак эди. Полк станцияда қарор топди. Командирлар қалъага етиб келгач, қаттиқ жанглар бошланиб кетди. «Треугольник» биносига тўп ўқи тушиб кичик Эргашнинг йигитлари тумтарақай бўлиб қочишди.

Бу орада Тошкентдан ҳарбий комиссар Перфильев бошчилигидаги ҳарбий қисмлар ва қурулланган ишчилар етиб келишди. Перфильев Эргаш шайкасини ҳарбий куч билан тугатишга қарор берди.

19 февралда қўмондонлик Эргашга таслим бўлишни таклиф этди. Қўрбоши эса, буни рад этди, тўғрироғи, бунга уни мажбур қилишганди.

20 февралда эрта билан пиёда аскарлар эски шаҳарга ҳужум бошлашди. Эргашнинг буйруғи билан Қўқон ёндирилди, таланди. Ҳатто соч қўйган, «рум ёқа», қўйлак кийган одамни ҳам «тўртинчисан» деб отиб, чопишди. Шаҳар ўт ва қон ичида қолди.

Уша куни Намангандан юз кишилик большевиклар дружинаси Қўқонга ёрдам бериш учун шошилишч поездга ўтирди. Темир йўлни бузиш учун юборилган кичик Эргаш отрядга дуч келиб, ўртада жанг бошланиб кетди. Ана шу жангда кичик Эргашнинг ўлдирилганидан хабар топган Эргаш қўрбоши «Иш тамом, оллоҳу акбар!..» деди-ю жуфтаси ростлаб «Бачқир қишлоғим, қайдасан!» деб қочиб қолди. Эргашнинг йигитлари эса қурулларини яшириб, тўғри келган томонга тирқирашди.

Қўқон мухториятининг умри шундай тугади. Бироқ у босмачилик ҳаракатини мерос қолдириб кетди. Босмачилик ҳаракатининг кўлами эса мухториятга нисбатан анча катта эди...

Хўш, Содиқжон бойваччанинг тақдири қандай бўлди?

Олгинчи боб

БҮРИНИНГ ҲИМИ

Эргашнинг каллакесарлари Қўқонни талаб, вайрон-валангир қилишди. Қатор расталар, баланд тимлар, катта-катта дўконлар, гиштин бинолар шафқатсиз суратда ёндирилди. Аҳоли эса, тўғри келган тарафга жонини олиб қочди.

Бу қиргинбарот, ўз навбатида, гирдобига бу бой, бу

камбағал деб ўтирмай, ҳаммани тортиб, катта таҳлика туғдиргач, Содиқжон бойвачча ҳам вақтни ганимат билиб, ўзининг шаҳардан ташқаридаги ички-ташқилик ҳовлисига кўчиб кетган эди. У қўшиқчи-раққоса Зулфизарни ҳам ўзи билан олиб кетган, уни оёғига кишан солиб, шу ҳовлида сақларди.

Ҳовли сой бўйидаги баландликда жойлашган бўлиб, орқа томони кетган тўқай — асрлар давомида ҳеч ким дахл қилмаган қамишзор, иккинчи ёни эса олд томони дарахтлар билан ўралган, унча-мунча одам бу хилват даргоҳни осонгина тополмасди. Содиқжон бойвачча илгарилари бу ерга шаҳардаги ҳаётдан безган, у ердаги юмушлар жонига тегиб, юраги сиқилиб кетган пайтлардагина кўнгил ёзиш учун бир-икки ҳафтага чиқиб келар, баъзан ов овлар, кўпинча эса, базми жамшид қуриб, ҳордиғини чиқарарди.

Бугун ҳовли кимсасиз, ютаман дейди. Кеч кириб, атрофга ғира-шира қоронғи тушиб қолган. Тевара: жимжит. Тун эса, борган сари ўз ҳукмини қарор топтириб борар, онда-сонда чиябўрилар худди йиглагандек совуқ улиб, киши кўнглига аллақандай гашлик солар, қамишзордан гоҳ-гоҳ эшитилиб қоладиган одатдан ташқари овозлар, дарахтзордаги сирли шитирлардан одам ваҳимага тушар эди.

Мана, қашқарча пешайвон, ошхонада чироқлар ёқилди. Уларнинг мўртгина шуъласи ҳовли сатҳини аранг ёритди. Бу ҳол шундоқ ҳам зил жимликни янада чўнглаштириб юборди. Ахён-ахёнда узоқда отилган милтиқларнинг овозлари эшитилиб қолади.

Вақт алламаҳал бўлиб қолганида чакалакзорда битта қора қўрғон томон кела бошлади. Агар бирон кимса унинг олдига бориб, афтига синчиклаб қараш имконига эга бўлса, аъзойи бадани тахта шотидай қалт-қалт титраб, ит қувган тулкидай нафаси оғзига тиқилиб, бугунги мағлубиятдан пўкони ёрилгудек бўлиб, оёқ учида битта-битта босиб, шипиллаб келаётган Қора Қоплонни кўрар эди.

У эса битта дарахтнинг орқасига ўтиб кўздан ғойиб бўлди. Орадан бир муддат ўтди. Лекин у ҳовли томон ўтмади. Осмонга сингиб кетдими ёки ер қаърига кириб ғойиб бўлдими — билиб бўлмасди. Атрофда тун ўзининг барча ҳукмронликлари билан бутундай таятана қилар, қилт этган нарса кўринмасди. Бир маҳал катта дарвоза «ғийқ» этиб, оҳиста очилди. Ичкисидан битта қора чиқиб келиб, у ёқ-бу ёққа диққат

билан қулоқ солди. Ҳаммаёқ жимжит. Тун қаърига қанча тикилмасин, кўзига ҳеч нима илғамади чамаси, турган ерида қоққан қоziқдай қотиб қолди. Тўқай томонда эса, шақаллар машъум овоз чиқариб улишарди. У бу овозлардан жони ҳалқумига келиб, юраги орқасига тортиб кетди. У фикран худога нола қиларди. «Эй худованди карим, мен бечорани нега бунча қаҳрингга олдинг!.. Сенга нима гуноҳ қилган эдим... Маожид солдирдим, закот бердим, етим-есирларнинг бошини силадим...» Лекин у охирги иборани бўштоб қилиб айтди, «етим-есирлар» дилидан ўтаётганда тили тутилиб қолди. Мол-мулк тўплаш йўлидаги қилмиш-қидирмишлари кўз ўнгида оний муддатга гавдаланиб, уни лол қилиб қўйган эди. Шундай бўлса ҳам, бутун умри давомида чинакам инсоний виждонга қарши ўзида шаклланиб, ўзи учун ҳақиқат бўлиб қолган йўлдан чекинмади, «етим-есирларнинг бошини силадим» дейишга ўзини ҳақли деб билди... Бу йўл унга далда бериб, ҳар хил ваҳималарни ўзидан қувди, анча дадил тортди-да, чакалак томонга қараб паст овозда: «Қора!» деб чақирди.

Қоронғилик қўйнидан ўқ еган оёғини зўр-базўр судраб, эгнида жулдур кийим, бошида эски дўппи, Қора Қоплон чиқиб келди. Унинг ранг-рўйига қараб бўлмас, кўзлари ич-ичига ботиб кетган эди.

— Хизмат, хўжайин?

— Сенмисан, хумпар? Хайрият, омон экансан. Нақ «тўртинчи»лар қўлига тушаёзгандик. Тўқай жонга ора кирди...

Қора Қоплон оёғининг оғриғидан афти буришиб, тишини тишига қўйиб турарди. Содикжон бойвачча ўзининг содиқ қулига бошдан-оёқ разм солиб туриб:

— Уҳа, ғирт «тўртинчи»нинг ўзи бўп қопсан-ку, оббо хумпар-е!— деб юборди. У ўз овозидан ўзи қўрқиб кетиб, атрофга олазарак қараб қўйди-да:— Орқангда дум-пуминг йўқми?— деди хавотирланиб.

— Йўқ, ёлғиз ўзим.

— Ундай бўлса, юр, кашқарчага ўтайлик. Маслаҳатли гап бор,— деди бойвачча уни ичкарига бошлаб.

Улар ичкарига кириб, пешайвонга кўтарилишди. Бойвачча сувсар телпаги билан почапўстинини ечиб, қоziққа илди. Иккаласи хонтахта атрофида рўбарў ўтиришди. Бойвачча бу сафар, одатига хилоф қилиб ўрнидан турди-да, ошхонага кириб битта лаганда буғи кўтарилиб турган гўшт билан битта хумчани кўтариб

чиқди. Буларни ўртага қўйиб, гўштни тўгради-да, иккита чинни косага мусаллас куйди. Битасини Қора Қоплоннинг олдига суриб қўйди ва ўзи «йигит ўлмайлик!» дея косани кўтариб, нафас олмай сипқарди. Кейин бир тўғрам гўштни оғзига солди.

Шундан кейин бир оз танаси яйраб, таранг тортилган асаблари бўшашиб, «Хайрият!» деб қўйди. У анча дадилланиб қолган эди. Қора Қоплон эса, ўлгудай очиққанидан овқатдан бош кўтармас, «Яна қуясизми?», дегандай, эгасига суйкалган ит каби хўжайинига гилтиллаб қараб қўярди.

Содиқжон бойваччанинг фикр-зикри бошқа ёқда, шаҳардан олиб қочишга улгурган дунёсида эди. У Қора Қоплонга қуйди...

Икковлашиб гўштни пок-покиза қилиб туширишгач, дастурхонга фотиҳа ўқишди. Бойвачча ёмби, жавоҳир, олтин тангалар тўла халталарни ўртага олиб келиб қўйди-да, миқ этмай ўтирган Қора Қоплонга қаради.

— Қани, буларни сандиқчага жойлаб, хуржунларга солайлик, — деди маккорона илжайиб.

Қора Қоплон хўжайинининг айтганини қилар экан, бойвачча уни шошилтирди.

— Бўлдингми, нега бунча имиллайсан? — деди у Қора Қоплоннинг кўзига қаттиқ тикилиб.

— Ҳа, мана, бўлди, хўжайин, айтганингиздай қилиб қўйдим. Анавиларни нима қиламиз? — дея сўради Қора Қоплон, бойваччанинг ёнида турган нарсаларга ишора қилиб.

— Буларни ҳам хуржунларга жойлаб қўй, юзароқ қўй, олишга қулай турсин, ҳар эҳтимолга қарши... — Қора Қоплон иккита қирқма бешотар милтиқ, латтапутталарга ўралган иккита тўппончани қўлига олиб, ўқдонларини бирма-бир кўздан кечириб, отишга шай қилиб қўйди-да, бойвачча айтгандай қилиб хуржунларга жойлади.

— Хўш, бўлдингми? — деди бойвачча нописандлик билан.

— Тамом, хўжайин, ана, шай қилиб қўйдим.

— Энди шаҳардаги гапдан хабар бер?

— «Тўртинчи»лар бизникиларни қийратиб ташлашди, бошимизга ёмон кунни солди аблаҳлар.

— Эргаш қочдимиз?

— Ҳа, Қўқонни ёндириб, қочиб қолди додхоҳингиз.

— Додхоҳ эмиш,— дея гижиниб тўнғиллади бойвачча энсаси қотиб.— У дови юрмаган бир қиморбозку! Раҳмонқул-чи?

— Эргаш додхоҳ Бачқирда, Раҳмонқул қўрбоши Ашвада жон сақлашяпти. Бугун бўлмаса, эртага Чотқолга ўтиб кетишса керак...

— Яна қанақа бинолар ёнибди, билолдингми?

— Улар «Калит тамға» чит фирмасининг маҳкамаси, улгуржи газлама омбори, «Вогоф» чой савдоси, яна сизнинг омборларингизни ҳам йигитларига талашиб, қоқлаб, кейин ёндириб, Қўқоннинг кўзга яқин ўғил-қизларини отларига ўнгариб чиқиб кетишди. Додхоҳ бўлса, Зулфизар умидида мени роса излатибди, тополмагач, йигитларидан иккитасини, жаҳлига чидолмай, отиб ташлабди...

Содиқжон бойвачча кўз олдига Зулфизарни келтириб, у билан ўтказган маишатларини эслади. Эсладию, Қора Қоплоннинг садоқатига тан берди.

— Бахтимдан айланайки, сендақа содиқ дўстим бор бу дунёда... Ҳа, Қора, давлатимнинг ярми сеники!

Қора Қоплон бу гапни эшитиб, ғалати аҳволга тушди. Содиқжон бойваччанинг ярим давлати! У илгари хаёлига яқин келмаган, келиши ҳам мумкин бўлмаган Гирин хаёллар билан орзуланди. Ўзини бойвачча билан тенг ҳис қилди. У ўзининг садоқатини унга яна бир бор кўрсатиб қўйгиси келиб, кўнглининг бир чеккасида сақлаб қолган маълумотларини бойваччанинг этагига биратўласига тўкиб қолди.

— Лекин,— деди у бойваччага сирли қараб,— Эргаш Бачқирдан нари кетгани йўқ, унинг қўрбошиси Эшмат бойвачча Қўқоннинг шундоққина биқинида — Бувайдада, қўрбоши Ойболи Найманда турибди. Мадаминбек Искобил, Андижон, Наманган томонларни суармиш, Шермат додхоҳ беш кун бўбди, Олтиариқ, Бағдодни босиб юзга яқин «тўртинчи»ни отиб, чопиб ташлабди.

Бу хабарни эшитган бойвачча тан-жони яйраб, бўридек увиллади:

— Ҳа, шундоқ, Эргаш менинг ишонган тоғим, ҳали кўрасан. Мадаминбек билан Эргаш бутун Фарғонани қонга ботиради. Ҳа, сезяпман, еру кўкдан қон ҳиди келяпти. Қон! Қон! Ёнгин! Қон! Қандай яхши-я?! Гапир, Қоплоним, тилингдан айланай, азаматим, гапир, яна нималарни билдинг?

Бу мақтовдан қувонган Қора Қоплоннинг оёғидаги яра оғримай қўйгандек бўлди, у яйраб кетди:

— Шермуҳаммад Форбувада, Холхўжа Уш, Аравонда. Булар ҳаммаси куни кеча Шоҳимардонга кетишган. Катта Олойдан Жонибек қози, Қашқардан Эосертон деган одам келиб, қўрбошиларнинг барчасини Шоҳимардонда бўладиган маслаҳат мажлисига чорлатибди. Қўрбошилар Каломи Шарифни ўртага қўйиб, бедин тўртинчи большевойларга қарши ғазоти акбар эълон қилишганмиш. Сизга ҳам мактуб йўллашибди улар. Зудлик билан Шоҳимардонга борар эмишсиз...

Содиқжон бойвачча бу гапни эшитиб, бир иргиб тушди. Кейин сир бермаслик учун бунга лоқайд қараган кишидай нос кадисидан шокилалани тикинини пошилмай олди, кафтига носдан солиб, тилининг остига отди, тили тагига тушмай оғзига сачраб кетган нос доналарини туфлаб ташлади-да, кўзи сузилиб, кайфини сурди... Бир муддат кайф қилгач, носни туфлаб ташлаб, оғзини чайди. У хаёлга берилди: «Давлатимни кўмиб ташладим. Бу сирдан огоҳ бўлган икки қўшчини гумдон қилдим... Қора Қоплон... Ҳа... униям чорасини кўриб қўйганман. Уни ўзим билан бирга Қашқарга олиб кетаман, йўлда тузлайман... Жазоси бир пиёла шароб... гап тамом...»

— Шундоқ... — деди бошини кўтариб, Қора Қоплонга караб. — Муштаҳидларнинг мўътабар сўзларини қулоқларига олган шерпанжа қўрбошилар яна қилич қайрашяпти... Иншоолло, Туркистонда «Иттиҳоди Ислом» туғи бошимизда яна ҳилпирагай...

Унинг бу гапларида ишонч, қатъият, дабдаба сезилмас, аллақандай умидсизлик бор эди. У қўрбошиларини, хусусан хонликка даъвогар Эргашни тўлқинга тушиб қолган битта чўпдек улоқтириб ташлаган катта кучнинг қудратини тўғри баҳолай олмаслиги мумкин эмасди, бу қудратнинг нима эканлигини ўз кўзи билан кўрган эди. Шунинг учун ҳам Қора Қоплон топиб келган хабардан зоҳиран қувонгандек кўринган бўлса ҳам, ботинан уларга ишонмади — ичинидан куйиб, хомуш ўтириши, ҳар иккаласининг гаплари қовушмаётгани аслида ўшандан эди. Унинг ўзига раҳми келиб кетди. Илгариги давру давронидан бир зарб билан айрилиб, бугунги кунда чумолидан ҳам ожиз кимсага айланиб қолганини ақлига сиғдирилмасди у. «Наҳотки куни кеча оёғини аранг судраб юрган, онаси туққанида худо у ёқда турсин, бандаси

хам беҳабар қолган ипринди-сиприндилар юртга бош бўлиб, менга ўхшаган айтгани айтган, дегани деганларнинг ер-суви, мол-мулки, завод-фабрикаларига эга бўлиб олсалар... Менинг олтин бошим наҳотки имони куйган, элдан қувилган сарпоёқ Ҳамзаларнинг оёғи остида депсалса?!»

Бир вақт бойвачча қадини ростлаб қандайдир ғатъият билан пичирлади: «Йўқ, Ҳамза! Сиёсат — бу кимор. Бу гал сен ютдинг, куляпсан. Чунки мен шунча нарсамдан ажраб, бурнимни тортиб кетаверадиганлардан эмасман. Танамда жоним бор экан, мен сенга хундорман!» Бу гаплар унинг кўнглидан ўтди, лаблари пичирлади-ю, лекин кўнгли эшитди уларни. Кейин у Қора Қоплонга қаради.

— Йўқ, мен Шоҳимардонга боролмайман,— деди қатъий қилиб. — Нега десанг, Эссертон Эргашдан хафа. Эргаш бўлса, ўзинг ҳам биласан, менга қарашли, менинг тузимни кўп ичган одам. Мухторият мағлубиятини инглизлар ҳеч-ҳеч кечиришмайди. Ҳали кўрасан, Мадаминбек ёки Кўршерматни у амирлашкарликка тайин қилади. Кўршерматнинг эса, хотин жўнидан менда қасди бор. Мен учун нажот фақат бегона юрда, билдингми? Бевафо, яхшилигингни билмайдиган нонкўр элдан бош олиб кетамиз. Тўппа-тўғри Қашқарга борамиз. Худо хоҳласа, бу олтинларни муқаддас иш учун сарфлаб юртимизни озод этгани қайтамиз.

Қора Қоплон ҳайрон бўлди. Бойваччанинг оғзини пойлай-пойлай унинг номини бир-икки бор эслатиб ўганини бўлмаса, ўзига тааллуқли бирон илиқ гап эшитмади.

— Мен-чи, хўжайин? Ахир, мен сизнинг оёқ-кўлингизман-ку!

— Агар астойдиқ бел боғлаган бўлсанг, сениям олиб кетаман

— Сизни ёлғиз юборармидим. Ўзингиз биласиз-ку, менинг кимлигимни. Яна сўраб ўтирибсиз-а, хўжайин. Одамнинг хўрлиги келаркан.

— Раҳмат, ука, энди биз қиёматлик оға-инимиз.

Содиқжон бойвачча, тил учуда Қора Қоплонни ўзига жуда яқин қилиб кўрсатди, унга катта-катта ваъдалар бериб, қўйинини роса пуч ёнғоққа тўлдирди. Бор давлатини узоқ йўлга кўтариб кетиб бўлмаслигини, ишончли жойга вҳтиётлаб қўйганини, уларда унинг ҳам улушга борлигини айтди. Тўртта отни тайёр

қилишни буюрди. Тонг отар пайтда «тўртинчи»ларнинг кўзини шамғалат қилиб, тўқайзор ичидан йўлга чиқишлари лозимлигини тайинлади. Бу ҳақда ҳеч кимга, ҳатто хотин-халаж билан бола-чақага ҳам ҳеч нима демасликни уқдирди. Фақат ўзлари билан Зулфизарни бирга олиб кетишларини билдирди.

— Ака,— деди Қора ўзини гўлликка солиб,— агар у «кетмайман» деб дод-вой солса-чи?..

— Ўлдими ундай қилиб. Симу зарни кўргандан кейин... Башарти жуда баланддан келиб, тархашлик қилиб туриб оладиган бўлса, баҳридан ўтиб қўя қоламиз-да, шунгаям ташвишми?— деди Содиқжон бойвачча қуруққина қилиб. У «баҳридан ўтиб қўя қоламиз-да, шунгаям ташвишми?» деган иборани шунчалик осон, шунчалик беҳис айтдики, Қоранинг назарида бойвачча учун оламда бундан осон, жўн иш йўқдай туюлиб кетди. Шу пайт бойвачча Қорага амр қилди: «Олиб чиқ бу ёққа уни! Ўзим ётиғи билан тушунтириб йўл-йўриққа соламан. Тез бўл».

Қора Қоплон ичидан зил кетиб, бойваччага нисбатан дилида битмас-туганмас нафрат бош кўтарди. Уни хаёлида бўғиб ўлдиргиси келиб кетди. Бу рашкдан эди. Лекин буни сиртига чиқармади, ўрнидан ихраб туриб, қоронғилик ичига ўзини олди.

* * *

Атрофига аланг-жаланг қараб турган аёлнинг ёноқлари сўлғин, кўзлари бежо, ўжар, ундан оққан ёшлар юзини ювиб тушиб, энгагидан маржондай дона-дона бўлиб томиб, кўксига сингиб кетаётгандай. У шу туришида жафокор фалакни қарғар, рўпарасида эса бир эркак тиз чўкиб «нега йиғлайсиз, ахир. Менинг сизга ишқим тушиб, кулоғингизгача бахтга ботирмоқчиман-ку. Неча ойдан бери катта хазинадай билиб, эл кўзидан яшириб келаман. Қани, айтинг-чи, сизни ким хафа қилди? Сизга бирон эркак қўл узатдими? Жонинечта унинг?.. Мен сизни яхши кўраман, барча давлатим сизники, сиз мен билан Қашқарга кетасиз», дея ялинарди.

Зулфизар паранг дуррачаси учи билан юз-кўзларини артди-да, ундан юзини ўгирди.

— Й-ў-қ, туғилиб ўсган юртимни ташлаб, ҳеч қаёққа кетмайман!— деди шарт кесиб.

— Ужарлик қилманг, жонидан,— деди бойвачча иложи борича юмшоқ муомала қилишга уриниб,— мен билан кетасиз! Мен энди фақат сиз билан тирикман. Ахир, ишонинг, менда энди сиздан бўлак ҳеч вақойим қолмади, бор буд-шудимдан, ҳатто болачақамдан ҳам мени жудо қилишди. Раҳмингиз келсин менга...

Бойвачча ўзини босишга қанчалик уринмасин, устуга ичган майлари бошини қизитиб, қонини кўпиртириб, ҳирсини қўзғаб борарди. У Зулфизарни билагидан шалпа ушлаб, бағрига тортиб, тикондек мўйловларини унинг сўлгин юзига босди. Лекин Зулфизар эс-ҳушини йиғиб олиб, куч билан унинг оғушидан ўзини қутқарди-да:

— Мен сиздан жирканаман, бойвачча ака. Ҳеч қаёққа кетмайман, менга осилманг, бўлмаса бир бокира жоннинг уволига қоласиз!— деди ҳансираб. Лекин бойвачча мушукдек сапчиб, уни яна ушлаб олди, тўғри келган еридан ўпиб, эзгилаб, кўйлакларини йиртиб ташлади. У шу топда ўзининг нима қилаётганини билмас, ихтиёрини бутунлай ҳирсинг ҳукмига топширган эди. Зулфизар ҳирсдай бойваччага кучи етмаслигига ақли етиб, ҳийла ишлатди, «агар гапларингиз чин бўлса, менга тегманг, қийнамай қўйворинг, сизга айтадиган зарур гапим бор, ахир!» деб уни энгагидан итариб ёлворди. Бу илтижолар таъсир қилдими, ё бўлмаса бирон кимса эшитиб қолишидан қўрқдими, ҳар қалай, бойвачча бир лаҳзада бўшашиб, ўзини йиғиштириб олди. Зулфизар ўрнидан туриб, йиртиқ кўйлаги билан баданининг яланғоч жойларини яширди.

— Жавобингизни кутяпман,— деди бойвачча бетоқатлик билан. Зулфизар унга нисбатан қалбида қайнаб-тошган ғазаб-нафратини босиб, атайин мулоҳимлик билан жавоб берди:

— Сиз ҳам кетманг. Мусофир юртида нима қиласиз... қолинг, илтимос...

Зулфизар «илтимос» деган сўзни жўрттага ялинч билан айтди. Бойваччанинг кўнгли эриб кетгандай бўлди. Қани илгариги ҳузур-ҳаловатлари ўз қўлида бўлса-ю, бу малакнинг қули бўлиб, у билан даврон сурса.. Лекин унда энди бунга ҳеч қанақа имконият қолмаганди. У оёқ тираб, унинг «таклифини» рад этишга мажбур эди. Шундай қилди ҳам.

— Йўқ, мен кетмасам бўлмайди.

— Ундай бўлса мен шу ерда қоламан.

— Мен билан кетасиз, йўқ десангиз, гуноҳ ўзингизда бўлади... Таъбингизни кир қиламан.

— Биргина таъбим эмас, ёш умрим, номус-орим кир бўлган. Сиз сабабчи бўлгансиз бунга. Яна қандай чаласи қолган эдики, таъбимни кир қиласиз?— Зулфизар бойваччага тик қараб, бундай бийрон-бийрон жавоб қилаётганига ўзининг ҳам ақли етмасди. Унинг бу аччиқ сўзлари бойваччани ер чизиб қолишга мажбур қилиб қўйди. У умрида ҳеч қачон бундай ҳолатга тушмаганди.

— Ўз гуноҳимни юваман, сизни ҳажга олиб бораман. Икковимиз ҳам гуноҳларимизни бир йўла ювиб, дилхираликдан халос бўлиб қайтамиз. Рози бўлинг бу ердан бирга бош олиб чиқиб кетишимизга,— деди гўлдираб бойвачча.

— Ғурбатда, мусофир юртида тоза бўлиб юргандан кўра...— деб юборди Зулфизар, бойваччанинг юмшаганидан фойдаланиб. Бу гап бойваччанинг юрагига тиг бўлиб санчилиб, жонини халқумига келтириб қўйди.

— Ҳа-ҳа! Пирхонада жонингиз кирибди-да. Битта ер билан қаноатланмайман дегин! Мазахўрак бўлиб қопсан-да, қанжиқ! Ҳали шунақами?! Мен балчиқда ётган бир мурдор аёлни ҳалоллаб олиб, савоб учун қўл чўзсам, ҳеч бўлмаганда худодан қайтар деб ўйлагандим. Аммо сен ифлос балчиққа бўғзингдан ботиб, унинг қўланса исини олиб қолган экансан, фоҳиша!

Бу ҳақоратлар билан бойвачча Зулфизарнинг руҳини яксон қилиб, ғурурини шишадай чил-чил синдирмоқчи, иродасини букиб, «гаҳ!» деса қўлига қўнадиган қилмоқчи эди.

Зулфизар бу оғир ҳақоратлар заҳрини кўтаролмай, бир фурсат каловланиб, жим қолди. Лекин дарҳол ҳушини йиғиб, «энди нима деган одам бўлдинг, ўла!» дегандек тиржайиб турган бойваччанинг хунук башарасига тик қаради.

— Сассиқ балчиқда ётган сассиқ тўнғиз аввал ўзини қутқарса-чи, бировнинг ғамини ейиш ўрнига!— деди кўзларидан ўт чақнаб. Бойвачча энди чидаб туролмади. Оғзига келганини қайтармай бўралаб сўка кетди. «Ғар, шарманда! Номусини сотган бузуқ!— деди.— Мен сенга яна бир яхшилик қилмоқчиман. Беимон кетма, дейман. Қани, калима келтир!» деб унинг қорнига тепиб юборди, қамчиси билан қулочкашлаб савалади-да, бир лаҳзада уни қора қонига белаб ташлади.

Зулфизар унга бақрайиб нафрат билан қараб, миқ этмай ётаверди. Бойвачча ундан кўзини олиб қочди. Косадаги мусалласни бир кўтаришда бўшатди. Бу орада Зулфизар ўрнидан туриб, бор гавдаси билан ўзини қашқарчанинг эшигига урди. Зулфи узилиб қарсиллаб очилган эшик турми билан ағдарилиб Зулфизарни тутиб қолмоқчи бўлиб унга сапчиган бойваччанинг бошига гурсиллаб қулаб тушди. Бойвачча то ўзини ўнглаб олгунича сочлари тўзгиган, ярим яланғоч Зулфизар катта дарвоза томон отилди. Тамбасини олиб ташлаб, ўзини қамишзор қўйнига урди. У тобора ичкарилаб борар экан, бойваччанинг, «чавақлаб ташлайман, қочма! Сенга айтяпман, агар жонингдан умидинг бўлса, қочма!» деган бўғиқ ҳайқиригини эшитди. Кейин ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Унинг қулоғига ҳеч нима кирмас, хаёлига ҳеч нима келмас, олдинга, машъум кўрғондан иложи борица узоқроққа интилар, яхлаб қолган халқоблар, кўлмаклар кечиб, яккачўп кўприклардан учиб ўтиб, олдинга интилар, тўқайдаги ёввойи чўчқа, тулки-шақалларни ҳам писанд қилмай қочиб борарди...

Зулфизар ҳали дарвозани очиб, ўзини ташқарига отганида, эшик орқасидаги бурчакда анчадан бери беркиниб турган бир қора шарпа лип этиб ўзини ичкарига олди. У паранжи ёпинган эди. Шу пайт бойваччанинг бақирган овози эшитилди:

— Қора, қайдасан, ёрдам бер!

Қора Қоплон говуш бермади. У бойваччанинг овозини эшитдими, йўқми — номаълум. Лекин хуриллаб хуррак отиб ётарди. Содиқжон бойвачча бир амал қилиб, эшик тагидан чиқди-да, у ётган уйга ўтди. Қоранинг маст ҳолда ётганини кўриб, ғазаби қайнаб кетди.

— Э, лаънати тўнка! Тур ўрнингдан!

У Қорани бир тепди. У бўлса, бир ижирганди-ю, лекин бир фурсатдан кейин яна хуррагини отиб ётаверди. Бойвачча унинг устига энгашиб, кифтларидан силкиди.

— Сенга айтяпман, тур ўрнингдан! Қочиб керак! — Қора худди ўликдек чўзилиб ётар эди. Бойвачча ҳали-бери у ўзига келмаслигига ақли етиб, қашқарчага қайтиб чиқди, чиқди-ю, бирдан кўз олди қорайиб, боши айланиб, кўнгли беҳузур бўлиб кетди. Бирпасда аъзойи баданини совуқ тер босиб, латтадек бўшашиб қолди. Қоранинг ичидан бир нима сиртига қараб оти-

либ, томоғига келиб тиқилди. У бир-икки ўхчиди-ю, шилқ этиб гиламга йиқилиб тушди. Туриш учун шунча зўр берди, бўлмади, мажоли келмади. У шифтдаги заррин нақшларга узоқ тикилиб, ётди, танасидан тобора дармони кетаётганини ҳис қилди, назарида ўзини боши янчилган илондай сезиб, бир-икки тўлғанди — туролмади.

Уни ваҳима босди, кўз олдидан аллақандай пажмурда гавдалар ўта бошлади. Улардан кўзини олиб қочишга уриниб, айвоннинг бурчаги томон ўгирилди, ўгирилди-ю, кўзи бир жуфт ёниб турган кўзга тушди. «Ажабо, бу нима ўзи ўқдек қадалган? Ё кўпроқ ичиб қўйдимми, ё туш кўряпманми? Бошига камзулнинг қийрихон қилиб ташлаб олган бу алвасти ким бўлди? Сочларини ёйиб ўқдай қадалади... Ё оллоҳ, ўз панохингда асра...

Қулоғига ожизгина овоз чалингандек бўлди.

— Тушинг эмас, ўнгинг. Бу кушхона, бу фаҳшхонага сендан беизн кирганим учун мени маъзур тутасан, бойвачча.

Содиқжон бойвачча ҳеч нарсага тушунмади.

— Кимсан, танимаяпман... Ундан кўра мени турғизиб қўй. Ҳеч туролмаяпман ўрнимдан...

— Энди туролмайсан, хомтама бўлма. Сен ўлак-сахўр махлуққа қўл узатаманми? Жим этиб гапимни эшитавер...

— Кимсан ўзинг? — деди бойвачча кўзлари косасидан чикиб.

— Арвоҳ.

— Арвоҳ? Ё оллоҳ!

— Оғзингдан ароқ қусиб, оллоҳ дейсан, мунофиқ?

Содиқжон бойваччанинг ақли шошиб қолди. «Арвоҳ? Бу қанақа арвоҳ бўлди? Ёпирай, нега аъзойи баданим сирқирайди, гавдам зил-замбил?» — У овозини чиқариб ўйлар эди.

— Сен кўп қон ичдинг. Айниқса аёлларнинг қонини кўп ичдинг. Кўп йиғлатдинг уларни, бахтларига чанг солиб, уларни хўрладинг. Ўша пажмурда дилларнинг арвоҳиман, агар жудаям билгинг келиб турган бўлса, жаллод! — Содиқжон бойвачча бир фурсат жимиб қолди. Унинг хаёлига Қора Қоплон келди. Мушукдай хуррак тортиб, пишиллаб ухлаб ётгани кўзига кўриниб кетди. Наҳотки унинг мусалласи шундоқ кучли чиққан бўлса... Ё атайлаб селова қилиб қўйганмикан... Дарвоқе, бойвачча ўзининг содиқ қули

хумчага муштдек наша ташлаб юборганини билмасди.

— Қимсан, ахир?

— Кўп акиллай берма! Қимирлама. Мен... мен ўша савдойи хотинингман!

— Қанақа савдойи?

— Бир вақтлари Шаҳзода деган хотининг бўлган эди. Унутиб юборган экансан-да, дарров-а?

— Шаҳзода?! Айт, менга қандай довинг бор?

— О, сенга довим жуда катта...

— Сен ҳали ўлмаганмидинг? Сувга чўкиб кетган эдинг-ку, ахир?

— Йўқ, сени ташлаб, ёлғиз ўзим чўкиб кетавергим келмади. Яна кўпларнинг ширин ошига оғу солиб, уларни зор-зор қақшатишингни истамадим. Бугун эса, сендан қарзим бор эди, шуни узиб, орани очик қилиб кетгани келганман...

— Баракалла, қўлимдан торт, ҳар қанча ўтишганим бўлса, у дунё-бу дунё кечдим. Қўлимдан торт...

— Сен-ку, кечиб юборарсан-а, аммо мен кечмайманда! Ахир сен золимнинг зулмидан бахти қаро бўлиб, дунёдан қон қақшаб ўтган не-не бегуноҳ жонлар, бўғзи қирқилган мард йигитлар, ор-номуси барбод бўлган маъсумалар, сен дилу жонига азоб бериб, севганини қўйдайд бўғизлаган, муҳаббатидан бир умр жудо қилиб, пировардида ақлидан озган ғариб, бенаво, бебахт Шаҳзодалар гуноҳларингдан қайси бирини кечириб кета олсинлар?! Мен мана шулар номидан келдим, орани очик қилиб кетгани.

Бойвачча бошига оғир бир нарса зарб билан урилгандек «оҳ» деб инграб юборди. Кейин кўзлари ўлган бузоқнинг кўзидай бақрайиб қолди. Орага оғир жимлик чўкди. Бу анча узоқ давом этди. Бойвачча охирида Шаҳзоданинг кўзларида чақнаб турган ўтга дош беролмай, нажот йўлини излаб қолди.

— Ҳой, Қора, қайдасан? Мени бу балодан қутқарсанг-чи! — деди ялиниш билан.

— Қора Қоқлон йўқ, қора болта бор. Мана!

У бойваччанинг тепасига бостириб келди-да, болтани кўтарди. Бойвачча унинг важоҳатидан қўрқиб, кўзини чирт юмди. Қолгани бир лаҳзада бўлиб ўтди. Шаҳзода жонҳолатда бойваччанинг бўйни аралаш ғарчиллатиб болта солди. У нима қилиб қўйганининг фаҳмига етмас, фақат юрагида узоқ вақтдан бери тўпланиб қолган зардобини бўшатарди. Бир пайт кўзи пешма-

пеш тушиб чиқаётган болтадаги қонга тушиб, кўнгли айниб, болта қўлидан тушиб кетди. У бир лаҳза хуши-ни йўқотиб, қотиб қолди. Аллақандай куч уни туртиб ташқарига олиб чиқди, дарвоза томон бораркан, бирдан кўнгли бўшашиб, хўнграб йиглаб юборди.

Қора Қоплоннинг қулоғига ғарчиллаган овоз эшитилди. Бу овоз бир неча бор такрорланди, кейин нимадир «тақ» этиб ерга тушди. Бирдан аёл кишининг ўкраб йиғлаган овозини эшитиб, сапчиб ўрнидан турди-да, қашқарча томон югурди. Хўжайинининг боши танасидан ажраб, ёнида юмалаб ётарди. У ўқдай отилиб ташқарига югурди, дарвозага яқинлашиб қолган қора шарпани қувиб этиб, елкасига бир-икки бор дудамасини ғарчча-ғарчча ботирди-да, уни йиқитди. Пичоғидаги қонни бамайлихотир артиб, қинига солди, орқасига қайтиб, кечқурун жойлаб қўйган хуржунларни ҳовлига кўтариб чиқди. Оғилхонада беда чайнаб турган икки эгарлоғлиқ отни олиб чиқиб, юкларни ортди-да, бирини миниб, бирини етаклаб йўлга тушди. У бойваччага ачинмади, чунки унинг ўлими Қора Қоплон учун айна муддао эди. Буни сўнги пайтда ўзи ҳам кўнглига тугиб қўйган, фақат пайт пойлаб юрарди... Лекин кўз остига олиб юргани Зулфизарга (у Шаҳзодани хаёлига ҳам келтирмади) юраги туздек ачишиб кетди. Бу оний муддатлик ҳолат юраги тошга айланиб кетган Қора Қоплоннинг вижозига ёт туйғу бўлгани учун, қолаверса, узоқ вақтдан бери ўйлаб келаётган режаси бир йўла амалга ошиб, у мақсадига етгани учун ўша ондаёқ ҳеч қандай из қолдирмай ўтиб кетди — у таги ва етовидаги отлару уларга ортилган хуржунлардан бўлак ҳамма нарсани унутиб юборди.

Қора Қоплон қоронғи зулмат қўйнига оптиқар, орқа томонидаги уфқда бўзара бошлаган тонг уни шафқатсиз суратда қувиб борарди...

* * *

Кашмирдан келган «Мударрис», Миён Қудрат ҳазрат, Камол қози, шайх Исмоил сингари шарият ҳомийлари, Эргаш, Ислон қўрбоши, Мадумар чўли, Эшмат бойвачча, Нормат понсод, яна ўнларча қўрбошилар ўзларини Шоҳимардон мазорига урдилар. Мазорни мустаҳкам қалъага айлантириб, шу ердан кашмирлик «Мударрис» — оқсоқ дарвиш ёрдами билан босма-

лик ҳаракатига фотиҳа бердилар. Бутун Фарғонада Совет ҳукуматига қарши газоват эълон қилинди. Юзлаб янги қўрбошилар тайинлаб, уларга янги саруполар, яроқ-аслаҳалар улашдилар, ҳазрат Али мақбараси ёнида ўртага қуръон ва қуролни қўйиб олт ичирдилар. Охори тўкилиб попултириғи пасайиб қолган Эргашни «олий» мансабидан тушириб, амирлашкарликка олдин Кўршерматни ва кейинчалик Мадминбекни қўнқайтирдилар. Фарғона водийсидаги ўнлаб шаҳарлар, минг-минг қишлоқлар ўт-олов, қон-қуш, дод-фиғон ичида қолиб кетди. Зулмат билан ёруғлик, ўлим билан ҳаёт, муҳаббат билан нафрат, нураган замон билан янги навқирон замон ўртасида кескин кураш авж олди. Ҳамза ўз асарлари, шеърлари, оташин сўзлари билан бир қанча вақт ана шу жангларда қатнашди.

Кунларнинг бирида Ҳамза Совет ҳокимияти душманларини аёвсиз фош этадиган «Мухторият ёки автономия» деган комедиясини чамадонига солиб Ефим Андреевич Бабушкин ва бошқа дўстлари билан хайрлашиб, Степан Соколов билан биргаликда партиянинг янги топшириғини бажариш учун янги жангларга отланиб, аввал Тошкентга, Тошкентдан Закаспийга жўнаб кетди.

Еттинчи боб

ҚИЗИЛ ШАРҚ ПОЕЗДИ

1918 йилнинг июль ойида инглиз босқинчиларининг катта кўмаги ва раҳнамолиги билан Закаспийда эсер, меньшевик ҳамда оқ офицерларнинг исёни кўтарилди. Улар Ашхобод, Қизилравот станцияларини босиб олишди. Кушка қалъаси ва Чоржўй шаҳридан бошқа ҳамма ерда Совет ҳокимиятини ағдариб ташлашди. Бухоро амири билан бирлашиб Тошкентда ҳам Совет ҳокимиятини қулатиш мақсадида Шарққа томон юриш бошлашди.

Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг қарори билан Оқтепада турган ҳарбий кучлардан олти минг қизил гвардиячи Закаспий фронтига ташланди. Қизил гвардиячилар Чоржўй остоналарида исёнчиларни тормор қилди. Қизил қўшиннинг бу ғалабасидан инглиз босқинчилари қаттиқ ғазабланиб, шошилишч суратда қаралар излашди. Уша йилнинг август ойида генерал-

майор Маллисон Буюк Британия ҳукумати номидан эсер-меньшевикларнинг Закаспий ҳукумати билан тузилган шартномани имзолади.

Ўн иккинчи августда генерал Маллисоннинг мунтазам қўшини Ортиқ станциясини босиб ўтди, Байрама-лига кирди. Қизил гвардиячи қўшинлар душманни Душак, Армансоат бўсағаси томон қувиб келишарди. Аммо маккор душман ҳийла ишлатди, зўрлик қилди. Ўн тўққизинчи Панжоб полки Қаҳқаҳага келди. Бундан ташқари, Закаспий исёнчиларининг кучлари: биринчи Закаспий батальонининг Қизил Арвот дружинаси, Така суворийлари қизил гвардиячиларга қарши ҳужум қилиб, катта зарба беришди. Даҳшатли саҳро, сувсизлик ҳам ёв тарафини олди. Тажан, Думак остида бўлган жангларда инглиз дивизиялари ўта ёвузлик, зўравонлик, хунрезлик килдилар. Босқинчилар санитар поездлари, шаҳар-қишлоқларни ёндириб, ҳатто кекса, гўдакларни аямай қиличдан ўтказиб, қизларнинг номусини ҳақорат қилиб, ўт-олов билан Тошкентга интилар эдилар. Инглиз жаллодлари Оқчи Қўйма станциясига яқин жойда йигирма олти Боку комиссарини отиб ўлдиришди. Ўн тўрт Ашхобод комиссарини, ҳаётини меҳнаткаш омманинг озодлиги учун бағишлаган Павел Полторацкийни қатл қилишди.

...1919 йил. «Қизил Шарқ» поезда чўл бағрини ёриб ўтиб бормоқда. Ўн уч вагондан иборат бўлган бу агитпоездга махсус босмаҳона, кино кўрсатиш аппаратлари, кўрғазмаларнинг материаллари ортилган. Унда рус ва татар драма труппаларидан ташқари, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бошчилигидаги ўзбек труппаси ҳам бор. Ҳамза труппаси аъзолари — Муҳиддин Қори Ёкубов, Рустам Исломов, Исҳоқжон Ғозиев, Сиддик ҳожи Исломов, Юсуф қизик Шакаржонов, Маруся Кузнецова, Раҳимқул Бекмуродов, Зулфизар (Зулфизар Содикжон бойвачча ўлдирилган ўша кечаси унинг кўрғонидан чиқиб қочганича тонгга яқин Қўконга кириб келган, бир ой чамаси уйда ётиб, яра-чақаси тuzалгач, Ҳамзани суриштириб топиб, у ташкид қилаётган труппага кирган эди) каби бир талай актёрлар очиқ платформага жойлашишган, Закаспий фронтига кетишяпти. Одамларнинг юзларида ҳорғинлик сезилмайди. Аксинча: улар тетик, бардам. Ҳатто бир рус йигит шундоққина платформанинг устида гармоннинг шўх куйига оёқларини зарб билан тепиб, рақс тушмоқда. У, қадди-бастига аскарый форма жуда ярашган Зулфи-

варга шўхлик билан муқом қилиб рақсга таклиф қила-
вергач, бошқа артистлар қийқириб, уни қувватлашди.
Зулфизар завқи тошиб, ўрнидан турди. У юзлари лов-
лов ёниб, кўзларини ерга бир лаҳза қадаб турди-да,
кейин шартта ҳалиги йигитнинг ёнига тушиб ўйнаб
кетди. Орка, олдинги платформада келаётган жангчи-
лар қийқиришиб, уларга далда бериш учун бараварига
қарсак чалишга тушишди. Ҳамманинг кайфияти ба-
ланд, шамолдай учиб келаётган поездда экани кўпчи-
ликнинг хаёлидан кўтарилиб ҳам кетган эди.

Ҳамза эғнида сурранг шинель, ғилдиракларнинг бир
маромда «тарақа-тарақ, тарақа-тарақ» қилиб садо бе-
ришига мос тебраниб келарди. У ўқ-дори яшиги устида
ўтириб, ён дафтарига нималарнидир ёзар, лаблари пи-
чирлаб, қаламини лабига босганича бармоқлари билан
ниманидир санарди. Баъзида жимирлаб турган бепоён
чўл уфқига тикилиб қоларди-да, кейин яна тиззаси
устидаги ён дафтарига энгашарди.

Ўйин тугади. Бирдан кўтарилган қаттиқ кулги
Ҳамзанинг хаёлларини тарқатиб юборди. У бошини кў-
тариб қараганида кулги босилган эди. Кимдир гармон-
ни чалиб, Ҳамзанинг кўшиқларидан бирини бошлаб
юборди. Қолганлар эса, унга эргашинди. Бирпасда бу
кўшиқ чўлни ларзага кетирди. Унга Зулфизар ҳам жўр
бўлди. Унинг майин, қўнғироқдек янғроқ, ширали
овози Ҳамзага алоҳида кайф бағишлади. Назарида,
бу кўшиқни кўпчилик эмас, фақат Зулфизар айтаёт-
гандай эди. У бошини кўтарди. Рўпарасида унга тики-
либ хаёлчан ўтирган Степан Соколовга кўзи тушди.
У ҳам қўшиқни диққат билан тинглар эди. Ҳамза у
томон сал сурилиб, ёнма-ён ўтирди, Соколов индамай
қўлини Ҳамзанинг елкасига ташлади. Ҳамза кўп жанг
кўрган, тадбирли командирнинг қўлини ҳис қилиб, ен-
гил сўлиш олди-да, ҳуш ёкиб, аллақандай ширин ил-
ҳомдан таъсирлангандай унга қараб маъноли жилм-
йиб, чўлга ишора қилди.

— Қара, Стёпа, қандай дилбар манзара: кунгай
қияликлар, хў, қоракўл қўйлари, поёнсиз пахтазорлар,
семирган йилқилар, полизларда сой тошидек юмалаб
ётган қовун-тарвузлар, боғларда фарқ пишган олма,
анор, қумурсқабел узумлар, жилғаларни тўлдирга
ўт-ўланлар, юз дардга даво мусаффо ҳаво... Чаманлар-
да анқиб ётган ифорларни сезяпсанми? Булар ана шу
она тупроқ неъматлари, азизим!

— Яйдоқ дашту тақир чўлдан ўзга ҳеч гап йўқ-

ку, дўстим, — дея ҳайрат билан Ҳамзага қаради Соколов. — Қаердан кўра қолдинг бундай манзарани?

— Мен буларни кўнгил кўзи билан кўряпман, — деди Ҳамза кўзларини олис-олисларга тикиб.

— Яхши гап... Кўнгил кўзи билан...

Чиндан ҳам мана шу бепоеён чўлга боққанида шoirнинг кўнгил кўзига боғлар кўринади. Каттакон, ажойиб боғу бўстонлардан тонг эпкини гуллар атрини таратиб, оҳиста эсади... Унда озод, гўзал, қудратли одамлар тинчгина меҳнат қилиб яшашади, атрофда уруш ҳам йўқ... Инсон илм-маърифат нури билан яна бамолга етади. Миллатлар, мамлакатлар, элатлар ўртасида дўстлик, жонжўралик куч-қудрат топади.

«Ҳа, — деди Ҳамза. — Бу ҳам ҳозир чуқур ўйга чўмиш келажакни ўйлаётган кўринади. Йиллар ўтади... Ҳаёт таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади... Ушанда одамлар бизни эслашади. Оч қолиб, иссиқ-совуқ демай курашганимизни, мана бунақа платформаларда бораётиб боғу бўстонларни, фаровон турмушни орзу қилганимизни хотирлашади...»

Виласанми, Стёпа, — яна дили шивирлади Ҳамзанинг, — биз жанг қилдик, хужумга бордик. Ҳар бир спектакль тўғрисида, ҳар бир узилган ўқ ҳақида, ҳар бир одам ҳақида ўйладик. Қарабсанки, кўп ишлар қилиб қўйибмиз... Худди мана шу ҳақда бир асар ёзгим келади, уни мусиқада куйлагим келади, чунки уни одамлар ўқисин, куйини тингласин дейман. Улар бизнинг ғам-қайгуларимизга, қувонч ва шодликларимизга шерик бўлсалар, келажак мана бунақа платформаларда яратилганлигини эслаб юрсалар дейман...»

Ҳамза овозини чиқармай ўзига-ўзи гапирар, у ўзини платформада эмас, қандайдир катта йиғинда сўзлаётгандай ҳис қилар эди. Соколов ҳам жим, теварак-атрофдан кўзини узмасди.

— Мен яна бир нарса тўғрисида кўп ўйлайман, — деди Ҳамза. — Одам боласини истибод, жабр-зулм кишанидан-ку озод қилдик, қиламиз ҳам. Лекин яна бир даҳшатли кишан бор, кўзга кўринмайдиган, лекин одамни кемириб ётадиган кишан. У — жаҳолат, хурофот, бидъат, айирмачилик, нодонлик. Одамларни мана шу кишандан қутқариш учун бўладиган жанг бераёв, узоқ ҳам қаттиқ бўлади шекилли. — У дўстига жиддий бир қараб қўйди-да, яна ўйлаб кетди. — Инқилоб эзилган меҳнаткашларнинг кўзини очди. Улар дунёга, теварак-атрофга бошқача қарай бошлашди.

Бой ва камбағал, буржуазия ва пролетариат. Бу икки жумла тагида катта синфий манфаат ўзининг бор бўйи билан намоён бўлади. Йил ўн икки ой тиним билмай ишлаб, бойлардан олган қарзимни узаман, қиёмат қарздан қутуламан, деб бел буккан кечаги ишчи, батрак, қарол, мардикор энди ўзининг ҳақини таниб қолди. Улар: «Сенларнинг замонинг ўтди, қонхўрлар, баданимизга канадай ёпишиб, қонимизни хўп шимирдиларинг. Бас, етар, энди!» дейишяпти. Бунда дарҳақиқат шоир Маяковскийнинг ҳам овози бор, уларга далда берапти. Владимир Маяковский синфий душманларнинг шармандасини чиқариб яхши иш қиляпти, лекин улар осонликча жон беришмайди. Ҳақ гапни айтди дўстинг. Ҳали кўп жанг қилишимизга тўғри келади. Жанг эса, қурбонсиз бўлмайди. Шундай!..

Унинг овозида Маяковскийга меҳр, айни замонда жанговар бир кайфият сезилиб турар эди. Жимлик узоққа чўзилди. Поезд саҳро бағрини ёриб, олдинга интилар, сарғиш қумтепалар, саксовулзорларни орқада қолдириб, ҳарсиллаб-гурсиллаб, манзилга шошар эди. Атроф тинч, саҳро яратилган бўйича гўё қотиб қолгандай. Қимирлаган бирон жонзот кўринмайди. Қуёш эса олтин этакларини бепоён қумлар устидан судраб, қарама-қарши томонга чопади, олис-олислардаги ётоғига ошиқади. Ҳамза Зулфизарга ер остидан қараб қўйди. Кейин Соколовга зимдан кўз югуртирди. Ундан беш-олти ёш катта бўлган дўсти кўзлари ним юмуқ ҳолда ерга қараб ҳорғин ўтирар эди. Ҳамза бу серғайрат одамнинг айни шу ҳолатидан чарчаганини, толиққанини уқди. Унинг сариқмағиздан келган юлидаги чирой ўрнини тундлик эгаллаган, пешонасидаги ажинлар назарида қуюқлашгандай кўринди. Ҳамза солдатларга, артистларга кўз ташлади. Улар ҳам жим, ҳалиги хушчақчақликдан асар ҳам қолмаган, тобора бостириб келаётган окшом гўё уларнинг чеҳраларида кундузги хушчақчақ кайфият нурини сидириб ташлаб, унинг ўрнига ўз кўланкасини солгандай эди. Ҳамза яна Зулфизарга тикилди, лекин кўз ўнгида бошқа киёфалар, дардли воқеалар, ўзининг кечмиш-кечирмишлари гавдаланди. Оғир ўйларни қувиш мақсадида қўлга танбурини олди, юрагига сиғмади чамаси, танбурни аста жойига қўйди-да, қаламини ушлаб, дафтарига тикилиб қолди. Қалам ҳам ўжар от каби юрмай туриб олди. Ҳаммаёқ сарғиш қум барханлари. Саҳродаги бу хил манзара киши юрагини қисиб, уни диққинафас

қилиб юборади. Шундан бўлса керак, ҳамма пинакка кетган. Ёлғиз Ҳамзагина киприк қоқмай уфқларга тикилиб, хаёл суриб ўтирибди. Ёшлик, ўсмирлик йиллари кўз ўнгида жонланди. Туғилиб ўсган Салқашон маҳалласи, Қўқон, Шоҳимардон, шаҳар жомеси, Умар полвон, Зубайда, унинг фожеаси, Миён Қудрат, Содиқжон бойвачча, Гишкўприкдаги дўсти Маҳмуд тарашанинг болохонаси хаёлидан бирма-бир ўтди. Алам, дард, кўз ёши тўла саргузаштлар худди кинолентасидек лип-лип ўтаверди.

Поезд тоғу тошлар орасидан манзил сари ҳамон илгарилар, Ҳамза ҳамон ўтмишдаги хотиротлар, воқеа-ҳодисалар ичида кезарди.

Шундай қилиб, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг кўрсатмалари билан Туркистонда советларнинг биринчи кунларидаёқ ўзбек театри шакллана бошлади. Партия ва ҳукуматнинг санъат ва театр соҳасидаги дастлабки тадбирлари унга куч-ғайрат бағишлади, у ўзбек театрини яратиш ва унга бошчилик қилиш заруратини ҳис қилди ўзида. Аммо бу вазифани бажариш осон эмас эди. Бундан ташқари, эндигина озод бўлган Туркистонда янги театр учун Россиядаги сингари шароит, тайёр ихтисосли кадрлар ва моддий имкониятлар ҳам йўқ эди. Репертуарлар ҳам инқилобнинг талабига мос суратда янгидан барпо этилиши зарур эди. У ўзининг инқилобдан кейинги театрчилик фаолиятини шундай қийин бир шароитда бошлади.

Туркистон мустамлака бўғовидан қутулиб, 1918 йил апрель ойида РСФСР составида автоном республика деб эълон қилинган, Туркистон халқлари ўз миллий давлатларини тузиб, бирлаша бошладилар.

Туркистонда Шўро республикаси тузилиши Бухоро амирилиги ҳамда Хива хонлигида феодал зулм сиртмоғида азоб чекаётган халқларни ҳам уйғотди.

Қўқон мухторияти тор-мор келтирилган, Ҳамза тезда Тошкентга келди, сўнгра 1918 йили марказдан тўғри Фарғонага борди.

Фарғонада уни ёшлар қизгин кутиб олдилар. Чунки унинг инқилобдан илгариги маориф, адабиёт, музыка ва театр соҳасидаги босилиб турган асарлари Фарғона ёшлари, халқ санъаткорлари, мусиқачилари ва яшулачилари ўртасида кенг тарқалган эди. Бундан ташқари, ёшлар ўртасида унинг Марғилонда 1916 йили ташкил қилган муаллимлар тайёрловчи мактабида ўқиган шогирдлари ҳам кўп эди. Ҳамза ана ўшанда

Йўлдош Охунбобо ўғли деган жасур, доно, бамаъни деҳқон йигит билан танишиб, дўстлашган эди. Мана шулар ёрдамида у тезда труппа тузиб, ишга киришиб кетди. Паранжи, тўрт девор қўйнида қон ютган Қора Қоплон сингари бузуқлар, қизжаллоблар оёқ осиг қилган Зулфизар ҳам Ҳамзанинг ёрдами билан озодликка чиқиб, санъат қучоғига келди.

Кейинчалик бу труппанинг инқилобий репертуари Туркистон қўшинлари сиёсий бошқармасининг, шахсан ёзувчи Фурмановнинг диққатини ўзига тортди. Бунда ҳам мана шу Степан Соколовнинг қўли бор эди. Шундай қилиб, у 1918 йилнинг кузида труппани Тошкентга чақириб, уни ўз ихтиёрига ўтказди. Бу тadbир натижасида труппа сиёсий ҳамда моддий жиҳатдан мустаҳкам таянчга эга бўлиб қолди. Айниқса, труппа харажатлари сиёсий бўлим зиммасига ўтгач, унинг имкониятлари кенгайиб, «Ўлка сиёсий сайёр труппаси» деган номга сазовор бўлди. Кейин унга бутун Туркистонда ҳарбий қисмларга, айти чоқда халққа маданий хизмат кўрсатиш, аҳоли ва ҳарбий қисмлар ўртасида сиёсий ишлар олиб бориш вазифаси юклатилди-ю, иш миқёси кенгайиб кетди.

Ҳамза труппаси Тошкентга келгандан сўнг қилган ишларини эслади, то фронтга жўнатишга қадар ҳар куни спектакль ва концертлар қўйиб, халқ эътиборини қозонган пайтларини кўз олдига келтирди. Эҳ-ҳе, бу орада қанчадан-қанча қийинчиликларни енгишга тўғри келди?! Бироқ ўша йиллари босмачилик ҳаракати авж олиб, Фарғона водийси ўт-олов ичида қолди. Ҳамма шаҳарларда ҳарбий ҳолат жорий қилинди. Кеч соат олтидан кейин кўчаларда юришга, театр қўйишга сира имкон қолмади. Бунинг устига Ҳамзанинг асарлари золим бойлар, миллатчилар, босмачиларга қарши қаратилган эди. Шу боисдан душманлар унга қарши таъқибни кучайтирди. Эргаш, кейин Мадаминбек труппани тарқатиб юбориш, Ҳамзани эса, тутиб жазолаш ҳаракатига тушди. Лекин Ҳамза шундай оғир дамларда ҳам бўш келмади. У қандай бўлмасин труппани сақлаб қолиш, уни инқилобга хизмат қилдириш учун йўллар излади. Айниқса «Бой ила хизматчи», «Тухматчилар жазоси», «Заҳарли ҳаёт» Тошкент томошабинларига жуда-жуда манзур бўлган эди. Жамила! Ана, биринчи бўлиб ўзбек қизи Жамиланинг ажойиб, ёрқин тимсолини саҳнада яратган рус гўзали — Маруся Кузнецова кўзини юмиб мудраяпти. Ҳамза ун-

га узоқ тикилиб турди. «Ўзбек тилини яхши билади, биргина тилини эмас, дилини, дард-аламини яхши билади. Жамила— Маруся.. Жамила— бу гўзал деган сўз. Маруся чиндан ҳам гўзал. Санъат ошиғи», деган иборани дилидан ўтказиб қўйди. Марусянинг ёнгинасида Зулфизар ўтирибди.

У чуқур бир тин олди-да, ўзига суяниб ухлаб келаётган дўстига меҳр ва миннатдорчилик туйғулари билан бир лаҳза қараб қолди. Кейин, сиёсий бўлим қарамоғида спектаклларни бепул кўрсатиш имконияти туғилганлиги, бу эса, айти томошаларга халқни кўп-лаб жалб этишга имкон берганини, бу тадбир труппанинг инқилобий ғояларни тарғиб қилишдаги ролини ғоят ошириб юборганини ўйлаб мамнун жилмайиб қўйди.

Мана, у яна ўзининг жанговар труппаси ва айрилмас жонажон дўсти Степан Соколов қўшинлари билан биргаликда Закаспий frontiда ўт, олов оралаб, янги замон учун хизмат қилмоқда.

Поезд ҳансираб, ҳамон илгарилайди. Ҳамза бўлса, хаёл қанотида ўтмишни бирма-бир кезиб чиқди. Шу пайт ухлаб келаётган Степан Соколов Ҳамзага қараб, кўзларини катта-катта очиб қичқириб юборди:

— Қув! Орқаларидан қув уларни!

Ҳамза унинг бу ҳайқириғидан бир чўчиб тушди. Ўзини ўнглаб олиб дўстига қаради, у уйқусираганини сезиб қолди чамаси, қизариб кетди. Ҳамза унинг елкасига қўлини ташлаб кулиб юборди:

— Ҳазилингни қара-я! Ўтакамни ёрай дединг-ку, энди қизиқ нарсаларни кўраётган эдим-а... аттанг...

— Хўш, нималар ҳақида ўй сураётувдинг, азиним?— дея сўради Соколов жилмайиб.

— Зулфизарнинг ўбдон шўхчанг рақси хаёлимни олис-олисларга олиб кетди,— деди Ҳамза ҳамон хаёл оғушидан тамомила чиқолмай. У Зулфизарга бир лаҳза тикилиб турди-да, давом этди:— Зулфизар... ҳали бу аёл Махастий сингари санъатда ҳақиқатлар яратади. Мен уни қадимги дунёнинг машҳур раққосаси, санъат илоҳаси Фаринага ўхшатар эдим. У ҳозир ижро этган рақсини оламшумул мусаввирлар кўрганларида эди... Салламно ўқишарди.

Ҳамза бу гапни худди шеър ўқётгандай ҳаяжонланиб, ўзига ўзи айтаётгандай гапирди. Лекин атрофидагиларнинг ҳаммаси эшитиб ўтиришар эди. Ҳамма бирдан Зулфизарга қаради. Зулфизар бу ҳолатдан хи-

жолатда қолиб, юзлари ширмой кулчадай қизариб кетди. У, Ҳамзага ер остидан бир қараб қўйди. Бу билан ўзини ноқулай аҳволга солиб қўйган устозидан ўпкаланганлигини ифодаламоқчи эди. Лекин Ҳамза ўзининг гапини тасдиқлади. Зулфизар ортиқ чидаёлмай эътироз билдирди:

— Бас, Ҳамза ака! Одамни уялтирманг, сиз айтган улуғ санъаткорлар қайда-ю, мен қайда!

— Йўқ, янглишасан, Зулфизар, улар ҳам худди сенга ўхшаган оддий одамлар бўлишган, аммо уларга она табиат мислсиз истеъдод берган, уларнинг бахтлари шунда бўлганки, ана шу истеъдодларини улар юзага чиқара олганлар. Аммо жуда кўп соҳиб истеъдодлар, бундай бахтга ҳар хил сабабларга кўра мушарраф бўла олишмаган. Сенда ҳам ўша санъаткорлардаги истеъдод бор, уни юзага чиқаришга шароит ҳам мавжуд. Ҳа, ҳали сен ҳам улуғ санъаткор бўласан. Бунга менинг имоним комил.

— Албатта, албатта...— деди Соколов гапга аралашиб, кейин Ҳамзанинг фикрини қувватлади.— Хўп, деявер, Зулфизар, Ҳамза тўғри айтади.

Зулфизар ҳамон қизариб турар, нима деб эътироз билдиришни билмасди. Бир ёққа қочиб кетай деса, платформада, қочмай деса, бу мақтовлардан ҳижолат тортар, хуллас, ўзини жудаям ноқулай аҳволда ҳис қилар эди. Ҳамза бунга парво қилмай, ўз фикрини тасдиқлаш учун гапни узоқдан айлантиришга киришди.

— Машҳур тарихчи олимлар китоблариди ёзганлар,— дея давом этди у дона-дона қилиб.— Ҳозирги Ўзбекистон тупроғида яшаган қадимги халқлар ўзларининг мустақил, бой маданиятларига эга бўлганлар. Рақс, мусиқанинг неча минг йиллик тарихи бор. Ўрта Осиёга юнонлар, хитойлар ва сосонийлар ҳамда хунлар қилич ва олов билан келиб, дарё-дарё қон тўкканлар. Ўша замонларда Ўрта Осиёда яшаган халқлар эса босқинчиларнинг ваҳшатига қарамай, ўз маданият ва санъатларига сайқал берганлар. Ҳатто суғдлар босқинчи юнон ҳукмдорларини ўз юртларидан ҳайдаганлар-у, аммо юнон маданиятини эса эъзозлаганлар, севганлар, жон пардасида сақлаб қолганлар. Хўш, босқинчи сосонийлар музикасининг таъсири-чи?.. Бундан ўз-ўзидан аёнки, санъатни маълум бир халқ эмас, балки халқлар ижтимоий, иқтисодий шароит тақозосига кўра бирлашиб ижод қилишган. Аммо бу маданиятларнинг ҳаммасини аввал Қутайба, кейин Чингизхон яқсон қилган...

Ҳамза қизишиб, руҳланиб, худди нутқ сўзлаётган-дек кўтаринкилик билан гапирар, платформадагилар унинг бу узун гапини қулоқ қоқмай тинглашарди. Ҳамза бир лаҳза жимиб, кейин ўша руҳда давом этди:

— Бироқ бунга ҳам қарамай, халқ ичидан шундай қобил фарзандлар етишиб чиққанки, улар мавжуд маданиятларнинг тамомила йўқолиб кетишига йўл қўйишмаган. Чунончи, Ал-Форобий — устод Сонийнинг «Музыка ҳақида» буюк рисоласи бизгача етиб келган. Яқинда устод Айнийдан эшитиб билдим, «Шанойи» деган музыка асбобини Абу Али ибн Сино кашф этган экан... Агар яқин тарихимизга қарасак, бунини ўзларингиз ҳам яхши биласиз, Туркистонда чор ҳукумати сиёсати ва диний урф-одатлар маҳаллий халқ ўртасида музыка, концерт, театр барпо этиш у ёқда турсин, ҳатто ўзбек халқ томошаларини ҳам йўқотишга зўр бериб кураш олиб борганлар...

Ҳамзанинг бу сўзлари одамлар кўнглининг ғуборини тозалаб, руҳларини енгил қилди. Ҳамма унга қаради. Ҳамза пайтдан фойдаланиб, гапни улаб кетди:

— Кўрдингизми, халқ яратган санъат ўз йўлида не-не тўсиқларга дуч келмаган?! Лекин ҳеч қачон тўхтаб қолмаган, аксинча, ҳамиша яшаб, давом этиб келаверган. Уни халқ яратгани, ундан маънавий озىқ олиб келгани учун у ҳамиша зарур. Яъни барҳаётдир.

Сояни тупроққа кўмиб бўлмагандек, рақс, музыка, қўшиқни ҳам жаҳолат ақидаларига кўмиб ташлай олмаганлар. У ҳамма вақт довул-бўронларга бардош бериб, оловларда ёнмай келаверган.

Мана, энди янги давр, янги замон келди. Янги замон билан бирга янги рақс, қўшиқ — умуман янги санъат ҳам туғилмоқда. Бахт учун, янги-янги ёруз кунлар учун бўлаётган оғир курашларда, ўт ва бўронлар ичида туғилаётган бу санъат заволни, ўлимни билмайди.

— Яшаворинг, Ҳамзам, — деди Юсуф қизиқ, — гапингиз нуқул ҳақиқат. Шоир айтган экан:

Қилиб Зухду риеъи ишқдин инкор этар зоҳид,

Ани маъзур тутким, ошакка пашмакдин сомон яхши.

Ҳамза беихтиёр қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

Соколов Ҳамзанинг бу мантиқидан ҳаяжонланиб, ўрнидан туриб кетди. Унинг елкасига бир лаҳза қўлини қўйиб турди-да, «Яша Шўро!»ни бошлаб юборди.

Унга аввал Қори Ёқубов, сўнг артистлар жўр бўлишди. Қори Ёқубовнинг қудратли овози атрофни ларзага келтиргудай гулдираб янграб кетди. Поезд олдинга қараб, қум саҳролари устидан учиб борар, «Яша, Шўро!» кўшиғини шамол олис-олисларга олиб кетарди.

Ниҳоят қўшиқ тугади. Атроф яна жимиб қолди. Ҳар ким ўз ўйи билан банд бўлди. Соколов ҳам жим, у Ҳамзанинг истеъдоди ҳақида, унга имконият яратиб бериш чоралари тўғрисида ўйлаб кетди. Бир фурсатдан сўнг бошини кўтариб, меҳрибон кўзларини Ҳамзага тикди.

— Сен энди бундай дарбадар ҳаётни қўйишинг керак, Ҳамза, — деди у мулойимлик билан. Аввалига Ҳамза дўстининг бу таклифига ҳайрон бўлди, кўнглига ҳар хил андишалар кириб чиқди. Дунёда энг яқин ва азиз одамим шу, деб эътиқод қўйиб юргани Соколовга қаради. Унинг жиддий юзига кўзи тушиб, гапнинг охирини кутишга мажбур бўлди.

— Шаҳарга қайт, — деди Соколов янада жиддийлик билан. — Фақат ўша ердагина музика, шеър билан жиддий шуғулланишинг, айни чоқда жанг қилишинг мумкин. Энди гапимга тушунгандирсан? Бу — ҳаммамиз учун муҳим... Сен кўрган ўша боғу бўстонларда яшайдиганлар учун ҳам бу катта аҳамиятга эга!

Ҳамза унинг мақсадига энди тушунган эди. Бироқ у юрт тинчимагунча бир четда томошабин бўлиб ўтиришни ўзига эп кўрмасди. Шундай бўлса ҳам, дўстининг бу таклифига ҳозир очиқ эътироз билдиргиси келмасди.

Унинг хаёли Ҳиндистон ҳақидаги ўйлар билан банд бўлгани учун «Юрт сал тинчисин, кейин кўрармиз», деб гапни калта қилди.

Ҳамза кўнглида Ҳиндистон сафари иштиёқи туғилган пайтдан бошлаб бу сирли мамлакат ҳақидаги ёзма ва оғзаки маълумотларни ўргана бошлаган эди. «Бобирнома»ни, араб сайёҳи Ибн Батутанинг асарини, Абдуразоқ Самарқандийнинг «Ҳиндистон сафарнома-маси»ни ўқиб чиққан ва «Ҳақиқатни изловчи жаҳондор, тоғдек савлатли, одампарвар, шаҳаншоҳлик конининг гавҳари Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ Ғозийнинг Турон миллатининг сипоҳдори Абдуллахон ўзбекка хитобномаси» каби тарихий мактублар ва ҳужжатлар билан танишган эди. Шулар қаторида машҳур рус ҳиндшуноси Иван Павлович Миняевнинг Никитинга бағишлаб ёзган «Кўҳна Ҳиндистон уч ден-

гиз оша сафари хотиралари» деган асарини ҳам назаридан четда қолдирмаганди. Ҳамза бу ўлкани тақдирнинг тақозоси билан ўзи бориб кўрди. Асарлардан олган таассуротлари ўз кўзи билан кўрганлари олдида ҳеч нима бўлмай қолди. Мана у ҳозир ўша кўргач кечирганларини ўйлаб, оламини унутиб ўтирарди. Инглизлар Ҳиндистонни икки юз йилдан бери қон қакшатади. «Ост— Индия» компаниясини тузиб, Ҳиндистоннинг кўҳи нур деган гавҳаридан тортиб, нон-тузигача талади. «Бўлиб ташлаб ҳукмронлик қилавер» деган ақидага амал килиб Ҳиндистон халқлари орасига нифоқ солди. Диний, ирқий, кабилавий низоларни авжига чиқарди. Мана шу шавқатсиз сиёсат оқибатида миллионлаб одам қирилди, минглаб кулбалар ёнди. Ҳамза халқни шундай балога гирифтор қилган, одамларни оч-яланғоч, жоҳилликда ушлаб турган инглизларни қаргади. Мана энди ўша инглиз отлиғ аждаҳонинг Туркистон тарафга ўрмалашининг маънисини идрок килди. Бу аждаҳо денгиздан чиқиб, саҳро бағрида ўрмалаб шум ниятларини амалга оширмоқчи, Ўрта Осиё халқларини ҳам қул қилмоқчи... «Йўқ, йўқ!— деб хитоб қилди Ҳамза фикран,— Сен бизни қул қилолмайсан! Комиссарларимизни хоинларча қатл этяпсан, мард йигитларимиз қонини тўкяпсан, лекин Ленин ғояларига қасд қила олмайсан!»

Босқинчиларга нисбатан жўш урган нафрат Ҳамза бағридан шеър бўлиб отилиб чиқди:

Инглиз, хоқ ғайридиндиндир, ким
душман бўлса биза,
Биз бир қадам кўйдирмайик
ҳаргиз бу Ватан узра.
Ол, ишчи, қўлга қуролинг,
йўқ эт бу душманларингни!
Мангу яшар ҳур замондир
Бос олға!
Бос олға!
Бос олға!

Саккизинчи боб

ҲАМ ҚАЛАМ, ҲАМ ҚУРОЛ ВИЛАН —

Бепоен саҳро. Кўз қулочи сиғмайдиған йироқлар..
Шарқ уфқи аста бўзариб, тонг ёришмоқда. Отряд йўл

тараддудига тушиб қолди. Кимлар отларни эгарлашмоқда, кимлар милтиқларини артиб-суртиб сафарга шайланмоқда. Мана, ўқ-дорилар ҳам отларга ортиб бўлинди... Ҳамма бепоен қумга бир лаҳза сассиз тикилиб қолди.

Шу пайт бирдан:

— Сафлан!— деган команда эшитилди.

Отряд сафланди. Саф қаршисига Соколов от ўйнаиб келди. У ҳаяжонланарди. Чунки сафдагиларга нутқ сўзламоқчи эди. У томоқ қириб олиб, ҳайқирди:

— Қизил аскар ўртоқлар!

Сафдагилар қотиб қолишди... Соколов давом этди:

— Бизнинг зиммамизга Совет Туркистонини душманлардан ҳимоя қилишдек шарафли вазифа юклатилган...

Соколов шарафли вазифа нимадан иборат эканини, олдиларида оғир йўл, қум — саҳро, душманлар билан олишув, эҳтимол, ташналик ҳам борлиги, бу йўл қанчалик машаққатли бўлса-да, босиб ўтишлари, шунга бардош беришлари лозимлигини тушунтирди.

Ниҳоят отряд йўлга тушди. Тонг салқинида неча манзилларни босиб ўтди. Қуёш чиқиб қумни қиздирган сайин йўл оғирлаша борди. Теварак-атроф фақат барханлардан иборат, охири кўринмайди. Соколов отряди жуда чўзилиб кетган. Бархандан барханга имиллаб ўтиб боради. Сиртдан қараган кишига отряд гўё қум устидан илонизи бўлиб ўрмалаб илгарилаётгандай туюлади.

Қуёш қорайтирган юзлар, чатнаган лаблар... Одамларни иссиқ ва ташналик қийнай бошлади. Отлар ҳам мадордан кетган. Фақат устларига юк ортилган туяларгина ҳеч нима бўлмагандай лапанглаб боришади.

Отряд бошидаги икки ўрқачли туяларда Ҳамза, Юсуф қизиқ, Қори Ёқубов, Мария ва бошқа труппа аъзолари боришади. Юсуф қизиқнинг қумда куйган катта товонлари туядан осилиб боради. Унинг боши ҳам туянинг қадам ташлашига монанд чайқалади. Қори Ёқубов иссиқдан бетоқат ҳарсиллайди... Уларга қараганда қотма Ҳамза жуда тетик кўринади. Зулфизар эса хомуш, сир бой бермайди.

— Қудуқ яқин қолди...— деди Ҳамза.

Юсуф қизиқ билан Қори Ёқубов индашмади... Уларда мажол қолмаган эди.

— Сув! Сув!!— деди кимдир қувонч билан ҳайқириб.

Бу бархан устида бақираётган Бешимнинг овози эди. У қўлларини силкирди. Ҳамза кўзголиб, шовкин-сурон қилди. Бархандан нарида қудуқ кўриниб турарди.

Юсуф кизиқ туядан иргиб тушди-да, ўша ёққа югуриб кетди. Қори Ёқубов ҳам туядан ўзини қумга таппа ташлаб йикила-кўпа чопар, нималардир деб Юсуф қизиққа бақирарди... Колоннанинг охиридаги Соколов олдинги сафга етиб олиб баланд бархандаги туяга миниб олган Бешимнинг ёнига борди. Унинг оти ҳам роса қийналган, оёқлари қалтирарди.

— Орқага!— деди Соколов.— Буюраман, орқага қайтинг!

Икки артист олазарак бўлиб, қизиган қумга йиқилди.

— Отряд, тўхта!— деб команда берди Соколов.

Команда бархандан барханга етказилди. Отряд тўхтади. Соколов дурбинни кўзига тутиб, ўша заҳоти пастга олди.

Дурбинда қудуқ кўринди. Чамаси, Соколов уни яхшилаб кўриб олгач, чеҳраси сал очилгандай бўлди. Кейин буюрди:

— Биринчи взвод билан битта туя қудуқ томонга!

Взвод қудуққа жўнаб кетди. Жангчиларнинг кўзлари қудуқ томонга қадалиб қолган. Юсуф қизиқ қуруққа чиқариб ташланган балиққа ўхшаб оғзини каппа-каппа очиб нафас олади. Қори Ёқубов эса, гимнастёркасини ечиб, бошини боғлаб олган. Зулфизар туядан аранг тушиб келди. Отлар сув ҳидини олгандай кишнашиб, пишқирганларича қудуқ томон интилишади. Қудуқ ёнида турган Бешим арқоннинг бир учини туя бўйнига боғлади. Қори Ёқубов арқоннинг нариги учига каттароқ пачоқ челақни маҳкамлади.

— Маҳкамроқ боғла! Маҳкамроқ!— деди унга Ҳамза.

Қори Ёқубов челақни қудуққа туширди. Челақ арқонни сидириб, пастга тушиб кетди-да, анча пастликдаги сувга бориб урилди. Туя, одати бўйича, қудуқдан чеккага қараб юрди, кейинидан жун арқон тортилиб борарди. Ҳамманинг назарида бу ҳаракат жуда ҳам секин бўлаётгандай туюларди. Ниҳоят, қудуқ оғзида челақ кўринди. Қори Ёқубов уни дарҳол тортиб олди-да, челақни энгаштирди... Муздеккина тиниқ сув тарновга қўйилди... Жангчилар кўзголишиб, тарновни ўраб олишди. Ёниқ кўзлар билан сувга тикилишиб,

қуруқшаган лабларини ялашарди... Зулфизар қумга чўк тушиб, юзини муздек тарновга босди. Юсуф қизиқ дош беролмай ўзини сувга урди...

— Тўхта!— деб бақирди унга Соколов.

Ҳамза Юсуф қизиқни ушлаб қолиб, бир чеккага сурди. Қори Ёкубов челақни яна қудуққа туширди. Туя уни яна тортиб чиқарди.

— Аввал отлар ичади... Иккитадан...— дея буйруқ берди Соколов.

Иккита от сувни ютоқиб ичди. Уларнинг ич-ичларига кириб кетган биқинлари титраб турар, сувдан бошларини кўтаришмасди...

Жангчилар уларга ҳавас билан тикилиб туришарди. Соколов Зулфизарга қараб, сувдонни сувга ботирди-да, ёнида турган Ҳамзага берди.

— Узатиб юбор!

Ҳамза сувдонни ундан олиб, Зулфизарга узатди. Унга Зулфизар қўл чўзиб сувни олаётган эди, Ҳамза қўлини бирдан тортиб, қотиб қолди... У ҳозиргина қулаган отни кўриб қолган эди. Катта бия тарновдан бошини кўтариб худди бир нимага қулоқ солаётгандай бўлиб турди-да, сўнг пишқириб, қумга гурсиллаб қулади. Оёқларини жон талвасасида силкитаркан, ейилган тақаси ялтираб кетди... Яғринигача қалт-қалт қилади, титрайди.

Ҳамза қўлидаги сувдонни олисга қараб улоқтириб юборди, Зулфизарнинг сувдонга узатилган қўли ҳавода муаллақ қолди... Кўз ёшлари юзини ювди. Бу орада иккинчи от ҳам қумга гурсиллаб қулаб тушди.

Бешим бошини кўтаролмай турар, новдаги тип-гилик, муздаккина сув офтобда ялтирарди... Соколов ҳам қулочкашлаб туриб қўлидаги челақни улоқтирди. Челақ қумга тушиб, енгил даранглаб юмалаб кетди... Бешим сесканиб бошини кўтарди, қимир этмай турган жангчиларга жавдираб қаради... Шунда бирдан Соколовнинг қаршисидан чўчиб орқасига тисарилди. Соколов эса талпиниб Бешимнинг ёқасидан олиб, қумга улоқтирди, ёнидан тўппончасини олиб, хириллади:

— Ўлдираман, хоин!

Бешим жонҳолатда додлаб юборди. Ҳамза Соколовга ёпишди:

— Қўйинг... Қўйинг, ўртоқ командир... Унинг гуноҳи йўқ...

Соколов Бешимнинг тепасида бир лаҳза ҳансираб турди-да, кейин юзини сийпалаб, қизил аскарларга ҳорғин товушда деди:

— Қудуқдан нари кетинглар!

Жангчилар ҳайрон бўлиб, бир-бирларига қўрқаписа қараганларича қудуқ бошидан нари кетдилар...

— Сув заҳарланган!—деди Соколов қўшимча қилиб.

Бешим қумда узала тушиб ётар, новда тип-тиниқ сув ялтирарди...

— Кейинги қудуққа қанча бор?— деб сўради Соколов ҳамон ҳансираб. Бешим ўрнидан туриб, чопонининг қумини қоқди-да аста жавоб берди:

— Менинг гуноҳим йўқ, ўртоқ командир.

— Қанча бор?— Соколов саволини қайтарди.

— Олдинга юриб бўлмайди, командир,— деди Бешим.

— Нимага?

— Бу йўлдаги бошқа қудуқлар ҳам заҳарланган бўлиши керак... Лекин бошқа тоза қудуқ бор.

— Уша қудуққача қанча бор?

— Унга етиб бўлмаса керак бу аҳволда...

Соколов унинг тумшуги тагига келиб сўради:

— Қанча?

Бешим ўлган отлар тепасида уймалашиб турган жангчиларга кўз ташлаб олиб, тўрттала бармоғини кўрсатди.

Отряднинг орқадаги қисми, ҳеч нарсадан беҳабар, сув ичиш навбати етишини сабрсизлик билан кутиб турарди. Соколов отига миниб, отряд сари юрди.

— Командамни эшит!— деб қайқирди у.— Бу қудуқ заҳарланган... Олдинда яна тўрт кунлик йўл бор, сувга ўшанда етамиз, ортимизда эса қумлик ..

Соколов жангчиларга кўз ташларди. Улар йўл азобида озиб-тўзиб, офтобда қорайиб кетишган эди.

— Бир соатдан кейин йўлга тушамиз!— деди Соколов отрядга ҳозирча дам олишни буюриб...

* * *

Қум барханлари узра куй янгради. Мис трубалар офтобда ялт-ялт қилар, созандалардан шарос тер қуяр, оркестр «Яша Шўро!»ни ижро этмоқда эди.

Соколов командирларни йнғиб ниманидир гаплашарди. Биров кийимини тартибга солар, биров кулги, гурунг билан овора, қозсилардан буғ кўтарилар, Зулфизар катта тоғорада кир юварди. Ҳаммаёқда хурсандчилик аломати сезилди.

Яқинроқдаги бархан ортидан беш отлиқ чиқиб келди. Улардан бирининг милтиғи тигида оқ байроқ қилпирарди...

Ҳамза қўл силкиди. Оркестрнинг овози баландроқ янграй бошлади. Отлиқлар борган сари яқинлаб келишарди... Улар отряд турган жойга ҳам етишди ҳисоби. Қизил аскарлар уларни қарши олишди.

Элчилар Соколов томон юришаркан, ўт ёқилган ўчоқларга, зўр бериб кир юваётган Зулфизар ҳамда артистларга ажабланиб қарашарди.

Командирлар худди қорни тўқ одамлардай эринибгина овқатланишар, қозон ёнида сувли челақ турарди.

Элчилар яқин келишди. Соколов тишини кавлаганича уларнинг истиқболига чиқди. Рўмолчаси билан оғзини артаркан, сўради:

— Қулоғим сизларда...

Элчилар орасида бошига чўғирма кийган кенг елкали киши билан шлемдаги чўтир инглиз офицери ҳам бор эди. Улар большевиклар қароргоҳидаги аҳволни бошқача тасаввур қилганларидан жуда таажжубда эканликлари сезилиб турарди.

Чўғирмали киши олдинга чиқди-да:

— Салом!— деди. У салом бериб ёвуз кўзларини Соколовга қадади.

— Жаноб Соколов сиз бўласизми?— дея сўради у кейин дағаллик билан.

Соколов илтифот ила бош эгди:

— Худди ўзи. Ўзлари ким бўладилар?

— Мен Закаспий ҳукуматининг вакили Азизбекман.

У отдан тушаркан, Соколовга қараб қўшиб қўйди:

— Сиз ҳақингизда кўп эшитганман...

Соколов яна таъзим қилди.

— Мен эсам сиз тўғрингизда ҳеч нима эшитмасликни маъқул кўрардим,— деди жилмайиб.

Азизбек ҳангу манг бўлганидан, нима деб жавоб беришини билолмай қолди. Чўтир инглиз беписанд турарди. Кўзлари ёвуз ва совуқ боқарди.

— Қулоғим сизда,— деди Соколов шартта кесиб.

— Сизлар қуршаб олингансиз,— деди Азизбек.

— Эҳтимол.

— Чоржўй яқинидаги жангда кўп кучларингдан айрилдингиз.

— Анча хабардор экансиз.

— Сизлар Туркистон ва Жлобин полкларидан қир-

қиб қўйилгансиз. Ҳеч нарсаларинг қолмаган, сувларинг ҳам йўқ...

— Буни ҳам биласизми?— деди Соколов кулимсираб кир юваётган Зулфизар билан қозон ёнида ўтирган жангчиларга кўз югуртириб. Элчилар ҳам бейхитёр ўша томонга ўгирилишди.

— Мақсадларингиз нима?

— Аҳволларинг мушкул, қўмондон... Таслим бўлинглар.

Соколов инглизга ишора қилди:

Бу жаноб нимага чурқ этмайди?

— У тил билмайди.

— Бўлмаса унга кейин тушунтириб қўясиз. Гап шундай: у хўжайинларига кунлари битаётганини етказсин. Қанча тезроқ йўқолишса, ўзларига шунча яхши бўлади...

Соколов бир лаҳза жим қолди. Кейин Азизбекка қараб:

— Сиз... қонхўрликда донг чиқарган қашқирсиз. Сиз билан менинг ортиқ гаплашадиган гапим йўқ,— деди гап тамом дегандай тескари қараб. У командирлардан бирига буюрди:

— Буларни кузатиб қўйинглар!

— Бир соат муҳлат берамиз... Бир соатдан кейин таслим бўлмасанг, қириб ташлаймиз!— деди Азизбек газабидан кўкариб. Папахининг қўнғироқ жунлари титраб, лаби қийшайиб кетди. У отини йўлга солди. Элчилар унга эргашишди. Азизбек атайлаб кир юваётган Зулфизарни ёнлаб ўтди. Отдан туриб тоғорага қараркан, масхара қилиб кулиб қўйди. Тоғорада сув йўқлигини сезиб колган бўлса керак.

Элчилар тобора олислаб бориб, қум барханлари ортига ўтиб кўздан йўқолишди.

Ҳаммаёқ жимиб қолди. Оркестрнинг ҳам овози тиниб, жангчилар бўш қозонларни ўтдан олдилар, Зулфизар бўш тоғора ёнида мунғайиб турарди. Битта жангчи челақдаги сувни мешга авайлаб қўйди. Ҳеч ним ҳеч нима демас, гўё ўз-ўзидан ҳаракат қиларди. Шу пайт бирдан фарёд эшитилди. Жангчилар Зулфизарни ўраб олишди. Унинг ёнидаги қумда илон бўйнини шишириб, ҳамла қилмоқчи бўлгандай тебраниб турарди. Қайчи тилй жонсарак пирилларди.

Соколов яқин келди-да, илонга ўйчан каради. Жангчилардан бири милтигини кўтарди. Соколов уни ишра билан тўхтатиб, худди ўзи билан гаплашадигандек оҳиста деди:

— Кўзларининг совуқлигини, хунуқлигини қаранг... Уларда барча тирик жонга нисбатан нафрат учқуни чакнаб турибди.

Соқолов қизил аскарларга қаради.

— Сизлар илоннинг баъзи йирткичларга ўхшаб, ўлжасини бурдалаб еёлмаслигини биласизларми? — деди жиддий тусда.

Зулфизар билан жангчилар қизиқсиниб унга қулоқ туттишди.

— У ўлжасини бутунича ютади...

Илон вишиллаб, Соқолов томон чайқалди. Соқолов сал орқага тисланди.

— Жаҳли чиқяпти... Битта-яримтани ўлдирса-ю, уни ютолмаса заҳари бехуда кетади...

У тўппончасини олди-да, ўқ узди... Боши мажақланган илон қумга шалолаб тушди. Соқолов Зулфизарга қаради, жангчиларга кўз югуртирди, кейин ҳамма эшитсин, дегандай баланд овозда деди:

— Мана шундай от! Энг муҳими, душманга шафқат қилма.

Чўл узра ғувиллаган овоз келди. Сал кейин осмонда аэропланлар кўринди. Улар яқинлаб келишди-да отряд тепасида айлана бошлади.

— Тарқалинглар! — деб команда берди Соқолов.

Жангчилар бир зумда тарқалиб кетди. Ҳар ким ўзича осмонга ўқ узди. Аэропланлар отряд тепасида ҳамон қузгундай айланарди.

— Бардам бўлинглар, ўртоқлар! — деб ҳайқирди Соқолов. — Томчи қонимиз қолгунча олишамиз!

Жангчилар ҳам, артистлар ҳам ўқ узарди...

Бирдан қуюн тургандай атроф ларзага келди, даҳшатли момагулдирак гумбурлаб, осмонга қум тўзсини кўтарилди.

* * *

Соқолов қўшинининг омон қолган қисми иссиқлик, ташналикдан ҳориб, поёни йўқ қумликдан борарди. Йўлда кўп отлар нобуд бўлди. Шунинг учун ҳам отликларнинг бир қисми пиёдаларга қўшилган... Улар нобуд бўлган отлардаги юкларни кўтариб олишган. Уфқда олов селин жамирлайди. На бирор бошпана, на сув асари, нишонаси кўринади...

Соқолов ёнида узангидан ушлаганича Ҳамза борарди.

— Тўртинчи кун ҳам тугаёзди...— деди Соколов.— Тўғри бошлайсанми, ишкилиб?

— Тўғри, оға...— деб жавоб берди Бешим.— Эҳтимол, тунда ё жуда бўлмаганда эрталаб қудуққа етамиз... Кейин кудук учрайверади.

— Мабода эртага қудуққа етмасак — отиб ташлайман!— деди Соколов тескари қараб оҳиста. Бешим сесканиб командирга қаради-да, эшитилар-эшитилмас килиб:

— Майли, оға,— деди қатъий.

Соколов отряди жазирама қум саҳросидан душман босиб олган Тажан Байрамали, Мари шаҳарларини мўлжалга олиб кеча-кундуз йўл босди, барханлар устида «Яша Шўро!» қайта-кайта янгради.

Одамлар ниҳоятда қолдан тойган. Олов сели жи-мирлайди. Олисдан чанг кўтарилди.

Одамлар қадамларини секинлатиб, у томон қарашди. Отлар қулоқларини чимирди, туяларнинг бўйни чўзилди.

— Азизбек!— деб юборди Ҳамза бақириб.

— Жангга!

— Жангга! Жангга!— дея командирлар команда-ни илиб кетишди.

Бироқ уларнинг овозлари граната, милтиқ товуш-лари, отларнинг кишнаши, қичқирдиқ ва фарёдлар орасида кўмилиб кетди. Шамол турди, қум кўча бошлади, ер-кўкни қум босди. Отлар, одамлар бари аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Инглизларнинг ҳужуми тўсатдан ва қаттиқ бўлганди. Бир қанча жангчи орқага чекинди.

— Олға!— деб қичқирди Соколов.— Фақат олға!

— Қаёққа?!— деди Ҳамза пакана бир жангчи-га бақириб, ёқасидан ушлаб олиб.— Олдинга юр, кочма!

Бешим отини сапчитди-да, киличини суғуриб, қичқирди:

— Олға! Саксовулзорга!

У саксовулзор томон от қўйиб кетди. Келбати зўр жангчи кўкрагини кериб ўқ узди. Ундан кейин чопиб бораётган халиги пакана рўпарадан чиққан душман-ни ер тишлатди. Буни Ҳамза кўриб турган экан, уни олқади:

— Баракалла, йигит! Мана бунисига койил! Қўрқманглар, қашқирларни қириб ташланглар!

Жангчилар душман устига ёпирилишди. Соколов пулемётдан саксовулзорга ўқ ёғдирди. У ерда эса ҳеч ким кўринмас, фақат пала-партиш отишма овози эшитиларди, холос.

— Қувиш тўхтатилсин!— деди Соколов қақраб кетган лабларини ялаб.

Труба чалинди.

Жангчилар бирин-кетин тўпланишди. Асирлар ҳайдаб келинди, эгасиз отлар ушланди... Тутун ер бағирлаб аста тараларди. Бешим бир йўла уч босмачини арқонга матаб олиб келди-да, шерикларига топшириб, яна саҳрога кириб кетди. Қизил аскарлар душман ташлаб қочган қурол-яроғларни тўплашарди. Ориқ ва қотма жангчи ердан бир милтиқни оларкан, унга тикилиб турди-да:

— Бу милтиқ инглизларники экан,— деди.

— Бунни қайдан биласан?— деб сўради ёш қизил аскар кизиқсиниб.

— Нега билмас эканман... Биз Туланинг қурол-созларидан бўламиз-ку,— дея жавоб берди йиғит унга менсимагандай қараб.

Бешим саҳродан қайтиб келди. Унинг оти ҳарсиллар, кўпириб кетган эди. У жиповни бўш қўйиб, қўлида бир нимани ўйнаб турарди.

— Мана, топиб олдим... Отлар эзгилаб кетмаганини қаранг,— деди Бешим Соколовга трубкани узатиб.— Бу чекадиган нарсага ўхшайди.

Соколов трубкани кўздан кечирди.

— Ҳа-а...— деди у чўзиб.— Бу ерда Азизбек каллакесарларидан ташқари, яна инглизлар ҳам бўлган.

У трубкани гимнастёркасининг чўнтагига солиб қўйди...

* * *

Вайронадаги сўнаётган гулхан ёнида ўтирган бир тўп одам ичида Азизбек билан оқсоқ дарвиш ҳам бор эди. Бир навкар пичоғи билан гулханни титлаб чўғ чиқарди-да, кафтида юмалатиб, чилимининг сарқонасига солди. Қалин лаблари билан чилимни тортиди. Чилимнинг суви қулдиради... У оғзидан бурканиб тутун чиқарди-да, чилимни дарвишга тутди. Оқсоқ дарвиш тутунни ютоқиб тортиди, бироқ жаҳл билан тупуриб, инглизча сўкиниб, пўнғиллади:

— Трубкамни йўқотганимни қаранг-а...

Азизбек пишиллаганича маза қилиб сўнгак тозаларди. Кимдир офицерга чилим тутди. У чилимнинг пайини гимнастёрка устидан кийиб олган тўнининг ба-ри билан ижирганиб артди, сўнг тортди... Йўтали тутиб, чилимни бир чеккага сурди:

— Бунга сира ҳам ўргана олмасам керак...

Азизбек ўлганининг кунидан кулимсиради:

— Бошқа тарафлардан, тақсир, сиз расмана му-сулмонсиз,— деди у бармоқларини қарсиллатиб, ке-решиб.— Лекин..

Инглизнинг жаҳли чиқди, лекин ўзини босиб, хон-нинг киноясига киноя билан жавоб қилди:

— Хафа бўлманг-у, бироқ одамларингиз кўшин эмас, ғирт қўйнинг ўзи экан... Улар машқ кўрмаган, қўрқоқ... Қизил кўшин — сизлар адабини бераётган ҳимоясиз аёллар ва болалар эмаслигини билиб олади-ган пайт етган...

Азизбек кўзлари ёниб кетса ҳам, чурқ этмади. Ён томонида пичан чайнаётган, эгар-жабдуқлари кумуш-дан ясалган отига қаради. Унга яқинлашиб, сағрисини силай бошлади. Шу пайт қулоғига оқсоқ дарвишнинг гинали гапи чалинди:

— Маслаҳатларимга яхши қулоқ осмаяпсиз, бек.

Азизбек отининг ёлини тараб туриб:

— Большевикларга сизнинг маслаҳатингиз билан ҳужум қилувдик шекилли, тақсир,— деди яна заҳар-ханда билан.

Оқсоқ дарвиш пинагини бузмай жавоб қилди:

— Шундай, бироқ мен йигитларингиз биринчи зарбадаёқ чиябўрилардай қочиб қоладилар деб ўй-ламовдим...

Азизбек жаҳл билан отининг биқинига туртиб қўй-ди. От эса четланиб, эгасига ҳайрон қараб қолди.

У гулхан ёнига қайтиб, чўккалади-да, ўтга хашак-хушак ташлаб, ғижиниброқ гапирди:

— Бу отряд ёмон қуролланган эмас. Шунингиз сизнингизми?

Дарвиш ўзини бу гапни эшитмаганга олиб, давом этди:

— Қўмондон Маллисон бу ишларингиздан ризо бўлмайди. Генералга мен ҳам катта ваъдалар берган эдим... Афсус...

— Қўмондонлигингиз бунинг ўрнига ваъдасини

бажарса дуруст бўларди. Бизга пулемётлар, ўқ-дори керак,— дея тўнғиллади Азизбек.

— Чўлда бургадай сакраб юрибсизлар-ку... ўқ-дорини кайга келтирамиз?— деди дарвиш.

— Бу билан дўстимиз нима демоқчилар?— дея ўсмоқчилади Азизбек.

— Биринчидан, ҳаракатларнинг аниқ планини ишлаб чиқмоқ лозим. Иккинчидан, ўқ-дори келтириладиган жойни аниқ тайин қилиш керак. Учинчидан, ошкора жангдан четланиш керак... Талафот катта.

— Итнинг ўлгиси келса, мачитни ҳаром қилар экан.

Дарвиш таажжубланиб қошини чимирди, елкасини қисди, Азизбекка мурожаат қилди.

— Большевикларни қон-қақшатиш керак... Улар чўлда қудуқдан қудуққа қараб юришади. Бошқа йўллари йўқ. Қудуқларни ишдан чиқарамиз... Уларга отлар ва туялар керак бўлади. Қаердан олишлари мумкин?

Азизбек унинг гапига чурқ этмай қулоқ солиб ўтирарди. Оқсоқ дарвиш давом этди:

— Фақат маҳаллий аҳолидан олишлари мумкин.

— Тортиб олишадими?

— Йўқ, улар тортиб олишмайди. Совет ҳокимияти унақа қилмайди. Улар сотиб олишади.

Азизбек чуқур хўрсиниб қўйди-да:

— Гап бундай, аҳоли уларга эмас, бизларга мадад қилсин,— деди ва бир оздан сўнг:— Худонинг ўзи қўлласин. Бунинг йўли қандай бўлади, тақсир?— дея сўради.

— Одамларни талончи — большевикларга қарши гиж-гижлатиш керак. Қумда хабар шамолдан ҳам тез тарқайди...

Азизбек бўшашиб қўл силтади.

— Большевиклар талончилик қилишмайди...

Дарвиш муғомбирона кўз қисди.

— Алдамаяпсизми, бек...

* * *

Соколов отряди тунда йўлга чиқди. Одамлар ҳам, отлар ҳам тетик кўринарди. Колоннада баъзан «гурр» этиб кулги кўтарилар, баъзан кимнингдир секин хиргойиси эшитилиб қоларди.

Туялар мағрур бошларини тутиб олдинга одимларди. Улардан биттасига дори-дармонлар ортилган, яна битта нор туя устидаги кажавода Маруся, Зулфизар, Юсуф қизиқ жойлашган. Ҳамза билан Қори Ёқуб бедов от устида. Маруся пастроқ овозда илҳом билан шеър ўқиди:

— Пока свободою горим,
Пока сердца для чести живы,
Мой друг. Отчизне посвятим
Души прекрасные порывы.

— Жуда яхши-я,— деди туялар ёнида отда бораётган Бешим хўрсиниб.— Буни ким ёзган ўзи?

Маруся жилмайди:

— Пушкин...

— Пу-ушкин, яхши одамга ўхшайди.

— Сен қаердан биласан?— дея сўради Мария Кузнецова.

— Биламан... Яхши одам чўлдаги дарахтдай олисдан кўринади.

Ҳаммалари жим қолишди. Бир фурсатдан кейин Бешим яна сўради:

— У ҳам бизга ўхшаб Шўро ҳокимияти учун жанг қилаётган бўлса керак?

— У кўп замонлар бурун ўлган.

Бешим унга анграйиб қараб қолди.

— Ўлди?— деди у ҳайратланиб.— Унда қандай қилиб биз ҳақимизда ёзган?

— Билганки, ёзган,— деди Маруся, гапни чўзгиси келмай.

— Буларнинг барини каёқдан биласиз?— деди Бешим, Марусяга ҳурмати ортиб.

— Ўқиганман,— деди у ғурурланиб.

— Ўқиганмисиз? Унда бойлардан экансиз-да?— деди Бешим соддадиллик билан. Унинг қиздан бир оз ихлоси қайтди.

— Йўқ. Менинг дадам врач... Мен ҳам врач бўлмоқчийдим...

— Шундай денг... Инқилобга қандай аралашиб қолдингиз?

Маруся жилмайди:

— Қалбимнинг эзгу туйғуларини ватанга бағишлашни истадим,— дея жавоб қилди у сидқидилдан.

Бешим жим қолди, бир фурсатдан кейин: «Буниси тўғри», деб қўйди. Кейин орзуманд ҳолда қўшимча қилди: «Одам ҳаммасини билиши керак... Мана шу машмашалар тугагандан кейин ўқишга бораман... Борамиз-а, Зулфизар?»

Зулфизар бош ирғаб қўйди:

— Албатта.

Ойни булут яшириб қўйганлиги учун субҳидам олдидан ҳаммаёқни қоронғилик босди. Соколов отряди бу қоронғуликда аранг кўзга ташланарди, у олдинга силжирди. Ёнида Соколов. Бешим бир маҳал отини тўхтатиб, қоронғилик томон қўл чўзиб, Соколовга ишора қилиб деди:

— Уша ерда инглизлар қароргоҳи бор.

Ҳаммаёқ жимжит. Бир пайт осмон бирдан ёришиб кетди. Бу отилган ракеталарнинг ёруғи эди. Уйқудаги ёвлар ўринларидан ирғиб туриб, осмондаги мисли кўрилмаган «мўъжизага» бир лаҳза маҳлиё бўлиб қараб қолдилар. Кейин бақириб-чақириб, юзларини беркитиб, ўсларини ерга таппа-таппа ташлай бошлади. Қароргоҳ атрофи зумда гавжум бўлиб кетди. Отлиқлар қиличларини ўйнатиб келишар, уларнинг баҳайбат кўланкалари қумликда сирғалар, ракеталар ёруғида аллақандай баҳайбат қушлардек туюлардилар.

Думли ракеталар осмонга вишиллаб кўтарилиб, унинг орқасидан пулемётлар тарилларди. Душман саросимага тушиб қолди. Қароргоҳнинг нариги чеккасида қиличбозлик жанги бошланиб кетди. Эгасини йўқотган отлар ҳуркиб, кум устида аянчли кишнаб қочиб юрарди. Соколов, Хамза, Бешим душман қароргоҳи ўртасидаги ўтовга бостириб киришди. Инглиз офицерлари ва сипоҳлар уларнинг йўлини тўсди. Лекин бир лаҳзада яксон бўлишди. Айниқса Бешим уларга чексиз қаҳрини кўрсатди, нималардир деб бақирар, тинимсиз қилич соларди. Бу туркман баҳодир ҳозирги ламла афсонавий ботирга ўхшаб кетган эди. Лекин Бешимнинг устига инглизларнинг ўнларча аскарни ташланишиди. Унга пашшадай ёпирилишиб, отидан ағдаринишди. Бешим қўлига тушганини дуч келган томонга улоқтирар, улар яна ёпишишарди. Ана, унинг қўлидан қиличини уриб туширишди. Бешим инглизлардан бирини балайд кўтариб, ўзига ёпирилиб келаётганларга қараб отди-ла. Ўтовга кириб олди. Ўтовда тўс-тўполон бошланди. Ҳаммаёқ остин-

устин, ҳеч нимани ажратиб бўлмасди. Бир маҳал Бешим бирдан ўзини ўнглаб, қўлини баланд кўтарди-да, ўтовнинг томига ёпишди.... Керагалар қисирлаб ўтов ағанаб тушди.

Жанг бир муддат давом этди-да, бирдан тиниб қолди. Инглизларнинг кўпчилиги қирилиб кетган, омон қолганлари тўғри келган томонга қочишга юз тутган эди. Улар орасида бир одам ичкўйлақда от қўйиб борар, аҳён-аҳёнда орқасига хавотирланиб қараб қўяр, яна отини жон-жаҳди билан қамчиларди. У — оқсоқ дарвиш — Рейли эди.

Қизил аскарлар асир тушган босмачилар билан солдатларни бир жойга тўплашди. Бу пайтда тонг отиб, ҳаммаёқ ёришиб кетган эди. Қароргоҳнинг ҳамма ерида жасадлар.

Энг чеккадаги ўтовдан Ҳамза чиқиб келди. Соколов Ҳамзанинг омонлигини кўриб, севинганидан унга бир кўзини қисиб қўйди. Маруся Ҳамзанинг ярасини боғлар, Зулфизар эса унга қарашарди.

Жангчилар ағанаган ўтовни титкилаб, Бешимни тортиб олишди. У ҳалок бўлган эди.

Отряд ҳалок бўлганларни йиғиб, уларни ҳарбий таомилга кўра дафн қилгач, ўлжа қурол-яроғларни йиғиштириб олиб яна олға босиб кетди.

Тўққизинчи боб

КОГОН

Соколов отряди тўрт ойдан сўнг Тошкентга қайтиш ҳақида буйруқ олди, Ҳамза труппаси ҳам отряд билан бирга тўрт ойдан буён сафарда, Ашхобод, Красноводск, Чоржўй, Қизил Арвот, Мари шаҳарларида бўлиб, у ердаги ҳарбий қисмларга ва халққа хизмат қилиб, энди Когонга қайтиб келарди. 7-ноябрда Қизил Арвотда Октябрь инқилобининг икки йиллигини байрам қилишди. Ана шу байрамда Ҳамза труппаси томоша кўрсатади.

...Когон. Тун. Самонинг тубсиз қаъри қоп-қора. Омон сатҳига сочилиб ётган йирик-йирик юлдузлар уни ёритиш учун бор нурларини сочсалар ҳам ёримасди. Отряд ўз тўдасини олиб қочиб кетган қишлоқ бойининг ҳовлисига жойлашди. Эшикларга соқчи қўйилди. Кат-

та эшикдаги соқчи олдида новчадан келган букрироқ бир йигит турарди. Эғнида эски тўн, бошига будёнийча қулоқчинини бостириб кийган, қўлида милтиғи йўқ, лекин найзага ўхшаган бир нарсани кўтариб олган. У — отрядга янги қабул қилинган ихтиёрийлардан эди. Йигит соқчига қишлоқ аҳолисининг қайси бирини отряд турган жойга киритиш мумкин-у, қайси бирини ўтказмаслик кераклигини тушунтириб турарди. Ҳовлининг ярмисини извошлар, яланғочлаб қўйилган отлар билан тирбанд бўлиб кетган, қозонлар қайнаб ётар, ҳар бир қозон олдида икки-уч деҳқон куймаланарди. Ҳовлининг тўрига наमत, гилам шолчалар тўшалган, дастурхонларда зогора нонлар. Деҳқонларнинг елиб-югуришларига қараб туриб, катта бир зиёфатга тайёргарлик кўрилаётганини пайқаб олиш қийин эмасди. Қизил аскарлар ва деҳқонлар уй олдига тўшалган кигизларга жойлашишди. Улар милтиқларини қўлдан қўйишмасди. Ким тиззасига қўйиб олган, ким қўндоғини ерга қўйиб, тик қилиб ушлаб турибди. Ҳамманинг юзи равонга қараган — у ерда «Вой ила хизматчи» спектакли кўрсатилиши керак эди. Соколов билан Миршаропов қизил аскарларнинг орқа томонида тик туриб томоша қилишди. Миршаропов Соколовга Чоржўйда ўз отряди билан қўшилиб, босмачиларга қарши курашда катта жасорат кўрсатган, Степан Соколовнинг улкан ҳурмати қозонган довюррак командир эди.

«Вой ила хизматчи» пьесасида бош қаҳрамон Гофир родини Ҳамзанинг ўзи, Жамилани Маруся, ҳоким Мединскийни Сиддиқ ҳожи, Солиҳбой — Содиқжон бойваччани Қори Ёқибов, мингбошини Юсуфжон қизиқ ижро этишди.

... Мана, уни иккита полициячи икки қўлидан маҳкам ушлаб, мингбошининг ҳавлисига олиб кирди. Гофирнинг бу ҳолатини кўрган томошабинлар бир қалқиб тушишди-да, кейин бутун вужудлари билан ҳодисани кузата бошлашди. Ҳамма жим, агар бирер кимса сал ножўя қимирлаб қўйса ҳам икки кўзи «саҳна»да бўлган ёнидаги одамга малол келар, шунинг учун ҳам ҳалиги одамга «тек ўтир» дегандай бир ўқрайиб қўяр эди.

Кутилмаган пайтда томошабинлар ўртасида бирдан шов-шув кўтарилди. Ҳамма орқасига қаради. «Утирилсин! Уйин бузилмасин!» деган хитоблар эшитилди. Бу ҳолат кўп давом этмади, бир-икки дақиқа

ичида одамлар ҳамма нарсани унутиб, «саҳна»га тикилганларича жим бўлиб қолишди.

Бухоро амирининг саройидан бор-йўғи ўн-ўн икки чақиримлар чамаси узоқликдаги ғарби-жанубдан ўтадиган темир йўл станцияси — Когонда, шундоққина амирнинг биқинида кўрсатилмоқда эди бу томоша. Табиийки, бундан амир Олимхон ўзининг хуфиялари орқали хабар топиб, тоқат қилиб туролмайди. Рост-да! Тожу тахтга, подшолар, амирлар, зодагон, бойлар, саидлар, эшонларга қарши халқнинг нафратини уйғотадиган «ўзбошимчаликлар» Когонда авж олармиш-у, амир бунга оғзини очиб бепарво қараб ўтирармиш?!

«Йўқ! Уша Ҳамза деганини эшитганман. У муртад-ни ўлдириш савоб. Бошимдан минг олтинни садақа қиламан-у, у ҳам анави Полторацкий сингари шу қумлар бағрида қолиб кетади!— дейди амир ва бирдан қушбегига ғазаб билан буюради.— Боринг, томошасини тўхтатинг! Ҳайданг, оломонни тарқатинг!

Қушбеги амирнинг фармони оғзидан чиқиши билан у ерга бостириб борган эди. Новча, котмадан келган, укки кўз, қоп-қора, эгнида заррин тўн, соқоли кўксига тушган қушбеги бошида олмослар қадалган телпак, ўн-ўн бешта зобит ва юзга яқин сарбози қуршовида камарига осилган эгри кумуш сопли қиличини этигига шарақ-шарақ уриб ичкарига кириб, саҳнадаги воқеага ўзи қизиқиб жимиб қолган эди. Одамлар эса томошага берилиб кетганларидан буларга парво қилишмади, саҳнадаги воқеани кузатишда давом этишди. Бу сиртдан қараганда шундай эди.

Ғофир айвонда савлат тўкиб ўтирган ҳоким, мингбоши, бой ва бошқа казо-казоларга ғазабнок тикилиб турди-да, ҳокимга мурожаат этди:

— Ҳой, ҳоким! Бу золим мингбошининг калтаклари остида суякларим эзилди, мадорим кетди, шундай бўлса ҳам, икки оғиз гапираман. Қулоқ солинг!

Шу пайт кўчада оломоннинг ғовур-ғувури эшитилди. Айвонда ўтирганлар бир-бирларига қараб олишди. Ҳоким минбошига: «Нима гап, нима шовқин?» дегандай тикилди. Мингбоши иккилашиб туриб, ғўлдираб жавоб берди:

— Шундай, кўчадаги бекорчи одамлар сизни зиё-

рат қилгани келган эканлар. Паст одамлар бўлгани учун зиёратингизга киргизмадим.

Ғофир, мингбошининг бу мунофиқлигига чидаб ту-ролмай, олдинга юлқиниб чиқди. Ҳокимга қараб ту-риб, дадил жавоб берди:

— Ёлғон! Улар менинг дўстларим! Улар — яланғоч чоракорлар! Оч, гадо, бошпанасиз косиблар, булар менга ўшшаган қўл кучи билан қора кун кўрувчи бечоралар! Зулм, солиқ, пора, муҳрона каби офат-балолар чангалида хонавайрон бўлган кафангадолар! Улар менинг бошимга тушган тухматга тоқат қилолмаганлар! Золим Солиҳбой, қонхўр мингбошилар томонидан кемирилган, жафокаш кўкраги йиртилган, инсонлик ҳуқуқини талаб қилгани, номусини талашгани учун оғиз-бурни қонга тўлган мендай ғариб дўстини ҳимол қилмоққа келганлар булар! Айтинг, буюринг, улар кирсинлар!

Қизил аскарларнинг вужуди гўё қулоққа айланган, улар Ғофирнинг бу гапларида ўз қисматларини кўриб, қаттиқ таъсирланиб жим ўтирар, ҳозиргина бўлиб ўтган қонли жанг сўронини ҳам унутган эдилар.

Айвондаги казо-казолар эса, безовталаниб, типирчилаб қолишди. Бир-бирларига қараб, гўлдирашди, хизматкорларнинг бу фош қилувчи оташин гапларига дош беролмай, кўзларидан ғазаб ўтлари сочилди. Лекин Ғофир тобора авжига чиқар, бойнинг ҳақиқий башарасини очишда давом этар эди.

— Улар сизга арз-ҳол қилмоқчилар! Бойлардан, мингбошилардан тортган жабру жафо, кулфат-аламлари тўғрисида сизга гапирмоқчилар! Мен энди ўзимни балоларга, ўтларга отдим! Лекин шу нотавонларни, шу бағри қон бечораларни ёқлайман! Мен ҳам бир вақтлар шу шўринг қурғурларни бойнинг дарвозасидан уриб ҳайдаган, қувиб солган эдим. Уларнинг дарду ҳасратларини тушунмаган, сезмаган эдим. Менга у кўз ёшларнинг сири, у оҳу фарёдларнинг маъноси энди баралла маълум бўлди!

Ташқаридаги оломон ола-говур кўтарди, ҳокимнинг ранги оқариб, кўзлари олайиб кетди. Солиҳбой юзидан заҳар ёғилиб, Ғофирни худди еб юборгудай бўлиб, ўтиргани жой тополмай қолди. Мингбоши ҳам бир қиличи дастасини ушлаб қўяр, бир ҳокимга илтижо билан кўз ташлар эди. Ғофир эса, пайтдан фойдаланиб, уларнинг кирдикорларини баттар очар, кўзига ҳеч нарса кўринмас, ҳатто ҳокимни писанд қилмай,

ташқаридагилар эшитсин учун овозини баландлатиб, давом этар эди:

— Кўзим очилди, улар ҳақ экан,— деди кўчадагиларга қўли билан ишора қилиб.— Шуларга раҳм қилинг, шафқат қилинг дейман!

У олдинга интилди-да, бойга нафрат тўла кўзларини қадади. Бой унинг бу қарашига бардош беролмади чамаси, кўзини олиб кочди. Ғофир ҳокимга юзланиб, давом этди:

— Менинг гуноҳим йўк! Отамнинг бели шу бойнинг хонадонида дол бўлди! Йигитлик кучимнинг каймоғини бой олди. Мен уни бой қилдим! Энди бу қутурган бой хизматларимнинг эвазига жафо қилмоқда, жафо! Ҳоким тўра! Раҳм қилинг! Наинки дунёда адолат, ҳақиқат деган нарса шунчалар оёқ ости қилинса?! Шунчалар букилса! Йўқ, ҳақиқат букилар, лекин синмас. Ахир биз бечоралар нима гуноҳ қилдик? Бу ёруғ дунёга нима учун келдик? Наинки муҳаббат, дўстлик, мурувват, одамгарчилик деган улуг гапларни бозорга олиб чиқсалар, пучак пулга сотсалар! Бу жабр-жафоларнинг охири борми? Мен қон ютган, қон қусган халқ номидан гапираман! Халқ номидан арз қиламан! Ҳақиқат борми сизларда?

Қизил аскарлар ҳаяжонга келишди, ўзаро гувранишди, қўлларидаги қуролларини маҳкам қисиб, Ғофирга: «Қўрқма, биз бормиз», дегандай тикилар эдилар.

Шу пайт ҳоким ўрнидан сал кўзгалди-да, Ғофирга қаради, парвосизлик билан гап бошлади:

— Хўп!.. Арзингни эшитаман!— деди у ғазабини яширолмаб, кейин ёнидаги офицерга буюрди: — Ҳайданг! Уринг! Кўчада ит ўрмаламасин!

Томошанинг шу ерига келганда жим ўтирган қушбеги тоқати ток бўлиб ўрнидан туриб кетди. Сарбозлар ҳам унга эргашиб, қуролларини шай қилиб туришди. Томошабинлар, жумладан қизил аскарлар ҳам энди ҳушёр тортиб, сарбозларни, айниқса қушбегини кўриб, бир лаҳза анграйиб туришди-да, эс-қушларини йигиштириб олиб, қуролларини маҳкам ушлаганча жанговар ҳолатта келишди. Кучлар нисбати айни пайтда қушбегининг фойдасига эмас эди. Буни қушбеги жуда яхши фаҳмлади. Шунинг учун у сарбозларига амр қилмай, ўзини шарият ҳомийси сифатида кўрсатмоқчи бўлиб, ҳайқирди:

— Бу қандай шайтанат! Бу қандай бидъат!! Ҳоким

тўғри қилди! Ҳайданг! Тўхтат томошангни! Шариат-тарикатга хилоф бу иш. Тўхтат! Бўлмаса, амирал мус-лимнинг ғазабига дучор бўласанлар!

Сарбозлар ҳужумга тайёр туришарди.

Қушбегининг бу дағдағасидан жаҳли чикиб кетган Ҳамза — Гофир дарҳол саҳна олдига чиқди-да, халққа мурожаат қилди:

— Уртоқлар, бу зўравон қушбегига нима деймиз? Нега у бизни тенгситмайди? Яхши ўйлаб кўринглар, нега бизнинг ишимизга тумшугини суқади амир? Золим амирга уч миллион нуфузга эга Бухоро амирлигининг қонини сўриши етмади шекилли, унинг жаллодлари бизнинг каллаларимиздан тепа ясаш иштиёқида ўғринча келиб, даҳлсиз тупроғимизда бизга дағдаға қилмонда. Хўш, қачонгача амирлар, беклар зулмидан қон ютади жафокаш, хонавайрон Бухоро халқи?! Бухоро амири ким? Уша биз тахтидан ағдариб ташлаган қонхўр Николай подшонинг дўсти, ҳамтовоғи-да! Жамоат, сизларга айтадиган гапим, шуки, ҳушёр бўлинглар, қанчадан-қанча ёр-биродарларимизнинг тўкилган қони эвазига қўлга киритган эркимизни мустаҳкамлаш учун қаттиқ турунлар. Шўро яшасин! Йўқолсин истибдод!

Оломон жунбишга келиб гулдиради.

— Йўқолсин амир истибдоди!

Қушбеги жаҳлига чидолмай дағ-дағ титрар, юзлари кўкариб кетган эди.

— Ассалотин лиллоҳи фил арз! Олимхон жаноби олийлари — амиримиздир. Амиримизнинг фармони олийлари Туркистондаги барча мўмин-мусулмонлар учун амри вожибдир.

Саҳнага Соколов кўтарилди. Қушбеги уни кўриб, дами ичига тушиб кетди. Лекин нимадир демоқчи бўлиб қимтинарди ю, айтишга ё фурсат кутар, ё бунга иккиланиб, журъат қилолмасди. Буни сезиб турган Соколов ўзини оғирликка солиб, салмоқланиб сўради:

— Хўш, жаноби қушбеги! Бир нима демоқчимисиз, бу ерга жуда ҳам бекорга келмагандирсиз, ахир?

Қушбеги худди калаванинг учини энди топиб олган одамдай жонланиб кетди.

— Бу ердагиларнинг кўпчилиги амир фуқаролари. Томоша уларга кўрсатилмасин, жаноб генерал. Мен шуни айтишга лажил қилинганман.

Қушбегининг гап оҳангида ҳалиги дағдагадан асар ҳам қолмаган, у энди анча мулойим кўринарди. Соколов қушбегини руҳан мағлуб қилганлигидан мамнун жилмайиб қўйди-да, истеҳзо билан жавоб берди:

— Биринчидан, мен генерал эмасман, жаноби қушбеги,— деди у салмоқ билан.— Иккинчидан, бу ерда сиз айтган амир фуқароларидан бирон кимса ҳам йўқ. Учинчидан, Когон шаҳри амирники эмас, шўролар ҳукуматиники! Шунинг учун сизга маслаҳатим шуки, бизнинг ички ишимизга аралашмасдан, бу шаҳардан зудлик билан чиқиб кетсангиз...

Қушбегининг шаҳардан чиқиб кетишдан бўлак чораси қолмаган эди. У буни жуда яхши фаҳмлаб турарди. Ниҳоят у сарбозларига қараб, зарда қилди-да, қонсиз, заҳил юзини тескари буриб, этиги билан гургургурс босиб йўл бошлади, сарбозлар унга эргашинди. Уларнинг орқасидан оломон ҳар хил истеҳзоли гаплар отиб қолди. Бу аччиқ-аччиқ гаплар қушбегининг қулоғи остида то у аркка етгунича янграб турди.

Аслини олганда томошабинларнинг аксарияти амирдан қочиб ўтган Бухоро фуқаролари эди. Қушбеги кетгач, томоша яна қизиди.

...Парда очилиши билан саҳнада йиртиқ чопон кийган, офтобда қорайиб кетмон чопаётган чол кўринди. Унинг юзлари жазирама иссиқда куйиб, буришиб кетган. Оғир меҳнат белини дол қилган. Юзидан қуйилиб тер оқади. У ҳориган бўлишига қарамай, ишни сусайтирмай, бор кучини сарф этиб кетмон уради...

Бу чол ролини ҳам Қори Ёқубов ўйнарди. Бир маҳал унинг олдига бой кириб келди. Чолнинг ишнини салмоқлаш учун у ёқ бу ёққа разм солган бўлди. Ишнинг унумидан қаноатланмади шекилли, чолга зугум қила кетди. Бу ҳам етмагандай уни қамчилай бошлади. Чол қамчи зарбига бардош беролмай юзтубан йиқилди. Бой чиқиб кетмади. Бир фурсат чолнинг тепасида туриб қолди. Шу пайт саҳна томондан Ҳамзанинг «Биз ишчимиз» музикасининг садолари эшитила бошлади ва бора-бора авж нуқтасига чиқди. Ерда юзтубан ётган чол аста-секин бошини кўтара бошлади. Унинг кўзларида ғазаб ўти чакнар, юзларидан рўпарасида безрайиб турган бойга нафрат ёғиларди.

Ҷори Еқубов халққа қараб, музикага жўр бўлган
ҳолда ашулани бошлади:

Биз ишчимиз, меҳнатчимиз,
Биз ҳам инсон ўғлимиз.
Уйлашайлик, бизлар надеб
Золим бойлар қулимиз?!

Бизнинг кучнинг орқасида
Бой бўлганлар беорлар.
Меҳру шафқатнинг ўрнига
Оёқ бирла тепарлар.

Томошабин жим. Пашша ғинғилласа эшитилади.
Ҳамманинг кўзи чолда. Унга ҳамдард бўлгиси, уни
юпатгиси келади. Бойга эса, еб юборгудай ғазаб билан
ўқраяди. «Чол» ҳамон куйлайди. Овозида борган сари
шахдамлик, қаҳрамонлик, ғазаб оҳанглари кучайиб,
саҳна олдига чиқиб келиб, халққа нидо қилади:

Ҳар балога биз тўрримиз,
Қон чуллаган бошимиз.
Замон келди, кўтарайлик
Оёқ остдан бошимиз!

Бизнинг замон, хизматчилар,
Майдонга чиқ, ишчилар!
Бу кун эркинг олар кундир,
Кўзинг оч, меҳнатчилар!

Бизнинг бахтга қуёш чиққан
Кундир бу кун, унутма!
Битсин бойлик! Ғариб бўлган
Кунларингни унутма!

Бу кичик лавҳа томошабинларни тўлқинга солди.
Парда ёпилганда ҳам улар ҳозир кўрган манзаралари
таъсирида ўтирар эдилар. Бир маҳал ўзларига келиш-
ди. Кимдир «ноинсоф, золим» бойни ўхшатиб сўкди.
Кимдир «чолни» ўзича юпатар эди. Аслини олганда,
бу манзара шу ерда ўтирганлардан аксариятининг

бошидан кечган эди. Шу сабабли томошабинлар деҳқоннинг илгариги қисматига ачиниб, чуқур уҳ тортиб қўйишди...

Парда очилганда чилдирманинг гижбанги ҳаммаёқни тутиб кетди. Унинг қалбларни жунбишга келтирувчи садоси ҳозир кўрсатилган икки лавҳа таассуротидан оғир кайфиятда ўтирган одамларни ўзига келтирди. Уларнинг юзларида жонланиш аксланди. Кўзлари яна саҳна томон йўналди.

Чилдирмачи шўх кўйни чертарди. Унинг оҳангига Зулфизар худди капалакдай чаққон ҳаракат қилиб, бутун вужудини титратар, чиройли қўлларини илондай тўлғонтирар, қошу кўзларини учпириб, нималарнидир ифодалар, ғунча лаблари гоҳ нимкулги билан билинар-билимас очилар, гоҳо эса, қош-қовоғи бирдан уйилиб, ҳозиргина гулдай очилиб турган юзлари тундлашиб, лаблари нимадандир норози бўлгандай буришар эди.

Зулфизар ажиб ҳаракатлари билан бир лаҳзада томошабинни сеҳрлаб ташлади. У рақсини тугатиб, маҳлиё бўлиб ўтирган томошабинга салом қилиши билан бирдан ҳаммаёқни гулдиратиб қарсақлар кўтарилди. Раққоса салом қила-қила ичкарига кириб кетди. Навбат ашулага — Қори Ёқубовга берилди. У қўлбола саҳнага чиқиб, ҳовлининг қоронғилигига бир дақиқа жим тикилиб қолди. Кўзлари билан одамларни сузиб чиқди. Сўнг ўзининг ҳайбатли йўғон овози билан атрофни гумбурлатиб ашулани бошлаб юборди:

Яша Шўро, яша, Шўро!

Сен яшайдиган замон.

Ишчи ўғли, шухратингдан

Балқисин рўйи жаҳон!

Инқилобий қўшиқ тобора авжга кўтарилди. Жангчиларининг юзлари жиддий тус олган, қошлари чимирилган, хонанданинг момагулдиракдай ҳайбатли, денгиз тўлқинидай қудратли овозига маҳлиё бўлиб қолишган эди. Кимлардир ўринларидан туриб кетишди. Қори Ёқубов қўшиқ бандларини алоҳида ургу билан куйларди:

Чор ҳукумат вақтидаги

Қуллигингни ўйласанг,

Шодлигинг мангу туганмас,
Қанча ўйнаб куйласанг.
Яша Шўро, яша, Шўро!

Қўшиқнинг ҳар бир зарби душман устига ёғилаётган даҳшатли бомбадай таъсир қолдириб, ҳовлини ларзага келтирар эди. Бутун жангчилар оёққа турган, барча айтарди бу қўшиқни. Қўшиқ тугади. Томошабинлар бир лаҳза жим туришди-да, кейин ҳар қаердан турли хитоблар янгради:

— Яшавор-э! Мана бунни айтса бўлади ашула деб!

— Юрагингни жўштириб юборади-я! Тўқиган одам ўлмасин, айтган ҳам!

— Зап ашула тўқибди азамат!

Пешайвон ойнасига туширилган парда орқасидан Ҳамза чиқиб келди-да, томоша тугаганлигини эълон қилди. Яна гулдурос қарсақлар янгради. Ҳамза Соколов билан Миршароповнинг олдига борди. Одамлар аста-секин тарқалишди.

Учинчи боб

ЕНГИНДАН КУЧЛИ

Ҳамза труппаси билан яна ўт-олов ичида қолган Фарғона томон йўл олди. Соколов полки водийда босмачиларга қарши шиддатли жангларни бошлаб юборди. Ҳамза эса Искобилда очилган биринчи совет мактабида она тили ва адабиётдан дарс берар, шогирдларига инқилобий қўшиқларни ўргатарди. Шаҳарда очилган янги усулдаги мактабларга Бешбола, Қўчқорчи, Чимқишлоқ, Янгисой, Чекшўра, Аввал, Каптархона ва бошқа қишлоқлардан ҳам ўқувчилар келаверишди. Ҳамза бу биринчи совет мактабида қадрдон ҳаммаслақлари: математик Қори Ниёзий, география ва француз тили муаллимаси Ойшахоним, араб тили муаллими Дадамаг домла, пешкадам ўқитувчи ва бақувват муҳаррир Холмуҳаммад Охундийлар билан биргаликда хизмат қилди. Труппасини «Туркфронт» штабидан олган маблағ ва кийим кечаклар билан қайтадан тузди. «Фарғона фожиаси» пьесани ёзиб,

Ўзи она ролида ўйнаб, томошабинларни қойил қолдирди. Труппаси билан Андижон, Наманган шаҳарларига бот-бот гастролга бориб турди.

Кўп ўтмай, Фарғона музофоти ҳарбий комиссариати труппани ўз ихтиёрига олди. Ҳамза труппаси Марғилон меҳнаткашлари Иттифоқининг раиси, шоирнинг қалин дўсти Йўлдош Охунбобоевнинг илтимосига кўра Марғилон шаҳрига гастролга келиб ўша кунгек халққа томоша кўрсатди. Томошага Йўлдош Охунбобоев ҳаракати туфайли жуда кўп одам тўпланди. Ҳамза парда олдига чиқиб халққа улуғ Октябрь инқилобининг нималиги, вазифалари ва шўро ҳукумати — кимнинг ҳукумати эканлиги, унинг душманлари — босмачиларга қарши курашмоқ зарурлиги тўғрисида сероташ нутқ сўзлади. Томоша бошланиши билан шаҳарни, босмачилар босди, қаттиқ отишма авжига чиқди, томошабинлар саросимага тушиб концерт бузилди. Бомачилар шаҳарни уч томондан ўраб қисиб келишаверди. Лекин Марғилон халқи ўзини йўқотиб қўймади. Артистларни ҳар жой — ҳар жойга яширди.

Искобилдан етиб келган Соколов отряди, Рустам Пўлатов чекистлари ҳамда Йўлдош Охунбобоевнинг қуролли чапдаст лочинлари мардлик кўрсатишиб бир-икки ҳамла билан босмачиларни шаҳардан қувиб чиқардилар. Шаҳар тинчиб қолди. Халқнинг талаби билан томоша давом этди.

* * *

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас Ҳамза труппаси водийнинг Бешариқ, Конибодом, Санто конида ҳамда Уратепа сингари шаҳар, қишлоқларида бўлиб аҳолига, гарнизонларда қизил аскарларга хизмат қилди. Кўр-шермат пайт пойлаб Уратепа шаҳрини қамал қилиб артистларни тутиб олишни, труппани йўқ қилиб ташлашни мўлжаллади. Қизил аскарлар артистларга қалъада жой бериб уларни ўз ҳимояларига олдилар. Ҳамза труппасининг ўттизга яқин артистлари ўн беш кунгача қалъадан ташқарига чиқолмадилар, қизил аскарлар озгина қутлоямут овқатини артистлар билан баҳам кўришди. Бу гал ҳам Соколов қизил аскарлар билан ёрдамга етиб келди. Уратепани қамалдан қутқазди.

Ҳамза яна ўз ишини давом эттириб, «Фаргона фожиаси», «Тухматчилар жазоси» каби томошаларни кўрсатиб қизил аскарлар билан шаҳар аҳолисини, беҳад хурсанд қилди.

* * *

Орадан бир неча ҳафта ўтгач, Ҳамза Андижонга келиб, Мирзажон Алимов деганнинг ҳужрасига тушган эмиш деган хабар тарқалди. Андижон санъаткорларидан Орифжон ака Тошматов (Ориф гармон) билан Тўхтасин Жалиловлар Ҳамзанинг зиёратига келишди. Чунки бу кишининг Искобил, Қўқон ёшларидан иборат труппа тузиб, санъатда янгиликлар яратганидан хабардор эдилар. Булар «Ассалом!» деб ҳужрага киришлари билан Мирзажон Алимов: «Ана ўзлари ҳам келиб қолдилар», деди.

Гап ана шу санъаткорлар ҳақида кетаётган экан, «Хуш келибсиз, ҳорманг бор бўлинг» дан кейин Ҳамза буларга қараб: «Ташрифингизга ташна эдик», деди.

— Биз бир мақсадни кўзда тутиб Андижонга келдик. Театрлаштирилган оммабоп кеча—янгича сайил чақирмоқчимиз. Сизлардан ёрдам бўлмаса бундай сайилларни ўтказиб бўлмайди,— деди ҳамда буларни ўз режаси билан таништирди. Ҳамзанинг планича бу «кеча»да «Биз ишчимиз», «Капитал», «Қузгунлар» деган томошаларни тайёрлаб халққа кўрсатиш ва бунинг учун Андижондаги жамики чолғучи, қўшиқчи, ўйинчиларни жалб қилиш керак эди.

Ҳамза яна ўз асарларидан концерт программаси тузиб буни ҳам ижро қилиш учун Андижондаги санъатга ҳаваскор комсомол ёшлардан фойдаланмоқчи эди.

Ҳамза «Шарқ кечаси»нинг иккинчи бўлими мазмунини Тўхтасин Жалилов ҳам Орифжон Тошматовларга тушунтирди. «Биз бу янгича сайилда эски дунёнинг жамики корибад, кир, қора томонларини халқ олдига олиб чиқиб кўрсатамиз ҳамда ушбу бидъат, хурофотларга қарши қаттиқ ўт очишимиз кераклигини тушунтирамиз».

Шундай деди ю, Ҳамза қўлига қалам олиб буларни сўроққа тутди:

— Аввало машҳур дуохон керак. Шундай дуохон ёки парихон Андижонда топиладими? Лекин номи кет-

ган дуохон бўлсин, — деди. Тўхтасин Жалилов дуохон мулла Олим бурундорнинг номини тилга олди. Ҳамза дафтарчасига ниманидир ёзиб қўйди. Кейин қиморбозларни сўради. Булар Тожибой чиллаки, Райим шалоқ, Мирза гулдур, Умар дўкай, Нурмат Жафақ деган; ҳатто тўрт ошиқ билан гишти ҳам рўмолга солиб шаҳарма-шаҳар кезиб юрадиган машҳур қиморбозлар борлигидан Ҳамзани хабардор қилишди. Эшон ва тўраларни сўраганда Суннатиллохон тўрани айтишди.

— Ўзи ҳам ниҳоятда семиз, бир арава гўшт, — деди Тўхтасин ака.

Сўнгра Ҳамза Андижондаги кўкнорхона, такалар билан қизиқди. Уша вақтларда Андижонда қирқиккита кўкнорхона, ўттиз олти ташахона бор экан. Барча ташахоналарнинг мутасаддиси «Ҳожи сертажанг» деган киши экан. Такаларда яланғоч, ўспирин йиғитлар қатор-қатор ўтиришиб қайта-қайта ёндириб наша чекишар экан. Кўкнорхоналарнинг бувакалови Холмирза қуруқ деган одам бўлиб, оппоқ соколи саргайиб кетган, белида қоплоннинг териси, бошида кулоҳ бўларкан. Ҳамза улардан Андижондаги хўрозбоз, беданабозларни сўраб суриштириб кетди.

— Бу тоифа кишилар Андижонда анчагина, — деди Орифжон ака, — булар меҳнат қилмай, ҳар вақт енгиде ёки қўйнида бедана, қўлтиғида оқ кигиз; шаҳарма шаҳар, қишлоқма қишлоқ санқиб, оқ кигизга қизил тарик сешиб, пул қўйиб, бедана уриштириб, шу билан тирикчилигини ўтказишади.

Сўнг, Ҳамза фолбин, ромчиларни ҳам рўйхатини олди.

— Буларни тўлароқ ёзишдан мақсадимиз, — деди Ҳамза, — инқилобдан илгари подшо сиёсати ва эзувчи синфлар зулми оқибатида меҳнаткаш халқ маърифатдан маҳрум бўлиб шундай балоларга гирифтор бўлганлигини намойиш қилишдир.

Қизиғи шундаки, Ҳамза эски дунё вакиллари шу «Кеча»да сайил баҳонаси билан шахсан ўзларини иштирок эттирмоқчи бўлди. Шунинг учун Тўхтасин ака билан Орифжон акани уларнинг олдига юборди, улар Ҳамза номидан қиморбоз, беданабоз, қўчқорбозларни сайилга таклиф этишди.

Бордию баъзи бировлари кўнмасалар, буларнинг образларини яратишни халқ театри артистлари ва ҳаваскор ёшларга топшириб, улар билан ўзи машқ ўтказди. Шундай қилиб 1919 йил 28 октябрда Андижон

шаҳрида, ҳоким боғига дарвоза қурилиб, гилам қоқилиб, катта-катта сўриларга шолчалар, кўрпачалар тўшалиб, беш-олти катта самоварлар қайнатилиб янгича сайил бошланди.

Бир томонда дорбоз ўйнайди. Яна бир ёнда хўроз, қўчқор, бедана уриштирадилар. Чақчайма кўз қиморбозларнинг ошиқ отишлари, уриш, «мушкетдилар, наъра тортиб наша чекишлар, «фол кўриш»лар авжига чиқди.

Майдоннинг бир ёнига эса келинчакка аталган ўтов тикилиб, ипак чойшаб, гул кўрпалар билан безатилди. Ўтовдаги чимилдиқда ўн беш, ўн олти ёшдаги бир ой-мўма, ойкулча қиз хун-хун йиғлайди. Уни салласи катта, пахмоқ соқол бир эшонга зўрлаб никоҳ қилишган... Эшон ролини ижро этаётган Орифжон ака турли ҳаракатлари, сўзлари билан томошабинларнинг ичагини узаёзди.

Икки соатдан сўнг одамлар, боғ ўртасидаги асосий томоша майдонига таклиф қилинди. Саҳнада «Қузғунлар» асари кўрсатилди. Бу асарда эски дунёнинг қирқ беш вакили иштирок этарди. Буларга қарши курашадиган ижобий қаҳрамонлар ҳам бор. Ўн олти кўринишдан иборат «Қузғунлар» асари музика, қўшиқ билан ижро этилди. Эски дунё вакиллари — салбий образлар: подшо, амир, хоп, бек, мингбоши, бой, эшон, қози, аълам, муфти, ҳоким, старшина, полиция, босмачи, чилтон, дуохон, парихон, ромчи-қоқимчи, кинначи, судхўр, муштумзўр, чайқовчилар «Шарқ кеча»сида бирин-кетин халқ олдига чиқиб, қўшиқ айтиб ўзларини танитардилар.

Ижобий образлар — халқ вақиллари ишчи, деҳқон, косиб, саҳнада қўлларида болға, ўроқ, косиблик асбобини ушлаб туришарди. Саҳнага қовоқ-лунжи осилган қорни катта бой қўлида қамчи, чиқиб келди.

Б о й — Танимайсанми бойингни?

Эшитмасман войингни.

Бер, бер, бер, бер...

Ma! Юз ол элликка.

Еш қиз, уй-жойингни

Бер, бер, бер, бер.

Ўйнатурман мана, шундоқ.

«Бой» шундай деб қандай ўйнатажагини кўрсатиб томошабинларни кулдирди.

И ш ч и — Кариллама, хумқорин,
 Тезак йиғар қўнғизсан.
 Ишчи қонин шимириб
 Хўп семирган тўнғизсан.
 Бор, кет, бор, кет
 Бир тутамлаб соқолинг
 Байроқ қиламан мава шундоқ.

Б о й — Дод, дод, бер соқолим.

Ишчи «чаплаб қўяман мана шундоқ!» деб бойнинг соқолини юлиб, пешонасига ёпиштириб қўйди.

Шундай қилиб ҳар кўринишда эски дунёнинг қирқ беш нусхаси саҳнага чиқди ва ҳар сафар ижобий қаҳрамонлар ажойиб кулги, учирӣқ, қочириқлар билан уларни боплаб саҳнадан ҳайдаб чиқаришди. Уйиннинг пировардида Ҳамза саҳна олдиға чиқиб томошабинларға мурожаат қилди:

— Бир шингил гаплашиб олсак қарши эмасмисизлар?

— Эшитамиз, суҳбатингизға ташнамиз...

— Мана бу кўриб турган нарсаларингиз ҳаммаси бизға ўтмишдан қолган мерос. Халқнинг энг дўлвор соғлом йигитлари зулм, асорат остида қандай қолға тушганини ўз кўзларингиз билан кўрдингиз. Туркистон завол ва инқирозға юз тутғанда бахтимиздан бўлиб Октябрь қуёши чиқди. Подшонинг қонли тахти ағдарилди, зулм-истобдод яксон бўлди. Меҳнаткаш мусулмон бойлар, зolimларнинг темир чангалларидан озод бўлиб, елкаларига офтоб тегди. Бу инқилобнинг биринчи баҳори холос! Ҳали Бухорода амир, Хивада хон дарё-дарё қон тўкяпти. Наҳотки ишчи, камбағал деҳқон, нонға зор косиб шу қирқ беш қузғунға ем бўлиш учун дунёға келган бўлса... Аминманки, хирож, ўлпон, азонда нон қўйиш, беш кеча идар-хатар, мушкулкушод, бешик тўйи, чиллаки рўзон, чилтон чироқ, эшонға, мазор азизларига назру ниёз, хатна тўйи, чирон, хатми кутуб, боринги, шу қузғунлар қатнашадиған жамики расм-русум, урф-одатларни санаб тамом қилолмайсиз. Бойлар, эшонлар «бу дунёда роҳат йўқ, роҳат у дунёда», дейдилар. Хон-амирлар, бою-беклар камбағалларнинг пешона терларидан унган давлатни ўз хазина ва омборларига тиқиб, буларға кепакни ҳам гуруч баҳосида берадилар. Шаҳарларимизда такя, кўкнорилар беҳисоб. Камбағалнинг мўрисида тугун

чиқса бу балохўр қузғунлар тўдалашиб учиб келишади.

Шўролар ҳукумати бундай хурсфот, бидъат, ножўя ишларга энди йўл қўймайди. Нашахона, кўкнорхоналар тугатилиб, минг-минг ўспиринларнинг жону дили, ёшлиги, ақлу идроки бу кишанлардан озод қилинади. Келинг, азизлар, чирик дунёга, эски қонунларга, расм-одатларга қарши ўт очайлик, шўро ҳукуматининг даври ва паноҳида бахту саодатга эришмоқ учун аввало ўз ҳокимиятимизни, ишчи-деҳқон ҳокимиятини мустақамлайлик. Улуғ Лениннинг ойдин йўлидан бориб чет эл босқинчиларига, қонхўр, томтешар, «ковуш ўғриси» — босмачиларни янчиб ташлайлик.

Ишни чиллаки қилмайлик. Тиришганнинг тўқмоғи тошга чега қоқади, деган боболаримиз. Янги йўл, янги ҳаёт учун қаттиқ тиришайлик, муродга етайлик. Жаннат Фарғонамиз оҳу фиғондан қутулсин. Яна, гуркираб яйраб, обод бўлсин!

Ҳамзанинг эҳтиросли овози гулдурос чапакларга кўмилиб «Шарқ кечаси»¹ шу зайлда зўр муваффақият билан яқунланди.

* * *

Содиқжон бойваччанинг беҳисоб олтинларини олиб Шоҳимардонга қочган Қора Қоплон Фарғона музофоти ревкомининг раис ўринбосари «коммунист» Олчинбек Назирийнинг маслаҳатига кўра шайх Исмоилдан қўрбошиликка ёрлиқ олиб, Қоплонбек деган ном билан жами олти-етти юз киши чамасида тўда тўплаб, Шоҳимардон атрофидаги тоғу даралар орасини, Сўх даштини от туёқларининг дупури билан безовта қилиб, изғиб қолди.

Қоплонбек қизил аскарларга рўпара бўлиб, юзма-юз жанг қилишга юраги бетламай, бир жойда муқим туролмас, ҳали у жойда, ҳали бу жойда пайдо бўлар, Уҳ-

¹ Асар муаллифи мактабдоши Ниҳод Умарий билан биргаликда Андижонда ўтказилган «Шарқ кечаси»да Ҳамза Хақимзода Ниёзийнинг ўзи бир ҳафта мобайнида Миркомил бойнинг мусодара қилинган савдо биносиди пианино чалиб ўргатган «Ишчи бобо!», «Ҳой синглим!» қўшиқ-декламацияси билан иштирок қилган эди.

на, Ҳайдаркон, Тошбулоқ, Шували, Томоша, Қоракўл, Сарик уй дараларида санқир, оралаган қишлоқларини чигирткадай шип-шийдам қилиб кетар эди.

Бир кун Шохимардон қишлоғига Қорадовон орқали Степан Соколов полкининг кичик бир отряди Шохимардонга тушиб келди. Соколовнинг ўринбосари Григорий Михайлов, еттинчи Туркистон отлик бригадасининг штаб взводи командири сибирлик Николай Иванович Каплин ўзбек тилини ажабтовур билишаркан. Отряд асосан рус йигитларидан иборат бўлиб, ораларида Рустамжон Пўлатов, Абдували Маматқулов, Қосим Мирсалимов деган ўзбек ва татар аскарлар ҳам бор эди. Қизил аскарни ўзининг яқин дўсти, нажоткор деб билган қишлоқ меҳнаткашлари отрядни меҳру муҳаббат билан кутиб олишди.

Хусусан ёш ўсмирлар, болалар қизил аскарларнинг отларини, ғалати эгар-жабдуқлари, йигитлар тақиб олган қилич, милтиқ, қўл пулемётларини қизиқиб томоша қилар, бир-бири билан тортишиб: «Сен нари тур, мен кўраман!» — деб талашар эди.

Қизил аскарлар ҳам ҳеч кимни хафа қилмай, барчага бирдай яхши муомала қилишар эди. Бу орада халқ жуда кўп тўпланди. Қалин оломон ичида душманлар ҳам оз эмас эди. Аммо бу ичи қора ғаламислар билан ҳеч кимнинг иши йўқ, ҳамма ўзи билан овора эди. Халқ тўлқини оқиб келавериб одамлар тепалик, дарахт, томларгача чиқиб кетишди. Ана шунда отряд командири Соколов бир неча жангчи билан баландликка чиқиб, кўпчиликка қарата ваъз айтди.

Бу — Шўро ҳукумати ва унинг нималиги тўғрисида халққа қарата Шохимардонда айтилган биринчи ҳақ сўз эди. У Шўро ҳукуматининг ғалла ҳақидаги янги сиёсатини тушунтириб берди. Катта ер эгалари ва бойлар яширган ортиқча ғаллаларни давлатга топширишга чақирди, қишлоқнинг батрак, камбағалларида эса, отрядга яқиндан ёрдам беришларини илтимос қилди.

Уша кун тун бўйи батрак-камбағалларнинг ёрдамида уч-тўрт юз пуд ғалла тўпланди, отряд бунга эллик-олтмишта от-эшакка юклатиб, ўн-ўн беш кишига уловларни ҳайдатиб, саҳар мардонда Водилга йўл олди.

Уша кун кечаси, аксига олиб, тинмай қор ёққан, тоғларни булут қоплаган, йигирма-ўттиз қадам наридаги нарсани кўз илғамасди. Муз аралаш оқаётган дарё

сувининг шовиллаши эшитиларди, хелос. Ҳаммаёқ сув сепгандай жимжит...

Отряд ғалла ортилган эшаклар билан «Эллик пайсаки» деб аталган катта тош олдидаги кўприкка яқинлашганида Соколов билан Михайлов қор устида ҳар томонга тарқалиб кетган беҳисоб от изларини кўриб қолишди. Излар янги. Уларни ғалвирдан элангандай гупиллатиб ёғаётган қор босиб улгурмаган эди. Соколовнинг миясидан «Тузоқ!» деган фикр чақмоқдек ялт этиб ўтди-ю, бирдан: «Орқага!» деб команда берди. Кейин маълум бўлишича, шайх Исмоил бир парча қоргозга хат битиб Ғиёсхўжани Қоплонбек қўрбошига югуртирган. Соколов отрядининг кичик эканини ўша хатдан билган Қоплонбек уни тоғлар орасида янчиб ташлаш мақсадида доvon оралиғида етти юзга яқин йигити билан пистирмада ётган экан. Лекин қўрбоши отряднинг бирдан от бошини орқага бурганини кўриб, одамларига «от!» деб қичқирди.

Қоплонбек ҳайқириб, қисиқ чағир кўзлари ёниб, тепаликка от чоптириб чиқди. Унинг эғнида Содикжон бойваччанинг кўк мовут чакмони, бошида қора қундуз чақмоқ телпак, оёғида ағдарма этик, ёнида маузер тўшпонча, йигитларига «от!», «қўйма!» деб ҳайқириб амр қилди.

Пешоналарини шойи белбоғ билан танғиб олган, ғазабдан юзлари буришиб кетган юзлаб босмачилар оч бўридай улишиб, қўлларини фотиҳага очишди-да, «ўлган — шаҳид, ўлдирган — ғозий», деб ўкиришди. Бу овоз тоғдан тоққа урилиб, атрофни момақалдиरोқдай ларзага келтирди. Бунга юзларча милтиқдан бир-варакайига чиққан пақ-пуқ ўқ овозлари қўшилиб, тоғу тошни титратиб юборди. Босмачилар худди кўпқари чопган чавандозлар каби қий-чув билан қизил аскарлар устига чигиртка сингари ёпирилишди. Лекин Соколов одамлари уларни яқин келтириб, пулемётларидан ўққа тутишди. Босмачилардан ўнларча одам ер тишлади. Қишлоқ бир лаҳзада жанг майдонига айланиб қолди.

Кейинги икки кундан буён тинмай ёғаётган қор тоғу тош, дов-дарахт, тому ҳовлиларни кўмиб юборгудек бўраларди. Шоҳимардонда ҳеч қачон бунақанги қалин қор ёққанини ҳатто кексалар ҳам эслай олишмайди. Қишлоқ ичида дов-дарахт, буталар қалин қор тағида худди оғир юк кўтарган одам сингари букчайиб қолган. Фақат баджаҳл, серзарда Шоҳимардон сойиги-

на музларни ҳам тешиб, парчалаб, шовқин солиб оқади.

Шаланг қирлари босмачиларга тўлиб кетган. Стрядни икки томонидан ўраб, ҳалқага олиб, тобора қисиб келар, қизил аскарлар етти юзта босмачи ҳужумига бардос бериб, улар билан мардларча олиша-олиша қишлоқда ўзига қулай ва мустаҳкам ерни мўлжаллаб чекинарди.

Ниҳоят, Соколов отряди тепага чиқиб, мақбара биносига жойлашиб, уни мустаҳкам қўрғонга айлантирди. Шаланг қирлари уларга кафтдагидек яққол кўришиб турарди. Энди душман отрядга яқин бориш у ёкда турсин, қишлоқ ичига ҳам киролмай қолди.

Бутун шум ниятлари пучга чиққан қўрбошига шайх Исмоил, Гиёсхўжа, Бузрукхўжа сингари риёкорлар ёрдамга келишди. Уйларни, отхоналарни тешиб Қоплонбек одамларига йўл очиб беришди.

Шундан кейингина қизиллар отрядини қўрбоши жуда яқиндан қуршаб, мақбара ташқарисини эгаллаб олди. Босмачилар билан соколовчиларни фақат мазор биносининг девори бир-биридан ажратиб турар эди. Аҳоли тоғ-тошга қочиб кетган. Босмачилар қишлоқда, отряд мазор ичида, икки ўртадаги отишма узлуксиз давом этди...

Мақбара пишиқ гиштдан мустаҳкам қилиб қурилган бўлиб, деворларининг баландлиги йигирма, йигирма беш газ, ўртадаги гумбаз (усти тунука билан ёпилган) қирқ газлар чамаси келарди. Унга тўрт томонидан қўш тавақали оғир дарвозалар ўрнатилган бўлиб, буларни унча-мунча куч билан очиб ёки бузиб бўлмасди. Бинонинг тўрт томонидан босмачилар унинг девори тагига кела олар, ҳатто шоти қўйиб девор устига ҳам чиқиб олар эдилар. Бино ичидаги қизил аскарлар эса, фақат тўрт дарвоза тирқишидан душманни ўққа тутиши мумкин эди, холос. Қизил аскарлар қўрғон ичидаги узун айвонга боғланган отларини отиб ташлашди, айвон от ўликларига тўлди.

Айвон орқаси кенг дарахтзор майдон эди, майдонда катта мачит, мачит атрофидаги қатор ҳужраларга босмачилар жойлашиб олишди.

Қоплонбек эса, шайх Исмоилнинг шундоққина мачит ёнидаги уйига қўниб, унинг махсус ишратгоҳ меҳмонхонасини эгаллади, йигитларига ўша ишратгоҳдан туриб ҳар хил фармойишлар бериб турди.

Соколов отряди кириб олган «муқаддас» бинонинг ичи кенг ва баланд бўлиб, ўртадаги қуруқ ерга безаклар билан, ишланган катта сағана қурилган, ун «сағанапўш» деб аталган кичкина тахта уй билан ажратиб қўйилган эди. Мана шу сағанапўшда жуда катта мол-дунё сақланар, уйнинг калити шайх Исмоилнинг қўлида турарди. Бу сирдан фақат икки киши огоҳ: бири шайх Исмоил, яна бири Олчинбек, Назирий. У ерга ҳатто калондимоғ шайхлар ҳам йўлатилмас, улардан ҳам сир тутилар: «Бу уйда осмондан тушган қуръон бор», деб уларни чалғитиб келинар эди.

Соколов бу сирли даргоҳдан яширилган мол-дунё, зеб зийнат, беҳисоб кийим-кечакдан ташқари, беш юздан зиёд ўн бир стар милтиқ, яшиқ-яшиқ ўқ-дори, пулемёт, ҳатто ўн яшиқ чамасида қўл бомба ҳам топиб олди. Булар орасида сандиқларга жойланган қимматбаҳо моллар, қуйма олтин-кумушлар, ноёб тошлар, босмачилар ҳаракатига оид ҳужжатлар ҳам бор эди, 1918 йилдан бутун Фарғона аҳолисини босиб, талаб, шаҳар-қишлоқларни ёндириб, халқни қон-қақшатиб тўпланган туганмас бир хазина эди бу ер.

Соколов буларни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Отряд эса ҳам ажабланди, ҳам ўзида йўқ қувониб кетди. «Мана энди жанг қилиш мумкин!»

Соколовчилар мақбара ичига кириб олганини кўрган Қўқон мухториятининг корчалонларидан бири Миён Қудратнинг ҳамтовоқлари шайх Исмоил Сайидхон ўғли, Бузрукхўжа Маматхонхўжа ўғли ва бошқалар оёғи куйган товуқдай питиллашиб, ўзларини қўярга жой топмай қолишди.

Уларнинг бундай ғазабланиб, жазавага тушишларининг асил сабаби шу йиллар давомида сир сақлаб келган қилмишларининг усти очилиб, беҳисоб хазина, хусусан ғоят махфий ҳужжатлар ҳукумат қўлига тушгудек бўлса, ўз аҳволларига маймунлар йиғлаши турган гаплигига кўзлари етганида эди. Яна шуниси ҳам борки, Шоҳимардон мазори Шўро душманларининг қурол-яроғ сақлайдиган яширин аслаҳахонаси, бегуноҳ халқнинг дарё-дарё бўлиб оққан қонига зомин шайхларнинг Шўро ҳукуматига қарши фитна ўчоғи сифатида ер билан яксон қилинарди. Улар қадрлари-

га эмас, қоринларига йиғлашарди. Бордию қамалда қолган қирқ саккиз жангчи ўз ихтиёрига тасодифан ўтиб қолган қуроолардан фойдаланиб, қамални енгиб чиқса ёки ёрдам келгунча босмачилар сиқувиغا бардош беролса-чи... Қоплонбек, айниқса шайх Исмоил шундай бўлиши муқаррарлигини билишган, бутун хавфлари ҳам шундан бўлган, улар учун, наинки, улар, уларнинг ниқобли раҳнаمولари учун ҳам ҳалокат деган гап бўлар, шу туфайли бу жангда нима қилиб бўлса-да, қизил аскарларни маҳв этишни бирдан-бир мақсад қилиб олишган, бошқача ҳукм чиқаришлари мумкин ҳам эмас эди. Яъни, қирқ саккиз нафар қизил аскар билан Қора Қоплон галаси ўртасида бу жанг одатдаги тегиб қочар оддий тўқнашувлардан бўлмай, кутилмаганда ҳаёт-мамоғ жангига айлланиб қолган. Унинг натижаси ё бу мудҳиш сирни очиб, шаррият, дин, ислом ҳомийларини оддий халқ кўзи олдида иккинчи бор бош кўтармайдиган қилиб шармандасини чиқарар, ёинки уни яна сирлигича ёлиб, Шўро ҳукумати ашаддий душманларининг ёпиқлик қозонини ёпиқлигича қолдирар эди. Буни соколовчилар ҳам тушунишарди. Қўлларига тушган қурол-аслаҳа, мол-ашё ва ҳужжатларни кўриб қандай бўлмасин, ёрдам етиб келгунча қаршилиқ кўрсатишга, схирги томчи қонлари қолгунча жанг қилишга қарор беришди.

Қизил аскарлар босмачиларнинг ҳали у, ҳали бу дарвозада пайдо бўлиб, қўққисдан қилган ҳамлаларини жон-жаҳдлари билан қайтариб туришди. Кечга қадар тинмади бу жанг.

Қишлоққа қоронғи тушгандан кейин ҳам ўқ овозлари тинмади. Баъзан атрофни ларзага келтириб қўл бомба портлар, босмачилардан бир нечаси ўққа учиб йиқилар, ярадорлари жароҳатларининг алам-аччиғига чидолмай дод-фарёд кўтарар, қай бирлари оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан сўқинишар эди. Отишма тўхтади дегунча дарага ваҳимали жимлик чўқар, баъзан уни узоқ-яқинда улиган қашқирларнинг машъум овози бузарди. Лекин бу жимлик узоқ давом этмасди. Яна қасир-қусир ўқ овози янграб, одамларнинг дод-войи, қашқирларнинг улишини босиб кетар, кейин кимдир «их!» деб ер тишлаб қолар, кимдир ёш боладай бўзлаб онасини чақирар, яна кимдир худодан нажот тиларди.

Уша куни эрталабдан, яъни қуршовнинг бир куни

Ўтгач, ҳар хил узунқулоқ гаплар тарқалди: «Ҳазрат Али — шери худо бу кеча каромат кўрсатармишлар. Эртага эрталабгача мазор ёрилиб, унинг ичидаги ғайридинларни ер ютар эмиш».

Шайхларнинг бу макрига ишонган босмачилар яна ҳаракатга келишди. Умрларида тоат-ибодат нималигини билмаган босмачилар (уларнинг кўпчилиги ғирт саводсиз, алданган, жоҳил, йўлдан адашган оддий кишилардан иборат эди) таҳорат олиб, шайх Исмоилга иқтидо қилиб, эшонларга қўшилиб намоз ўқидилар ва мўъжиза юз бериб қизил аскарларни ер ютишини ютиб, кечаси билан мижжа қоқмай чиқдилар. Шайхларнинг бу найранглари қайтага қўрбошининг йигитларидан кўпининг бошига етди. Улар кўнгилларида, ер бизни ҳам қизилларга қўшиб ютиб юбормасин, деб дарвозага яқинлашишга юрак бетламай, узоқдан кузатиб, хавотирланиб ётишганида қизил аскарлар ичкаридан чиқиб, уларга тўсатдан ҳамла қилишди, кейин макбара ичига шовқин-суронсиз кириб кетишди. Бу ҳол тун бўйи икки бор такрорланди.

Тонг отди. Кечаси билан юрак ҳовучлаб чиққан босмачиларнинг кўзи ташқаридан яққол кўринадиган қилиб девор устига қўйилган танасиз бошга тушди. У қўрбоши Қоплонбекнинг энг ишонган ёрдамчиси Қўлдош понсоннинг калласи эди. У тилини тишлаганича кўзлари бақрайган ҳолда қотиб қолган эди. Буни кўрган қамалчиларни ваҳима босди. Мақбарадагиларни осонликча таслим қилмасликларига энди ишониб, тарвузлари қўлтиқларидан тушди.

Иккинчи кун ҳам биринчи кундагидек аёвсиз равиш билан ўтди, қамалчиларнинг барча зўр беришлари беҳуда кетди, ҳар сафаргидек ҳамлаларида ўзлари тутдай тўкилишар, ҳеч иш чиқара олмай, орқаларига чакинишар эди.

Қамалнинг учинчи кунда ҳам ўзгариш бўлмади ҳисоб. Афтидан, босмачилар узил-кесил ҳужумга ўтишга юрак олдириб қўйишган эди, икки-уч бор кўтарилган сийрак қасира-қусур овозлардан бўлак ҳеч нарса эшитилмади.

Халқ аскарларнинг ўқ-дорисидан кўнгли тўқ бўлса ҳам, озиқ-овқат, сувдан қийналишларини ўйлаб, ташвишланарди. Қолаверса, ҳануз ёрдам етиб келмаётганидан ҳайрон эди. Бу ҳам етмагандек гўдаклар, қари-қартанглар, зўрға юрган касаллар орасида ўлим бошланди. Уликларни қабристонга олиб боришнинг

илэжи йўқ, тошлар орасига кўмишга мажбур бўлишди... Бу кулфатларнинг барчаси қўшилиб, халқнинг сабр косасини тўлдирди. Исҳоқ ота, Мебува ота, Абулқосим ота, Аҳмад ота деган беш-олтита кексалар тўпланиб, маслаҳат қилишди, қўрбоши олдига чиқиб, бу беҳуда урушни тўхтатиб, қамални бекор қилиб, кетишни сўрашга қарор беришди.

Кексалар қўрбошининг ҳузурига чиқиб, «мингминглаб лашкар тўплаб иш кўриб, қанчадан-қанча гуноҳсиз қонлар тўкилишига зомин бўлган Мадамин, Алиёр, Кўршперматлар оқибатда нима бўлишди-ю, сиз нима қила олар эдингиз? Буларни йўқ қилганингиз билан улар сизни омон қўярмиди? Шўро билан ўйнашиш хато. Унда куч кўп. Бу ёғини ҳам қўйиб турайлик, халқни ўйланг. Улар бундай совуқ, очлик оқибатида пайдо бўлаётган дардга чалиниб қирилишга юз тутди. Шуларга раҳмингиз келсин, яна ёш гўдакларнинг уволига қолиб юрманг деймиз. Халқнинг қарғишидан қўрқинг, йигитларимизнинг заволига қолманг. Улганни қайта тирилтириб бўлмайди. Инсофга келиб, яхшиисп, тантилик қилинг-у, Ёрдон томонга кетинг, тирик қолганларнинг ота-оналарига, бола-чақаларига раҳмингиз келсин. Кўпчиликнинг дуойибадига қолманг деймиз. Биз анавиларни ими-жимида Водилга кузатиб қўямиз. Шу билан ҳамма тинчийди», деб арз қилишган эди, қўрбоши Қоплонбек олдинига тутақиб кетди, лекин бир оз ўйланиб туриб бўшашди.

Бироқ шайх Исмоилга ўхшаганлар битаёзган ишнинг пачавасини чиқаришди. «Агар Қоплонбек шунча йигити билан қирқ-элликта душманни маҳв этолмаса, унда унинг «Ислоом ҳомийси» деган номи нима бўлади», деб қарияларни қитмирликда айблаб қувлаб солишди.

Қариялар ҳам жим ётишмади. Халқнинг аҳволи шунчалик танглашган эдики, буни кўра била туриб, улар жим ётишолмасди.

Улар эсли-ҳушли одамлардан уч-тўрттасини Водилга юбориб, у ердагиларга хабар етказиб, отряд чақиритишга қарор беришди. Бутун умид келадиган ўша отряддан эди. У ерга Пайқовоқ маҳалласидан Аҳмад ота, Чуқур кўчадан Қурбон оталар оғзаки хабар билан жўнатилди. Лекин улар Лангардан ўтолмай қайтишди...

Қизилларга ёрдам келмади, қарияларнинг барча ҳа-

ракатлари зое кетди. Лекин қамалдагиларнинг мардликлари дарадан дарага, тоғдан тоққа ўтди.

Уч кеча-кундуз жон-жаҳди билан уринган бўлса ҳам, Қора Қоплон бир иш чиқара олмади. Қамалдагилар ҳеч қандай куч, ҳийла-найрангга бўш келишмади. Аксинча, бир зарбага икки-уч зарба билан жавоб бериб туришди. Охири бўлмагач, Қора Қоплон шайхлар билан маслаҳатлашиб, ичкарига Мадамин Шомат ўғли деган деҳқонга ўзларидан бир одамни қўшиб улар орқали хат киритишди. Хатда шундай сўзлар ёзилган экан:

«Қизил аскарлар командирига!

Биз сизларга шафқат қиламиз, агар қурола-рингизни ташлаб таслим бўлсангиз, барчангизнинг гуноҳингиздан ўтамиз, сизларга зиён-заҳмат етказмай, шайх Исмоил бошлиқ эл раҳнамолари Қадамжодан ўтказиб қўйишади. Бўлмаса, биттангизни ҳам қолдирмай қириб ташлаймиз».

Степан Соколов хатда айтилган мунофиқона сўзлар, дўқ-пўписаларни қизил аскар Абдували Маматуллаевга ўқиттириб, диққат билан эшитиб, жавоб хат ёздирди-да, Мадамин отанинг қўлига топширди. Бу хатни Соколов айтиб туриб, Рустамжон ўзбек тилига ағдариб ёзган эди. Элчилар хатни олиб чиқиб келишганда босмачилардан биттаси Мадамин отани отиб ярадор қилди, уни уч-тўрт босмачи суяб, Қоплонбек олдига олиб кирди, кейин хатни у ердагилардан биттасига ўқиттириб эшитди. Хат шундай сўзлар билан бошланарди:

«Қоплонбек! Биз Шўролар ҳукуматининг қонуний армияси ваколоти билан сизга мурожаат қиламиз, бинобарин сизни ва сизнинг бизга қўйган талабларингизни тан омаймиз. Қурулсиз халқни талаб, бегуноҳ кишиларнинг қонини бекорга тўкиб келаётганингиз, юртнинг ҳаловатини бузиб, қилиб келаётган барча ваҳшийликларингиз, оддий меҳнатқашдан чиққан йигитларнинг онгини заҳарлаб, тўдангизга турли найранглар билан қўшиб олиб, уларни кўз кўрмаган жиюятларни содир қилишга мажбур қилаётганингиз учун халқ, Шўро ҳукумати олдида жавоб беришингизга кўп вақт қолгани йўқ.

Бизга «таслим бўл» дебсиз. Биз эса, сиз, босқинчи ваҳший тўдага қарши охириги томчи қонимиз қолгунча жанг қилишга қарор бердик. Чунки бизнинг суянчиғимиз бор, қизил қўшин бор, халқ бор. Бинобарин, бизга

мадад етиб келишидан кўнглимиз тўқ. Қуршовда биз эмас, сиз қолгансиз. Шунини алоҳида таъкидлашмай, қишлоқда юз берган бутун тартибсизликлар учун, тоғ-тошга бош олиб чиқиб кетган одамларнинг, хусусан гўдакларнинг ҳалокати учун жавобгарлик фақат сизнинг гарданингизга тушади. Буни сиздан ҳеч ким соқит қилолмайди. Ҳали кеч эмас. Босмачиликнинг қисматини кўз олдингизга келтиринг-у, ўзингиз таслим бўлинг! Ана шундай қилсангиз, гуноҳингизни бир оз енгиллатган бўласиз. Шу гапларни чуқур мулоҳаза қилиб кўрарсиз деб, командир Степан Соколов».

Жавобни ўқитиб эшитган Қоплонбек ўйланиб қолди. Уч кунда анча-мунча одамларидан ажралганига қарамай, бирон натижа чиқара олмагани, Турди понсоннинг юзга яқин йигити билан қочгани, уни Ёрдондан қайтариб келингани кўз олдида ўтди. Уч кундан буён дараксиз кетган Соколов отрядини излаб чиққан қизил аскарларнинг орқа томондан сездирмай келиб, таппа босиб қолишини кўз олдида келтирди-да, тўдасига қуршовни ташлаб кетишга буйруқ берди.

Лекин Қоплонбек ниятини сезиб қолган шайх Исмоил бошлиқ казо-казолар қўлларини кўксига қўйиб, унинг йўлини тўсишди. Ранг-қути ўчган шайхлар қўрбошига: «Бу ердан бизнинг ўликларимизни отларингиз туёғида топтаб, сўнгра чиқиб кетасиз, бек, бўлмаса орқага сизга йўл йўқ,— деб йиғи-сиғи қилишди.— Агар булар омон қолса, мақбара ичидаги қуроҳлар, мол-дунё, хусусан ҳаммамизга тегишли махфий хужжатлар бошавойлар қўлига тушади. Унда сиз, бизни қўллаб-қувватлаб келаётган валлинеъматларимизга нима деб жавоб берасиз?! Агар иш ҳозир сиз ўйлаганингизча бўлса, улар сизни ҳеч қачон кечиримайди. Шунини унутманг!» деб қўрқитишди. «Бошқа илож бўлмаса, тағин нима дейсизлар?» деди Қоплонбек қовоқ-тумшугини осилтириб.

«Шариати набавия сизга фатво беради. Ўзингиз бошида туриб, мозорга ўт қўйиб куйдилинг. Ичидаги нарсалар билан ҳаммаси кулга айланиб кетсин», деб маслаҳат беришди унга шайхлар кўзларини бақрайтириб.

Қоплонбек «мозорга ўт қўйиб, куйдилинг» иборасини эшитиб, ўзига ишонмай бир лаҳза довдираб қолди-да, «мозорга ўт қўйинг!.. Йўқ, йигитлар бунга кўнишмайди. Муқаддас мозорга қайси мусулмон ўт қўйган, биз шундай қиламиз?! Мен бу гуноҳи азим ишни

бўйнимга ололмайман», деб кескин эътироз билдирди. Шунда шайхлар юзсизлик қилиб, «сиз бу ишга қўл урмайсиз, гуноҳдан ҳам холи бўласиз. Буни ўзимиз ўз қўлимиз билан қиламиз, фақат кетиб қолмай, бу пайтда бизни қўриқлаб турсангиз бас», дея ялинишди.

Қўрбоши бу шартга кўнди.

Мақбара биносини, унинг ичидаги қизил аскарларни дарров ёндириб юборишнинг ўзи бўлмас, пишиқ қилинган бинонинг жуда баланд, тулука қопланган гумбазу арча, чинор, қайрағочлардан ишланган эшик-даричаларининг ўт олиши анча қийин эди. Шунинг учун бир тўда қутурган шайху қаландарлар босмачилар ҳимояси остида қишлоқда уйма-уй изгишиб, эгаси вақтинча ташлаб кетган уйлардаги ўтин, похол, лампамой қолмай, ҳатто эшикларигача бузиб олиб чиқиб, мақбара атрофига тўплашди. Шайхларнинг ўзлари бир вақтлар мазор атрофига ўрнатиб, от думи, ҳайвон шохлари, калла суяклари осиб қўйган туғ ёғочлари ҳам қолмай, барчасини саржин қалагандай қалашди. Илгари зиёратчиларга кўзларини сурттириб, ўптириб, уларнинг пулларини шилиб олишга хизмат қилиб келган «Ҳазрат Алининг бу туғлари» энди қизил аскарларни тириклай ёндириб юбориш учун тутантириқ бўлиши керак эди...

Шундай қилиб, қуршовнинг тўртинчи куни тўп отарда бутун тайёргарлик ишлари тугади. Мақбара атрофи, айниқса гумбаз худди ўтин, хашак ичида қолгандек бўлди. Йиғилган барча лампамой бу улкан ғарамга ҳеч аямай сепилди. Ўт қўйиш учун бино устига чиққанларнинг барчаси ўққа учиб бирма-бир тушаверди. Соколов лочинлари шайхларнинг худди телбалардек кўзлари косасидан чиқиб, босмачиларга далда бераётганликларини эшитиб, уларнинг бутун жавабаларини дарвоза тирқишидан кўриб турди, бу машъум қаракатнинг оқибати нима билан тугашини билсалар ҳам, биронтасининг қўли титрамади, мўлжалга тўғри келган душманни арслондек ҳайкиришиб қулатаверишди.

Ҳамма нарса тахт қилинганига бир соатча бўлганига қарамай, гугурт чақишга ҳеч ким журъат қилолмади. Ҳатто босмачиларнинг ҳам бунга қўли бормади. Босмачилардан биттаси ўзини тамом унутиб Қора Қоплонга қараб бақирди, йиғлаб дод солди: «Ахир бу гуноҳи азим-ку, бегим! Йўқ, йўқ, йўл қўйманг! Кимки гугурт чақса отаман, отаман!» У, бешотарини ша-

рақлатиб ўқталганида, Қора Қоллон маузер тўппончасини ёғоч қинидан шарт сугурди-ю, уни қоқ пешонасини мўлжаллаб тепкини босиб юборди. Йигит тил тортмай жойида қотди. Яна ҳамма жим бўлиб қолди. Охири шайх Исмоил билан Бузрукхўжа ғарам олдига биқиниб бориб, нималарнидир пичирлаб юзларига фотиҳа тортиб, мозорга икки томондан ўт қўйишди.

Лампамой сепилган похол, ўтинлар ловиллаб ёна бошлади. Ҳайбатли мозор биноси тобора авж олиб бо-раётган даҳшатли аланга ва тутун ичида қолиб кетди. Қизил аскарлар эса, ҳамон отишда давом этадилар.

Бу қўрқинчли манзара узоқ-узоқлардан ҳам яққол кўриниб турди.

Вақт намози асрга борганида, ўт гумбаз орқали бино ичига уриб, аланга энди дарвозалар устидан чиқа бошлади. Ёлқин борган сайин авж олиб, гумбаз устида буралиб-буралиб осмонга сапчиб, теваракни ёритди.

«Олов ҳароратининг шиддатига қизил аскарлар бардош беришолмайди. Улар қочиб чиқади», деб ташқарида милтиқ ўқталиб ётган босмачиларнинг қулоғига ичкаридан қудратли қўшиқ садоси келиб урилади, улар байналминал айтардилар. Унинг орқасидан «Яша, Шўро!» ни куйлашди. Бу қўшиқнинг сўзларини теварак-атрофидаги халқ аниқ эшитди. Унинг садолари ҳатто осмон фалакка бўй чўзган чўққиларгача эшитилди. Тоғлар ҳам «Яша, Шўро!» деди, баҳайбат қоя тошлар, ўқ етмас чўққилар, даралар, кўлу дарёлар ҳам, «Яша Шўро!» деди.

Саксон баҳорни кўрган Мебува ота чидаб туролмай, ҳўнграб йиғлаб юборди, беҳуш бўлиб, «шилқ» этиб йиқилди. У қанча ётди билмайди. Бир вақт кўзини очиб, ўзига келди, осмон-фалакка кўтарилган алангадан кўзини узмай нималарнидир деб дуо қилди.

Қизил аскарларнинг ўтга, унинг даҳшатли ҳароратига, сўнги дамлардаги ташналик азобига бардош бериб жангни давом эттиришлари, бирортаси ҳам номардлик қилиб, ташқарига қочиб чиқмаётгани, муқаррар бўлиб қолган ўлимнинг хунук башарасига мардонавор тик боқиб тўришларини кўриб, мозор атрофида томоша қилиб турган бир қанча босмачилар бу шафқатсизлик олдида тиллари лол бўлиб, бошларини эгиб қолишди. Улардан кимдир аламига чидолмай,

сал наридан юзини девор қилиб ўтиб кетаётган шайх Исмоилга қарата тишини гижирлатиб:

— Энди кабоб қилиб ейсиз, тақсир, ўтни умид-ла ўз қўлингиз билан ёқдингиз-ку, ахир! — деди ғазаб билан.

Бу аччиқ кинояни эшитиб, атрофдагилар бир қалқиб тушди, ким шайхларни бошлаб сўқди, ким ўзича гудраниб унга ёвқараш қилди. Босмачи тўдасига адашиб кириб қолган йигитларнинг эса, ўзлари қилиб чорган ишларидан пушаймон бўлиб, кўзлари жиққа ёшга тўлди. Ана шу кўзлари жиққа ёшга тўлганлардан бири шайх Исмоилнинг садоқатли қароли Шодмонхўжа эди. Шодмонхўжа ҳақида ҳали анча гаплар ёзилади.

Шайх йигитларнинг авзойи бузилганини сезиб қолиб, қоронғилик қўйнига ўзини уриб қолди.

Қизил аскарларнинг бу матонати, мислсиз мардлиги ҳар қандай тошжуракни ҳам ларзага келтириб юборар эди.

Вақт хуфтонларга борганида ўт яна авж олиб, мақбара дарвозаларини ҳам ўрашга тушди. Атрофни жизгинак, латта ҳидлари қоплади. Гумбаз эса атрофдаги тоғлардан худди улкан чўғ ўтовидек, қип-қизил бўлиб кўрина бошлади. Унинг ичида халқ фарзандлари тириклайин ёнар эдилар. Шуниси алам қилардики, уларга ҳеч ким ёрдам беролмасди.

Бу манзарани Шоҳимардон атрофидаги Куйинди, Сандал, Шаланг, Бўкан, Бомбир тоғларидан кўриб турган қишлоқ аҳли ҳаяжонга келиб, душманни даънатлаб, дуойибад қилди.

Тун яримлаган пайтда жимиб қолган мазор биноси ичидан бирдан қўл пулемёти, милтиқлар яна тилга кириб, «улар энди куйиб битишди» деган хаёл билан хотиржам бўла бошлаган душман устига ўқ сели ёғиб қолди. Босмачилар саросимага тушиб, пароканда бўлиб турганларида, ўт ичидан худди қафасдан чиққан шердек отилиб етти киши чиқди-да, душман устига ташланди. Дуч келганини отиб қулатиб, босмачилар ҳалқасини ёриб ўтди. Улардан биттаси ҳалок бўлди, қолган олтитаси мақбаранинг кун чиқиш томонидаги ўпирилиб ётган қабрлар ичига жойлашиб олди. Қабристон атрофидаги майдонда гаплашиб юрган босмачиларни қўл пулемётидан ўққа тутиб, тутдек тўка бошлади. Кутилмаган бу зарбадан ваҳимага тушган босмачилар ўлик-тирикликларига ҳам қарамай,

дуч келган томонга тартибсиз қочиб, тарқаб кетдилар, бирдан атрофга оғир жимлик чўкди...

Мозор ҳамон ёнарди. Алламаҳалга бориб гумбаз ичидан бирин-кетин қаттиқ гумбурлаш эшитилди, кейин гумбаз босиб тушди. Яна жимлик атрофни ўз ҳукмига олди. Бу ҳол тонг қоронғисига қадар давом этди. Тонг палласида Фарғона томондан от туёқларининг дупури, пулемётнинг узиб-узиб тириллаши эшитилди. Мозор тарафдан уларга қарши ҳеч қандай жавоб бўлмагач, қишлоқ аҳли яширинган жойларидан аста-секин тушиб кела бошлади, баъзилар уй-уйига, баъзилар мозор атрофига йўл олишди. Деҳқонлар тирик қолган олти аскарни беҳуш ҳолда чўкиб кетган қабрлар ичидан топиб олдилар. Шу қаҳрамонлар ичида кичик командир Рустамжон Пўлатов ҳам бор эди. Мозорнинг Ёрдон ота тарафидаги майдонда босмачилардан анча-мукчаси эр тишлаб ётарди. Афтидан, Қоплонбек қўрбоши йиғитлари мурдасини йиғиштириб кетишга ҳам улгуролмаган эди.

Мозорнинг қолган-қутган жойлари ҳамон ёнарди. Уни ёндиргаклар аллақачон гойиб бўлишган, бу машъум ишнинг бошида турган шайх Исмоил, Бузрукхўжа ҳам ном-нишонсиз йўқолишган, бешинчи кун и эрталаб янги келган аскарлар қизил байроқларини қилпиратиб, тсғ-тошларда ҳануз беркиниб, қайтишга юрак бетламай ётган одамларни: «Энди хавотир олма, уй-уйларингизга қайтаверинглар» дегандай чақирдилар. Бутун қишлоқ халқи мозор атрофига интилди.

Қизил аскарлар бошчилигида қишлоқ халқи мақбара билан бирга куйиб кетган қаҳрамонлар хокини йиғиштириб олиб, мозор ёнига дафн қилди. Уларнинг хотираси ҳурмати юзасидан бутун қурооллардан бир варакайига уч бор ўқ узиб, салют берилди...

Босмачилар ҳимоясида мозорга ўт қўйишда шахсан ишгирок этган икки-уч мунофиқ, ҳеч нарса кўрмагандек халққа араллашиб, ўзларини сездирмай юришган экан, ўз оғизларидан илиниб, қўлга тушишди ва ўша жойнинг ўзида инқилоб номи билан дарҳол отиб ташланди. Қора Қоплоннинг ўзи ҳам зим бўлиб кетди. Дўсти Степан Соколовни қидириб отряд билан биргаликда Шоҳимардонга келган Ҳамза бу даҳшатли фожиана кўриб тошдек қотди-қолди. У секин-секин юриб бориб оғнилари йиртилиб, кўзлари ичига тортиб, юзи қора тупроққа айланиб кетган Степан Соколовга яқинлашди.

Унинг олдида тиз чўкди... Забардаст қўлларини юзига
Сосди. Степан қандайдир бир илтиҳ нарсани ҳис қилди.
Ҳамзанинг бўйнига қонсиз заиф қўлларини ташлади.
Ҳамза авайлаб, беҳол, бемажол Соколовнинг белидан
қучиб олди. Иккиси аста-аста олдинга қадам ташлади.
Бу икки дўст даврга, минг-минг йиллардан бери кишан
ва паранжида қон қусган Шарқ хотин-қизларининг
озодлиги учун, зolim муштумзўрларни синф сифатида
тугатиб, колхоз тузиш учун олиб борилган энг қаттиқ,
энг шиддатли курашлар даврига шу тарада бир-бирига
ҳамдам, ҳамдard бўлиб ўт-оловларни босиб ўтиб кириб
келишди.

ИККИНЧИ КИТОБ

ИККИ ТЎЛҚИН

Биринчи қисм

«КЕЛДИ ОЧИЛУР ЧОҒИНГ...»

Биринчи боб

САМАРҚАНД

Хазонрез кунлари бог-роғлар ясан-тусанни, кўм-кўк либосини ташлаган. Аравалар, эшак минган одамлар кўчаларда у ёқдан-бу ёққа қатнашади. Бир пайт бозор майдонидаги оломонни икки ёққа ёриб келаётган ғалати бир карвон пайдо бўлди. Олдинги туя устидаги тахтиравонга машшоқлар жойлашган. Туя роса безатилган, ундан кейинги туяларга плакат ва шиорлар осиб ташланган. Бу карвонда Ҳамза труппасининг грим қилиб олган артистлари келишарди. Уларнинг бири бой, бири шайх, бири эшон, бошқа бири деҳқон, ишчи, савдогар ва қизил аскар қиёфасида.

Битта туянинг бошига цилиндр кийгизишиб, Чемберлин тусига келтиришибди.

Ташвиқот карвонининг энг охирида битта эшак сансоларчи қиёфасига киритилибди. Унга каттакон қаламдаво ва папка ортилган.

Бу карвон бир лаҳзада одамларнинг диққатини ўзига михлаб олди-қўйди. Самарқандлик ёш бир йигит қаҳқаҳ отиб кулганча карвон кетидан эргашди.

Кўча ҳаракати тўхтаб қолди. Ҳамманинг кўзи карвонда, туянинг устида керилиб ўтирган Юсуф қизиқ — жарчи одамларга қараб мурожаат қилди: «Ҳой яхшилар, кимда-ким суви қочмаган гап эшитаман деса, умр бўйи «во нафсо!» деб югурган, шу кунларда биқинига сит тепган бедаво суқатой, очкўз, текинхўр, «олма пиш — оғзимга туш!» деб кечаю кундуз тасбеҳ ўгирадиган бадзотларни кўраман, куламан деса, карвонга яқин келсин!»

У, туяда савлат тўкиб ўтирган «казо-казоларга» ишора қилиб, уларни халққа таништиришга киришди!

Томга қўйган шотидек,
Амир лашкар отидек.

Сўлакайи чўзилиб,
Кўзи ўйнар мокидек.
Домла поччамга салом!

Бозордаги совундек,
Ичи тушган қовундек,
Бойбувамларга салом!

Ойболтадек салмоғлиқ,
Эшонийимдек димоғлиқ,
Муридлари қушмоғлиқ,
Эшон поччамга салом!

Олти пуллик тақадек,
Кўзи иргиб бақадек,
Оч мухлиснинг қўлида
Ўтмай қолган чақадек,
Шайх ҳазратларига салом!

Ариқдаги балиқдек,
Мита тушган таригдек,
Гўнг тепада шўрлашиб
Ҳаққа етган чориқдек,
Мингбоши поччамга салом.

Ҳар танишувдан сўнг одамлар «гурр» этиб кулиб юборишарди.

Карвон аста олдинга силжиб борар, халойиқ унинг кетидан эргашарди.

Карвон тўхтади. Бир туя устида ўтирган «эшон» ўрнидан турди. Унинг бошида катта салла, эгнида узун оқ авра камзул, қўлида тасбеҳ. У оломонга хирилдоқ овоз билан мурожаат қилди:

— Айюҳаннос! Эй аҳли ҳалол. Ҳар ким мени билмаса, билсин. Билмаса мендирман макқори замон, золими жаҳон, манбаи фисқу фаҳш ва хонайи куллинаҳс шайх Исмоил ба лақаби «оқ эшон».

Кулги, қийқириқ сал босилгач, Юсуф қизиқ эшония таърифлаб кетди.

— Эшонимизнинг семизликлари шу қадарга етди-ким, бу зотни тарозининг бир палласига, иккинчи палласига олмон ҳўкизни солиб тортсангиз, иншоолло, паллани эшонимиз босгайлар. Бунга шубҳа қилган ки-

шининг ўзи кофир, хотини талоқ бўлгай. Семизлик эшонимизга падар бузрукворларидан мерос. У зотнинг хотини ваҳҳига ҳам суяклари йўқ эди. Зоти олийлари ҳозир тупроққа айланиб, тириклик ташвишидан халос топганлар. У кишининг эшонлик маснадларига бу фарзанди қобиллари ўлтирдилар. Бу киши ҳам мурид, мухлис ва Шоҳимардон зиёратчиларининг текин сувқатлари, назр-ниёзлари ва мазорга ва вақф этилган ерлардан келган ноз-неъматлар билан, назр этилган дилосо, маҳбубаи жононлар билан ўйнаб-кулиб, чунонам семирдиларким, истибро вазифасини бир муридга, истинжо вазифасини иккинчи муридга топиширмоқдан бошқа илож тополмадилар.

Яна қаттиқ кулги кўтарилди.

Юсуф қизиқ халойиққа қараб яна мурожаат қилди:

— Биродарлар! Ҳа, хаста пирим, бир кўзлари мағрибда, бир кўзлари машриқда, серҳаракату бебаракат. Гармсел тегиб, қутилмаган жойда қора косов бўлиб, ҳозирча ўчоқ кавлашдан бошқа нарсага ярамай қолганлар. Хаста пиримнинг сизларга яқинда бўлади-ган меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий шўро сайлови олдидан яна бир арз-додларини тиллари билан айтмоқчилар, қулоқ бериб арзларини даражаи қабулга олгайсизлар.

Ҳамма «эшон» ўтирган туяга кўзини тикди. «Эшон» одамларга қараб сурбетлик билан насиҳатомуз гап қотди:

— Омин, оллоҳу азимушшон бандам дегай:

Мени сайланг, мени сайланг,
Муридим, мухлис элим!
Икки дунёдаги мушкул —
ларинг осон қиламан.
Ҳақ таолонинг ҳақиқат —
Йўлига бошчи бўлиб,
Тонгла маҳшарда сизи
Лойиқи гуфрон қиламан.

Энди Юсуф қизиқ жиддий тус олиб, «эшон»га зарда билан қаради-да, кейин халққа мурожаат этди:

— Даврадан қочган беданадай сўзни бошқа томонга бураверманг, эшон пирим. Бошингизга шунча калтак тушса ҳамки, боягидай оёқ-қўлингиз эпчил, тилингиз бурро, тиғингиз бутун кўринади. Лекин пухта гап шуки,

тақсир, илтимос, ҳадеб диққинафас бўлавермасинлар.
Узингиз айтгандай, пешона қолубало.

Буни ҳайданг, буни ҳайданг,
Тез орадан, жўралар!
Яна ёлгонлар ила кўп
Сизни сарсон қиладир.

Йилда бир қизни олиб ул,
Бору йўгингизни шилиб,
Парча нонга, яна-чи,
Кўз ёшингиз қон қиладир.

Чиқ орадан, кета қол!
Мурдангни марвон қиламан.
Тела-тепа, теи тагидан
Ер билан яксон қиламан.

Юсуф қизиқ одамлар нигоҳини «бойга» қаратди.
Кейин уларга:

— Оғайнилар, бойбувамнинг гапларини қулоқла-
рингизни қамчи қилиб эшитинглар,— деди.

«Бой» дарҳол ўрнидан туриб, оломонга насиҳат қи-
лишга тушиб кетди:

Мени сайланг, мени сайланг,
Менинг фарзандларим!
Давлатим бирла сизни
Улгунча меҳмон қиламан.
Ер-сув кетди-ку, майли.
Сизни бир нав қилиб,
Баъзи ишда жуда, ҳа!
Шод ила хандон қиламан.

Юсуф қизиқ бу гапни эшитиб, афтини буриштиради.
«Бой» томон кўрсатгич бармоғини қадаб, одамларга
буюрди:

— Шод ила хандон қилармиш. Бирор марта чори-
корнинг бошини силаб, ёшнни артиб кўйгандек гапира-
ди-я, муттаҳам!

Буни ҳайданг, орадан,
Қонсираган оч бўри бу!
Яна кирса орага
Ҳийла ҳаросон қиладир.

Яна аввалги дўку
Туртки-ю, тухматга ўтиб,
Кўча-кўйларда сизни
Зор ила ҳайрон қиладир.

Бойнинг юзига бир лаҳза тикилиб тургач, унга қараб ҳайқирди:

Орадан чик, коса кўз!
Хумча қорин, сен текинжўр!
Бир тепиб тумшугингга
Миянгни талқон қиламан.

Яна қаҳ қаҳа, қарсак, «Артистларга балли!», «Ҳамзага раҳмат!» деган хитоблар авжига чиқди.

Бир нафас томоша кўрсатгач, карвон олдинга жилди, одамлар унга эргашди. Дўкондорлар, савдогарлар карвонга ҳайрат билан тикилиб туришарди. Бир дўкон олдида карвонга маҳлиё бўлиб қараб қолган йигит ёнидаги одамнинг гапидан ўзига келди. Дўкондор бошини тебратиб, учинчи одамга норози оҳангда уқдирар эди:

— Бунга яна ўша Ҳамза чиқарган!

— Ҳа,— дея ҳалиги одам дўкондорнинг гапини қувватлаб тушди.— Ҳалол одамларни бутун шаҳар аҳлига шарманда қилиб кўрсатишга ўша шаккоккина ботинади. Тавба, қандай кунларга қолдик, пичоғимизнинг дами қайтган, на тошга ўтади, на сувга.

Йигит унга норозилик билан бир қараб қўйди-да, ундан нафратлангандай ўзини нари олди.

Карвон йўлида аста давом этди...

* * *

Самарқанд регистони майдонига автомобиль келиб тўхтади. Унда Соколов билан Олчинбек Назирий ўтирар эди. Соколов Олчинбекдан унинг сафари таассуротларини сўради:

— Шоҳимардон қандай, яхши бориб келдингизми?

— Ҳеч нарса тасдиқланмади, ҳаммаси қуруқ тухмат экан, Степан Петрович,— деди у бепарволик билан, кейин гапни бошқа ёққа буришга интилди.— Шоҳимардон ажойиб ер... ўриклар оппоқ бўлиб гуллаб ётибди.

— Ўртоқ Охунбобоевга шундай деб айтдингизми?

— Ҳа, худди шундай деб хабар қилдим.

Соколов Олчинбекка каттакон тахтага ёзиб қўйилган рекламани кўрсатиб сўради:

— Сиз бу пьесани ўқидингизми?

— Ҳа... Лекин...

— Хўш, қандай фикрдасиз?

— Ёмон эмас, аммо Ҳамза игарилари яхшироқ
ёзар, пьесада масалани ўткирроқ қўяр эди...

— Қачон у, игарилари деганингиз?— деб сўради
Соколов енгил киноя билан, Олчинбек жавоб беришга
шошилмади, ўзини бу сўроқни эшитмаганликка солиб,
индамай тураверди. Соколов ҳам уни ортиқча танг қи-
либ ўтиргиси келмади чамаси, машинадан тушаркан:—
Ҳа, хўп... Бу тўғрида кейин гаплашамиз,— деб қўя
қолди.

Улар «Музика билим юрти» деган лавҳа осиглиқ
эшикка киришди, уларни профессор Степанов қарши
олди. Ҳол-аҳвол сўрашишди.

— Хўш, Сергей Иванович, шогирдларингизни бизга
бир кўрсатинг-чи,— деди Соколов чолнинг елкасига қў-
лини оҳиста қўйиб.

— Марҳамат, ўртоқлар, қани, ичкарига,— деб про-
фессор йўл бошлади.

Узун йўлакнинг икки томони бўйлаб кетган ҳужра-
лардан музика садолари янграр, кимдир рояль, ким
скрипка, ким най чалар эди. Улар Шердор мадрасаси
ҳужраларида қизгин машғулотлар кетаётганлигига
қаноат ҳосил қилиб, билим юрти эшиги олдига чиқиш-
ди. Соколов ўйчан эди. «Йўқ, одамлар ўзларининг
ажойиб орзуларини амалга ошириш учун асрлар даво-
мида бекорга интилмаганлар, бу йўлда қурбон бўлган-
ларнинг қонлари бекор кетмаган. Мана, уларнинг
самараларини кўриб турибман. Тез кунларда бу даргоҳ-
дан биринчи ўзбек бастакорлари, пианиночилар,
скрипкачи, чангчи ва ашулачилар етишиб чиқади»,
деган фикр унинг кўнглидан ўтди-ю, профессорга қараб
мамнун жилмайди:

— Бу ажойиб ютуқ, Сергей Иванович. Менинг бир
дўстим бор. Сиз шоир Ҳамзани танийсизми?— деб сў-
раб қолди Соколов профессордан.

— У киши ҳақида эшитганим бор. Ашула, шеър,
пьесаларини биламан-у, лекин у билан шахсан таниш
эмасман.

Ҳамзанинг номини эшитиб, Олчинбек ҳушёр тортди.
Унинг бу ҳолатини Соколов сезиб турса ҳам, ўзини ло-
қайд тутиб давом этди.

— Мен у билан бир вақтлар, қаттиқ уруш суронла-
ри пайтида кўп ҳамгап бўлганман... Поезд бизнинг

платформамазни янги жанлар сари олиб борар экан, биз мана шу ёруғ кунларни биргалашиб орзу қилардик. Унинг бирдан-бир орзуси катта музика асари ёзиш эди. У ажойиб одам. Сиз у билан, албатта, танишиб олнинг, профессор.

* * *

Шоҳизинда даҳмаси йўлагиди Олчинбек Назирий билан янги алфавит қўмитасининг секретари Шавкат турарди. Иккаласининг ҳам кайфияти яхши эмас, юллари тунд, нимадандир диққат эди улар. Ойдин кеча Феруза гумбазлар ой қўйнида кўк аланга таратиб кишининг хаёлини олиб кетади. Қусам ибн Аббос даҳмаси томондан қуръон тушираётган қорининг хазин овози эшитилди. Олчинбек Назирий деворларга бир лаҳза хилелчан тикилиб турди-да, замзама қилди:

— Яша Шўро! Яша, Шўро!

Шавкат тоқат қилолмай, «портлаб» кетди:

— Аввал Тошкент билан Қўқонда ишладим, сўнг Хоразм ижтимоий шўролар жумҳуриятининг маориф нозири бўлдим. Бу Ҳамза Ҳакимзода деган зот билан тўрт йил биргалиқда ишладим. Ишладим эмас, жанг қилдим. Бунинг «Яша, Шўро»сидан тўйган эдим, яна йўлиқдим шунга.

У чуқур хўрсиниб қўйди-да, кўнглида чўкиб ётган дарди қатларини очиб гапира бошлади.

— Унинг қўшиқлари бизни тобора қамалга оляпти,— деди ташвишланиб.— Ҳамма ерда куйлашяпти... У миллатимизнинг асрлар мобайнида шаклланиб қарор топган анъаналарини поймол қияпти, маънавий дунё-мизни вайрон этяпти, одамларнинг, хусусан ёшларнинг ихлосини қозоняпти... Ваъз айтади. Шўро ҳукуматининг моҳиятини тушунтириб, русларнинг маданиятини мақтаб сўзлагани-сўзлаган.

Олчинбек Шавкатнинг кўнглини аён кўриб турарди. Шундай бўлса ҳам гапни айлантирди. Охирида босиқлик билан уни қувватлаб, аниқ таклифларини дангал айтди:

— Сўзловчи нодон бўлса, тингловчи доно бўлмоғи керак. Сиз доно бўлинг, Шавкат афандим,— деди Назирий.— Китобларининг нашр этилишига, пьесаларининг қўйилишига йўл бермаслик керак, ана шунда унинг нафаси ўчади. Биламан, бу хавфли, лекин начора, бошқа иложимиз ҳам йўқ-да.

Улар йўлак майдончасига чиқишди-да, тўхташди. Олчинбек Назирийнинг юзюзида қаттиқ ташвиш аломати бор эди.

— Бу ҳам майли эди-я, — деди Шавкат жигибийрон бўлиб, — аммо энг даҳшатлиси бу ёқда — биз нуфузимизни йўқотиб қўймоқдамиз. Халқнинг энг яхши одамлари биздан юз ўгирмоқда!

Олчинбек Назирий индамади. У, мовий рангда тов-ланиб турган гумбазнинг нақшинкор қобиргаларига хаёлчан тикилиб тураркан, зах деворлараро ўрмалаган ҳашоратлар, калтакесакларга кўзи тушиб, сесканиб кетди. Шавкатнинг куйиб-пишаётганига эътибор бер-май, тагдор қилиб жавоб қилди.

— Ҳозир одамларимизни тайёрлашимиз лозим. Ёшлардан ишончлиларини танлаб Лондон, Берлин, Стамбулга ўқишга юборишимиз керак. Тўрт-беш йил ичида одам бўлиб келиб, бизга керакли ўринларни эгаллашади, етти-саккиз йилдан кейин эса, давлатни бошқаришади. Ана ўшанда...

У фикрини давом эттиролмади қолди. Улар томон кимдир келаётганини кўриб, сир бей бермай, иккаласи икки тасмонга йўл олди.

Иккинчи боб

ОЧИҚ ХОТИН

Эски шаҳар кўчасининг икки чеккасидаги йўлдан ўткинчилар тинмай қағнаб туришибди. Улар орасида бир аёл киши кўзга яққол ташланади, чунки унинг юзи очиқ, на паранжиси ва на чиммати бор. Ўткинчилар ичида бошига худди қоп кийиб олгандай кетиб бораётган аёллар билан ҳеч кимнинг иши йўқ, лекин ҳамма-нинг кўзи ҳалиги аёлда. Биров ҳайрат билан, биров га-забланиб, яна биров бу ҳодиса тушида эмас, ўнгида со-дир бўлаётганлигига ишонгиси келмай, уни кузатади. Бу аёл Зулфизар эди. У ниҳоятда келишган, ёқимтой. Гўё ўз ҳуснини кўз-кўз қилгандай, одамлар орасида бо-шини кўтариб, мағрур борар, аммо баъзи-баъзида ат-рофига ҳадик билан олазарак қараб қўярди. Бирдан унинг жавдираган кўзлари рўнарасида турган бадба-ша-ра, бадқовоқ, чеҳраси тунд номаълум йигитга тушиб, юраги «шиғ» этиб кетди.

У аста яқинлашиб келди. Қаршисида тўхтади. «Унингни чиқарма», дегандай, энги ичидаги пичоққа

инора қилди. Зулфизар нима бўлаётганини билолмай, бир муддат ўзини йўқотиб қўйди. Рўпарасида чағир кўзларини ўқдай қадаб турган одам ундан нима талаб қилаётганлигини ўйлашга унинг мажоли йўқ эди.

Бу орада эса, қора одам ғазаб билан илондай вишиллаб, овозини пастлатиб, унга деярли пичирлаб, бир нималар деб заҳрини сочар, ниманидир уқтирарди.

Зулфизарнинг қулогига Ҳамзанинг исми эшитилгандек бўлиб, бир оз ҳушёр тортди. «Сен Ҳамзанинг пинжиги кириб, ҳаддингдан ошиб кетдинг,—деди овоз. — Одамлар ичида ўйнайсан. Мен, ахир ўзинг биласан, неча йилдан буён ҳажрингда ёнаман, висолингга етишиш умидида орқангдан эргашаман. Ахир сенга ишқим тушган, муҳаббатинг мени девона қилган. Ўтган ишларга саловат, гуноҳларингга тавба қил-у, менга тег, шаръан ҳалолим бўл». Зулфизарнинг назарида худди тушидагидек бу гаплар узук-юлуқ эшитилар, лекин буларни ким айтаётганига тушунмас, қаршисидаги одамнинг лаблари кимирлагани билан, овозини гуё эшитмасди. Бу овоз Аҳмадсунбойнинг уйдан келаётгандай эди назарида. Кўз олдидан ханикка ётқизилган Аҳмадсунбой, унинг энгагини чап қўли билан чангаллаб, ўнг қўлидаги дудамани кекирдагига тираб турган ғайринсоний бир бадбашара маҳлуқ лип этиб ўтди. Қаршисида турган одамнинг кўзлари олайиб, лаблари пичирлар, энди Зулфизарга очиқдан-очиқ дўқ қилар эди. Зулфизар унинг чертиб-чертиб айтаётган гапларини аниқ эшитди. «Барибир мендан қочиб қутулолмайсан,—деди у, тишини гижирлатиб.— Қаерга борма, сени соянг бўлиб таъқиб қиламан. Гапимга кўнмасанг, жонингдан умидингни узиб қўявер. Ўзинг кўргансан, муродимга етиш учун унча-мунча нарсдан тап тортиб ўтирмайман. Биргина сенинг эмас, ўша Ҳамзангнинг ҳам қонини ичаман. Танимаётган бўлсанг, яхшилаб таниб ол — мен ўша Қора Қоплонман». Зулфизар юзини шарт ўгириб, тар мевалар дўконига бурилди. Пештахта олдида бориб, саватдаги узумдан бир бош танлади-да, тарози палласига қўйди. Унинг бу ҳаракатини кузатиб турган дўкандор жаҳл билан тарози палласини олиб, узумни зарда билан саватга улоқтирди.

— Йўлингдан қолма!— деди у Зулфизарга ўқрайиб.— Сендақаларга сотадиган узумим йўқ! Шарманда!

Зулфизар нима қилишини билмай, бир лаҳза қизариб-бўзариб тургач, ўсал бўлиб, орқасига ўгирилди, йўлида давом этди. Сартарошхона олдидан ўтиб кетаёт-

ган эди, ичкаридан бир одам бошини чиқарди-да, кулида устараси, бошида гули кўринмай кетган эски дўппи, икки қўлини кўксига қўйиб, тиржайиб, унга гап қотди:

«Хуш кўрдик, дўндиқча. Самарқанд сизга пешкаш. Хизматингизга шаймиз. Қани, ичкарига кирсинлар, озиб-ёзиб келиб қоптилар, жонидан, сочларини тарашлаб қўямиз. Қовсқ солишингиз шунчалар чиройли, кулишингиз қанақайкин? Қандай хизматлари бўлса, кўнгилларидагидек адо этамизу ранг-рўйингизга қараб, ўзингизга ўзингиз маҳлиё бўлиб қоласиз. Ҳа, ўзим ниначидек нимжон бўлсам ҳам, қўтосга ўхшаган одамларни даст кўтариб ота оламан...»

У устарасини қайраб, шилқимлик қилар эди. Аммо Зулфизар ўзини унинг гапини эшитмаганга солиб, алаанг-жалаанг бўлиб қадамини тезлатганча у ердан ўтиб кетди.

Дўкондорлар ҳам унга оғизларига келганини қайтармай, уятли гаплар отишарди. У буларга ҳам парво қилмади, йўлида давом этди. Чойхона олдидан юрагини ҳоучлаб ўтиб борар экан, у ердаги бекорчилар жонланиб кетишди.

Битта хомсемиз, рангида қони йўқ — захил кўса йигит бор-йўғи олти-еттитадан ошмайдиган қилни мўйлов сифатида олифтагарчилик билан бураб, қўлида пиёла, ирғиб ўрнидан турди-да, Зулфизарнинг йўлига кўндаланг бўлди.

— Жонон, шундан бир ҳўплаб, табаррук қилиб берсалар, савоб иш қилган бўлардилар, сазамни ўлдирмасалар, бўлмаса уволимга қоладилар. Ҳусн жиннисман-а... жудаям ориятли жувон экан-ку...

У Зулфизарнинг даҳани тагига келиб, ғазаб билан вишиллади:

— Мана, дучма-дуч ҳам келдик. Сени ўлдириш ҳам камлик қилади... Даҳрий Ҳамзанинг сўзларига учиб, шу алпозга тушдингми, бузуқ?

Зулфизар ичида, «худо кўтарсин сени», деди-ю, қадамини тезлатди. Унинг авзойидан ғазаб ва нафратини, алам-аччигини зўр-базўр босаётганлиги яққол кўриниб турар эди.

Бутун чойхонадагилар қийқиришиб, йўталиб, томоқ қириб қолишди.

Зулфизар қадамини яна тезлатди. У, худди бу қақоратли бақириқ-чақириқларни сидириб ташламоқчи бўлгандай, қўлини кўтариб, пешонасига қўйди. Унинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, қулоғи остида ҳар хил

дахшёнә бақириқлар янграр, назарида ер бир томонга сғиб кетаётгандай чайқалар эди.

Кўз олдидан хилма-хил садбашара гускалар галаси сузиб ўтди-да, дахшатли бир допрага келиб қўшилиб кетишди.

Зулфизар кафти билан юзини бекитди, сёқларининг дармони қуриб, чайқалиб, деворга мажлесиз суяниб қолди.

Шу пайт унинг олдига паракжили бир кампир келди. Даҳани бурни билан уришгандай бўлиб, қарғай кетди:

— Ҳў, сузилмай ўл, шарманда! Бетинг қурсин, уятсиз! Касофатинг ўзингга ургур, мегежин!— У бу ҳақоратларига ҳам қаноатланмай, ах-туф қилиб, Зулфизарнинг бетига қараб туфлади, кейин ўзича нималарнидир гудранганича пилдираб йўлига жўнаб қолди.

Учинчи боб

ФУСУНКОР ОВОЗ

Шердор мадрасаси ҳовлисининг бир чеккасидаги скамейкада артистлар ўтиришарди. Улар ўз ролларини қайтариб, репетиция қилишарди. Ҳамза шартли сахнадан сал четроққа ўтириб олиб, уларнинг ўйинларини кузатарди.

— Келинглар, мана шу кўринишни яна бир карра қайтарамиз,— деди у артистларга мулоимлик билан. Артистлар дарҳол ишга киришишди. Улар «Майсаранинг иши» комедиясидан Майсара шарият пешволарининг ҳақиқий башарасини очиб ташлайдиган кўринишни аллақандай кўтаринки руҳ ва катта маҳорат билан ижро этишаётган эди, бирдан роль ролда, сахна сахнада қолиб, ҳамманинг уни ўчди. Ҳамза ҳайрон бўлиб сўради:

— Нега ўйинни тўхтатиб қўйдинглар?

У ҳам артистлар тикилиб турган томонга ўгирилиб қаради.

Гишт зинадан Зулфизар аранг чиқиб келар, у бемажол, рангида ранг қолмаган эди. Ҳамза дарҳол унга пешвоз югурди. Актёрлар ҳам Ҳамзанинг орқасидан югуриб боришиб, уни оҳиста кўтариб олишди.

Зулфизарнинг сочлари ёйилиб кетган, пешонабоғи елкасида осилиб ётар эди. У жуда ҳам хафа, шаҳло кўзларида нам, мунғайиб қолган эди. Бирдан ички титроқ

забтига олди, ёқасини йиртди-ю, тебраниб туриб фарёд кўтарди:

— Мен энди ортиқ чидолмайман! Улар таҳкирлашади. Ҳақорат қилишади, хўрлашади... Ҳаммамизни кўргани кўзлари йўк уларнинг.

Зулфизар кора, чакнаб турган кўзлари билан артистларга бир-бир тикилди. Ҳамза нима ҳодиса юз берганлигини тушунди. Унинг юзига қалбида жўш ураётган ғазаб қалқиб чиқди, у ҳушёр тортди. Худди бундай бебошликларга шу лаҳзада кескин зарба бермоқчи одамдай, ҳамлага тайёр бўлиб чирпиниб қўйди. Орага оғир жимлик чўкди. Бир муддатдан сўнг у Зулфизарни қўлидан ушла олдинга бошлади.

— Кетдик!

Ҳамза Зулфизарни етаклаганича майдон томон гурс-гурс қадам ташлаб тез юриб борарди. Уларнинг орақасидан қолганлар эргашишди. Ҳамза билан Зулфизар Шердор мадрасасидан югуриб чиқиб майдон бўйлаб чопиб кетишди, артистлар Ҳамзанинг бу хатти-ҳаракатига тушунолмаб, ҳаллослаб боришар эди. Ҳамза Зулфизарни майдоннинг ўртасидаги супага етаклаб чиқди. Қолганлар ҳам етиб келиб, супа тагида тўхташди. Ҳамза кўча томон ишора қилиб, Зулфизарга гўё халқни кўрсатаётгандай, унга буюрди:

— Қўшиқ айт!..

— Айтолмайман...

— Айтасан!

— Қўлимдан келмайди...

— Айтишинг керак!

Зулфизар унинг сазасини ўлдиргиси келмай, ашула айтишга чоғланди. Ҳамза супани ўраб турган артистларнинг олдига тушиб борар экан, қулоғига куйнинг шиддатли садоси келиб урилди. Маҳобатли гумбазлар остида Зулфизарнинг денгиз сувидай тўлқинли овози янгради, у гоҳ мунгли тус олиб, юракларни тирнар, гоҳ гулдираб, ҳис-туйғуларни жунбишга келтирар эди.

Зулфизар алам билан «Ушшоқ» ни куйларди, унинг ёноқларидан аччиқ кўз ёш милдираб оқар, гўё бу ушшоқ азоб-уқубат, дарду алам ҳамда бўй бермас норозиликдан туғилгану айни ноҳақликларга қарши исён бўлиб, уларга бир йўла зарба беришга қодир қудратли куч бўлиб янграрди.

Асрий гумбазлар остида унинг овози ёқимли, шиддаткор куйи акс садо бериб, одамлар билан гавжум кўчага яққол эшитилиб турарди.

Ўткинчилар йўлларида тўхтаб, унга кулоқ солар, уларнинг аксарият қисми майдонга бурилиб, аста-секин уни тўлдирар борарди.

Зулфизар «Ушшоқ»ни йиғи аралаш куйларди.

Ҳар тарафдан одамлар келиб, супа атрофига тўплана бошлашди. Улар Зулфизарга маҳлиё бўлиб қараб туришар, ундан кўзларини олишга мажоллари етмас эди.

Зулфизар «Ушшоқ»ни куйлар эди. Тобора кўпайиб бораётган халққа мағрур боқиб, уларни қаршиларди.

Ҳамза эса, қизга ифтихор билан тикилиб, ўзича гапирар эди:

— Мана кўрдингми? Майдонга сенинг қўшигинг керак одамлар тўпланди. Сен уларни деб яшашинг, ижод қилишинг керак!

Зулфизарга унинг дўстлари — артистлар тантанавор қараб туришарди. Зулфизар ўз қўшигини завқ-шавқ билан айтмоқда эди. У бирдан оқариб, лаблари титраб жимиб қолди. У ғазаб, ўч, кин, ваҳший ҳисларга тўлиб, ўқдай тикилиб турган одамни, гарчи у ясама соқол, мўйлов қўйиб, тусини ўзгартириб олган бўлса-да таниди. Қора Қоплон кўп ўтмай яна кўздан ғойиб бўлди.

Тўртинчи боб

КУРАШ

Олчинбек Назирий мугуз гардишли қора кўзойнагини стол устига қўйиб телефон трубкасини олди-да, аллақандай номерни терди. Унинг оёғида ялтироқ этик, ёғнида дид билан тикилган нархи баланд костюм, ҳаммаси нав нусха, тахи бузилмаган, игнадан янги чиққан. Истаган одами трубкани олди чамаси, кибрли своз билан қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади.

— Нима дейсиз? Ҳамзанинг китоби? Йўқ! Асло! Тўпламни нашр қилишга шоямаслик керак. А? Ким кистаяпти? Нима? Ахир ўртоқ Соколов бизнинг тилимизни билмайди-ку, у танишган бўлса, сўзма-сўз таржимасини ўқиган. Умумий мазмунини билади, шакли ҳақида ўйлаб кўриш керак ҳали. Ҳа! Ўртоқ Менин мазмунни шаклдан ажратмаслик керакдари тўғрисида таълим берган. Ҳечқиси йўқ. Халқ ёзувчиси ҳам бўш асар ёзиши мумкин. Ҳа, мана шунақа... Демак, алоҳида кўрсатма берилмагунча нашр қилиш тўғрисида. Ҳа, шундай. Йўқ, йўқ, деяпман-ку. Ҳа, шундай.

Назирий трубкани илиб қўйди-да, пешонасидаги терларни артди. Шу пайт унинг кабинетига Шавкат билан шоир Урфон кириб келди. Улар, хусусан Шавкат ичкарига кириши билан жағи тинмай жавраб кетди:

— Олим, фозилларни беҳурмат қиладиган, одоб ва маошаратдан беҳабар тўнг кимса билан худо хаттоки гўр қўшни қилмасин.

Шавкат эғнидаги банорас авра-астарли чопонининг ички чўнтагидан бир варақ қоғозни чиқариб писанда билан «тап» эткизиб стол устига қўйди-да:

— Бизни хизматдан бўшатиб, мана ариза! Мендай даққи бўлиб қолган одамдан энди, рухсатингиз билан биз сизга арз қилсак, миллатга наф йўқ,— деди овозини баланд кўтариб, Урфон уни қувватлаб тушди:

— Бундай беъманигарчиликка чек қўйиш керак! Бас-да! Бошқаларнинг жони жон эмас эканми?— Унинг кўзида гўладек оқи ўйноқлаб, салқи юзидан қон қочди.

— Ахир бу Ҳамзанинг галваю жанжалидан қутуламанми, йўқми,— деди Шавкат қўлидаги учи попукли садаф тасбеҳни зарда билан ўгираркан, Олчинбек унга «Нима гап?» дегандек савол назари билан тикилди. Шавкат овозига шикоят тусини бериб нолишда давом этди.

— Менга Хоразмда кун бермади. Энди Самарқанда ҳам тинч қўймай, кўзимга куканак, йўлимга тикана! бўлди-ку, бу Ҳамзангиз!

Олчинбек уларни вазминлик билан тинчлантирди. Мулойим товуш билан насиҳат қилди:

— Тинчланиб, дўстлар. Нима гап ўзи? Ғазабингиз мунча шуъла урмаса...

Урфон китобни кўрсатиб бирваракайига бидирлаб кетди.

— Мана бу китобни ҳамма билади, ўқиган. «Ўзбек халқи санъатининг тарихи!» Муҳтарам устод Шавкат афандининг пурҳикмат китоблари. Юнон файласуфи Суқротдан тортиб Хўжа Аҳмад Яссавийгача бу китобда муҳим гаплар бор. Кўряпсизми, бу керакли китоб Ҳамзанинг таъбига тўғри келмаган эмиш!

— Э-ҳа, гап бу ёқда денглар, жиққамуштга тушиб-сизлар-да. Нима учун тўғри келмабди?— деди Олчинбек ранги оқариб.

— Бу китоб халқ зеҳнига ўтирмас эмиш, синфий кураш йўқ эмиш,— деди Урфон.— Ҳамза худди шулдай деб айтди! Қизиқ, ўзбекда синфий кураш нима қил-

син?! Ҳайронман, ўзбек ўзининг эзилгани етмай, энди бир-бири билан ёқалашадими?

— Уни сиз таҳрир қилганлигингизни билганида, ро-са масхара қилиб куларди,— деб қўшиб қўйди Шавкат.

— Ҳа, ҳадафга тўғри урасиз. Ҳамза Самарқандга келгандан бери узунқулоқ сўзлар бесаришта кўпайиб кетди. Майли, ҳали кўрамиз!— деди Олчинбек ҳар иккаласига мурожаат қилиб.— Шунга ҳам Ҳафа бўлиб юрибсизларми? Ҳамза ҳақ. Ўзбек ҳам бир-бири билан курашади. Мана, Ҳамза билан курашяпсиз-ку. Яна нима дейсиз? Ҳаёт курашлардан, зиддиятлардан, қарама-қаршиликлардан иборат. Буни диалектика дейдилар. Бу буюк ҳикматни очган юнон алломасини, ахир, биласиз-ку. Динсиз, худосиз Гераклит, Арастулар таълимоти Амир Алишер Навоий, Улугбек, Али Қўшчидек забардаст зотларни йўлдан адаштирди, имонига чанг солди.

— Гераклит... Лекин, масалан, мен Гераклитни тан олмайман. Демокритнинг тарафдори эмасман. Суқрот, Пифагор, Афлотун руҳига таъзим қиламан,— деди кино билан Шавкат.

— Нима бало, сиз ҳам ҳақим Суқрот сингари қамоқхонада заҳар ичиб ўлмоқчимисиз? Ҳа-ҳа-ҳа!— ўзининг лутф сўзидан завқланиб кулди Олчинбек.

— Тангри ўз паноҳида асрасин,— деб қўйди Шавкат.

— Баракалла, енгилсангиз, билкул йўқ бўласиз, енгсангиз, йўқ қиласиз, ўзингиз яшайсиз... Бу чаппа дунёда фалокатдан танг қолмай десангиз, Суқротни эмас, Марксни, Ленинни ўқинг, тақсир!

Назирийнинг бу насиҳатини Шавкат эшитмасликка олиб, гинасини давом эттирди.

— Кўпчилик бизнинг фикримизга қарши чиқди. Улар Ҳамзани қўллаб-қувватлашди. Садриддин Айний бўлса, уни ҳатто янги даврнинг азамат шоири, деб эълон қилди. Дилни тилка-пора қилиб ситиб чиқмаган шеър — шеър эмас. Ҳамзанинг ёзганлари — шеър эмас, сиёсат!

— Залдагилар унинг бу гапига қандай муносабат кўрсатишди?— деб сўради Олчинбек Назирий.

— Ҳамма гулдурас қарсак чалди,— деди. Улар тўнғиллаб.

Назирий асабий равишда столни чертиб қўйди.

— Ҳа... замон тескари бўлиб кетди,— деди у уф тортиб.— Ҳамза билан очиқчасига ташашиш қийин

энди. Кеча Охунбобоевнинг ўзи Сўфизода икковини кабул қилиб «Халқ ёзувчиси» деган унвон билан табрик-лади. Ҳамзага эркин ижод қилсин, деб умрбод нафақа белгиланди. Ҳукумат номидан пианино совға қилинади. Бу анов-манов гап эмас, афандилар. Кўпчилик ичида айтишганингиз чакки бўлибди.

— Ахир... — Шавкат афанди эътирозга оғиз жуфтлади-ю, хонага Ҳамза отилиб кириб гапни айтолмай қолди. Ҳамзага бўлган нафратини яширмай, юзини тескари буриб олди.

Назирий эса кескин тусини ўзгартириб, кулимсираган ҳолда Ҳамзага пешвоз чиқди.

— Сизни кўргандан ғоят хурсандман. Ўзим бугун эрта улуғ унвон билан табрик этгани бормоқчи эдим. Кеча ўртоқ Охунбобоев йўқлатганларида йўқ эканман, кўп афсус чекдим. Марҳамат, Ҳамзахон, — дея илтифот кўрсатди Олчинбек Назирий. — Қани, ўтиринг. Эшитишимча, сизлар баҳслашиб қолибсизлар...

— Йўқ, баҳс эмас, жанг қилдик, — деди Ҳамза кескинлик билан.

— Нима ҳақда баҳслашдингиз?

— Шавкат афандининг китоби тўғрисида. Менимча, бундан ёмон сохта асар бўлмайди.

Назирийнинг оғзи очилиб қолди. Яна ўзини йиғиштириб олиб, Ҳамзага тикилди.

— Хўш, хўш, сиздан ҳали фавқулодда бир ҳикмат эшитгандайман, лекин биласизми, Ҳамзахон, буни исботлаш керак.

Назирий вазиятни юмшатиш учун уни атайлаб, «Ҳамзахон» деб атади. Бу билан иккаласининг маслақдошлик йилларини писанда қилмоқчи, Ҳамзани ҳовридан туширмоқчи эди, лекин Ҳамза ҳовридан тушадиган ҳолатда эмасди. У бир байт келтирди:

Киши яхшилиги ишидан маълум,
Яхши йил баҳору қишидан маълум.

Кейин қизишиб, давом этди:

— Ибот керак бўлса, мана, эшитинг, — деди Ҳамза зарда билан. У Назирийга асарнинг нуқсонларини бир-ма-бир айтиб берди.

— Ўзбек халқининг санъати тарихи бузиб кўрсатилган, синфий кураш ҳақида бир калима ҳам гап йўқ. Рус маданиятининг таъсири қани ахир? У эмасми бизни курашга ўргатган? Мана, эшитинг, мавлоно Шавкат

классикамиз ҳақида нима дейди: Унингча, Навоий асарлари халққа керак эмас! У адабий мероснинг устига чизиқ тортади. Буларнинг барчаси ёлгон! Бу — душман тегирмонига сув куйишдир. Хўш, агар мавлоно Шавкат ана шу мақсадни назарда tutар экан, у ҳолда, ўзининг бу китобини нима учун Ўзбекистонда нашр эттирди?

Ҳамзанинг сўзи Шавкатни ўйлантириб қўйди. У анчагача ғиқ этмади. Ҳамза унга тикилиб турар эди. Шавкат бошини кўтарди-да:

— Ҳамза афанди, Навоийнинг мистик руҳ билан йўғрилган ғазалларини зинҳор нашр этиб бўлмайди! Бизнинг замондошимиз унга тушунмайди. Улар биз, большевикларга мафкуравий жиҳатдан ҳам бегона, — деди Шавкат истеҳзо билан.

Ҳамза Шавкатнинг бу сохта «қизил» сўзидан қаттиқ ғазабланди-ю, лекин ўзини қўлга олди-да, киноя билан вьтироз билдириб сўради:

— Сизга ким ёкади ўзи?

— Ҳеч ким! Ҳеч кимни ёқтирмайман. Ҳатто сизни ҳам, Ҳамза! — деди илондек совуқ тус олиб калондимоғ Шавкат.

— Ҳеч кимни ёқтирмайдиган киши ҳеч кимга ёқмайдиган кишидан бахтсизроқ, — деди Ҳамза ҳам фурсатни қўлдан бой бермай узиб олиб.

— Тўғри, мен сиздан бахтсизроқман... Сизни кўчангизда тўй, карнай устига карнай... — учуриқ қилди Шавкат.

Ҳамза ён бермади. Қатъияти, дадил мантиқи билан учи бурчакка қисиб қўйди:

— Ўзининг қонуний меросига қандай муносабатда бўлишни халқнинг ўзи билиб олади. Зинҳор-зинҳор бу хил ўта зарарли фикрларни ёқламайди. Навоий яратган Фарҳод, Мажнун, Ширин ва Лайли тимсоллари ҳам, сизнингча, хурфотми? Буларни ҳам улоқтириб ташлайликми? Биз, Лениннинг кўрсатмаларига амал қилиб, халқнинг маданий меросини кўз қорачиқдек сақлашимиз лозим-ку, ахир!

Ҳамза Шавкатни қарийб мот қилаёзди. Шавкат ҳеч нарса демади, сиз нима дейсиз, дегандек қилиб Назирийга қаради.

Назирий баҳснинг кескин тус олиб кетишини истамас эди. Шунинг учун гапни бошқа ёққа бериб юборишга шошилди:

— Азизлар, етар, арзимаган мачина бир гап билан

дўстлар муноқаша қилиб ўлтирсалар яхши эмас, можарони қўяйлик, дўстини ёмонлагандан ҳеч яхшилиқ кутма, деган. Ҳа, бу оталар сўзи, — деди-да, Ҳамзага қараб қўйди. «Ҳамза улугворлик сотяпти. Бунинг қитиқ патини ўлдириб, ром қилиб олишим керак», деган фикр ялт этиб ўтди унинг миясидан. — Гап бундай, азиз дўстим Ҳамза, сизнинг асарларингизни ўқиб чиқдим, бунга афсусланмайман. Умуман олганда, уларнинг барчаси менга маъқул. «Бой ила хизматчи» ажойиб, «Майсара» гўзал, «Фарғона фожиалари» нуқул ҳақиқат. Нашр этамиз, деган ниятдамиз, уларни саҳнага ҳам қўямиз. Сизга катта қалам ҳақи тўлаймиз, лекин ўтиниб сўрайман, ўрталарингдаги гина-кудуратларни кўтариб ташланглар. Яхши эмас, адибади айтиб юриш. Бир соҳанинг одамимиз, ахир...

— Яъни қандай, ўртоқ Олчинбек Назирий! Сиз курашни шунчаки муноқаша деб ҳисоблаётисиз чамаси? Дўстлик ҳақидаги мақолни эсга солдингиз. Лекин қалбаки дўстлик туз қўшилган асал, деган ҳикматли сўз ҳам бор.

— Бўлди, ўртоқ Ҳамза, — деди Олчинбек овозига расмий тус бериб, — ахир маслаҳатга юриш керак-да. Сиз бир нарсани унутмангки, биз ҳаммамиз бир миллатнинг фарзандимиз... Дўстмиз, гумон дўстни дўстан ажратади.

— Тўғри, дарахт илдизи билан кучли, одам дўстлари билан. Лекин бизлар ҳар хил илдизлардан ўсиб етишганмиз! Фикрларимиз ҳар хил.

— Биладан, — деди Шавкат тиржайиб. — Ленинни мен ҳам ўқиганман. Ҳар бир миллий маданиятда, гарчи ривожланмаган бўлса-да, демократик ва социалистик маданият унсурлари бор, чунки ҳар бир миллатда меҳнаткаш ва эксплуатация қилувчи омма бор, бу омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократик ва социалистик идеологияни туғдиради, деган маълум таълимотни яхши биласиз. Шунинг учун ҳам илдизимиз бошқа.

— Тўғри айтасиз, мавлоно, — деди Ҳамза ачитиб туриб. — Сиз, жаҳидларнинг яна бир машҳур устозининг «биз, мусулмонларга коммунистлар партиясига кириш катта зарар етказди. Иштирокиюн программаси шариятга хилофдир», деган таълимотини биласиз. Ҳа, сиз бунга Хоразмда ўзингиз маориф нозири бўлиб турганингизда ҳам амал қилгансиз. Буни юзингизга солмасликка менинг виждоним йўл бермайди.

— Чунки товонтешарсиз, Ҳамза,— деди Шавкат.
— Уҳ-ҳў, яширин тахаллусимни ҳам билдиришибди-да.

— Товонтешар — сув чаёни эканингизни ким билмайди. Миллатдошларнинг товонини тешасиз.

— Йўқ, хоинлар, мунофиқларнинг товонини тешмок мақсадим. Чунки виждондан бўлак ҳамма нарса ни сув билан ювиб тозалаш мумкин.

— Уша виждон менда бору сенда йўқ, деб биласизми?

— Агар сизда виждон бўлганида, нозирлигингиздан фойдаланиб...

Ҳамзанинг бу гапи Шавкатга худди илон чаққандек таъсир қилиб, сапчиб ўрнидан туриб кетди. Лекин ўзини гўлликка солиб, гапни чалғитишга шошилди. Чунки баҳс ана шу йўсинда яна салгина давом этса, ўзининг эски кирдикорлари, Ҳамзага хусумат юзасидан кўрсатган иғво-фитналари очилиб, юзидаги ниқоб йиртилиб кетишини у биларди.

— Мен сизни дуп-дуруст шоир деб юрсам, тирноқ ичидан кир излайдиган фисқ-фасодчи экансиз...

Ҳамза ўзини тутиб туролмади. Унинг риёкорлигини аниқ кўриб турарди.

— Эски ахлатни сиз ковланг-да, мен фисқ-фасодчи бўлайми! Диёнати йўқ, ноинсоф! — деб юборди жаҳлига чидамай.

Шавкат ичида ғазаби қайнаб-тошаётган бўлса ҳам, ўзини босди. Жирракиликдан фойда чиқмаслигига унинг ақли энди етган эди.

— Одамнинг ҳусни — инсоф, инсоф билан гапиринг, бу сўзингиз учун мушт еб қолишингиз мумкин-а.

Назирий ҳам Ҳамзага бир ўкрайиб қўйди-да, ҳаммага эшитарли қилиб, тўнғиллади:

— Ҳа... Бундай гапларни айтишга фақат хоннигина оғзи боради.

— Аҳа, қалай, ёмон ботиб кетдимми? Ундай бўлса мана эшитинг,— деди Ҳамза чўрт кесиб. — Бизнинг санъатимизда Шавкат билан Урфонга ўхшаганларга ўрин бўлмаслиги керак.

Шавкат ғазабдан титраб, бақириб юборди:

— Жим бўлинг! Айиқ тулумига ўхшаган дарди йўқ, ҳиссиёти йўқ, шимига қовун боғлаб олган одам!

Бундай аччиқ гапни биринчи марта эшитган Ҳамза ўрнида шайиндай қотиб қолган эди. Ахири у эс-ҳуши-

ни жамлаб олди-да, Шавкатга яқин бориб, унга тик қаради. Паст овоз билан чертиб-чертиб гап қотди:

— Менинг тилиқисиқлик ерим йўқ. Сиз, ота-боболари тупроғини савдога қўювчи уятсизлар, қўрқишларингиз керак. Менинг виждоним пок. Мен туғилиб ўсган еримга содиқман!

Ҳамза Олчинбекдан асарларини талаб қилди.

— Менинг асарларимни қайтариб беринг.

Назирий энди ўзини босиб туролмади, сакраб ўрнидан туриб кетди-да, Ҳамзанинг стол устида ётган дафттарларини олиб ерга улоқтириб юборди.

— Мана, марҳамат, олиб, мана бу «Майсара» нгиз, мана бу ўзбек халқини ҳақоратлаб ерга урган «Паранжи сири» деган бўлмағур лаш-лушларингиз! Тагин бу киши коммунист эмиш.

Ҳамзанинг дили қаттиқ оғриб, ичи ўртаниб кетди.

— Бўлмағур лаш-луш? Демак, дудмал ваъдалар менинг кўнглимни овлаш учун экан-да. Мен анойи эмасман! Тўғри, асарларим, балки ўртачадир, бенуқсон эмасдир. Бироқ кишининг тўни ямоқ бўлса ҳам, дили ямоқ бўлмасин. Ҳа, мен фирқага аъзоман. Лекин сизмас. Маориф комиссарининг муовини Олчинбек Назирий, Содиқжон бойваччанинг ялоқхўри!

— Шоир эмас, туҳматчи, ифвогарсиз! Шунинг учун ҳам фирқадан ҳайдаш керак сизни,— дағдага қилди Назирий.— Сиздек фитнагар, ифвогар одамларга шўролар адабиётида ўрин йўқ! Устингиздан бир қоп материал бор!

Бу билан, у гўё, Ҳамзани енггандай, майда тишларини кўрсатиб тиржайди.

Олчинбек очиқ фитначилик йўлига ўтганидан Ҳамза унинг қуруқлигини аён кўриб турарди. Ўзининг тийрак ақли билан Назирий нимага шама қилаётганини сезиб қолди. «Бир қоп материал бор», деган ибора унга заррача ҳам таъсир қилмади.

Лекин ўша «материал» кимлар томонидан тўқилганини Олчинбекка изоҳлаб беришни лозим топди-да, вазминлик билан тушунтирди.

«Хива инқилоби» деган асарида бебурд, расво халқнинг этини омбур билан бураб, эзиб, мутаб, қонларини ичиб ётган сохта инқилобчиларнинг юзидаги пардасини йиртиб ташлагани, уларнинг ҳақиқий башараларини халқ олдида фош қилгани, халқ учун мактаб очгани, театр ташкил этгани, жафокаш Хоразм халқига

қўлидан келган хизматини аямагани борми — ҳаммасини айтди. «Лекин душманимни ҳам аямадим. Аямайман ҳам. Шавкат афанди бўлади-ми, отахон шоирингиз Урфон бўладими, ҳатто жаноб комиссар, сиз бўласизми, кимки шўрога қарши турса, ўшанга тинчлик бермайман. Шундай, Содикжон бойваччанинг пичоғи!» деди у кайнаб.

Охирги иборадан Олчинбек бир сапчиб тушди, ҳужумдан энди ҳимояга ўтди.

— Елғон! Тухмат! Мен Содикжон бойваччанинг қўлида эзилган қули, хизматкори бўлганман.

— Тўғри, Олчинбек! Унинг ўлимига сабаб бўлган ҳам, хотини Шаҳзодага илакишиб юриб, унинг сандиқ-сандиқ олтинларига эга бўлган қалбаки инқилобчи ҳам сиз бўлгансиз!..

— Йўқол кўзимдан, тухматчи!— Олчинбек стол устида турган сиёҳдонга ёпишди.

— Ҳа, шунақа! Ҳақни айтсанг ўрарлар! То танамда жоним бор экан, сиздақа бебурд, ясама, қалби кирларга омонлик бермайман!

У кескин бурилиб, эшикни қарсиллатиб ёпди-да, ташқарига чиқиб кетди. Соколовнинг гапидан қанотланиб келган эди у бу ерга. Булар эса, унинг ана шу қанотларини қайиришди, умидларини пучга чиқаришди.

Бешинчи боб

ЖИГАРХУН ШОИР

Самарқанд кўчаларига қуёш гўё олов селини пуркар, ҳаво мисдай қизиби, барча жонзот ўзини панага олган. Ҳамза куннинг иссиғига қарамай, худди шошинч иш билан бир ёққа кетаётгандай, шитоб билан юриб борар эди. Унинг ёқаси вайрон, дилини алам зулмати қоплаган, гоҳ у кўчага, гоҳ бу кўчага бурилар, қаёққа бораётганини ҳам билмас, кўнглида бир-бирига қарама-қарши шубҳалар, изтироблар қайнаб-тошарди.

«Бу қандай гап, адолат, ҳақиқат замонини тиклаган эдик-ку, ахир! Золимлар, бадкирдорлар даври яксон қилинган эди-ку?.. Ут демай, сув демай халқ учун инқилоб йўлида жонни биз фидо қилсагу унинг роҳатини бировлар, ўроқда йўқ, машоқда йўқ кимсалар кўради? Шавкат қори шўрога ким? Унинг нима ҳақи бор менга таъна қилишга? Ахир, қайси гуноҳим учун менга ишо-

нишмайди, гумонсирашади, шўро маҳкамаларида бири комиссар, бири бошлиқ бўлиб ўтирганлар ёмон кўришадди, таъқиб остига олишади? Бойлар, подшо амалдорлари, шайху эшонлар, жадиду миллатчилардан тортган кулфатлар етмасмиди менга? Ё бўлмаса, асарларим чиндан ҳам ожизми? Шавкат, Урфон, Олчинбек Назрийларнинг отаётган таъна тошлари балки ўринлидир. Ундай бўлса, нега улар халққа ёқади? Оддий кишилар уларни астойдил севади-ку, ахир!»

Ҳамза кўнглида қайнаб-тошаётган изтироб аламидан худди маст кишидай чайқалиб, гандираклаб илгарилар экан, ёнидан тез-тез рўмолчасини чиқарар, тева-рак-атрофга қараб-қараб қўйиб, намли кўзларини артар эди. У ўзи билан бирга борган Зулфизарни ҳам унутиб ўборган эди...

Ҳамза зарда билан эшикни ёпиб чиқиб кетгач, қабулхонада туриб ҳамма гапни эшитган Зулфизар индамай Олчинбекнинг ҳузурига кириб, ерда сочилиб ётган дафтарларни йиғиштириб олар экан, аламига чидолмай, Назрийни ачитиб-ачитиб, кўнглини бўшатгиси келди:

— Бу ердаги ҳар битта мисра унинг юрак қони билан ёзилган,— деди у.— Агар сизлар бунинг қадрига етмасаларингиз, ёшлар етади, халқ етади. Бу қилмишларингиз учун келажак сизларни кечирмайди!— Зулфизар шундай деди-да, уларнинг жавобларини ҳам кутмай эри Ҳамзанинг орқасидан югурди.

Зулфизар терлаб-пишиб, «Аббосхон, Аббосхон!» дея кичқирганича унинг орқасидан ҳаллослаб борарди. Ҳамзанинг қулоғига шу топда ҳеч нарса кирмас, у ўзининг қарама-қарши ҳислари билан банд ҳолда боши оққан томонга интиларди. Уни яна мудҳиш ҳаёллар чулғаб олди.

«Йўқ, бу хўрлик, ҳақоратга асти тоқат қилиб бўлмайди. О; ҳасадчилар, ичи қоралар, ғаламислар!»

У борган сари қўтарилар, руҳи денгиздай беомон чайқалар, кўпирарди. Шу дамда ҳаёлида ҳаммаёқни бўрон ларзага келтирди, момақалдирок гулдуради. Унинг кўзида чакмок ёнди-да, беҳосдан ички илтиқирини ешитилди.

«Қани ҳақиқат? Кимга дод дейсан?! Кимга дод кулоқ солади?! Асарларингни эмас, ўзингни улоқтаришди ноқерак буюмдай! Кимлар эми? Бойлар, мушаррафзорларми, контрларми? Йўқ, йўқ! Шўро кишилар. Бунинг устига бир идора раҳбарини!» Ҳамза босиб уларнинг кўзини

бир лаҳза хаёлдан ўтказди, кўз олдида Назирий, Шавкат, Урфон намоён бўлиб, «қолинг шу экан-ку», дегандай сурбетлик билан тиржайиб қўйгандай бўлди. Хаёлидан: «Наҳотки бутун ишларим, умидларим тупроққа кўмилса? Бутун ёзганларимни шулар йўқ қилиб юборишса... Наҳотки ишчи-деҳқон ҳукумати шулар қўлида қолса...» деган фикр чақмоқдай ўтди. У шу топда ўзини ҳар нарса қилишга тайёр эди. Оссинми ўзини ё сувга ташласинми? Яхшиси, бир мисқол заҳар... Ҳаммасидан биратўласига қутулади-қўяди...

У бир қарорга келди... Фақат манà шу қарорни амалга ошириш қолди. Хўш, қандай қилиб? У қайсинини танласин? Ҳамза хаёлларининг сарҳадига етгандай бўлди, ҳатто ўзини бир оз енгил ҳис қилди ҳам. «Сокслов нима дейди бунга? Фрунзе-чи?» Бу савол уни мот қилиб қўйди. Ҳозирги хаёллари хомлигини фаҳмлагандай бўлиб, кўзи очилиб кетди. Дилини қоплаб олган зулмат чекинди, чақмоқ тезлигида ишлаётган онги ёришиб кетгандай бўлиб, руҳида ҳукмронлик қила бошлаган ноумидлик кайфиятини тонги тумандай тарқатиб юборди.

«Йўқ, йўқ! — деди у қатъий қилиб фикран. — Ҳамза, сен бу хом хаёлларни унут! Булар кураш, кураш ва яна курашдир. Сен нега энди чекинмоқчи бўляпсан. Ҳамиша ҳужум қилиб келган одам эдинг-ку, сен! Адашма, ўзингни тут, сабру бардош қил. Асарингни бугун босишмаса, эртага босишади. Назирийнинг битта таънасига дош беролмай, патинг тўзиб кетди-я! Эҳ, афсус! Шу ўринда жиндак худбинлик қилдинг. Тан ол, ҳа! Аслида курашчи эътиқод учун курашади. Ўзини ўйламайди. Ўзини ўйладими, бас, ўша онда у тор-мор бўлади. Сенинг йўлингда ҳали каттакон курашлар бор. Улардан омон чиқиш учун эътиқод, эзгу мақсадларинг ҳаққи, бардам бўлишинг керак. Ўшанда сени ҳеч ким буколмайди. Қаддингни баланд кўтар!..»

Ҳамзанинг хаёлида Хоразмда бўлиб ўтган воқеалар ногоҳ суратланди.

Олтинчи боб

ХОРАЗМ ҲИКОЯТИ

Хоразм... қадимий юксак маданият ва санъат, хусусан, мусиқий ва рақсни, халқ театрини авлоддан авлодга ўтказиб келган санъатсевар Хоразм халқи не-не

обидаларни яратмаган... Лекин булардан кимлар баҳра олганлар? Хива хонининг саройини хонандалар, созандалар, қизиқчи ва ўйинчилар безаганлар. Лекин шундай бўлишига қарамай, халқ профессионал театр ҳақида мутлақо тушунчага эга бўлмай қолаверган. XX аср бошларида Хоразм тараққийпарварларининг Россияга қилган кетма-кет сафарлари натижасида маърифатпарварлик майллари ривожланди, театр сингари маданий-оқартув воситаларига эҳтиёж кучайди. Бироқ хонлар истибодди шароитида бу истакларни амалга оширишнинг имкони бўғиб ташланган эди. Театрга ва маорифга қизиқиб қарагани учун хоннинг боши вазири Исломуҳжа 1911 йилда мустабид хон томонидан қатл қилинди. Бу даврда Хивага татар артистлари келганлар, лекин улар фақат концертлар кўрсатиш билан чекланганлар. Бу концертга халқни йиғиш осон бўлмаган. «Татар муллалари қуръон ўқиб берадилар», деб уларни концерт кўришга тўплаганлар.

1920 йил февралда Хивада инқилоб бўлиб, апрель ойида Шўро халқ республикаси тузилгач, янги маданият, маориф, санъат ишлари учун чинакам имконият туғилди. Аммо бу ишларни инқилобнинг дастлабки кунларидаёқ тезда бошлаб юборишнинг иложи йўқ эди, чунки жаҳолат гирдобидида маърифатдан бебаҳра қолиб келган халқ ичидан етишиб чиққан, инқилобни ёқлаб, уни ҳимоя қиладиган зиёлилар сони оз эди. Шунинг учун олиб, Туркфронт сиёсий бўлими Октябрь курашида пишган Ҳамза сингари маҳаллий коммунистларни маданий инқилоб ишларини ривожлантириб юборишга ёрдамлашиш учун Хоразм республикасига сафарбар қилган эди. Айниқса, Ҳамза учун партиянинг бундай топшириғи айтиш мумкин бўлиб, уни бажаришга астойдил бел боғлади.

Ҳамза сиёсий бўлим йўлланмаси билан 1921 йил август ойида Хоразмга борди, у ерда маориф ишларини йўлга солиб юбориш, театрчиликни тиклаб, унга маҳаллий кадрларни жалб этишга, бу билан халқ онгини ёритишга киришиб, иш бошлаб юборди...

Ҳамзанинг эсига ўзининг Хивага боргач, ишни нимадан бошлаганлиги тушиб кетди.

Хива. Унда на театр, на клуб бор. У хивалик бир-икки машшоқ ашуланини топиб, шу ерда «кеча» ўтказмоқчи бўлди. Лекин уни ўтказадиган жой йўқ эди. Ҳамза хоразмлик дўстлари билан маслаҳатлашиб Нуриллавойнинг ичкарасидаги илгари хон оиласи

турадиган жойни тузатди, у ерга саҳна қурди, саҳна олдини парда билан тўсди. У пайтда эълон-афиша деган нарса ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди. У битта жарчи топиб, «Нуриллавойга боравер, Шерозий ашула айтиб беради», деб жар солдирди. Шерозий бошчилигида уч-тўрт киши кўчада гармонь чалиб, ашула айтиб, халқни қизиқтириб ичкарига олиб киришди.

Ҳамза Шерозийга:

— Сиз мана шу саҳнанинг олдида курсичада ўтирасиз. Қачон мен «чалинг», деганимда чаласиз, «тўхтанг», десам, тўхтайсиз, — деди.

Биринида гармонь, биринида чилдирма, яна биринида сурнай, саҳнанинг олдида чиқиб чалиб туришди. Халқ нима гаплигини билмайди. Ҳамза саҳнанинг олдида чиқди. Шерозий ашулани тўхтатди. Шунда Ҳамза халққа қараб:

— Ҳозир бир манзара кўринади, шуни томоша қиласизлар, — деб эълон қилди. Кейин парда катта очилди:

Бойнинг ери. Унда камбағал бир чол инқиллаб-синқиллаб меҳнат қилмоқда. Шу пайт иш тепасига бой келиб қолиб чолнинг ишидан кўнгли тўлмай, уни қамчи билан савалаб-савалаб чиқиб кетди. Бой чиқиб кетгач, ҳалиги мардикор чол халққа қараб шундай деди:

Ҳой ишчилар, эзилган меҳнатчилар,

Битсин золим бойлар...

Бу нарса халққа қаттиқ таъсир қилди. Кўп кишилар кўзларига ёш олишди...

Лекин халқ онгини ёритиш, унинг йўлига чироқ тутиш йўлидаги бу биринчи қадамлардан Ҳамза мамнун бўлса ҳам, тўла қаноатлана олмасди, ишни кенгроқ миқёсда олиб бориш учун санъатга ҳаваскор уч-тўрт одам кифоя қилмаслигини англаган Ҳамза Тожизода раҳбарлигидаги труппани Хоразмга чақиртирди.

Бу воқеалар унинг кўз олдидан худди кинолентасидек бир лаҳзада ўтди...

Ҳамза мадорсизланиб, йўл ёқасидаги харсангтош устига ўтирди. Ҳозир чеккан изтиробларидан асаблари узилар даражада таранглашиб кетган эди. У боши лўқиллаб оғриётганини энди сизди. Икки кафти билан

бошини ушлаганича бир нафас жим бўлиб қолди. Шу топда унинг қалби бўм-бўш эди, бутун хаёллар, ўтмиш хотиралари, Олчинбек Назирий, Шавкатлар аллақаяёққа чекинган, у бир нуқтага ҳиссиз кўзларини тикканича жим ўтирарди. Харсанга сада олачалпоқ соя ташлаб турган бўлишига қарамай, куёш ғарб томон оғиб қолган бўлса ҳам, олов селини гўё унинг миясига пуркарди.

У шу алпозда ўтирар экан, Зулфизар қўлтиғида бир даста қоғоз, терлаб-пишиб етиб келди. Оқиста бориб, унинг қўлтиғидан олди-да, индамай олдинга қараб юриб кетишди. Улар қанча юришди, Ҳамза билмас, бутун ихтиёрини Зулфизарга бериб қўйган эди. Юра-юра бир маҳалда улар катта сув лабига чиқишди. У ерда азим туп тол ерга бутун кўланкасини ташлаб турар, унинг сояси одамни сеҳрлаб, ҳузурига чорлар эди.

Улар тол соясига бориб, кўкат устига ўтиришди. Пастда жимирлаб оқаётган лойқа сувдан ёқимли шабада эсиб, димоққа урилди. Ҳамза бошини кўтариб, салқин ҳавони тўйиб шимирди, юзларида жонланиш аломати аксланди. У Зулфизарга энди ўтирилиб қаради. Унинг қўлтиғидаги бир даста қоғозга кўзи тушиб сўради:

— Шундай пайтда нимани қўлтиқлаб юрибсан?

— Нима бўларди. Булар сизнинг қўлёмаларингизда, — деди Зулфизар, ўз ишидан мамнун одамдай керилиб, Ҳамза унга меҳр билан жилмайиб қараб турарди.

Юринг, уйга кетайлик, чарчадингиз, дамингизни олинг. Қурибгина кетсин ўша ғаламислар.

Ҳамза анча юмшади, уйга томон йўл олишди. Зулфизар эрининг атрофида парвона бўлиб, тагига кўрпача ташлаб ёнбошига ёстиқ қўйди. Ошхонага ўтиб самоварга олов ташлади, қозон осди. Ҳамза ҳамон ўй сурарди.

Зулфизар боя Назирийнинг Ҳамзага дағдага қилиб, «фирқадан ҳайдаш керак сизни», деган сўзини эшитиб ғоят таажжубланган, қулай фурсат топиб, нега бундай деганини сўраб алмоқчи эди. Ҳозирги фурсатдан фойдаланиб ёнига туп толнинг дўлақини етиб туриб эридан сўради:

— Аббосов, Назирийнинг сизга дағдага қилиб дағдага қилиб, деб дўлақини етиб турганда...

Хамза ялт этиб хотинига қаради. У ҳозиргина ўша воқеаларни кўз олдидан бирма-бир ўтказган эди. Рафикасидан бундай саволни кутмаганлиги учун унга тўқилганича бақрайиб турди-да, кейин юмшади. «Нима, у ҳақиқатни билмасинми? Азбаройи юраги ачиганидан сўрайди-да. Анавиларга ўхшаб мени таҳқирлаш учун сўраётгани йўқ-ку!» — деган фикр ўтди Ҳамзанинг кўнглидан. Юрагини бўшатгиси келиб, унга маъноли қилиб жилмайди. У гапни узоқдан бошлаб, ўша йиллар воқеаларини бир бошдан айтиб берди.

— Мен Хоразмга боргач,— дея гап бошлади у Зулфизарга караб.— Хоразм республикасининг маданий ҳаётида ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган, келса ҳам навбат кутиб ётган ишларни жонлантириб юбордим, партия сиёсатини халқ ўртасида кенг тушунтириб, ташвиқот-тарғиботни қизитишга бор кучимни сарф этдим. Бу ишлар натижасида халқ ўртасида озми-кўпми эътибор қозондим. Халқ «Уйғон, уйғонмоқ давридир» деган шеърларимни оёққа туриб, ҳар жойда, ҳар бир йиғилишда айтадиган бўлиб қолди. Бу орада менга катта ёрдам бериб турган Тоғжизоданинг труппаси Хоразмдан жўнаб кетгач, менинг қўлим калталиқ қилиб қолди. Лекин умидсизликка тушмадим. Маҳаллий ёш ҳаваскорларни тўплаб шу асосда Хива театрини ташкил қилишга киришдим. Бу труппага ёш ҳаваскорлар билан бирга машҳур Шерозий, Сафо Муғанний, Комилжон девонни, Қўрбон сөзчи каби халқ театрининг артистлари ҳам жалб қилинган эди. Тез кунда труппанинг состави етмиш кишидан ошиб кетди. У менинг «Хива инқилоби», «Хоннинг зулми», «Бой пла хизматчи», «Тухматчилар жазоси» асарларимни халққа кўрсатди. Лекин бу ишларим Хоразм Шўро жумҳурияти раҳбар идораларига суқилиб кириб олган ёт унсурларга ёқмади. Улар мендан қутулиш чораларини излай бошладилар, бу золим хон авлодлари, Шавкат афанди сингари ашаддий миллатчилар менга ҳар хил бўхтонларни чаплашга уриндилар.

Менга нисбатан бундай муносабатдан қаттиқ ранжидим. Бу етмагандек, мени таъқиб қилишаётганини сезиб қолдим у Қорақалпоғистоннинг Хўжайли районига бориб туришга мажбур бўлдим... Бор гап шу, гўзалим,— деди Ҳамза чуқур уҳ тортиб.

Зулфизар унинг бу саргузаштларини қулоқ қоқмай тинглаб ўтирарди. Ҳамза жим бўлиб қолганини кўриб,

яна уни саволга тутди. У ёстиқдоши ҳақидаги ҳамма гапларни билиб олишни истар эди.

— Хўжайлида нима юмуш билан шуғулландингиз?

Ҳамза у ерда ҳам санъат ва маориф соҳасидаги ишларини давом эттирганини, маориф фойдасига сайл уюштиргани, мактаб қургани, узоқдан бўлса ҳам, Хивадаги труппадан хабар олиб тургани, лекин Хивада раҳбарсиз қолган театрнинг репертуарини Шавкат афандилар истаганча булғаганлари, «Андалусининг сўнгги кунлари» каби тутуриқсиз асарларни қўйдирганлари — ҳамма-ҳаммасини айтиб берди.

— Кейин у жим бўлиб қолди. Лекин фикран ўзига савол берди:

«Нега ҳамиша мана шу Шавкат афанди йўлимга тўғаноқ бўлаверади?» У Шавкатни кўз олдига келтирди. Шавкат европача кийинган, оқ кўйлагининг қайтарма ёқасига қизил матодан тикилган галстук таққан, галстуғи тугуни шунчалик катта эдики, килтириқ бўйинини кўкрагининг тепа қисми билан яшириб турарди. Қулоғи сал шалпангроқ, кўзлари ўткирлиги билан силлиқ юзида шафқатсиз бир ифода касб этар, қиррабурни тағидаги қоп-қора мўйлови туморча шаклида қирилган бўлиб, юқори лаби устига худди ёпиштириб қўйилгандек таассурот қолдирарди. Гардиш нусхада тикилган қорақўл қалпоғини энлик, лекин сийрак қошлари устига бир энлик қолгунча бостириб кийган. Бир сўз билан айтганда, пўрим эди у.

Ҳамза у билан даставвал Хоразмда танишди, у маориф исзири эди ўшанда. Маориф назоратида ўшанинг бошчилигида хизмат қилди...

Унинг кўнглида яна қатор саволлар туғилди.

«Нега ҳам Хоразмга бора қолдим, сабаб нима? Хоразм ҳамда Қорақалпоқда тўрт йилдан зиёдроқ яшадим. Шунча узок қолиб кетишга мени ким мажбур қилди? У ерда нима мақсадда шунча қолиб кетдим?»

Бу сўроқларга жавоб ўз-ўзидан туғилди:

«Улуғ Октябрь инқилоби шарофати билан Хоразмда ҳам тонг отди. Асрлар бўйи эзилган Хоразм халқи ҳам хонлик тожу тахтини ағдариб ташлаб, Ўрта Осиёда биринчи бўлиб халқ республикасини тузди. Унинг елкасига офтоб тегди: Демакки, менинг бутун орзуларим у ерда рўёбга чиққан, фаолиятим, ижодим учун кенг майдон очилган эди. Шуниси ҳам борки, Хоразмнинг тарихидан қадимий бой сакташдан, ай-

и қса, мусиқий санъати тарихидан унча-мунча хабар-
дор эдим. Шу воситалар олиб борган мени у ерга».

Аслида ҳам Ҳамза отаси — аллома табиб ибн
Яминнинг кутубхонасидаги бебаҳо тарихий китоблар-
ни, Муниснинг «Фирдавсул икбол» Огаҳийнинг «Риё-
зуд давла», Восифий ва Баёнийларнинг тарихий асар-
ларини зўр мароқ билан қайта-қайта ўқиган эди.

Хоразмда бўлиб ўтган саноксиз даҳшатли қонли
воқеалар, хусусан, инқилобгача Хивада хонлик қил-
ган Ҳожимуҳаммадхон Ўктайхон ўғли, Арабмуҳам-
мадхон Элборс, Абдулғози, Хабаш Ануша, Элтузар,
Муҳаммад Раҳим Биринчи, Асфандиёрга ўхшаган ўт-
тиз саккиз хоннинг ва уларнинг фарзандларининг
тожу тахт таллашиб ўзбек, туркман, қорақалпоқ халқ-
лари бошига солган қирғинлари, кўрсатган жабру
зулм, макру дасисаларини ўрганиб, бу воқеалар ҳақи-
да бадиий асарлар ёзмоқчи эди у.

У Урганчдан Хивага бориб, машҳур эл ҳофизи
Мадраҳим Ёкубов Шерозий ва у оркали Сафо Муған-
ний, Мутриб Хонахаробий, Матюсуф Харратов (чокар),
Онажон Сафарова (Гармонь)лар билан танишди, улар-
га ҳамдари, ҳамдам бўлди. Хусусан, Шерозий ва
Матюсуф Харратов билан доим бирга бўлиб, уларнинг
суҳбатларидан баҳра олди. Бу жонли қомуслардан
санъат тарихи ҳақида кўп нарсаларни эшитди. Му-
ҳаммад Раҳим Биринчи замонида хивалик машҳур
мусиқийшунос Ниёзхон хўжанинг Бухорога бориб,
шашмақомни танбур билан ўрганиб, Хивага қайтгани,
Муҳаммадхон сандиқчи, Абдулсаттор Маҳрам Хўжаш
Маҳрам ўғли сингари ўнлаб зеҳни тез шашмақомчи-
лар тарбиялаганини билди.

Матюсуф Харратовникида қурилган суҳбатда гап
Хоразм нота чизиғининг яратилиши ва ривожини ҳа-
қида кетган эди.

Ҳамза ногоҳ Матюсуф Харратовнинг сўзларини э-
слаб кетди. Харратовнинг айтишига қараганда, за-
бардаст мусиқийшунос, камёб бастакор паҳлавон Ни-
ёзмирзабоши («Девони Комил»нинг муаллифи) танбур
устида кеча-кундуз бош қотириб, унинг ясалган пар-
даларининг ҳолати ва улар ўртасидаги масофа дара-
жаларини дастўриламал асос тутиб, ниҳоят, «Рост»
мақомини чизиққа — нотага туширади. Шу тариқа,
бу устод бастакор Хоразм нотасининг ихтирочисига си-
фатида дониш чикаради.

Паҳлавон Ниёзмирзабошининг бу ашқойиб қураганини иши-

ни унинг ўғли Муҳаммад Расул Мирзабоши давом эттиради. У ана шу чизик — нота қондасини асос тутиб, етти мақомни — «Рост», «Наво», «Сегоҳ», «Дугоҳ», «Бузрук», «Ироқ», «Панжгоҳ» ларни минқорлари, мавзулари, тасниф, мушкулотлари ва ифори, тароналари билан қозоғга ёзади ва гоят катта ижодий меҳнат натижасида икки жилдлик улкан бир маданий мерос қолдиради.

Муҳаммад Расул Мирзабошининг ғайрати ва файзу баракали ижодий меҳнати туфайли яна ярим мақом қўшилиб, Хоразмнинг олти ярим мақоми еттига етади.

Лекин Хоразм хони ўзига устоз бўлган бу санъаткорларнинг қадрига етмайди. Уни ҳам оқибатда отаси каби хор-зор қилади.

Паҳлавон Ниёз мирзабошининг хон олдидаги айби шу эканки, у Москвада, Тошкентда бўлиб, рус маданиятини мақтаган, Тошкент ҳақида қасида ёзган. Бу наққош, ҳаттот, сир, муҳаррир, нодир мусиқашуноснинг охири икки ўзи кўр, қўл-оёғи шол бўлиб қолади. Шунга қарамай, у ўз шеърларида хону беклардан, сипоҳлардан, бою тўралардан маънавий устунлигича қолиб, оламдан кўз юмади. Ўғли Муҳаммад Расул Мирзабоши отасидан қолган ва ўзи тўплаган икки мингдан зиёд бебаҳо, нодир китобларни ҳеч кимга бермай, келажак учун асрайди.

Ҳамза бу ҳикоядан ўшанда қаттиқ таъсирланган эди. Кейин гап Хоразмнинг мумтоз санъаткорлари Қанбар бобо, Муҳаммадқуб подачи, Худойберган Муҳркан, Дўнмас, Ризобахшилар ҳақида кетади.

Ризобахшининг:

Чархини товлаб, соз этган,
Йигит кўриб ноз этган.
Мангитликнинг қизлари.

Кокиллари сачоқли,
Узун бўй, кенг қучоқли.
Хиваликнинг қизлари.

Алинда бор билак узук,
Ажаб беллари нозик.
Урганчликнинг қизлари,—

деган шеърини ўшанда Ҳамза ён дафтарчасига ёзиб олганини эслади.

Айниқса, бутун Хоразм ва Бухорога донғи кетган созчи Дўнмас тўғрисидаги ҳикоя Ҳамзага қаттиқ таъсир қилган эди.

Бу санъаткор танбур, дутор, ғижжак, сурнай, балобом, пианино, рубоб, камон, скрипка, чанг, қўбиз, боринги, кўп мусиқий асбобларда машқ қилиб, эшитганларни масту лол этар экан. Бу тенгсиз санъаткорнинг қайсидир иши хонга ёқмай қолган шекилли, орқасидан қотил қўйиб, ўлдиртириб юборган. Хоразм санъаткорларининг бу даҳшатли тақдири Ҳамзанинг ичини қон қилади. Унинг кўзларида ёш қалқаланади, дилида золимларга қарши ғазаб ёлқини мавж уради.

Ҳамза ўша пайтда икки жилдлик Хоразм нотасини Самарқандга олиб келиб, чоп эттиришни кўнглига туғиб қўйган эди. Лекин уларни Шерозий ҳам, Матюсуф Харратов ҳам топиб беришолмаган. Ҳамза улардан бу мўътабар хазина қаерда сақланишини сўраганида, улар: «Китобларни маориф нозирингиз Шавкат афанди Абдурахмон ўғли, булар энди давлатнинг мулки ҳисобланади, бинобарин, давлат муҳофазасида туради, деб олиб кетганича, биз қайтиб кўрмадик. уни нозир Шавкат афандимдан сўрайсиз»,— дея жавоб беришади...

Ҳамза ўша Шавкат билан Хоразм ва Қорақалпоқда ўтказган тўрт йиллик умри давомида олишди, тортишди. Бугун эса, у билан яна Самарқандда тўқнашди.

Хўш, бу профессор Шавкат афандининг ўзи ким? Шавкат дегани хонга яқин аъёнлардан бирининг ўғли. У ёшлигида отасининг давлати соясида Истамбул дорилфунунида ўқиди, уни битириб, докторлик унвонини олди. Бунинг учун хивалик йигитнинг ўн тўрт йил умри бегона юртда — Туркияда ўтган эди. Бу давр мобайнида у араб, форс, инглиз тилларини яхшигина ўрганиб олди. Хоразм инқилобидан кейин қандайдир йўллар билан ўз юртига қайтиб келиб, маориф нозир лавозимида хизмат қила бошлади. Ҳамза ҳам ана шу маориф назоратида санойи нафиса бўлими бошлиғи вазифасида эди. Хизмати юзасидан у ердаги маҳаллий санъаткорлар Ҳамзанинг атрофига тўпланишган эди. Бир куни Шерозий унга «Яхшилар» деган шеърни куйга солиб, гармонда чалиб берди. Бу шеър Ҳамзада чуқур таассурот қолдириб, кўнглида бунга жавобан бир нима ёзиш

иштиёқини туғдиради. Шу тариқа, унинг «Яхшилар» радиодфи ғазали майдонга келади.

Ҳар дилнинг ўзин севдиги жононаси яхши,
Жонона ўзин севдиги девонаси яхши.
Ишқ мазҳабида куфр эрур жаҳл ила тақво
Дониш вера зуннор ила бутхонаси яхши.

Бу шеърни Шерозий гармонда куйга солиб, бутун Хоразм ўлкасига тарқатади.

Бу асар Ҳамзанинг Хоразмда яратган дастлабки асари эди. Кейинчалик унинг пьесалари бирин-кетин юзага кела бошлайди. Уларни канча меҳнат, машаққатлар билан саҳнага қўяди, лекин қандайдир кўринмас куч бу асарларнинг саҳнада халққа кўрсатилишига монелик қилар, баъзан томошабинлар ўртасида ғулув чиқиб, спектакль бузилган пайтлар ҳам бўлиб турарди. Кейин аниқланишича, ўша бузғунчиликларнинг тепасида ҳам Шавкат афанди турганлиги маълум бўлди.

У фақат бу билан чекланиб қолмаган. Хоразмдаги барча шўро мактабларига бу ерга урушда асир тушиб келиб қолган турк зобит-офицерларини муаллимлик вазифасига тайинлаган. Улар эса мактаб болаларига пантуркизм ғояларини сингдиришга жон-жаҳдлари билан киришиб кетадилар. Бу ҳол Шавкатнинг айни муддаоси бўлганлиги учун турк офицерларининг «Ас ол! Соға чарх! Илари арш!» сингари ҳарбийча тарбия усуллари-ни ҳар ерда қувватлайди, ҳатто рағбатлантиради.

Ҳамза бу қабиҳ ишларни кўриб тоқат қилиб туролмасди. Шунинг учун ҳам нозирнинг бу бузғунчилик ишларига қарши бош кўтарарди. Даставвал у енггандай бўлди. Софдил большевиклар, виждонли зиёлилар, Хоразм меҳнаткашлари Ҳамзанинг тарафини олишди, унга мадад беришди. Натижада Шавкат ҳатто қамоққа ҳам олинди. Лекин қаердандир забардаст ҳимоячилар топилди-ю, яна сувдан қуруқ чиқди. Бироқ Ҳамза тарафдорлари ҳам жим ётишмади, у яна қамалди. Шуниси таажжубки, «Шавкатсиз маориф ишлари тўхтас қолди», деган баҳона билан Шавкатни вазифасидан қамоққа сақлаб, кундузи нозирлик кечифасида ишлатиш ҳақида қарор чиқаришди. Милиция Шавкатни эрта билан ишга олиб келиб, кечқурун қамоқхонага элтиб қўядиган бўлди...

Бугун Самарақандда бўлиб ўтган ҳодиса ана шу эски курашнинг давоми эди.

Қизиқ, Шавкат юқори идораларда нима қилиб ўралашиб юрибди...

Ҳамза бошини кўтарди.

— Йўқ, — деди у ҳовлининг нариги бетидаги гулзорга тикилиб. — Халқ, келажак авлод менинг ҳалол хизматларимни назарга олади, ҳурмат қилади ҳам. Чунки мен фақат халқни деб, келажак авлодни деб яшадим ҳам курашдим!

Чуқур хаёлга ғарқ бўлиб ўтирган Зулфизар бир чўчиб тушди. Эрига қаради. У буни кўрмас, кўрса ҳам бутун хаёли бошқа ёқда эди, кимлар биландир қизгин баҳслашишда давом этарди.

У бир фурсатдан кейин ўрнидан турди-да, ҳали ҳам ҳайратланиб турган Зулфизарга кўзи тушиб, хаёлларини йиғиштириб олди. Гўё бошига йиқилган ҳозирги ғам-алам юкини елкасидан иргитиб ташлагандай қаддини ғоз тутиб уни бағрига тортди, ўпди. Зулфизар кўча эшиги томон йўл олди, ғарб томон оғиб, уфқни қизил алванга безаган куёшга каради, кейин эрининг қотма, абжир гавдасига назар ташлади. Кўнгли жўйига тушди чамаси, ички бир мамнуният билан ундан фикран Ҷахрланиб кўйди...

Еттинчи боб

ТОШПҲЛАТ

Кенг, ёруғ хонада Олчинбек столда хаёлчан ўтирарди. Унинг юзи аёлларникидай лўппигина, ранги заҳил, кўзи ичига ботган, қотма, авж олмаган мўйлови, гўё юқори лабига ёпиштириб қўйгандай беўхшов. Кўзи сира уйқу кўрмагандай қип-қизариб, киртайган. Аммо қийимлари башанг. Бу эса уни аллақандай салобатли тилиб кўрсатиб турарди. Галирганда ўзини сипо кўрсатиш учун керилиб кўяди. Қаршисида мўйлови сабза урган ок ую, қиррабурун, навқирон Тошпўлат ўтирибди. Тошпўлат асли шоҳимардонлик. Бир пайт телефон жиринглаб қолди. Олчинбек трубкани олиб, ўзини танитди, аллақандай нохуш хабарни эшитди шекилли, авзойи бузилиб, ранги ўзгарди, кейин у трубкага бор овози билан бакирди:

— Йўқ, йўқ! Бу ишга нўл қўймаганим керак. — У хаготирга тушиб овозини пасайтирди. — Ким кисталанг қиляпти? А-а? Яхши. Мен ўзини галлашиб кўраман. Ҳа, нунақа. Урток Соколов уч-тўрт кундан кейин Москвага йўтиб кетади, биз буни бафуржа лаб кўрамыз,

ошиқишнинг кераги йўқ, шошмай бир қарорга келармиз. Демак, келишдик-а? Сиз алоҳида буйруқ бўлмагунча... Тушунарлими? Хўп, хайр!

У трубкини илиб қўйди, кейин Тошпўлат томон юзланиб, узр сўрагандай бўлди:

— Мени афв этинг, азиз ўртоқ. Ўзингиз кўриб турибсиз, гапнинг белига тепишгани-тепишган. Эртадан то кечгача шу аҳвол. Бир дақиқа ҳам тинчлик йўқ.

У пиёлага чой қуйиб, Тошпўлатга узатди.

— Мана энди сизнинг ишингиз тўғрисида гаплашиб олсак ҳам бўлар. Шунча узоқ йўл босиб келишга сизни нима мажбур этди?

— Менга бизнинг аризамиз сизга топширилганлигини айтишди.

— У ариза нима хусусда экан, ҳурматли меҳмон?

— Бизнинг Шоҳимардонда содир бўлаётган қинғир ишлар ҳақида.

— Шоҳимардонда дейсизми? — Олчинбек бир лаҳза ўйланиб қолди. — Ҳа-а-а, айтмоқчи шунақа аризага кўзим тушгандай бўлиб эди. Демак, уни сиз ёзган экансиз-да?

— Мен эмас, Омонтой, Алижонлар ёзиб беришган. Аммо лекин аризамиздан барча батраklar бохабар, ундаги гапларни тасдиқлашади.

— Демак, тасдиқлашади денг? — Олчинбек ўйланиб қолди. — Гап бундай, ҳурматли ўртоқ. Сиз мутлақо бекорга безовта бўлибсиз. Сизнинг аризангиз ишончли одамлар қўлига топширилган. Текширамай, ҳаммасини аниқлаймиз. Аризада: бундан олти-етти йил муқаддам мозорга қамаб, қирқ саккиз қизил аскар ёндирилган эди. Мозор қайтадан тикланди, қизил аскарларни ёндирган қўрбошилар Ҳазрат Али мозорига яна шайх бўлиб олишиб, Ўрта Осиёдан келган барча мусулмон зиёратчиларни алдаб, бор-йўгини қоқиб олиб, ўзлари кечаю кундуз кайфу сафо қилиб, бемалол юришибди, деб ёзасизлар. Тўғрими?

— Жуда ҳам тўғри, — деди энтикиб Тошпўлат. — Ҳа, мен буни ўз кўзим билан кўриб юрибман. Ҳаммасини биламан. Мақбарани ёндиришга шайх Исмоилнинг ўзи фатво берган.

Олчинбекнинг баданидан чумоли ўрмалаб ўтгандай сесканиб кетди. Ўзини босиб олиб сўради:

— Ушанда неча ёшда эдингиз?

— Ўн етти-ўн саккиз ёшларда эдим.

— Шундайми?.. Ушанда ўзингиз шайх Исмоилнинг

енида эмасмидингиз?— Олчинбек Тошпўлатга ер остидан синчковлик билан қаради. Тошпўлат унинг: «Ўзингиз шайх Исмоилнинг ёнида эмасмидингиз?» деган гапидан кути учиб кетди ва илмокли сўроққа дарҳол жавоб беришга шошилди.

— И-я, нима деяпсиз ўзи, муллака, худо асрасин. Менга нима бор эди унинг ёнида?

Тошпўлатнинг жавобидаги катъият Олчинбекнинг найрангини пучга чиқарган эди, шу сабабли у хаспўш-лашга тушди.

— Ҳазиллашдим, азизим, ҳазиллашдим. Мен ҳам бу даҳшатли воқеани яхшигина ўрганиб чиққанман. Отряд командири Соколов Степан Петрович менинг дўстим эди. Йўқ-а, у киши барҳаёт... Ҳа, ўшанда мен Марғилонда эдим. Бу фожиали воқеани текшириш комиссияси аъзоси сифатида Шоҳимардонга борганман. Шайх Исмоил... Бу оғзи қон бўри ҳали ҳам мозорга мутавалли денг?..

— Нимасини сўрайсиз, муллака, бир томони ўзингиз ҳам хабардор экансиз,— деди Тошпўлат дадилланиб.

— Хабардорман, укажон, ҳаммасидан хабарим бор. Биз бундай бузгунчи шайхни худди канадай эзгилаб ташлаймиз, сиз асло ташвиш тортманг. Бу гапни ўртоқларингизга ҳам айтиб, уларни хотиржам қилинг. Ҳа, шундай бўлсин, иним.

Олчинбек Назирий Тошпўлатни хотиржам қилиш учун унинг кўнглини кўтарар, катта-катта ваъдаларни қалаштирар эди.

— Ҳазрат Али мозоридан кечалари эшитиладиган овоз нима эканлигини ҳам аниқлаймиз, нималарни тесқари ташвиқот қилаётганини билиб, уларнинг таъзири-ни бериб қўямиз, бундан, албатта, хотиржам бўлинглар.

У Тошпўлатнинг диққатини асосий мавзудан чалғитиш йўлини изларди. Бўлар-бўлмас ваъда бераверса, гапининг сохталиги маълум бўлиб қолишини фаҳмлади чамаси, Тошпўлатга мулоийм қараб, меҳрибонлик билан сўради:

— Қаерга қўндингиз?

Тошпўлат ноқулай аҳволда қолиб, қизариб кетди. Кейин хижолатдан бошини кўтаролмай жавоб қилди:

— Дом деҳқонга тушдим... фақат мен...— у чайнаниб қолди. Олчинбек тугал жавоб кутиб турарди. Тошпўлат давом этди.— Алоҳида хонага қурбим келмай,

ҳовлида, отлар ёнида ётиб турибман, ҳар қалай арзонроқ.

— Ана холос, нега ҳовлида ётибсиз? Ахир ҳозир куз, кечалари анча салқин тушиб қолган бўлса... Мен ҳозир кўрсатма бераман, сизга қулай хоналардан бирини банд қилиб, яхши жойга ўтказиб қўйишади. Аризангиздан хотирингиз жам бўлсин. У аллақачон ҳаракатга тушиб кетган.

Олчинбек кейинги жумлага алоҳида урғу бериб гапирди. Тошпўлатнинг юзида хотиржамлик белгилари аксланганига қаноат ҳосил қилгач, қўнғироқ тугмасини босди. Сўлақмондай барзанги эшикни очиб, бўсағада ҳайкалдай қотди. Олчинбек Тошпўлатга қараб давом этди.

— Уч-тўрт кундан кейин ҳузуримга кириг. Сизнинг ишингиз бўйича қандай чора-тадбирлар белгиланганлигини батафсил айтиб бераман. Дом деҳқонда баҳузур тураверинг, қисинманг. Барча харажатларни биз ўз устимизга оламиз... Қоровой ака, бу ўртоқни Дом деҳқонга бошлаб бориб, у ердагиларга айтингки, алоҳида хона беришсин... Ҳалиги болохоналиги бор-ку, ўшани, хўпми?

Тошпўлат эшик олдига бориб, бир оз тараддудланди-да, орқасига ўгирилиб, Олчинбекка мурожаат қилди:

— Биз хатни ўртоқ Охунбобоевга ёзган эдик, у эса сизнинг қўлингизга келиб тушибди, нега бундай бўлдикин-а?

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, иним. Бизнинг ҳурматли ва мўтабар ўртоқ Охунбобоев, — давлат одампилар. У кишининг қимматли вақтларини ҳар хил майдачуйда ишлар билан банд қилаверсак яхшими? Бунини ўзимиз текшириб кўрамиз. Бундан ҳеч ташвиш тортмасангиз ҳам бўлаверади...

Тошпўлат энди гапни айлантириб ўтиришга ўрин қолмаганлигини тушунди, ташқарига ноилож чиқиб кетди.

* * *

Тошпўлат Деҳқон уйида бир хонага жойлашди. У ерда иккита каравот бор эди, биттасини Тошпўлат эгаллади, биттаси бўш қолди. Ўртага стол қўйилган. Хонанинг иккита эшиги бўлиб, бири йўлакка, бири ойнабандлик болохонага олиб чиқарди. Шифтда электр лампа ёниб турарди. Тошпўлат обдан жойлашиб ол...

русча алифбо китобини тиззасига қўйиб, саҳифадаги лавҳага тикилганича кўрсаткич бармогини сатрлар ус-тидан сҳиста юргизиб, ҳижжалашга тушди. Унинг бу-тун диққат-эътибори китобга михланган эди. Гоҳ пешонасини тириштириб, ҳарфларга энгашади, гоҳ улардан кўзини оладі-да, лаблари пичирлаб, ўқиётган сўзларидан жумла чиқаради, нотаниш сўзларнинг маъ-носини чиқаролмай бошини қашийди. Кейин хуноб бў-либ кетганидан ўзича гудраниб қўяди:

— Шунча уринсам ҳам барибир ҳеч гап чиқмаяпти, қани, овозимни чиқариб ўқиб кўрай-чи...

— Ми-не... Мине... Р-а-би... Раби. Минераби! Бу ни-ма дегани экан-а? Бунақа русча сўзни эшитмаган эдим-ку, тавба... Тўхта-чи, бу сўз бўлиб-бўлиб ёзилган, де-мак, биттамас, у учта бўлса керак. Ми-не-раби. Ҳа ана энди чиқараётганга ўхшайман. Ми не раби! — у тў-сатдан ўрнидан туриб кетди. — Топдим, энди тушун-дим! «Биз қуллар эмасмиз». Осонгина экан-ку, шунга хуноб бўлиб ўтирибман-а, боятдан бери!

У китобни каравотга ташлади, ўзича гудранди:

«Бу рус тилини ўрганишнинг иложи бўлмайдиганга ўхшайди. Аммо ўрганмагунча қўймайман, вассалом!»

Бутун умри чоракорликда йўқчилик билан ўтган оилада дунёга келган Тошпўлат туғилган кунидан бош-лабоқ кулфат, ғам-қайғуга йўрғакланди. Қишда совуқ, ёзда иссиқ қийнар, жонига қасд қилар эди. У бош-қаларнинг боласига ўхшаб ўйнаб-кулмади, ёлчиб ки-йинмади, тўйиб емади. Ака-укаларига ўхшаб оч-ялан-ғоч, думаланиб юриб эсини танийдиган ҳолга етиб келди. Қўлидан иш келадиган бўлгач, отасининг қўл-тиғига кирди, бойнинг боласини кўтарди, сувини таши-ди. Саҳармардондан қош қорайгунча юмушдан бўша-мади. Шундай бўлса ҳам, қулоғи қўпол сўз, аччиқ сўкинишлардан бошқа мулойим гапни эшитмади.

Орада кунлар ойларни, ойлар эса йилларни қувлаб ўтаверди. Тошпўлат улғайди. Балоғатга етган сайин меҳнат-машаққат юки тобора срта борди. Ун олти ёши-даёқ расмана кетмончи бўлиб қолди. Эрта-кеч, оч-тўқ, иссиқ-совуқ демай, отаси билан баб-баравар кетмон ур-ди. Ота-бола водиллик Бузрукхўжанинг ерида ишлаш-ди. Баҳорда ер ҳайдаб уруғ қадашар, ёзда парвариши-ни қилишар, кузакда ҳосилини кўтариб, қишда мол-ҳо-лини боқишарди. Йил — ўн икки ой бутун оиланинг умри заминдорнинг эшигида шу тариқа ўтар, у ташқи дунёдан бутунлай ажратиб ташланган, бу ҳақда

ўйлашга фурсати ҳам етмас, ҳар кунги иш тартиби унинг учун одат даражасига айланиб кетган эди. Ишлаб-ишлаб, ҳаммасини заминдорга беради-ю, лекин роҳатдан дарак тополмасди. Бунинг устига, заминдорнинг қарзини ҳеч узолмас, аксинча, унинг домига баттар чулганиб борарди. Додини тинглайдиган мураббий тополмасди. Замона бойларники, амалдорлари ҳам, мулласи, қозиси, шариати ҳам ўшалар қўлида эди. Сал норозилик қилиб, ишдан бўйин бурганларнинг боши ба-лога қолар, бундайларга сургун, бадарга доимо таҳдид солиб турарди.

Хўп, булар-ку, зolim бойлар замонида бўлар эди, ҳозир меҳнаткашлар замони-ку, ахир. Нега энди Шоҳимардон қишлоғида ҳали ҳам ўша бойлар ҳоқим? Нима учун биз ҳамон шайхнинг урса уриги, сўкса сўкигида бўлиб, уларнинг зулмини чекамиз? Нега Шоҳимардонда азоб-укубат, зулмат-таадди тугамаган? Нима учун? Ахир, халқ жабру-зулмдан тўйиб кетди-ку!

Шайхларнинг қилмишларидан дод деб мана, у адолат истаб, ёрдам истаб Самарқандга келди. Бу ёғи кан-док бўлар экан...

Тошпўлатнинг миясида бир-бирига зид фикрлар талашар эди. Лекин у буларга ўринли жавоб топиб беролмас, хусусан, Назирийнинг мулойим қиёфаси, тилёғла-малик билан қилган муомаласини эслади-ю, фикрлари яна айқаш-уйқаш бўлиб кетди. У алифбони яна кўлига олди, чала қолган машғулотини давом эттирмоқчи бўлиб турган эди, шу пайт хона эшиги оҳиста очилди-да, ҳалиги сўлоқмондай барзанги — Қоровой ака ҳеч кан-дай савол-жавобсиз ичкарига кириб, сурбетлик билан салом берди.

— Ассалому алайкум, меҳмон, қалай, зерикмай ўтирибсизми?

— Ваалайкум ассалом, келинг, марҳамат, ўтиринг.— У бўш каравотга ишора қилди.— Саломатми-сиз? Келганингиз яхши бўлди. Бир ўзим зерикиб ўтирган эдим.

— Ҳаммаси яхши, меҳмон: саломат бўлинг. Ҳар қалай тупроқдан ташқари дегандай... Аслини сўрасангиз, ҳаммамиз бу ёлғондакам дунёга меҳмонмиз. Лекин бандаси шуни била-кўра туриб, бир-бирининг таги-га чоҳ қазийди. Ҳай, энди дунёнинг ўзи шундай қурилган бўлса, биз, бандаларида нима ҳад. А, лаббай?

Тошпўлат унинг тагдор гапларига дафъанан ушун-мади, ўзини лоқайдликке солиб, уни қувватлаган бўл-

ди. Қора Қоплон ҳам Тошпўлатни кўп куттирмай, келиши сабабини айтиб кўя қолишни лозим топди, чамаси, «менинг бошлиғим ҳурматли Олчинбек Назирий (ҳурматли деган сўз ўрнида «жаноб» деб юборишига сал келди) сизнинг қандай ўрнашган-ўрнашмаганлигингизни билиб келиш учун ҳузурингизга юборган эдилар, шунга келган эдим», деди.

— Кўп раҳмат, менга жуда яхши илтифот кўрса-тишди, миннатдорман. Бола-чақаларининг орзу-ҳавасини кўришсин.

— Ўртоқ Олчинбек Назирий сизга бир оғиз сўз айтиб қўйишимни буюрдилар,— деди ясама соқол-мўйлов ёпиштириб олган Қора Қоплон.

— Қандай сўз экан, бемалол айтаверинг, қулоғим сизда.

— Фақат меҳмоннинг ўзларига холи айт, бегона одам эшитиб қолмасин, деб тайинладилар, яхшиси, болохонага чиқайлик, тагин битта-яримтаси эшик орқасидан қулоқ солиб ўтирган бўлмасин. Дўстан кўп душман, дегандай... Эҳтиёт шарт-да, а, лаббай?..

— Майли. У ерга чиқсак, чиқа қолайлик. Юринг бўлмаса.

— Болохонада иккаламиз турганимизни тагин биров кўриб қолмасин, чироқни ўчириб қўя қоламан.

— Майли, ихтиёрингиз.

Тошпўлат болохонага олиб чиқадиган эшикни очиб юқорига чиқди. Болохонадан пастга қаради-ю, юраги орқасига тортиб кетди.

— Бу — кўча эмас, аллақандай жарлик-ку! Пастдаги тешларни қаранг,— деди у хавотирланиб.

Тошпўлат орқасига қаради, шу пайт пастда чирек ўчди. Қора Қоплон зинадан оқиста чиқиб келди, жарликка ваҳима билан қараб турган Тошпўлатга сўз қотди:

— Бу ҳозирча — жарлик, ўн йилдан кейин бу ерда нималар бўлишини хаёлингизга ҳам келтиролмайсиз. Меҳмон, ҳу ана у ёққа қаранг-а,— деди у хотиржамлик билан, Тошпўлат у кўрсатган томонга қаради. Шу пайт унинг гарданига қаттиқ нарса келиб урилди-да, кўз ўнги қоронгилашиб, нафаси ичига тушиб, овози ҳам чиқмай, харсанглар ястаниб ётган жарликка қараб учиб кетди.

Қора Қоплон чаққонлик билан пастга тушиб, чирокни ёқди, қўлини тўни барига артди, ёнидан бўшаган ароқ шишасини олиб полга қўйди, худди шундай

иккинчи шишани яримлатилган ароғи билан стол устига қўйди-да, ёнига бир неча бурда нон ҳам ташлади. Хонанинг у ёқ-бу ёғига кўз ташлаб чиқиб, каравот устида ётган китобни кўриб қолди. Уни қўлига олиб, ғазаб билан гижимлаб-гижимлаб чўнтагига тикди. Кейин эшикни оҳиста очиб, йўлакка сирғалиб чиқиб кетди.

Саккизинчи боб

ДУСТЛАР

Ҳамзанинг кенг, ёруғ хонаси. Бир бурчақда пианино, бир бурчагига шкаф қўйилган. Ўртасидаги столга дастурхон ёзуғлик, сам четдаги стол устига китоблар тахланиб қўйилибди. Девордаги катта расмда атрофи тепаликлар занжири билан ўралган, унча катта бўлмаган ям-яшил текислик тасвирланган. Мусаввирнинг усталлиги унча сезилмаса-да, ундаги бўёқлар жуда ёркинлиги билан диққатни тортади: расмнинг олдинги томони бўйлаб темир йўл изи ўтган. Бу манзара марказини ташкил қилган яшил текисликда жанг акс эттирилган. Душманининг йирик кучи қизил аскарларнинг кичик бир отрядини қисиб, танг ҳолатга солиб қўйган. Унг томондаги тепа устида бир гуруҳ отлиқ кўриниб турибди. Уларнинг олдиндагиси дурбиндан жанг манзарасини кузатмоқда...

Хонада Ҳамзанинг ёлғиз ўзи. У ёзув столига энгашиб, нота ёзилган саҳифалардан ниманидир чизиб, ниманидир тўғрилади. Кейин пианино олдига келди-да, курсига ўтирди. Шу пайт ташқаридан Зулфизарнинг хушчақчақ овози келди, лекин Ҳамза унга эътибор бермади. У бармоқларини клавишларга уриб, аллақандай куйни чала бошлади, куй бошига анча қозушмай, кейин аста-секин оҳанг касб этиб, жангсвар тус ола бошлади. У излаётган карсасини топганига ишонч ҳосил қилиш учун ҳалиги куйни бир неча бор такрорлади-да, кейин ундан кўнгли тўлиб, музикани шартта тўхтатди. Саҳифага яна алланималарни қайд килиб қўйди-да, куйни бошдан-оёқ завқ билан чалиб чиқди. Шу пайт орқа томондан карсаклар чалинганини эшитиб, ўгирилди. Дўстлари! Дик этиб ўрнидан туриб бориб, қулочини ёзганича дўстлари томон отилди. Хона ўртасида Степан Соколов, Рустамжон Пўлатов ва Степановлар жилмайиб туришар эди. Шу онда эшиқдан Зулфизар хурсанд бўлиб, гапириб кириб келди.

Республика партия ташкилоти ходими Соколов — эгнига ёқаси ён томондан очилган русча кўйлак ва галлифе шим кийиб, белига энлик ҳарбий камар боғлаб олган эди. Рустамжон Пўлатов Соколовдан уч-тўрт ёш кичикроқ кўринар, сочини оқ босиб кетган, у ҳам ҳарбий форма кийган. Степановнинг кийим-боши уларникидан тамоман ўзгача, костюм-шим кийиб, бўйнига капалакнусха галстук тақиб, бурнига олтин гардишли пенсне қўндириб олган. Оқ оралаган узун сочларини оркага қараб текис тараган. У эллиқларга бориб қолган эди.

Ҳамза дўстларини маҳкам қучоқлаб олган ҳолда ҳаяжон билан хитоб қилди:

— Стёпа, Рустамжон, қайси шамол учирди? Москвадасизлар деб эшитган эдим-ку, ахир!

— Эрталабки поезд билан келиб тушдик,— деб жавоб берди Соколов Ҳамзага қараб жилмайиб.

Ҳамза бир лаҳза довдираб қолди, кейин ўзини тутиб Степановга қараб қўчоғини очди.

— Салом, профессор! Хуш келибсиз.

Степанов Ҳамзага ўнг қўлини узатиб кўришгач, сўради:

— Айтинг-чи, ҳозир сиз қандай куйни чалдингиз?

— Ўзим... Шундай... Машқ қилаётиб эдим,— деб жавоб берди Ҳамза хиёл қизариб.

— Э, э, э, унақа эмас! Сен, ошна, лақиллатма бизни!— деди Соколов жиддий тус олиб.— Биз Сергей Ивановичга сенинг бастакор эканингни айтиб берганмиз. Сен бизларни муттаҳам қилиб қўйма тағин. Биз Сергей Ивановични, унга ёрдам беринг, деб илтимос қилиб олиб келдик.

— Менга сизнинг «Қорасоч» деган музыкали асар ёзаётганлигингни айтишди,— деди Степанов.

— Анчадан бери ёзади,— деб тасдиқлади Рустамжон Пўлатов.— Лекин қийналяпти. Бунақа нарса илгари бизда бўлмаган-да!

— Мен ёзаётганим йўқ... Сергей Иванович,— деди Ҳамза Степановга жавдираб қараб.— Ҳозирча шунчаки уриняпман, чиқадими, йўқми — ҳали бу номаълум...

— Чиқиши керак,— деди Степанов ишонч билан.— Агар ҳозир чалаётган нарсангни сиз ёзган бўлсангиз, унда, албатта, чиқади.

— Сизга маъқул бўлдимми?— деб сўради Ҳамза.

— Маъқул бўлди,— деди Степанов Ҳамзага умид

бағишлаб.— Шу ҳолида камчиликлари ҳам йўқ эмас, лекин уларни тўғриласа бўлади.

— Ҳазил қиляпсизми, Сергей Иванович?— деди Ҳамза куйиб-пишиб.— Мана бунга қаранг-а.— Ҳамза уни қўлтиғидан оҳиста олиб, кичкина столча олдига бошлаб борди. Иккаласи нота ёзилган саҳифага энгашиб тикилиб қолишди.

— Қани, Рустамжон,— деди Соколов, ҳафсаласи пир бўлиб қўлини силтаб,— назаримда, энди сен билан менинг керагимиз бўлмай қолди буларга, уларнинг энди фикр-зикри музикада бўлади...

— Бир нафас сабр қил, бир нафас,— деди Рустамжон Пўлатов. Соколовни қўлидан ушлаб.— Ҳазимиз қилган ошни айланиб ҳам ичамиз, ўргилиб ҳам ичамиз. Бошқа чора йўқ.

Бу орада Зулфизар дастурхон ёзиб, стол устига мева-чеваларни олиб келиб қўйди-да, эрининг олдига бориб, тирсагидан аста ушлади.

— Аббосхон, меҳмонларни дастурхонга таклиф қилинг. Аввал чой-пой ичиб олинглар, гап бўлса, кейин баҳузур гаплашаверасизлар.

Ҳамза бошини кўтариб, хомуш бўлиб турган икки дўстига кўзи тушиб, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди:

— Узр, дўстларим! Сал бўлмаса сизларни унутиб қўяёзимиз. Қани, дастурхонга марҳамат қилинглар.

Ҳамма столга ўтирди. Ҳамза қадаҳларга вино қуйиб чиқиб, меҳмонларга бирма-бир узатди, биттасини ўзи қўлига олиб, уларга мурожаат этди:

— Дўстлар, ушбу қадаҳни эски дўстларим Стёпа билан Рустамжон Пўлатов ва янги дўстим Сергей Ивановичнинг саломатликлари учун ичишни истар эдим.

Соколов хулосалаб қўя қолди.

— Дўстларимиз учун!— қадаҳни кўтаришди.

— Нега Москвадан гачирмайсизлар? Пленум қандай ўтди?— деб сўради Ҳамза, қадаҳни столга аста қўйиб.

— Яхши ўтди,— деди Рустамжон Пўлатов,— Москвада бизга пахтачи кўй экансиз — бу жуда яхши, лекин ҳозир ҳам — бу ёмон, бу билан келишиб бўлмайди: Ҳосилни икки ҳафта ошириб олозим, ана ўшақча биз яхшигина эмас, балки аъло деймиз, деб айтишди.

Соколов ўрнидан туриб, столни айланиб ўтди-да, Ҳамзанинг олдига бориб, унинг елкасига қўлини ташлади.

— Оҳ, Ҳамза! Шоир дўстим. Қандай ажойиб замон-

да яшаш насиб қилган сен билан бизга. Социализм жамияти томон юз бурдик. Бу жамиятни ўз қўлимиз билан курашимиз!

— Социализм...— деб қўйди Ҳамза ўйчанлик билан жилмайиб.— Наҳотки биз социализм жамиятини кўзимиз билан кўриб, унда яшаймиз? Наҳотки, Степан, уша кун бизга насиб бўлса...

— Насиб этади, Ҳамза, насиб этади,— деб жавоб берди Соколов ишонч билан.— Колхозларни қуриш муштумзўрларнинг томирини киркиб ташласак бас. Ўёғи унча кийин бўлмайди.

— Ҳм... Ҳа, муштумзўрлар билан жанг қилиш тўғри келади,— деб қўйди Сергей Иванович гапга аралашиб.

— Томирларигача кундаков қиламиз,— деди Рустамжон Пўлатов.

— Ҳа, азизларим,— дея жавоб берди Степан Соколов, икки қўлини бошига қўйган ҳолда, узоқ-узоқларга тикилиб.— Афтидан, биз давлатимиз ичидаги синфий душманга қарши сўнгги жангга бораётганга ўхшаймиз. Кескин кураш бошланмоқда. Бу жанг ҳаёт-мамот жаъги бўлади, шафқатсиз жанг бўлади.

— Кураш!— Ҳамза ҳаяжонланиб кетди.— Келинг, дўстлар, шу курашимиз ва унда қозонадиган ғалабамиз учун ичайлик!

— Биз яхши кўрадиган куйни чалиб беринг, Ҳамза ака,— деди Рустамжон оқ ичилган қадаҳни столга қўйиб.

Ҳамза пнанино олдидаги курсига ўтирди. Олдини қалбларни жўштириб юборадиган шўх куй янград кейин Рустамжон Пўлатов «Яша, Шўро» қўшиғини ота бошлади. Унга Соколов билан Зулфизар қўшилишди. Сўнг «Ҳой, ҳой отамиз»га ўтишди. Сергей Иванович бўлса икки тирсагини столга тираганича диққат билан тинглаб ўтирди.

— Буларни қачон ёзган эдингиз?— деб сўради куйнинг сўнгги банди тугагач.

— Эҳ-ҳа, анча бўлиб кетди...— деб жавоб берди Ҳамза жилмайиб.— Бу куй жанг майдонларида туғилган эди.

Тўққизинчи боб

ИУЛДОШ ОХУНБОВЕВ ҲУЗУРИДАГИ ГАП

Ташқаридан кириб келган кишининг кўзи рўпараги эшикка қоқиб қўйилган лавҳага тушади. У

«ЎзССР Марказий Ижроия қўмитаси раиси ўртоқ Охунбобоев» деб ёзиб қўйилган эди.

Қабулхонадаги столда бир қиз ўтирибди. Телефонларнинг қўнғироқларига дадил-дадил жавоб қайтаришдан у Охунбобоевнинг котибаси эканлигини англаб олин қийин эмас. У ҳар кимга топиб-топиб жавоб қилмоқда:

— Ҳа, худди шундай, ўртоқ Охунбобоев сизни ўша белгиланган вақтда қабул қиладилар. Йўқ, йўқ, рошароса қирқ минутдан кейин.

У телефон трубкасини илиб қўйиш билан бошқаси қўнғироқ қилиб қолди. Қиз трубкани олди.

— Йўқ,— деди у кескин оҳангда,— ўртоқ Охунбобоев сизни қабул қилолмайдилар. У киши сизга: еригизни бошқа одамга тартиб олиб бериб, тўғри қилишганлигини айтиб қўйишимни буюрдилар. Прокурор? Начора, агар сиз совет қонунини бузган бўлсангиз, ўртоқ Охунбобоев сизни суддан қутқазиб ўтирмайдилар. Марҳамат!— қиз телефон трубкасини илиб қўйди.

Қабулхонага бир кекса аёл тортинибгина кириб келди, кийим-бошлари чанга ботган. Эшик олдида тарадудланиб қолди.

— Сиз ўртоқ Охунбобоевнинг олдиларига кирмоқчимисиз?— деб сўради тортиниб турган ўша кекса аёлдан котиба.— Фамилиянгиз?

— Фамилиям Раҳимжонова,— деб жавоб берди аёл кейин қўшиб қўйди.— Мен Ургутдан келдим.

Котиба қиз столи устида ётган рўйхатга кўз югуртириб чиқди-да, ҳалиги аёлга қаради.

— Ўртоқ Раҳимжонова, бу қанақаси, кечикиб келибсиз? Сизнинг киришингиз ўнга белгиланган эди-ку, ахир. Ҳозир эса, ўн бешга яқинлашиб қолди.

— Мен Ургутдан келдим... пиёда...

— Ўтира туринг. Мен ўртоқ Йўлдош Охунбобоевга айтиб кўрай-чи.

Котиба ичкарига кириб кетди, лаҳза ўтар-ўтмас қайтиб чиқиб, аёлга жавоб қилди:

— Сиз Ургутдан пиёда келганингизни тушунтирдим. «Ўн минутдан кейин қабул қиламан. Чиқиб айтинг», дедилар.

Аёл котибани дуо қилди.

Охунбобоев кабинетида ўтирган Соколов, Рустамжон Пўлатов ва Назирийлар томон ўтирилди. Уларга диққат билан бирма-бир қараб чиққач, мурожаат этди:

— Мен сизлар билан яна бошқа бир масалада мас-

лаҳатлашиб олмоқчи эдим, ўртоқлар. Шоҳимардонга кимни юборамиз?

Назирий буни эшитиб, бадани сесканиб кетди, лекин сездириб қўймаслик учун ўзини Охунбобоевнинг гапини диққат билан эшитаётганликка солиб, бепарво ўтираверди. Охунбобоев давом этди:

— У ердаги муқаддас мазор атрофида ғалати ишлар содир бўлаётган эмиш. Бу ҳақда бизни шоҳимардонлик батраклар хабардор қилиб туришибди. Шоҳимардонга каттароқ бир ташкилотнинг ходимини юбориш лозим.

Назирий ўзини босиб олиб, ўрнидан турди.

— Дарвоқе, менга ҳам етиб келган эди ўшандай хабарлар, тўғри, уларда аниқ бир гап йўқ эди, шунинг учун унга ортиқча эътибор бермаган эдик. Ҳурматли ўртоқ Охунбобоев жуда ҳақ гапни айтдилар. Шоҳимардонга қаттиққўл, лекин «каттаман» деб керилмайдиган, кичикфеъл бир ходимни юборишнинг айнаи хонаси келди. Ўша ходим бориб, у ерда чинакам тартиб ўрнатмаса, бунга токайгача чидаб турамиз!

Назирий «қаттиққўл» иборасини айтган пайтида Рустамжон Пўлатов унга ялт этиб қараб қўйди. Соқолов бўлса, бошини кўтармай, стол устида ётган блокнотига алланималарни чизиб ўтирарди. Бир неча дақиқа ўртага жимлик чўкди.

— Қани, у ерга кимни юборсак экан?— деб сўраб қолди Йўлдош Охунбобоев жимликни бузиб.

Назирий яна ўрнидан турди.

— Агар сиз, ҳурматли Йўлдош ака, менга ишонч билдирсангиз, истаган пайтингизда ўша ерда бўлишга гайёрман...

Охунбобоев унинг гапини бўлди:

— Демакки, биз ишга зиён етказмасдан туриб сизни ўз вазифангиздан бўшата оламиз, шундайми? Сизнинг ишингиз кам-а?

— Нима деяпсиз, ҳурматли ўртоқ Охунбобоев, ишим бошимдан ошиб ётибдику-я! Шундай бўлса ҳам...

— Қани айтиб беринг-чи, Ҳамзага халқ ёзувчиси деган унвон берганимиздан сўнг қандай янги асар ёзди,— деб сўраб, Охунбобоев яна унинг гапини бўлди.— Сиз унинг сўнги асарини ўқидингизми?

Олчинбек Охунбобоевга ҳайрон бўлиб қараб қолди.

— Ҳамза яқинда менга «Майсаранинг иши» пьесасини олиб келган эди,— деб жавоб берди Назирий тутилиб,— мен уни де...

— Хўш, қалай, маъқул бўлдимиз? — Охунбобоев қизиқиб сўради.

— Ёмон эмас, лекин, очигини айтганда, Ҳамза илгарилари пухта асарлар ёзар эди. Улар жуда ўткир бўларди. Ойнинг ҳам юзида доғи бўлади, дегандек...

У, бошлаган гапини тугатолмай, чайналиб қолди.

— Бу фикр — хато. Ҳамзанинг бир умр доғи бўлмаган, — деди Рустамжон Пўлатов кескин қилиб.

Олчинбек Рустамжон Пўлатовга жавоб қайтармоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаган эди, Рустамжон Пўлатов Охунбобоев томон ўгирилиб олди-да, унга ўз фикрини қизгин баён қила бошлади:

— Жуда тўғри маслаҳат, Шоҳимардонга бақувват, ташкилотчи одамни юбориш керак. Лекин бу одамни у ердагилар танийдиган, ҳурмат қиладиган бўлсин. Сиз ҳақсиз, ўртоқ Охунбобоев, Ҳамза энг яхши номзод бўлади.

— Бундай ишга шоир, хаёлпараст, қизиққон бир одамни юбориш?... Сизга бир нима бўлганми ўзи, ўртоқ Пўлатов! Нахотки сиз буни жиддий айтаётган бўлсангиз? — дея Назирий қаттиқ изтироб чекаётган одамдай қўлини кўтарди. — Ҳамзани эҳтиёт қилишимиз керак. Ахир у халқ ёзувчиси ку!

— Демак, иккита номзод бор, — деб жилмайиб қўйди Охунбобоев, — Олчинбек Назирий билан Ҳамза Ҳакимзода. Бу масалада сиз нима дейсиз, ўртоқ Соколов?

Соколов Охунбобоевга диққат билан қараб турди-да, қатъий ишонч билан жавоб берди:

— Менга қолса Ҳамзани юборар эдим. Унинг ўзида ҳам изидай ҳоҳиш бор. Уша ерга бориб асар ёзмоқчи.

— Маъқул, ўртоқ Икромов билан маслаҳатлашиб кўраман. Марказком рози бўлса бас. Раҳмат сизларга, ўртоқлар, — деди Охунбобоев, ҳамсуҳбатларига рухсат бериб.

Ҳамма ўрнидан турди, хайрлашишди. Олчинбек Назирий эшикка яқинлашиб қолганида Охунбобоев уни тўхтатди, жиддий қиёфада уқтирди:

— Сиз, ўртоқ Олчинбек Назирий, «Майсаранинг иши»ни ўқиб чиқинг. Қанча тез ўқисангиз, шунча яхши. Керакли асарга тўғаноқ бўлиб туришингиз дуруст эмас. Уни томошабинларимиз анчадан бери зориқиб кутишмоқда.

* * *

Ўзбекистон Марказий Ижроия қўмитаси биноси дарвозасидан Пўлатов, Соколов ва Назирий чиқиб келишди.

— Ҳар ҳолда сиз ноҳақсиз, ўртоқ Пўлатов, сиз ҳам, ўртоқ Соколов. У ерга Ҳамзани юбормаслик керак. У бунақа тоифадаги одамлардан эмас,— деб қўйди Олчинбек тагдор қилиб.

— Вақт кўрсатади,— деди Рустамжон Пўлатов энсаси қотиб, кейин Соколов томон ўгирилиб, уни ўзига ҳамроҳ бўлишга таклиф қилди.— Стёпа, қаёққа борасан? Менга ҳамроҳ бўлсанг, извошда олиб бориб қўяман, ўтир.

Иккаласи извошга ўтиришди. Олчинбек Назирий уларга ҳурмат юзасидан тавозе қилиб хайрлашиб қолди. Унинг юзида аллақандай яхши ифодалар ўйнар, у чамаси, ўз-ўзидан мамнун эди. Уни кутиб турган извош ҳайдовчи олдига келди-да, амр қилди:

— Узинг жўнайвер. У ердагиларга айт, бугун ишга қайтиб бормайман. Тоблари қочиб қолибди, деб қўя қол.

Извошчи жўнаб кетиши билан Назирийнинг юзидаги ҳалиги яхши ифодалардан асар ҳам қолмади. У қовоқ-тумшуги осилиб ҳеч қаёққа қарамай, аста юриб кетди. Театр олдидан ўтаётганида реклама тахтасига ёпиштириб қўйилган бир неча эълонни кўрди. Улардан бирига диққат билан қараб қолди, баттар авзойи бузилди, ичидан гижинди.

Эълон Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» драмаси кўрсатилиши ҳақида хабар қиларди. Назирий ногоҳ театр кассаси томон қаради, у ерда билет олиш учун навбатда турган одамларнинг узун сафини кўриб, дами ичига тушиб кетди. Лекин ўзининг бу ҳолатини бирон кимса сезиб қолишини кўнглидан ўтказди-да, гўё хурсанд бўлгандай, ясама илжайиб қўйди, навбатда турганлардан бирига кўзи тушиб, у билан узоқдан бўлса ҳам имо-ишоралар орқали қуюқ сўрашган, унга муваффақият тилаган бўлиб, жинкўчалардан бирига бурилди.

У тепасини дарахтларнинг шоҳлари худди ишқомдай ўраб олган салқин кўчадан ўйчан борар эди, рўпара томондан келаётган икки кишига кўзи тушди. Бирининг эғнида тўпиқларигача етадиган узун малла тўн, бошқасининг костюми асл матодан тикилган. Улар бир-бирларига яқинлашиб, худди эски танишлардай қуюқ сўрашишди. Буларнинг бири Ғиёс, иккинчиси, Гилгитдан келган зиёратчи «оқсоқ дарвиш» эди. Зиёратчи Назирийга қўлини узата туриб, салом бериш ўрнига:

— Шайх Исмоилга малика салом йўллади,— деди.

Олчинбекнинг ранги қув ўчди, атрофга алаанглаб қараб қўйди-да, Ғиёсхўжага тикилиб шивирлади:

— Нега куппа-кундуз келдинглар? Ахир битта-яримтаси таниб қолса нима бўлади?— деди хавотир олиб. Кейин зиёратчи томон ўгирилиб, овозига бошқача оҳанг берди:

— Хуш келибсиз, азиз меҳмон. Сизни кўрганимдан ғоят хурсандман. Анчадан бери сизга орзуманд эдим. Қани, марҳамат қилсинлар.— У Ғиёсхўжага қаради.— Тақсир, меҳмонни бизникига бошланг, кўчада узоқ турмайлик,— деди-да, олдинга тушиб, тавозе билан йўл бошлади.

Унингчи боб

ҚҲҲ ТЕРИСИДАГИ БҲРИЛАР

Назирийнинг ўрдадай ички-ташқилик ҳовлиси. Уймакор курсилар, нақшинкор данғиллама хоналар. Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Ичкари ҳовлидан кичкина ариқча кесиб ўтган. Ариқдан нилий ранг зилол сув жимирлаб оқиб турибди. Сув ҳовли ўртасидаги ҳовузчага қўйилиб, нариги томондан чиқиб, қўшни ҳовлининг девори тагидаги сопол қувурга кириб кўздан ғойиб бўларди. Мармар сарҳовуз атрофида арчалар кўм-кўк бўлиб яшнаб ётибди, беш туп атиргул чамандай очилган. Бу кўркам манзара ҳовлига алоҳида файз бахш этиб турибди. Улар серҳашамат, сержило бир хонага киришди. Уй шарқ услубида безатилган. Ерга туркман гилами тўшалган. Токчаларда қимматбаҳо буюмлар, жонон чинилар, хитой товоқ, лаганлар, тухумпўчоқ пиёлалар, аждаҳонусха чойнак, кўзалар тартиб билан териб қўйилган. Хона ўртасидаги хонтахтага дастурхон тузалган, ундаги турли ноз-неъматларнинг барчаси камёб. Хонтахта атрофига атлас кўрпачалар тўрт қаватдан қилиб ташланган.

Мезбон меҳмонларни уйнинг тўрига ўтқазди, фотиҳа ўқилгач, дастурхонга таклиф қилди. Чиройликкина бир ўғил бола хитойи гардим чойнакда чой олиб келиб, пиёлаларга оз-оздан қўйиб, меҳмонларга бирма-бир узатди.

Назирий новотранг жужун пойжома кийиб олган, кўрпачага чордона қуриб, тирсагини хонтахтага тираганча маъюс ўтирар эди. Унинг рўпарасида Ғиёсхўжа ҳам худди унга тақлид қилгандай ўша ҳолатда Назирийга маъюс тикилганча қолган, зиёратчи — «оқсо

дарвиш» бўлса, иккала оёғини хонтахта тагига узатиб юбориб, орқасидаги ёстиққа елкасини берганича узоқ йўлдан кейин ҳузур қилиб папирос чекар эди. Хизматчи бола чойнакни секин Назирийнинг олдига суриб қўйди-да, сас-садосиз ташқарига чиқиб кетди.

— Қани, тақсир, дастурхонга марҳамат қилиб, еб-ичиб, гаплашиб ўтиринглар,— деди Олчинбек, қонсиз ваҳил юзи бир оз ёришиб. У ўртадаги ноқулай жимликни кўтариб ташлаш учун Ғиёсни гапга солди:

— Оламда нима гаплар, тақсир? Қадамжода аҳволлар қалай? Мана, куйган мақбарани қайта тиклаб бердик. Энди шайхимизнинг пучайган ҳамёнлари тўлгандир. Бизни янгиликлардан воқиф қилинг, токи кўнглимиз таскин топсин.

— Оллога шукур, Чоришқалнинг ҳаммаси ҳам бут, тақсир. Ҳазрат Али Шоҳимардон пиримнинг равзалари кундан-кунга гуллаб-яшнаб, обод бўлиб бормоқда, — деди Ғиёсхўжа овозини пасайтириб.— Мозор бутунлай тикланиб, асл ҳолига келтирилди. Туркистоннинг чоратрофидан зиёратчилар келиб туришибди, назр-ниёзлар оқими ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Мана, жанобларининг улушларини ҳам келтирдик, йигирма минг, камига шайхимиз қарздорлар,— деб бир халтачани узатди. Назирий чаққонлик билан халтачани Ғиёсхўжанинг қўлидан олиб, ёстиқ тагига яширди. Ғиёсхўжа сўзида давом этди:— Биз газавот йўлига катта маблағ ажратилишимиз мумкин. Ислом лашкарларининг Афғонистон тарафларга кетишга улгурмаган қисми Ҳазрат Али шер худо мақбарасининг сояйи давлатидан паноҳ топди.

— Улар кўпчиликми?— деб сўради Олчинбек.

— Қадамжодан унча узоқ бўлмаган тоғ оралиғида икки мингга яқин сарбоз бор. Макбара ҳузурда уларнинг ўн иккита сардори истиқомат қилиб турибди.

— Демак, бизнинг осор-атиқаларни тиклаш учун ажратган маблағимиз айни зарур жойга сарф этилибди-да, бундан чиқди?..

— Шундоқ, тақсир. Сизнинг ёрдамингиз Шоҳимардон мазорини бутунлай вайрон бўлиб кетишидан сақлаб қолди. Мақбаранинг мутасаддиси маслағида собит, аҳдида койим шайх Исмоил, гарчи эскича одам бўлса ҳам, бу ишни гоят яхши уддалади.

— Қандай эскилик осор-атиқаси бўлар экан бу?— деди такаббуруна керилиб ўтирган оқсоқ дарвиш, аччиқ киноя билан.— Россия Туркистонга тумшугини суққан-

дан кейин сизнинг бу қадамжойингиз атрофида бутун шов-шувни биз кўтардик-ку, ахир. Агар Москва билиб қолса...

— Москов, эҳ-ҳа, қанча узоқда. У буни билиб олишига ҳеч ҳам кўзим етмайди. Билолмайдим ҳам, — деди Олчинбек Назирий қўлини силтаб. — Ахир дину имонни мусулмон дилидан ситиб чиқариб бўлмайди-ку? Миён Қудрат ҳазратнинг аҳволлари қалай? — деди у Ғиёс-хўжага бир пиёла чой узата туриб.

— Миён Муршиди муқтадо эшон ҳазратлари исломнинг куч-қувватини оширмақ учун барча чора-тадбирларини ўзларининг муборақ ақл-заковатлари орқасида амалга оширмакдалар. У кишининг йўл-йўриқларини бизлар ҳеч қандай гап-сўзсиз бажо келтирамиз. Носирхон тўра сизга шу гапни айтиб қўйишимиз илтимос қилдиларким, исломнинг шаҳар ичида яшириб туришга имкон бўлмаган ҳар қанча миқдордаги сипоҳиларини ўз нуфусларига қабул қилиб, уларни керакли барча ашёлар билан таъминлай олар эканлар. Носирхон тўра лашкар таъминотини зиёратчиларнинг назр-ниёзларига юклаганлар. У зот бобаракот бошчилик қилаётган ҳарбий ташкилот инсталланган кунда ғазавот туғини кўтариб чиқа олади, иншооллоҳ.

Олчинбек елкасини учириб қўйди.

— Ҳали бир оз сабр-тоқат қилиб туришга тўғри келади. Биз бу яқин ўртада бевосита ҳарбий тадбирлар қўллай олмаймиз, — деди у ғижиниб. — Ҳа, кун беришмаяпти.

Шу дамгача бамайлихотир папирос чекиб ўтирган оқсоқ дарвиш Олчинбекка кўзини ўқдай қадади. Папиросини ўчириб, ўрнидан турди. Олчинбек билан Ғиёс-хўжа ҳурмат юзасидан унга ўгирилиб қарашди.

— Жанговар ҳаракатлар келаси йили баҳордан бошланади, — деди дарвиш, буйруқ оҳангида кескин қилиб. — Большевикларнинг кўкламги экин компанияларини барбод қилиш лозим. Бу тадбир янги тузилган артелларни бузиб юборади, янгиларини тузишни эса мушкуллаштиради.

— Очиқ ҳарбий кураш учун ташкилотимизнинг ҳали кучи оз, — деди Олчинбек Назирий, эътироз билдиришга уриниб. — Кутиб туриш керак...

— Нега кутиб туриш керак? — Унинг сўзини бўлди оқсоқ дарвиш. — Сизлар бошладингиз дегунча, биз тасарруфимиздаги кучларни ёрдамга ташлаймиз. Фузайл махсум беш минг йигити билан Бухорога бостириб ки-

риш учун ишора кутиб ётибди. Бошқа ерларда ҳам шай бўлиб турган кучлар оз эмас. Сизга кўз тикиб туришибди, сиз бўлсангиз, имиллайсиз. Ташкилотингиз бизга қанчалик қимматга тушаётганлигини ўйлайсизми ёки гўсхўр қиляпсизми? Хўш, ташкилотингизнинг раҳбари сифатида айтинг-чи, шунча берган маблағ, қурол-аслаҳаларимиз эвазига биз нима кўрдик?

— Туркчека, айниқса унинг Рустамжон Пўлатовга ўхшаган ходимлари бошимизга бало бўлиб бизни тинч қўйишмаяпти. Ишлаш хавfli бўлиб қолган,— деди Олчинбек Назирий ўзини оқлашга тиришиб.

— Қўрқманг... Сизга ёрдам берадиган одамлар Самарқандда ҳам, Москвада ҳам бор. Аммо сиз бу ерда ҳеч қандай ташаббус кўрсатмаяпсиз. Қайси бурчакка қарама, большевикларнинг тарғиботчисига дуч келасан. Мен чегарадан ўтганимдан буён ҳар жойда большевик Ҳамзанинг номини эшитаман! Ҳар бир қишлоқда унинг «Яша, Шўро!»сини айтиб юришибди. Сизнинг эса сас-садойингиз чиқмайди. Сиз нима чора кўряпсиз бунга қарши?

— Ҳамза билан жанг қилиш осон эмас,— деди Олчинбек, меҳмоннинг даъвосига бирон мантиқли жавоб топиб беролмаганидан эзилиб.— Бу шоирни Михаил Калинин, Фрунзе яхши билади. Охунбобоев билан Акмал Икромов ҳам ўзига яқин тутади.

— Нима учун сиз Ҳамзани ўз томонингизга оғдириб ололмадингиз?— дея сўраб қолди оқсоқ дарвиш, энди юзига қон югура бошлаган Олчинбек Назирийга тикилиб. Олчинбек Назирий ўзини оқлашга тиришди.

— Оғдириб олиб бўлмайди,— деди у умидсиз оҳангда қўл силтаб.— Мен бунга қўп уриниб кўрдим... Ҳа, айтмоқчи сал бўлмаса унутаёзибман. Менга яна бир хунук хабар етиб келди. Буниси анча ишқалроқ.

— Нима экан у ишқалроқ хабар?— деди оқсоқ дарвиш лоқайдлик билан. Фиёсхўжа қулоғини динг қилиб, ичаётган чойини хонтахта устига қўйди. Олчинбек воқеани айтиб берди:

— Шоҳимардонлик Тошпўлат исмли бир қўшчи Ёигит маст бўлиб, мусофирхона болохонасидан жарга кулаб ўлган эди. Ана ўшанинг этиги қўнжидан Шоҳимардондаги мақбара билан бирга куйиб кетган қизил ёсарлар тўғрисидаги маълумот ёзилган ҳужжат чиғибди. Уша воқеани у мактаб дафтарига батафсил қайд қилиб қўйган экан. Шу дафтар ҳозир Йўлдош Охунбобоевнинг қўлида эмиш. Ҳамза, ҳаммага маълум,

Схунбсбоевнинг энг яқин маслакдоши. Афтидан, Ҳамза махсус топшириқ билан Шоҳимардонга юбориладиганга ўхшайди.

Ғиёсхўжанинг капалаги учиб, Назирийга: «Энди нима бўлади?» дегандай, савол назари билан қаради. Оқсоқ дарвишнинг эса қути ўчиб, бир чўчиб тушди.

— Ҳамза? Шоҳимардонга?.. Бу — хавфли!

У, Ғиёсхўжага қараб амр қилди:

— Агар бу гап ҳақиқатан ҳам рост бўлиб чиқади-ган бўлса, ундан бир дақиқа ҳам кўзингизни узманг. Тагин сизларни доғда қолдириб, ишимизнинг пачавасини чиқариб юбормасин бу шоирингиз. Инқилоб эпкини тоғлар орасидаги қишлоқларга ҳам кирган. У эпкин бора-бора тўлқинга айланиши турган гап. Биз ана шу тўлқиндан фойдаланмоғимиз лозим. Очiqроқ айтадиган бўлсак, бу тўлқин ўз гирдобига тушган бизга ўхшаган пароканда кучларни бир хасдай қаърига ютиб юборадиган қудратга эга ёки қирғоққа шундай уриши мумкинки, ўша кундан худо асрасин. Гап — мана шу тўлқин жиловини қўлимизга ола билишимизда. Бунинг учун эса, ақл ишлатиш, ҳар хил тадбирлар қўллаш, хуллас, заргардай нозик иш кўриш керак бўлади. Ҳалиги жарга қулаган одам воқеасидан қилиб эмас, албатта. Уни йўқ қилиш билан нима наф кўрдингиз? Бу билан ари уясига чўп тикқансиз. Тўғри, пайт келганда битта-битталаб ўлдириш керак. Фақат арзийдиган раҳбарларини... Ўзларингиз ҳам ўйлаб кўринглар. Кечагина «ер ислоҳоти» деган балога гирифтор бўлдингиз. Бугун эса, «артель», «коллективлаштириш» деган гаплар кўндаланг қилиб қўйилмоқда...

Оқсоқ дарвиш сомеъларига разм солиб олди-да, пиёлада совуб қолган чойни ҳўплаб, қизгинлик билан давом этди:

— Большевикларнинг бу режасини барбод қилиш, иродасини кесиш керак.— У ҳозиргина усталик, заргарлик, тадбиркорлик ҳақида айтган насихатларини ўзи унутиб, дағал иғво йўлини тарғиб қилаётганини сезмай қолган эди.

— Войларнинг юрагига ваҳима солинг,— деди у ҳамон қизишиб.— Камбағал-деҳқонларнинг, чоракор, қарол, батрак-чатракларнинг миясини дину шариятни рўкач қилиб чархланг. Хусусий мулкнинг муқаддаслигини тушунтиринг, мулкдорлар ҳуқуқини сақлаб қолишга интилинг, ялангоёқларнинг қулоқларига қуръон, оят, ҳадис, охират азоблари ҳақидаги гапларни

такрор-такрор қўйинг. Бу йўлда ҳеч нимадан тойманг, керак бўлса, пулу маблағни аяманг. Колхоз нима ўзи? Колхоз — товоқ-қошиқни битта қил! Катта кўрпада бирга ёт, бирга тур, ош-овқат ҳам, хотин, бола-чақа ҳам ўртада, дегани. Халққа мана шу ҳақиқатни тушутиринг. Бунда ҳеч нарсадан тортиниб ўтирмаслик керак. Ер эгаларининг енгларида, этиклари қўнжида ўткир пичоқлар ҳамма вақт шай турсин! Яқин кунларда худосиз Совет Иттифоқига қарши салб юришини бошлаймиз. Россияни биз, инглизлар озод қиламиз. Борди-ю, сусткашлик қилсак, бизни тарих кечирмайди.

Улар алламаҳалгача гаплашиб ўтиришди. Ҳамма гапни бир ерга қўйиб олишгач, меҳмонлар мезбоннинг саховатидан миннатдор бўлиб, ярим тун палласида жайрлашиб чиқиб кетди.

Ун биринчи боб

ЖАСОРАТ

Йўлдош Охунбобоев хонасида у ёқдан-бу ёққа оҳиста бориб келарди. Хона тўрига осиб қўйилган В. И. Ленин портрети қаршисида бир лаҳза тўхтаб қолди. Унинг юзига қарай туриб, доҳийнинг нима тўғрисида бунчалик жиддий ўйланаётганини фаҳмлагандай юзига табассум югурди. У ўзбек халқи ҳаётида қандай муҳим ўзгаришлар бошланганини ўйлаб кетди.

1924 йилда Ўрта Осиё халқлари тарихида буюк воқеа содир бўлди: РКП(б) Марказий комитети, халқ оммасининг ва партия ташкилотларининг Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказиш тўғрисидаги таклифни маъқуллади. Улкада миллий-давлат чегараланиши ўтказилиб, шу йилнинг 5 декабрида Ўзбекистон ССРнинг биринчи таъсис қурултоғи чақирилиши олди-дан республиканинг барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб, унда халқнинг хоҳишини бажаришга ва Ўзбекистон Совет Социалистик республикасини ташкил этишга чақирдилар.

1925 йил 13 февралда Бухорода Ўзбекистон Советларининг биринчи таъсис қурултоғи йиғилди. Қурултоғи ишида СССР Марказий Ижроия Комитетининг раиси, Владимир Ильич Лениннинг, энг яқин сафдошларидан бири Михаил Иванович Калинин қатнашди. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия комитетининг

биринчи раиси қилиб Йўлдош Охунбобоев сайланди. Ана шу юқори лавозимга Ўзбекистон коммунистлар партияси Марказий комитетининг Биринчи секретари Акмал Икромов Таъсис қурултойида сўзлаган нутқда айтганидек, Йўлдош Охунбобоевдан ҳам кўра муносиброқ кишининг номзодини кўрсатиш қийин эди.

Ҳақиқатан ҳам Йўлдош Охунбобоев халқнинг дилидагини яхши билувчи, халқ билан осон тиллашувчи, партия ишига содиқ одам эди. У ер ислоҳоти ўтказиш давридаёқ Марказий комиссия бошлиғи сифатида халқ кўнглига йўл топганди. «Қисқа вақт ичида жуда кўп ишлар амалга оширилди,— деб ўйлади Охунбобоев.— Қилинадиган ишлар эса ундан ҳам кўп. Ўртоқ Акмал Икромов партия Марказий комитетининг пленумида: «Биз ягона Россия коммунистик партиясининг бир қисмимиз. Биз ҳали кучли эмасмиз. Ва биз РКП (б)даги оғаларимиз каби бўлмоқ учун бутун куч-ғайратимизни ишга солишга интиломимиз лозим...» «...партия паранжига қарши ҳужум эълон қилди. Хотин-қизлар шу парда билан биргаликда ўзларини эски турмушга боғлаб қўйган асрий кишанларни ҳам улоқтириб ташлайдилар», деди. Партиянинг бу вазифасини амалга ошириш учун ҳали қанчадан-қанча қора кучлар билан дуч келамиз. Балки қурбонлар ҳам берармиз. Ҳа, олдинда бизни кескин жанглар кутиб турибди... Хўш, Йўлдошвэй,— деб ўзини ўзи сўроққа тутди у,— ёш умринг бойлар хизматида ўтиб ўқиш-ёзиш сенга насиб бўлмади, энди халққа қандай боп-қош бўлиш унга йўл-йўриқ кўрсатасан? Бу ёғини ҳам пухта ўйлаб қўйишинг керак эмасми? Саводинг-ку, чиққан. Лекин ҳали кўп ўқишинг керак. Ҳа, ҳа, ўқийман! Айниқса Ленинни пухта билмоғим зарур. Ўзбекистонда биринчи бўлган Самарқанд таълим-тарбия академияси сени фахрий студент деб қабул қилибди. Нимага фахрий?! Йўк-йўк, бу олий мактабга тез-тез бориб туришим керак! Ҳар борганда бирор нимани ўрганиб келаман-ку, ахир!

Кеча партия Марказий Комитетида Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Муҳаммад Шариф Сўфизодалар билан ўртоқ Акмал Икромов узоқ суҳбатлашди. Садриддин Айний «Қуллар» деган романини ёзиб тугатибди. Мавлоно Айнийга янада яхши шароит яратиб, китобини нашр этиб халққа етказмоқ керак. Ҳамзахоннинг зиммасига жуда муҳим толишириқ юклаяпмиз. Бу ишни бешқа одам эплаши қийин. Ҳа, ол-

димизда катта масалалар турибди, Владимир Ильич. Васиятларингизнинг тўла адо этилишига аминман...»

Эшик очилиб Йўлдош Охунбобоевнинг фикри бўлиди.

— Марҳамат, ўтиришлар, — деб жой кўрсатди эшикдан Ҳамза билан кириб келган одамга қараб. — Хўш, аҳволлар қалай? Ҳамзахон, «Қорасоч» асарингизни тинглашга қачон муяссар бўламиз?

— Ишлаяпман, Йўлдош ака. Илгари битта ўзимга сал қийинлик қилаётган эди, ҳозир Сергей Иванович, москвалик профессор, кўп ёрдам беряптилар. Ўша киши билан биргаликда ёзяпман. Келаси ёзга тугалласак керак.

— Ўзбек операси! — деб қўйди Охунбобоев ўйчанлик билан. — Биринчи опера. У ўзбек халқига унинг қандай зўр, ажойиб музикаси борлигини намоиш этади. Ҳозир қандай чароғон йўлдан кетаётганлигини кўрсатади. Жуда яхши бўлар эди у битса. У жуда ҳам керакли, қимматли асар бўлур эди. Бутун халққа керак. — У Ҳамза томон энгашиб, мамнун жилмайиб қўйди. Кейин овозини сал пастлатиб: — Балки уни руслар ҳам ижро этишар... Балки Москва артистлари уни саҳнада кўрсатишар, халқлар баҳра олар ундан...

— Билмадим... Эҳтимол, шундай бўлар... агар арзийдиган бўлиб чиқса, — деб жавоб берди Ҳамза, ҳаяжонланиб.

— Уни шундай қилиб ёзиш керакки, азизим, арзийдиган бўлсин, токи Москвада ҳам қўйилиш шарафига эга бўлсин. Уни бутун рус халқи тингласин. Тинглаб туриб, Шарқда менинг ўзбек иним бор, десин. Бундай яхши, қобил, содиқ иним борлигидан фахрланаман, деб айтсин.

— Тушундим, Йўлдош ака.

— Сиз операда душманларимизни ҳам кўрсатинг. Ҳозир дугманларимиз биздан қўрқиб қолишган. Улар бизга қарши очиқ курашишга журъат этолмайдилар. Улар бошқа тўн кийишган. Сен билан ёнма-ён юришадилар, ҳатто бирга ишлашади. «Шўро ҳокимиятини ҳимоя қиламан, унинг учун жонимни ҳам аямайман», деб гапиришади, лекин енгларида пичоқ олиб юришади. Сал аяқовсирадингми ва ё гумроҳ бўлдингми, бас, Шўро ҳокимияти елкасига ҳам ҳалиги пичоқни иккиланиб ўтирмай санчаверишади. Кўкракка эмас. Кўкракка уришга қўришади, орқадан келиб елкага уришга интилишади. Шу кунги душман жуда қўрқоқ, айти чоқда маккор

бўлиб қолган. Ўғри соясидан қўрқади, деган мақол бор-ку. Улар ҳам сояларидан қўрқишади. Улар аста-секин зарар келтиришга уринадилар. Лекин муғамбир барибир тумшугидан илинади. Кимнинг қўлида узук бўлса, Сулаймон ўша. Узук ишчи-деҳқон қўлида!

Охунбобоев ўрнидан туриб хонада у ёқдан-бу ёққа юрар экан, стол ғаладонини тортиб, ундан бир варақ қоғоз олди-да, Ҳамзага узатди:

— Мана бунн бир ўкиб кўринг-а.

Ҳамза диққат билан қоғозга тикилди. Бу — Шоҳимардон батракларининг Йўлдош Охунбобоев номига ёзган аризаси бўлиб, унда шу сўзлар ёзилган эди:

«Шахсан қимматли ўртоқ Йўлдош Охунбобоевнинг қўлларига тегсин.

Биз, Шоҳимардон батраклари, Сизга, ҳурматли ўртоқ Охунбобоев, қишлоғимизда содир бўлаётган қинғир ишлар ҳақида мактуб йўллаган эдик.

Аммо бу мактубимиз жавобсиз қолди. Балки йўлда бирон кўнгли кир кимсанинг қўлига тушиб, сизга етиб боролмагандир. Шунинг учун бу сафар дўстимиз Тошпўлатни ҳузурингизга йўлладик, унинг айтган гапларига ишонишингизни сўраймиз. У сизни алдамайди.

Биз ҳаммамиз колхозга киришга қарор бердик, аммо яқин ўртада колхоз йўқ, ўзимиз тузиб олайлик десак, шайхлар рухсат беришмаяпти. Бу ҳақда Тошпўлат батафсил гапириб беради.

Кечалари ҳазрат Али Шоҳимардон пиримнинг мақбараларидан мусулмонларни пахта экмасликка даъват қиладиган овозлар эшитилади, колхозга кириб, бойларнинг мол-мулкни тортиб олмасликка ундайди. Бу овоз кимникилигини билмаймиз. Фикримизча, мол-мулкидан жудо бўлиб қолишдан қўрққан одамнинг найраги бўлса керак. Бу ҳақда бизнинг бутун гумонларимизни Тошпўлат айтиб беради.

Қишлоқ шўросида ўтириб олган Валихонтўранинг ўзи шайхлардан, шу сабабли у шайхларнинг измидан чиқмайди. Шайхлар нима дейишса, бажо қилади, ҳатто Шўро ҳукуматига зарарли бўлса ҳам, уларнинг айтганидан чиқмайди. У Шўролар ҳукуматидан кўра шайх Исмоил эшонга кўпроқ мойил. Бу ҳақда сизга Тошпўлат батафсил гапириб беради. Валихон тўрани ишдан олиб ташлаш керак. Қишлоқ шўросига батраклардан қўйиш лозим.

Ўртоқ Йўлдош Охунбобоев, бизга ёрдам беринг, кол-

хозга киришимиз учун нима қилмоғимиз лозимлигини Тошпўлатга ўргатинг.

Бу аризага барча батрақлар, шоҳимардонлик кўпчилик камбағаллар розимиз, аммо имзо қўёлмадик, чунки хат билмаймиз. Шу сабабли бармоғимизни босиб қўя қолдик. Визни кечирингизни сўраймиз...»

— Ўша Тошпўлат билан шахсан гаплашиб кўрсак яхши бўлар эди.

— Бахтга қарши, бунинг имкони йўқ, азизим. Бу мактубни менга милиция ходимлари олиб келиб беришди... Буни аллақандай одамлар томонидан ўлдириб кетилган бир кишининг этиги қўнжидан топишибди.

Ҳамза сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Ким ўлдиради, қандай қилиб?

— Ҳозирча номаълум. Шунчаки бахтсиз ҳодиса бўлса керак, деб гумон қилишяпти. Биласизми, Деҳқонлар уйи болохонасидан йиқилиб тушган. Маст экан дейишяпти. Ким билади дейсиз, хона ичидан ичкиликдан бўшаган бир-икки шиша топишибди.

Бир нафас иккаласи ҳам жим бўлиб қолишди. Бу жимликни Охунбобоев бузди:

— Ҳа, чиндан ҳам кишини ўйлатиб қўядиган ҳодиса бу. Хўш, бу ўртоқнинг ўлими тафсилотини аниқламай қўйишмайди. Бизнинг вазифамиз мураккаброқ. Биласизми? Қолоқ кишиларнинг шахсий иши бўлган диний эътиқоддан душманларимиз ўзларининг қораниятлари йўлида фойдаланишга уринадилар. Жуда ҳам зимдан таъсир кўрсатадилар, усталик билан иш кўрадилар. Шоҳимардон нима эканлигини биласизми, азизим?

— Алининг етти қабридан биттаси ўша ерда дейишади, диний хурофотнинг ўчоғи у қишлоқ.

— Фақат диний хурофот ўчоғигина эмас. Мана бу нарсага бир эътибор беринг-а. Энг йирик босмачи тўдаларининг қўрбошиларидан Кўршармат, Оллоёр, Нормат махсум, Тўхтасин ва бошқа булар сингари тескаричилар Шоҳимардондан иш бошлаганлар. Буларнинг барчаси шайхларнинг авлодидан. Улардан омон қолган баъзи бирлари ҳозир яна бошқатдан эшон бўлиб олиб, халқни алдаб, унинг номини бемалол туя қилиш йўлига тушиб кетишди. Шоҳимардон ҳақиқий илон ўрдасига ўхшайди.

— Хўш, нима қилиш керак шундай бўлса?— деди Ҳамза. Кейин у ўз саволига жавоб кутиб ўтирмай, қизгинлик билан фикрини шартта ўртага ташлади.

— Қўлга олиш керак-да, бирма- бир йўқотиш керак. Охунбобоев жилмайиб қўйди.

— Бирма-бир йўқотиш, албатта, айтишга осон, лекин бундай қилиш мумкин эмас.

— Нима учун?

— Бу авлиёлар, динни таъқиб қилишяпти, деб айюҳаннос кўтара бошлайди. Бунга қўпчилик — ҳалол, дўлвор одамлар лаққа тушишади, улар Шўролар ҳукуматидан хафа бўлиб қолишлари мумкин.

— Мени юборинг Шоҳимардонга! — деб мурожаат қилди Ҳамза бирдан.

— Мен ҳам бу ҳақда ўйлаб турган эдим, азизим Ҳамза, у ерга боргач, нима иш қиласиз?

— Ўроқда йўқ, машоқда йўқ — хирмонда ҳозир шайхнинг танобини тортиб қўямиз.

— Баракалла. Лекин қандай қилиб? Якка отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас деганлар. Халқ билан бир ёқадан бош чиқариб курашиш керак. Ахир ҳамма ҳам бирдай ишонавермайди. Шоҳимардоннинг батраклари оқ-қорани анча ажратиб олган бўлишса ҳам, лекин ҳамон жаҳолат таъсиридалар. Руҳонийларнинг васвасаларига ҳануз алданиб юрганларга ётиги билан тушунтириш, уларнинг эътиқодларидан шайхлар, эшонлар Шўролар ҳукуматига қарши фойдаланаётганликларини айтиш керак. Бой ҳам бойга беради, худо ҳам бойга! Сиз коммунист сифатида халққа ана шу ҳикматнинг мағзини чақиб беринг.

Шайхлар кимнинг ногорасига ўйнаётганликлари бизга ойдин. Нью-Йорк ва Лондондаги сармоядорларга озод Ўзбекистон ёқмайди. Улар бизнинг пахтамизни, қоракўлимизни ўзимиздан қизғанишади. Ана шу бойликка қараб сўлақлари оқади. Халқни шайхларнинг таъсиридан халос қилиш керак. Фақат унутманг, азизим! Халқни орқангиздан эргаштиринг, лекин ҳамма вақт унинг гапига қулоқ солиш, кўнглини овлашни ҳам унутманг. Халққа қаттиқ гапирманг. Буйруқ берманг. Нарса ва ҳодисаларни тушуниб олишига юракни кенг қилиб ёрдам беринг. Диндан чиқсанг чик, элдан чиқма, деган гап бор. Эл ичиди бўлинг. Шайхлар уйига тушманг. Душман уйда яшагандан кўра, дўст уйда ўлган яхши, дейди, халқ. Қаттиқ бўлинг, сув ҳам заранг ерда тўхтади.

Йўлдош Охунбобоев Ҳамзага у ерга боргач, биринчи қиладиган иши қишлоқ шўросидан шайхларни ва уларнинг тарафдорларини аста-секин ситиб чиқариш,

унга муддатидан олдин сайлов ўтказишга ваколат берилаши ва бу ишда батраклар билан камбағалларга суянишини, бунини бир лаҳза бўлсин унута кўрмаслиги лозимлигини, шайх Исмоил ҳам мўлжаллаб ниш урадиганлардан эканлигини, улар халқ манфаатига зимдан заҳар солишга интилишларини уқдирди.

— Лекин уларнинг бутун ҳаракатлари беҳуда. Чунки кимки халқ бахт-саодатига қўл кўтаришга журъат этса, кимки омма ўртасида хурофот ва миллатчилик уруғини сочишни хаёл қилса, кимки Ватанимизга зиён-заҳмат етказишни ўйласа, янчиб ташланади. Биз бахт-саодатимизни асраб қола оламиз. Чиданг, чидаган енгади, Ҳамзахон. Мана бу дафтарлар ҳам Тошпўлатнинг этиги қўнжидан топилган. Ўқиб чиқинг, ёзувчи одамсиз, асқотиб қолар.

Ҳамза Охунбобоевнинг бу кўтаринки ва ишонч тўла гапларидан қаноатланиб, Тошпўлатнинг дафтарларини қўйнига солиб, хайрлашиб чиқиб кетди.

* * *

Тун яримлаган. Зулфизар ва ўғли Аббос ширин уйку оғушида. Ҳамза стол устидаги электр лампани ярим қоронғилатиб, Охунбобоев берган дафтарларни зўр қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқиб ўтирибди. Ҳарфлар қинғир-қийшиқ бўлса ҳам, Тошпўлат айтадиган гапларини равон ифодалаган эди.

Ҳамза Тошпўлатнинг эшитган, кўрган, билганлари тарзида ёзган хотираларини ўқиб, ўз кўзи билан кўрган фожиа эсига тушиб қаттиқ эзилди, гоҳ ғазабига чидамай бир неча марта ўрнидан туриб кетди, гоҳ чуқур хаёлга ботиб, шу пайтгача ўзи учун жумбоқ бўлиб келган кўп саволларни ечди. Бунинг учун дафтарларнинг эгасига ичидан чуқур миннатдорчилик билдирди. «Қани энди бу бамаъни сатрларни қўлидан келганча қозоғга туширган одам тирик бўлсаю у билан бамайлихотир гаплашиб, баъзи тафсилотларни билиб олса. Ёки унга ёрдам бериб, бир оз қайта ишлатиб, китоб қилиб чиқартирса! Бу китобни ўқиб, йиллар оша шайху эшонлар томонидан алданиб келаётган оддий халқ риёкор шайхларнинг ҳақиқий башаралари, юракларини босиб ётган чирк ва кир-ғуборларни кўрса!..

Қизиқ. Бу гапларни ёзишга Тошпўлатни нима мажбур қилди экан? Ё у бечора ҳам солимлардан шахсан жабр тортганларданми? Йўқ, бунда бошқа гап бор,

шахсан ўзини ўйлаган одам бундай ёзмайди. Бунақа гаплар фақат катта мақсадни кўзлаган, Шўро ҳукуматага садоқатли чинакам большевикларга хос бўлади».

Ҳамза бу мулоҳазалар атрофида хаёл сурар экан, дафтарнинг ҳеч нарса ёзилмаган оқ саҳифаларини беихтиёр варақлади. Бир-икки варақ ўтгач, кўзи ногоҳ охирги саҳифадаги ёзувга тушди-ю, унга қадалиб қолди. Буни ўқиган сайин юқоридаги саволлар ойдинлашиб, Тошпўлатнинг ўзи унинг тасаввурида бор бўйи билан ёрқин гавдаланиб борди.

«Шўролар ҳукумати ўрнатилганига мана ўн йил бўлди. Бу орада шайх Исмоил тўдаси мазорни қайтадан тиклатди. Илгариги шон-шавкати яна қайтиб келди. Гўё ҳеч нарса кўрмагандай, Шоҳимардонда яна хур офотни авж олдириб, бемалол айшини суриб юрибди. Шоҳимардонда ҳукумат ва халқ тақдири ҳали ҳам ўша қотил, одамхўр, динни пеш қилиб халқни тўғри йўлдан чалғитиб келаётган муштумзўрлар, шайх Исмоиллар қўлида... Ишлар мана шунақа!

Бу хотираномани комсомол аъзоси Алижон менинг илтимосимга кўра ёзиб берди. 1927 йил январь ойида.»

Ҳамза охирги жумладаги аччиқ кинодан ғалати аҳволга тушиб қолди. Дилида Тошпўлатнинг: «Шўро ҳукумати ўрнатилганига ўн йилдан ошган бўлса ҳам, Шоҳимардонда ҳукумат ва халқ тақдири ўша муштумзўрлар, шайх Исмоиллар қўлида... Ишлар мана шунақа!..» деган жумласини бир неча бор такрорлади-да, дафтарни ёпиб, узоқ ўй ўйлаб кетди. Аста-аста кўзларида ўт чақнади, бўғилиб кетиб ёқасини шарт ечиб ташлади, юраги дук-дук уради. «Қани ҳақиқат? Қани адолат қиличи? Наинки ҳали ҳам қутулмасак бу озги қон бўрилардан?! Бу қандай даҳшат?!» У юраги бардош беролмай, бу хиёнат, бу жиноят, бу разолат, деб ҳайқиргиси келар, лекин нафаси бўғилиб, овози чиқмас эди. Фикран дерди: «Бу гулзорни ҳаром қилиб булғанган, қон ялаган бўриларни Шоҳимардондан ким ҳайдайди?!.. Ахир, у Содиқжон бойваччалар, Эргаш, Кўршерматлар, Миён Қудрат, шайх Исмоиллар фақат Шоҳимардонда ёндирилган қизил аскарлар учунгина эмас, бутун Фарғона водийсида ва Шарқий Бухорода тўкилган, тўкилаётган дарё-дарё қонлар, йиллар бўйи ота-оналаримизнинг чеккан аччиқ ноалари, ёш гўдакларнинг қонга беланиб ётган ота-оналарининг ўликлари устидаги фарёдлари, келинларнинг никоҳ

тўшагида сўйилган севгили ёрлари, юлиб ташланган сочлари учун ҳам жавоб берадилар-ку!

Хўш, нега энди бу ваҳшийлар ҳали-ҳали бу ватанда нафас олиб, дин номидан меҳнаткашларнинг устидан яна ҳокимлик қиладилар?! Нега энди у қўли қон, бармоқлари қон бўлган маразлар жазосини тортмай, ўзларини дили пок, виждони тоза, одамийлиги беқиёс, халққа дўст, ёш авлодга меҳрибон қилиб кўрсатиб, яна шу Шоҳимардоннинг шарбатдек ширин сувини ичиб, меҳнаткашларнинг тер тўкиб яратган ноз-неъматини уялмай ейдилар? Нима қилиш керак?! Ҳа-ҳа... Хўш, нимадан қўрқамиз. Шайх Исмоилнинг қарғишидан, муқаддас мазорнинг бало келтиришиданми?

Муқаддас мазорни ёқиб юборганларни бало ҳам урмади-ку!»

Ҳамза бу гапларни дилидан ўтказди-ю, қандайдир бир кескин қарорга келган одамдай шахт билан ўрнидан туриб кетди.

Иккинчи қисм

АБАДИЯТ

Биринчи боб

ШОҲИМАРДОНДА БАҲОР

Бўғотларда новвот дуридай бўлиб осилиб ётган «сариқ сумалак» ҳам тоғлар орқасидан зар сочиб чиққан қуёш тафтига бардош беролмай, чак-чак ёш тўкиб, эриб кетди. Атлас қиррали тоғ тизмалари ҳам олислардан кўзга ташланиб қолди. Уларнинг чўққиларида тўхтаб қолган булутларни кўриб ҳайрон бўласан. Салдан кейин булут эмас, қор эканини биласан киши. Ҳамал ўз ишини кўрсатиб, дов-дарахтга жон кирди. Қиш сукунати бирдан бузилди-ю, барча жондорлар ҳаракатга келиб, амал ола бошлади. Ҳаш-паш дегунча қор остида ошган хамирдай кўпчиб ётган ердан буғ кўтарилиб, офтобрўя ерлар етилди. Иссиқ ўлкаларга кетиб қолган қушлар учиб келишибок, насл тараддудига тушишди. Мана, ниҳоят, далага қўш чиқди. Қоронғи оғилларда каллак кунжара еб, семириб чиққан ҳўкизлар етилган ерларни шудгор қилиб пишитишга киришишди. Шоввалар тилга кирди, шағиллаб ўз қўшиғини авжига миндирди. Сойлар тўлиб-кўпириб, бедов отдай водийларга чопа бошлади.

Барра ўтлардан гилам тўшалган кенг қир, адирлардан чўпоннинг хазин найи, «ҳайт, чек!» деган қийқириғи янграб қолди. Олайдан эсган майин шабада қимиз ҳидини олиб кела бошлади.

Бу ўзгаришларни кўриб, деҳқон уйида ўтира олармиди? Кун чиқар-чиқмас, у далага отланади.

Бир куни чошгоҳ пайтида камбағал-деҳқон Шодмонхўжанинг қизи Санобар атрофи тикан кўра билан ўралган ҳовличадан отасига нонушта олиб кетаётиб, йўлда тўсатдан Алижонга дуч келиб қолди. Улар бир-бирларига маҳлиё бўлиб тикилишар эди. Теварак-атрофдан зоғ учмайди, фақат тошдан-тошга урилиб, юқоридан отилиб тушаётган шовва шағиллайди, лекин бу ҳам баҳайбат тик қоялар сукунатини бузолмайди.

Санобар ўрта бўйдан баландроқ, эгнида лолагулли қизил бўлма ёқа бўз кўйлак, орқаси тўла майда соч, сарвқомат, оппоқ кулча ёноқларида жоноқи олма ранги аксланиб турадиган, кўкраклари тўлишиб келаётган, ёши ўн олти билан ўн етти орасидаги дуркунгина қиз. Бир-бирига пайваста қуюқ қора қошлари остидаги шахло кўзлари шўхчан кулиб туради, «ажинаси» бор... Юзига соя солиб турган киприкларини айтмайсизми? Лаблари энди очилаётган гунчани эслатади. У чимматини қайириб кифтига ташлаб, тоғ кийигидай ҳуркаклик билан атрофига аланглади-да, Алижонга ер остидан қаради. «Ирғайдек пишиқ йигит, эгнидаги ямоқ тушган яктаги ҳам ўзига ярашади», деди ичида. Бу ҳаракатдан ўзи уялди чамаси, кўзларини ерга тикиб, юзлари оловланди.

Улар Шоҳимардоннинг баланд-пастини, ҳар сўқмоқ, ҳар бир пастқам жойларини беш қўлларидек билишади. Ана ўшанақа жойларда гоҳ-гоҳ учрашиб, бир-бирларига хумор тикилишади, ҳеч қандай гап-сўзсиз дил розларини ифодалашади. Кейин ўз йўлларига кетишади. Орадан бир-икки кун ўтади. Ҳар иккиси ҳам висол дамани соғинади, худди олдиндан келишиб кўйгандай, ўша шовва олдидаги қоя тагида учрашиб, бир-бирларининг висолларига термилишади. Бу ерга уларни кўзга кўринмас аллақандай қудратли бир куч олиб келади. Ҳар гал шундай бўлади.

Санобар чимматини қайириб елкасига ташлаганида, кескин ҳаракат қилиб юборди шекилли, қўлида гижимлаб турган рўмолчаси учиб тушди. Буни у сезмади ё ўзини сезмаган қилиб кўрсатди.

— Рўмолчангиз тушди,— деди Алижон, ердан дарҳол гажимли ҳаворанг рўмолчани олиб Санобарга узатаркан.

— Вой, эсим қурсин,— юраги каптардек талпиниб кетган Санобар ёноқлари ёниб, қўлини узатди. Кейин кўшиб қўйди:

— Қуллуқ, қўлимдан чиқиб кетганини сезмай қолибман.

Алижон рўмолчани эгасига бера туриб узатган қўлидан ушлаб, ўзига тортди. Ўзига тортди-ю, дўндиқ қизнинг илиқ, муаттар нафасидан сарҳушланиб, боши сал айлангандай бўлди. Санобар унинг бу ҳаракатидан қўркиб кетди.

— Вой, сизга нима жин урди... уялмай-нетмай-а,— деди у юлқиниб.

Алижон унинг қўлини қўйвормай, лол бўлиб тура-верди. Дилида унга айтиш учун ардоқлаб юрган, кечалари ухламай ўйлаб қўйган гаплари кўп эди унинг. Лекин буларни ҳозир айтишга ҳарчанд уринса-да, тили дудукланар, бироқ тоғда ўсган бу бўз йигитнинг чангалидан нозик қўлини ажратиб ололмай юлқинаётган қизнинг қўлини бўшатмасди.

— Юлдузим, — деди жувозкунда сингари гўлабирдан келган норғил Алижон бир маҳал тили калимага келиб. Бироқ бу сўздан ўзи қаноатланмади. Назарида, бу сўз Санобарнинг сифатига муносиб келмаслиги у ёкда турсин, қулоғига жуда дағал, айни чоқда ғоят жўн бўлиб эшитилди. Айтмоқчи бўлиб юрган қанча ширин, ёқимли, эркалайдиган гапларни йиғиб юрарди у дилига. Улар шу топда ҳам дилида бор, аммо негадир тилига чиқмаяпти. Ажабо!

У бўшашиб, Санобарнинг қўлини қўйиб юборди. Санобар қўлини силкиб оғриғини ёзар экан, нозлаиб «пўписа» қилди:

— Вой, сизними, ҳали шошмай турунг. Ёмон йигит бўлиб кетганингизни дадамга айтиб, бир таъзиригизни бердирмасамми!

Алижонга бу ноз-адо далда берди, у бундан бир неча дақиқа олдин тўкилиб кетган эди, қизнинг бу навозиши, ибo билан қилган эркалигидан кейин ўзини йиғиштириб олди, юраги анча дадиллашди.

— Қошки эди калтаклатсангиз, — деди у чуқур хўрсиниб. — Отангизнинг калтаклашигагина эмас, балки сизнинг қалинингиз учун унга бир умр қул бўлиб ишлаб беришга ҳам розиман. Фақат иккаламизнинг қовушишимизга йўл берсалар бўлгани менга. Елкамга қанча юк ортсалар «вой» демай кўтарардим. Лекин яқинларига йўлатгилари келмайди.

— Сабр қилайлик бир оз, инсофга келиб қоларлар.

— Сабр ҳам шунчалик бўлар-да! Лекин ҳайронман. Илгари бунақа эмасдилар отангиз. Мени кўрсалар, ўз ўғилларидек меҳрибонлик кўрсатардилар. Энди-чи? Энди олдиларидан борсам тишлаб, орқаларидан борсам, тепкилагудек бўладилар.

Санобар ҳам кейинги пайтда отасида содир бўлган бу ўзгаришни сезиб юрарди. Алижоннинг гапини қувватлаб тушди.

— Гапингиз тўғри. Менга ҳам унча рўйхуш бермай қўйдилар. Кейинги пайтда жуда «ичимдагини топ» бўлиб қолдилар. Илгари бунақа эмасдилар. Ҳа, айтмоқчи,

шу кунда анови шайхларнинг маслаҳатисиз иш қилмайдилар, улар чизиб берган чизикдан чиқмайдилар. Қачон қарасангиз, уларнинг олдидалар. «Мулла Шодмон, мулла Шодмон», деб арзимаган ишлари бўлса ҳам отамни йўқлайдилар.

— Нима қилсак экан, Санобар?— дея сўради Алижон, Шодмон акадан иш чиқишига кўзи етмай.

Санобар бирон тайинлик жавоб тополмай, елкасини қисди.

— Қўлимизни ковуштириб ортиқ кутиб туролмай-миз-ку, ахир. Чора топиш керак.— Алижон бир лаҳза ўйланиб турди-да, кўнглини анчадан бери ғижимлаб, унга тинчлик бермай келаётган шубҳасини айтди.

— Бу балохўр шайхлардан битта-яримтаси таърифингизни эшитиб, кўз остига олиб юрган бўлмасин яна?!

Санобар бу гапдан бир сапчиб тушди.

— Вой ўлмасам! Нималар деярсиз ўзи, Алижон ака? Авваламбор, отам бунга ўлақолса ҳам кўнмас. Ёлғизгина кизини-я... Йўқ, бу шубҳангиз нодуруст.

Алижон худди бу гапни эшитмагандай, фикрини давом эттирди:

— Отангизнинг феълени мен биламан. Шунча баджаҳл бўлгани билан ўлгудай кўнгли бўш, гўл одам. Айниқса, шайх Исмоил бир нима деса, унинг гапини икки қилмай, лаққа кўникиб қўя қолади, унда иккимиз ҳам хароб бўлдик, деяверинг.

— Вой, нима қил дейсиз, гапира қолинг,— деди Санобар бўшашиб.

— Битта йўл бор. Кетамиз!— деди Алижон шартга кесиб. У илгари ҳам Санобарга бу таклифни бир неча марта айтган эди. Санобар бошини элаб, «йўқ» деган ишорани қилди.

— Нега?

— Ўзингиз дуп-дуруст йигитсиз, йўлбарсдай келба-тингиз бор, аклу ҳушингиз ҳам жойида-ю, бироқ менга нуқул «кетамиз», «қочамиз», деб кисталанг қиласиз. Хўш, шариатни оёқ ости қилиб, урф-одатга чап бериб қочамизми? Эл-юрт-чи, у бунга нима дейди? Ўзи емай едириб, киймай кийдириб мени катта қилган отам маҳалла-кўйда қандай бош кўтариб юради агар мен сиз билан қочиб кетсам?!

Санобар Алижоннинг бунақа таклифларини шунчаки ҳазил деб жилмайиб қўя қоларди. Ҳозир эса Алижон буни жиддий айтаётганини фаҳмлаб, қайнаб кетди.

Унинг ҳамма эътироз ҳамда мулоҳазалари мантиқли эди. Шунинг учун ҳам Алижон тилини тишлаб, бўйинни эриб қолди. Санобар унинг қаттиқ ўсал бўлганига юраги ачиди, бу вазиятни юмшатишга тиришди.

— Мен сизнинг бу раъйингизга кўнмасам, «мен яхши кўрмайсан», деб таъна қилиб ўпкаланасиз. Хўп, қочдик, денг. Қаерга қочиб кетамиз. Ҳозир осмон узоқ, ер қаттиқ бир пайт бўлса... Қандай кун кўрамин? Бу ёғини ўйламайсиз. Э, сизни қарангу...— у шу топда Алижоннинг кўнглини кўтариш учун унинг бўйнида қучиб, юзидан ўпишга ҳам тайёр эди, лекин аллақандай ички бир куч бу истакни амалга оширишга мовелик қилиб турарди. Санобар унга термилиб, ажиб бир нозланиш билан чекланди.

— Омонтой айтди, ҳозир камбағал-деҳқон билан ишчининг ошиғи олчи, қаерга борса ҳукумат уларнинг бошини силайди, дейди.

— Қаерга борамиз қочиб, бирор мўлжаллаган ерингиз борми, ахир?

Алижон жонланиб кетди. Санобарнинг: «Бирор мўлжаллаган ерингиз борми, ахир?» деган гапи унга: «Тайинли бир жой бўлса, мен рози!» деган маънони аниқлатган эди.

Шаҳарга-да,— деди у ҳовлиқиб.— Фарғона икки қадам йўл... Кейин Самарқандгами ё бўлмаса, Тошкентгами кетамиз. Ҳозир эски вақт эмас. Қаерда бўлмайлик, Шўро ҳукумати бизни кўчага ташлаб қўймайди. Мен ўзимни заводга ишга ураман, кучим борича яхши ишлайман. Кўп ишлайман. Тирикчилигимизни сал тиклаб олганимдан кейин ўқишга кираман, машина тилини биладиган ишчи бўламан.

— Мен нима қиламан? Мен ҳам ўқийманми?— деди Санобар, Алижоннинг орзусидан ҳавасланиб.

— Йўғасам-чи. Сиз ўқимасангиз бўларканми?— Алижон шу топда ўзини аллақандай шахри азимда ҳис қилди.— Хотин дўхтирликка ўқишингиз мумкин.

— Мен хотин дўхтир бўлмайман,— Алижоннинг гапини кесди Санобар.

— Нега?

— Ашула айтишга ўқийман. Театрда қўшиқ айтишни ҳавас қиламан.

— Тиятирда дейсизми?— деди Алижон унинг бу орзусини ёқтирмай.— Санобар, ўзингиз ўйлаб кўринг. Сиз тиятирда қўшиқ айтасиз, юзлаб эркакнинг кўлагида бўлади. Улардан уялмайсизми?

— Э, пича тушинг, гапни қайраб келишингиздан, халигдан қизғанаётганга ўхшайсиз-а. Рашкчи!.. Мен саҳнага бир ўзим ёлғиз чиқарканманми? Ҳеч-да. Ёнимда бошқа қизлар ҳам бўлишади. Халигдан қўрқмай қўя қолинг.

— Қўрқаётганим йўғу, лекин хотин дўхтирликми ё бўлмаса муаллимликками ўқисангиз деб эдим-да... Омонтой айтадики...

Санобар Алижоннинг гапини илиб кетди.

— Уша Омонтойингиз ўзининг Меҳрисига тўйдан кейин паранжисини ташлатиб, очишга ваъда қилибди. У айтибдики, Меҳри қаерда ўқишни хоҳласа, ўша ерда ўқийди, дебди. Сиз бўлсангиз, ҳалигдан ичиқоралик қиляпсиз. «Сени яхши кўраман», дейсизу янгича иш тутиб, паранжи ташлашимга раъйингиз йўқ...

Санобарнинг бу ўпкалаши шунчаки эркалик эди. Лекин Алижон қилиб қўйган «гуноҳи»дан қўрқиб кетди, дарҳол андавалашга тушди:

— Йўғ-э, ундай эмас. Мен терслик қиляпманми? Бемалол ўқийверинг. Ашула айтаман десангиз, яна ўзингиз биласиз. Мен сизга ишонаман.

Санобарга мана шу гап керак эди. Шунинг учун Алижонни атайлаб қайраб, синовдан ўтказмоқда эди. Унинг кўнгли жойига тушиб, Алижонга ҳа, ўзининг Алижонига ғалати бир ишва ҳадея этди. Алижон сундан журъатланиб, унинг қўлидан беозор тутди-да, ўзига тортди, қўрқа-писа қучди: овози тўлқинланиб пичирлаб сўради:

— Розимисиз? Кетамиз-а?..

— Қачон?— Санобар унинг кўксига бошини қўйиб саволига савол билан жавоб берди. Алижон қизнинг нафасидан нафас олиб, бир лаҳза ширин хаёлларга эрк берди. Бу оний хаёллар уни юксак орзу чўққиларига олиб чиқиб кетди. У кўзини юмди. Санобарнинг дук-дук қилиб тез-тез ураётган юрак садосини эшитиб, кўзини очди, қизнинг саволи жавобсиз қолганини эслади-да, даст овоз билан деди:

— Омонтой, Тошпўлат ака Самарқанддан келгандан кейин.

— Тошпўлат аканинг Тошқанда ҳам танишлари бор экан...

— Ҳа айтмоқчи,— деди Алижон бир фурсатдан кейин, энг муҳим гап эсига тушган одам тусига кириб, Санобар унинг қучоғидан аста сирғалиб чиқди-да, унга савол назари билан тикилди. Алижон яна жим ту-

риб қолди. Кейин давом этди. — Тошпўлат ака кўрган-кечирганларини менга айтиб турди, мен бир неча кун овора бўлиб, яхшилаб ёзиб бердим. Саккизта дафтар тўлди. Ўзи билан олиб кетди. Назаримда шайхларнинг кирдикорлари, сирру-асрорларини катталарга айтиб, очиш ниятидага ўхшайди.

— Қандай сир?— деди Санобар қизиқиб.

— Кейин ҳаммасини гапириб бераман. Шодмон ака келиб қолмасинлар тагин. Сиз боринг энди.

Алижоннинг кўнгли сезган эканми, дарвоқе, узоқдан Шодмон аканинг овози эшитилди.

— Санобар, ҳой Санобар!.. қаерда қолиб кетдинг, қизим!— деди у. Овоз яқинроқдан чиқди энди.

— Дадам келяптилар!— деди Санобар саросималаниб. Унинг ранги оқариб кетди. Қалтираган овоз билан говуш чиқарди. «Дада, мен бу ердаман. Ҳозир, мана, кетяпман». У тугунчани ердан олиб, энди йўлга тушаётган эди, уларнинг устига Шодмон аканинг ўзи келиб қолди.

— Бу нима деган гап, қизим?— ўшқирди юзлари буришиб, чаккалари ичига кириб кетган чол, ғазабидан қалтираб. У қизига қараб бақрайганча бир лаҳза қотиб қолди. Шу тобда у не ўй-хаёлларга бормади. Кейин ўзини-ўзи зўр-базўр қўлга олиб, босиқлик билан сўради:

— Уят деган нарсадан борми ўзи сенларда? Бу қанақаси, қизим... Юзинг очиқ... номаҳрам эркак ёнида...

— Санобарни койиманг, ота!— Алижон ўртага тушди.— Бунга мен айбдорман. Биз ҳалигидай... бирпас гаплашиб қолибмиз. Агар розилик берсангиз мен сизга...

Шодмонхўжа сесканиб кетди, ғазаби қайнаб, худди Алижонни еб қўйгудек унга ўқрайди. Алижон унинг важоҳатини кўриб, чайналиб қолди. Қаттиқ изва бўлиб, бўйнини ҳам қилганича оёғининг учи билан ер чизиб тураверди. Шодмон ака жаҳлидан тамомила тушмаган эди, Алижонни масхара қилгандай тўнғиллади:

— Бу ерда, ҳазрат Али Шоҳимардон пиримнинг муборак мақбаралари остида у зоти муборакнинг руҳи покларидан ҳайиқмай, аллақандай гуноҳ гапларни гапиргандан кўра, охиратингни ўйласанг бўларди, осий банда!— Шодмонхўжа дағаллик билан қизининг

Кўлидан ушлаб уйи томон етаклади.— Юр, олдимга туш, тирмизак!..

— Шодмон амаки? Отажон!— Алижон у томон интилди.

— Йўлимга тўғанок бўлма, бола! Нақ ғазабимга дучор бўласан. Чиқ четга!— Алижон уни жаҳлидан туширмоқчи бўлиб, кўп ялинди. Лекин Шодмонхўжа унинг гапини эшитгиси ҳам келмади. Қизини худди судрагандек силтаб-силтаб уйи томон олиб кетди. У азбаройи ғазаби кайнаб кетганидан кўзига ҳеч нарса кўринмас, йўлида учраган одамларнинг саломига ҳам алик олмас эди. Шодмонхўжа Санобарни қоронғи кулбасига олиб кирди-да, юракдан қалтираб чиққан ваҳимали товуш билан унга дашном бера бошлади:

— Уятингни йўқотдингми? Номаҳрам эркак билан бетма-бет гаплашишга қандай қилиб юзинг чидади? Қариган чоғимда ё юзимни шамгин қилмоқчимисан, тентак қиз?!

Санобар отасининг бунчалик ғазабга олишига тушунолмай таажжубланар эди. Ахир кечагина эмасмиди, ўғлимсан, қариган чоғимда менга тиргак бўласан, мени ёлғиз қўймайсанми, деб Алижонни чин юрагидан эркалаб юрганлари.

Ҳақиқатан ҳам Алижонни Шодмонхўжа ўз фарзандидай яхши кўрар, ҳурматлар, у ногоҳ уйларига кириб келган пайтларида ўтқазгани жой топмай, болам-бўтам қиларди. Бугунги муносабати олдинги муомалаларининг мутлақо тескариси бўлди. Тўсатдан юз берган бу ўзгаришга Алижон ҳам, Санобар ҳам тушунолмасди. Хусусан, Санобарга «номаҳрам эркак» ибораси қаттиқ ботиб кетди. Дунёда энг яқин, энг меҳрибон, ғамхўр, энг ишонган кишиси унга «бегона», «номаҳрам» бўлса? Йўқ, ахир у ўз тақдирини у билан умрбод боғламоқчи-ку! Отаси улар ўртасидаги муносабатни билмасмиди? Биларди, сезиб, кўриб юрарди. Улар гаплашиб, кулишиб турганлари устидан ногоҳ чиқиб қолган пайтларида, шунчаки хўмрайган бўларди-ю, ўзини кўрмаганликка солиб, ўз ишига кетаверарди. Қолаверса, улар ўртасида бунчалик хавотирландиган ҳеч қанақа ножўя иш ҳам бўлган эмас.

Санобарнинг хаёлидан бир лаўза шу эътирозлар ўтди-да, қалбида бу ноҳақликка қарши бир тугён бош кўтарди. У, ўпкаси тўлиб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Отасининг кўксига бошини қўйди, ёш тўла кўзларини унинг кўзига тикиб деди:

— Отажон, мендан кўнглингиз тўқ бўлсин. Ҳеч қачон юзингизга оёқ қўймайман. Ахир у — Алижон акам-ку. Агар бегона одам бўлганида қанча койисангиз, заррача хафа бўлмас эдим. Нега у сиз билан менга бегона бўлар экан?! У билан мен ўз кўз олдингизда болаликдан бирга катта бўлганмиз. Қани, айтинг-чи, бу дунёда менинг сиз билан ундан бўлак қандай меҳрибоним бор?

Унинг бу гаплари отасининг кўнглини вайрон қилиб юборди. Шаштидан тушиб, чақиртиканакка ўхшаган соқолларини тутамлаганча миқ этмай ўй суриб қолди. Нима ҳам десин? Қизи ҳақ гапни айтди. Алижон софдил, меҳнатқаш, ғаламисликни билмайдиган ҳалол йигит. У бунни тан олмасликка иложи йўқлигини сезди-да, қизининг сочларини силарқан, мулойимлик билан деди:

— Алижон яхши йигит. У менинг қадрдон ўртоғимнинг фарзанди. Лекин у етимча. Туриш-турмушидан бўлак ҳеч вақоси йўқ, тиргак бўладиган ака-укаси ҳам йўқ, қўли калта, — Шодмонхўжа бу гапни аллақандай кибрланиб айтди-ю, лекин ўзи ҳам бадавлат эмаслигини ҳаёлига ҳам келтирмади. Уларнинг орзу-ҳавасларини қондириш учун унинг ҳамёнида тугиб юрган ортиқча ақчаси ҳам йўқ эди. У, агар қизни унга берсам, умри во ҳасрато, во надомато билан ўтади, деб қўрқарди. Мана уни ана шу андишалар гаранг қилиб юрарди. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмасди. Ўртада шайтон борлигини ўйлар, ўша кундан қўрқарди. «Қанча тежаб-тергасам, унинг фойдаси», деб ўйларди. У анча юмшаб давом этди. — Ёшлик — бебошлик, чирогим. Ҳали кўп нарсага ақлинг етмайди... Бу ёғини сўрасанг, ҳозир тўй-томоша тўғрисида ўйлайдиган вақт эмас. Замон қалқиб турибди. Ёмонлар кўп. — У яна бир фурсат жимиб қолди. «Артель», «Қўшчи союзи» деган янги гапларга қарши шайхлар тарқатаётган гаплар эсига тушиб, бундан Санобарни огоҳ қилиб қўйгиси келди-да, — ўзинг ҳам эшитган бўлсанг керак, юртда ҳар хил мишмишлар юрибди, — дея давом этди. — Калхозми, кал қўзимми тузилармиш, қозон-товоқ, ерсув, мол-жон ўртада бўлармиш, шарият никоҳи бекор қилиниб, эр-хотин ҳам... ке, қўй, бу ёғини эшитмай қўя қол. Ўша сенинг Алижонинг мана шу ишнинг бошида турганларга югурдаклик қилиб юрганлардан, агар билмоқчи бўлсанг. Унинг пахтавон ваъдаларига учма, ишонма. Рўзи маҳшарда юзимиз ерга қараб ко-

ладиган бўлмасин, яратганнинг олдига очиқ юз билан борайлик, болам...

Колхоз тузилиши ҳақидаги гапни Санобар Алижондан эшитган эди, унда бойлардан ер-сув тортиб олиниб, деҳқонлар биргаликда ишлашади, ҳамма тенг бўлади, бой, камбағал бўлмайди, камбағал-деҳқоннинг орқасига офтоб тегади, бировнинг кучидан фойдаланиш йўқолади, деган эди Алижон ўшанда. Санобар отасининг гапини қайтаргиси келмаса ҳам, ҳалиги-мишмишларга чидаб туролмай эътироз қилди.

— Колхоз дегани унақа эмас, отажон. Бу гапня шайхларингиз тарқатишган.

— Шайхларга тил теккизма, қоқвош! Ҳақ таолога минг чандон шукурки, забардаст пиримиз шайх Исмоил бор... У кишининг дуоларини олмай туриб, ниятингга етишинг мушкул. У зотга Ҳизр алайҳиссалом назар қилганлар.

— Бизни у киши дуо қилмасалар ҳам, кўнглимиз қолмайди. Бу ерда турмоқчи ҳам эмасмиз,— деди Санобар отасининг юмшаганидан дадилланиб кетиб.— Биз Алижон акам билан шаҳарга ўқигани кетамиз...

— Қаяёққа?— Шодмон ака ҳайратланиб сўради.

— Ўқишга. Ҳам ишлаймиз, ҳам ўқиб, хат-саводимизни чиқарамиз. Мен ашулачи бўламан...

— Ишлаб... ўқиймиз... Ашулачи бўламан... Ё тавба,— Шодмон гўё тоғ босиб қолгандек эзилиб кетди, кўзлари қисилиб, ранги қув ўчди. Ғазабини зўрға босиб, «ё шер даргоҳ, ўзинг паноҳ бер!» деди ичида. Аччиқ, заҳарли бир ҳис билан қизига қараб муштини тугиб, ҳавола қилди-да, уришга қўли бормай, аста тортиб олди. Ёшлиги кўз олдида гавдаланди.

Иккинчи боб

ШОДМОНХУЖА

Шодмонхўжа умри қайғу-ҳасрат ичида, рўшнолик кўрмай ўтган тўпори тайпоқ, қашшоқ отасининг ёнига кириб ўзини ҳар эшикка урди, эски чопон, чурук-чориқ, бир коса арпа умочи, оқшоқ бўламиққа қаноат қилди. Хотини Ҳожарбиби бировларнинг юмушини қилди, ҳовлисини супурди, кирини ювди. Лекин бу билан ҳам мурод ҳосил бўлмади. Осмон узоқ, ер қаттиқ эди! Шундан кейин у анчадан бери ҳазар қилиб қочиб юргани «оқ вексел»га бармоқ босиб, қарз-қавола кўта-

ришга мажбур бўлди-ю, қайта узиб чиқолмас тузоққа илинди-қолди. Бу ҳам майли эди-я, лекин Ҳожарбибни аллақандай дард оёғидан олиб йиқитди, у қайтиб ўрнидан турмади. Ундан кейин навбат болаларга келди. Сал кунда беш боладан мана шу қиз — Санобаргина омон қолди. Қолганлари ҳар хил дардга чалиниб, оламдан ўтиб кетишди. Шодмон ака биргина шу қизни, тўрт юз сўм қарз билан тилини тишлаб қолаверди. Лекин яшаш керак эди!

Иброҳим бой қурган тузоқ ана шу дамдан ўзининг машъум ишини бошлади. Яъни, бой шайх Исмоилга «илтимос қилиб», Шодмон «отасини» унга қул — карол қилиб топширди. Мана, ўн беш йилдирки, Шодмонхўжа мозорнинг вақф ерларида ишлайди. Лекин бу ўн беш йил мобайнида ўн беш чақа ҳам орттиролмай, инқилоб кунларига етиб келди. У инқилобни ҳам билгани йўқ, бироқ «Некалай пошшонинг тахт-тождан айрилганидан» хабардор, холос.

Ҳожарбиби қирққа ҳам бормаи, бу дунёдан кўз юмганида, Санобар энди олти ёшга кирган эди. Бешта фарзандидан биттасигагина эга бўлиб қолган Шодмонхўжа бу қизини ўгай она қўлига топширгиси келмади. Унга ҳам ота, ҳам она бўлиб, катта қилди. Санобар ҳам шу кунга қадар дунёнинг азобу заҳматини отаси билан баб-баравар тортди. Лекин ота қизини ҳаёт ҳақидаги ўз ақидалари доирасида ушлаб қололмади: у ўзининг бутун орзулари охиратда рўёбга чиқиши йилинжи билан яшади. Ёруғ дунёда кўрган азоб-уқубатлари, қора кунлари, чеккан азиятлари эвазига жаннатнинг роҳат-фароғат, ҳузур-ҳаловатидан умид қилди. Бунга ишонди. Чунки умрининг салкам ўн беш йилини мозорга хизмат қилишга бағишлади, шайх Исмоил қаердаги вақф ерларига, Водилгами, Чимён ёки Мишдонгами буурса, ҳеч бўйин бурмай, бориб ишлади. Лекин бунинг учун оладиган меҳнат ҳақи кундалик қотган нону ёғли-ёвгон бир қошиқ иссиқ-совуғидан ортмади. Унинг бирдан-бир орттирган бойлиги — охиратининг обод бўлишига қатъий ишончию мана шу ёлғизгина қизи эди. Худодан қариган чоғида қизининг бахтини беришини, доғини кўрсатмаслигини тилаб, илтижо қилиб, кун кечирарди.

Шайх Исмоилнинг тасарруфидаги мўл-кўл ер-сув, от-улов, мол-қолнинг қарови ҳам вақфнинг беш юз таноблик ери билан бирга Шодмонхўжа сирасидаги ўн икки қаролнинг гарданида эди. Қароллар ичида энг соддадил, энг ювош, энг фармонбардори бўлган Шод-

монхўжа «савоб», «охират» учун белини букиб ишлаб-ишлаб, мана қариган чоғида пешонасидаги биттаю битта қизи унинг охиратини куйдирмоқчи, шариятга номувофиқ ҳатти-ҳаракати билан ота юзини шувут қилмоқчи-я!

Шодмон ака шуларни ўйлаб, вужуди ларзага келди, кўз олди қоронгилашиб, эс-ҳушини йўқотаёзди. У, бир умр қилиб келган тоат-ибодати «сувга оқиб кетиши»дан қўрқиб кетди. Санобарнинг Алижон билан «очиқдан-очик бир-бирига тишининг оқини кўрсатиб, ҳиринглашиб гаплашиб туриши» ақли доирасига сиғмай, қизини «васвас» бўлганга чиқарди. Уни «шайтоннинг васвасаси»дан қутқариб қолиш йўлини ўйлади. Шу пайт кўз олдида «мададкор» сифатида шайх Исмоилу Алининг мозори гавдаланди. У нажот йўлини топгандек бўлиб, кескин бир қарорга келди:

— Йўқ, дарҳол бунинг олдини олиш керак! — деди у овозини чиқариб. — Гап шу: уни мозорга назр қилишдан бўлак йўл йўқ!

Қулоғига Санобарнинг илтижолари ҳам эшитилмади. У шу аҳволда ўз ёғига ўзи қоврилиб ўтирар экан, ҳужра олдида бир қиз келиб, дарчадан ошиб кирди-да, паранжисини бир чеккага улоқтирди. У — Санобарнинг дугонаси Меҳри эди.

— Нима гап, Санобар, тинчликми? — деб сўради Меҳри, йиғидан кўзлари кизариб кетган дугонасидан.

Меҳри нима қилиб бўлса ҳам Санобарни овутиш, унинг кўнглида чўкиб ётган оғир ғам юқини кўтариб ташлашга интиларди. Унинг кўзи бирдан тахмондаги чойшабга тушди, югуриб бориб олди-да, бурчакма-бурчак ҳолга келтирди, Санобар унинг ҳаракатини ҳайрон бўлиб кузатиб турар эди. Меҳри чойшапни узунасига юмалоқлади-да, пешонабоғини ечиб ташлаб, уни бошига салла қилиб ўради. Кавшандоз олдида тўшаб қўйилган эчки т.р.исидан қайчи билан қирқиб, бурни тагига қистирди. Кейин паранжисини кифтига ташлаб, кафтлари билан беркитди-да, ўша ҳолатда Санобарга рўпара бўлиб, кўзларини чақчайтирди. Меҳрининг ҳозиргина кулиб турган юзлари бирдан тундлашиб, бадбашара босмачининг юзига ўхшади-қолди.

Санобар кўз олдида бир лаҳзада бўлиб ўтган ҳолатни кўриб, беихтиёр жилмайди. Меҳри кимга тақлид қилаётганлигига қизикиб сўради:

— Ним бу?

— Қоқмонбек, — деб жавоб берди Меҳри.

— Қоплонбек? Ҳалиги қўрбошими?— Санобар қўрққанидан товуши қалтираб сўради.— Уни сен қаерда кўра қолган эдинг? Ҳали қўлга тушмаганми у?..

— Қўлга тушади, шундай тутиб олишсинки, ҳали қараб тур,— деди Меҳри ниқобини сидириб ташлаб.— У тоғ-тошларда яшириниб юрган эмиш. У ўтган жумادا дарвиш суратига кириб мақбарани зиёрат қилгани келганмиш.

«Мақбара» сўзини эшитиши билан Санобарнинг юзига ҳам яна ўзининг қора кўланкасини ташлади, кўзларида қайноқ ёш томчилари ҳалқаланди.

— Сенга нима килди, ўртоқжон? Сенга ачинавериб кўнглимда кўнгил қолмади-ку,— деб уни юпатишга тушди Меҳри, дугонасининг бирдан маъюс бўлиб қолганини сезиб қолиб.

— Отам мени шайхларга олиб бориб топшираман, дедилар. Шайх менинг гуноҳимни худодан тилаб берар эмиш.— Унинг юзи жиддийлашди, кўзларидан ўт чақнаб, тиззасига шапатилаб, Меҳрига қараб қатъий деди:

— Йўлимдан қайтмайман, вассалом. Алижон акага тегаман дедимми, тегаман, кейин ашулачиликка ўқийман. Ўлсам ҳам шайхникига бормайман!

Меҳри бир лаҳза ўзини йўқотиб қўйди, у Санобарга қараб, ҳайрат билан сўради:

— Шайхникига? Мақбара мутасаддиси Исмоил мутавалли дейсанми? Нима, қариган чоғида Шодмон ота ёс-ҳушини еб қўйганми ўзи?

— Кейинги пайтда шунақа бўлиб қолдилар. Оғизларидан нуқул азиз-авлиёлар тушмайди, шайх Исмоил деса жонларини ҳам беришга тайёрлар. Мақбарадан кечаси чиқадиган сирли овоздан қўрқиб қолганлар...

— Биласанми, ўртоқжон, бу овоз ҳақида менга Омонтой акам нима деди?— Меҳри худди муҳим бир сирни очаётгандай Санобарнинг қулоғига пичирлади:— Айтдики, бу овоз шайхлардан бошқа ҳеч кимсанинг иши эмас. Батраklar кўпчилик бўлиб пойлаб қўлга туширишса-да, роса адабини беришса, бошқача қилиб бўкирган бўлармиди, дедилар.

— Нима деяпсан ўзинг? Бунақа қилиб бўлади-ми?!— деди Санобар ранги оқариб.

— Нега бўлмас экан? Омонтой акамни биласанми, у ҳеч нарсадан қўрқмайди. У киши Тошпўлат аканинг дом-дараксиз кетганидан ташвиш тортяпти. Лекин шайхларнинг ҳам пайтавасига қурт тушиб колди, деяпти. Шоҳимардонга аллақандай катта амалдор одам ке-

лаётган эмиш. Аттанг, ўша одамнинг исмини эсимдан чиқариб қўйдим. Шайхлар нимадандир қўрқияпти. Агар «хўп» десанг, ўртоқжон, сенинг кулфатингни Омонтой акамга бориб айтаман. У ўртоқлари билан маслаҳатлашади. Сени хафа қилдириб қўймаймиз...

Меҳри дик ўрнидан турди-да, паранжисини ёпинди.

— Бу рўдапо паранжи ҳам жонимга тегиб кетди. Омонтой ака билан тўйимиз бўлсин, ёндириб, тафтига исинмасам, армонда қоламан. Тўй ҳам тезроқ бўла қолмаяпти... Ҳаммасини Омонтой акам билан келишиб, гапни бир жойга қўйиб қўйганмиз.

— Қаёққа кетяпсан, бирпас гаплашиб ўтирсанг нима қипти,— Санобар дугонасининг қўлидан ушлаб тўхтатди. Ёноқлари ловиллаб, уятчанлик билан сўради.— Бундан чиқдики, Омонтой акам мен билан Алижон акамнинг аҳд-паймонимиздан беҳабар экан-да.

— Омонтой ака беҳабар?— Меҳри бир сакраб тушди.— Омонтой акам билан Алижон акам дўстми? Дўст. Сен билан мен дугонами? Дугонамиз. Мен Омонтой ака билан... Ҳа... майли, Омонтой акам ҳаммасидан хабардор,— Меҳри гапини чала қолдириб чачвонини юзига туширди.

— Меҳри!— дея қўрқиб қичқириб юборди Санобар.— Нега сен унга ҳаммасини айтдинг? Ҳеч кимга айтмайман, деб ваъда берган эдинг-ку, менга.

Меҳри паранжи ичидан «жим бўл» дегандай қўлини кўтарди, кейин уни тинчлантириш учун эркалаб деди:

— Қўрқма, ўртоқжон, охири бахайр бўлади. Ота бола учун тахт ясаса ҳам, бахт ясолмайди. Ҳар киши ўз тақдирининг темирчиси. Омонтой акамга ишонавер. У ақлли йигит.— Меҳри дарчадан ошиб, ҳовлига тушди-да, бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Учинчи боб

АЛИЖОННИНГ ИЗТИРОВЛАРИ

Алижоннинг отаси Арслонқул камбағал-деҳқон бўлишига қарамай, дунёга келиб орттирган уч ўғил, битта кизини меҳнатсевар, тўғрисўз, қалбакиликни билмайдиган, ҳалол қилиб тарбиялашга улгурган эди. Арслонқул ака отасидан эрта жудо бўлиб, етимликда ўқиёлмай қолганлигига кўп афсусланарди. У, ҳеч бўлмаса битта ўғлим ўқисин, деб Алижон олти ёшга тўлганида, Шоҳмардон қишлоғининг Пойариқ маҳалласидаги мак-

табга олиб бориб, Муллағиёс домлага топширди. У бу мактабда сал кам ўн йил қатнаб ҳарфни ҳарфга уриштириб ўқийдиган бўлди.

Октябрь инқилоби ғалаба қозониб, Шоҳимардонда ҳам маҳаллий батрақлардан Ёқубжон Абулқосимов бошчилигида Шўролар ҳокимияти ўрнатилди. Янги ҳукумат дарҳол етим-есир, оч-яланғоч болаларни тўплаб, уларни боқишга киришди. Аммо Шоҳимардонга Қоплонбек қўрбоши икки юзга яқин йигити билан келиб, Ёқубжонни тутиб олиб, халқ кўзи олдида азоблаб ўлдирди. Бу ғожиа устига Шоҳимардон мазорининг шайхлари келишиб, Ёқубжон динни сотганлиги, шўроларга кимки хизмат қилса, бошига унинг куни тушишини билдириб ваъз айтишди. Алижон бу ёвузликларни эл қатори ўз кўзи билан кўрди ва унда босмачи ҳамда шайхларга қарши туганмас ички нафрат, сўнмайдиган кек уйғонди. Устига устак аммасининг уч ўғли ва уларнинг отасини ҳам босмачилар бир кунда ўлдириб кетишди, уларни босмачиларга шайх Исмоил ҳийланайранлар ишлатиб тутиб берганди.

Азамат ўғиллари ва умр йўлдошидан бир кунда жудо бўлиб, қон-қора қақшаб қолган аммасининг нолайи зори, улар кўйида куйиб кул бўлгани ҳам Алижоннинг қалбидаги адоватни янада алангалатиб юборди, золимлардан ўч олиш туйғусини кучайтирди...

1923 йили баҳорида босмачилар асосан тугатилиб, Шоҳимардон қишлоғи улардан тозаланганлигига қарамай, ёт унсурлардан қолган-қутганлари қишлоқ атрофидаги тоғларда яшириниб, кечалари атроф қишлоқларга, зўрға жон саклаётган хонадонларга оралар, уларнинг бор-йўғини талаб, эл уйғонмасдан ғойиб бўлишар эди. Қишлоқларда қизил аскарлардан «Особий отдел» тузилиб, босмачилар қолдиқларини тугатиш, улар яширган қурол-яроғларни топиб, ҳукуматга топшириш ишларига киришди...

Нима бўлди-ю, Арслонқул ака бир бойдан саккизта қўйни тўртдан бир шарти билан байлашиб, бўрдоқига боқиб бериш учун олади. Ана шу қўйларни қиши билан Алижон боқиб чиқади. Қўрғонлари дарёдан икки ярим, уч чақирим четда бўлгани учун у битта эшакқа иккита кўзани юклаб, дарёдан сув ташиб қўйларни суғорарди. Чилла совуқларида уст-бошлари тараша бўлиб музлаб қолар, оёқ-қўлларига сўзак кириб, оғрир, лекин у кўк-ламда иккита қўй қолишини ўйлаб, бу азобларни эла-масди. Бир куни тушда Қоплонбек қўрбошининг қочиб

юрган Жалол деган шериги келиб, Алижоннинг дадасига: «Қўйнинг бирини бер, биз қочиб юриб, жазсираб кетдик»,— дейди. Арслонқул ака қўй ўгли Алижонники эканини важ қилиб бермайди. Жалол индамай чиқиб кетади. Лекин кечқурун хуфтон пайтида Қоплонбек етти-саккиз қуролли йигити билан келиб, иккала қўйни зўрлик билан олиб чиқиб кетади ва Жалол аминнинг қўрғонида сўйиб еб юборишади. Алижон эса, шунча меҳнати сувга оқиб хуноб бўлиб қолаверади.

Орадан икки-уч кун ўтмай, Алижон бир халта дов олиб Шоҳимардонга тегирмонга тушди. Тегирмон йўли Мамажон мингбошининг уйи олдидан ўтар, у ерда эса қизил аскарлар туришарди. Қизил аскарлар уни кўриб гапга солишди, улар ичидан оқ халат кийган биттаси Алижонни қўлидан ушлаб ичкарига олиб кирди-да, юзидаги ярага дори кўйиб, эртага яна кел, яна дори кўйиб қўяман, деб тайинлади. Алижон эртасига борди, оқ халатли аскар дорини кўйиб бўлиб, уни яна гапга солди, қўрғонлари қаердалиги, отаси кимлигини, қочоқ босмачиларнинг қаерларда ётиб туришларини сўради. Алижон ҳам ҳеч иккиланмай, билганларини гапириб берди. Кўнглида чўкиб ётган алам, ўч туйғуларини уни бунга ундади: аммасининг мусибати, шайхнинг ҳийланайранглари, Ҳайитбой жаллод, Асқар каллалар Шўро одами Ёқубжон акани қандай қилиб ўлдиргани, шайх ўшанда одамларга нима дегани, Жалол амин қўйларни қандай қилиб босиб олиб кетгани, Насриддин, Мирза ҳожи деган одамларнинг қўрғонларида кимлар ётиб туришганигача — ҳамма-ҳаммасини айтди. Бир қоғозга бу қўрғонларга олиб борадиган йўллارни ҳам чизиб олишди.

Шундай қилиб, Алижон берган аниқ маълумот босмачиларнинг қолган-қутган қолдиқларини ҳам бир кунда кўлга туширишга ёрдам берди.

Алижон 1924 йилда акаси билан Фарғонага бориб мардикор бўлиб ишлади, тўқимачилик фабрикаси қурилишида қатнашди, кузда қишлоғига қайтиб, келиб, янги очилган Шўро мактабида ўқиди. Сал кунда ўқиш, ёзишни билиб олди, 1925 йилда у Қўшчи союзига котиб қилиб ишга олинди. Алижон комсомол ячейкаси ишида ишлади, атроф қишлоқларда ёшларни уюштириб, комсомол ячейкалари тузишда қатнашди... Уша йили «Особий отдел» хизматчилари билан тасодифан учрашиб қолди ва улар билан ишлашга бел боғлади. Синфий душманлар партия ва шўро идораларига кириб олиб,

Ўзларининг бузғунчилик ишларини давом эттирарди, Алижон эса, энди уларга қарши курашди.

1926 йил республикада кентлар тугатилиб, районлаштириш амалга оширилди. Уни қишлоқ Шўросига аъзо ҳамда янги ташкил қилинган Олтиариқ районининг биринчи қурултойига вакил қилиб сайлашди. Алижон айна пайтда қишлоқдаги бошланғич мактаб қошида очилган кечки курсда саводсизларни ўқитди. Булардан ташқари, Водил, Каптархона, Шоҳимардон қишлоқ Шўроси бўнак ширкатида ҳам фаол ишлади.

Бир сўз билан айтганда, Алижон ўзи сезмаган ҳолда ўша даврнинг илғор фикрли кишисига айланган эди. Санобардаги янги тушунчалар, онгидаги ўзгаришлар, янги турмушнинг моҳияти ҳақидаги фикрлар, янгича орзу-ҳаваслар — булар барчаси Алижоннинг таъсири остида рўй берган эдики, буларни Шодмонхўжа ҳам қиладиган даражада эмасди.

Тўртинчи боб

ИККИ ҚИРҒОҚ

Ҳамза пианинога мук тушиб ўтирибди. Ёнидаги нота қоғозлари билан тўлиб кетган столда Степанов энгагига кафтини қўйганича бир нуқтага тикилиб хаёлга толган. Уларнинг иккаласи ҳам ишга шунчалик берилиб кетганки, хонага билдирмай кириб келган Зулфизарни сезмай қолишди. У оҳиста юриб келиб, чойнақдаги яхна чойдан иккаласининг олдидаги пиёлага қўйиб қўйди. Ҳамза у билан бир лаҳза кўз уриштириб олди-да, хаёлини бузмаган ҳолда, миннатдорчилик билдириш маъносига бошини силкиб қўйди. Унинг узун бармоқлари пианино клавишлари устида оҳиста суза бошлади. Хона ичи гоҳ ғамгин, таъсирли, майин, гоҳ курашга чақирувчи жанговар садолар билан тўлқинланарди. Зулфизар ортиқча идишларни эҳтиёткорлик билан сас-садосиз йиғиштириб олди-да, хонадан чиқиб кетди.

— Биласизми, ўртоқ Ҳамза,— деди Степанов ўрнидан туриб,— мен аминманки, сиз ахири опера яратасиз. Бу опера бўлганида ҳам ажойиб опера бўлади. Ишлаш керак. Ҳеч ноумид бўлмаг.

— Ишдан қочмайман, Сергей Иванович,— деди Ҳамза хурсандлигидан жилмайиб.— Агар сиз бундан буён ҳам ўзингизнинг қимматли маслаҳатларингизни дариг тутмасангиз, нота илмидан, опера ёзиш сирлари-

дан сабоқ берсангиз бўлгани. Ишлаш, ўрганишдан чарчамайман.

Степанов икки қўлини Ҳамзанинг кифтига қўйиб, унинг сўзини бўлди.

— Мен билган ҳамма нарса, рус дўстларим билган ҳамма нарса, азизим Ҳамза, сизники. Уларни олинг, ўрганинг, билмаганингизни бемалол сўранг, ижодий ўзлаштиринг: энг муҳими, ишланг.

— Раҳмат сизга, Сергей Иванович,— деб жавоб берди Ҳамза тўлқинланиб.— Устозларнинг ишончини оқлаш учун бор кучим билан ишлайман. Шогирд устозининг юзини ерга қаратмайди, бундан кўнглингиз тўқ бўлсин, Сергей Иванович.— Ҳамзанинг кўзидаги катъият, ишонч ифодаси таъсир қилиб, Степанов унинг елкасига оталик меҳри билан қоқиб қўйди. Ҳамзанинг бутун хаёли бошидан тарихнинг кўп жабру жафоларини кечирган меҳнаткаш, ботир, қобил, юраги кенг, покиза, қиммати баланд, диди юксак, нозиктаъб, табиати билан санъаткор, оқил, мутафаккир халқига муносиб, унинг мана шу фазилатларини гавдалантирадиган асар яратиш билан банд эди. Бунда ўзининг масъулиятини тўла ҳис қиларди. Унинг хаёлини яна Степанов бўлди:

— Бу ишингизнинг ҳомакиси ёз ойларига бориб битади, деб ўйлайман.

— Буни Шоҳимардонда ҳам давом эттираман. Сизга сўз бераманки, бу асар устида тинмай ишлайман.

— Қачон йўлга чикмоқчисиз?

— Тез орада жўнасам керак.

Хонага Зулфизар кириб суҳбат бир дақиқа узилиб қолди. У Степановга қаради:

— Нега бунчалик шошпасиз, Сергей Иванович? Кечки овқатни биз билан баҳам кўринг, кейин бир гап бўлар,— деди Степановга мулойимлик билан.

— Иложим йўқ, қизим... ҳеч иложим йўқ. Насиб қилса бошқа вақтда. Бугун ишим бошимдан ошиб ётибди.

Ҳамза етмишларга борган кекса профессорни эпикдан кузатиб қайтиб келди-да, Зулфизарни икки билагидан ушлаб ўзига тортди.

— Энди, жонгинам, майда-чуйдани йиғиштириш керак. Биз бу ердан кўчиб кетамиз.

— Қаёққа?

— Ўзбекистоннинг энг гўзал, баҳаво бурчаги Шоҳимардонга.

— Шохимардонга дейсизми! — хитоб қилди Зулфизар. — Нима, ҳазрат Алининг мақбарасини зиёрат қилмоқчимисиз?! — У Ҳамзанинг авзойидан унинг ранжиганини бирдан сизди-да, сипориш қилди. — Майли, Кўли Қуббонга дам олгани борамиз. Ахир сиз билган кўрганингиз, иш, дам олишни ҳам хаёлингизга келтирмайсиз-ку.

— Ҳа, дам олгани, — деди Ҳамза ўйчанлик билан. Кейин унга диққат билан тикилиб қолди. Бир лаҳза шундай тургач, миясига тўпланган аллақандай лойқа хаёлотларни, гўё қоқиб тушириб ташламоқчи бўлгандай, бошини силкитди-да, бошлаган гапини хулосалади: — Жонгинам, албатта, дам оламиз. Кейин асар ёзаман. «Қирқ саккизлар» деб номини ҳам топиб қўйдим.

— Қачон жўнаб кетамиз?

— Индинга.

— Вой ўлмасам? — Зулфизар қичқириб юборди. — Нега шу пайтгача менга бир оғиз айтиб қўймадингиз бу ҳақда? — У-буларни йиғиштириб саранжомлаб қўярдим. — У эрининг оғушидан сирғалиб чиқди-да, нариги хонага шошиб чиқиб кетди.

Кечки овқатдан кейин Ҳамза пианино олдига бориб, ишга машғул бўлди. Зулфизар эса, нариги хонада кўч йиғиштирар эди. Вақт алламаҳал бўлиб қолганда эшик тақиллади.

— Ким бемаҳалда эшик тақиллатаётган? — деб сўради Ҳамза ҳайрон бўлиб.

— Рустам ёки Стёпа бўлса керак, — дея жавоб берди Зулфизар даҳлизга югуриб чиқиб. Кейин Олчинбек Назирийни бошлаб кирди-да, уни Ҳамзанинг олдида қолдириб, эшикни маҳкам ёпиб, ўз жонасига чиқиб кетди.

— Кутмаган эдингизми? — деб сўради Назирий салом-аликдан сўнг.

— Очигини айтсам, бундай бемаҳалда кутмаган өдим, — деди Ҳамза совуқ жавоб бериб. Кейин унга жой кўрсатди. — Марҳамат, ўтирсинлар.

— Азизим, Ҳамза, — деди Назирий ялтоқилик билан. — Халақит берганим учун узр. Ишингиздан қолдирдим шекилли сизни, маъзур тутасиз бизни, ҳовир уйда ўтириб ўйлаб кетдим: нима учун биз бир-биримизга зидмиз, нега аҳил эмасмиз, ахир бир данак ичидаги ялакат мағизмиз-ку, аслини суриштирганда. Бир ғояга хизмат қиламиз, бир мақсад учун ишлаймиз, кураша-

мизу, лекин туя тиканнинг найзаларига ўхшаб бошқа-бошқа томонга интиламиз. Илгари қалин дўст эдик, ахир... Ҳар бир нарсанинг янгиси бўлса ҳам, дўстнинг эскиси яхши, дейдилар.

Олчинбек дабдуристандан кириб келиб, тилёғламалик билан бошлаган гапи Ҳамзанинг энсасини қотирди. Пешонаси тиришиб, қаттиқ гапиргиси келди-ю, лекин ўзини босди.

— Ундан кейин анча сувлар оқиб кетди,— деди ўзини оғирликка олиб. Кейин қўшиб қўйди:— Шуниси ҳам борки, дўстлигимизга мен эмас, сиз кўпроқ путур етказдингиз шекилли?

Бу пичинг Назирийнинг жон-жонидан ўтиб кетди, лекин бу ерга у Ҳамза билан жиртак отишга келмаган эди. Шунинг учун оғирлик билан дудмал жавоб берди:

— Анча сув оқдим, оқмадим, гап унда эмас. Йиллар силсиласида дўстлигимиз мустаҳкамланиши лозим эди. Мана, гап қаерда.

— Бу сиз айтаётган дўстлик билан ўша йиллар силсиласининг қандай бўлганлигига ҳам боғлиқ,— деди Ҳамза ҳазиломуз жавоб бериб.

— Хўш, қанақа йиллар бўларди, оддий йиллар-да!.. Назирийнинг нафаси бўғилгандай бўлди.

— Оддий йиллар?!— Ҳамза кулимсираб қўйди.— Жуда ҳам унчалик эмас, дўстим. Инқилоб, граждандар уруши, янги иқтисодий сиёсат, бундай оддий йиллар силсиласига унча-мунча дўстлик бардон беролмади-ку!

— Бунчалик муболаға қилиб юрмаинг, азизим Ҳамза. Инқилоб, граждандар уруши ва ҳоказо, ва ҳоказолар, тўғри, бўлиб ўтди. Ахир биз ана шу тўс-тўполондан омон чиқдик-ку... Мана, тирикмиз. Хўш, нима учун энди ўша дўстлик ришталарини узиб ташлашимиз керак экан. Нима учун биз дўст бўлиб қаролмас эканмиз?!

— Бу, сиз, Назирий, омон қолдингиз... Ўлганга қарши,— нафрат билан жавоб берди Ҳамза.— 1917 йилгача фикр-тушунчаларимизда баъзи руҳийларимиз мавжуд эди. Таассуфки, ўз етганин билмаган вақт йилларимиз бир-биридан бутунлаб ажралиб кели қарам-қарши томонга бурилиб кетди. Мен ўша вақтда билмадимиз йўлда давом этдим, сиз бўлдингиз. Ундан тойдингиз, ўшга оғиб кетдингиз. Хўш, ўтганда ҳам кўзининг оласи қолади, дейди ҳам.

Назирий бу гапдан ўтган ҳудудда баъзи чарқиндай

таъсирланган бўлса ҳам, сир бой бермади. Ўзини оғирликка солди, хоксор кўрсатишга тиришди.

— Сиз мен билан худди душманингиз билан сўзлашаётгандай сўзлашяпсиз, мен бўлсам, илгаригидай, сизнинг дўстингизман. Ҳа, албатта; тан олишим керак, ўтмишда бир неча хатога йўл қўйдим, бу хатоларим, энди бундоқ ўйлаб қарасам, ҳаддан ортиқ кўп экан. Лекин буларнинг ҳаммасини бўйнимга олиб, тавба қилдим, хабарингиз бэр, мени кечиринди, менга ҳатто масъул ишни ишониб топширишди. Энди ҳалол ишляпман.

Лекин Ҳамзага бу гинаомуз гаплар заррача ҳам таъсир қилмади, аксинча, баттар энсасини қотирди. У кинояга ўтиб, узиб-узиб ола бошлади.

— Виласизми, паққос хабарим йўк экан. Дарвоқе, зарур бўлгач, бунинг ажабланадиган ери йўқ. Республикамиз ҳозир саводли кишиларга жуда муҳтож. Шу сабабли ҳозирча бор имкониятдан фойдаланиб туришга тўғри келади. Муҳтожлик пайтида бу сара, бу пуч, деб танлаб ўтирилмайди, одатда. Начора. Пуч нарса билан ҳам, ҳеч бўлмаганда, бир неча кунга умрни чўзиш мумкин-ку, ахир. Бунчалик қаттиқ гапирганим учун мени кечиринг. Сиз ҳақингизда дилимдаги гапни ҳеч бўямасдан айтдим. Дилда бошқа гап ётса-ю, тилда бошқача бўлиб айтилса, бу мунофиқлик бўлур эди. Мен сизга нисбатан мунофиқлик қилиб, ўзимни ҳам, сизни ҳам алдаёлмайман. Бунинг ҳожати ҳам йўқ.

— Биладан, оғиз бир дарвоза, ундан яхши гап ҳам чиқади, ёмон ҳам. Агар менга ишонмасангиз, буни худога солдим.— Назирийнинг товуши ғазабдан титраб кетди.— Менинг сизга нисбатан муносабатим жиндак ҳам ўзгарган эмас. Ҳозир бемаҳалда ҳузурингизга мени олиб келган куч ҳам ўша бегидр дўстлигим ҳурмати. Сиз Шоҳимардонга бормоқчи эмишсиз. Шу ростми?

— Бормоқчиман. Шу яқин ўртада жўнасам керак,— деб жавоб берди Ҳамза дона-дона қилиб.

— Табдили ҳаво қилиб келмоқчидирсиз-да...— деб кўзига тикилди Олчинбек.

— Кишига табдили ҳаво керак... Иннайкейин, ўзингиз биласиз, унча-мунча ёзиб ҳам тураман...

— Мен худди шу масалада сизни бир дўст сифатида огоҳлантириб қўйиш учун атайлаб келган эдим. Эҳтиёт бўлинг, Ҳамза, шайхларнинг ишига араллашиб юрманг, дўстим. Улар жоҳил одамлар. Авомни ҳам ўз таъсирларида маҳкам ушлаб туришади. Бир қўзғалиш-

са, бамисоли йиртқич ҳайвондай қутуриб кетишади. Тағин бир кор-ҳол бўлиб юрмасин дейман...

— Нима, мени қўрқитгани келдингизми? Нега бунча ваҳима? Бир умр номард яшагандан бир кун мард яшаган яхши-ку. Ботирлик мангулик, ҳа, қўрқоқ бўлманг, Олчинбек!

— Қўйинг-э,— Назирий қўлини силтади.— Шундай деб ўйлашга қандай кўнглингиз борди? Халқимизнинг қанчалик жоҳиллигини эслатиб қўймоқчиман, холос. Ахир мен... Ахир...

— Осмон ҳам ердан кўзини узмайди. Халққа бунчалик тухмат қилиш яхши эмас! «Эслик одам сўз бошламас «мен» билан!» деган Махтумқули минг бор ҳақ экан. Шухратпарастлик, манманлик кишини элидан жудо қилади...— деб Ҳамза ўрнидан туриб кетди.— Хат-саводи йўқ, соддадил, дўлвор халқимизни бошига салла-калла ўраган турли-туман дунёхўр фирибгарлар йўлдан уришади. Сотқин эшону шайхлар қандай қилиб бизнинг миллий хусусиятимизни белгилашади. Улар ўйлаб-нетиб ўтирмай, ўз балойи нафслари йўлида сизу бизни сотиб юбораверишади-ку...

Ҳамза очиқ дераза олдига борди, Назирийга орқасини ўгирган ҳолда тун қаърига узоқ тикилиб қолди. Ўша ҳолатда турганича фикрини давом эттирди:

— Аввало, огоҳлантириб қўйиш мақсадида атайлаб меникига келганингиз учун, агар бу чин кўнгиладан бўлса, раҳмат. Лекин мен виждоним амрига зид иш кўролмайман. Ҳам бўри тўйсину, ҳам қўй тирик қолсинми? Қолаверса, сизга шуни айтиб қўйишим керакки, сиз ҳамон илгариги Олчинбек Назирийлигингизча қолгансиз.

Назирий ўзини базўр тутиб ўтирар эди. «Қандай кажбахс, қандай тутуриқсиз одам экан бу», дея кўнгилидан ўтказиб қўйди-да, ўрнидан туриб тўнгиллади:

— Бу кишининг ҳузурига яхшилик билан келсанг ҳам сўкиш, ҳақорат эшитасан. Гуноҳимиз нима? Кўвингизни ола-кула қиласиз! Сиз учун, Ҳамзахон, дўстликнинг ҳеч қандай муқаддас қонун мавжуд эмас экан... Бир маҳаллада ўсдик, бир мактабда таҳсил кўрдик. Ажралмас дўст эдик. Ҳалолимиздан бошқа ҳамма нарса ўртада эди. Лекин кейинги йилларда мендан юз ўгириб, қоракашлик қилиб юрибсиз! Ўзи нима гап?

— Дўстлик, жонжўралик дедингиз... Мен бунга ҳали ҳам тайёрман. Аммо қалбаки дўст очиқ душмандан ёмон! Жонжўра орттирмоқнинг ягона йўли жон-

жўра бўлишдир. Сиз менга садоқатли жонжўра бўлган-мисиз ҳеч қачон! Дилингиз билан тилингиз бир бўлган эмас. Мени пандавоқи деб ўйлайсиз, чамаси... Йўқ, ҳаммасини билиб, кўриб юрибман,— деди Ҳамза нафрат билан тўлқинланиб.

Бенуқсон жўра ахтарган жўрасиз қолади. Нуқсонимиз бўлса, ичингизга солиб юрмай, очиқ айтинг, билиб олайлик.— деди Назирий сиртига юқтирмай. У бу мунозарада бўш келмоқчи эмасди. Ҳамза ўзининг шунча шамалари унга ҳеч юқмаётганини кўриб, дангалига кўчмоқчи бўлди.

— Бардош беролсангиз, бас, айтганим бўлсин!

— Айтинг, кўрқмайман...— Олчинбек кизиқ устида «кўрқмайман» дейишга деб қўйди-ю, Ҳамза билан ўзи ўртасида бўлиб ўтган илгариги воқеаларни кўз олдига келтириб, ўйланиб қолди, ранг-қути ўчди, лекин сир бой бергиси келмай, паст тушишни ўзига эп кўрмади.— Сизнинг оғзингизда калдираган тил эмас, илон эканини бутун халқ билади,— деди томдан тараша тушгандек қилиб.

Ҳамза ўзини босиб олган эди, ўйлаб қўйган гапларини чертиб-чертиб айтиб, борган сари бурчакка қисиб борарди.

— Халққа туҳмат қилманг. Сиз меҳнаткаш халққа нима каромат кўрсата қолдингизки, унга дўстлигингизни пеш қиласиз?.. Йўқ, дўст бўлолмагансиз, унга дўст бўлолмайсиз. ҳам. Уни қора патакчалик кўрмайсизу яна унга дўстлигингизга ишонтирмоқчи бўласиз-а!.. Айтмай десам, ўзингиз тилимни қичитиб қўйдингиз. Сиз — ҳамон ўша-ўша эшонзодасиз... Восмачиларни хўп ёқладингиз, лекин бундан ҳеч иш чиқаролмадингиз. Шундан кейин ҳам ақл-ҳушингизни йиғиштириб олмадингиз, кўзингиз очилмади. Энди бўлса Шоҳимардондаги шайхларни ҳимоя қиляпсиз. Уларнинг хира, балохўр мўлтони эканликларини кўзи билан кўриб, ёзиб кетган бир йигитнинг дафтарларини ўқиганингизда, жуда яхши билиб олардингиз.

Ҳамза Олчинбек Назирийни тамоман эзгилаб янчиб, эътироз билдириш йўлларини кесиб ташлаган эди. Назирий «дафтар» воқеасидан хабар топганидан ҳайратланиб, бир лаҳза саросималанди, бир оқариб, бир бўзарган кўзларида даҳшатли совуқ учқунлар чақнади. «Тавба, читтакдек жони бору бургутга човут соламан, дейди-я!.. Илондек биланглаб, заҳрини сочади... Кимлигимни кўрсатиб қўяман сенга,

Ҳали шошмай тур», деб қўйди фикран чираниб. Лекин шу топда очиқ ҳужумга ўтиш имкониётини йўқотган, хусусан Тошпўлатнинг дафтарини Ҳамза эслатганидан бўлганича бўлган эди. Шу сабабли у ўртада юзага келган шундоқ ҳам таранг вазиятни кескинлаштиришга ҳаққи йўқ эди. Бутун ғазабини ичига ютиб, ўзини оғирликка олиб, йўлини қилишга мажбур бўлди.

— Қиз ҳам ўтар, юзиқоралик кўмирга қолар... Ҳа, майли, ким ботир — аччиқни ютган ботир... Айтмоқчи, жўнаб кетишингиздан олдин биз томонга бир кириб ўтинг. «Майсаранинг иши»га қалам ҳақи бор, олиб кетинг. Албатта кириб ўтинг, хўпми... Яна Пўлатов билан Соколов кириб, Ҳамзани сиқиб-ситаётисан, деб жанжал чиқариб юришмасин,— дея тиржайиб қўйди у, Ҳамза билан эшик бўсағасида хайрлашиш учун унга қўлини чўзиб.

Ҳамза истеҳзо билан жилмайиб туриб, унинг қўлини олди. Назирий изига қайтди. Аммо Ҳамза унинг орқасидан чақирди:

— Ўртоқ Назирий, бир оғиз гапим бор эди, унутай дебман,— деди.

Назирий қайтиб келди. Ҳамза ярим ҳазил, ярим чин қилиб, унга дўқ қилди.

— Қалам ҳақи билан қутулмайсиз, билиб қўйинг. Борди-ю, бу асарнинг қўйилишига тўсқинлик қилсангиз, ана унда кўрасиз ҳақиқий жанжални. Хўп, энди боринг. Хайр.— Назирий шошганча жўнаб кетди. Ҳамза унинг орқасидан қараб қолди. У баҳона билан кўнглини анча бўшатиб олган эди.

Бешинчи боб

СИРЛИ САФАР

Биринчи куни Ҳамзани Самарқанд вокзалида Рустам Пўлатов билан Степан Соколов Фаргона поездига олиб чиқиб, кузатиб қўйишди. Офтоб чарақлаб турарди, ёқимли шабада Ҳамзанинг юз-кўзларини сийпаларди. Ҳамзани улар галма-гал қучоқлаб ўпишаётган, бир-биридан қизганини олиб, ҳар қайсиси ўзинча узоқроқ хайрлаштириш келар эди. Вагон деразасидан бу ҳолатни Зулфияр кузатиб, мулойим кулиб турарди.

Паровоз гудок берди. Вагонлар бир-биринга эргшиб аста жила бошлади. Ҳамза вагон ялғизликта бир сепраб чиқиб олди-да, дўстларига қараб қўлини силкитди. Со-

колов ҳам ерда туриб, унга қўлини силжитиб, хайрлашаркан, қичқирди:

— Бўш келма, Ҳамза, лекин эҳтиёт бўл.

Ҳаш-паш дегунча поезд кўздан ғойиб бўлди. У ҳансираб борар экан, йўлда тоғу тошларни, баҳорикор далаларни орқасида қолдириб, Фарғона водийсига интилар эди...

* * *

— Ҳой... отни эгарлаб олиб кел!— деди қишлоқ ҳокимидек керилиб Валихон.

— Ҳўп, мингбоши ака! Ҳозир!

— Мингбосши дема, ит эмган. Раистўра дегин. Ҳа, Шоҳимардон қишлоқ Шўросининг раиси Валихонтўра!

От келтирилди, узангининг бир тарафини бир милиция пастга босиб турди. Бошқаси Валихонни қўлтиғидан олиб, эгарга миндириб қўйгандан кейин Қўлмат самоварчи чилим тутди. У кўзини юмиб, чилимни бирикки қуриллатиб тортди, тутунини оғзидан буркиратиб чиқарди, Кейин оёғидаги нимпошна хром этиги билан Қўлматни бир тепиб: «Сувини янгиламабсан, ит эмган», деди-ю, Олчинбек Назирийнинг алоҳида топшириғи бўйича икки милиция орқасида, Ҳамзани кутиб олиш, шу баҳонада қишлоқ деҳқонларидан бирийўла ўлпонларни ҳам ундириб келиш мақсадида Водилга йўлга чиқай деб турган ҳам эдики, Ҳамзанинг кўч-кўронини ортган арава рўпарасидан чиқди. У қишлоқ Шўросининг идораси олдига бориб тўхтади.

* * *

Аравани бир зумда кир-чир болалар қуршаб олишди. Сал нарироқда бир тўп батрак ва камбағаллар туришар эди. Валихон уларнинг тарқалиб кетмаганликларини кўриб гижиниб қўйди. Ҳамза келишидан сал олдин улар билан каттиқ жанжаллашиб олган эди. Шу иши ошқора бўлиб қолишидан қўрқарди. Валихон бунинг олдини олиб, Ҳамзага ялтоқланишга тушди:

— Биз сиз учун, ҳурматли домла, айлансин қулинг бир қўналга тайёрлаб қўйдик. Сиз Бузрук отанинг уйиде истиқомат қиласиз. У ердан, албатта, қўнглингиз тўлади. Бузрук ота ўзига тўқ одам, катта боғи ҳам бор. Меҳмонхонасида ҳамниша базм асбоби муҳайё.— У самоварчига буюрди:

— Қўлмат, азиз меҳмонимизни Бузрук отаникига бешлаб олиб бориб қўй.

Ҳамза раиснинг бу гапларидан кейин ноқулай аҳволга тушиб қолди. Валихоннинг буйруғига биноан олдига югуриб келган қишлоқ Шўросининг котиби Миркаримни биллагидан ушлаб тўхтатди-да, раисдан сўради:

— Нима учун Бузрук отанинг уйига, бошқа уйга эмас?

— Эҳ, нимасини суриштирасиз? У киши шунақа одамижон, барчага баробар, элпарвар одам, қишлоқнинг ярим ўлпонини бир ўзи тўлайди,— деб мақтаб кетди Валихон.— У зотни бутун Фарғона халқи танийди.

— Бориб турган судхўр-ку,— деди кимдир батрақлар ичидан. Уни Мебува ҳам қувватлади:

— Шайх Исмоилнинг ўнг қўли, баднафс, ичиқора одам.

Валихоннинг жаҳли чиқди, одамларга худди еб юборгудек бўлиб қараб турган бўлса ҳам, лекин у ўзини оғирликка солиб алланечук хомушланиб уҳ тортди, бошини эгишга мажбур бўлди. Ҳамза уни зимдан кузатиб чиқди, Валихоннинг иккиюзламачи эканини, халқдан ажраб қолганини пайқаб олди. Қизиқ, одамлар олдида от ўйнатиб турган одам у Шоҳимардонга кириб келиши билан кибр-қавони бир ёққа йиғиштириб қўйиб, икки букилиб таъзим қилди, унга Бузрукхўжаникидан қўналга тайёрлаб қўйганини айтди. Унинг бу ерга келаётганини қаердан била қолди экан. Бузрукхўжанинг номини илгари эшитган, аммо Валихон «Бузрук ота» деди. Буларнинг иккаласи бир одам бўлса керакки, деҳқонлар унинг кимлигини дангал айтишди: «Бориб турган судхўр», «Шайх Исмоилнинг ўнг қўли, баднафс, ичиқора одам». Демак, унинг бу ерга келишидан кимдир буларни огоҳлантирган, ҳатто қаерга жойлаштириш ҳақида ҳам маслаҳат берган...

Қандайдир узук-юлуқ фикрлар, кўнгилни гаш қиладиган сезгилар Ҳамзани чулғаб олди: шубҳаси ортди, лекин сир бой бермади. Зулфизар аравада бу жавобмуомалани кузатиб ўтирарди. Бирдан Ҳамза Валихоннинг юзига тик қараб жилмайди.

— Бу қандоқ бўлди, ўртоқ раис, мени кимникига жойлаштирмоқчи бўлдингиз?— деб сўради у, заҳарли бир мулойимлик билан.— Мен сиздан бошпана топиб беришингизни илтимос ҳам қилмаган эдим!

— Мен сизга яхши шароит бўлсин, деган эдим, холос,— деди айёрона тиржайиб раис.— У ерда турсангиз, ҳар қалай сизга ҳар тарафлама қулай бўлар эди. Бу ерда ўзига тўқ одамлар кўп эмас...

— Тўғри айтдингиз, қаёққа қарасангиз камбағал, йиртиқ чопон, нонга зор одамларни кўрасиз. Лекин мен бу ерга ўзига тўқ одамларни деб келган эмасман. Шуни яхши уқиб олингки, мен шайхнинг уйида тирикчилик қилолмайман. У билан гиди-биди бўлиб қолишим турган гап. Бунинг на менга, на ўша шайхга нафи бор. Ўйлайманки, бундан сиз ҳам манфаатдор бўлмасангиз керак.

Ҳамзанинг олдига яғрини кенг, бўйдор, айёр митти кўзлари ёнган, қаримсиқ бир одам келди. Бу Ғиёсхўжа эди. У бир чеккада ўзини камтарликка олиб турган эди. Унинг камзули унча янги бўлмаса ҳам, асл матодан тикилганлиги шундоқ кўриниб турар эди. Ғиёсхўжанинг салласи қизил шойидан бўлиб, унга алоҳида савлат бағишлар эди.

— Домла Ниёзий,— деди у аянчли товуш ва эҳтиром билан Ҳамзага мурожаат қилиб.— Бўлмаса бизнинг кулбага марҳамат қилсалар, бошимиз кўкка етур эди. Шуни ҳам айтиб қўйишим керакки, мен ҳам шайхларданман. Аммо улар билан борди-келди қилмайман. Агар маъқул кўрсангиз, сиздай ҳурматли меҳмонга эшигимиз ҳамма вақт очиқ. Ўз уйингиздай тураверасиз. Сизга от-аравани ҳам юборган эдим.

Ғиёсхўжа ҳайрон бўлиб турган Ҳамзанинг кўлини қисиб, самимий сўрашди. Ҳамза бирмунча иккиланиб қолди.

— От-арава сизники эдими? Мен сиздан бу илтифотларингиз учун гоят миннатдорман. Кира ҳақини тўлашга рухсат этсангиз. Мен унинг қиёмат қарзи бўлиб қолишини истамайман. Умуман, тили қисикликни ёмон кўраман,— Ҳамза чўнтагидан пул чиқарди.

— Бунингиз нимаси, арзимаган ишга ҳам... Ахир бу бизнинг бурчимиз. Уят бўлади-я, домла! Наҳотки бизни шунчалик майдакаш деб билсалар, хафа бўламан, пулни чўнтагингизга солиб қўйинг.— У пулни рад этди.— Менга билдирган миннатдорчилигингиз ҳам кифоя. Сиздай одамнинг ҳожатини чиқариш биз, фақирларга бахт-саодат-ку...

— Йўқ, пулни олмасангиз, кўрсатган илтифотингиз менга татимайди, ҳеч тортинмай олаверинг.— Ҳамза пулни Ғиёсхўжанинг қўлига қистирди. Ғиёсхўжа пулни беихтиёр маҳкам чангаллаб олди. Бу қилигидан ўзи хижолат тортгандай, пулни Ҳамзага қайтариб берди-да:

— Начора, агар сиз бу билан хурсанд бўлсангиз,

кўнмоқдан ўзга илож йўқ. Пулни аравакаш Омонтойга бера қолинг бўлмаса,— деди.

— Хўп, аравакашга бўлса, аравакашга-да,— деди Ҳамза пулни Омонтойга узатиб.— Менга барибир, ишқилиб, мени шу ташвишдан қутқарсаларингиз бўлгани.

Ҳамза пулни Омонтойга берди. Шу пайт сал нарида чўққайиб, бу ходисани четдан кузатиб турган норғил, елкадор, эғнида тирсақлари ситилиб кетган, унниққан қора лас чопон, белида ҳошиясига ғазал тикилган кўк сурп қийиқ, йигирма беш йигирма олти ёшлар чамасидаги ўктам йигитга кўзи тушди. У тўпланиб турган батрақларнинг олдида Ҳамзага яқин келиб турарди. Ҳамза унга мурожаат этди:

— Уй масаласида, балки сиз менга бирор маслаҳат кўрсатарсиз? Биз кўриб турганингиз уч жонмиз. Аббосхоннинг пича шўхлигини айтмасак...

— Визникига қўнсангиз бошимиз осмонга етарди,— деди ҳалиги йигит очиқ чеҳра билан.— Лекин... хоналаримиз унақа кенг, мўл эмас, каталак. Бўйрамингиз ҳам анча уриниб қолган. Агар майли десангиз, бош устига. Онам ҳам хурсанд бўладилар...

— Ҳечқиси йўқ, эски бўйра ҳам бизга ярайверади,— деди Ҳамза гапни шартта кесиб.— Аввал танишиб олайлик. Исмингиз нима?

— Алижон,— дея жавоб берди ҳалиги йигит илжайиб.

Ҳамза Алижонларникига кўчини тушириб, у айтган хонага жойлашиб олди. Хона кичкина бўлса ҳам шинам, токчада ҳар хил китоблар ораста, озода эди. Алижоннинг онаси, ўғли айтгандай, дарёдил, серғайрат хотин эди, меҳмонларни жуда хурсанд бўлиб қаршилади, айланиб-ўргилиб тоза тўшакка қўярда-қўймай ўтқазди, ҳориб келгансизлар, деб дастурхон ёзиб, икки сопол косада қатиқли мастава келтириб қўйди.

Олтинчи боб

ТОҒ ҚИЗИ

Ҳамза дастлабки кунларни Шоҳимардоннинг атрофларини сайр қилиб, қишлоқ билан танишишга бағишлади. Бу қишлоқнинг ўз хосияти ва зўр жозибаси бор. Қишлоқ сени ҳеч нарсадан чекламайди. Ҳамза қишлоқнинг ажиб жойларини томоша қилди. Қўшхарсанг тағидан қайнаб чиқаётган Кўк сувнинг куйини тинглади, тошни тошга уриб оқаётган Оқ сувнинг шовқин-суронини эшитди, ноласига қулоқ солди. Кичик-кичик, лекин

текис ерларда қўшиқ айтиб қўш ҳайдаётган, мола бо-
саётган деҳқонлар билан салом-алик, «Ҳорма, бор бўл!»
қилишди. Тошлардан сизиб чиқаётган зилол сувлардан
қониб ичди, ўрик дарахтлари соясида майсага ётиб,
эзгулик ҳақидаги режалари тўғрисида узоқ-узоқ хаёл
сурди...

Бу дилбар манзара ва ширин хаёллар шоир қалбига
ҳақиқий ёшлик завқини, ҳаёт сайқалини бахш этар
эди...

Бир куни Ҳамза Шоҳимардоннинг остидаги катта
харсанг устида қўлида танбур, ўзича хиргойи қилиб,
кейин уни танбурда чалиб, куйнинг ўзига маъқул бўл-
ган яхши жойларини ён дафтарчасига ёзиб ўтирар эди.
Бирдан узоқдан аёл кишининг ашуласи қулоғига чали-
ниб қолди. Овоз қўнғироқдай жарангли, тиниқ, дилра-
бо эди. Ҳамза танбурни тиззасига қўйиб, диққат билан
қулоқ сола бошлади. Орадан уч-тўрт дақиқа ўтар-ўтмас
рўпарасидаги сўқмоққа юзини чопонча билан ярим
тўсган, сочларини майдалаб ўрдириб орқасига ташлаб
олган бир аёл баҳайбат қоя орқасидан чиқиб келди. У
Ҳамзани кўрмас, ўз дарду ҳасратини айтиб, ёниб-ўрта-
ниб куйлар эди.

Ҳамза нафасини ичига ютиб тинглади, бу аёл ашула
қилиб айтаётган нарса юракнинг чуқур қаъридан оти-
либ чиқаётган нола, фиғон бўлиб кирди унинг қалбига
ва ҳозиргина табиат манзарасига суқланиб қараб, маст
бўлиб ўтирган шоирнинг таъби хира тортди. У, Ҳамза
хаёл қилгандай аёл эмас, ёшгина қиз бола экан. Уни
кўрди-ю, онаси Жаҳонбибининг эртақларидаги афсона-
вий қиз кўз олдида сурат тортди. «Сени туққан онанг-
га балли-е!» деб кўйди Ҳамза ички беғараз бир завқ
билан, кейин уни чўчитиб юбормаслик учун бир-икки
томоқ қириб йўталиб қўйди. Қиз ялт этиб қараб, тош
устида ўтирган Ҳамзага кўзи тушди-ю, юзини яширди.
У, тош сағидан ўзиб кетаётган эди, Ҳамза гап ташлади:

— Ажойиб сизнингиз бор экан, сизглим, — деди ва
дарҳол қўшиб қўйди. — Бироқ ашуланинг сўзи менга
маъқул келмади, киши кўнглини ваёрон қилиб юбора-
ди. — Қиз таққа тўхтади. Ҳамза давом этди: — Бошқа
аниқлаларни ҳам, масалан, тетиқ, хушчакчак кўшиқ-
ларни ҳам айтиш керак.

Қиз Ҳамза кўмон ўнгирлиб, унга бир фурсат тики-
либ қолди. Маътовдан лабига яширинча кулги илди, у
қора кўзларида жилваланди. Кейин тоғ кийиғидек чақ-
қан ҳаракат билан юзини яна яширди.

Табиатдан улуғ санъаткор йўқ. Инсонни ҳамма нарсадан кўра гўзал, дилбар, мукаммал қилиб яратган, инсон — мўъжиза. Мана, қаранг, бу қиз қандай гўзал, қандай зебо. Овози ипак сингари майин, ҳаётбахш. Булар паранжи учун, кишан учун эмас, балки эрк, бахту икбол, тоза муҳаббат учун туғилганлар, деган хаёл лип этиб ўтди унинг кўнглидан. Кейин нима қилишини билмай тўхтаб турган қиздан сўради:—

— Нега қўрқиб кетдингиз, синглим? Мендан ҳадиксираманг, сизга ҳеч қанақа ёмонлик қилмайман. Бу ерга сизга ўхшаганларни ўқитиш, саводсизлик балосидан халос қилиш учун келганман.

— Сиз ким бўласиз?— сўради қиз эшитилар-эшитилмас овоз билан.

— Эшитганмисиз Ҳамза деган ҳаваскор шоирни?

— Ҳамза?— қиз бир лаҳза жим бўлиб қолди-да, дадилланиб сўради.— ҳалиги юртга қўшиқ тўқиб берадиган шоир Ҳамза сиз бўласизми? Ҳа, эшитганман.

— Мен тўғримда кимдан эшитгансиз?

— Алижон акам билан Меҳридан. Сиз Алижон акамларникида турасиз.

— Алижон кимингиз бўлади?

— Қўшнимиз,— деди у ерга қараб. Кейин бошини кўтариб давом этди.— У — қўшнимиз. Ўзи батрак, отаси шайх Исмоилнинг қароли эди. Яқинда вафот этди.

— Шундайми?— деди Ҳамза бошини аста кўтариб, худди ўзига гапираётгандай деди:— Демак, сиз Санобар экансиз-да? Дугонангиз Меҳрини танийман. Очиқ-кўнгил, шаддод қиз.

— Менинг отимни қаёқдан биласиз?— деб сўради Санобар ҳайрон қолиб.

— Кимдан билардим, Алижондан билиб олганман. Меҳри тўғрисида ҳам ундан эшитган эдим,— деди Ҳамза гапни ҳазилга буриб. Лекин ўша заҳоти жиддий тус олиб, Санобарга мурожаат этди.— Синглим Санобархон! Яхши овозингиз бор экан. Сиз ўқишингиз керак, каттакон санъаткор бўласиз. Одамлар қўшиқларингизни эшитиб, ундан олам-олам баҳра оладилар. Дўстлар роҳат қилиб тинглайди, рақиблар қон-қон йиғлайдилар. Хулласи калом, албатта, ўқишингиз керак... Нега индамай қолдингиз, синглим?

— Ашула айтишимга отам изн бермайдилар-да,— деб жавоб берди Санобар ёш боладай хўрсиниб.

— Отам дейсизми?— деди Ҳамза тундлашиб.— Ис-

тасангиз, мен у киши билан бир гаплашиб кўрардим. Узим ўқитаман дейман. Отангизнинг исмлари нима?

— Шодмонхўжа,— деди Санобар паст овоз билан.— Бироқ у киши кўнмайдилар-да.

Шу пайт узоқдан «Са-но-ба-а-ар!» деган товуш эшитилди. Қиз олазарак бўлиб, типирчилаб қолди.

— Ана, мени чақиряптилар,— деди у маъюслик билан. У ўгирилиб, отасининг овози келаётган томонга жўнаб кетди.

— Ҳамза Санобарнинг бир лаҳзада сўлиган гулдай маъюс бўлиб қолганидан ҳайратланиб, кетидан қичқирди:

— Ноумидликка тушманг, синглим, дадил бўлинг! Виз ёрдам берамиз!

Ҳамза Санобарнинг орқасидан бирпас қараб турди, у муюлишга бурилиб, кўздан ғойиб бўлгач, орқасига ўгирилиб тепаликка кўтарила бошлади. Ҳамза билан Санобар ҳозир бир нафасгина гаплашиб турган жойдан сал нарироқдаги харсанг тагидан ногоҳ Ғиёсхўжа чиқиб келди, Ҳамза билан сўрашиб, унга эргашди. Улар тепанинг энг юқорисига чиқиб олишди. Мақбара пастда қолиб кетди. Ҳамза бир тошга ўтирди, Ғиёсхўжа ҳам унинг ёнига келиб чўкди. Бу ердан мақбара олдидаги текис майдонча яққол кўриниб турар эди. Майдонда одам қайнаб-тошиб ётар, Ҳамза уларга жим тикилиб ўтирарди. Жимликни Ғиёсхўжа бузди:

— Мақбарага қаранг, домла. Қандай ваҳшийлик. Қандай бемаънилик! Халқнинг жоҳиллигидан фойдаланиб, шайхлар уларнинг бор-йўғига қарамай, талаши-ни кўринг. Сўнгги кўйлак-иштонини ечиб олишдан ҳам тортинишмайди-я, ноинсофлар. Астағфирулло, астағфирулло!

Ҳамза Ғиёсхўжага ҳайрон бўлиб қаради.

— Нега ҳайрон бўлаётганлигингизнинг боисини тушунаман, муҳтарам Ҳамза,— деди Ғиёсхўжа айёрона жилмайиб.— Сизнингча, мен мақбара орқасидан кун кўрувчи анави шайхлардан биттасиман. Тўғри, мен уларнинг авлодиданман, лекин шундай деб айтиш мумкин бўлса, мен одатдаги шайхлардан эмасман, мен — қизил, яъни Шўро шайхиман.

— Шўро шайхи дейсизми?— Ҳамза қотиб-қотиб кулди.— Шўро эшони! Шўро босмачиси! Улай агар бунақасини кўриш у ёқда турсин, эшитган ҳам эмас эдим. Сиз жуда ҳам аскияга уста экансиз, тақсир!

Ғиёсхўжа ҳам бўш келмади. Ҳамза билан баробар

қотиб-қотиб кулди. Кейин жиддий тус олиб давом этди:

— Ҳақ гапни айтяпман сизга,— деди у.— Мен ўша қизил, Шўро шайхиман. Мен шарнатни ипидан-игнаси-га қадар ўргандим, бунинг учун умримнинг ўн йилдан зиёдроқ вақтини Бухоро ва Истамбул мадрасаларининг тупроғини ялаб ўтказдим. Бу даврда нафақат диний таълим олдим, балки ҳарбий билим юртларида ҳам таҳсил кўрдим. Лекин фақат қуръонни ўқибгина кифояланмадим, шунингдек, Маркс, Энгельс ва Ленин асарларини ҳамда Сталиннинг «Ленинизм масалалари»ни ҳам ўқиб, мағзини чақдим. Уларни ўзимча тушундим, дин ҳар бир кишининг шахсий иши эканлигини ҳам тушуниб олдим. Мана сиз ҳалолхўр, вазифашунос, интизомкор зиёлисиз... Қани менга айтиб беринг-чи, нима учун мана шу шахсий ишга Шўро ҳокимиятига душманлик кайфиятидаги одамлар раҳбарлик қилишади? Мен Шоҳимардон мақбарасининг муқаддаслигига сиздан ортиқ ишонмайман, халқ ҳозирча унга ишонар экан, бу мақбарага худди мен сингари шайх ва эшонлар керак ва зарур.

— Сиз чиндан ҳам бўлакча шайх экансиз,— деди Ҳамза, Гиёсхўжанинг гапини бўлиб. Унинг овозида истехзо йўқ эди.— Қизиқ!..

Шу пайт мақбара томондан ваҳшиёна ҳайқириқ эшитилди.

— Нима гап?— деб сўради Ҳамза.

— Мутаассифликнинг навбатдаги ифодаси,— деб жавоб берди Гиёсхўжа, нафратлангандай афтини буриштириб.— Дарвишлар ўз зикрларини бошлашяпти. Бугун жумъа-ку, ахир.

Ҳамза ўрнидан туриб, мақбара томон шошилинич туша бошлади. Гиёсхўжа ҳам индамай унга эргашди.

* * *

Алижон иштони почасини тиззасигача шимариб олган, пешонасини эски рўмол билан танғиб, ер ағдарар эди. Кетмонини ерга ҳар урганида бўғзигача ерга кириб кетар, тош-шағал аралаш тупроқни орқа томонга отарди. У терлаб кетган, бадани офтобда қорайиб, бўртиб чиққан мушаклари мисдай йилтилларди.

Даланинг этак томонидан Омонтой унинг олдига ҳаллослаганича югуриб келди. Дўсти билан: «Ҳорма, бор бўл», қилди-да, унга маъюс тикилди.

— Фалокат, Алижон, фалокат!— деди. Алижон ун-

га савол назари билан қаради. Омонтой ҳаяжондан бўғилиб, узук-юлуқ қилиб тушунтирди:

— Мияси ачиган чол Шодмон ака Санобарни шайхга назир қилар эмиш...

Алижон кетмоннинг сопига суянганича, бир зум гангиб қолди.

— Бу чол миясини еб қўйганга ўхшайди, кўра-била туриб қизини ўтга ташламоқчи, энди нима қилдик, дўстим? Бирон маслаҳат берсанг, деб келдим. Санобарнинг шўри қурийди-ку, ахир.

— Эҳ, пешонам шўр экан, ошна! Бир ташвишдан қутулмасимдан иккинчиси таппа босади,— деди Алижон Омонтойга, бирон нажот топ, дегандай мўлтираб.

Омонтой бир лаҳза ўйланиб қолди, кейин бошини кўтариб, Алижонга қаради.

— Вугун шайхларнинг ҳаммаси шу ерда, дарвишлар ҳам галалашиб келишган,— деди-да, кейин ўйчан ҳолда қўшиб.— Жуда мушкул...

Алижоннинг тарвузи қўлтигидан тушиб кетди, бирдан-бир яқин одамидан бу дудмал гапни эшитиб, бошини ерга солганича кетмон дастасига суяниб ўтириб қолди. Омонтой Алижоннинг бу аянчли аҳволдан эзилиб кетди. Шу пайт бирдан Алижонга хитоб қилди.— Йигитларимизни чақириб кел, маслаҳатлашиб, бирон чорасини топамиз!

Алижоннинг ҳафсаласи пир бўлиб, қўлини силтади.

— Ҳеч ким йўқ. Ҳаммасини хўжайинлар ҳар томонга юмуш билан юборишган. Бири тоққа, бири бозорга, яна бири бошқа ёққа кетган... Қишлоқда уч-тўрт киши қолган, холос...

Лекин Омонтой жуда қизишиб кетган, шайхларга нисбатан кўнглида мавж урган туғённи ҳозир ҳеч қандай куч босолмас эди. У Алижонга буюрди:

— Барибир. Болаларни йигиб келавер... Қани, тез бўл! Қўлни қовуштириб, қараб ўтирадиган пайт эмас ҳозир, кейин кеч бўлиб қолади...

Еттинчи боб

НАЗР

Шодмонхўжа шайхнинг ҳузурига шошилди.

— Тақсирим!— деди у шайх Йсмоилга, пешонасига тап этиб уриб кўзлари тир-пир учиб.— Наҳотки ёруғ дунёда юриб-юриб етиб келган жойим шу бўлса... Арзимга қулоқ беринг, кўнглимнинг додига етинг. Мен бу

ерга қизим Санобарни олиб келдим. У олдинлари жуда мўмин-қобил эди, яхши қиз.— ёқадаги қундуз, деганлар. Ҳа, қундузим, қундузим бўлиб сира измимдан чиқмасди. Энди бўлса унга нимадир бўлган, ҳар хил бўлмағур васвасаларга берилиб, мени ташвишга солиб қўйди. Илгари ундан хотиржам эдим, ҳозир бетинч бўлиб қолдим, назаримда унга алвастиларнинг сояси тушганга ўхшайди... У бир қарасанг, паранжини ташлаб, очилмоқчи бўлади, бир қарасанг, ашулачиликка ўқимоқчи бўлади. Бир шаҳарга бориб театрга кираман, дейди, бир... хуллас, сал кунда ўзбошимча, этаксиз қиз бўлди-қолди... Нажот истаб сизга олиб келдим...

Шайх Исмоил «бу ишни яхши ўйлабсан» дегандай бошини силкиди.

— Жуда яхши ўйлабсиз, Шодмонхўжа, — деди шайх, юзига улугворлик, кўкрагига савлат бериб. — Сиз хўжа авлодсиз, — сўзида давом этди у: — қизингизнинг имонига шайтони лаъин чанг солибди, уни эшон оғи ҳузурида қолдиринг. Бирон ҳафта ўқитиб, дам солдирайлик, шояд ўзига келса. Дуога шак йўқ, дейдилар. Албатта, шайтоннинг шаръидан халос бўлгусидир, чиққан қиз чизикдан нари, бирон мўмин-мусулмонга узатиб юборсак, сизу бизга саваби тегади, — деди у ва лаблари пичирлаб юзига фотиҳа тортди.

Шодмонхўжа икки букилиб, шайхнинг барини кўзига суртди. Илонга ром бўлган чумчуқдек жим бўлиб қолди. Шайхнинг юмшоқ муомаласидан таъсирланиб кетиб, кўзида ёш ҳалқаланди:

— Раҳмат, мендан қайтмаса, худодан қайтсин, пирим.

— Нима қилиясиз, ота! — деди бунинг устига етиб келган Ҳамза Шодмонхўжага қараб. — Кўра-била туриб қизингизни ёниб турган ўтга ташлаяпсиз-ку!

— Хўш, юзи очиқ бир қиз эркаклар олдида қилпиллаб турсинми? Сизга шу маъқулми? Йўқ! Бундан кўра қизинг ўлгани яхши! — деди Шодмонхўжа Ҳамзага ўшқириб. У ўзининг ишидан ғоятда мамнун эди. Шайх Исмоилнинг ишораси билан қизни бир тўп паранжили аёл қуршаб олди. Бу ҳодисанинг устига етиб келган Омонтой ўзи бошлаб келган одамлар орасини ёриб олдинга ўтди.

— Бу ишга нега аралашдингиз, домла, — деди қишлоқ Шўросининг раиси Валихон Ҳамзага қараб. — Бу шахсий иш. Бунга аралашингизга маҳаллий ҳукуматга ваколат берилмаган. Шайх Исмоилхўжа покиза, киши-

ларга яхшилик тилайдиган бир хоксор одам... Ҳамма учун ота, бузруквор.

— Ота!— деди Алижон Шодмонхўжанинг олдига яқин бориб, ўнгирдан хезланиб чиққан йўлбарсдек ўкириб.— Санобарни қайтариб олинг! Кейин пушаймон бўласиз!

— Нарӣ тур, дуойибад қиламан, бола!— деди Шодмонхўжа кўзлари қинидан чиқай деб.— Бунинг сенга дахли йўқ. Мен қизимни рост йўлга қайтармоқчиман...

Алижоннинг ичи «шиғ» этиб кетди, ўзини Санобар томон отди, бироқ шайх Исмоилни ўраб турган ҳар бири девдай-девдай келадиған бир тўп йигит уни худди сув юзида қалқиб юрган хас сингари орқага суриб ташлади. Батрақлар Алижоннинг ёнини олишди: Омонтой олдинга чиқиб оломонга қараб хитоб қилди:

— Бу қандай бедодлик, ахир! Бизнинг Шоҳимардонда Шўролар ҳукумати борми ўзи?— у ўзи томон муштини дўлайиб келаётган йигитни ёқасидан шаппа ушлаб, бир-икки силтади-да, даҳанига мушт туширган эди, у чалпақдай бўлиб йиқилди.

Ҳамза ҳам қизишиб кетган эди. Олдида турган Валихонни дағаллик билан четга туртиб, йўл очди-да, шайхнинг олдига яқин борди.

— Шайхим! Ҳеч бир лочин қанотида каптар тухуми илиган эмас. Қизни озод қилишингизни маҳаллий ҳукумат номидан талаб қиламан. Уни отасига қайтариб беринг, уйига олиб кетсин!— деди у шиддат билан. Лекин шайх худди чўнг қоядек «қилт» этмади. У ўзига хос салмоқ билан Ҳамза қараб:

— Муҳтарам шоир, сизнинг эътиқодингиз, имонингиз, йўлингиз бошқа. Ўз йўлингиздан қолманг. Биз сизнинг ишингизга дахл қилаётганимиз йўқ. Сиз ҳам бизнинг диний урф-одатларимизга дахл қилманг, оқибати яхши бўлмайди,— деди мулойимлик билан. Кейин пилигини сал баланд кўтариб, илова қилди.— Сиз ёшлиқда қандай бўлсангиз, ҳалиям ўша-ўша чўрткесар, ўжар, қизиққонсиз. Сизга худо инсоф бермади-бермади. Бу қиз, ўқишни ҳавас қилган. Аёл кишига ўқишни буюрмаган. Бу шариятда йўқ.

Ҳамзанинг хаёлига бир яхши гап келди чамаси, маъноли қилиб жилмайиб қўйди. Шайхга қараб истеҳзо билан кулиб туриб:— Бор, шайхим, бор,— деб хитоб қилди.— Мана, эшитинг қуръонда нима деб ёзилган: Талабул илму фаризатун ало қулли муслимун ва муслимотун. Яъни: Ҳар бир муслим ва муслимага ўқимоқ

фарзидир. Бу оятни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Лекин амал қилмайсиз, шайхим, — деди Ҳамза.

Шайх жимиб қолди. Лекин бу йиғилган оломоннинг кўз олдида таслим бўлиш ўзининг шаънига муносиб келмаслигини ўйлаб, муқаддас мазорни пеш қилиб, юқоридан келишга тиришди:

— Кимки бу муборак даргоҳга, унинг шаънига дахл қилса, жузонмарг бўлур, — деди у. Шайхнинг овозида босиқ насиҳат оҳанги билан аллақандай таҳдид, ғазаб, интиқом садолари ҳам бор эди.

У пичирлаб юзига фотиҳа тортди. Оломон ичидан кўпчилик унга эргашди, ғалаёнга келди. Қандайдир бир йўғон одам оғир пишиллади, овозлар гулдуради. Шайхлар, дарвишларга эргашган, мутаассифлар Ҳамза ва унинг атрофини ўраб турган бағракларни суриб, бир чеккага қисиб қўйишди. Улар пастликка қараб чекиниб боришар экан, юқоридаги қутурган оломон ичидан ғазабнок овозлар эшитилди:

— Уларни янчиб ташламоқ керак!

— Қоядан пастга улоқтириш лозим!

— Тошбўрон қилинсин!

— Бизни тинч қўй, келган жойингга кет!..

Шу пайт бир аёл оломон ичидан ўқдек отилиб чиқиб, ўзини Ҳамзага ташлади. Қад-қомати келишган, ғоятда хушбичим, дид билан кийинган, қишлоқдаги аёллардан бутунлай ажралиб турарди. Бу — Зулфизар эди. У, Ҳамзанинг қўлидан маҳкам ушлаб олди-да, уни жонҳолатда четга тортқилаб, ёлвора бошлади.

— Бу нима қилганингиз, Аббосхон? Муқаддас мазорга тил теккизишга қандай ботиндингиз? Вой ўлма-сам, энди нима бўлади? Ахир деворни пешона билан уриб, қулатиб бўлмайди-ку... Тавба қилинг, Аббосхон? Дахмага бош эгинг. Худо кўрсатмасин, яна бирор корҳол бўлиб юрмасин. Буларга тенг келиб бўлармиди? Яхшиси, тавба қилингу балодан қутулинг!.. Уларнинг авзойидан қўрқиб кетяпман... Мени десангиз, тавба қилинг!

Зулфизар нима деб жавраётганини, эрини нега буйдалаётганини ўзи ҳам сезмасди. Икки гапнинг бирида: «Тавба қилинг!» дерди. Эрининг гуноҳи нима, дахмага қандай қилиб тил теккизди, шайх билан нимани талашди — билмас, балки билишни истамас, бунга фурсати ҳам йўқ эди. Зулфизар ўкраб йиғлаб юборди.

Ҳамза хотинидан буни сира кутмаган эди. Унинг кейинги беш-олти кун ичида бунчалик ўзгариб кетгани-

ни ақлига сиғдиролмаб, лол бўлиб қолди, бешни айла-ниб, кўз олдини қоронғилик босди. Хаёлида аллақандай хунук бир манзара намоён бўлиб, ҳамма нарса ундан кулаётгандек туюлиб кетди.

Тепаликдаги хонақоқ, мазор, дахма, гумбаз устидаги туғлар, кўчқор шохлари... азим туп чинор шохларига илиб ташланган хилма-хил латта-путталарни силкиб қақ-қақ урди. Бу қақ-қақни шамол тоғлардан учириб олиб кетди ва одамларнинг кўнглига гулу, ваҳм солди... Йўқ, мазор саҳнидаги азамат чор чиноргина эмас, унинг бир-бирига айкашиб кетган шоху булоқларига одамлар илиб ташлаган ўша латта-путталар ҳам шамолда биланглаб арғимчоқ учиб, ундан кулди, масхара қилди...

Кейин унинг кўзи ногоҳ хонақоқ пешайвонига тушди. У ердан узун чопон кийган эчки соқол, юзлари ажина қошиқдек кичкина одамлар қўлларида тасбеҳ, муштдек бошларида қозондек салла, кимгадир қўлларини бигиз қилиб, уни лаънатлашди, соқолларини тутамлаб қақ-қақ уришди. Улар бирдан баҳайбат дев қиёфасига кириб кула бошлашди. Уларнинг бу қаққақаси тоғу тошни қарсиллатиб, ларзага келтирди. Шундан кейин ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди...

Ҳамза ўзига келди. Уни Зулфизарнинг ҳалиги сўзлари карахт қилиб қўйган эди. У Зулфизарга бир ўқрайиб қўйди. У ҳеч вақт хотинига бундай қарамаган эди.

— Уялсанг бўлмайдими... Бу муттаҳамларга қандай жин уриб, ишона қолдинг. Йўқ, улар олдида биз эмас, янги турмуш олдида шайхлар қалтирасин, унинг ҳукмига бўйсунсин! Улар билан ҳали кўп дуч келамиз. Ҳозир уларга кўркўрона ишониб, алданиб юрганларнинг кўзлари очилади, ҳақиқат қайси томонда эканлигини кўриб, биз томонга ўтишади.— Ҳамза узоқ-узоқларга тикилган ҳолда ҳаяжон билан қизишиб сўзлар эди.— Ҳа, Зулфизар, кимки Шўро ҳукуматини севса, кимки уни деса, биз томонга, албатта ўтади. Биз эмас, улар тавба қиладилар. Чунки бу мазор ичида ҳозирча яшириниб турган сон-саноксиз қаттиқ жиноятлар шундай фош бўладики, эл-юрт олдида ерга қараб қоладилар ҳали улар!.. Деҳқонларнинг жон-жонига амбур солиб, қонларини сўрадиганлар мана шулар-ку, Зулфизар! Устод Максим Горький таъбири билан айтсам, булар темир чангаллари билан эл-юртнинг кўксига қўл

солиб, ёмонлик уруғини сепаптилар, энди ундан шаф-
қат эмас, қаҳр-ғазаб кутсинлар!

Саккизинчи боб

ҚИЗИЛ ШАЙХНИНГ ҚОРА НИЯТИ

Кеч кирган. Мақбара олдидаги майдончада одам сийрак. Мўъжизали тут дарахти тагида Зулфизар мунгайиб, паранжига ўралган ҳолда хаёли тарқоқ, йиғлаб турибди, ранги оқара тушган, шахло кўзларидаги қора олов сўнган, гавдасида сўлгинлик, аллақандай мусибатзадалик кўринар эди. Унинг олдига Ғиёсхўжа оҳиста юриб келди. Унга ачинган бўлиб, бир неча дақиқа қараб тургач, овозини пасайтириб овутишга тушди.

— Ўзингизни қийнаманг, синглим,— деди у атрофга олазарак қараб олиб.— Ҳаммаси яхши бўлиб кетади... Эркак ҳамма вақт эркаклигини қилади... Жаҳл чиқса, ақл кетар, дейдилар. Қўйинг, хафа бўлманг. Тафтидан тушиб ҳовури пасайиб қолади.

— Энди нима қиламиз,— деди Зулфизар ички бир тўлқин билан уҳ тортиб.— Ҳамзага бир нима бўлмасайди деб қўрқаман... Шундоқ муқаддас жойни, шайхни менсимаслик...

— Ишга хотин киши аралашдим, эркак киши эсини йўқотади. Ташвиш тортманг, ҳурматли Ҳамза ака унақа анойи эмас, ўз ишига пишиқ одам, ақлини йиғиштириб олади, мени айтди дейсиз.— Ғиёсхўжа бир лаҳза жим бўлиб қолди-да, айёрона илжайиб қўйди, кейин тагдор қилиб давом этди:— Шоҳимардоннинг қизлари қурсин, булар қиз эмас, асли пари дейишади. Тошдан-тошга сакраб ўсган қизлар-да. Худо ҳусн, бичим, латофатни йиғиштириб шуларга берган... Бир бор кўрган йигитнинг юрагини така-пука қилиб юборишади...— Ғиёсхўжанинг бу гапларни айлантиришидан муроди Шоҳимардон қизларини мақташ эмас, балки Зулфизарнинг юрагига шубҳа уруғини ташлаб қўйиш учун йўл очиш эди. У ўзича ана шу йўл очилди, деб ўйлаб уруғни усталик билан ташлади.— Айниқса Санобар...

Зулфизар унга ҳайрон бўлиб қаради. Ғиёсхўжа уруғ ўз жойига тушмади, хаёл қилиб, эҳтиёткорлик билан уни мўлжал томон сура бошлади.

— Ҳеч хавотир қилманг, ташвишланманг ҳам. Улар қанчалик пари бўлмасин, сизнинг тирноғингизга ҳам арзишмайди!.. Ҳамза аллақандай ялангоёқнинг қизини деб сиздан кечармиди?!

— Зулфизар сергак тортди. Шахт билан бошини кўтарди. Ғиёсхўжа уруғни ўз жойига суриб олиб қўйган эди.

— Қанақа қизни айтяпсиз? Нималар деяпсиз ўзи?.. Ҳеч нарсага тушунмаяпман?— дея сўради Зулфизар, таъби хира бўлиб.

— Ҳеч нарса деяётганим йўқ. Фақат сизни овутияпман, шубҳаларингиз беҳудалигини эслатиб қўяяпман, холос. Лекин Шодмонхўжанинг қизи чиройли бўлган билан сизчалик эмас.

— Шодмонхўжанинг қизи? Унинг нима алоқаси бор бунга?

— Ахир ҳамма жанжал ўшандан бошланди-да. Ҳали хабарингиз йўқмиди бундан? Ўша куни шайх Шодмонхўжанинг қизи Санобарни эшонойимнинг ҳузурарида қолдиришга амр қилганларида, эрингиз у зот-бобаракот билан айтишиб қолдилар-да. Ўшани деб сал бўлмаса ҳаммамиз тошбўрон бўлиб кетаёздик-ку, ахир. Бу ёгини сўрасангиз, у қизни отаси шайхга назр қилди, ўртоқ Ҳамза бунга қаршилиқ кўрсатиб, жанжал кўтардилар. Бор гап шу, холос. Ҳа, айтмоқчи, тоғда ҳам улар атайлаб эмас, мутлақо тасодифан учрашиб қолишган...

Ғиёсхўжа уруғ жойига ўрнашиб, илдиз отишига ша роит яратарди.

— Ҳамза ака Шодмонхўжанинг қизи билан тоғда учрашган, дедингизми?— Зулфизар ҳаяжонланиб сўради. Унинг томоғига бир нарса келиб тиқилди. Бошқа гап айтолмай Ғиёсхўжага ғилтиллаб қараб қолди.

— Одамларнинг гапи бу... Аммо лекин ўртоқ Ҳамза табиатан хушчақчақ, соҳибжозиб адам эмасми, ким билан гаплашмасин унинг нозик таъби, хушфаросат, озода такаллуми, юксак дид эгаси эканлиги дарров мафтун қилади қўяди, қизиқ-қизиқ гаплари билан ичагини узгудек кулдиради. Бир куни Санобарни учратиб, ўзи танбур чалиб, унга ашула айттирган экан, ўшани айтган бўлишса керак. Лекин мен аминманки, улар тасодифан бир-бирларига дуч келиб қолишган. Сизга мана шунни айтиб қўймоқчи эдим...

Ғиёсхўжа ташлаган уруғ туп қўйиб, палак ёза бошлаган эди. Зулфизарнинг юзида акс этган ўзгаридан Ғиёсхўжа муроди ҳосил бўлганини кўрди-да, бу ёгини пардалашга ўтди:

— Нега безовталанасиз, ҳар нарсага ҳам шубҳалана бериш яхши эмас. Домла Ҳамза ўша қиз билан тез-

тез учрашиб турган бўлганида хавотирлансангиз бўларди. Бунга менинг ақлим сира бовар қилмайди. Шуниси ҳам борки, ўртоқ Ҳамза бу ерда муқим турмасалар керак. Чунки у кишини янада баланд мартабаларга чақириб олишади.

Зулфизар қулоғи Ғиёсхўжада, лекин ўзи қалбида таталаётган бир бирига зид туйғулар ҳукмига ихтиёрини топширган, ўй сурарди. «Эри Ҳамза бу мазорда нима ишлар қилади? У йўлдан озиб, ножўя ишлар қилиб юрган бўлса, Зулфизар эл олдида нима деган одам бўлади? Ҳамза айтганидан қайтмайдиган, чўрткесар одам. Салга ёниб кетади. Наҳотки, шундоқ садоқатли эри хиёнат йўлини тутса?!»

Бу ўй, бу шубҳа кўнглининг бир чеккасини хира қилиб қўйди. «Худо ўзинг унга инсоф бер... йўлдан оздирма... имонини саломат сақла», деди фикран. Шу пайт қулоғига Ғиёсхўжанинг овози эшитилди. У ҳамон давом этарди:

— Шоҳимардондан кетдилар дегунча, аллақандай Шодмонхўжанинг пахмоқ қизи Санобарни унутиб юбордилар. Сиздай хотинлари туриб, унга кўнгил қўйишларига ҳеч ақлим бовар қилмайди.

— Ҳали тоғда учрашиб туришган, денг? — деди Зулфизар бутунлай бўшашиб.

— Бу фақат миш-миш, холос. Лекин бир марта учрашишганини ўзим кўрдим. Бир соатми, бир ярим соатми у ёқ-бу ёқдан гаплашишди-да, ўз йўлларига кетишди. Бошқа ҳеч гап бўлгани йўқ.

Ғиёсхўжа аллақачон Зулфизарни пичоқсиз бусмил қилган эди. Зулфизар орқасига секин ўгирилди, худди яраланган кийикдай гандираклаб, тепаликдан пастга қараб йўл олди. Унинг қалбида қарама-қарши шубҳалар бир-бири билан талашар, унда, бир томондан, Ҳамзага нисбатан адоватга ўхшаш аллақандай туйғу бош кўтарса, иккинчи томондан, уни қизганар эди. Қишлоқ томон тушиб борар экан, хаёлидан: «Ҳамзага иқтисоди менга бевафолик қилса?!» деган гап ҳеч нари келмади. Кейин бунга зид тушунчалар бирин-кетин кайракдан ўтди. Ҳамза чинакам вафодор, ҳалол эр, вақидан айбат бўлиб гавдаланди. Бу хаёлотлар орасида Санобар ҳам аҳён-аҳёнда пайдо бўлиб қолади, у шайло бўлди дегунча Ҳамза Зулфизарнинг назаридан узоқроқдаги чеккини кетар, узоқдан туриб уни мажарасидан ўтдириб илжайиб қўярди. «Йўқ, — деди Зулфизар. — Ҳамзага ўзи баҳсдашиб. — Ҳамза менга! Бундан олдинки ҳеч

кимга бермайман!» Шу пайт Зулфизар кимгадир тур-
тушиб кетди. То у ўзини ўнглаб олгунича ҳалиги одам:
«Кўзингга қараб юрсанг бўлмайдим!» дегандай бир
ғалати қараб қўйди-да, пастликка қараб, сакраб-сакраб
тушиб кетди. Зулфизар ўзини қўлга олиб, эҳтиёткор-
лик билан жадаллар эди. «Номарднинг хотини бўлгун-
ча, марднинг беваси бўл», деган сўз қулоғида такрор-
такрор жаранглади. У пастга тушиб олгач, уйига қараб
илдам қадам ташлаб кетди. Дарани тун пардаси ў-
оғушига ола бошлаган эди, Зулфизар тор ва қинғир-
кийшиқ йўлакка бурилди. Муюлишдан ўтгач, қишлоқ
майдончасига чиқди. Майдончанинг чаккасида бир тўв
одам ўртасида турган Ҳамзага кўзи тушиб, у томон
югурди, аммо шу лаҳзада ўймакор эшикдан эғнида оғ
камзул, бошида каттакон салла, қўлида ҳасса—баланд
бўйли бир мўйсафид чиқиб, унинг йўлини тўсиб қолди.
Зулфизар уни таниб, икки букилиб салом берди, у
алик олди. Бу — шайх Исмоил эди. У таъзим қилиб
турган аёлга мулойимлик билан насихат қилди:

— Кўнгилни ғам юки босган пайтда, уни астойдил
ибодат қилиш билан енгил қилиш мумкин. Эсингда тут,
қазим, агар ғам-аламлардан фориг бўлишни истасанг,
ибодат қил, иншоолоҳ, ҳазрат Алининг арвоҳлари сени
қўллағай.

Зулфизар яна пастроқ эгилди. Шайх унинг олдида
виқор билан ўтиб кетди, бўм-бўш кўчадан сал юриб бо-
риб, зулмат қўйнида кўздан ғойиб бўлди.

Зулфизар майдончада тўпланиб турган одамлар
олдидан ўтиб кета бошлади. Шу пайт Ҳамзанинг овози-
ни эшитиб қолди.

— Дўстлар, Тошпўлатингиз ҳалок бўлган. Душман-
нинг қўли Шоҳимардондан Самарқандгача етиб, уни
хилват жойда хоинона ўлдирган. Дўстингиз ўртоқ
Охунбобоев билан учрашолмаган. Лекин сизларнинг
иккинчи мактубингиз Охунбобоевга етиб борган. У ки-
ши ҳаммасидан хабардорлар, сизларни қўллаб-қувват-
лайдилар. Биз фирқага суянамиз. Келинг, тақдиримиз-
ни қандай қилиб ўзгартириш ҳақида биргалашиб ўйлаб
кўрайлик, қандай чораларни амалга ошириш юзасидан
бир қарорга келайлик.

Унинг атрофида турган одамлар яқдиллик билан бу
фикрни маъқуллаб гулдирашди.

Зулфизар тез-тез юриб нафаси оғзига тиқилиб уйига
кириб кетди.

РАШК

Уйга бўйра, бўйра устидан эски йиртиқ кигиз тўшаб қўйилган бўлиб, ўртадаги хонтахта устида қўлёзма ва нота қоғозлари тахланиб ётарди. Бурчакка икки томонига пишиқ ғишт териб, устига бир эски эшик ва бир неча тахта ётқизиб, каравот қилинган. Хонанинг иккинчи бурчагига узун тахта қоқиб, тахта устига дасталаб китоб терилган. Зулфизар каравотда мунғайиб ич-этини еб ўтирарди. Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Бешинчи лампа милтиллаб ёниб турибди. Унинг шуъласи ҳам Зулфизарнинг кўнглидай хира. Юрагини алам ғижимлаган, хаёлкаш кўзларининг таги хиёл кўкаринқираб салқиган эди.

Бир маҳал Ҳамза кириб келди. У миқ этмай маъюс ўтирган Зулфизарга ўпка билан индамай қараб қолди. Кейин хонтахта олдига бориб, кигиз устига секин ўтирди-да, унга тикилиб туриб, чақирди.

— Зулфизарим!

— Лаббай, Ҳамза ака!— деб мулойимлик билан овоз берди Зулфизар.

— Нима учун индамайсан?

— Нимани ҳам гапирай?— деди у, аввалгидай секин жавоб қилиб.

— Гаплашадиган гапинг йўқми?

Орага оғир жимлик чўкди. Бир фурсат ўтгач, Ҳамза давом этди:

— Мен бир нарсага тушунмаяпман. Уша кунни мени бу эскилик маразлари билан яраштиришга қандай кўнглинг борди? Шайх Исмоилга тавба қил, дединг-а?

— Бундай қаттиқ кетмаслик керак эди,— деди Зулфизар ёлвориш оҳангида.— Ахир шайх Исмоил авлиё одам-ку!

— Авлиё одам эмиш,— деди заҳархандалик билан Ҳамза.— Бу авлиё ҳазрат Алининг мана шу муқаддас мақбарасига ўт урганини сенга айтган эдим-ку!

— Ишонмаганман, у тухмат эди. Бундай бўлиши мумкин эмас, Ҳамза ака,— деди Зулфизар, эрига илтижо билан тикилиб.— Сиз авлиё шайхни фақат ёмон кўриб қолгансиз. Шунинг учун ҳам бу ёлғон гапга ишонгансиз.

— Ахир буни мен ўз кўзим билан кўрганман. Шоҳимардондаги истаган одамингдан сўраб кўр, шайх

Исмоилнинг фатвоси билан мақбарага ўт қўйилганини ҳаммаси айтиб беради. Мақбара ичида ўшанда қирқ саккизта қизил аскар бўлган. Дўстимиз Степан Соколовни ўт ичидан ўзимиз тортиб олганмиз. Бу «авлиё» одам тусидаги ялмоғиз қирқта навқирон йигитнинг умрига зомин бўлган... Ишомасанг Соколовнинг ўзидан сўраб кўр. Зулфизарнинг оғзи очилиб қолди. У икки кафтини бирлаштириб, унга энгагини қўйди-да, Ҳамзага қаради.

— Наҳотки, бу рост... Шу иш шайхларнинг қўлидан келган бўлса... шундай азиз жойни-я?!

Ҳамза ўрнидан туриб, каравотнинг олдига борди, Зулфизарнинг белидан кучиб, ўзига қаратди.

— Тентаккинам, ҳали кўп нарсага тушунмайсан. Мен учун сендан яқин, суюкли, меҳрибон одам йўқ оламда. Сен бўлсанг, мени шундай хафа қилдингки... Худди елкамга ханжар ургандай бўлдинг... Шайхларнинг олдида тавба қил, деганингда шундай уялдимки, сени мутлақо танимай қолдим. Курашчи, инқилобчи шоирнинг рафиқаси бўлатуриб, авлиёликни даъво қилиб турган маразлардан қўрқдингми? Алам қилар экан кишига. Шайх Исмоил разолатнинг ўзи-ку, ахир. Унинг сиртига, бошидаги салласига ишонма. У ғирт муттаҳам одам.

— Менга осон тутманг, Ҳамза акажон!.. Сизга бўлган соф муҳаббатим туфайли қилдим бу ишни. Сизни қизганганимдан қилдим!.. Дуойибад қилмасинлар, деб қўрқдим. Бу шайхлар ҳазрат Алининг авлодлари дейишади. Қандай қилиб ишонмай уларга. Сиз бўлсангиз... — Зулфизар икки қўлини кўксига қўйиб, деярли кичқириб юборди. — Ахир ким ҳақ? Кимга ишонай?!

— Биз ҳақмиз, жонгинам, — деб қатъий жавоб берди Ҳамза. — Биз! Мен, Стёпа, Алижон... яна ўртоқ Охунбобоев. Энг катта ҳақиқат — бизнинг фирқамиз! Доҳий Ленин! У менга халқнинг кўзини бўяб кун кўрувчи барча текинхўрларга, жоҳилларга, жаҳолатга қарши курашмоқни буюрган. Сен — менинг суюкли рафиқам, энг яқин, энг ишонган ўртоғимсан. Шундай экан, қўрқоқ бўлишинг, ёнимни олмаслигинг мумкин эмас. Сен менга ёрдамчи бўлишинг лозим. — Ҳамза бир лаҳза ўзини босиб олдида, Зулфизарга энтикиб пичирлади: — Сенсиз менга жуда мушкул бўлади.

Зулфизар Ҳамзага қараб, унинг кўзларига тикилди. Улардан бирон хиёнат белгиларини излади. Лекин истаган нарсасини тополмади. Бу кўзлар Зулфизарга

өхтирос билан караб турар, уларда самимий туйгулар аксланарди. Шундай бўлса ҳам, Зулфизар гапни узокдан айлантирди.

— Сиз учун чиндан ҳам ҳаммадан азизманми? Мендан бўлакни демайсизми? А? Ростини айтаверинг, Ҳамза ака!.. — деди у кўзлари намланиб.

Ҳамза бундай сўрокни кутмаган, буни хаёлига ҳам келтирмаган эди. У ҳайрат билан хотинига караб қолди.

— Албатта, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Сени қанчалик севишимни биласан-ку, ўзинг ҳам. Ё бирор шубҳанг борми? — деди ҳамон гапнинг тагини тушунмай.

— Санобар-чи?

— Санобар? — Ҳамза ҳайрон бўлиб сўради. — Нечун сўрадинг Санобарни? Унинг нима гуноҳи бор экан?

— Тоғда у билан ўйнаб юрганингизни кўрган одамлар бор экан...

— Тасодифан учрашиб қолдим. Хабаринг бор, ази-вам, у қизнинг бошига оғир кулфат тушган... — Хотинининг ишончсизлик билан караб турганини кўриб, Ҳамза қизишиб кетди. — У онасидан санъаткор бўлиб туғилган. Унинг ажойиб овози бор. У жуда истеъдодли қиз!..

Шу пайт эшик тақиллаб, гап бўлиниб қолди. Ҳамза каравотдан туриб хонтахта олдига борди. Кейин овоз берди:

— Кираверинг, эшик очиқ.

Остонада Омонтой кўринди. У кичикроқ, дағалгина қилиб ишланган стол кўтариб олган эди. Унинг орқасидан Алижон иккита курсича олиб кирди, уларнинг кетидан Қамбарали қўлида «чақмоқ» тамғали чироқ билан кириб келди.

— Буларни қаердан топдиларинг? — деб сўради ҳайрон бўлиб Ҳамза.

— Устол Алижонники, курсичалар менга карашли. Булар биздан кўра сизга зарурроқ. Хонтахтадан кўра, устолга ўтириб ёзиш қулай-да, ахир. Шу арзимаган совғамизни қайтармай қабул қилсангиз-у, бемаҳалда келганимиз учун бизни маъзур тутсангиз, — деди Омонтой столни девор тагига ўрнаштириб кўяр экан. — Лампани менинг хўжайиним Ғиёсхўжа бериб юборди, — деб қўшиб қўйди Қамбарали.

— Бекорга овора бўлибди хўжайининг, ошнам, — деди Омонтой ҳазиллашиб. — Лампанинг ҳам бир ама-

лини ўзимиз қилар эдик. Шайх лампасининг ёруғи Ҳамза акамга тўғри гапларни ёзишга халақит бермаса дейман-да,— йигитлар хахолаб кулиб юборишди.

— Халақит бермайди,— деди Ҳамза кулиб.— Чунки лампани рус ишчилари ясашган, унга Боку лампамойини қуйсак, тўғри ёритадиган бўлади. Сизлардан жуда миннатдорман, дўстлар.

Ҳамбарали тахта устидаги китоблар олдига чўкди.

— Вой-бўй, мана бу китобларни қаранглар,— деди дўстларига юзланиб. Кейин Ҳамзадан сўради:

— Шуларнинг ҳаммасини ўқиб чиққанмисиз-а?

У Ҳамбаралининг ёнига ўтириб, китоблар орасидан учтасини олди. Уларни Ҳамбаралига кўрсатиб: «Мана бу учтасини ҳаммасидан ҳам яхши кўраман, буларни қайта-қайта ўқисанг ҳам, яна ўқигинг келаверади», деди.

— Уларни ким ёзган?

— Мана буниси,— Ҳамза қалин муқовали, тошбосмада босилган китобни кўрсатди,— Алишер Навоийники, бу улуг рус шоири Пушкинники, бунисини Владимир Маяковский ёзган. У ҳозир тирик, Москвада ишлайди. У билан узрашиш орзусидаман,— деб қўйди Ҳамза.

— Бу ўрис шоирларининг ёзганлари сизга манзур бўлса керакки, сиз бу китоблардан сира ажралмайсиз, шундайми?— Ҳамбарали Ҳамзага ҳаваси келиб сўради.

— Ўқиш, ёзишни ўрганиб олганингиздан кейин, сиз ҳам севиб қоласиз уларни, яхши йигит,— деди Ҳамза Ҳамбаралининг елкасига қўлини ташлаб.

Ҳамза Ҳамбарали билан бўлиб, Омонтой, Алижонни унутиб қўяёзган эди, китобларни жой-жойига қўйди-да, ўрнидан туриб, стол олдига борди.

— Нега тик турибсиз, дўстлар, ўтиринглар,— деди уларни курсига таклиф қилиб.

— Сизни чарчатиб кўямизми, деб қўрқаман, Ҳамза ака,— деди Омонтой.— Ботиқа куни келсак...

— Йўқ, йўқ, у гапни қўйинглар. Утиринглар,— деди Ҳамза уларни чин кўнгилдан ўтиришга таклиф қилиб.

— Тошқўлат тоғининг ўлгани биз учун жуда оғир мусибат бўлди-да,— деди Омонтой курсига ўтириб.— Сиз унинг хобасидан ярим шунча арақ топишсангиз, дедимки-ми? Лекин Тошқўлат тоғи бу нарғани ҳеч қачон оғзингиздан айтмаган эди.

— Ўртоқ Охунбобоевнинг шубҳаларига кўра, сиз-

ларнинг иккинчи хатингизни ҳам кимдир қўлга туширишга уринган. У киши бу ишни текширишни жуда ишончли ўртоқларга топширганлар.

— Тошпўлат тоға ўлса хатни бировга бермабдида, — деди Омонтой анча жимликдан кейин хўрсиниб. — Хатимизни ўртоқ Охунбобоев ўқибдиларми, ҳар қалай?

— Ҳа, ўқидилар, — деб тасдиқлади Ҳамза. — Мени сизларнинг олдингизга юбораётганларида ўқиб кўр, деб хатни менга ҳам бердилар.

— Аттанг, Тошпўлат тоға энди йўқ. Агар у бўлганида, сизга кўп ёрдами тегар эди, кўрган-билганларини сизга айтарди, — деди Омонтой афсусланиб.

— Ҳаммасини менга айтган, биламан, — деди Ҳамза.

— Ахир сиз уни учратмагансиз-ку, — таажжубланиб сўради Қамбарали гапга араллашиб.

— Хотира дафтарларини ўқидим. Уни ҳам Йўлдош ота бердилар.

— Хайрият-э! — деб юборди Омонтой, кўзлари чақнаб. Шу пайтгача индамай ўтирган Алижон «хотира дафтар» иборасини эшитиб:

— Тошпўлат ака айтиб турган, мен ёзган эдим ўша дафтардагиларни, — деди.

— Шунақами? Баракалла сенга, укам! — Ҳамза Алижоннинг кифтига қоқиб қўйди. — Хатинг ҳам ёмон эмас, таъби назминг ҳам бор экан. Ё шоир, ё адиб чиқади сендан, укам. Лекин текширишлар бир ёқлик бўлмагунча бу ҳақда ҳеч ким билмаслиги керак. Майли, бу сир Тошпўлат билан бирга йўқ қилинди, деб ўйласин душманлар. Бўлмаса текшириш ишларига халақит бериб қўйишимиз мумкин. Келинлар, ишни нимадан бошлашни биргалашиб маслаҳатлашиб кўрайлик, — деди Ҳамза уларнинг диққатини дафтардан чалғитиш учун гапни асосий мавзуга буриб.

— Қишлоқ Шўросидан шайх одамларини ҳайдаш керак, — деди Алижон қизғинлик билан.

— Халқ нима дер экан? — сўради Ҳамза иккиланиб. — Мажлисда бизни ҳамма қувватлармикан?

— Агар ёпиқ мажлис бўлса, деярли барча батрақлар биз билан бирга бўлишади, борди-ю, очик бўлса, юраклари дов бермайди, — деди Омонтой ўйланиб туриб.

— Халқ билан гаплашиш керак, унга тушунтириш лозим, — деб маслаҳат берди Ҳамза.

— Қаерда? Қишлоқ Шўросида Валихон бўлса.

Майдонга йиғсак, шайхлар тарқатиб юборишади. Бирон уйга чақирсак, бунақа уйларга ўн-ўн беш кишидан зиёд одам сиғмайди,— деди Алижон.

— Агар алоҳида чойхона бўлганида,— деб гапга аралашди Қамбарали дудмал қилиб.— Водилдаги ёки Фарғонадагидай қизил чойхона бўлганида...

Қамбаралининг ақлига ҳамма қойил қолди.

— Жуда тўғри,— Ҳамза жонланиб, тиззасига шапатилади.— Ишни катта бир қизил чойхона очишдан бошлаш керак!— У ерда биз бутун халқ билан гаплаша оламиз, у ерда саводсизликни битириш тўғраги ташкил қилишимиз мумкин. Мана, Алижон саводли ёш комсомол. Мен билан биргаликда сабоқ беради. Қизил чойхонага кўпчилик деҳқонларни тўплашимиз мумкин.

— Чойхонани қуришга бутун қишлоққа ҳашар эълон қилсак-чи? Бир-икки кунда қуриб ташлар эдик,— таклиф қилди Омонтой.

— Валихон халқни ҳашарга тўплашга йўл қўймайди,— деди Алижон қоғоғини солиб.

— Мажбур қиламиз, қани, йўл қўймай кўрсинчи...— деди Омонтой ишонч билан. Анча мулоҳазалардан кейин ҳашар уюштиришга келишиб олишди.

* * *

Эртаси кундан бошлаб ҳашар ҳақидаги хабар деҳқонларга етиб борди. Маслаҳатлашиб, қишлоқнинг марказига қизил чойхона қурадиган бўлишди. Умумий ҳашар белгиланган кун тепаликка уч йигит чиқиб, карнай-сурнай билан халқни ҳашарга чорлади. Тайинланган жойга одамлар қўлларига илинган асбоб-ускуналарини олиб келиб, ишбоши кўрсатган ишни бажаришга бир чеккадан киришиб кетишди. Ҳамза Омонтой, Алижон, Қамбарали, яна ўнлаб батраклар қатори баббаравар ишлади. Одамлар астойдил ишлашарди. Улар орасида Фиёсхўжа ҳам бор эди. У узун, бақувват тахта кўтариб келди. Ҳамзанинг олдига бориб:

— Савобдан қуруқ қолмай, деб тахта кўтариб келдим. Чойхонанинг бирон камига яраб қолар,— деди. Кейин Ҳамзага ялтоқлик қилди.— Хўп ўйлабсиз-да, буни, ўртоқ Ҳамза! Ниҳоят қишлоғимизнинг пешонасига янгича чойхона битадиган бўлибди...

— Бу ажойиб ақл мендан эмас, биринчи бўлиб сиз-

нинг қаролингиз Қамбаралидан чиқди. Миннатдорчилигингизни унга билдирсангиз тўғри бўлади,— деди Ҳамза кулиб.

Ғиёсхўжа ўзини бу гапни эшитмаганликка солиб, давом этди:

— Ҳурматли ўртоқ Ҳамза, сал мазам қочиб турганлиги сабабли бу ишда бевосита қатнаша олмайман. Лекин бинони жиҳозлашни ўз устимга оламан. Бунини унутмаслигингизни илтимос қиламан. Уйдагиларга уч-тўртта палос тайёрлаб қўйишларини буюрдим.

Ҳамза миннатдорчилик билдирди. Ғиёсхўжа кетди.

— Бўш келма, азаматлар! Ғайрат қилинглар, барака топкурлар! Яна бир зўр берсангиз чойхона битади,— деди Ҳамза одамларга, далда бериб.

Ғиёсхўжа ишлаётганлар томон гердайиб келаётган Валихонга пешвоз чиқди.

— Эшак мия! — деди Ғиёсхўжа унга заҳарини сочиб.— Кўряпсанми, сенинг ҳардамхаёллигинг нимага олиб келганини?

— Менинг қўлимдан нима ҳам келар эди?— Валихон тўнғиллаб ўзини оклай бошлади.— Ҳаммасини мана шу Ҳамза йўлдан уряпти. У қизил чойхона ҳақида қарор қилганини, қурилишга аллақачон маблағ ажратилганлигини қаердандир билиб олибди. Борди-ю, ўша маблағнинг ярмисини ишлатиб юборганлигимизни билиб қолса, ана ўшанда кўрасиз тўполон кўтаришини.

— Орқага суриш керак эди. Хўп, деб чўзавериш керак эди. Райижроқўмдан сўраш керак эди, у ерда раис ўринбосари Эшонхон махсум вилоят кўмитасидан рухсат сўрарди...

— Ҳамзани бу билан лақиллатолмайсиз. У қонунни жуда яхши билади. Агар пайсалга солганимда ҳам, барибир, менсиз қураверишарди. Нима учун пири муршид шайхим мусулмонларга қурилишда қатнашишни ман этмадилар?

— Очиқдан-очиқ ман этиб бўлмайди. Бу ўринда обдан ўйлаб иш кўриш керак. Уйлаб, бирон тадбир топиш учун эса фурсат бўлмади.

— Мақбарадан чиқадиган овоз нега ман этмади бўлмаса,— аччиқ киноя қилди Валихон.

— Секинроқ гапир, эшак! Ёндириш керак, бошқа чора йўқ,— пишиллади Ғиёсхўжа.

Омонтой ишни кўйиб, буларга тикилиб қараб турарди.

— Ҳамза ака,— деди у, Ғиёсхўжага ишора қилиб.— Афтидан, қизил чойхона қуришда шайхлар ҳам бизга ёрдам беришга аҳд қилган кўринишади.

— Ҳа,— деб тасдиқлади Ҳамза.— Ана, Ғиёсхўжа яхши тахта олиб келди. Яна палос ҳам ваъда қилди.

— Бундай жонкуярнинг гарданига тушириш яхши бўлмасмикин, унинг миннатли матоларини қизил чойхонага яратгунча!..

— Гарданига тушириш қочмайди,— деди Ҳамза қувноқ кулиб.— Биласанми, ука, Ғиёсхўжа бошқа шайхлардан кўра доғулироқ кўринади. У билан муомала қилганда жуда эҳтиёт бўлиш керак. У ярама бошқалардан кўра узоқни кўрадиган шайх. Ақли ба-
лога ҳам етади...

Учинчи боб

ҚАФАСГА ТУШГАН ҚУШ

Шайх Исмоил хўжанинг ўн бир ёғочлик катта мунаққаш меҳмонхонаси даранинг баланд, энг кўркам жойига қурилган бўлиб, меҳмонхона олдида гуллар очилиб ётар эди. Уйнинг ич томони ганч билан сувалган. Токчаларга кошинкорлик билан пардоз берилган. Икки қанотдаги қатор хоналар ўртасида кенг-мўл равонга қизил гилам тўшалган. Тахмонга атлас ва адрас кўрпа кўрпачалар йиғиб қўйилган, токчаларга анвойи хил хитойи ва қашқар чинчилари, Бухоро мис ва кумуш идишлари билан оро берилган. Равонда шайх Исмоил ва Оқсоқ дарвиш суҳбатлашиб ўтиришибди. Зиёратчи ҳам шайхларнинг кийимида. Шайх Исмоил нафга, майдон ўртасида қад кўтарётган қурилишга нафрат билан кўз ташлаб кўйдди. Оқсоқ дарвишнинг аса, кайфи кушиб кетган. У тажаниб бўлиб, шайхга дам-бадам иктой қилиб, захрини сочади.

— Иктойланди,— деб қўйдди оқсоқ дарвиш, ғазабнок тўнгиллаб.

— Бу худобахабарлар ниятига етмайди,— деди шайх қонталаш кўзлари ола-кула бўлиб.— Барибир, чойхона ёниб кетади.

— Ой, жаноб шайх, гумроҳ қолдингиз. Энди шундай ҳолатда, бу чойхонада бизнинг руҳимиз ҳукмран бўлади. Ҳамзага зарба бериш даркор,— деб мингирди.

ди гавдасини қўшқават парқу ёстиққа тираб ўтирган оқсоқ дарвиш.

Шайх Исмоил секин чапак чалди. Бир ўсмир (шайхнинг ўғилларидан бўлса керак) югуриб келиб таъзим қилди.

— Мақбаранинг барча хизматчиларига, Шоҳимардоннинг ишончга молик кишиларига хабар бергилки, улар чойхонанинг очилиш маросимида қатнашсинлар. Бор!— деб амр қилди шайх. Бола югуриб ҳовлидан чиқиб кетди.

— Бў мўлтониларнинг йиғиладиган гийбатхонасининг очилиш куни Ҳамзанинг шармандаси чиқадиган кун бўлади,— деди шайх, бошини юқори кўтариб. Кейин у зиёратчиларнинг олдидан виқор билан ўтиб, ичкари ҳовлига кириб кетди.

Шайх ичкарига кириб борганида уй иши билан банд беш-олти аёл ўрнидан туриб, унга таъзим қилди. Уларнинг бу ҳаракатларини четдан диққат билан кузатиб турган киши улардан иккитаси шайхга унчалик ҳурмат кўрсатмаганлигини бемалол пайқаб олса бўлар эди. Аёллар ҳовлидаги тарвақайлаб ўсган ўрик соясига гилам тўшаб туришарди. Булар — шайхнинг хотинлари бўлиб, кексароғи — Эшон ойи, ёши Руқия пошша — чой ичишарди. Айниқса Руқия сатангтабиат, шаддод, қадди-басти келишган, тикмачоқдай оппоқ жувон эди. Устида кумушранг товар кўйлак, бошида паранг дурра, қулоғида қашқар балдоқ, қўлларида биллак узук, бўйнида тилла тумор, кўкси тўла марварид. Бу зебу зийнатлар унинг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшган. У ўз чиройига биноси зўр бўлганлигидан алланарсарларни гапириб, баралла ҳиринглаб ўтирар эди.

У шайхга пешвоз чиқиб, таъзим қилди, салла-чопонини олди. Шайх унга ҳеч қандай илтифот кўрсатмай, ичкари уйга ўтиб кетди. Руқия пошша унинг орқасидан нафратланиб жим қараб турди-да, Эшон ойи ўтирган жойга қайтди.

Бизнинг шайхимиз ўзларига янги эрмак топиб олдилар,— деди у аламига чидолмай лабини қийшайтириб.

— Аёл киши ҳамма вақт эрмак учун эрмак бўлиб келган,— деб жавоб қилди Эшон ойи, ёшгича кундошига лоқайдлик билан.— Шайхим билан ўтказган ўттиз беш йил умрим ичида бунақа эрмакларнинг кўпини кўрганман. Лекин жуфт-ҳалоли ҳамма вақт жуфти ҳалоли бўлиб қолаверади. Ҳа, кундошликка кун туғ-

мас, кун туғса ҳам, бутун туғмас, деган ҳикматли матал бор, айланай Руқия пошша,— деди учуриқ қилиб Эшон ойи.

— Бугун мен бу қария модабозга бир томоша кўрсатаман. Ҳали олдимга кирсин, Миён Қудратнинг хотини бармоғидаги гавҳар кўзли узукдан ҳам каттарогини, яна тошойна ҳам олиб беришга кўнмасин, овора бўлади,— деди.

— Ҳамма эркаклар ҳам кечаси хотинига харажат вазидан сахий бўлиб кетади.— Руқия пошшанинг гапига қўшилди Эшон ойи.— Мабодо у ўзининг янги эрмаги олдига кирмай, сизнинг олдингизга кирса, албатта, ўша айтган узук билан катта тошойналик бўласиз... О, куйдирмаган эр эрми? Устимга сизни олганида мен ҳам хўп куйганман, айланай. Лекин, начора, кўнмай иложинг қанча?

Руқия пошша худди илон чаққандай сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Хўп, ҳали кўрамиз. У аввал менинг хоҳишимни адо этмай, ўша бузуқнинг олдида қолиб кўрсин, агар соқолидан судраб чиқиб, расвосини чиқармасам, Руқия пошша деган отимни бошқа қўяман!..

Шайх Исмоил салмоқдор қадами билан ҳовлидан ўтиб бориб, қулфлоглик эшикни очди. Ичкаридаги гуллар чамандай очилиб ётган кичик бир ҳовлига кирди.

Хонтахта устидаги патнисда тўртта балиқдай нон, қанд-курс, бир бош узум, битта ликопчада шафтоли қўйилган, битта чойнак, битта пиёла. Бир бурчакда Санобар тикилиб ўтирарди. Шайх хонага кириб борганида, Санобар шахт билан бошини кўтарди, кўзларини катта-катта очиб, бақрайганича тикилиб қолди. У худди бўридан қўрққан қўзичоқдай бурчакка тикилиб, икки қўлини юзига пана қилди.

Шайх салла-чопонини шошилмай қозиққа илди, бошига тақия кийди-да, тўрга ўтиб, қават-қават кўрпача устига ўтириб, пар болишни бағрига тортиб, гап қотди:

— Яна ҳеч нарса емабсан,— деди меҳрибонлик билан. У жавобни кутиб ўтирмай, бошини тебратди.— Кеча паранжингни олишни истамай, хотинларни ёрдамга чақиришга мажбур этган эдинг. Улар куч билан юзингни очишди. Бугун овқатдан бош тортибсан, яхши эмас. Овқат емасанг, мадоринг қуриб, ҳеч нарсага ярамай қоласан. Бунчалик ўжар бўлмаслик керак.

Қисматда бориға кўниш лозим. Тақдирни тадбир билан ўзгартириб бўлмайди. Бу — китоб сўзи. Китоб сўзини менсимаган аёлни биласанми, у дунёда нима кутади?

Санобар индамади.

Шайх яна унинг кўнглига ғулғула солишда давом этди. Саволни овозини кўтариб, яна такрорлади:

— Биласанми нима бўлишингни?

— Отам айтган эдилар, — деди Санобар бошини кўтармай пичирлаб.

— Шайтонга ҳай бермай, ўз падарингнинг иродасига қарши бориб, шаҳарга кетмоқчи бўласан. У бутун гуноҳларнинг макони-ку, ахир! Шайтон лаъиннинг сўзига кирганлар, у дунёда дўзахда азобланурлар. Уларнинг танлари оловда ёнур, илон-чаёнларга ем бўлур. Бу азобга умрбод мастаҳиқ этилгайлар!

Шайх жим бўлиб қолди. Санобар юзини қўли билан беркитиб, ерда юзтубан ётарди. Унинг кифтлари қаттиқ-қаттиқ силкинарди.

— Бу азобу уқубатлардан қутулишнинг битта йўли бор. У ҳам бўлса, тақдирга тан бериш, — деди шайх, яна аврашга тушиб. — Сен падари бузрукворингнинг иродасига бўйсунини лозим. Шайтоннинг шаръи қаршисида аёл кишининг кўнгли бардош беролмайди, унинг найрангларига лаққа учади-ю, йўлдан озганини билмай қолади. Мен бу гапларни энг садоқатли, художўй мардикоримдан бирининг қизи бўлганинг учун сени ношаръий йўлдан қайтаришни ўйлаганимдан айтяпман. Ҳар кимга ҳам бундай яхшилик қилавермайман...

Санобарнинг ҳиқиллаб йиғлаши ҳўнграшга ўтди. Шайх унинг кифтидан ушлаб турғизмоқчи бўлди.

— Ўрнингдан тур! — деб буюрди у.

Санобар қимир этмай ётаверди.

Шайх тоқати тугаб, қалтироқ қўлларини Санобарнинг белидан ўтказди, уни даст кўтариб, бағрига босмоқчи бўлиб чоғланаётганда, ҳовли томондан бировнинг шарпасини эшитгандай бўлиб, қўлларини дарҳол тортиб олди. У бошини кўтариб, ҳовлига қараган эди, кўзлари қинидан чиқиб кетай деб ўқрайиб турган Руқияни кўрди. Унинг авзойи бузуқ эди, шайх Руқия ҳовлини бошига кўтариб, дод солишидан кўрқиб кетди. Ҳафсаласи пир бўлди. Лекин довдирамади, сирини бой бермай, Руқия эшитсин учун атайлаб овозини кўтариб, жуда мулойимлик билан Санобарга мурожаат қилди:

— Менинг гапларимни ўйлаб кўр, қизим! Фақат тақдирга тан бериш йўли билан оллонинг марҳамати-га, падарингнинг меҳрига мушарраф бўласан. Ота рови — олло рози, дейдилар. Туриб овқатингни еб ол. Бу аҳволда бетобланиб қоласан. Бафуржа дам солиб қўйгани кирарман,— шайх тилёғламалик қилиб бўлиб, хонадан бамайлихотир чиқди. Руқия чаққонлик билан ҳовлидан сирғалиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан чиққан шайх буни сезмади. Эшикчани қайта қулфлади. Унинг улугворлигидан асар ҳам қолмаган эди. Худди маст одамдай гандираклаб, ташқари ҳовлига йўл олди. Орқасидан Руқия пошша, «ўл-а, тўнғиз қўшқур, ниятинга етолмадинг-ку», дегандай заҳарханда билан куватиб қолди. Кузатиб қолди-ю, бошига бир қўрқинчли фикр келиб, афти буришиб кетди. Югуриб бориб, тешани олди. Эшик зулфинини узиб, ўзини хонага урди, яна эшикни ичидан занжирлади. Бир қўлида теша, Санобарга бўри қараш қилиб яқинлашди. Буни кўрган Санобар ўрнидан сапчиб турди, икки кўзини тешадан узмасди.

Руқия пошша илондай тилини қалдиратиб вишиллади:

— Гапир, гадойнинг қизи! Бу хонадонга нега келдинг?!— Санобар ўзини йўқотиб қўйган эди, дафъатан жавоб беролмади. Кўзлари жавдираб унга қараб турарди. Руқия пошша устига бостириб келарди.

— Гапир, мегажин! Нега келдинг бу ерга?

Санобар юзи қассобнинг болтасидан ҳам совуқ бу аёлнинг важоҳатидан қўрқиб кетди. Ҳушини йиғиштириб олиб, ялинишга тушди.

— Пошша ая, менда гуноҳ йўқ, мени зўрлаб келтиришди,— деди.

— Мен анойи эмасман, биламан, сен кундош бўлмоқчисан. Шайхнинг суйган хотини бўлиб даврон сурмоқчисан, суриб бўпсан!— дея ириллади Руқия пошша.

Санобар баттар қўрқиб кетди. «Шайхнинг суйган хотини...» иборасини эшитиб, жони халқумига келиб, жонҳолатда эътироз билдирди.

— Йўқ, ёш жоним бор, мозори азиз урсин ёлғон гапирсам, пошша ая! Менда тариқча гуноҳ йўқ! Менга ишонинг, иложи бўлса, мени қутқаринг! Бу гурбатхонадан.— Руқия пошша паштидан тушмади. Санобарнинг боши устида тешани ҳавола қилиб, обдан дағдаға қилди, хумордан чиққунча қарғаб, бузуқдан олиб, бузуққа

солди. Кейин Санобарнинг ёш тўла кўзларига қараб турди-да, таҳдид билан сўзлади:

— Аввал гапимни эшит. Мен кимсан Миён Қудрат ҳазратнинг қариган чоғларида топган яккаю ягона қизлари, ялама тузлариман. Шайх Исмоилинг ҳам ҳазрат авлодидан бўлганим учун тўшагимга кўрпанинг оёқ томонидан киради. Анави эрсираган мегажин, Эшон оий бўлса, мени куйдириш учун эрига сени битта тош-ойнакка сотмоқчи. Сотиб бўпти! Сен менга чўри бўласан. Чўрингизман, де!— Санобар унинг хунук афтига қараб бақрайиб турар эди.

Руқия пошшанинг лаби лабига тегмай бидиллар, ўқтин-ўқтин тешани ҳавола қилар эди. У жазавага тушиб кетиб Санобарнинг тепасига, теша қўлида, девалаб борган эди, Санобар чаққонлик билан ирғиб турди-да, жонҳолатда унинг қўлидан ушлаб олди. Уни орқасига қайириб, жони борича сиқа бошлади. Руқия пошшанинг бутун кучи оғзида экан, ҳеч қаршилиқ кўрсатолмай, қўлидан тешаси тушиб кетиб, ўзи буралиб, ерга ўтириб қолди. У дағ-дағ титрар, алаmidан бир оқариб, бир кўкарар, Санобарнинг чангалидан чиқолмасди. Охир у Санобарга ялиниб-ёлвориб, қўлини бўшатишини сўради. Санобар унинг қўлини қўйиб юбориб, эшик томон ишора қилди.

— Қани, осонликча тинчгина чиқиб кетинг бу ердан,— деди ерда ётган тешани қўлига олиб.— Ўз иззатини билмаган! Сийлаганни сигир, сийпаганни ҳўкиз билмас экан. Юмма талаб, ҳаммаёғимни юлиб ташлади-я, лўлига ўхшаб.

Руқия жонҳолатда яна тешага ёпишди. Санобар Руқиянинг қўлидан шаппа ушлаб олиб, тўғри келган жойига бир-икки тарсаки тортиб юборди. Руқия молдай бўжирди:

— Войдод! Қутқаринглар! Мени ўлдириб қўяди, бу ер юткур...

— Хўш, жон ширин эканми?— деди Санобар. Руқиянинг иягига теша даста билан туртиб. Кейин ғазаб билан биқнига бир тепди.— Йўқол, мияси палағда хотин! Бўлмаса ҳозир ўлдириб қўяман!..

Руқия пошша белини ушлаб ердан зўрға турди-да, бошини хам қилиб: «Хўп, айланай, хўп, ҳозир ўзим чиқиб кетаман», деди-ю, шап этиб чиқиб кетди. Санобарнинг бирдан асаблари бўшашиб, кўнгли бузилиб, хўрлиги келиб кетди. Тешани бир ёнга улоқтириб ўзини ёстиқ устига юзтубан ташлади-да, ўкраб йирлаб юборди.

ҚИЗИЛ ЧОЙХОНА

Арава, от, эшаклар дукури авжида. Сой бўйидаги хатта ва кенг кўкаламзорда ўнларча қурувчилар пойдеворга тош, гипс қаланган чойхонанинг синч деворини уришарди. Омонтой билан Қамбарали дераза ва эшик ёндорларини ўрнатишарди. Уларнинг ёнидан Шодмонхўжа ўтиб қолди.

— Шодмон ака, нима, биздан аразлаганмисиз, ҳорча ҳам дегингиз келмайди-я,— деб тегажаклик қилди Омонтой.— Назаримда, шайхлар ўқиб қўйишганга ўхшайди-я?..

— Ҳеч ким ўқиб қўйгани йўқ,— деб жавоб берди Шодмонхўжа, қўрслик билан.— Беҳуда ишга овора бўлишни хоҳламайман, бор гап шу! Битта чойхонамизнинг ўзи бакор келиб турибди, бунисининг нима келаги бор?

— Қанақа чойхона? Қани у?— ҳайрон бўлиб сўради Омонтой.

— Нима? Бузрук эшоннинг чойхонаси-чи?

— Ҳа-а! Бузрук эшонники, Яъни бойхўжаники. Бу эса бизники, жамоатники, камбағал хўжаники! Бу қизил чойхона бўлади.

— Қизил чойхона бўлса чой арзон, нон юмшоқ бўлиб қоладими?— Шодмонхўжа ўжарлик қилиб, истеҳзо билан сўради.

— Арзон ҳам, хушхўр ҳам, ҳалол ҳам бўлади,— деди Омонтой бўш келмай.— Яна бир яхши томони, бу ерда ғийбат бўлмайди, шайхларнинг ёлғон-яшиқлари ўрнига оламдаги янгиликлардан ўқиб берилади, китобхонлик қилинади, хат-савод ўргатилади.

— Шу шайхлар билан чиқишолмадинг-чиқишолмадинг-да, ука,— деди Шодмонхўжа муросасозлик битан.— Тўхта! Нима қиляпсан?!— деб қичқирди у, Қамбаралига тўсатдан.— Нега қирқиб ташляпсан?

— Кирмаяпти-да,— деди Қамбарали бўшашиб.

— Кирмаяптимиш,— Шодмонхўжа Қамбаралини масхара қилди.— Қаловини топсанг қор ёнади, деган. Бер тешани бу ёққа!— Шодмонхўжа ишга аралашиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди. Унинг қўлидан салпал устачилик ҳам келар эди. Омонтой билан Қамбаралини ёнига олиб, эшик-ромларни ўрнатишга ёрдамлаша бошлади.

Ҳамза ҳашарчиларнинг олдига бориб рағбатлантирар, уларнинг ёнларига тушиб ишлар, кейин бошқа тўн олдига борар эди. Шу тариқа айланиб юрар экан, Алижоннинг олдига келиб, унга тушунтирди:

— Мана бу ер чойхўрлар ўтирадиган зал бўлади, — деди Ҳамза завқланиб. У ишнинг боришидан мамнун эди. Ҳашарчилар астойдил ишлашар, улардаги кўтаринки руҳни кўриб, Ҳамза жуда қувониб кетган эди. Алижонни қўлидан етаклаб ҳалиги «зал»дан юқорига ўтиб бориб тўхташди. Ҳамза, турган жойларини кўрсатиб: «Бу ер саҳна бўлади. Одамларга томоша кўрсатамиз. Саҳна ёнидаги ана шу эшикдан, — у Омонтой эшик кесакисини ўрнатаётган томонга ишора қилди, — хонага ўтилади. У ерда машғулотлар ўтказамиз», — деди.

Алижон Ҳамза ишора қилган томонга қараб, бир лаҳза ҳайратда қолди.

— Бу ёққа қаранг, Ҳамза ака, — деди Алижон ўзида йўқ хурсанд бўлиб. — Одамларнинг астойдил ишдашларига қаранг. Битказиб қўйишди-я! Агар бирон артелга баҳолаб берилганда ҳам, камида икки-уч ой овозора бўларди. Кўпдан қуён қочиб қутулмас, деб шунга айтар экан-да.

— Кўпчиликда гап кўп. Шунинг учун партиямиа қишлоқ хўжалигини умумлаштиришни тавсия қиляпти-да, — деб жавоб қилди Ҳамза.

Шодмонхўжа бир неча ромни ўрнатди. Омонтой билан Қамбарали: «Ҳа, бўл», «Ҳа, бўл», қилиб, Ҳамза билан Алижонни ҳам кўрмас, фикри хаёли ишда эди.

— Ҳамза ака, — деди Алижон, Шодмонхўжа ишлаётган томонга ишора қилиб. — Мен нариги томонга бориб, ўша ерда ишлай қолай.

— Сен машғулот ўтказиладиган хонадагиларга қарашмоқчи эдинг-ку? — деб сўради Ҳамза таажжубланиб.

— Бу ерда Шодмон ота ишлаётган эканлар. Тунов кунги машабадан кейин у кишидан жуда кўнглим қалиб кетди, — деди Алижон ерга қараб. У оғир хўрсиниб қўйди. — Жаҳл устида хафа қиладиган ножўя гаплар айтиб юбормай тагин унга...

— Шундайми? Ҳа, майли, бора қол, ука! — деб унга рухсат берди Ҳамза, кейин Шодмонхўжага юзланди. — Ассалому алайкум отахон, ҳорманг! Яшанг ота! Иш устасидан қўрқади, деб шунга айтар экан-да.

Шодмонхўжа бу муомаладан боши осмонга етиб,

жавобга гап тополмай қолди. Бир лаҳза тараддудланиб туриб: «Саломат бўлинг!» деди.

— Шодмон ака, анча кексайиб қолибсиз. Илгари учрашганимизда ёш кўринардингиз,— деди Ҳамза унга тикилиб туриб.

— Илгари?.. Қачон кўришган эдик? Туновинда...— деди Шодмон ака ҳайрон бўлиб.

— Йўқ, ундан анча бурун учрашганмиз. Лекин сиз мени эсингиздан чиқариб юборган экансиз.— Ҳамза жилмайиб қўйди.— Бундан етти йил муқаддам сиз оғир ярадор бўлиб, ўлим билан талашиб ётардингиз. Тепангизга бир одам келди, Шўро ҳукуматининг душмани эмаслигингизни, мутаассифлар томонидан алданган оддий деҳқон эканлигингизни тушуниб, сизни даволашга буйруқ берди. Уша жангни унутмаган бўлсангиз керак?

— Ия, ия!— деб хитоб қилди Шодмонхўжа, — Бундан чиқдики, Фрунзака мени ўлимдан қутқариб қолганини кўрган экансиз-да! Фрунзака яхши одам экан. Ушандан бери уни дуо қиламан.

— Ҳамза қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Оббо, Шодмон ака-ей! Дуо қиламан денг. Ахир, ўртоқ Фрунзе суянган пири комилларингизнинг сўзи билан айтганда, динсиз-ку!

Шодмонхўжа Ҳамзага гинахонлик билан қараб қолди.

— Нега куласиз, домла,— деди у куйиниб.— Нега дуога шак келтирасиз? Фрунзака оддий мусулмоннинг кўнглини тушунади. У мен учун авлиёдай бир одам...

Ҳамза хижолат бўлиб қолди.

— Узр, Шодмон ака,— деди у, бу гап унинг кўнглига қаттиқ ботганидан таассуф қилиб.— Мен сизни хафа қилмоқчи эмасдим... Биласизми, сизни санитарлар олиб кетишганида Михаил Васильевич нима деганини?

— Билмайман.

— Ўртоқ Фрунзе: «Шодмон акага ўхшаганларни йўлдан уриб, ўзининг ака-укаларига қарши қуроли кўтаришга ундаганларни отиб ташлаш керак!» деганди ўшанда.

Суҳбатга Омонтой аралашди. У Шодмонхўжадан сўради:

— Шодмон ота, босмачиларга қўшилиб, Шўро ҳукуматига қарши курашишга ким ундаганини хотирлайсизми?

— Шодмонхўжа Омонтойга ўқрайиб қараб қўйди.

— Сизларни Содиқжон бойвачча, Миён Қудрат билан унинг ўнг қўли шайх Исмоил йўлдан урган,— деди Омонтой давом этиб,— Фрунзе ака ўшаларни базарда тутган.

Шодмонхўжа орқасига ўгирилиб, қўлига тешасини олди, индамай ишига машғул бўлди. Омонтой қизишиб, тунов кунги ҳодисани шартта унинг юзига солди.

— Сиз бўлсангиз, ҳали ҳам ўшаларга ишонасиз. Бўлмаса, ўз қизингизни ҳаммага отнинг қашқасидай таниқли ғаддор шайх Исмоилга олиб бориб топширармидингиз! Кўра-била туриб, қўзичоқни бўрининг чанга-лига тутқаздингиз-а!..

Шодмонхўжа ромни ўрнатишга энди киришган эди, бирдан қаддини ростлади, тешани тагсинчга жаҳл билан уриб, тўғнади-да, шошганича чиқиб кетди.

— Эҳ, аттанг! Уста аразлаб кетиб қолди!— деди Қамбарали ачиниб.— Жигига бунчалик қаттиқ тегмаслик керак эди.

— Ҳечқиси йўқ,— деди Ҳамза, Шодмонхўжанинг орқасидан қараб тураркан.— Тўғри қилдингиз, ука. Босган қадамни бундай ўйлаб кўрсин. Бунақа одамларнинг боши деворга бир-икки «тақ» этиб тегмагунча кўзи очилмайди.

* * *

Мана, тез кунда қизил чойхона ҳам қуриб битказилди. Бино ичини бир неча ўсмир сув селиб, супурмоқда. Баъзи болалар пайраҳаларни ташиб чиқишмоқда. Катталар каравотга шолча, гилам тўшаш билан банд. Омонтой билан Алижон Ҳамза бошчилигида деворга Лениннинг портретини осишмоқда.

— Сал ўнгроққа! Яна бир оз! Йўқ, йўқ. Анча ўтиб кетди. Ҳа, ана бўлди. Қоқаверинглар,— деди Ҳамза қаноат ҳосил қилиб.— Портрет жойига қоқилгач, Ҳамза йигитларни саҳнага олиб чиқди. Саҳна олдига узун стол ўрнатиб, устига қизил алвон ёзишди. Ҳамма иш тахт бўлди. Кираверишда самоварчи самоварлари олдида чойнак-пиёлаларини тартибга соларди. У — оёғи маймоқ, томоғида пиёладай буқоғи бор, ўрта ёшлардаги одам эди. Унга қишлоқ Шўроси Валихон кўрсатма берарди:

— Қулмат ака! Самоварларга эҳтиёт бўлинг, тагин эритиб-нетиб ўтирманг,— деди у, чойхонанинг очилиш маросимига келган одамларга ўзини кўрсатиб қўйгиси келиб.

— Булар қишлоқ Шўросининг пулига келган. Бугунга халқ олдида мен жавоб бераман. Агар биронта чойнак ёки пиёла синадиган бўлса, ўз ҳамёнингиздан тўлаттираман,— кейин у самоварчининг қулоғига шивирлади:

— Ҳамма йиғилиб бўлгач, «Ҳамза билан Омонтойни бир қизча сўраб келди. Жуда зарур иши бор экан...» дейсан.

Бу гап девор орқасига ногоҳ келиб қолган Алижоннинг қулоғига чалинди. Аввалига у: «Қанақа қиз экан», деб ҳайрон бўлди, кейин «биттасидир-да», деб аҳамият бермади, кейин бугунги ташвишлар билан овора бўлиб кетиб, хаёлидан чиқариб юборди.

Кеч кириб қолди. Жарчилар қишлоқ аҳолисига қишлоқ Шўроси ҳамда камбағал қўмитаси номидан: «Бугун қизил чойхонада Ҳамза Ҳакимзода ваъз айтди, ўзининг қўшиқларидан ўқиб беради. Қизиқ янгиликлардан сўзлаб беради. Хуфтон намозидан кейин чойхонага бораверинглар», деган мазмунда жар солиб келишди.

Қизил чойхона олдида иккита карнай гат-гат қилиб, одамларни чорлар эди.

Ҳаш-паш дегунча янги чойхона бисотларидаги бор янги кийимларини кийиб, ясаниб келган одамлар билан лиқ тўлди. Қулмат самоварчи саҳнадаги столда ўтирган Ҳамза билан Омонтойга бир чойнак чой олиб бориб берди.

— Мана, кўрдингизми, одам қалин, бу ерда халқ билан бемалол гаплашиб олса бўлади,— деди Ҳамза мамнун бўлиб.— Бутун Шоҳимардон бу ерга тўпланди.

— Ҳа. Бугун Бузрук эшон чойхонасини қулфлаб қўйди,— деб жавоб берди Омонтой.

— Наҳотки,— деди Ҳамза ишонмай.— Бузрук эшоннинг ўз чойхўрлари бор. Шайхлар бу ерга келишмайди.

— Ҳамма шайхлару қишлоқнинг бойлари ҳам шу ерда. Бузрук эшоннинг ўзи ҳам келган,— деб жавоб берди Омонтой залга кўз югуртириб чиқиб паст овоз билан.— Фақат Гиёсхўжа билан шайх Исмоил кўринмайди, холос,— у бир лаҳза жим бўлиб қолди. Кейин қовоғини уйиб, янада пастроқ овоз билан қўшиб қўйди.— Менимча, шайхларнинг бу ерга келгани яхшилик нишонаси эмас.

— Нима учун?— деб сўради Ҳамза ҳайрон бўлиб.

— Улар бирон шумликни ўйлаган бўлмасинлар, деб қўрқаман.

Саҳнага Қулмат самоварчи тийтанглаганича ҳовлиқиб чиқиб борди.

— Омонтой, Омонтой ука,— деб чақирди у.

— Нима гап?— сўради Омонтой у томон энгашиб.

— Ташқарида меҳмон билан икковингизни уйга чақирингиз,— деди чойхоначи, Омонтойнинг қулоғига пичирлаб.— Бир қизча келди.

— Ким экан у бизни чақирган? Кимнинг қизи келди? Қани у қиз?— деб сўради Омонтой ўрнидан туриб.

— Ҳозир эшик олдида турган эди. Кичкина қизча, қўрқиб қочиб кетганга ўхшайди. Кимнинг қизи эканлигини ҳам билолмай қолдим.— Қулмат самоварчи бўйинини қисди.— Уйга тез боришсин, деб кўздан ғойиб бўлди.

Зулфизарга бирон ҳодиса бўлганмикин-а?— деди Ҳамза хавотирланиб.— Мен хабар олиб келаман.

— Йй-йўўқ,— деди Омонтой иккиланиб.— Ҳозир ёлғиз чиқишингиз мумкин эмас. Мен бирга бораман. Алижон ўтира туради биз келгунча.— У Алижонни чақирди.

— Биз Ҳамза ака билан ўн минутга бир жойга бориб келамиз,— деди у саҳнага чиқиб келган Алижонга мурожаат қилиб.— Қараб тур, бизникилар тарқаб кетишмасин. Ўз тўпларидан ажралишмасин, шайхлар мияларини заҳарлаши мумкин, уқдингми?

— Хўп!— деди Алижон.— Бемалол бориб келавинглар. Айтганингдай қиламан.

Ҳамза билан Омонтой чиқиб кетиши билан чойхонага уч-тўртта муридлар ҳамроҳлигида шайх Исмоил кеккайиб кириб келди. Чойхонадаги хушчақчақ суҳбат бир лаҳзада тинди-қолди. Батракларнинг баъзиларидан бошқа ҳамма беихтиёр ўрнидан туриб, унга таъзим қилди. Шайх одамлар орасидан юқорига ўтиб борар экан, унга мақбаранинг барча хизматчилари эргашишди. Ёгоч кавушга ўхшаган баланд бир қаландар «ҳув» тортиб ўрнидан турди.

— Аюҳаннос! Халойиқ! Бош мутавалли шайх Исмоил ҳаммамизнинг донишманд, парсо сарбонимиз бўладилар. Бу зотнинг ваъз-насиҳатларини жон қулоғи билан тингланглар!— деди.

Шайх Исмоил саҳнага чиқадиган зинадан юқори кўтарилди. Шайхлар саҳнадаги стол, скамейкаларни бир чеккага суриб қўйиб, шайх Исмоилнинг орқасига

қатор бўлиб ўтириб олишди. Шайх Исмоил икки қўлини очиб, юзига фотиҳа тортди. Орқадагилар ҳам унинг бу ҳаракатларини такрорлашди.

Бутун чойхона ичига зил сукунат чўкди. Деҳқонларнинг юзларида одатдаги итоаткорлик аломатлари аксланди, батраklar довдираб қолишди. Алижон нима қилишини билмай қовоғини уйиб турар, Шодмонхўжанинг серажин юзлари саҳнага илтижо билан қадалганича кўзлари ғилтилла, ҳеч кимдан садо чикмас эди.

— Айтганим келди! — деди шайх икки қўлини юқорига кўтариб. Унинг овозида фожей бир оҳанг бор эди.

Чойхонадагилар бараварига оғир хўрсиниб қўйишди. Лекин ҳеч ким гап нимадалигини билмасди. Шайхнинг титроқ овози ҳаммани «тавба» қилишга тайёрлар эди.

— Кечагина зилзила бўлиб, Намангани ер ютди. Субҳонолло, субҳонолло! Бирники мингга, мингники туманга, дейдилар. Кошки ёмонларнинг ўз касофати ўзига урса. Яна ёмонга ўлим йўқ... Қаландарнинг сўзлари ғалати. Мен авлоди Муҳаммад пайғамбар эмасман. Мен бир итман. Ҳа, ҳазрат Алишери даргоҳнинг мақбараларини пойлаб ётган ғариб, ожиз, бенаво ит. — Шайх Исмоилнинг бу сўздан таъсирланган кишилар йиғлаб юборишди. Шайх Исмоилга шу керак эди, арзини айта бошлади:

— Қўй оғзидан чўп олмаган, элу халқнинг дардига даво, ранжига шифо бериб келган эшонлар, шайхлар, хуллас, улуг зотларнинг кўпи тупроққа қўшилиб кетдилар. Энди шайхларга ҳурмат, эшонларга ишонч йўқ. Бас, буларнинг ҳаммаси аломати охир замон. Дажжол даъин хуружидан нишонадир. Ҳа, ер нега қаърига тормасин, нега юлдузлар тутдек тўкилмасин, нега дунёи ва мофиҳо остин-устун бўлмасин, қиз-хотинларда тасаттур-нисвонга риоятсизлик Шоҳимардондай табаррук зиёратгоҳда ҳам бошланди! — деб хитоб қилди шайх. — Бизнинг лаънатимизга мустаҳиқ этилган бир шаккок бу ерда фаҳш ва куфр уясини барпо қилди, шоҳимардонликлар-чи? У шаккокнинг йўлига юриб, бу шайтонхонани ўн кунда қуриб битказишди. Сиз, шоҳимардонликлар, у ғаламиснинг гапига кириб, йўлдан оздингиз, гуноҳга ботдингиз! Унинг чиройли гапига кўркўрона учиб, ислом ва шарият йўлидан озганларга, тоат-ибодатга бўйин бурганларга у дунё-бу дунё шафқат йўқ! Қаландар-дарвишлар, дуойи дофе ўқинглар.

Қаландарлар жазава қилишди, шайхлар йиғлашди. Шу пайт чойхонага Ҳамза билан Омонтой кириб келди.

— Ҳм. Тушунарли. Бизни усталик билан лақилла-тишган экан,— деди Омонтой, саҳнада чордона қуриб ўтириб олган шайхлар галасига кўзи тушиб.

— Уларнинг кўзини очиб қўйиш керак,— деди Ҳамза Омонтойнинг қулоғига шивирлаб.

— Ҳозир мумкин эмас,— деб жавоб берди Омонтой.— Шайх бир ишора қилса, булар бизни бурда-бурда қилиб ташлашади.

— Камбағаллар-чи?

— Уларнинг кўнглига гулгула солиб қўйишган.

— Шундай бўлса ҳам, мен урғиниб кўраман,— деди Ҳамза кескинлик билан.— Бундай имкониятни қўлдан бой бериш мумкин эмас. Одамларимизнинг тарқалиб кетишига йўл қўймай, огоҳ бўлиб туринг. Бу ёгини ўзим эплайман.

Тарқалиб кетмайди! Қўллаиди! Лекин нима қил-моқчи эканлигингизни менга ҳам билдириб қўйинг-да!— деди Омонтой.

Ҳамза унга жавоб бермай, тўни этагини ушлаганича одамлар орасини ёриб, саҳна томонга ўта бошлади.

— Диндан юз ўгирганлар, шаккокларнинг барчаси дўзах азобига гирифтор бўлурлар,— яна шайх Исмоилнинг овози гулдиради.— «Уларнинг иссиқдан тиллари тиззаларига тушади, қайнаб турган сувга чўмилади-лар. Емишлари заққумнинг меваси, ичишлари қайнаб турган темир бўлади...» — Шайх Ҳамзага кўзи тушиб, унга қўлини бигиз қилди.— Диндан юз ўгирганлар, уларга эргашганлар шундай азобга мубтало қилинурлар! Хасчўпни шамол учиради, харсангни ҳам қўзғатиб кўрсин-чи...

Ҳамза шайхга ҳурмат юзасидан шошиб-пишиб таъзим қилди, шайх Исмоил ичидан хурсанд бўлиб, ҳайратланди. Бу орада Ҳамза кўнглига тугиб юрган гапларини босиқлик билан баён қила бошлади. У Ўзбекистон тупроғида минг йиллардан буён меҳнаткашларни азоблаб келаётган қуллик занжирлари парчалаб ташланганига ўн йил тўлганига, ер-сув ислоҳоти бўлганига қарамай, бу улкан ижтимоий воқеаларнинг самарасидан Шоҳимардон меҳнаткашлари ҳамон бебаҳра қолиб келаётганликлари, улар ҳамон ўша катта заминдорлар эшигида қулдай ишлашлари, ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуққа эга эмасликлари тўғрисида, ер-сув от-арава, кўш-ҳўкнз

ҳамон ўша эски эгалари кўлида эканлиги тўғрисида, бугун Ўзбекистон деҳқонлари бойлар ҳамда мулкдорлар билан муносабатларини, борди-келди, олди бердиларини очиқ қилиб, ҳисоб-китоб қилиб олганликлари, меҳнаткаш деҳқон бугун ҳур, озод бўлганлиги ҳақида гапирди.

— Хўш,— деди у давом этиб,— нега энди бу ер ислоҳоти Шоҳимардонга келиб етмади? Нега камбағал-деҳқонлар ҳали-ҳали эски, хўжайинлари исканжасидан қутулишмади? Октябрь кўеши порлаб чиққанидан буён орадан ўн йил ўтган бўлса-ю, унинг муборак нури Шоҳимардон қишлоғига тўлиқ етиб келолмаса? Хўш, ўша муборак нури қандай зулмат, қандай куч тўсиб қолди? Жавоб битта. Хурофот, эски урф-одат, бидъат, жаҳолат ва унинг раҳнамоси, шайх Исмоил. Ҳа, ҳа... Сиз, шайхим. Сиз ҳалигача ерингизни ҳақиқий эгаларига шариятни, мазорни пеш қилиб, бермай келяпсиз. Озодлик истаган хотин-қизларни кишанларга, пичоқларга дуч қиласиз, деҳқонни мутайсиз, талайсиз, гажиб кемирасиз, минг хил ёлғон дасисаларни рўкач қилиб жаҳолат жарига иргитасиз.

Ҳамза бу сўзларни анча қизишиб гапирди. Шайх ранги оқариб жим ўтирарди. Ҳамза халойиққа қараб, давом этди:

— Ё гапим ёлғонми, халойиқ?

—Чекка-чеккадан «Тўғри!», «Ҳақ гап!» деган овозлар гулдираб эшитилди.

Шайх Исмоилнинг йўғон бўйни, юзига қон тўлди. Узининг беомон душманига дуч келганини аниқ ҳис қилди. Узини зўр-базўр босиб олиб, овози тўлқинланиб жавоб қилди:

— Оллоҳнинг иродаси ҳукмрон бўлган жойда зўравонлик бўлмайди. Бу фақат худонинг хоҳиши. Бунга қўндаланг туриб монелик қилишга ҳеч кимнинг ҳадди йўқ!

— Худонинг хоҳиши! Худонинг хоҳиши!— Ҳамза жаҳлига чидамай, ҳамма эшитсин учун қаттикроқ қичқирди.— Хўш, одамларни бегуноҳ ўлдириш учун босмачиларга фатво берганингиз, соддадил халқни ҳаммон алдаб келишингиз, Шўро ҳукуматининг айтганини қилиб, пахта экиш, хотин-қизларни паранжи балосидан озод қилиш, бошқа халқлар билан дўстона муносабатда бўлишига қарши туришингиз ҳам худонинг хоҳишими? Мусулмонларнинг азиз мазор-зиёратгоҳини жаҳолат, разолат, хиёнат макони, одамхўрлар — аксилин-

қиллобчилар уясига сиз айлантирдингиз! Бу билан сиз ўзингизни эмас, орттирган барча мол-мулкингизни қўриқладингиз. Бунда ҳатто одамларни тириклайин куйдириб юборишдан ҳам тоймадингиз! Ана шу мол-дунё олдида кўзингизга элликка яқин навқирон йигитнинг жони ҳам кўринмаган эди. Сиз агар мана шу қилмишларингизни бир дақиқагина оддий инсон, борингки, ҳақиқий мўмин-мусулмон одам сифатидан ҳис қилсангиз эди, ана ўшанда бизга тан берар, бизнинг ҳақиқатимизга тушунар эдингиз, йўлимизнинг ойдин, тўғри, ҳақ йўл эканини кўрар эдингиз... Боболаримиз: «Агар осмонга чиқсанг ҳам кўзингни ердан олма», деган экан. Сиз осмондасиз, аммо ердагиларни кўрмайсиз...

Ҳамзанинг бу дадил гапларини жамоат нафасини ичига олиб эшитиб турарди.

Шайх эса бугунлай каловланиб қолган, Ҳамзанинг далилли даъволарига эътироз билдиришга мажоли етмас эди. Ҳамза буни бурчакка қисишда давом этди.

— Худо ҳаққи, ростини айтнинг, тақсир бу мазор муқаддас-а? Шундай бўлгач, нега сиз, шайх Исмоил, мазорнинг энг садоқатли қўриқчиси (Ҳамза шайхнинг ўз сўзи билан «садоқатли ити» демоқчи эди, вазиятни ўйлаб, «қўриқчиси» деб қўя қолди) қирқ саккизта қизил аскар у ерга кириб қолганида ана шу муқаддас мазорни ёндиришга фатво бердингиз? Ё буни ҳам худонинг хоҳиши дея оласизми?

Бу савол шайх Исмоилнинг миясида чақмоқ чаққандай таъсир қилди. У ҳассасига суянганча ранги деворга айланиб, қотиб қолди. Ҳамза ундан синчков кўзини узмай, жавоб кутар эди. Ўртага оғир жимлик чўкди. Пашша учса эшитилади. Юзлар, кўзлар шайхга тикилган, ҳамма унинг оғзини пойлар эди. Ўша даҳшатли воқеа шайхнинг кўз олдида жонланди-да, юраги тортиб кетди. Ўша жинояти, назарида, ҳаммага ошкор бўлиб кетганини, бунинг оқибати нималарга олиб келишини ўйлади. «Ҳозир ё ўлдим, ё қолдим...» деган фикр миясини пармалади. Аслини олганда, ҳозир у ғоят мушкул вазиятга тушиб қолган, бу вазият халойиқ ё унинг измида қолиши, ёки у халойиқ олдида қонхўр, мунофиқ бир риёкор тақводор сифатида шарманда бўлишини тақозо этадиган вазият эди. У ҳамон ўйларди. «Ҳамза тантана қилса...» деган фикр хаёлига келди-ю, чаён чаққандай тўлганиб, инграб юборди. Кейин ўзини сал тутиб олди. «Йўқ!» деди фикран. Кўз олдида Гилгитдан келган «зиёратчи» оқсоқ дарвиш гавдаланди... Мақбара

қайта тиклангандан кейин у ерга яна тўпланган қурол-аслаҳа, ўқ-дори, зарур пайтда ишлатиш учун не-не машаққатлар билан асраб келинаётган олтин-кумуш — сармоя... Бу нарсаларни жонбозлик қилиб етказиб бераётган хорижлик ҳомийлар...

Шайх бир лаҳзалик хаёлида шуларни ўйлади-ю, ўзини сал йиғиштириб олди, «Йўқ!» деди у фикран қатъий қарорга келиб ва Ҳамзанинг ҳозирги даъвосидан халойиқ фикрини чалғитиш учун ўзининг синовлардан ўтган шаллақилик йўлини қўллашга мажбур бўлди. У қўлларини кўкка кўтарди-да, касам ича бошлади:

— Ё шери даргоҳ... жўжабирдек жонман, агар мен, садоқатли итинг, шундай бир гуноҳи азимга қўл урган бўлсам, мана шу қўлларим қурисин, танам етти дўзах оташида куйиб кул бўлсин, шу тоғ тошлари бошимни янчсин — ит азобида ўлай ёки бу бекор туҳматни тўкиб чиқарган жиннисанғи одамнинг жазосини бер! — деб ҳўнграб йиғлаб юборди. Унга дарвишлар қўшилиб, уввос тортишди.

Шайх Исмоил боши берк кўчага кириб қолган эди. Бундан бир амаллаб чиқиб олишга ҳарчанд уринса ҳам бўлмади... У, ноилож ўрнидан турди-да, саҳнадан туша бошлади. Унга бошқа шайхлар ҳам эргашишди. Буларнинг кетидан Шоҳимардон бойлари ҳам чиқиб кетишди. Ташқарида кўтарилган жанжал, ур калтак-сур калтакка айланай деб турганида, Омонтой, Алижон сингари йигитлар жонбозлик кўрсатиб, унга йўл қўйишмади. Ҳамма ичкарига кирди. Омонтой саҳнага чиқиб, столларни жой-жойига сурди, орқасига узун «эшак»ни қўйиб, гангир-гунгур гаплашаётган одамларни тартибга чақирди.

— Барака топкурлар, жим!

Омонтойнинг босик, бир оз кулгили овози қизишиб кетган одамларга таъсир қилди.

— Батрак ва камбағалларнинг топшириғига биноан Шоҳимардон аҳолиснинг умумий мажлисини очиқ деб эълон қиламан, — деди Омонтой ҳамма тинчлангач. — Ҳозир бизга Самарқанддан меҳмон бўлиб келган шоир ва ҳаммамизга ўртоқ Ҳамза ака сўзлайдилар.

Ҳамза ўрнидан туриб пастдагиларга бир кўз югуртириб чиқди-да, гапира бошлади:

— Ўртоқлар! — деди у одамларга бирма-бир назар ташлаб чиқиб. — Биз муқаддас мазордан эмас, алдоқчи Исмоилга ўхшаганлардан домонгирмиз!

Шайх одамлари ҳар хил ҳайқириқлар билан Ҳамзанинг овозини кўмиб юборишга уринишди, лекин у бамайлихотир давом этди:

— Лекин мен ўз ақидамни ҳеч кимга тиркамайман. Бизда Шўро ҳукуматига садоқатли, лекин динга астойдил ишонувчи кишилар оз эмас. Уларга ҳеч ким монелик қилмайди. Шўролар жумҳуриятида турли-туман халқлар яшайди ва улар турли дин-эътиқодларга мансубдирлар. Партия ва ҳукуватимиз улардан ҳеч бирини таъқиб этган эмас. Дин одамларнинг шахсий иши. Аммо қандайдир бир дин халқ, партия ва давлат йўлида янги турмуш қуришга халақит бериш учун кўндаланг бўлиб туриб олса, бундан ёмони йўқ. Дўстлик мавжуд жойда тинчлик барқарор бўлади. Буни кичкина бола ҳам тушунади. Халқлар ўртасига қутқу солиб, уларни ўзаро уриштиришдан наф кўрадиганларга қўл келади, холос, бу ақидалар. Маълумки, урушда энг кўп таланадиган ҳам оддий халқ — меҳнаткашлар оммаси! Бас, шундай экан, бир-бири билан мартаба талаш-шишдан, адоватдан унинг ўзига нима фойда? Шунини ўйлаб биз дўстлик, биродарлик ишларини олдинга сурамиз. Мана бу дўстлик халқнинг ҳисобига кун кўрувчи, мол-мулк орттирувчи тоифага хуш келмайди. Чунки улар бу дўстликнинг қарор топишидан қўрқадилар. Чунки улар ўртасида уриш-жанжал бўлмагач, ўзларининг бирдан-бир даромад манбалари қуришини яхши тушунадилар. Шу сабабли ҳам диний, миллий, ирқий айирма масаласига маҳкам ёпишиб олиб, аллақандай ривоятлар ўйлаб чиқарадилар. Шунинг учун ҳам мана бу ҳурматли шайхларимиз оддий халқни йўлдан уриб, унинг қўлига қурол тутқазиб, «босмачилар сафига кириб, ўз қардошларингни ўлдир, чунки улар мусулмон эмас», дейдилар.

Хўш, шайх Исмоил ким? Шайхми, авлиёми, дин пешвосими?! Йўқ, ёлгон, оғайнилар... Макр манбаи бўлган бешида салла бор, холос. Лекин дунёвий маърифат у ёқда турсин, ҳатто диний билимлардан ҳам холи у.

Чойхонадаги одамлар бир тўлғаниб қўйишди.

— Ҳақиқат! Тўғри гап!

— Жўяси билан гапир-да!

— Утиб кетган гапни эслашнинг нима ҳожати бор?!

— Тўппа-тўғриси айтди-қўйди, умрингдан баракка топкур,— деган овозлар эшитилди. Бир бурчакдан ёшгина йигитнинг тиниқ овози янгради:

— Китоб ўқиган деб мана буни айтса бўлади. Шайхдан кўра ҳам яхшилаб тушунтириб берди!

Ҳамза Лениннинг портрети томон ўгирилиб давом этди:

— Барча меҳнаткашлар мана бу улуг рус кишисининг, ўрток Лениннинг хотирасини ҳурмат билан эсга олади. У рус халқи билан биргалликда биз, ўзбекларни ҳам озодликка олиб чиқди, буни биз ҳеч қачон унутмаймиз. У халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашни васият қилган. Душманларимиз бўлса, бунинг аксини тарғиб қиладилар. Биз энди бунинг қайси бири бизга фойда-ю, қайси бири зарар эканлигини яхши биламиз!

Чойхона яна гулдураб кетди.

— Миллий ва диний адоват ўтини ёқиш учун динни восита қилишга барҳам бериш лозим,— деб давом этди Ҳамза товушини баландлатиб.— Намозгоҳларни ёпмаймиз. Диндорлар майли, мачитларда ибодатларини адо этсинлар, маҳалла имомларини ҳурмат қилсинлар. Биз, коммунистлар бунга сира монелик қилмаймиз. Аммо намозгоҳлар аксилинқилобнинг уясига айланмаслиги лозим. Қишлоқ Шўросига суқулиб кириб олиб, зараркунандалик қилаётганлар, салла ўраб яшириниб юрган қўрбошиларни, артель ташкил қилишга халақит бераётганларни аямаймиз. Шўролар ҳукуматининг республика ҳамда вилоят шўъбалари қишлоқ Шўросининг ҳайъатини қайта сайлашни тавсия этишмоқда. Агар биз бу иш билан ҳозироқ шуғуллансак, бу ёвга қарши жангга кирганимиз бўлади.

— Тўғри! Олдинроқ шундай қилиш керак эди!..

— Ҳамза ака, мен ҳам икки оғиз гапирсам майлими? — деди Алижон, қўлини кўтариб,

— Комсомол гапирсин-да, — деди Ҳамза.

Алижон ўрнидан туриб, дўпписини қўлига олиб, секин гап бошлади. У жамоанинг бир неча минг танобдан ортиқ ери борлиги, лекин кўпи ёнбағир, тошлоқ, сув чиқмас жойлар бўлганидан яхши экин бўлмаслиги, бу ерларга маккажўхори, буғдой, беда экилиши, сув танқислиги сабабли шу қора экинлар ҳам ёлчителиб ҳосил бермаслиги, шунинг учун Шоҳимардон аҳолиси чорвачилик билан кун кўриши, аммо қишлоқ Шўросининг раиси Валихон ширкатлардан деҳқонларга пул, уруғлик, деҳқончилик асбоблари олиб беришни ўйлаб кўрмагани, шоҳимардонликлар ҳалигача кооператив нима, ўзбек савдоси нима — билмасликлари ҳақида,

ўтган йили ўтказилган маъракаларда Шоҳимардон жамоасини ғалла билан таъминлаш, пахта ширкати, кооперация тузиш, дўконлар очиб бериш, мактаб-маориф ишларини кучайтириш, экин экиш учун жонли-жонсиз асбоблар, уруғлик етказиб бериш, суғурта ишларини жонлантириш тўғрисида чиқарилган қарорлар натижасиз қолиб кетаётганлиги, лекин берган ваъдаларининг биттасини ҳам жамоа раиси Валихон бажармаганлиги тўғрисида тўлқинланиб гапирди.

— Ҳар йили йиғиладиган ўлпондан неча минг сўмини ҳазм қилди экан, шуни ҳам сўраб қўй раисимиздан, Алижон, — деди кекса Мебува.

Валихон бир сапчиб тушди.

— Мусулмонсиз, туҳмат қилгани қўрқинг. Мен ўлпон пулини ўз вақтида давлат кассасига топшириб келаман, — деди у жаҳл билан.

Кекса Мебува ўрнидан туриб савол берди унга.

— Яқинда бу йилги сув солиғини ундириб олувдингиз, уни ҳам топширдингизми, раис?

Ҳамма Валихонга қаради. Валихон типирчилаб қолди, лекин бу саволга шу топда чап бериб кетолмаслигини фаҳмлади-ю тўғрисида айтишга ноилож мажбур бўлди.

— Бир чақаси бузилгани йўқ. Уйимдаги сандиққа ташлаб қўйганман. Қўлим теккан кун Водилга олиб бориб топшириб келмоқчи эдим. Нима, осмон йиқилиб, ерга тушибдими?

— Ҳа, ҳа, доҳили кўлбар қилибсиз-да? — дея тиржайди Ғиёсхўжа. Одамлар Ғиёсхўжадан у Валихоннинг оёғидан чалишини кўтишмаганди. Улар ҳайрон бўлиб қолишди. Ғиёсхўжа эса, ўзини кўрсатиб қўядиган фурсатдан фойдаланиб қолиш учун жон куйдирарди.

— Хўш, иним Валихон, мусулмонсиз, қани, шу қоракўз батрақлар, хўш, муҳтарам шоиримиз, азиз меҳмонимиз Ҳамзахон олдида индалло гапни айтингчи, мозорда тўпланиб таракана қилинган вақф пуллари қанчасини хинжирингизга жойладингиз? — Валихоннинг нафаси ичига тушиб, анчагача ерга қараб жим бўлиб қолди. Бунга кўрган Ғиёсхўжа яна «кучайиб» кетди: — Ана, дамнингиз ҳам ичингизга тушиб кетди. Ишқилиб, беайб парвардигор, а, лаббай! Ҳи-ҳи-ҳи...

Ғиёсхўжа Валихонни «фош» қилишда давом этди.

— Биз мақбара билан қишлоқ Шўроси маҳкамаси-

ни фарқ қилолмай қўйган экаммиз... Валихон — Исмоил хўжанинг малайи!..

Одамлар Гиёсхўжанинг гапини қувватлашди.

— Норозиман!.. Бу қонуний эмас!.. Мунофиқ Гиёсхўжа менга тухмат қиляпти-я. Устларингдан тегишли жойга арз қиламан! — деди Валихон ўртадаги каравотга чиқиб, дағдаға қилиб.

— Норозилик қанақа бўлишини мен сенга анчадан бери кўрсатиб қўймоқчи бўлиб юрар эдим. Назаримда, ҳозир хонаси келиб қолганга ўхшайди, — деб ўти чиққан Гиёсхўжа Валихонга дўқ урди.

Гиёсхўжанинг тутган бу йўли Ҳамзани янада ҳайратда қолдирди. Лекин пайтдан фойдаланиб қолиш керак эди. Чунки қишлоқ Шўросининг раисини қайта сайлаш учун бундай қулай вазиятни юзага келтириш яна анча вақт талаб қиларди. Ҳамза шуларни ўйлаб, Омонтойнинг қулоғига шивирлаб шуни шама қилди. У ҳам «маъқул» дегандек бош силкиди. Шайх Исмоил йигиндан сувга тушган мушук ҳолига тушиб, аллақачон чиқиб кетган. Оқсоқнинг оёғига қараб турган унинг тарафдорлари ҳам Валихоннинг шармандаси чиққач, тарвузлари қўлтиқларидан тушиб, аста тарқала бошладилар. Қолган-қутганлари эса, Омонтойнинг «сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганлар» рўйхатида номлари чиққач, йигиндан сирғалиб чиқиб кетишди. Шундай қилиб, қишлоқ Шўросини қайта сайлаш масаласини кўриш имконияти ўз-ўзидан туғилиб қолган эди...

Одамлар чойхонадан чиқаётганларида, тонг ёриша бошлаган эди.

Улар хурсанд, чехраларида кулги, руҳлари энгил, кайфиятлари яхши эди. Чойхонадаги каравотлар деярли бўшаб қолди. Уларда фақат чойнак-пиёлалар оқариб ётар эди. Қўлмат самоварчи уларни йиғиштиришга тушди. Шу пайт Омонтойнинг овози эшитилди:

— Ўртоқлар! Қишлоқ Шўросига янги сайланганлар кетиб қолишмасин. Бир оз шошмай турунглар.

Тонг отган. Чойхона саҳнасидаги столда қишлоқ Шўроси ҳайъатига янги сайланган беш аъзо, икки номзод ўтирар эди. Булар — Омонтой, Қамбарали, Алижон, Каримжон, аёллардан Меҳри ва яна икки киши. Эшикдан чиқаверишда Валихон нима қилишини билмай турар эди. У аччиқланар, ҳадеб ерга тупурарди. Ҳамза бу кичкина мажлисга раислик қилди...

— Шундай қилиб, ўртоқлар, қишлоқ Шўросига

раис қилиб Омонтойни бир оғиздан сайладик. Омонтой ука, сиз бугун ухламайсиз, эски раисдан ишни зудлик билан қабул қилиб олишингиз лозим. Алижон саркотибингиз... Эртага тафтиш комиссия тузамиз. Обедонлик, маориф, молия, соғлиқни сақлаш бўлимларини ташкил қилиб, раис ва аъзолар белгилаймиз.

— Ҳозир энг муҳими, иккита асосий ишни амалга ошириш керак. Биринчиси, артель ташкил қилиш, иккинчиси, саводсизларни ўқитиш учун мактаб, — деди Омонтой янги сайланганларга мурожаат қилиб.

— Тўғри, — деди Ҳамза унинг гапини қувватлаб. — Одамларни ўқитишни дарҳол бешлаб юбориш керак. Мана энди бино ҳам бор. — Саҳна ёнидаги хона эшигини очиб, ўтирганларга кўрсатди. — Одамларга худди мана шу ерда савод ўргатамиз!

Ҳамза кишлоқ Шўросига янги сайланганларни табриклаб, кўлларини қисди-да, дастлабки йўл-йўриқлар кўрсатди, ишни қандай олиб бориш юзасидан уларга насиҳат қилди. Кейин «Янги Фаргона» газетасида бир деҳқон шоирнинг шеъри босилганини айтиб, ўқиб бериш учун Алижонга узатди. Алижон Ҳамзанинг қўлидан газетани олди, кўкрагини кериб, томоғини қириб қўйди-да, баланд овоз билан ўқий бошлади:

Инсон бўладир деса биров хар била говни,
Сўзлай оладир деса агар гунг-соқовни,
Мол бирла қама, тўс унинг олдига говни,
Нон ўрнига ўт бергину, ош ўрнига жовни,
Кув базми кекгашдан у каби ичқора-ёвни.
Ош бўлса ошаб, иш деса қочган акалардан,
Дунё тозалансин у каби дашгасалардан.
Мехнат элига зарра осиг йўқдир алардан,
Бошқа иш гар бўлмаса йўқсилни талардан,
Ёк ўтга чурук жисмини ундоқ лакаловни,
Оқил киши дўст айламагай фикри тумовни.

Улар кулишиб, қарсак чалишиб, Ҳамза билан Алижонга миннатдорчилик билдиришди.

— Шоирнинг қўли дард кўрмасин!

— Баракалла, Алижон!

Ун иккинчи боб

САВОДСИЗЛИКНИ ТУГАТИШ МАКТАБИ

Парта ўрнига тахтадан сўқма қилиб ясалган скамейка, стол тўрт қатор қилиб қўйилибди. Йигирма, йигирма беш киши бемалол сабоқ олса бўлади. Ҳозир-

ча мактабга Омонтой, Қамбарали, Алижон, Каримжон ва хотин-қизлардан уч-тўрт киши келган. Улар паранжи-чачвонга ўралиб ўтиришибди, биттасигина чачвоқини қайириб, кифтига ташлаб олган. Бу Меҳри эди.

Ҳаммасининг қўлида алифбо, тахта устида қалам билан дафтар. Рўпарадаги деворга қўполгина қора тахта осиб қўйилган. Ҳамза ўша тахтага «Л» ва «П» ҳарфларини ёзди. Бир қаватли дераза очиқ, дарахтларнинг яшил япроқлари ичкарига мўралайди.

— Мана бу ҳарф «Л» дейилади,— деди Ҳамза.— Яхшилаб билиб олинглар. Энг азиз кишининг фамилияси ана шу ҳарфдан бошланади. У киши ҳаётини оддий халқнинг бахт-саодати учун бағишлаган. Қани айтинглар-чи, дарёдай элпарвар ўша одам ким?

Аёллар ўзаро шивирлашга тушишди. Эркаклар ўз дафтарларига ҳалиги ҳарфни ҳафсала билан кўчириб ола бошлашди. Шу пайт Смонтой қўлини кўтарди. Унинг орқасида ўтирган Қамбарали аллақачон ўрнидан туриб олган эди.

— Мен айтиб берсам майлими?

— Айтинг,— дея Ҳамза рухсат берди.

— Бу одам ўртоқ Ленин.

— Тўғри,— деди Ҳамза қувониб.— Демак, Ленин сўзини ёзиш учун биз олдин «Л» ҳарфини ёзишимиз керак эди. Яхшилаб кўчириб олинглар. Мана буниси эса «П». Кўрдингизми, у янги турмушга кириб борадиган дарвозадай мустаҳкам турибди. Сизга энг яқин сўзлардан бири ана шу ҳарфдан бошланади. Уни ҳар куни мамнуният билан бир неча марта тилга оламиз. У сўз нима?

— Мен айтаман,— деди Меҳри шошиб.

— Айтинг.

— Паранжи!— деди қиз ўзича у сўзни топганидан қувониб.— У десим биз билан бирга. Ундан ҳеч қутулмайпмиз...

Ҳамма кулиб юборди. Омонтой Меҳрига ер остидан норозилик билан қараб қўйди.

— Йўғ-е янги турмушга паранжи билан боролмаймиз,— деди Ҳамза жилмайиб.— Бу сўз яқин бўлса ҳам, лекин уни мамнуният билан тилга олмаймиз-ку. Мен мутлақо бошқа нарсани айтган эдим. Яна дурустроқ ўйлаб кўр, Меҳри.

Меҳри қизариб, ерга тикилиб қолди.

— Сиз, Ҳамза ака, бизнинг партиямиз ҳақида айт-

дингиз,— деди Алижон жилмайиб, Меҳрини хижолатдан чиқаришга ошиқаркан.— Уша сўз — партия!

— Тўғри, бу сўз — партия, у мана бу ҳарфдан бошланади,— деб тасдиқлади Ҳамза.

Мактабнинг очик деразасидан Шодмонхўжа бир мўралади-ю, ўша заҳотиёқ ғойиб бўлди, айланиб ўтиб бориб, чойхонанинг нариги томонидан келиб, Ҳамзанинг гапига яширинча қулоқ солди.

— Ленин ва партия сўзларини ёзишни биз энг олдин билиб олишимиз керак,— деди Ҳамза ўқувчиларга ўқдириб. Чунки бизнинг, қулликдан қутулишимизга Ленин ва партия ёрдам берган. Баъзи одамлар ҳали ҳам хотин-қизларнинг озодликка чиқаришларига тўғаноқ бўладилар, уларни зулматда сақлашга уринадилар. Мана, ораларингизда битта қобилиятли қиз — Санобар йўқ. Жоҳил, ўжар отаси унинг бахтига зомин бўлди! Кўра-била туриб ўз қўли билан зиндонга олиб бориб ташлади. Биз уни қутқариб қола олмадик... Бу одам бир вақтлар босмачиларга аралашиб, Шўрога қарши қурол ҳам кўтарган, ярадор бўлиб кизил аскарларнинг шифокорлари қўлида даволанган, камбағаллиги, адашганини ҳисобга олиб, Шўро ҳукумати унинг гуноҳларини кечиб юборган эди. Ҳали ҳам кўзи очилмаганига ачинаман.

Ҳамза айтган гаплар ўқувчиларнинг кўпчилигига янгилик эди. Улар ҳайрат билан гувранишди. Шодмонхўжа тоқат қилолмади, икки кафти билан қулоқларини беркитиб, шайх Исмоилнинг уйи томон югуриб кетди.

Ун учинчи боб

ЗУРАКИ ТУЙ

Шайх Исмоил ўзининг ўн бир ёғочлик нақшинкор уйда парқу болишларга така қилиб, хомуш ўтирарди. Уртадаги хонтахта устида қалин китоб очиб қўйилган. Хонтахтанинг қарама-қарши томонида Эшон ойи тасбеҳ ўгириб жимгина ўтирарди. У бир фурсатдан сўнг бошини кўтарди-да, шайхга қаради. Шайх унга эътибор бермади. Эшон ойи ўз-ўзи билан гаплашаётгандай мингирлади.

— Билмадим, бўёқчининг хуми бузилганми, рангбаранг мишмишлар азиз даргоҳда кўпайиб кетди!— деди тағдор қилиб. Шайх бошини кўтарди, чуқур хўрсиниб қўйди-да, Эшон ойига лоқайд жавоб қилди:

— Валихон тунов кунги майлисда амалдан бекор

қилинибди. Ҳша куни анави ярамас,— у афгини буриштирди, Ҳамзанинг номини тилига ҳам олгиси келмади,— уни қишлоқ Шўросидан ҳайдаб юборибди, ўрнига Ғиёсхўжанинг қароли Омонтой тайинланибди. Ҳар қалай яхши бўлмади, хотин. Кўпларнинг елкасидан сафар оғи кўриниб қолмаса, деб қўрқаман...

Эшон оғи қичлоқ Шўросидаги бу ўзгаришнинг моҳиятига унча баҳо бермаган, тўғриси, унга тушунмас, қолаверса, шайхнинг мавқеи олдида булар шунчаки арзимас ўткинчи ҳодиса бўлиб туюларди. Лекин шайхнинг худди уйдан ўлик чиққандек мотамсаро бўлиб қолганлиги, ҳадеб чуқур хўрсинишлари уни ўйлатиб қўйди. У, шайхнинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб гап қотди:

— Мош йиғилиб ош бўлмас, қул йиғилиб бош бўлмас. Ғиёсхўжанинг қароли бўлса унча бегона эмас экан-ку.

Эшон ойининг бу калтафаҳмлигидан шайхнинг энсаси қотди. У чарсиллаб кетди.

— Ҳамма балони бошлаган ўша-да! Бегона эмас, дейсиз-а, отин,— деди зарда қилиб.— Агар анави дардисарни ҳам илгариги бошқа қизларга ўхшатиб даргоҳимизда олиб қолсак, бу қари эшак. Шодмоннинг жини кўзгаб, улар томон ўтиб олиб, ёқамиздан олиши муқаррар кўринади. Бошқалар унга эргашишади... Субҳонолло, субҳонолло...

Эшон ойининг лабларида сезилар-сезилмас кулги аксланди. Лекин ичидаги гапни сиртига чиқармади. сир бой бермай, шайхнинг гапини қувватлаб тушди.

— Албатта, албатта,— деди у бошини лиқиллатиб.— Айланай азиелардан... Ёмонлар кўпайиб кетди бу замонда. Кошки уларнинг касофати ўзига урса... Яхшига кун, ёмонга ўлим йўқ... Андижонни ер ютганда, ер ёмонларнинг ўзинигина ютган дейсизми? Йўқ, тўқайга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар ёнганидай, ёмонларнинг касрига қанчадан-қанча яхшилар қолиб, ерга ем бўлмаган дейсиз? Қанчадан-қанча олим-уламо, фозилу фузало, муллою ақобир, шайху муридлар беному нишон кетмаганлар?!.

— Субҳонолло, субҳонолло. Ўзинг паноҳ бер, худо! Ҳа, отин, замона бузилди, одамларнинг имонидан путур кетди. Шундай бўлса ҳам, ноумид бўлмаслик керак. Ноумид шайтон!.. Нафасингиз бунча совуқ, отин? — деди шайхни ваҳм босиб.

— Айтдим-қўйдим-да, шайхим. Ёмонларнинг касо-

фатига қолмайлик дейман...— Эшон оёи гапни айлан-тириб Санобарга боғламоқчи бўлар, шайхни йўл-йўриққа солиб, бир йўла Руқия пошшанинг таъналарию, димоғ-фироғи, Санобарнинг аччиқ-аразидан қутулиб олмоқчи эди. Шайхнинг кайфиятини кўриб, бундан фойдаланиб қолишни ганимат билиб, гапни айлантирди:— Сиз тўғри мулоҳаза қиласиз, шайхим. Бу этаксиз қизларни куф-суф билан роҳи-ростига солишга ҳам шу кунларда фурсатингиз етмаяпти... Қолаверса, ёшингиз ҳам бир жойга бориб қолди...

Шайх Эшон ойининг ўпкаларини тушуниб, коса тагидаги кимкосани кўриб турарди. У қоштини чимириб, унга ўқрайиб қўйди.

— Ҳар нарсани гап деб валдирай бераркан-да, оғзи-га келганини қайтармай, оллога минг қатла шукурки, ҳали куч-қувватдан қолганим йўқ, лекин Шодмонхўжа қизини қайтармоқчи эмасман. Бу ишларга тушунмай-сиз, отин. Уни ўзим эрга узатаман.

— Кимга?— Эшон оёи бир сесканиб тушди.— Севишгани ўша иштонсиз Алижонгами?

Шайх энсаси қоғиб, қўлини силтади.

— Ҳўп соддасиз-да, отин. Ушанга берсам-ку, бунча жанжал-тўпалонга қолиб юрмасдим-а, аммо худонинг ўзи етказган мол-давлатдан ўз ихтиёри билан ким юз ўгирган?! Бузрук эшон менга катта пулнинг дарагини айтди. Шодмонхўжани ҳам қуруқ қўймайди.

Эшон оёи бу гапни эшитиб енгил тортди. Унинг учун Санобарнинг кимга берилишининг аҳамияти йўқ, фақат ўзининг шундоқ ҳам пашша тушган ошига у ўртоқ бўлмаса бас эди. Шу сабабдан у қувончини пардалаш, қолаверса, шайхнинг қарори қатъий ёки шунчаки лақиллатиш эканини аниқ билиб олиш учун унинг қўйнига қўл солди.

— Ҳа, энди катта дарахтнинг сояси ҳам катта-да... Лекин қиз ўжар, жизғинаги чиқиб куйиб ўлса ўлару катта сояга яқин бормасов...

— Боришга кўндириш керак, отин, кўндириш керак,— деди шайх зарда билан, Эшон ойининг эзмалигидан аччиғи чиқиб. Бироқ дарҳол жаҳлидан тушди, юмшоқсупурги бўлиб, Эшон ойини аврай бошлади.— Ҳаммасига ўзингизнинг ақлингиз етиб турибди-ку, яна ўсмоқчилайсиз-а, отин. Нима, сиз ўз касбингизни унутиб қўйдингизми, ахир бу биринчиси эмас-ку, ўргулай хотин.

— Уни кўндириш қийин,— деди Эшон оёи бетакал-

дуфлик билан. Аслида у шайх билан савдолашарди. Шайх буни дарҳол сизди-да, айёрона жилмайиб қўйди.

— Агар рабдоматига қараб иш тутсангиз, уни Бузрук эшонга кўндирасиз, ана унда гавҳар кўзли исирга билан бир жўра хонатлас сизники. Буниси биздан бўлади. Бузрук эшон ҳам унинг тўйида белини боғлаб, жонбозлик кўрсатаётганингизни ҳисобга олиб, қуруқ қўймас...

— Катта тошойна ҳам,— деди Эшон ойи очкўзлик қилиб.

— Катта тошойна ҳам...— шайх бир оз ранжиган-симон рози бўлди.

— Уша пинқи Руқиянгизга ҳали-ҳозир олмай турсангиз ҳам бўлади, меникига қараб пардоз қила туради. Мунча ўшани... папалайсиз...

— Майли, кундошингиз кута туради.

— Лекин билиб қолса, тўрсайиб ўлади-да, Марғилондаги синглим қизини куёвга узатмоқчи бўпти, ижозат берасизми?..

— Покдомон хотинимсиз, шу ишни битирсангиз, бир ой десангиз ҳам ижозат. Марғилонда сафобахш тўй-тўйчиқ кўп бўлади. Ўйнаб-кулиб равшандиллик билан қайтасиз,— деди размгирлик билан шайх.— Пайт-пайти билан бориб турганингиз маъқул.

— Тўй-ҳашамга боришга янги амиркон маҳси-кавушим йўқ, банорас паранжим эскириб қолган... Одам уялади...— деди Эшон ойи ер остидан шайхни кузатар экан, ҳамма камчилигини битириб олгиси келиб.

Шайх чеҳрасидан зах тешиб хотинига ўқрайиб қаради. Уни қаттиқ койиб бермоқчи бўлиб, энди лабини жуфтлаган эди, уйнинг эшиги қитирлади. Шайх йўталиб ўрнидан турди. Эшикдан ёш эшонзоданинг боши кўринди.

— Ота, ялангоёқ Шодмон келиб, пиримга бир оғиз гапим бор, деб гишава қиляпти,— деди у.

Шайх эшик олдидан орқага ўгирилиб, Эшон ойига тайинлади:

— Ҳалиги айтганимдай бўлсин!— Кейин йигитга амр қилди.— Бу ёққа олиб кел! Ҳам бўри тўйсин, ҳам қўй тирик қолсин... Раҳматлик падари бузрукворим шундай дегувчи эдилар.

— Шайхимнинг ҳар бир амру фармонларига шикаст билан қойим турмоқлик менинг бурчимдир,— деди пичинг қилиб Эшон ойи.

Эшон ойи чиқиб кетгач, Шодмонхўжа кирди. У

остонада тараддудланиб туриб қолди-да, шайхга икки букилиб, таъзим қилди. Шайх Шодмоннинг келганини кўрмасликка олиб, китобдан бош кўтармай ўтираверди. Кейин томоғини қириб йўталди.

— Э-э, сизмидингиз, Шодмонхўжа,— деди шайх жилмайиб.— Қани ичкарига кирсинлар,— деб камоли викор ва салобат билан ўзи йўл бошлади:— Яқинроқ ўтирсинлар. Меҳмон бўлсинлар.— Шайхнинг овози жуда мулойим ва ёқимли эди.

Шодмонхўжа бу мулозаматдан хижолат тортиб, яна таъзим қилди.

— Ҳечкиси йўқ, мен шу остонада... кўча тупрок, гиламга юқиб қолмасин яна.

У гиламнинг бир чеккасига тиз чўқди.

— Э, одамдан азиз бўлибдими, тортинмай яқинроқ ўтираверинг,— деди шайх астойдил ёнига таклиф қилиб.— Сиз билан гаплашадиган гапим бёр эди, сизни худонинг ўзи етказди. Қаранг, ҳозиргина кўнглимга олиб ўтириб эдим. Қани, дастурхонга қаранг. Иссиқ нон, ўзингиз ушатинг, қаймоқ, асал Арслонбобники, олинг, тотининг, тортинманг, савоб бўлади.

Шодмонхўжа яна ичкарироқ сурилиб, бошини солиб туриб гапирди:

— Сизни бевақт безовта қилганим учун узр, тақсир. Санобарни соғиниб келдим. Қалай у? Йиғламаяптими?

— Нега йиғлар экан,— дея шайх елкасини қисди.— У менинг ўз қизимдай бўлиб колди. Унинг бахти ҳақида ўзим ғамхўрлик қилишни ўйлаб турибман. Иншоолло, ниятингизга етгайсиз, дастурхонга қаранг, олинг.

Шодмонхўжа шайхнинг оғзига қараб анграйиб қолди.

Муҳтарам Шодмонхўжа,— деди шайх салмоқлашиб,— сиз чин мусулмон, ҳалол одамсиз. Худо хоҳласа, жойингиз жаннатда бўлур... Аммо қизингиз... унинг кўнглига шайтони лаъин уя қуриб олган. Ҳа, айтмоқчи, Шодмонхўжа, менга пича берасингиз бёр эди. Ушандан қанча қолган, эсингиздами?

Шодмонхўжанинг юзи тундлашди. Тушкун бир овозда жавоб берди:

— Қарзим кўп, тақсир... Э, мен тўйиб кетдим бу дунёдан. Ўз қулингизга шафқат кўрсатинг, пирим, қахрланманг...

— Эсимда ҳам йўқ, қанча йиғилиб қолганини мен ҳисоблаб кўрмаганман. Ҳа, майли, берганга битта ҳам кўп, олганга ўнта ҳам оз, буни ҳозир ҳисоблаб ўтириш-

га вақт зиқ, кейин бафуржа гаплашармиз. Энди қизингизга келсак, уни куёвга бериш даркор.

Шодмонхўжа бошини лиқиллатиб розилик ишорасини билдирди.

— Унинг жуфт-ҳалолига сизнинг ўзингиз кимни раво кўрасиз? — деб сўраб қолди шайх.

— Тақсирим! Менинг қизим ёшлигидан Алижон билан биргаликда катта бўлган. Ҳалиги марҳум ошнам Тўхтасиннинг ўғли Алижон билан...

Шайх афтини буриштирди, бошини сарак-сарак қилди.

— Мен сизни бунчалик лақма, гўл одам деб ўйламаган эдим. Алижон марҳум отасининг қарзини тўласин аввал, кейин уйланишни хаёлига келтирсин. Унинг отаси, хабарингиз бор бўлса керак, мен билан ҳисобкитобини қилмай ўлиб кетди. Уша батрак Алижон қариган чоғингизда сизнинг кунингизга ярармикан?! Қариган чоғингизда ватансиз қолиб, хор-зор бўлманг дейман. Менинг насиҳатимга қулоқ беринг! Ахир мен сизнинг манфаатингизни ўйлайман!

— Қулнингизман, пирим... — деди Шодмонхўжа бўйнини солиб.

— Қизингизни тагли, тахтли, давлатманд, мўмин-мусулмон одамга бермоқ лозим. У шундай одам бўлсинки, келинга катта қалин тўласин.

— Менинг хоҳишим билан ким ҳам ҳисоблашиб ўтирарди дейсиз, пирим... — деди Шодмонхўжа бўшашиб.

— Бу хусусда мен ўйлаб кўрдим. Санобарга ҳурматли Бузрук эшон оғиз соляпти. Мен унга аниқ бир жавоб бермай, сиз билан маслаҳатлашиб кўраман, дедим.

* * *

Шодмонхўжанинг дами ичига тушиб кетди.

— Ақли ожизимча, қизингиз Бузрук эшонникида яйраб-яшнайдди, елкасига офтоб тегади, — деди шайх гапни айлантириб. — Бузрук эшоннинг мол-давлати ҳисобсиз... Баҳона билан сиз қарзингиздан узиласиз, яна ёмон кунингизга ҳам бирон нарса орттириб қоласиз. Энг муҳими, Фарғона хони Худоёрхон қўл берган «оқ эшон»нинг авлоди Бузрук эшондай бадавлат кишига қайната бўлиб, қариган чоғингизда фароғатда яшайсиз. Бировларга муте бўлиб кун кўришдан қутуласиз. Сизни ҳеч ким ҳозиргидай пастга урмайди. У ёғидан

ҳам ташвиш тортиб юрмай қўя қолинг. Тўйни мана шу ерда ўтказамиз.

Шодмонхўжанинг чиройи очилди. У икки қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилди.

— Раҳмат сизга, пирим, бу ғамхўрлигингизни у дунё-бу дунё унутмайман,— деди у тўлқинланиб,— Мен, менинг ўзбошимча қизим сизнинг оғримаган бошингизга ташвиш орттирди. Мен сизнинг бир итоатли қулингизман, насиҳатларингизга юрмасликка ҳаққим йўқ.

— Мана бу гапингиз яхши,— деб илжайди шайх мамнун бўлиб.— Лекин қизингиз кўнармикан? Санобар бир феълли қиз. Сизнинг иродангизга қарши бориши ҳам мумкин.

— Агар кўнмаса, мен уни дуойибад қиламан.

— Ҳай-ҳай, ундай қилманг. Оғизга аҳтиёт бўлинг... оғизга... Қарғиш билан ҳамма вақт ҳам иш битавермайди.— Шайх бошини сарак-сарак қилди.— Агар қизингиз ихтиёрий равишда розилик берса, жуда соз бўлар эди-я! Мен Санобарни олиб келишларини буюрмаман, сиз у билан бир гаплашиб кўринг.

— Қулингизман, тақсир. Сизнингча бўлсин,— деди Шодмонхўжа итоаткорлик билан.

Шайх хонадан чиқиб кетди. Ташқаридан унинг овози эшитилди:

— Бориб айтинг... Санобарни отаси олдига олиб келишсин!

* * *

Санобар шайхнинг уйда ўзига ажратилган хонанинг бир бурчагида кафтини ерга тираб, рўпарасидаги Эшон ойига тикилиб ўтирарди.

— Вой ўлмасам,— деди Эшон оyi Санобар Алижоннинг номини айтганида.— Уят-а! Тавба қилиб, эшоннинг оёқларига бош ургин, сенга шунча марҳамат қилсалару сен бўлсанг... Уша сенга ишқи тушиб колган йигит ким бўлибди? Вой бўлиб болтаси, гадои бўлиб халтаси йўқ бир искирт-да... Худо кўтарсин ўша имонсизни. Хазон бўлгур, сенинг ҳам бошингни айлагирганда, бўлмаса ўшани деб бунчалар эзилмасдинг, рангрўйинг бир ҳолатда-я, ўзингга раҳминг келсин. Ишқ-муҳаббат дарди ўсмадек ювилади-кетади.

— Уни қарғаманг, Эшон оyi!— деди Санобар ўзини босиб туролмай.— Барибир қарғишларингиз ўтмайди.— Санобар Эшон ойига ялинишга тушди.— Раҳмингиз келсин бизга, Эшон оyi. Уни севиб нима гуноҳ қилибман?

— Севасанми? Қиз деган йигитни кўрса жилпангламайди, — гингиллади хонага кириб келган Руқия пошша. — Уятсиз! Бундай дейишга қандай тилинг борди! Астагфириллоҳ, қиз бола ҳам эркак кишига шунақа гапни айтадими? Бети йўқ! Қиз бола эрда яхши, эрда бўлмаса ерда яхши. Сени Бузрук эшонга узатамиз!

Бошини элаб «йўқ» имосини қилди Санобар.

— Унга тегмайман! Унга хотин бўлгандан кўра ўзимки чўққидан жарга ташлайман!

— Буни ўйлаб гапиряпсанми? — деб сўради Эшон ойи ҳайратланиб. У қиз Бузрук эшоннинг номини эшитиши билан унинг ҳисобсиз давлатига учади, деб ўйлаган эди. Санобарнинг шартта «Тегмайман!» дегани ақлига сиғмай, уни довдиратиб қўйди. У гапни бошқа томондан айлантирди. — Шайх билан отангнинг розилигига қарши борасанми!? Ота рози — худо рози деган.

Гапни Руқия пошша илиб кетди:

— Отангни куйдириб кукун қилишинг яхши эмас. То ота рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сенинг. Буни машойихлар айтиб кетишган. Сенга куҳқопнинг парисидан бири тегибди. Шайхга айтайлик бир қора кўй сўйдириб, сен учун хомталаш қилиб юборсин. Ўзим ҳам сен учун Алининг мазорига бир жуфт чироқ ёқиб, дастгирлар арвоҳига ис чиқариб юбораман.

Улар икковлашиб Санобарни яхши-ёмон гаплар билан роса аврашди. Лекин қиз сўзида маҳкам туриб олди.

— Отам рози эмас эканларми? — деди у Эшон ойига кинояли тикилиб. — Алижонни яхши кўришимни отам биладилар!

Эшон ойи икки кўрсаткич бармоғи билан юзини тирнади, шап этиб бетига урди:

— Вой уятсиз! Буни отангга айтишга қандай юзинг чидади?

Шу пайт Руқия пошша Эшон ойига духобадайд майин овози билан деди.

— Эгачижон, этаксиз қизингизни меҳмонхонага олиб чиқар экансиз. Шайхим буюрдилар! Худо кўтарсин ўша ислиқи гадойваччани!

* * *

Шодмонхўжа ғийқ этса эшикка қараб, кўзи гўрт бўлиб ўтирар эди. Санобар остона ҳатлаши билан отасига кўзи тушди-ю, ўзини унинг қучоғига отди.

— Қизгинам! Санобар, эсон-омон юрибсанми, қизалоғим, ёлғизим. Оллоҳ, бахтингни берсин. Бузрук эшон, жудо хоҳласа сени отга тептирмай, итга қоптирмайди,— деди Шодмонхўжа қизига пойма-пой гапириб. Санобар бир силтаниб унинг бағридан ўзини четга олди. Шодмонхўжага бақрайиб қараб турди-да, ҳўнграб йиглаб юборди.

— Отажон! Сиз ҳам ўшаларнинг гапини гапирасизми? Мени хазон қилманг, жон ота. Менда нима гуноҳки, бу ерга келганимдан бери авахтадаман,— деб ёлворди Санобар отасининг олдида тиз чўкиб.— Ахир мени ўзингиз тенги одамга, яна уч хотин устига беришга қандай кўнглингиз боради, отажон! Булар ку, етти ёт бегона, сиз ўзимнинг отамсиз-ку, ахир! Нега улар билан тил бириктирдингиз? Ё мени кўчадан топиб олганмисиз?

— Ундай дема, қизим, гуноҳ бўлади. Начора, қизалоғим, мен бир ёқавайрон, ҳамёни пуч, ғариб одамман, пиримнинг йўлларида чиколмайман.— Шодмон аканинг овози юрагини кемириб кетаётган аламдан титраб кетди.— Мен у кишидан жуда кўп қарздорман. Агар еримизни олиб қўйса, очдан ўламиз, болам. Яна, унинг дуойибад қилишидан қўрқаман. У дунёйимни ҳам ўйлайман. Хўп дея қол, қизалоғим, гапимни қайтарма, жон болам!

— Бузрук эшонга тегмайман, ота!— деди Санобар шивирлаб.— Унга теккандан кўра ё ўзимни сувга отаман, ё бирон қоядан ташлайман.

— Бўлмаса шошма, айланай қизим,— деди Шодмонхўжа секин гапириб, қатто меҳри товланиб. Унинг овозидан жонидан тўйиб кетган кишининг изтиробидан яққол ифодаланиб турар эди.— Дунёсига минг лаънат, ич-ичим зимистон, қонимга ташна бўлиб кетдим. Майли, қизим. Мен мақбарага чиқиб, унинг муборақ тошларини ўпаман-да, ўзимни пастга ташлайман. Нега бундай қилганимни худонинг ўзи кечирар!..

— Нимага ундоқ дейсиз, отажон!— Санобар Шодмонхўжанинг кўксига бош қўйиб, ўкраб йиглаб юборди.— Мени кимга ташлаб кетасиз? Сизсиз менинг ҳолим нима кечади? Нега булар ўз майлимизча кун кечиришга қўйишмайди. Нега? Нега дилимизга, тилимизга, жонимизга, қонимизга эгалик қилади?! Ахир мен кимман? Мен одамми ёки...

— Мана, мен сизга айтдим-ку, Шодмонхўжа, унга яхши гапирганингиз билан кўнмайди деб. Сийлаганни

билмайди бу қоқвош қизингиз,— деди шайх хонага бостириб кириб. Кейин гапни калта қилди.— Тўйни менинг ҳовлимда қиламиз!.. Ўзингизга карашли меҳмонларни келаси пайшанбага таклиф қилаверасиз, Шодмонхўжа! Ҳеч ташвиш қилманг, қолганини фақирга қўйиб бераверасиз, тўй тадоригини кўриб қўйганмиз...

Санобар хун бўлиб йиғлади. Отасига, шайхга ёлворди. Аммо унинг ялиниб-ёлворишларига қулсоқ соладиган кимса йўқ эди. Шодмонхўжанинг кўнгли бузилиб, бир шайхга, бир Санобарга кўзларини мўлтиллашиб қарар эди. Лекин шайхнинг гапига эътироз билдиришга ўзида куч тополмасди. Қизининг аҳволига ачингани билан ҳали шайх шама қилиб қўйган қарз — қиёмат қарз — кўкрагини кесарди.

Шодмон аканинг кўз олдига бир парча ери билан ёлғизгина маъсума қизи Санобар келди. У ерини деса, битаю битта қизи Санобар бир умрга қўлидан чиқиб кетаётгандай, қизини деса, ўша ери шайхга ўтиб қолаётгандай бўларди.

У ҳар иккаласини аввал сартарози қилди: у эсини танибдики, ўша ер орқасидан кун кўриб келади. Йил ўн икки ой меҳнат қилади, ўша ердан қишлигини ундиради. Ейиш-ичиш ҳам, кийим-кечак ҳам мана шу ер устига. Санобарни ҳам мана шу ер орқасидан боқиб катта қилди. Ери бўлмаганида уни аллақачон бировга чўриликка бериб юборган бўларди. Бузрук эшонга берса, авваламбор, ери ўзида қолади. Иккиламчи, ўзи ҳам қанчалигини билмайдиган «кўп қарзи»дан — бир умр бало-қазодай гарданига ёпишиб олиб, тилини қисик қилиб келаётган зил юкдан қутулади, қолаверса, кимсан Бузрук эшондай баобрў одамга қайнота бўлиб (Шодмон ака шу ўринда унинг ўзидан бошқа яна учта қайнотаси борлигини, уларни Бузрук эшон одам қаторида санамаслигини хаёлига ҳам келтирмади!) орзу-ҳавас кўриб, одам қаторига киради. Беш кунлик дунёда кўкрагига сал бўлса ҳам шамол тегади.

Санобарнинг раъйига қараса, биринчидан, пирининг кўнгли қаттиқ оғрийди, ундан қўлини ювиб қўлтигига уради-да, қарзини қисталанг қилади, ўша қарз эвазига ери қўлдан чиқади. Ер қўлдан кетгандан кейин тирикчилиги нима бўлади, қариган чоғида очликдан тиланчилик қиладими? Йўқ! Бу унинг шаънига тўғри желмайди. Шайхнинг иноятдан маҳрум бўлиш унинг учун ўлим билан баробар...

Шодмонхўжанинг хаёлан қилган бу сартарозусида Санобар турган паллани ер, хусусан қарздан қутулиш, қолаверса, унинг соддадиллик билан ихлос қўйгани шайх томон бир неча бор ортиқ босиб кетди. У қизининг нолаи фигонига ҳам қарамай, шайхнинг этагидан маҳкам тутди. Шайх содиқ муридидан мамнун бўлиб, узундан-узоқ дуо қилди, ишнинг ўнгидан келишини тилаб, юзига фотиҳа тортди. Чол каловланиб ўрнидан турди ва дарвоза томон йўл олди...

* * *

Пайшанба куни шайх Исмоилнинг ҳовлиси гавжум бўлди. Уй-айвону ҳовлиларгача палослар тўшалиб, жой қилинди. Катта-катта самоварлар шақиллаб қайнаб турди. Дошқозонларда қуюқ-сууюқ таомлар тайёрланди.

Дастурхонларга қараган одамнинг акси кўринадиган баркаш-баркаш сўлқилдоқ нонлару Марғилоннинг ёғлиқ ширмон кулчалари, қовун, анорлари, Асаканинг олтин узумлари, Арслонбобнинг асаллари, ликопчаларда бодомлар, мағиз, ҳолва, пашмаклар, хуллас, алвон турли ноз-неъматлар тортилган.

Катта ҳовли меҳмонларга лиқ тўлган. Улар мартаба ва нуфузларига қараб жойлаштирилган. Ҳаммадан алоҳида бир ерда элликка яқин дарвишлар ўтиришибди. Улар ўзларининг одатдаги кийимларида келишган, эгниларида жанда, бўйниларида ридо, сочлари патак бўлиб кетган, қош-киприклари гард-чанг. Иштаҳа билан овқатланишмоқда.

Айвоннинг тўрида шайх бошчилигидаги эътиборли меҳмонлар атлас кўрпачаларда чордона қуриб ўтиришибди. Уйнинг ўнг томонида Бузрук эшон. У ўрта бўйли, семизлигидан гардани бўгин-бўгин бўлиб кетган, бақбақаси ҳам учга бўлинган, эғнида зарбоф тўн, бошида оқ шоҳи салла. Юзи сўлқилдоқ, кўса, бунинг устига қош-киприги ҳам кўринмайди, ёноқлари қизил, кўк томирлар чапланиб ётибди. Кўзлари айёрона чақнайди. Ёши олтмишларга бориб қолган. Гавдаси йўғон бўлса ҳам, овози ингичка, чийиллаб гапиради. Бузрук эшоннинг ёнида Шодмонхўжа ўзига ўхшаганлардан икки-учтаси сиғадиган ипакли камзулда ўтирибди. У дам шайх Исмоилга, дам Бузрук эшонга мўлтиллаб қараб қўяди. Шу тўпда Ғиёсхўжа, оқсоқ дарвиш, Олчинбек Назирийлар ҳам бор эди. Улар ҳам

қимматбаҳо камзул кийиб, шоҳи салла ўраб олишган. Бу тўпда яна учта киши кўзга ташланади. Булар офтобда қарайиб кетган, ҳар учаласининг юзидан заҳар томади. У юзларда шафқатсизлик, қарашларда сурбетлик мавж уради. Бу хислатлари уларни бошқалардан яққол ажратиб туради. Улар ҳам шайхларга ўхшаб эгниларига оқ камзул кийиб, бошларига салла ўраб олганлар. Лекин бу кийимда қовушмаётганликларини сезиш қийин эмас. Чунки бири салласини орқага суриб қўйган, бириники чаккасида, камзуллари эса ёқавайрон. Буларнинг ёнида яна бир киши. У — Қоплонбек қўрбоши.

Унинг ёшида кулоҳ, эгнида минг ямоқ жанда, соч-соқоллари ўсган, елкаси чиқиқ. Кўзлари сира уйқу кўрмагандек қип-қизил.

Хизматкорлар катта хитой товоқларда ош тортишди. Сергўшт, ёғлиқ. Қазии-қартали паловга меҳмонлар ўзларини уришди.

Ҳовлидаги супага машшоқлар жойлашган. Супадан атрофга ҳазин куй таралади. Гижжак юракни эзар даражада йиғлайди, дутор, танбур ва қўш най унга жўр бўлади.

Равонда қирқинчи лампалар порлаб, ҳаммаёқни сутдай ёритиб турибди, ҳовлида икки жойга машғала осиб қўйилган. Қўрғоннинг баланд деворларига чет томошабинлар қалдирғочдай тизилишган. Чунки улар ичкарига қўйилмаган. Уймакорлик билан ишланган оғир дарвоза тақа-тақ ёпиб қўйилибди. Ошпазнинг қўли-қўлига тегмайди, унга икки чувринди йигит дастёрлик қилади. Қўш ногора тақа-туми, чирмандалар гижбанги оламни бузади. Иккита раққос ҳовлида чарх уриб ўйнайди, гоҳида айвондагиларнинг олдига ҳам кириб қўяди.

Ҳовлидаги даврадан чапани бир йигит белидан қийиқчасини ечиб олди-да, тиззаси олдига ёзиб, устига уч-тўрт танга пул ташлади. Раққослардан бири ўйнаб келиб, унга анча муқом қилди. Лекин йигит бўш келмади. Пулни орқаси билан эгилиб тишлаб олишини ишора қилди. Раққос ҳам чапдаст экан, йигит айтгандай эгилиб, тангаларни бирма-бир лаби билан «териб» олди. Атрофда бу ҳолатни кузатиб турганлар қийқириб юборишди. Базм қизигандан-қизиди. Оқсоқ дарвиш, Олчинбек Назирий, шайх Исмоил, Фиёсхўжа базм билан ишлари йўқ, ўзаро суҳбатлашиб ўтиришар, овозларини атрофдагилар эшитмаслиги учун секин гаплашишарди.

— Чўзиб ўтиришининг ҳожати йўқ,— деди оқсоқ дарвиш, қўлидаги заранг пиёлани айлантираркан.— Шу бугуноқ имзо чектириб, жўнатиб юбориш керак.

— Албатта. Агар ҳаялласак, сир очилиб қолиши мўмкин,— деди Ғиёсхўжа рози бўлиб.

— Шахсан Исомиддин Махсумнинг қўлига тушиши керак. У киши райижрокўм ўринбосари. Раисга кўрсатмай Самарқандга республика прокурорига жўнатади,— деб маслаҳат берди Назирий.

— Қанақа имзони айтяпсизлар, ахир уларнинг ҳаммаси хат танимайди-ку,— деди шайх тиржайиб.— Бармоқларини шундоқ босиб қўя қолишади-да. Буни Шодмонхўжадан бошлайвериш мумкин. Камбағал десаларинг ҳам, қарздор десаларинг ҳам шу киши.— Шайх Исмоил Шодмонхўжага каради-да, давом этди: — Ҳурматли Шодмонбой, сизга менинг битта илтимосим бор эди.

Шодмонхўжа жадаллаб бориб шайхнинг ёнида тиз букди. Шайхнинг ҳар қандай фармонига тайёр эканлигини кўрсатиш учун оғзига тикилди. Кейин:

— Буюринг, пирим,— деди у ҳовлиқиб.

— Шўро ҳукуматидан бизнинг капаратимизга қанд, чой ва газмолдан кўпроқ юборишини сўрашга қарор қилдик.

— Жуда тўғри айтасиз, пирим,— деди Шодмонхўжа бошини лиқиллатиб.— Дўконимиз ҳамма вақт ўғри урган уйдек шипшийда бўлиб ётади. Олай десанг, ҳеч вақоси йўқ.

— Бундан чиқди, менинг бу гапимни қувватлайсиз-а! Ундай бўлса, мана аризамиз тайёр. Унга ўзингиз биринчи бўлиб бармоғингизни босасиз-да.

— Сиз нима десангиз шу-да, пирим.

Шодмонхўжа қўлини сочиққа артиб, бош бармоғига туфлади, уни рангли қалам билан бўяди, кейин шайх рўпара қилган қоғозга шартта босди.

Баракалла, Шодмонхўжа! Энди бу арзномага дўконимиз ишидан норози бўлган барча камбағаллар бармоқларини босишлари керак.

— Валихонга айтилса, буни ўша уддалайди,— деди Бузрук эшон.

Шайх Исмоил Валихонни чақириб, унинг кўлига қоғозни тутқазди-да, нима қилишини тушунтирди. Валихон унинг гапига тушуниб, дарҳол ишга киришди. Тўйга келишга лойиқ кўрилган камбағалларнинг ол-

дига бориб, қозога уларнинг бармоқларини бостириб чиқди. Қоплонбек Қулматни туртиб, Шодмонхўжага ишора қилиб сўради:

— Бузрук эшоннинг ёнида ўтирган анави рўдапо ким?

— Э, нимасини айтасиз... Ҳозир Шоҳимардонда янги одат пайдо бўлган,— деди Қулмат гижиниб,— ҳурматли одамлар билан ҳар қандай қаланғи-қасанғилар ҳам ёнма-ён ўтиришаверади. Бу чуврияди, агар билмасангиз, Бузрук эшоннинг янги, тўртинчи хотинига падар бўлади.

— А-а-а! Майли, ҳозирча ўтира қолсин,— деди Қоплонбек қўлидаги кўмикни мужир экан.

— Тенг-тенги билан, тезак қопи билан,— деб тўнғиллади Қулмат.— Бу ерда унга нима бор, Бузрук эшондай мўтабар одам қизига уйланаётганлигига шукур қилсин-у, ўзининг товқасига бориб ўтирсин!.. Агар у истаса кизини ҳеч қандай тўй-томошасиз ҳам тортиб олишга қурби етарди. Ёш хотин... янги супурги яхши супуради.

Бу суприндилар жуда ҳам талтайиб кетди. Қани энди, гинг деганини оғзидан қонини келтириб турсанг,— Қоплонбек гижиниб муштани тугди. Унинг кўзлари бир лаҳза бежо ўйнади. Юзи ғазабдан кўкариб кетди.

— Ҳамма нарсанинг ўз мавриди бўлади,— деди Назирий Қоплонбекнинг бу бемаъни ҳаракатидан норизо бўлиб. У жуда босқлик билан Қоплонбекни бирикки узиб олди.— Урлмайдиган киши таёқни каттасини кўтаради. Бунақа куруқ бақиршдан ҳеч иш чиқмайди. Эшакка ўхшаб ҳанграганингиз қолади. Нонни катта есангиз ҳам, гапни катта қилманг. Самарқандда орқа этагингизни очиб қўйишингизга сал қолганини унутдингизми? Ҳамма вақт ишнинг кетини ёпиб юриш керак.

Бу ҳақоратдан Қоплонбекнинг жон-пони чиқиб кетаёзди. Бунга яраша жавоб қилмоқчи бўлиб, бошини кўтарган эди, ўзига ўқдай қадалиб турган унинг кўзига кўзи тушиб, думини чотиға тикқан итдай ювош бўлди-қолди.

Улардан сал нарида ҳам иккита такасоқол йўғон одам ош еб, гаплашиб ўтирарди.

— Бузрук эшон бу тўйига анави ялангоёқларни нега айтган экан-а!— деди биттаси норози оҳангда.— Қаранг, уларнинг бити тўкилишини...

— Сиз янги чойхонада Ҳамза шайх Исмоил пиримизни шарманда қилганини кўрдингизми?

— Бўлмаса-чи? Кўрдим.

— Замон бузилиб кетди. Аллақандай зоти паст оқпадарларга бўйин эгишинг керак. Илгариги ҳолингга «омонно» ўқисанг, ҳозирги ҳолингга «саддақно» ўқийсан. Олдига суяк ташламасанг, наҳ почангдан олади.

— Суяк ташласанг ҳам қопади, ташламасанг ҳам, — деди биринчиси, анчадан бери чайнаётган чандирни аранг ютиб юбориб. — Кечаги сизга ўхшаган кариллаганлар бугун дирилляпти. Менга энди барибир. Одамлардан қарзларни йиғиштириб олиб, дастгирлар арвоҳига ис чиқариб юбораману бу ердан бошимни олиб кетаман. Шоҳимардонда туриш хатарли бўлиб қолди.

Агар сир бўлмаса, менга айтсангиз, қаерга бормоқчисиз? Ҳозир ҳамма жойда ҳам хўроз бир хил қичқиряпти-ку, ахир...

— Шаҳарга. Ҳолини билган ҳалок бўлмайди. У ерда менинг батрак ёки бой эканлигимни ким билиб ўтирибди дейсиз?..

— Ҳа албатта, ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу... Яхши одамлар бор. Ёрдам беришар. Улмаган қул, бир кунимни кўриб кетарман. Бу ерда биз отнинг қашқасидай маълуммиз. Булар борни кўролмайди, йўққа беролмайди.

Равоннинг энг оёқ томонидаги бир қадар суюққина дастурхонда ўтирган оддий кишилар ҳам ўзаро суҳбатлашиб ўтиришибди. Уларнинг кийимлари юқоридазиларники сингари дабдабали бўлмаса ҳам, зиёфат оқоридагиларникига қараганда осмон билан ерчалик раққ қилса ҳам, буларнинг суҳбати анча жонли, қувлоқ эди. Улар ҳар замон-ҳар замонда гуррос кулиб, оқоридагиларни ҳам кулдириб юборишарди. Улардан жири Шодмонхўжага бирпас қараб турди, ёнидагисига мурожаат этди:

— Энди дунёни сув босса Шодмонхўжанинг тўпигидан келмайди. У кимсан Бузрук эшондай бадавлат кимсанинг қайнатаси, — деди.

Ҳар бир кишининг иқболи таолонинг қўлида. Уни кимга ато қиламан деса, ўзига аён... — деди яна бир қария.

— Барибир дунёнинг моли дунёда қолади.

— Бу-ку, тўғри-я! Лекин...

— Уни кўрдингми?— деди ёнидаги мўйсафид Шодмонхўжага ишора қилиб.— Ҳалигдан бизни назарига илмай қўйди. Чивин шерга қўнади-да, унга ўзини тенг фаҳмлайди... Бу иқбол Шодмонхўжага вафо қилармикан? Ҳай, билмадим...

— Менинг нафсим балодур, ёнар ўтга солодур... Бунинг охири яхши бўлмаса керак. Билмадим-ку, унинг бошини айлантиришган чамаси... Кеча бу тўйдан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди... Э, қўй, ҳали ҳам ўзимнинг камбағаллигим тузук, дўстим. Камбағалнинг нимадан парвоси бор?!

— Буларнинг барчаси шайх Исмоилнинг ирода и билан, буниг устига тўй унинг уйида бўляпти... Хўш, ким ҳам бунга эътироз билдириб, гинг деб оғиз оча олади?..

— Оғиз очадиганлар топилади. Оғиз очолмайдиган самонлар ўтиб кетди. Айтишларига қараганда, келин кўнмаётган эмиш. Ўжамое шўроси бир нарса деса керак-ов. Омонтой кўра-билла туриб, четда қўл қовуштириб тура қолмас...

— Аёл киши нима қила оларди? Унинг инон-ихтиёри отанининг қўлида бўлганидан кейин...

— Бе.

— Шодмонхўжанинг хаёли ҳозир бутунлай бошиқа ёқларда. Казо-касолар дарағида ўтирганидан маст... Ҳозир ўз наздида унга етар одам йўқ...

— Шайх Исмоил билан анави тўнка — Бузрук эшон Шохмардонга ёлпасига тўйга айтган, дейишган эди, камбағаллардан қани, ким келди? Фақат биз келибмиз тўй экан деб...

— Биз кичкина одамлармиз. Тўйга айтишди ма-на келдик. Айтмаганларида ўксимас ҳам эдик. Лекин бунақа зиёфат ҳар куни ҳам бўлавермайди... Кел, қўй, тангрининг молини шайтон қизғанади. Қани, олишиб ўтиринглар...

— Ҳаммани аҳмоққа чиқариб қўйма,— деди ҳам-суҳбатлардан бири эътироз билдириб, ҳалиги одамга.— Бу зиёфатнинг ҳали миннати чиқиб қолмаса, деб турибман.

— Қара, қаранглар, шайх ўрнидан туряпти! Ҳозир келиннинг олдига боришса керак!

— У ерда ишнинг пачағаси чиқмасайди...

— Иккаласига қара, анқаймасанг-чи!

Шайх авзалига узун бир ҳомуза тортди, сўнг «ё, олло» деб ўрнидан турди. Шайхнинг кетидан Бузрук

эшон ҳам ўрнидан турди. Шайх Исмоил ҳаммага эшиттириб мурожаат қилди:

— Келин билан куёвни шариат тақозосига кўра никоҳ қилишга фурсат етди,— деди у салмоқланиб.— Ҳурматли Бузрук эшон, сиз, Шодмонхўжа, сиз, куёв ва келин томонининг вакиллари, ҳаммангиз менинг орқамдан юринглар.

Улар шайх Исмоилнинг ичкари ҳовлисига йўл олдилар.

У ерда келинни бир неча аёл ўртага олиб ясантиришар, пардоз-андоз қилдириш билан банд эди. Уйнинг ўртасидаги хонтахтага дастурхон безатиб қўйилган, Санобарнинг дугоналари ёр-ёр айтишарди. Лекин бу ёр-ёр жуда мунгли эди. Ҳеч кимнинг юрагига ўйин-кулиги, одатда тўйларда бўладиган қувноқ мутойибалар сиғмас, ҳамманинг елкасидан аллақандай оғир юк босиб тургандай эди. Санобарнинг ранги синиқиб, кўзлари ич-ичига тушиб кетган. Киприклари нам.

Руқия бўлса, уйнинг тўрида турган сандиқни очиб, ундаги сепларни бирма-бир олиб, кўздан кечириши билан овора. У бир нарсани оларди-да, ғайирлик билан суқланиб қараб қолар, яна сандиққа улоқтирарди. У Санобарга қараб ўқрайди:

— Кўряпсанми, чувринди, сенга қанақа асл сеплар тўғриладик,— деди у бидирлаб.— Сен — деб такрорлади у тиржайиб.— Агар отанг бир умр ишлаганда ҳам, топгани буларнинг ярмисини сотиб олишга етмасди. Бунинг учун шайхга қуллуқ қилишинг керак.

Санобар аламига чидолмади. У Руқиянинг юзига тик қаради, кейин ўпкаси тўлиб, дарднок жавоб берди:

— Уларни сиз ола қолинг. Менга ҳеч қанақа сеп керак эмас. Мени бу ердан чиқариб юборсангиз, ўлаўлгунча дуоини жонингизни қилар эдим. Ўлсам ҳам унга тегмайман!

Эшон охи кўлини паҳса қилди.

— Куйдим-ёндимингни кўй. Нега тегмас экансан? Тўй бўлди-ку, энди! От-арава тайёр турибди. Бир ордан кейин эрингникига олиб кетишарди, сен бўлсанг, тархашлик қиласан, шўрпешона!!

Меҳри қизларга «ёр-ёр»ни бошланглар, деган маънода ишора қилди. Айтмай турганларни туртиб айттирди. Қизлар уйни бошларига кўтариб «ёр-ёр» айтишаётган пайтда, Санобарга якин келиб, унинг кифтига кўлини ташлади.

— Ҳртоқжон! Ҳзинга маҳкам бўл! Омонтой акам айтдики, агар сўроқ пайтида «қабул қилдим» деса бўлди, шайхнинг қўлидан ҳеч нима келмайди, деди. Ҳозир никоҳ ўқигани келиб сўрашса, қабул қилмайман, деб дунгал айтавер. Қорни қовоқдай бўлмай ўлсин ўша Бузрук эшоннинг.

— Унга теккандан ўлганим яхши, — деди Санобар қатъият билан.

— Унақа ёмон ният қилма. Ҳлишга бало борми, — деди Меҳри гапнинг охирини ҳазилга буриб. — Сен ўлсанг, Алижон аканинг ҳоли нима кечади! У ҳозир Омонтой ака билан бирга. Қандай ёрдам беришни ўйлашяпти. Зўрлаб олиб кетишга барибир йўл кўйишмайди.

Шу пайт эшикни очиб, уйга жамалаксоч бир қиз ўқдай отқилиб кирди.

— Шайх келяпти!.. Бузрук эшон келяпти! Одамлар... — деди у нафаси озига тиқилиб.

Уй ичи бир лаҳзага сув қуйгандек жим бўлиб қолди. Руқия билан Эшон ойи Санобарни эшик олдига етаклаб бориб, кўрпачага ўтқазишди. Эшикни ёпиб. Эшон ойи Санобарнинг орқа томонига чўкди. Меҳри Санобарнинг ёнига ўтирди. У, дугонасининг қулоғига нималарнидир шивирларди.

Эшикда эркакларнинг дупури эшитилди. Улар ҳам жой-жойларига туриб олишди чамаси, шайхнинг овози эшитилди:

— Шариат ҳамма вақт адолатни ҳимоя қилади, — деди у салмоқ билан. — Булар ўз хоҳишлари билан ихтиёрий суръатда никоҳ қилинадилар. Борди-ю, томонлардан биттаси рад жавоб қилса, никоҳ бўлмайди. — У Бузрук эшонга қараб қўйди-да, ичкаридагилар эшитадиган қилиб, уни мақтай бошлади.

— Ҳар қандай қизнинг бахти бундай кулиб боқмайди. Бузрук эшон, абваламбор, ақли расо, мўмин-мусулмон одам. Қолаверса, Шоҳимардоннинг энг эътиборли бойларидан. Бундай одамга жуфти ҳалол бўлиш учун ҳар қандай қиз дарҳол ризолик берар деб ўйлайман.

Шайх обдон Бузрук хўжанинг мақтовини келтирди-да, ичкаридан ижобий жавоб олишига мутлақо ишонган ҳолда асосий мақсадга ўтди.

— Санобар Шодмонхўжа қизи шу ердамилар? — деб сўради.

— Шу ерда!.. Шу ерда!— деган овозлар чиқди ичкаридан. Шайх куёв томондан сўради: — Сизким, Саййид Бузрук эшон Кибриёназар Лангархўжа эшон ўгли, Санобархон Шодмонхўжа кизини шариат буюрган шартларни бузмаслик шarti билан ўз жуфти ҳалолингизга қабул қилдингизми?

— Қабул қилдим!— деди Бузрук эшон, бўйнига сизмайдиған бағбақасини сийпаб туриб.

— Ҳамма эшитдимми?— деб сўради шайх, буни кўпчиликка тасдиқлаб олиш учун.

— Эшитдик... эшитдик,— дейишди бу ерда ҳозир бўлганлар.

Шайх қаноат ҳосил қилиб, қиз томонга мурожаат этди.

— Сизким, Санобарой Шодмонхўжа қизи, Саййид Бузрук эшон Кибриёназар Лангархўжа эшон ўғилларини ўзингизга танмахрамликка қабул қилдингизми?

Ичкаридан садо чиқмади. Шайхнинг пешонаси тиришди.

Бузрук эшон Шодмонхўжага бир хўмрайиб қўйди-да, тўнғиллади: «Бу лаънати одамлар ичида мени шарманда қилмаса эди!»

Санобар қизларнинг ўртасида эшикка яқин жойда ўтирарди. Меҳри унинг қўлини маҳкам қисиб, юзига кўзини тикиб қолган эди.

Ташқаридан шайхнинг овози келди. Ичкаридан яна жавоб бўлмади.

Эшон ойи Санобарнинг этини узиб олди. Санобар оғриқдан бир сапчиб тушди. Лекин миқ этиб оғиз очмади.

— Бахти қаро, улуғ зотларни мунтазир қилма «ҳа» дегин!— Руқия унинг олдиға келиб, бир туртди, газабига чидолмай «чирт» этказиб ёнига тупурди-да, қисдибастига олди:

— Бағишладим де! Нега ноз қиласан, ярамас!— деди пичирлаб.

— Санобар Шодмонхўжа қизи...— Шайх бетоқатланиб учинчи бор такрорлади.

Санобардан яна садо чиқмади. Эшон ойи билан Руқия бир-бирларига ҳафсалалари пир бўлиб қараб қўйишди. Меҳри севишиб ўрнидан туриб кетди, лекин шу пайт Эшон ойи, Санобарнинг оғзини икки қўли билан маҳкам беркитди-да, овозини ўзгартириб нозланиб жавоб берди:

— Ба-ғишла-дим!..

Шайх Исмоил енгил тортиб, соқолиди силаб қўйди. Шодмонхўжанинг хаёлида қарчиғай чайғалига тушиб, бол-пари юлинган оқ каптар ногоҳ гавдаланди, у деворга суяниб кўз ёшини артди. Қовоқ-тумшуғи осилиб турган Бузрук эшон оғзининг таноби қочиб, тиржайди.

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!..— Шайх овозининг борича салмоқ билан қироат қилиб, хутбасини ўқиди. Кейин одат юзасидан бир-икки оғиз амри-маъруф қилган бўлди. Сўнгра Бузрук эшон билан Шодмонхўжанинг қизи Санобар энди шариат бўйича бир-бирларига танмахрам бўлганликларини, улар бир-бирларининг никоҳларига ўтганликларини эълон қилиб, қутлаган бўлди-да, дуо қилди:— Олло таоло сизларга бахт-саодат ато қилгай, аҳил умр ўтказиб, орзу-ҳавас кўринглар, слоҳу акбар...

Куёвнакарлар, вакиллар бир-бирларини қутланди.

— Муборак бўлсин, эшон! Қайлиқ муборак! Арсенгаров маҳбуба муборак!— деди шайх Бузрукхўжанинг қудогига.— Шунақа, мен бор эканман, ориғингиз сәмириб, хомингиз гишади, бой! Ҳи-ҳи-ҳи...— Кейин Шодмонхўжа томон ўгирилди.— Шодмонхўжа, куёв муборак!..

Улар ўз кўнгилларида ишни битказиб, жой-жойларига қайтиб кетишди...

Қизлар ҳайрат билан бир бурчакка тикилиб туриб қолинди. Санобар ерга бағрини бериб, оёқ-қўллари қалт-қалт титраб, хўнграб йиғлар эди. Меҳри ҳам ранги қув ўчиб, тик турганча қолганди. Бу ноқулай жимликни Эшон ойи бузди.

— Қизлар, нега индамай қолдинглар?— деди у мулойимлик билан.— Ҳийин-қулги бошланглар, ҳозир келинни куёвникига узатиб борамиз-а.

Қизлар қўрқа-писа «ёр-ёр» бошлашди, лекин кўнчилик бунга қўшилмади. Бир-икки бор айтишди-ю, «ёр-ёр» ҳам мойи тамом бўлган чироқдек бир лаҳзада сўнди-қолди.

Эшон ойи Санобарнинг тепасига борди.

— Бошингни кўтар, болам. Энди йиғидан фойда йўқ. Бўлди, бас қил!— деди жаҳл билан.

— Санобар кўзларини катта-катта очиб, Эшон ойига еб юборгудай қаради. Бирдан унинг юзи кўрқинчли тус олди, худди ерга урилган коптоқдай сакраб ўрнидан турди. Орага оғир жимлик чўкди. Санобар хаёлан

Алижонни изларди. «Алижон ака, қайдасиз? Мени бу аждарларнинг қўлидан қутқаринг, Алижон ака! Мен ожизман, бенавоман. Лекин ёруғ дунёда сизни деганман! Э, худо! Бу қандай кун, бу қандай ҳақсизликки, сенинг инон-ихтиёрингга ҳам чанг солиб, сенинг помингдан бошқаларнинг никоҳига розилик бераверишади. Сенинг ҳам одам эканлигингни тан олишмайди. Кўнглингиз тўқ бўлсин мендан. Танамда жоним бор экан, бу разилликка кўнмайман! Ўзи бағишладими Эшон оғи танини унга, ўзи тегаверади. Менинг гувоҳларим бор...» Санобар дадиллашиб кетди.

— Нега мен борар эканман?! Ўзингиз бораверинг!— деди у ғазаб билан.— Унинг никоҳига мен эмас, сиз ўтдингиз... Сиз айтдингиз «бағишладим» деб. Агар зўрлаб олиб борадиган бўлсаларинг, буни ҳаммага айтаман, шармандаларингни чиқараман. Дод соламан, бошларингга одам тўплайман!

Эшон оғи қўрққанидан ўзини орқага ташлади.

— Бу қутурибди!— чийиллади Руқия.— Оёқ-қўлини боғланглар! Шу ҳолда олиб бориб ташлаб келамиз. Қани, ғинг-пинг деб кўрсин-чи!

— Боғлайсанларми ҳали!— деб бақирди Санобар телбаланиб.— Қани, яқинлашиб кўрларинг-чи! Кўчада ҳам дод соламан. Халқни чақираман. У замонлар ўтиб кетган!.. Ёрдам беришади!

У жонҳолатда атрофга қаради. Эшон оғи орқасида турган Меҳрининг кўзларидан ёш оқарди. Руқия эшикни очиб, Санобарга «қани, чиқ», дегандай ишора қилди. Санобар турган жойида гангиб тураверди. Эшон оғи билан Руқия қўрқа-писа унга яқинлашишди. Шу пайт Санобар хонтахта устидаги ликопчаларни олиб уларга ота бошлади. Кейин мис обдастани олиб Эшон оғини мўлжаллаб иргитди-да, ўзини эшикка урди.

— Ушланглар уни! Ушланглар!— деб чинқирди Эшон оғи чаккасини ушлаганча.

— Боғлаш керак бу телба қизни!— деди Руқия такрорлаб. Эшон оғи билан у Санобарга ташланишди, уларга бошқа хотинлар ҳам эргашишди.

— Қумғонни пачақлайсанлар, қумғонни!— деди кулиб Меҳри ва уни оламан деб остонага йиқилиб тушди. Унга қоқиниб, Эшон оғи ва Руқия йиқилди. Бир лаҳзада эшик олдида анча-мунча ховин уймаллашиб қолди. Руқия зўр бериб қичқирар эди.

— Ушланглар!.. Ушланглар уни!..

Ичкарисида бу тала-тўғулсидан беҳабар эркаклар

равонда меҳмонларга сарупо кийгизиш билан банд эдилар.

Шайх Исмоил Бузрук эшонга ўз қўли билан ипакли тўн ёпди. Кейин хизматкорлари қўлидаги лас тўнлардан бирини олиб, Шодмонхўжанинг елкасига ташлади. Шодмонхўжа ичидан зил кетиб, мунғайиб қолди. Бузрук эшон бир беқасам тўнни мўътабар кишилардан бирига кийдирди. У ўн беш-йигирма чоғли одамга тўн ёпди. Шайхга ипакли камзул устидан яна бир беқасам тўн ёпди. Сарупо кийганлар бир-бирларини муборакбод қилишди. Бу манзарани томоша қилиб турганлар шайхнинг ишораси билан қўлларини фотиҳага очиди. Шайх дуо қилди, Бузрук эшоннинг мартабасига мартаба, давлатига яна давлат тилади, энди фотиҳа тортилай деб турганда, уй ичидан шовқин эшитилди. «Жиннини ушланглар!», «Боғланглар!» деди хотинлар чувиллашиб. Фотиҳа фотиҳада қолди. Одамлар бир-бирларига аланг-жалаң қарашди. Эркаклар нима гаплигини билмай, ҳайрон бўлиб туришганда, ичкаридан кўзлари бежо Санобар югуриб чиқди. У бош яланг эди. Ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолди. Одамлар қўрқиб кетганларидан қичқириб юборишди. Нуфузлироқ меҳмонлар шайх Исмоил билан Бузрук эшоннинг атрофига тўпланишди, камбағаллар айвоннинг пойгагида ҳайрон бўлиб туришаверди.

— Одамлар! Мусулмонлар! Ёрдам беринглар!.. Менинг оёқ-қўлимни боғлашмоқчи!.. Ёрдам беринглар! — деб қичқирди Санобар ҳовлининг ўртасига тушиб.

Машшоқлар жимиб қолишди. Санобар ҳовлининг ўртасида қўрққанидан кўзлари жавдираганча қаққайиб турар эди.

Камбағаллар зинадан бирин-кетин пастга тушишди. Олдингиси ёнидаги одамга, «кўз-қулоқ бўлиб тур», дегандай ишора қилди-да, соябон араванинг олдига бориб, устидан гиламни тортиб туширди. Арава бир лаҳзада ўзининг дабдабали кўринишини йўқотди. Орага ноқулай жимлик чўкди. У бирон дақиқа чамаси давом этди-да, уни шайх Исмоилнинг овози бузди.

— Нима қиляпсан, номуссиз! Шунча эркакнинг ўртасида уялмайсанми, ҳовлини бошингга кўтариб бақиргани, шарманда!! Энди бир мўминнинг завжаси, никоҳидаги хотинисан-а!!! Энди сен эрнинг измида юрсан, шариятда шундай!

— Унинг никоҳига таничи бағишлаган одам кира-

ди... Мен эмас... Санобар бир умр риюя қилиб келган андишани йиғиштириб қўйди. У никоҳ сўроғида: «Эшон оёи танамни бағишладим», деб жавоб қилганини айтиб юборишига сал қолди. Одамларга жавдираб мурожаат қилди:

— Бормисиз, одамлар!— ҳайқирди овозининг бори-ча.— Мени ана у сассиқ чолга зўрлаб беришяпти. Мусулмонлар, ёрдам беринглар!

— Бўйсунма, Санобар! Биз кетяпмиз!— деди Алижон девордан ошиб тушиб. У Санобарнинг олдига югуриб келди-да, етаклаб, дарвоза томон юрди.

— Мусулмонлар!— деб ҳайқирди шайх Исмоил, кўзлари косасидан чиқиб.— Бу шаккок шариятга хилоф иш қилди, эрини ҳақоратлади. Шарият никоҳини бузди! Нега индамай қараб тўрибсизлар, уринглар, мохов бўлгурни!

Дарвишлар ҳайқиришди. Бузрук эшон бўлса бир лаҳза ичи тушган қовундай чўкиб қолди. Шодмонхўжа икки қўли билан юзини беркитиб, деворга суянганча турарди.

— Сангбўрон қилинглари! Уринглар уни! — деди шайх яна амр қилиб.

— Оғирроқ бўлинг, шайх!— деди сўйил ушлаб турган бир йўгон йигит.— Агар шу қизга кимда-ким данакдек тош отиб кўрсин, хону-монингиздан ном-нишон қолмайди. Ташқарида бутун қишлоқ аҳли йиғилиб турибди...

Дарвишлар айвондан ҳайқириб туша бошлашди. Уларнинг йўлини ҳовлидаги деҳқонлар тўсишди. Шу пайт дарвозани кимдир қаттиқ тақиллатди. Омонтойнинг овози эшитилди:

— Дарвозани очинглар, одамлар!

Шайх Исмоил ғазабдан оғзи кўпириб, Шодмонхўжага таъна қила бошлади.

— Қизингни сен бундай ўзбошимча қилиб ўстиргансан. Аввал сени тошбўрон қилиш лозим! Нега кўзингни лўқ қилиб серрайиб турибсан? У шаккокни дуойибад қил, дуойибад!

Шодмонхўжа тевааракка гилт-гилт қаради.

— Дуойибад қилолмайман, тақсир! Ахир у ёлғизгина фарзандим-ку!— деди у ўзи ҳам сезмаган ҳолда Бузрук эшонга қараб.

Бузрук эшон унга ғазаб билан бир лаҳза қараб турди-да, кейин чаккасига гурсиллатиб мушт туширди. Чол қора қонга белакиб, ерга чалпак бўлиб тушди.

— Олло таолонинг бирлиги, никоҳнинг ҳақлиги ҳурмати, у ярамас фоҳиша билан унга ит сингари илиқиб келиб, тўйни бузган анави итни сангсор қилинглари!— деб қичқирди яна шайх атрофидагиларга қараб.

Алижон дарвозани очишга уринар, оғир қулфни бузмоқчи бўлиб тош билан урар эди. Қозон тепасида хизмат қилиб юрган хизматкорлардан бири Алижонга болта олиб келиб берди. Лекин қулф синмади. Ташқаридагилар дарвозани зўр бериб муштлар эдилар. Дарвишлар галаси қўлларида тош, дарвозага яқинлашиб келиб қолишди, уларнинг орқасидан Бузрук эшон бошчилигидаги меҳмонлар эргашишди. Санобар йиртқичлар галасига даҳшат билан қараб қўйди. Айвонда фақат шайх Исмоил ва ўрнидан туришга интилаётган Шодмонхўжадан бўлак ҳеч ким қолмаганди. Назирий, оқсоқ дарвиш, Қоплонбек ва Ғиёсхўжа галва бошланиши биланоқ ичкарига кириб ғойиб бўлишганди.

Шайх Исмоил оғзига келганини қайтармай қарғар, Санобарни зоти пастдан олиб, зоти пастга солар, Шодмонхўжа эса, туролмай инқиллар, оғиз-бурнидан оқаётган қонни ҳозиргина Бузрук эшон кийгизган тўннинг барига артар эди. Унинг ҳалқумига алланарса келиб тикилди. Дилини ўкинч кемириб ташлади. Қизига рўпара бўлишга юзи чидамади.

Оломон дарвозага яқинлашиб борди. Санобарга дастлабки тош учди. Лекин бу орада Алижон болта билан ура-ура дарвоза ҳалқасини узиб юборган эди. Дарвоза икки томонга қараб лангиллаб очилиб кетди. Улар орқаларига тисарилиб, айвоннинг олдига бориб қолишди. Бу ҳолни кўрган шайхнинг ҳалқумига бир нарса тикилиб, нафаси бўғилди. У ғазабдан кўкариб, лаблари титрар эди.

— Хўш, сизларга нима керак бу ерда? — деб сўради у, ўзини зўр-базўр босиб олиб.— Менинг хонадонимга бостириб кириб, ҳаловатимни бузишга ким изи берди сизларга?!

— Оломон жим турарди, лекин важоҳатидан қўрққулик эди.

— Биласизларми, сизларнинг бу қилиқларинг Шўро қонунига биноан жинсят ҳисобланади-я!— деди шайх.

— Ҳозир қонун камбағалларнинг турмушини сиғиллатиш учун ёзилади, сизлар кўнгилларингга нима келса, ўшани қилишларингиз учун эмас,— деб Оломон муносиб жавоб қилди.— Бизга маълум бўлишича.

бу ерда бировнинг қизини зўрлаб эрга берилаётган экан. Ушани ҳимоя қилгани келдик.

— Бу ерда ҳеч қандай зўрлик бўлгани йўқ,— деди шайх паст тушиб.

— Сизларни кимдир чалғитибди. Қизнинг отаси, ҳаммангизга маълум, Шодмонхўжа никоҳга ўзи розилик берди.

— Отасидан розилик олибсизлар-у, қизнинг ўзини унутиб қўйибсизлар-да? — деб сўради Омонтой жилмайиб. Шу пайт унинг кўзи дарвозадан кириб келаётган Ҳамзага тушди. У анча дадилланиб кетди.

— Ҳаммаси жойида, ўртоқ Ҳамза. Қизни Алижон бизникига олиб кетди. Буларнинг шум нияти амалга ошмади, вақтида етиб келдик,— деди Ҳамзага қараб.

— Бу қанақаси, бировнинг шаръий хотинини олиб кетиш, сизларча қонуний бўлаверадими? Шариат бўйича никоҳ хутбаси ўқилган!— деди шайх. У ўзини сғирликка солиб гапиришга қанчалик уринган бўлмасин, овози қалтираб кетди.

— Балли, тақсир. Шариат бўйича у менинг хотиним эди,— деди Бузрук эшон шайхнинг гапини тасдиқлаб.— Уни ўзимга қайтариб беринглар. Ахир, ўртада анча-мунча сарфу ҳаражат ҳам бўлган...

Ҳамза шайхга ҳам, Бузрук эшонга ҳам эътибор бермай, Омонтойга тайинлаб уқтирди:

— Шайхлар ҳамда муштумзўрлар ёш бир қизни тенги бўлмаган бадавлат кишига зўрлаб бермоқчи бўлганликлари тўғрисида акт тузинг. Унда шуни ҳам таъкидлаб кўрсатингки, бу ерда феодализмнинг ярамас урф-одатлари қайтадан тугилган. Бу материални биз тергов шўъбаларига топширамиз.— Ҳамза шайх Исмоилга қаради.— Сиз, тақсир ҳалиги саволингизни шўъбадаги ўртоқларга берсангиз, улар биздан кўра яхшироқ тушунгириб берадилар. Лекин у ерда сиз эмас, улар сизни сўроққа тутмасалар, деб қўрқаман.

Шайх Ҳамзага бир ўқрайиб қаради-ю, лекин бирон эътиборли гап айтишга ўзида куч тополмади. Ҳамза, шайхга ҳурмат юзасидан, у билан мулоийм хайрлашди. Омонтой бошлиқ деҳқонлар Шодмон акани ўриндан турғизиб, суяб олиб чиқиб кетишди.

* * *

Шайх Исмоил улар дарвозадан чиқиб кетишгач, ичкари уйга кирди. У ерда Ҳамзани кўриб, ўзларини ичкарига урган ҳалиги «азиз» меҳмонлар бор эди. Оқ-

соқ дарвиш бу гал мударрис қиёфасига кириб олган, қовоқ-тумшуғи осилиб, эшикка суяниб турар, ундан сал нарироқда Қоплонбек билан Валихон тиззасига чирсагини тираб чўнқайиб ўтирарди. Назирий хона ичида бетоқат юраркан, қўлини асабий силтаб қаҳрини шайхга сочди.

— Улар жуда бебошвоғ бўлиб кетишибди: елкангизга миниб олишибди. Бундан бир ҳафта аввал қизил чойхона қуришса, кеча колхоз тузишса, бугун уйингизга бостириб киришса... Бунақада эртага сизни ҳайдаб юборишдан ҳам тойишмайди... Бу гаплар тагин қаерда бўляпти денг, Шоҳимардондай энг ишончли жойда-я! Кўзингиз қаерда эди?— деб деярли қичқирди Назирий, шайхнинг олдида тўхтаб.

— Буни сиздан сўраш керак!— деди шайх қўрслик билан.— Шоҳимардонга анави касофатни нега юбордингиз? Сувни худди ўшанинг ўзи лойқатиб юрибди.

— Ер қаттиқ бўлса ҳўкиз ҳўкиздан кўради. Энди биз айбдор бўлдикми?— Назирий тутақиб кетди.— Ҳамза келгунча ҳам бу ердаги ялангоёқлар нима қилиб юрганлигидан хабарингиз бўлмаган шекилли?! Охунбобоев номига юборилган хатни бутун қишлоқ биргаликда ёзган, сиз эса бундан беҳабар қолавергансиз! Вакил юборишган. Сиз уни кўрмагансиз! Агар батрақларингизнинг элчиси Охунбобоевнинг олдига етиб борганида, мақбара аллақачон ёпилиб, шайхлар борса келмайдиган жойларни томоша қилиб юришармиди шу топда... Ҳамзанинг бу ерга келишига ўзларинг сабабчисизлар!

— Бу лаънати келди-ю, ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетди,— деб гулдиради Бузрук эшон.— Батрақлар бизнинг уй-жойимиз, ер сувимизга ҳам кўз олайтиришяпти. Бизга қарши қўл кўтараётганлар ўзимизнинг кечаги қулларимиз. Ана шунисига чидолмайди гиши — ҳаттоки уйда кўмилиб зўрға тирикчилик қилаётган аёлларни ҳам сайловга ҳақли қилишди.

Ғиёсхўжа ҳам Ҳамзага нисбатан юрагидаги адоватини айтди:

— Шоҳимардон мавзеида табаррук марқад рўбарўсида Ленинга ҳайкал ўрнатишмоқчи. Ҳамза айтди, халқ мамнуният билан қувватлади. Ҳозир кўпчиликнинг оғзи қулоғида!..

Бу гап бошқалар учун янгилик эди. Бу янгиликларни эшитиб, шайхнинг жон-пони чиқиб кетаёзди.

Назирий бетоқатланиб, муштини тугди. Кейин атрофдагиларга қаради.

— Йўл қўймаслик керак!— деди чийиллаб.— Мумкин эмас.— Мен бу ҳаромзодалардан яширинишимга тўғри келяпти. Замоннинг тескарилигини кўринг-а! Шоҳимардонга очиқ келолмасам!.. Майли, қозонига яраша қопқоқ топамиз...

— Ҳамза келди-ю, мақбарадаги мўъжизалар ҳам барҳам топди. Ҳар бир ҳаракатингни киши билмай айғоқчи кузатади. Мақбаранинг даромади шундан кейин ҳам камайиб қолди,— деди шайх маъюсланиб.

— Уни ўлдириш керак!— Бузрук эшоннинг Ҳамзага нисбатан адовати чексиз эди. У ҳозирги ҳодисанинг ҳам бирдан-бир сабабчиси деб уни биларди. Мол аччиғи — жон аччиғи дегандай, Бузрук эшон умрида бунақа қаттиқ зарбага учрамаган эди. Бугун у ҳам молга куйди, ҳам Санобар қўлидан чиқди. Бу ҳам майли, бутун қишлоқ халқи, тўйга келган меҳмонлар ичида шармандаси чиқди. Бу аламини ҳеч бир нарса билан ёзиб бўлмасди. Шунинг учун у ҳеч иккиланиб ўтирмасдан Ҳамзанинг жонига қасд қилишни таклиф қилди. У бундай жиноятга тайёр эди шу топда.

— Асабийлашишни бас қилинглар,— деди оқсоқ дарвиш, нафрат билан.

Ҳамма у томон ўгирилди.

— Бу билан мурод ҳосил бўлмайди: каттароқ миқёсдаги ишни ўйлаш керак!— У Валихонга қаради.— Ариза қани?

Валихон, ҳурмат юзасидан таъзим қилиб, унга ҳалиги қоғозни узатди.

— Неча киши қўл қўйди?— деб сўради Назирий қоғозни ола туриб.

— Икки киши. Қолган бир юз олтитаси бармоғини босди,— Валихон гердайиб жавоб берди. Назирий уни буклоғидан очиб, кўз югуртирди:

— «Бир юз саккизлар аризаси» — сарлавҳаси чакки эмас. «Ҳамза Ҳақимзодадан дод!» Яхши, яхши! «Комиссия юборилсин. Хотин-қизларимизга ёмон ниятда кўз олайтирди...» Қойил, боплабсизлар! «Зўрлик билан паранжисини ташлаттирмақчи» — маъқул! Энг керакли гаплар ёзилибди,— деди у, оқсоқ дарвишга қараб илжайиб. Оқсоқ дарвиш қоғозни олиб, у ёқ-бу ёғини айлангириб кўрди-да, овозига жиддий тус бериб:

— Мана бу қоғозни ишга солиш керак,— деди у Назирийга узатиб.

— Ҳаракат қиламиз, афандим,— деди Назирий, унинг қўлидан қоғозни оларкан, тавозе билан.

Оқсоқ дарвиш Бузрук эшоннинг мулоҳазасизлигидан таъби тирриқ бўлган эди. Унинг кўнглидан: «Бу шахсиятпараст ваҳшийлар фақат ўзларини ўйлайдилар. Уларга бировдан шахсий ўчларини олсалар, шу бас. Бу ёқдаги одамлар нима ғамда-ю, булар нима ғамда! Куйиб қолган беш-олтита тангаси деб бу ёқдаги катта ишни барбод бериб қўяётганини хаёлига келтирмайди», деб кўнглидан ўтказди-да, унга юзланди.

— Ҳамзани ўлдириш сиз калта ўйлаётганингиздай осон иш эмас, тақсир,— деди нафрат билан. Кейин ундан юзини ўгирди. «Бу гап ҳаммага тааллуқли» дегандай давом этди.— Ҳамза ҳали сиз уриб йиқитган чол эмаски, нега уни урдинг, деб даъво қиладиган бўлмаса. Йўқ! У халқ орасида машҳур одам. Энг ёмон томони шуки, уни халқ севади. Агар Ҳамзага суиқасд қилиб, ўлдириладиган бўлинса, Шўро ҳукумати шундай репрессия қиладики, бундан ҳеч қайсингиз ўзингизни четга олиб, қутулиб қололмайсиз. Қолаверса, энг муҳими, ҳозир тайёрлаётганингиз қуролли қўзғалон ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Яъни, бу улуг иш барбод бўлади. Ахир бу ишга чет элларда қанча қанча одамлар умид боғлаганлар-а! Сиз, шайх Исмоил, муҳтарам Миён Қудрат ҳазратга бу ерга келишларини илтимос қилиб хат ёзинг... Дарвоқе, хатни иккаламиз биргалашиб ёзамиз. Гапни шу ерда тўхтатсак ҳам бўлади. Мен чарчадим. Дам олишим керак!..

Шайх Исмоилдан бошқа ҳамма ўрнидан туриб эшик томон юрди, лекин оқсоқ дарвиш уларни чақириб, тўхтатди.

— Ҳурматли Бузрук эшон, сиз ҳам, Валихон, бир лаҳза сабр қилинглар,— деди у.— Бошқаларга жавоб!..— Иккаласидан бошқалар ташқарига чиқиб кетишгач, жиддий тус олиб, кескин буюрди:

— Сиз икковингиз колхозга киришингиз лозим!

— Мен... колхозга?! Астағфирулло!!! Астағфирулло!!! Нималар деяпсиз, тақсир?— у таёқдай қотиб турар эди.

— Ҳа, сиз!— деди зиёратчи бамайлихотир.— Ялиниб-ёлворинг, қабул қилмаганларига қўйманг! Албатта, киришингиз шарт!

— Мол-дунём нима бўлади?..— сўради Бузрук эшон бўшашиб.— Ахир...

— Улэр сизга ҳозир ҳам омонат. Шундоқ ҳам сўр

билан тортиб олишади. Бундан кўра ўз қўлингиз билан топширасиз. Ҳам ҳақсиз бўлмайсиз, ҳам ишонч қозонасиз. Агар менинг бу гапимга амал қилмасангиз, кейин қаттиқ пушаймон ейсиз — фойдаси бўлмайди...

Ун тўртинчи боб

МАЪРИФАТ НУРИ

Саводсизликни тугатиш бўйича ўқиш бир қадар йўлга тушиб олди. Янги солинган қизил чойхонанинг ўша хонасига келиб, савод чиқарувчилар сони тобора ортиб борар эди.

Хона деразалари ёпиқ. Ташқарида қор бўралайди. Дарахтлар баргларини тўкиб, қипяланғоч бўлиб қолган. «Синф»да ўқувчилар анчагина. Хона сал қоронғи. Хотин-қизлар илгаригидай паранжи-чачвонга бурканиб олган эмас, чачвонларини қайириб, кифтларига ташлаб қўйишган. Лекин эркаклардан нарироқда алоҳида ўтиришибди. Фақат Меҳри билан Омонтой, Санобар билан Алижон бирга, бу қизлар паранжиларини буклаб тахлаб, ёнларига қўйиб қўйишган. Ҳамманинг диққат-эътибори доскадаги ёзувни дафтарига кўчириб олиш билан банд.

Хонада қоғознинг шилдирашию қаламнинг қитирлаши эшитилади. Ҳамза эса, аллақандай бир китобни ўқиб ўтирибди. Бир вақт у китобдан бошқини кўтариб талабаларга қаради. Кўпчилик сабоқни кўчириб бўлган, энг охиридаги аёл бир доскага, бир дафтарига энгашиб охирги сатрни ҳарфма-ҳарф кўчирар эди. Ҳамза унинг олдига бориб, бирпас кутиб турди. Ниҳоят у ҳам кўчириб бўлгач, ўз жойига қайтиб келди.

— Бугунга шу кифоя, дўстлар! — деди у доскадаги ёзувни ўчирар экан. У энг юқоридаги «колхоз» сўзини атайлаб ўчирмади-да, уйга вазифа берди: — Эртага ҳар ким дўстлик, аҳилчилик, бирлик ҳақида учта-тўрттадан мақол топиб келсин. Халқ орасида бунақа мақоллар жуда кўп, намуна қилиб биттасини ўзим айтиб бераман, яхшилаб эслаб қолинглар: «Поладан ажралгани бўри ер». Тушунарлими?

— Тушунарли! — деди Омонтой ҳамма учун жавоб бериб. Ҳамза мамнун жилмайиб қўйди.

Ҳамма муаллим билан хайрлаша бошлади. Хотин-қизлар эшик олдига бориб, чачвонларини юзларига

ташлаб олиб, ташқарига бирин-кетин чиқиб кетишди. Санобар, Алижон ва Омонтой билан Қамбарали қолди. Ҳамза Санобарнинг олдига бориб, унинг дафтар-қаламини йиғиштиришини кутиб турди.

— Бугун, синглим, сизнинг ашулаларингизни тинглайман, балки бирон маслаҳат берарман,— деди у Санобар йиғиштирилиб бўлгач.— Сиз Самарқандга бориб ўқишингиз зарур. Сиз тўғрингизда профессорга хат ёзиб юборганман. Тез кунда чақириб олса керак.

— Мен-чи? Санобар кетиб қолса, менинг аҳволим нима кечади?— деди Алижон хафа бўлиб.

— Ташвиш тортма, ошна,— деди Омонтой дўстига таскин бериб,— агар Санобарни Самарқандга чақириб қоладиган бўлишса, сенга ҳам бирон чора топармиз. Яхшиси, сен ҳам ўқишга бораверасан-да.

Омонтой «бу гап тамом» дегандай Ҳамзага қаради.

— Ҳамза ака!— деди у жиддий тус олиб.— Демак, сиз мақбарани бузиб ташлашга мутлақо қаршисиз, шундайми?

— Қаршиман,— деб жавоб берди Ҳамза кескин равишда.— Мақбарани бузиш мумкин эмас. Ҳали унга кўнчилик эътиқод қилади. Олдин шайхларни ҳақсиз қилиш керак. Мақбарага тега кўрманглар. Шодмонхўжага ўхшаганлар ҳали беҳисоб. Ким ҳақ, ким ноҳақ — ўзлари тушуниб оладилар. Лекин унга ҳали анча узоқ.

— Эҳ, аттанг, колхозимизга керак гиштни ўша ердан қоплармиз, деб ўйлаган эдим,— деди Омонтойнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб.

Ҳамза бу йигитнинг соддадиллигидан, ҳали гўрлигидан фикран кулиб қўйди. Лекин юракларидаги ўтни, ишга астойдил киришганликларини кўриб, хурсанд бўлиб, жилмайди.

— Бирингиз қишлоқ Шўросига, бирингиз колхозга раис бўлиб олдим деб, мақбарани ёпмоқчи бўласизлар. Халқ нима дейди бунга, бу ёғини ўйладингларми?

Омонтой Ҳамзанинг бу гапига тушунмай, ҳайрон бўлди. «Халқ нима дерди,— деб кўнглидан ўтказди у.— Мақбарани бузиб, гиштидан ўзимга уй қуриб олармидим. Ана шу халқнинг фойдасига яратаман-да...» — У Ҳамзага норози тусда тикилиб тураркан, бу эътирозини билдиришга сўз изларди.

— Ўзларингиз раис қилиб сайладингизлар. Мен бу гиштардан халққа янгича мактаб қуриб берсакмикан, деб ўйлаган эдим,— деди у чайналиб. Қамбарали унинг гапини қувватлашга интилди.

Ҳамза юзига жиддий тус бериб, унга мулойимлик билан эътироз билдирди.

— Агар ҳозир бу ишга қўл урадиган бўлсак, қовоғарининг уясига чўп тикқан бўламиз. Улар бизга галалашиб ёпишишади. Ҳар бир ишни бошлашдан олдин охирини ўйлаш лозим. Мақбарани бузсак, бу — шайхларга қўл келади. Айюҳаннос солиб, аксилинқи-лобий тарғиботларини бошлаб юборадилар, бузилган мақбара уларга бир баҳона бўлади-ю, халққа шўролар ҳукуматини ёмон кўрсатиб қўядилар.

— Бўлмаса, мажлисда фақат шайхларни қулоқ қилиш тўғрисида гаплашар эканмиз-да,— деди Омонтой норози оҳангда.

— Ҳа, мен ўйлайманки, шундай қилсак, тўғри бўлади,— деб жавоб берди Ҳамза. У иккала қўлини Омонтойнинг кифтига ташлади.— Укам, бунақа ишда шоншаношарлик ярашмайди. Туяга миниб узоқни кўзлаш керак. Хўпми?

— Мумкин бўлмагандан кейин нима ҳам дея олардим. Хўп бўлса хўп-да,— деди Омонтой қовоғини уйиб.— Фақат сиз, Ҳамза ака, мажлисга кечикмай етиб келинг. Сиз бўлмасангиз, биз қош кўямиз деб кўз чиқариб қўйишимиз мумкин.

Омонтой Алижон билан Қамбаралини бошлаб чиқиб кетди...

* * *

Бугунги умумий мажлис колхоз идорасига чақирилганлиги учун чойхонада ҳеч ким йўқ, фақат Қулмат самоварчигина чойнак, пиёлаларни йиғиштириб ивирсиб юрар эди.

Синфда Ҳамза билан Санобар қолди. Ҳамза охири скамейкага бориб ўтирди-да, Санобарга мурожаат қилди:

— Қани, синглим, энди ашулани бошланг.— У дуторни қўлига олди.— Ҳалиги, тоғда айтган ашулангиз бор эди-ку, ўшани айта қолинг, унинг куйи менга нотаниш бўлса ҳам, жўр бўлишга унаб кўраман.

— Йўқ,— деди Санобар бўшашиб.— Ҳозир у ашулани айтгим келмаяпти. Бошқасини айтсам майлими?

— Қанақасини?

— Ҳалиги сиз айтадиган қўшиқни.— Санобар

Ҳамзанинг янги ёзган ғазалини ўзича бир куйга солиб айта бошлади.

«Келди очилур чоринг ўзлигинг намоён қил,
Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил.
Мактаб, анжуман борғил, унда фикр очиб гоҳи,
Илму фан тиғи бирлан жаҳл бағрини қон қил».

Ҳамза Санобарга дуторда жўр бўлолмай бирпас шунчаки тингиллатиб турди-да, кейин куйга тушиб олди. Бу куй анча мунгли бўлиб, ашуланинг жанговар мазмунига мос эмасди. Лекин Ҳамза ашула бўлиниб қолишини ўйлаб, индамай дуторни чертишда давом этди. Санобарнинг қўнғироқдай овози хонани тўлдирди, тошиб чиқиб чойхона ичига ҳам тарала бошлади. Санобар тобора дадилланиб куйлар, овози тетиклашиб борар эди.

«Сояларда сарғайган юзларинг қилиб гулгун...»

Шу ерга келганда, Санобарнинг кўзи жиққа ёшга тўлди, овози ҳам титраб кетди, леккин ашулани тўхтатмай давом этди:

«Сен ҳам аҳли донишлар базмини гулистон қил».

Энди унинг чеҳраси ёришди, бир муддатдан кейин бу чеҳраси кескин ўзгариб, жиддий тус олди, ёшли кўзларидан ўт чақнади, лабидан нафрат сўзлари уча бошлади:

«Чўриликни муллалар сенга қилдилар тақдир,
Кел бугун бу заҳминга маърифатни дармон қил.
Оналик ҳуқуқингни ҳурмат этмаганларни,
Юзларин қора айлаб, феълидан пушаймон қил».

Ой юзинг қора чиммат зулмидан кутултиргил,
Чиқ қоронғи турмушдан, нур ичида жавлон қил.
Сен қачон маорифнинг даргоҳига йўл топсанг,
Нурларин олиб кўзга сурмайи сулаймон қил».

Ҳамза ашулага маҳлиё бўлиб кетиб, унинг тугаганини ҳам билмай қолди. У руҳан бутунлай бошқа оламда, куй оламида кезарди. Шу пайт хона эшиги оҳиста очилди. Ундан Зулфизарнинг боши кўринди.

У Ҳамза билан Санобарга бир муддат зимдан ўшшайиб қараб турди-да, эшикни қандай очган бўлса, шундай билинтирмай ёнди.

Зулфизар оёқ учида саҳнадан бориб, зинадан пастга тушди. Унга самоварчи Қулматнинг кўзи тушиб тиржайиб кулди. Санобар энди бошқа ашулани айтар, у чойхонага бемалол эшитилиб турарди. Зулфизар эшикка қараб юрди. У жуда маънос эди. Пиёлаларни бир сочиқ билан артаётган Қулмат унга диққат билан тикилиб турди-да, гап қолди:

— Келинпошша!..

Зулфизар тўхтади.

— Булбулимизнинг ашуласини эшитишга қолмабсиз? Уни қаранг, худди жаннатнинг ҳурларидай айтади-я, барака тонкур!.. Бунақа ашулани эшитган эркак ҳушидан айрилади.

— Мен эркак эмасман. Ҳушимдан ҳам айрилмайман,— деди Зулфизар кескин жавоб бериб.

— Мен сизни эркак деяётганим йўқ,— деб гапни айлантирди Қулмат тиржайиб.— Ҳар қандай эркак киши дедим...

Зулфизар рўйхуш бермай эшикка қараб йўл олди. Лекин унинг нозик юрагига лаҳча чўғ тушгандай бўлди. Эшикни қарсиллатиб ёнди-да, зарда билан чиқиб кетди.

Ун бешинчи боб

БУЗРУК ЭШОННИНГ АРИЗАСИ

Шоҳимардоннинг эгри-бугри тор кўчасидан сал ичкари юрилса, дарвозасига ўймакорлик билан нақш солинган каттакон бир уйга рўпара бўлинади. Бу уйнинг эшиги тепасига иккита тахта қоқиб, тахталарга қинғир-қийшиқ арабча ҳарфлар билан «В.И.Ленин номидаги Шоҳимардон қишлоқ хўжалик артели» деган лағжа осилган.

Дарвозанинг бир тавақаси очиқ. Ҳовлининг бир бурчагида аравалар, смоч-бўйинтуриқ қалаб ташланган. Каттакон тим остининг атрофи икки қатор узун-узун ходалар билан ўраб қўйилди, унинг ичида ўн чоғли от қирт-қирт қилиб хашак чайнаб турибди. Ҳамма нарсада қандайдир тартибсизликни ҳис қилиш мумкин.

Узун айвон гавжум. Одамлар совуқдан бир-бирларининг пинжларига тиқилиб олишган. Бунга қарамай, уларнинг кайфиятлари яхши, ҳамманинг чеҳраси очиқ. Кўчанинг ўртасига стол қўйилган. Стол устига қизил алвон ёпилган. Столда қишлоқ Шўросининг саркотиби Алижон мажлис қарорини ёзмоқда.

Раёсат ҳайъати шундоққина ерда ўтирибди. Булар Қамбарали, Омонтой, Каримжон ва Мебува, Қодир ота, Ҳотам ота деган уч мўйсафид. Улардан сал чеккароқда учта паранжили аёл. Улар чачвонларини қайириб кифтларига ташлаб олишибди. Ҳамза пастда, артелъ аъзолари билан бирга биринчи қаторда ўтирар эди. Ундан тўрт-беш одим нарида Ғиёсхўжа. Мажлисга Қамбарали раислик қилмоқда, ўтирадиган курсича бўлмаганлиги сабабли тик туриб ўтамоқда бу вазифани. Айвоннинг этак томонида Бузрук эшон устунга суяниб, мажлиснинг авзойини кузатяпти, ундан сал нарида Валижон маърузачининг оғзига қараганча чордона қуриб олган.

Сўз Қодир отага берилган. Нуроний, кўркамгина Қодир ота уялиб, қисиниб-қимтиниб ердан кўзини олмай, тутила-тутила гапирарди, у баъзан ўзининг қадоқ қўлларига беихтиёр қараб қўярди.

— Бизнинг яхши раисимиз Қамбарали жуда ҳам доно бир гапни айтди,— деди у Қамбаралига кўз ташлаб олиб.— Ҳақ гап. Мен бунга тўла қўшиламан. Хизматкор ёллаб, киши кучидан фойдаланаётган бойларнинг ерларини тортиб олиб, артелга бериш керак.— У бир оз иккиланиб туриб, яна давом этди.— Шайхларникини ҳам тортиб олиш керакдир. Ҳа майли, дейлик бунга... Локин бу йигит мақбарага нима учун бунча тирғалади — билмайман. Мақбарада нима айб?! Тўғри, шайхлар ҳазрат Алининг авлоди бўлганимиздан, ҳаммасини ҳам яхши деб айтолмайман. Улар орасида нафс оворалари... Инсофсизлари кўп... Яхши отанинг фарзандлари ҳаммиша ҳам отасидай яхши бўлавермайди-да, ахир. Бу ерда ҳазрат Алининг гуноҳи нима? Менга қолса, мақбарага тегилмасин, мўминлар у ерда тоат-ибодатларини қилиб юраверсинлар...

— Мақбарани ким бошқаради? Ҳақсиз бўлган шайхларми? — дея Қамбарали Қодир отанинг сўзини бўлди. Қодир ота бир нафас довдираб қолди, сўзини йўқотиб қўйди-да, Қамбаралига савол назари билан қаради.

— Нега ҳақсиз қилинганлар бошқарар экан? Ҳали

ҳаммасини ҳақсиз қиламизми? Балки инсофлилари ҳам бордир дейман...

— Шайхларнинг яхшиси бўлмайди!— деди Қамбарали ишонч билан.

Шу пайт новчадан келган, қотма Ҳотам чол ўрнидан туриб, Қодир отага, «энди ўтириб дам олинг», дегандай ишора қилди-да, сўз сўради.

— Мен ҳам гапирсам майлими, Қамбарали?— У мажлис раисининг рухсатини ҳам кутиб ўтирмай, ўз мулоҳазасини ўртага ташлади.— Мен шундай деб ўйлайман. Агар ўзининг пешона тери билан бойлик ортирган шайх топилса,— деди истеҳзо билан,— майли, мақбарани ўша бошқара қолсин, мен розиман! Шу билан гапим тамом.

У ҳеч қаёққа қарамай жойига бориб ўтирди.

— Ота жуда тўғри айтдилар!— деди Ҳамза уни қувватлаб.

— Демак, мақбара масаласини ҳозирча очиқ қолдирамиз,— деди Қамбарали одамларнинг говур-ғувурини босиб.— Бизга иккита ариза тушган. Бўлмаса, шуларни қараб чиқамиз. Биринчиси артелга кириш ҳақида Бузрук эшоннинг аризаси. Бузрук эшон, яқинроқ келинг.

Бузрук эшон одамлар орасидан аста юриб, юқорига ўтди. Орқа томондан хитоблар эшитила бошлади:

— Бундан ортиқ камбағални топиб бўлсан!

— Бўйнимизга яна миниб олмоқчи шекилли.

— Бунақаларни йўлатмаслик керак!..

—Зулукнинг ўзи-ку! Зулук қанча қон ичса ҳам, кўзи тўймас эмиш...

Бузрук эшон раёсат ҳайъати олдига чиқиб олди-да, мажлис аҳли томон ўгирилди. Унинг ҳаяжондан юзлари лавлагидай қизариб кетган, митти кўзлари гилтилар эди.

— Бу адолатдан эмас!— деди у ҳаяжонланиб.— Мен кимман? Оддий бир деҳқонман!.. Ислоҳат вақтида ҳукуматга қирқ танобдан зиёд еримни ихтиёрий равишда топширганимни ҳамма билади. Қўлимда қолган ерлар орқасидан ҳалигача канчадан-қанча камбағал, бева-бечора тирикчилик ўтказиб келади. Мана Жайнақ, Матмуса, Аҳмаджон... Ҳаммаси менинг ерим орқасидан кун кўришмоқда.

— Қанча ерингиз қолган яна?— деб сўради раёсатда ўтирган юз баҳорни кўрган Мебува ота.

Бу саволдан ранги оқарган Бузрук эшон:

— Шу... ўттиз, ўттиз беш таноб чиқиб қолса керагов,— деди дудмал қилиб.

— Ёлғон!.. Водилнинг ўзида учта боғи бор!.. Қаранглар, бу пахтадан ҳам юмшоқ одам шунчалик камбағаллашиб қолган экан-ку, биз беҳабар қола берибмиз,— деди кимдир орқа томондан заҳарханда қилиб.

— Ахир айтдим-ку, улардан камбағаллар фойдаланиб келяпти деб...

— Камбағаллар ерларингизда қандай шартлар билан ишлайдилар?

— Қандай шартлар дейсизми?..— Бузрук эшон чайналиб, талвасага тушиб қолди.

— Шарт... юрдаги одат бўйича-да, қанақа бўларди?

— Қандай одат бўйича?— деб сўради Ҳамза айвонни жаранглатиб.— Шўро қонуними у ёки шарият бўйичами?

Бузрук эшон калавасининг учини йўқотиб қўйиб довдираб қолди. У Оқсоқ дарвишга колхозга киришга ваъда берган пайтида одамлар атрофдан бунчалик чўкилаб ташлашларини хаёлига ҳам келтирмаган, юзхотир қилишар деб ўйлаган эди. Аксинча бўлиб чиқди. Атрофдан унинг шаънига дангал айтилган ҳар бир ибора қулоғига ўқдай кириб, вужудини ларзага келтирар эди. Овозлар эса тинмасди.

— У Шўро қонунига риоя қилармиди... Нега унга риоя қиларкан?!

— Унинг қонуни ҳамёнида, омборхоналарида босиб қўйган ботмон-ботмон ғалласида!

Қамбарали ўнг қўлини юқори кўтариб, мажлис аҳлини тартиб сақлашга ундади-да, Бузрукхўжага савол берди:

— Ўзингиз қандай ўйлайсиз, эшон ота?— деди у.— Бойликларингизни ўз меҳнатингиз орқасидан орттирганмисиз!

Бузрук эшон бир оз жонланиб, шахдам жавоб қилди.

— Бўлмаса-чи!— деди ишонч билан.— Ўғирлик қилиб топган бўлсам айтинглар. Улар пешона тери билан топилган. Ҳалоллик билан орттирганман уларни мен...

— Қамбарали ука, менга сўз бер, мен айтиб бераман,— деди кекса Мебува ўрнидан тураркан.— Сиз, Бузрук эшон, фақат ош еб турган пайтларингизда терлагансиз. Бирон марта кетмоннинг шамолини еганин-

гизни кўрганлар бўлса айтишсин, аммо лекин мен кўрмаганман. Сизнинг ўрнингизга бошқалар ишлашган, қишлоқ Шўросининг раиси Омонтой, Жайноққа ўхшаган азамат йигитлар ишлагану сиз роҳатини кўриб юравергансиз. Инсоф юзасидан айтинг-чи, бу гап ростми?..

Бузрук эшон оғир бир қўзғалиб олиб, салмоқ билан жавоб берди:

— Омонтой ёшлигидан ғирт етим қолган, ҳаммаларинг биласизлар, — деди у юқоридан келиб. — Уни болалигидан боқиб катта қилганман. У ўзимнинг боламдай бўлиб қолган менга. Қўлидан иш келадиган бўлгандан кейин ишлади, ишламади демайман. Ичган тузини оқлади. Мени рози қилди. Бу ерда, менимча, ҳеч қанақа ноҳақлик бўлгани йўқ-ку, мусулмонлар! — деди Омонтойга айёрона қараб.

— Йўўқ! — деди Мебува бўш келмай. — Хушомад-гўйлик қилишни ёқтирмайман, гапнинг пўскалласини айтаман. Шамолли кун қичқирма, товушинг зое кетади, деган боболар. Ҳа, қичқирманг. Иложи йўқ, чидайсиз. Сизни ариллаб-кариллаб юришингиз ана шу Омонтой орқасидан эди. Ўзи емай едирди, ошиб-тошиб ётган бойлигингиз Жайноқ Матмусаларнинг пешона теридан йиғилган. Энди ўзингизни камбағал кўрсатиб, артелга кириб олмоқчи бўласиз. Осмонга кул сочсанг, юзиёнга тўкилади, деган. Камбағалнинг дардига малҳам бўлган Шўронинг даврида бизнинг кўзимиз анча очилди. Оққорани фарқ қиладиган бўлиб қолдик. Ким мўмин, ким баттол — ажратамиз. Менга қолса, сизни артелга қабул қилмаслик керак, дейман!

— Мени артелингизга қабул қилмайсиз? — Бузрук эшон хириллади. — Артелга қабул қилмайсизу, лекин мол-мулкимни зўрлик билан тортиб олаверасиз. Шундайми? Инсоф, диёнат борми сизда ўзи! Бу қонуний эмас! Мен ҳамма вақт Шўро ҳукуматининг тарафини олганман! Мен Шўро ҳукуматига арз қилман!

— Шўро ҳукумати шу ерда, қанча арзингиз бўлса эшитаверади, — деди Ҳамза колхозчиларни кўрсатиб.

Шу пайт унинг кўнглидан Максим Горький қаҳрамонларидан бирининг: «Темир чангалларинг билан халқнинг кўксига қўш солиб ёмонлик уруғини сепдинг, энди ундан шафқат кутма, иблис!» деган сўзлари ўтди.

Бузрук эшон яна довдираб қолди. Шу пайт Мебува иккинчи бор ўрнидан туриб, Ҳамзага мурожаат қилди.

— Ҳамзахон ўғлим, бир гап эсимга келиб қолди, айтсам майлими?

— Айтгинг.

— Бузрук эшонга ўхшаган бир содда муғамбир эшигини тузатмоқчи бўлиб, ўғлини қўшнисиникига ранда олиб келгани чиқарибди. Ўғли қурук қайтиб чиқиб, «уларнинг рандалари йўқ экан», дебди. Шунда отаси: «Ҳа, хасислик қилмай ўлсин. Бор, омборхонадан ўзимизникини олиб чиқ», деган экан. Шунга ўхшаб, Бузрук эшон ҳам ҳамиша қўшнилариининг кучидан фойдаланиб, мол-дунё орттирган-да.

Мажлис ақли эшонни мазаҳ қилиб кулди. Уни қўллаган сөзлар янгради атрофдан.

— Яшанг, ота, топиб айтдингиз.

— Ўша хасис Бузрук эшоннинг ўзи-ку...

Ҳамза Бузрукхўжага юзланди.

— Менга қаранг, Бузрукхўжа ака,— деди у, айни кучга тўлган гавдасини тиклаб.— Битта саволга тўғри жазоб беришингизни илтимос қиламан.— У колхозчиларга бир назар ташлади-да, Бузрук эшонга тикилди.— Гапингизга қараганда, сиз Шўро ҳукуматининг тарафдори бўлгансиз. Шундайми?

— Шундай,— деди Бузрук эшон нишонни бузмай.

— Сиз заҳарлангансиз?

— Ёлғон, ким айтди бунингизга,— хириллади Бузрук эшон.

— Максим Горький деган ёзувчи асаридан бир доғишманд айтган: «Сиз мис билан заҳарлангансиз, мис тангага қул бўлиб қолгансиз. Бу дунёда қулоғингизга фақат чақанингни жарангиз эшитилади, шунинг учун чақани йўқотмоқ керак! Ҳа, чақа йўқолгандан кейин душманлик ҳам қолмайди», деган у. Демак, бузрук эшон, чақангизки бор, сиз оддий халққа дўст бўлолмайсиз. Тўғри бўлсанг, ўсиб бориб гул бўласан, эгри бўлсанг ўсиб бориб қул бўласан, сиз чақага қулсиз... Бўлмасам ўт қўймас эдингиз.

— Қанақа ўт, бу қандай тухмат,— дўриллаган овоз билан сўз қотди Бузрук эшон.

— Қанақа ўт?! Эслай олмайсизми?— Ҳамза унинг кўзига қаттиқ қадалиб туриб, ниҳоят сўради.— Шариятда ёлғон ҳаромми?

— Ҳаром! Ҳа, нима бўлибди?

— Бўлмаса мана шу шердаргоҳнинг муқаддас мазорига қараб туриб эл олдида айтинг-чи, бундан етти йил олдин босмачилар билан олишиб, уларнинг ҳужу-

мини мақбарага кириб қайтараётган қизил аскарлар отрядига ўт қўйиб юборишга шайх Исмоил фатво берганида, бу ишни ким амалга оширган?

Бузрук эшон бу гапни эшитиб, бутунлай тўкилиб кетаёзди. Аммо ўзини босиб олиб, гапни чалғитишга уринди.

— Орадан шунча вақт ўтиб кетган бўлса, бу гап кимнинг эсида бор дейсиз? Улимдан хабарим бору, лекин бундан хабарим йўқ.

— Ўзингиз мақбарага ўт қўймаганмидингиз?

— Мен мақбарага ўт қўйганманми?!— Бузрук эшоннинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди.— Ё астаг-фирулло! Ўт қўйишганини, рост, кўрганман. Бошқалар қилган бу ишни!

Мажлис аҳли тўлқинланди. Кимлардир ғазаб билан бақирди:

— Тағин Шўро ҳукумати бу кишимнинг жон-дили эмиш.

— Қотилга ўрин йўқ, бу ердан йўқолсин!

— Орқасига тепиб, ҳайдаб чиқариш керак!

— Жўнаб қол, золим!..

Мажлисининг боришини диққат билан кузатиб ўтирган Ғиёсхўжа қўлини кўтарди.

— Мен ҳам гапирсам майлими?

Қамбарали Омонтой билан Ҳамзага «сўз берсам майлими?» дегандай ишора қилди. Ҳамза эса «майли», деган маънода бошини силкиди.

— Майли, гапира қолинг,— деб рухсат берди Қамбарали иккиланиб.

— Мен, албатта, камбағал ҳам, ўртаҳол ҳам эмасман,— деб гап бошлади Ғиёсхўжа.— Мен шайх — ҳазрат Алининг авлодларига мансуб бир кишиман. Аммо мен Шўро ҳокимиятига ихлос қўйганман. Бу гапимга ишонсаларингиз ҳам, ишонмасаларингиз ҳам ўзларингиз биласиз. Бир нарсага ҳайрон қолдим. Ҳурматли Бузрук эшоннинг Шўро ҳукуматини алдашига индамай қараб туролмайман.— У Бузрук эшон томон қараб давом этди.

— Нега ёлғон гапирасиз? Сизда ўттиз-ўттиз беш таноб эмас, бир юз йигирма таноб ер қолган. Боғларингизнинг ўзини ҳисобласа, эллик таноб чиқади. Ўзингиз ҳисобини билмасангиз, буни мен биламан! Бу бойликни ҳалол меҳнатингиз орқасида орттирмагансиз, балки хизматкорларингизнинг пешона тери орқали орттиргансиз. Ўртоқ Ҳамза мутлақо тўғри савол берди. Гарчанд

мен мақбарага ўт қўйилганини кўрмаган бўлсам ҳал, аммо уни сиз ёқиб юборганлигиңизни яхши биламан.

Бузрук эшон Ғиёсхўжага телбаланиб қаради. У бўлса, бунга парво қилмай, ҳаяжон билан давом этди:

— Тўғри, мен камбағал бўлмасам ҳам, Шўро ҳукумати чин дилимдан ёқлайман, колхозни табриклайман. Бунинг далили — мана шу саройни артелга ихтиёрий равишда топширганам. Қорамолларимнинг ярмидан зиёдроғини топширганман. Бугун барча ерларим, молларимнинг қолган қисмини ҳам топшираман. Ҳалол меҳнат қилиб яшамоқчиман энди...

Уч-тўрт жойдан беш-олти киши чалак чалди. Ҳамза Ғиёсхўжага жилмайиб қўйди. Омонтой билан Мебувалар бир-бирига маъноли қараб қўйишди. Қамбарали Омонтойга кўзини жавдиратди.

— Бузрук эшон масаласини ҳал қилишимиз керак, — деди Омонтой Қамбаралига далда бериб. Қамбарали калаванинг учини топиб олганидан севиhib кетди.

— Жуда тўғри, — деди у мажлис аҳлига қараб. — Ҳамма гап аён. Бузрук эшон артелга қабул қилинмасин, деган таклиф бор. Чунки бой билан колхозчи ёғ билан сувга ўхшайди, бир-бирига сўра қўшилмайди. Сизлар нима дейсизлар?

— Тўғри!.. Қабул қилмаслик керак! — деди мажлис аҳли бир оғиздан гулдираб.

— Бўлмаса, овозга қўяман, — деди Қамбарали говур-говурни босиб. — Бузрук эшонни ҳақсиз қилиб, бутун мол-мулки артель ҳисобига тартиб олинсин, деганлар қўл кўтарсин!

Ҳамма бирданига қўл кўтарди. Баъзилар иккала қўлини кўтарди. Бузрук эшон бўлса, бир бурчакка қисилиб, уларга бўридай ғазаб билан қараб турарди.

— Яна битта ариза қолди, — деди Қамбарали. — Қишлоқ Шўросининг собиқ раиси Валихон артелга қабул қилишимизни сўрабди. Уни биласизларми?

— Биламиз!.. У итдан тарқагани ким билмайди?! — деди ўнларча овоз бирданига.

— Ўртоқлар, унга нима деб жавоб берамиз? — деб сўради Қамбарали.

— Бузрук эшонга нима деб жавоб қилган бўлсан, унга ҳам шундай жавоб қиламиз. Иккаласи бир-бирдан қолишмайди! — Мажлис аҳли ғалаёнга келди. Қамбарали одамларни тартибга чақирди-да, овозлар босилгач, давом этди:

— Овозга қўяман! Кимда-ким, Валихон артелга қабул қилинмасин, у ҳақсиз қилинсин, деса қўлини кўтарсин!

— Норозилик билдираман! Юқорига арз қиламан!— деди Валихон ўрнидан туриб кетиб. Унинг овози бўғилиб, хириллаб қолди.— Бу ўзбошимчалик. Ҳақиқат борми сизларда?..

Қамбарали ўзини туголмай қолди. Валихоннинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлди-ю, лекин «мажлис раиси фалончи билан муштлашибди» деган иснодга қолмай яна, деб ўзини босди. Кейин кўриладиган масала тамом бўлганини эслаб, мажлис аҳлига мурожаат қилди:

— Бешқа ариза қолмади.

— Менга рухсат этинг, ҳурматли раис,— дея ўрнидан турди Ғиёсхўжа.— Тўғри, мен ариза берганимча йўқ ҳали. Лекин, ўртоқлар, сизларга шахсан мурожаат қиламан ва мени...— унинг овози ҳаяжондан тўлқинланиб кетди.— Мен сизларда тўғри йўлга чиқиб олишимда ёрдам беришларингизни ўтиниб сўрайман, ўртоқлар. Мен шайхман, мақбара орқасида кун кўриб келганман, нимасини лширай, босмачиликда иштирок этганман, лекин бу оғир хатойимни дарҳол тушуниб, ундан ўзимни четга олганман. Илтимосим шуки, мени артелга қабул қилсанглар. Ҳалол ишлайман. Шўро ҳукуматининг адашганларни, агар улар айбларини чин дилдан бўйинларига олсалар, кечирришини биламан. Ваъда бериб айтаманки, бундан буёқ олдинги гуноҳларимни артелга, Шўро ҳукуматига астойдил хизмат қилиш билан юзаман. Шуларни назарга олиб илтимосимни ерда қолдирмассизлар, деб умид қиламан.

Мажлис аҳли бир неча дақиқа жим қолди. Бу жимликни Қодир отанинг қувончли овози бузди.

— Ана, айтмадимми, шайхлардан ҳам битта-яримта инсофлиси чиқиб қолар, деб. Менга қолса қабул қилсак, дейман!..

— Ким гапиради, ўртоқлар?— деди Қамбарали мажлис аҳлига қараб.

— Мен қаршиман,— деб Омонтой тўнғиллаб қўйди.— Артелимизда шайхларга ўрин йўқ. Биттаси орамизга суқулиб кириб олдимиз, дарҳол илоннинг ўрда-сини қуришга киришади.

— Шайхлар авлодидан туғилганлигим учун мен гуноҳкор эмасман-ку, ахир,— Ғиёсхўжа ўзини лоқайдликка солди.

Ҳамма Ҳамзага қаради.

— Ғиёсхўжа ака бу ерда анча-мунча рост сўзларни гапирди,— деди Ҳамза, мажлис аҳлига мурожаат қилиб. Унинг овозида одатдаги кескинлик сезилмасди.— Мол-мулкни артелга топширганининг ўзи ҳам буни кўрсатиб турибди.

— Барибир, тартиб олардик бермаган тақдирда!..— Омонтой қизишиб луқма ташлади.

— Ғиёсхўжа ака уйини артелимизга топширганида, уни ҳақсиз қилмаслигимизни билмаган,— деди Ҳамза давом этиб.— Шўролар ҳукумати ўз хатосини бўйнига олган одамни кўкрагидан итармайди.— У Ғиёсхўжага ўгирилиб таъкидлади.— Аммо шунини айтиб қўлайки, Ғиёсхўжа ака, Шўро ҳукуматининг ишчини оқлаш учун астойдил ҳалол меҳнат қилишингиз керак!

— Майли, синанглар,— деди Ғиёсхўжа,— мен артелга яхши ният билан кирапман.

Одамлар орасида шивир-шивир бошланди, биров Ғиёсхўжага ишончсизлик билдирса, биров уни артелга қабул қилишга мойиллик билдирар эди. Ўзаро говур-гувурни Ҳамзанинг гапи босиб тушди:

— Менинг фикрим шундай,— деди у одамларга ўгирилиб,— биз Ғиёсхўжа акани артелга шайхлигини пеш қилмасдан, барча билан баробар ишлашга ваъда бериш шарти билан қабул қилсак... Борди-ю, ўрганган кўнгили ўртанса қўймас, дегандай қўлини совуқ сувга урмаса, унда яна кўраверамиз...

Ҳамза жойига ўтирди. Қодир ота Қамбаралига қаради.

— Овозга қўймайсанми, нега ўйлашиб қолдинг?— деди у, Қамбаралини туртиб. Мебува Қодир отани қувватлади. Қамбарали овозга қўйди. Ғиёсхўжани артелга қабул қилишди. Омонтой, Мебува, Алижон, яна беш-олти одам унга қарши овоз берди.

— Энди қулоқ қилинадиган бойлар рўйхатини текшириб чиқамиз,— деди Қамбарали мажлис аҳлига қараб.— Бу хусусда Омонтой ака гапириб беради.

— Ўртоқлар!— деди Омонтой рўйхатни очиб.— Комиссиямиз анча текширгандан кейин мана шу рўйхатда кўрсатилган кишиларни ҳақсиз қилишга бяр тўхтамга келди. Бу одамлар муштумзўрлиги, киши кучидан фойдаланганлиги — эзувчи экаликларни билан ҳаммангизга маълум. Рўйхатда биринчи бўлиб Шохимардон мақбарасининг мутасаддиси шайх Исмонил қайд этилган. Биз унинг ерларини, мөл-мул-

кени артелга тортиб олиб беришни таклиф қиламиз.
Сизлар нима дейсизлар?

Бурчак-бурчакдан овозлар янгради:

- Буни илгарироқ қилиш керак эди!
- Жуда тўғри фикр!
- Дуойибад қилади-да!
- Қандай бўлар экан?..
- Тортиб олиш керак!
- Қандай бўларди, яхши бўлади!
- Худога хуш келмайди бу иш!
- Худо берганини банда нега тортиб олади?

Мажлис яна уч-тўрт кишини ҳақсиз қилишга кўпчилик овоз билан қарор қабул қилди. Ҳақсиз қилинганларнинг мол-мулкани рўйхат қилишга комиссия тузиладиган бўлди. Кўпчилик хурсанд, баъзилар оғир кайфият билан тарқалишди... Яна Ҳамзанинг хаёлидан Максим Горькийнинг «Челкаш» ҳикоясидаги: «Биз дунёга мурасасозлик қилмоқ учун келган эмасмиз. Биз турмуш қабиҳликлари билан баҳслашиш ва уларни енгиш учун келганмиз», деган ибораси лип этиб ўтди. «Икки чинор ёнма-ён турса, уни бўрон ҳам йиқита олмайди. Шоҳимардонда тузилган бу янги артель — ёнма-ён турган юз чинор-ку ахир».

Ун олтинчи боб

ЗУЛФИЗАРНИНГ ГУМОНИ

Тун. Шоҳимардон сойи шовиллайди. Елкасига қўнини елвагай ташлаб олган Ҳамза уйида ўтирибди. У баъзан нотага нималарнидир ёзар, баъзан дуторни қўлига олиб, унда қандайдир бир куйнинг бир неча пардасини чалиб, оҳангни гингиллаб куйлар, куйга тушган баъзи сўзларни нотага қайд этар эди. У бирдан ўрнидан туриб кетди, қоғозни гижимлади-да, ерга отди. Кейин бошқа бир варақ қоғоз олиб, унга ёза бошлади. Ерда бундай гижимлаб ташланган қоғозлардан анча-мунчаси ётар эди.

Зулфизар хонанинг тўридаги каравотда хомуш ўтирарди. Бир вақт ўрнидан туриб, кўйлагини бир қозиқдан олиб иккинчисига илди, кейин яна каравотга ўтириб, иш тикишга тутинди. У ниманидир сўрамоқчи бўлиб, Ҳамзага бир неча бор бошини кўтариб қараб қўйди. Лекин ҳар қанча чоғлангани билан унинг хаёлини чалғитгиси келмай, яна ўз ишига машғул бўлди.

Бир печа вақт шу алпозда ўтирди-да, ахир бўлмагач, эрига қаради.

— Аббосхон!— деди у баланд овоз билан. Кейин бир фурсат жим туриб, давом этди:— Жонингизни ўйланг, булар ёниб турган ўт! Улардан четроқ юринг...

Ҳамза хотинининг бу чақирғига жавоб бермади, унга қайрилиб ҳам қарамай, қўлини силкитиб, «жим, халақит берма», дегандай ишора қилди. Зулфизар бўйнини эгиб жим қолди, бир нафас шундай ўтирди-да, ўпкаси тўлиб, такрорлади:

— Ҳамза ака!

— Нима дейсан?— деди Ҳамза норози оҳангда.

— Бу ердан қачон кетамиз?

— Ҳали анча бор, ҳали анча бор!— деди Ҳамза чертиб ўтирган куйи оҳангида.— Абу Зафар Муҳиддин Аврангзеб оламгирнинг қизи Зебунисо бегимнинг бир оташин газалини куйга соляпман. Биласанми, бу шоира китоб ҳақида нима деган: «Менинг эрим ҳам, бахтим ҳам, жаннатим ҳам — китоб».

— Хўп айтган экан, шўрлик,— деди Зулфизар бошини кўтармай.— Энди менинг ҳам эрим...— бу ёғини айтолмай, гапни миясини пармалаб, унга тинчлик бермаётган фикрга бурди.— Ҳозир кетайлик! Хўп денг, мен қўрқяпман.— Зулфизар бошини ёстиққа қўйиб юзини яширди. Дилини ўртаган алам баттар авжига чиқди. Тўлиб-тошиб йиғлади.

Ҳамза Зулфизарга қараб, диққати ошиб кетди. Кейин аста-секин юмшади. У ўрнидан туриб, каравотнинг олдига келиб, унга ўтирди-да, хотинининг сочини аста силади.

— Шахло кўзларинг киртайган, рангинг, бодом қовоқларинг оғирлашиб қолган кўринди менга... Йигладингми? Ким хафа қилди сени, жонгинам? Хўш, ўзи нима гап?

— Сиз!—деб жавоб берди Зулфизар.— Сиз хафа қилдингиз! Кўнглимдаги ҳамма гапни тўкиб соламан, чидайсиз. Жигимга тегиш учун жўрттага бу ердан кетмай, оёқ тираб келяпсиз,— деди Ҳамзанинг кўзига қадалиб.

— Менинг бу ердан жўнаб кетишим мумкин эмас!— деди Ҳамза норози оҳангда.— Менга жуда муҳим вазифа топширилган... буни ташлаб, қочиб кетолмайман-ку, ахир, жонгинам. Тоқат қиламиз.

Зулфизар бошини кўтариб, Ҳамзанинг юзига яна

тикилди, кейин кадини ростлаб, каравотга ўтирди, ёноқларидан ёш думалаб туша бошлади, лекин кўзлари чакнарди.

— Лекин мен тоқат қилолмайман. Нега кетмай, оёқ тираб келаётганингизни ҳам биламан,— деди у жаҳл билан юрагида анчадан бери тугиб юрган дардини ёриб.— Бунга Санобар сабабчи!

— Менга ғамхўр, ғамгузор, меҳрибон одам дер эдим сени, адашган эканман. Нега у сабабчи бўлар экан?— деди Ҳамза ҳайрон бўлиб.

— У сизнинг юрак-бағрингиздан урган. Сизга у мендан кўра ширинроқ кўринади!

— Менинг тентаккинам,— деди Ҳамза хотинини қучишга интилиб:— Нималар деяпсан? Санобарнинг эгаси бор-а. Ундай дема, Алижон эшитса хафа бўлади. Ҳали мени шунчалик бекбурд, деб ўйлайсанми? Сен турганингда...— Ҳамза Зулфизарнинг белидан қучиб, ўзига тортди. Зулфизар юлқиниб, ўзини четга олди.

— Менга тегманг!— деди у жаҳл билан.— Сиз алдоқчи одам экансиз, айнидингиз. Боринг, ўша Санобарни қучоқланг. Тагин янгичасига ишлаймиз, мен бошқа хотин олмайман, деб қоп-қоп ваъда бергансиз. Уялинг-э!.. Бу озорхонадан тез кетиш керак.

— Нима деяпсан ўзи, нега авзойинг бузуқ, Зулфизар! Эр-хотин уришига уй-остонаси қулармиш...— Ҳамза уни юпатмоқчи бўлди.— Қанақа хотин? Бу нарса етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган.

У ўрнидан туриб, хона ичида у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади. «Озорхона эмиш... Алдоқчи эмишман». У столи олдида таққа тўхтади, стол устидаги бир варақ қоғозни беихтиёр олиб, унга тикелиб турди-да, яна жойига қўйди ва тўлқинланиб деди:

— У бугун менинг ашуламени қандай айтганини билсанг эди! Ҳозир свози сеникидай ишланган, тишиқ, кучли эмас. Аммо у чинакам артист бўлади. Буюк артист бўлади. Халқимиз у билан фахрланади ҳали.

— Ҳозирча у билан сиз фахрланиб турасиз,— деди Зулфизар киноя қилиб.— Анави галварс Алижон бўлса, қўйни бўрига ишсниб юрибди...

— Бас, кулги бор уйга бахт киради, тентаклик қилма!— Ҳамза ўзини тутолмай, столга зарб билан бир мушт урди.— Наҳотки иғво тарқатиб, Алижон билан менинг ўртамызга нифоқ солмоқчи бўлсанг! Шайхларга зарба беришда ёрдамлашаётган тиргакларимдан жудо

қилмоқчимисан мени? Бундай хаёлга боришга уялма-дингми, тентак!..

— Бу ердан кетамиз,— деди Зулфизар ўжарлик билан. Унинг овозида кескинлик, жаҳл бор эди...— Менинг бу гапимга кирсангиз, мени чиндан ҳам яхши кўришингизга ишонаман...

— Мени Шоҳимардондан олиб кетишга шайхлар маслаҳат беришдими дейман-а?— деб сўради Ҳамза аранг жаҳлини босиб.

— Ҳа! Барча шайхларнинг сизни кўргани кўзлари йўқ. Ҳаммаса Шоҳимардондан кетишингизни исташадди, чунки сиз яхшиларга қўшилмайсиз. Сизни, «одам ови шоир экан», дейишяпти,— деди Зулфизар бир лаҳза жим тургандан сўнг.

— Ҳали шундайми? Биладан. Хиёнат, ёмонлик кўланка сингари менга эргашиб юрибди. Мана сен... жонимнинг малҳами... сен ҳам суриштириб-нетиб ўтирмай... ағдариб, тўнтариб, эзиб, янчиб ташладинг... Ахир бу очкўз, риёкор, бераҳм шайхлардан бутун халқ олам дод деган, ҳазрат Навоийни қон йиғлатганлар ҳам, Мирзо Улуғбекнинг осмон сингари юксак, гурзиё қалбига пичоқ санчганлар ҳам мана шу бадкирдор шайхлар бўлган. Мирзо Улуғбек калласини олган қилич неча юз йилларки, аҳли илмлар бағрини яра қилиб турибди... Бўлмаса ўша маслаҳатгўйларингга айтиб қўй, мен бу маконни то ёмонликдан, жаҳолатдан, бидъатдан, вабодан қатрон қилгацдек қатрон қилмагунимча Шоҳимардондан кетмайман!— деди Ҳамза. Зулфизар қўрқиб кетди, у кўзларини катта-катта счганича қараб турар эди. У ўзини босиб олиб, Ҳамзага ялинишга тушди.

— Тўрам!— деди у кўзларидан мўлт-мўлт ёш оқишиб,— мени десангиз, Сенобар билан машғулотишгани кўйинг. Ялиниб сўрайман! Ақл билан иш кўринг, ҳис-туйғуларингизга қул бўлиб қолманг. Ақллилик қора қилни қирққа бўлади, дейсиз-ку ўзингиз.

Зулфизар бир неча дақиқа жим бўлиб қолди, мижжаларида ёш йилтилларди. У ўрнидан оҳиста турди-да, паранжисини ёпинди.

— Йўл бўлсин?— деди Ҳамза унга ўтирилиб.

— Қўшнингикига, тезда қайтиб келаман.

— Паранжини нега ёпиндинг ундай бўлса. Бу рўдапони кимдан олган бўлсанг, ўшанга эртагаёқ олиб бориб топшир. Паранжисиз чиқиб келавер.

— Ҳўп, эртага эгасига қайтиб бераман. Ҳозир ёпи-

ниб бориб келишим керак,— деди Зулфизар ғамгинлик билан, кейин эшиқдан аста босиб чиқди-да, ҳалиги ғалини такрорлади: «Мен дарров қайтиб келаман».

* * *

Мақбара биносининг катта гумбази тагидаги қабр эшиқдан кирган кишининг эътиборини бирдан ўзига тортади. Қабр устига худди дазмолга ўхшаган оғир қабр тоши ўрнатилган. Тош устига қўнғир рангли чойшаб ёпиб қўйилибди, унинг теласида кўк шойи байроқ қилпирайди. Бош томонда бир неча шам лишиллаб, қабр устида аллақандай сеҳрли кўланкалар кашф этади. Атрофини эса зулмат эгаллаган. Бу манзара кишига одатдан ташқари сеҳри билан қаттиқ таъсир этади.

Мақбаранинг ўймакорлик билан ишланган пастаккина эшиги ғирчиллаб очилди — шайх Исмоил олдинда, бир паранжили аёл кетида, ичкарига киришди.

— Қизим,— деди шайх Исмоил овози гулдираб.— Қабрга астойдил сизинсанг, унинг тошларини кўз ёшларинг билан сўғорсанг, унга кўнглингдаги сирларингни очсанг, ҳазрат Алининг муборақ руҳлари, албатта, мадад қилгусидир. Кўнглингдаги барча шубҳаларингни тан олиб, бу гўбордан халос этишни сўраб илтижо қил, гуноҳларингни бағишлаганин ялишиб сўра. Агар сенинг бу илтижоларинг дарсидига етиб борса, мен аминманки, сен ғойибдан сиз эшитиб, улуғ мўъжизанинг гувоҳи бўлиб қоласан.

Зулфизар қабр тоши олдига бориб, тиз чўкди.

— Олло таолони дилингда жо этиб, астойдил ибодат қил, қизим, ҳеч нарсадан қўрқма. Ҳозир сени ўн мингта фаришта муҳофаза қилиб турибди. Мен ҳам муқаддас туғ тагида сенинг ҳожатингни оллодан сўраб ибодат қиламан,— дея шайх оҳиста чиқиб кетди.

Зулфизар бир неча дақиқа бошини саждага қўйган ҳолда туриб қолди. Жаъдираган кўзлари шундай чуқур бир талваса, изтиробга тўлган эдики, гўё аёл сотининг барча дард-аламини ёлғиз тортарди у.

Кейин паранжисини олиб, юзларини қабр тошига суртди, уни қучоқлаб кўз ёшларини тўқди-ю, гапирмади, лекин шу сўзларни дилидан ўтказди.

«Ё ҳазрат Али, Шеҳимардон пирим, менинг Ҳамзамни паноҳингизда асранг... унинг гуноҳи йўқ, у одамларга яхшилик қилмоқчи, адашган бўлса, ўзингиз йўлга солинг! Сизнинг қудратингизга сизиниб келдим».

Зулфизар тошга янада қаттиқроқ ёпишиб, уни ўпди. «Е Али, шери худо! Уни ёрлақанг, кўнглига бу ердан кетиш фикрини жо этинг. Унинг кўнгли паришон, хаёли ҳам бир ерда эмас, борган сари мендан совиб боряпти... Ҳамзамни бу йўлдан қайтаринг, унга тўғри йўл кўрсатинг, биз осий бандаларга ўзингиз раҳбар бўлинг...»

Бирдан Зулфизар қўрқиб, жим бўлиб қолди. Қабр ичидан оғир хўрсиниққа ўхшаш овоз эшитилди, кимдир инграгандай бўлди.

— Кимнинг гуноҳини сўраб олиш учун илтижо қилаётганингни биласанми, эй ожиз банда?— деди қабр ичидан ҳалиги даҳшатли овоз.— Сен шайтони лаъиннинг хизматкор билан ёстиқдошлик қилганлигинг учун гуноҳга ботгансан. У, Ислом динидан юз ўгирган, бировнинг мулкига кўз олайтирган, у муртад, беномус. Тавба қил, акс ҳолда дўзах ўтида бир умр ўрганурсан!

Зулфизарнинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди, у ўзини оркага ташлаб, бир лаҳза эсанкираб турди-да, кейин ҳалиги айбноманинг зарби остида қабр тошига эгилишга мажбур бўлди.

Йўқ, йўқ!— деди у кўзлари ола-кула бўлиб.— Ҳамзани кимдир сизга ёмонлаган, бу — тухмат! У — яхши одам, аммо бир оз... адашди...

Зулфизарнинг гали оғзида қолди, ҳалиги овоз унинг галини бўлди:

— Исломнинг муқаддас қадамжоларини масхара қилган шаккокка, унинг хушторига мусулмонлар орасида жой йўқ! Бу икки осий бандага жаннатнинг эшиклари берк! Агар истасанг, фақат сен ўзинг гуноҳкор эрингни ва ўз жонингни қутқариб қолишинг мумкин! Бу осон эмас, лекин олло таолонинг марҳаматига бусиз муяссар бўла олмайсан!

— Мен ҳаммасига розиман, ҳазрат Али пирим,— деди Зулфизар хўнграб йиғлаб.— Сиз нима десангиз, ҳаммасини адо этаман. Айтинг, нима қилишим керак бўлади?

Зулфизар қаттиқ ҳаяжон ичида қалт-қалт титраб, саволига жавоб кутарди. Унинг назарида ҳамма нарсани ана шу жавоб ҳал қиладигандай мунтазир бўлиб кутарди. Бир вақт овоз тилга кирди, тошдай оғир иборани қуруққина қилиб айтиб, амр қилди:

— Ҳамзани ўлдир! Ҳа, соқка ҳам бир жойга бориб тўхтайти!

Зулфизар бу иборани эшитиб, «Ўлдир!» деб қичқириб юборди ва ўша заҳоти икки қўли билан оғзини беркитди. У қабр тошига бақрайиб қараб турарди.

— Ўлдир! Ўз қўлинг билан ўлдир!.. Биламан, сен заифа, ожизасан; лекин:

Ҳиммат камарини боғлаган ҳамон
Чумоли енгади шерни бегумон!

Унинг гуноҳларини фақат ўлимгина ювади. Шундагина ҳар икковингизга беҳишт дарвозалари очилур.

Зулфизарнинг бошидан ҳуши учиб, қабр тошидан кўзини узмай бақрайганича қолди, у ғайриихтиёрий ҳаракат билан ерга энгашди, қўлига илинган паранжисини судраганча орқага тисланиб чиқиб кета бошлади.

— Агар бирон кимсага олло таоло ва таборакнинг бу иродалари ҳақида гапирсанг, шармандали ўлимга мустаҳиқ этилганингдир,— деган овоз янгради унинг орқасидан. Овоз яна ҳам таҳдидлироқ янграб, уни таъқиб қилди.— Тамуғнинг беадад азобу уқубатлари бошингга тушгусидир, магар ҳалиги иродаи ҳақ ҳукмини ижро этмасан! Фақат буни адо этиш билангина ўз жонингни қутқариб қоласан. Олло таолонинг шафқатидан умидвор бўлсанг, Ҳамзани ўлдир!

Зулфизар мақбара эшигидан чиқиб, паранжисини ёпинди-да, уйига қараб юриб кетди. Унинг қулоқлари остидан ҳалиги мудҳиш ибора ҳеч нари кетмас, ҳар қадамида такрорланарди. У Ҳамзадан хавотирга тушди, кўнглидан ёмон бир фикр ўтиб, инграб юборди. У даҳшатли туш кўраётгандай эди. Миясида кўп нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетган, бош-кетини тополмасди. Ҳарчанд уринар, овози чиқмас, у ҳансирар, томоғига бир нима тиқилиб, нафаси бўғилар эди. Хаёл билан бўлиб, оёғи остидаги тошга қоқилиб, йиқилиб тушди. Оғриққа қарамай, дарҳол ўрнидан турди-да, уйига шошилди. Пастқам тор кўчага бурилиб, тун қўйнида чулганган ҳовлисига бурилди. Назарида орқасидан кимдир қувиб келаётгандай эди...

Ун еттинчи боб

УРИК ГУЛЛАГАНДА

Баҳор кунларидан бири эди. Ҳаво илиқ. Тоғнинг майин шабадаси кишига роҳат бағишлайди. Шоҳимардон йўлининг икки чеккасида ўтлар қулф уриб ўсиб ётибди. Йўлдан бир арава тоғ томон силжиб бор-

моқда. Аравада икки деҳқон ўтирибди. Аравакаш йигит эгарига чўнқайиб ўтириб олган. У дўрилдоқ овоз билан аллақандай бир куйни хиргойи қилиб кетмоқда. Улар дарага кириб бир оз юришгач, узоқдан қишлоқ кўринди. Қишлоқ кўчасида бир тўп одам уймаланишар эди. Аравада ўтирганлардан бири аравакашга мурожаат этди:

— Хол!.. Сенинг кўзинг ўткирроқ, болам, қара-чи, майдонда одамлар нега уймаланишяпти?

— Нимадир қуришяптими? — деди йигит бамайлихотирлик билан.— Шоҳимардонда ҳам яқинда артель ташкил этилган. Энди мактабми, шифохонами қуришяётган бўлишса керак.

Улар йўлда давом этиб қишлоққа кириб боришди, биринчи бўлиб қишлоқдан чиқиб келаётган Бузрук эшонга дуч келишди.

— Тақсир! — деди деҳқон унга мурожаат этиб.— Айтолмайсизми, бу шоҳимардонликлар нима қуришяпти?

Бузрук эшон чолларга диққат билан қараб тургач, аравага яқинроқ келди.

— Э, ҳа, нимасини сўрайсиз, отахон, Шоҳимардонга кўз тегди. Ҳамза деган бир даҳрий пайдо бўлиб, ҳаммаёқни така-така қилиб юборди. Халқни кўнмаганига ҳам қўймай, ҳайдаб чиқиб, қишлоқнинг ўртасида бир даҳрийга тошдан ҳайкал ўрнатяпти.

— Даҳрийга ҳайкал ўрнатилш нега керак бўлиб қолибди? — деб сўради аравадаги иккинчи мўйсафид ёқасини ушлаб.

— Даҳрийга эмас, Ҳамзага керак бу ҳайкал. У халқни беш вақт намоз ўқиш ўрнига ана шу бутга сажда қилдирмоқчи.

— Аравани қайтар, Хол!.. Қайтар аравани, ўғлим! — Чоллар аравакашни қисти-бастига олишди.— Бунисини кўрмайлик ҳам, куймайлик ҳам. Муқаддас Шоҳимардонда шунақа ишлар содир бўлаётган бўлса-я! Ё, алҳазар!..

— Отажон, сиз ҳар қандай ёлгончининг гапига қулоқ солавермангда! — деди йигит норози оҳангда.

— Ҳалиги ўткинчи ёлгончига ўхшамайди-ку, болам, — деди мўйсафидлардан бири.— Кўринишидан тагли-тахтли одамга ўхшайди-ку?..

Қишлоққа кираверишда бир араванинг ғилдираги чуқурга тушиб кетгани устидан чиқиб қолишди. Унга каттакон бир тош ортилган эди. Учта аравакаш ҳа-ҳа-

лаб, уни чиқаришга уринишар, лекин ўрнидан кимир-латишолмасди.

— Тўхта, ўғлим! Хол, отнинг жиловини торт!— деди иккала чол бараварига. Хол отни тўхтатди. Бу учаласи бир лаҳза ҳалиги ботиб қолган аравани кузатиб туришди.

— Зугум, зўрлик билан ҳайдаб келишдимми?— деди чоллар аравакашларга ачиниб.

Аравакашлар бу чолларнинг кутилмаган сўроқларидан ҳайрон бўлишди.

— Нега зўрлик қилишар экан?!

— Узимиз қиялпмиз!

— Ўз ихтиёримиз билан қиялпмиз!

— Ўзингиз... Даҳрийга ҳайкал ўрнатишга-я?!— деди чоллардан бири ҳайратланиб.

— Ўз ихтиёрларингиз билан бединга ҳайкал қурып-сизми?— деди иккинчи мўйсафид.

— Қанақа даҳрий, қанақа бедин?— деб сўраб қолди ҳайратланиб аравакашлардан бири.

— Биз ҳайкал қурыпмиз,— деди иккинчи аравакаш бамайлихотир.

— Ҳа, балли, ҳайкал,— деди биринчи мўйсафид кўрслик билан.— Кимга қурыпсиз ўша ҳайкални!

— Ленинга!— деб жавоб берди учинчи аравакаш гурур билан.— Артель ўрток Ленин номида-да, ахир!

— Ленинга дейсизларми?— деб сўради иккинчи мўйсафид ишонқирамай.— Ленингами? Сизларни: «Ленинга», деб алдашган бўлмасинлар тагин?

-- Ленинга кураётганликларинг ростми?— яна оқлаб сўради биринчи мўйсафид.— Дарвоқе... Ҳамза даҳрийни бошига ҳам урсинми?— деди у, ўз шубҳасига ўзи чек қўйиб.

— Ленинга ҳайкал ўрнатишни бизга Ҳамза ўргатди-да,— деди биринчи аравакаш.— Ҳув, ана, ўзи ҳам майдонда ишлаяпти.

— Кўрдингизми, сизлар бўлсангиз, ҳалиги мешқориннинг гапига лақиллаб ўтирибсизлар,— деб кинол қилди Хол бу соддадил чолларга ачиниб:

— Нега караб турибсизлар бўлмаса, ишёқмас, дангасалар!— деди биринчи мўйсафид ўрнидан даст туриб.— Бундай хайрли ишни совутиб бўладими? Одамда бир оз уят бўлиши керак. Ўғлим, туш отдан, манавиларга ёрдамлашворайлик.

Чоллар аравадан ўзларини таппа-таппа ташлашди. Хол отини юкли аравага тезлик билан қўшди. Ҳамма

бирдан гилдиракка ёпишиб ҳа-ҳалашиб, аравани чуқурдан чиқариб олди.

— Раҳмат сизларга, оталар!— деб аравакашлар йўлларига жўнаб кетишди.

Чоллар ҳеч нарса кўрмагандай миқ этмай, тўнларидаги чап-тупроқни қоқишар эди...



Саводсизликни тугатиш хонасида одам тўла. Кўпчилик аёллар паранжисиз, баъзилари чачвонини қайириб, орқасига ташлаб олган. Ўқтин-ўқтин қувноқ кулги эшитилади. Омонтой хат машқ қилиб туриб, ёшлигида имом домланинг: «Сендан мулла чиқмайди, далада ҳўкизнинг думини тутиб юравер...» дегани ёдига тушиб илжайиб қўйди.

Хона деразалари кенг очиқ. Ташқари қуёш ёғдусига фарқ бўлган. Дераза олдида ўрик чамандай гуллаб ётибди.

Ҳамза ўрик гулларига маҳлиё бўлиб дераза олдида турар эди.

— Эртага катта байрам,— деди у одамларга ўгирилиб.— Халқаро хотин-қизлар куни. Шалангга обиҳаёт олиб келадиган ариқ ва Ленин ҳайкалини очиш маросимларини шу кунга қолдирдик. Аммо хотин-қизларимиз ўртоқ Ленин ҳайкали олдида паранжи-чачвонлари билан турсалар қандай хунук бўлиши мени ташвишга солмоқда.

Қўлига битта паранжи ушлаган Омонтой ўрнидан турди.

— Биз шу пайтгача мана шу рўдаподан қутулолмадик. Мен буни Меҳрининг ўзи бошқалар билан бирга ўтга ташлашини кутиб юардим. Ўйлайманки, эртага катта гулхан ташкил қилсак, бу увадалардан биратўласига қутулиб қўя қолсак... Нима дейсизлар шунга?

Шу пайт аллақандай бир бола дераза тагига келдида, Ҳамзани чақириб, унинг қўлига хат тутқазди. Ҳамза хатга кўз югуртириб чиқаётган эди, ҳалиги бола изох берди:

— Зулфизар опам сизга бериб қўйишимни тайинладилар. Ўзлари жўнаб кетдилар.

— Қаёққа жўнаб кетди?— деди Ҳамза бўшашиб ва хатни чўнтагига беихтиёр солди. Кейин бутун диққати хона ичида содир бўлаётган ҳодисаларга михланди.

— Омонтой жуда тўғри гапни айтди,— деди Мебува баланд овоз билан.— Эртага менинг кампирим билан қизим ҳам паранжисини гулханга ташлагани бўлсин.— Кейин жилмайиб қўшиб қўйди: — «Сувга тушган одам ёмғирдан қўрқмайди», деб тўғри айтган ким бўлса ҳам. Мен сизларнинг йўлларингизга тушибманми, энди орқага қайтиш йўқ. Кемага тушганинг жони бир деган!

— Қизингизнинг йўриғи бўлак, мени очаман деб хаёлингизга ҳам келтирманг,— деди чуваккина бир кампир тўнғиллаб.— Ёшлигимда очилмаган, ёшим саксонга бориб қолганда очилар эканманми. Ҳали жинни бўлганим йўқ, шу ёшимда паранжи ташлаб.

— Ахир, мана икки ой бўлди, машгулотларда паранжини олиб ўтирибсан-ку, кампир,— деди Мебува кулиб.— Қўрқма, сени мендан ҳеч ким ўғирлаб олиб кетолмайди.

— Бу ердагиларнинг ичида бегонаси йўқ. Ҳаммаси ўзимизга қарашли одамлар.— Кампир бўш келмади.

— Кўчадагилар ҳам ўзимизники-ку, онажон,— деди Ҳамза жилмайиб.— Уларнинг ҳаммаси ўзимизнинг шўро кишилари.

— Ёшлар очилаверсин биз кексаларни қўйинглар,— деди кампир. Ҳамзанинг гапидан кейин у анча шаштидан тушиб, бўшашибгина гапирди.

— Ишнинг боши — бошлагунча. Ёшлар бўйин буришмайди. Сизлар уларни қувватлайсизлар-да, холажон,— деди Меҳри кўзлари чақнаб.

— Артелимиздаги ҳамма қизлар эртага очилишади. Биз келишиб олганмиз...— деди Санобар қизариб-бўзариб. Алижон унинг бу гапини эшитиб, унга тантанавор қараб қўйди.

— Эркакларимиз бўшашмай, маҳкам туришлари керак,— деди Қамбарали Ҳамзанинг ёнига бориб.— Ҳаммаси бизларнинг ўзимизга боғлиқ. Ҳар бир киши ўз оиласи учун жавоб беради.

— Эркаklar юзимизни ерга қаратишмайди,— деди Омонтой ишонч билан.— Артелимиздагиларнинг гаплари битта. Ҳамма аёллар паранжи ташлашади.

Ўқиш бир лаҳзада мажлисга айланиб кетди. Кўридаётган бирдан-бир масала — хотин-қизларнинг паранжиларини ташлатиш эди.

Қизил чойхонага яна юздан зиёд батрак, чоракор тўпланди. Мажлисга Омонтойни раис, Алижонни саркотиб қилиб сайлашди. Мажлисда кўрилган масала ювасидан Алижон шу мазмунда қарор ёзди:

«... қарор сон 9

1928 йил 7 мартда Олтиариқ депара Шоҳимардон қишлоқ ер-ўрмон ишчиларининг жамоа активлари билан биргаликда умумий йиғилиш бўлиб...

Эшитилди: 1906 йилда туғилган иттифоқ аъзоларини қизил аскарлик мактабига юбориш хусусида депара ер-ўрмон иттифоқининг 20.П.даги 734-сон алоқа хатини кўриш ва амалга ошириш ҳақида ўртоқ Ҳамза Ҳакимзоданинг маърузаси...

Қарор қилинди: бу ҳақда ўртоқ Ҳакимзоданинг кенг равишда тушунтириб қилган маърузасини эшитиб қуйидаги қарорга келамиз:

а) Биз, батрак ишчилар, мамлакатимизни ички ва ташқи душманларимиздан мудофаа этишга доим тайёрликда бўламиз. Биз батрак ва камбағал-деҳқонлар союзимиз аъзоларидан Эркабой Холдор ўғлини, Камол Жалол ўғлини қизил аскар курсига боришга астойдил хошиш билдирганлари учун бу ўртоқларимизга бутун Шоҳимардон йўқсиллари томонидан ташакуримизни билдирамыз.

Эшитилди: 6 та батрак ўртоқларни иттифоққа қабул қилишни сўраб берган аризаларини кўриб чиқиш...

Эшитилди:

Ўртоқ Ҳамза Ҳакимзоданинг «Инқилоб ва хотин-қизлар озодлиги» хусусида маърузаси.

Ўртоқ Ҳамза Ҳакимзода большевиклар фирқаси ва Шўролар ҳукумати хотин-қизлар ҳуқуқини эрларники билан барабар қилиш масаласини ўзининг асосий вазифаларидан бири этиб қўйганлиги, ҳеч нарса бу улғ мақсад йўлига кўндаланг бўлиб, монелик қилолмаслиги, ўтган 1924—1925 йилларда ўтказилган қишлоқ Шўроларига сайловларда бутун Фарғона вилояти бўйича ўн саккиз минг ёки беш фоиз, бу йилда бу соннинг ўттиз икки минг етти юз ёки тўққиз фоизга кўпайганлиги ҳақида гапирди.

Бундан ташқари, нотиқ вақтинча иқтисодий танглик орқасида келиб чиқадиган номатлуб ишлар, чунончи, хотин-қизларни мол қатори сотиш ва сотиб олиш, эрларни бор-йўғидан жудо қилиб, уларни хонавайрон этадиган «қалин» деган касофат-офатларни таг-томири билан битириш учун кескин курашишни уқтириб ўтди.

— Хотин-қизларга нисбатан ёмон одатлардан бири,— деди Ҳамза,— ёши тўлмаган қизларни эрга беришдир. Бу ҳол бизнинг маданий юксалишимизга катта тўсиқ бўлишидан ташқари халқнинг соғломлигига

путур етказиб, уни инқирозга юз тутишига сабабчи бўлади. Мана шу хилдаги кўнгилсиз ҳолларга чек кўйиш йўлида ҳам Шўролар ҳукумати ва ҳамда фирқамиз узил-кесил амалий чоралар кўрмоқдалар. Хотин-қизлар маорифи тўғрисидаги муваффақиятларимизни Фарғона вилоятида қуйидаги рақамлар билан тасдиқламоқ мумкин. Утган 1925—26 ўқув йилида мактабларда ўқиб турган қизларимизнинг сони бир минг саксон олтита бўлса, бу йилда йигирма икки минг бир юз йигирма бирга етди. Ҳамда вилоятда бўлган беш интернатда икки юз тўқсон олтита қиз бола бўлиб, буларнинг бир юз эллик бештаси ўзбек қизларидир.

Шундан кейин Ҳамза хотин-қизларнинг сиёсий онгини кўтаришда ҳам барча чора-тадбирлар кўриляётганлиги, клублар, қизил бурчаклар ташкил қилиниб, ишга тушириляётганлиги, хотин-қизларнинг соғлиқларини сақлаш масаласига алоҳида эътибор берилляётганлиги, уларни эски урф-одатлар таъсиридан халос қилиш учун тушунтириш ишлари олиб бориляётганлиги тўғрисида аниқ рақамлар, далиллар келтириб гапирди.

Ҳамза улуғ доҳий Владимир Ильич Лениннинг «Хотин-қизларни оила ичидаги асирлик, қуллик асоратидан қутултириш билан баробар, уларга мамлакатни идора этишни ҳам ўргатиш зарур» деган таълимини амалга ошириш учун ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиш зарурлигини уқдириб, Шоҳимардондаги хотин-қизларнинг аҳволига тўхталиб, уларнинг аҳволи ҳали ҳам ночорлиги, инқилоб берган ҳуқуқлардан улар фойдаланмаётганликлари, бу ерда шайхлар ва паранжи ҳамон ҳукмрон эканлигини дангал очиб ташлади. У сўзининг охирида машҳур ўзбек шоираси Анбар отининг оташини ғазалини ўқиб берди:

Келур хушнуд авлодим, менинг мулким қилур обод,
Бўлур вайрона ўрнида шаҳарлар бир кун бунёд.

Дабистони илми сарбасар ёнмоққа эл ичра,
Этиб таҳсил жувонлар ёзганимни айлагайлар ёд.

Тўсиб дарё йўлини, жон бериб чўлу биёбонга
Ҳама қишлоқ, шаҳар сувсиз балосидан бўлур озод.

Қоронғу уйда инграб ўлтирмагай қизу хотинлар,
Ўқиб овоз ила ашъор, қилур ашъорлар ижод.

Келур вақти хешованд эл жамолини кўрар хурсанд,
Запон хотинлари биздек эмас, ғамгин, ўтар дилшод.

Дарго, Анбар отин ўтадур кўрмай у олами,
Бу умрим айлаган кутоҳ фалакнинг гардишидан дод!

Қарср қиллинді: ўртоқ Ҳақимзоданинг маърузасини эшитиб тубандаги қарорга келамиз:

Асрлардан буён асорат занжирига боғланиб қоронғилик дунёсида ва эрлар зулмида эзилиб ётган хотин-қизларимизга мумкин қадар янги маданият усулларида тарбия беришимиз билан жамоа активлари орасида давом этиб турган тўғарак мажлисларига оилаларимиз билан иштирок этиб ва хотин-қизларимизни паранжиларини улоқтириб, озодликка чиқаришга ваъдамизни берамиз. Ҳамма қўл кўтариб, қарорни тасдиқлади».

Элнинг тансиҳатлиги хусусида жамоа ижроқўм раиси Омонтой Қамбар ўғлининг ахборотини эшитишга навбат етганида эшикдан Ғиёсхўжа кириб келди: у ҳаллослаб, тўнларига лой, тупроқ сачраган, қизил салласи чувалиб, пешонасига тушиб кетган эди.

— Ўртоқ Ҳамза, ўртоқ Омонтой,— деди у ҳовлиқиб.— Ҳаммасини текшириб чиқдик. Ариқ йўли тўғри белгиланган, сув Шалангга равон оқиб келади. Эртадан бошлаб ариқни қазишга чиқавериш мумкин.

— Ўртоқ Ғиёсхўжа,— Ҳамза унга мурожаат қилди.— Биз, эртага Шоҳимардоннинг барча хотин-қизлари паранжи ташлайди, деб келишиб олдик. Сиз бунга қандай қарайсиз, келинойим билан қизингизни кўндира олармикансиз? Ахир сиз ҳам Шўронинг фаолларидансиз...

— Менми?!— деди Ғиёсхўжа, ҳеч иккиланмай жавоб бериб,— кўпчилик нима деса, мен ҳам шу-да! Янги турмуш шунини тақозо қилар экан, мен нима дердим...

* * *

... Шоҳимардоннинг осуда баҳор туни. Ҳамзанинг руҳи кўтаринки, кўчадан ўтиб кетаётиб Ленин ҳайкали ёнида тўпланишиб турган бир гуруҳ ёшларга кўзи тушди. Улардан бири Алижон — тўдадан ажралиб, Ҳамзага пешвоз чиқди.

— Ҳамза ака! Биз, комсомоллар бугун кечаси ҳайкал олдида пойлоқчилик қилмоқчимиз, нима дейсиз шунга?— деб сўради у тўлқинланиб.

— Фахрий қоровул денг, жуда яхши ўйлабсизлар. Ҳозир шайхлар унга дахл қилишга юрак ютолмасалар ҳам... ҳар ҳолда... Комсомол жуда яхши ўйлабди.

Ҳамза ўз йўлига ўтиб кетди. Уйига яқинлашиб қолганида бир одамга етиб олди.

— Шодмон ота, бу сизмисиз?

Шодмонхўжа ориқлаб, бир ҳолатда бўлиб қолган эди. У Ҳамзага мунгайиб қараб қолди.

— Ассалому алайкум, Ҳамзахон!— деди у тутилиб тутилиб.— Тан-жонингиз соғ юрибсизми? Ишларингиз жойидами?

— Менинг-ку ишларим жойида-я!— деб жавоб берди Ҳамза унга тагдор қилиб. Кейин хушчақчақлик билан сўради:— Ўзингиздан сўрасак? Ҳеч қаерда кўринмайсиз? Мажлисларга ҳам қатнашмайсиз, артелимизга эса ҳануз кирганингиз йўқ?

— Қўлим тегмади... уйда эмасдим... Бир ёққа кетган эдим...— дея Шодмонхўжа хижолат тортиб, кўзини пирпиратиб гудранди.

Ҳамза бу кекса одамга диққат билан қаради, кейин унинг қўлидан оҳиста ушлади-да, мулойимлик билан гапга солди:

— Биласизми, Шодмон ота! Ҳозир бизникига кириб, бафуржа гаплашиб ўтирамыз. Зулфизар аччиқ чой дамлаб беради, балки қозон қайнатиб меҳмон қилар. Юринг, кетдик. Йўқ, унақа тортинманг!

Шодмонхўжа нима қилишини билмай қолди, эътироз билдирай деган эди, Ҳамза уни қўярда-қўймай етаклаганча уйига олиб кириб кетди.

Хонага кириб боришди. Каравот устида Ҳамзанинг йўл-йўл беқасам авра тўни, унинг ёнида газетага ўроглиқ бир бўхча ётарди.

Зулфизар қаерга кетибди?— деди Ҳамза ҳайрон бўлиб. У хона ичидаги тартибсизликни кўриб қолиб, баттар хавотирга тушди. Газетага ўралган нарсани очди — паранжи! «Бу нима? Зулфизар қани?» Ҳамза ҳайрон бўлиб такрор савол берди ўзига-ўзи. Шодмонхўжа кавшандозда нима қиларини билмай, ҳайрон бўлиб турар эди.

— Ҳа, айтганча,— деди Ҳамза хат эсига тушиб.

У чўнтагидан буклоғлик қоғозни чиқарди, уни очиб, кўз югуртирди.

«Менинг азизим, энг севимли кишим Ҳамза ака! Мен Қўқонга кетяпман. Ортиқ бардош беролмайман. Қўрқаман!— деб ёзган эди хатда Зулфизар.— Мени

севишингизни биламан. Севгаингиздан кейин орқамдан етиб борарсиз деб ишонаман. Тезроқ етиб келинг. Сизнинг Шоҳимардонда ортинг қолишингиз мумкин эмас. Тезроқ келинг. Сиз келгач, энди нима қилишинизни ўйлаб кўрамиз.

Сизнинг Зулфизарингиз».

— Жўнаб кетибди!— деб пичирлади у каравотга оҳиста чўкиб. Хат ушлаган қўли беихтиёр осилиб қолди.

Ҳамза ғамгин ўтирар эди.

— Бирон кор-қол юз берибдими, ўғлим?— деб сўради Шодмонхўжа меҳрибонлик билан.

— Йўқ, унчалик эмас... Зулфизар бугун Қўқонга бориши кераклигини эсимдан чиқариб юборган эканман.

— Нега яширасиз, ўғлим!— деди Шодмонхўжа мулойимлик билан.— Зулфизар келин Қўқонга сизнинг розилигингизни олмай кетган. У кўрққан. Агар истасангиз, бутун умр бўйи тўғри йўлдан юрган-юрмаганлигини ҳам билмайдиган чолнинг маслаҳатига қулоқ солинг.

Ҳамза Шодмонхўжага лоқайд назар ташлади, кейин боши билан ишора қилди.

— Гапиринг, ота.

— Сиз ҳам кетинг, ўғлим. Бу ердан тезроқ жўнаб кетинг. Ўзингизни ўйламасангиз, ўғлингизни ўйланг. Аббосхонни ташлаб кетиб кўп ножўя иш қилибди. Мақбаранинг тошини сиз келмасингиздан олдин қайрай бошлашган эди. Сиз бу ерга келгач, бу иш ҳам тезлашиб кетди, бундан мен хабардорман. Бундан қўрққулик. Шайх Исмоил сизни қатл этишга фатво берган. Бу шўр иш содир бўлмасидан олдин жонингизни сақлаб қолинг.

— Жўнаб кетиш керак деяпсизми?— деди Ҳамза беихтиёр.

— Ҳа, жўнаб кетиш керак!

— Нима учун кетишим керак?! Нега?! Қаерга кетай?!!

— Сиз кетаверинг ўғлим. Қолган ишларни ўзлари ҳам битказиб олишади,— деди чол уни эркалаб.

— Ҳозир кетишим мумкин эмас. Бунга ҳали эрта,— деди Ҳамза худди ўз-ўзи билан гаплашаётгандай.— Маслаҳатингиз учун миннатдорман, ота. Мен тез орада бу ердан ҳақиқатан ҳам жўнаб кетаман. Ча-ла қолган ишларимни охирига етказиш учун кетаман.

Аммо бу асарим бошида ўйлаб қўйганимдан кўра бутунлай бошқача шира боғлаяни.

Чол бу гапларга тушунмаётганлигини кўриб, Ҳамза изоҳ бера бошлади:

— Ота, китоб ёзмоқчиман, дўстлик ҳақида. Ендирилган қирқ саккизта қизил аскар ҳақида.

— Бўлмаса, ўғлим, сиз халққа нафи тегадиган нарса бошлаган экансиз.— Шодмонхўжа уни қувватлаб тушди.— Бу хайрли ишни тезроқ тугатиш пайига тушинг.

Ҳамза хона ичида у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади. У ёқ-бу ёқни йиғиштирди. Паранжи тугилган бўхчани эшик олдига кўйди.

— Ота, артелга сиз қачон кирмоқчисиз?— деб тўсатдан сўради у чолга қараб.

— Менинг ерим йўқ, артелга қўшай десам... Қандай килиб кираман,— деди бир лаҳза ўйланиб қолиб Шодмонхўжа.— Бошқаларнинг ошига ўртоқ бўлдинг, деб таъна килишларидан қўрқаман.

— Хавотир олманг, ер ҳаммамизга етарли бўлади,— деди Ҳамза кулиб.— Барча ерларни шайхлардан тортиб оламиз! Бермасалар ёқалашамиз.

— Бошқаларнинг мулкани зўрлик билан тортиб олиш тўғрими, ўғлим?— деди Шодмонхўжа ҳайрон бўлиб.

— Менга айтинг-чи, Шодмон ота, сизнинг ерингиз бор эдими?

— Бор эди. Аммо отам раҳматлик шайх ҳазратларидан жуда кўп қарз олиб, вақтида узолмадилар, буни мен ҳам узолмадим. Шундан сўнг еримиз шарият қонуни бўйича Исмоил хўжанинг мулкига ўтиб кетди,— деди юраги ачиб, кошлари чимирилиб.

— У худонинг каҳрига ҳам учрамадим?

— У тортиб олгани йўқ, қарзларимиз бадалига мавоза қилиб олган.

— Биз ҳам худди шу йўл билан, унга ўтказиб қўйган қарзларимиз бадалига мавоза қилиб оламиз. Шайхлар камбағаллардан жуда кўп қарз олганлар, ҳозир ўша қарзларини узиш хонаси келди. Одиллик билан ҳисоб-китоб қиламиз.

— Ўғлим, балки гапларингиз тўғридир-ку, лекин жуда қўрқинчли,— деди Шодмонхўжа бошини сараксарак қилиб.— Бу гапларингизга ишонгим келади-ю, лекин кўрқаман.

— Сиз шайхларнинг фисқ-фасодига қулоқ солмай,

артелга кираверинг: ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқар-
сак, бисга ҳеч ким дахл қилолмайди.

— Қўрқинчли сўзларни гапиряписиз, ўғлим, лекин
булар тўғри сўзлар бўлса керак.

Ҳамза билан Шодмонхўжа анча гаплашиб ўтириш-
ди. Бир вақт хонага Руқия пошша кириб келди. У па-
ранжида, лекин чачвонини елкасига ташлаб олган эди.
Ҳамза чақирилмаган меҳмон бетакаллуфгина кириб
келганига ҳайрон бўлди. Руқия кўзларини сузиб, бура-
либ-буралиб Ҳамзага бир лаҳза қараб турди-да, у ўзига
эътибор бермаётганини сезиб қақиллади.

— Муллака, бевақт кирганим учун айбга буюрмай-
сиз. Мен ҳалиги... Зулфизар духоба паранжимни олган
эдилар, ўшани берсангиз деб келган эдим. Жуда зарур
бўлиб қолувди...

Ҳамза энаси қотиб, ҳали эшик олдига қўйган газе-
тага ўроғлиқ нарасага қўли билан ишора қилди.

— Ана у ерда, ўроғлиқ турипти, ола қолинг,— де-
ди у, Руқия пошшанинг оғзидан «паранжи» сўзи чиқи-
ши билан ёқасига ёпиштиргандек қилиб...— энди унинг
кераги ҳам йўқ, олиб кета қолинг,— деди у хаёлан Зул-
физарни кўз олдига келтириб.

Руқия паранжини оларкан, Ҳамзага аллақандай
бир қараш қилди-да, чачвонини тушириб, ташқарига
чиқди.

Шодмонхўжа бу хотиннинг паранжиси қандай қи-
либ Ҳамзаникига келиб қолганини тушунолмай, ҳай-
рон бўлиб ўтирарди. Ҳамза унинг бу ҳолатини сезиб,
изоҳ бера бошлади:

— Келинингиз вақтинча ёпиниб туришга сўраб ол-
ган бўлса керак. Қишлоқда ҳамма аёллар паранжида,
бу очиқ юришга уялган...

Ҳамза яна ўйга толди. Ҳалиги хотинни у илгари
кўрмаган эди. «Кимнинг хотини экан? Зулфизар у би-
лан қандай танишиб олди», деб сўроқ берди ўзига фик-
ран. Унинг кимлигини ҳарчанд ўйласа ҳам, тополмади.
Ахир бўлмагач, мунғайиб ўтирган Шодмонхўжадан сў-
ради:

— Шодмон ака, ҳалиги аёлни сиз танимайсизми?

— Танийман, ука, танийман.

— Кимнинг аёли экан у?

— Шайх Исмоил пиримнинг кичик хотинлари-да,
кимнинг аёли бўларди...

— Шайх Исмоилнинг?

— Ҳа-да!

Ҳамза у шайхнинг хотини эканлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Ҳайратдан кўзлари катта-катта очилиб, Шодмонхўжага ишонқирамай қараб қолди.

— Наҳотки! — деди ўз шубҳасини ошкор қилиб. — Жуда ҳам сатанг-ку, Шодмон ака. Шўхликдан ҳам хабари бор экан... Пардоз-андози ҳам келинчакларниқидан қолишмайди... Шайхларнинг хотини шундай бўлади деб ҳеч ўйламаган эдим... Қизиқ...

— Нимаси қизиқ, қандай деб ўйлаган эдингиз бўлмаса? — деб сўради Шодмонхўжа қизиқсиниб.

— Улар оғир, мулойим, фаришталардай покиза бўлишса керак, деб юрардим-да...

Шодмонхўжа истеҳзо билан кулиб қўйди.

— Мен ҳам илгарилари шундай деб юрардим. Мана, ўн беш йилдан ошди, уларнинг даргоҳида хизмат қиламан. Бу даврда анча-мунча нарсаларга ақлим етиб қолди. Улар ҳам ўзимизга ўхшаган, баъзи гуноҳлардан холи эмасликларини билиб олдим. Ҳа, энди... бандасининг кўзи ҳеч тўймас экан-да, ука. Каттаси Эшон ойида! Ўша ноинсоф нима қилибди денг?

Ҳамзанинг хаёли Зулфизарда эди, Шодмонхўжага ялт этиб қаради.

— Хўш?

— Айтгани ҳам тил бормайди. — Шодмонхўжа бир лаҳза ўйланиб қолди. Ҳамза унга қараб турганини кўриб, давом этди: — Ҳалиги... хабарингиз бор, Санобарнинг тўйи бузилди-ку?..

Ҳамза бетоқатланиб сўради:

— Хўш-хўш?

— Ўша тўй куни, ҳамма еб-ичгандан кейин, келин билан куёвни никоҳлагани пирим бошлиқ кирдик. Пирим аввал мен билан Бузрук эшонни сўроқ қилдилар. Биз розилик бердик. Кейин, ичкари хужрада келин сўроққа шайланиб турган хотин-халаж томонни пирим сўроқ қилдилар. Санобардан садо чиқмади. Учинчи марта сўраганларида бир аёл кишининг «бағишладим» деган овозини эшитиб, ҳамма енгил тортди. Пирим никоҳ хутбасини ўқиганларидан кейин юзимизга фотиҳа тортиб тарқалишдик... Кейин билсам, Эшон ойи Бузрук эшонга бағишлаган эканлар танларини...

Ҳамза бунини Меҳридан эшитган бўлса ҳам, Шодмонхўжанинг содда, айни чоқда аччиқ кинояли гапидан кулди.

— Оббо Эшон ойиси тушкур-эй... Шундоқ қилиб, Бузрук эшоннинг никоҳига ўтиб қолибди денг? Қандай

шармандали... Ҳа, Шодмон ака, шариат-шариат дейдилару уни аввал ўзлари бузадилар... Санобарни узатиш баҳонасида Бузрук эшоннинг мол-дунёсига кўз тиккан пирингизнинг расвоси чиққан экан унда... Бу, ахир, хотинфурушликнинг ўзгинаси-ку! Сизга ўхшаган соддадил одамлар келиб-келиб яна ўшанақаларга сиғинасизлар...

Ҳамза Шодмонхўжанинг кўзини очиб қўядиган пайт келганини сезиб, ундан фойдаланди. Гап жойини топган эди. Шодмонхўжа ҳеч қандай эътироз билдиролмай, ер чизиб қолди. Ҳамза уни бу ноқулай аҳволдан қутқариш учун оҳиста борди-да, елкасига қўлини қўйди.

— Қўйинг, Шодмон ака, кўп хижолат бўлаверманг. Бунга кўп колгани йўқ, яқинда ҳаммаси барҳам топади,— деди.

Шодмонхўжа ўрнидан туриб, Ҳамзага анграйиб қараб қолди.

— Нега ҳайрон бўласиз? Шўро ҳукуматига қанчадан қанча зарар етказмади буларингиз. Ўйлайдиларки, ҳукумат уларнинг барча зараркунандалик ишларидан беҳабар деб. Йўқ, ҳаммаси маълум унга. Шунча қўйиб берганг ҳам етар..

Шодмонхўжа Ҳамза билан хайрлашиб чиқиб кетди. Унинг кўнгли анча равшан тортган эди.

Ун саккизинчи боб

ТАНБУР НОЛАСИ

Тун. Ҳаво нам, қовоғи солиқ. Зил тортган тоғларнинг юксақ чўққиларини қуюқ қора булутлар ютиб юборгандек. Вақт ярим кечадан оғиб қолган бўлса-да, Ҳамза мижжа қоққани йўқ, хаёл денгизига ғарқ бўлиб, айвон олдидаги харсанг устида ўтирарди. Сандал тоғида чақилган чақмоқ қоп-қора осмонни тилка-пора қилиб Избосар тоғининг бағрига санчилди. Орадан сал ўтмай, момагулдирак даҳшат билан гулдураб, тоғу тошни титратиб юборди. Ҳамза табиатнинг бу жиловсиз қудратига бир зум зеҳн солиб турди-да, ўрнидан қўзғалиб, айвонга чиқди, йирик-йирик томчилар шатир-шутир қилиб ерни савалай бошлади. У айвон устунига суянган ҳолда ёмғирга бир нафас қараб турди, кўзи ногоҳ айвон устунига осиб қўйилган танбурга тушиб, уни қўлига беихтиёр олди. Унинг хаёли Зулфизарда эди: у Зулфизар қандай қилиб шайх хонадонига бориб қолгани, у ердан

паранжи сўраб олганига ҳеч тушунолмасди. Наҳотки, у мазорга бориб сиғилган бўлса?! Бўлмаса, Руқия пошша билан қандай танишади? Тўсатдан жўнаб қолиши қизиқ унинг. Бунинг тагида бир гап бўлиши керак! Ҳар ҳолда ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, майда-чуйдасини йиғиштириб, хайр-маъзур ҳам демай жўнаб кетиш... Эр-хотинлик иззати қани? Севги вафо қани? Қани бир вақтлар қилинган аҳду паймонларнинг ижроси? Ёлғизликда ҳамдам, қийин кунда ҳамдард бўладиган Зулфизар қани? Қани у, севгисини пеш қилиб, мени ҳар қандай бало-қазодан қизганадиган аёл? Вафодор дўст! Ота-она — хазина, ака-ука таянч дўст эса, ҳар иккови эди-ку, қани ўша дўстлик... Ҳамзанинг хўрлиги келиб, Упкаси тўлди, қайноқ икки томчи ёш юзидан думалаб кетди. У қўлини силтади, сал бўлмаса танбурни устунга уриб ёраёзди. Қўлида танбурни борлигини шундагина сезди.

Танбур — вафодор дўст, ҳамдам, ҳамдард. Ҳамиша у билан бирга. Эҳ-ҳе, бу танбур нималарни кўрмаган, нималарни бошидан кечирмаган. Кимларни осудадил этиб, кимларни қон йиғлатмаган. Унинг ҳамма-ҳамма сирларидан воқиф, ҳаммасини пардага жойлаб жон сингари асраб юради. У ноҳун чертса бас..

Ана у тилга кирди. Атроф жимжит. Келинчакнинг йиғисидай титроқ оҳанг янгради. Фақат сой шовиллайди. У танбурни писанд қилмагандай авжига чиқади, қирғоқларга сапчиб кўпиради, қутуради. Узоқларда чақмоқ чақиб, момагулдирак гулдирайди. Лекин танбур ҳамон куйлайди, киши дилининг таг-тагида бир олмос хазинадай яширқиб ётган, фақат инсонга хос, ҳар бири ўз йўлига биллур сингари соф туйгуларни уйғотиб, теварак агрофга аста-секин ёйилади. Унинг куйида висол, ҳажр, севинч ва йиғи, умид ва ноҳушлик, қувонч ва хафалик тароналари бир-бирини тўлдирган ҳолда ягона бир яхлитликни ташкил қиладикки, унга сой ҳам, шамол ҳам, момагулдирагу тоғлар ҳам, дов-дарахтлару қушлар ҳам, жим кулок соладилар. Бу куй гўё ҳамма нарсани сеҳрлагану ўзимга мафтун этган. Танбур диллари ҳам, тиллари ҳам бир, покиза, дунёдан шу хилда азоб-уқубат чекиб, жангарлари пора бўлиб ўтиб кетган икки ошиқнинг дардлари, кўз ёшларини ифода-лайди. Уни «жигарпора», «сайқал» дейилиши ҳам шундан. Куйни ҳамма нарса сел бўлиб тинглайди. Зулфизар-чи? Йўқ, у бу куйнинг маънисига етмайди, шу сабабли, бу куйга у лоқайд... Ким танбур садосига эриб

қулсқ соляпти бұлмаса? Зубайда! Ҳа, ўша абадий осу-
дажонликка етган бокира қиз Зубайда! У нақ мана шу
куйни севарди... Ҳамиша шуни чалдириб эшитарди...

Биринчи муҳаббат, илк ишқ. У қани? Йўқ у энди. У
йўқолган. Ошиқнинг кўзларида қайноқ кўз ёшлари
бўлиб қолган у ишқ. Ошиқ бечора нима қилсин ахир,
ҳеч қайси бирини ўша биринчи муҳаббатга ўхшатол-
маса...

Ҳамза Зубайдани кўз олдига келтирди. Унинг хаёл
ойнасида Зубайда яккол намоён бўлди-да, орқасига
аста-секин чекиниб, зулмат қўйнига сингиб, рўёга ай-
ланди. Танбур инграрди...

Зубайда, маликам... ҳали-ҳали ғазалларингизни кў-
зимга тўтиё қилиб суртаман. бўса қиламан. Ўша мак-
тубларингизни қайта-қайта ўқийман. У ҳолати наъзда
ётган бемор тапимга қайта жон ато қилади. Мана бўй-
нимда ҳамойил. Ғазалларингиз шу ҳамойилда, йўқ,
йўқ, ҳамойилда эмас, жоним пардасида сақланади, ази-
зим. Бу ҳамойил мана, орадан йигирма йилдан зиёд
вақт ўтдики, ҳамон менинг жонимга ҳамроҳ, ҳамдари,
мен билан биргаликда жафо чекади, ғам тартади, йиғ-
лайди, гоҳ сеҳргар малика бўлиб юпатади, эркалайди,
зулматда қолсам, чирсқ бўлиб йўлимни ёритади, адаш-
сам, йўлга солади, кўрқсам, далда беради, йиқилсам
турғизади, йиғласам оутади, ёлғиз қолсам, сизни қо-
шимга етаклаб келиб, ширин суҳбатга восита бўлади,
Зубайдам...

Ҳолимни сўрашингиз, танбуримдан чиққан нола-
ларга қулоқ содишингиз — бепоён марҳамингиз хази-
насидан чиққан беназир эҳсонингиздир мен учун, сев-
гимим. Булар ҳаммаси мен каби ёлғиз қолган, фалак
соққонлари зарбидан дили пора бўлган, дўстларидан
айрилган, жаҳолат, хурофот, бидъат, зулмат бандала-
ри отган ғийбат, бўҳтон, таъна тошларидан кўнгил уйи
вайрон бўлган кимса учун бу ҳомийлигингиз бамисоли
бир айнул ҳаётдир.

Ҳа, мен чарчадим. Бу эски, чирик, бурксаган, ачи-
ган дунё. Унинг сарқитлари билан жанг қила-қила
тинка-мадорим қуриди чоғи. Ҳа, Зубайдам. Зулфизар
сизга ўхшарди, худди қуйиб қўйгандай..: Одобн, ки-
ликлари, табиати, малоҳати. Тўғриси, Зубайда, сиз-
нинг тимсолингизда Зулфизар менга ҳамроҳ, ҳамдам
эди. Уни ҳам мендан юлиб-юлқиб олишди. Яна ёлғиз
қолдим. Яна атрофим бўм-бўш, совуқ, нашъасиз. Қул-
бамни куйдириб хонавайрон қилишди ноинсофлар!

Эвоҳ, кошки эди ёнингизда бўлсам... Чорланг, бораман! Кўзларим нурсиз, онгим шуурсиз, қоронғида жамолингизни мушоҳада қилишдан ҳам ожиз. Чорланг мени, Зубайда! Дорулҳаводиснинг бутун эзгуликларидан, кайфу роҳатидан, ҳаётнинг завқу нашъа тўла илҳомларидан буткул кечаману ҳузурингизга бораман.

Мен чарчадим. Мен кишиларнинг жонига тегдим, ҳамма мендан зериккан, кўришга тоқатлари йўқ. Шайхлар, Назирий, Шавкат — қанчадан-қанча зиёлилар, «катталар» — ҳаммасининг дилини хуфтон қиламан чоғи, ҳаммасининг мени кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ... Ҳаттоки, бир ёстиққа бош қўйганим Зулфизар ҳам мендан зерикди, ташлаб кетди. Зулфизар... Зилфизар — менинг саждагоҳим эди. Сиз — Зулфизар эдингиз. Зулфизар — сиз эди...

Эвоҳким, ҳам Зубайдам, ҳам Зуҳрам, мана энди Зулфизаримдан минг макру ҳийлалар ишлатиб мени жудо қилишди. Ҳа, ўшалар! Раҳмат, Зубайда! Сиз танбуримнинг пардаларига иниб, менинг аҳволимга йиғлаяпсиз... Раҳмат, азизам, раҳмат!

Ҳа... умр бўйи бино қўйган эдим унга... Афсуски, сувдан ҳолва, ёғочдан пичоқ, тутундан тоғ ясаб юрган эканман. Эҳ, Зулфизар, Зулфизар!

Танбур яна қайнаб, тўлиб-тошди, изтироб чекиб, титраб-қақшади, тугён урди, инграб йиғлади, ёмонликка қарши исён кўтарди, ҳақсизликдан нолиди, муҳаббат, нафрат, вафо ва жафо, висол ва ҳажр, ёрнинг кўрсатган жабру ситамлари ҳақида бўзлай-бўзлай Ҳамзанинг бутун вужудига изтироб солди, симобдек эритди, юрагини нозик шишадек чил-чил қилаёзиб, ниҳоят, ҳолдан тойди.

Танбур нолишидан уйғониб кетган Аббосхон кўзларини ишқаб отасига қараб чопди. Ҳамза унга қучоғини очиб, дарз кетган овоз билан: «Кела қол, нуридийдам, ҳаётим чечаги, болажоним, Аббосхоним», — деди-ю, уни бағрига босиб, узоқ жим қолди. Унинг кўзларидан юм-юм оққан аччиқ ёшлар Аббосхоннинг елкасига тушиб эриб кетар эди.

— Ўғлим, — деди Ҳамза кўзларини Аббосхоннинг елкасига суриб, — ақлинг кириб қолди. Шу сўзларимни қулоғингга қуйиб ол: онангдан хафа бўлма, у Қўқонга кетди. Уч-тўрт кундан кейин қайтиб келади, сени яна ардоқлайди, эртақлар айтиб беради... Ота она бир дарахт бўлса, фарзанд унинг меваси. Дарахт-

ни яхши тарбия қилсанг, эл-юрт олдида эътиборинг ошади. Агар фарзанд ақлли-хушли бўлса, ота-онанинг меҳру муҳаббатини қозонади. Кимда-ким ота-онанинг қадрига етолмаса, бошқа бировнинг ҳам яхшилигини билмайди, қадрига етмайди. Сен онангни мендан ҳам ортиқ яхши кўр, кўнглини зинҳор-базинҳор оғритма, қўзичоғим... Шу сўзларим ҳамиша қулоғингда турсин...

Ҳамза ўғлига нега бунчалик насихат қилаётганини, у бу гапларнинг маъзини чақа оладими-йўқми — билмасди.

— Қорнинг очдими, чой дамлаб бераймى, овқат егинг келяптими?— деди унга ҳайрон бўлиб уйқули кўзи билан қараб турган ўғлини эркалаб. Аббосхон индамади, отасининг иссиқ бағрида уни уйқу элитар эди. Ҳамза буни дарҳол сездди. Аббосни, ўрнига олиб бориб ётқизди: «Ухлай қол, болагинам!»— деб елкасига қоқди, гўдак бир-икки тамшанди-да пишиллаб уйқу-га кетди.

«Эҳ, Зулфизар... Зулфизар! Наҳот сен ўша балохўр шайхнинг домига илиндинг? Мени халқ олдида шарманда қилдинг-а, Зулфизар!»

Танбур яна хазин куйни бошлади.

— Ҳа, Зулфизарга ҳам оғир... Ахир у ҳам менинг ҳаётим учун куяди, ташвиш чекади.

Хотиринг тепса губор, дўстингдан асло ранжима,
Душманинг дуосидан аъло эрур дашноми дўст.

Зебунисо бегим хўб айтганлар-да...

Шарқ уфқи қизариб қолган, ёмғир аллақачон тиниб, теварак-атроф илк баҳорнинг мусаффо тонг ҳавосидан мириқиб нафас олар, одатий ташвиш ва анчамунча янгиликлар ваъда қилиб, тонг отар эди.

Ун тўққизинчи боб

В.И. ЛЕНИН ШОҲИМАРДОНДА

Шоҳимардоннинг марказидаги майдонда В. И. Ленинга ҳайкал ўрнатилган, лекин унинг устидаги чодир ҳали олинмаган эди.

Бугун қишлоқ аҳли ўша майдонга тўпланди. Унг томонга қурилган минбарга Ҳамза, Омонтой, Мебува, Қамбарали ва яна иккита паранжили аёл — қишлоқ

Шўросининг аъзолари чиқишди. Минбар қизил алвонлар, ғиламлар билан безатилган. Алвонларга «Яшасин халқаро хотин-қизлар озодлик куни — 8 Март» деб ёзиб қўйилди. Минбар қаршисига қайрағоч ғўлаларидан гулхан ёқилган, гулхан атрофини оломон ўраб турар эди.

— Ҳаво очиқ. Музыка садолари янграб, одамнинг баҳри дилини очади. Кўпчилилик иложи бэрича ясанган. Ҳамзанинг ҳам кўринишидан кайфи чоғ, язида кечаги мунгдан асар ҳам қолмаган: одатий шиддаткорлик ўз ўрнини эгаллаган. У Омонтойга бир нималар деб уқтирди-да, кулди. Омонтой ҳам унинг гапини маъқуллагандай бошики силкиб халққа юзланди.

— Ўртоқлар,— деди Омонтой, қўлини кўтариб.— Бугун, хотин-қизлар байрами кунда ўртоқ Ленинга ўрнатилган ҳайкални очамиз. Бу ҳайкал мала шу қўлларимиз билан қурилди. Унинг пойдеворига тошларни ўзимиз ташиб келтирдик. Севикли доҳиймиз Лениннинг қиёфаси ўз маблағимиз, артель деҳқонларининг пуллари эвазига қўйиб берилди. Биз учун бугун улуг айём, ўртоқлар!

Карнайлар тантанавор янгради, улар ғат-ғутини одамларнинг гулдурос садолари босиб кетди. Омонтой яна қўлини кўтарди.

— Яхши қариялар бўлмаган жойда яхши ёшлар ҳам бўлмас эмиш. Ҳайкални энг кекса колхозчи Мебува ота очсалар, тўғри бўлар эди, деб ўйлаймиз.

Майдонда гулдурос қарсақлар қулоқни қоматга келтирди. Тошқояни тешиб чиқиб юз йилдан бери довуллар, бўронлар билан ёқаланиб қуёшга интилган азим чинор сингари савлат тўкиб турган Мебува оппоқ соқолини астагина силаб-сийпаб девдай қоматини кўтариб ҳалигача дарз кетмаган, сиймаган шерона овоз билан гап бошлади.

— Катта ишончларингиз учун қуллуқ болаларим,— деди Мебува тўққинланиб кетиб. Кейин минбардан оҳиста туша бошлади. Унинг орқасидан қолганлар ҳам тушишди. Биринчи каторда паранжили бир аёл турарди, у тўрт-беш ёшлар чамасидаги бир ўғил боланинг қўлидан ушлаб олган эди. Мебува унинг олдидан ўтиб кетаётганда бола чолга илжайиб қараб кўйди.

— Қани, набирагинам, юр мен билан,— деди чол болага қараб.— Ленин отамиз ҳаммадан кўпроқ сизларнинг бахтингизни ўйлаган-да!

Мебувага пичоқ уватишди. Атрофдагиларнинг барчаси сув қуйгандай жим бўлиб қолди. Оломон ичидан эғнида тўн, бошида дўппи бир неча киши бармоқларини ёзиб, чаккасига қўйиб, ҳарбийча честь берди. Булар собиқ қизил аскарлар эди. Тўнлари остидан эскириб кетган гимнастёркалари кўзга ташланиб турарди.

Мебува пичоқни ҳалиги гўдакнинг кафтига тутқазди-да, илғи ушлаб туриб деди:

— Қани, ўлим, мана бу каноппи кес, ўзинг ҳува ана у ёққа қараб тур.— Чол Лениннинг чодир ўраб қўйилган гардасига ишора қилди.

Каноппи кесиб юборилди, чодир оҳиста сирғалиб пастга тушди. Лекин гўдакнинг шу топдаги ҳайратига чек йўқ эди.

Атрофни «Ура!», «Яшасин!» садолари ларзага келтирди. Шўх куй чалинди.

Шу пайт бир аёл кескин ҳаракат билан бошидан паранжи-чачвонини юлиб олди-да, Ленин хайкалига қараб тикилиб қолди, кейин бирдан уни гулханга улоқтирди.

— Ёниб, кул бўл-а, қуриб кетгур!— деди-ю, Ҳамзанинг орқасидан минбарга чиқди. У ёнида келаётган паранжили аёлга юзланди.

— Сен-чи, ўртоқжон, нега индамай келяпсан? Яхши эмас. Сени ким айтади қишлоқ Шўросининг аъзоси деб. Биз юзимизни қачонгача яшириб юрамиз. Халқ бизнинг кимлигимизни билишни истаydi.

Бир оз ғамгин куй чалинар эди. Ҳайкал рўпарасидаги бўш турган доира шаклидаги майдончага бир гуруҳ қиз югуриб чиқиб келди. Улар жуда кўп, ҳаммаси паранжи-чачвонда эди. Улардан бири чачвонни сал кўтарди. У Меҳри эди. У Омонтойга савол назари билан каради. Омонтой уни қувватлиб, бошини қимирлатди. Меҳри қўнғироқдай овозини жаранглатиб, қичқирди.

— Қизлар! Дугоналарим! Ҳусну-жамолингни шунча яшириб юргангни етар энди!— Меҳри паранжисини оловга улоқтириб юборди. Қолган қизлар иккиланиб қотиб туришар эди. Лекин Санобар уларга қараб: «Нега анграйиб туриб қолдиларинг, ҳалиги аҳдимиз эсларингдан чиқдимми?» дегандек бир чимирилган эди, қизлар дадилланиб, паранжи-чачвонларини бирин-кетин гулханга улоқтира бошладилар.

Мебуванинг икки кўзи кампирда. Бу туяга ўхшаган новча, бақувват кампирнинг паранжиси тиззасига

тушган, гўё ҳеч нарсани кўрмаётгандай миқ этмай турарди. Чол унга қараб бошини тебратиб қўйди. У кўпчилик олдида хижолат бўлиб қолишидан қўрқар эди. Чолнинг авзойини кўриб кампир тўнғиллади:

— Қариб қуйилмаган чол. Қизинг ёқиб юборди. Шу ҳам етмайдими? Меники бирор нарсага ямоққа яраб қоларди. Қовоқларидан қор ёғишини-чи!

Кампир ёнидаги Мебувага жуда ўхшаб кетадиган йигитнинг орқасига ўтди-да, паранжисини бошидан олиб думалоқлади, кейин ўғлига берди:

— Ма, ўғлим, олиб бориб ўтга ташла. Отанг хурсанд бўла қолсин.

Йигит паранжини олиб, гулхан олдига борди. Кампир иккала қўли билан юзини беркитганча жуда ноқулай аҳволга тушиб турарди. Унинг олдига бир қиз югуриб келди-да, маҳкам қучоқлаб, юз-кўзидан ўпди.

— Вой, ойижон, сиз ҳам паранжингизни ташладингизми? Қандай яхши бўлибди...

Кампир ҳаммага бир тегиб ўтар, шу билан паранжисини ташлаган ёш қиз-жувонларни қиқир-қиқир кулдирад эди.

Шу пайт музыка садоларини босиб, Ҳамзанинг кўтаринки руҳдаги овози янгради:

— Азиз онажонлар, опалар ва сингиллар! Сизларни яна бир улкан ғалаба билан муборакбод этаман! Биз Ленин йўлидан бориб, катта бир ютуқни қўлга киритдик. Ленинга шон-шарафлар бўлсин!

У тўлқинланиб кетиб, «Ўзбек хотин-қизларига» деган ғазалини ўқиб берди.

Ҳамза шунчалик берилиб, ўт бўлиб ёниб ўқиб бердики, бу ғазални одамларнинг вужуди қулоқ бўлиб тинглади. Ҳозиргина паранжиларини ўтга ташлаб, уялиб-қизариб турган аёллар қадрларини ростлаб, дадилланиб кетдилар. Четда тортиниб турган беш-олти аёл бошидан паранжисини сидириб олиб, худди душманидан ўч олаётган одамдек ҳаракат қилиб, ўтга улоқтирди. Шу пайт уларнинг кўзларига ҳеч нарса кўринмас, бутун эс-ҳушлари Ҳамзанинг минбардан туриб ҳозиргина ўқиган оташин сўзларида эди: Айниқса:

Оналик ҳуқуқингни ҳурмат этмаганларни 19
Юзларин қора айлаб, феълидан пушаймон қил,—

деган байт уларнинг қулоқларидан ҳеч нари кетмас эди.

Яқиндагина қишлоқ ёшлари учун Ҳамза очган «Деҳқон ёшлар» мактабининг элликка яқин ўқувчиси — қўлларида қизил байроқчалар, бўйинларидаги бўйинбоғлари ҳам қизил — Ленин ҳайкали олдига чиқиб келишди. Бу манзара ғоятда таъсирли эди. Болалар саф тортиб қўшиқ бошлашди:

Чикиб эрклик қуёши,
Тинди мазлум кўз ёши.
Кул бўлди тожу тахтлар,
Озод бўлди эл боши.
Ленин бизнинг отамиз,
Энди кимдан қўрқамиз..

Қўшиқ тугагач, халқ гулдурос қарсак чалиб, бу ёшларни олқишлади. Қўшиқ одамларни руҳлантириб юборган эди. Ҳамзага, ёш ўқувчиларга миннатдорчилик билдириб, уларни маросим тугагунча оғиздан қўйишмади.

Байрам кечгача давом этди.

Шайхлар бу маросимни чекка-чеккадан туриб кузатишди. Майдондаги шод-хуррамлик, тантана авжига чиққан сайин, уларни титроқ босар, назарларида, кўп йиллардан бери сокин, тинч қишлоқ бугун бузилган, жунбишга келган, тоғлар эса, қаддини яна баланд кўтарган, қора туғлар, қўчқор шохлари синиб тушгандай эди... Уларнинг ичини дуд, қурум, ис босиб, кўнгиллари баттар хиралашди...

* * *

Лекин бу байрам қишлоқ меҳнаткашлари қалбига сўнмас нур олиб кириб, кўнгилларини ёритгани билан ундан бебахралар кўп эди ҳали.

Юқорида, мақбара теварак-атрофи қоп-қоронғи, чўнг сукунат ҳоким. Шайх Исмоилнинг қўшхонасига аллақандай шарпалар битта-битта бўлиб кириб келиб, ўз жойига чўкаверди. Ён томонга шам ёқиб қўйилган. Юқорида шайх Исмоил, унинг орқасида оқсоқ дарвиш нималарнидир гаплашиб ўтиришибди. Овозлари паст, ҳадикли.

Улардан пастроқда бир неча шайх ва дарвишларнинг оқсоқоли жойлашган. Пастда чалинаётган қарнайларнинг садолари ҳамда оломоннинг гулдуроси баралла эшитилиб турибди.

Бузрук эшон ҳовлиқиб кириб келди.

— У ерда нима бўляпти?— деб сўради шайх Исмоил тўнғиллаб.

— Ҳаммаси ақлдан озди,— деди Бузрук хўжа, ғамгин сҳангда.

— Биринчи бўлиб ялангоёқ Омонтойнинг хотини Меҳриниса паранжисини гулханга ташлади, ундан кейин Шодмонхўжанинг қизи, унинг кетидан бошқалар эргашди. Замон охир бўлди, пирим!..

Бузрук эшон кўзига ёш олди. Бунинг сабаби маълум — у ўзининг даври давронларидан ажралган, янгиликнинг ҳеч қандай тўсиқ бас келолмайдиган шафқатсиз ҳужуми қаршисида у умрида биринчи марта оживу ногирон бўлиб қолган эди... Шайхларнинг ҳам каллалари ерга тушиб кетди. Ичларида қаттиқ ғазаб, адоват туғён кўтарса ҳам, буни амалда кўрсатолмай қийналар эдилар. Орага ноқулай жимлик чўкди.

Бир пайт Валихон югуриб кириб, жимликни бузди.

— Пирим!— деди у йиғламсираб.— Омонтой мақбарани ёпиш керак, деб тақлиф қилди, кўпчилик, уни бузиб ташлаш керак, дейишгача борди. Лекин шоир Ҳамза уларни бу шахтидан қайтарди... Йўл бермади.

— Иблис тентак эмас,— деди оксоқ дарвиш тишларини ғичирлатиб.

— Наҳотки улар шундай куфру залолатга журъат этсалар?— деди шайх Исмоил умидсизланиб.

— Улар ҳеч нарсадан тойишмайди, журъат этишадди!— деярли ўкириб юборди Бузрукхўжа ҳансираб.

— Ғиёсхўжа қаерда?— сўради шайх.

— Ўшалар билан бирга. У, Шалангдаги ариқ тепасидан ҳозир келди.

— Сотқин!— Бузрук эшон энди хўкиздай бўкирди.— Диндан қайтган, оғмачи, хиёнаткор! Эҳ..

— Бундай тўхтамаг келишга ошиқманг, тақсир!— деди оксоқ дарвиш менсимай, қўлини пахса қилиб. Бузрук эшон бўйнини ҳам қилиб, унга қараб таъзим бажо этди.

Узоқдан даҳшатли гумбурлаш эшитилди, ҳаммаёқ ларзага келди, ҳатто мақбара деворларидан шувиллаб тупроқ тўкилди. Бузрук эшоннинг жон-пони чиқиб, ура қочмоқчи бўлган эди, қабр тошига қоқилиб йиқилиб тушди. Аксига олиб, узоқдан гурр кулги садолари эшитилди. Бузрук эшонга бу худди уни масҳара қилаётгандек туюлди. У пастки лабини тишлаб, муштарини тугди.

— Бу нима?!— деди шайх кўзларини чақчайтириб. У ҳам қўрқиб кетган эди.

— Портлаш!— деб хотиржам жавоб берди оқсоқ дарвини.

— Қоятош қўпориб, ариқ ўтказишяпти,— Валихон изоҳ берди.

Шу пайт оқсоқ дарвинининг эсига Шодмонхўжа тушиб, уни суриштириб қолди:

— Шодмон қани?— деб сўради у сабрсизлик билан.

Шайх чапак чалди. Эшикда хўжазодалардан бири пайдо бўлди.

Шайхнинг савол насари билан қараб турганидан гап нимадалигини дарҳол пайкаган хўжазода хотиржамлик билан жавоб берди:

— У шу ерда.

— Айт, кўрсин!

Бир-икки дақиқадан кейин Шодмонхўжа тортиниб-қимтиниб кириб келди.

— Тиз чўк, муртад тиз чўк!— деди шайх хириллаб.— Сен бир умр лаънатга гирифтор бўлдинг.

— Пирим!— Шодмон тиз чўкиб, ялина бошлади.— Мендан нима гуноҳ содир бўлди? Наҳотки мен...

— Динсиз Ҳамса сени ҳам, қизингни ҳам шарманда қилди, сен бўлсанг ҳаммасига бепарво қарадинг!..

— Пирим, мекга шафқат этинг, мен нима қилай, ахир?

— Худо таоло ва таборак сени ўзига қилич қилиб сайлади. Сен оёқ ости қилинган ислом учун қасос олишинг лозим.

Шодмонхўжа бошини кўтариб, шайхга оғзини очиб қараб қолди.

— Мен, гуноҳкор, олло таолонинг қиличи қилиб сайланибманми?!— Шодмонхўжа чўнқайиб ўтириб олди ва шайхнинг бетига тик қараб, эътироз билдирди:— Йўк, пирим, мен бунга муносиб эмасман!

Шайх атрофидэгиларга: «Бизни холи қолдиринглар!» деб буюрди, улар ўзларини четга олишди. Кейин шайх Шодмонхўжага ғалати қилиб тикилиб турди-да, мусоёимлик билан аврашга тушди:

— Бечора, адашган банда! Сенинг ўзинг қайси йўлдан юришинг кераклигини билолмайсан. Ҳазрат Алидан паноҳ тила, унга сизин.— Шайх Шодмонхўжани етаклаб қабр тоши олдига олиб борди, у тиз чўкиб сизинишга мойил бўлганида амр қилди:

— Тавоф қил! Астойдил тавоф қил! Тўғри йўл то-

пиб олишингда мададкор бўлишни ҳазрат Алидан илтижо қил! Лекин овоз чиқарма, ичингда айт. Ўзинг бил. Ба илми каромат овозларини эшитасан.

Шодмонхўжа итоаткорлик билан шайхнинг барини кўзига суртиб қўлидан ўпди.

— Ё Али, Шоҳимардон пирим, барча бандаи бечораларнинг раҳнамоси,— деди Шодмонхўжа. У шайхнинг оёқ товуши аллақаяёққа кириб, ғойиб бўлгач, чуқур ҳисларга йўғрилган дилидан шу гапларни ўтказди:

Сиздан битта нарсани сўрайман. Менинг ёш-бевош қизим Санобарнинг гуноҳидан ўтинг. У одатимизга хилоф иш қилди. Унинг умрини узун, бахтини ҳаддан узун қилинг. Унинг гуноҳи учун юборадиган азоб-уқубатларингизни менга юборинг, майли, қизим учун фидо бўлсам ҳам мингдан-минг розиман. Ҳазрат Али пирим, ахир сиз ҳам ота бўлгансиз, менинг дилимдаги дардимни ўзингиз тушунасиз...»

Қабрдан даҳшатли ўкирик эшитилди. Шодмонхўжа қўрққанидан орқасига сапчиб тушди. У нуқул бир иборани такрорлар эди:

— Ё Али... Ё Али!..

— Ислом динини астойдил муҳофаза қилиш мусулмон бандасининг фазилати эканлигини унутган кимса то рўзи қиёмат тавқи лаънатга мубтало бўлур!— деган овоз келди яна қабр ичидан.— Шодмон ибн Ғулом, ўз дилингдан сўра, чин мусулмонмисан?

«Пирим, бутун умрим давомида олло таолога астойдил тоат-ибодат қилдим, шайхлар, азиз-авлиёлар нима буюрсалар, ҳеч иккиланмай адо этдим», деди Шодмонхўжа фикран. У овозини чиқаришга ботинолмасди.

— Шодмон ибн Ғулом!— қабрдан яна садо чиқди.— Бил ва огоҳ бўл, сен иродаи ҳақнинг ҳукмини адо этадиган мўминлар сирасига кирдинг. Сен энди сарвари коинотнинг қиличисан!

Шодмонхўжа қўрқиб кетиб, каловланиб қолди. Иккиланиб, ўз-ўзи билан фикран баҳслашар эди.

«Мен, осий банда, бу мартабага қайси ишларим учун мушарраф этилдим?» дегандай қўрқа-писа қабр тошига шубҳа билан қараб қўйди Шодмонхўжа.

— Менинг измимдан чиқма, шундагина қизинг билан бирга жаннатул бақяга доҳил бўлурсан. Амрим шулки, иблис томонидан экилган гуноҳ алафларини илдизи билан юлиб ташла, менинг мақбарам тошларини муртадларнинг хуружидан муҳофаза қил!..

Овоз сўнди. Шодмонхўжанинг қабр тошига нисба-

тан шубҳаси ортиб борар эди. У қабр тоши устидаги чодирни кўтариб кўриш учун бир неча бор кўл узатди, лекин юраги дов бермай, ҳар сафар тортиб олар эди. Дара томондан ҳамон ўйин-кулги садолари эшитилиб турарди.

— Бу шайтон ўйинига барҳам бер,— яна қабр тоши тагидан ҳалиги овоз гулдиради.— Ислом шарафи учун уларга зарба ур! Ҳамзани ўлдири!

Шодмонхўжа титраб кетди. Бир лаҳза иккиланиб қолди.. «Ўз гуноҳларингни ювиш учун, ҳақ субҳона ва таоло ҳаққи, Ҳамзани ўлдири!.. Ҳамзани йўқ қил».

Шодмонхўжа қалтироқ қўллари билан чодирни сал кўтарди. Қабр тоши туйнугидан ёруғ тушиб турарди. У тош ёруғига диққат билан қаради, таги бўм-бўшлигини, у ерда Вузрук эшонни кўриб, эси огиб қолаёзди. Ўз кўзларига ишонмай, атрофга аланглаб қараган эди, кўзи шайх Исмоилга тушди. Шодмонхўжа қўрққанидан чодирни астагина ёпиб қўйди.

— Сен жин урган, Алининг мўъжизаларига шак келтирдингми?— дея дўқ урди шайх мақбара ичига кириб келар экан. Унинг орқасидан бошқалар ҳам кириб келишди, шайх юқорига чиқиб, ўз жойига ўтирди. У тасбеҳ ўғирар экан, яна дағдаға қилди:

— Шубҳаланишга қандай журъат этдинг?

— Пирим!— деди Шодмонхўжа тутилиб.— Бу қа-нақаси?! Ё тавба!

— Оғзингни юм, бўлмаса авлоду аждодингни ду-ойибад қиламан!— Шайх илондай вишиллади.— Тиз чўк, жин урган. Муқаддас мақбаранинг амрини бажо келтиришга ҳозирмисан?

Шодмонхўжа тиз чўкмади, тик тураверди.

— Пирим! Наҳотки буларнинг барчаси ҳийла бўлган? Ахир, мен сизга худога ишонгандай ишонган эдим-а! Астағфирулло, астағфирулло!— деди у ҳафса-ласи пир бўлиб.

Шу пайт оқсоқ дарвиш орага суқилди:

— Айт, муқаддас мақбара шайхларининг амрини бажо келтиришга тайёрмисан? Ҳамзани ўлдирасанми ё йўқ! Ҳозир қоронғи, ҳамма ўзи билан ўзи овора. Бу ишни ким қилганлигини ҳеч ким билолмайди. Агар бу ишни уддаласанг, тушингда ҳам кўрмаган мол-дунёга эга бўлиб қоласан. Борди-ю, сени ҳибсга олган тақдир-лариди ҳам биз жим ётмаймиз, сени қутқариб олишга қурбимиз бемалол етади. Бўл тезроқ, нима дейсан?

— Мен умримни камбағаллик билан ўтказдим, ам-

мо ҳеч қачон бировнинг жони тугул, ҳатто молига ҳам
ҳасд қилмадим,— деди Шодмонхўжа бўғиқ овоз би-
лан.— Мени қўйиб юборинглар, менинг бу ерда қила-
диган ишим қолмади.

— Сиримизни ҳеч кимга айтмасликка қасам ичмай
сен бу ердан омон кетмайсан!— Шайх ўрнидан сакраб
туриб, жонҳолатда ғазаб билан бақирди.— Тўхта!

— Қасам нима деган гап,— деди оқсоқ дарвиш
энсаси қотиб.— У бу ердан чиқмаслиги керак. Қоплон!

Қора Қоплон дарҳол Шодмонхўжанинг орқасидан
бориб, пичоғини қинидан суғурди. Шайх: «Қон тўкил-
масин! Қон тўкилмасин! Ахир бу ер муқаддас мо-
зор!»— деди. Қора Қоплон оқсоқ дарвишга қаради. У
бошидаги салласига ишора қилди. Қора Қоплон боши-
даги салласини шипириб олди-да, уни чийрата бош-
лади.

— Аттанг. Эҳ, аттанг, хаҳ! Бу дунёда юриб-юриб
етиб келган жойингни қара-я, Шодмон! Душманни-
нинг душмани — менинг дўстим экану...

Қора Қоплон чийратилган саллани сиртмоқ қилиб
Шодмонхўжанинг бўйнига солди, Валихон югуриб бо-
риб, бир учини қўлига ўради-да, иккаласи икки ёққа
тортди. Шодмонхўжа жон аччиғида бир чирпишган эди,
учаласи хонанинг қоронғи бурчагига гандираклаб бо-
риб, гул этиб ағдарилди.

Хонага хўжазода югуриб кириб келди.

— Пирим! Андижондан сизни зиёрат қилгани мў-
минлар келишди...

Ҳама саросимага тушиб қолди. Шу пайт Шодмон-
хўжанинг хириллаган овози эшитилди:

— Санобар... Илоҳо теринг сангобда чирисин,
шайх... Ҳамзахон... Уляпман... азизларим.— У бирдан
дахма томонга қаради:

— Чиндан ҳам муқаддасмисан? Йўқ, йўк! Ёлғон,
ёлғон! Куйдим бу дунёдан!

Оқсоқ дарвиш кескин қадам ташлаб мақбарадан чи-
қиб кетди. У ташқаридаги меҳмонхонага мурожаат
қилди.

— Мусулмонлар, пирим узлатга чекиниб, тоат-ибо-
датга машғул бўлдилар. Эрта билангача у кишини чал-
ғитиб бўлмайди, шунинг учун тонгла келишларингни
маслаҳат кўрурман...

Шайхнинг ранги бўздай оқариб кетган эди. Оқсоқ
дарвишнинг бу гапини эшитиб, сал жон кирди-да, аста
юриб бориб, бир ҳужрага ўзини олди...

ҚЎҚОНДА ҚУРУЛТОЙ ВА ШОҲИМАРДОНДА
СЎНГИ ТАЛВАСА

Фаргона шаҳрига олиб борадиган йўлдан уч отлиқ кун чиқишга қараб шаҳарни кўзлаб бормоқда. Булардан иккитаси — Ҳамза билан Алижон — олдинда, учинчиси — Омонтой йигирма-ўттиз қадамча орқада эди. Ҳамза отининг жиловини тортди-да, орқага қаради.

— Етиб юринг, Омонтой! — деб қичқирди. — Кун тиккага келиб қолди, кечикишимиз мумкин.

— Бирданига учаламиз Шоҳимардондан чиқиб кетганимиз яхши бўлмади. Бундан фойдаланиб қолишмасамиз эди... — деди хаёл суриб келаётган Омонтой, Ҳамзага етиб олиб.

— Хавотир қилманг, — деб жавоб берди Ҳамза лоқайдлик билан. — Биз бўлмасамиз у ерда Қамбарали, Мобува, Каримжонлар сар-ку. Улардан ҳар бири бизнинг ўрнимизни боса олади. Қурултойда икки кундан ошиқ бўлмаймиз.

— Шундайку-я, лекин ҳар ҳолда... — деди Омонтой кўнглининг бир чеккаси гаш бўлиб. — Анави Миён ҳазратга Шоҳимардонда нима бор экан, унинг келиши шу пайтга тўғри келганини кўрмайсизми?

— Менимча, шайхлар атайлаб шундай қилганлар. — Гапга Алижон аралашди.

— Қандай қилиб! — деб сўради Омонтой.

— Қандай бўларди, сен билан Ҳамза ака йўқлигида Миён ҳазратнинг Шоҳимардонга келишини уюштирган.

— Мен ҳам шу фикрдаман, — деди Ҳамза.

— Ҳечқиси йўқ, Фаргона округ партия ташкилотларидан амалий ёрдам сўраб хат ёзганмиз. Натижасини билиб, уч кундан сўнг қайтиб келамиз.

Улар отларга қамчи босиб, жадаллаб кетишди. Кечга яқин Қўқонга кириб боришди.

Клуб биноси плакатлар билан безатилган. Кираверишдаги пештоққа Фаргона округи советларининг ишчи-деҳқон депутатлари қурултойи вакилларига салом! деган шиор кўзга яққол ташланадиган қилиб осиб қўйилибди.

Кираверишда бир гуруҳ вакиллар қиёғин гапла-

шиб туришибди. Эски дўстлар учрашиб, қуюқ саломлашишди.

— Салом алайкум, Дадабой ака!.. Уй ичларингиз соғ-омонми?

— Ассалому алайкум, Тўрақул ака, қалай, саломат бормисиз?

— Қолхозга кирдингизми?

— Биз бошлаб бердик-да...

Ҳамзалар кириб боришганида, тўда ичида турган Олчинбек Назирий билан яна бир киши типирчилаб қолишди.

Соколов бўсаганинг ўзгинасида турар, икки кўзи кўчада, кимнидир сабрсизлик билан кутар эди. Эшикдан Рустам Пўлатов чиқиб келди-да, унинг ёнида тўхтади.

— Ҳали келишмадими? — деб сўради у.

— Ҳозирча дараклари йўқ, — деб жавоб берди Соколов, — ҳозир етиб келиб қолишлари керак. Икки соатдан сўнг бошлаймиз. Рустам Пўлатов тўда ичида жилпанглаб турган Назирийга ишора қилиб, паст овоз билан деди:

— Ургимчакнинг шашти баланд. Тўрини ёйяпти аблаҳ!

— Қачонгача шундай қиларди дейсан? — деб тўнғиллади Соколов. Унинг кўзлари чақнаб, юзига қон тепди. Одатда у бирон нарсадан аччиқланса шундай бўлар эди.

— Шошган ўрдак ҳам боши билан, ҳам думи билан шўнғийди, — деб кулиб қўйди Пўлатов. — Унинг тўрини тортиш, тортганда ҳам йиртмай тортиш керак.

— Ҳа-да, тортиш керак, — деди Соколов дўстининг гапига тушуниб. У бирдан қувониб кетди, кўзлари чақнаб, қичқирди:

— Ҳамза, қаерларда юрибсан, дўстим? Соғинтириб қўйдинг-ку, шоирим!

Пўлатов, Соколов у билан қучоқлашиб кўришишди. Ҳамза уларга, ҳамроҳларини таништирди. Пўлатов Омонтойнинг исминини эшитиб, ундан секин сўради:

— Сиз Тошпўлатни яхши танир эдингизми?

— Тошпўлат тоғанинг қўлида ўсганман, десам ҳам бўлади, — деб жавоб берди Омонтой маъюслашиб.

— Мен сиз билан суҳбатлашиб олишим керак.

Омонтой «майли» дегандай бошини эгди...

Ҳамза, Соколов ва Алижон театр айвонидаги бир скамейкага бориб, ёнма-ён ўтиришди.

— Ҳаммасини қандай қилиниши лозим бўлса, шундай ҳал қилгансизлар. Санобар ҳамда Шоҳимардонга ўқитувчиларни юбориш масаласи ҳам ҳал бўлган. Мақбара хусусидаги фикрларингиз ҳам тўғри. Уни ёпиб қўйиш керак.

— Қурултойдан қайтиб борганимиздан кейиноқ комиссия тузамиз,— деди Алижон салмоқ билан.

Соколов бу йигитга қониқиш туйғуси билан қараб қўйди.

— Сен, дўстим,— деди у Ҳамзага қараб,— энди қайтиб келаверсанг бўлади.

— Ўзим ҳам шу ниятдаман. Уч-тўрт ой ичида қайтиб келсам керак...

Унинг гапини Соколов бўлди.

— Ой эмас, уч-тўрт ҳафта ичида сен Самарқандда бўлишинг лозим. Сени у ерда катта ишлар кутиб турибди... Ҳа, айтганча, асаринг нима бўлди?

— Биласанми, Стёпа,— деб жавоб қилди Ҳамза, бир оз ҳижолат тортиб.— Мен уни қайтадан ёзишга қарор бердим. У ҳозир менга анча суст, ланжроқ туйилипти, мен эса, унда газаб садолари янграшини хоҳлайман. Қайтадан ёзаман!

— Бундан чиқдики, яна яхшилар экансан-да,— деди Соколов жилмайиб.

Уларнинг бу гаплари Пўлатов келиши билан узилиб қолди. Унинг орқасидан Омонтой ҳам келган эди.

— Қани, дўстлар, юринглар, залга кирайлик,— деди Пўлатов уларни ичкарига таклиф қилиб.— Қўнгироқни ёшитяпсизларми, чақиришяпти.

Бир лаҳзада ҳамма вакиллар залга кириб, ҳар ким ўз тўпи билан жой-жойига ўтирди. Ғовур-ғувур бошланди. Лекин бу узоққа чўзилмади. Ҳайъат столидаги раис қўнгироқни қўлига олиб чалган эди, зал бир лаҳзада жимиди қолди. Раис, юзи офтобда пишган, эски камзул устидан тўн кийиб олган, қотмадан келган ўрта ёшлардаги бир одам эди. Ҳайъатда ўн бешга яқин киши бўлиб, улар орасида Пўлатов билан Соколов ҳам ўтирарди. Назирий саҳна томонга кета туриб, европача кийинган бир ўзбек йигитга энгашиб тайинлади:

— Танаффус вақтида одамларни саҳна орқасидаги хонага тўпла, уқдингми?

У «хўп» дегандай бошини лиқиллатиб қўйди.

Қурултой ўз ишини бошлаган пайтда, Шоҳимардонда ҳам қизиқ воқеа юз берди.

Мақбарага чикиладиган зинада бир кимса баланд овоз билан тинмай жар солар эди. Овозни эшитган киши лоқ аҳолиси бирин-сирин кўчага чиқа бошлади, кўчаларда сийрак бўлса-да, одамлар тўп-тўп бўлиб, нима гаплигининг тағига етолмай туришар эди.

— Одамлару одамлар, боғда битган бодомлар Эшитмадим деманглар! Миён Қудрат ҳазрат яқинлашиб қолдилар. У киши муқаддас мазорда ибодат қилишни ихтиёр этдилар. Миён Қудрат ҳазратга шаки Исмоил ҳазратлари пешвоз чиқиш учун жўнаб кетдилар. У зоти муборакни кутиб олиш учун ҳамма кўчага чиқсин. Миён Қудрат ҳазратни кўриш насиб бўлганлар қирк гуноҳи кабирадан халос бўлғайлар. У кишининг дуоларини олишга мушарраф бўлган ҳар бир кимса бутун гуноҳларидан пок бўлғай. Одамлару одамлар!

Шоҳимардоннинг катта-кичик кўчалари бирпасда одамга тўлиб кетди. Улар ичида зиёратга келган диндорлар ҳам, дардига даво истаб келган беморлар ҳам, мажруҳлар ҳам бор эди.

Шоҳимардонлик меҳнаткаш-деҳқонлар Мебува в Каримқон бошчилигида қизил чойхона олдидаги тепаликка йиғилишган. Чойхона томи пештоқига қизи байроқ тикиб қўйилибди. Бошқа тўпдан одамлар колхозчилар тўпига ўтиб, улар билан ҳол-аҳвол сўраши шу ерда қолишмоқда. Ана ўшандай одамлардан бир соддагина кийинган мўйсафид Мебуванинг олдига юғриб келди.

— Мебува!— деб хитоб қилди у қувониб.— Ўнгимми бу, тушимми! Соғ-омон бормисиз, уй ичидагила саломатми?

— Биз-ку, шукур, соғ-саломатмиз. Ўзингиз қалайсиз? Мирсаид ака, бола-чақалар ўйнаб-кулиб юришийдими?

— Худога шукур, алҳамдулиллоҳ, худога шукур, ҳаммаси яхши,— деб жавоб берди кекса. Кейин Мебувадан сўради:

— Сиз нима қилиб турибсиз бу ерда?

— Эски алдамчилардан бирининг зиёратга келишиди кўргани чиқдик. У минглаб алданган соддадилларни ишдан қолдирди.

Мирсаид ака хижолат чекиб, томоқ қириб қолди.

— Мен сизга айтсам,— деди у ўзини оқлашга тиряшиб,— ўғлим касал бўлиб қолди, уч ой бўлди, кўрпа-тў-

шак қилиб ётади. Кампирим: ҳазрат Алининг мозори-ни зиёрат қилиб, унга атаган назримизни бағишлаб келайлик, деб ҳол-жонимга қўймади. Зора шифо топса дейди. Мен ҳам йўқ деёлмадим...

— Майли, дардига шифо берсин. Лекин кўнглингизга қаттиқ олмангу Мирсаид ака, бизнинг жоҳиллигиниз қолмади-қолмади-да. Шифохона бўлатуриб домла-ўжага, худонинг ўзи кечирсин, «куф-суф»га ишона-из... ўрис дўхтир бор. Ушанга олиб бормайсизми?..

— Ўзимнинг ҳам кўнглимдан ўтувди-я, лекин кампирим ҳол-жонимга қўймади.

— Қузғунлар бургутни кутиб олгани учиб кетишяпти, — деди Акбарали Каримжонга киноя билан.

Сувлигини чайнаётган жийрон айғирнинг жиловини ортиб шайх Исмоил кўча ўртасидан ўтиб кетди. У новотранг шойи камзул кийган, бошида оппоқ салла, ёғида амиркон кавуш-махси. Отнинг эгар-жабдуғи, дуоқшон ва бошқа абзаллари кумуш безаклар билан ҳайратда қоларли даражада безатилган, унга урилган бахмал ёпиққа зарли гажим тикилган. Уни ўнлаб бош-ла шайхлар кузатиб борарди. Улар орасида Бузрукхў-ка билан Валихон ҳам кўзга ташланарди.

Йўл ёқасида турган диндорлар шайх Исмоилни кў-риб, унга икки букилиб таъзим қилишар, то олдилари-ан ўтиб кетгунича қадрларини ростлашмас эди. Шайх-лар Миён Қудрат йўлига пешвоз чиққани боришарди.

Худди шу пайт Шоҳимардонга бир гуруҳ отлиқ яқинлашиб келарди. Бу отлиқларнинг олдида ола по-ди, пешонасида учбурчак қашқаси бор, қамиш қулоқ, бошча кўз арабий отда ориқдан келган новча чол келар, отнинг эгар-жабдуқлари қимматбаҳо тошу олтин бе-заклар билан нақшланган, зарбоф духоба ёпиқ унга алоҳида салобат бағишлаган, отнинг икки томонида ик-ки йигит (булар ҳам эшонзодалардан бўлса керак) жи-ловдорлик қилиб келарди. Чолнинг устида силовсин кўстин, бошига жуда чиройли қилиб кўк салла ўраган эди, бундай дасторни фақат пайғамбар авлодлари та-шлари мумкин — афтидан, Миён Қудрат ҳазрат-ини пайғамбарнинг бевосита авлоди ҳисобласа ке-лак — истиқболига чиққан халқни дамодам дуо қилиб, бошига фотиҳа тортар эди.

Чолдан беш-олти қадам орқада ғоятда шўх қораба-йирда бошқа бир қиёфага кириб олган эллик ёшлар ча-масидаги, юзлари ҳип қизил, кўзлари чақчайган, қора кеш, қора соқол-мўйловли Қора Қоплон келар, унинг

отиға сипоҳий эгар-жабдуқ урилган эди. У шайх Исмоилнинг рухсати билан кулоҳ, жандасини ташлаб, Миён Қудрат ҳазрат ва ўз йигитларини йўлда кутиб олган эди.

Унинг орқасида ҳар хил қимматбаҳо матодан тикилган бахмал, беқасам тўн кийган ўттизга яқин отлиқ келар, бу хўппаки отларнинг абзаллари ҳам сипоҳийча эди. Чолнинг бир тўда мурид ва мухлислари ҳазратнинг изидан йиғлаб-сиқтаб, жазаваси тутиб, ўйин тушган ҳолда Шоҳимардонга кириб келишди. Шайхлар уларга икки букилиб таъзим қилишди. «Ё олло!», деган садолар эшитилар, баъзи мутаассифлар тўнларини ечиб, Миён Қудрат ҳазрат отининг туёғи изи тушган тупроққа булғашарди. Баъзилар шу из тупроғини тавоф қилиб, кўзларига суртишарди. Улар қишлоқ марказига яқинлашган сари одам кўпая борди.

Шайх Исмоил билан Миён Қудрат орасида ўн беш йигирма қадам қолганида, шайх отининг жиловини тортиб, ўзини ерга ташлади-да, Миён Қудратнинг истиқболига югурди, унинг ҳузурига етиб бориб, таъзим қилди, кейин чакмони барларини кўзларига суртди, Миён Қудрат ҳам ўз навбатида уни қучоқлаган бўлди. Миён Қудрат отдан энгашиб, шайх унга ёпишиб, бир фурсат шу аҳволда ялашиб-юлкашишди.

— Шоҳимардонга қадам ранжида қилиб, кўнгиллари мизни бағоят хушнуд этдингиз, муборак дийдорингизни кўрсатганига хазор бор оллога шукур,— деди шайх Исмоил ҳаяжондан тўлкинланиб.— Нуроний юзингизни кўриш биз, қулларингиз учун улуг саодатдур!..

— Ҳаммангизга балли, иним!— Миён Қудрат йўғон, лекин анча ҳорғин овозда жавоб қилди.— Муборак даргоҳ Шоҳимардон қабрини зиёрат қилишни насиб этгани учун олло таолонинг марҳаматидан умрбод миннатдорман.

— Сиз назаркарда одамсиз, пирим! Ҳамроҳларингиз азият чекмай сизга келишдимизми?

— Ўзингга минг қатла шукур, яратганга шукур!— деб жавоб берди Миён Қудрат бойқушникига ўхшаган кўзларини босиб тушган бароқ қошини кўтариб, шайхга маъноли тикилиб.

Шайх Исмоил орқаси билан юриб отининг олдига келди, унга жиловдорлари ёрдамида ирғиб миниб олди-да, отнинг човига оёқлари билан ниқтаб, Миён Қудратнинг тўпига қўшилиб, йўл бошлади.

— Мен, олло таолонинг каминаи камтарин қулига, ортиқча дабдабанинг ҳожати йўқ, — деди Миён Қудрат баланд овоз билан. — Тинчгина тоат-ибодат қилиш учун холи жой, тинчлик керак. Емагимга қотган нон билан бир пиёла совуқ сув бўлса бас!

— Сизнинг айтганингиз бўлур, пирим, сиздан барча мўминлар ибрат олурмиз, — деди шайх Исмоил таъзим қилиб.

— Имон бўшашиб қолди мусулмонларда, — деб қўйди Миён Қудрат, бошини сарак-сарак қилиб. — Диндан путур кетмоқда. Илгариги пайтларда бу қадамжони зиёрат қилгани келган одамларнинг ҳисобига етиб бўлмас эди...

— Шундай, тақсир, эътиқоди мустаҳкам кишилар камайиб кетди, — деб жавоб берди шайх Исмоил бўйини эгиб. — Даҳрийлик иллати мусулмонларнинг дилларини занглашиб, ундаги имонни кемириб бормоқда. Мусулмонларнинг кўпчилиги ўрис — кофирлар билан тил бириктириб кетмоқда, китоб сўзларини менсимай қўйди, бепарҳезларнинг артелига киришмоқда.

Булар ўтиб бораётган йўллар четидаги одамлар ўзларини ерга таппа-таппа ташлаб ётишар, тинчликни «Ё олло!» деган нидолар бузиб турар эди. Шу пайт ерда ётган бир кекса деҳқон шайх Исмоилнинг охирги сўзини эшигиб қолиб, ёнидаги деҳқонни туртди.

— Эшитдингми, артель ҳаром экан.

— Артель дегани бизнинг кундалик тирикчилигимиз. Унинг имонга алоқаси йўқ, — деб жавоб берди у одам бамайлихотирлик билан.

— Гуноҳкор бўлдинг, тавба де, — деди суҳбатдоши жаҳл билан тескари қараб. — Кейин пушаймон еб қоласан, лекин ўрнига тушмайди. Эс-ҳушингни йиғиб ол ҳозирдан. Шайхларга тил тегизиш яхши эмас.

Бу пайт Миён Қудрат билан шайх Исмоил майдонга кириб боришди. Майдон одамга тўлиб, тирбанд бўлиб ётар эди. Қолхозчилар қизил чойхона олдида ҳамон тўпланиб туришар, улар орасида паранжисини ташлаган бирмунча хотин-қизлар ҳам кўзга ташланар эди.

Миён Қудрат Ленин ҳайкалини, унинг зиналарига ҳар хил чечаклардан қўйилган гулдасталарни кўриб, пешонасини тириштирди. У, ҳайкалга ишора қилиб, газабнок овоз билан деди:

— Масжид солиш ўрнига одамга ҳайкал ўрнатиб-сиз!.. Бунинг бутпарастлик дейилади! Астаффирулло! Астаффирулло! Ўзинг паноҳингда асра, худо!

Миён ҳазратнинг назари колхозчиларга тушди. Каримжон эса ундая кўзини узмай ерга энгашиб, қўлига тош олди. Миён Қудрат унинг бу ҳаракатини кўриб қолиб, титраб кетди, қўлини тушириб, отига қамчи урди. У сал нарига боргач, орқасидан Мебуванинг овози эшитилди:

— Каримжон, қўй, тентаклик қилма! Бу чол қўрқанидан дин йўлида заҳмат чекаётгани йўқ. Тагин тоvonига қолиб юрмайлик, ўзи ҳам менга ўхшаб анча ҳилвираб пишиб қолибди.

— Барибир, биз унга ҳайкал қўймаймиз,— деди Гиёсхўжа, атайин баланд овоз билан таъкидлаб.

— Ҳақ гап!— деб қўллади уни Мебува.— Нимасига ҳам ўрнатардик унга ҳайкални?!

Бу дадил гаплар жимликни бузди. Мутаассифлар бошларини кўтаришди. Қора Қоплон отининг жиловини тортиб, қамчисини ҳавола қилди, деҳқонларнинг устига дағдаға билан бостириб бора бошлади.

— Вой, шўрим! Қўрбоши!— деб додлаб юборди бир хотин.— Энди нима қиламиз! Ҳозир чопиб ташлайди! Войдод, мусулмонлар!

— Нега қақиллайсан товуққа ўхшаб, сочи юлуқ!— деди Қора Қоплон вишиллаб.— Қанақа қўрбоши, қани у? Шу вақтда қўрбоши коптими?!

Лекин оломон хавотирга тушиб қолди, унга таҳдид қилиб гулдуради. Қора Қоплон отининг жиловини тортиди-да, орқага бурилиб, Миён Қудратга етиб олиш учун уни елдириб кетди...

Миён Қудрат тўдаси билан шайх Исмоилнинг уйига тушди. Шайх меҳмонларнинг олдига тушиб, уларни ҳовлисига бошлади, ҳазрат ипак пойандозларни босиб уйма-уй ўтиб, худди ҳавода муаллақ тургандай қилиб қурилган шийпонга чиқди. Шийпон уч томондан мустаҳкам қилиб ишланган панжара билан тўсилган бўлиб, қишлоқ ва унинг атрофи кафтдек кўриниб турарди, панжараларнинг орқаси чуқур жарликдан иборат эди.

Шийпонга гиламлар тўшаб, атлас, бахмал кўрпачалар солиб қўйилган, парқу ёстиқлар ташланган, ўртага турли ноз-неъматлардан шоҳона дастурхон тузалган эди.

Гилгитдан келган оқсоқ дарвиш панжара ёнида тубсиз дарага хаёлчан қараб турарди.

Миён Қудрат эшикдан киргач, остонада туриб, ўзига эргашиб келаётганларнинг ичкарига кирмасликла-

рини ишора қилди. Эшикни ёпди-да, оқсоқ дарвишнинг олдига борди. У билан қўл олишиб, сўрашди. Кейин иккаласи жар томонга ўгирилди. Улар бир-бирларига ҳеч қандай мулозамат кўрсатишмади. Миён Қудрат жарликка қараб, юраги орқасига тортиб кетди-да, бир қадам орқага чекинди.

— Жаҳаннам-а!— деб қўйди у қўрққанидан.— Қарасанг, кўзинг тиниб, бошинг айланиб кетади. Сизга таъсир қилмайдими?

— Одатланиб қолганман! Мен бунақа дараларнинг тепасидан юравериб ўрганиб кетганман,— деди оқсоқ дарвиш, бамайлихотирлик билан елкасини қисиб.— Сиз ҳам ўрганиб қўйсангиз ёмон бўлмасди,— деб қўшиб қўйди бир қадар истеҳзо билан.— Ахир сиз ҳам...

Миён Қудрат ўзини катта олиб кулиб қўйди.

— Бутун мусулмонлар ихлосманд бўлган бир кишига ҳокимият вакиллари тегишга журъат этолмайди. Бордию дўппи тор келиб қоладиган бўлса, муқаддас жойларга саёҳатга йўл олаверамиз-да, тақсир.

— Агар шундай бўлса, яхши,— деди оқсоқ дарвиш, ишончсизлик билан.

— Агар сизни?..

— Начора. Мен нима билан ўйнашаётганимни билганман,— деди оқсоқ дарвиш, яна лоқайдлик билан елкасини қисиб.— Бундан ташқари, алмашиш деган нарса ҳам мавжуд... Мени алмашиб олишади.

— Агар шундай бўлса, яхши экан...— Миён Қудрат ҳам худди оқсоқ дарвишдек ишончсизлик билан гапирди.

Орага бир фурсатлик жимлик чўкди.

— Баҳор ҳам келди,— деди Миён Қудрат.— Муддат етди.

— Яқин кунда Фузайл махсум тўдаси, э, кечирасин ислом лашкарлари билан Дарвоз вилоятида чегарадан ўтади. Бу ердагилар ҳам жим ётмай, ҳамма нарсани аланга олдиришлари керак.

— Аланга олдириш ҳам гапми,— деб Миён Қудрат ваъдани катта бериб юборди.— Олой водийси бизнинг қўлимизда. Бобо Зокир билан Ҳайитвой қўрбошилар ўша ерда. Улар дарвишингиз Қоплонбекка тобедурлар. Қоплонбекни мазорда сақлаб ажаб иш қилдингиз.

— Буларингизнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди, халқни оёққа тургазиш лозим...— Оқсоқ дарвиш норози оҳангда пингиллади.— Фарғона яна бир катта

Ингина, даҳшатли зилзилага муҳтож. Фақат туртки жерак... Ишора.

— Уни шу ердан... Шоҳимардондан беришади. Худо қоҳласа, иш шу ердан бошланади.

Миён Қудратни Шоҳимардон шайхлари бекорга тақирмаган эдилар. Бу ерда Ҳамза келгандан кейин содир бўлган воқеа-ҳодисалар шу даражага етиб борардики, буларнинг ҳар бири, гўё уларнинг бошига гурзидай зарба бўлиб тушарди: шайхларнинг ишонгани Валихон қишлоқ Шўросига раисликдан бекор қилинди, Санобар шайхнинг чаңгалидан қутқарилди, Бузрукхўжанинг ғийбатхонаси ёнида қизил чойхона барпо қилиниб, меҳнаткашларга маданий-оқартув ишларида хизмат кўрсата бошлади, саводсизликка қарши кураш бошланиб, асрлар давомида жаҳолатда сақлаб келинган меҳнаткаш халқ онгини маърифат чироғи нури билан ёритишга астойдил киришилди, энг муҳими, хотин-қизларни буюк инқилоб неъматларидан баҳраманд қилиш йўлида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Яна, қишлоқ хўжалик артели тузилиб, ер-сув деҳқонларга заминдорлардан тортиб олиб берилди, тўғон боғланиб, Шалангга сув чиқарилди. Ниҳоят, Шоҳимардонда доҳий Ленин сиймоси қад кўтарди... Бу ўзгаришлар моҳият-эътибори билан Шоҳимардондек чекка бир қишлоқда илдиз отиб кетган бидъат, хурофот, мутаассифликнинг дамини қирқиб қўйганлиги билан ўша мақаллий шароит учун кескин бурилиш — чинакам инқилоб эди!

Бу ишларнинг барчасининг бошида Ҳамза туриб, уларни амалга оширганлиги учун ҳам шайхлар ва аксилинқилобчи қўйқаларнинг жонлари ҳикилдоқларига келиб, талвасага тушиб қолган эдилар.

Шайх Исмоилнинг уйдаги бугунги йиғилиш «ётиб қолгунча отиб қол» қабилидаги, жон чиқар олдидаги талваса эди. Улар Ҳамзадан қутулмоқчи эдилар.

Оқсоқ дарвиш Қоплонбекка ўхшаган қўрбошилардан кўпини кўрган, уларга қурол-аслаҳа жўнидан мадад бериб, маблағ билан таъминлаб, ҳеч қандай иш чиқаролмагач, улардан қўлини ювиб қўлтиғига урган эди. Рост-да. Фарғона водийсидан қанчадан-қанча қўрбошилар майдонга чиқиб, юртни талаб, бесаранжом қилмади. Улардан баъзилари ўз қора қилмишлари билан халқнинг лаънатига қолдилар. Инқилоб бўрони уларни бамисоли бир хасдек супуриб, борса келмасга улоқтириб ташлади. Бу оддий қўшмачи, фоҳишахона-

ларнинг дастёри, хотинжаллоб, чакана қотил Қора Қоплон киму, унинг ўн-ўн бешта тузоқ узган «йигити» нима бўларди?!

Оқсоқ дарвиш, «буларингизнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди, халқни оёққа турғизиш лозим», деганида шуларни мулоҳаза қилган эди.

У бошини аста кўтариб, Миён Қудратга қаради.

— Мақсадга ўтайлик, — деди у кескин бир қўзғалиб олиб. — Ҳамзанинг тақдири ҳақида ҳар бирингизнинг алоҳида ва узил-кесил фикрларингизни билишим зарур.

— Менинг фикрим аниқ — уни маҳв этиш лозим! — деди Миён Қудрат. — Лекин, жаноб, меҳмонхонадагилар олдига чиқиб, бу хусусда маслаҳатни бир жойга қўйиб олиш керак бўлар деб ўйлайман.

Оқсоқ дарвиш билан Миён Қудрат тубсиз дара тепасидаги шийпондан меҳмонхонага кириб, тўрга ўтиб ўтиришди. Ҳамма уларга таъзим қилиб, қараб турган эди, — Миён Қудрат мақсадни тушунтирди да, Бузрукхўжага қараб:

— Бузрук эшон, сиздан бўлсин, — деди.

— Даҳрий Ҳамзага ўлим! — деди у аламзадали билан.

— Сиз нима дейсиз, Валихон тўра?

— Агар унинг ўнта жони бўлса, битта-битталаб олиб, роҳат қилиб ўлдирар эдим. Улим Ҳамзага!

— Хўш, сизнинг мулоҳазангиз, Гиёсхўжа?

— Ҳазратим, фикри ожизимча, ўлдиришдан кўра, у билан беллашмоқ маъқулми, дейман. Тағин осмонга отган тошимиз ўз бошимизни ёриб-нетиб қўйишдан қўрқаман. Ақл ақлдан қувват олади, тақсирлар. Ақллашиб иш қилмоқ яхши. Елга тупурма, ўзингга қайтади, деган донишмандлар. Ҳолбуки, қишлоғимизда анчайин ел эмас, бўрон турган, бўрон...

Орага оғир жимлик чўкди. Бир муддатдан сўнг Миён Қудрат қошини чимириб, Гиёсхўжага гап қотди:

— Ўйнаб гапирсангиз ҳам, ўйлаб гапиринг, Гиёсхўжа. Ҳа, «Ўт ўт ичиндан, ўтинг бор эрса, деган шоирлардан бири. Сиз юракни кофирларга олдириб қўйибсиз.

Гиёсхўжанинг ранги оқариб, жон-пони чиқиб кетаёзди.

— Хато гапирган бўлсам, осий банданинг гуноҳидан ўтинг, ҳазратим, — деб Гиёсхўжа ўзини ҳазратнинг оёғига ташлади..

Миён Қудрат оқсоқ дарвишга қараб:

— Сизнинг иродангизга қараб иш тутамиз,— деди у, бошида кулоҳ, эғнида узун малла кўйлак, қўлида тасбеҳ, лаблари пичирлаб, теваарак-атрофига дам солиб, жимгина ўтирган қизғиш патак соқолли оқсоқ дарвишга мулойим назар ташлаб.

— Ўлим!

— Сиз, Қоплонбек?

— Ўлим! Минг марта ўлим!— деди Қора Қоплон кўпириб.

Ҳазрат «яна ким қолди» дегандек ўтирганларни кўзи билан сузиб чиқди. Улардан сўради. Керакли жавобни олгач, шайх Исмоилга қаради. У Ғиёсхўжанинг ҳалиги мулоҳазасини мушоҳада қилиб, бўшашиб ўтирар эди. Унинг ич-этини аллақандай шубҳалар кемирар, хаёлида уй-жой, мол-мулк, бола-чақадан маҳрум бўлиб қолаётгандек мум тишлаб қолган, Шодмонхўжанинг арвоҳи ёқасига маҳкам ёпишиб олиб, хун талаб қилаётгандек эзилиб ўтирарди.

Тўғри-да, ҳали Шодмонхўжанинг жасади совимай туриб, яна бир одамнинг жонига қасд қилиш... Ҳазратга нима, у ошини ошаб, ёшини яшаб, ҳилвираб пишиб қолган бир чол. Унга барибир эмасми, қамалса ё отилса, қайтага мўминлар ўртасида обрўси яна ошади. Шайх Исмоил-чи? Айни яйраб-яшнаб, дунёнинг ҳузур-ҳаловатини кўрадиган пайти унинг... Унинг кўзи ногоҳ Ҳазратнинг кўзи билан тўқнашди. У шайх Исмоилга, гўё еб юборгудек ҳўмрайиб турарди. Шунинг учун ҳам шайх «Ўлим!» демоқдан ўзга чора тополмади. Бунинг устига Қора Қоплон ҳам қон қуйилган кўзлари билан уни таъқиб қилаётганини сезиб қолди.

— Ўлим!— деди шайх бўшашиб.

— Орий, ўлим!— деди ҳазрат соқолини силаб. У «иш битди» дегандай енгил тортиб, фотиҳага қўлини очди.— Омин, Қоплонбекка худо ёр, пирлар мададкор бўлсин... оллоҳу акбар!

Бу машъум садо аксилинқилобий кучларнинг инқилобнинг фидойи фарзанди устидан чиқарган қатъий ҳукм эди.

Йигирма биринчи боб

НИҚОВ ЙИРТИВ ТАШЛАНДИ

Қурултой минбарига Олчинбек Назирий чиқди. У шошилмай портфелини очди, ундан яхшилаб тахланган бир даста қоғозни олди-да, нутқини бошлади.

— Бу ерда баъзи ҳурматли, аммо ҳаддан ортиқ қизиққон нотик ўртоқлар бизни ўрис йўқсилларига, ўрис мужикларига тақлид қилишга ундашди. Коллективлаштиришни тезлатишга, паранжини оммавий ташлашга чақирди. Мен асосан бу ўртоқларнинг гапларини маъқуллайман. Аммо бунда маҳаллий шароитни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Русия нима дегани? Бу Оврупо, Мағриб деганидур. Унинг ўз тараққиёт йўли бўлган. Биз-чи? Биз — Машриқмиз, ўзимизнинг маълум ва машҳур маданиятимиз мавжуддирким, у ҳеч қачон мағриб таъсирига бўйсунмаган. Масалага чуқурроқ ёндошсангиз, Машриқ бу машриқ, Мағриб бу Мағрибдур. Билдингизми, ўртоқлар!

— Ошна, бошданоқ алдашга тушиб олдинг,— деб унинг сўзини кесди залдан, бошида чувт дўппи, эгнида эски чарм камзулли бир киши.

Олчинбек Назирий худди уни менсимагандай елкасини қисди.

— Маданият ва дунёқарашларнинг фарқи ер билан осмонча бор.

Президиум ҳайъатида ўтирган Соколов ёнидаги чит саллали кекса деҳқонга мурожаат қилиб, луқма ташлади:

— Қизиқ. Назирий Редъярд Киплингнинг гапларини сўзма-сўз такрорляпти. У ҳам: Ғарб-ғарбдир, Шарқ-шарқдир, деб ишонтирмоқчи бўлган эди.

— Ўша Киплинг ҳозир қаерда ишлайдилар? — деб сўради чол.

— Инглиз, аммо Ҳиндистонда туғилиб, у ерда узоқ яшаган. Киплинг шоир, инглиз мустамлакачиларини куйлаган.

— Нимасига ҳайрон бўласан, ўғлим! Ахир ҳурматли Олчинбек Назирий ҳам Шоназир эшоннинг ўғли. Мен уни яхши танийман. Унинг отаси қўлида йигирма йил қароллик қилганман.

— Паранжига қарши кураш, бу асрий қолоқлик рамзини битириш, албатта керак,— дея давом этди Назирий.— Аммо бу курашни эҳтиёткорлик билан олиб бориш лозим. Бунда диндорларнинг шаънилари ерга урмай иш кўрилса дуруст бўлади, деб ўйлайман. Бизнинг хотин-қизларимиз шарққа хос шароитда тарбияланишган, шу туфайли рус усулларининг қизгин тарафдорларининг шовқалоқлик билан қилган ҳаракати бу ишда фақат зарар келтириши мумкин. Бу ер Россия эмас, бу ерни Шарқ дейдилар!

Залдан ғазабли хитоблар янгради:

— У нима деяпти!

— Паранжи тарафдори!

— Россиянинг нима алоқаси бор бунга?!

Кўкрагига комсомол нишонини таққан бир ўзбек қиз ўрнидан турди. Хафа бўлиб кетганидан овози тўлқинланиб, президиум ҳайъати раисига мурожаат қилди:

— Ўртоқ раис! Бу амакининг ўзбек халқига, ўзбек хотин-қизларига туҳмат қилишига нега йўл қўйиб берасиз!

— Ҳақ гапларимнинг фаҳмига етинг, ўртоқлар! — деди Назирий чайналиб. Аммо шу пайт қўнғироқ чалиниб, унинг нутқи бўлинди. Вақти тугаганлигидан огоҳ қилди раис уни.

Назирий елкасини қисди-да, минбардан тушди. Залга жимлик чўкди. Бир-икки чапак ҳам чалинди. Мажлис бир оз давом этгач, танаффус эълон қилинди.

... Театрнинг пешайвони танаффусга чиққан одамлар билан лиқ тўлди. Пўлатов қизгин гаплашаётган одамлар орасини ёриб кела туриб, бир-иккита кишидан сўради:

— Назирийни кўрмадингларми? У қаёққа кетди экан-а?

Одамлар бир хил жавоб беришарди.

— Ҳозир шу ерда эди.

Рустам Пўлатов саҳнага чиқди, саҳна орқасини қараб чиқди. Бирдан гримхонадан Олчинбек Назирийнинг овози келиб қолди:

— Қаттиқ туриб сўз сўранглар. Бирингизнинг орқангиздан бирингиз чиқинг, — дерди Назирий куйиб-пишиб. — Шундай таассурот қолсинким, биз кўпчиликнинг фикрини ифодалаётган бўлайлик. Сизлар Ҳамза ҳақида кўпроқ гапиришларингиз керак.

Пўлатов ўзини четга олди, панароқ жойга яширинди.

Танаффус тугаганлигини билдириб қўнғироқ чалинди. Гримхона ршиги очилди, у ердан бирин-кетин беш киши чиқди. Охирида Назирий кўринди. Рустам Пўлатов йўлини тўсиб чиқди.

— Шошманг, мен сиздан баъзи нарсаларни сўраб олмоқчи эдим.

Назирий хона ичига чекинди, Пўлатов унинг кетидан кириб, эшикни зичлаб ёпиб олди.

— Нима гап ўзи? Мажлис бошланяпти. Мен ахир

президиумга чиқишим керак,— деди Назирий хавотирланиб.

— Шошманг,— деб жавоб берди Пўлатов босиқлик билан.— Менга бир нарсани айтинг-чи, Тошпўлатни сизнинг буйруғингиз билан ўлдирган Қора Қоплон ҳозир қаерда?

— Сизга нима бўлди, ўртоқ Пўлатов, нималар деяпсиз ўзи, Рустамжон?! Бу тухмат! Бу гапга қандай ишондингиз?— деди Олчинбек Назирий ҳаяжондан овози титраб.

— Сиз мени ўртоқ деманг. Тонманг, бор гапни айтинг,— Пўлатов унинг гапини шартта кесди.— Бизга Қора Қоплон қаерга қайиб бўлганидан бошқа ҳамма гап маълум. У қаерда?

— Билмайман... Менинг нима ишим бор у қаердалиги билан... гражданин Пўлатов.

— Қуролингиз ёингиздами?—деб сўради Пўлатов бепарволик билан.

— Авахтами?! Нима учун? Менга тухмат қилишибди.

— Қуролингиз?! — такрорлади Пўлатов.

Назирий Пўлатовга тўппончасини бемажоллик билан узатди.

— Портфелингизни ўзим олиб бораман,— деди Пўлатов.— Тўғри эшик олдига юринг. Орқангизга қараманг, ҳеч кимга бир оғиз ҳам гапирмайсиз. Ҳеч қандай ифвога йўл йўқ. Тушунгандирсиз!

* * *

Қурултойнинг кечқурунги мажлиси давом этарди. Зал нимқоронғи. Минбарга хийла басавлат бир одам кўтарилди, унинг бошида ихчам ўралган мисқоли салла, эгнида аврабузи банорас чопони остида кўк мовут камзул. Оёғидаги бузи маҳси, амиркон кавушига гард юқмаган. У қуйиб-пишиб гап бошлади:

— Бу ерда бизни ўртоқ Назирий ҳар хил бузғунчилик, ноҳўя ишлардан хабардор бўлишимиз лозимлигини одилона огоҳлантириб ўтди,— деди нотик.— Халқимиз унинг урф-одатларининг қўпол равишда оёқ ости қилинишига чидаб туrolмайди. Бунга Ҳамза деган аллақандай бир кимсанинг Ўзбекистон жумҳуриятининг энг мўътабар жойларидан биридаги ярамас, бемаъни ҳаракати ёрқин мисол бўла олади.

Соколсв залга диққат билан қараб қўйди-да, ҳай-

рон бўлиб елкасини қисди, кейин пешайвонга чиқди. Шу пайт кўча эшикдан Пўлатов кириб келди.

— Стёпа, — деди у жилмайиб. — Тугуннинг учи топилди...

Соколов унинг гапини тўла эшитолмай хавотирланиб сўради.

— Ҳамзани кўрмадингми, Рустамжон?

— Шу ердадир. У Қўқонда экан, ундан хавотирланмаса ҳам бўлади.

— У ерда аллақандай итвачча бузғунчилик қилляпти. Сен Ҳамзанинг феълени биласан-ку. Уни топиб ўшлаб туриш керак.

— Ҳаммаёқни қараб чиқдингизми? Саҳна орқасини-чи?

— Ҳеч қаерда йўқ.

Узоқдан роялнинг овози эшитилди.

Пўлатов билан Соколов бир-бирларига маъноли қараб қўйишди-да, ўша томонга оҳиста боришди. Улар киришганида Ҳамза роялнинг рўпарасида ўтириб олиб, клавишларини босар, аллақандай бир куйни чалар эди. Соколов хитоб қилди:

— Ҳамза! Эҳ, менинг шоир дўстим. Танаффус қачон тамом бўлган эди-ю, сен бўлсанг...

— А? Нима? — деди Ҳамза қўлларини клавишлардан олиб. — Стёпа! Рустамжон, бир эшитинглар!

Соколов мулойимлик билан, аммо қатъий деди:

— Ҳамза, қурултой кетяпти. У ерда сенинг авра-астарингни ағдаришяпти. Сен бўлсанг...

— Ким ағдаради? Нима учун?!

— Олчинбек Назирийнинг кўрсатмаси билан... — деди Степан.

— Олчинбек Назирий?! — Ҳамза бир ирғиб тушди. — У ифлоснинг авра-астарини мана мен ағдараман.

— Кеч қолдинг, — деди Пўлатов уни жойинга ўтқавар экан.

— Нима учун кеч қоларканман? — деди Ҳамза ҳайрон бўлиб.

— Ярим соат илгари у қамоққа олинди.

Ҳамза енгил тортди.

Улар залга кириб боришганида ҳалиги нотик сўзини тугатар эди.

Ҳамза, Пўлатов ва Соколов унинг окирги сўзларини эшик олдида тик турган ҳолда эшитишди. У аллақандай бир қоғозни олиб залда ўтирганларга кўрсатди-да, давом этди:

— Мана бу Фаргона округ прокурорига ёзилган арзномага бир юз саккиз киши бармоқ босган. Уларнинг барчаси шоҳимардонлик батраклар. Уларнинг ёзишларича, Ҳамза бева-бечораларнинг, есирларнинг оқ-воҳига қулоқ солмай, ҳукумат номидан уларга жабру зулмини ўтказаркан. «Бизга совуқда чойхона қурдирди, Шалангга сув чиқараман, деб ариқ қаздириб, бизни ўларча ишлатди», дейлади аризада. У кўчакўйда деҳқонларнинг чиройли хотинлари, қизларининг йўлини тўсаркан, уларнинг паранжиларини зўрлик билан додлатиб юлиб оларкан, агар бирон кимса қаршилик кўрсатса, ўртоқ Охунбобоевдан бунга тўла ваколлатим бор, деб важ кўрсатаркан. Ҳамзанинг бу зулмидан Шоҳимардон батракларининг дод-фиғони кўкка етди... Мана, кўрдингларми, ўзбошимчалик, манманлик, бераҳмлик, ишратпарастлик кишини не кўйларга солмайди.

— Ёлғон гапиряпсан! — деди залдан туриб Омонтой ғазаб билан.

— Ана кўрдингларми? — деди нотик чийиллаб. — Бу ҳам Ҳамзанинг шериги.

— Алижон, — деди Омонтой гулдураб. — Қани, чиқ! Бу аслида қандай бўлганлигини қурултойга айтиб бер.

Алижон минбарга чиқди. Ҳалиги нотик эшик томонга шошилиб кетаётган эди, Пўлатов тўхтатди.

— Шошмай туринг, анави йигит жавоб қиляпти, эшитинг, — деди унинг йўлини тўсиб.

— Бу шундай бўлган эди, — деб гап бошлади Алижон. — Кўпчилик ўқиш-ёзишни билмас эди. Одамларга аризада дўконимизга газлама, қанд, лампамой ва бошқа нарсалардан кўпроқ юбориб турилиши битилган, деб тушунтиришган. Авом қўл қўйган, тўғрироғи, бармоқ босаверган. — У Ҳамзани кўриб қолиб, дадилланди. — Ана ўртоқ Ҳамзанинг ўзлари ҳам келиб қолдилар. Ўртоқ Рустам Пўлатов, Юсуфжон Тожиёвлар билан Шоҳимардонга бориб аризани текширдилар. Алданган деҳқонлар қон йиғлашди. Хуллас, ариза шоирга тухмат экани тасдиқланди.

Залда гулдирос қарсақлар янгради.

— Шоирга сўз берилсин! Шоир гапирсин! — деган овозлар эшитилди. Ҳамза минбарга чиқди.

— Уртоқлар! — деди Ҳамза жарангдор овози билан. Зал бир лаҳзада жимиб қолди.

Ҳамза қурултой делегатларига у ерда кўрган-кечирганларини бирма-бир гапириб берди. Санобар воқеасини эшитиб, одамларнинг тепа сочлари тик бўлиб кетди...

* * *

Шоҳимардон. Март ойлари қийғос гуллаган чилонжийдаларнинг ҳиди атрофни тутиб кетган. Тўп-тўп ўсган ёввойи дўлана, наъматак шохларига ўтирган зарғалдоқ ва чумчуқлар кўкламни тинмай қутлашади, барра ўтлардан тўйиб ковш қайтараётган қўй-эчкилар, кенг адирлар, ағдарилгудай бўлиб турган харсанглар, тошлар, тоғлар. Симобга ўхшаб кўринган сой, бўрибосарнинг ойга дўқ уриши, қулоқлари кесик, думлари чўлтоқ итларнинг ботирликдаги мусобақа-даҳанаки жанглари, ҳалигина шивалаб ўтган ёмғирга чўмилиб олган барра кўкатлар, буталар, тоғ чечаклари, довдарахтлар. Қушлар шох танлаб ўйнаб, қўшиқ айтаётгандай!

О, мўъжизакор табиат, ажойиб зўр қудратинг бор! Менимча, шундай фусункор хушманзарага, гўзал ҳаётга аввало ўзинг ошиқсан, табиат!

Бироқ, гўзалликдан, ҳаёт нуридан қўрқадиган, нафрат қилиб, ўзларини қоронғи тешиқларга урадиган бадфеъл, бадхоқ бадбашара, бадкирдор махлуқларинг ҳам бор...

* * *

Қурултой ўз ишини давом эттираётган бир пайтда шайх Исмоилнинг уйида ҳам кичкина маслаҳат — мажлис борар эди. Унинг жар ёқасидаги шийпониди «Чақмоқ» дейиладиган бир неча чироқ порлаб турарди. Ўртадаги дастурхон ноз-неъматлар билан тўла. Зиёфатда Миён Қудрат, шайх Исмоил, оқсоқ дарвиш, Ғиёсхўжа, Қора Қоплоннинг ҳамроҳлари — шайхлар кийимидаги бир неча босмачилар, беш-олтита ҳақиқий шайхлар, Бузрукхўжа ва бошқалар ҳозир бўлишганди.

— Чет элда ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган, —

деди Миён Қудрат, овозини пасглатиб.— Аммо ислом лашкарларининг кириб келиши умумхалқ қўзғолони билан қувватлансагина, иншоолло, бизга зафар ёр бўлур. Авомнинг қўзғалишига Ҳамза томонидан мақбарани бузишга уриниш туртки бўлғусидир.

— Ҳамза мақбарани бузишга йўл қўймоқчи эмас,— Бузрук эшон эътироз билдирди.

— Ҳамза мақбарани бузмоқчи эканлигини авомнинг қулоғига қуйиш лозим. Авомнинг бунга ишониши жуда муҳим,— деб жавоб берди Миён Қудрат.— Элу халқ исломни ҳимоя қилиш учун оёққа туриши лозим. Буни қандай амалга оширишни Қоплонбек жанобларига қўйиб берурмиз... Агар элу юрт бош кўтарса, биз уни йўлга солишни биламиз. Ўғлим, сиздан бўлак мақбаранинг шайхларидан ҳеч ким Шоҳимардонда бўлмаслиги лозим,— деди Миён Қудрат Ғиёсхўжага мулойимлик билан.— Сиз бу муқаддас ишда бизнинг ҳуфия ёрдамчимиз бўласиз.

— Илгари, бу ишга ҳурматли Олчинбек Назирий бошчилик қиладилар, деб келишиб олган эдик.— Тўнғиллади Бузрук эшон Ғиёсхўжага ёвқараш қилиб.

— У бу ерга шу бугун келишга ваъда берган эди, шу пайтгача дараги йўқ,— шайх Исмоил Миён Қудратга савол назари билан қараб қўйди.

— Бирон ногаҳоний кор-қол юз берган кўринадир,— Миён Қудрат маънос жавоб берди.— Назирий жанобларидан биз учун гоят бир мушкул дақиқаларда ажралиб қолган кўринамиз...

— Нега ажралиб қоламиз?— Бузрук эшон хавотирланиб сўради.— Авахта қилинибдими?

— Худонинг иродаси... Начора.— Миён Қудратга аллақачон хабар етган эди. Боши билан тасдиқ ишорасини берди.

Шайх Исмоилнинг қовоғи уюлди. Қўли шалвираб пастга осилиб қолди.

— Сирни очиб қўйса-я!— Бузрук эшон инграб юборди.

Фақат Миён Қудрат, Қоплонбек ва оқсоқ дарвиш бунга лоқайд қарашди.

— Шайх Исмоилнинг содиқ фарзандларидан, Ислом мужтаҳидларидан бирини сотқинлик қилади; деб нега шубҳаланасизлар... Олчинбек Назирий битта-яримтани сотишдан кўра ўлимни афзал кўрадиганлардан!— деди Миён Қудрат гапни калта қилиб.

— Ҳайдовчининг ўз нияти бsr, туянинг ҳам,— Бузрук эшон ҳурматни ҳам унутиб, зарда билан силтаб ташлади.— ГПУда сўроқ бериш — палов тепасидаги суҳбат эмас.

— Утиринг!— деди Қора Қоплон зарда қилиб.— Сотмайди, дейилдимми, демак, сотмайди.

— Идрис алайҳиссалом тўртинчи осмонда туриб, ўз муборақ китобларини ислом дини учун заҳмат чекувчиларнинг қўлларидан келадиган барча ишни ёзиб қолдирганлар,— деди Миён Қудрат таъсирли қилиб. Унинг қўллари кўксида, кўзлари юмуқ эди.— Мункарнакир беҳишт дарвозаларида мўминларнинг руҳларига пешвоз чиқиб, кутиб олар экан.— У кўзларини очиб, қўрққанларидан жимиб қолган ҳамтовоқларига қаттиқ тикилиб қаради-да, гапни калта қилди.— Назирий ҳеч кимнинг оёғидан тортмайди!

Орага бир неча дақиқалик сукунат чўкди.

— Бундай йўқотишлар муқаррар,— деди оқсоқ дарвиш хотиржамлик билан.— Сиз бўлсангиз, буни унутяпсиз. Ҳозир ҳам омадимиз келмай қолиши мумкин, биз эса курашни яна давом эттиришимизга тўғри келади. Одамларни тайёрлаш керак. Ёшлардан танлаш лозим.

— Шунчаки танлаш эмас,— Миён Қудрат унинг гапини қувватлади. У ўрнидан турди, қўли билан ишора қилиб, ҳамманинг ўтиришини буюрди. Бироқ тўсатдан Ғиёсхўжа томон ўгирилиб, давом этди:— Мана, кўрдингларми, ким тўғри йўл тутган. Ундан ўрнак олинглар. Сиз, азизим Ғиёсхўжа, киши кўзига жим юраверинг, ҳаммасига ҳайбаракалла қилаверинг, фаоллик кўрсатинг, сизни бирон амалга кўтаришади... Сиз... сиз янги Назирий бўласиз... Беш-олти йилга қолмай шўроларга қарши бўладиган инглиз,— у оқсоқ дарвишга ялт этиб қараб қўйди,— ёинки Олмониядан немис ҳужумини кутасиз. Ҳа, бизни ўша катта уруш бу балодан қутқаради...

Йигирма иккинчи боб

ТОҒДАН ТУШГАН ТОШ

Қурултой ўз ишини тугатиб, жумҳурият қурултойига делегатлар сайланди.

Қурултой делегатлари ётоқхонасининг хоналаридан бирида Ҳамза билан Алижон билан китобларни

боғлашар, Омонтой бир курсичада хомуш ўтирарди. Ҳамза китобларини боғлаб бўлгач, унинг олдига келди.

— Самарқандга борганиндан кейин мени танийдиган ҳамма дўстларимга саломимни айтиб қўй. Степанникида турасан. Қурултой тугагандан сўнг, тезроқ қайтиб кел,— деб тайинлади.

— Қурултойга сизни сайлашганида яхши бўлар эди,— деди Омонтой ўйчан ҳолда.— Ё иккаламизни. Шоҳимардонга бирга қайтардик.

— Ҳечқиси йўқ,— деб тасалли берди Ҳамза.— Сени сайлаб тўғри қилишди. Ахир, сен шоҳимардонлик камбағалларнинг бошлиғи, етакчисисан-а! Уларнинг номидан сен гапиришинг керак.

— Ҳамза ака,— деди Алижон уни шошилтириб,— вақт бўлди, кечикамиз.

Шу пайт эшик очилиб, хонага Зулфизар учиб кириб келди.

— Ҳамза ака!— хитоб қилди у.— Шундай шошқалоқлик қилдимки!.. Бизлар Марғилонга борган эдик...

Ҳамза Зулфизарни бағрига босиб, унинг ёноқларини майин силади.

— Сени жуда соғинган эдим,— деди у секингина.— Сени кўп кутдим.

Омонтой билан Алижон китобларни олиб чиқиб кетишди.

— Мени кечиринг, Ҳамза ака! Мен ноҳақ эдим! Сизсиз туrolмаслигимни фақат энди билдим!— деди Зулфизар титраб. Унинг кўзларида ёш ҳалқаланди.— Бирпас кутиб туринг, мен югуриб бориб нарсаларимни олиб келаман. Кейин бирга кетамиз. Мен энди ҳеч кимдан қўрқмайман. Ҳамма вақт ёнингизда бўламан. Мендан хафа эмасмисиз ишқилиб?..

Зулфизар ҳаётга шу вақтгача енгил-елпи қараб келган эканини энди тушунди, деб қувониб кетди Ҳамза.

— Йўқ, жонгинам, хафа эмасман,— деб жавоб берди у мулоимлик билан.— Лекин бирга кетишимиз мумкин эмас. Биринчидан, вақтимиз ниҳоятда зик. Иккинчидан, Фарғонадан у ёғига отда кетамиз.

— Мен нима қиламан?

— Сен икки кундан кейин йўлга чиқ. Мен Алижондан илтимос қиламан, у келиб, сени Фарғонада кутиб олади.

— Майли, ундай бўлса. Кейин ҳеч қачон ажрал-

маймиз,— деди Зулфизар Ҳамзанинг кўксига бошини қўйиб.

— Ҳеч қачон, жонгинам!— деб жавоб берди Ҳамза Зулфизарни маҳкам бағрига босиб...

* * *

Ҳамза билан Алижон тик дара ичидан аста йўл босиб боришар, йўл торайиб, қоятош тагига тақалган ерлардан улар олдинма-кетин ўтишар, кенгайган жойларда ёнма-ён кетишарди. Гўзал манзара. Кўкда қуёш ва сарин шамолнинг, гуллар ва майсаларнинг ажиб, нозик ўйини кишини сеҳрлаб, бағрига чорларди. Ҳамза табиатга суқланиб қараб, қувончини, тўлиб-тошган завқини ичига сиғдиролмай ўзини отдан таппа ташлаб, қулочини лочиндай очиб югурди, ҳансираб бориб баҳмалдай майсаларга ўзини ташлади. Баҳор нафаси уфуриб турган ерга бағрини берди, дарёнинг наърасига қулоқ солди, майсаларни қучиб, чалқанча ётиб кўм-кўк осмонга қаради.

У оламнинг чиройига боқиб тўймас, бу гўзалликка ўзини унутар даражада маҳлиё бўлар, тўйиб қарашига нимадир халақит берарди. У ўзи ҳақида ўйлаб кетди. «Нега ҳамиша кўнглининг бир чеккаси гаш, нега шу улғувор тоғлар бағрида ўта гўзал, дилбар макон қўйнида ҳам бундай баҳри-дили очилиб, роҳат қилолмайди, қалбини тегирмон тошидай бир зил дард-алам эзади. Нега? Ахир, ҳали тўрт мучаси соғ, тоғни урса талқон килгундек кучи бор-ку... Нега у бидъат уяси бўлиб қолган Шоҳимардонга келди? Зулфизар уни нега ташлаб кетди? Ҳа, у бойкушлардан, ўргимчак уясидан қўрқди, уни қўрқитишди улар. Кўнгли бўшлигидан фойдаланишди. У авлиёдан эмас, қотилликдан қўрқди. Ҳамзасининг жонига ачинди, уни ўлимдан асраб қолмоқчи бўлиб қилди бу ишми. Хўш, улар қотилликкача боришармикан? Боришади. Мол аччиғи жон аччиғи деган. Ахир қотиллик қилиш-япти-ку... Битта одамни ўлдирганлари билан Шўролар ҳукумати тугаб кетар эканми? Бу ўзларининг ўлимлари олдидаги талваса, холос. Уларнинг қотилликлари қайтага халқнинг кўзини очмоқда. Бироқ ачинарли ери шундаки, ўлим ўлимни туғдиради, қон қонни талаб қилади. Дунё дунё бўлибдики, инсон қони тўкилади. Меҳрибон оналар, бокира келинлар

ёқаларини чок қилиб, ўликлар устида зор-зор йиғлайдилар. Олам ўзи шунақа телба-тескари қурилган. Бу зиддиятларни келтириб чиқарди. Зиддият кураш деган гап. Кураш эса ҳамма вақт беомон... Инсон ўз эзгу нияти йўлида курашади, лекин ўлимни ўйламайди, баъзан шу йўлда қурбон ҳам бўлади, аммо номи қолади. Ўз ҳузур-қаловатини ўйлаган одам яшashi мумкин... Бундайларнинг аниқ бир мақсади, ўз тирикчилигидан бўлак ташвиши бўлмайди...

Худди шу пайт бирдан юмалаб тушаётган тошнинг гулдуриси эшитилди. Ҳамза овоз келган томонга қаради. Тоғ тепасидан каттакон бир тош чангтўзон кўтариб думалаб келарди.

— Тош тушяпти,— деди Ҳамза Алижоннинг олдига югуриб бориб.

— Баъзан тош ўзича тушмайди,— деб қўйди Алижон қовоғини солиб.

— Аммо буниси, ҳар ҳолда, ўзи узилиб тушяпти,— деди Ҳамза лоқайдлик билан.— Уни бизга раван қилиб қўйиб юборишмаган.

Алижон индамаси.

— Балки менинг индамас дўстим юмалаб тушаётган бу тош юзасидан шубҳаланаётгандир,— деди Ҳамза ҳазиломуз кулиб.— Алижон, нега бунчалик ҳурпайиб олдинг?

— Биладан. Тошнинг ўзи тушди,— жавоб берди йиғит.— Аммо бошқа тошнинг ўзи тушмаслиги мумкин. Худди биз кетаётган жойга тушганини айт-япман.

— Ҳамма нарса бўлиши мумкин, ҳамма нарса,— деди Ҳамза бирдан жиддий тус олиб.

— Айтинг-чи, Ҳамза ака,— деди Алижон,— нима учун Водилда ётиб қолишга кўнмадингиз? Эрталаб кетар эдик.

— Менми, дўстим, узилиб тушадиган тош ўз-ўзидан эмас, худди шу бугун бизга қараб отилишини хоҳламаганим учун у ерда ётиб қолишга кўнмадим.

— Қандай, Водилдами?— деб сўради Алижон ҳайрон бўлиб.— У ерда тоғ-поғнинг ўзи ҳам йўқ-ку... Қардан тушади тош?..

— Ёмон одам учун тош ҳар қаердан ҳам топилаверади. Қани, отларни қича, иним. Ҳализамон қсронги тушиб қолади-я.

Улар отларни қичаб, тез юриб кетишди.

У ГРАЖДАН БЎЛИБ ЯШАДИ,
СОЛДАТ БЎЛИБ ЎЛДИ

Қўқон вокзалидаги телеграф хонасида телеграфчи аппарат устига энгашиб олиб, маълумот қабул қилмоқда эди. Ундан нарироқдаги хонада Соколов билан унинг ёрдамчиси Пўлатов ўтиришибди.

— Олчинбек Назирий ўз шериклари томонидан заҳар берилганлигини, ўлими муқаррар эканлигини тушунганидан кейингина тилга кирди, кўп нарсаларни айтиб берди,— деди Пўлатов овозини пасайтириб.

— Ўртоқ Соколов, Фарғона жавоб берапти,— дея хабар қилди телеграфчи. Ҳаммалари аппарат олдига келишди. Телеграфчи лентани ўқиб бера бошлади...— Ҳамза бундан икки соат муқаддам Фарғонадан чиқиб, Шоҳимардонга кетганлиги аниқланди...

— Борамиз,— деди Соколов қарорини ёнидагиларига билдириб.— Битта паровоз оламизу жўнаймиз, Фарғонага айтинг, иккита салт от тайёрлаб қўйишсин, район марказида уларни алмаштирадиган отлар ҳам бўлсин.

Соколов билан Пўлатов битта паровозни сўраб олишиб, Фарғонага қараб шошилиш равишида жўнаб кетишди. Соколов паровоз деразасидан бошини чиқариб, олдинга бетоқат қараб борар эди...

* * *

Тоғ оралигидаги пастқам, аммо хушманзара дарадаги унча катта бўлмаган сайхонликда бир тўда қуролли одам турар, улар қимматбаҳо мятодан тикилган, лекин кийилавериш унниққан кийимда эдилар. Барчаси милтиқ ва ханжарлар билан қуролланган. Сайхонликнинг қоқ ўртасида Қора Қоплон билан Валихон.

— Чурук-чарикларга ўраниб олинглар. Ёнингизда фақат пичоқ бўлсин. Кунботишга яқин Шоҳимардонда бўлишларинг лозим,— деб уқтирди Қора Қоплон,— Валихон акаларингнинг буйруғига бўйсунасизлар. У ҳозир сизларнинг хўжайинларинг. Сен, сен, сен ҳам,— деб учта йигитни кўрсатди,— Валихон нима деса бўйин бурманглар. Ярим соатдан сўнг мен сизларнинг

қандай қиёфага кирганларингни ўзим кўздан кечи-
ман.

Қоплонбек йигитларини сўқмоқдан эргаштириб
йўлга тушди. Уларнинг кийимларига қараб, даладаги
деҳқонлардан фарқ қилиб бўлмас эди. Йигитлардан
бири белбоғидан носқовоғини олиб, кафтига бир чим-
дим тўқди-да, тилининг тагига отди. Носқовоқнинг
тумшугига олтин безак қопланган, тагига ҳам худди
шундай қилинган эди. Тиқини чармдан ишланган бў-
либ, попуги худди товуснинг бошидаги тожга ўхшаб
турар эди. У носқовоғини яна белбоғига қистириб қўй-
ди. Шу пайт буни кузатиб турган Қоплонбекнинг хи-
риллаган овози эшитилди:

— Тўхта! бундай носқовоқ батракка ярашмайди.
Бер уни бу ёққа.

У носқовоқни олиб қўлтиқ чўнтагига солиб қўйди.
Улар занжирдай тизилган ҳолда йўлда давом этишди.

— Тўхта!— деди яна Қоплонбек ўшқириб. У йигит-
лардан бирининг тўни этагини кўтарган эди, маузер
қини кўзга ташланди. Қоплонбек ҳалиги йигитнинг
қулоқ-чаккасига тарсаки тортиб юборди.

— Мен айтувдим-ку, фақат пичоқ, ханжар олин-
лар деб.— Қоплонбек ғазаб билан хириллади.— Сиз,
молга ўхшаганлар, юз киши бўлатуриб, битта Ҳамза-
дан шунчалик қўрқасизлар, аблаҳлар!

* * *

Намозгар билан шом ўртасида Ҳамза билан Али-
жон колхоз идорасига кириб боришди. У ерда Ғиёсхў-
жа ўтирар эди. У буларни кўриши билан столдан тур-
ди-да, пешвоз чиқди.

— Азизим Ҳамза, омон-эсон келдингизми, йўлин-
гизга кўз тикиб ўтирган эдик!— деди у илжайиб, улар
томон югуриб борар экан.

— Эрталабдан буён бир ўзим ўралашиб ётибман.
Каримжон билан бошқа колхозчилар ариққа чиқиб
кетишган. Бунинг устига райижроқўмдан хат келди.
Исомиддин махсум мақбаранинг мол-мулкани зудлик
билан хатга олишни буюрибди. Бу ишга кимни юбора-
миз? Ҳамма ариқда...

— Колхозчилар ишдан қайтгунларигача сабр қи-
либ туришга тўғри келади,— деди Ҳамза, канопга боғ-
ланган бир даста китобни столга қўяр экан.

— Исомиддин махсум маълумот эрталабгача тайёр қилиниб, унга етказилишини талаб қилган, — Ғиёсхўжа оёғини тираб туриб олди. — Менимча, шундай қилсак. Ҳозир шу ерда учта комсомол бор, уларни олсак, кейин сиз, Алижон билан мен бўлсам. Шунинг ўзи комиссия учун етарли эмасми?

— Комсомоллардан ким ариққа чиқмади? — сўради Алижон хушёр тортиб.

— Исҳоқ билан Мамадали қайтиб келишди. Тош сачраб, сал яраланганга ўхшайди. Санд бўлса безгак.

Ҳамза стулга ўтирди. Кейин Ғиёсхўжага қаради-да:

— Яхши, — деди. — Қишлоқ Шўросидан комиссияга Алижон, шайхлардан сиз, Ғиёсхўжа.

Ғиёсхўжа Ҳамзадан ўпкалади:

— Ҳеч қутулмас эканман-да таънадан.

— Хўп, собиқ шайхлардан, — деб кулиб қўйди Ҳамза Ғиёсхўжага қараб. — Кейин комсомоллардан халиги учаласи. Ҳамма нарсани кўздан қочирмай рўйжатга олинглар. Ҳеч нарса асло йиртилмасин ҳам, синдирилмасин ҳам. Мақбарага қулф солинглар, калит билан актни бу ёққа, қишлоқ Шўросига олиб келинглар...

* * *

Соколов билан Пўлатов отлари оқ кўпикка тушиб райижроқўм биносига келишди. Бир йигит жиловидан олиб, уларни отдан туширди. Ташқарига чикиб келадиган Исомиддин махсум Соколовга кўзи тушди-ю, ўзини бино ичкарасига олиб яширинди.

Соколов билан Пўлатов отларини алмаштириб, айилни маҳкам тортишди, ҳалиги йигит буларга кўмаклашарди.

— Ўртоқ Пўлатов, қаерга бунчалик шошпасизлар? — деб сўради ҳалиги йигит унинг қулосига пичирлаб.

— Шоҳимардонга, Акбар ака, аксилинқилобнинг ўқ илдизи ўша ерда, — деб жавоб берди Пўлатов ҳам эшитилар-эшитилмас қилиб: — Шайхлар Ҳамзани ўлдирмоқчи экан, — деди.

— Шайхлар... Ҳамзани... Нега? Бунга қандай ҳадлари сиғади! — хитоб қилди Акбар.

— Шайх Исмоил халқни эзиб, сувини иймоқчи. Ҳамза эса бу ишга тўғаноқ бўляпти. Хўп, ҳозирча хайр, — деди Пўлатов, эгарига лип этиб миниб олиб.

Акбар чарчаб келган отларни қўра четига боғлаб қўйди-да, чойхонага югурди. Ўша заҳоти чойхонадан бир неча деҳқон югуриб чиқиб, ҳар ким ўз отига минганича буларнинг орқасидан йўлга тушди.

Март ойи. Осмонни булут қоплаб олган.

Соколов билан Пўлатов дала йўлларидан от қўйиб боришар экан, ариқ бўйида икки кекса деҳқон чой ичиб ўтирганини, улардан сал нарида анча-мунча от ўтлаб юрганини кўриб қолишди. Деҳқонлардан бири уларни таниб қолиб, ирғиб ўрнидан турди.

— Степан ака, қаёққа шошиб кетяпсиз?— деди Соколовга рўпара бўлиб,— бир пиёла чой ичинглар...

— Бир пиёла сув беринг, ота, чой ичиб ўтиришга фурсат йўқ,— деди Соколов отини тўхтатиб.

— Қаёққа шошяпсиз?— кекса деҳқон сув узата туриб саволини такрорлади.

— Шоҳимардонга. Шайхлар Ҳамзага қасд қилишган,— деб жавоб берди Соколов, ҳалқумини хўллаб олиб.

Пиёла ҳалиги деҳқоннинг қўлидан тушиб кетди.

— Ҳамзамизни-я!— хитоб қилди у.— Бу тагин қандай кўргилик. Тавба!

Чой чойда қолди, улар кетмонларини олиб, отлари олдига югуришди. Биттаси икки кафтини оғзига карнай қилиб, қўшни ерда ишлаётган деҳқонларни чақирди:

— Абдусалом! Ҳо Абдусалом! Ишни йиғиштир! Шайхлар Ҳамзанинг жонига қасд қилаётган эмиш!..

Иккаласи ҳам от-отига миниб, Соколовнинг орқасидан от қўйиб кетди.

Соколов кетидан деҳқонлар бир-бирларига хабар бериб йўлга тушаверишди. Улар борган сари кўпайиб борар, келаётганларнинг охири кўринмас эди. Биров кетмон, биров калтак, яна биров ўроғини олволган. Ботиб бораётган куёш шуъласида кетмон билан ўроқларининг тиғлари йилтиллаб кетар, баъзан кўтарилган чанг-тўзон ичидан ҳеч нарсани кўриб бўлмас, фақат от туёқларининг овозигина эшитиларди.

* * *

Комиссия мақбара томон йўл олди. Қишлоқ сукунат қўйнида. Аҳён-аҳёнда томларда ўтирган паранжили аёллар кўзга ташланарди.

Комиссия мақбарага чиқиб борганида, майдонда бир гуруҳ зиёратчиларга дуч келди. Булар Қоплонбек.

нинг кийимларини ўзгартириб олган йигитлари эди. Мақбара эшиклари очиқ эди.

— Халойиқ,— деб мурожаат қилди Алижон, зиёратчиларга қараб.— Шоҳимардон аҳолисининг райижроқўм томонидан тасдиқланган қарорига биноан, мақбарани ёпиб қўйишга қарор берилди. Биз ҳозир...

— Мақбарани бузишга йўл қўймаймиз!— деб қичқирди бошига катта салла ўраган бир қора одам. У Қоплонбек эди. Шундан кейин худди команда берилгандай, мусофирлар тўдаси жунбишга келди. Тоғ, дара даҳшатли шовқинга тўлди:

— Иблислар! Диндан қайтганлар! Мўминлар, ур уларни! Ҳазрат Алининг қабрларини оёқ ости қилмоқчи бўлганларга ўлим!

Комсомоллар томон тошлар учиб кела бошлади. Ғиёсхўжа бир четда турар, тошлар уни четлаб ўтарди.

— Мўминлар!— деди у.— Ҳукуматга қаршилик кўрсатиш яхшимас. Бу шаштингиздан қайтинг!

— Бошланглар!— деб буйруқ берди Қоплонбек. Унинг атрофидаги ўнлаб йигит мақбара томон тош ота бошлади. Бир лаҳзада мақбара эшиги тошлар зарбига бардош беролмай, парча-парча бўлиб кетди. Тахтачалардаги нақшлар тўкилиб туша бошлади, қабр устидаги чойшаб билан яңил байроқ олиб чиқилиб, майда-майда қилиб йиртиб ташланди. Бир неча йигит мақбара ичига кириб олиб, пештоқни буза бошлади. Комсомоллар бу ҳодисани кўриб ҳайрон бўлиб қолишди. Охири Алижон чидай олмади.

— Нима қиялпизлар ўзи? Бас қилинглар!— деб қичқирди у йигитларга ташланиб, лекин бир тош келиб тегиб, уни қулатди. Бошқаларни ҳам уриб йиқитишди. Қоплонбекнинг сал ишораси билан Ғиёсхўжа ердан тош олди-да, пешонасига уриб қонатди. Пешонасидаги қонни артмай, қоядан пастга қараб югурганича тушиб кетди.

— Мақбарани бединлар оёқ ости қилишларига йўл қўймаймиз. Динини сотганларга ўлим!— Мақбара олдида Қоплонбек одамлари тобора қутуришарди...

Ҳамза комиссияни кузатгач, колхоз идорасида бир ўзи қолди. У стол устидаги бир варақ қоғозга тикилиб ўтирарди. Бу қоғознинг тепасига: «Шоҳимардондан бадарга қилиниши керак бўлган одамлар рўйхати» деб сарлавҳа қўйилган эди. Ҳамза рўйхатдаги кишиларнинг номларини бирма-бир кўздан кечирди-да, баъзи

жойларига ўзгартиришлар киритди. Рўйхатни тайёр қилиб, уни бирон жойга эҳтиётлаб қўймоқчи бўлиб турганида ҳаммаёғи қонга беланган Ғиёсхўжа кириб келиб қолди.

— Бир тўда муттаҳамлар комсомолларни тошбўрон қилишяпти,— деди у нафаси оғзига тиқилиб, кейин ўзини ерга таппа ташлади. Ҳамза сапчиб туриб, олдидаги рўйхатни ҳам унутди-да, ташқарига отилди. Аббосхон отасига эргашди. Ҳамза чиқиб кетгач, Ғиёсхўжа ўрнидан турди. У стол устидаги рўйхатга кўзи тушиб, уни олиб ўқиди. Ғазабидан лаблари буришиб, кўзлари чақчайиб кетди.

— Мени ҳам ёзибди рўйхатига! Максадингга етолмайсан!..— дея рўйхатни парчалаб ташлади.

Ҳамза ташқарига чиққанида қоронғи тушиб қолган, шамол гоҳ оч бўридай увиллар, гоҳ иблисона қаҳқаҳа урар, чийиллаб йиғлар, ҳеч нарса кўринмас эди. У мақбара томон кучининг борича, юқорига интилар эди. Саҳнга чиқиб борганида орқасида Қора Қоплон билан оқсоқ дарвиш пайдо бўлди. Қора Қоплоннинг қўлида пичоқ, юзларидан заҳар томарди. У, юқорига чикқунича ўпкаси ҳолдан кетган, нафаси оғзига тиқилиб, зўр-базўр оёқда турган Ҳамзанинг олдига келди.

— Мени танимадинг-а, Ҳамза,— деди у хириллаб.

— Қимсан?!

— Ажалингман! Сен мени ўз мулкимдан маҳрум қилиб, Қўқондан ҳайдаганингни эсласанг керак. Эсингга тушмаган бўлса, ўзим ёрдам бераман. Мана!— Қора Қоплон Ҳамзанинг елкасига пичоқ санчди. Ҳамза йиқилиб тушди.

— Хсин!— деди инқиллаб.— Мен икковингни энди танидим...

— Тугатинг!— деди оқсоқ дарвиш зарда билан.— Одамлар кўриб қолишади!

Қора Қоплон пичоғини иккинчи бор санчди-да, оқсоқ дарвиш билан тун қўйнига шўнғиди.

Нима гап бўлаётганига ақли етмай турган Аббосхон шундан кейингина ўзига келди.

— Дада, дадажоним!— деб қичқирди-да, отасига ташланди. Лекин унга етиб боролмади. Дарвишнуса бир одам унинг елкаларига чанг солиб даст кўтарди-да, «чаённинг боласи — чаён», деб ижирганиб улоқтириб юборди. Бола ёни билан тошга урилиб ҳушдан кетди. Оғзи-бурнидан қон келди. Қариялардан бири зиммасига шайх юклаган вазифани ҳам унутиб Аб-

босхонни кўтариб олди. «Болада нима гуноҳ?» деганича тўдадан чиқди.

Ҳамза: «Аббосхон, болам...» деб инграганича тошга суяниб, ўрнидан турди. Нурсизланиб бораётган кўзларига узоқ-узоқлардан аллақандай хира чироқлар кўринди, ўша чироқлар у томон тобора яқинлашиб келар эди. Ҳамза теварагини бир лаҳзада ўраб олган ҳисобсиз машъалаларни элас-элас кўрди-да, энг сўнгги кучини тўдлаб, ўша машъалаларни кўтариб турган одамларга қаради.

— Одамлар!— деди хириллаб. Оломон қотиб қолган эди. Ҳамза эса, томоғи қақраб кетганидан гапиролмай қийналар, зўр бериб, лабини ялар эди. У бор кучини йиғиб, вужудини куйдириб бораётган жароҳатлари аламига ҳам қарамай ҳайқирди.— Сизларни алдашибди. Душманнинг иғвосига алданибсиз...— Аллақандай куч уни ўрнидан тургизди. Ҳаммаёғи қоп-қора қон, тошга елкасини тираб, нафасини сал ростлаб олди-да, давом этди.— Барибир янги турмушни бўғиб ташлай олмайсизлар. Ҳаммангизнинг қўлингизда тошу оёқларингиз қалтирайди, қочгани жой излаб, кўзингиз жангалайди. Сизлар ҳозир ҳам мендан ҳайиқасизлар.

У олдинга бир қадам ташлади. Шайхлар орқага тисланди.

Ҳамзанинг кўз олди қоронғилашиб, боши айланди. Бир лаҳза ичида ҳаётининг барча яхши, ёмон дамларини бир-бир хотирлаб, унга хаёлан разм солди: «Мен эл-юрт учун яшадим, эл-юрт деб курашдим, эл-юрт деб жонимни ҳам аямадим...»

Кимдир қўлидаги машъалани юқорига кўтарди, кимдир «ур!» деб ириллади, кимлардир Ҳамза томон тош отишди...

Чўққиларига осмон тўнтарилган тоғлар, кўпириб, тошдан-тошга урилаётган сойлар бир лаҳза жим қолишди. Туннинг бу оний жимлигини худди тоғ қулагандай бўлиб гумбурлаган момақалдиरोқ — оташнок чақмоқлар бузди. Замин силкинди, осмон тешилди. Тентак бўрон тўрт томонга наъра тортиб ىзғиди. Бу асов ғалаён узоққа чўзилмай дами чиққан пуфакдай тинчиди-қолди.

Ҳамзанинг чироғи аста-секин ўчиб бораётган кўзларини ўнгида худди ана шу жойда болалигида кўрган даҳшатли воқеалар хира сурат тортди: унинг қулоғи остидан қандайдир бир ғариб чолнинг: «Болеем», деб бўзлаши ҳеч нари кетмас эди. Бу ёт киши эмас, унинг жа-

фокаш отаси Ибн Ямин эди. Миён Қудрат ҳазратнинг кийимларини кийиб, салласини ўраб олган, айниқ бўлиб айниқ эмас, бўри бўлиб бўри эмас, аллақандай сўйлоқ тишли бир махлуқ қиёфасида рўпарасига келиб туриб оларди. Шу пайт тош орқасидан бир гала алвасти чиқиб девлар бошчилигида унинг устига бостириб келишди-да, чангалларини кифтига ботириб, осмонга олиб чиқиб кетишди. Бир маҳал шағирлаган ваҳим тўла тубсиз жар ёқасига бориб, пастга ташлаб юборишди. Ҳамза юзтубан бўлиб тупроқ ерда ётарди, у тепасига қараса, соқоли кўксига тушган нуроний бир чол қон йиғлаб туриб унга хитоб қиляпти: «Мард бўл, ўғлим, бўй эгма, тик қара, қоқилдинг, ётма, тур, ўғлим, қаддингни тикла!..» Ҳамзанинг йиртилиб, қон оқиб ётган лабларидан «Отажон!» деган эшитилар-эшитилмас султ бир калима чиққандай бўлди. Ҳамма нарса ҳушёр тортди. Қуюндек оқиб келаётган от туёқларининг дупурини эшитиб, қотиллар бир-бирига аланг-жалам қаради, тўғри келган томонга ўзини олиб, тун қаърига сингиб кета бошлади.

Тошбўрон қилиниб ерда чўзилиб ётган Ҳамза ўзининг қисқа умрида бутун босиб ўтган йўли, чексиз коинот, абадий ҳаётнинг улугворлиги, мўъжизакорлиги, жабру ситамлари, шафқатсизлиги фусункор дилраболиги — бутун зиддиятлари билан бир нафасга кўз олдидан яна бирма-бир ўтгандай бўлди-ю, оғир бир «уҳ» тортиб, кўзини юмди.

Шоҳимардон қишлоғига Степан Соколов, Рустам Пўлатов бошчилигида деҳқонлар кириб келишганда, ҳозиргина бир машъум ҳодисага сабаб бўлган қора тўданинг жонсарак бир қисми ўзини қаёққа уришни билмай, гангиб турарди. Уларга ҳеч ким паноҳ бўлмади. Уларни халқ милицияси, Рустам Пўлатовнинг одамлари қишлоқ майдонида ҳалқага ўраб олишди. Лекин икки кўланка тўдадан ажраб, ўзини дарага урди. Соколов уни пайқаб қолиб, изидан тушди. Соколовнинг у ёқ-бу ёғидан ўқлар уча бошлади. Соколов ҳам қочиб бораётганларнинг бирини қорага олиб маузери тепкисини босди. У «гурс» этиб йиқилдию жимиб қолди. Иккинчиси ўқ уза-уза даранинг тепасига қараб чекиниб борарди, Соколов уни кўздан қочирмай, таъкибини давом эттирди. Қочоқ бир тошнинг орқасига ўтди, Соколов яқинлашиб қолган эди. Қочоқ Соколовни нишонга олиб отди, лекин ўқ отилмади. Соколов унинг ўқи тугаганлигини тахминлаб келаётганлиги

учун ҳам отини қичаб, унинг устига бостириб бораверган эди. Қочоқ бошида ярақлаб турган қилични кўриб, таслим бўлишдан бошқа иложи қолмаганлигини фаҳмлади, иккала кўлини кўтарди. Соколовнинг қиличи бўшлиқда муаллақ қолди. Соколов унинг бошидаги салласини юлқиб олди-да, иккала кўлини қайириб орқасига боғлади.

— Қани, юр, мараз,— деди у қочоққа амр қилиб.

— Мен эмас, Қора Қоплон ўлдирди уни,— деди маҳбус йўлда тўнкарилиб ётган харсангдек жасадга ишора қилиб.

Соколовнинг суриштириб ўтиришга фурсати йўқ эди. Маҳбусни қиличи учи билан туртиб-туртиб, қишлоқ майдони томон ҳайдаб тушиб кетди...

* * *

1958 йил. Шоҳимардоннинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетган. Энг обод ерда мактаб биноси қишлоқ ҳуснига ҳусн қўшиб турарди. Унинг пештоқига «Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий номидаги ўрта мактаб» деган лавҳа осиб қўйилган. Кенг ва ёруғ синфда Алижон адабиётдан дарс ўтмоқда. У элликлардан ошиб, сочларига оқ оралаган. Лекин ҳали анча тетик.

— Устоз Ҳамза ҳалок бўлганда неча ёшда эди?— деб сўради Алижон. Бутун синф бир оғиздан:

— Қирқ ёшда,— деб гуриллаб жавоб берди.

— Ҳа, қирқ ёшда эди, ўттиз ёшда эр атанган қирқ ёшида шер атанур. Хўш, қани, ким Ҳамзанинг шеърини ёддан ўқиб бера олади?— деб сўради у талабалардан. Ҳамма бараварига қўл кўтарди.

— Меҳриниса, сен ўқий қол!

Партадан ўн тўрт-ўн беш ёшлар чамасидаги бир ёқимтойгина қизалоқ турди-да, доска олдида чиқиб, болаларга қараб, қаддини ростлаган ҳолда шеър ўқий бошлади:

Белди очилур чоғи ўзлигинг намоён қил!

Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил!..

У шундай тўлқинланиб ўқир эдики, бутун синф бу ўтли сўзларни жим бўлиб берилиб тинглар эди...

...Шоҳимардон, собиқ мақбара турган қоятош тепасида ёзги кутубхона. Репродуктордан Санобар Шодмонхўжаеванинг овози равон оқмоқда:

Оналик ҳуқуқингни ҳурмат этмаганларни
Юзларин қаро айлаб феълидан пушаймон-қил.

Майдоннинг энг баланд ерига Ҳамзанинг даҳмаси
кўтарилган. Даҳма ичидаги мрамрдан қўйилган қабр
тошига :

• Бу жаҳонда ком, ноком ўтғуси ҳаркас ниҳон
Ҳар на қилким, ёдгоринг қолгудек эъзоз топ

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

1889—1929

БИРИНЧИ ЎЗБЕК ХАЛҚ ШОИРИ, ДРАМАТУРГИ
ВА ЖАМОАТ АРБОБИ»

деб ёзиб қўйилибди.

Сал пастроқда иккинчи бир лавҳа кўзга ташла-
нади :

У граждан ва коммунист бўлиб яшади, солдат бўлиб
ўлди.

Унинг номи — муҳаббат сингари мангудир.

1974—1980 йиллар

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ КИТОБ

Шоир қалби

Биринчи қисм

Бўрон эпкилари

<i>Биринчи боб. Шоҳимардон</i>	<i>4</i>
<i>Иккинчи боб. Олтин бешик</i>	<i>18</i>
<i>Учинчи боб. Илк муҳаббат</i>	<i>25</i>
<i>Тўртинчи боб. Содиқжон бойвачча дейдилар уни</i>	<i>32</i>
<i>Бешинчи боб. Сайилгоҳда</i>	<i>49</i>
<i>Олтинчи боб. Тўқнашув</i>	<i>69</i>
<i>Еттинчи боб. Ширин туйғулар ва илон заҳри</i>	<i>78</i>
<i>Саккизинчи боб. Шаҳзодахон</i>	<i>85</i>
<i>Тўққизинчи боб. Миён Қудрат ҳазрат</i>	<i>92</i>
<i>Ҳиничи боб. Онанзор</i>	<i>96</i>
<i>Ун биринчи боб. Ота ва ўғил</i>	<i>103</i>
<i>Ун иккинчи боб. Ҳамзанинг шажараси</i>	<i>109</i>
<i>Ун учинчи боб. Қўқон ҳокими</i>	<i>116</i>
<i>Ун тўртинчи боб. Ачахон</i>	<i>123</i>
<i>Ун бешинчи боб. Сўнгги учрашув</i>	<i>132</i>
<i>Ун олтинчи боб. Азага айланган тўй</i>	<i>139</i>
<i>Ун еттинчи боб. Заҳарли ҳаёт кўзгуси</i>	<i>150</i>
<i>Ун саккизинчи боб. Жудолик устига жудолик</i>	<i>158</i>
<i>Ун тўққизинчи боб. Аксинья — Зуҳра</i>	<i>165</i>
<i>Йигирманчи боб. Улоқда</i>	<i>175</i>
<i>Йигирма биринчи боб. Сайёр труппа</i>	<i>185</i>
<i>Йигирма иккинчи боб. Биринчи ғалаба</i>	<i>188</i>
<i>Йигирма учинчи боб. Зулмат бойқушлари</i>	<i>198</i>
<i>Йигирма тўртинчи боб. «Оқпадар»</i>	<i>206</i>
<i>Йигирма бешинчи боб. Ҳамза — «ҳожид»</i>	<i>212</i>
<i>Йигирма олтинчи боб. Ҳиёнат</i>	<i>229</i>
<i>Йигирма еттинчи боб. Жосус</i>	<i>235</i>
<i>Йигирма саккизинчи боб. Хуррият</i>	<i>242</i>
<i>Йигирма тўққизинчи боб. Сайдовдағи фитна</i>	<i>249</i>
<i>Уттизинчи боб. Сафохон тўра</i>	<i>253</i>

Иккинчи қисм

«Яша Шўро!»нинг туғилиши

<i>Биринчи боб. Шўройи исломил</i>	<i>267</i>
<i>Иккинчи боб. Қўқон мухторияти</i>	<i>277</i>
<i>Учинчи боб. Икки ҳокимият</i>	<i>284</i>
<i>Тўртинчи боб. Умар полвон</i>	<i>290</i>
<i>Бешинчи боб. Хонликка даъвогар</i>	<i>299</i>

Олтинчи боб. Бўрининг ўлими	304
Еттинчи боб. Қизил Шарқ поезде	318
Саккизинчи боб. Ҳам қалам, ҳам қурол билан	329
Тўққизинчи боб. Қоғон	343
Унинчи боб. Ёнгиндан кучли	352

ИККИНЧИ КИТОВ

Икки тўлқин

Биринчи қисм

«Келди очилур чоғинг...»

Биринчи боб. Самарқанд	374
Иккинчи боб. Очиқ хотин	381
Учинчи боб. Фусункор овоз	384
Тўртинчи боб. Кураш	386
Бешинчи боб. Жигархун шоир	394
Олтинчи боб. Хоразм ҳикояти	396
Еттинчи боб. Тошпўлат	406
Саккизинчи боб. Дўстлар	413
Тўққизинчи боб. Йўлдош Охунбобоев ҳузуридаги гап	416
Унинчи боб. Қўй терисидаги бўрилар	421
Ун биринчи боб. Жасорат	426

Иккинчи қисм

Абадият

Биринчи боб. Шоҳимардонда баҳор	435
Иккинчи боб. Шодмонхўжа	444
Учинчи боб. Алижоннинг изтироблари	448
Тўртинчи боб. Икки қиргоқ	451
Бешинчи боб. Сирли сафар	458
Олтинчи боб. Тоғ қизи	462
Еттинчи боб. Назр	467
Саккизинчи боб. Қизил шайхнинг қора нияти	472
Тўққизинчи боб. Рашк	476
Унинчи боб. Қафасга тушган куш	483
Ун биринчи боб. Қизил чойхона	489
Ун иккинчи боб. Саводсизликни тугатиш мактаби	504
Ун учинчи боб. Зўраки тўй	508
Ун тўртинчи боб. Маърифат нури	534
Ун бешинчи боб. Бузрук эшоннинг аризаси	538
Ун олтинчи боб. Зулфизарнинг гумони	548
Ун еттинчи боб. Урик гуллаганда	554
Ун саккизинчи боб. Танбур ноласи	567
Ун тўққизинчи боб. В. И. Ленин Шоҳимардонда	571
Йигирманчи боб. Қўқонда қурултой ва Шоҳимардонда сўнги талваса	581
Йигирма биринчи боб. Ниқоб йиртиб ташланди	592
Йигирма иккинчи боб. Тоғдан тушган тош	601
Йигирма учинчи боб. У граждан бўлиб яшади, солдат бўлиб ўлди	604

На узбекском языке

Камиль Яшен

ХАМЗА

Роман

Редактор *Т. Ҳобилов*

Расмлар *Ж. Умарбековники, муқова А. Бобровники*

Расмлар редактори *А. Кизил*

Техн. редактор *Т. Смирнова*

Корректорлар *Д. Зоҳидова ва М. Гафурова*

ИБ № 2002

Босмахонага берилди 22.01.82. Босишга рухсат этилди 15.07.82. P15015. Формати 84×108^{1/2}. Босмахона қоғози №3. Мактаб гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма л 32,35+0,52 вкл. Нашр л 34,0+1,0 вкл. Тиражи 60000 Заказ № 614 Баҳоси 2 с. 50 т. Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-босмахонаси, Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.















